

Эдмунд Гидденс

СОЦИОЛОГИЯ



Anthony Giddens

SOCIOLOGY

POLITY PRESS



Энтони Гидденс

СОЦИОЛОГИЯ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланмаси сифатида тавсия қилинган

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2002

Қўлланма “Очиқ жамият” институти —
Кўмак жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси
ҳомийлигида таржима қилинди ва нашр этилди.

Т а р ж и м о н л а р — *Н. Маматов, Ж. Бегматов*

И л м и й м у ҳ а р р и р л а р:
профессор *Абдуллажон Бегматов*,
профессор *М. Бекмуродов*.

Г 45

Гидденс Энтони.

Социология: Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма / Тарж.
Н. Маматов ва Ж. Бегматов.— Т.: Шарқ, 2002.— 848 б.

Энтони Гидденс ҳозирги назарий социология муаммоларини тадқиқ қилишга катта ҳисса қўшган энг йирик социологлардан бири. У ҳозирги жамият стратификацияси, ижтимоий ҳаракат назарияси ва ижтимоий тузилма, ижтимоий назарияни ишлаб чиқиш билан шуғулланган. Э.Гидденснинг “Социология” дарслиги ҳозирги босқичдаги социологик билимнинг батафсил баёни бўлиб, у назарий асосланган тарзда, юқори профессионализм билан замонавий социология муаммоларини тартиблайди, бунга асос қилиб у энг янги ижтимоий назарияни олади. Шу жиҳатдан Гидденснинг дарслиги ҳозиргача мавжуд қўлланмалардан ажралиб туради.

Дарсликда тизимли ва тарихий ёндашув муваффақиятли уйғунлаштирилган: ҳар бир муаммони таҳлил қилиш унга нисбатан социология тарихида мавжуд бўлган қарашларни баён қилишдан бошланади.

Дарслик фақатгина муаммоларни назарий ишлаб чиқиш жиҳатидангина эмас, ундаги бой фактик материаллар нуқтаи назаридан ҳам сўзсиз замонавийдир. Гап дарслик мазмунининг ҳам назарий, ҳам эмпирик жиҳатдан жамиятнинг ҳозирги ҳолатига мос келиши тўғрисида бормоқда.

ББК 60.5я73

© Оригинал: Anthony Giddens, 1989, 1993.

© Ўзбекча нашри: «Очиқ жамият» институти —
Кўмак жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси.

© «Шарқ» нашриёт-мағбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2002 йил.

Мундарижа

Сўзбоши	21
Муаллиф муқаддимаси	23
Асосий мавзулар	24
Китобнинг тузилиши	25
Бобларнинг қисқача мазмуни ва глоссарий	26
Талабалар учун: бу китобдан қандай фойдаланиш керак?	27

I Қ И С М. СОЦИОЛОГИЯГА КИРИШ

1-б о б. Социология: муаммолар ва истиқбол

Социология нима билан шуғулланади? Бир неча мисоллар	29
Севги ва никоҳ	29
Саломатлик ва хасталик	30
Бошқа мисоллар: жиноят ва жазо	31
Хулоса: социологиянинг моҳияти	33
Ҳозирги дунёдаги ўзгаришлар	33
Социология ва “соғлом фикр”	34
Социологик саволлар: фактологик, қиёсий, назарий ва ривожланиш саволлари	
Фактологик саволлар	37
Қиёсий саволлар	37
Ривожланиш саволлари	37
Назарий саволлар	38
Инсон хатти-ҳаракатларидан кўзда тутилган ва тутилмаган оқибатлари	39
Бизнинг хатти-ҳаракатларимиз тўғрисида социология нима дейиши мумкин?	40
Ижтимоий тузилма ва инсон хатти-ҳаракатлари	41
Социологик дунёқарашнинг ривожланиши	41
Социологияни фан дейиш мумкинми?	43
Объективлик	44
Социологиянинг амалий аҳамияти	
Ижтимоий вазиятларни тушуниш	45
Маданий тафовутларни сезувчанлик	45
Сиёсий хатти-ҳаракатлар натижасини баҳолаш	46
Ўз-ўзини билишнинг чуқурлашуви	46
Социологиянинг жамиятдаги роли	46
Яқуний изоҳлар	47
Бобнинг қисқача мазмуни	47

II Қ И С М. МАДАНИЯТ, ШАХС ВА ИЖТИМОЙ ЎЗАРО ТАЪСИР

2-б о б. Маданият ва жамият

Маданиятлар учрашуви	50
Бошқа маданиятлар билан илк алоқалар	51
Маданият тушунчаси	52
Инсон насли	53
Эволюция	54
Одамлар ва маймулар	54

Табиат ва тарбия	56
<i>Социобиология</i>	56
Инстинктлар	57
Маданий ранг–баранглик	58
Маданий идентлик ва этноцентризм	59
Маданий универсалиялар	60
Тил	61
<i>Нутқ ва ёзув</i>	62
Семиотика ва моддий маданият	62
Аввалги жамиятларнинг типлари	63
Овчилар ва термачилар	64
<i>Мбути пигмейлари</i>	65
Табиий “фаровонлик жамиятлари” бўладими?	66
Чорвадор ва деҳқончилик жамиятлари	67
<i>Чорвадор жамиятлар</i>	67
<i>Деҳқончилик жамиятлари</i>	70
Ноиндустриал цивилизациялар ёки анъанавий давлатлар	71
<i>Майя цивилизацияси</i>	72
<i>Анъанавий давлатларнинг асосий белгилари</i>	72
Ҳозирги дунёдаги жамиятлар	73
Саноатлашган жамиятлар	73
Уч “дунё”	77
<i>Учинчи дунё мамлакатлари</i>	77
<i>Биринчи ва иккинчи дунё мамлакатлари</i>	78
Хулоса	79
Бобнинг қисқача мазмуни	79
Кўшимча адабиёт	80

3-б о б. Ижтимоийлашув ва ҳаётий цикл

«Ижтимоийлашмаган» болалар	82
«Авейронлик ёввойи»	82
Жени	83
Чақалоқ ривожининг илк босқичлари	84
Сезги органларининг ривожланиши	84
Йиғи ва кулги	85
Чақалоқлар ва оналар	86
Ижтимоий реакцияларнинг шаклланиши	87
Меҳрибонлик ва йўқотишлар	88
<i>Иҳоталанган маймунлар</i>	89
<i>Бола депривацияси</i>	89
<i>Депривациянинг узоқ муддатли оқибатлар</i>	90
Боланинг ижтимоийлашуви	90
Болалар ривожига ҳақидаги асосий назариялар	91
Фрейд ва психоанализ	91
<i>Шахс ривожланиши</i>	92
<i>Баҳо</i>	93
Ж.Г. Мид назарияси	93
Пиаже: когнитив тараққиёт	94
<i>Когнитив тараққиёт босқичлари</i>	95
<i>Баҳо</i>	97
Назариялар ўртасидаги боғланиш	98
Ижтимоийлашув агентлари	98
Оила	98
Тенгдошлар билан муносабатлар	100
Мактаб	101

Оммавий ахборот воситалари	101
Ижтимоийлашувнинг бошқа агентлари	102
Қайта ижтимоийлашув	103
Концентрацион лагердаги хулқ-атвор	103
«Мияларни чайиш»	104
Ҳаёт йўли	105
Болалик	105
Ёшлик	107
Ёш катта ёшлилар	107
Етуклик	107
Кексалик	108
Ўлим ва авлодлар ворислиги	109
Ижтимоийлашув ва индивидуал эрк	110
Бобнинг қисқача мазмуни	111
Кўшимча адабиёт	112

4-б о б. Ижтимоий ўзаро таъсир ва кундалик ҳаёт

Кундалик ижтимоий ҳаётни тадқиқ қилиш	114
Новербал мулоқот	115
Юз ва ҳиссиётлар	115
“Юз” ва маданият	117
Ижтимоий қоидалар, сужбатлар ва сўзлашув	118
Ўзаро тушуниш	118
<i>Гарфинкел тажрибалари</i>	119
Сўзлашув шакллари	120
Хатолик ва янглишлар	122
Ундов — реакциялар	122
Валдирашлар	122
Ўзаро таъсир жараёнида юз, нутқ ва тана ҳолати	124
Тўқнашувлар	124
Вазият ва ҳолатлар	125
Таассуротларни бошқариш	126
<i>Олд ва орқа планлар</i>	127
Ролларга кўникиш: интим хусусиятли синов	128
Тўқнашувлар ва шахсий макон	129
Макон ва замондаги ўзаро таъсир	130
Соат вақти	131
Вақт географияси	132
Макон-замондаги чекловлар	133
Минтақалаштириш	134
Маданий ва тарихий истиқболдаги кундалик ҳаёт	135
Микросоциология ва макросоциология	138
Бобнинг қисқача мазмуни	138
Кўшимча адабиёт	140

5-б о б. Конформлик ва девиант хулқ

Оғиш нима?	141
Меъёрлар ва санкциялар	143
Қонулар, жиноятлар ва жазолар	145
Саноат давригача бўлган жиноятлар	145
Жазо усулларидаги ўзгаришлар	146
<i>Қамоқхона ва жинниқхоналар</i>	146
Оғишларни тушунтиришга уринишлар	147
Жиноят ва девиациянинг биологик ва психологик назариялари	147
<i>Биологик далиллар</i>	147

<i>Жиноят ва психопатик шахс: психология нуқтаи назари</i>	149
<i>Жамият ва жиноят: социологик назариялар</i>	151
<i>Табақалашган уюшма</i>	151
<i>Аномия — жиноят сабаби сифатида</i>	152
<i>Аномия ва уюшма: жиний субмаданиятлар</i>	153
<i>Баҳо</i>	154
<i>Стигматизация назарияси</i>	154
<i>Рационал танлов ва жиноятларнинг «вазиятли» талқини</i>	156
<i>Назарий хулосалар</i>	158
<i>Жиноятлар ва криминал статистика</i>	159
<i>Қотиллик ва бошқа оғир жиноятлар</i>	161
<i>Қотилликлар</i>	161
<i>Оғир жиноятлар</i>	162
<i>Қамоқхоналар ва жазолар</i>	163
<i>Ўлим жазоси</i>	165
<i>Жинс ва жиноят</i>	165
<i>Эркаклар ва аёллар жиноятчилиги даражаси</i>	166
<i>Жиний гуруҳлар таркибидаги қизлар</i>	167
<i>Аёллар қамоқхоналаридаги зўрлик</i>	169
<i>Баҳо</i>	169
<i>Бой одамлар ва ҳокимиятга эга бўлган одамларнинг жиноятлари</i>	170
<i>«Оқ ёқалилар» жиноятчилиги</i>	170
<i>Ҳукумат жиноятлари</i>	172
<i>Уюшган жиноятчилик</i>	173
<i>Қурбонсиз жиноятлар</i>	175
<i>Рухий касалликлар ҳақидаги тасаввурлар</i>	176
<i>Психоз ва невроз</i>	176
<i>Жисмоний даволаш усуллари</i>	176
<i>Рухий хасталикларга ташxis қўйиш</i>	177
<i>Ақлдан озилнинг табияти: қолдиқ меъёрларининг бузилиши</i>	178
<i>Сиёсат, ижтимоий босим ва психиатрия</i>	179
<i>Беморларни ихоталашдан воз кечиш</i>	180
<i>Девиация ва ижтимоий таъсир</i>	181
<i>Бобнинг қисқача мазмуни</i>	182
<i>Қўшимча адабиёт</i>	183

6-6 о б. Гендер ва сексуаллик

<i>Жинс, гендер ва биология</i>	185
<i>Жинсий тафовутлар манбаи</i>	185
<i>Хулқ-атвордаги фарқлар биологик асосга эгами?</i>	186
<i>Ҳайвонлар оламидаги фактлар</i>	187
<i>Инсон билан боғлиқ фактлар</i>	188
<i>Ижтимоийлашиш ва гендер</i>	189
<i>Ота-оналар ва катталарнинг реакцияси</i>	189
<i>Гендер ва тарбия</i>	190
<i>Китоблар ва ҳикоялар</i>	191
<i>Телевидение</i>	192
<i>Мактаб ва тендошлар таъсири</i>	192
<i>Бола тарбиясига нозинсий ёндашувнинг қийинчиликлари</i>	193
<i>Гендер ўқшашлик ва жинс: уч назария</i>	194
<i>Фрейднинг жинсий ривожланиш назарияси</i>	194
<i>Баҳо</i>	195
<i>Чодоронинг жинсий ривожланиш назарияси</i>	195
<i>Баҳо</i>	196
<i>Гендер, шахс ва ахлоқ</i>	197

Патриархат ва ишлаб чиқариш	198
Эркаклар ҳукмронлиги	198
Хотин-қизлар ва иш жойи: тарихий шарҳ	198
Меҳнатдаги тенгсизлик	199
<i>Кам самарали меҳнат</i>	199
<i>Муваффақият муаммолари</i>	200
<i>Меҳнатга кам ҳақ тўлаш ва қашшоқлик тузоғи</i>	203
<i>Швециядаги вазият</i>	203
<i>Совет Иттифоқи ва Шарқий Европада аёллар аҳоли</i>	204
Уй меҳнати	205
Аёллар ҳаракати	207
Франциядаги дастлабки феминизм	208
Қўшма Штатларда аёллар ҳуқуқи учун кураш	208
Европада хотин-қизлар ҳаракатининг ривожланиши	209
Феминизмнинг қайта ташкил топиши	210
Уйдаги зўравонлик, жинсий таҳдидлар ва номусга тегиш	211
Уйдаги зўравонлик	211
Жинсий таҳдидлар	211
Номусга тегиш	212
<i>Аёлларни зўрлаш ва эҳтиёткорлик: Браунмиллер тезиси</i>	214
«Нормал» жинсий ҳаракат	216
Маданиятлар ўртасидаги тафовутлар	216
Гарб маданиятида сексуаллик	217
Жинсий хулқ-атвор	218
Гомосексуализм	220
Гарбдан ташқари маданиятларда гомосексуализм	220
Гарб маданиятида гомосексуализм	221
<i>Гомосексуализмнинг тарқалиши</i>	221
<i>Гомосексуализмга муносабат</i>	222
<i>Гей-субмаданият</i>	222
<i>Лесбиянлик</i>	223
ОИТС (орртирилган иммунитет тақчиллиги синдроми)	223
ОИТС ва аҳоли	225
Фоҳишабозлик	226
Фоҳишабозлик бугунги кунда	226
Болалар фоҳишаллиги	228
Хотима: социология ва гендер муносабатлар	230
Бобнинг қисқа мазмуни	230
Қўшимча адабиёт	231

III Қ И С М. ҲОКИМИЯТ ТУЗИЛМАЛАРИ

7-б о б. Стратификация ва синфий тузилма

Ижтимоий стратификация тизимлари	233
Кулдорлик	233
Касталар	234
Табақалар	235
Синфлар	236
Замонавий жамиятларда стратификация назарияси	237
Карл Маркс назарияси	237
Синф табиати	237
Синфий тизимларнинг мураккаблиги	238
Макс Вебер назарияси	238
Статус	240
Партия	240
Замонавий синф назарияси	241

<i>Эрик Олин Райт: синфлар назарияси</i>	241
<i>Френк Паркин: Веберга ёндашув</i>	242
Ғарб жамиятларидаги синфлар бугунги кунда	243
Бойлик ва даромад даражасидаги фарқлар	243
<i>Бойлик</i>	244
<i>Даромад</i>	245
Юқори синф	246
Ўрта синф	247
Ишчилар синфи	249
Синфий онг борасидаги тадқиқотлар, турли ёндашувлар	250
<i>Обру-этиборни аниқлаш</i>	250
<i>Субъектив услуб</i>	251
<i>Синфий тузилма ҳақида тушуنча</i>	252
Синфий тузилмадаги ўзгаришлар	253
Юқори синф парчаланмоқдами?	253
Малакали мутахассислар, менежерлар, бошқарувчилар	254
Оқ ёқалилар, кўк ёқалилар: феминизация ва пролетаризация	255
<i>Ишчи синфига таъсир ўтказган ўзгаришлар</i>	256
Гендер ва стратификация	258
Синфий бўлиниш ва гендер	258
Стратификация борасидаги асарларда аёллар аҳолини ўрганиш	260
<i>Гендер ва стратификацияни ўрганиш мураккаблиги</i>	261
Ижтимоий ҳаракатчанлик	262
Ҳаракатчанликни таққослаш тадқиқотлари	263
Пасажовчан сафарбарлик	264
Ижтимоий ҳаракатчанлик имкониятлари	265
Буюк Британияда ижтимоий ҳаракатчанлик	266
Ижтимоий ҳаракатчанликни ўрганишнинг мураккаблиги	267
<i>Ҳаракатчанликда сизнинг имкониятингиз</i>	268
Қашшоқлик ва тенгсизлик	268
Қашшоқликка қарши кураш	269
Қашшоқлик нима?	270
Бугунги кунда қашшоқлик	271
Нима учун қашшоқлар қашшоқ бўлиб қолаверади?	272
Бобнинг қисқача мазмуни	273
Кўшимча адабиёт	274

8-б о б. Этник мансублик ва ирқ

Плоралистик жамиятларда этник гуруҳлар, майда миллатлар ва ирқ	276
Майда миллатлар	277
<i>Ирқ ва биология</i>	278
Этник зиддиятлар, хурофотлар ва дискриминация	279
<i>Стереотиплар ва “ғуноҳсиз ғуноҳкор”лар</i>	280
<i>Авторитар шахс</i>	281
Этник мансублик ва болалик	283
Кўпчиликнинг муносабати	283
Социологик талқинлар	284
Умумий омил	285
Тарихга назар	285
Тарихдаги этник муносабатлар: бир неча мисол	290
Бразилияда этник муносабатлар	290
Жанубий Африканинг ижтимоий тараққиёти	291
<i>АҚШдаги қора танли аҳолининг фуқаролик ҳуқуқлари</i>	294
<i>Кулликнинг бекор қилиниши ва илк натижалари</i>	294
<i>Фуқаролик ҳуқуқлари учун ҳаракатлар</i>	296

<i>Интеграция ва антогонизм</i>	297
Буюк Британияда иммиграция тарихи	298
<i>Илк кўчиб келганлар</i>	298
<i>1930 йилдан кейинги иммиграция</i>	300
<i>Ирқлар, ирқчилик ва тенгсизлик</i>	302
Этник мансублик ва қўйи синф	304
Полициянинг қора танли аёлларга муносабати	307
Европа қитъасидаги этник муносабатлар	308
Этник муносабатларнинг келажакда ривожланиши мумкин бўлган йўллари	309
Бобнинг қисқача мазмуни	311
Қўшимча адабиёт	312

9-б о б. Гуруҳлар ва ташкилотлар

Ассоциация турлари	313
Бирламчи ва иккиламчи гуруҳлар	314
Расмий ташкилотлар	314
Бюрократия	315
Вебернинг бюрократияга муносабати	316
<i>Бюрократия самарадорлиги</i>	317
<i>Бюрократиялар ичидаги расмий ва норасмий муносабатлар</i>	318
Бюрократия ва олигархия	319
Ноолигархик ташкилотлар	321
Япония корпорациялари	322
<i>Ташкилотлар назарияси учун япон тизимининг аҳамияти</i>	324
Ҳозирги дунёда ташкилотларга таъсир этувчи омиллар	326
Малакали мутахассислар	326
Ахборот технологиялари	326
Ташкилотларнинг жисмоний муҳити	329
Ташкилотда назорат ва тартиб-интизом	330
Назорат	330
Тартиб-интизом	331
Карцер ташкилотлар	332
Карцер ташкилотларнинг ривожланиши	334
Нобюрократик ташкилотлар: ўзаро ёрдам гуруҳлари	334
Ўзаро ёрдам гуруҳларига хос хусусиятлар	334
Якуний изоҳлар	335
Бобнинг қисқача мазмуни	336
Қўшимча адабиёт	337

10-б о б. Сиёсат, ҳукумат ва давлат

Давлатлар тавсифи	339
Сиёсий аппарат	339
Ҳудуд	339
Қонун ва куч ишлатиш	340
Замонавий давлатлар	340
Таърифлар	340
Фуқаро ҳуқуқлари	341
Демократия	343
Демократия турлари	344
<i>Кўппартияли вакиллик тизимлари</i>	344
<i>Бир партияли вакиллик тизимлари</i>	345
<i>Қўшма демократик бошқарув</i>	345
Демократиянинг умумий жозибаси ва монархиялар инқирози	346
Демократик элитизм ва плюрализм назариялари	347

Демократик элитизм	347
<i>Макс Вебер назарияси</i>	347
<i>Йозеф Шумпетер ғоялари</i>	348
Плюралистик назариялар	349
Назарияларни танқид қилиш ва баҳолаш	350
Сиёсий партиялар ва Ғарб мамлакатларидаги овоз беришлар	351
Партиявий тизимлар	353
Овоз бериш ва синфлар	353
Буюк Британиядаги партиялар ва овоз бериш сиёсати	354
<i>Сайловчилар хатти-ҳаракати: тарафдорларнинг чекинishi</i>	356
<i>1992 йилги сайловлар</i>	357
<i>«Тетчеризм»</i>	358
Партиялар сиёсати: XX аср охирида стереотиплар емирилмоқдами?	361
Давлатнинг зўриқиши ва легитимлик инқирози ҳақида назариялар	361
<i>Назарияни баҳолаш</i>	363
Аёлларнинг сиёсатдаги иштироки	363
Овоз бериш шакллари ва сиёсий қарашлар	363
Сиёсий ташкилотлардаги аёллар	366
Институтлаштирилмаган сиёсий ҳаракатлар	367
Ким бошқаради?	370
АҚШдаги “ички доира”	372
Буюк Британиядаги элита	372
Баҳолаш	375
СССРда элита	375
<i>Элитани тўлдириш, нуфуз ва имтиёзлар</i>	376
Тоталитаризм	377
Европа ҳамжамияти ва Европанинг янги харитаси	379
<i>Ҳамжамиятнинг пайдо бўлиши</i>	379
Шарқий Европадаги ўзгаришлар	381
Бобнинг қисқача мазмуни	383
Қўшимча адабиёт	385

11-б о б. Уруш ва ҳарбий кучлар

Ўтмишдаги ҳарбий ҳаракатлар	387
Ибтидоий жамиятлар	387
Европа ва унинг мустамлакаларида ҳарбий ҳаракатлар	388
<i>Урушнинг sanoатлашуви</i>	389
<i>Умумжаҳон уруши</i>	392
Уруш ва агрессия	394
Ҳарбий ташкилланиш турлари	396
Ҳозирги замон кулолли кучлари хусусиятлари	397
Буюк Британия кулолли кучлари	399
<i>Иккинчи жаҳон урушидан аввал</i>	399
<i>Иккинчи жаҳон урушидан сўнг</i>	400
Аёллар ва уруш	402
Урушга қарши аёллар ҳаракатлари	405
Ҳарбийлар, сиёсатчилар ва жамият	407
Ҳарбий бошқарув ва ҳарбий таъсир	407
<i>Ҳарбий-sanoat комплекси</i>	409
Учинчи дунё кулолли кучлари	410
Ҳарбий бошқарув турлари	411
Террорчилик ва партизанлар ҳаракатлари	412
<i>Террорчилик</i>	412
<i>Партизан ҳаракатлари</i>	413
<i>Шаҳардаги партизанлар</i>	417

Дунё миқёсида ҳарбий харажатлар ва қуролланиш	418
Қурол савдоси	419
Уруш ва глобал хавфсизлик	420
Урушсиз дунё бўладими?	421
Бобнинг қисқача мазмуни	421
Қўшимча адабиёт	422

IV Қ И С М. ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТЛАР

12-б о б. Қариндошлик, никоҳ ва оила

Қариндошлик	425
Кланлар	425
Оилавий муносабатлар	426
Моногамия ва полигамия	427
<i>Полиандрия</i>	427
Полигиния	428
Европа тарихида оила ва никоҳ	429
Оила генезиси	430
Ўзгариш сабаблари	432
Жаҳон миқёсида оила шаклларининг ўзгариши	433
Ўзгариш йўналишлари	433
Англияда оила ва никоҳ	436
Умумий тасниф	436
Тараққиёт тамойиллари	437
<i>Оиланинг янги шакллари</i>	437
<i>Оиланинг Жанубий Осиё тип</i>	438
Ҳозирги вақтда оила ва никоҳга таъсир этаётган омиллар	439
Ғарбдаги ажралиш (қўйди-чиқди) ва никоҳнинг тўхтатилиши	440
Ажралишларнинг ўсиши	440
Ажралишлар тажрибаси	442
Ажралиш	443
<i>Ажралиш: ўтиш шакллари</i>	444
Ажралиш ва болалар	445
Оналик ёки оталик оила	446
Қайта никоҳ ва ўғай ота-оналар	447
Қайта никоҳ	447
Ўғай оилалар	448
Оиланинг “қоронғу томонлари”	450
Жинсий суиистеъмолликлар	451
Тушунтириш	452
Оиладаги зўравонлик	454
Никоҳ ва оила муқобиллари	455
Коммуналар	455
Бирга яшаш	456
Гомосексуал оила	457
Ёлғизлик	458
Оиланинг заифлашишими?	459
Бобнинг қисқача мазмуни	459
Қўшимча адабиёт	460

13-б о б. Таълим, коммуникация ва оммавий ахборот воситалари

Саводхонлик ва мактаб таълимининг пайдо бўлиши	462
Буюк Британияда мактаб таълими тараққиёти	463
Саноати ривожланган мамлакатлардаги мактаб таълими тизими	465
Олий таълим	466

Халқаро тажрибанинг қиёсий таҳлили	466
Британияда олий таълим тизими	466
Таълим ва тенгсизлик	468
Америка таълим тизимидаги тенгсизликнинг Коулман томонидан тадқиқ қилиниши	468
Кейинги тадқиқотлар	469
Мақтаб таълими назариялари	471
<i>Бернстайн: тил кодлари</i>	471
<i>Боулз ва Гинтис: мактаб ва саноат капитализми</i>	473
<i>Иллич: ёниқ дастур</i>	474
Таълим ва маданият соҳасида такрор ишлаб чиқариш	476
<i>Уиллис: маданий такрор ишлаб чиқариш таҳлили</i>	477
Интеллект ва тенгсизлик	479
<i>Интеллект нима?</i>	479
<i>IQ ва генетик омиллар: Йенсен тадқиқотлари хусусидаги баҳс-мунозаралар</i>	480
Генетика билан IQ ўртасидаги алоқа тўғрисида: ўхшаш эгизаклар	481
Гендер ва мактаб таълими	482
Гендер ва таълим дастурлари	484
Аёллар ва олий таълим	486
“Учинчи дунё” мамлакатларида таълим ва саводхонлик	486
Коммуникация ва оммавий ахборот воситалари	489
Оммавий ахборот воситалари	489
Газета ишнинг фаоллашуви	490
<i>Газеталар наشري</i>	491
Телевидениенинг таъсири	492
<i>Телевизион компаниялар</i>	493
Телевидениенинг хатти-ҳаракатларга таъсири	494
Телевидение ижтимоий установакаларни оммалаштирувчи восита сифатида	496
Хулоса	496
Бобнинг қисқача мазмуни	497
Кўшимча адабиёт	498

14-б о б. Дин

Дин ва соҳргарликнинг таърифи	500
Дин нима эмас?	500
Дин нима?	501
Динларнинг турлари	502
Тотемизм ва анимизм	503
Иудаизм, христианлик ва ислом	504
<i>Иудаизм</i>	504
<i>Христианлик</i>	504
<i>Ислом</i>	505
Шарқ динлари	506
<i>Ҳиндуизм</i>	506
<i>Буддағийлик, конфуцийлик ва даосизм</i>	506
Динлар назариялари	507
Маркс ва дин	508
Дюркгейм ва диний маросим	509
Дюркгейм динлардаги ўзгаришлар ҳақида	511
Вебер ва дунё динлари	512
Баҳолаш	513
Диний ташкилотларнинг турлари	515
Вебер ва Трельч: черковлар ва секталар	515

Бекер: деноминация ва культлар	516
Баҳолаш	516
Гендер ва дин	517
Диний тимсоллар	518
Аёллар диний ташкилотларда	520
Милленарийлар ҳаракати	522
Иоахимчилар	522
Руҳлар рақси	523
Милленарийлар ҳаракатининг моҳияти	523
Замонавий диний тараққиёт: ислом инқилоби	524
Ислом таълимотининг ривожланиши	525
Ислом ва ғарб	526
Буюк Британияда дин	527
Диний ташкилотларга аъзолик ва эътиқод	527
Америка Қўшма Штатларида дин	529
Турли-туманлик	529
Диний фундаментализм	530
Секуляризация муаммоси	531
Хулоса	533
Бобнинг қисқача мазмуни	533
Қўшимча адабиёт	534

15-б о б. Меҳнат ва иқтисодий ҳаёт

Меҳнат тақсимоти	536
Бирламчи, иккиламчи ва учламчи секторлар	537
Саноатда меҳнат тақсимоти. Тейлор ва Форд ёндашувлари	537
Йиғув линиясидаги меҳнат	539
Форд ва Тейлорнинг ёндашувларидаги чекланишлар	540
Иш ва бегоналашув	541
Ишонч даражаси паст ва юқори бўлган тизимлар	543
Автоматлаштириш	543
Гуруҳ бўлиб ишлаб чиқариш	545
Саноат демократияси	546
Касаба уюшмалари ва ишлаб чиқариш низолари	547
Касаба уюшмаларининг ривожланиши	548
Касаба уюшмалари нимага керак?	549
Кейинги ривожланиш (сўнги ўзгаришлар)	550
Иш ташлашлар	553
<i>Иш ташлашлар статистикаси</i>	554
<i>Ишлаб чиқариш низоларида янги йўналишлар</i>	555
Корпорациялар ва корпоратив ҳокимият	555
Корпоратив капитализм турлари	557
Ишсизлик, аёлларнинг меҳнат билан бандлиги ва норасмий иқтисодиёт	560
Ишсизлик	561
Ишсизлик таҳлили	562
Иш ва ишсизлик	563
<i>Нега ишсизлик суръатлари ўсиб боради?</i>	565
Аёллар ва иш	566
Уй юмушлари	566
<i>Аёлларнинг уйдан ташқаридаги иши</i>	567
Ноформал иқтисодиёт	568
Ишнинг келажаги	569
Бобнинг қисқача мазмуни	572
Қўшимча адабиёт	574

У Қ И С М. ҲОЗИРГИ ДУНЁДАГИ ИЖТИМОЙ ЎЗГАРИШЛАР

16-6 о б. Ижтимоий ҳаётнинг глобаллашуви

Учинчи дунё жамиятлари	577
Миллатларнинг вужудга келиши	577
Мустамаклакчиликнинг иқтисодий оқибатлари	579
<i>Камбағаллик</i>	581
<i>Янги саноат мамлакатлари</i>	581
Бой ва камбағал мамлакатлар ўртасидаги тафовутлар	582
Биринчи дунё билан учинчи дунё ўртасидаги ўзаро алоқалар	584
Озиқ-овқат ишлаб чиқариш ва дунёдаги очлик муаммоси	585
<i>Очлик</i>	587
<i>Агробизнес</i>	589
<i>Маҳсулот ишлаб чиқариш ва атроф-муҳит экологияси</i>	591
Назарий истиқболлар	592
Империалистик назария	593
<i>Неоимпериализм</i>	593
Қарамлик назарияси	594
Жаҳон системаси назарияси	595
Назарияларга танқидий баҳо бериш	596
Трансмиллий корпорациялар	597
Трансмиллий корпорацияларнинг типлари	599
Трансмиллий компанияларнинг ўсиб бориши	601
Халқаро иқтисодий интеграция	602
Мисол: автомобиль саноати	602
<i>Ривожланишнинг ҳозирги замон тенденциялари</i>	605
Нодавлат тузилмалар	606
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти	606
Бошқа халқаро ташкилотлар	608
Глобал савдо тармоқлари	608
Ер юзидagi атроф-муҳитга солинаётган хавф	609
<i>Хавф манбалари</i>	611
<i>Атроф-муҳит — социологик муаммоми?</i>	613
Оммавий ахборот воситаларининг глобаллашуви	614
Янгиликлар	614
Кино, телевидение, реклама ва электрон коммуникация	616
<i>Кино</i>	616
<i>Телевидение</i>	616
<i>Реклама</i>	616
<i>Электрон коммуникация</i>	617
Оммавий ахборот воситалари империализми	617
Хулоса	620
Бобнинг қисқача мазмуни	621
Қўшимча адабиёт	623

17-6 о б. Ҳозирги замон урбанизми

Анъанавий шаҳар	624
Ҳозирги замон урбанизмининг хусусиятлари	626
Замонавий шаҳарларнинг ривожланиши: баркамоллик ва маданият	627
<i>Шаҳар ҳаётининг тафсилоти</i>	628
Урбанизм назариялари	630
Чикаго мактаби	630
<i>Урбанистик экология</i>	630
<i>Урбанизм — турмуш тарзи сифатида</i>	633
Урбанизм ва сунъий муҳит	638
<i>Харви: маконни қайта тузиш</i>	638

<i>Кастелл: урбанизм ва ижтимоий ҳаракат</i>	639
<i>Баҳолаш</i>	641
Ғарб шаҳарларининг урушдан кейинги ривожланиш моделлари	643
АҚШдаги урбанизм	643
<i>Субурбанизация</i>	643
<i>Ички шаҳарларнинг таназзули</i>	644
<i>Молиявий инқироз</i>	645
Буюк Британиядаги урбанизм	646
<i>Субурбанизация ва ички шаҳарнинг таназзули</i>	646
<i>Британия шаҳарларидаги молиявий бўҳрон</i>	649
<i>Давлат уй-жойларини хусусийлаштириш</i>	650
<i>Шаҳар ресурсларининг жентрификация қилиниши ёки улардан “иккинчи марта фойдаланиш”</i>	651
Урбанизм ва халқаро таъсир	653
Глобал шаҳар	655
Учинчи дунё мамлакатларидаги урбанизация	656
Деҳли	657
Мехико	658
Шарқий Европадаги шаҳарлар	660
Ғарбдан фарқланадиган жиҳатлар	661
Келгусидаги тараққиёт тимсоли	663
Бобнинг қисқача мазмуни	663
Қўшимча адабиёт	665

18-б о б. Аҳоли, саломатлик ва кексалик муаммолари

Дунё аҳолиси сонининг ўсиши	667
Аҳоли таҳлили: демография	668
Асосий демографик тушунчалар	669
Аҳоли ўзгариши динамикаси	670
Мальтусчилик	671
Учинчи дунё аҳолисининг ўсиши	672
Демографик ўтиш	673
Учинчи дунё мамлакатлари учун эҳтимолий истиқболлар	674
Буюк Британия аҳолиси	676
Саломатлик ва хасталик	677
Хасталикларни ўтмишда даволаш	678
Замонавий тиббиётнинг ривожланиши	678
Учинчи дунё	679
<i>Мустамлакачилик ва касалликларнинг тарқалиши</i>	679
<i>Бугунги кундаги юқумли касалликлар</i>	681
<i>Ривожланган мамлакатларда саломатлик ва касалликлар</i>	682
<i>Касалликларнинг тузилмаси ва асосий типлари</i>	682
<i>Буюк Британиядаги соғлиқни сақлаш</i>	683
<i>Қўшма Штатлардаги соғлиқни сақлаш</i>	685
<i>Репродуктив технологиялар</i>	687
Соғлиқ ва атроф-муҳит	688
Ёш ва Ғарбдаги кексайиш муаммолари	690
Демографик тамойиллар	690
“Карилик” нима?	691
Истезфо	691
Кекса ёшдаги ижтимоий муаммолар	692
Кексайишнинг жисмоний оқибатлари	692
Келажак	693
Бобнинг қисқача мазмуни	694
Қўшимча адабиёт	695

19-б о б. Революция ва ижтимоий ҳаракатлар

Революция таърифи	697
XX асрдаги революциялар	698
Россиядаги революция	699
Хитойдаги революция	701
Революция назариялари	702
Маркс назарияси	703
<i>Баҳо</i>	704
Чалмерс Жонсон: революция “мувозанатнинг бузилиши” сифатида	705
<i>Баҳо</i>	706
Жеймс Девис: революциялар нима учун юз беради?	707
<i>Баҳо</i>	707
Чарлз Гилли: норозилик назарияси	708
<i>Баҳо</i>	710
Революцияларнинг оқибатлари	711
Қисқа муддатли оқибатлар	712
Узоқ муддатли оқибатлар	713
Исёнлар, оломоннинг газаби ва коллектив ҳаракатнинг бошқа шакллари	714
Ле Бон: тўда ҳаракатлари назарияси	715
Тўда ҳаракатларининг рационал жиҳатлари	716
Ижтимоий ҳаракатлар	718
Таъриф	718
Ижтимоий ҳаракатлар таснифи	719
Ижтимоий ҳаракатлар назариялари	720
<i>Нейл Смельзер: ижтимоий ҳаракатларнинг олти шарт</i>	720
<i>Ален Турэн: тарихийлик</i>	722
<i>Баҳо</i>	723
<i>Ижтимоий ҳаракатлар ва социология</i>	723
Бобнинг қисқача мазмуни	724
Қўшимча адабиётлар	725

20-б о б. Ижтимоий ўзгаришлар: кеча, бугун ва эртага

Ижтимоий ўзгариш тушунчаси	727
Ижтимоий ўзгаришлар назарияси	728
Эволюцион назариялар	728
<i>Ижтимоий дарвинизм</i>	729
<i>Бир йўналишдаги ва мультилинияли эволюция</i>	730
<i>Талкотт Парсонснинг эволюция назарияси</i>	731
<i>Баҳолаш</i>	733
Тарихий материализм	734
<i>Танқидий мулоҳазалар</i>	735
Назариянинг камчиликлари: Вебернинг ўзгаришларга изоҳи	736
Ўзгаришларга таъсир кўрсатувчи омиллар	736
Табиий муҳит	737
Сиёсий ташкилот	738
Маданий омиллар	738
Ўзгариш эпизодларининг таҳлили	739
Яқин ўтмишдаги ўзгаришлар	741
Иқтисодийётнинг таъсири	741
Сиёсатнинг таъсири	742
Маданиятнинг таъсири	743
Жорий ўзгаришлар ва бундан кейинги истиқболлар	744
Постиндустриал жамият сари олга!	744

Танқидий мулоҳазалар	746
Капитализм ва социализм	748
Социализм: йигирманчи аср фактлари	749
Социализмнинг муқобиллари	751
Ижтимоий ўзгаришлар: келажакка бир назар	753
Бобнинг қисқача мазмуни	754
Қўшимча адабиётлар	755

VI Қ И С М. СОЦИОЛОГИЯДАГИ УСУЛЛАР ВА НАЗАРИЯЛАР

21-б о б. Социология: тадқиқот усуллари

Тадқиқот стратегияси	758
Тадқиқот муаммоси	758
Тадқиқот муаммосини аниқлаш	758
Тадқиқот лойиҳасини ишлаб чиқариш	758
Тадқиқот ўтказиш	758
Натижалар талқини	759
Тадқиқот натижалари бўйича ҳисобот	759
Жараёни бутунлигича тасаввур қилиш	759
Умумий методология	759
Сабаблилик ва корреляция (ўзаро алоқадорлик)	760
<i>Сабабият механизми</i>	761
<i>Ўзгарувчан миқдорларни назорат қилиш</i>	762
<i>Сабабларни аниқлаш</i>	763
Тадқиқот усуллари	764
Дала тадқиқотлари	764
<i>Дала тадқиқотига қўйиладиган талаблар</i>	767
<i>Дала тадқиқотининг афзаллик ва камчиликлари</i>	768
Сўровлар (текширишлар)	769
<i>Стандартиштирилган сўровномалар ва очиқ саволли сўровномалар</i>	769
<i>Терма</i>	770
<i>Мисол: «Халқ танладими?»</i>	771
<i>Баҳолаш</i>	772
Ҳужжатли тадқиқот	773
<i>Ҳужжатли тадқиқот туюқлари</i>	774
Экспериментлар	775
Бошқа усуллар: интервью, таржимаи ҳол, кундалик, суҳбатлар таҳлили	777
<i>Интервью</i>	777
<i>Таржимаи ҳол</i>	778
<i>Кундаликлар</i>	779
<i>Оғзаки суҳбатлар таҳлили</i>	780
Триангуляция	781
<i>Мисол: Уоллис ва саентология</i>	781
Тадқиқотларнинг этик муаммоси: респондентларнинг салбий муносабати	783
Чоп этиш муаммолари: Уоллис тажрибаси	784
Социологиянинг таъсири	786
Бобнинг қисқача мазмуни	786
Қўшимча адабиёт	787

22-б о б. Социология назарияларининг тараққиёти

Социологиянинг манбалари	788
Огюст Конт	789
Эмиль Дюркгейм	789
Карл Маркс	790

Макс Вебер	792
Социологиянинг келгусидаги ривожланиши	793
Замонавий ёндашувлар	794
Функционализм	794
<i>Мертон талқинидаги функционализм</i>	795
<i>Замонавий тараққиёт</i>	796
Структурализм	797
<i>Тил ва маъно</i>	798
<i>Структурализм ва семиотика</i>	798
Тимсолий интеракционизм	799
Тимсоллар	799
Марксизм	801
Назарий дилеммалар	802
Тузилма ва хатти-ҳаракат	804
<i>Баҳолаш</i>	805
Консенсус ва можаро	806
<i>Баҳолаш</i>	807
Замонавий дунёнинг образлари	808
<i>Марксча истиқболлар</i>	808
<i>Вебер нуқтаи-назари</i>	809
<i>Баҳолаш</i>	811
Гендер муаммоси	811
<i>Баҳолаш</i>	812
Назариялар	813
Мисол: Протестант этикаси	814
Социологиядаги назарий фикрлар	817
Бобнинг қисқача мазмуни	817
Қўшимча адабиёт	818

**VII Қ И С М. ГЛОССАРИЙ:
АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА ЭНГ МУҲИМ АТАМАЛАР**

Асосий тушунчалар	819
Энг муҳим атамалар	830

Сўзбоши

Инсон онги қанчалик ривожланса у ўзини шунчалик чуқурроқ англай бошлайди ва бунинг аксича, ўзини чуқурроқ англаган инсон онги кучлироқ ривожланади. Социология фани жамиятнинг ўзини-ўзи англашида қудратли воситадир. Қайси жамиятда социология кучлироқ ривожланса, бу мана шу жамиятнинг ўзини тўлароқ англаётгани аломатидир. Ўзбекистоннинг ҳозирги кундаги тараққиётига тадбиқан эса социологиянинг ривожланиши мамлакатда кечаётган ислохотларнинг йўналиши, суръатлари, босқичлари, муаммолари ва уларни ҳал қилиш йўлларининг тўла ва атрофлича англанишини билдиради.

Жамиятдаги социологик тафаккурни юксакроқ савияга кўтариш учун социология бўйича юқори савияда битилган адабиётлар, ўқув қўлланмалари зарур. Энтони Гидденснинг қўлингиздаги китоби ана шундай қўлланмалар жумласига киради. У муаллифнинг Оксфорд университетида ўқиган маъруза матнлари асосида тузилган. У жаҳоннинг кўп тилларига таржима қилинган ва кўп марта нашр этилган. Китобда социология бўйича замонавий билимлар мустақкам эмпирик асосга уйғунлаштириб баён қилинган. Унда социологияга оид замонавий билимларнинг деярли барча йўналишлари, ёндошувлари жамланган. Бу ўринда биз китобда кўтарилган мавзулар ва баён қилинган бобларни таҳлил қилиб баҳо бермоқчи эмасмиз. Фақатгина Гидденс китобда кўтарилган масалаларни таҳлил қилишда имкон қадар ҳолис бўлишга интилгани, ўз баҳоларини ўринли-ўринсиз тикиштиришдан қочганини таъкидламоқчимиз. Китобнинг тузилиш жиҳатдан пишиқлиги, тилнинг соддалиги, аниқ ми-солларга бойлиги, шубҳасиз унинг ижобий фазилатларидир.

Гидденс — XX асрнинг йирик социологларидан бири. Унинг бир қатор асарлари, хусусан, «Жамият конституцияси» китоби ва қўлингиздаги қўлланмаси катта шухрат келтирди ва унинг исмини мумтоз социологлар қаторига олиб кирди.

Муаллифнинг илмий ҳолислиги ва баён услубининг соддалиги қўлланмани ўқиган китобхонларга илмий билим беришдан ташқари эстетик завқ ҳам бағишлайди. Китобхон моҳир етакчи билан бирга социологиянинг қизиқарли оламига саёҳат қилади.

Собиқ Шўролар тузуми даврида социология фани аввал инкор этилди, кейинчалик жаҳон социологиясининг ютуқлари таъсирида уни эътироф этишга мажбур бўлганларида эса унга етарли эътибор берилмади. Чунки, бадбашара одам кўзгута

қарашни ёқтирмайди. Социология эса жамиятнинг кўзгусидир. Собиқ Иттифоқ бу кўзгуга қарашдан ҳадиксираганича бор эди. Бу кўзгуга қараш унинг иллатларини, юзидаги хунук доғларни фош қилиб ҳақиқий башарасини намоён этиб қўярди.

Тоталитар тузум даврида Ўзбекистонда социология бўйича бирорта ҳам дарслик ёки ўқув қўлланмаси яратилмади, бу фан бўйича олий малакали мутахассислар тайёрланмади. Мустақиллик қўлга киритилгандан кейингина бундай қўлланма, маъруза матнлари ва дарсликлар яратиш имконияти пайдо бўлди, бу соҳада дастлабки қадамлар қўйилди. Мана энди социология бўйича ўзбек тилидаги адабиётлар жаҳон социологиясининг дурдоналаридан ҳисобланадиган китоб билан бойиди. Мамлакатимиз талабаларини, профессор-ўқитувчиларни, социология мухлисларини Энтони Гидденс билан мулоқотга киришиш имконияти пайдо бўлгани билан табриклайман.

*Абдуллажон Бегматов,
профессор.*

Муаллиф муқаддимаси

Китоб социология ҳозирги интеллектуал маданиятда муҳим роль ўйнаши, ижтимоий фанлар орасида марказий ўринни эгаллашига чуқур ишонч билан ёзилди. Социологиядан энди ўрганаётганларга ва профессионал тайёргарликдан ўтган аудиторияда узок вақт давомида дарс берар эканман, бу фан ривожланишидаги баъзи йўналишларни қайта кўриб чиқиш лозим, деган қатъий хулосага келдим. Тақдим қилинаётган китоб яна битта жўн “Социологияга кириш” курси ёзишга интилиш эмас, балки социологиянинг асосий истиқбол ва муаммоларини белгилашга ҳаракатдир.

Менинг мақсадим муайян оригиналлик билан ҳозирги давр социологларини қизиқтираётган барча асосий масалаларни таҳлил қилишни кўшишдан иборат эди. Менинг бундан аввалги кўп ишларим назария билан боғлиқ бўлишига қарамай, ҳеч қачон назарий масалалар ўз-ўзидан қизиқ, деб ҳисобламаганман. Назарий мулоҳазалар эмпирик маълумотларни ёритишга ёрдам берган тақдирдагина қийматга эга бўлади. Бу ўринда мен давримиз назарий тафаккури ютуқларининг асосларини аниқлашга ҳаракат қилдим. Назария ва тадқиқот ўртасида алоқа боғлашнинг энг яхши йўли ижтимоий институтларнинг моҳиятини тушунишга фаол ҳаракат қилишдир, шунинг учун мен социологиянинг муайян соҳаларини ўрганишга урғу бердим. Китобда қушқондан чиқиб кетадиган мулоҳазалар йўқ, лекин унда бу фандаги энг сўнгги изланишлар натижалари ва ғоялар ҳам ўрин олган. Мен бу ўринда бир томонлама ёндошув эмас, реал социологиянинг асосий истиқболларининг таҳлилини бердим, деб умид қиламан.

Бу «Социология»нинг янги нашри, у ҳар томонлама қайта ишлаб чиқилди. Китобнинг тартиби кўпчиликка маъқул бўлди, шекилли, уни ўзгаришсиз қолдирдим, лекин боблар мазмунининг катта қисми янгитдан ёзиб чиқилди. Мумтоз тадқиқотлардан бошқа эмпирик ишларга қилинган иқтибосларнинг барчасини янгиладим. Китобнинг биринчи варианты ёзилган даврдан буён дунёда кўп нарса ўзгариб кетди. У пайтларда Совет Иттифоқи мавжуд эди, Қўшма Штатлар ҳокимиятини Рональд Рейган, Буюк Британияни эса Маргарет Тетчэр бошқарар эди. Булар ҳаммаси ўтмишда қолди, уларнинг оқибатларини китобда акс эттиришга ҳаракат қилдим. Янги нашр 40 мингга яқин сўздан иборат янги материалларни, кўплаб янги график, жадвал, иллюстрация ва бошқа ўзгаришларни қамраб олади.

Бир қатор ўзгаришлар китобхонларнинг танбеҳ ва таклиф-

лари асосида киритилди. Менга хат йўллаган барча одамларга миннадорчилигимни билдирмоқчиман, чунки уларнинг ёрдами жуда катта бўлди.

Асосий мавзулар

Китоб ҳар бир ишнинг ўзига хос хусусиятини белгилайдиган асосий мавзулар йиғиндиси негизда. Биринчи мавзу — ижтимоийлик ва шахсийлик муносабатлари. Социологик тафаккур, айна пайтда, ижтимоий дунёни яхшироқ тушунишга айланиб ўтадиган ўзини тушунишда муҳим ёрдамчи. Социологияни ўрганиш халос бўлиш тажрибаси ҳам бўлиши лозим: социология бизнинг тасаввуримиз ва қизиқишларимизни ривожлантиради, фаоллигимиз манбаларини тушунишда янги истиқболлар очади, ўзимизникидан бошқачароқ бўлган маданий установакаларни идрок қилиш қобилиятимизни ривожлантиради. Социологик фаолият ақидаларга қарши қақриқ бўлгани учун ҳам, бизни маданий ранг-барангликни қадрлашга ўргатади ва ижтимоий институтларнинг ички мурватларини кўришга имконият яратади. Социология билан шуғулланиш инсон шахсий эркинлигини ривожлантириш имкониятларини очади.

Иккинчи мавзу — ўзгараётган дунё. Социология Ғарб ижтимоий тузумининг аввалги жамиятлар учун хос бўлган шакллар ўзгаришига олиб келган индустриал трансформациялар натижасида вужудга келди. Саноатлашиш жараёнида яратилган дунё социологик таҳлилнинг асосий муаммо объекти бўлиб хизмат қилади. Ижтимоий ўзгаришлар давом этмоқда, ва эҳтимол, биз XVIII аср охирида — XIX асрга келиб содир бўлган туб ўзгаришлар сингари ўзгаришлар бўсағасида турган бўлишимиз мумкин. Социологиянинг энг биринчи вазифаси ўтмишда бўлган ўзгаришларни акс эттириш ва ҳозирги кундаги тараққиётнинг асосий йўналишларини илғаб олишдир.

Учинчидан, китобга изчил қиёсий ёндошув хос. Социологияни ўрганиш фақатгина алоҳида олинган жамиятни ўрганиш йўли билан амалга ошмайди. Мен тадқиқотимда Британияга нисбатан кўпроқ урғу берган бўлишимга қарамай, у бошқа жамият ва маданиятларга оид фавқулодда бой материал билан мувозанатга келтирилади. Булар жумласига бошқа ғарб мамлакатларида ўтказилган тадқиқотлар киради, шунингдек, мен Россия ва Шарқий Европа жамиятлари билан боғлиқ материалларга ҳам мурожаат қилдим. Саноатлашган жамиятда учинчи дунёдан ажратиб ўрганилиши мумкин эмас, шунинг учун бу китобда аввалги «социологияга кириш»ларнинг ҳар қандайига қараганда ривожланаётган мамлакатлар тўғрисида кўпроқ маълумотлар келтирилган. Бундан ташқари, мен муаммолари бир-бирига жуда яқин бўлган социология ва антропологиянинг алоқаларига эътибор қаратдим. Бугун дунёдаги жамиятларни бирлаштириб турувчи алоқалар, шунингдек, амалда анъанавий-

ижтимоий тизимларнинг кўп шакллари йўқ бўлиб кетгани туфайли социология ва антропология борган сари бир-бирдан ажралмас ҳолга келмоқдалар.

Тўртинчидан, китобда социологиядаги тарихий йўналтири-лишнинг зарурлиги эътироф этилади. Бу эса, воқеалар юз берган «тарихий контекст»ни шунчаки тасвирлашдан кўра, кўпроқ нарсани англатади. Бу турдаги ахборотнинг зарурлиги талабаларнинг тарих, ҳатто, нисбатан яқиндаги тарих бўйича билимлари чекланган бўлиши мумкинлиги туфайли ҳам зарур. Сўнгги йилларда социологиядаги энг муҳим тамойиллардан бири тарихий таҳлилнинг қайта тикланиши бўлди. Уни фақат социологик дунёқарашни ўтмишга нисбатан қўллаш усули деб тушунмаслик керак, балки бизнинг ҳозирги замон институтларини тушунишимизда асос деб қабул қилиш лозим. Китобда тарихий социология бўйича ҳозирги замон тадқиқотларидан кенг фойдаланилди, улар турли бобларда таҳлил қилинган талқинлар учун асос вазифасини бажаради.

Бешинчидан, китобда Гендер муаммоларига алоҳида эътибор берилган. Гендерни ўрганиш одатда социология таркибидаги алоҳида соҳа ҳисобланади, шунинг учун китобда шу мавзудаги мулоҳаза ва тадқиқотларга бағишланган алоҳида боб мавжуд. Шунга қарамасдан, Гендер муносабатлари муаммоси социологик таҳлил учун шунчалик муҳимки, уни фаннинг бир бобига шунчаки жойлаштириш мумкин эмас, шунинг учун ҳам кўпгина бобларда Гендер муаммолари билан боғлиқ бўлимлар бор.

Олтинчидан, китобнинг асосий мавзуи — ижтимоий ҳаётнинг глобаллашуви. Жуда узоқ давр мобайнида жамиятларни мустақил тузилмалар сифатида олиб қараш мумкин, деган фикр социологияда ҳукмронлик қилди, бироқ ҳатто ўтмишга нисбатан ҳам бундай ёндошув нотўғри. Бугун эса биз глобал интеграциялашув жараёнларининг тезлашаётганини аниқ кузатиб турибмиз. Масалан, давлат чегаралари орқали амалга оширилаётган халқаро савдонинг кенгайишида ҳам бу кўзга ташланади. Тўхтовсиз ўсиб бораётган глобаллашувнинг таъсири ҳатто социология бўйича махсус адабиётларда ҳам яхши ўрганилмаган. Глобаллашувга бу китобда урғу берилиши бугунги кунда биринчи, иккинчи ва учинчи дунёда ўзаро боғлиқликнинг аҳамиятини англаш туфайлидир.

Китобнинг тузилиши

Китобнинг бошланишида социологиядаги асосий концепциялар қисқача муҳокама қилинмайди. Унинг ўрнига тушунчалар тегишли бобларда тушунтирилади, мен ғоя ва назарияларни социологик тадқиқотларнинг аниқ мисоллари билан далиллашга ҳаракат қилдим. Иллюстрация мақсадларида ноакадемик манбалардан (масалан, газета репортажларидан) олинган мате-

риаллардан ҳам фойдаланилди. Мен китобнинг жонли ва «сюр-призларга тўла» бўлишига, баён услубининг имкон қадар содд. ва бевосита бўлишига интилдим. Агар тўғри ёндошилса, академик фанлар ичида социология каби қизиқарли ва ёрқин предмет йўқ.

Боблар социологиянинг турли соҳаларини ўзлаштиришдаги босқичма-босқичлик назарда тутилиб жойлаштирилди, бироқ мен китобдан турли махсус курслар ўқишда турлича фойдаланиш мумкинлигини ҳисобга олдим. Бобларни тушуриб қолдириш ёки ҳар қандай таркибда ўрганиш катта зарар етказмайди. Ҳар бир боб етарли даражада мустақил ва тегишли нуқталарда бошқа бобларга иқтибос қилинади.

Китобнинг олти қисми социологиядаги асосий бўлимларнинг тўла манзарасини яратди. Биринчи қисм бир бобдан иборат бўлиб, фаннинг асосий хусусиятлари билан таништиради. Иккинчи қисм маданият, жамият ва индивидга бағишланган; унда жамият таъсири ва шахс тажрибаси ўртасидаги ўзаро таъсир таҳлил қилинади, Гендер муаммоларига кўп эътибор берилади. Бу боблар маданият, кишилик жамияти турли типларининг ривожланиши, ижтимоийлашуви, кундалик ижтимоий ўзаро таъсир, конформлик ва девиациялар муаммоларига алоқадор. Учинчи қисмда тенгсизлик, ҳокимият ва мафкура масалалари муҳокама қилинади. Бу ерда социологиянинг бир нечта энг муҳим бўлимлари: стратификация, этник ва ирқий мансублик, гуруҳлар ва ташкилотлар, сиёсат ва давлат, уруш ва қуроли кучлар кўриб чиқилади. Тўртинчи қисм асосий ижтимоий институтлар ва уларнинг инсон мавжудлигининг муҳим соҳаларига ўтказадиган таъсирига бағишланган. Бу қисмдаги бобларда оила ва никоҳ, таълим ва оммавий ахборот воситалари, меҳнат ва иқтисодий масалалар кўриб чиқилади. Бешинчи қисм ўзгаришлар мавзусига урғу бериб, унда глобаллашув, ҳозирги урбанизм, аҳоли, унинг саломатлиги ва кексайиши, инқилобий ва ижтимоий ҳаракатлар таҳлил қилинади. Боб умуман ижтимоий ўзгаришларни қараб чиқиш билан якунланади.

Ниҳоят олтинчи қисмда тадқиқотнинг асосий усуллари ва социологиянинг назарий истиқболлари кўриб чиқилади. Бу боб китобнинг охирида жойлашган бўлишига қарамай, уни ҳар қандай босқичда ўрганиш мумкин.

Бобларнинг қисқача мазмуни ва глоссарий

Ҳар бир боб ўқиш жараёнини фақат мунтазам эмас, балки қизиқарли бўлишини ҳам таъминлашни ҳисобга олиб тузилган. Имконият даражасида китоблар, қисқача резюмелар, ундаги асосий тушунча ва атамаларнинг рўйхати келтирилган. Бу тушунча ва атамаларнинг ҳаммаси китоб сўнгидаги глоссарийга киритилган. Янги тушунча матнда биринчи бор учраса, уни йўғонроқ шрифт билан ажратилган; асосий атамалар курсив билан ажратилган.

Талабалар учун: бу китобдан қандай фойдаланиш керак?

Китоб билан рақиб эмас, дўст сифатида муносабатда бўлинг. Китоб анча катта, чунки унда жуда кўп масалалар қамраб олинган. Ҳар бир бобни ўқиб чиқишга тўғри келишидан, ўрганиш албатта таклиф қилинган тартибда бўлишидан чўчиманг. Ҳар бир бобдан озми-кўпми мустақил қисм сифатида фойдаланиш мумкин. Агар сиз китобни ўқитилаётган курс муносабати билан мутолаа қилаётган бўлсангиз, уни ўқитувчи таклиф қилган схемага мослаштиринг.

«Социологиядаги усуллар ва назариялар» ҳақидаги олтинчи қисмни бошқа бобларда баён қилинган ахборотни тўлдириш манбаи сифатида фойдаланинг. Хоҳласангиз, бу қисмни китобда келтирилганидай энг охирида ўрганишингиз мумкин. Социология билан олдиндан таниш бўлганлар учун худди шундай стратегияни тавсия қиламиз. Фан билан муайян даражада таниш бўлиб китобни қўлга олганлар учун эса аввал «Социология: тадқиқот усуллари» ва «Социологик назарияларнинг ривожланиши» ҳақидаги 21- ва 22-бобларни ўқиб чиқиш фойдали бўлиши мумкин. Бу сизнинг бошқа бобларни тушунишингизга ёрдам беради.

СОЦИОЛОГИЯГА КИРИШ

Социология фани инсон хулқ-атворини тушунишнинг аниқ ва фавқулодда ёрқин истиқболини очади. Социологияни ўрганар эканмиз, дунёга ўзимиз бераётган талқиндан ҳаётимизни шакллантираётган ижтимоий таъсиротларга назар ташлаш учун юқорироқ кўтариламиз. Айни пайтда социология шахсий тажрибанинг ролини рад ҳам этмайди, пасайтирмайди ҳам. Аксинча, биз ўзимизни ва ўзгаларни яхшироқ тушунишни ўрганамиз, шу билан бирга ўзимиздаги ўзимиз жалб этилган ижтимоий фаолият фазосини идрок этиш қобилиятини ривожлантирамиз.

Китобнинг биринчи қисмида, социологиянинг асосий муаммолари ва уларнинг бошқа ижтимоий фанлар предметларига муносабати кўриб чиқилади. Социологияни ўрганиш, бу — ўзини ўрганиш жараёнининг бир қисмидир. Социологияни онгимизда ўрнашиб қолган баъзи ғояларга шубҳа билдирмай ўрганиш мумкин эмас.

Социология: муаммолар ва истиқбол

Бугун, йигирманчи аср сўнгида биз, беҳад ташвишли ва айни пайтда келажакнинг ажойиб истиқболларига тўла дунёда яшамоқдамиз. Бу дунёни ядро урушининг даҳшатли эҳтимоли ва замонавий технологияларнинг табиатга қарши емирувчи таъсири кучайиши билан боғлиқ ўзгаришлар тўлғазиб бормоқда. Айни пайтда биз ўз тақдиримизни бошқариш, ҳаётимизни яхшилаш имконига кўпроқ эга бўлмоқдамизки, бундай имкониятни аввалги авлодлар орзу ҳам қила олмасдилар. Дунё қандай ўзгарди? Нега салафларимиз ҳаёт шароити бизнинг шароитимиздан шунчалик фарқ қилади? Келажакдаги ўзгаришлар қай йўналишда юз беради? Замонавий интеллектуал маданиятда таянч ролини ўйнаши лозим бўлган социология фанида мана шу саволлар доирасида тадқиқотлар ўтказилади.

Социология — инсоннинг ижтимоий турмушини ўрганиш, гуруҳ ва жамиятларни ўрганишдир. Бу ёрқин ва бутун вужудни қамраб оладиган машғулот бўлиб, ижтимоий мавжудот бўлган одамларнинг хулқ-атвори — унинг предмети дир. Социологиянинг фаолият майдони фавқулодда кенг, у кўчада индивидларнинг тасодифий тўқнашувларидан то глобал ижтимоий жараёнларни тадқиқот қилишгача бўлган соҳаларни қамраб олади. Бир неча мисоллар унинг моҳияти ва мақсадлари тўғрисида бизга илк тасаввур беради.

Социология нима билан шуғулланади? Бир неча мисоллар

Севги ва никоҳ

Одамлар нега севишади ва никоҳдан ўтишади? Биринчи қарашда жавоб аниқдай кўринади. Севги — одамларнинг бир-бирларига жисмонан ва шахсиятан боғланиши. Бугун, эҳтимол, кўпчилигимиз «абадий сеvgи» мавжудлигига шубҳа билан қараймиз; аммо, барибир «севишиш» инсоннинг энг ҳаяжонли ва тўлқинлантирувчи туйғуларидан биридир. Шахсият ва жинсий жиҳатдан ўзини намоён қилишга интилиш севишганлар учун бошпанага бўлган эҳтиёж каби табиийдир.

Бироқ содда ҳақиқат бўлиб туюлган бу ҳукм аслида унчалик содда эмас. Севишиш ҳолати ҳамма замонларда ҳам бўлган эмас ва у кўпинча никоҳ билан боғлиқ бўлмаган. Яқин ўтмишгача романтик сеvgи ғояси ғарбда умуман тарқалмаган бўлиб, бошқа маданиятларда ҳам у мавжуд эмасди. Фақат бизнинг за-

монда севги, никоҳ ва жинсий масалалар бир-бири билан узвий боғлиқ, деб ҳисоблана бошланди. Ўрта асрларда ва ундан кейин одамлар, асосан унвонларини ёки бойликларини оила доирасида сақлаб қолиш учун, ёки бўлмаса, меҳнатда ёрдамчи топиш учун болали бўлишга ҳаракат қилардилар. Оила қургандан кейин бундай одамлар дўст бўлиб қолардилар, лекин бу ҳол никоҳдан аввал эмас, кейин юз берарди. Жинсий алоқалар у пайтда никоҳдан ташқари ҳам мавжуд эди, лекин улар биз ҳозир севги билан боғлайдиган ҳисларга эга эмасди. Севги, «нари борса, муқаррар ожизлик, деб, баъзан эса касалликнинг бир тури», деб ҳисобланарди.¹

Романтик севги дастлаб дворянлар орасида никоҳдан ташқари севги саргузаштларининг махсус белгиси сифатида пайдо бўлди. Ун саккизинчи асргача у фақат шу доираларда чекланган бўлиб, никоҳ билан ҳеч тенглаштирилмасди. Зодагонлар орасида эр билан хотин ўртасида совуқ муносабат бўлиб, уни айниқса, ҳозирги кунда никоҳдан қутиладиган туйғу билан солиштирсак, бу ҳол кўзга яққол ташланади. Бадавлат одамлар муҳташам уйларда яшардилар, эр-хотиннинг ҳар бири ўз ётоғига ва хизматкорларига эга бўлиб, хос ҳолатда улар бир-бирларини кам кўрардилар. Бир-бирига жинсий жиҳатдан мослик тасодифий ҳодиса ҳисобланарди ва оила қуриш учун у шарт эмасди. Бойлар орасида ҳам, камбағаллар орасида ҳам оила қуриш ҳақидаги қарор турмуш қураётган жуфтлар томонидан эмас (чунки уларнинг турмуш ўртоғи танлашдаги ихтиёри жуда чекланган эди), балки оила аъзолари ва қариндош-уруғлар томонидан қабул қилинарди. (Бизнинг давримизда ҳам ғарбдагидан бошқа кўпгина маданиятларда шундай тартиб мавжуд).

Шундай қилиб, романтик севги ҳам, унинг никоҳ билан боғлиқлиги ҳам инсон ҳаётидаги азалий қадриятлар сифатида қабул қилиниши мумкин эмас, чунки улар кучли ижтимоий таъсир остида шаклланган. Социологлар ана шу таъсир хусусиятларини ўрганадилар, баъзан эса бу ўрганиш шахсий тажриба асосида юз беради. Социология, биз нима учун шундай ҳаракат қилаётганимиз боисини ўрганишга кенгроқ ёндошиш зарурлигини намоёниш этади.

Саломатлик ва хасталик

Одатда биз саломатлик ва хасталик ҳақида ўйлаганимизда фақатгина баданимизнинг жисмоний ҳолатини назарда тутамиз. Инсон оғриқ ёки хасталикни сезади: бу ҳолат ижтимоий таъсир билан қандай қилиб боғланган бўлиши мумкин? Аслида, хасталикнинг пайдо бўлиши ва кечишига, хасталикда ўзимизни қандай ҳис қилишимизга ижтимоий омиллар жуда катта таъсир ўтказади. Бизнинг, хасталик — бадандаги функционал

¹ *Monter E* Wiliam the nedestal and the Stake contly love and Vitcheraft. Renate Bridental and Claudia Koonz. *Becoming Visible: Woman in European History*. Boston, 1977.

ўзгаришлар натижаси, деган одатий тасаввурларимиз бошқа жамият вакиллари тасаввурларига мос келмайди. Баъзи маданиятларда хасталик, ҳатто ўлим ҳам келиб чиқишини ўрганиш мумкин бўлган жисмоний сабабларга эмас, душманларнинг сеҳри, дуоларига боғлиқ ҳодиса, деб қаралади.² Фарб маданиятида христианлик таълимоти хасталик тўғрисидаги умум эътироф этган тасаввурларни рад этиб уни, инсон табиати руҳиятида бўлгани учун, «адашиш дарвозаларини очувчи» тушунмасликда, деб изоҳлайди.

Инсон қанча умр кўриши мумкинлиги, юрак-қон томир, рак ва пневмония каби жиддий хасталиклар билан оғриб қолиши эҳтимоли кўп жиҳатдан ижтимоий омил билан белгиланади. Бундан ташқари, бемор ўзини қандай тутиши тўғрисида ҳам кўпчилик эътироф этадиган қоидалар бор.

Бемор одамга кундалик мажбуриятларнинг бир қисмидан ёки барчасидан вақтинча четлашишга ижозат берилади. Лекин бундай имтиёзга эга бўлиш учун хасталик анча жиддий, деб тан олинishi керак. Ўзини ёмон ҳис қилаётган ёки касали аниқланмаган беморлар кўпинча, симулянт, деб билинади ва уларга кундалик мажбуриятларни бажармаслик ҳуқуқи берилмайди.³

Бошқа мисоллар: жиноят ва жазо

Қуйида келтирилган даҳшатли тасвирда 1757 йили Франция қиролини ўлдириш учун қилинган суиқасдда айбланиб қатл этилган одамнинг сўнгги соатлардаги кечинмалари баён қилинади: ҳукмга биноан бахтсиз маҳкумнинг кўкрагидан, қўллари ва оёқларидан гўшт узиб оладилар, яраларига эса қайнаб турган мой, елим ва олтингутурт аралашмасини қуядилар. Кейин танани отларга тортириб тўртга бўладилар, кейин бўлақларни ёқиб юборадилар. Бўлиб ўтган воқеа тўғрисида соқчилар раҳбари қуйидагича ҳисобот ёзган:

Жаллод кишанларни аралашма қайнаб турган қозонга ботирди. Кейин қўл ва оёқларини отларга боғладилар. Отларни тўрт томонга ҳайдадилар. Чорак соатдан кейин шу ҳолат яна такрорланди. Фақатгина олдин оёққа боғланган отни қўлга, қўлга боғланган отни эса оёққа боғладилар. Бўгинларни сиғдириш учун шундай қилинди. Бу ҳол бир неча марта қайтарилди.

Икки-уч марта шундай ҳаракат қилингандан кейин, жаллод Самсон ва унинг омбир ушлаб турган ёрдамчиси пичоқларни олдилар ва соннинг танага уланган жойидаги гўшгларни кесдилар. Отлар танани яна турли томонга тортидилар. Кейин қўл ва елка ўртасини кесдилар. Бутун куч билан тортиган отлар аввал ўнг, кейин чап қўлни танадан узиб олдилар.⁴

Маҳкум унинг оёқларини танадан узиб олгунларигача тиррик эди.

² *Evans-Pritchard E. E. Witchcraft, Oracles and Magic Among the Azande.* Oxfrd, 1950.

³ *Cockerhan W. C. Medical sociology.* New Jersey, 1986.

⁴ *Foucault Michel. Discipline and Punish.* Harmondsworth, 1979.

Ҳозирги давр бошлангунча бундай жазолар ғайри-одатий ҳисобланмасди. Жон Лофланд анъанавий қатл усулларини мана бундай тасвирлайди:

Узоқ тарихий даврларда қатл жараёни маҳкумнинг ўлиш даври мумкин қадар узоқ давом этишига мўлжалланган ва шу даврда маҳкум ҳушини йўқотмаслигига ҳаракат қилинар эди. Кўкракка қўйилган юкни аста-секин орттириб бориб маҳкумни эзиб ташлаш, гилдиракка боғлаш, чормихга тортиш, осиш, гулханда ёқиш, танани майдалаш, қисмларга ажратилиш ва тўрт бўлакка бўлиш, буларнинг барчаси анча узоқ давом этарди. Ҳатто дорга осиб жараёни ҳам тарихда узоқ давом этадиган жазо эди. Маҳкумнинг оёқлари остидан аравани тортиб олишганда ёки унинг тагидаги чоҳнинг оғзи очилганда у аста бўғилар, ўлишдан олдин бир неча дақиқа талвасага тушар эди. Баъзан жаллод эшафотнинг олдига бориб ўлимни тезлатиш учун маҳкумнинг оёғидан пастга тортар эди.⁵

Кўпинча, қатл маросими, баъзи мамлакатларда XVIII асргача мавжуд бўлган амалиётга кўра, омма олдида амалга ошириларди. Маҳкумни аравага солиб, улар ҳаёти охирида кўп томошабин иштирок этадиган спектаклда қатнашишлари учун кўчаларда айлантириб юрардилар. Томошабинлар эса, маҳкумга қандай муносабатда эканликларига қараб қарсак ёки ҳуштак чалардилар. Бизнинг давримизда кино юлдузлари қанчалик машҳур бўлсалар, у пайтда жаллодлар ҳам шунчалик машҳур эдилар.

Ҳозир қатлнинг бундай усуллари бизга жуда нафратли туюлади. Инсон қандай гуноҳларни содир этган бўлса ҳам, уни азоблаш ёки ўлдиришдан лаззат олиш мумкинлигини орамизда жуда озчилик тасаввур қила олса керак. Бизнинг жазолаш тизимиз жисмоний оғриқ бериш эмас, қамоқхонага қамашга асосланган: кўпчилик ғарб мамлакатларида ўлим жазоси бекор қилинган. Нега жазо шакллари ўзгарди? Нега жазонинг олдинги бешафқат усуллари ўрнига қамоқ жазоси қўллана бошлади?

Ўтмишда одамлар бешафқатроқ эди, биз эса инсонпарварроқмиз, деб ўйлаш бизга маъқулроқ кўринади. Аммо, социолог учун бундай изоҳ ишончли эмас. Омма олдида зўрлик билан жазо бериш Европада кўп асрлар давом этди. Бундай нарсаларга муносабатни одамлар тўсатдан ёки бирданга ўзгартирганлари йўқ, бунга жамиятда юз бераётган жиддий ўзгаришлар сезиларли ижтимоий таъсир ўтказди. Европа жамиятларида саноатлашиш ва урбанизация ҳодисаси юз бераётган эди. Олдинги қишлоқ тартиблари янгиси томонидан сиқиб чиқарила бошлади, борган сари кўпроқ одамлар фабрика ва устахоналарга ишга жойлашиб, шиддат билан ўсаётган шаҳарларга кўчиб кела бошладилар, шаҳар аҳолиси устидан кўрқитишга асосланган ва жиноят унча кўп содир этилмайдиган кичик жамиятларда қўллаш мумкин бўлган эски жазолаш усуллари ёрдамида шаҳар аҳолиси устидан ижтимоий назоратни ўрнатиб бўлмасди.

⁵ *Lofland John. The dramaturgy of the State executions in Horacs Bleckly and jon Lotland. State Executions. Viewed Historically and Sociological. New Jersey, 1977.*

Қамоқхоналар одамларни ташқи дунёдан қулф остида ихота-лаб, уларнинг хулқ атворини кузатиш ва тузатиш учун ташкил қилинган муассасаларнинг таркибий қисми сифатида дунёга келди. Қамоқда тутилганлар орасида дастлаб фақат жиноятчилар эмас, дайдилар, беморлар, ишсизлар, ақли ожизлар ва жиннилар ҳам бор эди. Қамоқхоналар шифохона ва жиннихоналардан тезда ажралгани йўқ. Қамоқхоналарда жиноятчиларни тарбиялаб, росмана фуқароларга айлангириш кўзда тутилган эди. Жиноят учун бериладиган жазо энди ёмон хулқ олиб келиши мумкин бўлган даҳшатли оқибатларни бошқаларга намоёйиш қилиш мақсадида эмас, одобли фуқарони тарбиялашга йўналтирила бошлади. Жазонинг инсонийлашуви юз бераётган ўзгаришларни келтириб чиқаргани йўқ, аксинча, бу ўзгаришлар оқибатида жазо шакллари ўзгарди. Жазолаш ва жиноятчиларга муносабатдаги ўзгаришлар одамлар асрлар давомида амал қилиб келган анъанавий тартибларни йўқ қилаётган жараёнларнинг таркибий қисми эди.

Хулоса: социологиянинг моҳияти

Юқорида келтирилган мисолларни энди умумлаштириш мумкин. Ҳар учала ҳолатда — севги, никоҳ ва жинсий алоқа, саломатлик ва хасталик, жиноят ва жазода одамлардаги «табиий» ҳисобланган ҳис-туйғулар аслида ижтимоий омиллар таъсирига берилувчан эканини кўрдик. Бизнинг ижтимоий тажрибамизни акс эттирадиган жуда нозик, чуқур ва мураккаб усуллар социологик дунёқарашнинг асосини ташкил қилади. Социологияда айниқса, жамиятдаги кейинги икки асрда юз берган шиддатли ўзгаришлар, ҳозирги дунёдаги ижтимоий ҳаёт қизиқиб ўрганилади.

Ҳозирги дунёдаги ўзгаришлар

Сўнгги икки юз йил ичида одамларнинг турмуш тарзида юз берган ўзгаришлар жуда кенг ва хилма-хил. Масалан, биз шаҳарда яшаётган аҳолининг кўпчилик қисми деҳқончилик қилмаслиги ҳақидаги фикрга кўникиб қолдик. Ҳозирги давр бундангунча ҳеч қачон бундай бўлмаган эди. Инсониятнинг деярли бутун тарихи давомида одамларнинг катта кўпчилиги кичик гуруҳларда ёки қишлоқ жамоаларида яшаб, ўзи учун озиқ-овқат ишлаб чиқариши зарур эди. Ҳаттоки, тамаддун тараққиётининг жуда юқори босқичларида, масалан, қадимги Рим ва анъанавий Хитойда ҳам аҳолининг 10 фоиздан камроғи шаҳарларда яшаган, бошқаларнинг барчаси озиқ-овқат ишлаб чиқаришда банд бўлган. Ҳозирги кундаги саноатлашган жамиятларда эса бунинг акси кузатилади: 90 фоиздан ортиқроқ аҳоли шаҳарларда яшайди, 2—3 фоиз аҳолигина қишлоқ хўжалигида банд.

Ҳаётимизда фақат ташқи жиҳатларгина ўзгаргани йўқ, кун-

далик турмушимизнинг энг шахсий ва интим томонлари ҳам ўзгариб бормоқда. Яна мисолларга мурожаат қилайлик:

Романтик севги идеалларининг вужудга келиши кўп жиҳатдан қишлоқ ҳаётидан урбанистик, индустриал жамиятга ўтиш билан боғлиқ эди. Одамлар шаҳарларга кўчиб келиб саноат корхоналарида ишлай бошлаганларидан кейин никоҳ иқтисодий мотивлар натижаси бўлмай қўйди, энди оиланинг ер мулкига ишлов бериш, мерос бўлиб ўтган ерни назорат қилиш зарурати қолмади. Ота-оналар ва қариндош-уруғлар келишувининг натижаси сифатида «ташқил этилган» никоҳлар борган сайин камайиб борди. Энди одамлар бир-бирини ёқтириб ва шахсиятини намоён қилишни кўзлаб никоҳдан ўтишнинг асоси сифатида «севишиш» ғояси пайдо бўлди. (Чуқурроқ мулоҳаза қилиш учун «Қариндошлик, никоҳ ва оила» деб аталган 12-бобга қarang).

Худди шунингдек, ҳозирги тиббиётнинг юксалишига олиб келган саломатлик ва хасталикка бўлган европача қарашлар бошқа ўлкаларда ҳозиргача мавжуд бўлган қарашларни эслатарди. Ташхис қўйиш ва даволашнинг ҳозирги усуллари, шунингдек, юқумли касалликларнинг олдини олишда гигиена қоидаларига амал қилиш заруратини англаш фақатгина XIX аср бошларига келиб юз берди. Саломатлик ва хасталикка нисбатан бизнинг ҳозирги қарашларимиз биология ва табиатга нисбатан инсон эътиқодларининг кўп жиҳатларига таъсир ўтказган чуқур ижтимоий трансформацияларнинг бир таркибий қисми сифатида вужудга келди. Социология ғарбда саноатлаштириш билан бирга кечган трансформацияларнинг туб маъносини англашга ҳаракатдан бошланади. У мана шу ўзгаришлар моҳиятини таҳлил қилувчи етакчи фандир. Ҳозирги дунё ўтмишдагидан тубдан фарқ қилади: социологиянинг вазифаси шу дунё ва унинг имкониятларини тушунишда бизга ёрдам беришдир.

Социология ва «соғлом фикр»

Социология бизга ўзимиз ҳақимизда, ўзимиз яшаётган жамият ҳақида, шунингдек, макон ва замонда биздан узоқ бўлган жамиятлар ҳақида билим олиш имконини беради. Социологик тадқиқотлар соғлом фикрга асосланган ўзимиз ва бошқа одамлар ҳақидаги тасавурларимизни бир томондан парчаласа, иккинчи томондан бойитади. Қуйидаги фикрлар рўйхатига мурожаат қилайлик:

1. Романтик севги — инсон ҳаётини тажрибасининг табиий бўлаги, шунинг учун у барча жамиятларда кенг тарқалган ва никоҳ билан узвий боғланган.

2. Одамлар умрининг давомийлиги уларнинг биологик жиҳатларига боғлиқ, шунинг учун у ижтимоий тафовутлар билан маҳкам боғланиши мумкин эмас.

3. Ўтмиш даврларда оила барқарор эди, бугун эса бузилаётган оилаларнинг сони шиддат билан ўсмоқда.

4. Барча жамиятларда ҳам бахтсиз ва эзилган одамлар бўлган, шунинг учун, ўз жонига қасд қилувчилар сони ҳамма жойда ҳам деярли бир хил бўлади.

5. Бутун дунёда одамларнинг кўпчилиги моддий фаровонликка интилади ва имкон борича, унга эришишга ҳаракат қилади.

6. Инсониятнинг бутун тарихи давомида урушлар бўлиб турган. Ҳозир ҳам биз ядро уруши хавфи олдида турибмиз. Бу ҳол инсонда ўзига ҳар қачон йўл оча олувчи агрессив инстинктлар мавжудлиги билан изоҳланади.

7. Компьютерларнинг тарқалиши ва саноат ишлаб чиқаришининг автоматлаштирилиши аҳоли кўпчилик қисмининг иш кунини анча қисқартиради.

Мана шу фикрлардан ҳар бири ё нотўғри ёки шубҳали экани ва нима учун шундайлигини англаб олишимизга социологлар доимо ўртага ташлайдиган ва асарларида ўзлари жавоб топишга ҳаракат қилувчи саволлар ёрдам беради (бу саволлар кейинги бобларда батафсил таҳлил қилинади).

1. Кўриб ўтганимиздек, романтик севгига асосланган никоҳ ғояси мутлақо янги бўлиб, у ғарб жамиятида ҳам, бошқа маданиятларда ҳам аввал йўқ эди. Жамиятларнинг кўпчилигида романтик севги ҳозир ҳам мутлақо маълум эмас.

2. Одамлар умрининг давомийлиги ижтимоий таъсирга боғлиқ, чунки турмуш тарзи хасталик, кексалик ва ўлимни келтириб чиқарувчи биологик омилларга «филтр» сингари таъсир қилади. Кўпинча камбағаллар бойларга нисбатан камроқ соғлом бўлади. Чунки улар яхши овқатланмайдилар, уларнинг ҳаёти жисмоний зўриқишлар билан йўғрилган, улар тиббий хизматдан фойдаланиш имконига камроқ эга.

3. Агар биз XIX аср бошларига мурожаат қилсак, оиладаги биологик ота-оналарнинг фарзандлари миқдори бутунгига нисбатан анча кўп бўлганини кўрамиз, чунки одамлар кўпроқ ёшлигида, айниқса аёллар туғиш пайтида кўпинча ўлиб кетардилар. Ҳозир оилалар бузилишининг асосий сабаби — ажрашишлар ва эр-хотиннинг алоҳида-алоҳида яшаши бўлиб, умуман олганда бузилган оилалар сони катта фарқ қилмайди.

4. Ўзини ўлдиришлар турли жамиятда турлича бўлади. Ҳаттоки ғарб мамлакатларида ҳам ўзини ўлдиришлар миқдори бири-биридан кескин фарқ қилади. Айтайлик, Бирлашган Қиролликдаги ўзини ўлдиришлар сони Испанияга нисбатан тўрт баравар ортиқ, бироқ Венгриядагига нисбатан фақат учдан бирни ташкил қилади. Ўзини ўлдириш миқдори ғарб жамиятини саноатлаштиришнинг асосий даврида, яъни XIX асрда ва XX аср бошларида кескин ортиб кетди.

5. Кўпчилик томонидан моддий фаровонлик ва ютуқлар-

нинг қадрланиши асосан яқин ўтмишда эришилган ўсиш билан боғлиқ, чунки биз индивидларнинг ютуқларига катта аҳамият берамиз. Бошқа кўпгина маданиятларда индивидлар жамоа ютуғини одатда, ўз хоҳишидан устун қўядилар. Моддий тўқлик бошқа қадриятлар, масалан, диний қадриятларга нисбатан унчалик баланд баҳоланмайди.

6. Одамлар фақат агрессив инстинктга эмас, агар инстинктни генетик мустақамланган хулқ намунаси, деб қабул қилсак, улар умуман инстинктга эга эмаслар. Бундан ташқари, инсоният тарихининг кўп қисмида, одамлар унча катта бўлмаган қабилаларга бирикиб яшаган даврда ҳозирги маънодаги урушлар умуман бўлмаган. Бундай гуруҳларнинг баъзилари агрессив бўлса ҳам, кўпчилиги бундай эмасди. У пайтларда армиялар йўқ эди. Шунинг учун тўқнашувлар юз берса ҳам, қурбонлар сони унчалик кўп бўлмасди. Ҳозирги кундаги ядро уруши хавфи «урушнинг индустрлашуви» билан боғлиқ бўлиб, умумий саноатлаштиришнинг муҳим жиҳатини ташкил қилади.

7. Бу тахмин олдингиларидан келажакка қаратилгани билан анча фарқ қилади. Бу ғояга нисбатан анча эҳтиёткор бўлиш зарурлигига ишора қилувчи етарли асос бор. Тўла автоматлашган ишлаб чиқаришлар ҳозир кам учрайдиган ҳодиса, автоматлаштириш оқибатида тугатилган иш жойлари эса бошқа жойларда ташкил этилаётган янги иш ўринлари билан қопланиши мумкин. Бу ҳақда тўла ишонч билан бирон нарса дейиш қийин. Социологиянинг вазифаларидан бири — шу ҳодисаларга алоқадор фактларни тўла ёритишдир.

Социологик тадқиқотлар ҳар доим ҳам соғлом фикрга зид келавермайди. Соғлом фикр кўпинча ижтимоий хулқ-атворни тушуниш манбаи бўлиб хизмат қилади. Бироқ, таъкидлаш лозимки, социолог ҳар бир дамда бизнинг ҳис-туйғуларимизнинг ҳар бири тўғрисида (у қанчалик қалбимиз тубида бўлмасин) савол беришга тайёр бўлиши лозим. Бу аслида шундайми? Шу тахлитда ҳаракат қилар экан, социология «соғлом фикр» нима эканини тушунишга ёрдам беради. Биз соғлом фикр, деб ҳисоблайдиган нарсаларнинг кўпчилиги, яъни ҳаммага аён бўлган нарсалар, масалан, иккинчи жаҳон урушидан кейин ажралишлар сонининг кескин кўпайгани ҳақидаги маълумот социологлар ва бошқа жамиятшунос олимларнинг тадқиқотларига асосланади.

Йилма-йил оила ва никоҳ масалалари тўғрисида маълумот бериб туриш учун жуда кўп тадқиқотлар ўтказиш лозим бўлади. Бизнинг «соғлом фикр»га таянадиган билимларимизнинг кўп соҳалари тўғрисида ҳам шу фикрни айтиш мумкин.

Социологик саволлар: фактологик, қиёсий, назарий ва ривожланиш саволлари

Фактологик саволлар

Социологлар берадиган ва ўзлари жавоб топишга ҳаракат қиладиган саволларнинг кўпчилиги фактологик саволлар ҳисобланади. Ҳаммамиз жамият аъзоси бўлганимиз учун ҳам, у ҳақда муайян миқдордаги фактик билимларга эгамиз. Масалан, Британияда қонунлар мавжудлигини, бу қонунларга рия қилиш зарурлиги, уларга қарши иш тутилса жиноий жавобгарлик хавфи туғилишини барча билади. Айни пайтда, кўпчилик одамларнинг жиноий қонунчилик, жиноий хатти-ҳаракатларнинг моҳияти тўғрисидаги билимлари жуда саёз ва тўла эмас, жиноят ва одил судловнинг кўп жиҳатлари социологик жиҳатдан мунтазам тадқиқ этиб туришга муҳтож. Масалан, жиноятнинг қайси турлари энг кўп тарқалган, деб савол қўййлик. Ёки жиноят содир этган шахслардан қанчасини полиция тутади? Улардан қанчаси жазо олади ва қамоқхоналарга тушади? Фактологик саволлар содда туюлса ҳам, аслида мураккаб ва уларга жавоб топиш анча қийин. Масалан, криминал фаолликнинг ҳақиқий даражасини аниқлаш учун расмий статистика маълумотларининг аҳамияти шубҳалидир.

Қиёсий саволлар

Бир жамият ҳақидаги фактик ахборот, биз одатий ҳол билан учрашдикми, ёки ғайри табиий ҳодиса биланми?, — деган саволга жавоб бера олмайди. Кўпинча, социологлар бир жамиятни бошқалари билан солиштириш учун қиёсий саволлар берадиларки, уларда бир жамиятнинг ижтимоий асноси бошқаси билан солиштирилади ёки бир-бирига зид бўлган жамиятлар ҳақида мисоллар келтирилади. Масалан Британия ва Совет Иттифоқи қонунчилигида анча тафовутлар мавжуд. Бу ҳақдаги типик қиёсий савол қуйидагича қўйилиши мумкин: бу икки мамлакатда криминал хулқ модели ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг хатти-ҳаракатларида қандай тафовутлар бор? (Ҳақиқатан ҳам бир қатор жиддий тафовутлар аниқланади).

Ривожланиш саволлари

Социология учун фақат ҳозирги жамиятларни ўрганишгина эмас, шунингдек, ҳозирги кун билан ўтмишни солиштириш ҳам муҳим. Бундай ҳолда социологлар томонидан бериладиган саволлар ривожланиш саволлари, дейилади. Ҳозирги дунё моҳиятини чуқурроқ англаш учун аввалги ижтимоий шаклларга назар ташлаш, уларда юз берган ўзгаришларнинг асосий йўналишларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Шу йўл билан биз, айтайлик, дастлабки қамоқхоналар қандай пайдо бўлгани-

ни тадқиқ қилишимиз мумкин. Бу мавзу ҳақда юқорида ҳам фикр юритдик.

Назарий саволлар

Фактологик, ёки социологияда эмпирик деб аталадиган тадқиқотлар ҳодисаларнинг қандай кечаётганини ўрганишга қаратилган. Аммо социологиянинг вазифаси фақат фактларни тўплашдан иборат эмас (улар ҳар қанча қизиқарли бўлса ҳам). Биз, шунингдек бу ҳодисалар нима учун юз бераётганини ҳам ўрганишимиз керак, бунинг учун эса назарий саволлар қўйишни билишимиз керак. Улар бизга тадқиқотимиз назаргоҳида турган ҳодисаларни келтириб чиқарган сабабларни тўғри талқин қилишда ёрдам беради. Саноатлаштириш ҳозирги жамиятларнинг шаклланишига кучли таъсир ўтказгани бизга маълум. Бироқ, саноатлаштиришнинг сабаб ва шартлари нимада? Нима учун биз саноатлаштириш юз бераётган жамоаларда турли-туманликка дуч келамиз? Нима учун саноатлаштириш жиноятга жазо бериш усулларида ёки оила ва никоҳ тизимида ўзгаришлар келтириб чиқаради? Бу саволларга жавоб бериш учун уларга назарий жиҳатдан ёндошиш керак. Назария эса эмпирик ҳодисаларни тушунтиришга тадбиқ қилиш мумкин бўлган мавҳум талқинларни яратишни тақозо қилади. Масалан, саноатлаштириш назариялари саноат тараққиёти учун хос бўлган асосий белгиларни аниқлаши ва улардан қай бири жамият ривожини тушунтиришда муҳимлигини кўрсатиб бериши керак. Албатта, фактологик ва назарий саволлар бир-биридан ажратиб қўйилиши мумкин эмас, назарий ёндошувлар, уларни эмпирик жиҳатдан текшириш мумкин бўлган тақдирдагина ўринлидир.

Назарий саволлар фактларни англаб идрок қилишга ёрдам беради. «Фактлар ўзи ҳақида ўзи гапиради» деган фикр нотўғри. Кўпчилик социологлар биринчи навбатда эмпирик масалалар билан шуғулланадилар, лекин ўз изланишларида назария асосида иш кўришмаса, улар ўрганилаётган ҳодисаларнинг сабабини аниқлай олмайдилар. Ҳаттоки тадқиқотлар соф эмпирик мақсадларда ўтказилган тақдирда ҳам шундай бўлиб чиқади.

«Амалиётчи»лар одатда, назарийчиларга шубҳа билан қарайдилар ва ўзларини «ерда мустаҳкам турганлар» деб ҳисоблашлари, мавҳум гоаяларга эътибор беришни ўзлари учун эп кўрмасликлари мумкин, бироқ барча амалий муаммоларни ечиш асосида назария ётади. Бизнесмен, масалан, «назария» ҳақида чекланган тасаввурга эга бўлиши мумкин. Лекин барибир, иш фаоллигини таҳлил қилишда назарий тасаввурлар кўзда тутилади, гарчанд бу тасаввурлар аниқ ифодаланмаган бўлса ҳам. Масалан, айтайлик, иш ҳақи даражаси яхши ишлаш учун рағбат ҳисобланади. Бу фақатгина инсон хулқ-атворини талқин қилиш бўлиб қолмай, айна пайтда нотўғри талқин қилиш ҳамдир, бу ҳақда саноат социологияси гувоҳлик бермоқда.

Инсон хатти-ҳаракатларининг кўзда тутилган ва тутилмаган оқибатлари

Социологлар ҳаракатимиз натижалари орасидаги тафовутга — бизнинг бирор оқибатни кўзлаб ҳаракат қилишимиз ва бизнинг ҳаракатларимиз олиб келадиган қутилмаган натижалар ўртасидаги фарққа алоҳида эътибор берадилар. Шу йўл билан жамият тараққиёти тўғрисида кўп нарсаларни билиб олиш мумкин. Масалан, мактаблар болаларга янги билимлар бериш учун ташкил қилинган. Шу билан бирга, мактабларнинг мавжудлиги шундай оқибатларга ҳам олиб келадики, уларни аниқлаб олиш ёки кўзда тутиш мумкин ҳам эмас. Мактаб муайян ёшгача болаларнинг меҳнат бозорида иштирок этишларига йўл қўймайди. Мактаб тизими болаларнинг ўзлаштиришига мос тарзда уларнинг ўртасида келажақда иш ўринларининг тақсимланишига ҳам таъсир ўтказди.

Тарихдаги жуда кўп ўзгаришлар кўзда тутилмаган оқибатлар сифатида юз берган. 1917 йил инқилобига қадар Россиядаги жуда кўп сиёсий гуруҳлар мавжуд тузумни ағдариб ташлашга уриниб кўрганлар. Аммо улардан бирортаси ҳам, шу жумладан, большевиклар ҳам ўзларининг ҳаракатлари, амалда юз берган инқилобий жараённинг барча оқибатларини кўра билмаган эдилар. Бир қатор майда-чуйда тўқнашув ва ўзгаришлар ҳеч ким кутмаган радикал ўзгаришларга олиб келди.

Базан бирор мақсадни кўзлаб амалга оширилган хатти-ҳаракатлар, амалда шу мақсадга тўсиқлик қиладиган оқибатларга олиб келади. Масалан, бундан бир неча йил аввал Нью-Йорк шаҳридаги кам даромадли оилалар яшайдиган минтақаларда авария ҳолатидаги уй эгаларига шу уйларни таъмирлаб, ҳеч бўлмаганда минимал андозалар даражасига олиб келишлари кераклиги тўғрисида қонун қабул қилинди. Қонундан кўзда тутилган мақсад — кам таъминланган одамлар уйлари аҳолини яхшилаш эди. Натижа эса бунинг аксича бўлиб чиқди. Эскириб кетган биноларнинг эгалари бу уйлардан мутлақо воз кечдилар ёки уларни бошқа мақсадлар учун мослаштириб олдилар. Шундай қилиб, яшаш мумкин бўлган уйлар сони кўпайиш ўрнига камайиб кетди. Қамоқхоналар ва жиннихоналар масаласига мурожаат қилсак ҳам шундай мисолларни учратиш мумкин. Сўнгги бир неча йил давомида Британияда ва яна бир нечта фарб мамлакатларида қамоқхоналарда ва жиннихоналарда одамларни тутиб туриш қоидалари қисман ўзгарди. Қамоқхона ва жиннихоналарда тутиб турилганларнинг бир қисми очикда яшаш учун чиқариб юборилди — жамият шу тарзда ўзининг руҳий беморларга ғамхўрлигини ифода қилди. Натижалар эса, бу янгиликни амалга оширган либерал реформаторлар учун кутган натижанинг акси бўлиб чиқди. Руҳий шифохонадан чиқариб юборилган беморларнинг кўпчилиги ҳаётга мослаша олмай, жуда қашшоқ ҳолга тушиб

қолдилар. Бу қарорнинг оқибатлари кўпчилик учун даҳшатли бўлди.

Ижтимоий ҳаётдаги узлуксизлик ва ўзгаришларни инсонларнинг хатти-ҳаракатларидан кутилган ва кутилмаган натижалар қоришмаси сифатида тасаввур қилиш мумкин.

Социологиянинг вазифаси — олинган натижалардаги ижтимоий ишлаб чиқариш ва трансформациялар мувозанатини ўрганишдир. Ижтимоий ишлаб чиқариш жамият замондаги ўз ҳаётини қандай таъминлаётганини кўрсатса, трансформациялар эса шу жараёнда жамият дуч келадиган натижаларни ифодалайди. Жамият соат ёки двигателга ўхшаб, ўз ичидаги қувват манбаи таъсирида фаолиятни давом эттирадиган механик қурилма эмас. Ижтимоий ишлаб чиқариш одамлар ҳар куни, ҳар доим бажарадиган ҳаракатлар, шунингдек одамлар иштирок этадиган ижтимоий амалиётнинг натижаларидир. Ўзгаришлар қисман одамларнинг мақсадларига мос тарзда юз берса, қисман, худди 1917 йил революцияси мисолидагидай, одамлар кутмаган ва хоҳламаган натижаларга олиб келади.

Бизнинг хатти-ҳаракатларимиз тўғрисида социология нима дейиши мумкин?

Ҳар биримиз индивид сифатида ўзимиз ва ўзимиз яшаётган жамият тўғрисида кўп нарса биламиз. Биз нима учун бошқача эмас, айнан шундай ҳаракат қилаётганимиз сабабини социологларсиз ҳам биламиз, деб ўйлаймиз. Маълум маънода бу — тўғри фикр, кундалик ҳаётда амалга ошираётган хатти-ҳаракатларимиз бизнинг жамиятда мавжуд келишувларни англашимиз натижасида майдонга келган. Шундай бўлса ҳам бизнинг ўзимиз ва жамиятни англашимизда муайян чегаралар бор ва социологларнинг энг муҳим вазифаларидан бири ана шу чегаралар борлигини кўрсатишдир.

Қуйидаги муҳокамалар асосида биз унчалик қийналмай бу чегаралар моҳиятини билиб оламиз. Айтиб ўтганимиздек, одамлар соғлом фикр асосида ўзларига ва ўзгаларга тааллуқли нотўғри, тўла бўлмаган, баъзан етарли маълумотга эга бўлмасдан ҳукмлар чиқарадилар. Социологик тадқиқотлар бизнинг ижтимоий ҳукмларимиз чегарасини аниқлашга, айти пайтда ўзимиз ва ижтимоий муҳим ҳодиса ҳақидаги билимларимизни тўғрилаб олишимизга кўмаклашади. Социологиянинг яна бир муҳим хосаси шундаки, биз нимани ва нима учун қилаётганимизни кўп ҳолларда тушунсак ҳам, ана шу хатти-ҳаракатларимизнинг оқибатларини тўла тасаввур қила олмаймиз. Аввалдан мўлжалланмаган ва кутилмаган оқибатлар ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари ва жабҳаларига таъсир ўтказади. Социологик таҳлил ижтимоий дунёдаги мўлжалланган ва кутилмаган оқибатлар ўртасидаги нозик ва илғаш қийин бўлган алоқаларни ўрганади.

Ижтимоий тузилма ва инсон хатти-ҳаракатлари

Жамиятдаги боғланишларни тушунишимизга ёрдам берадиган муҳим концепция бу — ижтимоий тузилма концепцияси. Бизнинг атрофимиздаги ижтимоий муҳит воқеа-ҳодисаларнинг бетартиб йиғиндисидан иборат эмас. Одамларнинг хулқ-атворида, уларнинг ўзаро муносабатларида чуқур мунтазамлик сезилади. Мана шу мунтазамлик билан ижтимоий тузилма ғояси бир-бирига боғланган. Баъзи жиҳатдан жамиятнинг тузилмавий томонларини бинога қиёслаб таърифлаш мумкин. Бинога муайян шакл бериб турадиган деворлари, поли ва томи бор. Аммо бу метафори айлани тушунмаслик керак, унда биз масаланинг моҳиятидан узоқлашиб кетамиз. Ижтимоий тузилмалар инсонларнинг хатти-ҳаракатлари ва муносабатлари билан белгиланади: тузилмалар барқарорлиги, мукамаллиги уларнинг маконда ва замонда такрорланиб туришига боғлиқ. Шундай қилиб, ижтимоий ишлаб чиқариш ва ижтимоий тузилма социологик ёндошув доирасида жуда маҳкам боғланган. Шунинг учун ҳам *биз кишилик жамиятларини бинолар сифатида тасаввур қилишимиз мумкин ва бу бинолар ҳар дақиқада ўз таркибидаги ғишлардан қайта тикланиб туради*. Бизнинг барча хатти-ҳаракатларимиз ўзимиз яшаётган жамиятнинг тузилмаси таъсирида шаклланади ва айни пайтда биз ўз ҳаракатларимиз билан бу тузилмаларни яратиб (муайян даражада ўзгартириб ҳам) тураемиз.

Социологик дунёқарашнинг ривожланиши

Социологик тафаккурга ўргатиш тасаввур кучининг ривожлантирилишини аниқлатади. Социологияни ўрганиш зерикарли билим олиш жараёни сифатида олиб борилиши мумкин эмас. Социолог шундай одамки, у ўзининг шахсий ташвиши ва вазиятлардан четга чиқа олиш қобилиятига эга. Социологнинг иши Чарлз Райт Миллснинг машҳур таъбирига кўра «социологик тасаввур»⁶ кучига боғлиқ. Социология бўйича дарсликларнинг кўпчилиги эътиборни шу нарсага қаратади. Лекин Миллснинг ўзидан фарқли ўлароқ, улар бу иборани мутлақо тасаввурсиз ишлатадилар.

Социологик тасаввур, аввало *кундалик ҳаётнинг икки-чирларидан «четга чиқа олиш» қобилиятини* аниқлатади. Масалан энг оддий ҳодиса — қаҳва ичишни олайлик. Хулқ-атворимизнинг жуда майда бўлаги бўлган шу нарса ҳақида социология нуқтаи назаридан нима дейиш мумкин? Жавоблар эса фавқуллода кўп.

Биринчи навбатда шуни айтиш лозимки, қаҳва танамиздаги муайян намликни ушлаб туришга хизмат қиладиган суюқликкина эмас, у кундалик ижтимоий ритуал сифатида *тимсо-*

⁶ Mills C. Wright. The Sociological Imagination. Harmondsworth, 1970.

лий аҳамиятга молик. Шу билан бирга, қаҳва ичиш билан боғлиқ бўлган ритуал, қаҳванинг ўзини ичишга қараганда муҳимроқ аҳамиятга эга. Масалан, «бир чашка қаҳва» ичиш учун учрашган икки одамни бу суюқлик ичишдан кўра кўпроқ учрашувнинг ўзи ва суҳбат қизиқтиради. Овқатланиш ва ичимликлар ҳар қандай жамиятда ҳам ўзаро ритуал бажариш имкониятидир. Шунинг учун ҳам улар социологик тадқиқот учун бой мавзу бўлади.

Иккинчидан, қаҳва ўз таркибида кофеинга эга бўлган ва мияга кўзгатувчи таъсир ўтказадиган наркотик. Қаҳва ишқибозларининг кўпчилиги жамият учун «наркоман» ҳисобланмайди. Нега шундай? Бу қизиқ социологик савол. Алкогол сингари, қаҳва ҳам ижтимоий маъбул наркотик. Марихуана эса бундай эмас. Бироқ шундай маданиятлар ҳам мавжудки, улар марихуана истеъмол қилишга йўл қўйсалар ҳам, қаҳва ва алкогольни ман этадилар. (Бу масалаларни чуқурроқ ўрганиш учун «Конформлик ва девиант хулқ» ҳақидаги 5-бобга қаранг).

Учинчидан, бир чашка қаҳва — бутун дунёни қамраб оладиган мураккаб ижтимоий ва иқтисодий алоқаларнинг бутун бир тизимини ифодалайди. Қаҳвани ишлаб чиқариш, олиб келиш ва сотиш учун қаҳва ишқибозларидан минглаб мил узокда яшовчи одамлар ҳаракатга келади. Бундай глобал ўзаро таъсирларни ўрганиш эса социологиянинг муҳим вазифаси ҳисобланади, чунки ҳаётимизнинг жуда кўп жиҳатлари дунёдаги савдо алоқаларига боғлиқ.

Ниҳоят, қаҳва ичиб лаззатланиш ортида юзага чиққан ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш жараёни ҳам бор. Қаҳва ҳозирги фарб мамлакатлари учун одатий бўлиб қолган чой, банан, картошка, қанд сингари маҳсулотлар каби фақат XIX асрдан бошлаб истеъмол қилина бошлади. Қаҳва яқин Шарқдан келиб чиққан бўлса ҳам, уни оммавий истеъмол қила бошлаш бундан бир ярим асрга аввал — фарбнинг мустамлака экспансияси даврига тўғри келади. Фарб мамлакатларида ҳозир истеъмол қилинаётган қаҳва навлари аввал европаликларнинг мустамлакаси бўлган Жанубий Америка ва Африкадан келтирилди.

Социологик тасаввурни ривожлантириш фақат социологиянинг эмас, антропология (анъанавий жамиятларни ўрганиш) ва тарих материалларидан фойдаланишни ҳам тақозо қилади. Социологик тасаввурнинг ривожланиши учун антропология йўналиш жуда муҳим аҳамиятга эга, чунки у турли-туман ижтимоий ҳаётнинг калейдоскопини кўриш имконини беради. Уларни ўз ҳаётимиз билан солиштирар эканмиз, хулқимизнинг ўзига хос ноёб хусусиятлари тўғрисида кўпроқ нарса билиб оламиз. Социологик тасаввурни ривожлантиришда тарихий йўналиш ҳам шундай фундаментал аҳамиятга эга: биз ўзимиз яшаётган ҳозирги дунёнинг ўзига хос моҳиятини ўтмиш билан қиёслаганимиздагина била оламиз. Ўтмиш шундай кўзгуки, социолог унга қараб бутунни тушуна олади. Бу ҳолатларнинг ҳар бирида уларни ях-

широқ тушуниш учун кундалик расм-русумларимиздан «четга чиқишимиз» назарда тутилади.

Шундай бўлса ҳам, Милл социологик тасаввурнинг бошқа жиҳати — бизнинг келажакдаги имкониятларимизга урғу берган эди. Социология бизга ижтимоий турмуш типларини таҳлил қилишдагина ёрдам бериб қолмай, очилаётган келажакка назар ташлаш имконини ҳам беради. Социологик фикрнинг эркин ҳаракати фақат юз бераётган ҳодисаларнинг эмас, биз муайян тарзда ҳаракат қилсак, юз бериши мумкин бўлган ҳодисаларнинг ҳам моҳиятини англаш имконини яратади. Келажакка бирор таъсир ўтказиш бўйича ҳаракатларимиз, агар улар мавжуд тамойилларни социологик тушунишга асосланмаса, самарасиз бўлиб қолади.

Социологияни фан дейиш мумкинми?

Ижтимоий фанлар, деб аталадиган (ўз ичига антропология, иқтисод ва сиёсатшуносликни қамраб оладиган) фанлар гуруҳида социология етакчи ўринни эгаллайди. Лекин, амалда биз ҳақиқатан ҳам, одамларнинг ижтимоий турмушини «илмий» тарзда ўргана оламизми? Бу саволга жавоб бериш учун интеллектуал фаолиятнинг бир тури бўлган фаннинг асосий хусусиятларини кўриб чиқишимиз керак. Фан ўзи нима?

Фан — тадқиқот усулларининг тизими, назарий тафаккур ва далилларни мантиқий баҳолаш орқали муайян предмет ҳақидаги билимларимизни бойитишдир. Илмий иш дадил фикр ҳамда фараз ва назарияларни тасдиқлаш мақсадида синчиклаб тўпланган материаллар мажмуасидир. Илмий изланиш ва мунозаралар натижасида олинган ахборотлар ҳамма вақт ҳам маълум даражада *дастлабки* ахборотлар бўлиб, қайта кўриб чиқиш ёки, баъзи қатламларда улардан мутлақо воз кечиш ҳам мумкин.

«Социология фан ҳисобланадими?» — деб савол кўйганимизда биз икки ҳолатни назарда тутамиз: «Бу фан табиий фанларга ўхшаб қурилиши мумкинми?» ва «Табиий оламга нисбатан табиий фанлар эришган аниқ ва яхши асосланган билим даражасига социология ета оладими?» Бу ҳолатлар ҳамма вақт ҳам муайян даражада мунозарали бўлган, лекин аксарият социологлар узоқ вақт давомида бу саволга ижобий жавоб бериб келганлар. Улар социология табиий фанларга процедура бўйича ҳам, олинаётган натижаларнинг хусусияти бўйича ҳам ўхшатилиши керак, (баъзан позитивизм, деб аталадиган нуқтаи назар) деб ҳисоблашарди.

Ҳозир бундай қараш жуда соддалик бўлиб кўринади. Бошқа ижтимоий «фан»ларга ўхшаб социология ҳам маълумотлар тўплаш ва таҳлил қилиш усуллари тизимига, назарияларни исботлар ва мантиқий далиллар асосида баҳолаш усулларига эга бўлгани учун ҳам фан ҳисобланади. Шунга қарамасдан, онгли

мавжудотларни ўрганиш табиий олам ҳодисаларини ўрганишдан фарқ қилади ва шунинг учун ҳар қандай мантикий пардозларга қарамай, социологиянинг хулосалари оддий табиий-шунослик билан қиёслаганда тўғри тушунилмаслиги мумкин. Ижтимоий ҳаётни ўрганар экан, социолог одамлар ўзлари учун аҳамиятли ҳодисалар бажараётгани билан тўқнаш келади. Табиат объектларидан фарқли ўлароқ одамлар ўзларини англай биладилар, улар ўзлари бажараётган ишнинг мазмуни ва мақсадини тушунадилар. Агар биз одамлар ўзлари бажараётган ишга қандай маъно бераётганликларини тушуна олмасак, ижтимоий ҳаётни аниқ тавсифлай олмаймиз. Масалан, ўлимни «ўзини ўзи ўлдириш» сифатида тавсифлаш учун, аввало ўлим олдида ётган ўша одамнинг қандай мақсадлари бўлганини билишимиз керак. Агар индивид ўзини ўзи барбод қилиш учун фаол ҳаракат қилган бўлсагина «ўзини ўзи ўлдириш» ҳақида гапириш мумкин. Автомобил остига беҳосдан тушиб қолган одам ўзини ўлдирган ҳисобланмайди, чунки ўлиш унинг мақсади эмас эди.

Биз онгли мавжудотларни табиат объектларини ўргангандай ўргана олмаслигимиз, бир томондан, социологларга устунлик берса, иккинчи томондан, табиий-шуносликда бўлмаган қийинчиликларни юзага келтиради. Устунлик шундаки, социологлар ўзлари ўрганаётган объект — бошқа онгли мавжудотларга савол билан мурожаат қила оладилар. Бошқа томондан эса, одамлар ўз хатти-ҳаракатлари синчиклаб ўрганилаётганини сезиб қолсалар, ўзларини одатдагидан бошқачароқ тута бошлайдилар. Масалан, саволномага жавоб берар экан, индивид ўзи билиб ёки билмай ўзи ҳақида аслидагидан бошқачароқ тасаввурга келиши мумкин. У ҳатто, тадқиқотчига, ўзидан кутилаётган жавобни бериш орқали ёрдам бермоқчи ҳам бўлиши мумкин.

Объективлик

Ўз тадқиқотлари ва назарий изланишларида социологлар дунёни сунъий тасаввурларсиз, ҳолис ўрганишга ҳаракат қилдилар. Яхши социолог ишга халақит бериши мумкин бўлган ноҳолис тасаввурлардан қутилиш учун ҳар бир имкониятдан фойдаланади. Лекин ҳеч ким ҳар томонлама мутлақо ҳолис бўлиши мумкин эмас ва мунозарали масалаларга ҳолис қарашни шакллантириш анча мураккаб. Бироқ объективлик тўла ёки энг аввало, фақат муайян тадқиқотчининг дунёқарашига боғлиқ эмас. У кузатиш ва далиллаш усулларига асосланади. Бу ўринда мазкур фаннинг оммавийлик хусусияти муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқотчининг хулоса ва ҳисоботлари мақола, рисола ва китоб ҳолида эълон қилингани учун очиқ бўлгани сабабли, у ёки бу хулосалар текшириб кўрилиши мумкин. Тадқиқот натижасида олинган хулосалар танқидий баҳоланиши, тадқиқот-

чининг шахсий майллари эса бошқалар томонидан инкор қилиниши мумкин.⁷

Шундай қилиб, социологияда объективликка социология ҳамжамияти аъзоларининг ўзаро танқидий ёндошувлари оқиба-тида эришилади. Социологияда ўрганиладиган кўп мавзулар бир-бирига анча зид, чунки улар жамиятда мавжуд баҳс ва низо-ларни бевосита ифодалайдилар. Аммо очиқ муҳокама-лар, маълумотларни ва далилларнинг мантиқий тизimini синчиклаб ўрганиш орқали бундай муаммолар самарали ва сермаҳсул тарзда ўрганилиши мумкин.

Социологиянинг амалий аҳамияти

Ижтимоий вазиятларни тушуниш

Социология бизнинг турмушимизга жуда кўп амалий таъсир ўтказди. Социологик тафаккур ва тадқиқотларнинг амалий сиёсат ва ижтимоий ислохотларга ўтказадиган таъсири бир неча йўналишларда бўлади. Энг бевосита усул — ижтимоий вазиятнинг аниқроқ ва тўғрироқ тушунилишини таъминлашдир. Бу мавжуд билимлар даражасида ёхуд у ёки бу ҳодиса нима учун юз бераётганини назарий англаш (бошқача қилиб айтсак, назарий асослаш йўли) орқали амалга ошади. Масалан, тадқиқотлар кишилар ўйлаётганидан кўра кўпроқ одамлар қашшоқликда яшаётганини кўрсатиши мумкин. Ҳаёт андозаларини яхшилашга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлар хато эмас, тўғри маълумотларга таянгандагина муваффақиятга эришиш эҳтимолини яратди. Қашшоқлик нима учун кенг тарқалган ҳодиса бўлиб келаётгани ҳақида қанча кўп маълумотга эга бўлсак, унга қарши самарали чоралар қўллаш эҳтимоли шунчалик ортади.

Маданий тафовутларни сезувчанлик

Социология амалий сиёсатга ёрдам бериши мумкин бўлган иккинчи усул — жамиятда турли гуруҳларга нисбатан маданиятни сезувчанликни тарбиялашда ёрдам беришдир. Социологик тадқиқотлар ижтимоий дунёга турли-туман маданий истиқболлар сифатидаги турли ижтимоий гуруҳларнинг бир-бирларига нисбатан фарзли қарашларини бартараф этишга кўмаклашади. Турли маданий қадриятлар ҳақида етарли тасаввурга эга бўлмай туриб маърифатли сиёсатчи бўлиш мумкин эмас. Ўзи йўналтирилган одамлар турмуш тарзини англашга асосланмаган амалий сиёсатнинг муваффақиятга эришиши мумкин эмас. Масалан, ғарбий ҳинд секторида фаолият юритаётган ижтимоий соҳанинг оқ танли ходими, Британияда оқ танли ва қора танлиларни ажратиб турадиган маданий тафовутларга нисбатан хай-

⁷ *Habermas Jürgen. Communication and Evolution of Society. Cambridge, 1979.*

рихоҳликни шакллантирмаса, шу ҳудудда яшовчиларнинг ишончини қозона олмайди.

Сиёсий ҳатти-ҳаракатлар натижасини баҳолаш

Учинчидан, социологик тадқиқотлар сиёсий ташаббуслар натижасини баҳолашда амалий аҳамиятга эга. Амалий ислоҳотлар дастури уни яратувчилар ўз олдига қўйган мақсадга олиб келмаслиги ёки бўлмаса бир қатор қутилмаган ноҳуш оқибатларга олиб келиши мумкин. Масалан, урушдан кейинги йилларда кўпчилик мамлакатлардаги шаҳарларнинг марказий ҳудудларида катта-катта коммунал уйлар қурилди. Бунда шаҳар чеккаларидаги вайроналарда яшовчи кам даромадли гуруҳларнинг яшаш андозаларини юксалтириш назарда тутилган эди: шу ернинг ўзида савдо ва маиший хизмат муассасаларини жойлаштириш ҳам мўлжалланган эди. Бироқ тадқиқотлар олдинги яшаш жойларидан катта уйларга кўчиб ўтганларнинг кўпчилиги ўзларини ихоталанган ва бахтсиз ҳис қилаётганини кўрсатди. Баланд бинолар ва савдо районлари тезда таназзулга юз тутди, улар гуруҳ бўлиб безорилик қилиш ва бошқа жиддий жиноятлар содир этиладиган жой бўлиб қолди.

Ўз-ўзини билишнинг чуқурлашуви

Тўртинчидан, буни энг муҳими, деб ҳисоблаш мумкин, социология ижтимоий гуруҳларга ўзлари ҳақида маърифий тасаввур бериши, ўзини билишини кенгайтиради. Одамлар ўзлари юритаётган фаолият шароитлари, жамият ҳаёти тўғрисида қанча кўп билимга эга бўлишса, уларнинг ўз турмуш ҳолатига таъсир ўтказа олиш эҳтимоллиги шунчалик кўпаяди. Социологиянинг амалий ролини фақат ҳукмрон гуруҳлар ва сиёсатчиларга асосланган қарор қабул қилишда ёрдам бериш, холос, деб ўйлаш нотўғри. Ҳокимиятга эга бўлганлардан ҳар доим ҳам имтиёзларга эга бўлмаган қатламлар ҳақида ғамхўрлик қилишни кутиб бўлмайди. Ўз-ўзини юқори даражада англайдиган гуруҳлар ҳукумат амалдорлари ва бошқа таъсирли шахслар ҳатти-ҳаракатларига самарали жавоб қайтариши ва ўзларининг сиёсий ташаббусларини олға суришлари мумкин. Ўзаро ёрдам гуруҳлари («аноним алкоголиклар» сингари) ва жамоатчилик ҳаракатлари (масалан, хотин-қизлар ҳаракати) амалий ислоҳотларга эришиш учун уринаётган ижтимоий уюшмаларга мисол бўла олади. («Гуруҳлар ва ташкилотлар» деб аталган 9-бобга қаранг).

Социологнинг жамиятдаги роли

Социологлар ўзлари амалий ислоҳотлар ва ижтимоий ўзгаришлар дастурини ҳимоя ва тарғиб қилишлари керакми? Баъзилар фикрича, социологлар ахлоқий ва сиёсий масалаларда бетараф бўлсаларгина объективликка эришиш мумкин, деб ҳисоблайдилар, лекин, ижтимоий мунозаралардан четда турадиган олим социологик жиҳатдан холисроқ бўлади, дейишга

ҳеч қандай асос йўқ. Социологияни ўрганиш ва ижтимоий ўз-ўзини англаш ўртасида алоқадорлик мавжудлиги исбот талаб қилмайди. Социологиянинг бой тажрибасидан баҳраманд бўлган бирор инсон ҳозирги кунда мавжуд бўлган тенгсизлик, кўп вазиятларда ижтимоий адолатнинг йўқлиги ёки миллионлаб одамларнинг ҳуқуқсизлиги масаласига бефарқ қараб тура олмайди. Агар социологлар амалий фаолиятда иштирок этишмаса, таажжубланарли бўлар ёки, уларга социологик тажрибадан фойдаланишни ман қилиш мантиққа ва амалиётга зид бўлган бўлар эди.

Якуний изоҳлар

Бу бобда биз социологияни бизнинг ва ўзгаларнинг ҳаётига таъсир ўтказадиган омилларни батафсил ва атрофлича ўрганиш учун дунёга субъектив шахсий муносабатни четга суриб қўйишни талаб қиладиган фан, ақлий фаолиятнинг махсус тури сифатида ўрганамиз, у ҳозирги саноат ривожининг илк босқичида майдонга келди ва ҳозир ҳам бундай жамиятларни ўрганиш муҳимлигича қолмоқда. Социологлар, шунингдек, ижтимоий ўзаро таъсир ва умуман инсоний жамиятларга алоқадор масалалар мажмуи билан ҳам иш олиб борадилар. Кейинги бобда биз инсон маданияти ва турли-туманлигига мурожаат қиламиз ва турли халқларнинг урф-одат ва расм-русумлари ўртасида қанчалик катта тафовут борлигини кўрамиз. Бунинг учун биз дунё бўйлаб маданий экспедицияга чиқишимиз керак бўлади. Биз интеллектуал даражада Христофор Колумб, Капитан Кук ва бошқа саргузашт ишқибозлари ер шари бўйлаб амалга оширган хатарли саёҳатларини такрорлашимизга тўғри келади. Бироқ, биз, социолог сифатида воқеаларга фақат сайёҳлар нуқтаи назаридан — биринчи кашфиётчилар каби қараб тура олмаймиз, чунки бу экспедициялар натижасида бошқа маданиятларга ва дунёнинг кейинги ижтимоий тараққиётига драматик таъсир ўтказган ғарб экспансияси бошланди.

Бобнинг қисқача мазмуни

1. Социология, инсоният жамиятларини, ҳозирги саноатлашган жамиятларга алоҳида эътибор бериб, мунтазам ўрганади, деб таърифлаш мумкин.

2. Социология кейинги икки-уч аср давомида кишилик жамиятида юз берган ўзгаришларни ўрганиш асосида майдонга келди. Ҳозирги ижтимоий дунёнинг энг муҳим хусусиятлари орасида саноатлашув, урбанизм ва сиёсий тизимларнинг янги типларини санаб ўтиш мумкин.

3. Юз берган ўзгаришлар кенг миқёсли бўлибгина қолмади. Инсонлар ҳаётининг интим ва шахсий жиҳатларида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Бунга оила қуришда романтик севги ролининг ортиб борганини мисол қилиб келтириш мумкин.

4. Социологлар жамият ҳаётини ўрганар эканлар, ўз олдларига муайян саволлар қўйдилар ва мунтазам тадқиқотлар ўтказиб уларга жавоб топишга ҳаракат қиладилар. Бу саволлар фактологик, қиёсий, назарий

ёки ривожланиш саволлари бўлиши мумкин. Социологик тадқиқотларда инсон фаолиятининг кўзда тутилган ва тутилмаган оқибатларини фарқлаш муҳим аҳамиятга эга.

5. Социология бўйича машғулотлар тахайюл билан тафаккур юритишни ва ижтимоий муносабатлар ҳақида олдиндан вужудга келган тасаввурлардан воз кечишни тақозо қилади.

6. Социология бошқа ижтимоий фанлар билан узвий боғланган. Барча ижтимоий фанлар инсон ҳулқ-атворини ўрганади, асосий эътиборни унинг турли жиҳатларига қаратади. Социология, антропология ва тарих орасидаги алоқалар айниқса, муҳимдир.

7. Социологияни шу маънода фан деб аташ мумкинки, унда мавжуд фактлар ва мантиқий далилларга асосланиб тадқиқотнинг тизимли усуллари қўлланилади ва назариялар яратилади. Лекин у бевосита табиий фанларга нисбат берилиши мумкин эмас, чунки инсон атворини ўрганиш табиий дунёни ўрганишдан тубдан фарқ қилади.

8. Ижтимоий дунёни ўрганишда социологлар тадқиқотга холис ёндошиб объектив бўлишга ҳаракат қиладилар. Обьективлик муайян тадқиқотчининг шахсий хусусиятларигагина эмас, балки тадқиқот ва назария билан боғлиқ. Бу ҳол социологиянинг фан сифатидаги энг муҳим хусусиятларидан бирини ифодалайди.

9. Социология — муҳим амалий аҳамиятга молик фан. Унинг ижтимоий танқид ва амалий ижтимоий ислохотларга қўшадиган ҳиссаси бир неча йўналишда бўлади. Биринчидан, ижтимоий вазиятларни яхшироқ тушуниш бизга уларни яхшироқ назорат қилиш имконини беради. Иккинчидан, социология ҳар қандай сиёсий акцияларда маданий қадриятлар ўртасидаги тафовутларни ҳисобга олиб, бизнинг маданиятларга нисбатан сезувчанлигимизни оширишга қўмаклашади. Учинчидан, биз муайян сиёсий дастурлар эълон қилишнинг (кутилган ва кутилмаган) оқибатларини баҳолаш имкониятига эга бўлаемиз. Ниҳоят, социология гуруҳ ва индивидларга ўз ҳаёт шароитларини ўзгартиришга катта шароит яратиб, ўзини ўзи ўрганишга қўмаклашади.

Асосий тушунчалар

социология	фан
ижтимоий тузилма	объективлик

Энг муҳим атамалар

соғлом фикрга асосланган тасаввурлар	ижтимоий қайта ишлаб чиқариш
факталогик саволлар	ижтимоий трансформация
қиёсий саволлар	социологик тасаввурлар
ривожланиш саволлари	антропология
эмпирик тадқиқотлар	позитивизм
назарий саволлар	муҳим хатти-ҳаракатлар
кутилмаган оқибатлар	ўз-ўзини ўрганиш

МАДАНИЯТ, ШАХС ВА ИЖТИМОЙ ЎЗARO ТАЪСИР

Китобнинг бу қисмида социологиянинг ранг-баранг дунёсини тадқиқ этамиз. Биз маданият ва индивидуал ривожланиш ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кўриб чиқамиз, одамлар бутун яшаётган ва ўтмишда яшаган жамиятларнинг типларини таҳлил қиламиз. Бизнинг шахсимиз ва дунёқарашимиз ўзимиз яшаётган жамият ва маданиятнинг кучли таъсири остида бўлади. Айни пайтда кундалик ҳаракатларимиз билан фаолият юритаётганимиз маданий ва ижтимоий воқеликка катта таъсир ўтказамиз ва уни қайтадан яратамиз.

Ушбу қисмнинг бошланишида (2-боб) биз инсон маданиятининг бирлиги ва ранг-баранглигини тадқиқ этамиз. Одамлар қайси жиҳатлари билан улардан фарқ қилиши ҳақида сўз юритамиз, турли хил маданиятларда мавжуд бўлган тафовутларни таҳлил қиламиз. Маданий тафовутлар даражасини кўп маданиятларни бошқача қилиб ёки йўқ қилиб юборган ўзгаришлар натижаси деб қараш керак. Бундай ўзгаришларнинг умумий манзараси ҳозир қайта чизилмоқда ва дунёда устунлик қилаётган жамиятлар ўзидан олдингилар билан контраст ҳолида тавсифланади.

Кейинги (3) бобда ижтимоийлашув масаласи муҳокама қилинади. Чақалоқнинг ижтимоий мавжудотга айланиш жараёни алоҳида қараб чиқилади. Жамиятдаги ҳаётга мослашиш бутун умр давом этади, шунинг учун ижтимоийлашув авлодлар алмашуви — ёшлар, катта ёшлилар ва қариялар ўртасидаги муносабатларнинг ўзгаришини ҳам қамраб олади.

4-бобда биз одамлар кундалик ҳаётда бир-бирлари билан қандай ўзаро таъсир қилишларини тадқиқ этамиз, шу мақсадда индивидлар бир-бирларининг ҳаракатлари ва сўзларини талқин этишга хизмат қиладиган нозик ва айни пайтда жуда муҳим мурватларни кўриб чиқамиз.

5-боб бизни умумийроқ ижтимоий жараёнларни ўрганишга яқинлаштиради ва у девиант хулқ-атвор ва жиноятларни ўрганишдан бошланади. Истисно ҳолатларни, хулқи умумий меъёрлардан четга чиқаётган одамлар атворини ўрганар эканмиз, биз кўпчилик хулқининг хусусиятларини яхшироқ тушунишимиз мумкин.

Бу қисмнинг сўнгги (6) бобида гендер масалалари муҳокама қилинади ва ўзгарган ижтимоий шароитларнинг ҳозирги жамиятларда эркаклар ва аёлларнинг мавқеига таъсирини таҳлил қиламиз. Бу бобга сексуаллик масалалари ҳам киритилган бўлиб, сексуал хулқ-атвор типларини белгилайдиган омилларга алоҳида эътибор қаратилади.

Маданият ва жамият

Маданиятлар учрашуви

Ярим асрча муқаддам Тинч океан ғарбий қисмидаги баъзи оролларнинг аҳолиси самолётларнинг катта ва мураккаб моделларини ясай бошлади. Ороликларнинг бирортаси ҳам аввал аэропланни яқиндан кўрмаган бўлса ҳам, моделларни ясашга кўплаб меҳнат сарф қиларди. Моделлар учир учун мўлжалланганди, улар маҳаллий пайғамбарлар томонидан тўқиб чиқарилган диннинг марказида эдилар. Агар муайян маросимлар бажарилса,— деб эълон қилишди диний етакчилар, осмондан “юк” тушади. Юк деганда, ғарбдан келган одамлар ўзлари учун оролга олиб келган товарлар кўзда тутилган эди. Оқ танлилар йўқ бўлиши ва уларнинг ўрнига тубжой аҳолининг аждодлари келиши керак эди. Ороликлар, маросимларни оғишмай бажарилса янги эра бошланиши ва улар ўзларининг турмуш тарзларини ўзгартмаган ҳолда оқ танли босқинчиларнинг моддий неъматларидан истаганча баҳраманд бўлишлари мумкинлигига ишонган эдилар.¹

“Юк динлари” нега пайдо бўлди? Улар ороликларни анъанавий тасавурлари ва маросимлари билан ғарбдан келтирилган турмуш тарзининг тўқнашуви натижасида вужудга келди. Оқ танлиларнинг бойлик ва қудрати аниқ кўзга ташланиб турарди ва ороликлар, келгиндилар баҳраманд бўлаётган неъматларнинг манбаи учиб юрган номаълум объектларда, деган фикрга келишди. Ороликлар нуқтаи назаридан, самолётлар устидан ҳокимиятни алоҳида диний расм-русумларни бажариш орқали қўлга киритиш мумкин эди. Айни пайтда улар ўз урф-одатларини сақлаш ва келгиндилар аралашувидан ҳимоялашга ҳаракат қилдилар.

Ороликларнинг ғарб турмуш тарзи ва ғарб технологиялари ҳақидаги тасавурлари жуда заиф эди: улар европаликларнинг хатти-ҳаракатларини ўзларининг эътиқодлари ва дунё тўғрисидаги тасавурлари доирасида талқин қилдилар. Шу жиҳатдан уларнинг ҳаракатлари бутун илк Ўрта асрлар тарихида учратиш мумкин бўлган ҳаракатларга ўхшаб кетарди. Ўтмишдаги, ҳаттоки, энг йирик тамаддунларнинг вакиллари ҳам бошқа халқлар ҳаёти тўғрисида жуда оз тасаввурга эга эдилар. XVI—XVII асрларда ғарблик савдогарлар ва саргузашт ишқибозлари ер шарии-

¹ Worsley Peter. The Trumpet Shall Sound: a study of «Cardo Cults» in Melanesia. London, 1970.

нинг узоқ бурчакларига сафарга чиқишар экан, у ерларда учраган барча одамларни “варвар”лар ёки “ёввойи”лар, деб атаган эдилар.

Бошқа маданиятлар билан илк алоқалар

XVI асрда Америкага саёҳат қилган европаликлар у ерда баҳайбат одамлар, амазонкалар, пигмейларни учратиш, оби ҳаёт манбаини топиш, бадани ҳеч кексармайдиган аёлларни, бир неча юз йил яшайдиган эркакларни кўришни умид қилган эдилар. Бундай умидга эса Европадаги анъанавий афсоналар асос бўлган эди. Даставвал америкалик ҳиндулар одамдан кўра кўпроқ ҳайвонларга яқин бўлган ёввойи мавжудотлар сифатида қабул қилинди. XVI асрдаги олим ва врач Парацелс Шимолий Американи ярим инсон, ярим маҳлуқ шаклидаги жонзотлар яшайдиган қитъа, деб тасаввур қиларди. Нимфалар, сатирлар, шунингдек пигмейлар ва ёввойилар тўғрисида жони йўқ ва ердан униб чиқадиغان мавжудотлар, деган тушунча бор эди. Жанубий Америкадаги Колумбия епископи Санта Марти маҳаллий ҳиндулар тўғрисида, “ақлли жон эгаси бўлган одамлар эмас, балки ёввойи ўрмон одамлари ва шунинг учун улар Христиан динини ҳам, яхши хулқларни ёки умуман билимларни қабул қилишга лаёқатли эмас”² деб ёзганди.

Аксинча, XVII—XVIII асрларда европаликлар Хитой билан алоқа боғлаганларида, хитойликлар уларга мутлақо менсимай қараган эдилар. 1793 йилда Англия қироли Георг III Хитойга тижорат алоқалари ўрнатиш учун савдо миссиясини юборди. Келгинди — “варвар”ларга Хитойда бирнеча савдо масканлари очиш ва мамлакатдаги бойликлардан баҳраманд бўлишга ижозат берилди. “Хитойликлар, деб айтилди европаликларга, улар таклиф қилаётган бирор нарсага муҳтож эмаслар, Осмоноти мамлакатида ҳамма нарса мўл ва ҳеч нарсага эҳтиёж йўқ. Шунинг учун чет эллик варварларнинг товарларини бизнинг товарларга айирбош қилиш учун олиб киришга эҳтиёж йўқ”. Хитойга фарб миссионерларини юборишга ижозат сўраб қилинган мурожаатга эса шундай жавоб берилди: “хитойликлар ва варварлар ўртасида ўтиб бўлмас тафовут бор. Шунинг учун элчингиз сизнинг динингизни тарқатиш учун эркинлик берилишини сўраб қилган илтимоси бизга ақлдан узоқ кўринади”.

Шарқ ва фарб ўртасидаги жарлик шунчалик катта эдики, улардан ҳар бири бошқаси тўғрисида энг фантастик тасаввурларга эга эди. Масалан, Хитойда XIX аср охирида ҳам, агар чет элликлар, хусусан инглизларга равоч бериб турилмаса, улар ич қотишдан ўладилар, деган тушунча кенг тарқалган эди. Икки аср аввал ҳеч ким ҳозир одатий ҳисобланадиган дунёга кенг қараш имконига эга эмасди.

² *Pagden Anthony. The Fall of Natural Man. Cambridge, 1982, P, 23.*

Ғарб одамларининг бошқа маданиятлар билан энг драматик учрашуви 1818 йилда юз берди. Кутб доирасидан четда, Баффин ери ва Гренландия оралиғида Русияга йўл ахтараётган Англия ҳарбий-денгиз экспедицияси эскимосларга дуч келиб қолди. Эскимослар шу пайтгача ўзларини оламдаги ягона инсонлар, деб ҳисоблашарди.

Маданият тушунчаси

Бу бобда инсон ҳаёти ва маданиятининг бирлиги ва турлитуманлигини кўриб чиқамиз. Маданият тушунчаси жамият тушунчаси сингари социологияда энг кўп қўлланиладиган тушунчалардан бири. Маданият ўз ичига муайян гуруҳларга тааллуқли бўлган қадриятларни, улар риоя этадиган меъёрларни, улар яратадиган моддий ноз-неъматларни қамраб олади. Қадриятлар мавҳум идеаллар бўлса, меъёрлар одамлар риоя этадиган муайян тамойил ва қоидалардир. Меъёрлар жамиятдаги “мумкин” ва “мумкин эмаслар”дир. Масалан, моногамия — никоҳдаги одамга садоқат, ғарб жамиятида ҳамма эътироф этадиган қадриятдир. Бошқа маданиятларнинг кўпчилигида эса одамларга бир пайтнинг ўзида бирнеча хотинлик ёки бир неча эрлик бўлишга ижозат берилади. Баъзи жамиятларда эр-хотинлар ҳар икки томоннинг ота-оналари билан яхши муносабатлар ўрнатиши тақозо қилинади, бошқаларида эса ота-оналар ва болаларнинг оиласи мустақил турмуш кечиради.

Кундалик ҳаётда “маданият” атамасини қўллар эканмиз, онгнинг олий маҳсуллари бўлган санъат, адабиёт, мусиқа, рассомлик кабиларни назарда тутамиз. Социологияда маданият тушунчаси ижодий фаолиятнинг шу турларинигина эмас, яна бошқа кўп ҳодисаларни ҳам қамраб олади. У ўз ичига кийиниш хусусиятлари, оилавий ҳаёт ва никоҳ маросимлари, меҳнат фаолияти ва диний русумлар, бўш вақтни қандай ўтказиш кабиларни ҳам қамраб олади. Унга яна одамлар томонидан яратилган ва муайян қадрият ҳисобланадиган нарсалар: ўқ-ёй, оочлар, фабрика ва машиналар, компьютерлар, китоблар, уй-жойлар ҳам киради.

“Маданият” тушунчасини “жамият” тушунчасидан фарқлаш мумкин, лекин улар орасида фавқуллодда узвий алоқа мавжуд. Маданият шу жамиятдаги одамларнинг *турмуш тарзи*, урф-одат ва расм-русумлар, шунингдек, улар ишлаб чиқарадиган моддий ноз-неъматларга алоқадор тушунча. “Жамият” эса умумий маданиятга мансуб бўлган индивидларни ўзаро боғлаб турадиган *алоқалар тизимидир*. Бирорта ҳам маданият жамиятсиз яшай олмайди, шунингдек бирорта ҳам жамият маданиятсиз мавжуд бўла олмайди. Маданият бўлмаса, биз тўла маънодаги “одам” бўлмасдик. Биз унда ўз фикримизни ифодалаш учун тилга, ўз-ўзимизни англаш қобилиятига эга бўлмасдик, ўйлаш ва мулоҳаза юритиш қобилиятимиз эса, мазкур ва кейинги

(“Ижтимоийлашув ва ҳаёт цикли” номли 3-бобга қаранг) бобда кўрсатиладиганидай жуда чекланган бўлар эди.

Ушбу ва кейинги бобнинг асосий мавзуси инсоннинг биологик ва маданий мероси ўртасидаги зиддият муаммосидир. Куйидаги саволларга жавоб топиш назарда тутилади: инсонни ҳайвондан нима ажратиб туради? Бизнинг махсус инсоний сифатларимиз қандай пайдо бўлган? Инсоннинг табиати қандай? Социология учун бу саволлар муҳим аҳамиятга эга, чунки улар билимнинг бутун бир соҳаси учун асос бўлиб хизмат қилади. Уларга жавоб топиш инсоний мавжудотлар учун умумий бўлган нарсалар ва инсоний маданиятлар ўртасидаги тафовутларни таҳлил қилишни тақозо қилади.

Маданий тафовутлар билан боғлиқ тарзда биз ўтмишдаги ва ҳозирги жамиятнинг асосий шакллариини қиёслаб кўрамиз. Бутун боб давомида бизнинг эътиборимиз ижтимоий ўзгаришлар инсоният маданий ривожига қандай таъсир ўтказгани, хусусан, европаликлар ўз турмуш тарзини дунё бўйлаб ёя бошлагандан кейин бу таъсир қандай бўлганини таҳлил қилишга бағишланади.

Инсон насли

Жуда кўп низо ва англашилмовчиликлар келиб чиқишига қарамасдан, ғарб одамларининг бошқа минтақаларга қилаётган экспансиясининг кучайиши барча одамлар айнан бир турга мансублиги ва турли маданиятларнинг ўзгарувчанлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини берди.³ Англикан черковининг руҳонийси Чарлз Дарвин 1859 йилда, Жаноби Олийларининг “Бигл” кемасида олам бўйлаб икки саёҳатидан кейин “Турларнинг келиб чиқиши” китобини нашр этди. Турли ҳайвонлар устида синчиклаб ўтказилган кузатишлардан кейин Дарвин олдин мавжуд бўлган қарашлардан тубдан фарқ қилувчи концепцияни яратди. Юқорида баён қилинганидай, ярим одам, ярим маҳлуқларнинг мавжудлигига ишонч кенг тарқалган эди, лекин Дарвин кашфиётлари билан бундай қарашларга узил-кесил чек қўйилди, Дарвин маҳлуқлардан инсон ривожланиши узлуксиз бўлганини исботлаб берди. Унинг концепциясига кўра, инсонларга хос бўлган хусусиятлар ерда ҳаётнинг пайдо бўлиш даврига бориб тақаладиган ва уч миллиард йилдан ортиқ давом этган биологик ўзгаришлар жараёнида вужудга келган. Дарвин таълимотини қабул қилиш кўпчилик одамлар учун ярим одам ва ярим маҳлуқлар мавжудлигига ишончдан воз кечишдан кўра қийинроқ бўлди. Дарвин ҳозир энг кўп мунозараларга сабаб бўлаётган ва ҳозирги фаннинг энг ишонарли таълимотларидан бири — эволюция назариясининг ривожланишига туртки берди.

³ Hirst Raul and Uboley Renny. Social Relations and Humab Attisbutes. London, 1982.

Эволюция

Дарвинга кўра инсон наслининг вужудга келиши тасодифий жараёнинг натижаси бўлган. Кўп динларда, жумладан, христиан динида ҳайвонлар ва одамлар худо томонидан яратилган махлуқлар ҳисобланади. Бунга зид равишда эволюция назарияси ҳайвонларнинг турлари ва одам ривожини белгиланган ҳодиса, деб ҳисобламайди. Эволюция — бу, Дарвин табиий танланиш, деб атаган жараёнинг натижаси. Табиий танланиш ғояси жуда содда. Барча организмлар озиқ-овқат ва бошқа нарсалар, масалан, ноқулай иқлим шароитидан ҳимояланишга эҳтиёж сезади. Бироқ муайян вақтда мавжуд ҳайвонларнинг турларини таъминлаш учун захиралар етарли эмас, чунки улар атроф-муҳит озиқ-овқат билан таъминлай оладиган даражадан анча кўп насл қолдиради. Атроф-муҳитта кўпроқ мослаша олганлар яшаб кетади, мослаша олмаганлар эса ҳалок бўлади. Баъзи ҳайвонлар ақллироқ, серҳаракатроқ ва кўриш қобилияти кучли. Яшаш учун кураш жараёнида улар бошқалардан кўра кўпроқ имкониятга эга. Улар узоқроқ яшайдилар ва кўпайиш жараёнида ўзидаги белгиларни кейинги авлодларга қолдиради. Улар яшаб қолиш ва насл қолдириш учун “саралаб олинган”.

Биологик мутация механизми билан белгиланадиган узлуксиз табиий танланиш жараёни юз беради. Мутация — тасодифий ирсий ўзгариш бўлиб, мазкур турнинг баъзи вакиллари биологик белгиларига таъсир ўтказади. Мутацияларнинг кўпчилиги яшаш учун ёки зарарли, ёки бефойда. Бироқ уларнинг баъзилари рақобатли курашдан афзалликларни ҳам беради: мутант — генга эга бўлган индивидлар бундай эга бўлмаганлардан кўра, яшаб қолиш учун кўпроқ имкониятга эга. Бу жараён тур ичидаги кичик ўзгаришларни ҳам, бутун турларнинг йўқолиб кетишига сабаб бўлувчи глобал ўзгаришларни ҳам тушунишга ёрдам беради. Масалан, миллионлаб йиллар аввал ер шарининг турли минтақаларида улкан рептилиялар яшаган эди. Улканлик улар учун тузоқ вазифасини бажарди, чунки кичикроқ турлардаги мутациялар улар учун яхшироқ мослашувчанлик имкониятини яратди. Ана шу мослашувчанроқ турлар ичида одамнинг энг қадимги аجدодлари ҳам бор эди.

Дарвиндан кейин эволюция назарияси такомиллаштирилган бўлса ҳам, ундаги асосий ҳолатлар ўз қийматини сақлаб қолди. Эволюция назарияси турларнинг келиб чиқиши ҳамда турлараро муносабатлар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишимизда ёрдам беради.

Одамлар ва маймунлар

Ҳаётнинг илк ривожини океанлардан бошланганини бутун кўпчилик эътироф этади. Тўрт юз миллион йил аввал қуруқликда яшовчи дастлабки мавжудотлар пайдо бўлди. Улардан

баъзилари ривожланиб улкан судралиб юрүвчиларга айланди, кейинроқ эса уларнинг ўрнини сутэмизувчилар эгаллади. Сутэмизувчилар — жинсий алоқа йўли билан урчидиган иссиққонли мавжудотлар. Сутэмизувчилар улкан судралиб юрүвчиларга қараганда анча кичик, бироқ улардан ақллироқ ва эпчилроқ эдилар. Сутэмизувчилар бошқа ҳайвонларга қараганда тажрибани тезроқ ўзлаштириш қобилиятига эга бўлиб, бу хусусият одамларда жуда юқори даражага кўтарилди. Одамлар олий сутэмизувчилар ҳисобланган ва бундан тўрт юз миллион йил аввал вужудга келган приматлар турига мансуб.

Ҳайвонот оламидаги бизнинг энг яқин қариндошларимиз — шимпанзе, горилла ва орангутанглар. Айтишларича, Дарвиннинг эволюция таълимоти ҳақида хабар топган Уорчестер епископининг хотини шундай деган экан: “Маймундан келиб чиққанми? Азизим, бундай эмаслигига умид қилишга ижозат бер. Мабодо ҳақиқатан ҳам шундай бўлса, унда бу сирлигича қолишига умид қилиш учун ижозат бер”. Ўша пайтдаги кўпчилик одамлар сингари мазкур хоним ҳам эволюция нимани англатишини тушунмаган эди. Одамлар маймунлардан келиб чиқмаган, одамлар ва маймунлар ўз насабини кўп миллионлар йил аввал яшаган анча ибтидоий умумий аجدодлардан бошланлар.

Одамнинг аجدодлари гавдасини тўғри тутиб юрүвчи приматлар бўлиб, уларнинг бўйи тахминан ҳозирги пигмейлариникича эди. Уларнинг танаси жунсиз бўлган кўринади, бошқа жиҳатлардан эса улар одамдан кўра маймунга кўпроқ ўхшардилар. Ҳозир аниқланишича, улар яшаган давр билан инсон насли пайдо бўлгунга қадар гоминоидлар (одам оиласига мансуб мавжудотлар)нинг бошқа типлари мавжуд бўлган. Бизга ҳар томондан ўхшаш бўлган инсон мавжудотлари бундан эллик минг йилга яқин вақт аввал пайдо бўлган. Маданий ривожланиш инсон насли эволюциясидан аввалроқ юз берганини тасдиқловчи аниқ далиллар бор ва эҳтимол шу ривожланиш эволюциянинг характерини белгилаган. Қуроллардан фойдаланиш, мулоқотнинг нисбатан мураккаброқ шакллариининг ривожланиши, шунингдек, ижтимоий бирликларнинг шаклланиши эволюция жараёнида катта рол ўйнади. Улар одамларга яшаш учун курашда бошқа мавжудотлардагига нисбатан кучлироқ қурол берди.

Бундай қуролларга эга бўлган гуруҳлар ўзлари яшаётган муҳитга бошқалардан кўра самаралироқ таъсир ўтказа олардилар. Инсон наслига хос хусусиятларнинг пайдо бўлиши билан маданий ривожланиш яна ҳам тезлашди.

Приматлар ва одамларнинг ривожини параллел кечди, шунинг учун ҳам улар ўртасида умумийликлар кўп. Инсон танасининг тузилиши кўп жиҳатдан маймун танасига ўхшаш. Маймунлар ҳам одамлар сингари гуруҳ бўлиб яшайдилар, уларнинг ҳам мияси тана катталигига мутаносибликда олганда, анча катта,

уларнинг ҳам болалари анча узоқ вақт ота-оналарига боқиманда бўлади.

Лекин инсоний мавжудотлар баъзи жиҳатлардан ўзларининг энг яқин қариндошларидан жиддий фарқ қиладилар. Инсоннинг гавдаси тик, маймунники эса эгик, одамнинг оёқлари қўлларидан кескин фарқ қилади, маймунларда эса улар жуда ўхшаш. Инсон мияси танага мутаносибликда олинганда энг ривожланган маймундагидан ҳам анча катта. Олий махлуқларда болалик даври 2 йилдан ошмайди, одамларда эса 7—8 йилгача давом этади.

Табиат ва тарбия

Социобиология

Инсон ва ҳайвон турлари эволюциясининг узлуксизлиги ҳамма томонидан эътироф этилган бўлса ҳам, яқин пайтларгача кўпчилик биологлар инсон наслининг ўзига хос хусусиятларини таъкидлашга интиларди. Одам ва ҳайвон хулқи ўртасидаги ўхшашликларга социобиологларнинг тадқиқотларида ургу берилиши бундай қарашга қарши бўлиб чиқди. Социобиология атамаси америкалик Эдвард Уилсон ишларида пайдо бўлди.⁴ Ижтимоий жонзодларнинг, шу жумладан, одамнинг ижтимоий фаолиятини изоҳлашда социобиология биология тамойилларидан фойдаланади. Уилсон фикрича, ижтимоий ҳаётнинг кўп жиҳатлари генетик жиҳатдан белгиланган. Масалан, ҳайвонларнинг баъзи турлари жуда мураккаб никоҳ ритуалларига амал қилиб, улар воситасида жуфтликлар тузилади ва насл қолдирилади. Аёлларга нисбатан муомала ва сексуал хулқда социобиологларнинг фикрича, инстинктлар билан белгиланадиган ўхшаш ритуаллар мавжуд. Иккинчи мисол, ҳайвонларнинг кўпчилик турларида ҳам эркаклари урғочилардан йирикроқ ва агрессивроқ; аксарият ҳолларда улар “ожиз жинс” вакиллари устидан доминантлик қилишади. Бизга маълум жамиятларнинг кўпчилигида эркакларнинг аёллардан кўпроқ ҳуқуқларга эгаллигини эҳтимол, генетик омиллар тушунтириб берар. Уилсон ва унинг издошлари фикрига кўра, инсон хулқ-атворининг кўп жиҳатларини генетик хусусиятларга боғлиқ эканини тушунтириб бериш келажакда социобиологиянинг социология ва антропология билан қўшилиб кетишига олиб келади, бу эса биологик жиҳатдан асосланган ягона фанни вужудга келтиради.

Сўнгги йилларда бу масала кенг муҳокама қилинди.⁵ Муам-

⁴ *Wilson Edward O. Sociobiology: The new Synthesis Cambridge, 1975; Wilson Edward O. On Human Nature. Cambridge, 1978.*

⁵ *Sahlins Marshall. The Usland Abuse of biology. Michigan, 1976; Caplan L (ed) The Sociobiology debate: Readinge Ethical and scientific Issues. New York 1978; Montagy ashley. Sociobiology Examined, Oxford, 1980; Wiegete thomas. C. (ed), Biology and social. An emerginf Revoition. Benlder, 1982; Kucher Philip Vaulting Ambition: Sociobiology and the Quest for Human Nature Cambridge, 1985.*

мо бугун ҳам жуда кескин бўлиб турибди. Олимлар ўзларининг маълумотларига қараб икки гуруҳга бўлинди. Социобиологларнинг нуқтаи назарларига мойиллик билан қараётган муаллифларнинг кўпчилиги биология бўйича маълумотга эга, социолог ва антропологларнинг кўпчилиги эса социобиологларнинг даъвосига шубҳа билан қарамоқдалар. Эҳтимол, улар инсон ҳаётининг генетик мурватлари тўғрисида камроқ нарса билишар; ўз навбатида биологларнинг социолог ва антропологлар олиб бораётган ишлар ҳақидаги тасаввурлари ҳам чекланган. Нима бўлганда ҳам, ҳар икки томон бир-бирларининг далилларини қийинчилик билан англаяпти.

Бугун, Уилсон ишлари натижасида жунбушга келган эҳтирослар бироз пасайгач, вазиятга холис баҳо бериш имконияти туғилди. Социобиология инсон хулқ-атворидан кўра кўпроқ ҳайвонлар ҳақидаги маълумотларида каттароқ аҳамият касб этарди. Этологларнинг (зоопарк ва лабораториялардан ташқарида, “дала шароитида” ҳайвонлар билан иш олиб борадиган биологлар) ишларига таяниб, социобиологлар ҳайвонлар хулқ-атвори, аввал ўйланганидан кўпроқ “ижтимоий” эканини исботлашга муваффақ бўлдилар. Ҳайвонлар гуруҳи шу тур вакиллари хулқи-га катта таъсир ўтказди. Бошқа томондан, инсон фаолияти мураккаб шакллариининг генетик белгиланганлигини тасдиқлайдиган далиллар етарли эмас. Шундай қилиб, социобиологларнинг инсон ижтимоий ҳаёти тўғрисидаги фикрлари нари борса, спекулятив хусусиятга эга. Бизнинг хулқ-атворимиз, албатта генетик таъсир остида, лекин генетик механизмлар фаолияти-мизнинг мазмунини эмас, хатти-ҳаракатларимизнинг имкони-ятлари ва чегараларини белгилаб беради.

Инстинктлар

Кўпчилик биологлар ва социологлар, одамларда “инстинкт” йўқ, деган фикрга қўшиладилар. Бу фикр фақат социобиологларнинг тахминига эмас, кўпчиликнинг фикрига ҳам зид. Биз “инстинктив” тарзда бажарадиган амаллар озми? Бирор киши қўлини кескин ҳаракатлантирса, биз кўзимизни “инстинктив” тарзда юмамиз ёки танамизни орқароққа эгамиз. Аслида, бу атамани аниқ ишлатадиган бўлсак, бу ҳаракатларимиз “инстинктив” эмас. Биология ва социологияда инстинкт мураккаб, генетик жиҳатдан белгиланган хулқ-атвор тизими сифатида тушунилади. Шу маънода кўпчилик ривожланмаган махлуқларнинг хатти-ҳаракатлари инстинктив. Масалан, колюшка (чучук сувларда яшайдиган балиқча) жуфтлашиш пайтида эркак ва урғочилари бажарадиган жуда мураккаб ритуаллар тизимига эга.⁶ Ҳар бир балиқча мураккаб ҳаракатларни пайдарпай бажаради, шериги эса уларга жавоб қайтаради, оқибатда жозибали “никоҳ рақси” вужудга келади. Бу рақс турнинг генетикасига жойлаш-

⁶ Tinbergen Niko. The Study of Instinct. Oxford, 1974.

тирилган. Зарбни кутиб кўзни юмиш ёки танани орқага ташлаш инстинктив эмас, рефлектор ҳаракат. Бу мураккаб хулқ-атвор тизими эмас, алоҳида оддий реакция. Шундай қилиб, бу ҳаракатни тўла маънодаги инстинкт дейиш, хато бўларди.

Одамлар бир қатор, масалан, кўзни юмиб-очиш каби таянч рефлекслар мажмуи билан туғиладилар ва улар эволюция жараёнида зарур бўлган. Янги туғилган чақалоқ, масалан, она кўкрагига ўхшаган ҳар қандай нарсани сўради. Ёш бола тўсатдан мувозанатни йўқотса, таянчни ушлаш учун қўлини кескин ҳаракатлантиради ёки қизиган нарсага қўли тегса, дарров тортиб олади. Бу реакцияларнинг ҳар бири муҳит билан ўзаро таъсирда ёрдам беради.

Одамлар, шунингдек, биологик белгиланган эҳтиёжлар мажмуига ҳам эга бўладилар. Бу овқатга, ичимликка, жинсий муносабат ва тана ҳаракатини зарур даражада ушлаб туришга бўлган эҳтиёжлар. Лекин бу эҳтиёжларни қондириш усуллари турли маданиятлар уёқда турсин, бир маданият ичида ҳам катта фарқ қилади.

Масалан, барча халқларда жинсий эҳтиёжларнинг универсал табиати билан боғлиқ бўлган аёлларга мулозаматнинг стандарт жараёнлари бор, бунга жинсий алоқа ҳам киради ва улар турли шаклларда бўлиши мумкин. Ғарб маданиятида жинсий яқинлик учун одатий ҳол шундайки, аёл чалқанча ётади ва эркак унинг устида бўлади. Баъзи бошқа жамиятлар учун бундай ҳолат бемаъни туюладики, уларда бу алоқа ёнбошлаб ётиб ёки аёл эркакка орқасини буриб ётгани ҳолатда ёки бошқа ҳолатларда бажарилади. Шунинг учун айтиш мумкинки, жинсий эҳтиёжларни қондириш генетик эмас, балки маданият томонидан белгиланган.

Бундан ташқари, одамлар ўзларининг биологик эҳтиёжларини тия оладилар, бундай ҳол ҳайвонот оламида учрамайди. Диний-мистик одамлар узок вақт оч юришлари мумкин; баъзи индивидлар ҳаётнинг маълум муддати ёки бутун умр давомида никоҳдан тийилиб туришни маъқул кўрадилар. Барча ҳайвонлар ва одамлар ўзини муҳофаза қилишга интиладилар, лекин одамлар, бошқа ҳайвонлардан фарқли ўлароқ, бу интилишга қарши ҳаракат қилишлари ҳам мумкин. Одамлар альпинизм ёки спортнинг бошқа хавфли турлари билан шуғулланар эканлар, ҳаётларини хавф остига кўядилар, баъзан эса ҳатто ўзларини ўлдирадилар.

Маданий ранг-баранглик

Инсоний маданиятлар ажойиб ранг-барангликка эга. Қадриятлар ва хулқ меъёрлари турли-туман бўлиб, кўпинча улар ғарбда “меъерий” ҳисобланган ҳолатдан жиддий фарқланади. Масалан, чақалоқ ёки ёш болаларни қасддан ўлдириш ғарбда энг оғир жиноятлардан ҳисобланади. Бироқ, анъанавий Хитой

маданиятига кўра камбағал оилаларда янги туғилган қиз болаларни дарҳол бўғиб ўлдиришарди, чунки улар оилага ёрдамчи эмас, ортиқча юк бўларди.

Биз устрицаларни еймиз, лекин мушукча ёки кучукларни емаймиз, бироқ бошқа қатор мамлакатларда булар танқис таом ҳисобланади. Яҳудийлар чўчка гўшти емайдилар, ҳиндулар чўчка гўшти ейдилар, бироқ мол гўшти емайдилар. Фарб одамлари ўпишишни жинсий хулқнинг табиий кўриниши, деб ҳисоблашади. Лекин баъзи маданиятларда бу ҳолат номаълум ёки нафратланарли ҳол, деб ҳисобланади. Бу хусусиятларнинг бари бир жамиятни иккинчисидан ажратиб турадиган кенг маданий тафовутларнинг бир жиҳати, холос.

Кичик жамиятлар (шу бобнинг кейинроғида кўриб чиқиладиган “овчилар ва термачилар” жамиятлари сингари) маданий унификацияга интиладилар. Индустринл жамиятларда ички тафовутлар ранг-баранг субмаданиятларни ташкил қилади. Ҳозирги шаҳарларда турли субмаданият вакиллари ёнма-ён яшашлари мумкин. Жеральд Саттле Чикаго Вестсайдининг каталаклариди дала тадқиқотлари ўтказди. Фақат бир туманнинг ўзида у пуэрто-риколиклар, қора танлилар, греклар, яҳудийлар, лўлилар, италияликлар, мексикаликлар ва жанублик оқтанлиларни учратди. Бу гуруҳларнинг барчаси ўз “худуд”лари ва ўзига хос турмуш тарзига эга эдилар.⁷

Маданий идентлик ва этноцентризм

Ҳар бир маданиятда ўз уникал хулқ моделлари қабул қилинган бўлиб, бошқа маданият вакилларига улар ғалатироқ туйилиши мумкин. Мисол тариқасида Хорас Майнернинг машҳур тадқиқотида баён қилинган Накирема маданиятини мисол қилиб келтирамиз. Майнер эътиборни фарб одамлари учун экзотик ва ғалати туюладиган бадан ритуалларига қаратди. Майнер тавсифини тўлалигича келтирамиз.

Акирема эътиқоди тизимининг негизиди инсон танаси хунук ва азалдан касалликлар ва қартайишга мойил деган тасаввур ётади. Шундай танага эга бўлар экан, одамлар фақат ритуал ва маросимларнинг таъсирига умид қилишлари мумкин. Ҳар бир хонадонда шунга мўлжалланган ибодат ашёлари бўлади. Улар ичида энг муҳими Акирема кулбасининг деворига ўрнатилган махсус қути ҳисобланади. Қутида туморлар ва қабила аъзолари ўз ҳаётини усиз тасаввур қила олмайдиган турли хил илоҳий дори-дармонлар бўлади. Бу дори ва туморлар ҳар бири муайян соҳага “ихтисослашган” бирнеча шомонлар томонидан тайёрланади. Улар орасида сеҳргар табиблар энг қудратлиси ҳисобланади ва уларнинг хизматларига яхши ҳақ тўланади. Бироқ бу табиблар ўзлари дори-дармон тайёрламайдилар ва уларнинг таркибини аниқлаб қадимги лаҳжалардан бирида ёзиб берадилар. Бу лаҳжа эса фақат табибларга ва шифобахш ўсимликларни тўпловчиларгагина таниш ва улар совға-саломлар олгандан кейин бу дорини тайёрлаб берадилар. Акиремалар ўз оғизлари олдида патологик даҳшат-

⁷ *Suttues Gerald. The Social Order of the Slum Chicago, 1968.*

га ёки ажойиб хуш кайфиятга тушишлари мумкин, чунки уларнинг назарида оғизнинг ҳолати гайритабiiий тарзда ижтимоий муносабатларга таъсир қилиши мумкин. Акирема халқининг ишончига кўра, агар тегишли ритуаллар бажарилмаса, тишлар тушиб кетади, милклар қонайдиган бўлиб қолади, жағлар чапиллайдиган бўлиб қолади, бу одамнинг ўзини эса дўстлари, хушторлари ташлаб кетади. Ёввойилар, шунингдек, орал (оғиз) ва ахлоқий сифатлар ўртасида бевосита алоқадорлик бор, деб ҳисоблайдилар. Масалан, болаларининг ахлоқий сифатларини яхшилаш мақсадида уларни оғиз чайқаш билан боғлиқ ритуалларни бажаришга мажбур қиладилар.

Бу халқ ўз оғзи тўғрисида шунчалик ғам ейишига қарамай, бу ритуаллар чет одамлар учун жирканч туйилиши мумкин. Менга Акиремалар оғизга бир тутам чўчқа жунини олиб, бир қатор ритуал ҳаракатларини бажаришларини сўзлаб беришди.⁸

Акиремалар кимлар ва улар дунёнинг қайси бурчагида яшайдилар? Сиз бу саволга жавоб топиш ва ритуалнинг маъносини тушуниш учун Акирема сўзини тескари ўқисангиз кифоя. Ҳар қандай одатий амал, агар уни контекстдан узиб, яъни ўша ўзига хос турмуш тарзининг таркибий қисми сифатида олиб қаралмаса, у бемаъни бўлиб туюлиши мумкин. Фарбадаги гигиеник ритуаллар ҳам Тинч океандаги баъзи оролларда тарқалган ритуаллардан, яъни ўзларининг олд қатор тишларини чиройли бўлиш мақсадида қоқиб олиш, ёки Жанубий Америкадаги баъзи қабилаларнинг махсус пластиналар ёрдамида гўзал бўлиб кўриниш учун лабларини дўрдоқ қилиб олишларидан кам ғалати эмас.

Бундай ҳаракатлар ва эътиқодларни улар мавжуд бўлган ва ўзлари таркибий қисми бўлган маданий бутунликдан узиб олинса, тушуниш мутлақо мумкин эмас. Ҳар қандай маданиятни унинг ўз маъно белгилари ва қадриятларидан келиб чиқиб ўрганиш керак — социология қоидаларининг калити шу. Социолог имкон қадар этноцентризмдан, яъни ўзга маданиятни ўз маданияти нуқтаи назари бўйича баҳолашдан узоқлашишга интилади, инсон маданиятлари бир-бирларидан жиддий фарқ қилганликлари учун, бир маданият вакилларига бошқа маданиятда қабул қилинган хулқ-атвор ва тасаввурлар жуда ёқимсиз бўлиб туюлиши мумкин. Шу бобнинг бошидаги “юк эътиқоди” икки маданиятнинг ўзаро таъсиридаги мураккабликларни кўрсатади. Ўзга халқлар маданиятини том маънода тушунмоқчи бўлса, социолог бу маданиятга қарашда халақит берадиган, ўз маданияти билан боғлиқ тасаввурларни четга суриб қўйиши керак.

Маданий универсалиялар

Инсонларнинг ранг-баранг маданий урф-одатлари орасида умумий белгилар ҳам мавжуд. Улардан барча жамиятлар ёки деярли барча жамиятлар учун хос бўлганлари маданий универ-

⁸ *Miner Horace. Body ritual among the Nacirema // American Anthropologist, 58.1956.*

салиялар, деб аталади.⁹ Мураккаб грамматикали тилга эга бўлмаган маданиятлар маълум эмас. Барча маданиятларда оилавий тизимнинг муайян шакллари мавжуд бўлиб, уларнинг қадриятлари болаларга ғамхўрлик билан боғлиқ. Никоҳ, диний ритуаллар ва мулк ҳуқуқи универсалиялар ҳисобланади. Барча маданиятларда яқин қариндошлар: ота билан қизи, она билан ўғли, ака билан сингил ўртасидаги сексуал алоқалар — у ёки бу шаклдаги инцестлар ман қилинади. Антропологлар, шунингдек, бошқа кўп маданий универсалиялар, жумладан, санъат, рақс, безаклар, ўйинлар, совға бериш одатлари, ҳазиллар ва гигиена қоидалари мавжудлигини айтадилар.¹⁰

Шундай бўлса ҳам юқоридагиларга кўра кўпдай туюлиши мумкин бўлса ҳам, аслида улар анча кам. Инцестни тақиқлашни олиб кўрайлик. Турли маданиятлар ўртасида инцестни тушунишда анча катта тафовут бор. Инцест деб кўпроқ яқин қариндошлар, бир оила аъзолари орасидаги никоҳ тушунилади. Лекин кўп халқларда иккинчи авлоддаги қариндошларга, баъзи ҳолларда эса умуман бир фамилиядаги одамларга нисбатан инцест тақиқланади. Баъзи жамиятларда эса, аҳолининг ҳеч бўлмаганда озчилик қисми учун, масалан, қадимги Мисрда ҳукмрон синф учун инцест амалиётига рухсат берилган эди.

Тил

Ҳар бир инсоний маданият учун тил муҳим атрибутлардан бири эканини ҳеч ким инкор қилмайди, гарчи дунёда одамлар минглаб тилларда сўзлашса ҳам. Ҳайвонлар бир-бирлари билан мулоқот қилишлари мумкин, лекин ҳайвонларнинг бирорта ҳам тури ривожланган тилга эга эмас. Баъзи олий приматлар элементар нутқ кўникмаларини эгаллашлари мумкин, лекин бу кўникмалар жуда ибтидоий даражада бўлади. Социологияда энг машҳур Уошу исмли бир шимпанзени кар-соқовлар учун америкача белгили алифбо ёрдамида тилга ўргатишди; у юзга яқин сўзни ўрганди.¹¹ Уошу бирнеча жуда ибтидоий жумлалар ҳам туза оларди, масалан: “Бир маҳкам кучоқла, кечир, кечир” бу у бир гуноҳ иш қилиб қўйгандан кейин кечирим сўрамоқчи эканини аниқларди.

Уошу билан ўтказилган тажрибалар бошқа шимпанзелар билан ўтказилганларидан муваффақиятлироқ чиққани учун социологияга оид адабиётларда унинг довуғи тарқади. Лекин Уошу грамматиканинг бирор қоидасини ўзлаштира олмади, ўзи ўрган-

⁹ *Oswall Wendell Hilmann*. Other Peoples, Other Customs: World Ethnography and its History. New York, 1972; *Friedr. Johb*. The Human Portrait. Introduction to Cultural Anthropology. New Jersey, 1981; *Biebert Paul G.* Anthropology. Philadelphia, 1976.

¹⁰ *Murdock George Peter*. The Common Denominator of Cultures, in: *Raph Linton* (ed) The Science of Man in its Criss. New York, 1945.

¹¹ *Gardner Beatrice and Gardner Allon*. Teaching sign language to a chimpanzee // *Science*, 165, 1969; *Gardner Beatrice and Gardner Allon*. Evidence for sentence constituents in the early utterances of child and chimpanzee // *Journal of Experimental Psychology*, 104, 1975.

ган сўзларни бошқа шимпанзеларга ўргата олмади ҳам. Тил билан бирнеча йил шуғуллангандан кейин ҳам унинг лингвистик қобилиятлари икки ёшли боланикидан анча паст эди. Тилни билувчи ҳар бир инсон бирнеча минг сўздан иборат луғат бойлигига эга бўлади ва бу сўзларни шу қадар мураккаб қоидалар бўйича комбинация қила оладики, бу қоидаларни тадқиқ этиш учун лингвистлар бутун умрларини сарфлашлари мумкин.¹²

Нутқ ва ёзув

Ҳар қандай жамиятда тилни ривожлантирувчи куч нутқ ҳисобланади. Тилни ифодалашнинг бошқа усуллари ҳам бор. Улардан энг машҳури — кашф этилиши инсоният тарихида улкан қадам бўлган ёзув. Масалан белги ёки раем даланинг бирор оиллага ёки гуруҳга тегишли эканини англиштиши мумкин.¹³ Ёзув аввал ахборотни сақлаш воситаси эди ва шу мавқеда у қадимги давлатлар ва тамаддулларнинг маъмурий мақсадларига хизмат қилди. (Биз буни кейинроқ батафсил кўриб чиқамиз). Ёзувга эга бўлган жамият ўзини маконда ва замонда “жойлаштириши” мумкин. Ҳужжатларда ўтмиш ҳақидаги ахборот сақланади, улар ёрдамида бугунги кун воқеалари тўғрисида ҳам маълумотлар олиш мумкин.

Ёзув — хатни қоғозга ёки бошқа материалга кўчиришгина эмас. Бу ўз-ўзидан қизиқ ҳодиса бўлиб, ёзма ҳужжатлар ва матнлар баъзи жиҳатлардан оғзаки нутқдан мутлақо фарқ қилувчи хусусиятларга эга. Нутқнинг таъсири ҳар қачон сўзлар ифодаланган муайян матн билан чекланади. Ҳоҳлар ва тажрибани ҳам авлоддан авлодга ёзувнинг ёрдамисиз ҳам узатиш мумкин, фақат уни оғзаки сўзлар ёрдамида ва мунтазам такрорлаб шунга эришиш мумкин. Бошқа томондан эса матнлар минглаб йиллар яшаши ва уларнинг ёрдамида ўтмиш давр одамлари муайян тарзда бизга мурожаат қилишлари мумкин. Худди шунинг учун ҳам ҳужжатлар билан ишлаш тарихчилар учун жуда муҳим. Ўтмиш авлодлар қолдирган матнларни ўрганар экан, тарихчилар уларнинг ҳаётини қайта тиклашлари мумкин. Инжил матнлари, масалан, ғарбнинг кейинги икки минг йилликдаги тарихининг муҳим қисмини ташкил қилади. Юнонистоннинг буюк драматурглари пьесаларини биз ҳозиргача ўқиб ҳайратланамиз.

Семиотика ва моддий маданият

Нутқ ва ёзувда қўлланиладиган белгилар маданият мазмуни шаклланиши ва уни тасаввур қилишнинг асосий, лекин ягона воситаси эмас. *Моддий предметлар ва хулқ аснолари* ҳам маъно яратишга хизмат қилиши мумкин. Маъно ташувчи — мулоқот

¹² *Linden Apes, Men and Language*. Harmondsworth, 1976; Seidenberg M. S. et al. *Signing behavior in apes: a cultural review // Cognition*, 7, 1979.

¹³ *Gelb I. J. A Study of Writing*, Chicago, 1952.

жараёнида ишлатиладиган ҳар қандай элементлар мажмуи. Маъно ташишга нутқ товушлари, шунингдек, қоғоз ёки бошқа материалга қўйилган белгилар хизмат қилиши мумкин. Айтгандай, кийим, тасвирлар (ёки визуал белгилар), одамларнинг овқатни қандай ейиши, меъморий шакллар ва моддий маданиятнинг бошқа кўлаб белгилари ҳам маъно ташиши мумкин. Кийиниш тили, масалан одамнинг жинсини аниқлашга ёрдам беради. Бизнинг маданиятимизда яқин ўтмишгача барча аёллар юбка, эркаклар шим киярдилар. Баъзи маданиятларда эса бунинг аксича, аёллар шим, эркаклар эса юбка кийишади.¹⁴

Семиотик тизимлар — новербал маданий белгиларни таҳлил қилиш социология ва антропология учун ажойиб истиқболлар очади. Турли маданиятларни қиёслаганда ҳам семиотик ёндошув жуда фойдали бўлиши мумкин. Маданий белгиларнинг тимсолларини ўрганиб биз турли маданиятларнинг ташкил бўлиш усулларини қиёслашимиз мумкин. Масалан, шаҳар бинолари одамлар яшайдиган ёки ишлайдигангина жой эмас. Кўпинча улар тимсолий хусусиятга эга бўлади. Анъанавий шаҳарда бош черков ёки ибодатхона баландликда ёки марказий майдонда жойлашган бўлиб, бу диннинг одамлар ҳаётида ҳукмрон рол ўйнашига ишора қилар эди.

Моддий маданият, албатта, фақат тимсол хусусиятига эга эмас, у жисмоний эҳтиёжларни қондириш учун муҳим ҳаётий аҳамиятга эга. Бундай ҳолда у озик-овқат топиш учун, қурол ясаш, уй қуриш учун ва бошқалар учун хизмат қиладиган қурол ёки технологиялар вазифасини бажаради. Моддий маданиятдаги тафовутлар инсоний жамиятларни тасниф қилишдаги асосий усулларни белгилаб беради, чунки, одамлар ўз моддий эҳтиёжларини қондиришни қандай ташкил қилганликлари улар маданиятининг кўп жиҳатларини ҳам белгилайди.

Аввалги жамиятларнинг типлари

Буюк кашфиётлар даврида Европа вакиллари бўлган тадқиқотчилар, савдогарлар, миссионерлар жуда кўп турли-туман халқлар билан учрашдилар. Антрополог Мервин Харрис ёзганидек:

Австралия, Арктика, Американинг жанубий районлари ва Африка сингари баъзи минтақаларда улар худди ўзларининг авлодлари тош асрида яшагандек яшаётган қабилаларни учратдилар: қатта худудларга сочилиб кетган ва доим кўчиб юрадиган, овчилик ва термачилик билан кун кечирадиган йигирма-ўттиз кишилик гуруҳлар. Бу овчи ва термачилар йўқолиб бораётган қабилаларнинг вакиллари бўлиб чиқди. Бошқа минтақаларда, Шимолий Американинг шарқий соҳилларида, Осиёнинг чангалзорларида улар барқарор қишлоқлар, қишлоқ ҳўжалиги, ҳатто бир-икки коммунал тузилмаларни учратдилар, бироқ бу ерда ҳам меҳнат қуроллари жуда ибтидоий эди.

¹⁴ *Leach Edmund. Culture and Communication: The Logic by Wich symbols are Connected. Cambridge, 1976.*

Сайёҳлар қаерлардадир анча ривожланган, мунтазам армияга эга бўлган деспотлар ва ҳукмрон синф томонидан бошқариладиган давлатлар, империяларга ҳам дуч келдилар. Айнан шу империялар, уларнинг шаҳарлари, обидалари, саройлари, ибодатхоналари саҳро ва океанлар ўзига жалб қилар эди. У ерларда Хитой — дунёдаги империяларнинг энг буюғи, ҳукмронлари “қизил юзли варварлар”га, қаерлардадир маданий дунёдан четда жойлашган арзимас қиролликлардан келган келгиндиларга нафрат билан қарайдиган улкан нозиктаъб мамлакат жойлашган эди. У ерда яна аҳолиси ситгилар олдиди эҳтиром кўрсатадиган, ҳаётий қисмати жони аввалги туғилишда қандай бўлганига боғлиқ одамлар яшайдиган Ҳиндистон ҳам жойлашган эди. Ниҳоят у ерларда ҳар бири ўз санъати ва дини билан бир олам бўлган Американинг ёввойи давлат ва империялари: ўзларининг ажойиб тош қалъаларига, осма кўприкларига, яхши ишлов берилган далалари, давлат томонидан назорат қилинадиган иқтисодга эга бўлган инқлар, маъбудлари одамларнинг юрагини ейдиган ва доимо янги ўлжалар излайдиган ацтеклар ҳам бор эди.¹⁵

Аввалги жамиятларнинг чексиз турли-туманлигини уч асосий типга бўлиш мумкин ва бу типлар Харрис томонидан ҳам эса олинади: овчилар ва термачилар; йирикроқ деҳқон ва чорвадорлар жамиятлари (деҳқончилик ва қўлга ўргатилган уй ҳайвонларини боқувчи); ноиндустириал тамаддунлар ёки анъанавий давлатлар. Уларнинг асосий хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Овчилар ва термачилар

Инсоният ўзининг сайёрада бутун мавжудлик даврида (баъзи истиснодан ташқари) ўттиз-қирқ кишидан ошмаган гуруҳ ва қабилаларга бирикиб яшаган. Энг аввалги инсоний жамиятлар овчилар ва термачилардан иборат эди. Тирикчилик ўтказиш учун воситаларни улар деҳқончилик ёки чорвачилиқдан эмас, овчилик ва ёввойи ўсимликларнинг меваларини йиғиб топар эдилар. Дунёнинг баъзи минтақаларида овчи ва термачилар маданияти масалан, Бразилия ва Янги Гвинеяда бугун ҳам мавжуд, лекин уларнинг кўпчилиги ғарб маданиятини ялпи тарқатиш даврида ё сингишиб, ё қирилиб кетди. Қолган маданиятларнинг ҳам узоқ вақт сақланиши гумон.¹⁶ Ҳозирги кунда ҳаммаси бўлиб чорак миллион аҳоли овчилик ва термачилик билан кун кечиради, бу эса ер шари аҳолисининг бор-йўғи 0,005%ини ташкил қилади.

Сўнгги эллик йил давомида ўтказилган антропологик тадқиқотлар овчи ва термачилар қабилалари тўғрисида кенг маълумотлар беради. Инсоний маданиятлар ранг-баранг эканлигини назарда тутиб, биз жамиятнинг ҳатто бир типни тўғрисида ҳам умумлашмалар қилганимизда жуда эҳтиёт бўлишимиз керак, бироқ овчи ва термачилар қабилаларининг баъзи умумий хусусиятлари уларни жамиятнинг бошқа типларидан фарқлаб олиш учун имкон беради.¹⁷

¹⁵ *Harris Marvin*. *Conbals Kings: The Origins of Cultures*, London, 1978.

¹⁶ *Wolf Eric R.* *Europe and the People Without History*. Berkley, 1983.

¹⁷ *Buechieri M. G.* (ed) *Hanters and Gatherers Today*, New York, 1972; *Diamond Stenley*. *In: search of The Primitive*. Wew Brunswick, 1974; *Shirier Carmel* (ed). *Past end Present in Hanter Gatherer studies*, New York, 1984.

Агар уларни йирикроқ жамиятлар билан, хусусан, ҳозирги индустриал тизимлар билан қиёсласак, овчи ва термачилар орасида тенгсизлик деярли йўқлигини кўрамиз. Улар вақтнинг кўп қисмини кўчиб юриш билан ўтказишади, на тирик, на механик транспорт воситалари бўлмагани учун улар ўзлари билан оз нарса олиб юрадilar. Барча зарур ашёлар — булар ов қуроллари, ер қозиш ва қурилиш мосламалари, қопқонлар ва ошхона жиҳозлари. Шунинг учун ҳам мулкнинг миқдори ва тури бўйича қабиладошлар деярли тенг. Мавқе ва ҳолатдаги тафовутлар эса ёш ва жинсга қараб белгиланади. Эркаклар ов қилади, аёллар ўсимлик ва мева териш, овқат тайёрлаш ва болаларга қараш билан машғул. Гуруҳ ҳаётига оид қарорлар қабул қилишда ҳал қилувчи сўзни “оқсоқоллар” — қабиланинг энг кекса ва тажрибали кишилари айтадилар. Лекин ҳокимият масаласида ҳам худди мулк масаласидаги каби қабиладошлар орасида тафовут жуда кам. Одатда овчилар ва термачилар ҳам-жамиятида “бевосита демократия” амал қилади, фалокат юз берганда ёки бирор муҳим қарор қабул қилиш керак бўлганда қабиланинг барча катта ёшли аъзолари иштирок этади.

Овчилар ва термачилар мутлақо бетартиб тарзда кўчиб юрмайдилар. Кўпчилик қабилаларнинг доимий ҳудудлари бўлиб, улар йилма-йил шу ерларда кўчиб юришади. Кўпчилик жамоалар доимий таркибга эга бўлмайди, одамлар бир кўналгадан иккинчисига ўтиб туришади, гуруҳлар парчаланиб, қўшниларга қўшилиб кетиб ҳам туради.

Мбути пигмейлари

Тавсифланган юзлаб овчи ва термачилар қабилаларидан, уларнинг турмуш тарзини кўрсатиш учун фақат бир мисол тариқасида Марказий Африкадаги Заир ҳудудида истиқомат қилувчи пигмейларнинг Мбути қабиласини келтирамиз.¹⁸ Мбутилари ўтиш қийин бўлган ўрмонзорларда яшашади. Улар ўрмонни икир-чикирларигача билишади. Улар унда қийналмай ҳаракат қилишади. У ерда сув, емишлик ўсимликлар ва ёввойи ҳайвонлар мўл-кўл. Мбутилари доимий уй-жойлар қуришмайди, уларнинг уйлари шох-шабба ва барглardan иборат. Бундай тураржой бир неча соатда қуриб битказилади ва кўчиш керак бўлганда уни ташлаб кетаверилади. Мбутилари доимо кўчиб юришади ва бир жойда бир ойдан ортиқ тўхташмайди.

Мбутилари 4—5 оиладан иборат кичик-кичик гуруҳ бўлишиб яшашади. Гуруҳлар таркиби анча барқарор, лекин ҳар бир одам ёки оила бу гуруҳдан бемалол чиқиб бошқасига қўшилиши мумкин. Гуруҳларни ҳеч ким бошқармайди, етакчилар йўқ. Лекин кексаларнинг ўзига хос бир мажбурияти бор, у ҳам бўлса, мбутилари тасавурида ўрмон руҳларини безовта қилиши мум-

¹⁸ *Turnbull Colin. The mbuti Pygmies: Change and Adantatin. New York, 1983; Mair Lucy. African societies. Cambridge, 1974.*

кин бўлган шовқин-сурон, даҳанаки жангларни тинчитиш. Мабодо, низо жиддийлашиб кетса, гуруҳ бўлиниб кетади ва унинг аъзолари қўшниларга қўшилади.

Мбути қабиласини ўрганиш 1960-йилларда бошланди. Бу даврда уларнинг турмуш тарзи ташқи таъсирга учрамаган эди. Ушандан буён улар борган сари кучлироқ босимга рўбарў келмоқдалар. Ташқи олам борган сари кўпроқ ўрмонга кириб бормоқда, Мбутилар эса ўрмон четига қишлоқлар билан товар-пул муносабатларига борган сари кўпроқ киришиб бормоқда. Уларнинг турмуш тарзи ҳозирги кунда тавсифланди, лекин бу-гун у тўла емирилиш арафасида турибди. Бу ҳол, қуйироқда сўз юритиладиган бошқа майда анъанавий ҳамжамиятларга ҳам тегишли.

Табий “фаровонлик жамиятлари” бўладими?

Мбутилардан фарқли ўлароқ овчи ва термачилар ҳамжамиятларининг ҳозирги кунгача сақланиб қолганларидан кўпчилиги яшаш учун ноқулай ҳудудларга сиқиб чиқарилган. Бу қабилалар доимо очлик хавфи остида яшайдилар, чунки улар суриб қўйилган жойлар ҳаётий эҳтиёжлар учун энг зарур маҳсулотларнинг ҳам фақат минимал миқдорини таъминлаши мумкин. Овчилар ва термачилар ҳосилдор ҳудудлардан сиқиб чиқарилганига жуда кўп бўлди ва ҳозир улар доимо яшаш учун кураш олиб боришга мажбур эканликлари баъзи олимларни шунга ўхшаш халқлар доимо шундай қийинчиликларда яшаган, деган хулосага олиб келди. Аслида эса, ҳар доим ҳам шундай бўлмаган. Машҳур антрополог Маршалл Салинес овчи ва термачиларни “табий фаровонлик жамиятлари”¹⁹, деб атади, чунки улар ўз эҳтиёжларини қондириш учун керак бўлганидан ортиқроқ неъматларга эга бўлганлар. Қулай ҳудудларда яшаган овчилар ва термачилар кўп вақтларини “ишлаб чиқариш”да ўтказишлари шарт эмасди. Уларнинг кўплари ҳозирги ишчи ва хизматчилар ишлаб чиқаришда сарфлаётган вақтдан анча кам вақт ишлаган бўлсалар ажаб эмас.

Асосий эҳтиёжлар учун керагидан ортиқ моддий ноз-неъматлар овчи ва термачиларни қизиқтирмайди. Деярли барча вақтларини улар диний урф-одат, расм-русум ва маросимларга бағишлардилар. Овчи ва термачиларнинг кўпчилиги мураккаб диний маросимларда мунтазам иштирок этиб, кўп вақтларини кийим, ниқоб, сеҳрли тасвирлар ва шундай ритуаллар учун зарур бўлган бошқа ашёларни тайёрлаш учун сарфлайдилар.

Баъзи муаллифлар, айниқса, социобиологияга мойил муаллифлар, бу халқларнинг ҳаётида овчилик муҳим роль ўйнашини умуминсоний туғма хусусият ҳисобланадиган агрессия билан изоҳламоқчи бўладилар; амалда эса овчилар ҳам, терма-

¹⁹ *Sahlins Marshall. Stone Age Economics. Chicago, 1972.*

чилар ҳам жангари эмас. Овда ишлатиладиган қурол одамларга қарши кам қўлланилади. Вақти-вақти билан турли гуруҳлар ўртасида тўқнашувлар бўлиб туради, лекин улар жуда оз қурбонлар билан, ёки мутлақо қурбонсиз тугайди. Овчилар ва термачилар учун ҳозирги маънодаги ҳарбий ҳаракатлар мутлақо нотаниш ва улар махсус тайёрланган жангчиларга эга эмас. Овчилик, ўз моҳиятига кўра, жамоа бўлиб бажариладиган фаолият. Одамлар якка ҳолда ҳам ов қилишлари мумкин, лекин ўлжани, масалан, қобон гўштини гуруҳнинг бошқа аъзолари билан бўлишадилар.

Овчилар ва термачилар турмуш тарзи биз учун ҳеч қизиқ бўлмаган шунчаки ибтидоий халқ эмас. Уларнинг маданиятини ўрганиш, ўзимизнинг институтларимиздан баъзилари инсон ҳаётининг “табиий” ҳолати бўлишдан анча йироқ эканини тушуниб олишимизга ёрдам беради. Албатта, овчилар ва термачилар яшаган шароитни идеаллаштириш ўринли эмас, бироқ шунга қарамай, урушлар, ҳокимият ва моддий фаровонликда сезиларли нотенглик йўқлигини, рақобатга эмас ҳамкорликка урғу берилиши — буларнинг бари замонавий индустриал тамаддун яратган дунё сўзсиз “прогрессив” эмаслигини эслатиб туради.

Чорвадор ва деҳқончилик жамиятлари

Йигирма минг йилча муқаддам овчилар ва термачиларнинг баъзи гуруҳлари яшаш учун зарур воситаларни топиш мақсадида уй ҳайвонларини кўпайтириш ва доимий ер участкаларига ишлов бериш билан машғул бўла бошлашди. Чорвадор жамиятлар, одатда, уй ҳайвонларини кўпайтириш билан шуғулланадилар, деҳқончилик жамиятларининг асосий машғулоти эса, қишлоқ хўжалик ўсимликларини парваришлаш. Кўпчилик жамиятлар эса ҳам чорвадор, ҳам деҳқон хўжалигини аралаш юритадилар.


Чорвадор жамиятлар

Яшаш муҳитларига боғлиқ тарзда чорвадорлар турли ҳайвонлар: қорамол, кўй-эчки, туя ва отларни боқиш билан шуғулланадилар. Ҳозирги дунёда ҳам, асосан Африкада, Яқин Шарқда ва Марказий Осиёда, кўплаб чорвадор жамоалар мавжуд. Одатда, бундай жамоалар серўт яйлов жойларда, шунингдек, саҳро ва тоғларда жойлашган бўлади. Бу ҳудудлар самарали деҳқончилик учун яроқсиз, аммо у ерларда турли чорва ҳайвонларини боқса бўлади.

Чорвадор жамоалар йилнинг турли фаслларида, одатда, мавсумий ўзгаришларга боғлиқ тарзда турли жойларга кўчиб яшайдилар. Ҳайвонлардан транспорт воситаси сифатида фойдаланиб, улар овчилар ва термачиларга қараганда анча катта масофаларни босиб ўтадилар. Доимо кўчиб юрганликлари учун чорвадорлар катта моддий бойлик тўпламайдилар, уларнинг турмуш тарзи овчи ва термачиларникига қараганда анча мураккаб-


Жаҳон аҳолиси: 10 млн
Овчилар улуши: 100

Миллодан
аввалги 10000 й.




Жаҳон аҳолиси: 350 млн
Овчилар улуши: 1,0

Миллодий 1500 й.



Жаҳон аҳолиси: 3 млрд
Овчилар улуши: 0,001

Миллодий 1960 й.



1-расм. Жаҳон аҳолиси усишига нисбатан овчи
ва термачилар миқдорининг камайиши.

Манба: Richard B. Lee and Irven De Vore (eds). Man the hunter. Chicago, 1968.

роқ. Уй ҳайвонлари доимо озиқ-овқат билан таъминлаб тургани учун чорвадорлар жамоалари овчи ва термачиларникига қараганда йирикроқ бўлади. Уларнинг баъзиларида чорак миллионга қадар одам бўлиши мумкин.

Катта майдонларда кўчиб юрар экан, чорвадорлар бошқа гуруҳлар билан ҳам учрашадилар. Кўпинча улар савдо, баъзан эса уруш қилишади. Кўп чорвадор жамоалар тинчликсевар бўлиб, улар чорвани боқиш, ўз жамоаси маросимлари ва урф-одатларини бажариш билан машғул бўладилар. Бошқалари эса жангари бўлиб, тирикчилик воситаларини чорва боқиш билан бирга, босқинчилик қилиш йўли билан ҳам топар эдилар. Ҳокимият ва мулкни тақсимлашда овчилар ва термачиларга қараганда чорвадорлар орасида кўпроқ тенгсизлик учрайди. Жумладан, доҳийлар, қабила етакчилари ва ҳарбий саркардалар кўпинча катта шахсий ҳокимиятга эга бўлади.

Чорвадорлар жамиятининг мумтоз тавсифини Африканинг Судан давлатидаги Ньюэ қабиласини ўрганган Эланс-Причард баён қилган эди²⁰. Бу халқ асосан, чорвачилик билан кун кечирар эди, шу билан бирга улар баъзи қишлоқ хўжалик ўсимликларини ҳам парваришларди. Улар бир-биридан 8—30 км масофада жойлашган қишлоқларда яшашарди. 1930 йилларда, яъни Эванс-Причард тадқиқот ўтказган пайтда қабила 200 мингга яқин кишидан иборат эди. Улар бари бир тилда сўзлашар, ўхшаш одатларга эга эди. Бироқ уларда марказлашган ҳокимият ёки ҳукумат йўқ эди. Ньюэ элати уруғларга бўлинган бўлиб, улар баъзан биргаликда ҳаракат қилишар, лекин кўпинча алоҳида яшарди.

Ҳар бир уруғ ўз ҳудудига эга. Чегаралар кўпинча дарёлар ва сойлар ўзани билан белгиланарди. Ньюэлар ерни унчалик қадрламайдилар, қадрлаганларида ҳам фақат чорва боқиш учун қай даражада яроқлигига қараб қадрлайдилар. Қурғоқчилик пайтида уруғлар қудуқ ва булоқлар атрофида қўналга қурадилар. Ньюэларнинг асосий вақти чорва ҳайвонларини парваришлашга кетади ва бу чорва уларнинг маданиятида асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Ҳайвон боқмайдиган қўшниларга улар чуқур нафрат билан қарайдилар. Ҳаётдаги ҳар бир муҳим босқич — туғилиш, вояга етиш, уйланиш ва ўлим ҳайвонлар иштирокидаги ритуал ҳаракатлар билан нишонланади. Эркакларга мурожаат қилганда улар яхши кўрадиган буқанинг номини айтишади, аёлларга эса улар севиб соғадиган сигирнинг номини айтиб мурожаат қиладилар. Ньюэлар кўпинча ўзаро жанг ҳам қиладилар, шунингдек бегоналардан ҳимояланиш учун иттифоқ ҳам тузадилар. Масалан, Ньюэлар қўшни чорвадор қабила — динкаларга тез-тез уларни ҳайвонларини ҳайдаб кетиш учун ҳужум қилиб турадилар. Ньюэлар мақолида “Қорамол учун бошқа ҳамма сабабга қараганда кўпроқ одам ўлди” дейилади.

²⁰ *Evans-Pritchard E. E. The Nuer. A. Description of the Modes of Livelihood and Political Institutions of a Nilotic People. Oxford, 1940.*

Деҳқончилик жамиятлари

Деҳқончилик жамиятлари чорвадорлар билан бир пайтда майдонга келган кўринади. Овчилар ва термачилар муайян даврда ёввойи ўсимликлар маҳсулотларини йиғиш ўрнига ўзлари уруф селиб ўсимлик парвариш қила бошладилар. Бу янги укладнинг дастлабки кўриниши “томорқачилик” эди, бунда одамлар белкурак ва омоч билан унча катта бўлмаган томорқага ишлов берар эдилар. Ҳозир ҳам дунёда жуда кўп одамлар томорқачилик ҳисобига кун кечирадилар.

Томорқачилик ҳам чорвачилик сингари овчилик ва термачиларликка қараганда озиқ-овқат билан мунтазам таъминлаш имконини берарди. Шунинг учун ҳам унинг асосида анча йирикроқ жамиятлар пайдо бўлди. Гуруҳлар доимий турар жойлар қуришганда улар ўртасида иқтисодий ва сиёсий алоқалар пайдо бўлади. Томорқачиларга жанговарлик хос бўлса ҳам, улар чорвадорларчалик зўрликка мойил эмасдилар. Ўсимликларни парваришлаб кун ўтказаётган одамлар ҳарбий санъатдан унчалик хабардор эмасдилар, кўчманчи чорвадорлар эса кўпинча босқинчи армияларга бирлашар эдилар.

Янги Гвинеядаги мингта яқин кишидан иборат Гурурумба қабиласи олгита қишлоқда яшайди.²¹ Ҳар қишлоқда бир-биридан ихоталанган бир неча ер бўлаклари бор. Ҳар бир бўлак бир неча оилаларга тегишли бўлакчаларга ажратилган. Ҳар бир оила бир неча бўлакчага эга бўлиб, уларда йилнинг турли фаслларида турли экинлар ўстирадилар. Деҳқончилик билан ҳамма — катталар ҳам, болалар ҳам шуғулланадилар, бироқ эркаklar ва аёллар турли экинларни парвариш қиладилар. Гурурумба маданиятида бир оиланинг иккинчисига совға беришига бағишланган мураккаб маросим мавжуд бўлиб, у оиланинг жамоадаги мавқеини белгилашга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам гурурумбалар томорқаларида кундалик емиш учун экин экиладиган ва “обрўли” экинлар экиладиган бўлакчалар бор. “Обрўли” экинларни бошқа экинларга қараганда анча кўп парвариш қиладилар.

Гурурумбалар чўчқа ҳам боқадилар, лекин уларнинг гўшти-ни емайдилар, уларни фақат жамоада обрў орттириш мақсадида бошқа оилаларга совға қилиш учун боқадилар. Бир неча йилда бир марта улкан зиёфат ташкил қилиниб, унда юзлаб чўчқаларни сўядилар. Гурурумбаларда чорвадорлардаги каби овчилар ва термачиларга нисбатан нотенглик анча яққол кўзга ташланади. Қабила етакчилари ва йўлбошчилар муҳим рол ўйнайди. Одамларда мавжуд бўлган моддий бойликлар миқдорида ҳам анча тафовут бор.

²¹ Newman Philip L. Knowing the Gururumba, New York, 1965.

Ноиндуриал цивилизациялар ёки анъанавий давлатлар

Ибтидоий жамиятга ўхшамаган йирик жамиятлар ҳақидаги дастлабки далиллар эрамиздан олдинги олтинчи минг йилликка таалуқли.²² Шаҳарларнинг пайдо бўлиши шу жамиятлар билан боғлиқ бўлиб, уларда тенгсизлик яққол кўзга ташланар эди, уларни шоҳ ва императорлар бошқарган. Бу жамиятларни кўпинча *цивилизациялар*, деб аташади, чунки уларда ёзув мавжуд бўлиб, фан ва санъат гуллаб-яшнаган. Бироқ уларда бошқарувнинг тартибга солинган шакллари вужудга келгани учун, уларга нисбатан анъанавий давлат, деган атама ҳам кўп ишлатилади.

Анъанавий давлатларнинг кўпчилиги, айна пайтда, империялар ҳам эди. Уларнинг ҳудудлари бошқа мамлакатларни қўшиб олиш ёки босиб олиш ҳисобига кенгаяр эди.²³ Масалан, Хитой ва Римда шундай бўлган. Эрамизнинг I асрида, Рим империясининг энг гуллаган пайтида унинг ҳудуди Британиядан Яқин Шарққача чўзилган эди. Икки минг йил давомида, бизнинг асримизгача Хитой империяси ҳудуди Шарқий Осиёнинг катта ҳудудини, ҳозирги Хитой эгаллаб турган ерларни қамраб олди. Ҳозирги дунёда анъанавий давлатлар қолмади. Улардан баъзилари Хитой ва Японияга ўхшаб озми-кўпми ўзгаришсиз йигирманчи аср бошларигача сақланиб турди, бироқ барибир улар ё емирилиб битди, ёки замонавийроқ тизимларга асосландилар.

Энг аввалги анъанавий давлат яқин Шарқда, дарёларнинг серунум воҳаларида вужудга келди.²⁴ Хитой империяси эрамиздан аввалги иккинчи минг йилликда майдонга келди. Ўша даврда Ҳиндистон ва Покистонда ҳам қудратли давлатлар мавжуд эди. Бир қатор йирик анъанавий давлатлар, масалан ацтеклар ва инклар давлатлари Мексика ва Лотин Америкасининг бошқа ҳудудларида ҳукм сурган эди. Инклар давлати испаниялик саргузашт ишқибози Писарро 1535 йилда аскарларнинг кичик отряди билан Жанубий Америка соҳилларига келишидан юз йил олдин ҳам мавжуд эди. Бироқ инклар душман бўлган қабилалар билан иттифоқ тузиш Писаррога бу давлатни бўйсундириш ва босиб олинган ҳудудда Испания ҳукмронлигини ўрнатиш имконини берди. Писсаро фатҳи фарбнинг анъанавий маданиятлар билан биринчи тўқнашуви бўлди ва тўқнашувлар натижасида бу маданиятлар бутунлай йўқ бўлиб кетди.

²² Burns E. M. and P. L. Ralph. *World Civilization*. New York, 1974.

²³ *Eisenstadt S. W. The Political System of Empires* Glencoe, 1963; Claessen Henri J. M. and Peter Skalnin. *The Early State*. The Hague, 1978; Kautsky John J. *Politics of Aristocratic Empires*. Chancel Hill, 1982.

²⁴ *Kramer S. W. History Begins at Sumer*, New York, 1959.

Майя цивилизацияси

Анъанавий давлатнинг мисоли тариқасида биз Мексика қўлтигидаги Юкатан яриморолида жойлашган яна бир Америка цивилизацияси — майялар турмушини кўриб чиқамиз. Майя цивилизацияси ривожининг чўққиси эрамининг IV—VIII асрларига тўғри келди. Майялар жуда мураккаб ибодатхоналар қурган бўлиб, уларнинг атрофида эса турар жойлар жойлашган эди. Ҳамма бинолар тошдан қурилган. Иншоотлар эҳром шаклида бўлиб, уларнинг чўққисида ибодатхона жойлашарди. Эҳромлардан энг каттаси бўлган Тикал атрофида 40 000 киши яшайдиган шаҳар жойлашган эди. Бу майя давлатининг бош маъмурий маркази (амалда пойтахти) эди.

Майя жамиятини жангчи-руҳонийларнинг зодагон синфи бошқарар эди. Улар майяларнинг энг олий диний етакчилари, айна пайтда ҳарбий лашкарбошилар ҳам бўлиб, қўшни ҳамжамиятлар билан доимо урушлар олиб борардилар. Аҳолининг катта қисми деҳқонлардан иборат бўлиб, улар ҳосилнинг бир қисмини зебу-зийнатлар ичида яшовчи зодагон-ҳукмдорларга беришлари керак эди.

Майя цивилизациясининг нима сабабдан йўқ бўлиб кетгани аниқ маълум эмас, лекин у қўшни қабилалар томонидан забт этилган бўлиш эҳтимоли кўпроқ. Испанлар келган пайтда майя давлати аллақачон йўқ бўлиб кетган эди.

Анъанавий давлатларнинг асосий белгилари

Ҳозирги саноатлашган давр бошлангунга қадар анъанавий давлат жамиятнинг тарихдаги ягона типи бўлиб, унда аҳолининг анча катта қисми озиқ-овқат ишлаб чиқаришда иштирок этмас эди. Овчилар ва термачилар қабилаларида, шунингдек, деҳқончилик ва чорвачилик жамиятларида меҳнат тақсимоли жуда ибтидоий эди. Машғулотлар, аввало, эркаклар ва аёллар ўртасида тақсимланарди. Анъанавий давлатларда касб машғулотларининг мураккаброқ тизими ҳам мавжуд эди. Меҳнатни жинсий белгига қараб тақсимлаш аввалгидай мавжуд эди, аёллар асосан уйда ва далада банд эдилар. Бироқ эркаклар орасида кейинчалик савдогарлик, сарой аъёни, ҳукумат амалдори, аскарлик каби ихтисослашган машғулотлар пайдо бўлди.

Зодагонлар гуруҳи ва бошқа аҳоли ўртасида синфларга бўлинишнинг соддароқ тури мавжуд эди. Ҳукмдор энг олий ижтимоий мавқега эга бўлган “ҳукмрон синф” бошида турарди. Бу синф аъзолари одатда нисбий моддий қулайликлар ва зебу-зийнатлар орасида яшарди. Бошқа томондан, аҳоли асосий қисмининг яшаш шароитлари жуда оғир эди. Бу жамиятлар учун типик бўлган ҳол кулдорлик эди.

Жуда оз анъанавий давлатларгина савдонинг ривожланиши ва савдогарлар бошқаруви оқибатида вужудга келган эди. Уларнинг кўпчилиги босқинчилик юришлари натижасида вужудга

келган ёки кучли қуролли кучларни шакллантиришга интилар эди. Анъанавий давлатлар профессионал армия — ҳозирги ҳарбий тузилмаларнинг салафлари тўғрисида ғамхўрлик қилардилар. Рим армияси, масалан, кучли интизом ва жангчиларнинг интенсив тайёргарлигига асосланган ҳарбий тузилма бўлиб, империя истилолари унга асосланиб олиб бориларди. Анъанавий давлатлар маданиятида урушни механизациялаш куртаклари бор эди. Рим армиясининг қиличлари, найза, дубулгалари ва қамал жиҳозлари профессионал хунармандлар томонидан тайёрланган эди.²⁵ Анъанавий давлатларнинг “варвар” қабилалар билан олиб борган жангларида қурбонлар сони олдинги даврдагиларга қараганда бир неча баравар ортиб кетди.

Ҳозирги дунёдаги жамиятлар

Ҳозирги кунга келиб ер юзида анъанавий давлатлар мутлақо йўқ бўлиб кетди. Овчилар ва термачилар, чорвадор ва деҳқон жамоалари ҳозиргача мавжуд бўлса ҳам, уларни фақат чекка, ихоталанган худудларда учратиш мумкин ва улар ҳам кўпчилик ҳолларда парчаланиб кетмоқда. Икки асргина аввал инсоният тарихини белгилаётган бу жамиятларнинг йўқотилишига нима сабаб бўлди? Агар бу саволга бир сўз билан жавоб бериш керак бўлса, унда бу сўз саноатлаштириш, яъни энергиянинг янги манбаларидан (буғ ва электрга ўхшаш) фойдаланишга асосланган, машиналарга таянадиган ишлаб чиқариш бўлади. Саноатлашган жамиятлар кўп жиҳатдан жамиятни аввалги ижтимоий ташкил қилинган барча типларидан фарқ қилади ва уларнинг оқибатлари ўз ватани бўлган Европадан жуда узоқларда ҳам сезилди.

Саноатлашган жамиятлар

Ҳозирги саноатлаштириш XVIII аср охирида Англияда юз берган “саноат инқилоби” натижасида майдонга келди. Бу тунгунча тирикчилик воситаларини топиш усулларида юз берган бир қатор мураккаб технологик ўзгаришларни англатади. Бу ўзгаришлар янги машиналар (масалан тўқув дастоҳи) ихтиро қилиниши, ишлаб чиқаришда янги энергия манбалари(айниқса сув ва буғ)дан фойдаланиш, шунингдек, ишлаб чиқаришни такомиллаштиришда илмий усулларни қўллаш билан боғлиқ эди. Индустиал жамиятларда технологик янгиликлар суратлари анъанавий жамиятларга қараганда жуда юқори, чунки бир соҳада қилинган ихтиро ва кашфиётлар бошқа соҳаларда яна ҳам кўпроқ шундай ихтиро ва кашфиётлар қилинишига олиб келади.

²⁵ McNeill William H. *The Pursuit of Power: Technology, Armed force and society since AD 1000*, Oxford, 1983; Many Michael. *The Sources of Social Power*. Vol. LA. *History of Power from the begining, to 1760*. Cambridge, 1986.

Саноатлашган жамиятнинг асосий белгиси шундаки, меҳнатга яроқли аҳолининг кўпчилик қисми қишлоқ хўжалигида эмас, завод, фабрикалар ва муассасаларда банд бўлади. Анъанавий жамиятларда аҳолининг жуда оз қисмигина қишлоқ хўжалигида ишламасди. Технологиянинг нисбатан паст даражада ривожланганлиги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидан унча катта бўлмаган гуруҳларнигина озод қила оларди. Саноатлашган мамлакатларда эса, бунинг аксича, 2—5 фоиз аҳолигина банд бўлиб уларнинг ҳаракати қолган аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш учун кифоя қилади.

Олдинги ижтимоий тизимларга нисбатан саноатлашган жамиятлар кўпроқ урбанизациялашган. Баъзи саноатлашган мамлакатларда аҳолининг 90 фоизи иш ўринларининг асосий қисми жойлашган ва яна янгилари яратилаётган шаҳарларда яшайди. Бу шаҳарларнинг ҳажми анъанавий жамиятлардагиларга қараганда жуда катта. Янги типдаги шаҳарларда ижтимоий ҳаёт шахсийлашмаган ва аноним хусусият кашф этади ва биз ўзимиз таниган одамлардан кўра кўпроқ нотаниш одамлар билан мулоқотга киришамиз. Фаолияти деярли ҳар биримизнинг ҳаёти-мизга алоқадор бўлган улкан миқёсдаги ташкилотлар, масалан, саноат корпорациялари ва ҳукумат муассасалари пайдо бўла бошлади.

Саноатлашган жамиятларнинг яна бир хусусияти улардаги ривожланган ва таъсирчан сиёсий тизимнинг мавжудлигида. Анъанавий тамаддулар даврида монарх ёки император тимсолидаги сиёсий ҳокимият алоҳида-алоҳида мустақил турар жойларда яшайдиган кўпчилик фуқароларнинг яшаш тарзи ва урф-одатларига ҳеч қандай таъсир кўрсата олмас эди. Саноатлаштириш жараёнида транспорт ва алоқа тезлиги ортди ва бу “миллий” ҳамжамиятларнинг интеграциялашувига таъсир ўтказди. Саноатлашган жамиятлар биринчи миллий давлатлар бўлишди. Миллий давлатлар анъанавий давлатларнинг ноаниқ чегаралари ўрнига келган аниқ чегаралар билан ажратилган сиёсий бирликлардир. Миллий давлатларнинг ҳукуматлари ўз фуқаролари ҳаётининг кўп жиҳатлари устидан таъсирчан ҳокимиятга эга ва мамлакат ҳудудида барча бўйсунуши шарт бўлган қонунлар ўрнатади.

Иנסоният жамиятларининг типлари

Асосий белгилари

Мавжудлик даври

Овчилик ва термачилар ҳамжамиятлари

Ўз турмушини овчилик, балиқ овлаш ва сабзавот, мева ва ўсимликларни териш ҳисобига таъминлайдиган одамларнинг унча кўп бўлмаган гуруҳларидан иборат. Бу жамиятлардаги тенгсизлик унча аниқ ифо-

Миллоддан олдинги 50000 йилдан ҳозирги кунгача. Ҳозир улар тўла йўқ бўлиб кетиш арафасида

даланмаган; ижтимоий мавқедаги тафовутлар ёш ва жинсга қараб белгиланган.

Деҳқончилик жамиятлари

Бундай жамиятларнинг негизини майда қишлоқ жамоалари ташкил қилади. Ҳали шаҳарлар йўқ. Турмуш кечиришнинг асосий манбаи — деҳқончилик, баъзан овчилик ва термачилик ҳам қўшимча манба сифатида фойдаланилади. Бу жамиятлар овчилар ва термачилар ҳамжамиятларидагига қараганда кучлироқ тенгсизлик билан фарқланади; уларга доҳийлар раҳбарлик қилади.

Милоддан аввалги 12000 йилдан ҳозирги кунгача. Ҳозир уларнинг кўпчилиги йирикроқ сиёсий тузилмалар таркибига киради ва ўзига хос хусусиятини аста-секинлик билан йўқотиб бормоқда.

Чорвадорлар жамиятлари

Бундай жамиятлар моддий эҳтиёжларни қондириш учун уй ҳайвонларини боқиш ва кўпайтиришга асосланади. Бундай жамиятларнинг ҳажми бир неча 100 кишидан бир неча 1000 кишигача бўлиши мумкин. Бундай жамиятлар учун аниқ кўзга ташланадиган тенгсизлик хос. Уларни доҳийлар ёки саркардалар бошқаради.

Деҳқончилик жамиятлари билан бир давр. Бугун чорвадорлар жамиятлари ҳам йирикроқ давлатлар таркибига киради; уларнинг анъанавий турмуш тарзи ҳам емирилиб бормоқда.

Анъанавий давлатлар ёки Цивилизациялар

Бундай жамиятларда иқтисодий тизимнинг асоси аввалгидай деҳқончилик бўлиб қолади, бироқ савдо ва ишлаб чиқаришни ўзида жамлаган шаҳарлар ҳам мавжуд. Анъанавий давлатлар орасида аҳолиси кўп миллион кишини ташкил қиладиган катта давлат ҳам учрайди, бироқ уларнинг ҳажми йирик индустриал мамлакатларга қараганда барибир кичик. Анъанавий давлатлар махсус ҳукумат аппаратига эга бўлиб, уларнинг бошида подшо ёки император туради. Турли синфлар ўртасида катта тенгсизлик мавжуд.

Милоддан олдинги 6000 йилдан 19 асргача. Ҳозир ер юзида анъанавий давлатлар қолмаган.

Биринчи дунё жамиятлари

Бу жамиятлар саноат ишлаб чиқаришга асосланади, уларда эркин тадбиркорликка катта ўрин ажратилади. Аҳолининг жуда оз қисми қўшимча хўжалик ишлари билан банд, асосий кўпчилиги эса шаҳарларда яшайди. Анча синфий тенгсизлик мавжуд, бироқ у анъанавий давлатдагичалик

XVIII асрдан ҳозирги кунгача.

яққол ифодаланмаган. Бу жамиятлар алоҳида сиёсий тузилма ёки миллий давлатларни ташкил қилади.

Иккинчи дунё жамиятлари

Булар саноат базасига эга, бироқ уларнинг иқтисодий тизимида марказий режалаштириш сиёсати ҳукмрон. Аҳолининг унча кўп бўлмаган қисми қишлоқ хўжалиги билан банд, кўпчилик шаҳарларда яшайди. Бу мамлакатларнинг марксистик ҳукуматлари ўз олдига синфсиз тизим қуришни мақсад қилиб қўйган бўлса ҳам, сезиларли даражада синфий тенгсизлик мавжуд. Биринчи дунё мамлакатларига ўхшаб алоҳида сиёсий бирлик ёки миллий давлатларни ташкил қилади

XX аср бошларида (Россиядаги 1917 йил Октябрь революциясидан кейин) ҳозирги кунгача.

Учинчи дунё мамлакатлари

Бу жамиятларда аҳолининг кўпчилик қисми қишлоқ хўжалигида банд бўлиб, қишлоқ жойларида яшайди ва асосан ишлаб чиқаришнинг анъанавий усулларида фойдаланади. Бироқ қишлоқ хўжалик маҳсулотининг бир қисми жаҳон бозорида сотилади. Учинчи дунё мамлакатларининг баъзиларида эркин тadbиркорлик мавжуд бўлса, бошқаларида марказий режалаштириш сиёсати ҳукмронлик қилади. Учинчи дунё жамиятлари ҳам миллий давлатлар ҳисобланади.

XVIII асрдан (мустамлака мамлакатлари сифатида) ҳозирги кунгача.

Саноат технологияларини қўллаш ривожланишнинг тинч соҳалари билан чекланмади. Индустрлаштиришнинг дастлабки қадамлариданоқ саноат ишлаб чиқариш ҳарбий мақсадларга хизмат қила бошлади ва бу ноиндустриал давлатларга нисбатан анча мукамал бўлган қурооллар ва ҳарбий тузилманинг янги типини яратиб, уруш олиб бориш усулларини тубдан ўзгартириб юборди. Иқтисодий жиҳатдан устунлик, сиёсий бутунлик, ва ҳарбий қудрат кейинги икки юз йил ичида ғарб турмуш тарзининг шиддат билан ёйилиши учун асос яратди.

Бир вақтлар қудратли бўлган анъанавий маданиятлар турмуш тарзлари “қуйи” бўлгани учун йўқ бўлиб кетмадилар. Улар ғарб мамлакатларидаги саноат ва ҳарбий қудратнинг биргаликдаги таъсирига дош бера олмадилар. Ҳокимият ғояси ва у билан мустақкам алоқада бўлган мафкура тушунчаси социологияда жуда муҳим ўрин тутаяди. Ҳокимият, деб индивидлар ёки гуруҳ-

ларнинг ўз манфаатдорлигини ҳатто бошқалар қаршилиқ кўрсатганлари тақдирда ҳам рўёбга чиқара олиш қобилияти тушунилади. Ҳокимият баъзан тўғридан-тўғри зўрлик ўтказиш билан боғлиқ бўлади, аммо ҳар доим унга ғоялар (мафкуралар) ҳамкорлик қилади ва улар ҳокимият тепасида турганларнинг ҳаракатларини оқлаш билан шуғулланади. Ғарб экспансияси даврида босқинчилар мустамлакачилик ҳаракатларини ўзлари тўқнашаётган “мажусий” халқларга цивилизация олиб келиш билан оқламоқчи бўлган эдилар.

Уч “дунё”

XVII асрдан XX асргача ғарб мамлакатлари зарур бўлган ҳолларда ўз ҳарбий устунлигидан фойдаланиб олдин анъанавий жамиятлар банд қилиб турган ҳудудларни ўз мустамлакаларига айлантирдилар. Бугунги кунга келиб деярли барча мустамлакалар мустақилликка эришган бўлса ҳам, мустамлакачилик ер шари ижтимоий ва маданий ҳаритасини тубдан ўзгартириб юборди. Унчалик кўп бўлмаган овчилар ва термачилар қабилалар билан банд бўлган баъзи минтақаларда (Шимолий Америкада, Австралияда ва Янги Зеландияда) ҳозирги кунда европаликлар аҳолининг кўпчилиқ қисмини ташкил қиладилар. Ер куррасининг бошқа қисмларида эса, жумладан, Осиё, Африка ва Жанубий Америкада келгиндилар озчилиқни ташкил қилади. Биринчи типга мансуб бўлган Америка Қўшма Штатлари сингари давлатлар вақт ўтиши билан индустриал давлатларга айландилар. Иккинчи тоифадаги давлатлар эса кўпинча саноатлашган тараққиётнинг қуйироқ босқичида бўлиб, одатда, уларни учинчи дунё мамлакатлари, дейишади.

Учинчи дунё мамлакатлари

Учинчи дунё мамлакатларига Хитой, Ҳиндистон, Африка мамлакатларининг кўпчилиги (Нигерия, Гана ва Жазоир сингари) ва Жанубий Америка мамлакатлари (масалан, Бразилия, Перу ва Венесуэла) киради.

Учинчи дунё мамлакатлари паст даражада саноатлашган, аҳолининг кўпчилиги қишлоқ хўжалигида банд. Бу мамлакатларнинг кўпчилиги АҚШ ва Европадан жануброқда жойлашгани учун, уларни кўпинча бой, индустриалашган “Шимол”га қарама-қарши “Жануб” деган умумий ном билан атайдилар. Учинчи дунёда яшаётган баъзи халқлар анъанавий ҳаёт тарзини сақлаб қолган бўлишса ҳам, барибир бу мамлакатлар аввал мавжуд бўлган анъанавий жамият шаклларида фавқуллодда фарқ қиладилар. Уларнинг сиёсий тизимлари ғарбда вужудга келган шаклларга яқин, ёки улардан андоза олиб тузилган, бошқача айтганда, булар миллий давлатлар. Улар аҳолисининг кўпчилиқ қисми аввалгидай қишлоқ жойларда яшайди, бироқ бу жамиятлар шиддатли урбанизация жараёнини бошдан кечирмоқдалар. Қишлоқ хўжалиқ ишлаб чиқариши иқтисодий фаолият-

нинг асосий тури бўлиб қолмоқда, маҳсулот ички истеъмол учун эмас, асосан дунё бозорида сотиш учун етиштирилади. Учинчи дунё мамлакатлари индустриал давлатлар ортидан суд-ралиб юрган давлатлар эмас. Учинчи дунёнинг кўп миллиардли аҳолиси истиқомат қилаётган шароит кўп жиҳатдан олдинги, анъанавий тизимларни парчалаб ташлаган ғарб билан алоқалар туфайли шаклланди.

Биринчи ва иккинчи дунё мамлакатлари

Биринчи дунё атамаси билан Европа, Австралиянинг индустриал давлатлари, шунингдек, Америка Қўшма Штатлари ва Японияни атайдилар. Амалда биринчи дунё мамлакатларининг барчасида бошқарувнинг кўппартияли парламент тизими қабул қилинган. Иккинчи дунё мамлакатлари — бу коммунистик позицияларда турган ҳукуматлар томонидан бошқариладиган индустриал жамиятлар. Улар жумласига Совет Иттифоқи, шунингдек, Шарқий Европанинг Чехословакия, Польша ва Венгрия каби мамлакатлари кирарди.

Биринчи ва иккинчи дунё мамлакатлари ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий тафовутлар фавқулодда катта. Биринчи дунё мамлакатлари иқтисодий тизими бозор иқтисодиёти тамойиллари асосига қурилган ва эркин тадбиркорликнинг жуда муҳим ролини эътироф этса, иккинчи дунё мамлакатларида марказий режалаштириш сиёсати амалга оширилади. Лекин шунга қарамай, энг катта тафовутлар индустриал дунё мамлакатлари ва учинчи дунё мамлакатлари орасида. Индустриал давлатларга солиштириб кўрганда, учинчи дунё мамлакатлари жуда камбағал. Уларнинг кўпчилиги аҳоли ўсиш суръатларининг кескин ўсишини бошдан кечирди ва бу уларнинг ўз аҳолисини ҳеч бўлмаганда энг минимал ҳаёт даражасини таъминлаш каби оғир синовга дуч қилди.

1-бобда социологиянинг асосий вазифаси индустриал жамиятлар — биринчи ва иккинчи дунё мамлакатларини ўрганиш экани таъкидлаб ўтилган эди. Лекин учинчи дунёни четлаб ўтишга ва уни антропологиянинг ўзига хос томорқасига айлан-тириб қўйишга виждонимиз йўл қўядими? Албатта, йўқ. Ҳар учала дунё ўзаро яқин алоқаларда ривожланган, бугун эса улар бир-бирлари билан яна ҳам маҳкамроқ боғлиқ. Биз, саноатлашган жамиятда яшаётган одамлар, ҳаёт кечириш учун учинчи дунё мамлакатларининг хомашё ва маҳсулотларидан фойдаланишга эҳтиёж сезамиз, айни пайтда, учинчи дунё мамлакатларидан кўпчилигининг иқтисоди индустриал мамлакатлар билан савдо алоқалари асосига қурилган. Биз ер шари аҳолисининг кўпчилик қисми яшаётган учинчи дунё мамлакатларига қўс-лаб кўргандагина биринчи дунёни охиригача тўла англай оламиз. (Кенгроқ муҳокама учун “Ижтимоий ҳаётнинг глобаллашуви” номли 16-бобга қаранг).

Хулоса

Биринчи, иккинчи ва учинчи дунё мамлакатлари кўп минг йилликлар давомида, ўн саккизинчи асргача ҳукм сурган ижтимоий тизимлардан фарқ қилади. Фарб сайёҳларининг экспедициялари анъанавий маданиятлардан кўпини қириб ташлаган жараёнларни бошлаб берди. Инсоний мавжудотлар сифатида барчамиз жуда кўп умумий хусусиятларга эгамиз, бироқ бизга ўзимиз мансуб бўлган жамиятларнинг қадриятлари ва урф-одатлари ҳам таъсир ўтказади. Кейинги бобда биз одамнинг индивидуал ривожига чақалоқлик давридан бошлаб бутун ҳаёт давомида таъсир ўтказадиган жараёнларни кўриб чиқамиз.

Бобнинг қисқача мазмуни

1. Маданият муайян гуруҳ эъзозлайдиган қадриятлар, риоя қиладиган меъёрлар ва улар яратадиган моддий неъматлардан иборат.

2. Инсон зоти биологик *эволюциянинг* узоқ давом этган жараёни натижасида пайдо бўлди. Одамлар олий сўтэмизувчилар гуруҳи приматларнинг бир қисмидир. Маданий ривожланиш инсон зоти вужудга келишининг дебочаси бўлган ва эволюцияни белгилаб берган.

3. *Социобиология* биринчи навбатда ҳайвонлар хулқ-атвори соҳасидаги кашфиётлари билан муҳим; социобиологларнинг одамлар ижтимоий ҳаёти ҳақидаги ғоялари жуда спекулятив хусусиятга эга. Бизнинг хулқ-атворимиз генетик хусусиятлар таъсирида, бироқ улар хулқ-атворимизнинг, фаолиятимизнинг ҳақиқий мазмунини эмас, фақат потенциал имкониятларини белгилаб берди.

4. Инсонларда мураккаб туғма хатти-ҳаракатлар тизими сифатида *инстинктлар* мавжуд эмас. Оддий рефлекслар мажмуи ва туғма эҳтиёжлар инсоннинг туғма хусусиятларини ташкил қилади.

5. Барча маданиятларда, ёки деярли барча маданиятларда учрайдиган хулқ-атвор шакллари *маданий универсалиялар* дейилади. Бундай универсалияларнинг асосий типлари тил, инцестни тақиқлаш, никоҳ, оила, дин ва мулк кабилар ҳисобланади, лекин шу умумий тоифалар доирасида ҳам хулқ-атвор усуллари ва турли жамиятлардаги қадриятлар турлича бўлиши мумкин.

6. Ҳозирги жамиятдан олдинги жамиятларнинг бирнеча типини санаб ўтиш мумкин. *Овчилар* ва *термачилар* жамоалари деҳқончилик ва чорва билан шуғулланмайди, улар ов қилиб ва ўсимликларни териб кун кечирашади. Чорвадорлар жамиятларида тирикчиликнинг асосий манбаи уй ҳайвонларини кўпайтириш ҳисобланади. *Деҳқончилик* жамиятлари ерни қайта-қайта ишлаш орқали ҳаёт кечиради. Уларнинг ичидаги энг йирик ва ривожланганлари негизида *анъанавий давлатлар* ёки *цивилизациялар* майдонга келади.

7. Фарбнинг тез ривожланиши ва экспансияси ер куррасидаги кўп минтақаларнинг босиб олинишига олиб келди ва бу ўз навбатида мавжуд ижтимоий тизимлар ва маданиятларни тубдан ўзгартириб юборди.

8. Саноатлашган жамиятларда иқтисодиётнинг асосини саноат ишлаб чиқариши ташкил қилади (унинг усул ва воситаларидан ҳам озиқ-овқат ишлаб чиқаришида фойдаланилади). *Биринчи* дунёнинг индустриал мамлакатларига Фарб мамлакатлари, шунингдек, Япония, Австралия, Янги Зеландия каби мамлакатлар киради. *Иккинчи* дунё мамлакатлари — бу коммунистик ҳукуматлар томонидан бошқариладиган индустриал жамиятлар бўлиб, уларда ер шарининг кўпчилик аҳолиси яшайди ва амалда

уларнинг деярли барчаси колониялар бўлган эди. Улардаги аҳолининг кўпчилик қисми қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариши билан банд бўлиб, бу маҳсулотларнинг бир қисми жаҳон бозорга чиқарилади.

Асосий тушунчалар

маданият	меъёр
жамият	ҳокимият
қадрият	мафкура

Энг муҳим атамалар

эволюция	чорвадор жамиятлар
мутация	деҳқончилик жамиятлари
социобиология	анъанавий давлатлар
инстинкт	меҳнат тақсимоти
субмаданият	миллий давлатлар
этноцетризм	мустамлакачилик
маданий универсалиялар	учинчи дунё
семиотика	биринчи дунё
овчи ва термачилар жамияти	иккинчи дунё

Кўшимча адабиёт

Ruth Benedict. Patterns of Culture, New York, 1946. Маданий тафовутларнинг ҳозир ҳам ўз қадрини йўқотмаган мумтоз тадқиқоти.

Kenneth Bock. Human Nature and History: a Response to Sociobiology. New York, 1980. Социобиология даъволарини танқид.

Brian M. Fagan. People og the Earth. London, 1992. Инсон маданиятларининг турли шаклларининг келиб чиқиши ва ривожланишининг ҳаққоний обзорининг сўнгги наشري.

Ralph Fasold. The Sociolinguistics of Language. Oxford, 1991. Тил ва маданият моҳиятининг кўп жиҳатлари бўйича яхши дарслик.

Jack Goody. The Domestication of Savage Mind. Cambridge, 1977. Ёзув ва саводхонликнинг маданий ривожланишга таъсирининг таҳлили.

Edmund Leach. Culture and Communication: The Logic by which Symbols are Connected. Cambridge, 1976. Маданий символизм моҳиятининг таҳлили.

Raymond Williams. Culture. Glasgow, 1981. Маданият тушунчасининг фойдали умумий таҳлили.

Peter Worsley. The Three Worlds: Culture and World Development. London, 1984. Биринчи, иккинчи ва учинчи дунёлар ўртасидаги алоқалар таҳлили.

Ижтимоийлашув ва ҳаётӣй цикл

Эволюцион тараққиётнинг қуйи босқичида турадиган махлуқотлар, айтайлик қумурсқаларнинг кўп турлари, дунёга келиши биланоқ ўз ғамларини ўзлари ея бошлайдилар ва «катта»ларнинг ёрдамига жуда кам эҳтиёж сезадилар. Қуйи махлуқларда авлодлар йўқ, чунки турнинг «ёш» вакиллари хулқ-атвори катталарники билан деярли бир хил. Бироқ биз эволюцион тараққиётнинг юқориси томон кўтарилганимиз сари бундай ҳолни камроқ учрата бошлаймиз: олий ҳайвонлар хулқ-атворнинг тегишли усулларига ўрганишлари керак. Сутэмизувчиларнинг болалари дунёга келганда мутлақо ожиз бўлиб, «катта»ларнинг ёрдамига муҳтож бўлади. Инсонларнинг чақалоқлари эса улар орасида ҳам энг ожизи. Бола, агар лоақал дастлабки тўрт-беш йил давомида ёрдам олмас экан, у яшай олмайди.

Ижтимоийлашув шундай жараёнки, унда ожиз чақалоқ ўзи туғилган маданиятнинг моҳиятини тушунадиган, ўзини-ўзи англай оладиган ақлли мавжудотга айланиб боради. Ижтимоийлашув бола ўзи мулоқотга киришаётган нарсалар таъсирини пассив қабул қиладиган «маданий программалаштириш»нинг кўринишларидан бири эмас. Ҳаётининг дастлабки дақиқаларидан бошлаб чақалоқ зарурат ва эҳтиёжлар сеза бошлайдики, улар у ҳақда ғамхўрлик қилиши лозим бўлган катталар хулқ-атворига таъсир ўтказди.

Ижтимоийлашув турли авлодларни бир-бири билан боғлайди. Чақалоқнинг туғилиши унинг тарбияси учун масъул бўлганлар ҳаётини ўзгартиради ва улар янги тажрибага эга бўлади. Ота-оналарнинг мажбуриятлари, одатда уларни умрнинг қолган қисмида болалар билан боғлаб қўяди. Кексалар набира туғилгандан кейин ҳам ота-оналигича қоладилар ва бу алоқалар турли авлодларни бир-бири билан боғлайди. Маданий ривожланиш чақалоқлик ва илк болалик даврида кейинги даврларга қараганда интенсивроқ давом этса ҳам, ўқиш-ўрганиш ва мослашиш инсоннинг бутун ҳаётида давом этади.

Кейинги бобларда биз олдинги бобда кўтарилган «табиат»га қарши мавзусини давом эттирамиз. Аввал биз индивиднинг туғилишдан то илк болаликкача даврда ривожланиши асосий босқичларидаги ўзгаришларни алоҳида ажратиб таҳлил қиламиз. Турли муаллифлар боланинг нима учун ва қандай ривожланишини турлича изоҳлайдилар ва биз уларнинг ёндашувларини кўриб чиқамиз ва қиёслаймиз. Кейин эса индивид ҳаётининг турли босқичларида унинг ижтимоийлашувига таъсир ўтказувчи гуруҳ ва контекстларни таҳлил қиламиз.

«Ижтимоийлашмаган» болалар

Катталарнинг ҳеч қандай таъсирисиз ўсган болалар нимага ўхшаб қолади? Ўз-ўзидан равшанки, бирорта ҳам инсонпарвар шахс бундай тажрибани бажармайди ва болани инсонлар қуршовидан четда тарбияламайди. Бироқ бир қатор махсус адабиётларда кенг муҳокама қилинган ҳоллар юз берганки, унда болалар ҳаётларининг дастлабки йилларида инсонлар билан нормал мулоқотдан узилиб қолган. Болалар ривожининг одатдаги жараёнини ўрганишга киришишдан аввал иккита шундай мисолни кўриб чиқамиз.

«Авейронлик ёввойи»

1800 йил 9 январида Франциянинг жанубидаги Сен-Серин қишлоғида ўрмондан ғалати махлуқ чиқди. У тик туриб ҳаракатланганда, унинг ўн бир ёки ўн икки ёшли бола эканини тезда аниқлашса ҳам, у ҳайвонга кўпроқ ўхшарди.

У ғалати, чинқириққа ўхшаш овоз чиқарарди. Бола шахсий гигиена тўғрисида тасаввурга ҳам эга бўлмай, қаерда хоҳласа, ўша ерда бўшаниб оларди. Уни маҳаллий полицияга топширишди, кейинроқ эса маҳаллий етимхонага жойлашди. Дастлабки пайтларда у қочиб кетишга кўп уринди. Уни зўрға орқага қайтаришарди, у кийим кийишни хоҳламас, устидан ечиб ерга улоқтирар эди. Ҳеч ким уни излаб келмади, бу менинг болам, демади. Тиббий текширув унда нормадан ҳеч қандай жиддий оғишлар йўқлигини аниқлади. Унга кўзгуни кўрсатишганда, у ўзини танимади. Бир куни эса у кўзгудан кўриниб турган картошкани оламан, деб ҳаракат қилди. (Аслида эса бу картошкани унинг орқасида турган эди). Бирнеча марта бефойда уринишлардан кейин у қўлини орқага узатиб картошкани ушлади. Болани кун сайин кузатиб турган роҳиб шундай ёзади:

Бу ва бунга ўхшаш кўпгина тафсилотлар боланинг мутлақо ақлсиз ва фикр юритишга қобил эмаслигини кўрсатади. Шунга қарамасдан, биз табиий эҳтиёжлар ва иштаҳа билан боғлиқ бўлмаган барча ҳолларда ундан ҳайвонларга хос хулқни кутиш лозимлигини қайд этишга мажбурмиз. Унда сезгилар бўлса ҳам, улар фикрлашга олиб келмайди. У ҳатто ўз сезгиларини бир-бири билан қиёслаб олмайди. Унинг жони ёки ақли билан танаси ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ, деб ўйлаш мумкин¹.

Кейинроқ болани Парижга олиб келишди ва уни «ҳайвондан одамга айлантириш» учун мунтазам ҳаракат қилиб кўришди. Бунга фақат қисман эришилди. Уни энг оддий гигиена қоидаларига ўргатишди, у кийимда юришга ва ўзи кийинишга ўрганди. Лекин уни на ўйинчоқлар, на ўйинлар қизиқтирарди ва у бирнеча сўзни ўрганди холос. Унинг хулқ-атвори ва реакциялари батафсил баён қилинган маълумотларга қараганда у ақли ожиз

¹ *Shattuck Roger. The Forbidden Experiment: The Story of the Wild Boy of Aveyron. New York. 1980. P. 69; Lane Harlan. The Wild Boy of Aveyron. Cambridge, 1976.*

эмасди. У инсон нутқини ўрганишни хоҳламаётган ёки ўргана олмаётгандай кўринарди. Кейинги ҳаётида у кўп нарсага эриша олмади ва 1826 йили тахминан қирқ ёшда вафот этди.

Жени

«Авейронлик ёввойи» ўрмонда қанча вақт яшагани, унинг бирор хасталик билан оғригани ва шу туфайли нормал инсоний мавжудотга айлана олмагани тўғрисида бир нарса дейиш қийин. Ҳозирги пайтда «Авейронлик ёввойи» хулқ-атвори устидан олиб борилган кузатишларни тўлдирадиган замонавий мисоллар ҳам бор. Бу мисоллар ичида энг сўнггиси қулфланган хонада бир ярим ёшдан ўн уч ёшгача яшаган Калифорниялик қиз Женининг ҳаётидир.² Женининг отаси кўзи ожизлашиб бораётган хотинини кўчага умуман чиқармасди. Оиланинг ташқи дунё билан алоқаси мактабга қатнайдиган ва бозор-учар қилиб келадиган ўсмир-ўғил орқали амалга оширилар эди.

Женининг тиззаси чиқиб-кириб турар, унинг бу касаллиги туғма эди, шунинг учун у росмана юришга ўргана олмади. Отаси уни тез-тез урар эди. Қизча бир ёшга тўлганда, отаси уни ақлий ўсишда ортда қоляпти, деб ўйлади шекилли, уни алоҳида ажратилган хонага қамаб қўяди. Бу хонанинг эшиги одатда қулфланган, пардалар эса ёпиқ бўларди. Шу хонада Жени кейинги ўн бир йилни ўтказди. Оиланинг бошқа аъзоларини у фақат у-бу олиб келишгандагина кўрарди. Уни ҳожатхонага боришга ҳам ўргатишмади ва кўпинча у яланғоч ҳолда боғлаб қўйилар ва ёзилганда болалар тувагига ўтирарди. Тунда уни ечиб қўйишар ва дарров уйку қопига ётқизишарди. Бу жойда унинг қўл-оёқлари ҳаракати жуда чекланган эди. Шу қопда боғланган ҳолда уни симдан тўқилган болалар каравотига жойлашарди. Мана шундай шароитда у ўн бир йилни ўтказди. Одамлар нутқини Жени амалда эшитмасди. Агар у шовқин қилса ёки бошқа иш билан диққатни тортса, отаси уни урарди. У қизи билан ҳеч қачон сўзлашмасди, агар Жени унинг жаҳдини чиқарса, тушуниб бўлмайдиган сўзлар билан бақирарди. Уйинчоқ ёки машғул бўлиш мумкин бўлган бирорта ҳам нарса йўқ эди.

1970 йилда онаси Женини олиб уйдан қочиб кетди. Ижтимоий соҳа ходими қизнинг аҳволига эътибор берди ва уни госпиталнинг реабилитация бўлимига ётқизишди. Дастлаб у на тик туриб юра олар, на югура олар, на сакрай олар ва на эмаклай оларди, фақат бесўнақай, чўлоқланганга ўхшаш ҳаракат қила оларди. Психиатр қизга, жамиятдаги ҳаётга мослашмаган, одамга ўхшамаган ибтидоий мавжудот, деб ташхис қўйди. Бироқ реабилитация бўлимида Жени анча тез овқатланиш, ҳожатхонага бориш, бошқа болалар каби кийинишга ўрганиб олди. Бироқ у деярли ҳамма вақт жим юрар, фақат баъзан кулар эди, кулгуси эса чинқириққа ўхшаш ва ғалати эди. У

² *Cartis Susan. Genie, New York, 1977.*

деярли ҳамма вақт, ҳатто бошқаларнинг олдида ҳам мастурбация билан шуғулланар ва бу одатни ташлашни истамасди. Кейинроқ госпитал врачларидан бири уни ўзига қиз қилиб олди. Аста-секин у анча сўзларни ўрганди ва фикрларини содда ифода-далай бошлади. Шунга қарамай, унинг нутқи 3—4 ёшли боланикидай эди.

Женининг хулқ-атвори диққат билан ўрганиларди ва етти йил давомида у турли синовлардан ўтди. Натижалар унинг ақли ожиз эмаслиги ва туғма хасталиклари йўқлигини кўрсатди. Жени билан ҳам худди «Авейронлик ёввойи» билан бўлгани каби қуйидаги ҳол юз берган кўринади: улар одамлар билан мулоқотга кириша бошлаган ёш болалар тилни ва бошқа кўникмаларни осон ўрганадиган ёшдан анча катта эди. Тилни ва бошқа мураккаб кўникмаларни эгаллашда шундай бир «чегара давр» борга ўхшайдикки, ундан кейин буларни мукамал ўрганиб бўлмайди. «Ёввойи» ва Жени воқеаси ижтимоийлашмаган болалар қанақа бўлишини яққол кўрсатди. Ўзлари дучор бўлган қийинчилик ва синовлар, ўзларида инсонга хос бўлмаган реакцияларга қарамасдан, улардан ҳеч бири алоҳида агрессия намойиш қилмади. Улар ўзларига яхши муносабатда бўлган одамлар билан тез мулоқотга киришар эдилар ва оддий инсоний кўникмалардан минимал миқдорини эгаллаб олишди.

Натижада бундай ҳолатларни талқин қилишда албатта, эҳтиёж бўлиши керак. Эҳтимол, бу ҳолатларнинг ҳар бирида ташхис қўйишнинг иложи бўлмаган ақлий оғишлар ҳам бўлгандир. Бошқа томондан оғир ҳаётгий тажриба етказган руҳий шикаст болалар анча эрта ўрганадиган кўникмаларни эгаллашга халақит берган бўлиши мумкин. Шунга қарамай, шу икки ва шунга ўхшаш бошқа ҳодисалар ўртасидаги умумийлик агар биз илк ижтимоийлашувнинг узоқ даврини босиб ўтганимизда қобилиятларимиз қанчалик чекланган бўлиши мумкинлигини тахмин қилишга асос беради.

Келинг, бола тараққиётининг илк босқичларини бевосита кўриб чиқайлик. Бу бизга чақалоқнинг «тулақонли одамга» айланиш жараёнини атрофлича тасаввур қилишга ёрдам беради.

Чақалоқ ривожининг илк босқичлари

Сезги органларининг ривожланиши

Барча инсон чақалоқлари муайян турдаги ҳиссий ахборотни фарқлаш ва унга реакция қилишда туғма қобилиятга эга бўлади. Авваллари чақалоқ ҳиссиётнинг узлуксиз таъсирида бўлади ва у ахборотларни фарқлай олмайди, деб ҳисобланарди. Таниқли файласуф ва психолог Уильям Жеймс шундай ёзган эди: «Кичкинтойнинг кўзлари, қулоқлари, териси ва ичаклари бир пайтнинг ўзида дунёни ягона, лойқа ва бетартиблик сифа-

тида қабул қилади».³ Ҳозирги тадқиқотчиларнинг кўпчилиги Жеймсининг бу тавсифини унчалик аниқ эмас дейишади, чунки, ҳаётининг даслабки соатларидан бола атрофга танлаб реакция қилади.

Иккинчи ҳафтадан бошлаб рангли юзлар, (йўл-йўл шакллар, доира, одам юзини эслатувчи расмлар) чақалоқнинг диққатини бир хил рангга бўялган юзалардан кўпроқ ўзига тортади. Бир ойгача идрок қилиш қобилияти камроқ ривожланган бўлади ва ўттиз сантиметрдан узоқроқ масофада жойлашган предметларни у ноаниқ доғ сифатида қабул қилади. Шундан кейин эшитиш ва кўриш сезгилари тез ривожлана бошлайди. Тўрт ойлик бўлганда бола хона ичида ҳаракатланаётган одамни диққат марказида тутиб тура олади. Баданга тегишли сезиш ва иссиқликка интилиш ҳисси туғма бўлади.

Йиғи ва кулги

Атрофдаги нарсаларга бола сайлаб реакция қилгани учун, катталар унинг ҳозир нимани истаётганини ҳисобга олиб ҳаракат қиладилар. Йиғи боланинг қорни очгани ёки бошқа ўнғайсизликни сезаётгани тўғрисида катталарга ахборот беради, кулги ёки шунга ўхшаш юз ифодаси мамнунликни ифодалайди. Мана шундай тафовутнинг ўзи боланинг реакциялари ижтимоий характерга эга эканини билдиради. Бу ўринда анча чуқур маданий асослар ҳаракатга келади. Шу нуқтаи назардан йиғи қизиқ мисол бўла олади. Фарб маданиятида бола куннинг кўп қисмида онасидан ажралган ҳолда, кароватчада, аравачада ёки ўйин хонасида бўлади. Йиғи эса унинг эътиборга эҳтиёж сезаётганини билдиради. Кўпчилик бошқа маданиятларда эса кўп ойлар давомида бола онасининг орқасига боғланган ҳолда она танасига бевосита тегиб турган бўлади. Бундай ҳолда она боланинг фақат кучли йиғисига эътибор беради, чунки бундай йиғи бирор жиддийроқ ҳодиса тўғрисида ахборот беради. Агар бола типирчилай бошласа, ёки бурала бошласа, она, масалан, унинг қорнини тўйғазини кераклигини тушунади. Кулгини талқин қилишда ҳам маданий тафовутлар сезилиб туради. Муайян шароитда бир ойлик ҳар қандай чақалоқ кулади. Чақалоққа кўз ўрнига икки қора нуқта қўйилган одамнинг юзига ўхшаш тасвирни кўрсатса ҳам, кулади. У одамнинг юзини кўрганда ҳам кулади. Афтидан, кулги туғма реакция бўлиб у ўргатишнинг натижаси эмас ва бунда у бошқа кулаётган одамни кўриши шарт эмас. Кўзи ожиз бўлиб туғилган болаларнинг ҳам, улар бошқалар кулгисидан нусха олиш имконига эга бўлмаса ҳам, худди шу ёшда кула бошлагани юқоридаги фикрни тасдиқлайди.

Бироқ кулгининг ўринли ёки ўринсиз экани, турли маданиятларда турлича бўлгани учун, шу ҳол боланинг кулгисига

³ James William. Principles of Psychology. New York, 1890.

катталарнинг дастлабки реакциялар характерини белгилайди. Бола кулишга ўрганиши шарт эмас, лекин у қаерда кулиш ўринли эканини билиб олиши керак. Масалан, хитойликлар европаликларга нисбатан «омма олдида», ёт одам билан учрашганда жуда кам куладилар.

Чақалоқлар ва оналар

Уч ойлик чақалоқ онасини бошқалардан ажрата олади. Бола уни шахс сифатида идрок қилмайди, у онаси билан боғлиқ баъзи белгиларга реакция қилади: кўз, овоз, уни тутиш усули ва бошқалар. Боланинг реакцияси онани таниганидан далолат беради. У бошқалар эмас, фақат онаси қўлга олганда йиғидан тўхтайдди, бошқаларга эмас, унга қараб кўпроқ кулади, у хонада пайдо бўлса, қўлини узатиб унга талпинади ёки чапак чалади, мабодо эмаклай олса, онасига қараб ҳаракат қилади.

У ёки бу реакциянинг кам ёки кўп учраши ҳам маданий тафовутлар билан изоҳланади. Уганда маданиятини ўрганар экан, Эйнсворт она ва бола мулоқотида кучоқлашиш ва ўпишиш жуда кам учраши, лекин бир-бирини уриб-уриб қўйишлари фарбадагига қараганда кўпроқ учрашини аниқлади⁴.

Онага нисбатан меҳр туйғуси етти ойда барқарор бўла бошлайди. Бу давргача болани онадан ажратиш ҳеч қандай норозилик келтириб чиқармайди ва бошқа ҳар қандай одам ҳам шундай қувонч билан қабул қилиниши мумкин. Худди шу даврда бола ҳар кимга қараб эмас, фақат сайлаб кулади. Шу даврда бола онасини бутун мавжудот сифатида идрок қила бошлайди. Бола хонада онаси йўқ бўлса ҳам унинг мавжудлигини билади ва хотирада она тимсолини сақлай олади. Унда вақт туйғуси пайдо бўлади ва у онани эслаб қолади, қайтиб келишини билади. Саккиз-тўққиз ойлик болалар беркитилган предметларни ахтара бошлайдилар, чунки улар предметлар кўз ўнгида йўқ бўлса ҳам мавжуд эканини тушуна бошлайдилар.

Бола ривожининг мана шу босқичини Сальма Фрейберг ота-оналар учун ёзган китобида жуда яхши тасвирайди.

Сизнинг бурнингиз устидаги кўзойнагингизни тортиб оладиган олти-етти ойлик чақалоғингиз борми? Агар бор бўлса, менинг маслаҳатларим сизга асқотлади. Бола кўзойнакка қўл чўзганда уни олиб чўнтагингизга ёки ёстиқ тагига қўйилг (уни қаерга қўйганингизни ўзингиз эслаб қолсангиз бўлгани). Бу ишни боладан яширин бажарманг, у ҳаммасини кўрсин. У кўзойнакни изламайди, балки уни аввал кўрган жойга, яъни бурнингиз устига тикилиб қолади, кейин эса бу муаммога қизиқмай қўяди. Бола кўзойнакни изламаганига сабаб шуки, кўринмаётган пайтда ҳам у мавжудлигини тасаввур қила олмайди.

Бола тўққиз ойлик бўлганида, эски ҳийлани ишлатаман, деб ўйламанг. Агар у сиз кўзойнакни олиб болиш тагига қўйганингизни кўрса, у болишни силжитиб, излаган нарсани қўлга олади. Энди у предмет кўздан яширинган бўлса ҳам мавжуд бўлишини билади. Бола кўзойнакнинг бурнингиз устидан

⁴ Ainsworth M. D. S. *Infancy in Uganda*. Baltimore, 1977.

болиш устигача ҳаракатини кузатиб туради ва у ердан топиб олади. Бу билишда жуда улкан одим бўлиб, ота-оналар сезмай қолишлари қийин, чунки энди кўзойнак, сиргалар, трубкалар, шарикли ручкалар ва калитлар уларни қўлларида тортиб олинибгина қолмай, қўйилган жойидан йўқ бўлиб қола бошлайдилар. Бу даврда ота-оналарни биз ҳозир фикр юритаётган назарий масалалар деярли қизиқтирмайди. Бироқ назария ҳар доим баъзи амалий натижаларни бериши мумкин. Бизнинг сирли онгимизда ҳали баъзи нарсалар сақланиб қолган. Сиз қуйидагини қилиб кўринг: кўзойнакни болиш остига яширинг. Майли, у топиб олсин. Кейин кўзойнакни қайтариб беришга уни кўндириг, кейин унга билдирмасдан бошқа болиш остига яширинг. У буни кутмаган бўлади. У кўзойнакни биринчи болиш остидан қидиради. Гап шундаки, бола кўздан қочган кўзойнак биринчи беркитилган жой — биринчи болиш остида деб тасаввур қилаверади. Бола у ердан кўзойнакни топа олмагач, излашни давом эттираверади ва унинг ақлига кўзойнакни бошқа ердан излаш кераклиги ҳақидаги фикр келмайди. Демак, нарсалар ҳавода буғланиб йўқ бўлиб кетиши мумкин экан. Бир неча ҳафтадан кейин у излаш доирасини кенгайтиради ва кашфиётга яқинлашади, нарсалар бир жойдан бошқа жойга ўтиб қолиши ва бу жараён давомида мавжуд бўлавериши мумкин экан⁵.

Чақалоқ ҳаётининг дастлабки ойлари она учун ҳам билиш даври. Оналар (ёки болага қараб турган кишилар — оталар, каттароқ фарзандлар) боланинг атворидан берилаётган ахборотни англаш ва унга тегишли тарзда жавоб қилишга ўрганиб борадилар. Баъзи оналар бундай сигналларга бошқаларга нисбатан жуда сезгир бўладилар; бундан ташқари турли маданиятларда муайян сигналлар биринчи навбатда қабул қилинади, уларга реакция ҳам турлича бўлади. Сигналларни тушуниш она билан бола ўртасида шаклланаётган муносабатларга фавқулодда кучли таъсир ўтказиши мумкин. Бир она масалан, боланинг нотинчлигини чарчоққа йўйиб, уни тўшакка ётқизиши мумкин. Бошқаси эса айнан шу сигнални боланинг зерикканидан, деб, уни ўйнатиш лозим, деган фикрга келади. Кўпинча оналар ўзларининг туйғуларини болаларга проекция қиладилар. Масалан, баъзи оналар бола билан яқин ва барқарор алоқа ўрната олмагач, болам менга агрессив кайфиятда ва мен билан ўйнамоқни хоҳламайпти, деб ўйлайди.

Муайян одамларга меҳр уйғониши ижтимоийлашувнинг муҳим босқичини ташкил қилади. Она билан бола ўртасида бирламчи муносабатлар кучли туйғуларни уйғотади ва шу асосда ижтимоий ривожланишнинг мураккаб жараёнлари бошланади.

Ижтимоий реакцияларнинг шаклланиши

Биринчи йилнинг охирига келиб бола, она ва бошқа ва-сийлар ўртасидаги муносабатлар ўзгара бошлайди. Бола энди фақат гапиришни эмас, тик туришни ҳам билади, кўпчилик болалар ўн тўрт ойда мустақил юра бошлайди. Икки-уч ёшда болалар оила аъзоларининг ўзаро муносабатларини, уларнинг ҳис-туйғуларини тушуна бошлайди. Бола бошқаларни тинчлан-

⁵ *Fraiberg Selma. The Magic Years: Understanding and Handling the Problems of Early Childhood. New York. 1959.*

тириш ёки уларнинг гашига тегишни ўргана бошлайди. Икки ёшли бола ота-оналардан бири иккинчисига жаҳл қилса хафа бўлиши ёки, кайфияти бузилган отаси ёки онасини кучоқлаши мумкин. Мана шу ёшда бола онгли тарзда акаси, опаси ёки ота-онасининг гашига тегиши ҳам мумкин.

Бир ёшдан бошлаб бола ҳаётининг кўп вақтини ўйинларга сарфлайди. Дастлабки пайтларда ёлғиз ўзи ўйнайди, кейинчаликроқ у кимнингдир ўйинга шерик бўлишини талаб қила бошлайди. Ўйин жараёнида бола ҳаракатларни мувофиқлаштиришни ва катталар оламини ўргана боради. Бола янги кўникмаларни эгаллаш билан бирга катталарга тақлид қила бошлайди.

Ўзининг дастлабки тадқиқотларидан бирида Милдред Партен ўйин ривожининг баъзи категориялари тавсифини бердики, ҳозир у ҳамма томонидан эътироф этилади.⁶ Кичкина болалар аввал *муस्ताқил ўйин билан ёлғиз* шуғулланади. Ҳатто болалар орасида ҳам бошқалар нима билан машғул эканига эътибор ҳам бермай, ёлғиз ўзлари ўйин билан машғул бўлади. Кейинчалик параллел ҳаракатлар бошланади, энди болалар бошқаларнинг фаолиятига аралашмай, улардан нусха кўчира бошлайдилар. Кейинчалик, тахминан уч ёшдан бошлаб болалар кўпроқ ассоциатив ўйинга қўшила бошлайдилар ва ўз ҳаракатларини бошқаларники билан мослаштира бошлайдилар. Ҳар бир бола ҳалиям ўзи хоҳлагандек ҳаракат қилаверади, лекин бошқаларнинг ҳаракатларига эътибор бера бошлайди. Кейинроқ, тўрт ёшда болалар кооператив ўйинларни ўзлаштира бошлайдилар, бу ўйинларда ҳар бир бола бошқалар билан ҳамкорлик қилиши керак (масалан, «ота ва она» ўйинидаги каби).

Бир ёшдан тўрт-беш ёшгача бола интизомга ва ўзини бошқаришга ўрганади. Бу эса, биринчи навбатда ўзининг табиий эҳтиёжларини назорат қилишни тақозо этади. Болалар ҳожатхонага боришни (бу мураккаб ва узоқ давом этадиган жараён), маданий овқатланишни ўрганадилар. Улар шунингдек, турли хатти-ҳаракатларни, жумладан, катталар билан муомалани ўзлари «муस्ताқил бажаришга» ўрганадилар.

Беш ёшга кирганда бола нисбатан «автоном мавжудот»га айланади. Энди у ожиз чақалоқ эмас, у кундалик маиший ишларни бошқаларнинг кўмагисиз бажара олади ва у ташқи дунёга чиқиш учун тайёр бўлади. Шаклланаётган индивид энди ота-она ёрдамисиз узоқ соатларни ўтказиши мумкин.

Меҳрибонлик ва йўқотишлар

Ота-она ёки бошқа васийларнинг бир неча йиллик ғамхўрлиги ва ҳимоясиз бирорга ҳам бола бу босқичдан муваффақиятли ўта олмайди. Айтиб ўтилганидай, бола ҳаётининг дастлабки йилларида унинг онаси билан муносабатлари жуда му-

⁶ *Parten Meldred. Social play among preschool children // Journal of Abnormal and Social Psychology, 27. 1932.*

ҳим аҳамиятга эга. Тадқиқотлар кўрсатишича, агар шу муносабатлар бирор сабаб туфайли бузилса, бу жиддий оқибатларга олиб келади. Ўттиз йилча муқаддам психолог Жон Боулби ўтказган тадқиқотлар, она меҳрини кўрмаган ва у билан яқин муносабат тажрибасига эга бўлмаган чақалоқ кейинги тараққиётида жиддий оғишларга дуч келишини кўрсатди. Масалан, Боулби айтишича, чақалоқ туғилгандан кейин онаси вафот этса безовталана бошлар экан ва бу безовталиқ унинг характерида чуқур из қолдирар экан. Мана шундай қилиб материал депривация назарияси пайдо бўлди. У болалар хулқини ўрганиш бўйича бир қатор тадқиқотлар бошланишига туртки берди. Боулбининг таҳминларини бир қатор олий приматларда ўтказилган тажрибалар ҳам тасдиқлади.

Иҳоталанган маймунлар

Боулби олға сурган ғояларни ривожлантириш мақсадида Гарри Харлоу макака-резусларнинг чақалоқларини онасидан ажратиб ўзининг машҳур тажрибаларини ўтказди. Кичкина маймунчаларнинг барча физиологик эҳтиёжлари тўла қондириб турилди. Натижалар ҳайрон қоларли бўлди: иҳоталаб ўстирилган маймунлар хулқ-атворида жуда кўп оғишлар намоён бўлди. Меъёрдаги катта маймунлар орасига тушгач, улар душманлик муносабатлари ёки кўрқинч намоёиш этдилар ва бошқалар билан мулоқотга киришишни истамадилар. Кўп вақтни улар қафаснинг бир бурчагида ўтириб ёки ғужанак бўлиб ўтказардилар, бу пизофренияси хуруж қилган одамлар ҳолатига ўхшаб кетарди. Улар бошқа маймунлар билан жуфтлашишга ҳам ноқобил эдилар, кўп ҳолларда уларни бунга ўргатиб ҳам бўлмади. Сунъий усул билан ҳомиладор қилинган маймунлар эса, болаларига жуда кам эътибор бердилар, ёки мутлақо эътибор бермадилар.

Бундай ўзгаришлар ҳақиқатан ҳам онасидан ажратилганлик натижасими-йўқми, аниқлаш учун Харлоу бир нечта шундай кичик маймунчаларни ўз тенгдошлари билан тарбиялади. Уларнинг кейинги ҳаракатларида ҳеч қандай оғиш аломатлари сезилмади. Харлоу, нормал ривожланиш учун маймун онаси ёки бошқа маймун ё маймунларга меҳрибонлигини кўрсатиш имконига эга бўлиши керак, деган хулосага келди⁷.

Бола депривацияси

Маймунлар билан юз берган ҳодиса инсон болалари билан ҳам юз беради, дейиш қийин (Харлоунинг ўзи олинган натижаларни инсон болаларига ҳам тадбиқ қилса бўлади, деб ҳисобламаган эди). Шунга қарамай, болалар хулқ-атворини ўрганиш

⁷ Harlow Harry F. and R. R. Zimmerman. Affectional responses in the infant monkey // Science, 130. 1959: Harlow Harry F. and Margaret K. Harlow. Social deprivation in monkeys // Scientific American. 1962: Novak M. A. Social recovery of monkeys isolated for the first year of life: II. Long-term nt // Developmental Psechology, 2. 1979.

Харлоу кузатишларининг натижаларига солиштириш мумкинлиги ҳақида гувоҳлик бермоқда, бироқ болалар депривациясининг узоқ оқибатларини кузатиш қийин (чунки бу борада эксперимент ўтказиш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас). Чақалоқларни ўрганиш бола учун илк барқарор меҳрибонликнинг муҳимлигини кўрсатмоқда. Лекин у айнан онаси билан бўлиши шарт эмас, шунинг учун «оналар депривацияси» атамаси унчалик тўғри эмас. Муҳими — чақалоқликда ва илк болалик чоғида ҳеч бўлмаса бир киши билан барқарор, ҳиссий яқин муносабатлар ўрнатиш. Бундай муносабатлар йўқлиги қандай салбий натижаларга олиб келиши анча яхши тавсифланган. Масалан, тадқиқотлар кўрсатишича, шифохонага ётқизиладиган болаларнинг олти ойликдан тўрт ёшгача бўлганлари эмоционал жиҳатдан бошқалардан кўпроқ қийналган экан. Ундан каттароқ болалар бунчалик қаттиқ ва бунча узоқ қийналмас экан. Болаларнинг бу реакцияси фақат улар ёт муҳитга тушиб қолгани учун эмас, чунки уларнинг оналари ёки яқин одамлари шифохонада даволанганда бунақа оқибатлар кузатилмаган эди.

Депривациянинг узоқ муддатли оқибатлари

Депривациянинг кейинги оқибатлари тўғрисида аниқ бир нарса дейиш қийин, лекин илк болаликда барқарор меҳрнинг бўлмагани хулқ-атворда из қолдириш эҳтимолини кўпроқ туғдиради. «Авейронлик ёввойи» ва Жени билан бўлган каби воқеалар ҳаётда жуда кам учрайди. Шунинг учун ҳам Харлоу ўтказган тажрибалардаги каби ўзгариш ва оғишлар тўғрисида аниқ бир нарса дейиш қийин. Шунга қарамай, чақалоқликда барқарор меҳрга қонмаган болалар тилни эгаллаш ва интеллектуал ривожланишда орқада қолиши, каттароқ бўлганда эса бошқалар билан яқин ва узоқ муддатли эмоционал алоқалар ўрнатиши қийинлашиб қолар экан. Олти-саккиз ёшдан кейин бундай камчиликларни тузатиш анча қийинлашади.

Боланинг ижтимоийлашуви

Боулбининг «чақалоқлик ва илк болаликда жисмоний саломатлик учун витаминлар ва оқсиллар қанчалик муҳим бўлса, ақлий саломатлик учун она меҳри шунчалик зарур»,⁸ деган хулосасини қисман қайта кўриб чиқишга тўғри келди, ҳал қилувчи ролни она билан мулоқот, ёки меҳрнинг йўқлиги ўйнамас экан. Энг муҳими — ҳар қандай меҳрибон одам билан мулоқот натижасида вужудга келадиган хавфсизлик туйғуси экан. Шундай қилиб, биз инсоннинг ижтимоий ривожига илк болаликдаги бошқа одамлар билан узоқ муддатли алоқалар ҳал қилувчи таъсир ўтказди, деб хулоса чиқаришимиз мумкин. Гарчи ижтимоийлашув турли маданиятларда турлича вужудга келса ҳам,

⁸ Bowlby John. Maternal Care and Mental Health. Geneva, 1951. P. 62.

кўпчилик одамларнинг турли хил маданиятларда ижтимоийлашувида асосий жиҳатлар шундан иборат.

Болалар ривожининг ҳақидаги асосий назариялар

Боулби тадқиқотида бола ривожининг фақат баъзи жиҳатларига, хусусан, боланинг у ҳақда ғамхўрлик қилаётганлар билан ҳиссий алоқаларининг муҳимлигига урғу берилади. Бола шаклланишининг бошқа жиҳатлари, айниқса, бола ўзини шахс сифатида идрок қилишининг шаклланиши, индивид бошқалардан алоҳида моҳият экани ҳақидаги билимнинг шаклланишини қандай тушуниш лозим, деган савол туғилиши табиий. Ҳаётининг дастлабки ойларида чақалоқ атрофидаги одамларни фарқлай олмайди ва ўзини англамайди. Тахминан икки ёшгача, баъзан эса ундан кечроқ ҳам бола «мен» («I»), «менга» («Me») ва «сен» тушунчаларини ишлатмайдилар. Кейинчалик улар аста-секин бошқалар ўзига хос белгиларга, уларники билан бир хил бўлмаган онг ва эҳтиёжларга эга эканини тушуна борадилар.

Ўз-ўзини англашнинг келиб чиқиш масаласи фавқулодда мунозарали бўлиб, у бир-бирига мутлақо зид бўлган назарий истиқболлар нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Бу ҳол муайян даражада бола ривожининг ҳақидаги турли назарияларда ижтимоийлашувнинг турли жиҳатлари таъкидланиши билан изоҳланади. Буюк психолог ва психоанализ асосчиси Зигмунд Фрейд бола ривожининг эмоционал жиҳатларини, биринчи навбатда, бола ўз истакларини қандай назорат қилишини ўрганди. Америкалик файласуф ва социолог Жорж Герберт Мид асосий эътиборни болалар «мен» ва «менга» тушунчаларидан фойдаланишни қандай ўрганишларига қаратди. Болалар хулқ-атворининг тадқиқотчиси швейцариялик Жан Пиаже болалар ривожининг турли жиҳатларини ўрганди, лекин унинг энг машҳур асарлари когнитив ривожланиш, яъни бола ўзи ва ўз атрофидагилар тўғрисида ўйлашга қандай ўрганиши тўғрисида эди.

Фрейд ва психоанализ

1856—1939 йиллар орасида яшаган веналик врач Зигмунд Фрейд психологиянинг ривожига жуда кучли таъсир ўтказди. У ХХ асрнинг энг йирик мутафаккирларидан бири эди. Унинг ғоялари санъат, адабиёт, фалсафа, ижтимоий ва гуманитар фанларнинг ривожига ҳам таъсир ўтказди. У инсон хулқ-атворининг академик тадқиқотчисигина бўлиб қолмай, неврозларни даволаш амалиёти билан ҳам шуғулланар эди. Психоанализ деб аталадиган у кашф этган терапия усулининг моҳияти беморнинг ўз ҳаёти, айниқса, энг илк даврлар ҳақида эркин сўзлаб беришида. Фрейд, бизнинг хулқ-атворимизни онгсизлик бошқариши, катта одам хулқ-атвори кўп жиҳатдан унинг болалигида пайдо бўлган истаклар таъсирида шаклланади, деган хулосага келади. Илк болалиқдаги тажрибанинг кўп қисми онгли

хотирамиздан ўчиб кетади, лекин у инсоннинг ўзини-ўзи англаши учун таянч бўлиб хизмат қилади.

Шахс ривожланиши

Фрейдга кўра, бола — эҳтиёжларга эга бўлган мавжудот бўлиб, ожизлиги туфайли ўз ғайратини бошқара олмайди. Бола ўзининг эҳтиёж ва хоҳишлари дарҳол қондирилиши мумкин эмаслигини англаб олиши керак — бу эса оғриқли жараён. Фрейдга кўра, чақалоқ овқат ва ичимликка бўлган эҳтиёждан ташқари, эротик қондириш эҳтиёжига ҳам эга. Бу ўринда Фрейд ўсмирлар ёки катталар ҳис қиладиган жинсий истакни назарда тутмайди. «Эротик» сўзи мазкур контекстда баданнинг бошқалар билан ёқимли контактини билдиради. Бу гоё Харлоу тажрибаси ва хулосаларидан узоқ. Чақалоқлар ҳақиқатан ҳам бошқалар билан яқин контакт, жумладан, кучоқлаш ва эркалатишга эҳтиёж сезадилар.

Фрейд тавсифлашича, одамнинг психологик тараққиёти кучли зўриқишлар билан кечади. Бола ўзининг интилишларини тийиб туришга ҳаракат қилади, бироқ унинг онги остида улар кучли мотив сифатида мавжуд бўлади. Боланинг илк ривожланиши бир неча типик босқичлардан ўтади. У тўрт-беш ёшга, болалар катталарнинг ва ота-оналарнинг доимий иштирокисиз ҳам кенгроқ ижтимоий оламга чиқа бошлайдиган даврга алоҳида эътибор қаратади. Бу даврни Фрейд эдип босқичи, деб атади. Унинг фикрича, болаларда ота-оналарга нисбатан шакланган меҳр сўзсиз, юқорида кўрсатилган маънода эротик характерга эга. Агар шу меҳрнинг янада ривожланишига имкон берилса, бола жисмоний етилиши баробарида ота-оналардан ўзига қарама-қарши жинсдагисига нисбатан сексуал истак сеза бошлайди. Лекин бу ҳол юз бермайди, чунки, болалар ўзларининг эротик хоҳишларини тийиб туришга ўрганган бўлади.

Ўғил болалар ҳадеб оналарининг қўйлаклари этагидан тутиб юравериш мумкинлигини тезда англаб оладилар. Фрейд фикрига кўра, ўғил болада отасига нисбатан антагонизм ҳисси бўлади, чунки, отаси онасига нисбатан сексуал ҳуқуқларга эга. Мана шу ҳол комплекснинг асосини ташкил этади. Бола онасига нисбатан ўзидаги эротик ҳисни ва отасига нисбатан антагонизмни тийиб олгандан кейин эдип комплекси бартараф этилади. Бу эса бола мустақил ривожланишидаги катта қадамлардан бири бўлади, ўзининг илк даврда ота-онага боғлиқлиги, жумладан, онасига боғлиқлигидан халос бўлади. Фрейднинг қизлар ривожига ҳақидаги тасаввурлари камроқ тадқиқ қилинган. Бу масалада у, ўғил боладагилардагига нисбатан тескари жараён юз беради, деб ҳисоблайди. Қиз бола отасига нисбатан ўзида мавжуд эротик ҳисларни ва онгсиз равишда онани қабул қилмасликни, худди онаси каби «аёл» бўлиш учун тия бошлайди. Фрейд нуқтаи назаридан «эдип комплекси»ни тийиш жараёни қай тарзда кечиши кейинчалик одамлар билан муносабатлар,

айниқса, сексуал муносабатлар қандай бўлишига катта таъсир ўтказди.

Баҳо*

Фрейднинг қарашлари кенг кўламда танқид қилинди ва реакция кўпинча фавқулодда душманона бўлди. Баъзилар боланинг эротик туйғуларни бошдан кечиришини инкор қилишди. Чақалоқлик ва илк болалик даврида ўз истакларини бошқаришнинг онгсиз илпульсларини шакллантирувчи жараёнларнинг бутун умр сақланиб қолиши тўғрисидаги тезис ҳам рад этилди. Феминист аёллар Фрейдни эркаклар тажрибасига меъёрдан ортиқ йўналтирилганлик ва аёллар руҳиятига кам эътибор берганликда айбладилар. Шунга қарамасдан, Фрейд қарашлари қудратли таъсир ўтказишда давом этмоқда. Биз уларни тўлалигича қабул қилмасак ҳам, улардан баъзилари тўла асосга эга эканини эътироф этишимиз керак. Инсон хулқ-атворининг, истакларни бошқаришнинг чақалоқликда шаклланадиган усулларига таянадиган онгсиз жиҳатлари мавжудлигини деярли тўла ишонч билан айтиш мумкин.

Ж. Г. Мид назарияси

Ж.Г.Мид (1863—1931) ижодининг асослари ва интеллектуал ўсиши кўп жиҳатлари бўйича Фрейдникдан фарқланади. Мид файласуф бўлиб, умрининг кўп қисмини Чикаго университетиде ўқитувчилик қилиб ўтказди. У нисбатан оз илмий ишлар қилди. Ҳатто унга шуҳрат келтирган — «*Тафаккур, шахс ва жамият*» (1934) китоби ҳам унинг шогирдлари томонидан маъруза конспектлари ва бошқа баъзи манбалар асосида нашр қилинган эди. Мид томонидан шакллантирилган тимсолий интеракционизм ғоялари социологияга катта таъсир ўтказди (тимсолий интеракционизм ҳақида кейинги муҳокама бўйича 22-бобга — «Социологик назариялар ривожини» сарлавҳасига қаранг). Мид назариясида бола ривожидеги асосий босқичларнинг талқини берилган ва асосий эътиборни унинг ўз «мен»и туйғуси шаклланишига қаратган.

Мид инсон тарангликларга камроқ берилишини назарда тутса ҳам, унинг Фрейд билан қарашлари ўртасида бир нечта қизиқ ўхшашликлар мавжуд. Мид фикрига кўра, болалар, биринчи навбатда, атрофдагиларнинг ҳаракатига тақлид қилиб ижтимоий мавжудот сифатида ривожланадилар. Тақлид шаклларида бири ўйин ҳисобланади. Ўйинларда кўпинча болалар катталарга тақлид қиладилар. Кичкина бола катталарни кузатиб, лойдан пирог ясайди, боғбонга тақлид қилиб белкурак билан ер чопишга ҳаракат қилади. Болалар ўйини оддий тақлиддан тўрт-беш ёшли бола катталарга ўхшаб бажарадиган му-

* Бу ва кейинги шундай сарлавҳали уринларда муаллиф ўз позициясини назарда тутди.

раккаб ҳаракатларгача тадрижий йўлни босиб ўтади. Буни Мид бошқалар ролини қабул қилиш, яъни бошқаларга ўхшашга ўрганиш, деб атади. Худди мана шу босқичда болаларда ўз шахси тўғрисида ривожланган туйғу пайдо бўлади. Улар ўзларини алоҳида субъект, «Ме» сифатида, бошқалар кўзи билан кўриб англай бошлайдилар.

Мид фикрига кўра, ўзимизни англашимиз «Ме»ни «I»⁹дан ажрата бошлаганимизда шаклланади «I» — бу ҳали ижтимоийлашмаган бола, у фақат истак ва майллардан иборат холос. Мид тушунишича, «Ме» — ижтимоийлашган шахс. Индивид, ўзини бошқалар қандай кўрса, шундай кўра бошлаган вақтдан бошлаб унинг ўз-ўзини англашнинг ривожлантира бошлайди. Фрейд ҳам, Мид ҳам бола бола оиланинг бевосита контекстидан четда мустақил ҳаракат қила оладиган мавжудотга тахминан беш ёшлардан айлана бошлайди, дейишади. Фрейд назарида бу — «Эдип комплекси»нинг дебочаси, Мид назарида эса ривожланган ўзини англаш қобилиятининг намоён бўлишидир.

Бола ривожининг кейинги босқичи, Мид фикрича, тахминан саккиз-тўққиз ёшдан бошланади. Мана шу ёшда болалар тартибсиз «эрмак»лардан кўра ташкил этилган ўйинларда қатнашишни афзал кўрадилар. Мана шу даврдагина улар ижтимоий ҳаётда амал қилинадиган қадриятлар ва ахлоқни ўзлаштира бошлайдилар. Ташкилий ўйинларни ўрганиш учун, ўйин қоидаларини, адолат ғояси ва тенг иштирок қоидаларини тушуниш керак. Мана шу босқичда бола, Мид, умумлаштирилган ўзга, деб атаган, боланинг ривожланиши кечаётган маданиятда қабул қилинган умумий қадриятлар ва установкаларни англашга ўрганади. Ахлоқни англашнинг Мид Фрейдга қараганда кечроқ даврга мансуб, дейди, лекин уларнинг шу масаладаги қарашларида очиқ ўхшашликлар мавжуд.

Мид қарашлари Фрейдникига қараганда камроқ зиддиятли. Унда кишини ҳайратга соладиган ғоялар унча кўп эмас, улар шахснинг онгсиз асоси ҳақидаги назарияга боғлиқ эмас. Ўзини англаш ҳақидаги Мид назарияси ижтимоийлашув жараёнини тушунишга катта таъсир ўтказди. Бироқ унинг қарашлари яхлит ҳолда нашр этилмаган бўлиб, улар бола ривожининг умумий талқини сифатида эмас, қизиқ фаразлар сифатида кўпроқ фойдалидир.

Пиаже: когнитив тараққиёт

Жан Пиаже асарларининг таъсири Фрейдникидан бироз камроқ эди. 1896 йилда Швейцарияда туғилган Пиаже ҳаёти-

⁹ «I» ва «Ме» — индивиднинг ижтимоий МЕНИ тизимидаги кичик тизимлар. «Ме» маскур индивидга хос булган «бошқалар» установкаларининг, яъни гуруҳ фаолияти интерналлашган тузилмасининг йиғиндиси. «I», аксинча индивиднинг ижтимоий тимсолларга узига хос реакциясини акс эттириб, олдиндан айтиб булмайдиган, уз-уздан келиб чиқадиган хулқнинг мустақил характерини билдиради (Ионин Л. Г. Современная Западная социология китобидан олинган иқтибос. М., — 1990 С. 187.).

нинг катта қисмида Женевадаги болалар тараққиёти институтига раҳбарлик қилди. У фақат болалар ривожини эмас, таълим, тарих, фалсафа ва мантиқ бўйича кўп китоб ва илмий тадқиқотлар яратди ва фаолиятини 1980 йилда вафот этгунга қадар давом эттирди.

Фрейд чақалоқлик ва болаликка жуда катта аҳамият беришига қарамай, ўзи ҳеч қачон болаларни бевосита ўрганмаган. Унинг назарияси психотерапевтик амалиётда катталарни кузатиш асосида майдонга келган. Мид ҳам болаларни ҳеч ўрганмаган ва ўз гоёларини фалсафий таҳлил асосида ривожлантирди. Уларга қарама-қарши Пиаже бутун умри давомида чақалоқлар, болалар ва ўсмирлар ҳаётини бевосита кузатди. Унинг асарлари кўп ишларни таҳлил қилиш асосида эмас, индивидларни батафсил кузатиш асосига қурилган. Шунга қарамай, у ўзининг кашфиётларини барча маданиятлардаги болаларни ўрганишга тадбиқ қилиш мумкинлигини баён қилган эди.

Когнитив тараққиёт босқичлари

Боладаги дунёнинг маъносини фаол излаш қобилиятини Пиаже алоҳида таъкидлаган эди. Болалар ахборотни, ўзлари эшитаётган, сезаётган нарсаларини фаол саралаб талқин қилдилар. Болаларни кузатар экан, ўзининг назарияси асосида ўтказган қўплаб тажрибалар асосида Пиаже одам когнитив тараққиёт, яъни, ўзи ва атрофдагилар ҳақида ўйлашнинг бир неча босқичини босиб ўтиши ҳақидаги хулосага келди. Ҳар бир босқичда янги малакалар ўзлаштирилади, улар эса, ўз навбатида, олдинги босқичнинг муваффақиятли яқунланишига боғлиқ бўлади.

Биринчи — сенсомотор босқич, туғилишдан икки ёшгача давом этади. Тахминан тўрт ойгача чақалоқ ўзини атрофдагилардан ажрата олмайди. Масалан, у кароватчасининг деворлари ўзи силкиётгани учун силкинаётганини тушунмайди. У предметлар ва одамларни ҳам ажрата олмайди, ўзи кўраётган макондан ташқарида ҳам нарсалар борлигини у мутлақо билмайди. Биз юқорида кўриб чиққан тадқиқотлар гувоҳлик беришича, болалар аста-секин предметлар ва одамларни бир-биридан фарқлай бошлайдилар, ўзлари томонидан идрок қилиш ёки қилинмаслигидан қатъий назар, улар мавжуд бўлаверишини тушуна бошлайдилар. Пиаже бу босқични сенсомотор босқич, деб атади, чунки, бу даврда болалар предметларни ушлаб кўриб, улар билан манипуляция қилиб, атрофни жисмонан тегиб кўриб ўрганадилар. Бу босқичдаги асосий ютуқ шундаки, бола атрофдаги предметлар бир-биридан фарқ қилишини тушуна бошлайди.

Кейинги, операционалликкача, деб аталган босқич Пиаже энг кўп тадқиқотларини бағишлаган босқичдир. Бу босқич икки ёшдан етти ёшгача давом этади ва унда болалар тилни ўрганадилар, сўз ёрдамида объект ва образларни тимсолий тарзда тасаввур қила бошлайдилар. Масалан, тўрт ёшли бола қулочи-

ни ёзиб «самолёт» ғоясини ифодалаш мумкин. Бу даврни Пиаже операционалликкача бўлган давр, деб атайди, чунки болалар ўзларининг ривожланиб келаётган қобилиятларини мунтазам тарзда қўллаш қобилиятига ҳали эга эмас. Бу даврда улар эгоцентрик бўладилар. Пиаже бу тушунчани эгоизмга йўналтириб эмас, боланинг барча нарсаларнинг ўз мавқеи атамалари ёрдамида талқин қилишга интилишларини назарда тутиб қўллайди. Бола ўзи кўраётган предметларни ўзгалар бошқачароқ перспективада кўришини ҳали тушунмайди. У қўлида китобни ушлаб туриб ундаги расм ҳақида савол бериши ва қаршисидаги одам бу китобнинг фақат орқа томонини кўраётганини тушунмайди.

Операционалликкача даврда болалар бир-бирлари билан муттасил суҳбат олиб боролмайдилар. Эгоцентрик нутқда бола айтаётган нарсалар суҳбатдоши айтган нарсага унчалик боғлиқ бўлмайди. Болалар катталар каби бири иккинчисига эмас, кўпинча, тенг гапиришади. Бу босқичда болалар тафаккурнинг умумий категориялари, масалан, тасодиф, тезлик, оғирлик ва миқдор кабиларни ҳали тушунмайдилар. Бола суюқликни ингичка ва узун идишдан кенг, лекин паст идишга қуйишаётганини тушунмайди. Унга суюқликнинг сатҳи пасайгани учун, ҳажми ҳам озайгандек кўринади.

Учинчи босқич, конкрет операциялар даври етти ёшдан ўн бир ёшгача давом этади. Бу босқичда болалар мавҳум мантиқий тушунчаларни ўзлаштира бошлайдилар. Улар энди қийналмасдан тасодиф сингари ғояни идрок қилиши мумкин. Бу ёшдаги бола энди кенг идишдаги суюқлик ингичка идишдагидан оз экани ҳақидаги тасаввур, уларнинг сатҳи турлича бўлса ҳам, ногўғри эканини тушуна бошлайди. У кўпайтириш, бўлиш, айириш каби математик операцияларни бажара олади. Бу босқичда болалар унчалик эгоцентрик эмас. Операционалликкача бўлган даврда қизчадан «сенинг нечта синглинг бор?», деб сўралса, «битта», деб тўғри жавоб беради. Лекин ундан «синглингнинг опаси нечта?» деб сўралса, «ҳеч қанча», деб жавоб беради, чунки ўзини синглиси нуқтаи назаридан идрок қила олмайди. Конкрет операциялар босқичидаги болалар бундай саволларга қийналмасдан тўғри жавоб беришади.

Ўн бир ёшдан ўн беш ёшгача бўлган давр, Пиаже таърифига кўра, формал операциялар даври. Ўсмирлик даврида бола фавқулудда мавҳум ва гипотетик ғояларни ҳам тушуниш қобилиятига эга бўлади. Бу ёшда муаммога дуч келган болалар уни қандай ечиш мумкинлиги вариантларини таҳлил қилиб жавоб топиш учун назарий баҳо бериши мумкин. Формал операциялар даврида болалар «нимкосали» масалаларни ҳам еча оладилар. «Қайси мавжудот айни бир пайтда ит ва пудел?» — деган саволга тўғри жавоб (пудел) бера олмаслиги ҳам мумкин, лекин бола бу жавоб нега тўғри экани ва ундаги юморни тушуниб олади.

Пиажега кўра, ривожланишнинг дастлабки уч босқичи универсал ҳисобланади, бироқ ҳамма катталар ҳам формал операциялар босқичига етиб бормайдилар. Формал операциялар тафаккурнинг ривожини бир жиҳатдан маълумот даражасига боғлиқ. Етарли маълумот даражасига эга бўлмаган катта ёшлар одатда конкрет тушунчалар ёрдамида фикр юритадилар ва эгоцентризмни бирмунча сақлаб қоладилар.

Баҳо

Маргарет Дональдсон Пиаженинг ёш болалар катталарга қараганда эгоцентрикроқ бўладилар, деган тасаввурига шубҳа билдирди. Пиаженинг тажрибаларида, — деб ҳисоблайди у, болаларга берилган топшириқлар катталар нуктаи назаридан қўйилган, иккинчи томондан, эгоцентризм бир қатор вазиятларда катталар учун ҳам бирдай хос. Ўз фикрини исботлаш учун у инглиз шоири Лори Ли автобиографиясидан унинг мактабдаги биринчи куни тасвирланган парчани келтиради.

«Кун бўйи мен фақат қоғоз тешикчалар яшаш билан банд бўлдим, кейин эса зерика-зерика уйга қайтдим.

Нима бўлди, жоним? Мактабда сенга бирон нарса ёқмадими?

Менга презент беришмади.

Нима? Қанақа презент?

Улар, менга презент берамиз, дейишувди.

Наҳотки? Улар бундай деган бўлишлари мумкин эмас.

Йўқ, мумкин! Улар: «Сен Лори Ли, шундай эмасми? Жуда яхши, ҳозирча шу ерда ўтира тур»* — дейишди. Мен у ерда кун бўйи ўтирдим, бироқ улардан ҳеч нима олмадим. Энди у ёққа боришни истамайман»¹⁰.

Катталар нуктаи назаридан бола ўқитувчининг йўриғини тушунмади ва кулгили хатога йўл қўйди. Бироқ, чуқурроқ таҳлил қилинса, — дейди Дональдсон, вазият тескари мазмун касб этади, — катталар иборадаги икки хил маънога эътибор бермай болани тушунишмади.

Бу ўриндаги эгоцентризмда бола эмас, катталар айбдор. Пиаженинг ишларидаги услуб масаласи ҳам танқид қилинди. Озгина болалар билан, яна бунинг устига биттагина шаҳарда яшайдиган болалар билан ўтказилган кузатишларни қандай қилиб умумлаштириш мумкин? Шунга қарамай, кейинчалик ўтказилган кўплаб тажрибалар Пиаженинг асосий ғоялари тўғри эканини тасдиқлади. Бола ривожининг у санаб ўтган босқичлари амалда унчалик аниқ ифодаланмаган бўлса ҳам, унинг кўпчилик ғоялари жамоатчилик томонидан эътироф этилган.

* Суз уйини: for the present (ингл) — ҳозирча, сузма-суз таржимаси эса «совга учун».

¹⁰ Donaldson Margaret. Children's Minds. New York, 1979.

Назариялар ўртасидаги боғланиш

Фрейд, Мид ва Пиаже позициялари ўртасида жиддий тафовутлар мавжуд; шунга қарамай, мазкур назарияларнинг барчасини ҳисобга олиб янги назария тузиш ҳам мумкин.

Учала муаллиф ҳам, ҳаётининг биринчи ойларида чақалоқ атрофидаги предметларнинг табиатини тушунмайди ва ўзининг яхлит бутунлик эканини англамайди, деган фикр билдиради. Икки ёшгача, ривожланган тил кўникмалари шакллангунча боланинг ўрганиши онгсиз тарзда юз беради, чунки унинг ўзини англаши ҳали шаклланмаган. Фрейд, дастлабки даврда шаклланадиган ва, хусусан ота ва онага муносабат билан боғлиқ бўлган майлларни бошқариш усуллари шахе ривожининг энг сўнгги даврларида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди, деганда ҳақ бўлган кўринади.

Боланинг ўзини англаши Мид ғояларига кўра «1» ва «Ме» ни фарқлашдан бошланиши эҳтимолдан холи эмас. Бироқ, Пиаже қайд этганидек, «Мен» туйғуси ривожланган болаларда эгоистик тафаккур ҳали сақланиб туради. Бола автономлиги ривожини Мид ва Пиаже ўйлаганларидан кўра кўпроқ эмоционал қийинчиликлар билан боғлиқ бўлиб, бу ерда Фрейднинг ғоялари ўринлидир. Илк майлларни тийиш қобилияти кейинроқ когнитив ривожланиш босқичларидан муваффақиятли ўтишга таъсир кўрсатиши эҳтимолдан холи эмас.

Бу назариялар биргаликда олинганда бизни ўзининг «мен»ини англайдиган ва бошқалар билан ўзаро таъсирга кириша оладиган ижтимоий мавжудотга айлантирадиган жараёндаги кўп нарсаларни тушунишимизга ёрдам беради.

Ижтимоийлашув агентлари

Ижтимоийлашув агентлари деганда, ижтимоийлашув жараёни юз берадиган ижтимоий контекстлар ва гуруҳларни тушунамиз. Барча маданиятларда оила бола учун асосий ижтимоийлаштирувчи агент ҳисобланади. Кейинроқ эса, ижтимоийлашувнинг яна кўплаб агентлари пайдо бўлади.

Оила

Оилавий тизимларининг турлари бир-биридан жиддий фарқ қилгани учун, бола киришиши эҳтимол бўлган мулоқот барча маданиятлар учун бир хил эмас. Чақалоқ ҳаётининг илк босқичида деярли ҳамма жойда энг муҳим шахс она ҳисобланади, бироқ, юқорида айтилганидай, она ва бола муносабатларининг табиати улар ўртасидаги мулоқотнинг мунтазамлиги ва шакли билан белгиланади. Бу эса ўз навбатида оила институтлари ва уларнинг жамиятдаги бошқа гуруҳлар билан алоқаларига боғлиқ бўлади.

Ҳозирги жамиятларда илк ижтимоийлашув оиланинг ки-

чик миқёсида юз беради. Британиялик кўпчилик болалар ўз болалигини оила доирасида, отаси, онаси ва, эҳтимол, яна бир-икки бола даврасида ўтказганлар. Ва аксинча, бошқа кўпчилик маданиятларда амаки, амма, буви ва боболар бир оиланинг аъзолари ҳисобланадилар, бир уйда яшайдилар ва ҳатто жуда кичик чақалоқларнинг ҳам тарбиячилари бўладилар. Британия жамиятида ҳам оилавий муҳит табиатида кўп тафовутлар мавжуд. Баъзи чақалоқлар ота ёки онадан биттаси томонидан тарбияланса, бошқалари тўғрисида иккита она ва иккита ота («ажрашган» ва янги «топишган» ота-оналар) гамхўрлик қилишади. Оилали аёлларнинг кўпчилиги оиладан ташқарида ҳақ тўланадиган иш билан машғул, шу билан бирга, бола туғилгандан кейин аёллар ишга нисбатан тез қайтадилар. Шундай кўринишларга қарамай, оила, одатда, чақалоқликдан то ўсмирлик давригача ва кейинроқ ҳам авлодлар ворислигини таъминлашда ижтимоийлашувнинг энг муҳим агентлигича қолаверади.

Турли жамиятларда оила бошқа ижтимоий институтларга нисбатан турли ўрин эгаллайди. Анъанавий жамиятларнинг кўпчилигида оила туғилган индивиднинг бутун умри давомидаги ижтимоий мавқени тўлалигича белгилайди. Ҳозирги ғарб жамиятларида ижтимоий мавқеъ туғилишда белгиланмайди. Шунга қарамай, қандай ҳудудда яшаши, оиланинг муайян синфга мансублиги бола ижтимоийлашуви характериани анча қатъий белгилаб беради. Болалар ота-оналари ёки атрофларидаги одамларнинг ўзини тутиш моделларини ўзлаштирадилар.

Катта жамиятларнинг турли секторларида тарбия ва интизомга турлича талаблар қўйилади, кўпинча, қарама-қарши қадрият ва умидлар мавжуд бўлади. Қоратанлилар оиласида, шаҳардаги куйи табақалар яшайдиган ҳудудда тарбияланаётган бола билан шаҳарнинг қадрли ҳудудида, гуркираётган оқ танлилар оиласида туғилган болани солиштириб кўрилса, турли типдаги оила маданиятларининг таъсири ўртасидаги тафовутни сезиш мумкин. Ўтказилган кўпгина социологик тадқиқотлар бу тафовутларни батафсилроқ кўриш имконини беради.

Оиладаги ижтимоийлашув ҳолатлари бола учун ўта ноқулай бўлиши ҳам мумкин. Масалан, болаларнинг бир қисми ота-она, каттароқ болалар ёки чет одамларнинг зўрлиги ёки сексуал иддаоларига дуч келишади ва бундай тажриба уларнинг қолган умрларига оғир таъсир ўтказиши.

Ота-оналарининг дунёқарашини мутлақо танқидий идрок қилмайдиган болаларнинг кўплаб топилиши албатта, даргумон. Бу айниқса, чуқур ўзгаришларни бошдан кечириётган бизнинг зиддиятли дунёмиз учун хос. Бундан ташқари, ижтимоийлашувнинг турли-туман агентлари мавжудлиги болалар, ўсмирлар ва ота-оналар авлоди дунёқарашидаги кўпгина тафовутларга олиб келади.

Тенгдошлар билан муносабатлар

Ижтимоийлашувнинг яна бир агенти тенгдошлар гуруҳи, яъни тахминан бир хил ёшдаги болаларнинг дўстона компанияси. Баъзи маданиятларда, айниқса кичикроқ анъанавий жамиятларда тенгдошлар гуруҳлари ёш туркумларига қараб шаклланади. Ҳар бир авлод ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга, булар ёш улғайган сари ҳам ўзгариб боради (ёшга қараб туркумланиш, одатда ўғил болаларга тааллуқли). Индивидларнинг бир ёш туркумидан иккинчисига ўтиши одатда ўзига хос расм-русумлар билан нишонланади. Тахминан бир хил ёшдаги тенгдошлар дўстлик муносабатларини одатда бутун умр давомида сақлаб қоладилар. Ёшга қараб ранглар қуйидагича белгиланади: болалар, кичик жангчилар, катта жангчилар, кичик оқсоқоллар ва олий оқсоқоллар. Мана шу ранглар бўйича силжиш индивидуал тартибда эмас, гуруҳлар бўйича амалга оширилади.

Индивиднинг ижтимоийлашувида оиланинг аҳамияти ўз-ўзидан равшан, чунки ёш боланинг дунёқараши дастлаб деярли фақат оила доирасида шаклланади. Тенгдошлар гуруҳининг аҳамияти унчалик муҳим эмас, айниқса ғарб жамияти вакиллари учун. Шунга қарамай, ёшга қараб туркумланишнинг аниқ ташқи белгилари бўлмаса ҳам, тўрт-беш ёшдан каттароқ бола тар одатда кўп вақтларини шу ёшдаги дўстлари орасида ўтказди. Аёлларнинг қўлчилик қисми ишлаётган ва уларнинг болалари бу вақтда болалар марказларида бўладиган ҳозирги вазиятда тенгдошларнинг муносабатлари аввалгидан кўра муҳимроқ аҳамият касб этади. Мид ва Пиажелар ҳам тенгдошлар муносабатларининг муҳимлигини таъкидлашади. Пиаже тенгдошлар ўртасидаги боланинг ота-оналар билан муносабатига қараганда муносабатлар «демократикроқ» эканига урғу беради. «Тенгдош» сўзи «тенг» маъносини англатиб, болалар ўртасида вужудга келган дўстлик муносабатлари мўътадил эгалитаристик хусусиятга эга. Шижоатли ёки жисмонан кучлироқ бола ҳукмронлик қилишга интилиши мумкин, бироқ тенгдошларнинг муносабатлари оила учун хос бўлган тобеликка эмас, ўзаро келишувга асослангани учун кўп нарса берган бола кўпроқ олади. Пиаже шуни ҳам таъкидлайди: ҳокимиятга эга бўлган ота-оналар (турли даражада) болаларга хулқ-атвор меъёрларини мажбуран ўтказишлари мумкин. Тенгдошлар гуруҳларида эса бунинг аксича бола хулқ-атвор қоидаларини ўзгартириш ва текшириб кўриш имконини берадиган ўзаро таъсирнинг бошқача шароитларини учратади.

Тенгдошлар билан муносабатлар кўпинча инсоннинг бутун умри давомида ўз аҳамиятини йўқотмайди. Бу айниқса индивидлар битта норасмий гуруҳга аъзо бўладиган ёки бутун умрга айнан бир хил дўстлар гуруҳига эга бўладиган кичик аҳоли яшаш пунктлари учун хос. Бундай бўлмаган тақдирда ҳам тенгдошлар билан муносабатлар болалик ва ўсмирлик даврларидан кейин ҳам сезиларли таъсир ўтказди. Иш жойларида ёки

бошқа вазиятларда бир хил ёшдаги одамларнинг норасмий гуруҳлари индивид одатлари ва позициясининг шаклланишида жуда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Мактаб

Мактаб таълими — расмий жараён, чунки ўрганиладиган предметларининг мажмуи махсус қайд этиб қўйилади. Бироқ мактаблар ижтимоийлашув агентлари сифатида бироз бошқачароқ йўналишда ҳам таъсир ўтказадилар. Ўқув предметларининг расмий мажмуидан ташқари яна, баъзи социологлар, хуфя дастур, деб атайдиган таълимнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайдиган нарса ҳам мавжуд («Таълим, мулоқот ва оммавий ахборот воситалари» ҳақидаги 13-бобга қаранг). Болалар синфда тинч шуғулланишлари, дарсда ўзини яхши тутишлари, мактаб интизомига риоя қилишлари шарт. Улар ўқитувчиларнинг талабларини қабул қилиш ва уларга жавоб реакцияси қилишга мажбур. Буларнинг барчаси мактабни тутатгандан кейин иш танлаш билан боғлиқ бўлади. Тенгдошлар гуруҳлари кўпинча мактабда шаклланади ва синфларга болаларнинг ёшига қараб бўлиш бу гуруҳларнинг таъсирини кучайтиради.

Мактаб туфайли болалар ўзлари мансуб бўлган ижтимоий муҳитдаги чекловларни бартараф қилишлари мумкин, деб ҳисобланади. Таълим барча учун очиқ бўлибгина қолмай, мажбурий ҳам эканлиги камбағал ва имтиёзларга эга бўлмаган табақаларнинг болалари муваффақиятли ўқишда ижтимоий-иқтисодий зинадан юқорироқ кўтарилиш имконига эга бўладилар. Ҳозирги жамиятларда оммавий таълим имконият кенглиги идеали билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унга кўра, одамлар ўз истеъдод ва қобилиятларига мос равишда ижтимоий мавқега эга бўладилар. Бироқ амалда таълим кўпинча тенгсизликни бартараф қилишга эмас, балки уни чуқурлаштиришга хизмат қилади. Камбағал оилалардан чиққан болалар ўзларининг ўқишдаги муваффақиятларини ота-оналари рағбатлантиришига ҳар доим ҳам умид қила олмайдилар, айниқса ота-оналар ўқишга бефарқ ёки мутлақо қарши бўлса. Камбағал худудларда жойлашган мактаблар бой худуддагиларга нисбатан техник жиҳатдан ёмонроқ жиҳозланган ва камроқ ўқитувчиларга эга бўлади. Болаларда мактабга нисбатан хуш кўрмаслик туйғуси пайдо бўлиши ҳам мумкин, чунки уларнинг назарида мактаб на ҳозир ва на келажакда ҳаётга алоқаси бўлмаган вазифаларни қўяди.

Оммавий ахборот воситалари

Даврий нашрларнинг гуллаб-яшнаши ғарбда XVIII аср охиридан бошланади. Бироқ у пайтларда газета ва журналлар тор доирадаги ўқувчиларга мўлжалланар эди. Юз йилдан кейингина улар миллионлаб одамларнинг дунёқараш ва фикрларини белгилаб, кундалик ҳаётнинг бир қисмига айланди. Оммавий ахборот воситаларини босма нашр сифатида тарқатиш тез орада

электрон мулоқот воситалари билан тўлдирилди. Британиялик болалар бир йил давомида телеэкран олдида мактабда ўтказилган юз кунга тенг вақт ўтказадилар. Катталар ҳам бунга тахминан шунча вақт сарфлайдилар. Тадқиқотлар кўрсатишича, воқеалар газета ва телевиденида турлича ёритилса, телевизион версияга газетага нисбатан икки баравар кўпроқ одам ишонар экан.

Муайян типдаги теледастурларнинг болалар ва катталарнинг ижтимоий установакарига қандай таъсир ўтказишини таҳлил қилишга жуда кўп тадқиқотлар бағишланди, бироқ узил-кесил жавоблар олинмади. Масалан, экранда зўравонликнинг кўрсатилиши болалар хулқида қай даражада агрессивлик келтириб чиқариши ҳақида бир хил фикр йўқ. Бироқ оммавий ахборот воситалари одамларнинг установакари ва дунёқарашига жуда чуқур таъсир ўтказиши ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Улар шунчалик кўп ахборот етказиб берадики, уларни ҳеч қандай бошқа усул билан олиш мумкин эмас. Газеталар, китоблар, радио, телевидение, фильмлар, мусиқий ёзувлар ва суратли журналлар бизга ўзимиз ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаган нарсалар ҳақида маълумот беришади.

Бизнинг давримизда жамиятларнинг, шу жумладан, анъанавий маданиятларнинг жуда оз қисми оммавий ахборот воситаларининг таъсир доирасидан четда қолди. Электрон мулоқот воситалари мутлақо саводсиз одамлар учун ҳам тушунарли; учинчи дунёнинг ҳатто энг чекка минтақаларида ҳам радиоси ёки телевизори бор одамлар кам эмас.

Ижтимоийлашувнинг бошқа агентлари

Ижтимоийлашув агентлари эслатиб ўтилганлардан ташқари индивидлар умрининг қандайдир қисмини ўтказадиган гуруҳ ва ижтимоий контекстлар қанча кўп бўлса, улар ҳам шунчалик кўпдир. Барча маданиятларда ҳам иш ижтимоийлашув жараёни лари ўтадиган энг муҳим муҳит ҳисобланади, фақат саноатлашган жамиятларнинг ўзидагина жуда кўп одамлар «ишга қатнайдилар» — яъни ҳар куни уйдан муайян масофада жойлашган иш жойида бир неча соат банд бўладилар. Анъанавий жамиятларда кўпчилик ўзлари яшайдиган жой яқинида ерга ишлов берадилар ёки уйларидаги устахонада ишлайдилар. Бундай жамиятларда «иш бошқа фаолият турларидан ғарбдаги ишчи кучининг кўпчилик қисмига хос бўлганидек, кескин ажралиб турмайди». Саноат мамлакатларида «ишга қатнаш»нинг бошланиши анъанавий жамиятлардаги меҳнат фаолиятининг бошланишига қараганда инсон ҳаётидаги анча катта ўзгаришларнинг бошланганлигини билдиради. Иш шароитлари янгича талаблар қўяр экан, одамни ўз дунёқарашини ва хулқ-атворини кескин ўзгартиришга мажбур қилади.

Ҳозирги жамиятларда маҳаллий жамоа ижтимоийлашув жараёнига ижтимоий тузилишнинг бошқа типларига қараганда

анча кам таъсир ўтказса ҳам, уни биратўла ҳисобдан чиқариб юбориш мумкин эмас. Ҳатто йирик шаҳарларда ҳам турар жойда яшовчиларнинг ривожланган гуруҳ ва ташкилотлари (кўнгилчилар жамияти, клублар, черковлар) мавжуд бўлиб, улар ўз фаолиятида иштирок этадиган одамларнинг фикр ва ҳаракатларига жуда катта таъсир ўтказди.

Қайта ижтимоийлашув

Баъзи вазиятларда катта ёшли одамлар қайта ижтимоийлашувни, яъни аввал қабул қилинган қадриятлар ва хулқ-атвор моделларининг тўла емирилиши ва олдингилардан тубдан фарқ қилувчи қадриятларни ўзлаштиришни бошдан кечирадилар. Ана шундай вазиятлардан бири — карцер ташкилотларида бўлиш: руҳий беморлар клиникасида, қамоқхонада, казармаларда ва одамлар қатъий тартиб ва талаблар таъсирига тушиб қоладиган ташқи дунёдан ажратилган ҳар қандай жойларда бўлиш. Қаттиқ зўриқиш шароитида дунёқарашни ўзгартириш жуда драматик бўлиши мумкин. Шундай таранглик вазиятларини ўрганиш оддий шароитларда юз берадиган ижтимоийлашув жараёнини чуқур англаш имкониятини яратади.

Концентрацион лагердаги хулқ-атвор

Психолог Бруно Беттелгейм нацистлар томонидан 1930-йилларнинг охири ва 1940-йилларда Германиянинг концентрация лагерларига қамалган одамларнинг қайта ижтимоийлашувини баён қилиб берган. Унинг ҳикояси қисман ўзи энг ёмон шўҳрат топган Дахау ва Бухенвалд лагерларида бошдан кечирган ҳодисаларга асосланади. Лагердаги ҳаёт шароити жуда даҳшатли бўлиб, маҳкумлар қийноқларга, тўхтовсиз ҳақоратларга гирифтор қилинар, озиқ-овқат ва ҳаёт учун зарур бўлган бошқа нарсаларнинг кескин етишмаслигидан азобланар эдилар. Амалиётдаги психотерапевт сифатида Беттелгейм ўзгариб бораётган шароитларга мослашаётган одамларнинг дунёқараш ва хулқ-атвори қандай қилиб тубдан ўзгараётганлигини кўришга одатланиб қолган эди. Бироқ лагер ҳаётидаги даҳшатли зўравонликлар туфайли маҳкумлардаги ўзгаришлар анча радикал ва тез юз берар эди. «Лагерларда, — деб ёзади Беттелгейм — мен фақат хулқ-атвордаги эмас, балки шахсиятда ҳам жуда тез юз берган ўзгаришларни кузатдим; ўзгаришлар психоаналитик муолажа дейиладиган жараёнга нисбатан ишониб бўлмайдиган даражада тез ва радикал эди»¹¹.

Беттелгейм тасвирлашича, барча маҳкумлар ўз шахсиятида муайян тартибда юз берган ўзгаришларни бошдан кечирганлар. Қамоқдаги дастлабки давр одамларни оила ва дўстлар даврасидан аёвсиз суғуриб олганлари ва лагерга қамашдан олдин қий-

¹¹ Bettelheim Bruno. The Informed Heart. Harmondsworth, 1986. P. 14.

наганлари туфайли фалаж ҳолатини келтириб чиқарди. Янги келган маҳкумларнинг кўпчилиги олдинги ҳаётидаги қадриятлар ва тажрибадан келиб чиқиб лагер шароитига қаршилик кўрсатиш учун ҳаракат қилдилар; бироқ бу эришиб бўлмайдиган нарса эди. Кўрқинч, қийинчиликлар ва шўр тақдир маҳбуслар шахсиятини емириб ташлар эди. Баъзи маҳбуслар бошқалар *muselmanner* — «юриб турган ўликлар»га, яъни ирода, ташаббус ва ўз тақдирига ҳар қандай қизиқишдан маҳрум бўлган одамларга айланиб қолган эди. Бундай эркаклар ва аёллар тез орада ҳалок бўлишарди. Бошқаларнинг хулқ-атвори болаларни-кига ўхшаб қоларди, улар вақт туйғусини ва «олдиндан ўйлаш» қобилиятини йўқотиб кўярдилар, уларнинг кайфияти арзимас сабаблар туфайли кескин ўзгариб турарди.

Лагерда бир йилдан ортиқ бўлган «кекса маҳбуслар» ўзларини мутлақо бошқача тутишарди. Улар лагер ҳаётининг даҳшатларини муайян даражада бартараф қилиб, қайта ижтимоийлашувни бошдан кечирдилар. Кўпинча улар ўзларининг аввалги ҳаётидаги воқеалар ва жойларни эслаша олмасди. «Кекса» маҳбусларнинг қайта туғилган шахсияти ўзлари лагерга янги келганда нафратланарли, деб ҳисоблаган лагер кўриқчиларининг қарашлари ва хатти-ҳаракатларига тақлид қилиш йўли билан ривожланиб борар эди. Улар соқчиларга тақлид қилишарди, баъзан кийим увадаларидан униформага тақлид қилиш учун фойдаланишарди. Беттелгейм ёзади:

Кекса маҳбуслар кундалик сафга кириш вақтида «сафлан!» командасини яхши бажариша олса, қаттиқ роҳатланишарди. Улар ССчилар каби бешафқат бўлишга эришса, бундан мағрурланишарди. Тақлид қилишда улар шу даражага бориб етдиларки, ССчиларнинг «ўйин»ларидан ҳам нусха ола бошладилар. Соқчи ўйинларидан бири — калтакка миқ этмасдан ким узоқ чидаш ўйини эди. Кекса маҳбуслар, гўё ўзларини кам калтаклашаётгандай, бунақа ўйинларни бемалол ўйнайверишарди.

«Мияларни чайиш»

Баён қилинганга ўхшаш реакциялар ва шахсият ўзгаришлари бошқа кескин вазиятларда ҳам кузатилади. Масалан, қаттиқ тергов ўтказилаётган ёки «миялари чайилаётган» индивидларда шундай ҳол юз беради. Терговнинг дастлабки босқичларида ўтказилаётган босимга одам қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилади. Кейин болаларча регрессия юз беради. Индивид ўзида ҳокимият тимсоли бўлган шахс — терговчи хулқ-атворининг элементларини моделлаштира бошлаганда, қайта ижтимоийлашув бошланади. Кескин вазиятларнинг кўпгина турларини тадқиқ этган Уилям Саргант шундай ёзади: «шафқатсиз терговларнинг даҳшатли оқибатларидан бири шундаки, қурбонларнинг баён қилишича, улар ўзлари билан шундай кўпол муносабатда бўлаётган терговчини тўсатдан хуш кўра бошлайдилар...»¹².

¹² *Sargant William. Battle for the Mind. London, 1959. P. 192.*

Кескин вазиятларда ижтимоийлашув жараёни «тескари томонга айланиши» юз беради. Ижтимоийлашув натижаси бўлган реакциялар йўқолади ва индивид ота-онасидан ажралган ёш боланинг ҳолатига ўхшаш ҳолатга тушиб қолади. Индивид шахсияти тез ўзгара бошлайди. Кескин вазиятларда кузатиладиган шахсият ва хулқ-атвордаги радикал ўзгаришлар меъёрдаги ижтимоийлашув жараёнининг одатдан ташқари ҳолатидир. Одамларнинг дунёқараши ва қадрияти ҳеч қачон мутлақ «ўзгаришсиз» бўлмайди, улар бутун ҳаёт давомида олинадиган тажриба билан бирга ўзгариб боради.

Мисол тариқасида 1960-йиллар ва 1970-йилларнинг бошларида Вьетнамдаги урушга юборилган ёш америкаликларнинг тажрибасини келтириш мумкин. Бўйсунмас ва мағрур халққа қарши урушиб, чангалзорлардаги оғир шароитларда кўп солдатлар Беттелгейм ва Саргант томонидан таърифланган шахсият ўзгаришларини бошдан кечиришди. Улар ўзлари тушиб қолган қатъий ва бешафқат вазиятда қайта ижтимоийлашдилар. Америка Қўшма Штатларига қайтиб келган уруш ветеранлари ўзлари яна қайта ижтимоийлашув жараёнини бошдан кечиришлари кераклигини, яъни урушларсиз дунёга — ўзлари мос келмайдиган дунёга мослашишлари зарурлигини сездилар ва виждон азобига йўлиқдилар.

Ҳаёт йўли

Биринчи қарашда одам умри унинг бутун ҳаёти давомида — болалиқдан ёшлиққа, ундан катта ёшга ўтиш, ниҳоят қариллик ва биологик ўлим қайд этилган ҳолатларга ўхшайди. Аслида эса вазият анча мураккаброқ. Инсоннинг ҳаёт йўли, ижтимоийлик даражаси биологиклик даражасидан кам эмас. Бу босқичларга маданий тафовутлар, шунингдек, одамлар ҳаётининг моддий шароитлари таъсир ўтказади. Масалан, ҳозирги Фарб жамиятида одамлар ўлим тўғрисида фақат қариллик муносабати билан ўйлай бошлайдилар, чунки кўпчилик одамлар 70 йил ва ундан ортиқ умр кўрадилар. Бироқ анъанавий жамиятларда кексаликка етиб борганларидан кўра ёшлиқда ўлиб кетганлар анча кўпроқ.

Болалик

Ҳозирги жамиятларда болалик — инсон ҳаётининг маълум бир муайян босқичи, деб эътироф этилган. «Болалар» «чақалоқлардан» фарқ қилади. Болалик чақалоқлик ва ёшлиқнинг бошланиши ўртасидаги палла. «Болалик ғояси», тушунчаси ҳозирги ижтимоий ҳаётнинг кўп жиҳатлари сингари, икки ёки уч аср аввал пайдо бўлди. Анъанавий жамиятларда ёшлар ўзларининг анча узоқ давом этган чақалоқлик давридан тўғри жамиятдаги «ишчи» ролига ўтганлар. Француз тарихчиси Филипп Арье айтишича, ўрта асрларда «болалик» деган алоҳида босқич

тушунчаси бўлмаган¹³. Ўрта аср полотноларида болалар «кички-на катта ёшлилар» сифатида катталарнинг юзи, кийимида худди катталар каби тасвирланган. Болалар катталар иштирок этган ишда ва кўнгил очишларда қатнашганлар. Бугун бизга оддий бўлиб кўринаётган алоҳида ўйинлар ёки ўйинчоқлар уларда умуман бўлмаган.

Британияда ва бошқа Фарб мамлакатларининг кўпчилигида ХХ аср бошларигача болаларни ҳозирги тушунчаларга нисбатан жуда эрта ишлашга мажбур қилар эдилар. Амалда бугун ҳам болаларни тўла иш куни давомида, кўпинча оғир шароитларда (масалан, кўмир шахталарида) ишлатадиган кўпгина мамлакатлар мавжуд¹⁴. Болаларнинг алоҳида ҳуқуқларга эга экани ҳақидаги гоё, болалар меҳнати ғайриахлоқий экани ҳақидаги тасаввурларнинг шаклланиши яқин ўтмишда қўлга киритилган ютуқлардир.

Арьенинг қарашларини ривожлантириб, бир қатор тарихчилар ўрта аср Европасида катта ёшлиларнинг кўпчилиги ўз болаларига нисбатан бефарқ ва ҳатто душманлик кайфиятида бўлганлигини тахмин қиладилар. Бироқ бошқалар бундай қарашни рад этишади, бундан ташқари, бизнинг ҳозирги кунгача мавжуд бўлган анъанавий маданиятлар ҳақидаги билимларимиз буни тасдиқламайди. Анъанавий жамиятларда кўпчилик ота-оналар, айниқса оналар ўз болаларига худди бугунгидай меҳрибонлик кўрсатар эдилар. Шунга қарамай бугун «болалик» даври анча давомий бўлгани учун замонавий жамиятлар баъзи жиҳатдан анъанавий жамиятларга нисбатан «болалар атрофида гирди капалакроқ» ҳисобланади. Бошқа босқичларга нисбатан анъанавий жамиятларга хос бўлганидан фарқли ўлароқ ота-оналик даври ҳам, болалик даври ҳам аниқроқ ажралиб туради.

Таъкидлаш лозимки, болалар атрофидаги жамият — болалар ҳар доим ота-оналар ва бошқа катта ёшлилар томонидан муҳаббатни ҳис қилиб туради, дегани эмас. Болаларни жисмоний ва жинсий жиҳатдан ҳақоратлаш ҳозирги баъзи оилаларда оддий ҳол бўлиб қолмоқда, гарчи бундай суиистеъмолликларга тўла жирканч намуналар яқин ўтмишда қолиб кетган бўлса ҳам. Болаларга нисбатан суиистеъмолликлар эски Европа учун типик бўлган болалар билан бемаъни (ҳозирги нуқтаъи назардан қараганда) муносабат билан боғлиқ.

Ҳозирги жамиятларда юз бераётган ўзгаришлар натижасида «болалик»нинг алоҳида мавқеси емирилиш эҳтимоли ҳам бор. Тадқиқотчилар, болалар «шунчалик тез ўсишмоқдаки», болаликнинг ўзига хос хусусиятлари йўқолиб бормоқда¹⁵, дейишмоқда. Масалан ҳатто энг кичик болалар ҳам катта ёшлилар

¹³ *Aries Philippe Centuries of Childhood. Harmondsworth, 1973.*

¹⁴ *UNICER. The State of the World's Children. Oxford, 1987.*

¹⁵ *Suransky Valerie P. The Erosion of Childhood. Chicago, 1982; Winn Marie. Children Without Childhood. New York, 1983.*

кўрадиган телевизион дастурларни кўриш имкониятига эга бўлиб, «катталар дунёсини» нг сирларини олдинги авлодларга нисбатан анча эрта билиб олмоқдалар.

Ёшлик

«Ўсмир» тушунчаси ҳозирги жамиятларга хос бўлган тушунча. Жинсий етилиш (индивид сексуал фаоллик ва насл қолдиришга лаёқатли бўлган даврдан бошлаб) билан боғлиқ биологик ўзгаришлар универсал хусусиятларга эга. Шунга қарамасдан, кўпгина илк маданиятларда бу ўзгаришлар ҳозирги ғарбдаги ёшларда бўлаётгани каби нотинчлик ва беқарорлик келтириб чиқармаган. Ёш даражалари тизими билан бирга одамнинг катталар сафига ўтиши алоҳида маросимлар билан нишонланганда психосексуал ривожланиш жараёни соддароқ кечади. Анъанавий маданиятлардаги ёшларни уларнинг ҳозирги маданиятлардаги тенгдошларига нисбатан камроқ «ўрганиш» га тўғри келган, чунки ўзгаришлар секинроқ юз берган. Шундай давр келадик, болалар олдида болаликдан чиқиш, ўйинчоқларни ташлаш, болалик қилиқларини йиғиштириш зарурияти пайдо бўлади. Анъанавий маданиятларда болалар катталар билан бир қаторда меҳнат қилганлари учун болаликни «ташлаш» жараёни унчалик қийин кечмайди.

Ғарб мамлакатларида «ўсмир бўлиш» нинг ўзига хослиги болалар ҳуқуқларининг кенгайиши ва расмий таълим жараёни билан боғлиқ. Ўсмирлар кўпинча катталар сингари ҳаракат қилишга интиладилар, бироқ қонун уларга болалар сифатида қарайди. Улар ишлашни исташлари мумкин, бироқ мактабда ўқишга мажбур. Улар болалик ва етуклик «оралиғида» ва доимий ўзгариб турган жамиятда ўсадилар.

Ёш катта ёшлилар

Бу ҳолатга ҳозирги жамият фуқароларининг шахсий ва сексуал ривожланишида алоҳида босқич сифатида қаралади. Йигирмага кирган ёшлар, айниқса бадавлат оилаларга мансуб бўлганлар (айтиш мумкинки, фақатгина улар эмас), «тайм-аут» олишиб, сексуал, сиёсий ва диний тажрибаларга эга бўлиш мақсадида саёҳатга чиқишади. Таълим даврининг узайиши муносабати билан бундай «мораторий» нинг аҳамияти ортиб боради¹⁶ (гап Европага оид ҳаёт тарзи ҳақида бормоқда).

Етуклик

Ғарбдаги катта ёшли ёшларнинг кўпчилиги бугун ўз умри қариликкача давом этишига умид қилиши мумкин. Ўтган даврларда фақатгина озчилик бундай келажакка умид қилиши мумкин эди. Катталар орасида касалликлар, эпидемиялар, шикаст-

¹⁶ *Elkins David*. All Grown Up and No Place to Go: Teenagers in Crisis. Reading, 1984.

лардан ҳалок бўлиш бутунги кунга қараганда анча кўп эди ва аёллар учун туғиш давридаги ўлим хавфи ҳам ҳозиргидан анча баланд эди.

Иккинчи томондан, биз бутун бошдан кечираётган юкларнинг баъзилари авваллари анча енгил эди. Одамлар одатда бутунгига қараганда ота-оналари ва қариндош-уруғлари билан яқинроқ муносабатда бўлардилар, уларнинг кундалик машғулотлари ажодлар машғулотларига жуда ўхшаш эди. Бизнинг давримизда никоҳдан ўтишда, оилавий ҳаётда ва бошқа ижтимоий контекстларда, одатда, ноаниқлик мавжуд бўлади. Биз ўз ҳаётимизни ўтган давр одамларига қараганда кўпроқ ўз қўлимиз билан «яратишимиз» мумкин. Масалан, бутун сексуал ва никоҳ алоқалари ота-оналар томонида эмас, индивид ташаббуси ва танлови асосида амалга оширилади. Бу индивидга кўпроқ эркинлик беради, бироқ айти пайтда катта масъулият қийинчилик ва зўриқишлар келтириб чиқариши мумкин.

Ўрта ёшда келажакка йўналтирилганлик қобилиятини сақлаб қолиш ҳозирги жамиятда муҳим аҳамиятга эга. Одамларнинг кўпчилиги, анъанавий маданиятларда бўлгани каби, «бутун умр давомида бир хил иш билан шуғулланиш»ни истамайдилар. Ўзини бирор бир хизмат пиллапоясига бағишлаган одам ҳаётнинг ўртасига келганда эришилган натижалардан қониқмаётганлиги маълум бўлиб қолади ва келажакка умидлари йўқолади. Болалар ота-оналар уйидан чиқиб кетаётганда, айтиқса бутун ёшлигини оилага бағишлаган аёлларда ўзларининг ижтимоий қадри эканликлари ҳақида шубҳалар пайдо бўлади. «Ҳаёт ўртасидаги танглик» — бу ўрта ёшдаги кўпгина одамларга тааллуқли муаммо. Одам ҳаёт тақдим қилган кўп имкониятлардан воз кечганини ҳис қилиши ва ҳозир у ёшлиқда қилган орзуларининг кўпчилигига эриши олмаслигини англайди. Шунга қарамасдан бундай ўтиш одамларни даҳшатга ва умидсизликка солиши учун етарли сабаб йўқ; ёшлик ҳаёлларидан ҳалос бўлиш одамга эрк бағишлайди.

Кексалик

Анъанавий жамиятларда кекса одамларга одатда катта ҳурмат кўрсатилган. Ёш градациясига эътибор бериладиган маданиятларда «оқсоқоллар», одатда, жамоага тааллуқли масалаларда бош-қош бўлиб, кўпинча ҳал қилувчи овозга эга бўларди. Саноат жамиятларида эса бунинг акси, кексалар оилада ҳам, кенгроқ ижтимоий контекстда ҳам унчалик катта обрўга эга эмаслар. Ишчи таркибидан чиқар экан, улар ҳаётлари давомида кўрмаган камбағалликка тушиб қолишлари мумкин. Айти пайтда, ёши олтмишдан ортган аҳолининг нуфузи ортиб бормоқда. 1900 йилда Британияда ўттиз кишидан биттасининг ёши олтмишдан юқори бўлган эди. Ҳозирги кунда бу мутаносиблик бирга бешни ташкил қилади. Бундай ўзгаришлар саноати ри-

вожланган барча мамлакатларда юз беради (18-боб, «Аҳоли, саломатлик ва кексариш» мавзуйга қаранг).

Анъанавий маданиятларда кексаликка етиш — индивид учун, айниқса, эркаклар учун бутун ҳаёти давомида эришиши мумкин бўлган энг юқори мавқега етишишни аңлатарди. Саноатлашган жамиятларда эса кексалик бунинг мутлақо зидди бўлган натижаларга олиб келади. Болаларидан алоҳида яшаётган ва иқтисодиёт майдонидан сиқиб чиқарилган қари одамларга ҳаётининг сўнгги дамларини иқтисодий жиҳатдан таъминлаш осон иш эмас. Кексаликни ўз захиралари ёрдамида қоплайдиган ва четдан келадиган молиявий маблағларга камроқ қарам бўлган одамлар уни еңгилроқ ўтказади, деган қараш мавжуд. Бу, албатта, шундай, бироқ кўпгина кекса фуқаролар саломатликларини яхши сақлаган мамлакатларда «ташқи дунёга» эътибор борган сари кўпроқ аҳамият касб этади. Дам олишга чиққанлар (болалик ва етукликдан кейинги) «учинчи ёшда» бошланадиган таълим ва ўрганишнинг янги босқичида «қайтадан туғилиш»лари мумкин.

Ўлим ва авлодлар ворислиги

Ўрта асрда Европада ўлим ҳозиргига қараганда кўпроқ эди. Ҳозирги дунёда европалик одамларнинг кўпчилиги шифохоналарнинг ёпиқ шароитида, яқин одамлари ва дўстлари билан мулоқот йўқ шароитда вафот этадилар. Бугун ғарбда ўлимга авлодлар янгилашиши жараёнининг бир бўлаги сифатида эмас, кўпроқ индивидуал ҳаётнинг якуни сифатида қаралмоқда. Диний эътиқодларнинг сусайиши бизнинг ўлимга муносабатимизни ўзгартириб юборди. Ўлим, одатда, муҳокама қилинмайдиган мавзу ҳисобланади. Ўлим олдида даҳшатга тушиш муқаррар ҳодисадир, шунинг учун врачлар ва қариндошлар бедаво дардга чалинганлардан уларнинг ўлими яқин эканини яширадилар.

Элизабет Кюблер Росс фикрига кўра, ўлимнинг муқаррарлигига кўникиш — бу бир неча босқичдан иборат бўлган ижтимоийлашув жараёни. Биринчи босқич — инкор босқичи бўлиб, унда индивид ўзида нимадир юз бераётганини тан олгиси келмайди. Иккинчиси — ғазаб бўлиб, уни кўпинча, ҳаётдан бевақт кўз юмаётганлар кечирадилар. Ундан кейин савдолашиш босқичи бошланади. Индивид тақдир ёки худо билан, агар муҳим ҳодисани, айтайлик, бирор тўйни, туғилган кунни ва бошқаларни кўрса армонсиз ўлишини айтиб, савдолашади. Кейин индивид депрессия ҳолатига тушиши мумкин. Ниҳоят, бу босқичдан ҳам ўтиш насиб бўлса, тан бериш босқичи бошланади. Бу босқичда яқинлашаётган ўлим олдида хотиржамлик пайдо бўлади.

Кюблер-Росс айтишича, у сўров ўтказганда одамларни ўлишда кўпроқ ноаниқ оғриқ, севикли одамлар билан айрилиқ ёки тугатилмай қолган лойиҳалар даҳшатга солиши маълум

бўлган. Унинг фикрича, бундай тасаввурлар айсбергнинг чўққиси, холос. Биз ўлим билан боғлайдиган нарсаларнинг кўп қисми онг остида яширинган, агар биз розилик билан ўлишни хоҳласак, уларни ёруғликка олиб чиқиш керак. Одамлар онгсиз тарзда, ўлимни ўзларини жазолаш учун келган ёвуз нарсадан бошқачароқ ҳолда тасаввур қила олмайдилар. Агар улар, бундай тушуниш иррационал эканини англай олишса, масалан, бедаво хасталик қилинган гуноҳлар учун берилган жазо эмаслигини билишса, жараён оғриқсизроқ кечади¹⁷.

Болалар, ота-оналар ва қариялар биргаликда турмуш кечирувчи анъанавий маданиятларда ўлим ва авлодлар ворислиги ўртасидаги алоқадорлик аниқроқ англанади. Индивидлар ўзларини оиланинг ва уларнинг қисқа муддатли шахсий мавжудлигидан қатъий назар, чексиз давом этадиган жамиятнинг бир парчаси, деб ҳис қиладилар. Бундай шароитларда тез ўзгараётган sanoat дунёсининг ижтимоий шароитларига қараганда ўлимга камроқ ваҳима билан қараш мумкин.

Ижтимоийлашув ва индивидуал эрк

Биз туғилиб ўсган муҳитдаги маданий установакалар бизнинг хулқ-атворимизга шунчалик катта таъсир ўтказадикки, биз индивидуаллик ва ирода эркига эга эмасмиз, деган тасаввур пайдо бўлиши мумкин. Бизни жамият томонидан олдиндан тайёрлаб қўйилган қолипларга мажбуран тиқишаётгандай туюлади. Баъзи социологлар ижтимоийлашув, ҳатто умуман социология тўғрисида худди мана шундай, деб ёзишган эди, бироқ бундай қараш мутлақо нотўғри. Албатта, туғилишдан то ўлимгача бизнинг бошқалар билан ўзаро таъсирга киришишимиз бизнинг шахсиятимиз, ҳаётий қадриятларимиз ва хулқ-атворимизни белгилайди. Бироқ ижтимоийлашув ўша индивидуаллик ва эрkning ҳам манбаидир. Ижтимоийлашув жараёнида ҳар бир шахс ўзини англаш, мустақил фикрлаш ва ҳаракат қилишга лаёқат ортиради.

Бу тезисни тил ўрганиш ҳақидаги мисол билан ифодалаш мумкин. Тилни ҳеч ким кашф қилмайди, ёшлиқдан тил ўрганиш бизни махсус тил қоидалари билан кишанлаб қўяди. Айни пайтда тилни эгаллаш бизнинг ўзимизни англашимиз ва ижодимиздаги энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Тил бўлмаса одамлар ўзини англайдиган мавжудот бўлолмасди. Тилни билиш инсон ҳаёти тимсолий бойликларини, индивидуал сифатларни сақлаш ва мавжудлик шартларини амалда эгаллаш учун ҳам зарур.

¹⁷ *Kubler — Ross Elisabeth. Living with Death and Dying. London, 1987.*

Бобнинг қисқача мазмуни

1. Ижтимоийлашув — бу чақалоқнинг бошқа одамлар билан мулоқотга киришиш орқали ўзини англайдиган, ўзи туғилган маданиятни тушунадиган ақлли мавжудотга айланиш жараёни.

2. Зигмунд Фрейд ўз асарларида баён қилган назарияга кўра, бола агар атроф-муҳитнинг талаблари ва онг остидаги қудратли майлларни мувозанатда ушлаб тура олсагина, мустақил мавжудотга айланади. Бизнинг ўзимизни англашга бўлган қобилиятимиз онгсизлик хуржларини босиш йўли билан ривожланади.

3. Ж.Г.Мид фикрига кўра, бола бошқалар унинг ўзига нисбатан ўзларини қандай тутаётганликларини кўриб, ўзини алоҳида мавжудот сифатида англай бошлайди. Кейинроқ, ўйинларда қатнашиб, ўйин қоидаларини ўрганиб, бола, «умумлаштирилган ўзга» — умумий қадриятлар ва маданий меъёрларни тушуна бошлайди.

4. Жан Пиаже боланинг дунёни онгли идрок этиш қобилиятининг ривожланишида бир нечта асосий босқичларни ажратиб кўрсатади. Ҳар бир босқич янги билиш қобилиятларини ўзлаштириш билан тавсифланади ва олдинги босқичнинг муваффақиятлилигига боғлиқ бўлади. Пиаже фикрига кўра, когнитив ривожланишнинг бу босқичлари ижтимоийлашувнинг умумий хусусиятлари ҳисобланади.

5. Ижтимоийлашув агентлари — бу энг муҳим ижтимоийлашув жараёнлари юз берадиган тузилмавий гуруҳлардир. Барча маданиятларда бола ижтимоийлашувининг асосий агенти оила ҳисобланади. Бундан ташқари, тенгдошлар гуруҳлари, мактаб, оммавий ахборот воситалари ҳам ижтимоийлашув агентларидир.

6. Расмий мактаб таълими ижтимоийлашув жараёнида оила ва тенгдошлар гуруҳлари ўтказадиган таъсирни кучсизлантиради. Таълим бериш — кўникма ва қадриятларга онгли равишда ўргатишдир. Бундан ташқари мактаб «хуфя дастур» ёрдамида установка ва меъёрларни шакллантириб, сезилмайдиган йўл билан ҳам тарбиялайди.

7. Оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши ижтимоийлашувнинг эҳтимолий агентлари миқдорини кўпайтирди. Оммавий босма нашрларнинг тарқатилиши, кейинроқ, электрон мулоқот воситалари билан тўлдирилди. Телевидение ҳар куни барча ёшдаги одамлар билан мулоқотга киришар экан, айниқса катта таъсир кучига эга бўла борди.

8. Баъзи вазиятларда индивидлар ёки гуруҳлар қайта ижтимоийлашув жараёнини бошдан кечирадилар. Қайта ижтимоийлашув — шахснинг таҳдид ёки стресс вазиятида қадриятларни ўзгартириши билан боғлиқ жараёндир.

9. Ижтимоийлашув — бутун умр бўйи давом этадиган узлуксиз жараён. Унинг ҳар бир босқичида ўтиш даврлари бўлиб, уларда босиб ўтиш ва тангликларни бартараф қилиш жараёнларини ўташ керак. Ўлим ҳам шунга тааллуқли бўлиб, шахс мавжудлигининг тугаганлигини билдиради.

Асосий тушунчалар

ижтимоийлашув
ост онг

ўзини англаш

Энг муҳим атамалар

материал депривация
билиш қобилиятлари

формал операционал босқич
ижтимоийлашув агентлари

психоанализ
эдип комплекси
тимсолий интеракцианиз
«Ме»
умумлаштирилган ўзга
сенсомотор босқич
операционалликкача босқич
эгоцентризм
конкрет операционал босқич

оила
тенгдошлар гуруҳи
ёш градациялари
хуфя дастур
оммавий ахборот воситалари
қайта ижтимоийлашув
карцер ташкилотлар
критик вазиятлар

Кўшимча адабиёт

Phillipe Aries. Centuries of Childhood. Harmondsworth, 1973. Инсон та-
раққиётидаги алоҳида босқич бўлган болаликнинг тарихий илдиэларининг
зиддияти бўлса ҳам, лекин мумтоз таҳлили.

N.Dickson (ed.). Living in the 80s: What Prospects for the Elderly. Mitcham,
1980. Ҳозирги жамиятлардаги кекса одамлар муаммоларининг умумий
манзараси.

C.Jenks (ed.). The Sociology of Childhood. London, 1982. Социологик
истиклолда болаликнинг умумий манзараси.

Elisabeth Kubbler-Ross. Living with Death and Dying. London, 1987. Ўлимга
муносабатларнинг аниқ тавсифи.

Martin Richards and Paul Light (eds). Children of Social Worlds. Cambridge,
1987. Болалар ривож ижтимоий шароитларига бағишланган мақолалар
тўплами.

Elly Singer. Childcare and the Psychology of Development. London, 1992.
Болалар ривожланиши ҳамда аёлларнинг болаларга ғамхўрлик билан боғ-
лиқ бўлган вазифаларини енгиллаштириш муаммолари таҳлили.

Frances C. Waksier. Studying the Social Worlds of Children. London,
1991. Болалар ривожланиши бўйича материаллар тўплами.

Ижтимоий ўзаро таъсир ва кундалик ҳаёт

Шаҳар кўчасида икки одам қарама-қарши томондан бирига яқинлашиб келмоқда. Улар бир-бирига қисқа назар ташлашади, тезликда бир-бирларининг юзига ва кийинишга эътибор беришади. Улар бир-бирига яқинлашиб ёнларидан ўтиб кетгунларича кўзлари кўзга тушмаслиги учун четга қарайдилар. Бундай ҳол катта ва кичик шаҳарларда ҳар куни миллионлаб марта юз беради.

Ёнма-ён ўтиб кетаётган одамлар бир-бирларига назар ташлаб яқин келганда эса четга қарашлари, Ирвинг Гоффман таърифлашича, улар биз бир-биримиздан кўп вазиятларда кутадиган «фуқаролик беътиборлиги»ни¹ намойиш қиладилар. Фуқаро беътиборлиги оддий эътиборсизликдан фарқ қилади. Ҳар бир индивид бошқасига унинг мавжудлигини сезганини, бироқ ўзини шилқим сифатида талқин қилинмаслиги учун ортиқча ҳаракатдан тийиб туришини билдиради. Бундай хатти-ҳаракат кўпроқ онгсиз амалга ошса-да, бизнинг кундалик турмушимизда фундаментал аҳамиятга эга. Шу йўсинда одамлар бир-бирларига душманлик қилиш ва бир-бирларига бефарқ бўлиш учун сабаб йўқлигини намойиш этадилар. Фуқаролик беътиборлигини мазмунини тушуниш учун у қўлланиладиган вазиятларга мурожаат қилиш керак. Баъзи ҳолатларда одам бошқа одамга тикилиб қарайди, ўзининг туйғуларини бемалол ифодалаш учун ўзига эрк беради. Одатда бундай хулқ-атвор севишганлар, оила аъзолари ёки яқин дўстларга хос, ёки бўлмаса бир одамнинг иккинчисидан жаҳли чиққанида шундай қилади. Бегона одамлар ёки тасодифий танишлар кўчада, ишда ёки ўтиришда бошқа одамнинг бундай тикилиб қарашига чидамайдилар. Бошқа одамнинг тикилиб қарашини ёқтирмасликнинг намойиши сифатида талқин қилиниши мумкин. Мутлақо нотаъин одамларга нисбатан бундай амалиёт икки душман гуруҳ ўртасида қўлланилиши мумкин. Масалан АҚШ жанубидаги оқ танлилар ҳақида “улар қора танлиларни нафратли нигоҳ билан» кузатадилар”, дейишади.

Ҳатто жуда яқин одамлар ҳам интим суҳбатда бир-бирларига қандай қараётганларини кузатиб боришлари керак². Суҳбатнинг ҳар бир қатнашчиси суҳбатга диққати ва қизиқишини

¹ *Goffman Erving*. Interaction Ritual. New York, 1967; Goffman Erving. Relations in Public: Microstudies of the Public Order. London, 1971.

² *Goodwin Charles*. Conversational Organisation: Interaction Between Speaker and Hearers. New York, 1981.

намойиш қилиш учун вақти-вақти билан суҳбатдошининг кўзига қараб қўйиши, лекин тикилиб олмаслиги керак. Ҳаддан ташқари тикилиб қараш ишончсизлик белгиси ёки суҳбатдошининг нима ҳақида гапираётганлигини тушунмаслик аломати сифатида қабул қилиниши мумкин. Мабодо суҳбатлашаётган одам ҳам-суҳбатининг кўзига ҳеч қарамаса, уни ғалати одам, ёки айёр деб қабул қилишади.

Кундалик ижтимоий ҳаётни тадқиқ қилиш

Нима учун ижтимоий хулқ атворнинг арзимас жиҳатлари билан ҳам шуғулланиш керак? Кўчада бирон кишининг ёнидан ўтиш, таниш одам билан саломлашиш ва унга бирнеча сўз айтиш, буларнинг ҳаммаси шунчалик арзимас ва қизиқарсизки, кун давомида улар ҳақида мутлақо ўйламай юзлаб марта қайтарамиз. Аслида ижтимоий ўзаро таъсирнинг оддий шакллари ўрганиш социология учун жуда катта аҳамиятга эга. У социологик тадқиқотларнинг энг қизиқ соҳаларидан биридир. Кундалик ижтимоий ўзаро таъсирни ўрганиш икки сабабга кўра муҳим.

1. Кундалик мавжудликнинг зерикарли жиҳатлари ижтимоий ҳаракатнинг катта қисмини ташкил қилади. Бизнинг ҳаётимиз кундан кунга, ҳафтадан ҳафтага ва ҳатто йилдан йилга такрорланиб турадиган бир хил ритуаллардан ташкил топади. Кеча ёки аввалги кун нима қилганингизни эслаб кўринг. Агар булар иш куни бўлса, унда «ҳар кунлик вақтда» уйғониш ва туришга тўғри келгандир. Ўқишга эрта жўнаш керак бўлган, уйдан мактаб ёки коллежгача бўлган бир хил масофани босиб ўтгандирсиз. Машғулотлардан кейин сиз дўстларингиз билан тушликка бордингиз, кейин яна машғулотларга қайтдингиз. Кейинроқ сиз уйга жўнадингиз, кечкурун бошқа дўстларингиз билан учрашиш ниятида бўлдингиз. Кундан кунга такрорланиб турадиган зерикарли хатти-ҳаракатлар айнан бир хил эмас ва дам олиш кунлари иш кунларига ўхшамайди. Инсон ҳаётида табиий тарзда ўзгаришлар юз беради. Масалан, у коллежни тугатиб ишлай бошлайди. Энди унинг кундалик режимида сезиларли ўзгаришлар юз беради. Янги одатлар шаклланади. Шу тарзда кундалик машғулотлар ва бошқа одамлар билан ўзаро таъсир биз қилаётган ишнинг тузилмаси ва шаклини белгилайди. Уларни ўрганар эканмиз биз ижтимоий мавжудот бўлган одам ва ижтимоий ҳаётнинг ўзи ҳақида кўп нарсаларни билиб оламиз.

2. Кундалик ҳаётдаги ижтимоий ўзаро таъсирларни таҳлил қилиш йирикроқ ижтимоий тизимлар ва институтлар фаолиятини ўрганишга ёрдам беради. Амалда барча йирик миқёсли ижтимоий тизимлар индивидлар томонидан кундалик ҳаётда бажариладиган ижтимоий ўзаро таъсирларнинг моделини ҳисобга

олиб тузилган. Буни кўрсатиш қийин эмас. Ижтимоий ўзаро таъсирнинг бир лаҳзалик типи бўлган кўчада икки йўловчининг учрашиши мисолига яна бир бор мурожаат қилайлик. Бу якка ҳолат ўз-ўзидан ижтимоий ташкил этилишнинг йирик миқёсли, барқарор шаклларида узоқ. Бироқ биз бундай ҳолатлардан кўпини кўриб чиқсак, унда вазият ўзгаради. Ижтимоий ўзаро таъсирнинг кенг тарқалган хусусиятлари ўртасида масалан фуқаро безътиборлиги ва бошқа шакллар ёрдамида биз нотаниш одамлар билан мулоқотга киришамиз. Ҳозирги жамиятларда кўпчилик одамлар шаҳарларда яшашади ва ўзи танимайдиган бошқа одамлар билан ўзаро таъсирга киришади. Фуқаро безътиборлиги шаҳардаги ҳаёт, одамларнинг қисқа ношахсий мулоқотга киришиши амалга ошадиган мурватлардан бири.

Биз бу масалага бобнинг сўнгида яна қайтамиз, бироқ ҳозир кундалик ҳаётдаги ижтимоий ўзаро таъсирнинг моҳиятини кўриб чиқамиз, ўзаро таъсирда қўлланиладиган новербал сигналлар (юздаги ифодалар, хатти-ҳаракатлар, ҳолатлар)ни таҳлил қиламиз. Кейин эса кундалик нутқ, маъно билдириш учун тилдан фойдаланишнинг таҳлилига ўтамиз. Кейин эса кундалик тартибни тузилмалаштириш усуллари таҳлил қиламиз, бунда макон ва замон орқали хатти-ҳаракатларни мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор қаратамиз.

Новербал мулоқот

Ижтимоий ўзаро таъсир ўз ичига новербал мулоқот — ахборот ва туйғуларни юз ифодаси, имо-ишора ва ҳаракатлар ёрдамида алмашишнинг кўп шакллари қамраб олади. Новербал мулоқотга баъзан «бадан тили» сифатида қарашади, бироқ бундай қараш хато бўлиб, биз новербал сигналлардан айтилганларни таъкидлаш, кучайтириш ёки кенгайтириш мақсадида фойдаланамиз.

Юз ва ҳиссиётлар

Новербал мулоқотнинг энг муҳим аспектларидан бири эмоцияларни билдирадиган юз ифодасидир. Пол Экман ва унинг ҳамкасабалари юз ифодасини белгилайдиган мускуллар ҳаракатини тавсифлаб чиқишди ва уни “Юз ифодаларини кодлаштириш тизими”, деб аташди³. Улар юз ифодаларини талқин қилишдаги қарама-қаршиликларни бартараф қилиб бу масалага ойдинлик киритишга ҳаракат қилишди. Эволюция назариясининг асосчиси Чарльз Дарвин барча инсон мавжудотлари учун эмоцияларни ифодалашнинг таянч шакллари бир хил, деб ҳисоб-

³ Ekman Paul and W. V. Friesen. Constants across culture in the face and emotion // Journal of Personality and Social Psychology, 17. 1971.

лаган эди. Баъзи олимлар бу фикрга эътироз билдирсалар ҳам, Экман томонидан мутлақо бошқа маданиятда яшайдиган одамлар орасида ўтказилган тадқиқотлар буни тасдиқлади. Экман ва Фрисен Янги Гвинеядаги шу пайтгача ғарб маданияти билан мулоқотга киришмаган, алоҳида яшайдиган жамоа одамларини ўрганишди. Олти асосий эмоция (бахт, ачиниш, жаҳл, нафрат, кўрқинч, ҳайрат)ни ифодалайдиган, бошқа маданиятлардаги халқларни ўрганиш натижасида аниқланган юз ифодалари мана шу жамоа аъзоларида ҳам айнан бир хил бўлиб чиқди.

Жамоа аъзоларига одамларнинг турли юз ифодаси тасвирланган расмларни кўрсатиб, бу ифодалар нимани англатишини ҳикоя қилиб беришни сўрадилар. Уларнинг мулоҳазалари бошқа тадқиқотлардан олинган натижалар билан бир хил бўлиб чиқди. Экман фикрига кўра, бу хил эмоцияларни узатувчи юз ифодалари ва уларни талқин қилиш одамларда туғмадир. Бироқ у ўзининг далиллари бу хулосани сўзсиз тасдиқламаслигини ҳам эътироф этди, эҳтимол бу ўринда бошқа турли жамиятларда тарқалган маданий хусусиятлар рол ўйнагандир. Шунга қарамасдан, бошқа тадқиқотлар ҳам Экман фикрини тасдиқлади. Эйбл-Эйбесфельдт туғма кўр ва кар бўлган олти боланинг муайян эмоционал ҳолатдаги юз ифодалари бошқа соғлом индивидлардан фарқ қилиш ёки қилмаслигини аниқлаш мақсадида кузатув ўтказди. Болаларнинг ёқимли иш билан шуғулланганда кулишлари, номаълум ҳидли предметни сезганда, ҳайрон бўлиб қошларини кўтариши, ёқимсиз нарсалар таклиф қилинганда, қовоқларини солиши маълум бўлди⁴. Болалар ҳеч қачон бошқа одамлардаги шундай юз ифодаларини кўрмаган эдилар. Демак, бу реакциялар, афтидан, туғма бўлса керак.

Юз ифодаларини кодлаштириш тизимини қўллаб, Экман ва Фрисен янги туғилган чақалоқларда муайян эмоционал ҳолатларнинг катталардагига ўхшаш юз мускуллари дискрет ҳаракатлари мажмуини аниқладилар. Масалан чақалоқларнинг нордон нарса таъмига нисбатан юз ифодаси катталардаги нафрат ифодасига (лабларни қимтиш ва қовоқ солиш)га ўхшар эди. Бироқ одамнинг эмоцияларини ифодалашда туғма омиллар мавжудлиги шубҳасиз бўлса ҳам, индивидуал ва маданий омиллар турли вазиятларни қабул қилиш шаклига ўз таъсирини ўтказди. Кулиш усули, лаб ва юз мускулларининг ҳаракати, кулгунинг давомийлиги турли маданиятларда турлича бўлади.

Барча ёки ҳеч бўлмаса кўпчилик маданиятларда бир хил бўлган тана аъзолари ҳаракати (жестлар) ёки ҳолати ҳеч учрамайди. Баъзи жамиятларда «йўқ» маъносини ифодалаш учун бошни ирғашади. Бу эса бизда «ҳа» маъносини беради. Биз учун жуда оддий ҳисобланган ишоралар бошқа халқлар учун мутлақо номаълум бўлиши мумкин. Ва бунинг аксича баъзи ишо-

⁴ *Eibl-Eibesfeldt I. Similarities and differences between cultures in expressive monements. In: Robert A. Hinde (ed). Non-verbal Communication. Cambridge, 1972.*

ралар инглиз-америка маданиятида номаълум бўлиши мумкин. «Юзни айлантириш» ишораси (кўрсаткич бармоқни юзнинг марказида айлантириш) Италиянинг баъзи ҳудудларида мақтовни билдиради. Европанинг бошқа қисмларида эса у номаълум.

Юз ифодалари, тана ҳолатлари, ишоралар сўзларга «қўшимча» сифатида шунингдек, ҳеч нарса айтилмаган бўлса, маъно узатиш мақсадида ишлатилади. Биз атайлаб бажармайдиган но-вербал сигналлар кўпинча айтилаётган ва асл ҳолатнинг бир-бирига мос эмаслигини кўриш имконини беради. Энг яққол мисол — одамнинг қизариши. Бироқ жуда кўп нозик кўрсаткичлар ҳам борки, уларни четдан пайқаб олиш мумкин. Одатда юздаги ҳақиқий ифода тўрт-беш секунд давом этади, шунинг учун бундан узоқроқ давом этадиган кулгу ёки ҳайрат ифодаси носамимийлик тўғрисида ахборот беради. Кундалик ҳаётдаги мулоқот ва фаолият шакллари каби юз ифодаси, тана ҳолатлари, ишоралар ҳазил-мутоиба сифатида, киноя ёки шубҳани ифодалаш учун қўлланилиши мумкин. Узоқ давом этадиган ҳайронлик ифодаси баъзан одам аслида ҳайрон бўлмаётганлигини кўрсатиш учун пародия сифатида қўлланилади.

«Юз» ва маданият

Баъзан «юз» деганда бошқалар томонидан ифодаланган индивидга муносабат назарда тутилади. Кундалик турмушда биз «юзимизнинг оқ» бўлишига катта аҳамият берамиз. «Гарбияланганлик» ёки «одоб» деганда хулқ-атворнинг шахсиз жиҳатлари тушуниладики, уларга эътибор бермаслик «юзни қора» қилиши мумкин. Масалан ўтмишдаги эпизодлар ҳақидаги ёки индивиднинг интим тавсифи тўғрисидаги ҳикоялар жамоатчилик йиғилишида хижолатликка олиб келиши мумкин, бундай ҳолларни шарҳламайдилар, уларни эса ҳам олмасликка ҳаракат қиладилар. Агар суҳбатдошлар унчалик яхши таниш бўлмаса, парик кийган одам олдида каллар ҳақида гапирмайдилар, яхши танишлар олдида эса бу ҳақда ҳазил қилиш ҳам мумкин. Одоб — ҳимоя мурватининг бир тури бўлиб, ундан одамнинг камчиликлари ҳаммага беаёв намоиш қилинмаслиги умидида фойдаланадилар. Демак кундалик хулқ атвор — тасодифий эмас. Одамлар бир-бирлари билан ўзаро таъсирга киришганда, ўзлари ҳам сезмаган ҳолда юз ифодаси, тана ҳолати ва ишораларга аҳамият берадилар ва уларни назорат қиладилар.

Баъзи одамларда юз ифодасини назорат қилиш ва муомаладаги одоб юқори даражада такомиллашган бўлади. Бундай профессионализм ўзи ёқтирмайдиган, ҳатто нафратланадиган одамлар билан ҳам ўзаро муомалага киришганда ўзини эркин ва бемалол тута оладиган дипломат учун хосдир. Баъзан у бунга қай даражада эришишига бутун миллатларнинг тақдири боғлиқ бўлиб қолади. Маҳоратли дипломат халқлар ўртасидаги тарангликни юмшатиб, урушнинг олдини олиши мумкин.

Ижтимоий қондалар, суҳбатлар ва сўзлашув

Биз томондан кўплаб новербал сигналларнинг қўлланилиши ва бошқалар томонидан уларнинг тушириб қолдирилишига қарамасдан, ўзаро таъсирларимизнинг кўп қисми сўзлашув ёки суҳбат шаклида ўтади. Социологлар ҳар доим ижтимоий ҳаёт учун тил фундаментал аҳамиятга эга, деб ҳисоблаганлар. Бироқ кундалик ҳаётдаги вазиятларда тилнинг қўлланилишига асосий эътибор қаратиладиган ёндошув фақат яқинда ишлаб чиқилди. Тил ёрдамида мулоқот амалга оширилганда энг кўп учрайдиган ҳодиса — номунтазам вербал фикр алмашув, яъни бошқалар билан норасмий суҳбатлар жараёнидаги сўзлашув юз беради. Сўзлашувни бевосита тадқиқ этишга бағишланган Гофманнинг ишлари буни чуқурроқ англашга туртки берди. Бироқ бу соҳада энг машҳур ишлар этнометодология⁵ асосчиси Гарольд Гарфинкелнинг тадқиқотлари ҳисобланади.

Этнометодология бошқаларнинг ҳаракат ва нутқларини тушуниш учун одамлар қўллайдиган «этнометодларни» (халқ усуллари ёки кундалик усуллар) ўрганишдир. Ҳар бир одам бошқалар билан ўзаро таъсир қилиш жараёнини ўзининг усуллари ёрдамида англайди, бу усулларни у онгсиз тарзда қўллайди. Биз сўзлашув маъносини фақат сўзларда ифодаланмайдиган контекст вазиятини билган тақдиримиздагина тўғри тушунишимиз мумкин. Мана бу сўзлашувни олиб кўрайлик.⁶

А: Менинг ўғлим 14 ёшда.

Б: Яхши.

А: Менинг итим ҳам бор.

Б: Вой, минг афсус!

Сизнинг фикрингизча нима юз берапти? Агар бизга бу сўзлашув квартира эгаси ва квартирани ижарага олмақчи бўлган одам ўртасида бўлиб ўтганини айтилса сўзлашув қатнашчилари ўртасидаги муносабатларни, сўзлашувни нима учун ва нима мазмунда амалга оширилганини биз дарров тушунамиз. Бундай сўзлашув маъно касб этади. Шунга қарамасдан, ижтимоий контекстни билмасак, Бнинг жавоблари Анинг сўзларига мутлақо алоқаси йўқдай кўринади. Маънонинг бир қисми сўзларда бўлса, бошқа қисми сўзлашув билан боғлиқ ижтимоий контекстда. Сўзлашув фақат контекстда маъно ва аниқлик касб этади.

Ўзаро тушуниш

Кундалик сўзлашувларнинг кам аҳамиятли шаклларида кўпчилик иштирок этаётган томонлар «ўйинга киритаётган» жамоа билимни тақозо этади. Сиртдан бу ўз-ўзидан тушунарли ҳодисадай кўринади, бироқ айти пайтда ҳатто энг содда сўзла-

⁵ *Garfinkel Harold. Studies in Ethnomethodology. Oxford, 1984.*

⁶ *Heritage John. Garfinke and Ethnomethodology. Cambridge, 1984.*

шув ҳам шу қадар мураккабки, ҳозиргача одамлар билан биз ўзаро суҳбатлашадигандай сўзлаша оладиган компьютер яратилгани йўқ. Суҳбатда қўлланиладиган оддий сўзлар аниқ маънога эга эмас, ва биз ўзимиз айтмоқчи бўлган ёки тушунган фикр очиқ баён қилинмайтиган фаразларни қўллаб «қайд этамиз», агар бир одам иккинчисидан «кеча нима билан шуғулландинг?»,— деб сўраса, бу саволга «еттидан ўн олти минут ўтганда уйғондим, еттидан ўн саккиз минут ўтганда ўрнимдан турдим, ваннахонага кириб тишимни тозалай бошладим. Еттидан ўн тўққиз минут ўтганда душда чўмила бошладим...» қабилдаги жавобни талаб қилмайди. Бизнинг жавобимизнинг типич саволни ким бераётгани, у билан биргаликда қандай фаолият тури билан шуғулланишимиз, бу ҳафта давомида ҳар куни нима билан шуғулланади ва шунга ўхшаш бошқа кўпгина нарсаларга боғлиқ бўлади.

Гарфинкел тажрибалари

Гарфинкелнинг талабалар билан ўтказган тажрибаларининг ихтиёрий асосий мавзуи кундалик сўзлашувлардаги кутиш асоси эди. Талаба ўзига таниш бирор одамни суҳбатга тортиб, унинг ҳар бир ремарка ва луқмасининг маъносини аниқлаши керак эди. Тасодифий танбеҳлар, умумий шарҳлар ҳам эътиборсиз қолдирилмай, уларнинг аниқ маъноси равшанлаштириб турилди. Агар бирор киши «хайрли кун» деса, унга ҳам “хайрли кун” деб жавоб беришарди. «Хайрли» қайси маънода ишлатилди, «куннинг қайси вақтини назарда тутдингиз?» ва ҳоказо сўзлар айтилди. Бўлиб ўтган диалоглардан бири куйидагича эди.

(А қўлини саломлашиш маъносидан юқорига кўтарди).

А: Ишлар қалай?

Б: Қайси маънода сўраясан? Соғлигимними, молиявий ишларимними, ўқишимними, хотиржамликними?

А: (қизариб кетган ва тўсатдан ўзини йўқотаётган ҳолат) Шунақами ҳали?! Мен ўзимни фақат хушмуомалали қилиб кўрсатмоқчи эдим. Ростини айтсам, сен ўзингни қандай ҳис қилишингга тулурдим!

Нима учун шунчалик арзимас ҳолатлардан четга чиқиш одамларнинг ўзини йўқотиши ёки жамъи чўқишига сабаб бўлади? Гап шундаки, кундалик ижтимоий турмушимизнинг барқарорлиги ва маъносини нимани ва қандай гапириш кераклиги тўғрисидаги баланд овоз билан айтилмайдиган умуммаданий фаразларни ўзаро тушунишга асосланади. Агар мана шу фаразларни қабул қилиш қобилияти бўлмаганда мазмунли мулоқотнинг имкони бўлмас эди. Бундай ҳолда, Гарфинкелнинг ёрдамчилари кўрсатгандай, ҳар бир луқма беўхшов процедура билан бирга кечиши керак бўлар эди; бундай ҳолатда ҳар қандай мулоқот маъносиз бўлиб қолар эди. Демак, биринчи қарашда арзимайдиган бўлиб кўринган нарса ижтимоий ҳаётнинг фун-

даментал каркаси бўлиб чиқади. Айнан шунинг учун ҳам бу шартлиликлардан четга чиқиш жиддий қабул қилинади.

Кундалик ҳаётда одамлар баъзан назарда тутиладиган фарзани эътиборга олмаётгандай бўлиб кўринадилар. Бу бошқаларга жавоб бериш, ҳазил, уларни уялтириш ёки айтилаётган фикрининг икки хил маъносига эътиборни тортиш мақсадлида амалга оширилади. Ота билан ўсмир ўртасидаги мумтоз луқма алмашиш мисолини кўриб чиқайлик:

О: Бирор жойга кетаяпсанми?

Х: Уйдан.

О: Нима қилмоқчисан?

Х: Ҳеч нима.

Ўсмирнинг жавоблари Гарфинкел тажрибасида кўнгиллилар берган жавобларнинг тескариси. Икир-чикирларни аниқлашга қаратилган гайри-меъёрий саволлардан фарқли тарзда ўсмир масаланинг моҳияти бўйича жавоб беришни хоҳламан — амалда у «ўзинг бил!» демоқчи, бошқа вазиятларда бошқа одам бу саволга мутлоқ бошқача жавоб берган бўларди:

А: Сен қаёққа кетаяпсан?

Б: Мен анави бурчакдан бурилмоқчиман.

Б Анинг саволини, безовталиқ ёки жаҳл чиқариш учун атайлаб «тушунмади». Комедиялар, ҳазиллар ва ўткир луқмалар сўзлашувда қўлланиладиган худди мана шундай «тушунмасликдан» келиб чиқади. Бунда хавф туғдирадиган ҳеч нарса йўқ, чунки бундай ҳаракатларнинг мақсади — одамларни кулдириш.

Сўзлашув шакллари

Ўз нутқининг магнит тасмасидаги ёзувини тинглаш ёки ўзи ўтказган суҳбатнинг конспектини ўқиш — анча ҳушёр тортирадиган машғулот. Маълум бўлишича бизнинг сўзлашувларимиз ўзимиз ўйлагандан кўра анча саводсиз ва бир-бири билан боғланмаган экан. Кундалик сўзлашувларда иштирок этар эканмиз, биз, чиройли гапиряпмиз, деб ўйлаймиз, чунки ишлатилаётган сўзларни назарда тутилаётган асослар билан онгсиз тарзда «тўлдирамиз», аслида эса бизнинг суҳбатларимиз романлардаги персонажлар тўғри қурган ва бекаму-кўст диалогларда катта фарқ қилади.

Кўпчилик суҳбатларга хос бўлган қуйидаги пайдар-пайликни кўриб чиқайлик (схемага қаранг):

Е: О, азизам, сен мени таклиф қилган тушлик жуда ажойиб эди.

Менга [шундай] ёқдики! Бу шундай ажойиб эдики! [: Мен]
М: [Оҳ :::] [Эҳ]

М: [Сенинг] келганингдан мен хурсандман
Е: [Сенинг ҳам] дўстларинг жуда : ёқимтой =

М: = О, [: Жуда ёқимтой]
Е: [Айниқса,] Пет, [шундай эмасми?]
М: Ҳа [у жуда] ажойиб,
(.)

Е: Оҳ, у ажойиб қиз.=

М: = Ҳа мен ҳам уни ажойиб қиз деб ўйлайман.

Калитлар:

[] Ҳар иккисининг барабар гапириши.

Курсив алоҳида куч ёки баланд овоз билан айтилган сўз ёки ибораларни билдиради.

= Суҳбат узлуксиз, суҳбатдошлар бир-бирининг ўрнига ҳам гапир бошлаганини билдиради.

: Овоз ёки оҳангдаги ўзгариш билан боғлиқ сўз ичидаги қисқа паузани билдиради.

() Иборалар ўртасидаги одатдагидан кўра бироз чўзиқроқ паузани англатади.

Сўзлашувнинг бирор қисми ҳам якунланган эмас. Ҳар икки сўзлашувчи ҳам бир-бирининг гапини бўлади, тенг гапиради, сўзларни тутатмай «осилтириб қўяди».

Гоффманнинг фуқаро безътиборлигига бағишланган ишларидаги каби, кундалик сўзлашувларни таҳлил қилишга бағишланган ишлари социология учун жуда кам аҳамиятга эга, дейиш мумкин; ҳақиқатдан ҳам кўпчилик социологлар этнометодологик тадқиқотларни худди мана шунинг учун ҳам танқид қилган эдилар. Шунга қарамасдан, Гоффман ишларининг муҳимлигини кўрсатиш учун қўлланилган баъзи далилларни этнометодологияга нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Кундалик нутқни ўрганиш энг оддий одамларда ҳам тил малакалари қанчалик мураккаб ва нозик эканини кўрсатади. Компьютерларни одам қийналмасдан бажараётган ишларни қилиш учун дастурлаштиришда вужудга келадиган катта қийинчиликлар мана шу мураккабликларнинг даражаси ҳақида тасаввур бера олади. Бундан ташқари, сўзлашув — ижтимоий турмушнинг ҳар қандай соҳасининг зарурий бўлаги. Президент Никсон ва унинг маслаҳатчиларининг Уопергейтдаги ёзувлари оддий сўзлашувни ёзиб олиш эди, бироқ улар айна пайтда энг олий даражадаги сиёсий ҳокимиятнинг намоён бўлишидаги қисм ҳам эди.⁷

⁷ Molotch Harvey and Deirdre Boden. Talking social structure: discourse, dominance and the Watergate hearings // American Sociological Review, 50. 1985.

Хатолик ва янглишлар

Ундов — реакциялар

Баъзи луқмалар нутқ бўлмасдан, тушунарли бўлмаган ундовлардан ташкил топади, уларни Гоффман ундов-реакциялар,⁸ деб атаган эди. Фараз қилайлик, бирор киши бирор нарсани синдириб қўйса ёки қўлидан тушуриб юборса «вой!», дейди. Биринчи қарашда бу — ҳодисага нисбатан рефлектор реакциядай кўринади, масалан, қўлни кескин ҳаракатлантирганда кўз беихтиёр юмилгани каби. Бироқ аслида бу беихтиёр реакция эмас, у инсон хатти-ҳаракатларининг умумий тавсифини акс эттиргани учун батафсил таҳлил қилиб кўриш керак. Одатда одам ёлғиз ўзи бўлганда «вой!», демайди, бу сўз бошқаларга бу ҳодиса тасодифий экани ва индивид ўз хатти-ҳаракатларини бошқара олмаслигини ифодаламаслигини билдиради.

Кичик ва арзимас ҳодисалар юз берганда «вой!», дейилади. Бироқ катта бахтсизлик ва фожеалар юз берганда у ишлатилмайди, мана шу ҳам ундовлар ижтимоий ҳаётнинг икир-чикирларини бошқаришда зарурий қисм эканини кўрсатади. Ундов ҳодисани кузатиб турган бошқа одам томонидан ҳам айтилиши мумкин, бунда у бошқа одамни огоҳлантириш учун қўлланилади. Ундов қисқа бўғин ва товушлардан иборат бўлади, бироқ баъзан у чўзилиши ҳам мумкин. Қандайдир хатти-ҳаракатларнинг кескин нуқталарида шундай бўлиши мумкин. Болани ҳавога ирғитар экан, ота «хўп-па», дейди. Бу ундов бола таянччи йўқотган даври давомида айтилади ва уни қўллаб туради ва ундовни тушуниш учун боланинг эътиборини жалб қилади.

Айтилганларнинг бари бўрттириб юборилган муболағадай кўриниши мумкин. Арзимас ундовни шунчалик батафсил таҳлил қилишга нима ҳожат бор эди? Биз ўзимиз гапираётган нутқ, бажараётган ҳаракатларнинг тафсилотларига шунчалик кўп эътибор беришимиз керакми? Онгли даражада, албатта, йўқ, бироқ, муҳим жойи шундаки, биз ўз хатти-ҳаракатларимиз устидан фавқулодда мураккаб ва узлуксиз назоратни *оддий ҳолат, деб қабул қиламиз*. Узаро таъсир вазиятларида биздан фақат бизнинг «мавжудлигимизни» кутишмайди. Бошқалар биздан ва биз улардан, Гоффман таъбири билан айтганда «назорат қилинадиган хушёрликни кутамиз». «Одам бўлиш»нинг фундаментал қисми бошқаларга ўзининг кундалик ҳаёт икир-чикирларига нисбатан компетентликни намоёни қилишдадир.

Валдирашлар

Хатти-ҳаракатларимиздаги арзимас муваффақиятсизликлар муносабати билан «вой» деймиз. Биз, шунингдек, суҳбатлар, маърузалар, оммавий нутқлар ва бошқа вазиятлардаги нутқи-

⁸ Goffman Erving. Forms of Talk. Philadelphia, 1981.

мизда ва талаффузимизда хатоларга йўл қўямиз. «Кундалик турмуш психопатологияси»ни тадқиқ қилишда З. Фрейд сўзда турли хил «қовун тушириш»нинг кўплаб мисолларини таҳлил қилди.⁹ Фрейд фикрига кўра, нутқдаги барча хатоликлар, нотўғри талаффузлар ва сўзлар таркибидаги ўринсизликлар тасодифий эмас. Уларнинг бари — ички низоларнинг аломатлари, бизнинг ост онгимиз онгли сўзлар ва ҳаракатларимизга ўтказаятган таъсирнинг натижаси. Валдирашлар биз онгсиз равишда ҳис қилаётган, лекин онг даражасига чиқармаётган туйғулар билан боғлиқ. Кўпинча, бироқ ҳар доим ҳам эмас, валдирашлар сексуал ассоциациялар билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан баъзилар «организм» демоқчи бўлиб, «оргазм» дейиши мумкин. Ёки Фрейд келтирган мисолда бир киши савол беради: «Ўғлингиз қайси полкда?». Аёл жавоб беради: «Қотилларнинг 42-полкида» (немисча у айтмоқчи бўлган *morsel* — миномёт, *mordel* — қотил маъносини билдириб қолди, дейлик).

Нотўғри тушуниладиган хатти-ҳаракат ва сўзларнинг бошқа турлари каби, валдирашлар ҳам кўпинча кулгили бўлади ва ҳазил деб қабул қилиниши мумкин. Фарқ шундаки, сўзловчи онгли ёки онгсиз тарзда хатога йўл қўяди. Баъзан валдирашларни «ўринсиз нутқ» дейилади, Фрейд тахминига кўра, улар ҳам ост онга боғлиқ тарзда, яъни одам ўзи гапираётган икки маъноли сўзнинг маъноларини аниқ ажрата олмаганда юз беради. Бу атайлаб қилиниши ҳам (ҳазиллашиш мақсадида) ёки нутқни назорат қилишдаги хатоликлар билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин.

Радио ва телевидение суҳандонлари нутқидаги «қовун туширишлар» ҳам ёрқин мисол бўлади. Суҳандон нутқи, одатда, олдиндан ёзиб қўйилади, у оддий оғзаки нутқдан «мукамалроқ», унда хатолар кам ва ифода аниқроқ. Худди шунинг учун ҳам суҳандонларнинг «хатолари» кўзга яққолроқ ташланади. Уларнинг нутқидаги хатоликлар Фрейд кўрсатиб ўтган табиатга эга. Қуйида мана шундай хатолардан бир нечтаси келтирилган¹⁰.

«Черков эфирда» телекўрсатувининг якунида томошабинларга вақт барча яраларни янгиллашини эслатиб қўйишга рухсат беринг.

Эфирда Канада кенг Қўламли Бичишнинг радиостанцияси.

Тухумнинг сариғини ажратинг, унга сут қўшинг, кейин аста-секин шакар упаси билан аралаштиринг. Бу ишни қилар экансиз, аралашма ачишини кузатиб туринг.

Кейинги мисоллар икки хил маънога эга бўлган «ноўрин нутқ» тоифасига киради:

Етиб келган хонимлар ўз кийимларини ечиши билан улар ҳақида дарҳол гамхўрлик қилишади.

⁹ Freud Sigmund. The Psychopathology of Everyday Life. Harmondsworth, 1975.

¹⁰ Goffman Erving. Forms of Talk. Philadelphia, 1981.

Бизнинг қаравотларимиз қулайлигини синаб кўринг. Мен шахсан ҳар бир сотилаётган қаравот ортида тураман.

Йўқолган машина ва буюмлар Лос-Анжелес полиция Департаменти томонидан ўғирланган нарсалар рўйхатига киритилди.

Биз суҳандонлар ва ўқитувчилар нутқидаги хатоликлар устидан оддий суҳбатдаги хатоларга қараганда кўпроқ қуламиз, чунки суҳандонлар ва ўқитувчилар нутқни мукамал эгаллаган бўлишлари керак, деб тасаввур қиламиз. Фақат сўзлашув ва валдираш эмас, балки суҳандоннинг мукамал тимсолини ўзгартирувчи иккиланиш ҳам қулгили туюлиши мумкин. Кам бўлса ҳам баъзан совуқ профессионализм ниқоби остига қараш ва у ердан «оддий инсонни» кўриш имконига эга бўламиз.

Ўзаро таъсир жараёнида юз, нутқ ва тана ҳолати

Юқорида баён қилинганларга яқун ясаймиз. Кундалик ўзаро таъсир юз ифодаси, тана аъзолари ҳаракати ва сўзлар ўртасидаги жуда нозик ўзаро алоқаларга боғлиқ. Биз бошқа одамларнинг сўз орқали берган ахборотларини кенгроқ тушуниш ва уларнинг қанчалик самимий эканини билиш учун уларнинг юз ифодаси ва тана аъзолари ҳаракатига эътибор берамиз. Бошқа одамлар билан кундалик мулоқотга киришганда, ҳар биримиз доимо ва англамаган ҳолда юзимизнинг ифодаси ва танамиз ҳаракатини назорат қилиб турамыз.

Бироқ баъзан шундай валдирашлар юз берадики, биз онгли ёки онгсиз тарзда яширишни истаган нарсалар ҳам очилиб қолади. Валдирашларда «жуда кўп ҳақиқат» намоён бўлади, масалан «аралашма айнияти», деганда, сўзловчига тортнинг рецепти унчалик ёқмагани маълум бўлади. Валдирашлар кўпинча бизнинг ҳақиқий туйғуларимизни ифодалайди.

Шундай қилиб, юз, тана аъзолари ҳаракати ва нутқ муайян маънони билдириш ва бошқаларни яшириш учун хизмат қилади. Биз ўз фаолиятимизни ижтимоий турмуш контекстида ташкил қиламиз ва ҳозир кўрадиган нарсага эришиш мақсадида амалга оширамыз.

Тўқнашувлар

Кўпгина ижтимоий вазиятларда биз, Гоффман таъбири билан айтганда, бошқа одамлар билан фокуслашмаган ўзаро таъсирга киришамиз. Бундай ўзаро таъсир одамлар бир-бирларини кўриб турганларини сездирганларида юз беради. Одатда бу одамлар кўп тўшланган вазиятда, серҳаракат кўчада, театр олдидаги тўдада, ўтиришда юз беради. Иштирок этаётганлар ҳатто ўзаро сўзлашмасалар ҳам новербал мулоқотга доимо жалб қилинган бўладилар. Ўзининг ташқи кўриниши, ҳаракатлари, қарашла-

ри, юз ифодаси ва тана аъзолари ҳаракати билан улар муайян таассуротларни бошқаларга етказиб турадилар.

Фокуслашган ўзаро таъсир индивидлар бир-бирлари қилаётган иш ёки гапираётган фикрларга бевосита эътибор қаратганда юз беради. Бир нечта одамнинг ҳар қандай мулоқоти ўз ичига фокуслашган ва фокуслашмаган ўзаро таъсирни қамраб олади. Якка фокуслашган ўзаро таъсирни Гоффман тўқнашув, деб атади. Кундалик ҳаётимизнинг катта қисми бошқа одамлар — оила аъзолари, дўстлар ва ҳамкасабалар билан фокуслашмаган ўзаро таъсир асносида юз берадиган узлуксиз тўқнашувлардан иборат бўлади. Гап сотиш, расмий муҳокамалар, ўйинлар ва кундалик шахсий мулоқотлар (билет сотувчилар, официантлар, дўкондаги хизматчилар ва бошқалар билан) булар тўқнашувларга мисоллар.

Тўқнашувларни доимо «очиш» керак. Бундай «очиш» пайтида томонлар бир-бирларига фуқаро безътиборлигидан воз кечганларини намойиш қиладилар. Бироқ ёт одамлар учрашиб сўзлашув бошланган жойда (масалан, ўтиришда), фуқаро безътиборлигидан воз кечиш нуқтаси ҳар доим муайян таваккалчиликни назарда тутати, чунки юз бериши мумкин бўлган тўқнашувнинг моҳияти нотўғри талқин қилиниши мумкин.¹¹ Демак, аввало, ноаниқ визуал синаш мулоқоти юз беради. Агар бу кириш қабул қилинмаса, одам гўё тўғри ҳаракатни бажармагандай, ҳаракатларни давом эттириши мумкин. Шу маънода Гоффман икки тип ифодаларини фарқлайди: индивидлар «берадиган» ва индивидлар «чиқарадиган» ифодалар. Биринчи тип одамлар бошқаларда муайян таассурот қолдириш учун ишлатадиган сўзлар ва юз ифодалари. Иккинчи тип эса одамнинг самимийлиги ва ҳақиқатгўйлигини аниқлаш учун қўлланиладиган бошқа сигналлар билан боғлиқ. Ресторан хўжайини миждозларнинг улар таомлардан мамнун эканликлари ҳақидаги сўзларини тингламоқда. Айни пайтда у миждозлар қанчалик мамнун бўлганликларини тарелкаларда ортиб қолган овқат миқдори ва улар нутқининг оҳангидан аниқлаб олиши мумкин.

Вазият ва ҳолатлар

Кундалик ҳаёт бошқа одамлар билан турли вазият ва ҳолатларда тўқнашув серияларидан иборат. Кўпчилигимиз кун давомида жуда кўп одамлар билан учрашамиз ва сўзлашамиз. Аёл киши эрталаб тургач оила билан нонушта қилади, болаларни мактабга кузатади, мактаб дарвозаси олдида танишлар билан бир неча оғиз сўзлашади, йўлда радио эшитиб, ишга жўнайти. Кун давомида у ҳамкасблари ва миждозлари билан бир неча лўма ташлашдан то расмий учрашувларгача бўлган кўпгина тўқнашувларда қатнашади. Бу тўқнашувлардан ҳар бири (мар-

¹¹ *Goffman Erving. Forms of Talk. Philadelphia, 1981. P. 214—221.*

керлар) ёки Гоффман таъбири билан айтганда, фокуслашган ўзаро таъсирнинг ҳар бир эпизодини бошқасидан ва кейинги планда юз бераётган фокуслашмаган ўзаро таъсирдан ажратиб турадиган қавслар билан ажратилган бўлади.

Компанияда ёки ўтиришда суҳбат билан машғул бўлган одамлар шундай ўрнашадиларки, ёнларидаги одамлардан ҳам ажралиб туришга ҳаракат қиладилар. Масалан, улар бир-бирларига юзма-юз туришлари ва шу билан бошқаларнинг ўзлари иштирок этаётган фокуслашган ўзаро таъсирни ёки хонада бошқачароқ позицияни эгалламагунларича суҳбатга аралашувни муаммоли қилиб қўйишлари мумкин. Расмий ҳолатларда тўқнашувнинг боши ёки охирини, ёхуд ўзаро таъсир босқичини белгиловчи «қавс» вазифасини кўпинча алоҳида белгилар бажаради. Масалан спектакл бошланишидан олдин кўнғироқ чалинади, чирок ўчади, парда кўтарилади. Кўриниш охирида чирок яна ёнади, парда эса пастга тушади.

Тўқнашувларнинг чегаралари, айниқса улар одатдаги кундалик процедураларидан кескин фарқ қилганда ёки юз бераётган ҳодисаларда қандайдир ноаниқлик бўлганда, жуда муҳим бўлиб қолади. Бадиий синфда танасини яланғоч ҳолда намойиш этаётган аёл талабалар олдида ечинмайди ҳам кийинмайди ҳам. Алоҳида хонада одамлар йўқ жойда ечиниш ва кийиниш танани тўсатдан намойиш этиш ва бекитиш имконини беради. Шундай тарзда эпизод чегаралари белгиланади ва айни пайтда бу эпизод сексуал жиҳатга эга эмаслиги билдирилади.

Жуда чекланган маконларда, масалан лифтда фокуслашган ўзаро таъсирни чеклаш жуда қийин ёки умуман мумкин эмас. Суҳбатда иштирок этаётган одамлар «тингламаётганликларини» бошқа вазиятда кўрсатганларидек намойиш эта олмайдилар. Шунингдек, бу вазиятда фуқаро безътиборлиги йўл қўядиган меъёрларга зид тарзда тикилиброқ қарамаслик ҳам мумкин эмас. Шунинг учун ҳам одамлар кўпинча лифтда ноаниқ маконга, кнопкага, йўлдошдан бошқа ҳар қандай нарсага қараб «эшитмаётган» ва «қарамаётган» ҳолатларни эгаллайдилар. Лифтдаги сўзлашув одатда узилиб туради ёки бир неча кичик луқмалардан иборат бўлади. Худди шу тарзда бир неча одам сўзлашиб турган бўлса, улардан бири суҳбатни узиб телефон кўнғироғига жавоб бера бошласа, бошқалар бу ҳодисага безътиборликни дарров намойиш қила олмайдилар ва давом этаётган суҳбат бир неча дақиқа узилишли ва ишончсизроқ бўлиб қолади.¹²

Таассуротларни бошқариш

Ижтимоий ўзаро алоқаларни таҳлил қилар экан Гоффман ва бошқа муаллифлар кўпинча театр санъатидан олинган тушунчаларни қўллайдилар. Социологияда ишлатиладиган ижтимоий роллар концепциясининг ўзи ҳам даставвал театрдан олин-

¹² Goffman Erving. Behaviour in Public Places. New York, 1963. P. 156.

ган. Роллар — ижтимоий кутишлар бўлиб, унга мазкур мавқе ёки ижтимоий позиция эгаси амал қилади. Масалан, ўқитувчи бўлиш муайян ўзига хос позицияни эгаллашни билдиради. Гоффман қўллаган драматургия модулида ижтимоий ҳаётга сахнада ёки кўпгина сахналарда актёрлар ижро этадиган пьеса сифатида қаралади, чунки бизнинг ҳаракатларимиз биз ҳозир бажараятган роль томонидан белгиланади. Одамлар ўзларини бошқалар қандай қабул қилаётганларига жуда сезгир бўладилар, ва жуда кўп усуллар ёрдамида ўзлари бошқаларда қолдираётган *тасаввурларни бошқариш* ва ўзлари истаган реакцияга эришишга ҳаракат қиладилар. Амалда ҳар бир одам хизмат юзасидан учрашувлар, дўстлари билан футбол матчида боргандагина бошқачароқ кийинади ва ўзини тутати.

Олд ва орқа планлар

Гоффманнинг тахминига кўра, ҳаётнинг кўп қисми олд ва орқа планларга бўлинади. Олд план — бу ижтимоий вазият ёки тўқнашувлар бўлиб, унда формал ёки стиллашган роллар ижро этилади, одамлар гўё сахна тамошасида қатнашаётгандай бўладилар. Орқа план кейинги ижтимоий тўқнашувларга тайёрландиган ёки реквизитлар билан шуғулланиладиган жой. Бу театрдаги кийимхона ёки кинода «кадр ортидаги» ҳаракатларни билдиради. Сахна ортида, хавфсиз жойда одамлар бироз бўшашиши, ўзларини эркинроқ тутиши, сахнада қаттиқ назорат қилиб турган туйғулар ва хулқ-атворга эрк беришлари мумкин. Худди шундай, рестораннынг тушлик залида жуда хушмуомала ва сертакаллуф бўлган официант аёл овқат пиширадиган хона эшигидан кириш билан шовқин кўтариши, агрессивлик намоиш қилиши мумкин. Овқат пиширадиган хонадаги аҳволни кўрса, ресторан мижозлари умуман овқат емай қўйсалар, ажабмас.

Орқа планда соддалаштириш, очиқ сексуал ремаркалар, кимнидир кучоқлаш, бетартиб кийим, тананинг беўхшов ҳолатлари, жаргон ёки ноадабий нутқдан фойдаланиш, валдираш ва шовқинлар, ҳазил агрессия ва ўзни болалардай тутиш, бошқаларга эътибор бермай, арзимаган нарсалар билан шуғулланиш, финшиб ашула айтиш, хуштак чалиш, чайнаш, кемириш мумкин.¹³

Олд пландаги томошалар кўпинча, жамоа бўлиб ижро этилади. Масалан телекамера олдидаги икки таниқли сиёсатдон бир-бирлари билан бирлик ва дўстликни намоиш этишлари мумкин, гарчи аслида бир-бирларини кўрарга кўзлари бўлмаса ҳам. Эр билан хотин болалар олдида ўзларининг низоларини уйғунлик таассуротларини сақлаш мақсадида яшириб туришлари, болалар уйқуга ётгандан кейин эса олдингидан қаттиқроқ жанжал бошлашлари мумкин.

¹³ Goffman Erving. The Presentation of Self in Everyday Life. Harmondsworth, 1969. P. 128.

Ролларга кўникиш: интим хусусиятли синов

Жеймс Хенслин ва Мей Бриггс фавқулодда ўзига хос ва жуда нозик тўқнашув турини тадқиқ этишди: улар аёллар гинекологик текширувдан ўтиш учун врач ҳузурига келганда нима юз беришини ўрганишди.¹⁴ Бундай текширувларнинг кўпчилиги эркак докторлар томонидан ўтказилади. Бу жараён ҳар икки томон учун ҳам нозик жиҳатларга эга. Фарб маданиятида эркаклар ҳам аёллар ҳам гениталиялар киши танасидаги энг интим қисм, деган фикр билан вояга етишади; гениталияларни кўздан кечириш ва ушлаб кўриш сексуал муносабатлар билан боғланади. Кўпчилик аёллар гинекологик текширувдан ўтиш олдидан кучли ҳаяжон ҳис қиладилар ва докторга боришдан бош тортадилар, гарчи жиддий тиббий сабаблар боришга ундаса ҳам.

Хенслин ва Бриггс кўпгина гинекологик текширувларнинг натижалари жамланган материалларни таҳлил қилиб чиқдилар. Тадқиқотчилар кузатилаётган хулқни бир нечта типик босқичларга бўлиш мумкинлиги тўғрисидаги хулосага келдилар. Драматургия метафораларини давом эттириб, улар ҳар бир босқични алоҳида «саҳна» сифатида таҳлил қилиш мумкин деган хулосага келдилар, эпизод алмашиши билан рол ҳам ўзгаради. Аёл қабулхонага кириб ўзининг одатий образидан воз кечиб, бемор ролини қабул қила бошлаганда, пролог ҳам бошланади. Уни кабинетга чақирганларида у «бемор» бўлади; биринчи саҳна бошланади. Доктор ишчан, компетент тахлитда ишлайди, аёл билан компетент одам билан гаплашгандай суҳбатлашади, унинг кўзларига қарайди ва диққат билан тинглайди. Текшириб кўриш зарур бўлса бу ҳақда у беморга хабар беради ва хонани ташлаб чиқади. «Биринчи саҳна» шу билан тугайди.

Навбатдаги асосий саҳнадаги муҳим «иштирокчи» — тиббий ҳамшира пайдо бўлади. У бемор аёлни тинчлантиради, хавотирни йўқотади, билагон ва компетент, шунингдек кейинги саҳналарнинг иштирокчиси сифатида ҳаракат қилади. Соддарок қилиб айтганда, тиббий ҳамшира ўз шахсига эга беморга шахсиз мавжудотга айланишда ёрдам беради, чунки шундай ҳолат кейинги саҳна учун зарур. Ҳамшира фақат кузатувчи бўлмай, беморни ечинтиришда, креслога олишда ёрдам беради. Кўпчилик аёллар ички кийимларини доктор кўришини хоҳламайдилар ва ҳамшира бунда уларга ёрдам беради. У беморни креслога кузатиб боради, танасининг кўп қисмини чойшаб билан ёпиб туради ва шундан кейингина хонага доктор кириб келади.

Энди асосий саҳна бошланади. Иштирокчилар — ҳамшира ва доктор. Ҳамширанинг иштироки доктор ва бемор ўртасидаги муносабатлар сексуал мотивлардан йироқлигини тасдиқлашда ишонч бағишлайди, у мабодо докторни непрофессионал хулқ

¹⁴ *Henslin James M. And Briggs Mae A. Dramatutgical desexualization: the sociology of the vaginal examination. In: Henslin (ed). Studies in the Sociology of Sex. New York, 1971.*

учун суд жавобгарлигига тортишса, гувоҳ вазифасини бажариши мумкин. Текшириш шундай тарзда ўтказиладики, беморнинг ўзи гўё йўқдай, чойшаб унинг гениталиясини алоҳида ажратиб туради ва унинг ўзи текшириш жараёнини кўра олмайди. Баъзи бир соф тиббий саволларни ҳисобга олмаса, доктор уни тан олмайди; у пастак табуреткада ўтиради, беморнинг юзини кўрмайди. Бемор ўзининг вақтинча «шахс эмасликка» айланишига савол бермай ва ортиқча ҳаракат қилмай кўмаклашади.

Мана шу сахна ва финал қисм оралигида ҳамшира сахна ишчисини ролини бажаради ва бемор аёлга «Тўлақонли шахсликка» қайтишда кўмаклашади. Шу пайт ҳамшира ва бемор суҳбатга киришадилар, бемор текширув тугаганлиги муносабати билан шукур қилади. Ўзини тартибга солар экан, бемор яқунловчи сахнага тайёрланади. Доктор қайтиб келади, унга оддий инсонга қилинадиган муомала қилиб текширув натижаларини баён қилади. Ўзини хушмуомала, касбга хос тутар экан, беморга унинг бадани билан интим мулоқотга киришиш унга бўлган муносабатни ҳечам ўзгартирмаганини айтади. Бемор қабулхонани тарк этиб ўзининг ташқи дунёдаги мавқеига қайта бошлаганда «эпилог» ҳам бошланади.

Тўқнашувлар ва шахсий макон

Ғарб маданиятида фокуслашган ўзаро таъсирда иштирок этаётган одамларнинг кўпчилиги камида уч фут (90 см) масофа сақлайдилар. Ёнма-ён турган одамлар, бу тўқнашувда иштирок этмаса ҳам бир-бирларига яқинроқ масофада бўлишлари мумкин. Шахсий маконни аниқлашда маданий тафовутлар мавжуд. Яқин Шарқда одамлар ғарбдагига қараганда анча яқин жойлашадилар. Шарққа келган ғарбликлар бундай кутилмаган яқинликни кўриб хижолат тортишади.

Новербал мулоқотни кенг тадбиқ этган Эдвард Т.Холь шахсий мулоқот жараёнида вужудга келадиган макондаги тўртта зонани фарқлайди. Интим масофа (1,5 фут (45 см) дан камроқ) бўлиб танага мунтазам тегиб туриши мумкин бўлган оз миқдордаги ижтимоий контактлар учун белгиланади. Бундай шахсий зонада ота-оналар ва болалар, шунингдек севишганлар бўлиши мумкин. Шахсият масофаси (1,5 дан 4 футгача (45—120 см)) — дўстлар ва яқин танишлар учрашгандаги оддий масофадир. Бу ерда ҳам баъзи интимлик бўлиши мумкин, лекин у чекланган бўлади. 4 футдан 12 футгача (120—360 см) бўлган ижтимоий масофа расмий ўзаро таъсирларда, масалан интервью пайтида сақланади. 4-зона — оммавий масофа — 12 фут (360 см)дан ортиқ бўлиб, одатда аудитория олдида нутқ сўзлаганда унга риоя қилинади.

Оддий ўзаро таъсирда кўпроқ интим ва шахсият масофаси бузилади. Агар бу масофага «таҳдид» қилинса одамлар уни қай-

таришга ҳаракат қиладилар. Бу масофадан «чиқиб кетиш»ни тикилиб қараш, ёки бўлмаса тирсак билан туртиб «таклиф қилиш» мумкин. Агар масофа жуда яқин бўлса, одам одатда бирор табиий чегара ўрнатишга ҳаракат қилади. Масалан кутубхона пештахтаси олдида одамлар орасида турган китобхон, ўзининг шахсий маконини бир тўда китоб билан ажратиб олади.¹⁵

Макон ва замондаги ўзаро таъсир

Бизнинг фаолиятимиз маконда, шунингдек замонда тақсимланганини ўрганиш тўқнашувларни таҳлил қилиш ва умуман ижтимоий ҳаётнинг асосий жиҳатларини тушуниш учун фундаментал аҳамиятга эга. Албатта, барча ўзаро таъсирлар муайян маконда ва вақт оралиғида жойлашган. Кун давомидаги ҳаракатларимиз, одатда, макон ва замонда «зоналаштирилган». Масалан ишга қатнайдиган одамлар шундай «зона»лардан бирини, айтайлик, 9 дан 17 гача — иш вақтини ишлаб ўтказди. Ҳафталик вақт ҳам зоналаштирилган: иш кунларида улар ишда, дам олиш кунлари — уйда. Ишда ўтказилган вақт маконда ҳам ўзгартишни — шаҳарнинг бир туманидан бошқасига, шаҳар чеккасидан марказга боришни тақозо қилади. Шунинг учун ижтимоий ўзаро таъсир контекстини таҳлил қилишда одамларнинг макон ва замондаги ҳаракатларини ҳисобга олиш керак. Кун давомида вақт зоналарида ҳаракат қилганимиздек, маконда ҳам шундай ҳаракатланамиз.

Ижтимоий география мутахассислари ижтимоий ривожланиш ва технологик ўзгаришлари ижтимоий фаоллик шаклларига қандай таъсир ўтказишини таҳлил қилиш учун макон-замон конвергенцияси деган фойдали ва қизиқ тушунчани таклиф қилдилар. Транспорт тизимларининг такомиллашуви натижасида макон-замон конвергенцияси контекстидаги масофалар «қисқара бошлайди». Масалан, Қўшма Штатларнинг шарқий соҳилидан ғарбий соҳилига қилинган саёҳат даврини транспортировка тезлиги ўзгаришига боғлиқ тарзда баҳолаш мумкин. Бу саёҳат пиёда 2 йилдан ортиқ давом этади; отлик — 8 ой; почта қаретасида 4 ой; 1910 йилда темир йўлда 4 кун; автомобилда бугун 2,5 кун; оддий авиарейсда 4 соат; тезюар реактив самолётда 2 соатдан сал кўпроқ; космик «қайиқда» бир неча минут. Макон-замон конвергенциясининг кучайиб бораётган таъсири оқибатида ижтимоий ҳаёт шакллари радикал ўзгаришларни бошдан кечирдилар. Масалан, биз фойдаланадиган кўпгина товар ва маҳсулотлар жуда катта масофага ташиб олиб борилади, ҳатто ер шарининг қарама-қарши томонидан олиб келиниши мумкин. Бунинг барчаси глобал ўзаро боғлиқликнинг ривожланишига ёрдамлашмоқда («Ижтимоий ҳаётнинг глобаллашуви» номли 16-бобга қаранг).

¹⁵ Hall Edward T. The Silent Language. New York, 1959.

Ижтимоий фаолият макон ва замонда қандай тақсимланганини ижтимоий ҳаётнинг макон-замонда зоналашганини тавсифловчи минтақалашув концепцияси ёрдамида тушуниб олишимиз мумкин. Мисол учун хусусий уйни олайлик. Ҳозирги уйлар хоналар, коридор ва қаватларга (агар бир қаватдан ортиқ бўлса) минтақалаштирилган. Уйнинг бу турли-туман таркибий қисмлари алоҳида қисм бўлибгина қолмай, замон ва маконда минтақалаштирилган. Меҳмонхона ва ошхонадан асосан кундузи фойдаланилади, ётоқхонадан эса кечаси. Ҳар бир «минтақадаги» ўзаро таъсир макон ва замон доираларида чекланган. Уйнинг баъзи қисмлари «орқа план» ҳисобланса, бу пайтда «ҳаракат» бошқа қисмларда юз беради. Бу ҳол Гоффманнинг қуйидаги тавсифида ажойиб ифодаланган:

Якшанба кунини эрталаб оила уй ҳужалигининг деворлари ичкаридаги тартибсизликни яшириб туришидан фойдаланадилар. Ноформал атмосфера фақат ошхона ёки ётоқхонага эмас, барча хоналарга тарқалади. Американинг ўрта синф вакиллари яшайдиган даҳаларида кундузи «орқа планни» ажратиб турадиган чизикни топиш мумкин: Болалар майдончасидан онанинг уйигача жинси ва энгил туфли кийган ва косметикадан жуда оз фойдаланган ҳолда сайр қилиб юрадилар. Кундалик зерикарли маросим учун аталган «олд план» ҳар бир «томошадан» олдин ва кейин «орқа план» каби ишлайди. Ресторан, магазин ёки уйга улар кундузги қабулга тайёр бўлишдан бир неча минут олдин кўз югуртириш кифоя.¹⁷

Соат вақти

Соатлар ва соат вақтининг кашф қилинганлиги инсон фаолиятини зоналаштиришга катта таъсир ўтказди. Саноат жамиятлари ҳаракатларни вақтда, шунингдек замонда аниқ ўлчамасдан мавжуд бўла олмайдилар. Вақтни ўлчаш бугун бутун ер шарида стандартлаштирилган. Стандартлаштириш бизнинг ҳаётимиз боғлиқ бўлган мураккаб халқаро транспорт тизимлари ва коммуникацияларни яратиш имконини беради. 1884 йилда Вашингтон халқаро конференцияси ўтказилмагунча жаҳон вақти стандарти мавжуд эмас эди. Мана шу конференцияда дунё 24 соат минтақасига бўлинди ва умумий куннинг аниқ бошланиш вақти белгиланди.

Ҳаракатларни кун ва ҳафта давомида аниқ тақсимлаш дастлаб 14 асда монастирларда пайдо бўлди. Бугунги кунда ўз вақтини тизимлаштирмаган бирорта ҳам ташкилот топилмади, уларда одам қанчалик кўп бўлса, кун режими ҳам шунчалик аниқ бўлиши керак. Бундай боғлиқликни Элитар Зерубавел ўзининг йирик замонавий шифохона вақтини тизимлаштиришга бағишланган тадқиқотда кўрсатиб берди¹⁸. Шифохона кеча-

¹⁶ *Janelle D. G.* Central place development in a time-space framework // *Professional Geographer*, 20. 1968.

¹⁷ *Goffman Irving.* The Presentation of Self in Everyday Life. Harmondsworth, 1969. P. 127.


¹⁸ *Zerubavel Eviatar.* The standardization of time: a sociohistorical perspective // *American Journal of Sociology*, 88. 1982.

си-ю кундузи ишлар, персонал ва захираларни мувофиқлаштириш фавқулудда қийин вазифа эди. Ҳамшираларнинг кўпчилик қисми турли секторларда жойлашган, турли палаталарда ишлашар, иш кундузги ва тунги сменаларга алмаштириб туриларди. Одамлар ва зарур ресурслар бир макон ва замонда бирлаштирилиши керак эди.

Вақт географияси

Замон ва макондаги фаолиятни таҳлил қилишнинг энг муҳим усулларида бири Швециялик ижтимоий географ Торстен Хагерстранд томонидан ишлаб чиқилди.¹⁹ Хагерстранд ўзининг ёндошувини «вақт географияси», деб атайди, аслида эса унинг концепцияси макон ва замондаги алмашишлар билан боғлиқ. Вақт географияси бизнинг ижтимоий фаолиятимиз табиий шароитлар (кўчалар, бинолар, йўллар, туманлар)ни таҳлил қилар экан, улар индивид ва гуруҳларнинг кундалик ва ҳафталик жой алмаштиришларига қай тарзда ва қандай таъсир ўтказишини аниқламоқчи бўлдилар.

Жуда содда мисол. Икки индивид, биз уларни А ва Б, деб атаймиз, шаҳарнинг турли туманларида яшашади. Уларнинг белгиланган кундаги макон-замон йўли муайян вақтда Х нуқтада



2-расм. Макон ва замондаги индивидуал ҳаракат траекторияси: А ва В бир-бирига томон ҳаракатланади, бир неча муддат бирга бўлишади, кейин ажралишади.

¹⁹ Hagerstrand Torsten. The domain of human geography. In: R. J. Chorley (ed). Directions in geography. London, 1973.

уларни бир-бири билан учраштиради — эҳтимол улар кафе ёки ресторанда учрашади, суҳбатлашишади, кейин уларнинг йўли ажрашади ва ҳар бири турли жойда ўзининг иши билан шуғулланади. Агар шу типик ҳаракатларни қайд қилиб борсак, улар ҳаётининг «макон-замондаги манзарасини» чизиш мумкин. Шу тарзда биз макон ва замондаги ҳаракатларни шаҳар туманларининг ҳаётини ташкил қиладиган мозаикага бириктиришимиз мумкин (2-расмга қаранг).

Макон-замондаги чекловлар

Шаҳар ҳаёти манзарасига таъсир ўтказувчи баъзи омилларни англаш учун биз макон-замонни ташкил қилишга таъсир этадиган инсон фаолиятининг жуда оддий, лекин асосий сифатларини аниқлаб олишимиз керак. Кундалик ҳатти-ҳаракатлар макон-замон чекловларининг уч тури билан белгиланади.

Жисмоний имкониятларни чеклаш — инсон танаси конституцияси (тузилиши) билан боғлиқ чекловлар. Масалан, барча одамлар овқат ва уйқуга эҳтиёж сезадилар ва бу фаолиятни макон-замонда зоналаштиришда ҳисобга олинади. Уйдан ташқарида фаолият юритадиган одамларни транспорт воситалари уйига олиб бориб қўяди, уйда эса улар овқат тайёрлайди, ейди ва тунайдилар.

Ўзаро таъсир чекловлари одамларнинг ўзаро таъсир мақсадида муайян жойларда биргаликда тўпланиш имкониятларини белгилайди. Эски шаҳарларда бир ҳудуддан иккинчисига қийналмай боришни таъминлайдиган яхши йўллар кам, шу сабабли ҳам ўзаро таъсирнинг аксар шакллари бу масофаларни пиёда ўтиш билан боғлиқ бўлади. Бундан ташқари, Ҳагшерстренд таърифига кўра барча жисмоний объектлар «сигим чегараси»га, яъни мазкур маконни муайян турдаги фаолият билан шуғулланувчи чекланган миқдордаги одамларгина банд қила олишларини билдиради. Бунга куннинг тифиз пайтидаги транспорт қатнови мисол бўла олади. Кўча ҳаракати имкониятларининг мутлақ чекловлари бўлиб, улар фақат маълум миқдордаги транспорт оқимини таъминлай оладилар, холос; шуниси ҳам борки, тифиз пайтда ҳеч ким белгиланган юқори тезлик билан ҳаракатлана олмайди, бундай вақтларда одатда ҳамма секин юради.

Ҳокимият томонидан ўрнатилган чекловлар, жамиятда мавжуд ҳокимият тизими томонидан белгиланади. Инсоннинг ўзи хоҳлаган жойда яшай олиш ёки олмаслиги кўп жиҳатдан унинг молиявий имкониятлари билан боғлиқ. Кўпчилик одамлар басавлат ва жозибатор уйлар, бой ҳудудларда яшашни хоҳлайдилар, лекин нисбатан оз одамларгина бундай имкониятга эга. Режа кўрсатмалари ҳам ҳудудларга қараб турли типдаги уйлар қуришга чекловлар ўрнатади.

Бундай концепциялар эмпирик тадқиқотларга қандай ёрдам беришини кўриш учун, Австралиядаги Ньюкасл, Янги Жанубий Уэльс шаҳарларининг макон-замон истиқболини ҳисоб-

га олиб тузилган лойиҳани кўриб чиқайлик. Лойиҳада шаҳар марказидан тахминан 22 км масофадаги ижтимоий жиҳатдан бир хил бўлмаган ҳудудда қурилган коммунал-тиббий марказ билан боғлиқ муаммолар тадқиқ қилинди. Марказ энди ташкил этилаётган пайтда унинг раҳбарлари бу ҳудуд аҳолисининг кўпчилиги смена билан ишлашини билишмасди. Мижозларнинг кўпчилиги соат 7 гача ёки 17 дан кейин келиш имконига эга эди. Аини пайтда улар марказ ишга тушгандан кейин, унинг хизматидан кун бўйи фойдаланиш мумкин, деб ўйлар эдилар.

Шундай қилиб, марказ жисмоний имкониятлар ва ўзаро таъсирнинг жиддий чекловлари муаммосига дуч келди. Одатдаги соатлардан ташқари вақтида ишлаш имкониятига эга бўлган персонални топиш жуда қийин бўлди, топилганлари эса бу туманга ўз вақтида етиб келишга қийналар эдилар. Марказ хизматларининг иш жадвалини тузишда кескин муаммолар туғилди: муайян пайтларда сокинлик пайдо бўлар, унда озгина персонал керак бўлар, бошқа пайтларда эса, масалан куннинг ёки ҳафтанинг охирида шунчалик одам кўп бўлардики, рисоладагидай ишлаб бўлмасди. Ходимлар ва мижозларнинг макон-замон траекторияларини тадқиқ қилиб чиққан мутахассислар бу муаммоларнинг манбаларини кўрсатиб бердилар. Улар муаммони захираларни тизимли тарзда тақсимлаш йўли билан ҳал қилишга имкон берадиган позитив қадамларни таклиф қилишди.²⁰

Минтақалаштириш

Ўтган асрда, айниқса, унинг сўнггида кундалик фаолиятни макон-замонда тақсимлаш вақтни мустамлака қилиш, деб аталган ҳодисанинг таъсирига учради. Қишлоқ жойлардан шаҳарларга қараб кечган макондаги миграция янги замон зоналарига «миграция» билан биргаликда кечди:

Оқшом ва тун. Бу ҳақда Мюррей Мелбин қуйидагича ёзади: инсон иммиграциясининг сўнги буюк frontiри замонда кечди: одамнинг уйғоқлик ҳолати сутканинг барча йигирма тўрт соати бўйича ёйилди. Корхоналарда сменали ишнинг турли шакллари вужудга келди, сутка давомида патруллик қилиш пайдо бўлди, телефондан сутканинг ҳарқандай вақтида фойдаланиш имкони вужудга келди. Доимий фаолият юритадиган кўплаб шифохона, аптека, авиарейслар, меҳмонхоналар, ресторанлар, автомобилларни ижарага бериш пунктлари, ёқилги қўйиш тармоқлари, таъмирлаш устaxonалари, кегельбан ва радиостанциялар пайдо бўлди. Автотуризм агентлиги, чилангарлик устaxonалари, гиёҳвандлар, ўз жонига қасд қилганлар ва қиморбозлар учун ҳар вақт ишлаб турадиган «кўмак телефон линиялари» микдори кўпайди. Бу корхоналарда жуда кўп одамлар смена билан ишлайди, корхоналар эса узлуксиз фаолият олиб боради²¹.

Мелбиннинг ҳисоб-китобларига қараганда, ҳар куни АҚШ-да ярим тундан кейин, ётишга тайёрланаётганларни ҳисобга

²⁰ Parkes Don and Nigel Thrift. Times, Spaces and Places. Chichester, 1980. P. 171—172.

²¹ Melbin M. The colonisation of time In: Carlstein T., Parkes D. and Thrift N. Human Activity and Time Geography. London, 1978. P. 100.

олмаганда, 30 миллион киши уйғоқ бўлади. Ҳатто туннинг энг чўққисиди соат 3 дан 5 гача ҳам 10 миллиондан ортиқ киши оёқда юрган бўлади.

Бундай ўзгаришлар албатта, макон аҳамиятига ҳам эга бўлиб, макон-замондаги зоналаштиришга боғлиқ тарзда турли чекловларга дуч келади. Бир тумандаги тундаги фаоллик бошқа туманларда кундузги фаолликни тақозо қилади. Масалан, тунда рейс бажараётган самолёт манзилга саҳар етиб келади; аэропорт хизмати ва йўловчиларнинг тайёр бўлиши талаб қилинади. Оқшом ва тунги соатларда фаоллик даражасини оширмоқчи бўлган ташкилотлар Ньюкасл коммунал тиббий марказига бағишланган тадқиқотларда аниқланган ўзаро таъсирнинг чеклов вариантларига рўбарў келишади.

Тадқиқотлардан бирида Қўшма Штатлардаги Бостон шаҳрининг марказий туманларида макон-замондаги ташкил қилишлар ўрганиб чиқилди. Бу туманлардаги фойдаланиш цикллари-ни 4 та даврий типга бўлиш мумкин:

1. Узлуксиз фойдаланиш: доимий фойдаланиладиган туманлар.

2. Эвакуация: тунда бўшаб қоладиган туманлар.

3. Оккупация: асосан тундаги фаоллик.

4. Жойни алмаштириш: суткадаги даврларнинг ўзгариши билан боғлиқ ҳаракатлар.

Марказдан унчалик узоқда бўлмаган турар-жой даҳалари доимо кўп миқдордаги одамлар томонидан фойдаланилади, гарчи уларнинг машғулотлари сутка даврига қараб фарқ қилса ҳам. Марказий туманлар тунда асосан бўшаб қолади. Кўнгилхушлик қиладиган туманларга кечаси ва тонг саҳарда одамлар оқиб келади, бироқ улар кундузи бўм-бўш бўлиши мумкин. Фаоллик хос бўлган чекка туманларда ҳам ишчанлик, ҳам дам олиш кузатилади, куннинг охирида бир миждозлар бошқалари билан алмашади.

Маданий ва тарихий истиқболдаги кундалик ҳаёт

Гоффман, Гарфинкел ва бошқа тадқиқотчилар таҳлил қилган ижтимоий ўзаро таъсир мурватларидан баъзилари, афтидан, универсал бўлса, кўпчилиги бундай эмас. Масалан, «маркерлар» томонидан тўқнашувларнинг бошланиши ва тугаши ҳақида бериладиган сигналлар, шубҳасиз, барча маданиятларда учрайди. Тўқнашувларни ташкил қилишда қўлланиладиган турли тушунчалар инсон мавжудотларининг барча гуруҳлари орасида аниқланган; масалан қаердадир сўзлашув бошланиш пайтида суҳбатдошга тескари қараб туриш қабул қилинган. Бироқ ҳозирги ғарб жамиятларининг кундалик ҳаёти бошқа маданиятлардаги одамлар ҳаётидан кўп жиҳатлар бўйича кучли фарқ қилади. Масалан, фуқаро безътиборлигининг баъзи жиҳатлари

бегоналар бўлмаган ва бир ҳовучдан ортиқ одам тўпланадиган жойлар кам бўлган жуда кичик жамиятларда ортиқча ҳисобланади. Гоффман ўтказилган фуқаро безътиборлиги муҳокамасининг кўп қисмида, шунингдек, ўзаро таъсирнинг бошқа жиҳатларида бегоналар билан контактлар оддий ҳол ҳисобланадиган жамиятлар назарда тутилган.

Бизнинг кундалик ҳаётимиз саноатлаштириш, урбанизация ва ҳозирги давлатларнинг ривожини томонидан ўтказиладиган кучли таъсир жараёнида шаклланди. Анъанавий ва замонавий жамиятларда ижтимоий ўзаро таъсир ўртасида мавжуд контрастни намойиш қиладиган бир мисол. Технология нуқтаи назаридан дунёда энг кам ривожланган маданиятлардан бири вакиллари Жанубий Африкадаги Ботсвана ва Намибияда жойлашган Колахарий саҳросида яшайдиган кун маданияти (бушшенлар маданияти номи билан ҳам танилган)²². Ташқи таъсирлар остида уларнинг турмуш тарзи ўзгариб кетди, бироқ биз анъанавий маданиятни кўриб чиқамиз.

Кунлар 30—40 кишилиқ гуруҳларга бирлашиб, сув ҳавзаларига яқин жойлашган муваққат турар-жойларда яшайдилар. Улар қашшоқ бўлиб, озиқ-овқат топиш илинжида катта масофага тарқалиб кетадилар. Бундай дарбадарлик куннинг кўп қисмида давом этади. Аёллар ва болалар кўпинча манзилгоҳда қолишади, бироқ улар бу сафарларда иштирак этишлари ҳам мумкин. Жамоа аъзолари кун давомида 250 кв.км. майдонга тарқалиб кетишади, манзилгоҳга кечкурун овқатланиш ва ухлаш учун қайтиб келишади. Эркаклар куннинг кўп қисмини якка ёки икки-уч киши бўлиб ўтказишади. Бироқ йил давомида бир марта шундай давр келадики, уларнинг кундалик ҳаёти ўзгариб кетади. Қишқи ёмғирлар даврида сув мўл бўлади. Бу эса емакни камроқ куч сарф қилиб топиш имконини беради. Бу даврда кунлар ритуал ва маросим ҳаракатлари асосий эътиборни қаратадилар, бу эса кўп куч ва вақт талаб қилади.


Кунларнинг кўп гуруҳлари ҳеч қачон ўзлари яхши танилмайдиган одамни учратмаган. Сўнги даврларда ташқи олам билан мулоқот одатий тусга кира бошлади, унга эса уларнинг тилида ҳатто «бегона» деган сўзнинг ўзи йўқ эди. Эркаклар кун давомида бошқалар билан деярли мулоқот қилмаслигига қарамай, жамоада ёлғиз қолишнинг иложи йўқ. Оилалар энгил ва очиқ кулбаларда яшади, бу кулбалардаги барча ҳаракатларни ҳамма кўриши мумкин. Кунларнинг кундалик ҳаётини Гоффман гоёлари нуқтаи назаридан ҳеч ким ўрганмаган, бироқ Гоффманнинг кундалик ҳаёт тузилмаси ҳақидаги тадқиқотларнинг баъзи жиҳатларини кунлар ижтимоий ҳаётига чекланган ҳолда қўллаш мумкин. Қабиллада, масалан, «олд» ва «орқа» планлар йўқ. Йиғилиш ва тўқнашувларнинг хона деворлари ичига

²² Lee R. B. Kung Bushman subsistence: an input-output analysis. In: A. P. Vayda (ed.). Environment and Cultural Behaviour. New York, 1969.

«қамалиши», турли бир-биридан ажратилган бинолар, шаҳарларнинг турли туманлари — ҳозирги жамиятнинг кундалик ҳаётидаги бу жиҳатлар кунлар маиший турмушидан жуда узоқ.

Кунлар ижтимоий ҳаётининг турли томонларини ўрганган Томми Карлстейн вақт географияси концепциясини қўлади.²³ Унинг фикрича барча овчилар ва йиғувчилар сингари кунлар озиқ-овқат тўплаш зарурати ва ижтимоий сафарбарлик ўртасида макон-замон низосига дуч келадилар. Бу низо уларнинг кундалик ҳаёти хусусиятларига таъсир қилади. Ўзларини ҳосилсиз даврлардан муҳофаза қилиш учун қанчалик кўп озиқ-овқат тўплашса, улар бир жойга шунчалик кўп боғланиб қоладилар. Бироқ улар ўз фаолиятларини доимий турар-жойда бажарсалар, озиқ-овқат манбалари чекланиб қолади, чунки кунлар озиқ-овқат топиш учун узоқ масофага кета олмай қоладилар. Бу муаммони кунлар ўзларининг турмуш тарзини белгилайдиган усул ёрдамида ҳал қилишади. Зарурат туғилиб қолганда улар манзилни бир жойдан иккинчи жойга кўчирадилар.

Кун давомида макондаги мобилликнинг эҳтимолий радиусини ромб шаклида тасаввур қилишимиз мумкин (3-расмга қаранг). Агар кунлар, айтайлик, Шимолий Африканинг туялар кўпроқ сафарбарликни таъминлайдиган саҳро минтақаларида яшаганларида, расмдаги ромб анча кенгроқ бўларди. Макондаги мобилликнинг ортиши одамлар турмуш тарзи учун жиддий оқибатларга олиб келади. Масалан, текисликларда яшайдиган Америка ҳиндуларида отларнинг пайдо бўлиши уларга бизонлар подасини таъқиб қилиш имконини берди. Бу улар ҳаётининг моддий томониغا таъсир ўтказди, ўз навбатида энг муҳим урф-одат ва анъаналарнинг ўзгаришига олиб келди.



3-расм. Кун давомида макондаги сафарбарликнинг эҳтимолий радиуси.

А ромб жисмоний силжиш пйёда юришга боғлиқ бўлган маданиятни билдиради. Б ромб уй ҳайвонларидан фойдаланиб, йўл босиладиган маданиятни билдиради.

Манба: Carlstein Tommy. Time Resources, Society and Ecology: on the capacity for human interaction in space and time. London, 1983. P. 75.

²³ Carlstein Tommy. Time Resources, Society and Ecology. Vol. I. Preindustrial Societies. London, 1983.

Микросоциология ва макросоциология

Шахсий ўзаро таъсир вазиятидаги кундалик хулқ-атворни тадқиқ этиш, одатда микросоциология, деб юритилади. Макросоциология — бу йирик миқёсли фирма, ижтимоий тизимлар ва умумиқтисодий тартиб каби ижтимоий тизимларни таҳлил қилишдир. Макросоциология, шунингдек узоқ муддатли ўзгаришлар жараёнларини — айтайлик, саноатлаштиришнинг ривожланишини таҳлил қилишни ҳам ўз ичига олади. Бир қарашда микро- ва макро таҳлил бир-биридан анча узоққа ўхшайди. Амалда эса улар бир-бирлари билан узвий боғланган²⁴ ва мазкур бобда шу ҳолатни кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

Макротаҳлил кундалик ҳаётнинг институционал фонини тушуниш учун жуда муҳим. Одамлар ўзларининг кундалик ҳаётини қуриш усуллари кенг институционал асосларга фавқуллодда боғлиқ; бу нарса кунлар маданиятига ўхшаш маданиятни фарбдаги замонавий шаҳар ҳаёти билан солиштириб кўрилса равшан бўлади. Ҳозирги жамиятларда одамлар бегоналар билан доимий мулоқотга киришади. «Бегона» сўзи ўзининг эски маъносини йўқотди, у аввал «четдан келган», «ёт одам» маъносини билдирар эди. Шаҳарларда яшайдиган ҳозирги жамият одамлари ҳар куни минглаб шахсан танимайдиган одамларни учратадилар. Бундай вазиятда фокуслашган ва фокуслашмаган ўзаро таъсир кесишиб ўтади. Шаҳарлик одам узлуксиз тарзда ўзи аввал ҳеч учратмаган одамлар билан ўзаро таъсирга киришишни бошлаши ва яқунлаши керак.

Микротадқиқотлар, ўз навбатида, кенг институционал шакллари ни изоҳлашга кўмак бермоқда. Шахсий ўзаро таъсир миқёсларидан қатъи назар, барча ижтимоий ташкилот шакллари-нинг асоси ҳисобланади. Фирма фаолиятининг кўп қисми шахсий ўзаро таъсир атамаларида баён қилиниши мумкин. Масалан, биз кенгашдаги директорларнинг, идорадаги хизматчиларнинг, цехдаги ишчиларнинг ўзаро таъсирини таҳлил қилишимиз мумкин. Фақатгина шу маълумотдан фойдаланиб корпорациядаги манзарани тўлалигича ифодалаш мумкин эмас, чунки унинг тузилмалари ўртасидаги алоқалар бевосита шахсий ўзаро таъсир доирасидан анча четга чиқади. Шунга қарамасдан кундалик ўзаро таъсирни ўрганиш мазкур ташкилот ишини тушунишга жиддий ҳисса қўшиши мумкин.

Бобнинг қисқача мазмуни

1. Кундалик хулқ-атворнинг жуда оддий туюлган жиҳатлари синчиклаб ўрганилса, ижтимоий ўзаро таъсирнинг мураккаб ва муҳим асноси экани маълум бўлади. Визуал мулоқот бунга мисол бўлиши мумкин. Ўзаро таъсирларнинг кўпчилигида у бир лаҳзалик бўлиши мумкин. Бошқа одамга тикилиб қараш душманлик ифодаси, баъзи ҳолатларда эса, севги си-

²⁴ Giddens Anyhony. The Constitution of Society. Cambgridge, 1984.

фатида баҳоланиши мумкин. Ижтимоий ўзаро таъсирни ўрганиш ижтимоий ҳаётнинг кўп томонларини ёритадиган социологиянинг фундаментал соҳасидир.

2. Одамнинг юзида жуда кўп ифодалар акс этади. Юз ифодаси ёрдамида намоёиш этиладиган асосий эмоцияларни туғма деб ҳисоблашга асос бор. Кроссмаданият тадқиқотлар турли маданият вакилларининг айни бир хил эмоцияларини намоёиш қилишдаги юз ифодаларининг фавқулдда ўхшашлигини кўрсатди.

3. «Юз» тушунчасини кенг маънода, одамлар бир-бирига нисбатан ҳис қиладиган ҳурмат даражаси сифатида қабул қилиш мумкин. Бошқалар билан ўзаро таъсирга киришар эканмиз, «юзимизнинг шувут бўлмаслигига» — ўзимизга ҳурматни ҳимоя қилишга ҳаракат қиламиз.

4. Этнометодология деб аталадиган йўналиш кундалик суҳбат ва сўзлашувларни ўрганиш билан шуғулланади; бу атама биринчи марта Гарольд Гарфинкел томонидан муомалага киритилган. Этнометодология — бу фаол, ўзимиз сезмаган ҳолда бошқаларнинг сўзлашуви ва хатти-ҳаракатларидан маъно чиқариш усулларини таҳлил қилишдир.

5. Сўзлашувнинг моҳияти тўғрисида «ундов реакциялар»га мурожаат қилиб, шунингдек валдирашлар (одамларнинг сўз ёки ибораларини хато қўллашлари)ни тадқиқ қилиб, кўп нарса билиб олиш мумкин. Сўзларга шарҳ берилиши жуда қизик, психологик жиҳатдан улар ўтқир зеҳн ва ҳазил билан боғлиқ.

6. Фокуслашмаган ўзаро таъсир — бу индивидлар томонидан кўп одам тўпланган жойларда ва бевосита мулоқотга киришмай туриб, бир-бирининг борлигини англаш. Фокуслашган ўзаро таъсирни алоҳида тўқнашувлар, ёки икки ва ундан ортиқ индивидлардан ҳар бири бошқалар нима қилаётгани ёки деяётганига бевосита эътибор қаратиши юз берадиган жойдаги ўзаро таъсир эпизодларига бўлиш мумкин.

7. Ижтимоий ўзаро таъсирни ўрганиш, агар уларни драматургия модели ёрдамида ўрганилса, яъни ижтимоий ўзаро таъсирнинг иштирокчиларини тегишли декорация ва реквизитлари бўлган сахнадаги актёрлар деб тасаввур қилинса, анча самарали бўлади. Ижтимоий ҳаётнинг турли вазиятларида, худди театрдаги каби олд план (сахна) ва актёрлар томошага тайёрланадиган, ундан кейин дам оладиган орқа планга эга эканини аниқлаш мумкин.

8. Ҳар қандай ўзаро таъсир замонда ва маконда юз беради. Биз ўзимизнинг кундалик ҳаётимизни макон-замон «зонларида» атамалари ёрдамида, агар бизнинг фаолиятимиз вақтнинг муайян даврларини эгаллаши ва айни пайтда маконда ўрин алмаштириб туришини ҳисобга олсак, таҳлил қилишимиз мумкин. Бундай кузатишлар учун усуллар ва уларни қайд этиш йўлларини бизга «вақт географияси» тақдим қилади.

9. Шахсий ўзаро таъсирни ўрганиш микросоциология дейилади, ундан фарқли ўлароқ, макросоциология катта гуруҳлар, институтлар ва ижтимоий тизимларни ўрганади. Микро- ва макротаҳлил ўзаро мустаҳкам боғлиқ бўлиб, бир-бирини тўлдириб туради.

Асосий тушунчалар

*тўқнашув
ижтимоий рол*

ижтимоий позиция

<i>Фуқаро бепарволиги</i>	<i>Олд план</i>
<i>Новербал мулоқот</i>	<i>Орқа план</i>
<i>Сўзлашув</i>	<i>Шахсий майдон</i>
<i>Сухбат</i>	<i>Макон-замон конвергенцияси</i>
<i>Этнометодология</i>	<i>Минтақалашув</i>
<i>Ундов реакциялар</i>	<i>Соат вақти</i>
<i>Фокуслашмаган ўзаро таъсир</i>	<i>Вақт географияси</i>
<i>Фокуслашган ўзаро таъсир</i>	<i>Микросоциология</i>
<i>Драматургия модели</i>	<i>Макросоциология</i>

Кўшимча адабиёт

Paul Drew and Anthony Wootton. Erving Goffman: Exploring the Interaction Order. Cambridge, 1988. Гофман тадқиқотларининг энг муҳим жиҳатларига бағишланган мақолалар тўплами.

Erving Goffman. The Presentation of Self in Everyday Life. Harmondsworth, 1969. Гофманнинг энг муҳим тадқиқотларидан бири бўлиб, унда индивидлар ўзларининг бошқалар билан ўзаро таъсирга киришиши ва бунда ўзи ҳақида муайян фикрни шакллантиришга ҳаракат қилиши кўриб чиқилади.

Erving Goffman. Behaviour in Public Places. New York, 1963. Ижтимоий ўзаро таъсирга иштирок этиш жараёнида индивидлар қатнашадиган ритуаллар таҳлили.

«Symposium on Erving Goffman». *Theory, Culture and Society. V.2. № 1. Winter, 1983.* Гофман тадқиқотларининг танқидий таҳлили берилган мақолалар тўплами.

E. Livingstone. Making Sense of Ethnomethodology. London, 1987. Этнометодология асосий ғояларининг умумий манзараси.

E. P. Thompson. Time, work discipline and industrial capitalism// Past and Present, 38 (1967). Замонавий саноат ва вақтни тасвирлаш ўртасидаги алоқдорликка бағишланган машҳур таҳлил.

Конформлик ва девиант хулқ

Олдинги бобларда одамнинг ижтимоий ҳаёти меъёр ва қоидалар билан тартибга солиниши баён қилинган эди. Одамлар вазиятга қараб қоидаларга амал қилмаганда уларнинг фаолияти хаосга айланиб кетарди. Айтайлик, ҳайдовчилар муайян қоидаларга амал қилишмаса, йўлда машиналар ҳаракатланиши мумкин бўлмай қоларди. Биз ўз хатти-ҳаракатларимизда амал қиладиган қоидалар ижтимоий дунёга мунтазамлик ва тартиб бахш этади. Социологик тадқиқотларнинг кўп қисми ижтимоий тартибни таъминлаш жараёнига бағишланган. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Одамларнинг ҳамма ҳаракатлари ҳар доим ҳам қутилган ижтимоий натижаларни беравермайди. Баъзан ҳайдовчилар йўл ҳаракати қоидаларига етарли эътибор берадилар, гарчи бу ҳол бошқа одамларнинг ҳаётини хавф остига қўйса ҳам. Шошилаётган пайтда ёки алкоғолли ичимлик истеъмол қилган пайтда автомобилни эҳтиётсизлик ва маъсулиятсизлик билан бошқариши мумкин, масалан, бир томонлама қатновли кўчада йўлнинг қарши томонига ўтиб олиши мумкин. Одамлар ўзлари амал қилиши лозим бўлган қоидалардан кўпинча четга чиқадилар.

Хулқ “оғиши”ни ўрганиш — социологиянинг энг қизиқ вазибаларидан бири. Бу соҳани таҳлил қилиш жуда мураккаб, чунки ижтимоий меъёр ва қадриятлар қанчалик кўп бўлса, қоидаларни бузиш типлари ҳам шунчалик кўп бўлади. Бундан ташқари, турли маданиятлар, шунингдек субмаданиятларнинг меъёрлари битта жамият ичида ҳам анча фарқ қилади. Шунинг учун бир ҳамжамият учун оддий ҳол ҳисобланган нарса бошқасида меъёрдан оғиш сифатида баҳоланиши мумкин. Масалан марихуана чекиш — Британия маданиятида “оғиш” ҳисобланади, алкоғоллик ичимлик ичиш эса “оғиш” ҳисобланмайди. Яқин Шарқ мамлакатларида бунинг мутлақо акси кузатилади.

Оғиш нима?

Девиация (оғиш)ни гуруҳ ёки жамиятда кўпчилик одамлар томонидан қабул қилинган меъёр ва меъёрлар йиғиндисига мос келмаслик дейиш мумкин. Бирорта ҳамжамиятда меъёрларга тўла амал қиладиган ва меъёрлардан оғадиган одамлар ўртасига чизик тортиб ажратиш мумкин эмас. Хулқ-атворнинг умумий қоидаларини кўпчилигимиз бузганмиз. Кўпчилик кичик ўғирликлар, масалан, дўкондан бирор нарсага ҳақ тўламай олиш ёки ишхонадан почта қоғози каби майда-чуйда нарса-

ларни шахсий манфаатлар йўлида фойдаланиш учун олиб кетиш ҳолларига йўл қўйганмиз. Кўпчилик одамлар марихуана чеккан, балоғатга етмасдан туриб алкоғоллик ичимликлар ичган, гиёҳванд моддаларни тотиб кўрган ёки сексуал амалиётнинг тақикланган турларида қатнашган.

«Девиант хулқ» тушунчаси қамраб оладиган соҳа жуда кенг бўлиб, унга қуйидагилар мисол бўла олади. Америкалик миллиардер Говард Хьюз жуда омадли бизнесмен эди. У меҳнатсеварлиги, оригинал фикр юритиши ва қутилмаган қарор қабул қилгани учун муваффақиятга эришди. Унинг бизнес соҳасидаги фаолияти моддий рағбатлантириш ва индивидуал ютуқларга катта эътибор берадиган ғарб маданиятининг асосий қадриятларига мос эди. Бироқ, унинг хулқ-атворидаги баъзи сифатлар умум томонидан қабул қилинган меъёрларга мос келмас эди. Ҳаётининг сўнги йилларини у ташқи оламдан мутлақо ажралиб, ўзининг уйига айланиб қолган люкс хонани тарк этмай, сочини ўстириб, пахмоқ соқол қўйиб, омадли бизнесмендан кўра кўпроқ Инжилдаги пайғамбарларга ўхшаб ўтказди.

Хьюз айна бир пайтнинг ўзида иши жуда юришган бизнесмен ва хулқи жуда “оғиб” кетган одам эди. Тед Бандининг “хизмат парвози” эса бунинг тескариси эди. Сиртдан Тед Бандининг турмуш тарзи ҳурматли фуқаро хулқ-атворининг барча меъёрларига мос келар эди. Сиртдан қараганда у шунчаки эмас, жуда олий мақтовга сазовор турмуш кечирарди. Масалан, у сутка давомида стресс ҳолатидаги ва ўз жонига суиқасд қилиш олдида турган одамлар билан телефон алоқасини ташкил қилган самаритийлар жамиятининг фаол аъзоси эди. Бироқ, бу унинг бир қатор ваҳшийларча қотиллик қилишига халақит бермади. Ўлим ҳақидаги ҳукми эълон қилишдан аввал судья Бандини катта қобилиятлари учун мақтади (ўзининг ҳимоясини унинг ўзи ташкил қилган эди) ва у умрини қандай нохуш сарф қилганини таъкидлади. Бандининг тақдири сиртдан меъёрдаги ҳаёт айна пайтда махфий “оғадиган” хатти-ҳаракатлар билан биргаликда кечиши мумкинлигини кўрсатади.

Оғишлар фақат индивидуал хулқда юз бермай, гуруҳ хулқида бўлиши ҳам мумкин. Мисол тариқасида эътиқоди ва турмуш тарзи Бирлашган Қиролликда истқомат қиладиганларнинг кўпчилигиникидан фарқ қиладиган гуруҳ томонидан қўллаб туриладиган Кришна динини олиш мумкин. Бу дин 1956 йилда Нью-Йоркда, Шри Прабхупада Ҳиндистондан ғарбда Кришна Онги тўғрисидаги таълимотни тарқатиш учун келганда вужудга келди. Унинг номалари асосан гиёҳванд моддалар истеъмол қиладиган ёшларга йўлланар ва шу таълимотга амал қилинса, «мудом кўтаринкилик ҳолатида бўлиш ва абадий лаззат манбаини топиш» мумкинлигини овоза қилар эди. Кўчаларда кришнавийларнинг рақсга тушиш ва ашула айтишларига кўникиб қолишди. Аҳоли уларга, гарчи ўзларини тутишлари эксцентрик туюлса-да, чидам билан муносабатда бўлади.

Кришналар девиацияли субмаданиятта мисол бўладилар. Бугун уларнинг сони камайиб кетди, бироқ улар турли-туман ижтимоий шароитларда осонгина турмуш кечириб кета ола оладилар. Ташкилот бой бўлиб, у ўз аъзоларининг ва уларга хайрихоҳ бўлганларнинг ҳадялари ҳисобига кун кечиради. Унинг ҳолати бошқа оғишли субмаданият — уйсизлар хулқининг аксидир. Ҳаёт учун курашда ютқазиб қўйганлар кўчада яшайдилар, вақтларини паркларда ёки жамоатчилик жойларида (масалан, кутубхоналарда) ўтказадилар. Улар кўчаларда ёки тунаш жойларида ухлайдилар. Кўплаб уйсизлар жамиятнинг чекка бурчакларида бир амаллаб кун кечирадилар.

Меъёрлар ва санкциялар

Биз ижтимоийлашув жараёнида ўрганиб қолганимиз сабабли ижтимоий қоидалар ва меъёрларга амал қиламиз. Мисол учун, тил қоидаларини ўрганишни олиб кўрайлик. Тилдан фойдаланиш грамматика ва орфография қоидаларини билишни англади. Биз бу қоидаларни қийналмасдан, ўйланмасдан қўллаймиз, чунки уларни болаликда эгаллаб олганмиз. Кейинроқ, чет тилини ўрганаётганда одам ҳаттоки оддий иборани айтиш учун ҳам қанчалик кўп қоидаларни билиш лозимлигини англайди. Гоффман томонидан кўриб чиқилган ижтимоий тўқнашувлар жараёнидаги ўзаро таъсирларни тартибга солиб турувчи меъёрлар бунга яна бир мисол бўлади («Ижтимоий ўзаро таъсир ва кундалик ҳаёт» номли 4-бобга қаранг). Чет кишиларга нисбатан фуқаро бепарволигини намойиш қилиш, дўстлар билан муносабатлардаги одоб, тўқнашувлар орасида «қавс» ўрнатиш процедураси ва бошқалар муайян қоидалар асосида бажарилишини биз одатда англамаймиз.

Меъёрларнинг яна бир типи — улар кўрсатаётган хулқ ҳақиқий эканига биз онгли тарзда ишонадиган меъёрлар. Жумладан, бу йўлдаги хулқ-атвор меъёрлари учун ҳам хосдир. Ҳайдовчилар сўзсиз равишда йўлнинг муайян томонидан ҳаракат қилиш ёки светофорнинг қизил чироғи ёнганда тўхташ зарурлигини биладилар. Чунки уларнинг кўпчилиги бу қоидаларга амал қилмаса, йўллар ҳозиргига нисбатан беқиёс даражада хавфли бўлиб қоларди.

Йўл қоидаларининг бошқа баъзиларига нисбатан, масалан, тезликни чеклашлар масаласида камроқ яқдиллик мавжуд. Бошқа ҳайдовчилар, пиёдалар ва велосипедчиларни муҳофаза қилиш учун баъзи чекловлар зарурлигини барча ҳайдовчилар эътироф этишади, бироқ улардан озчилиги чекловларга амал қилади. Белгиланган тезликда улар яқин ўртада полиция автомобили йўқлигини тахмин қилганларида ёки аниқ билганларидагина ҳаракат қиладилар, бироқ яқин ўртада полициячилар йўқлигини билганлари ҳамано, кўпчилик қонун томонидан белгилаб қўйилган тезликни ошириб юборадилар.

Бу мисол бизнинг эътиборимизни конформлик ва оғиш муаммосининг муҳим жиҳатларидан бирига қаратади. Барча ижтимоий меъёрлар ноконформликдан ҳимоя қиладиган санкциялар билан бирга мавжуд бўлади. Санкция бошқалар томонидан индивид ёки гуруҳ хулқига билдирилган реакция бўлиб, унинг мақсади — мазкур ижтимоий меъёрнинг бажарилишини кафолатлаш. Санкциялар позитив (конформлик учун рағбатлантириш) ёки негатив (ноконформ хулқ учун жазо) бўлиши мумкин. Санкциялар формал ёки ноформал бўлади. Формал санкция нормаларга риоя қилишни кафолатлайдиган ташкилот ёки гуруҳ бўлган жойда мавжуд бўлади. Ноформал санкциялар — ноконформликка нисбатан камроқ уюшган ва кўпинча ўз-ўзидан келиб чиқадиган реакция.

Расмий санкциялар типларининг кўпчилиги ҳозирги жамиятда суд ва қамоқхоналар мисолидаги жазо тизимлари билан боғлиқ. Полиция ҳам жиноятчиларни судга тортиш, эҳтимол кейин қамоқхонага қамаш билан боғлиқ ташкилотдир. Йўл қоидаларини бузишнинг кўпчилиги жарима ёки ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилиш йўли билан жазоланади, ва бу жазолар ҳайдовчиларнинг йўл қоидаларини бузиш ва айни пайтда полициячининг кўзига кўринмасликка ҳаракат қилишлари учун кифоя қилади. Формал негатив санкцияларга жарималар, қамоқхонага қамаш ва қатл этиш киради. Позитив формал санкциялар эса унчалик кўп эмас. Ҳайдовчининг автомобилни намунали ҳайдашнинг рағбатлантириш мақсадида «аъло ҳайдовчилик учун» ёки билағон ҳайдовчи каби унвонлар мукофот сифатида берилади. Формал позитив санкциялар ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида ҳам учрайди: жангдаги жасурлиги учун медал билан мукофотлаш, академик соҳадаги ютуқлари учун бериладиган даража ва дипломлар, спорт мусобақасидаги иштироки учун мукофотлар ва бошқалар.

Позитив ва негатив ноформал санкциялар ижтимоий ҳаётда барча соҳаларнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Позитив ноформал санкциялар мақтов, маъқуллаш мазмунидаги жилмайиш, елкага уриб кўйиш каби шаклларда ифодаланиши мумкин. Негатив ноформал санкциялар эса одатда ҳақорат оҳанги, сўкиш ёки ҳайфсан, индивидни намоёйишкорона назарга илмаслик кўринишларида ифодаланади. Формал санкциялар анча самарали бўлса ҳам, ноформал санкциялар конформлик ва меъёрларни сақлашда фундаментал аҳамиятга эга. Дўстлар, оила, ҳамкасабаларнинг яхши муносабатини сақлаб қолиш эҳтиёжи, кулги бўлиш, уялиб қолиш, рад этилишдан қочиш одамларнинг хулқини кўпинча формал мукофотлар ёки жазолашдан кўра кўпроқ белгилаб беради.

Қонунлар, жиноятлар ва жазолар

Қонунлар — бу ҳокимият томонидан фуқаролар амал қилиши учун белгилаб қўйиладиган тамойил шаклидаги меъёрлар; Конформлик намойиш етмайдиган одамларга қарши қўлланиладиган формал санкциялар ҳам мавжуд. Қонун бор жойда жиноят ҳам топилади, чунки *жиноятни* қонунни бузувчи ҳар қандай хулқ деб таърифлаш мумкин. Сўнгги икки-уч аср давомида криминал хулқ-атворнинг табиати, турли жиноятларнинг жиддийлик даражаси ва давлат ҳокимияти томонидан криминал хатти-ҳаракатларни бартараф қилиш усуллари жиддий ўзгарди. «Социология: муаммо ва истиқболлар» номли биринчи бобда айтиб ўтилганидай, бунинг сабабларини жамоа тамойилига асосланган анъанавий жамиятнинг қўпчилик анъанавий тизимга қараганда аноним (номаълум, хуфёна) шароитда яшайдиган саноат ижтимоий тизимларида алмаштирилишидан топиш мумкин.

Саноат давригача бўлган жиноятлар

Саноатлаштиришгача Европада энг бешафқат жазога сабаб бўладиган ва энг жиддий жиноят ҳисобланадиган хатти-ҳаракатлар, булар — диний жиноятлар ёки ҳукмдор ва зодагонларнинг мулкига қарши жиноятлар экан. Бугунги кунда бундай ҳаракатлар ё умуман жиноят деб ҳисобланмайди, ёки бўлмаса қонунни салгина бузиш деб ҳисобланади. Шаккоклик (христианликдан фарқ қилувчи диний доктриналарни тарғиб қилиш), малъунлик (черков мулкани ўғирлаш ёки унга зарар келтириш) ёки ҳатто маъбудни ҳақоратлаш (маъбуд исмини масхараб тилга олиш, диний материялар ҳақида салбий фикрлар айтиш) узоқ вақтгача Европа мамлакатларида ўлим жазоси билан жазоланар эди. Қирол ёки зодагонларнинг ерида овчилик қилиш ёки балиқ тутиш, дарахт кесиш ёки шох-шабба тўплаш, мева йиғиш ҳам оғир жиноятлар ҳисобланарди (гарчи уларга нисбатан ҳар доим ҳам ўлим жазоси қўлланмаса ҳам).

Оддий фуқаро иккинчи бир фуқарони ўлдириши юқорида баён қилинган жиноятлар каби жиддий ҳисобланмас эди. Жиноятчи кўпинча жабрланганнинг қариндошларига маълум миқдорда пул тўлаб, гуноҳини ювиши мумкин эди. Баъзан эса қурбон бўлганнинг оиласи ишни ўзи адолатли ҳал қилиш учун айбдорни ўлдирар эди. Мана шундай усул билан жазолаш, яъни қонли қасос юзага келтирадиган муаммо шунда эдики, биринчи қотилнинг оиласи иккинчи қотилга нисбатан худди шу тарзда реакция қилиши ва шу тариқа қатл қилишларнинг узун занжири пайдо бўлар эди. Жанубий Италиянинг баъзи туманларида қонли қасос амалиёти XX асргача давом этди. У Қўшма Штатлардаги рақобатлашаётган «криминал оилалар ўртасида адолатли судловни» амалга ошириш мақсадида бугунгача қўлланилади.

Жазо усулларидаги ўзгаришлар

Европа ва Қўшма Штатларда XIX аср бошларигача қамоқхонага қамаш жиноят учун жазо сифатида жуда кам қўлланган. Кўпчилик шаҳарларнинг ўз қамоқхоналари бўлиб, одатда уларга 3—4 маҳбусдан ортиқ одам сиғмасди. Улардан тун давомида мастларни тутиб келтириш ёки айбланаётганларни судгача тутиб туриш учун фойдаланиларди. Йирик Европа шаҳарларида катта қамоқхоналар ҳам бўлиб, улардаги жиноятчилар ҳукм чиқиб қатл ижро этилгунга қадар сақлаб турилар эди. Бу муассасалар XIX асрдан то бизнинг кунларимизгача қурилаётган қамоқхоналардан кескин фарқ қилган. Қамоқхонадаги интизом авваллари бўш эди. Фақат ўлим жазосига ҳукм қилинганларни зиндонга ташлашар ва у қатл вақтигача фақат қамоқхона ходиминигина кўрар эди. Кўпинча эса қамоқхонадаги вазият ҳозирги андозаларга қараганда жуда эркин эди.

Жиноятчилик тарихи бўйича мутахассис Жонатан Этолл Лондондаги биринчи қамоқхоналардан бири Ньюгейтдаги ҳаётнинг тавсифини келтиради. Унда ҳаёт қайнар, куннинг кўп қисмида бинода кўп сонли келувчилар бўлар эди. 1790 йилда маҳкум этилганлардан бири қамоқхонада зиёфат берди, ва бу, кўринишдан, ғайриодатий эмасди.

Соат 4 да скрипка ва най мусиқаси остида чой таклиф қилинди, шундан кейин меҳмонлар соат 8 гача рақсга тушишди. Кейин яхна овқат таклиф қилинди. Зиёфат кечаси соат 9 да, яъни одатда қамоқхона ёпиладиган пайтда тугади.¹

XIX асргача жиноят учун жазонинг асосий шакллари қишанлаш, калтаклаш, қизиган темир билан тамға босиш ёки дорга осиб эди. Одатда жазо омма ишгирокида ижро қилинар эди. Кўп одам тўпланарди, баъзи қатлларга минглаб одам келарди. Дорга осилаётган жиноятчи ўзини оқлаш ёки гуноҳсизлигини исботлаш мақсадида нутқ сўзлаши мумкин эди. Халойиқ маҳкумнинг нутқиға баҳо берар экан, қарсақ чалар, ҳуштак чалар ёки қичқирар эди.

Қамоқхона ва жиннихоналар

Ҳозирги қамоқхоналарнинг келиб чиқиши ўтган даврлардаги зиндонлардан эмас, иш уйлари («госпитал» номи билан ҳам машҳур бўлган)дан бошланади. Бундай иш уйлари XVII аср бошларида кўпгина Европа мамлакатларида пайдо бўлди. Феодализм емирилиши даврида кўпгина деҳқонлар дала билан боғлиқ иш топа олмай қолдилар ва дайдиларга айландилар. Иш уйларида уларга овқат беришар, бироқ кўп вақтни муассасадаги жуда оғир ишларни бажаришга мажбур қилиб ўтказар эдилар. Иш уйлариға ҳеч ким хабар олмайдиган бошқа тоифадаги одамлар, беморлар, қариялар, ақлдан озганлар ва жиннилар ҳам жойланарди.

¹ *Atholl Justin. Shadow of the Gallows. London, 1954. P. 66.*

XVIII асрда қамоқхона, жиннихона ва госпиталлар аста-секин бир-биридан ажрала бошлади. Реформаторлар озодликдан маҳрум қилиш криминал хатти-ҳаракатларга қарши курашнинг энг самарали усули, деган хулосага келадилар ва жазонинг анъанавий усулларини ўзгартирадилар. Одам ўлдириш энг жиддий жиноят сифатида баҳолана бошлади. Чунки кенг сиёсий ўзгаришлар контекстида инсон ҳуқуқлари кенгайди ва қотиллик мана шу ҳуқуқларга таҳдид солиш сифатида баҳолана бошланди. Омма олдида жазолаш аста-секин ўтмишга айлана бошлади, чунки қамоқхона маҳбусларга муваффақиятлироқ таъсир ўтказди, уларда интизомга кўникма ва қонунга нисбатан итотни тарбиялайди, деган хулосага келинди. Ўлим жазосини ҳам омма олдида амалга оширмай қўйилди. Бундан ташқари XX аср давомида Фарб мамлакатларининг кўпчилиги ўлим жазосидан воз кечди (АҚШнинг баъзи штатлари бундан мустасно).

Жинниларнинг хулқ-атвори борган сари кўпроқ хасталикнинг намоён бўлиши сифатида кўрила бошлади. Руҳий касалликлар концепцияси биринчи марта XVIII аср охирида вужудга келди ва XIX асрда узил-кесил эътироф этилди. Жиннилар билан шуғулланиш тиббиёт тасарруфига ўтказилди. Ақлдан озиш касаллик деб қарала бошланиши муносабати билан (жинларнинг таъсири сифатида эмас), у билан фақат врач шуғулланиши керак, деган хулосага келдилар. Одамларни аввалгидай уларнинг ихтиёрига қарши жиннихоналарга мажбуран жойлашлари мумкин эди, бироқ бунинг учун энди врачнинг хулосаси талаб қилинара эди.

Оғишларни тушунтиришга уринишлар

Ўтмишдан ҳозирги замонга яқинлашган ва бир жамиятдан иккинчисига ўтган сари девиант хулқнинг табиати ва мазмуни ўзгариб боради. Биз буни изоҳлаб беришимиз керак. Кейинги қисмларда биз девиациянинг бир неча асосий назарияларини муҳокама қиламиз, бунда жиноят назариясига алоҳида эътибор қаратилган. Мавжуд назарияларнинг бирортаси ҳам оғиш у ёқда турсин, жиноятлар ҳақида ҳам тўла-тўқис изоҳ бера олмайди. Бироқ улар баъзи саволларни тушунишда ўзаро кесишади, бошқа саволларни тушуниш учун эса уларни бириктириш мумкин. Бу бизга оғаётган хулқнинг энг муҳим жиҳатлари тўғрисида кенг тасаввурга эга бўлиш учун катта имконият яратади.

Жиноят ва девиациянинг биологик ва психологик назариялари

Биологик далиллар

Жиноят ва девиациянинг бошқа шаклларини изоҳлашга бўлган дастлабки уринишлар асосан биологик характерда эди.

Франциялик антрополог Брока² жиноятчиларнинг бош чаноғи ва миясининг тузилишида қонунга амал қилувчи аҳолиникидан фарқ қиладиган хусусиятлар бор, деб фикр билдирган эди. XIX асрнинг 70-йилларида фаолият юритган италиялик криминалшунос Чезаре Ломброзо: “Баъзи одамлар жиноий майллар билан туғиладилар ва улар ибтидоий инсонлар типига мансуб бўладилар”, деган хулосага келди. Унинг фикрига кўра, жиноятчи типларни бош чаноғи шаклига қараб аниқлаш мумкин. У ижтимоий тажрибанинг криминал хулқ ривожига таъсирини инкор этар эди, унинг асосий ғояси — кўпчилик жиноятчиларнинг биологик жиҳатдан дегенератив ва дефектли эканида эди.

Кейинчалик бу ғоялар тўла рад этилди, бироқ индивиднинг биологик тузилиши жиноий майлларга таъсир кўрсатиши ҳақидаги тезис турли кўринишларда яна кўп марта пайдо бўлди³. Бирнеча муддат криминал хулқни ирсиятнинг хулқ шаклланишига таъсири оқибати сифатида қараш ҳам оммавийлашиб юрди. Ричард Дайгдейгл 1200 аъзодан 140 жиноятчи «етиштирган» америкалик Дюклар шажарасини ўрганиб чиқди.⁴ У Дюкларни колониал Америкада машҳур бўлган руҳоний Эдварс авлодлари билан солиштирди. Дюк ва Эдварсларнинг шажарасини солиштириш, муаллифнинг фикрича, генетик белгилар туфайли оилалардаги хулқлар ўртасидаги тафовутларни яққол кўрсатиб бериши керак эди⁵. Бироқ тадқиқот жиноий хулқда генетик майл борлигини кўрсатишга ожизлик қилди, чунки, Жонатан Эдварснинг аждодлари орасида ҳам жиноятлар учун судланганлар борлиги маълум бўлиб қолди. Агар криминал хулқ ҳақиқатан ирсий белги бўлса, унда Ж. Эдварс авлодлари орасида ҳам жиноятчилар бўлиши керак эди. Оилалар шажарасини тадқиқ этишга ирсиятнинг таъсири ҳақида ҳеч нарса демади, чунки ирсий таъсир ва муҳит таъсирини бир-биридан айириш мумкин эмас. Эдварснинг болалари ўсган шароитлар болалари ўғрилар муҳитида ўсган Дюклар оиласи муҳитидан кескин фарқ қилар эди.

Биологик омил ва жиноятга майл орасидаги боғлиқлик ғояси Вилиям А.Шелдон ишларида 1940 йилларда қайтадан тирилди. Шелдон одамларнинг уч жисмоний типини ажратиб кўрсатади, унинг фикрича, шу типлардан бири ҳуқуқбузарликка майл билан бевосита боғлиқ. Мушакдор, фаол (мезоморф) тип, Шелдон тахминига кўра, субтил тана тузилишига (эктоморф) ёки яна ҳам тўлароқ комплекция (эндоморф) одамларга кўра жиноятчи бўлиши эҳтимоли кўпроқ. Бошқа олимлар томонидан кейинроқ ўтказилган тадқиқотлар ҳам шунга яқин натижалар берди. Ҳозирги кунгача бундай қарашларнинг ҳимоячилари бўлса ҳам, у тадқиқотлар кучли танқидга сабаб бўлди.

² *Lombroso Cesare. Its Causes and Remedies.* Boston, 1911.

³ *Eysenck Hans. Crime and Personality.* St Albans, 1977; *Mednick S. A. et al. The Causes of Crime: New Biological Approaches.* Cambridge, 1987.

⁴ *Bugdale R. The Dukes: A Study in Crime, Pauperism and Heredity.* New York, 1877.

⁵ *Estabrook A. The Dukes in 1915.* Washington, 1916.

Агар ҳатто одамнинг жисмоний тузилиши ва ҳуқуқбузарликка майли ўртасида боғлиқлик мавжуд, деб фараз қилсак ҳам, бу ирсиятнинг таъсири масаласини равшанлаштирмайди. Шелдон жиноятчилик билан боғлаган мушакдор одамлар куч талаб қилингани учун ҳам бандалар фаолиятига жалб этилган бўлиши мумкин. Бундан ташқари бу соҳадаги барча тадқиқотлар яқин ўтмишгача болалар колонияларидаги жиноятчиларни ўрганиш билан чекланган эди. Агар бу ерда ҳам жиноятчиликнинг тана тузилиши билан қандайдир алоқаси бўлса, у фақат кучли атлет тана тузилишига эга бўлган жиноятчиларни кучсиз ва ориқ жиноятчиларга қараганда тезроқ панжара ортига ўтказиб қўйишларида кўринади.

Кейинчалик криминал майлларни генетик коддаги хромосомаларнинг муайян миқдори билан боғлашга уринишлар бўлди⁶. Жиноятчилар орасида, айниқса оғир жиноят содир этганлар орасида қўшимча Y-хромосомага эга бўлганлар номутаносиб тарзда қўпчиликни ташкил этади. Кучайтирилган режимдаги қамоқхоналарда ўтказилган тадқиқотларда юзта маҳбусдан биттаси, оддий аҳоли ўртасида эса мингта одамдан биттаси шундай оғишга эга экани маълум бўлди. Бироқ бу йўналишда олиб борилган кейинги тадқиқотлар зиддиятли бўлиб чиқди. Тадқиқотчиларда изланишларнинг самарасиз бўлаётгани оз миқдордаги одамлар орасида текшириш ўтказилгани сабабли, деган фикр пайдо бўлди. Кўпроқ аҳоли орасида ўтказилган тадқиқотларда XXV тўпламга эга бўлган эркалар XV ли эркаларга нисбатан жиноятга мойилроқ экани тасдиқланмади⁷.

Жиноят ва психопатик шахс: психология нуқтаи назари

Жиноятнинг психологик назариялари ҳам, биологик назариялари каби жинойий майлларнинг шахенинг муайян типни билан боғлар эди. Жиноятни психологик жиҳатдан талқин қилишга Фрейд ғоялари, гарчи Фрейднинг ўзи криминология бўйича ҳеч нарса ёзмаган бўлса ҳам, муайян таъсир ўтказди. Кейинги муаллифлар унчалик кўп бўлмаган одамларда «ахлоқсиз» ёки психопатик шахс ривожланади, деган фикр билан унинг ғояларига асосланишди. Фрейд фикрига кўра, ривожланишнинг Эдип босқичида, (3-бобда кўриб чиқилди) илк болаликда ўрганиладиган ўзини чеклашлардан қўпчилик ахлоқий сифатлар вужудга келади. Ота-оналар билан ўзига хос муносабатлар шаклланиши оқибатида, баъзи болаларда бундай чеклов шаклланимайди ва демак ахлоқийлик туйғуси асосан мавжуд бўлмайди. Психопатларни зўрликдан лаззат оладиган одамови шахслар сифатида тавсифлаш мумкин.

⁶ Cowen P. An HYY Man // British Journal of Psechiatty, 135. 1979.

⁷ Mednick S. A. et al. Biology and violence. In: Mertin E. Wolfgang and N. A. Wiener (eds). Criminal Violence. London, 1982.

Психопатик белгиларга эга бўлган индивидлар баъзан оғир жиноятлар содир этадилар, бироқ психопатия тушунчасининг ўзида анча йирик муаммолар бор. Бундай белгилар муқаррар тарзда криминал ҳисобланадими-йўқми деган масалада ҳам аниқ бир келишим йўқ. Психопатия хусусиятларига эга бўлган индивидлар билан ўтказилган тадқиқотларнинг барчаси маҳбуслар орасида ўтказилган бўлиб, шунинг учун бу белгилар албатта салбий кўринишга эга бўлади. Агар айнан мана шу белгиларни ижобий жиҳатдан тавсифласак, мутлақо ўзгача шахс типи кўз олдимизда намоён бўлади ва бу бундай шахсларда жиноятчиликка туғма майл борлиги ҳақида бош қотириб ўтиришга ўрин қолдирмайди. Агар бизга тадқиқотчилик мақсадлари билан қамоқхонада ўтирмаган психопатик шахслар керак бўлиб қолса, қуйидагича эълон бериш мумкин бўлади:

Сиз саргузаштларга мойилмисиз?

Тадқиқотчилар беташвиш, саргузаштларга ишқибоз, ёрқин импульсив ҳаёт кечираётган одамлар билан мулоқотга киришишмоқчи. Агар сиз ўзингизни таваккал қилишга ҳар доим тайёр, деб ҳисобласангиз, қуйидаги телефонга 337-XXXX, хоҳлаган пайтингизда қўнғироқ қилинг⁸.

Бундай типдаги одамлар қаҳрамон, сайёҳ, қиморбоз, боринги, кундалик турмуш икир-чикирларидан зериккан одамлар бўлиши мумкин. Улар, эҳтимол криминал авантюраларга ҳам тайёрдир, бироқ ўзларининг кучларини ижтимоий мақбулроқ ҳаракатларда синаб кўришлари аниқроқ.

Фрейд таълимоти ёки бошқа психологик концепциялардан келиб чиқадиган жиноятнинг психологик назариялари нари борса жиноятнинг фақат баъзи жиҳатларини тушунтириб бериши мумкин. Жиноятчилардан жуда озчилиги бошқа аҳолидан фарқ қиладиган хусусиятга эга бўлса ҳам, бундай хусусиятлар барчага хос бўлишининг эҳтимоллиги фавқулудда оз. Жиноятларнинг хиллари шунчалик кўпки, уларни амалга ошираётганлар бир хил психологик сифатларга эга, дейиш ҳақиқатдан йироқдир.

Борди-ю биз жиноятнинг фақат бир тоифаси, айтайлик, оғир жиноятлар тадқиқи билан чеклансак ҳам, жуда кўплаб ҳар хил ҳолатлар аниқланади. Бундай жиноятларнинг баъзилари индивидлар томонидан, бошқалари ташкилий гуруҳ томонидан содир этилади. Якка жиноятчининг психологик қиёфаси мустаҳкам уюшган банда аъзолариникидай бўлиши эҳтимолдан йироқ. Борди-ю психологик тафовутларни жиноятнинг турли шакллари билан боғлаш мумкин бўлган тақдирда ҳам, унда бу боғланиш қандай вужудга келганини тушунтириш қийин бўлади. Шундай бўлиши ҳам мумкинки, биринчи ўринда криминал

⁸ *Widom Cathy Spatz and Joseph P. Newman. Characteristics of non-institutionalized psychopaths. In: David P. Farrington and John Gunn. Aggression and Dangerousness. Chichester, 1985.*

хулққа мойиллик эмас, балки криминал ҳаракатлар одатий бўлиб қолган гуруҳда иштирок қилганлик бўлиши мумкин.

Жамият ва жиноят: социологик назариялар

Жиноятнинг моҳиятини қониқарли изоҳлаш социологик изоҳлаш бўлиши мумкин. Чунки жиноятлар жамиятнинг ижтимоий институтлари билан боғлиқ. Социологик ёндошувнинг энг муҳим жиҳатларидан бири — турли ижтимоий контекстларда конформлик ва оғишларнинг ўзаро алоқадорлигини таъкидлашдир. Ҳозирги жамиятларда кўплаб субмаданиятлар мавжуд бўлиб, улардан бирида меъёрий ҳисобланган хулқ, бошқасида оғиш сифатида баҳоланиши мумкин. Масалан, ёшлардан иборат банданинг аъзоларидан бирига автомобилни ўғирлаб, «ўзини кўрсатиши учун» босим ўтказилиши мумкин. Бундан ташқари, жамиятда бойлар ва камбағаллар ўртасида кучли тафовутлар мавжуд бўлиб, улар турли гуруҳларнинг имкониятларига кучли таъсир ўтказди. Киссавурлик ёки бузиб кириш билан боғлиқ ўғирликлар аҳолининг энг камбағал қатламларига мансуб одамлар томонидан содир этилиши таажжубланарли ҳол эмас. Жиноятларнинг бошқа турлари — камомад ва солиқ тўлашдан қочишлар ўзига тўқ одамлар томонидан содир этилади.

Табақалашган уюшма

Эдвин Х. Сазерленд (Америка социологиясидаги «Чикаго мактаби»га мансуб бўлиб, бу ном йўналишнинг Чикаго университети билан алоқаси туфайли берилган) жиноятларни унинг ўзи табақалашган уюшма¹⁰, деб атайдиган ҳодиса билан боғлайди. Табақалашган уюшма ғояси жуда содда. Кўплаб субмаданиятга эга бўлган жамиятда баъзи ҳамжамиятлар қонунга ҳилоф ҳаракатларни рағбатлантирсалар, бошқаси қоралайди. Индивиднинг ўзини криминал меъёрларнинг ташувчилари билан бирлаштирганда ҳуқуқбузар ёки жиноятчи бўлиб қолади. Сазерленд фикрига кўра криминал хулқ кўпинча бирламчи гуруҳлардан, жумладан тенгдошлар гуруҳларида ўзлаштирилади. Бу назария жиноятчилар ва бошқалар бир-биридан психологик хусусиятлари туфайли фарқланади, деган назариядан тубдан бошқача. Унга кўра, фаолиятнинг криминал турлари ҳам қонуний фаолият турлари каби ўзлаштирилади, айти пайтда улар айнан бир хил эҳтиёжлар ва қадриятларга йўналтирилган бўлади. Ўғрилар ҳам, оддий фаолият билан шуғуланаётган бошқа одамлар каби «пул ишламоқчи» бўладилар, бироқ бунинг учун ноқонуний воситаларни танлайдилар¹¹.

⁹ Box Steven. Crime and Mystification. London, 1983.

¹⁰ Sutherland Edwin H. Principles of Criminology. Chicago, 1949.

¹¹ Gibbons Don. The Criminological Enterprise: Theories and Perspectives. Englewood Cliffs, 1979.

Жиноятни оғаётган хулқ-атворнинг бошқа типлари билан боғлайдиган Роберт К. Мертон ҳам жиноятчи шахсининг нормаллигини эътироф этишдан келиб чиқади¹². Мертон биринчи марта социологиянинг асосчиларидан бири бўлган Эмил Дюркгейм (1858—1917) тақлиф қилган аномия концепциясини¹³ кўриб чиқди ва кўпчилик эътироф этган девиациялар концепциясини яратди. Дюркгейм аномия тушунчасини жамиятда анъанавий андоза ва меъёрлар янгиси билан алмаштирилмай туриб емирилаётгани муносабати билан ривожлантирди. Ижтимоий ҳаётнинг муайян соҳаларида халқ-атворнинг аниқ андозалари бўлмаса, аномия келиб чиқади. Бундай вазиятларда, Дюркгейм фикрича, ноаниқлик одамларда хавотир ва кўрқинч келтириб чиқаради. Шунинг учун аномия ўз жонига қасд қилишга мойилликни келтириб чиқарадиган ижтимоий омиллардан бири бўлиб қолиши мумкин.

Мертон аномия тушунчасини индивид хулқида қабул қилинган меъёрлар ижтимоий воқеликка зид келиб қолган тақдирда вужудга келадиган тарангликни белгилаш учун модификациялаштирди. Масалан, Америка жамиятида қабул қилинган қадриятлар одамни юқорироққа силжиш, «пул ишлаш», яъни моддий муваффақиятларга йўналтиради. Бу мақсадга эришишнинг воситаси сифатида ўзини интизомлилаштириш ва интенсив меҳнат кўзда тутилади. Бу ҳолатларга кўра, тадқиқотлар шуни кўрсатадики, меҳнат қилаётган одамлар ўзининг мавқеларидан қатъий назар, муваффақиятга эришиши керак. Ҳаётда эса бундай бўлмайди, чунки ноқулай моддий аҳволда бўлган одамлар ўсиш учун чекланган истиқболга эга бўлади. Муваффақиятга эриша олмаган одамлар ўзларининг моддий муваффақиятга эришиш учун лаёқатсизлигининг бошқалар томонидан қораланишига дуч келадилар. Шундай вазиятда ҳар қандай, қонунийми, қонуний эмасми, восита ёрдамида муваффақиятга эришиш учун майл пайдо бўлади.

Мертон ижтимоий мақбул қадриятлар ва уларга эришиш воситаларининг чекланганлиги ўртасида вужудга келадиган номуноносиблик келтириб чиқарадиган тарангликка нисбатан эҳтимоли мавжуд бўлган беш хил реакцияни кўрсатади. «Конформистлар» умум томонидан эътироф этилган қадриятлар ва уларга эришиш учун белгиланган воситаларга амал қиладилар, бунда уларнинг муваффақиятга эришиш ёки эришмасликлари аҳамиятга эга эмас. Аҳолининг кўпчилиги мана шу тоифага мансуб бўлади. «Инноваторлар» — жамият қабул қилган қадриятларга амал қилишда давом этадилар, бироқ уларга эришиш учун қонунга яқин ёки ноқонуний воситалардан фойдаланадилар. Ре-

¹² Merton Robert K. Social. Theory and Social Structure. Glencoe, 1957.

¹³ Anomie (англ.) — ахлоқий бузуқлик, шахват.

акциянинг бундай типни қонунга хилоф ҳаракатлар ёрдамида фаровонликка эришган жиноятчилар учун хос.

«Ритуализм» — улар амал қилаётган қадриятлар ўз мазмунини йўқотган бўлса ҳам, улардан четга чиқмайдиган одамлар. Қоидаларга мақсадсиз, беихтиёр шу қоидаларнинг ўзи учун амал қилинади. Ритуалистлар, одатда ўзларини қизиқарли бўлмаган ва чарчатадиган, истиқболсиз ва кам ҳақ тўланадиган ишга бағишлаган одамлар. «Ретриатистлар» — рақобатчилик дунёқарашини рад этадиган, айни пайтда қабул қилинган қадриятлар ва уларга эришиш воситаларини рад этадиган одамлар. Мисол тариқасида ҳўжалик ҳисобидаги мустақил намуналарни келтириш мумкин. Ва ниҳоят, «исёнчилар» — мавжуд қадриятлар ва меъёрий воситаларни рад этадилар, янги қадриятларни кириштириш ва ижтимоий тизимни ўзгартириш учун фаол ҳаракат қилдилар. Бу тоифага радикал сиёсий гуруҳларнинг аъзолари киради.

Аномия ва уюшма: жиний субмаданиятлар

Жиний фаолият тўғрисида Мертон нисбатан кам ёзган. Шунингдек у аномияга у ёки бу реакция қандай танланиши тўғрисида ҳам тушунтиришлар бермаган. Бу камчиликлар кейинчалик Сазерленднинг табақалашган уюшмалар ҳақидаги ғоясини (унинг моҳияти шундаки, индивид боғланган одамлар гуруҳи унинг жинийга бўлган муносабатига салбий ёки ижобий таъсир кўрсатади) Мертон тезислари билан боғлаган тадқиқотчилар томонидан тўлғазилди. Ричард А. Кловард ва Ллойд Е. Олин ёшларнинг жиний гуруҳлари орасида тадқиқот ўтказди¹⁴. Уларнинг фикрича, бундай гуруҳлар муваффақиятга қонуний йўл билан эришиш имконияти жуда кам бўлган субмаданият ҳамжамиятларида, айтайлик, майда миллатлар орасида шаклланади. Бундай гуруҳларнинг иштирокчилари моддий муваффақият мақбулликни эътироф этишади, бироқ уларнинг қадриятлари маҳаллий субмаданиятда “сузгичдан ўтказилади”. Криминал ҳудудларда жиний гуруҳларнинг субмаданияти индивиднинг болаларнинг майда ўғирлигидан то катталарнинг жиний ҳаётигача бўлган йўлни босиб ўтишида кўмаклашади. Ташкилий жинийчилик томонидан эгалланмаган туманларда гуруҳлар томонидан содир этиладиган қонунбузарликлар мушталлашиш ва вандализм шаклида юз беради, чунки гуруҳ аъзолари учун криминал тузилманинг бир қисми бўлиш имконияти деярли йўқ. Очиқ ижтимоий тартиб билан ҳам, жиний гуруҳлар субмаданияти билан ҳам ўзаро таъсирга кириша олмайдиганлар гиёҳвандликка ружу кўяди.

Кловард ва Олин тадқиқотларида аввалроқ Алберт Коэн томонидан ўтказилган жиний субмаданиятлар ҳақидаги тадқиқотларга ўхшашлик бор. Коэн Американинг энг йирик шаҳар-

¹⁴ Cloward R and L. Ohlin. Delinquency and Opportunity. New York, 1960.

ларида жиноятчилик ҳаёт тарзига айланган ҳудудларни аниқлади. Унинг фикрича, гуруҳ аъзолари моддий манфаат учун ўғирлик қилмайдилар, балки ўша муштлашиш ва вандализм сабабларига кўра, яъни «респектабелли» жамиятни қабул этмасликларини намоиш этиш мақсадидагина жиноят содир этадилар. Мавжуд ижтимоий тартибда ўзларининг “қисиб қўйилганликлари”ни англари экан, гуруҳлар ўз муҳолифлик уюшмаларини ташкил этадилар.

Баҳо

Кловард — Элин ва Коэн тадқиқотларида конформлик ва оғиш ўртасидаги алоқа таъкидланади: жамиятдаги кўпчилик томонидан қабул қилинган маънодаги муваффақиятга эришиш имконияти йўқлиги жиний гуруҳларга кирган ва кирмаганларни табақалаштирувчи асосий омил ҳисобланади. Шунга қарамасдан, камбағал табақаларнинг вакиллари ҳам ўзига тўқроқ муҳит вакиллари даражасида «муваффақият»га эҳтиёж сезадилар, деган фикр етарли асосга эга эмас. Аксинча уларнинг кўпчилиги ўз интилишларини амалдаги воқелик билан боғлайди. Интилиш ва имкониятлар ўртасидаги номутаносиблик фақатгина аҳолининг имтиёзга эга бўлмаган қатламлари учун хос, деб ўйлаш ҳам хато бўлади. Криминал фаолиятга ўтказилаётган босим, эҳтимол Мертон таклиф қилган оғишларнинг бошқа типларига ҳам босим ўтказиш, интилиш ва имкониятлар ўртасидаги тафовут жуда катта бўлганда юз беради. Мана шундай тафовут тўғрисида, масалан, «оқ ёқали»ларнинг жиноятлари: камомадлар, қаллоблик ва солиқ тўлашдан бош тортиш ҳақида гапириш мумкин.

Стигматизация назарияси

Жиноятлар қандай содир этилишини тушунишда ёрдам берадиган энг муҳим ёндошувлардан бири — стигматизация (яъни ёрлик ёпиштириш, тамға босиш) назариясидир, гарчи бу атамга ягона ёндошувнинг эмас, ўзаро боғланган ғоялар гуруҳини англатса ҳам. Стигматизация назарияси тарафдорлари оғишни индивид ёки гуруҳ тавсифларининг мажмуи, деб эмас, оғаётган хулқли одамлар ва оғишсиз хулқли одамлар ўртасидаги ўзаро таъсир *жараёни*, деб талқин қилишади. Бу нуқтаи назарга кўра, оғишнинг моҳиятини тушуниш учун аввало, баъзи одамларга нима учун оғаётганлар ёрлигини ёпиштиришларини тушуниш керак. Қонун кучи ва тартибот вакиллари ёки ўзининг ахлоқий установакаларини бошқаларга ўтказиш оладиган одамлар ёрликнинг асосий манбаи ҳисобланадилар. Ёрликлар оғишнинг тоифасини аниқлаш учун қўлланилади ва шу тарзда жамиятдаги ҳокимият тузилмасини ифодалайди. Бу оғишларни аниқлашда фойдаланиладиган қоидалар ва шароитлар камбағаллар учун бойлар томонидан, аёллар учун эркаклар томонидан, кичиклар учун катталар томонидан, майда этник бирликлар учун этник

кўпчилик томонидан белгиланади. Масалан, кўпгина болалар бировларнинг боғига тушишади, дераза ойналарини синдиришади, мева ўғирлашади ва дарсларда қатнашмай юришади. Бой ҳудудларда бундай қилмишларга ота-оналар, ўқитувчилар ва полиция томонидан унчалик жиддий бўлмаган шўхлик сифатида қаралади. Қашшоқ ҳудудларда улар илк ёшларда жиноий майлларнинг намоён бўлиши сифатида баҳоланади.

Болага жиноятчи ёрлиғи ёпиштирилиши билан, у тамға босилган ҳисобланади; ўқитувчилар ва келажакдаги иш берувчилар унга ишониб бўлмайдиган одам сифатида қарайдилар. Индивид яна криминал ҳаракат содир этади ва ортодоксал ижтимоий меъёрлар билан ўртадаги тафовутни яна ҳам кўпайтиради. Ҳуқуқни бузишнинг дастлабки ҳолатини Энвин Лэммерт *бирламчи оғиш*, деб атайди. Иккиламчи оғиш эса индивид ўзига осилган тамгани қабул қилиб, ўзини жиноятчи сифатида ид-рок эта бошлаганда юз беради.

Шанба оқшомида дўстлари билан шаҳардан ташқарида бўлиб, дўкон витринасининг ойнасини синдириб қўйган бола хулқини кўриб чиқайлик. Бу ҳаракат ёшлар учун кечиримли бўлган тўполончиликнинг тасодифий натижаси, деб баҳоланиши эҳтимоли кўпроқ. Агар у «респектабелли» оиладан бўлса, воқеанинг шундай яқунланишига тўла ишонса бўлади. Витрина ойнаси туфайли юз берган ҳодиса, агар ёш йигитча «тузук» кўринишга эга бўлса, ўша пайтда бироз эҳтиётсизлик қилган, деб баҳоланиши мумкин. Бироқ полиция ва суднинг реакцияси кескинроқ, айтайлик, шартли ҳукм чиқариш ва васийлик кенгашига юбориш тўғрисида бўлса, бу ҳодиса иккиламчи оғиш жараёнига қўйган биринчи қадам бўлиши мумкин. «Жиноятчи бўлишга ўрганиш» жараёни оғаётган хулқни тузатиш асосий вазифаси бўлган ташкилотлар — колониялар, қамоқхоналар томонидан чуқурлаштириб юборилади.

Стигматизация назариясининг муҳимлиги шундаки, назария бирорта ҳам хатти-ҳаракат аслида жиноий эмас, деган фарздан келиб чиқади. Криминалликни аниқлаш ва талқин қилиш ҳокимиятга эга бўлган одамлар томонидан қонунларни шакллантириш ва уларни полиция, суд ва ахлоқ тузатиш муассасалари талқин қилиши йўли билан белгиланади. Ёрликлар назариясининг танқидчилари айтишича, барча маданиятлар томонидан ман қилинган қотиллик, зўрлаш, қароқчилик каби ҳаракатлар бор. Бундай нуқтани назар аслида унчалик тўғри эмас: ҳаттоки бизнинг ўз маданиятимиз доирасида ҳам қотиллик ҳар доим жиноят, деб баҳоланавермайди. Ҳарбий даврда душманни ўлдириш ижобий баҳоланади ва яқин вақтларгача Британия қонунлари бўйича аёлнинг ўз эри томонидан зўрланиши зўрлик ҳисобланмас эди.

Стигматизация назариясини бошқа уч йўналиш бўйича ишончлироқ тарзда талқин қилиш мумкин. Биринчидан, бу назария доирасида ёрликлар ёпиштиришга урғу берилади, оғма

хулқни келтириб чиқарган жараёнлар эса этибордан четда қолади¹⁵. Албатта ёрликлар ўзи бўларчилик усулида ёпиштирилмайди, ижтимоийлашув, установа ва имкониятлар одамларнинг берилаётган ёрликқа сезгирлиги ва муносабатига, шунингдек ёрлик берилгандан кейинги хулқ-атвориға катта таъсир кўрсади.

Иккинчидан, ёрлик бериш оғаётган хулқнинг оғишини ҳақиқатан ҳам кучайтириб юбориши ҳозиргача тўла аниқланмаган. Жиноий хулқ кейинги шубҳаларни ҳам кучайтиради, бироқ бу ёрликнинг натижасими? Бу ҳақда аниқ бирор нарса дейиш қийин, чунки бу жараёнда кўп омиллар рол ўйнайди, масалан, бошқа ҳуқуқбузарлар билан кўпроқ мулоқотга киришиш ёки жиноят содир этиш учун янги имкониятлар пайдо бўлиши мумкин¹⁶.

Учинчидан, турли ёрликларнинг сабабларини ўрганиш замонавий қонун чиқарувчи суд ва полиция тизимини таҳлил қилиш заруратини келтириб чиқаради. Демак, оғишни тушуниш учун тарихий жиҳатлар ҳам тадқиқ этилиши керак. Уилям Нелсон Массачусетс штатида 1760 йилдан 1830 йилгача бўлган даврда жиноий қонунчилик процедуралари ўзгаришини ўрганиб чиқди. Мана шу даврда шаклланган қонунчилик ва жазо тизими кейинги даврда бутун мамлакат бўйича шаклланган қонунчилик тизимиға кучли таъсир ўтказди. Суд баённомаларини ўрганар экан, Нелсон жиддий ўзгаришларни аниқлади. Мустақиллик учун Урушгача суд аъзолари қонунларни ўзлари талқин қилиб, муайян ҳолатлар бўйича ҳукм чиқаришар эди. Ўша даврда мавжуд бўлган мулк ҳақидаги қонунлар молиявий келишув ва капитал жамғарилишиға кўмаклашмас эдилар. Бироқ урушдан кейин, манфаатлар иқтисодий экспансия томон силжигандан кейин, қонунлар хусусий мулкни ҳимоя қилиш томонига ўзгартирилди. Ер ва мулкни зўр бериб сотиб олиш «очиқ тус» олди, айти пайтда мулкка қарши жиноятлар, шу жумладан, майда ўғирликлар ҳам жуда жиддий санкцияларға асос бўлди.

Рационал танлов ва жиноятларнинг «вазиятли» талқини

Девиант хулқ тўғрисидаги эслаб ўтилган социологик назарияларнинг бирортасида ҳам криминал хулққа олдиндан мўлжалланган ва ўйлаб чиқилган хатти-ҳаракат, деб қаралмайди. Уларнинг ҳар бирида жиноят «ҳаракат» сифатида эмас, «қарши ҳаракат» мавқеида индивид ҳаракатларининг натижаси деб эмас, ташқи таъсирнинг оқибати, деб талқин қилинади. Табақалашган уюшма назарияси жиноий гуруҳлар вакиллари билан ўзаро

¹⁵ Fine B. Labelling theory. In: Economy and Society, 4. 1977.

¹⁶ Farrington David, Lloyd E. Ohlin and James Q. Wilson. Understanding and Controlling Crime: Toward a New Research Strategy. New York, 1986.

таъсирга урғу беради; аномия назарияси индивид муваффақиятга йўналтирилган жамиятда дуч келадиган босимга асосий эътиборни қаратади; стигматизация назарияси ижтимоий институтлар хулқ-атворга таъсир қилишида юз берадиган эффектга эътибор қаратади. Бироқ жиноий хатти-ҳаракатлар содир этган одамлар мунтазамми ёки аҳён-аҳёндами, бундан қатъий назар, бу ҳаракатларни муайян мақсад билан, кўпинча натижаларни англаб содир этади.

Сўнги пайтларда криминал ҳолатларни талқин қилишда рационал танлов талқинини қўлашга ҳаракат қилиб кўрилди¹⁷. Ёндошувнинг моҳияти шундаки, жиноий хатти-ҳаракатларни одамларнинг ўзлари танлайдилар, бунга уларни ташқи таъсирлар мажбур қилмайди. Улар ўйлашча, шундай вазиятлар вужудга келадик, унда таваккал қилиб иш қилиш мумкин. «Криминал металллик»ка эга одамлар — тутиб олиниш хавфига қарамасдан, қонунни бузганда қандай афзалликлар қўлга киритилиши мумкинлигини ҳисобга олиб ҳаракат қиладиган одамлар. Тадқиқотлар кўрсатишича, жиноий хатти-ҳаракатларнинг кўпчилиги, жумладан, зўрликсиз амалга оширилган ўғирлик каби барча майда жиноятлар «вазиятли» қарорлар натижасидир. Шундай имкониятлар пайдо бўладик, уларни қўлдан чиқариб юбориш учун улар ҳаддан ташқари яхши кўринади — масалан одам бўш уйни кўради, эшикни очиб кўришга уринади, қараса, бунга осонлик билан эришади. «Профессионал» жиноятчилар унчалик кўп эмас; ўғирларнинг кўпчилиги «ҳаваскорлар» бўлиб, бошқа манбалардан олинадиган даромадларини имконият туғилиб қолса, ўғрилик ва қароқчилик йўли билан тўлғазиб турадиган одамлар¹⁸.

Ллойд Фини бир қисми қароқчиликда айбланаётган Калифорниялик жиноятчилар гуруҳини ўрганиб чиқди¹⁹. Уларнинг ярмидан ортиқроғи ўзлари содир этган жиноятни олдиндан ўйлаб кўрмаганликларини баён қилдилар. Учдан бир қисми учун эса минимал даражада режалаштириш бўлган, масалан, қандай қилиб шерик топиш, ўғирланган автомобилни қаерда қолдириш ёки қаердан қурол топиш. Бундай режа, одатда, жиноят содир этиладиган куни, кўпинча ундан бир неча соат олдин тузилади. Улардан фақат 15%и режани батафсил ишлаб чиққан, 9%и эса олдинги одат бўйича ҳаракат қилган. 60 фоиздан ортиқ жиноятчилар жиноят содир этишдан аввал уларни тутиб олишларини хаёлига ҳам келтиришмаган. Бундай фикр етарли асосга эга: бу жиноятчилар орасида бир одам бўлиб у 26 ёшгача мингта қароқчилик содир этган ва фақат бир марта қамалган эди.

¹⁷ Cornish D. B. and Clarke R. V. The Reasoning Criminal: Rational Choice Perspectives on Offending. New York, 1986.

¹⁸ Wals Dermot. Heavy Business: Commercial Burglary and Robbery. London, 1986.

¹⁹ Feeney F. Robbers as decision — makers In: Derek B. Cornish and Ronald V. Clarke (eds). The Reasoning Criminal. Rational. Choice Perspectives on Offending. New York, 1986.

Мулкка қарши жиноятларнинг вазиятли экани бу криминал ҳаракатлар кундалик меъёрий қарорларга қанчалик яқинлигини кўрсатади. Индивид криминал фаолиятга умуман тайёр бўлса (бошқа назариялар изоҳлаши мумкин бўлган ақлий ҳолат), жуда кўп жиноий хатти-ҳаракатлар одатдагидай қарор қабул қилиш жараёнини тақозо этади. Дўконда ҳеч ким кўрмай турганда бирор нарсани олиш товар сотиб олишдан кўп фарқ қилмайди, одам харид учун борганда, унисини ҳам, бунисини ҳам амалга ошириши мумкин.

Назарий хулосалар

Шундай қилиб, жиноят ҳақидаги кўпгина назариялардан қандай хулосалар қилишимиз мумкин? Энг аввало, биз юқорида қилган танбеҳни қайтаришимиз лозим. «Жиноят» девиант хулқнинг фақат битта кичик тоифаси бўлишига қарамасдан, у фаолиятнинг турли-туман турлари — пул тўламай олинган бир плитка шоколаддан то оммавий қирғингача, — бу ҳаракатларнинг барчасини ягона бир назария доирасида изоҳлаш мутлақо мумкин эмасдай туюлади. Биз юқорида кўриб ўтган илмий нуқтаи назардан жиноятларнинг у ёки бу турларини ёки у ёки бу жиҳатларини тушунишга ҳисса қўшади. Биологик ва психологик ёндошувлар баъзи шахсий тавсифларни идентлаштириш — ижтимоий тарбия ва тажрибанинг муайян шароитида муайян индивидларни жиноий ҳаракатлар қилиш тўғрисида мулоҳаза юритишга ундайди. Масалан, «психопатик», деб ҳисобланган белгиларга эга бўлган индивидлар хавфли жиноятчилар орасида умуман аҳоли орасига қараганда анча кўп учрайди. Иккинчи томондан, улар олий қаҳрамонлик содир этган ёки бевосита халқ билан алоқадор машғулотлар билан шуғулланувчи одамлар орасида ҳам кўп учрайди.

Жиноятчиликнинг социологик назариялари қўшган ҳисса икки хил. Биринчидан, бу назариялар криминал ва «респектабелли» хулқ ўртасидаги узлуксизликни тўғри таъкидлайдилар. Турли фаолият типлари «криминал», деб баҳоланадиган ва қонун бўйича таъқиб этиладиган вазиятлар жуда хилма-хил. Иккинчидан, деярли барча ёндашувларда жиноий хатти-ҳаракатларни бажаришнинг “контекстуал” элементи тилга олинади. Жиноятни содир этиш эҳтимоллиги ва жиноятчи деган ном олишга индивид мавжуд бўлган ижтимоий меъёрлар ва ижтимоий вазият жуда катта таъсир ўтказиши.

Мавжуд камчиликларга қарамасдан стигматизация назарияси жиноятлар ва оғаетган хулқнинг турли жиҳатларини тушунишда энг фойдали ёндошув экани эҳтимол. Бу назария тарихий талқин билан тўлдирилса, баъзи фаолият турлари қонунга хилоф, деб баҳоланишидаги ҳокимиятнинг ролини изоҳлаб беради, шунингдек, у ёки бу индивид қонун билан низога киришишининг шароитларини ҳам тушунтиради. Жиноятнинг вазиятли талқинлари бу ёндашув билан бириктирилганда сигмати-

зация назарияси фикр билдирмайдиган масалаларни тушуниш учун шароит яратади: нима учун «нормал бўлмаган» кўпчилик одамлар ҳуқуқий санкциялар қўлланилиши мумкинлигини библиб туриб ҳам муайян ҳаракатларни содир этадилар?

Энди ҳозирги жамиятнинг криминал фаоллик даражаси ва характерини кўриб чиқамиз, бунда Буюк Британиядаги жиноятчилик муаммосига алоҳида эътибор берамиз.

Жиноятлар ва криминал статистика

Жиноятлар нега кўп содир этилади ва жиноий хатти-ҳаракатларнинг энг умумий шакллари қандай? Бу саволга жавоб бериш учун биз ишни расмий жиноий статистикадан бошлашимиз мумкин. Бундай статистика доимий чоп этиб турилгани учун биринчи қарашда жиноятчилик даражасини баҳолаш унчалик қийин эмасдай туюлади, бироқ бу фикр мутлақо нотўғри. Жиноятчилик ва қонунни бузиш статистикаси ижтимоий масалалар бўйича эълон қилинаётган расмий ахборотлар ичида энг кам ишончлиси бўлса керак.

Расмий криминал статистиканинг асосий камчилиги шундаки, у фақат полиция томонидан қайд этилган жиноятларни қамраб олади, холос. Жиноят ва унинг полицияда қайд этилиши оралиғида муаммоли қарорларнинг узун занжири ётади. Кўп жиноятлар, айниқса майда ўғирликлар тўғрисида полицияга умуман хабар қилинмайди. Одамлар жиноятни фарқлаш қобилияти ва жиноят ҳақида ахборот бериш истагига қараб ажралиб турадилар. Полицияга хабар берилган жиноятларнинг ҳам ҳаммаси статистикада акс этмайди; масалан, полиция жиноят ҳақидаги ахборотнинг ишончлилигига баъзан шубҳа билан қарайди. Тадқиқотлар кўрсатишича, жиддий жиноятларнинг ярми тўғрисида, шу жумладан, зўрлаш, қароқчилик ва оғир тан жароҳати етказиш мақсадида ҳужум қилиш ҳақида полицияга хабар қилинмайди.

Қўшма Штатларнинг рўйхатга олиш бюроси 1973 йилдан бошлаб тасодифий танлов йўли билан ажратиб олинган 60 минг оиладаги одамлардан ўтган 6 ой давомида турли жиноятлар қурбонлари миқдорини аниқлаш мақсадида интервью ўтказди. «Жиноятчиликнинг миллий умумий тавсифи» номини олган тадқиқот кўпчилик жиддий жиноятлар ҳақида ахборот берилмаганини кўрсатди. Савдо тармоғидаги ўғирликлар тўғрисида энг кўп хабар етказилган (86%) ва хонадонлардаги 50 доллардан кам бўлган ўғирликлар тўғрисида энг кам хабар берилди (15%). 1982 ва 1984 йиллардаги Британия обзорида Бирлашган қиролликда ҳисобга олинмаган жиноятларнинг расмий баҳоси мавжуд эмас эди. «Британия жиноят обзори»да аниқланган Британияда қайд этилмаган жиноятларнинг вазияти Америкадаги тадқиқотларнинг натижаларини аниқ акс эттиради.

Жиноятчиликнинг ҳақиқий кўламини аниқлаш учун поли-

циянинг расмий ахборотларига ҳисобга олинмаган жиноятларни қўшиб қўйиш кифоя қилмайди, чунки маҳаллий полиция бўлинмалари томонидан жиноятларни қайд этиш амалиёти турличадир. Баъзилар бошқаларга қараганда озроқ жиноятлар тўғрисида ҳисобот берадилар, бу ё самарасиз ишлаш оқибатида юз беради, ёки улар ўзларининг кўрсаткичлари бошқаларникидан яхшироқ кўриниши учун шундай қиладилар. Тадқиқотлар кўрсатишича, 1960 йилларда Қўшма Штатларнинг энг катта штатларида жиноятчиликнинг тез ўсиб кетиши ҳисобот тақдим қилиш амалиётининг ўзгаришига кўпроқ боғлиқ бўлган экан. Ижтимоий установа ва қадриятларнинг ўзгаришига мос тарзда фуқаролар ахборотни турлича етказишлари мумкин. Масалан, полиция ва судда аёлларга дўстона муносабатда бўлинса, улар зўрлашлар тўғрисида кўпроқ ахборот беришади.

1971 йилдан 1980 йилгача Қўшма Штатларда даромад қайд этилган жиноятлар сони 42 %га ўсди. Ҳақиқий тамойил унчалик кескин бўлмаса ҳам, бу ҳол жамоатчиликнинг хавотирига сабаб бўлади. Миллий жиноятчилик обзорида кўра, моддий жиноятлар миқдори бу даврда кам ўзгарган; бу даврда барқарор, лекин унчалик кескин бўлмаган ўсиш кузатилган. 1971—1980 йилгача қасддан ва беҳосдан одам ўлдириш 11%га ўсган. Гарчи рақамларни мутлақо аниқ, деб бўлмаса ҳам бу ўсиш реал бўлиши керак.

Шунга ўхшаш тадқиқотлар Бирлашган қироликда ҳам ўтказилди. Британия ҳукумати умуммиллий сўровлар ўтказадиган Уй эгаларининг Умумий Обзори таъсис этди. 1972, 1973, 1979 ва 1980 йиллардаги обзорларга “Бузиб кириб ўғирлик қилиш” ҳақидаги савол ҳам қўйилди. Уй эгаларидан кейинги 12 ой давомида юз берган барча ўғирликларни белгилаш сўралди. 1981 йилги обзорга қараганда 1972 дан 1980 йилгача бузиб кириб ўғирлик қилиш ҳажми деярли ўзгармаган, гарчи расмий Британия криминал статистикаси полицияга келаётган хабарлар асосида бу рақамнинг 50 %га ўсгани маълум бўлган бўлса ҳам. Бундай ўсиш жамоатчилик хавотири ўсгани, бу эса ўз навбатида полицияга берилаётган хабарларнинг кўпайгани шунингдек, ахборот тўплашнинг самаралироқ усуллари қўллана бошлагани натижасида юз берган бўлиши керак.

«Қурбонларнинг умумий тавсифи» жиноятчиликнинг миллий обзори сингари ўзига хос қийинчиликларга дуч келмоқда. Одамлар баъзи жиноятлар тўғрисида полицияга эмас, интервью олувчиларга хабар беришга мойилроқ бўладилар, бошқа криминал ҳаракатлар бўйича эса вазият бунинг тескарисича бўлиши мумкин. Аёл киши полицияга, эри унга зўрлик қилгани тўғрисида хабар қилиши мумкин, бироқ бирнеча ойдан кейин интервьюер билан ўтказилган суҳбатда бу ҳақда ҳеч нарса демаслиги ҳам мумкин, айниқса интервью жараёнида эри иштирок этаётган бўлса. Калифорния штатидаги Сан-Хосе шаҳрида ўтказилган тадқиқот одамларнинг қилинган ҳужумлар

тўғрисида полицияга ахборот бериши ва кейинроқ миллий жиноятчилик обзори доирасидаги сўровлар натижаларини ўрганишга бағишланди. Фақат 48% одамлар кейинроқ ўтказилган интервьюда қилинган жиноят ҳақида сўзлаб бердилар.

1-жадвал. 1963—1980 йилларда Англия ва Уэльсда полиция томонидан қайд этилган жиноятлар

Жиноятлар гуруҳи	Жиноятлар миқдори (минг)					Ўсиш % 1963-83
	1963	1968	1973	1978	1983	
Шахсга қарши жиноятлар	20,1	31,8	61,3	87,1	111,3	454
Сексуал жиноятлар	20,5	23,4	25,7	22,4	20,4	-0,5
Бузиб кириб ўғирлик қилиш	219,1	287,1	393,2	565,7	813,4	271
Қароқчилик	2,5	4,8	7,3	13,1	22,1	784
Ўғирлик ва дўконлардан ўғирлаш	653,4	853,1	998,9	1441,3	1705,9	161
Қаллоблик	54,4	74,5	110,7	122,2	121,8	124
Зарар етказиш	6,9	12,2	52,8	306,2	443,3	6325
Бошқа жиноятлар	1,1	2,1	7,8	3,5	8,7	691
ЖАМИ	978,1	1289,1	1657,7	2561,5	3247,0	232

Манба: А.К. Bottomley and K.Pease. Crime and Punishment: Interpreting the Date. Open University Press, 1986. P.5.

Қотиллик ва бошқа оғир жиноятлар

Қотилликлар

Криминал статистикадаги қотилликлар тўғрисидаги маълумотлар энг аниқ маълумотлар бўлса керак. Бироқ бу ерда ҳам муаммолар бор. Ўлим қотилликнинг натижаси сифатида тавсифланиши учун жиноят содир этилганини аниқлаш лозим. Одатда бу мурданинг топиллиши лозимлигини билдиради. Мурда топилмаган тақдирда эса, ўлим билан тугаган жиноятнинг жуда кам қисми қотиллик деб баҳоланиши мумкин. Агар у мурда бўлса ҳам, фақатгина муайян ҳолатлар мавжудлиги, масалан, ўлимнинг «нотабий»лигини кўрсатадиган бешафқат калтаклашнинг излари ёки бўлмаса бош чаноғини тешиб ўтган жароҳат кабилар қотилликни тахмин қилишга имкон беради. Жиноий иш қўзғатилган тақдирда айбланувчи қасддан ўлдиришда эмас, эҳтиётсизлик оқибатида ўлдириш учун айбдор, деб топиллиши (ўлдиришни эмас, жароҳат етказишни мақсад қилиш) ҳам мумкин.

Коронерлар (ўлим ҳолатида суриштирув олиб борадиган суд терговчилари) докладларига асосланадиган саломатликнинг ижтимоий статистикаси полициячиларнинг ҳисоботларидан мус-

тақилроқ бўлган қотилликлар даражасини аниқлаш имконини беради. Бу докладларни мутлақо аниқ деб бўлмайди, чунки коронерлар қотилликни бахтсиз ҳодиса деб, ёки қотилликни ўз жонига қасд қилиш деб нотўғри талқин қилишлари мумкин. Бироқ бундай статистика умуман полициячилар ҳисоботларидаги қотилликлар даражасига яқин ва улар етарли даражада аниқ, деб тахмин қилиш мумкин.

Оғир жиноятлар

Криминал статистика ҳеч ким инкор этмайдиган бир феномени кўрсатади, бу — бошқа саноат мамлакатларини, Британияни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, АҚШда оғир жиноятлар даражасининг жуда юқори эканлиги. Масалан, аҳолиси 1 млн. 500 минг киши бўлган Детроит шаҳрида ҳар йили аҳолиси 55 млн. киши бўлган Буюк Британияга қараганда ҳам кўпроқ оғир жиноятлар қайд этилади. Рақамларни таққослаб кўрилса, Қўшма Штатларнинг оғир жиноятчилик гуллаб-яшнаётган маданиятга мансублиги маълум бўлади. Нега шундай ҳол юз беради?

Бу саволга жавоб беришда, аввало, ўқ отар қуролларни бемалол сотиб олиш мумкинлигига ишора қилишади. Албатта бу ҳол муайян рол ўйнайди, бироқ ўқ отар қуролга эгалик қилиш ўз-ўзидан жиноятчиликнинг асосий сабаби бўла олмайди. Швейцарияда, масалан, оғир жиноятчилик даражаси жуда паст, лекин бу ерда ҳам кўпчилик қурол олиш имконига эга. Швейцариядаги барча эркалар фуқаролик қўшинининг аъзолари бўлиб, уйда қурол сақлайдилар (винтовка, револьвер, автоматик қурол). Қурол учун лицензия олиш ҳам бу ерда қийин эмас²⁰. АҚШда оғир жиноятлар даражасининг юқорилиги 3 омининг комбинацияси асосида аниқроқ изоҳланиши мумкин: қурол олишнинг осонлиги, «биринчилар анъанаси»нинг умумий таъсири ва йирик шаҳарларда жиноий субмаданиятнинг мавжудлиги. Америка пионерлари ва «хушёрлик комитетлари» аъзолари томонидан қилинган зўрликлар Америка тарихининг бир қисмини ташкил этади. Биринчи иммигрантларнинг баъзилари ўзлари истиқомат қиладиган ҳудудларда зўрлик ёки зўрлик билан таҳдид қилишга асосланган ижтимоий назоратнинг норасмий усулларини қўллар эдилар. Қора танли ва испан тилида сўзлашувчи ҳамжамиятлардаги ёшларга зўрлик ритуллари билан боғлиқ бўлган мардлик ва номус субмаданияти хос.

Америка ёки Британия жамиятидаги зўрлик қора танлиларни оқ танлилардан ажратувчи биологик сифатларга мутлақо боғлиқ эмас. Тадқиқотлар Африка жамоаларидаги оғир жиноятчилик даражаси Америкадаги қора танли аҳолига нисбатан жуда кам эканини кўрсатмоқда. Филадельфияда 1948—1950 йиллар ўртасида ўтказилган Марвин Волфганг тадқиқотларининг натижалари бўйича қора танлилар орасида ҳар 100 минг аҳолига

²⁰ *Clinard Marshall. Cities with Little Crime: The Case of Switzerland. Cambridge, 1978.*

24,6 қотиллик ҳолати юз берган. Худди ўша даврда Пол Боҳанман томонидан Африка гуруҳларида ўтказилган тадқиқотлар ҳар 1000000 аҳолига 12 дан камроқ қотиллик содир этилишини кўрсатди. Бу дунёда энг паст кўрсаткичлардан бири²¹.

Оғир жиноятларнинг кўпчилиги асосан оддий тавсифга эга эканлигини эслатиш муҳим. Зўрлик ва қотилликларнинг кўпчилиги оммавий ахборот воситаларида кўрсатиладиган гангстерларнинг қонли ҳаракатларини жуда кам эслатади. Одатда қотиллик оилада ёки қариндошлик алоқаларига эга бўлган одамлар орасида юз беради. Улар гиёҳванд моддаларга қараганда кўпроқ алкоғолли ичимликлар таъсирида юз беради, эҳтиёжлар таркибида алкоғолли ичимликларнинг кўпроқ ўрин тутиши ҳисобга олинса, бунга ҳайрон бўлмаса ҳам бўлади.

Қотилликларнинг анчагина қисми «қурбонлар томонидан чақирилган», қурбон биринчи бўлиб зарба бериб, ёки таҳдид қилиш билан жиноятчининг ҳаракатларини келтириб чиқариши мумкин. Мана шундай ҳолатлар Вольфгангнинг Кўшма Штатларда ўтказган тадқиқотларида аниқланган. Тадқиқот натижалари бу ҳодисага эътиборни тортди. Мана, бир мисол: бўлғуси қотил қурбондан қарзни тўлашни талаб қилганда, унинг жаҳли чиқиб қарз берганни ошпичоқ билан урмоқчи бўлади, у эса олдинроқ пичоқ санчишга улгуради.

Оғир жиноятларнинг алоҳида шакли бўлган зўрлашлар «Гендер ва сексуаллик» деб аталган 6-бобда муҳокама қилинади.

Қамоқхоналар ва жазолар

Қамоқхонага қамаш узоқ вақт криминал хулқни коррекция қилиш билан, жиноятчиларни реабилитация қилиш ва уларни қонунни ҳурмат қилувчи фуқароларга айлантириш билан боғлиқ. Қамоқхонага қамаш ҳуқуқбузарларни жазолаш ва фуқароларни улардан ҳимоя қилиш усулидир. Бироқ барибир қамоқхонага қамаш тизимининг эълон қилинган тамойили — келажакда жамиятда ўз ўрнини топа олиши учун индивидни «тузатиш» ҳисобланади, Қамоқхоналар ҳақиқатан ҳам шундай самара берадими? Фактлар гувоҳлик беришича, йўқ.

Маҳбусларни аввалгидай тан жазоси билан азобламайдилар, гарчи калтаклашлар (ҳатто аёллар қамоқхоналарида ҳам) мутлақо йўқ бўлмаган эса-да. Бироқ жиноятчилар бошқа турдаги жазога дуч келадилар. Уларни фақат озодликдан эмас, даромаддан, жамиятдан, оиладан, собиқ дўстлардан, гетеросексуал алоқалардан ва бошқа шахсий буюмлардан ҳам маҳрум қиладилар. Кўпинча улар лиқ тўлиб кетган биноларда яшайдилар ва кундалик ҳаёт регламентациясини ва қатъий талабларни бажаришга мажбур бўладилар.

²¹ *Wolfgang Marvin. Patterns of Homicide. Philadelphia, 1958; Bohanman Paul (ed.). African Homicide and Suicide. Princeton. New Jersey, 1960.*

Бундай шароитларда яшаш қамоқхонадаги маҳбусларни жамиятдаги хулқ-атвор меъёрларига кўниктириш ўрнига улар билан жамият ўртасига тўсиқ қўяди. Маҳбуслар ташқи дунёдагидан фавқулудда фарқ қиладиган муҳитда яшайдилар. Улар қамоқхонада ўзлаштирадиган одатлар ва хулқ-атвор усуллари жамият улардан умид қилаётганларидан мутлақо аксинчадир. Масалан, уларда бошқа фуқароларга нисбатан ҳасад, зўрликни меъёрий ҳодиса деб билиш, рецедивист-жиноятчилар билан озодликка чиққандан кейин ҳам сақланадиган алоқалар, улар аввал билмаган криминал кўникмалар шулар жумласидандир. Шунинг учун ҳам рецидив жиноятчилик даражаси — аввал қамоқхонада ўтириб чиққан одамлар томонидан қонунни бузишнинг такрорланиши хавотирли даражада баланд. Барча озод бўлганларнинг 60%дан ортиқроғи биринчи жиноят содир этилгандан кейин 4 йил давомида қайтадан ҳибсга олинадилар. Қайта ҳуқуқ бузишларнинг реал даражаси бундан ҳам юқорироқ бўлса керак, чунки жиноий ҳаётга қайтиб келганларнинг бир қисми ҳибсга тушмасликка муваффақ бўлади.

Қамоқхоналар жиноятчиларни қайта тарбиялай олмаса ҳам, улар одамларни жиноят содир этишдан ушлаб туради. Қамоқхонага тушганлар, демак ўзларини жиноий хатти-ҳаракатлардан тийиб тура олмайдилар, бироқ қамоқхонадаги ҳаётнинг жирканч томонлари бошқаларни бундан огоҳлангириб туради. Мана шу зиддият қамоқхона тизимини ислоҳ қилмоқчи бўлганлар учун ҳал қилиб бўлмас муаммо ҳисобланади. Қамоқхоналарнинг яшаш учун чидаб бўлмайдиган жойга айланиши потенциал ҳуқуқбузарларни тийиб туради, бироқ айти пайтда қамоқхона олдига қўйилган реабилитация мақсадларини эришиб бўлмайдиган ҳодисага айлантиради.

Кейинги йилларда жиноят содир этган одамлар орасида шартли ҳукм қилинганлар ёки муддатидан олдин озод қилинганлар сони қамоқхонадагилар сонига қараганда анча кўп. Унчалик муҳим бўлмаган жиноятларга жазо белгилашда шартли ҳукм энг кўп қўлланилмоқда. Шартли ҳукм белгиланган одам иш жойини сақлаб қолади ва белгиланган муҳлат давомида қайта ҳуқуқбузарлик қилмаслиги керак. Муҳлат тугаши билан иш ёпилади. Муддатидан олдин озод қилиш — қамоқхонадаги «яхши хулқи» учун жазо муддатини камайтиришдир. Қамоқхонада муайян муддатни ўтказгандан кейин маҳбус муддатидан олдин озод қилиш бўйича комиссияга келади, комиссия муддатидан олдин озод қилишга рухсат бериши, кейинроқ кўриб чиқиш шарти билан рад қилиши ёки бўлмаса маҳбус бутун муддат давомида ўтириши лозимлиги ҳақида қарор чиқариши мумкин. Муддатидан олдин озод қилиш бўйича кўпчилик комиссияда қамоқхоналарнинг реабилитация қилишдаги чекланган самарага эга эканини эътироф қиладилар ва амалда муддатидан олдин озод қилиш ҳақидаги қарор жиноятнинг жиддийлиги ва жазонинг қаттиқлигини ҳисобга олиб қабул қилинади.

Ўлим жазоси

Жиноий жазонинг асосий шакли қамаш бўлиб келаётган бўлса ҳам, ўлим жазоси борган сайин кўпроқ эътирозларга сабаб бўлмоқда. Қамоқхоналар қайта тарбиялаш учун ташкил қилинган экан, жиноят содир этган одамларни йўқ қилиш кўпчилик ислохотчиларга мантиқсиз ва ваҳший бўлиб туюлмоқда. Уларнинг фикрича кимнидир ўлим жазосига ҳукм қилиш — унинг хулқ-атворини ўзгартириш мумкин эмаслигини эътироф этишдир.

Юқорида қайд этилганидек, Қўшма Штатлар ўлим жазоси ҳамон қўллаб келинаётган ягона ғарб мамлакатидир. Ўлим жазоси Олий суд томонидан 1972 йилда бекор қилинган эди, бироқ 1976 йилда у қайта тикланди. 1977 йилда баъзи штатларда қатл этишлар оз миқдорда бўлса ҳам қайта тикланди. Ўлим жазосига ҳукм қилинаётган одамлар миқдори йил сайин ортиб бормоқда, бироқ апелляция ва бошқа омиллар амалда қатл этилганлар сонини анча камайтирмоқда.

Кўп мамлакатларда жамоатчилик босими остида баъзи жиноят турлари учун (масалан, терроризм ёки полициячини ўлдириш) ўлим жазосини қўллаш масаласига қайтмоқдалар. Британияда жамоатчилик фикрини ўрганиш кўпчилик одамлар ўлим жазосини қайта тиклашни истаётганликларини кўрсатди. Кўпчилик, ўлим жазоси хавфи потенциал қотилларни тўхтатиб қолади, деб ўйлаётган кўринади. Бундай фикр барқарор бўлса ҳам, унинг тўғрилигини тасдиқловчи далиллар йўқ. Ўлим жазоси бекор қилинган мамлакатларда қотилликлар сонининг ўсиши кузатилгани йўқ. Қўшма Штатларда ўлим жазоси қўллаб келинаётган бўлса ҳам, Америкадаги қотилликлар даражаси sanoat мамлакатлари орасида энг юқориликча қолиб келмоқда.

Бу масаладаги жамоатчилик фикри ўлим жазоси бошқаларни тўхтатиб қолишга эмас, кўпроқ жиноят учун жазо даражасига алоқадор. Кўпинча бошқа одамнинг ҳаётини йўқ қилган одам ўзининг ҳаётидан ҳам ажралиши керак, деб ҳисоблайдилар. Бошқа нуқтаи назар ҳам мавжуд: жамият ҳар қандай жиноят учун ҳам ўз фуқароларини қатл этишдай ахлоқий ҳуқуққа эга эмас. Мана шу нуқтаи назар кўпчилик қонуншунослар томонидан маъқулланиб келмоқда.

Жинс ва жиноят

Социологиянинг бошқа соҳаларида бўлгани каби, криминалогик тадқиқотларда ҳам аёллар анъанавий тарзда тадқиқ этилмай келардилар²². Криминалистика бўйича кўпгина дарсликларда ҳозиргача зўрлаш ва фоҳишалик бобларидан ташқарида аёллар ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Оғиб бораётган хулқ

²² Morris A. Woman, Crime and Justice. Oxford, 1987.

ҳақидаги кўпчилик назариялар ҳам аёллар тўғрисида ҳеч нима демайди. Ижтимоий тузилма ва аномия тўғрисидаги Мертон назарияси ҳам бунга мисол бўлиши мумкин. Ҳозирги жамиятда катта ютуқларга эришишга интилиш касалига деярли ҳамма чалинган. Мертон ғояларига кўра баъзи турдаги оғишларда аёлларни эркаклардан кўра кўпроқ ишгирок этади, деб ўйлаш мантиқийдир, чунки уларда шундай катта ютуқларга эришиш имконияти камроқ. Бироқ аёллар орасида жиноятчилик даражаси юқори эмас. Қандайдир сабабларга кўра жиний хатти-ҳаракатлар содир этишга камроқ мойиллиги уларни эътибордан четда қолдириш учун асос бўла олмайди.

Эркаклар ва аёллар жиноятчилиги даражаси

Жиноятчиликнинг Гендер тавсифлари бўйича статистик маълумотлари ҳайратланарлидир²³. Масалан фақат Британияда эмас, балки барча саноатлашган мамлакатларда ҳам қамоқхоналардаги эркаклар ва аёллар муносабати ўртасида катта номутаносиблик мавжуд. Аёллар Британия қамоқхоналаридаги маҳбусларнинг 3 фоизини ташкил қилади. Расмий статистикага кўра, содир этилаётган жиноятлар типлари бўйича ҳам тафовутлар мавжуд. Аёллар содир этаётган жиноятлар деярли ҳамма вақт майда миқёсда бўлиб, улар орасида оғир жиноятлар жуда кам. Арзимас ўғирликлар, масалан дўконларда содир этиладиган ўғирликлар, жамоатчилик жойларида маст ҳолда пайдо бўлиш ва фоҳишалик кабилар аёллар қиладиган типик жиноятлар ҳисобланади²⁴.

Эркаклар ва аёллар ўртасидаги жиноятчилик даражаси амалда бунчалик катта фарқ қилмаслиги ҳам эҳтимол. Полиция ва бошқа расмий кишилар аёлларни унчалик хавfli шахслар эмас, деб ҳисоблаб, эркаклар қамоққа олинадиган хатти-ҳаракатлар учун уларга тегмасликлари ҳам мумкин. Жиноят қурбонлари орасида ўтказилган сўровлар мана шу фикрни текшириб кўришга имкон беради. Кўшма Штатларда ўтказилган тадқиқотлардан бирида аёллар томонидан содир этилган жиний хатти-ҳаракатлар орасида тафовут бор ёки йўқ эканини аниқлаш учун 1976 йилги жиноятчиликнинг Миллий обзори ФБРнинг статистик маълумотлари билан солиштириб кўрилди. Аёллар томонидан содир этилган жиддий жиноятларда бироз тафовут борлиги аниқланди, ФБР статистикаси обзордагига қараганда жиноятчиликнинг даражаси юқорироқ эканини кўрсатди. Баъзи тадқиқотчилар қароқчиликка ўхшаш «эркаклар» жиноятларида

²³ Эркаклар ва аёллар хулқ-атворини урганар экан, социологлар «жинс» эмас, «гендер» тушунчасидан фойдаланишни афзал билишади. «Жинс» эркаклар ва аёллар ўртасидаги биологик (анатомик тафовутларни ифодаласа, «гендер» психологик (ижтимоий) маданий тафовутларни, мардлик ва назокат ўртасидаги фарқни ифодалайди. («Гендер ва сексуаллик» ҳақидаги 6-бобга қаранг).

²⁴ *Flowers R. B. Woman and Criminality: The Woman as Victim, Offender and Practitioner.* New York, 1987.

ҳам аёлларнинг иштироки юқориқ бўлиши мумкинлиги ҳақида фикр билдирадilar, лекин бундай тамойилни тасдиқлайдиган маълумотлар мавжуд эмас²⁵.

Гендер имкониятлар ва жиноятлар ҳақидаги маълумотларга «йўқотилган хатлар» бўйича ўтказилган тажрибалар асос бўлди²⁶. Жамоатчилик жойларида пул солинган конвертлар қолдириб кетилди. Турли версияларда шароитлар ўзгартирилди: пул миқдори турлича бўлди, пуллар нақд ёки бошқа шаклда (масалан, пул ўтказилганлиги ҳақида чек), «йўқотувчилар» турлича бўлди (масалан, кекса аёл ёки эркак). Хатни олган индивидлар тавсифи қайд этиб борилди. Махсус код номери ёрдамида хат юборилгани ёки конвертни топган одамнинг қўлида қолгани аниқланди.

Пулни йўқотган одам давлатманд эркак киши, деб ҳисобланганда пул кўпроқ ўзлаштириб юборилди, бу ўғирликда эркаклар қай даражада иштирок этса, аёллар ҳам шунчалик иштирок этишди, конверт ичидаги пулнинг миқдори жуда катта бўлган ҳоллар бундан истисно. Бундай ҳолларда кузатилган эркакларнинг ярми, аёлларнинг эса 4 дан 1 қисмидан озроғи пулни ўғирлади. Унчалик кўп бўлмаган миқдордаги пулни ўзлаштириш, эҳтимол «ўғирлик» деб ҳисобланмаган бўлиши мумкин, катта миқдордаги пулни ўзлаштириш эса шундай жиноят ҳисобланади ва эркаклар шу йўл билан бойиб қолишга мойилроқ кўринади.

Аёлларнинг ҳуқуқбузарлиги эркакларникидан қолишмайдиган жиноят тури — бу дўконлардаги ўғирликдир. Бу ҳолат аёлларнинг «жамоатчилик» иштирокида криминал хатти-ҳаракатлар содир этишга уй шароитидагидан кўра кўпроқ мойил эканликларини кўрсатади, дейишади. Бошқача қилиб айтганда, жиноят содир этиш имкониятлар аёллар ва эркаклар учун бир хил бўлганда уларнинг жиноят содир этиш эҳтимоллиги ҳар иккиси учун ҳам деярли бир хил даражада. Дўконларда аёллар ва эркаклар томонидан содир этиладиган ўғирликлар даражасини қиёслашга бағишланган тадқиқотлар жуда кам, бироқ охириги тадқиқотлардан бири эркаклар дўконларда аёлларга қараганда икки баробар кўп ўғирлик қилишларини кўрсатди²⁷.

Жиноий гуруҳлар таркибидаги қизлар

Ёшлар бандаларида ёки аёлларнинг жиноий гуруҳларида хотин-қизларнинг қай даражада иштирок этиши ҳақида тадқиқотлар жуда кам ўтказилган. Кўчалардаги эркакларнинг гуруҳлари миқдори ҳаддан ташқари кўп бўлса ҳам, улар ҳақидаги

²⁵ Dobash R. P., Dobash E. R. and Gutteridge S. The Imprisonment of Woman. Oxford, 1986.

²⁶ Rarrington Dovid and Kidd R. Stealing from a «lost» letter: effects of victim characteristics // Criminal Surface and Behaviour, 7 1980.

²⁷ Buckle A., Farrington D. P. An Observational Study of Shoplifting // British Journal of Criminology, 24. 1984.

тадқиқотларда аёллар иштироки жуда оз. Энни Кэмпбелл ўтказган тадқиқотда Нью-Йорк кўчаларидаги гуруҳларда қизларнинг иштирок этиши ўрганиб чиқилди²⁸. У уч гуруҳни танлаб олди. Улардан бири этник жиҳатдан аралаш, иккинчиси фақат пуэрто-риколиклардан иборат, учинчисиди фақат қора танлилар бўлган. Иштирокчиларнинг ёши 15 дан 30 ёшгача бўлган. Бу гуруҳларнинг ҳар бирида Кэмпбелл 6 ойдан яшаб, асосан гуруҳ етакчилари орасида тадқиқотлар ўтказди. Гарлемдаги негрлар ва испанияликлардан иборат «Сэндмэн Лейдис» аёллар гуруҳининг етакчиси Конни исми аёл бўлиб, бу гуруҳ унинг эри томонидан бошқариладиган «Сэндмэн Байкерз» гуруҳи билан алоқадор эди. Тадқиқот ўтказилган даврда (1979 йил) аёлнинг ёши 30да эди. «Сэндмэн Байкерз» даромадларининг асосий манбаи гиёҳванд моддалар эди. Гуруҳ юқори Манхеттендаги «танланганлар» бандаси билан анчадан буён ўзаро низода эди. «Сэндмэн Лейдис» гуруҳига кираётган ҳар бири киши ўзининг жанговор сифатларини намоён этиши керак эди. Аъзоликка қабул қилиш тўғрисидаги масалани Конни ҳал қилар эди, синов муддати давомида бу қиз улар билан бирга юра олиш ёки юрмаслигини, унга қандай «белги» берилиши ҳам Конни томонидан ҳал этиларди. Конни ҳар доим ўз ёнида тугмачали пичоқ олиб юрар, унинг пистолети ҳам бор эди. У, агар уришса, ўлдириш учун уришишини таъкидлаб турар эди. Муштлашишга айланиб турадиган жанжаллар эркаклар гуруҳида ҳам, аёллар гуруҳида ҳам типик ҳодиса эди.

Эркаклар ва аёллар гуруҳига эга бўлган испан тилида сўзлашувчи «Секс Герлз» бандасининг етакчиси Диецца эди. У ўқиш ва ёзишни билар, лекин ўзининг ёшини билмас эди, у тахминан 26 ёшга кирган эди. Банда энг гуллаган пайтда унга 50 дан ортиқроқ аёллар аъзо эди. Бандада жисмоний зўрликка майл рағбатлантириллар, муштлашув ва калтаклашлар оддий ҳол эди. Бу бандага аъзо бўлган эркакларга ҳам маъқул келарди, бироқ бошқа масалаларда улар аёлларнинг анъанавий мажбуриятлари: болаларга қараш, овқат тайёрлаш, кийим ямаш ва шунга ўхшаш ишларни рағбатлантиришарди.

Учинчи гуруҳ — «Миллатнинг беш фоизи» — негрларнинг диний ташкилоти эди. Унинг аъзолари, 10 фоиз аҳоли қолган 85 фоиз аҳолини эксплуатация қилади, жамиятнинг 5 фоизи эса — негрларни тарбиялаши лозим бўлган нурли Илом тарафдорлари дейишарди. Полиция «Миллатнинг беш фоизи»ни кўча гуруҳи, деб ҳисобларди. Кампбелл ўзининг эътиборини қаратган индивид — Африка қуёши «хукумат берган ном»ни қабул қилмасди. Бошқа гуруҳлардаги каби бу гуруҳдаги аёллар ҳам кўпинча муштлашувларда иштирок этишар эди. Гуруҳ аъзолари қароқчилик, қурол сақлагани, бузиб кириб ўғирлик қилгани ва автомобил ўғирлагани учун ҳисба олинарди.

²⁸ *Campbell Anne. The Girls in the Gang. Oxford, 1986.*

Кейинги тадқиқотида Кэмпбелл ишчи оилаларига мансуб мактабдаги ўқувчи қизларнинг муштлашувларга муносабатини ўрганadi. Маълум бўлишича, ўқувчи қизлар муштлашувларда бошқалар ўйлаганидан кўпроқ иштирок этишар экан²⁹. Сўров ўтказилган қизларнинг барчаси муштлашувда қатнашганларини тан олишди, уларнинг тўртдан бир қисми эса муштлашувларда 6 мартадан кўпроқ иштирок этишган экан. Уларнинг кўпчилиги таклиф қилинган, «мен муштлашувларда фақат йигитлар иштирок этиши керак деб ўйлайман», деган фикрга қўшилмасликларини билдирдилар.

Аёллар қамоқхоналаридаги зўрлик

Пэт Карлен томонидан тўпланган Британия қамоқхоналарининг маҳбус аёллари ёзган автобиографик мақолаларда аёлларнинг қамоқхоналарида одатдаги ҳодиса ҳисобланадиган кўплаб зўрлик ҳоллари баён этилади. Жоси О'двайе — Лондондаги Холлоуэй қамоқхонасининг маҳбус аёли соқчи аёллардан иборат «ёввойилар тўдаси» маҳбусларга қарши қандай жазо акциялари билан шугулланганликлари баён этади.

Соқчи аёллардан бири кира солиб кўкракка уради, у ўзига мушт қайтаришларини кутади ва калтаклашнинг бошланиши учун шунинг ўзи кифоя. Улар бўйнингга «маржон», қўл кишан, баъзан эса учта қўл кишан солишади. Бўйнинг кўкара бошлайди, тўқ қизил «ёқа» пайдо бўлади, сен ҳушингни йўқота бошлайсан ва энди ўламан деб ўйлайсан... Бироқ мен ўлмай қолдим, омад кулиб бокди, тирик қолдим³⁰.

Баҳо

Кэмпбелл ва Гендер ўтказган тадқиқотлар, зўрлик фақат эркаклар жиноятчилигига хос, деган фикрга эҳтиёт бўлиб ёндашиш зарурлигини кўрсатади. Аёлларнинг оғир жиноятлар содир этиш эҳтимоли камроқ, бироқ улар зўрлик ҳаракатларида иштирок этишдан ҳар доим ҳам четда турмайдилар. Шундай қилиб, нима учун жиноят содир этиш аёллар орасида эркакларга нисбатан камроқ? Бунинг сабаблари — бошқа соҳаларда ҳам гендер тафовутларини изоҳлайдиган сабабларнинг айнан ўзи. («Гендер ва сексуаллик», деб номланган 6-бобга қаранг). Албатта, аёлларнинг ўзига хос жиноят турлари ҳам мавжуд, масалан, фоҳишалик учун фақат аёллар жазога тортилади, уларнинг мижозлари бўлган эркаклар эса четда қолади. Эркакларнинг жиноятлари фақат эркакларники сифатида қолаётганига сабаблардан бири — ижтимоийлашувдаги тафовутлар, шунингдек эркакларнинг фаолиятлари аёллардан фарқли ўлароқ «уйдан ташқаридаги» фаолият эканига кўп жиҳатдан боғлиқ. Жиноятлардаги тафовутлар кўпинча туғма биологик ва психологик

²⁹ *Campbell A. Self-reporting of fighting by females // British Journal of Criminology, 26. 1986.*

³⁰ *Carlen Pat et al. Criminal Women: Autobiographical Accounts. Cambridge, 1985.*

хусусиятлар — турли жисмоний қувват, аёлларнинг пассивлиги, уларнинг кўп вақт авлодни етиштириш ва тарбиялаш билан бандлиги орқали изоҳланади. Бугун «аёллик» сифатлари, худди «эркаклик» сифатлари сингари, ижтимоий генерация қилинадиган сифатлар, деб баҳоланади. Ижтимоийлашув жараёнида аёлларнинг кўпчилигида эркаклардан мутлақо фарқ қиладиган сифатлар шакллантирилади (бошқалар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, шахсий муносабатларни сақлаш). Касб билан юқори бандлик даражасида ҳам кўпчилик аёллар эркакларга нисбатан кўпроқ вақтни уй ишларига сарф қилишади. Уй шароитида криминал фаолият эҳтимоллиги ва мотивацияси эркаклар кўпроқ вақтини ўтказадиган жамоат жойларидагига нисбатан камроқ бўлади.

Гендер тафовутлари ҳозирги даврдагига қараганда камроқ бўлса, аёлларнинг жиноятчилик фаолияти ва жиноятчилик даражаси эркакларникига яқинлашармиди ёки йўқми — бу ҳақда аниқ бир нарса дейиш қийин. XIX асрдаёқ криминалистлар жинсларнинг тенглашуви аёллар ва эркаклар ўртасидаги криминал фаолият тафовутларини камайтиради. Ёки мутлақо йўқотади, деб башорат қилган эдилар, бироқ бу тафовутлар ҳозирча сақланиб қолмоқда; вақтлар келиб уларнинг йўқолиб кетиши ҳақида ҳам аниқ бир гап айтиш қийин.

Бой одамлар ва ҳокимиятга эга бўлган одамларнинг жиноятлари

Қамоқхонадаги маҳбусларнинг асосий кўпчилигини камбағал одамлар ташкил қилса ҳам, бу жиноятни фақат улар содир этади, деган фикрни билдирмайди. Бой ва ҳокимиятга эга бўлган одамларнинг кўпчилиги ҳам шундай жиноятлар содир этадики, уларнинг оқибатлари камбағаллар содир этадиган майда жиноятларнинг оқибатларига қараганда жуда катта бўлади. Кейинги бобларда биз ана шундай жиноят шаклларида баъзиларини кўриб чиқамиз.

«Оқ ёқалилар» жиноятчилиги

«Оқ ёқалилар жиноятлари» тушунчаси биринчи марта Эдвин Сазерленд томонидан илмий истеъмолга киритилган³¹ бўлиб, жамиятнинг ўзига тўқ қатламларига мансуб одамлар томонидан содир этилган жиноятларни билдиради. Бу атама криминал фаолиятнинг турли кўринишлари, жумладан, солиқ тўламаслик, нолегал савдо ишлари, қимматбаҳо қоғозлар билан ва ер-мулкка оид найранглар, камомадлар, ҳаёт учун хавфли бўлган маҳсулотларни тайёрлаш ва сотиш, атроф муҳитни ифлослантириш ва ниҳоят, оддий ўғриликларни ўз ичига қамраб олади. «Оқ ёқалилар» орасида содир этилган жиноятларни ҳисоблаш

³¹ Sutherland Edwin H. Principles of Criminology. Chicago, 1949.

аҳолининг бошқа қатламлари орасидаги жиноятларга қараганда анча қийин. Бундай турдаги жиноятларнинг кўпчилиги расмий статистикада умуман кўзга ташланмайди. Биз «оқ ёқалилар» жиноятлари ва ҳокимиятга эга бўлган одамларнинг жиноятларини бир-биридан фарқлашимиз зарур. «Оқ ёқалилар» жиноятлари, асосан, нолегал хатти-ҳаракатлар содир этиш учун касб ёки «ўрта синф» мавқеидан фойдаланишни билдиради. Ҳокимиятга эга бўлган одамларнинг жиноятларида эса расмий мавқе билан боғлиқ бўлган обрўдан фойдаланишга ҳаракат қилинади. Масалан, расмий шахс муайян сиёсатни қўллаб-қувватлаш учун пора олиши ҳодисаси.

«Оқ ёқалилар»нинг жиноятларини фош қилиш учун кўпинча жуда катта меҳнат талаб қилинади ва бундай қонунбузарлар қамоқхонага жуда кам тушади. Суднинг «оқ ёқали» жиноятчи ва «ортодоксал» жиноятчиға муносабатидаги тафовутни кўрсатиш учун Қўшма Штатларда юз берган бир ҳодисани мисол қилиб келтирамиз. Нью-Йорк воситачилик фирмасининг ходими Швейцария банки билан 20000000 долларлик нолегал операциялар бажаришда айбланган. У шартли қамоқ жазоси ва 30 минг доллар жаримага ҳукм қилинди. Ўша куни, ўша судда, ўша судянинг ўзи олдин кемачилик идорасида ишлаган ишсиз негрға 100 доллар турадиган телевизорни ўғирлагани учун ҳукм чиқарди. У бир йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди³².

«Оқ ёқалилар»нинг жиноятларига ҳокимият вакиллари, имтиёзи камроқ синфлар вакиллари анча бағрикенглик билан муносабатда бўлишса ҳам, бундай жиноятларнинг зарари ҳаддан ташқари катта. Қўшма Штатларда «оқ ёқалилар» жиноятлари бўйича Британияга қараганда анча кўп тадқиқотлар ўтказилган. У ерда «оқ ёқалилар»нинг жиноятларида (солиқ бўйича жиноятлар, қимматбаҳо қоғозлар билан ноқонуний хатти-ҳаракатлар, тиббий хизмат ва дори-дармонлар билан, кўчмас мулк ва автомобилларни таъмирлаш билан боғлиқ найранглар) кўзга ташланадиган зарар миқдори мулкка қарши қилинган оддий жиноятлардаги (қароқчилик, бузиб кириб ўғирлик қилиш, киссавурлик, сохта пул ясаш ва автомобил ўғирлаш) зарар миқдорига нисбатан 40 баробар ортиқ эди. Бундан ташқари «оқ ёқалилар» содир этган жиноятларнинг баъзи турлари қуйи синф вакиллари жиноятларига қараганда анча кўп одамга таъсир ўтказди. Камомад қилган жиноятчи минглаб, бутунги кунда эса компьютерлар ёрдамида миллионлаб одамларнинг маблағини ўғирлаши мумкин; бузилган ва нолегал тарзда сотилган озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонлар жуда кўп одамларнинг соғлиғига зарар етказиши ва фожиавий оқибатларга олиб келиши мумкин.

«Оқ ёқалилар» жиноятларининг шахс ҳаёти ва саломатли-

³² *Napes G.* Unequal justice: a frowning disparity in criminal sentences troubles legal experts. *Wall street Journal*, 9 September. 1970.

гига қарши жиҳатлари қотиллик ёки босқинчиликдагига нисбатан кўзга унчалик ташланмайди, бироқ улар худди шундай реал бўлиб, муайян вазиятларда уларнинг оқибатлари анча жиддийроқ бўлиши ҳам мумкин. Масалан, янги дори-дармонлар ишлаб чиқариш бўйича берилган кўрсатмаларни бузиш ёки атроф-муҳитни ифлослантириш жуда кўп миқдордаги одамларнинг шикастланиши ёки ўлимига сабаб бўлиши мумкин. Иш ўринларидаги носозликлардан юз берган ўлим ҳолларининг миқдори, гарчи бу ҳақдаги аниқ маълумотларни олиш қийин бўлса ҳам, қотиллик натижасида ҳалок бўлганлар сонига нисбатан анча ортиқ. Албатта, биз иш жойларидаги ўлим ва шикастланишда иш берувчиларнинг хавфсизлик талабларидан четга чиқиши натижаси, деб айта олмаймиз. Шунга қарамасдан, иш берувчилар ва менежерлар томонидан хавфсизлик техникаси талабларига эътиборсизлик қилиш — анча кенг тарқалган ҳодисадир.

АҚШда бир йил давомида юз берадиган ишлаб чиқариш шикастларининг 40%и меҳнат шароитлари тўғрисидаги қонуннинг бевосита бузилиши оқибатида келиб чиқади, яна 24%и қонуний, бироқ хавфли бўлган шароитларнинг натижаси, фақат учдан бир қисми эса ходимларнинг эҳтиётсиз ҳаракатлари натижасида юзага келади³³. Иш берувчилар онгли тарзда ярагидиган ёки амал қилиб келаётган ишлаб чиқаришнинг хавфли шароитлари мавжудлиги ҳақида жуда кўп тасдиқланган мисоллар бор. Баъзилар, мана шундай шароитда юз берган ўлимни *корпоратив қотиллик* сифатида баҳолаш лозимлигини таъкидламоқдалар, чунки бу ўлим саноат корпорациясининг айби билан ҳаётдан кўз юмишдир.

Ҳукумат жиноятлари

Ҳукумат амалдорлари жиноий фаолият билан шуғуллана-яптилар, дейиш мумкинми? Агар «жиноят» тушунчасини оғир оқибатларга олиб келган ахлоқий жиноятларнинг кенг контекстида тушунилса, жавоб ўз-ўзидан аниқ. Тарихда давлатлар жуда кўп энг оғир жиноятларни, жумладан, бутун-бутун миллатларни қириб ташлаш, ялпи бомбардимон қилиш, нацистлар ҳалокостаси ва Сталин концентрацион лагерларини кўрсатиш мумкин. Бироқ жиноят мавжуд қонунчиликни бузиш атамалари ёрдамида аниқланса ҳам, ҳукуматлар кўпинча жиноий тарзда ҳаракат қилишлари маълум бўлади. Баъзан улар ҳокимият ҳимоя қилиши зарур бўлган қонунларни инкор қиладилар ёки бузадилар. Британия колониал тарихида баъзи Африка халқларига уларнинг ерлари ва турмуш тарзини ҳимоя қилиш учун берилган кафолатлар бир неча марта оёқ ости қилинганлиги ҳақида мисоллар бор.

³³ Hagen John. Structural Criminology. Cfmbridge, 1988.

Асосий вазифаси жиноятчилик билан қурашиш бўлган полиция, давлат муассасалари баъзан жинойий хатти-ҳаракатларга аралашган бўладилар. Бундай аралашув алоҳида-алоҳида бирикки ҳолатларни эмас, балки полиция ишининг анчагина қисмини ташкил этади. Полиция офицерларининг хатти-ҳаракатлари шубҳа қилинаётганларни кўрқитиш, калтаклаш, ўлдириш, пора олиш, жинойий тармоқни тузишда иштирок этиш, гиёҳвандлик ёки пул билан боғлиқ ишлар кўриляётганда далил ва моддий ашёларни яшириш, ясаш ёки ўзлаштиришни ҳам қамраб олади.

Уюшган жиноятчилик

Уюшган жиноятчилик оддий бизнестга ўхшаган фаолият билан боғлиқ, бироқ унинг мазмуни қонунга хилоф бўлади. Америкадаги ташкилий жиноятчилик — қудратли бизнес бўлиб, уни иктисодий фаолиятнинг ҳар қандай йирик соҳаси, масалан автомобил саноати билан қиёслаш мумкин. Миллий ва локал жинойий ташкилотлар оммавий истеъмолчиларга қонун томонидан ман этилган товарлар ва хизматларни таклиф этишади; баъзи криминал тузилмалар эса транснационал ҳисобланишади. Уюшган жиноятчилик ўз ичига бошқалар билан бир қаторда, қимор ўйинлари, фоҳишабозлик, йирик миқёсдаги ўғирликлар ва рэкет кабиларни қамраб олади. Британияда ва Европанинг бошқа мамлакатларида уюшган жиноятчилик камроқ ривожланган ва анча кам ўрганилган.

Уюшган жиноятчиликнинг табиати тўғрисидаги аниқ маълумотлар олиш қийин. Қўшма Штатларнинг гангстерлар ҳақидаги романтик ҳикояларида уюшган жиноятчилик миллий миқёсдаги яширин жамият — «мафия» сифатида тавсифланади. Мафия ковбойлар билан бир қаторда Америка фольклорининг таркибий унсури ҳисобланади. Умуммиллий жиноятчи ташкилотларнинг энг чўққисида жойлашган, келиб чиқиши сицилиялик бўлган қароқчилар гуруҳи ҳаётда мавжуд эмаслиги ҳақиқатга яқинроқ. Бироқ Америкадаги йирик шаҳарларнинг деярли барчасида ривожланган жинойий ташкилотлар бўлиб, уларнинг баъзилари ўзаро боғланган³⁴.

АҚШдаги уюшган жиноятчиликнинг энг кўп томонлама тадқиқоти Френциз Янни ва Элизабет Русс-Янни томонидан ўтказилган³⁵. Улар Нью-Йоркдаги Италия-Америкалик криминал оила билан шуғулланиб, ягона мафия ташкилоти на Сицилияда, на Қўшма Штатларда бўлган, деган хулосага келишди. Америкага уюшган жинойий гуруҳлар эмас, балки қариндошлик

³⁴ *Bequai A. Organized Crime: The Frifth Estate. Lexington, Mass, 1980.*

³⁵ *Janni Francis A. J. and Elizabeth Reuss-Janni. A Family Business: Kinship and Social Control in Organized Crime. New York, 1973.*

алоқаларининг ва шахсий шаъннинг қонун устидан устуворлигини белгиловчи ижтимоий қадриятлар экспорт қилинган эди. Лупулло, Яннилар ўрганган, миллий ва халқаро контактларга эга бўлган гуруҳ бошқа ҳар қандай криминал ташкилотда мустақил тарзда ҳаракат қилган.

АҚШдаги уюшган жиноятчилик бошқа саноат мамлакатларидагига қараганда кенг миқёсли ва яшовчандир. Масалан, Францияда уюшган жиноятчилик анча таъсирга эга, лекин унинг фаолияти фақат икки шаҳар — Париж ва Марсел билан чекланган. Типик гангстерлар ватани бўлган Жанубий Италияда жиноятчи ташкилотлар жуда катта таъсирга эга, бироқ улар оилавий ташкилотларнинг анъанавий шакллари ва камбағал қишлоқ хўжалик ҳудудларидаги ҳаётни ташкил қилишнинг жамоа шаклига асосланган. Америкада уюшган жиноятчилик ўзининг бунчалик таъсирга XIX аср охирида саноатдаги «қароқчи баронлар» фаолияти билан алоқалари туфайли эришди. Дастлабки саноатчиларнинг кўпчилиги меҳнат шароитлари ҳақидаги қонунларни бузиб, зўрлик ва коррупциядан фойдаланиб ўзларининг саноат империяларини туздилар ва муваффақиятга эришдилар. Уюшган жиноятчилик, шунингдек, коррупцияга берилган тузилмалар ташкил қилиш ва рақобатчиларни бартараф қилишнинг ўзига хос усуллари қўлланадиган қашшоқ этник геттоларда (у ерда яшаётган одамлар юридик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида ҳеч қандай тасаввурга эга эмас эдилар) барқ уриб ривожланди.

Нолегал лотереялар, югуриш ва спорт мусобақаларидаги тотализаторлардан тушадиган даромад уюшган жиноятчилик давволарининг асосий манбаларидан бирини ташкил этади. 1983 йилда АҚШдаги ноқонуний тотализаторлардан олинган даромад 30 миллиард долларни ташкил этди (уюшган жиноятчилик бўйича 1984 ва 1985 йиллардаги президент комиссиясининг маълумотлари). Кўшма Штатлардан фарқли ўлароқ, ғарбдаги кўп мамлакатлар легал тотализаторларга эга. Масалан, Буюк Британияда солиқ тўлайдиган хусусий муассасалар мавжуд, криминал гуруҳлар таъсиридан тўла кафолат бўлмаса ҳам, қиморбозлик бу ерда Америкадаги сингари нолегал ташкилотларнинг кучли босимини сезмайди.

Бизда Бирлашган Қиролликдаги уюшган жиноятчилик тўғрисида мунтазам ахборот бўлмаса ҳам, Лондон ва бошқа шаҳарларда кенг криминал ташкилотлар мавжудлиги маълум. Улардан баъзилари халқаро алоқаларга берилади. Жумладан, Лондон — халқаро криминал операцияларнинг маркази ҳисобланади. 1987 йилда Хитроу аэропортида ўтказилган қимматбаҳо металлар бўйича ноқонуний операцияларни суриштирувни шарҳлар экан, Скотланд Ярд амалдорларидан бири жиноятчиларнинг излари Мен оролига, Нормандия оролларида, Британиянинг Виргиния оролларида, Америка соҳилларида, Флорида ва Майамига олиб борганлигини баён қилди. «Улар биздаги уюш-

ган жиноятчиликнинг бошқа соҳаларига, гиёҳванд моддаларга, бизнинг жиноятчилар билан Италия, Франция, Испания ва Америка жиноятчилари алоқадор эканлиги маълум бўлди. Бу алоқаларнинг баъзилари жуда қалин бўлган экан»³⁶.

Ҳукумат ва полиция ўтказган кўп сонли тадқиқотларга қарамасдан, гиёҳванд моддаларни сотиш халқаро криминал фаолиятнинг энг динамик турларидан бири бўлиб 1970 йиллар давомида, 1980 йилларнинг бошларида унинг йиллик ўсиши 10%-ни ташкил этди, фойда даражаси эса фавқулодда юқори бўлди. Героин тармоқлари бутун Узоқ Шарқ, Жанубий Осиё, Шимолий Африка, Яқин Шарқ ва Лотин Америкаси бўйлаб ёйилган. Кокаин бозорида асосий таклиф қилувчи Боливия бўлиб, унинг иқтисодиётига ҳар йили гиёҳванд моддалар сотишдан 1 миллиард доллар келиб тушади. Европада гиёҳванд моддаларни тарқатиш Париж ва Амстердам орқали ўтиб, то Британиягача ҳам боради.

Қурбонсиз жиноятлар

Қурбонсиз жиноятлар деб бошқа индивидларга бевосита зарар етказмайдиган, лекин ноқонуний деб баҳоланадиган фаолият турлари (гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш, қиморнинг турли хил кўринишлари, фоҳишабозлик)га айтилади. «Қурбонсиз жиноятлар» тушунчаси унчалик аниқ эмас. Аслида қиморбоз ёки гиёҳвандлар уюшган жиноятчиликнинг қурбонларига айланадилар. Бироқ индивидга етказиладиган зарар унинг ўз қўли билан етказиладигани учун, баъзилар бундай фаолият турларига ҳукумат аралашмаслиги керак ва бундай одатларни «криминал» деб баҳоламаслик керак, дейишади.

Баъзи муаллифларнинг фикрига кўра, одамларнинг ўз ихтиёри билан бажариладиган бирорта ҳам хатти-ҳаракат ноқонуний ҳисобланмаслиги керак (бошқаларнинг эркига таҳдид солмагунча ва бошқаларга зарар етказмагунча). Бу фикрнинг муҳолифлари эса давлат ахлоқнинг ҳимоячиси бўлиши лозим, шунинг учун баъзи фаолият турларини жиноий, деб баҳолаш тўғри, дейишади. Қизиғи шундаки, бу далилни кўпроқ индивид эркини давлат аралашувидан ҳимоялашга ҳаракат қиладиган консерваторлар кўпроқ қўллашади. Албатта, бу жуда мураккаб мавзу. Ўзига зарар етказётган одам бошқаларга ёмонлик қилдими, масалан, гиёҳванд ўз оиласига зарар етказадими? Бу ҳақда аниқ бирор нарса дейиш қийин.

³⁶ *Shawcross Tim and Kim Fletcher. How crime is organized in London // Illustrated London News. October. 1987.*

Рухий касалликлар ҳақидаги тасаввурлар

Оғаётган хулқнинг аниқ кўринишларидан бири — мажбурий муассасалардан фойдаланишни ва давлат томонидан тартибга солишни тақозо этадиган турларидан бири руҳий касалликлар ҳисобланади. Ақлдан озганлар руҳий жиҳатдан «бемор» эканликлари ҳақидаги тасаввурлар тахминан 2000 йил муқаддам шаклланди. Ундан авваллари эса ҳозир руҳий касал деб ҳисобланадиган одамларни бемор эмас, ақлсиз ва миясиз деб ҳисоблардилар.

Психоз ва невроз

Ақлсизлик хасталик сифатида қарала бошлагандан кейин, унинг табиатини тушунишга уринишлар бошланди. Бугунги кунда психиатрларнинг кўпчилиги руҳий касалликларнинг ҳеч бўлмаганда баъзи турлари моддий сабаблар туфайли вужудга келади, деб ҳисоблашмоқда. Руҳий оғишлар асосан икки тоифага бўлинади: психоз ва невроз. Психоз жуда жиддий касаллик ҳисобланади, чунки у воқеликни идрок қилиш гуйғусининг йўқолишини ҳам қамраб олади. Психознинг энг кўп учрайдиган шаклларида бири — шизофрения ҳисобланади. Бундай ташхисга эга бўлган одамлар руҳий шифохоналарнинг асосий мижозлари бўлишади. Шизофрениyani тавсифловчи аломатлар боғланмаган ва мантиқсиз сўзлашув, тинглаш ва кўриш галлюцинациялари, буюклик ёки таъқиб манияси, атрофдаги воқеа ва ҳодисаларни қабул қилмаслик кабиларни қамраб олади.

Невротик ўзгаришлар кўп ҳолларда ҳаётнинг одатий оқимида ҳалақит бермайди. Невротикнинг асосий хусусияти — бошқалар эътибор бермайдиган майда-чуйда нарсалар сабабли чуқур ташвишга тушишидир. Масалан, невротиклар нотаниш одам билан учрашув олдидан, автобус, автомобил ёки самолётдаги саёҳат олдидан қаттиқ безовталиқ сезиши мумкин. Индивиднинг енгиб бўлмас эҳтиёжи бўлган конвулсив ҳаракатлари ҳам неврознинг аломати бўлиши мумкин. Масалан, одам эрталаб кўрпакни 30 мартадан йиғиштириши ва қайтадан солиши мумкин, шундан кейингина у қониқиш ҳис қилади ва бошқа уй ишларини бажаришга ўтади.

Жисмоний даволаш усуллари

Сўнгги юз йиллик давомида руҳий хасталикларни даволашнинг жуда кўп усуллари синовдан ўтказилди. Жиддий руҳий хасталиклар (жумладан шизофрения) негизда физиология ётади, деб кўп марта таъкидланди. Бироқ руҳий касалликларни даволашда жисмоний усуллардан фойдаланиш муаммоли кўринади. Шизофрениyani даволашдаги жисмоний усулларга инсулин шок терапияси (кейинчаликроқ бу усул электр-галваса терапияси билан алмаштирилди) ва фронтал логотомия (миянинг муайян қисмлари ўртасидаги боғлиқликларни хирургик

йўл билан баргараф қилиш) киради. Шок таъсири остида бемор қисқа муддатли, лекин кучли талвасага тушади, ундан кейин хотира йўқолади. Бу эса ҳафталаб ва ойлаб давом этиши мумкин. Назарий жиҳатдан шу жараёндан кейин бемор меъерий ҳолатга қайтиши керак. Бу муолажа ҳозиргача шизофренияни эмас, депрессияни даволашда қўлланилади, гарчи кўпчилик уни жазолашнинг ваҳший шакли, деб баҳоласа ҳам.

Лоботомия 1935 йилда португалиялик невропатолог Антонио Эгас Мониц томонидан таклиф қилинган бўлиб, бир неча муддат у бир қанча мамлакатларда кенг қўлланилди. Унинг самарадорлиги тўғрисида шов-шувли баёнотлар берилган, бироқ кўп ўтмасдан кўпчилик беморларда лоботомия ўтказилгандан кейин интеллектуал қобилиятларнинг анча пасайиши, апатиянинг ривожланиши кузатилди. 50-йилларнинг бошларида транклизаторлар пайдо бўлиши муносабати билан бу усулдан воз кечилди. Бугун шизофрения ва бошқа руҳий ўзгаришларни даволашда транклизаторлардан кенг фойдаланилмоқда. Доридармонларнинг муайян даражада «таъсир ўтказишига» шубҳа йўқ. Бироқ улар беморнинг катта дунёдаги ҳаётини қийинлаштираётган аломатларини қай даражада пасайтириши тўғрисида ҳеч ким аниқ бир гап айта олмайди. Бу дориларнинг қай даражада самарадор экани ҳақидаги масала ҳануз очиқ қолмоқда³⁷.

Рухий хасталикларга ташхис қўйиш

Рухий хасталикларга дори-дармонларнинг бирданига ва самарали таъсир кўрсатишига умид қилиш қийин, чунки ташхис қўйиладиган мезон ва белгилар ишончли эмас. Бунинг яққол тасдиғини Д. Л. Розенхэннинг тадқиқотларида топиш мумкин³⁸. Тадқиқот жараёнида саккиз соғлом одам Қўшма Штатларнинг Шарқий ва Ғарбий соҳилларидаги турли психиатрик шифохоналарнинг қабулхоналарига келишди. Улар ўзларининг дипломлик психологлар эканликларини яширишди, бошқа жиҳатлардан уларнинг таржимаи ҳоллари мутлақо тўғри эди. Қабулхонада улар ўзларига турли овозлар эшитилишидан шикоят қилишди.

Барча тадқиқотчиларга «шизофрения» ташхиси қўйилди ва уларни даволашга қабул қилишди. Шифохонага келгандан кейин улар ўзларини дуруст тутишди. Шифохона ходимларидан бирор киши ҳам уларнинг симулянт эканини сезмади, айни пайтда беморлар уларнинг сохта тиббиёт ходимлари эканини аниқлашди. Тадқиқот иштирокчилари ўзларининг кузатишларини мунтазам ва очиқ тарзда қайд этиб бордилар, бироқ ходимлар бунинг патологиянинг кўринишларидан бири, деб баҳолашди. Бу одамларнинг шифохонадаги даври 7 кундан 52 кунгача давом этди. Уларнинг ҳар бири даволанишдан сўнг

³⁷ *Seull Andrew*. Decarceration: Community Treatment and the Deviant — A Radical View. Cambridge, 1984.

³⁸ *Rosenhan D*. On being sane in an insane place // Science, 179. 1973.

«ремиссия давридаги шизофрения» ташхиси билан чиқарилди. Розенхеннинг таъкидлашгича, «ремиссия давридаги» ибораси сохта беморларнинг меъёрдаги одам сифатида тан олинганини англамайди, уларни госпиталлаштиришнинг қай даражада тўғри экани ҳақидаги масала бирор марта ҳам айтилмади.

Бу тадқиқотни танқид қилиш мумкин, унинг натижаларини драматиклаштириш керакми-йўқлиги ҳам аниқ эмас. Тажриба иштирокчиларининг даволаниш варақаларида «хулқ-атворида оғишлар намоеън бўлмади», деб ёзиб қўйилган. Уларнинг даволаниш муддатлари ҳам ҳеч нимани англамайди, чунки ўша пайтларда узоқ муддатли текширувларсиз АҚШ шифохоналаридан чиқиш жуда қийин эди.

Шизофренияни ташхис қилишда қўлланиладиган аниқ белгилар рўйхати мавжуд эмас. Беморларнинг бир қисми, масалан, ёнида ҳеч ким йўқ бўлса ҳам, турли овозларни эшитади, уларда галлюцинациялар юз беради ва улар ғалати-ғалати хатти-ҳаракатлар содир этишлари мумкин. Розенхен психиатрик ташхиснинг нисбийлиги ва ёрлиқнинг таъсирини намойиш этади. Агар сохта беморлар илмий тажрибанинг иштирокчилари бўлмай, бошқа сабабларга кўра психиатрия шифохонасига тушиб қолганларида, улар кейинчалик «ремиссия давридаги шизофрения» ёрлиғидан қутила олмас эдилар.

Ақдан озишнинг табиати: қолдиқ меъёрларининг бузилиши

Психиатрларнинг руҳий хасталикларнинг физиологик асосларини топишга интилишларига социологлар шубҳа билан қарайди ва руҳий қасаликлар табиатини изоҳлаш учун стигматизация назариясидан фойдаланишни таклиф қиладилар. Томас Шефф, руҳий хасталиклар, айниқса шезофрения қолдиқ меъёрларининг бузилиши³⁹ атамалари ёрдамида изоҳланиши мумкин, деган тахминни олға сурди. *Қолдиқ меъёрлар* — бу кундалик ҳаётни тартибга соладиган ва кўпчилик томонидан эътироф этиладиган қоидаларга боғлиқ, Гоффман ва этнометодология вакиллари томонидан ўрганилган (4-бобда баён қилингандай) «туб қоидалар», масалан сизга мурожаат қилаётган одамга қараш, бошқа одамлар гапирётган сўзлар ва бажараётган ҳаракатларнинг маъносини тушуниш, ўз танаси ҳаракатларини назорат қилиш кабилар. Мана шу меъёрларни бузиш, Шефф фикрича, амалда шизофрениядир.

Кўпчилигимиз муайян вазиятларда қолдиқ меъёрларни бузамиз. Яқин одамини йўқотган шахс бошқалар билан ўзаро таъсирга киришганда ўзини «нотабий» тутиши мумкин. Бунга ўхшаш вазиятларда ана шундай хулқ-атворга изн берилади ва ҳатто улар тақозо ҳам қилинади. Бироқ одам ўзини аниқ сабабларсиз ғалатироқ тутса, уни ақлий жиҳатдан соғлом эмас, деб

³⁹ Scheff T. Being mentally ill. Chicago, 1966.

ҳисоблашади. Ёрлиқ ёпиштирилгандан кейин индивиднинг ҳаракатлари иккиламчи оғишни, яъни кутилган тарздаги ҳаракатларни рағбатлантира бошлайди⁴⁰.

Шефф назарияси индивидлар *нима учун* «қолдиқ метёрларнинг бузувчилар»ига айланиб қолишларини изоҳламайди. Бунинг негизида эҳтимол генетик омиллар ётар. Баъзи типдаги руҳий ўзгаришлар асосида биологик омиллар ётиши эҳтимоллигини социологик тадқиқотлар ва руҳий хасталиклар назариялари инкор этмайди.

Сиёсат, ижтимоий босим ва психиатрия

Руҳий хасталикларнинг баъзи шакллари биологик табиатга эга бўлганлари тақдирда ҳам, бу руҳий беморларни уларнинг ихтиёрига қарши психиатрик шифохоналарга ётқизиш ва у ерда ушлаб туриш зарурлигини билдирмайди. Совет диссидентларининг бирортасида ҳам, уларнинг совет тизимига муҳолифатда эканидан ташқари руҳий ўзгаришнинг йўқлигига қарамай, психиатрия шифохоналарида тутиб турилганлиги ҳақидаги кўплаб мисоллар маълум. Бу усул тизимни таъқиб қилувчиларни суд муҳокамаларисиз четга суриб қўйиш имконини берарди. Фаол сиёсий муҳолифат лунатикларга тенглаштирилди, совет давлатига қарши даъволардан воз кечиш эса соғайишнинг белгиси ҳисобланарди. Бундай амалиёт Совет Иттифоқидан ташқаридаги психиатрлар томонидан ҳам кенг қабул қилинган ва оғаётган хулқни бошқаришда психиатриядан фойдаланишнинг ашаддий кўринишларидан бири эди.

Бу ҳол одамлар ўйлаганидан фарқли равишда ғарб психиатрия амалиётидан кўп фарқ қилмас эди. Томас Шатснинг фикрига кўра, руҳий хасталиклар ҳақидаги ғоянинг ўзи руҳий саломатлик номи билан таъқиб қилишни оқлашга хизмат қиладиган афсонадир⁴¹. Психиатрия шифохонасида мажбуран тутиб туриш — амалда қонунда кўзда тутилган жиноятларни содир этмаган одамларни қамоқхонада ушлаб туришнинг бир кўринишидир. Шатс фикрича, руҳий хасталикларни баъзи индивидлар кескин шаклда бошдан кечираётган «хаётий муаммолар» дейиш тўғривоқ бўлади. «Руҳий бемор» деб ҳисобланаётган одамлар, аҳолининг худди «соғлом» вакиллари каби фақатгина улар қонунни бузганлари тақдирда мажбуран қамоқхонада ушлаб турилишлари мумкин. Иккинчи томондан, ҳар бир одам ўзининг қарашлари ва туйғуларини қандай хоҳласа шундай ифодалаш ва қандай хоҳласа шундай яшаш имкониятига эга бўлиши лозим. Кимда ким даволаниши лозимлиги ҳақида хулосага келса, бошқа ҳар қандай хизмат каби психиатрия ёрдамини ҳам контракт асосида олиши лозим.

⁴⁰ *Smith Dorothy E. K is mentally ill: the anatomy of factual account // Sociology, 12. 1978.*

⁴¹ *Szasz Thomas. The Manufacture of Madness. London, 1971.*

Беморларни ихоталашдан воз кечиш

Фарб мамлакатларида охирги 25 йилда мажбурий даволаш муассасалари миждозларининг ахволи анча ўзгарди⁴². Кўпчилик руҳий беморлар ва психофизиологик камчиликларга эга бўлган одамлар шифохоналардан чиқариб юборилди ва эркинликни чеклаш уй шароитидаги кузатишлар билан алмаштирилди. Бу ислохотлар инсонпарварлик ғоялари ва иқтисод қилишга муайян интилиш туфайли амалга оширилди, чунки давлатнинг вазийлик муассасаларига қиладиган харажатлари анчагина катта.

Декарцерация одамларнинг руҳий саломатлигига жиддий таъсир ўтказди. Либерал кайфиятдаги кўпчилик ислохотчилар узоқ муддатта госпиталлаш билан психиатрия клиникалари миждозларининг саломатликларига таъсир ўтказмадикмикан, деб хавотир билдираётган эдилар. Гап шундаки, ташқи оламдан ихоталаб узоқ муддат сақланган одамлар вақт ўтиши билан маъбуслик вазиятига ижтимоийлашиб, шифохонадан ташқарида яшаш қобилиятини йўқота бошлайдилар. 1950—1960 йилларда ислохотчиларнинг «шифохона деворлари билан ҳисоб-китоб қилиш» ҳақидаги чақириқларидан ташқари, яна икки янгилик руҳий беморларга бўлган муносабатга таъсир ўтказди. Улардан бири Британияда амалга оширилди. Бу руҳий муолажанинг бир усули бўлиб, унда индивиднинг гуруҳ ва жамиятлар билан мулоқотга киришиш эҳтиёжига алоҳида аҳамият берилади. Иккинчи ва эҳтимол муҳимроқ янгилик — руҳий касалларни ва кекса-ёш учун хос бўлган ақлий ўзгаришларни даволашда туб ўзгаришлар ясаган дори-дармонлар бўлди. 1955—1974 йиллар оралиғида Британиядаги психиатрия клиникаларида даволанаётганлар сони 30%га қисқарди, шифохонадан чиқарилганларнинг кўпчилиги қисми катта ёшли одамлар эди. Калифорниядаги давлат клиникалари ва муниципал клиникаларида 1975, 1977 йиллар оралиғидаги икки йил давомида қарияларнинг сони деярли 95%га камайди.

«Декарцерация» — кўп миқдордаги одамларнинг ташқи дунёга қайтарилиши оқибатлари руҳий беморларнинг ўзлари учун қандай бўлди? — деган савол туғилади. Маълум бўлишича, беморларнинг кўпчилиги олдингига қараганда оғирроқ аҳволга тушиб қолган. Клиникалардан чиққандан кейин улар шундай вазиятга тушиб қолишдики, атрофдагилар улар ҳақида гамхўрлик қилишга олмасди ёки қилишни хоҳлашмасди. Психиатрия клиникалари харажатларидан иқтисод қилиб қолган ҳукумат хизматлари эса коммунал хизматни яратиш бўйича йирик маблағлар сарф қилишга тайёр эмаслиги маълум бўлиб қолди. Бундан ташқари, коммунал клиникалар жиддий ва барқарор руҳий хасталикларга рўбарў келган одамларга қандай ҳажмда ёрдам кўрсатишлари ҳам аниқ эмас эди. Психиатрия клиникаларидан

⁴² *Cohen S. Visions of Social Control: Crime, Punishment and Classification. Oxford, 1985.*

чиққанларнинг кўпчилиги кўмак йўқлиги сабабли вайроналарга жойлашишди. Бу ерда улар қашшоқлик ва бошқалардан ажралган ҳолда — худди шифохоналардагидай эрксиз, бунинг устига муҳофазанинг йўқлиги шароитида яшай бошладилар.

Майкл Диар ва Женнифер Уолш клиникаларнинг кўпчилик собиқ мижозлари яшаётган шароитни «умидсизлик манзараси»⁴³, деб атадилар. Бироқ, бундай одамларнинг ҳаммаси ҳам шифохонага қайтишни хоҳлар эди, дейиш нотўғри бўлади. Диар ва Уолш жамоатчиликнинг ғамхўрлик ҳақидаги ваъдалари амалга ошириладиган «ғамхўрлик манзаралари»ни яратишга чақирдилар. Бу эса тегишли хизмат ва қўналғалар яратишни, васийлик муассасаларидан чиқарилганлар учун иш топиш имконияти яратишни талаб қиларди. Мана шундай контекстда биз руҳий хасталикдан азоб чекаётган одамларга ҳақиқий ижтимоий ғамхўрлик кўрсатилаётгани тўғрисида гапиришимиз мумкин.

Девияция ва ижтимоий таъсир

Оғишларни фақат негатив асосда олиб қараш нотўғри бўлар эди. Одамларнинг турли қадриятлари ва манфаатларини ҳисобга оладиган ҳар қандай жамият хатти-ҳаракатлари кўпчилик амал қиладиган меъёрларга мос келмайдиган озчилик учун ҳам ўрин топиши керак. Сиёсат, фан, санъат ёки инсон фаолиятининг бошқа соҳаларида янги ғояларни ривожлантираётган одамлар ортодоксал тамойилларга амал қиладиган одамлар томонидан душманлик билан қабул қилинадилар. Америка инқилоби томонидан олға сурилган шахс эрки ва имкониятлар тенглиги ҳақидаги сиёсий идеаллар ҳозир бутун дунёда эътироф этилган бўлса ҳам, ўша пайтда кўп одамлар томонидан нохуш кутиб олинган эдилар⁴⁴. Ҳукмрон меъёрлардан четга чиқиш мардлик ва қатъиятни талаб қилади. Кўпинча у кейинчалик барча учун фойдали бўладиган ўзгаришларга жуда муҳим асос бўлади.

Жамият ноконформистик хулққа эга бўлган одамларга кенг эркинлик учун имкониятлар яратиб берар экан, «хавфли оғишлар» шунинг учун тўланадиган ҳақ бўлиши керакми? Масалан, жиноятчиликнинг юқори даражага чиқиши жамиятнинг ўз фуқароларига яратган индивидуал эркинликлар эвазига тўлайдиган баҳосими? Баъзилар, хулқ-атворнинг қатъий қоидалари бўлмаган жамиятда зўрлик бўлиши муқаррар, дейовчи одамлар шу тахлит фикр юритишади. Бироқ бу фикр синчиклаб ўрганилса, унинг мантиқан изчил эмаслигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Баъзи жамиятларда индивидуал эркинликларнинг кенг мажмуаси мавжуд, оғаётган хулққа эса бағрикенглик билан муносабатда бўлишади (масалан, Голландияда) ва айни пайтда бу ерларда жиноятчилик даражаси паст. Иккинчи томондан эса,

⁴³ Dear Michael and Jennifer Wolch. *Landscapes of Despair*. Princeton, 1987.

⁴⁴ АҚШ мустақиллиги учун уруш маъносида.

индивидуал эрк чеклаб кўйилган мамлакатларда (масалан, Жанубий Африка Республикасида) зўриқларнинг юқори даражаси намоён бўлмоқда. Девиант хулққа бағрикенглик билан муносабатда бўлаётган жамият дезинтеграцияга дучор бўлиши шарт эмас. Бироқ дезинтеграцияни чеклаб ўтиш фақатгина индивидуал эркинликлар ижтимоий адолат, ижтимоий тартиб билан кўшилиб, аҳоли тўлақонли ҳаёт кечириниш имкониятига эга тенгсизликлар эса унчалик катта бўлмаганда эришиниш мумкин. Агар эркинлик тенглик билан мувозанатга келтирилмаса, кўпчилик ўзини намоён қилиш имкониятига эга бўлмаса, оғаётган хулқ ижтимоий деструктив шаклларга эга бўлади.

Бобнинг қисқача мазмуни

1. Девиант ёки оғаётган хулқ жамиятда қабул қилинган меъёрларга зид ҳаракатлар билан боғлиқ. Оғиш деганда нимани тушуниш замонга ва маконга боғлиқ; маданий установакаларнинг бир мажмуида «меъёрий» ҳисобланган хулқ бошқасида «оғаётган», деб баҳоланиши мумкин.

2. Расмий ва норасмий санкциялар жамият томонидан ижтимоий меъёрларни қувватлаб туриш учун қўлланилади. Қонунлар — ҳукуматлар томонидан тасдиқланадиган ва амалга киритиладиган меъёрлар. Жиноятлар — қонунлар рухсат этмайдиган хатти-ҳаракатлар.

3. Биологик ва психологик назариялар жиноятчилик ва оғишнинг бошқа шакллари ирсий жиҳатдан белгиланган, деган тезисни асосламоқчи бўлдилар; бироқ ҳозирги пайтда бу назариялар катта шубҳа остида. Социологлар фикрига кўра, конформлик ва оғиш турли ижтимоий контекстларда турлича белгиланади. Жамиятда бойлик ва ҳокимиятнинг нотекис тақсимланиши индивидларнинг турли гуруҳлари имкониятларига, шунингдек қандай ҳаракатлар криминал, деб баҳоланишига фавқулдда кучли таъсир ўтказиши. Фаолиятнинг криминал турларига ўрганиш кўп жиҳатдан қонун доирасидаги фаолиятни ўрганишга ўхшашдир. Криминал фаолият умуман бир хил мақсад ва эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилган бўлади.

4. Стигматизация назариясининг (девиант тамғаси индивид оғишини кучайтиради, деб ҳисоблайдиган) қиммати бирорта ҳам хатти-ҳаракат ўз-ўзидан на жиний, на меъёрий бўла олади, деган фараздир. Бироқ ёрлик ёпиштириш назариясини кўйидаги савол билан тўлдириш керак: оғаётган хулқнинг негизида қандай сабаб мавжуд?

5. Ҳар қандай жамиятдаги жиноятчиликнинг ҳақиқий миқёсини баҳолаш мушкул, чунки ҳамма жиноятлар ҳам аниқланавермайди. Шунга қарамастан, айтиш мумкинки, баъзи мамлакатларда жиноятчилик даражаси ўртачадан анча баланд. Бундай ҳол бошқа Фарб мамлакатларига қараганда жуда юқори бўлган қотиллик кўрсаткичларига эга бўлган АҚШда кузатилади.

6. Жазо ҳам худди «жиноят» сингари турли маданиятларда ва турли даврларда фарқланади. Қамоқхоналар жамиятни жиноятчилардан муҳофаза қилиш ва уларни «қайта тарбиялаш» учун пайдо бўлади. Шу охириги мақсад нуктаи назаридан улар самарасиз бўлиб чиқди. Бугун кўпчилик мамлакатларда ўлим жазоси бекор қилинган.

7. Жиноятчилик даражаси аёллар орасида эркаклар орасидагига қараганда анча паст. Бунинг сабаблари ижтимоийлашув шароитларининг турличалиги ва эркакларнинг кўпроқ уйдан ташқаридаги фаолиятга жалб этилганидадир.

8. «Оқ ёқалилар» жиноятлари ва ҳокимиятга эга бўлганлар содир

этадиган жиноятлар жамиятнинг энг бадавлат қатламлари учун хос. Уюшган жиноятчилик кўп жиҳатдан оддий ташкилотларга ўхшаш бўлган, бироқ фаолияти нолегал тарзда олиб бориладиган криминал фаолиятнинг институционалланган шакллари билан боғлиқ.

9. Социологик тадқиқотлар психиатрияда қўлланиладиган ташхис мезонларининг аниқлиги ҳақидаги масалани кўтарди ва баъзи одамларни даволаши лозим бўлган жараёнларда уларни руҳий бемор бўлишга «ўргатилаётгани»ни намойиш қилди. Бу жараёнда стигматизация назарияси муҳим роль ўйнайди.

10. Декарцерация — бу ёпиқ муассасалардаги одамларнинг жамиятга қайтиш жараёни. Декарцерациянинг баъзи оқибатлари қутилмаган ва салбий бўлиб чиқди: психиатрия клиникаларининг кўпгина собиқ мижозлари «ташқи олам»нинг ўзлари учун ғайри одатий бўлган шароитларида катта қийинчиликларга дуч келишади.

Асосий тушунчалар

<i>оғиш конформлик</i>	<i>жиноят руҳий хасталик</i>
----------------------------	----------------------------------

Энг муҳим атамалар

<i>девиант (оғайтган)</i>	<i>ҳокимиятга эга бўлган одамларнинг жиноятлари</i>
<i>субмаданият</i>	<i>уюшган жиноятчилик</i>
<i>санкция</i>	<i>криминал тузилма</i>
<i>қонун</i>	<i>қурбонсиз жиноятлар</i>
<i>психопатик шахс</i>	<i>психотик ҳолатлар</i>
<i>табақалашган уюшма</i>	<i>невротик ҳолатлар</i>
<i>аномия</i>	<i>шизофрения</i>
<i>жиноятчи гуруҳ</i>	<i>қолдиқ меъёрларининг бузилиши</i>
<i>стигматизация назарияси</i>	<i>декарцерация</i>
<i>«оқ ёқалилар» жиноятлари</i>	

Кўшимча адабиёт

A. K. Bottomley and K. Pease. Crime and Punishment: Interpreting the Data. Milton Keynes, 1986. Жиноятчилик даражасини қайд этиш билан боғлиқ муаммоларнинг батафсил таҳлили.

Stanley Cohen and Laurie Taylor. Escape Attempts. London, 1992. Индивидларнинг кундалик ҳаёт иқир-чиқирларидан қочишининг турли-туман усуллари таҳлил қилинган, қайта ишланган нашр.

Stephen Hester and Peter Eglin. A Sociology of Crime. London, 1992. Криминологиянинг умумий масалалари бўйича яхши қўлланма.

Stephen Pilling. Rehabilitation and Community Care. London, 1991. Ёпиқ даволаш муассасаларида даволанишнинг оқибатлари таҳлил қилинган ва коммунал хизмат дастурларини синчиклаб режалаштириш зарурлиги асослаб берилган.

Robert Reiner. The Politics of the Politics of the Police. London, 1992. Британия полицияси тарихи ва социологияси бўйича ижобий баҳоланган китобнинг янги нашри.

Ann Worrall. Offending Women. London, 1990. Гендер ва қонуннинг чуқур ва қизиқарли таҳлили.

Гендер ва сексуаллик

Туғруқхона палатасида иккита эндигина туғилган чақалоқ ётибди. Бири кўк чойшабга ўралган ўғил бола, иккинчиси эса — пушти чойшабга ўралган қиз бола. Ҳар бир боланинг туғилганига бор-йўғи бир неча соат бўлган. Уларни бувилари ва бувалари илк бор кўрмоқдалар. Улар ўртасидаги суҳбатлар:

Буви (А): Бу — бизнинг биринчи неварамиз, яна ўғил бола!

Бува (А): Қаранг-а, у соғлом кичкина йигитчага ўхшайди! Унинг муштига қаранг. Бу болакай ҳақиқий тўполончи бўлади. Бува (А) кулимсираб, неварасига боксчилар зарбини намоиш этади): Полвон!

Буви (А): У сизга ўхшайди, шекилли. Даҳани худди сизникига ўхшайди. Вой, қаранг — у йиғламоқчи.

Бува (А): ҳа — унинг нафасига қулоқ солинг, ўпкаси яхши. У зўр йигит бўлади.

Буви (А): Бечора, у ҳали ҳам йиғламоқда.

Бува (А): ҳеч нарса қилмайди. Бу фойдали ҳам. У машқ қилмоқда, бу эса унинг ўпкасини ривожлантиради.

Буви (А): Юринг, ота-онасини табриклаймиз. Мен биламан, улар кичкинтой Фреддан хавотирда. Улар биринчи фарзанд ўғил бўлишини хоҳлаган эдилар.

Бува (А): Ўғил бола бўлишига уларнинг ишончлари комил эди, чунки у туғилишидан олдин ҳам онаси қорнида тепинарди.

Улар чақалоқнинг ота-онасини табриклагани чиқиб кетишганда, иккинчи гўдакнинг бувиси ва буваси кириб келади. Улар ўртасидаги суҳбат:

Буви (Б): Ана у — битта-ю битта пушти бантлик қизалоқ. Қандай ажойиб, қаранг-а!

Бува (Б): Дарҳақиқат, яна, миттигина. Қаранг, бармоқларининг жажжиглигини. Вой, у муштини тугмоқда.

Буви (Б): Қандай ширинтой... Биласизми, у менга ўхшайди, хаёлимда.

Бува (Б): Дарвоқе, ўхшашлик бор. Даҳани сизники сингари.

Буви (Б): Қаранг, у йиғламоқчи бўляпти.

Бува (Б): Балки қизалоққа қараш учун ҳамширани чақирганимиз маъқулдир ёки ички чойшабларини алмаштириш керакми?

Буви (Б): Ҳа, чақирақолинг. Бечорагина (чақалоқни эркалаб). Ҳозир, ҳозир, биз сенга ёрдам берамиз.

Бува (Б): Бориб, ҳамширани топиб келай. Йиғлашига чидай олмайман...

Буви (Б): Уларда яна фарзанд кўриш истаги бўлса, ҳайрон бўлар эдим. Мен ўйлайманки, албатта, ўғил, Фред бўлса, яхши бўларди, лекин кичкина Фредерика ҳам ширинтой ва соғлом. Умуман, бахт деб аталадиган якка-ю ягона туйғу — бу фарзанд билан боғлиқдир.

Бува (Б): Улар ҳали ёш, кўпроқ болали бўлиши ҳам мумкин. Қизалоқ соғлом бўлса, бас! Жуда ҳам хурсандман!

Буви (Б): Ҳар ҳолда, менинг фикримча, улар қиз бола туғилганида ҳайрон ҳам бўлишмагандир... ахир у туғилишидан олдин сираям тўполон қилмаган онасининг қорнида.

Икки суҳбат ўртасидаги фарқ шунчалик каттаки, улар худди ўйлаб топилганга ўхшайди. Аслида эса бу туғруқхонада реал суҳбатлар асосида ёзиб олинган ҳақиқатдир. Фарб маданиятида ота-оналар томонидан биринчи бўлиб бериладиган савол — бу «ўғилми ёки қизми?». Ҳаётининг бир қисмини эркак бўлиб яшаган ва кейинчалик жарроҳлик натижасида жинсини ўзгартирган инсонларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, инсонлар жинси бизнинг уларни қабул қилишимизга боғлиқ. Жинсини ўзгартирган ўша инсоннинг оиласига, дўстлари ва ҳамкасбларига унга энди аёлга мурожаат қилгандек, гаплашиш ниҳоятда қийин.

Ушбу бобда биз жинсий фарқларнинг табиатини ўрганамиз, у ёки бу жинсга алоқадорликни белгиловчи омилларнинг ҳар томонлама характери таҳлил этамиз. Авваламбор жинслар ўртасидаги тарихий фарқларни кўриб чиқишга тўхталаямиз, сўнгра назокатлик ва мардликка таъсир кўрсатувчи турли ижтимоийлашув жиҳатларни ўрганишга ўтаёмиз. Кейин эса аёлларнинг бутунги жамиятдаги ижтимоий ва иқтисодий аҳволини, ва ниҳоят, сексуалликни таҳлил қилишга киришамиз.

Жинс, гендер ва биология

Кундалик ҳаётда фойдаланадиган «секс» сўзи бир неча маънога эга, у муайян одамлар категориясига тааллуқли бўлиши мумкин, шунингдек ушбу инсонлар амалга ошираётган ҳаракатларига ҳам тегишли бўлиши мумкин, масалан, «секс билан шуғулланиш», деган иборани ишлатганда. Бу масалага аниқлик киритиш учун биз ушбу икки маънони ажратишимиз зарур. Биз «жинс» («sex») аёллар ва эркаклар ўртасидаги *биологик* ва *анатомик* фарқларни жинсий фаолликдан ажратишимиз мумкин. Сўнгра биз жуда муҳим бўлган жинс ва гендер ўртасидаги чегарани аниқлаб олишимиз керак. Агар жинс эркаклар ва аёллар ўртасидаги жисмоний тузилишга боғлиқ фарққа тааллуқли бўлса, унда «гендер»¹ тушунчаси уларнинг психологик, ижтимоий ва маданий ўзига хос хусусиятларини назарда тутаяди. Жинс ва гендернинг чегараланиши фундаментал ҳисобланади, чунки аёллар ва эркаклар ўртасидаги кўпгина фарқлар табиатан биологик бўлмаган сабаблар туфайли юзага келади.

Жинсий тафовутлар манбаи

Жинс ҳақида муҳокама бошланганда, авваламбор, инсон генетикаси тўғрисида гап боради. Бизнинг жинсимиз, кўпгина биологик хусусиятларимиз, эркак сперматозоиди ва аёл тухум

¹ Агар индивиднинг жинси биологик жиҳатдан белгиланган бўлса, унда жинс (генде) маданий ва ижтимоий жиҳатдан белгиланган бўлиб ҳисобланади. Демак, иккита (эркак ва аёл) жинси мавжуд ва иккита род (эркак ва аёл). «Род» сўзи рус тилида бир неча маънога эга. Унинг ижтимоий ва маданий тафсиқларини белгилашда турлича қабул қилинишини бартараф этиш мақсадида таржима қилинганда «гендер» тушунчаси ишлатилади.

хужайраларидан иборат ген натижасидир, яъни янги хужайра шаклланишидадир. Бутун генетик материал ушбу янги хужайрада мавжуд бўлган йигирма уч жуфт хромосомада мужассамдир. Ҳам сперматозоид, ҳам тухум хужайралари ҳар бир жуфт генга генетик маълумотни етказди.

Бизни йигирма учинчи жуфт хромосомалари, яъни жинс хромосомалари қизиқтиради. Бу жуфт аёллар учун XX шаклида белгиланади, эркаклар учун эса — XY. Генетика қоидаларига мувофиқ, тухум хужайралари йигирма учинчи жуфтликка фақат X-хромосомани бериши мумкин. Сперматозоид (эркак хужайра) ҳам X, ҳам Y-хромосомага эга бўлганлиги сабабли, натижада XX (аёллар) ва XY (эркаклар) хужайралари пайдо бўлиши мумкин.

Ҳомила пайдо бўлгандан сўнг янги хужайра бўлинади ва худди шундай янги хужайралар (худди шундай хромосомалар жуфтлигида) пайдо бўлади, кейин эса улар ҳам яна бўлинади ва ҳоказо, натижада одам эмбриони шаклланади. Дастлабки ривожланиш жараёнининг ўзида эмбрионда биологик аппарат, гонадалар мавжуд бўлиб, улар ёки эркак уруғдонига ёки аёл тухумчаларига айланадилар. Хромосомалардаги фарқ ўчириб-ёқиладиган асбобга ўхшайди, эмбрионнинг энг дастлабки ривожланиш пайтида у организмнинг жисмоний ривожланишини у ёки бу томонга йўналтиради.

Икки жинснинг кейинги ривожланиш механизмлари кечроқ, яъни жинсий етуклик даврида амалга оширилади. Жинсий етукликнинг ўртача ёши саноати ривожланган мамлакатларда пасайган. Юз йил аввал қизларда биринчи ҳайз кўриш даври 14,5 ёшга тўғри келар эди, ҳозир эса бу кўрсаткич 12 ёшни ташкил этади. Ўғил болалар қиз болаларга нисбатан жинсий ривожланишда кечроқ етиладилар. Жисмоний кучдаги фарқ жинсий етуклик даврига келиб энг юқори даражага кўтарилади — ўрта ёшдаги эркаклар мушак тўқимасининг огирлиги аёлларникига нисбатан 10% кўпдир, бундан эса шундай хулоса қилса бўладики, эркакларда жисмоний чиниқиш кучлидир. Ушбу баҳо нақадар ҳаққоний эканлигини аниқлаш осон эмас, зеро у жисмоний машғулот ва машққа ҳам боғлиқ. Биологик хусусиятлар эса айнан эркакларни аёллардан фарқли ўлароқ фаол, катта энергияни талаб қиладиган ишлар билан шуғулланишга мажбур қилса ҳам, барибир нисбатан суст намоён бўлади. Механик самарадорлик (организмнинг энергияни белгиланган тартибда бир дақиқада истеъмол қилиш имкониятига эга хатти-ҳаракат) эркаклар ва аёллар учун тенгдир.

Хулқ-атвордаги фарқлар биологик асосга эгами?

Қай даражада аёллар ва эркакларнинг хулқ-атвори жинсий хусусиятлар, ва қай даражада — гендер билан аниқланади? Бошқача қилиб айтганда, улар қай даражада биологик омилларга боғлиқ? Бу ҳақда бир-бирига ниҳоятда қарама-қарши бўлган

фикрлар билдирилган. Аксарият муаллифларнинг фикрича, аёллар ва эркеклар ўртасида туғма фарқлар мавжуд ва улар турли кўринишларда барча маданиятларда намоён бўлади. Айримлар эса ижтимоий биологиянинг кашф этилиши ушбу нуқтаи назарни тасдиқлайди, деб ҳисоблашади. Улар далил сифатида деярли барча маданиятларда эркеклар аёлларга нисбатан ов қилиш ва урушларда кўпроқ ишгирок этганларини келтиради. Улар шундай савол қўяди: шуларнинг ўзи эркеклардаги мавжуд, аммо аёлларда йўқ бўлган, биологик асосларга эга бўлган агрессияга мойиллик борлигининг ёрқин исботи эмасми? Бошқа тадқиқотчиларни бу далил қониқтирмайди. Уларнинг таъкидлашича, турли маданиятларда эркеклар тажовузкорлиги даражасида сезиларли фарқ бор. Шу ўринда аёллар ҳам маданиятнинг ўзига хослигига қараб маълум даражада «пассив» ва «итоаткор» бўлишлари мумкин. Бундан ташқари, улар шуни ҳам кўшимча қилишадикки, мисол тариқасида келтирилган хусусият умумий бўлиб, лекин у биологик табиатга эга, дегани эмасдир. Унинг мавжудлиги умумий характердаги маданий омиллар билан белгиланиши мумкин. Масалан, аксарият маданиятларда аёллар одатдагидек, ўз вақтининг кўп қисмини фарзандларига бағишлагани туфайли, бир вақтнинг ўзида ов ва урушда қатнаша олмайдилар. Шу нуқтаи назарга мувофиқ, эркеклар ва аёллар ўртасидаги фарқ асосан уларнинг ижтимоий билим олиши ва муайян гендер билан тенглаштириш жараёнида шаклланади.

Ҳайвонлар оламидаги фактлар

Бундай далиллар ниманинг исботи бўлиши мумкин? Саволга тегишли бўлган маълумотнинг тахминий манбаи — жинсларнинг гормонал секрециясидаги фарқларни тадқиқот қилишдир. Айрим манбаларга мувофиқ, тестостерон, эркек жинсий гормони билан эркек жинсига мансуб мавжудотларнинг зўравонликка² мойиллигини боғлашади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, агар нар-маймунни туғилишидан сўнг бичиб қўйилса, уларнинг жинсий тажовузкорлиги пасаяр экан. Шу билан бирга, тестостерон қабул қилган урғочи маймунлар, текширувдаги гуруҳга нисбатан тажовузкорроқ бўлар экан. Шунингдек, маймунлар учун уларнинг тўдасидаги мавқеини мустақамлашга олиб келадиган шароитларни яратиш, тестостероннинг ўсишига сабаб бўлади. Бошқача қилиб айтганда, тажовузкор хулқ-атвор нафақат гормонал сабабларга асосланиши, балки ички секреция безларининг гормонлар ишлаб чиқиши сабабли бўлиши ҳам мумкин.

Фактларнинг бошқа тахминий манбаи — ҳайвонларнинг хулқ-атворини бевосита кузатиш. Эркекларнинг тажовузчини биологик характердаги сабабларга боғлайдиган муаллифлар, кўпинча

² Rutter M. and H. Giller. Juvenile delinquency: trends and perspectives. Harmondsworth, 1983.

этиборни нар ҳайвонларнинг атворига қаратади. Уларнинг таъкидлашча, ҳайвонларнинг хулқ-атворини ўрганиш шуни исботлайдики, урғочиларга қараганда нарлар тажовузкорроқ, лекин шу билан бирга, уларнинг турини ҳисобга олган ҳолда кўриш мумкинки, бу вазиятда ҳам катта фарқ бўлиши мумкин. Масалан, тажовузкорликнинг фарқи гиббонларда жинсига қараб ёрқин кўзга ташланмайди, бабуинларда эса бу фарқ сезиларлидир. Бундан ташқари жониворларнинг аксарият урғочилари айрим ҳолларда, хусусан, агар уларнинг болаларига хавф туғилган бўлса тажовузкорроқ бўлади.

Инсон билан боғлиқ фактлар

Жисмоний ривожланишнинг кам учрайдиган туғма нуқсонларини тадқиқот қилиш бизга жинсий фарққа тегишли энг ёрқин фактларни беради. Ушбу нуқсонлар орасида феминизациянинг тестикуляр синдроми ва андрогенитал синдромни ажратишимиз мумкин. Биринчи ҳолатда одам нормал хромосома-лар тўплами, уруғ безлари ва гормон алмашуви билан дунёга келади. Агар уни қайси жинсга тааллуққилигини аниқлаш учун таҳлил қилинса (масалан, Олимпия ўйинлари аёл иштирокчилари ўтадиган текширув), шу нарса аён бўладики, текширилаётган одам эркак бўлиб чиқади. Аммо эмбрионал ривожланиш даврида унинг генитал тўқималари тестостерон билан реакцияга тушмагани туфайли, улар аёллар жинсий аъзоларини вужудга келтиради. Бундай болаларни кўпинча қиз болалардек қабул қилишади ва шунга мослаб уларни тарбиялашади, чунки уларнинг ривожланишида биринчи ҳайз кўргунга қадар ҳеч қандай ғайритабiiй ҳол сезилмайди. Андрогенитал синдром бунинг аксини кўрсатади. Бу болаларнинг баъзилари ҳам эркак, ҳам аёл жинсий аъзоларига эга; жарроҳлик аралашуви натижасида уларга аёл аъзолари шакли берилиши мумкин. Бироқ, кўпгина бундай болалар ўғил бола сифатида тарбияланади, улардаги нономраллик эса нисбатан кейинги босқичда кўзга ташланади.

Бу мисоллардан маълум бўлишича, жисмоний ривожланишнинг нономраллиги тадқиқотлар, биологик белгиларга қарама-қарши равишда ўғил болалар ва қизларнинг юриш-туришидаги фарқларни чуқурлаштириш учун ижтимоийлашишнинг муҳимлигини тан олиш заруратига олиб келади. Эркак хромосома-ларига эга, аммо туғилганидан “қиз бола” деб ҳисобланган болаларда, одатда, аёлларга хос шахс хусусиятлари, одат ва кўникмалар ривожланади. Бошқа томондан, туғилганидан ўғил бола сифатида муомала қилинадиган қиз болаларда эркакларга хос шахс хусусиятлари пайдо бўлади³. Бу ҳолатни тавсифлаш учун ўхшаш эгизаклар билан боғлиқ таниқли мисол тўғри келади. Ўхшаш эгизаклар битта тухумдан ривожланади ва бутунлай бир хил генетик тўпламга эга. Эгизак ака-укаларнинг бири

³ Money J. and Ehrhardt A. Man and woman / boy and girl. Baltimore, 1972.

суннат қилинганда жиддий жароҳатланди ва унинг жинсини ўзгартиришга қарор қилинди. Кейинчалик бу бола қиз бола сифатида тарбияланди. Олти ёшгача болалар устидан олиб борилган кузатишлар ғарб маданиятида эркак ва аёл жинсига хос жиҳатларни кўрсатди. Қиз бола қизлар билан ўйнашни яхши кўрар, онасига қарашар ва катта бўлганда “турмушга чиқиш”ни истарди. Ўғил бола эса бошқа ўғил болаларга қўшилар, автомобиллар ўйнашни яхши кўрар, катта бўлганда ўт ўчирувчи ёки полициячи бўлишни истар эди.

Бу мисол баъзида жинсий фарқларга қараганда ижтимоий таълимнинг устунлигини тасдиқловчи асосий далил сифатида келтирилади. Бироқ, бўйи етиб қолган қиздан телевизион кўрсатув пайтида сўралганда, у ўз жинсини аниқлашда катта қийинчиликлар сезаётгани маълум бўлди. У ўзини балки “ҳақиқатдан ҳам” ўғил боладек ҳис қиларди. (Бу вақтга келиб қиз ўз келиб чиқиши ҳақида баъзи маълумотларни биларди. Албатта, бу унинг ўзи ҳақидаги тасавури ўзгаришига олиб келганди.)

Ўтказилган тадқиқот биологик сабаблар эркак ва аёлларнинг юриш-туришидаги фарқларга таъсир кўрсатмаслигини аниқлатмайди. Лекин улар мавжуд бўлса-да, уларнинг психологик табиати етарли даражада ўрганилмаган. Кўпгина олимлар дунёга машҳур генетик олим Ричард Левонтиннинг хулосаларига қўшилса керак:

Одам ўзини кимга ўхшатиши — эркак ёки аёлгами — унинг характеридаги аксарият хусусиятлар, ғоя ва истаклар каби, биринчи навбатда, у болаликда қайси жинсга мансуб топилганига боғлиқ. Воқеаларнинг одатдаги ривожланишида унга “белгиланган” жинс хромосома, гормон ва морфологиядаги одатдаги биологик фарқларга мувофиқ келади. Шундай қилиб, биологик фарқлар ижтимоий фарқланишнинг сабабларидан кўра, кўпроқ сигналига айланади.⁴

Ижтимоийлашиш ва гендер

Ота-оналар ва катталарнинг реакцияси

Илмда гендер белгиси бўйича фарқлар қай тарзда ривожланишига бағишланган қатор тадқиқотлар ўтказилди. Гендер камситишнинг аксарият шакллари юқорида айтиб ўтилган туғуруқхонадаги гаплардан кўра нозикроқ, аммо шундай бўлса-да, улар жуда ривожланган ва кенг тарқалган.

Она ва бола ўртасидаги муносабатларни ўрганиш шуни кўрсатадики, ўғил ва қиз билан ота-оналар, ҳеч қандай фарқ қилишмаётганлигига ишонч ҳосил қилган бўлсалар ҳам, турлича муомала қилишади. Катталардан болани тавсифлашни сўрашганда, жавоблар уларнинг фикрича бола қайси жинсга мансублигига қараб фарқланарди. Бир тажриба давомида бешта ёш она устидан кузатув олиб борилди. Уларга Бет исмли олти ёшли

⁴ Lewontin. R. Human diversity. London, 1982. P. 142.

болага қараш топширилди. Одатда, улар унга кўп жилмайиб, қўғирчоқ ўйнашни таклиф қилишарди. Болани “майин овозли”, “азизим” дея аташарди. Адам исмти шу ёшдаги бошқа болага бошқа бир гуруҳ оналар бутунлай бошқача муомалада бўлишди. Ўйнаш учун унга кўпинча поезд ёки бошқа “ўғил бола” ўйинчоқлари таклиф қилишарди. Қолбуки Бет ва Адам ролини эса ҳар хил кийинтирилган битта бола ўйнаган эди.⁵

Нафақат ота-оналар, ҳатто бува ва бувилар ҳам болалар ҳақида шундай хулоса чиқаришади. Жумладан, туғилиш пайтида тиббий хизматчилар янги туғилган чақалоққа қандай мурожаат қилиши борасида тадқиқот ўтказилган. Ўғил бола чақалоқларни кўпинча “бақувват”, “полвон”, “азамат” деб, қизларни эса “ғўзал”, “асал” деб аташган. Ваҳоланки, улар бўйи ва оғирликда ўғил болалардан деярли фарқ қилмасди.

Гендер ва тарбия

Болаларни жинсий тарбиялашнинг биринчи сабоқлари деярли онгсиз бўлади. Улар бола ҳали ўзини “ўғил бола” ёки “қиз бола” деб аташидан олдин содир бўлади. Жинслар фарқланиши мавжудлиги ҳақида билимларнинг бирламчи ривожланишига ёрдам берадиган бир қатор оғзаки бўлмаган “калит”лар бор. Катта ёшдаги эркак ва аёллар одатда болалар билан турлича муносабатда бўлади. Аёллар фойдаланадиган атир-упалар ўзига хос ҳидга эга ва у бола эркак жинси билан боғлайдиган одамлар ҳидидан ажралиб туради. Таълим жараёнида кийиниш, соч ва бошқалардаги барқарор фарқлар бола учун ташқи “калит”га айланади. Икки ёшга келиб бола жинс нималиги тўғрисида бир қадар тасаввурга эга бўлади. Улар “ўғил бола” ёки “қиз бола” эканликларини билишади ва одатда бу белги бўйича бошқаларни беҳато аниқлашади. Бироқ, беш-олти ёш бўлгунча бола инсон ҳаёти давомида жинси ўзгармаслигини, ҳар бир инсон бирор жинсга мансублигини ва қиз ва ўғил ўртасидаги фарқ уларнинг анатомияси билан белгиланишини билмайди.

Кичик ёшдаги болалар дуч келадиган барча ўйинчоқлар, расмли китоблар ва телевизион кўрсатувлар эркак ва аёл жинси белгилари ўртасидаги фарқни таъкидлашга ҳаракат қилади. Ўйинчоқлар бўлимларида ва почта орқали букюртма бериш каталогларида реклама қилинаётган товарлар одатда истеъмолчининг жинсига кўра таснифланади. Ҳатто, бир қарашда “нейтрал” кўринган ўйинчоқлар ҳам ҳақиқатда бундай эмас. Масалан, ўйинчоқ мушукча ва куёнчалар қизларга тавсия қилинади; айни пайтда шер ва йўлбарслар билан ўғил болалар ўйнайди, деб ҳисобланади.

Ванда Люция Земьюнер болаларнинг қай ўйинчоқни танлаши юзасидан тажрибалар ўтказди. Тажрибада Италия ва Гол-

⁵Will J., Self P., Dotan N. Maternal behaviour and perceived sex of infant // American journal orthopsychiatry, 46. 1976.

ландиядан — миллий белгилар якқол ажралиб турадиган мамлакатлардан икки гуруҳ болалар иштирок этди⁶. Болаларнинг ўйинчоқлар тўғрисидаги тасаввурлари таҳлил қилинди. Улар қаторига одатда “эркак” ва “аёл” деб ҳисобланадиган ўйинчоқлар билан бирга, бирор жинсга мансуб деб топилмайдиган ўйинчоқлар ҳам киритилди. Тадқиқот ўтказилаётган гуруҳдаги болаларнинг ёши 7 дан 10 гача эди. Болалар ва уларнинг ота-оналаридан қайси ўйинчоқлар ўғил болаларга, қайси бирлари қизларга кўпроқ мос келишини белгилашни сўрашди. Катталар ва болалар фикрлари ўртасида яқдиллик кузатилди. Италиялик болалар голландияликларга қараганда бу тадқиқотда бирор жинсга мансуб, деб ҳисобланган ўйинчоқларни кўпроқ танлашди. Бу натижалар кутилган эди, чунки италияликлар маданияти учун голландияликлар жамиятга қараганда жинслар фарқига анъанавий қараш хосдир. Бошқа бир қатор тадқиқотлардагидек, иккала мамлакатнинг қизлари “нейтрал” ва “ўғил бола” ўйинчоқларини ўғил болалар “қиз”ларникини танлагандан кўра кўпроқ хуш кўришади.

Китоблар ва ҳикоялар

Ленора Вейтцман бошчилигидаги социологлар гуруҳи кенг тарқалган мактабгача болалар китобларида иштирок этувчиларнинг гендер роллари таҳлилинини ўтказди. Улар персонажларнинг жинсига қараб бир неча аниқ рол фарқлари мавжудлигини аниқлади⁷. Китобларда эркаклар аёлларга нисбатан кўпроқ рол ўйнайди. Уларнинг сони аёлларникидан ўн бирга бир нисбатда кўп эди. Агар жинс белгилари аниқ бўлган ҳайвонлар ҳам инobatга олинса, бу нисбат 95 га 1 гача ўсарди. Эркак ва аёл қаҳрамонлар бажарадиган ҳаракатлар ҳам кескин фарқланарди. Ўсмирлар мустақиллик ва куч талаб этадиган қизиқарли саргузаштлар ва уйдан ташқаридаги турли воқеаларда иштирок этарди. Айни пайтда қиз-қаҳрамонлар, агар улар пайдо бўлса, пасив кўринарди ва одатда уй ишлари билан чекланарди. Улар эркаклар учун овқат қилар, кийимларини тикар ёки келишларини кутиб ўтирарди.

Бу китобларнинг катта ёшли қаҳрамонлари учун мазкур ҳолат янада кўпроқ хос эди. Агар аёл хотин ёки она ролида бўлмаса, аксарият ҳолларда у хаёлий мавжудот бўларди, масалан, жодугар ёки Бибимарям. Барча таҳлил этилган китобларда уйдан ташқарида бирор иш билан шуғулланадиган аёл образи топилмади. Эркаклар эса, аксинча, турли ролларда — жангчи, шоҳ, қози, миршаб ва бошқа сиймоларда намоён бўларди.

Жинс муаммосига холис ёндошилган китоблар ҳали ҳам болалар адабиёти бозорига кам таъсир ўтказиб келмоқда. Маса-

⁶ *Zamuner V. L.* Children's sex-role stereotypes: a crosscultural analysis. In: P. Shaver, C. Hendrick. Sex and gender. London, 1987.

⁷ *Weitzman L.* Divorce revolution: the unexpected social and teconomic consequences for women and children in America. New York, 1985.

лан, эртактларда жинслар ўртасидаги муносабатлар ҳамда ўғил бола ва қиз бола эга бўлиши керак бўлган мақсад ва истаклар тавсифига энг анъанавий ёндошув мужассам. “Кутсам қачондир мен ўз шаҳзодамга етишаман”, — деб ёзилганди бир неча юз йил олдин эски эртақда. Бунда камбағал оиладан чиққан қизга бойлик ва бахт ҳақида орзу қилиш хослиги назарда тутилган. Ҳозир биз буни кўпроқ беғубор севги идеаллари билан боғлаймиз. Феминист аёллар бир нечта машҳур эртактларни қайтадан ёзишга уриниб ҳам кўришди:

Унинг товуқ бурнини шошилишда кўрмай қолдим.

Тахт меросхўри бўлиш учун бу йигит жуда содда.

Ўша кечада туюлгандек, у ёқимли эмас.

Туфли тор деб айтаман-да, уни қувиб соламан.

Бироқ, “Золушка”нинг бу шаклдаги талқинлари асосан катталарга мўлжалланган китобларда учрайди ва ҳад-ҳисобсиз болалар китобларидаги эртактларга таъсир ўтказмайди.

Телевидение

Болалар телевизион кўрсатувлари таҳлили ҳам, баъзи истиснолар мавжуд бўлса-да, болалар китоблари тадқиқотидагидек хулосаларга олиб келади. Кўп намоёниш этиладиган мультфильмларни ўрганиш шуни кўрсатдики, воқеалар ривожида асосий ўрин тутадиган персонажлар эркак жинсига мансуб. Телекўрсатувлар давомида қўйиладиган рекламада ҳам шундай обрлар учрайди.

Мактаб ва тенгдошлар таъсири

Мактабга борадиган ёшга келиб бола жинсий фарқлар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлади. Одатда, ўғил болалар ва қизлар мактабда алоҳида ўқитилмайди. Амалиётда, турли омиллар қизлар ва ўғил болаларга турлича таъсир кўрсатади. Кўпгина фарб мамлакатларида қизлар ва ўғил болалар учун ўқув дастурларида фарқлар мавжуд. Масалан, биринчилари уй хўжалиги иқтисоди ёки уй юритишни ўрганади, иккинчилари эса ёғоч ва металл билан ишлашни ўрганади. Кўпинча қизлар ва ўғил болаларнинг турли спорт турлари билан шуғулланиши рағбатлантирилади. Ўқитувчиларнинг ўқувчиларга муносабати ҳам баъзида сезилмас, баъзида аниқ ажралиб туриши мумкин. Бу ўғил болаларга “ишчи” сифатида ёндашилиши ёки қизларга нисбатан ўғил болалардан кўпроқ безорилик кутилишини кўрсатади (13-бобга қаранг: “Таълим, коммуникация ва оммавий ахборот воситалари”). Ўсмирларнинг ошна-оғайнилари билан бирлашиб гуруҳларга бўлинишига боғлиқ ижтимоийлашиш жараёни мактабда ўқиш давомидаги гендер хусусиятларининг шаклланиши ва ривожланишида асосий ўрин тутайди. Ўғил бола мактабда ва ундан ташқарида одатда фақат ўғил болалар билан дўстлашади, қиз бола эса фақат қизлар билан ўртоқ бўлади.

Бола тарбиясига ножинсий ёндашувнинг қийинчиликлари

Буюк Британияда Жун Стэтем томонидан ўтказилган тадқиқотлар бир гуруҳ ота-оналарнинг болани ножинсий тарбиялаш тажрибасини ўрганишга қаратилган эди⁸). Тадқиқотда 18 та оиладан ўттиз нафар эркак ва аёл иштирок этди. Уларнинг олти ойликдан 12 ёшгача бўлган фарзандлари бор эди. Барча ота-оналар ўрта қатламга мансуб бўлиб, аксарияти илмий ва ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланарди. Стэтемнинг аниқлашича, кўпчилик ота-оналар қизларни ўғил болаларга кўпроқ ўхшайдиган қилиш ниятида, нафақат у ёки бу жинсга тегишли деб ҳисобланган ролларни ўзгартиришга уринган, балки ўз фарзандларида “эркак” ва “аёл” сифатларининг янгича уйғунлигини тарбиялашни истаган. Улар ўғил болалар бошқаларнинг туйғуларини яхшироқ ҳис этишини, меҳрибонроқ бўлишини хоҳлар, айни пайтда қизларда таълим олиш ва ўз-ўзини такомиллаштириш учун имкониятлардан фаол фойдаланишни рағбатлантирарди.

Барча ота-оналар шаклланган гендер таълими тажрибасига қарши туриш жуда қийинлигини тан олди. Чунки болалар ўз ўртоқлари билан мулоқотда ва мактабда анъанавий қарашларнинг таъсирига тушиб қолади. Ота-оналар фарзандларини бирор жинсга мансуб деб ҳисобланмайдиган ўйинчоқларни ўйнашга ўргатиб, муайян натижаларга эришдилар. Лекин шунинг ўзи ҳам улар ўйлаганидан кўра кўп меҳнат талаб қилди. Тажрибада иштирок этган оналардан бири бу ҳолатни шундай изоҳлайди:

“Агар сиз ўйинчоқлар дўконига борсангиз, у ўғил болалар учун ҳарбий ўйинчоқлар ва қизлар учун кўғирчоқлар билан тўла бўлади. Бунга қараб бутун жамият ҳақида ҳулоса чиқариш мумкин. Болаларни жамиятдаги ҳаётга тайёрлаш айнан шундай юз беради: ўлдирадиган ва майиб қиладиган ҳамма нарса ўғил болаларга тўғри келади, мен буни жуда даҳшатли деб биламан, бу менга азоб беради. Мен ўйинчоқлар дўконларига кирмасликка уринаман, бу менинг ҳақлимни чиқаради...”

Деярли ҳамма болалар қариндош-уруғлари совға қилган ва ўз жинсларига мос деб топилган ўйинчоқларни ўйнашади.

Ҳозирги пайтда бош қаҳрамонлар кучли, қизлар мустақил ҳаракат қиладиган китоблар пайдо бўла бошлади, аммо ўғил болалар ноанъанавий ролларда жуда кам тасвирланади. Беш ёшли боланинг онаси китобдаги қаҳрамонларнинг жинсини ўзгартириб ўқишга ҳаракат қилди. У ўғлининг таъсирланишини шундай тасвирлайди:

“Мен унга ўғил бола ва қиз бола энг анъанавий ролларни ўйнайдиган, аммо мумкин бўлган жойда ўрни алмаштирилган китобни ўқиб берганимда, у бироз хафа бўлди. Мен буни биринчи марта қилганимда, у: “Сен ўғил болаларни ёқтирмайсан, сен фақат қизларни яхши кўрасан”, дея бақирди. Мен унга

⁸ *Statam J. Daughters and sons: experiences of non-sexist childraising. Oxfors, 1986.*

бундай эмаслигини тушунтирдим, қизлар тўғрисида жуда кам ёзилгани учун шундай қилганимни айтдим.

Шубҳасиз, жинснинг ижтимоийлашиши жуда чуқурлашиб кетган ва бирор нарсани ўзгартиришга уриниш ҳайратланарли даражада самарасиз бўлиб чиқмоқда.

Гендер ўхшашлик ва жинс: уч назария

Фрейднинг жинсий ривожланиш назарияси

Зигмунд Фрейднинг жинсий ўзига хослик пайдо бўлиши тўғрисидаги назарияси, қарама-қаршиликларга энг бой бўлгани ҳолда, социологиянинг ривожланишига жуда катта таъсир кўрсатди. Фрейдга кўра, гўдаклик ва ёш болалик даврида жинсий фарқларни ўрганиш жинсий олатнинг бор ёки йўқлигига асосланади. “Менинг олатим бор” дейиш, “мен ўғил боламан” дейишнинг айнан ўзи; “мен қиз боламан” дейиш эса, “менинг олатим йўқ” дейишга тенг. Фрейднинг таъкидлашича, мазкур ҳолатда бу анатомик фарқнинг ўзигина эмас: олатнинг бор ёки йўқлиги жасорат ёки назокат рамзи бўла олади.

“Эдип даври” вақтида (“Ижтимоийлашиш ва ҳаётий давр” деб номланган 3-бобга қаранг) бола кулоқ солиш ва интизомни талаб қиладиган отадан гўёки хавфни сезади. Бунинг оқибатида бола отаси унинг олатини кесиб ташламоқчи деб ўйлайди. Қисман онгли, лекин асосан онгсиз равишда бола онасининг меҳрини қозонишда отани рақиб, деб ҳисоблай бошлайди. Онасига бўлган ҳирсий туйғуларини енгиб ва отасини олий даражадаги мавжудот деб билиб олган бола ўзини отасига ўхшатади ва эркак жинсига мансублигини англайди. Бола отаси олатини кесиб ташлашидан онгсиз равишда кўрқиб, онасига бўлган муҳаббатидан воз кечади. Бошқа томондан, тахминларга кўра қизлар “олатни ҳасад” қилади. Чунки ўзлари ўғил болаларда бор бўлган бундай аъзога эга эмас. Она қизи кўзида ҳурматини йўқотади, чунки унинг олати йўқ ва пайдо бўлиши имкони ҳам йўқ. Қиз ўзини онасига ўхшатганда, ўзини “иккинчи даражали мавжудот” деб тан олиш билан боғлиқ онасининг пассив ҳаётий мавқеини ўзлаштиради.

“Эдип даври” якунлангач, бола ўзининг ҳирсий туйғуларини бостира оладиган босқичга келади. Фрейдга кўра, тахминан беш ёшдан жинсий балоғатга етгунча бола жинсий инстинктлар ривожланишининг латент (яширин) даврини бошдан кечиради. У жинсий фаолликни қатъий чеклаш билан боғлиқ. Натижада, бу жараён жинсий истаклар биологик ўзгаришлар таъсирида бевосита намоён бўлмагунча кечиктирилади. Айнан мактабдаги бошланғич ва ўрта таълим йилларини ўз ичига олган латент даврда бир жинсли мулоқот доираси бола ҳаётида энг муҳимдир.

Фрейд назариясига қарши асосан феминистлар ҳамда кўпгина бошқа муаллифлар томонидан эътирозлар билдирилган. Биринчидан, Фрейд муайян жинсга мансублик бўйича шаклландиган шахсий қирраларни, гарчи шахсга кўпгина бошқа, аниқ зоҳир бўлмаган омиллар таъсир кўрсатса-да, жинсий аъзолар тўғрисида хабардорлик билан тенглаштиради. Иккинчидан, унинг назарияси эркак олати “табиий тарзда” аёл жинсий аъзосидан устун, яъни фақат эркак жинсий аъзосининг мавжуд эмаслигидан иборат, деган тахминдан келиб чиқади. Нега аёл жинсий аъзолари эркакникидан муҳимроқ, дейиш мумкин эмас? Учинчидан, Фрейд отани интизомнинг асосий бошқарувчиси сифатида кўриб чиқади. Айни пайтда кўпгина маданиятларда она боладаги қулоқ солишни тарбиялашда муҳимроқ ўрин тутди. Тўртинчидан, Фрейднинг тахминича, жинсий тарбия асосан “эдип даври”да, тахминан тўрт-беш ёшда амалга оширилади. Фрейддан сўнг кўпгина олимлар, шу жумладан, унинг таъсирида бўлганлар ҳам жинсий тарбияни гўдакликдан бошлаш муҳимлигини таъкидлашган.

Чодороунинг жинсий ривожланиш назарияси

Кўпгина муаллифлар Фрейд ғояларини ўзлаштириб, одатда, уларни жиддий ўзгартиришарди. Муҳим мисол тариқасида Нэнси Чодороу ишларини келтириш мумкин⁹. У ўз қарашларида Фрейднинг ўзидан кўра янги авлод психоаналитикларига яқинроқ. Унинг назариясига кўра, бола жуда эрта ўзини бирор жинсга мансуб деб ҳис қилади. Бу боланинг тафаккури ота-она тафаккурига боғлиқлигидан келиб чиқади. Бундан ташқари, Чодороу отанинг эмас, онанинг аҳамиятига Фрейддан кўра кўпроқ эътибор қаратади. Одатда, болалар онага ҳиссий ришталар билан мустақамроқ боғланган. Сабаби, бола ҳаётининг биринчи йилларида у шубҳасиз катта таъсир ўтказди. Бу боғлиқлик бола шахси шаклланди, унинг онага алоқадорлиги камайганда бир қадар сусаяди.

Чодороунинг таъкидлашича, Фрейд томонидан тасвирланган бола ва она ўртасидаги яқин алоқанинг узилиши ўғил бола ва қизларда турлича кечади. Ўғил болалардан фарқли ўлароқ, қизлар оналари билан яқин муносабатда қоладилар. Масалан, улар қаттиқ кучоқлаш ва ўпишиш одатларини сақлаб қолади, онанинг хулқ-атвориغا тақлид қилади. Қизлар, ўғил болаларга нисбатан онага боғлиқликни узоқроқ сақлаб қолади. Она билан алоқа кескин узилмагани учун қиз боланинг, кейинчалик эса аёлнинг характери шундай шаклландики, у ўзини бошқа одамлар билан кўпроқ боғлайди. Унинг шахсияти камситилиши, у бошқа одамнинг, аввал онанинг, кейин эса эркакнинг таъси-

⁹ Chodorow N. The reproduction of mothering. Berkeley, 1978; Psychoanalytic theory and feminism. Cambridge, 1988.

рида яшаши эҳтимоли кўпроқ. Чодороунинг нуқтаи назарича, аёлларда бу нарса бир неча авлод давомида сезгирлик ва ҳамдардлик каби хусусиятларнинг пайдо бўлиши ва қайталанишига олиб келади.

Ўғил болаларнинг шахси уларнинг онага бирламчи яқинлигини тўлиқ рад этиш туфайли шаклланади. Уларнинг жасорат ҳақидаги тасаввури назокатни оддийгина рад этишдан иборат бўлади. Уларнинг олдида “нозиккина” ёки “онасининг боласи” бўлмасликни ўрганиш зарурати пайдо бўлади. Натижада, ўғил болалар бошқа одамлар билан яқин муносабатларга нисбатан тайёр эмас бўлади; улар ўзларида дунёга кўпроқ таҳлилий қарашни ривожлантиради. Улар фаолроқ ҳаётий ўринни эгаллайди, “ютуқлар”га бирламчи аҳамият беради, айна пайтда ўзининг ва бошқа одамларнинг ҳиссиётларини англаш қобилиятини мажбуран сўндиради.

Чодороу маълум миқдорда Фрейд қўйган урғуларни “ўзгартиради”. Назокат эмас, жасорат “йўқотиш”, онага узоқ вақт боғланишдан айрилиш сифатида белгиланади. Бунинг оқибатида эркаклар бутун ҳаёти давомида бирор одам билан жуда яқин ҳиссий алоқа боғлаганда ўзларига хавф туғилгандек туйғуни сезади. Аёллар бутунлай тескарисини ҳис қилади: бошқа одамлар билан яқин муносабатларнинг йўқлиги уларнинг ўз мавқеини аниқлаб олиш туйғусига таҳдид солади. Болаларнинг эрта ижтимоийлашишида аёллар ўта муҳим ўрин тутгани учун ҳуққатворнинг бундай намуналари авлоддан авлодга ўтади. Аёллар ўзларини асосан ўзаро муносабатлар атамалари билан ифодалайди. Эркаклар ўзидаги бундай эҳтиёжларни сўндиради ва дунёга нисбатан фаолроқ мавқеини эгаллайди.

Баҳо

Чодороунинг иши қаттиқ танқидга учради. Масалан, Жанет Сэйерс айниқса ҳозирги даврда Чодороу аёлларнинг ўз мустақиллиги учун курашини изоҳлай олмаганини кўрсатиб ўтади¹⁰. Аёллар (ва эркаклар), таъкидлайди у, характерининг психологик жиҳатларига кўра, Чодороу назариясида айтилганидан мураккаброқ ва қарама-қаршироқ. Сэйерснинг таъкидлашича, назокат қобиғи остида билвосита ёки муайян вазиятларда ошкор бўладиган тажовузкорлик ва манманлик туйғулари яшириниши мумкин. Шундай бўлса-да, барча заиф жойларига қарамай, Чодороу ғоялари муҳим аҳамиятга эга. Улар психологлар томонидан эркаклар ҳиссизлиги, деб аталган феноменнинг табиатини англашга ёрдам беради. Бу эркаклар бошқаларга ўз туйғуларини изҳор этишда бошдан кечирадиган қийинчиликлардир. Улар кўп жиҳатдан назокатнинг табиатини изоҳлайди ва эркакларнинг аёллар устидан ҳукмронлигининг келиб чиқишини англашга ёрдам беради. Биз бунга қуйидаги бобда дуч келамиз.

¹⁰ *Sayers J. Sexual contradiction. Psychology, psychoanalysis and feminism. London, 1986.*

Гендер, шахс ва ахлоқ

Кэрол Жиллиген эркак ва аёллар ўзлари ва ўз ютуқлари ҳақида эга бўлган тасавурларни ўрганишга асосланган гендер тафовутларининг таҳлилий тадқиқотини ўтказди¹¹. Аёллар ўзларини шахсий муносабатлар атамалари билан тавсифлайди ва ўз ютуқларини бошқаларга келтирган фойдаси жиҳатидан баҳолайди. Аёллар эркаклар ҳаётида гамхўр ёрдамчи вазифасини ўтайди. Бироқ, бу вазифа учун зарур сифатларга эркаклар нописанд муносабатда бўлади. “Муваффақият”нинг ягона шакли деб, улар шахсий ютуқларини ҳисоблайди. Аёлларнинг бошқа одамлар билан муносабатларидан ташвишланишини эркаклар куч эмас, заифлик, деб санайди.

Жиллиген турли жинсга, ёш ва ижтимоий келиб чиқишга мансуб икки юзга яқин америкаликдан батафсил интервью олди. У сўралганларга ахлоқ ва шахс ҳақидаги тасавурлари билан боғлиқ қатор саволлар берди. Эркак ва аёллар қарашлари ўртасида катта фарқ борлиги аниқланди. Масалан, “Бирор нарсани ахлоқли ёки ахлоқсиз деганда нимани назарда тутасиз?” деб сўралганда, эркаклар бурч, адолат ва шахсий эркинлик тўғрисидаги мавҳум тушунчаларни ишлатиб жавоб беришга уринарди. Айни пайтда аёллар доим бошқаларга ёрдам мавзусига мурожаат қиларди. Чунончи, бир талаба қиз саволга қуйидагича жавоб берди:

“У [ахлоқ] масъулият, жавобгарлик ва қадриятлар, асосан қадриятлар билан боғлиқ ҳаётимда рўй бераётган ҳолатларда мен ахлоқни бошқаларга ва менга алоқадор шахслар ўртасидаги муносабатлар билан боғлайман. Интервью олувчи “Нимага бошқаларга нисбатан?” деб сўради. Қиз: “Чунки улар англаш туйғусига эга, яъни бошқаларни хафа қилиб қўйиши мумкинлигини сезади ва ҳатто билади”, деб жавоб берди”.

Аёллар ахлоқ ҳақидаги фикрларида, эркакларга нисбатан кенгроқ қарашларга эга. Улар қатъий ахлоқий кодексга риоя этиш ва айни пайтда бировга зарар етказмаслик жуда қийин деб ҳисоблашарди. Жиллигеннинг фикрича, бу кузатув анъанавий ҳолатни акс эттиради. Бунда аёл учун яхши муносабатларни сақлаб қолиш муҳимроқ, эркаклар эса нарсаларга “холис” қарашади. Аёллар ўтмишда эркаклар фикрига нисбатан эҳтиром билдирган, айни пайтда эркакларда йўқ фазилатларга эга эканликларини англашган. Улар ўз меҳнатлари туфайли эмас, бошқаларга ёрдам бериш йўли билан обрў қозонганлар.

¹¹ Gilligan C. In a different voice: psychological theory and women's development. Cambridge, 1982.

Патриархат ва ишлаб чиқариш

Эркаклар ҳукмронлиги

Эркаклар ва аёлларнинг турли жамиятлардаги вазифаси фарқланса-да, ҳозиргача аёллар устунлик қиладиган жамият учрамаган. Барча жойда аёлларнинг биринчи галдаги вазифаси бола тарбияси ва уй-рўзғор ишлари ҳисобланган, сиёсий ва ҳарбий фаолият эса эркаклар ихтиёрида қолган. Дунёда эркаклар болалар тарбияси учун тўлиқ жавобгар бўлган жой йўқ. Айни пайтда, мол боқиш, ҳайвон овлаш ва деҳқончилик аёллар зиммасига юкланган жамият ҳам йўқ. Саноати ривожланган давлатларда меҳнат тақсимооти бунчалик яққол намоён бўлма-са-да, ҳукмрон доираларда барибир эркаклар устун.

Эркаклар устунлиги одатда «патриархат» атамаси билан изоҳланади. Бироқ патриархат нима сабабдан умумий бўлиши керак? Бу саволга турлича жавоб бериш мумкин, энг оддийси қуйидагича: аёллар фарзандни дунёга келтиради ва боқади, айни пайтда болалар кўп эътибор талаб қилади. Демак, оналик аёл учун асосий вазифа бўлиб қолади. Чодороу даставвал шунга эътибор қаратади. Онанинг боласига табиий яқинлиги шунга олиб келадики, у кейинчалик ҳам боласига ғамхўрлик қилишда давом этади. Аёлларнинг бу вазифаси барча маданиятларга хос: шунинг учун аёллар учун уй иши асосийдир. Француз ёзувчиси Симона де Бовуар айтганидек, аёллар ижтимоий ҳаётда иштирок этмай қўйгани учун иккинчи даражали жинсга айланиб қолганлар. Эркакларнинг аёллардан устунлиги жисмоний кучи ёки ақли туфайли эмас. Аёллар ҳомиладорликнинг олдини олишда фақат ўз жинси хусусиятларигагина таяниши мумкин эди. Кўп фарзанд кўриш ва уй-рўзғор ишларининг кўплиги уларни эркакларга қарам қилиб қўяр эди.

Хотин-қизлар ва иш жойи: тарихий шарҳ

Саноатгача бўлган жамиятнинг аксарият қатламлари учун (замонамиздаги «учинчи дунё» мамлакатлари учун) ишлаб чиқариш фаолияти ва уй рўзғор иши ажратилган эмас эди. Ишлаб чиқариш уйда ёки уй яқинида олиб борилар эди. Ўрта асрлар Европасида оиланинг барча аъзолари бирга деҳқончилик қилар ёки ҳунармандчилик билан шуғулланар эди. Шаҳарларда устахоналар уй ичида жойлашган бўлиб, барча ишлаб чиқариш билан машғул бўлар эди. Масалан, газмол тўқишни олсак, болалардан тортиб, катталаргача бу жараёнда иштирок этар эди. Аёллар ва болалар нон пишириш ва тикувчилик, этикдўзликда эркаклар билан баравар ишлар эди. Ишлаб чиқаришдаги ўрни туфайли аёллар уйда катта обрўга эга эди, ваҳоланки сиёсат ёки урушга улар яқинлаштирилмас эди. Ҳунармандлар ва фермерларнинг бухгалтерлик ҳисоб-китобларини кўпинча хотинлар юритар эди, эрининг ўлиmidан сўнг унинг ишини хотини давом эттирарди.

Саноат ривожланиб, шароит ўзгаргач, вазият ҳам ўзгарди. Энди асосий ишни машиналар бажарар, уларни вазифалари аниқ белгиланган одамлар бошқарар эди. Ишчилар билан шартнома тузилар, энди оила аъзолари ишга жалб қилинмас эди. Бироқ Буюк Британия ва бошқа Европа мамлакатларида оилани бугунисича ишга ёллаш давом этган.

Бундай чегаралаш тартиби йўқ бўлгач, уй билан ишнинг фарқи яққол намоён бўлди. Аёллар уйдаги мулк деб қараладиган бўлди. Жамиятнинг турли қатламларида аёл кишининг жойи — уйда деган қарашга турлича муносабат мавжуд эди. Бой аёллар хизматкор ва энага ёллар, камбағаллар эса қийналар эди. Улар ҳам уйда ишлар, ҳам ишлаб, ҳам эрига қарашиши керак эди.

XIX асрнинг иккинчи ярмигача аёллар ижтимоий меҳнатга кенг жалб этилмаган эди. 1910 йилгача Буюк Британияда ишлайдиган аёлларнинг учдан бири ёки хизматкор ёки энага эди. Асосан, турмушга чиқмаган қизлар ишлар эди; уларнинг ойлиги ота-онасига жўнатилар эди. Эрга теккач, улар ишдан бўшар эди. Ўшандан буён ишчилар орасида аёллар сони доимий равишда ортиб борди. Биринчи жаҳон урушида ишчи кучининг етишмаслиги бунга муҳим омил бўлди. Уруш пайтида аёллар эркаклар бажарадиган кўп ишларни қилишган. Урушдан қайтгач, эркаклар яна ўз ўринларини эгаллашди, бироқ ортга йўл йўқ эди. Бугунги кунда Европа мамлакатларининг аксариятида, жумладан, Буюк Британияда 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган аёлларнинг 50%и иш ҳақи тўланадиган доимий иш жойига эга. Айниқса, оилали аёллар орасида бандлик кенг тарқалган. Буюк Британияда боласи 3 ёшгача бўлган аёлларнинг 40%и уйдан ташқарида меҳнат қилади. Айни пайтда ҳақ тўланадиган меҳнат билан банд бўлган эркакларга нисбатан бундай аёллар камдир. 25 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркакларнинг 80%и ҳақ тўланадиган ишга эга. Аёллар бандлигининг кўпайиши эркакларни сиқиб чиқариш эвазига эмас, умумий иш жойининг кўпайиши туфайли содир бўлган.

Меҳнатдаги тенгсизлик

Кам самарали меҳнат

Ҳозирги пайтда ишчи-аёллар аксарият ҳолларда кам иш ҳақи тўланадиган оғир меҳнатни бажаради. Бундай ҳолат бандлик тизимидаги ўзгаришлар билан бир қаторда, шунингдек, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнига эскича ёндашув таъсири натижасида вужудга келган. Идора хизматининг моҳияти ва нуфузида ўзгаришлар бўлгани бунга яхши мисолдир. 1850 йилда Буюк Британияда клеркларнинг 99%и эркаклар эди. Хизматчи бўлиш дегани, одатда, масъулиятли лавозимни эгаллаш, ҳисобкитоб ишларини билиш ва керак бўлса, бошқарувчи вазифасини зиммага олишни назарда тутар эди. Ўрта миёнадаги клерк

ҳам ижтимоий поғонада муайян обрўли ўрин эгаллар эди. XX аср иш юритиш соҳасига умумий автоматизацияни олиб кириб (XIX асрнинг охирида ёзув машинкаларнинг тарқалишидан бошланган), натижада идора хизматчисининг ва шунга ўхшаш касблар — котиб мавқеининг сезиларли даражада пасайишига, уларнинг мутахассислигига талаб ва маошининг камайишига олиб келди. Ушбу ишчи ўринларнинг обрў-эътибори ва иш ҳақи даражасининг пасайиши билан бирга янги яратилаётган иш ўринлари хотин-қизлар билан тўла бошлади. 1986 йилда Буюк Британиянинг идора хизматчиларнинг деярли 90%и ва котибларнинг 98%и хотин-қизлар эди.

Сўнги пайтларда хотин-қизлар муайян муваффақиятларга эришган бўлса ҳам, одатда «эркакларнинг» фаолият тури ҳисобланган касбларни эгаллаган, шунга қарамай уларнинг ютуқлари камлигича қолди. 1984 йилга келиб Буюк Британия меҳнат ресурсларининг 46%ини ташкил этган ҳолда, ҳокимият органларида юқори лавозимларни камдан-кам аёллар эгаллаган. Хотин-қизлар умумий даромаднинг 1 фоизидан ортиқ даромад кўрмайдиган фирмаларнинг 5 фоизига эгалик қилган. 1979 йилда Буюк Британия Бош Вазири лавозимини биринчи мартаба Маргарэт Тэтчер эгаллаганда, бу аёллар аҳволи ўзгаришига доир муҳим ютуқ сифатида баҳоланган эди. Бироқ амалда 1980 йилда Буюк Британия қонунчилик органлари таркибига 1762 нафар эркак ва фақат 87 нафар аёл кирган эди; бугун ҳам вазият унчалик ўзгармаган.

Муваффақият муаммолари

Иқтисодий муваффақиятга эришган аёллар ўзларига бегона бўлган оламга мослашиши лозим бўлади. Маргарэт Хэнинг ва Энни Жарден раҳбарлик лавозимдаги аёлни ўзга юртга узоқ муддатга келган эркак билан қиёслайди. Яхши харитага эга бўлиш, маҳаллий урф-одатларга риоя қилиш муҳимдир. Амалда ҳамма «маданий мушкулот»ни бошдан кечиради, бироқ охиригача бунга кўника олмайди. Аммо Хэнинг ва Жарден шунга умид қилишадикки, аёллар оилавий масъулият ва иш вазифаларини ўзаро боғлаб, эркаклар қадриятлари тизимига юмшатувчи таъсир кўрсатади.

Аёлларнинг хизмат поғоналарида ўсишига таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан бири шундаки, гўё аёллар учун болалари ишдан кўра муҳимроқдир. Яқинда Буюк Британияда ўтказилган тадқиқот соғлиқни сақлаш тизимида техник ходимлар лавозимида ишлашни орзу қилган аёллар билан суҳбат олиб борган бошқарувчилар фикрларини таҳлил қилишга бағишланди. Тадқиқотчилар шундай фикрга келишдики, бошқарувчилар ҳар доим аёлларга болалари борлиги ёки йўқлиги, фарзанд кўриш нияти борлиги ҳақида савол беришган. Айни пайтда амалда эркакларга бундай саволлар берилмаган. Бошқарувчилардан бунинг сабаби сўралганда жавоблар икки хил бўлган:

а) болали аёлларга мактаб таътили пайтлари ёки боласи касал бўлганда кўпроқ бўш вақт талаб этилади.

б) болалар тарбияси оталарнинг эмас, балки оналарнинг асосий вазифасидир.

Айрим бошқарувчилар бунинг сабабини аёлларга нисбатан «ғамхўрликда» деб билган. Бироқ кўпчилик бундай саволларнинг сабабини аёлларнинг қай даражада меҳнат жамоасининг тўлақонли аъзоси бўла олишини аниқлашда, деб билишган. Шу муносабат билан битта бошқарувчи шундай дейди: «Мен ўйлайманки, бу савол маълум даражада шахсий, бироқ жавоб эътиборга олиниши керак. Шундай нарсалар борки, улар эркакларга тааллуқли эмас, натижада имкониятлар турлича бўлади. Эркак киши мажбур бўлса, умуман ҳеч қачон оила қурмаслиги ҳам мумкин.¹² Биологик нуқтаи назардан эркаклар оила қуришга, яъни фарзанд туғишга иложи бўлмаса ҳам, улар албатта бола-лар тарбиясида иштирок этиб, турмуш ўртоғи билан баробар масъулиятни ўз зиммасига олиши ҳам мумкин. Бундай имконият сўров иштирокчиларининг биронтаси томонидан ҳисобга олинмаган. Бошқарувчилар ҳам худди шундай ёндашувни аёлларнинг хизмат поғонасида кўтарилиши масаласига қўллади: келажакда эга бўлиш мавқеидан қатъий назар улар фарзандлар тарбияси мақсадида мансабга кўтарилишдан ҳам воз кечишларига тайёр эканлар, деб ҳисобланарди. Эркак — юқори поғонадаги раҳбар ушбу муаммони қуйидагича шарҳлайди:

Раҳбарлик лавозимларида одатда эркакларнинг сони устунлик қилади, аёллар фарзанд кўриш ва шу каби мақсадларда ишларини ташлаб кетади... Эркаклар лавозимда кўтарилиши учун қандайдир имтиёзлар тизими мавжудлиги ҳақиқатда бор, деб ўйламайман. Аммо ҳаётинг бир ҳақиқат борки, аёллар турмушга чиқиш ва оила қуриш мақсадида ишдан бўшашга интилади, бунинг натижасида уларнинг хизмат даражадаги мавқеи тезда тугайди. Улар мутахассислик ва касбий маҳоратини йўқотиб, ишга қайтганларида, сизнинг олдингизда эса бир неча номзоддан бирини танлаб олиш муаммоси турса, бу вазиятда энг асосий мезон уларнинг жинси эмас, ишга қўша оладиган реал ҳиссаси ҳисобга олинади. Агар сиз уч йил давомида оилавий шароити туфайли ишламаган аёл ва иш стажини узлуксиз бўлган эркак ўртасида танлаб олишингиз керак бўлса, унда шуниси аниқки, барча тенг шароитлар билан бирга иш ўринга эга бўлиш имконияти эркакда кўпроқдир.

Юқори маъмурий лавозимларда ишлаган озчиликни ташкил этган аёлларнинг фарзандлари бўлмаган. Улар орасида фарзанд туғилишини режалаштирган айримлари ўз лавозимларини тарк этиб, кейинчалик бошқа ишда ишлашлари учун қайта тайёрлов курсларини ўташларини қайд этганлар.

Олинган натижаларни қандай баҳолаш мумкин? Аёлларнинг иш топиш имкониятлари чекланганлигига энг аввало эркаклар сабаб, деб ҳисоблаш мумкинми? Айрим бошқарувчилар болали аёллар четдан маош тўланадиган иш изламасдан, бутун

¹² *Homans H.* man-made meth; the reality of being a woman scientist in the NHS. In: *In a man's world: essays on women in male-dominated professions* / London, 1987.

эътиборини болалар тарбияси ва рўзгор юритишга қаратиши лозим, деган фикрни билдирди. Бироқ аёллар ҳам хизмат поғонасида кўтарилишда эркаклар билан тенг ҳуқуқларга эга бўлиши лозим, деган нуқтаи назар тарафдорлари кўпчиликини ташкил қилади. Уларнинг қарашларидаги тафовут иш билан боғлиқ бўлмаган, балки кўпроқ рўзгор ва болалар учун жавобгарлик масалаларида кўзга ташланади. Аҳолининг аксарият қисми болалар тарбиясида ёлланиб ишлайдиган аёллар билан тенг масъулиятга эга, деган фикрга келмас экан, муаммолар юзага келаверади. Аёллар хизмат поғонаси бўйича ўсишида эркакларга нисбатан чекланган ҳуқуққа эга эканлиги, сўров иштирокчиларнинг фикрига кўра «турмушда бўладиган оддий гап» бўлиб қолаверади.

2-ж а д в а л. Мамлакатлар бўйича иш билан банд аҳоли орасида хотин-қизлар нисбати

	1950	1960	1970	1980
Австралия	*	28,2 ^б	28, 8	34,1
Бельгия	28,7	30,7	32,7	35,9
Буюк Британия	32,6	34,4	36,3	40,1
Дания	*	31,6	39,4	43,6 ^г
Ғарбий Германия	35,6	37,8	36,6	38,3
Ирландия	26,0 ^а	*	26,7	28,5
Испания	16,1	*	25,0	29,0
Италия	*	30,1	28,3	32,1
Канада	21,8	26,8	33,6	39,7
Норвегия	27,8	29,0	30,8	41,1
Португалия	23,0	18,7	*	38,0
АҚШ	29,4	33,3	37,2	42,4
Франция	*	*	35,2	38,0
Швеция	*	36,1 ^а	39,4	45,0
Япония	*	40,7	39,3	38,7

* - маълумот йўқ, ^а - 1951, ^б - 1964, ^в - 1962, ^г - 1979.

Манба: *A.T. Mallier and M.J. Rosser. Women and Economy: a comparative study of Britan and tne USA. London, 1987.P.167.*

Аёлларнинг хизмат поғоналаридаги ўсишида муқаррар равишда эркакларга нисбатан ноқулай аҳволда экани, сўров қатнашчиларидан бирининг таъбири билан айтганда, аввалгидек, «одатдаги ҳол» бўлиб қолади.

Меҳнатга кам ҳақ тўлаш ва қашшоқлик тузоғи

Кутилганидек, аёлларнинг ўртача иш ҳақи эркакларникига қараганда анча кам. Бироқ кейинги 20 йил давомида бу фарқ сезиларли равишда камайди. Аёллар кўпинча кам ҳақ тўланадиган ишларни бажаришади, айти пайтда битта профессионал гуруҳ доирасида ҳам улар эркакларга нисбатан кам ҳақ олишади. Масалан, Буюк Британияда клерк-аёллар шу касбдаги эркаклар ойлигининг 60 %ини олишади; сотувчилар орасида бу нисбат 57%ни ташкил этади.

Британиялик аёлларнинг аксарияти камбағалликда яшайди. Бу айниқса, турли сабабларга кўра оила бошлиғи бўлиб қолган аёлларга хосдир. Сўнгги 20 йил давомида камбағаллар орасида аёллар сони ортиб борди. Ваҳоланки, бу даврда 60-йилларда қашшоқликда яшаётганлар сони камайиб, 70-йилларда ўзгармай турди (80-йилларда яна ортди). Айниқса, доимий қаровга муҳтож бўлган ёш боласи бор аёллар учун камбағаллик муаммоси жиддий аҳамият касб этади. Бир-бирига боғлиқ воқеаларнинг ёпиқ занжири юзага келади: яхши ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши мумкин бўлган аёл боласига қаров учун ҳақ тўлаб, катта молиявий харажатларга дуч келиши мумкин. Акс ҳолда, у тўлиқ бўлмаган иш кунида ишлайди, ойлиги камаяди, ишдаги ўсиш имкониятлари йўққа чиқади; бундан ташқари, у бошқа иқтисодий имтиёزلардан маҳрум бўлади, масалан, тўлиқ иш кунида ишлайдиганларга бериладиган нафақа пулидан маҳрум бўлади.

Бошқа мамлакатларда ҳам вазият шундайми? Юқоридагига қанчалик ўхшаш? Солиштиришга асос бўлиши учун Швеция ва Совет Иттифоқини олайлик. Ушбу икки мамлакат аёлларнинг аҳволини яхшилаш учун Буюк Британияга нисбатан кўпроқ ишни амалга оширган.

Швециядаги вазият

Швеция жинслар тенглигини кафолатлайдиган қонунчилик борасида ғарб мамлакатлари орасида илғор мамлакат ҳисобланади. Ҳақ тўланадиган ишда ишлайдиган аёллар улуши юқорилигича қолмоқда: 1986 йилда бу кўрсаткич 16 ёшдан 64 ёшгача¹³ бўлган аёллар орасида 80%ни ташкил этган. Швециянинг ҳар қандай фуқароси боласига ўртача иш ҳақининг 90 фоизи миқдорида давлат нафақасини олиши мумкин; нафақа тўлаш туғуруқдан бир ой олдин бошланиб, олти ой давом этади. Боланинг ота-онаси болага қараш учун ким таътил олиши тўғрисида ўзаро келишиб олишади ва шунга кўра нафақа ё отага, ё онага тўланади. Кўплаб марказлар борки, уларда 12 ёшгача бўлган болаларга дам олиш кунлари ва мактабдан ташқари пайтларда қараб туришади.

¹³ Allman / manad statistik. Sveriges Officiella Statistiek. Stockholm, 1987.

Бу чора аёлларга жамиятда юқори лавозимларга эришишда ниҳоятда қўл келди. Масалан, аёллар Швеция парламентининг тўртдан бир қисмини ташкил этади. Бу эса дунё бўйича энг юқори кўрсаткичдир. Бироқ, аини пайтда фирмаларда камдан-кам аёллар юқори лавозим эгаллайди; Швецияда турли соҳаларда ишлайдиган аёллар улуши бошқа ғарб мамлакатларидан унчалик фарқ қилмайди. 1985 йилда шведиялик аёлларнинг 45%и тўлиқ бўлмаган иш кунида ишлаган, демак улар хизмат лавозими ўсишида камроқ имконга эга бўлиб, ижтимоий имтиёзлари ва пенсия таъминоти ҳам камроқ бўлган (16 ёшдан 64 ёшгача бўлган эркекларнинг 5%игина тўлиқ бўлмаган иш кунида ишлайди). Айрим аёллар болаларининг узок вақт тарбия марказларида қолишини истамайди, шу сабабли тўлиқ иш куни ишлай олмайди. Аёллар аввалгидек, уй-рўзгор юритиш ва болалар тарбияси учун тўлиқ жавобгардир. Бундай марказлар мавжудлиги туфайли айрим ҳолларда эркеклар болалар тарбиясида камроқ иштирок этишим мумкин, деб ўйлашлари мумкин¹⁴.

Совет Иттифоқида ва Шарқий Европада аёллар аҳволи

СССРни «дунёда биринчи бўлиб аёллар ва эркеклар тенг ҳуқуқлилиги эълон қилинган ва ана шу тенгликка эришиш учун сиёсат юрита бошлаган давлат»¹⁵ деб аташар эди. 1917 йил инқилобидан сўнг совет ҳукумати аёллар учун тенг меҳнат шариоити ва касб танлашда тенг ҳуқуқ берилганини очик эълон қилди. Шунингдек, болалар муассасаларини ташкил этиш ва уларни моддий таъминлаш бўйича ҳам давлат чоралари кўрилиши кўзда тутилди.

ВКП(б) Марказий Қўмитаси қошида 1919 йилнинг сентябрида Хотин-қизлар бўлими ташкил этилган эди. Бу бўлим аёлларни сиёсий ва ижтимоий ҳаётнинг олдинги сафига олиб чиқиш учун йўналтирилган тадбирларнинг амалга оширилишига раҳбарлик қилиши мўлжалланган эди. “Женотдел” ўз фаолият моҳиятига кўра замонавий хотин-қизлар марказларига ўхшарди: у митинглар, кўрғазмалар, тарбиявий-ахборот машғулотлари ўтказиш билан шуғулланар, турли кампаниялар ўтказар эди. Бироқ унинг фаолиятига асосан эркеклар раҳбарлик қиладиган Марказий Қўмита бўлимлари томонидан шубҳа билан қаралди. Совет Иттифоқининг айрим ҳудудларида хотин-қизлар бўлимлари тузилиши биланоқ тугатилди, фаолият кўрсатган бошқа бўлимлар эса эркеклар раҳбарлик қиладиган партия ташкилотлари томонидан тазйиққа учради. Ва ниҳоят, уларнинг барчаси барҳам топди ва партия қўмиталари таркибига киритилди. Эндиликда улар хотин-қизлар масалалари би-

¹⁴ *Wistrand B. Swedish women on the move Stockholm. 1981.*

¹⁵ *Atwood L. and M. Mc. Andrew, Women at work in the USSR In: M. Davidson, C. Coohtr Working women: an international survey. Chichester, 1984. P. 269.*

лан эмас, меҳнат самарадорлигини ошириш билан шуғулланиши лозим эди.

Коммунистик партия хотин-қизларни ишчилар синфига жалб этиш сиёсатини давом эттирди. 80-йилларнинг охирига келиб, СССР ва Шарқий Европа мамлакатларида фарб мамлакатларига қараганда аёллар меҳнат ресурсларининг аксариятини ташкил этар эди. Фарбга нисбатан, иш билан банд ёш болали аёллар улуши анча ортиқ эди. Буюк Британияда 6 ёшгача болали аёлларнинг 35 %и меҳнат ресурслари таркибига киради. Чехословакияда эса, бу кўрсаткич 80% ни ташкил этган. Шарқда хотин-қизлар Фарбдагига нисбатан мавжуд ишлар бўйича мутаносиб тақсимланган. Буюк Британияда ишлаётган аёлларнинг тўртдан бир қисми қуйидаги касблардан бирини эгаллаган: котиба, машинист-стенографист, уй ходимаси, бошланғич мактаб ўқитувчиси ва официантка. Совет аёллари эса кўп мамлакатларда эркаклар иши, деб ҳисобланган жисмоний меҳнат билан шуғулланган. Улар шахталарда, машинасозликда ишлар, пўлат қуйиш билан шуғулланар, барча саноат ишчиларининг деярли ярмини ташкил этар эди. Улар юқори малака талаб этувчи бошқа соҳаларда ҳам меҳнат қилишар эди. Шифокорларнинг 75%и, жумладан стоматологлар ва тиббиёт соҳасида 50% раҳбар ходимлар — аёллардир. Буюк Британияда эса бу кўрсаткич 7 фоизни ташкил этади.

Бироқ, статистик кўрсаткичларга зид ўлароқ, Шарқий Европа мамлакатларида жинслар тенглиги камроқ намоён бўлган эди. Фарбдагидек, кам ҳақ тўланадиган касбларда аёллар улуши кўпроқ бўлиб, юқори маошли ишларда аксарият ҳолларда эркаклар ишлар эди. СССРда аёлларнинг ўртача иш ҳақи эркаклар ойлигининг 75 фоизини ташкил этган. Юқори раҳбарлик лавозимларида хотин-қизлар деярли йўқ эди.

Шуниси ҳам муҳимки, СССРда ҳам, Шарқий Европада ҳам аёллар меҳнат ресурсларининг аксариятини ташкил этсада, уй-рўзғор ишлари учун масъулият илгаригидек уларнинг зиммасида қолган эди. Бунинг устига, бу ишларни осонлаштириш учун шарт-шароит яратилмаган эди. Дўконларга қатнаш кўп вақтни олар эди — узундан-узоқ навбатда туриш орқалигина озиқ-овқат маҳсулотлари олиш мумкин эди; турар-жой майдони чекланган, маиший техника кам ривожланган эди. Кир ювиш машиналари ва музлатгичларнинг нархи қиммат, бошқа техника деярли йўқ эди. Совет эркаклари уй ишларига бепарво муносабатда бўлар, ваҳоланки, СССРда тўлиқ иш куни меҳнат қиладиган хотин-қизлар Буюк Британияга қараганда кўпроқ бўлса-да, эркакларнинг оиласидаги ва болалар тарбиясидаги иштироки кам эди.

Уй меҳнати

Уй меҳнатининг ҳозирги кўриниши иш жойининг турар жойдан ажратилиши ва ишлаб чиқариш жойига эмас, истеъ-

мол қилиш жойига айланиши натижасида пайдо бўлди. Уй иши «кўзга кўринмас» бўлиб қолди, айна пайтда «ҳақиқий иш» ҳақ тўлангани учун ҳам муҳимроқ аҳамият касб эта бошлади. Алоҳида уйга ўтилганидан сўнг бошқа ўзгаришлар ҳам содир бўлди. Саноатлаштириш даврининг кашфиётлари ва техник мосламаларидан аввал уй-рўзғор ишлари оғир ва машаққатли эди. Кир ювиш кўп куч ва вақт талаб этар эди. «Мэйтэг уошинг мэшин» компанияси XIX асрда бекалар учун кир ювиш нечоғлиқ қийин бўлганини текшириб, шундай хулосага келди: «Кир ювиш қувват сарфи жиҳатидан беш миль масофага сузиш билан тенг келар эди. Бунда сузувчи билан кир ювувчининг нафас олиш ва қўл ҳаракатлари тезлиги бир-бирига мос келади, намлик ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин»¹⁶.

Иссиқ ва совуқ суз таъминоти билан боғлиқ бўлган, кўп вақт сарфини талаб қиладиган қатор муаммолар ҳал бўлди. Чунончи, илгари сувни уйга олиб келиб, иситиш керак эди. Электр токи ва газ туфайли ўтин ва кўмир ёқиладиган печкалар йўқ бўлди. Айна пайтда, ўтин ёриш, кўмир ташиш ва ошхона плитасини тозалаш ишлари барҳам топди. Меҳнатни тежовчи жиҳозлар (чангютгич, кирювиш машиналари) оғир иш ҳажмини қисқартирди ва оилада болалар сонининг камайишига олиб келди. Чунки оилавий ишни бажариш учун эндиликда бола камроқ талаб қилинар эди. Бироқ, шуниси ажабланарлики, аёлларнинг рўзғор юмушларига сарфлайдиган вақти сезиларли камаймади. Буюк Британиянинг иш ҳақи олмайдиган аёллари учун сўнгги 50 йил ичида бу кўрсаткич ўзгармади. Рўзғор юмушларини бажарадиган техника туфайли кўп вақт ва куч талаб қиладиган юмушлар йўқ бўлган эса-да, янгилари пайдо бўлди. Масалан, болалар тарбияси, товарлар харид қилиш ва овқат тайёрлашга сарфланадиган вақт кўпайди.

Хотин-қизлар ҳаракатининг кенгайиши муайян маънода эркакларнинг уйдан ташқаридаги ва уйдаги ишга муносабатини муайян даражада ўзгартирган бўлса-да, ҳатто энг «либерал» эркаклар ҳам эскича қарашлар тарафдори бўлиб қолишди. Мирра Комаровски Нью-Йоркда, Колумбия университетида битирувчи курсда ўқиётган 62 йигитнинг «эркаклик» ҳақидаги тасавурларини аниқлашга уриниб кўрди. Сўралганларнинг аксарияти феминистик ҳаракат мақсадларига хайрихоҳ бўлса-да, айна пайтда фақат эркакларгина мақсадга эришишда ирода, интилувчанлик каби хусусиятларга эга эканликларини таъкидлади. Улар интеллектуал ҳамкорликка тайёр, бироқ ақлли, ўзига ишонган аёлларга нисбатан эҳтиёткордирлар. Уй бекалари ҳақида юқори фикрда бўлмаса-да, кўпчилик оилаларда эркакнинг хизмат поғоналаридан ўсишига кўпроқ эътибор бериш керак, деган фикр тарафдори. Мавҳум тарзда адолатли, деб билган фикрлар шахсий манфаат масаласига келганда шубҳа остига

¹⁶ *Hardymant C. Labour saved, Cfambridge, 1987. P. 6.*

олинар эди. Битга талаба, масалан, шундай деди: «Аёл киши нима билан шуғулланишини, масалан, ишлаш ё ишламасликни мустақил ҳал қилиши адолатлидир. Лекин менга келсак, хотиним уйда ўтиришини маъқул кўраман»¹⁷.

Меҳнат ресурслари таркибида аёллар сонининг кўпайиши уй-рўзгор меҳнатига сезиларли таъсир кўрсатди. Оилали аёллар уйдан ташқарида меҳнат қилаётган бўлса, уйда камроқ иш бажарар, ваҳоланки рўзгор ташвишлари бўйича масъулият аксарият ҳолларда уларнинг зиммасида эди. Бироқ буни бажариш усуллари ўзгарган эди. Улар уй бекаларидан фарқли ўлароқ, рўзгор ташвишлари билан ишдан келгач, ва кўпроқ дам олиш кунлари шуғулланар эди.

Уйдаги ҳақ тўланмайдиган меҳнат иқтисодиёт учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Ҳисоб-китобларга кўра, саноати ривожланган мамлакатларда уй-рўзгор ишларида миллий бойликнинг 25дан 40%гачаси яратилади. Уй ишлари иқтисодиётнинг бошқа соҳалари учун асос ролини ўтайди; рўзгорга оид ҳақ тўланмайдиган меҳнат фаол меҳнат ресурсларининг мавжудлиги омилдир.

Аёллар ҳаракати

Феминист-муаллифлар уй ишлари аҳамиятини қайта-қайта таҳлил қилганлар. Социологлар кўп йиллар давомида «ишни» «уйдан ташқарида баҳоланадиган» деб таърифлаб келган. Феминистлар бу қарашнинг нотўғрилигини кўрсатишди. Улар хотин-қизларнинг қатор соҳалардаги фаолияти ва ҳолатини таҳлил қилишга туртки беришди. Бундай оқимлар яқинда вужудга келган бўлса-да, феминизм — хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларни кенгайтириш учун кураш — узоқ тарихга эга бўлиб, XVIII асрга бориб тақалади.

Феминистик қарашларни ривожлантирадиган дастлабки тадқиқотлардан бири Мэри Уоллстоункрафтнинг 1792 йилда чоп этилган «Аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилиш» асари бўлди. «Аёллар, — деб ёзади у, — цивилизациянинг барча камчиликларини ўз зиммасига олиб, фойдали неъматларини бошқаларга беришди»¹⁸. Ундан ўн олти йил аввал АҚШда Эбигайл Адамс тарихда иккинчи президент бўлиши лозим бўлган эри Джон Адамсга мурожаат қилиб, аёллар аҳволини яхшилашни сўраган эди: «Мен Сизнинг аёллар ҳақида эслашингиз, аввалги салафларингиздан фарқли ўлароқ уларга меҳрибонроқ ва бағри кенгроқ бўлишингизни истар эди... Шунинг унутмангки, қўлидан келса, барча эркаклар зўравон бўлишар эди»¹⁹.

¹⁷ Komarovsky M. Dilemmas of masculinti. New York, 1976.

¹⁸ Wollstonecraft M. A. Vindication of the Rights of Women. Harmondsworth, 1985, P. 67.

¹⁹ Ross A. and A. Calderwood women on the move. New York, 1973.

Франциядаги дастлабки феминизм

Аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи дастлабки фаол гуруҳлар 1789 йилги француз инқилобидан кейин пайдо бўлган эди. XVIII асрнинг 90-йилларида тенглик ва озодлик ғоялари таъсирида қатор шаҳарларда бир неча аёллар клублари ташкил этилади. Уларда аёллар тўпланиб, таълим, меҳнат, жамият ишларини бошқаришда иштирок этишга даъват қилувчи сиёсий дастурлар ишлаб чиқишган. Шундай клублардан бирининг раҳбари Мари Жуз «Аёллар ҳуқуқлари декларацияси» деб номланган чақириқ яратган. Бу ҳужжат инқилобнинг асосий конституциявий ҳужжати бўлган «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси»га асосланган эди. Чақириқнинг муаллифи таъкидлашича, эркинлик ва тенг фуқаролик ҳуқуқи фақат эркакларга тегишли бўлиб, жамиятнинг ярми ана шундай устуворликлардан маҳрум бўлган шароитда ҳақиқий тенгликка эришиб бўлмайди. Инқилоб раҳбарлари бу чақириққа қўшилмади ва Мари Жуз қатл этилди. Аёллар клублари ҳукумат декретига кўра тарқатиб юборилди. Шундан сўнг феминистик гуруҳлар ғарб мамлакатларида бот-бот ташкил топган ва қайта ташкил этилган, кўпинча нохуш қарашларга дучор бўлиб, ҳукумат томонидан тазйиққа учраган. Бироқ Мари Жуз феминистик ҳаракат учун жон фидо қилган ёлғиз аёллигича қолди.

Кўшма Штатларда аёллар ҳуқуқи учун кураш

XIX асрда феминизм кўпроқ Кўшма Штатларда ривож топди. Бошқа мамлакатлардаги хотин-қизлар ҳаракатлари етакчилари америкалик аёлларнинг ўз ҳуқуқи учун курашини ўзига намуна, деб билган. 1830—1850 йилларда америкалик феминистлар куликка қарши курашувчи гуруҳлар фаолиятида иштирок этган. Бу борадаги ҳужжатларга кўплаб аёллар имзо чеккан. Айни пайтда расмий сиёсий ҳуқуқларга эга бўлмай туриб, аёллар сиёсий таъсир кўрсата олмас эди. 1840 йилда Лондонда ўтказилган куликка қарши кураш масаласига бағишланган умумжаҳон конференциясида биронта аёл иштирок этмаган. Бу факт аёлларни жинслар тенгсизлиги муаммосига мурожаат этишига сабаб бўлди. 1848 йилда АҚШ хотин-қизлар ҳаракати етакчилари учрашиб, америкаликларнинг «Мустақиллик декларацияси»га ўхшаш «ҳиссиётлар декларацияси»ни²⁰ қабул қилишди. «Бизнингча, шу нарса табиийки, барча аёллар ва эркаклар тенг ҳуқуқни қилиб ярашган». Ушбу ҳужжатда аёлларга бўлган адолатсиз муносабат мисоллари келтирилган²¹. Бироқ бу давр аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий аҳволида сезиларли ўзгаришларга олиб келмади. Кулик барҳам топгач, Конгресс фақат озод этилган кул-эркакларгагина сайлов ҳуқуқини берди.

²⁰ Нью-Йорк штатининг Сенека-Фолз шаҳридаги аёлларнинг биринчи съезди назарда тутилмоқда.

²¹ Booner L. and V. Harman. Clio's consciousness raised: new perspectives on the history of women. New York, 1974.

АҚШда хотин-қизлар ҳаракатининг дастлабки даврида қора танли америкаликлар муҳим роль ўйнади, ваҳоланки оқ танли америкалик аёллар уларга қарши чиқар эди. Сожунер Трас қора танли аёл бўлиб, у ҳам кулликка ҳамда аёлларни овоз беришдан маҳрум этишга қарши курашган эди. У ўтган асрнинг 50-йилларида Индиана штатида эҳтирос билан нутқ сўзлаётганида, оқ танли аёллардан бири унга шундай деб бақирди: «Сенинг аёл эканингга ишонмайман!» Бунга жавобан С.Транс кўкракларини ялонғочлаб кўрсатди. 1852 йили Акрон шаҳрида (Огайо штати) нутқ сўзлаётган пайтида унга бақириқ-чақириқлар билан халақит беришга уринишган. У барча қаршиликларни енгиб, аёллар ҳаракатига ўз ҳиссасини қўша олди²². Бироқ бошқа қора танли аёллар оқ танли аёллар билан бирга курашишга уриниб, ҳафсаласи пир бўлганлар. Шундан бери феминистлар орасида қора танли аёллар кам учрайдиган бўлди.

Европада хотин-қизлар ҳаракатининг ривожланиши

Европада хотин-қизлар ҳаракатининг пайдо бўлишидаги муҳим воқеалардан бири — 1866 йилда 1500 нафар аёл томонидан имзоланган петициянинг Англия парламентида топширилиши бўлди. Ўша пайтда сайлов ҳуқуқи ислоҳ қилинаётган эди ва аёллар хотин-қизларга тўлиқ сайлов ҳуқуқининг берилишини талаб қилишди. Петиция эътиборсиз қолдирилди. Орадан бир йил ўтгач, аёллар «Хотин-қизларнинг сайлов ҳуқуқлари учун курашувчи Миллий жамият»ни ташкил этдилар. Бу гуруҳ аёллари суфражисткалар²³, деб ном қозонди. XX асрга келиб, Англияда феминистлар ҳаракати таъсир кучига кўра АҚШдаги шундай ҳаракатга тенглашиб қолди. Икки мамлакатда ҳам кўпинча намоёнишлар ўтказилар эди. 1908 йилнинг июнида Лондонда оммавий митинг бўлиб ўтди ва унда ярим миллионга яқин одам иштирок этди. Бу даврда феминистлар ҳаракати Европанинг асосий мамлакатларида, шунингдек Австралия ва Янги Зеландияда ривож топди.

Суфражистларнинг атоқли намоёндаси Эммелин Панкхерст АҚШ бўйлаб бир неча бор тарғибот сафарларида бўлди. Бу курашга қўшилган иккита америкалик аёл — Элис Пейн ва Харриет Стантон Блатч 1910 йилларда қатор намоёнишлар уюштиришда қатнашдилар.

1920 йилдан сўнг Буюк Британия ва бошқа мамлакатларда хотин-қизлар ҳаракати касодга учради. Бироқ бу пайтда ғарбнинг қатор давлатларида (масалан, 1928 йили Буюк Британияда) тенг сайлов ҳуқуқига эришилди. Хотин-қизлар бошқа жамоатчилик ҳаракатларида иштирок этишга интиланган (масалан, уларнинг кўпчилиги антифашистик ҳаракатга қўшилган) эдилар. Айни пайтда ҳаракат ривожидида сустлик намоён бўлди. Тенг

²² *Hooks B. Ain't woman: black women and feminism.* London, 1986.

²³ *suffrage* (англ.) — право голоса

сиёсий ҳуқуқларга эришиш турмушининг бошқа жабҳаларида ҳам шундай тенглик самараларини бермади.

Феминизмнинг қайта ташкил топиши

60-йилларнинг сўнгида хотин-қизлар ҳаракати қайта жонланди. Ўтган давр мобайнида феминизм жаҳон тараққиётининг етакчи омили бўлиб қолди. Феминизм АҚШда фуқаролик ҳуқуқи учун кураш ва талабалар ҳаракати таъсири остида ривож топди. Аёллар жонбозлик кўрсатса-да, кўпинча фаол эркакларга бўйсуниб қолар эди. Фуқаролик ҳуқуқлари учун кураш ҳаракати етакчилари ўз дастурларига аёллар ҳуқуқлари масаласининг киритилишига қарши эди. Натижада аёллар ўзларининг мустақил ташкилотларини туза бошлади.

Хотин-қизлар ҳаракати аввалгидан кенгроқ муаммоларни қамраб олган. Улар иқтисодий тенглик, абортларга рухсат бериш, ажралиш ҳақидаги қонунларни ўзгартириш ва шу қабилар учун кураш олиб бормоқда. Мавжуд амалий натижаларга қўшимча равишда феминистлар бугун интеллектуал соҳада ҳам фаол ҳаракат қилмоқдалар. Феминистик ҳаракат иштирокчиси бўлган олима аёллар мавжуд назария ва қарашларга ўзгаришлар киритмоқда. Замонавий феминизм таъсирида сўнги йилларда аёллар аҳволига таъсир кўрсатувчи ижтимоий ва тарихий омиллар таҳлил қилинди, жинслар муносабати кенг ўрганилмоқда.

Аёлларга эркаклар билан тенг овоз бериш ҳуқуқи берилиши

1893 Янги Зеландия	1942 Доминикан Республикаси, Уругвай
1902 Австралия	1945 Франция, Венгрия, Италия, Япония, Вьетнам, Югославия, Боливия
1906 Финляндия	1946 Албания, Руминия, Панама
1913 Норвегия	1947 Аргентина, Венесуэла
1915 Дания, Гренландия	1948 Исроил, Корея
1917 СССР	1949 Хитой, Чили
1918 Канада	1950 Сальвадор, Гана, Ҳиндистон
1919 Австрия, Германия, Нидерландия, Польша, Швеция, Люксембург	1951 Непал
1920 АҚШ	1952 Греция
1922 Ирландия	1953 Мексика
1928 Буюк Британия	1954 Колумбия
1929 Эквадор	1955 Никарагуа
1930 Жанубий Африка	1956 Миср, Покистон, Сенегал
1931 Испания, Шри Ланка	1957 Ливан
1932 Таиланд	1959 Марокаш
1934 Бразилия, Куба	1962 Жазоир
1936 Коста-Рика	1963 Эрон, Кения, Ливия
	1964 Судан, Замбия
	1965 Афғонистон, Гватемала
	1977 Нигерия

1937 Филиппин ороллар
1941 Индонезия

1979 Перу, Зимбабве
(Tittle L. Encyclopedia of Feminism. 1986.
P. 370-1)

Уйдаги зўравонлик, жинсий таҳдидлар ва номуста тегиш

Кўп аёллар бошидан кечирадиган муаммоларга мурожаат этайлик. Бу муаммолар эркакларнинг ижтимоий ёки жисмоний устунлиги туфайли келиб чиқади, булар: уйдаги зўравонлик, жинсий таҳдидлар ва номуста тегиш. Баъзан бу ҳолатлар аёллар томонидан эркакларга нисбатан ҳам қўлланса-да, асосан эркаклар зўравонлик қилади, аёллар эса уларнинг қурбонига айланади.

Уйдаги зўравонлик

Кўпинча, уйни идеаллаштириб, уни хавфсиз ва бахтли муҳит деб билишади, бироқ кўп аёллар уйда зўравонликка учрайди. Бунинг тарихи узоқ. Ўрта асрларда ҳам, саноат инқилоби ибтидосида ҳам аёлларга нисбатан зўравонлик ишлатиш одатдаги ҳол эди. Буюк Британияда XIX асрнинг охиригача эркакларнинг ўз хотинига зўравонлиги учун жазоловчи қонун йўқ эди. Фақат тан жароҳатлари етказилганда ёки хотинини ўлдириб қўйганда, эркак жазоланиши мумкин эди. Эндиликда аёллар ҳуқуқий муҳофазаланган бўлса-да, зўравонлик ҳамон учраб туради. Бир тадқиқотда таъкидланганидек, «айрим аёлларга қаттиқ жароҳат етказилган, баданларида калтак ва пичоқ излари бор, айримларини зинадан ташлаб юборишган, ҳатто битта аёлнинг товонига миҳ қоқишган»²⁴.

Ҳуқуқий ҳолатнинг яхшиланишига қарамай, жабрланган аёлларнинг қонунга мурожаат этиши қийин. Полициянинг «оилавий можароларга» аралашмаслик сиёсати туфайли улардан фойда йўқ. Бундай чақириқлар пайтида улар можарони бостиради-ю, айбдорни суриштирмайди. Кўпинча зўравонликка учраган аёл қатор ижтимоий ва иқтисодий қийинчиликлар туфайли уйдан чиқиб кета олмайди, болалар тақдири учун жавобгарлик шу сабаблар жумласидандир. Уй тақсимловчи маҳаллий ҳокимият органлари аёлларнинг зўравонлик ҳақидаги даъволарига ишончсизлик билан қарайди.

Жинсий таҳдидлар

Иш жойида аёллар ҳуқуқи кўпроқ кафолатланган бўлиб, уларга зўравонлик қилиш ҳоллари кам учрайди. Айни пайтда, жинсий таҳдидлар кенг тарқалган. Иш жойидаги жинсий таҳ-

²⁴ Pahl J. A refuge for battered women. London, 1978, 32-6.

дидларга ўз хизмат мавқеини суиистеъмом қилиш орқали жинсий ҳирсини қондириш кабилар киради. Ҳатто ишдан бўшатиш таҳдиди ҳам қўлланилади. Бироқ кўп ҳолларда жинсий таҳдидлар яширин шаклда бўлади. Масалан, аёлларга турли имтиёзлар ваъда қилинади ва аксинча, бош тортиш ишига ёмон таъсир кўрсатишига шаъма қилинади.

Жинсий муносабатлардаги танлов эркинлиги — ҳаётимизнинг асосий унсурларидан бири бўлиб, биз уни эркин бошқарамиз, жинсий таҳдидлар эса бунга тўсқинлик қилади. Бунга алоқадор эркаклар жинсий таҳдидларни ҳеч қандай хавфсиз деб билса-да, аёллар буни камситиш, деб тушунади. Аёллар жинсий масалалар ҳақидаги гап-сўзларга, жинсий яқинлик ҳаракатларига тоқат билан дош бериши керак, деган қараш мавжуд. Чой ҳақи оладиган официант аёл бу ҳақда шундай дейди: “Ҳар қандай аёл жозибали ва айни пайтда ҳимояланган бўлиши керак деб билади. Эркаклар унинг этиборини тортиш учун турли бемаза гаплар айтади, қилиқлар қилади ва таклифлар билдиради. У эркаклар таклифларини уларнинг ҳамиятига тегмаган ҳолда рад эта билиши керак. Амалда унга қизиқаётганларидан мамнун эканини билдириши керак. У «йўқ» дейиш билан бирга, уни хафа қилмаслиги керак»²⁵.

Баъзида таҳдид билан одатдаги ҳазилни ажратиш қийин. Бироқ аёллардан олинган маълумотларга кўра, Буюк Британияда ишлайдиган ҳар ўнта аёлнинг еттитаси меҳнат фаолияти давомида турли хил жинсий таҳдидларни бошдан кечиради. Хизматдошларнинг бундай ҳаракатлари баъзан бир маротаба содир бўлса, баъзида одатдаги ҳолга айланиб қолади. Бундай ҳолларда аёлларнинг иш тартиби бузилади, улар касаллигини баҳона қилиб, ишга чиқмай кўяди ёки умуман ишни ташлайди.

Номусга тегиш

Номусга тегишнинг тарқалиш кўламини аниқ баҳолаш жуда қийин. Жабрланганларнинг ниҳоятда кам қисми полицияга мурожаат этиб, статистика томонидан ҳисобга олинади. Ҳақиқий баҳо расмий статистик маълумотларга қараганда беш маротаба кўп бўлиши мумкин. Лондонда ўтказилган тадқиқот шуни кўрсатдики, 1236 нафар сўров ўтказилган аёлларнинг олтидан биттаси зўрланган экан, бештадан биттаси ўзини ҳимоя қила олган, зўравонлик аёл яшайдиган уйда ёки зўравоннинг уйида содир бўлган. Зўрланган аёлларнинг аксарияти бунга эслашни ҳам хоҳламайди, ёки тиббий кўриқдан ўтиш, судда иштирок этишни истамайди. Суд жараёни воқеа содир бўлганидан сўнг бир ярим йил ҳам давом этиши мумкин.

Суд жараёнининг ўзиёқ аёлларни чўчитади. Унда айбдор билан юзма-юз учрашиш керак. Одатда жабрланган аёл кўрсат-

²⁵ *Mc-Kinnon C. Sexual harassment of working women: a case of sex descrimination. New Havem, 1979, 78-6.*

маларининг ўзигина етарли бўлмайди, гувоҳлар ҳам кўрсатма бериши керак. Жиноят содир бўлгани исботланиши, айбдор шахси аниқланиши ва жинсий яқинлик аёлнинг хоҳишисиз содир бўлганини исботлаш керак. Жиноят қоронғу кўчада содир бўлган бўлса, айбдорни аниқлаш ҳам осон бўлмайди. Кечаси ёлғиз кетаётган аёлни эркаклар эътиборини тортиш истаги бор, деб гумон қилиш ҳам мумкин. Зўравонлик қаерда содир бўлмасин, аёлни аввалги жинсий ҳаёти ҳақида сўроқ қилишлари мумкин. Амалда аввалги зўрлаш ҳаракатлари ўрганилаётган зўравонлик ишида эътиборга олинмаслиги мумкин.

1736 йилда судья Мэтью Хейл шундай деган эди: «Эр ўз хотинини зўрлашда айбланиши мумкин эмас, чунки улар ўзаро келишувга мувофиқ никоҳ шартномасини тузишган»²⁶. Бу қоида Англия ва Уэльсда ўз кучини йўқотмаган. Суд томонидан шахсий ҳимоя тўғрисида қарор чиқмагунча ёки ажрим расмийлаштирилмагунча ҳатто алоҳида яшовчи аёл ҳам ўзининг расман эрининг зўравонлигидан ҳимояланмаган бўлади. Никоҳда зўравонлик фақат айрим ғарб давлатларида, масалан, Дания, Швеция, Норвегия ва Канадада тан олинади. Ваҳоланки, қатор Шарқий Европа мамлакатларида ҳам эркаклар хотинини зўрлагани учун жавобгар бўлиши мумкин. Америка Қўшма Штатларида ўз хотинини зўрлагани учун ҳукм қилинган дастлабки одам Джеймс Кретъен бўлган. Унгача хотинини зўрлаш бешта штатда жиноят ҳисобланган. Шу пайдан бошлаб бошқа штатларда ҳам тегишли қонунлар қабул қилинди.

Нимани номусга тегиш, деб ҳисоблаш ҳақидаги қарашлар ниҳоятда қатъий бўлиши мумкин. Бу масалани ўрганган тадқиқотчилар куйидаги воқеани келтиради. Маст эркак аёли билан жинсий алоқа қилмоқчи бўлган. Аёл қаршилиқ кўрсатиб, бақирган. Эркак бўлса, куч ишлатиб, ўз ҳирсини қондирган. Кейинчалик бу аёлдан сизга нисбатан зўрлик ишлатилганими, деб сўралганда, у «йўқ», деб жавоб берган²⁷.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, номусга тегиш ҳақидаги тарқалган тасавурлар кўпинча ҳаётга тўғри келмайди. Масалан, аёл қаршилиқ кўрсатса, уни зўрлай олишмайди, деган қараш хато. Шунингдек, фақат ёш ва чиройли аёлларни зўрлашади, деб ўйлаш, аёллар куч ишлатганини ёқтиради дейиш нотўғри; зўравонларнинг аксарияти руҳий касал, деб ўйлаш нотўғридир. Номусга тегиш кўпинча аввалдан режалаштирилса-да, кутилмаганда содир бўлади²⁸. Зўравонлик эркакларнинг кучи, устунлиги билан боғлиқ туйғуларни эслатади. Кўпинча, зўравонлик енгиб бўлмас ҳирсий истак туфайли эмас, жинсийлик билан устунликни англаш туфайли юзага келади. Зўравонлик

²⁶ Hall R. James S, Kertesz J. The rape who pays rent. Dristol, 1984. P. 20.

²⁷ Fin Kelhor D., Yllo K. Forced sex in marriage: a preliminary report // Crime and delinquency, 28. 1982.

²⁸ Amir M. Patterns in forcible rape. Chicago, 1971.

билан истак алоқаси сует, шекилли. Зўравонларнинг айримлари фақат аёл қўрққан ва ожиз аҳволда эканлигида ўз ҳирсини қондиришга қодир. Жинсий алоқа аёлнинг камситилишига қараганда камроқ аҳамиятга эга²⁹.

Кейинги йиллар давомида аёллар ташкилотлари зўравонликка муносабатни ўзгартириш учун кураш олиб борди. Бу ташкилотлар жинсий зўравонликни жинсий таҳдид, деб эмас, балки инсон шахсига, унинг қадрига зўравонлик, деб билади. Бир муаллиф ёзганидек, зўравонлик «босқинчилик бўлиб, жабрланувчининг ҳуқуқи поймол этилади. Бу ҳаракат натижасида одам ўлмаслиги мумкин, бироқ унда ҳаётга таҳдид мавжуд»³⁰. Бошланган кампания қонунчиликни ўзгартиришда айрим натижаларни берди ва ҳозирги ҳуқуқшуносликда зўравонлик оғир жиноят сифатида баҳоланади.

Аёлларни зўрлаш ва эҳтиёткорлик: Браунмиллер тезиси

Маълум маънода барча аёллар зўравонлик қурбонидир. Хатто бунга дуч келмаган аёллар ҳам зўравонликдан қўрқишади. Улар кўчада одам кўп бўлса ҳам, кечки пайт ёлғиз чиқишга қўрқишади, ҳатто уйда ўтириб ҳам қўрқувдан халос бўла олмайди. Зўрлаш билан эркаклар жинсийлиги ўртасидаги боғлиқликни таъкидлар экан, Сюзан Браунмиллер зўрлаш эркаклар томонидан аёлларни қўрқитишнинг усулларида бири, деб ҳисоблайди. Зўрлашга дуч келмаган аёллар эшитганлари таъсири остида бундан қўрқишади, кундалик ҳаётда эркакларга нисбатан эҳтиёткор бўлишга интилишади³¹.

Браунмиллер позицияси ниҳоятда қатъий туюлиши мумкин, бироқ юзаки қараш ҳам зўравонлик қурбони бўлмаслик учун аёл киши нечоғлик эҳтиёткор бўлиши лозимлигини кўрсатади. Қуйида ана шу йўналишдаги маслаҳатлар келтирилади. Бу маслаҳатлар АҚШнинг хотин-қизлар ташкилотлари томонидан чоп этилган эди. Бундай рўйхат зўрлашни жиноят тури тарзида баҳолаш имконини беради³².

1. Уйингизда хавфсизликни оширинг: қулфлар, ойна ва эшиклар шай ҳолатда бўлиши лозим. Бошқа уй ёки квартирага кўчганда, қулфни алмаштиринг. Уйингиз жойлашган ҳудуддаги полиция бўлими ўғрилардан, демак, зўравонлардан ҳам ҳимояланиш борасида амалий тавсиялар бериши мумкин.

2. Ёлғиз яшасангиз:

а) бошқа хоналарда ҳам чироқни ёқиқ ҳолда қолдиринг, гўё уйда бошқалар ҳам бордек туюлсин;

²⁹ *Estrich S.* Real rape. Cambridge, 1987.

³⁰ *Griffin S.* Rahe The power of consciousness. Nes York, 1978, P. 342.

³¹ *Brownmiller S.* Against our will: men, women and rape. London, 1975.

³² *Katz S., Mazur M.* Understanding the rape victim: a synthesis of research findings. London, 1979. P. 307.

б) эшикни очиш учун борганингизда уйда гўё эркак киши бордек, унга мурожаат қилинг («Боб, эшикни ўзим очаман» деб қаттиқ овозда айтинг);

в) эшик кўнғироғи ёнида фамилиянгиз билан исмингизни тўлиқ ёзиб қўйманг.

3. Ҳеч қачон бегона кишига эшик очманг. Келган одамнинг хужжатини текширишдан тортинманг. Болалар билан яшар экансиз, улар ҳам бегона одамга эшик очмаслигига амин бўлишингиз керак.

4. Кўп қаватли уйда яшасангиз, кимсасиз подъездда ёлғиз қолманг.

5. Биров телефон орқали сизга тегажөөлик қилса, жавоб берманг ва полицияга мурожаат қилинг.

6. Ёлғиз ўзингиз кўчада қолишдан эҳтиёт бўлинг. Зарур ҳолларда босқинчига шикаст етказиш учун кўп нарсалардан фойдаланса бўлади: ёниб турган сигарета, соябон, авторучка, санчқи, калитлар, тароқ. Полициячи ҳуштаги ҳам қўл келиши мумкин (уни бўйинга эмас, калитлар шодасига тақиш керак).

7. Йўловчи машиналардан фойдаланманг. Зарур ҳолларда биров билан бирга серқатнов жойда тўхтатинг.

8. Машина ҳайдаб кетаётган бўлсангиз:

а) доимо бензин етарли эканлигига амин бўлинг;

б) машинадан чиққанда доим уни кулфланг;

в) машинага чиқишдан аввал доимо текшириб, сўнг ўтиринг;

г) агар машина йўлда бузилган бўлса, бегона эркак ёки эркаклар гуруҳидан ёрдам сўраманг, полиция етиб келишини кутинг.

9. Барда бегона эркак билан мулоқотга киришишдан эҳтиёт бўлинг, айниқса у маёт бўлса.

10. Лифтга бегона эркак билан бирга кирманг. Дарҳол лифтан чиқинг.

11. Учрашув пайтида дарҳол жинсий яқинликка тайёр эмаслигингиз ҳақида огоҳлантиринг, кейинчалик англашилмовчилик бўлмайди.

12. Бирон оилада болаларга қараб туриш учун қолар экансиз, бу оила ҳақида маълумот тўпланг. Ота-оналар ҳам бу борда эҳтиёт бўлиши керак.

13. Сизни зўрлашаётган бўлса, «Ёнғин» дея бақиринг.

«Нормал» жинсий ҳаракат

Маданиятлар ўртасидаги тафовутлар

Кўпчиликнинг фикрича, инсоннинг жинсий хатти-ҳаракати асосан биологик омилларга боғлиқдир. Амалда, кўп ҳайвонлардан фарқли равишда бизнинг барча жинсий ҳисларимиз генетик бўлмасдан, ўзлашмадир. Гетеросексуал жинсий алоқадан ташқари (аёл ва эркек жинсий алоқаси), сексуал ҳаракат кўп жиҳатларга эга. Гомосексуаллик кўп маданиятларда тарқалган. Бу ўринда гетеросексуаллик ҳақида тўхталсак.

Турли маданиятларда гетеросексуал алоқалар турли кўринишларда намоён бўлади. Бу ҳам сексуал тушунчаларнинг ўзлашма эканлигидан далолат беради. Бундан бир неча ўн йиллар аввал турли маданиятлардаги сексуал амалиёт Кленман Форд ва Фрэнк Бич томонидан ўрганиб чиқилган эди³³. Унга икки юздан ортиқ миллат ва элатлардан олинган маълумотлар киритилган. Одатдаги, табиий жинсий ҳаёт деб ҳисобланган нарсаларда ҳам жиддий тафовутлар борлиги аниқланди («Маданият ва жамият», 2-бобга қаранг). Масалан, баъзи маданиятларда жинсий алоқада аввалги кириш қисми зарур ҳисобланиб, ҳатто бир неча соат давом этиши мумкин, деб қаралади. Бошқа маданиятларда эса бундай амалиёт умуман мавжуд эмас. Ўпишиш айрим маданиятларда одатдаги каби қабул қилинса, бошқаларда ҳатто жирканиш ҳиссини уйғотади.

Жуфтларнинг жинсий алоқа пайтидаги ҳолати ҳам турли-тумандир. Баъзи маданиятларда жинсий алоқа пайтида ҳолатлар турлича ўзгартирилади, айрим халқлар эса фақат битта ҳолатни тан олади. Сўнгги пайтларгача, ғарб маданиятида ҳам хилма-хиллик йўқ эди. Аёллар учун «юзма юз, ва эркек устида» ҳолати одатий ҳисобланар эди. Бошқа жамиятларда эса фақат «эркак орқадан» ҳолати қўлланилади. Айрим маданиятларда тез-тез жинсий яқинлик қилиш касаллик ёки жисмоний ожизликка олиб келади, деб қаралар эди. Тинч океаннинг жанубий соҳилларида яшовчи сеньянг қабилалари кексалари жинсий яқинлик билан тез-тез шуғулланишни маслаҳат беради. Уларнинг фикрича, малла соч кишилар бу ишни ҳар оқшом қила олади.

Кўп маданиятларда жинсий жозибадорлик меъёрлари (ҳам эркеклар, ҳам аёллар томонидан қабул қилинган) эркекларнинг эмас, аёлларнинг ташқи кўринишида жамланган. Ғарбда бу қараш аёлларнинг турли соҳаларда фаоллиги ошгани сайин тобора ўзгараётир. Аёллар гўзаллиги борасидаги қарашларда ҳам жиддий тафовутлар бор. Айрим маданиятларда озгин, тик қомат маъқул кўринса, бошқаларида тўла аёлларни ёқтиришади. Баъзан кўкрак жинсий жозибадорликка эга эмас, баъзи халқларда эса эротика нуқтаи назаридан у муҳим ўрин тутади. Айрим

³³ Rord C., Beach F. Patters of sexual behaviour. New York, 1951.

жамиятларда юз тузилишига аҳамият берилса, айримларида кўз шакли ва ранги, бурун, лаб шаклига эътибор қаратилади.

Ғарб маданиятида сексуаллик

Жинсийликка муносабат икки минг йиллик мобайнида христиан дини нуқтаи назаридан шаклланган эди. Турли христиан секталари ва гуруҳларининг қарашлари турлича бўлса-да, христиан черкови нуқтаи назарига кўра ҳар қандай жинсий қаракат шубҳали бўлиб, демак энг зарур даражагача камайтирилиши керак. Айрим даврларда бундай қараш уятчанликка сабаб бўлар эди. Бошқа пайтларда черков таъқиқларига эътибор қилинмас эди (масалан, эр-хотин хиёнати). 1-бобда таъкидланганидек, жинсий ҳаёт никоҳдагина мавжуд ва амал қилиши керак, деган ақидага доим ҳам риоя қилинавермас эди.

XIX асрга келиб секс борасидаги диний хурофотлар ўрнини тиббий асосланган қоидалар эгаллай бошлади. Бироқ кўпгина меდიқлар жинсий муомала масалаларига бағишланган асарларидаги фикрлар худди руҳонийларникидек қатъийлиги билан ажралиб туради. Айрим муаллифлар инсон туғилишига олиб келмайдиган ҳар қандай шахвоний фаоллик саломатликка жиддий зарар етказди, деган фикрни қаттиқ туриб ҳимоя қилади. Хусусан, мастурбация кўз заифлиги, ақлдан озиш, юрак хасталиқларини, орал секс эса саратон (рак) касаллигини келтириб чиқариши тўғрисида сўз юритилади³⁴. Викторинан даврида секс борасидаги иккиюзламачиликлар ҳаддан ташқари кўпайди. Аҳвол шу даражага бориб етдики, яхши фазилатли аёллар сексга бe-фарқ бўлиши, эрнинг эркалашларини бурч юзасидан қабул қилиши лозим, деган фикр уқтирила бошлади. Айни пайтда тез ривожланаётган шаҳарларда фоҳишабозлик кенг тарқалди. Фоҳишаларга тубанликка юз тутган алоҳида бир тоифадаги аёллар сифатида қарала бошлади.

Биринчи қарашда андишали ва одоб-ахлоқ доирасидан четга чиқмайдигандек туюладиган кўпчилик эркакларнинг қадами фоҳишаларникидан узилмас ёки уларнинг ўйнашлари бор эди. Эркакларнинг бундай феъл-атворига кўнгилчанлик билан қаралар, айна пайтда ўйнаш орттирганлиги ошқора бўлган аёлларни шармандалик ва жамоатчилик нафрати кутарди. Эркаклар ва аёлларнинг жинсий хулқ-атворига нисбатан турлича муносабат “иккиюзламачи стандарт”ни шакллантирди ва у ушбу кўнгача сақланиб келмоқда.

Ҳозирги пайтда секс борасидаги анаънавий қарашлар билан бирга 60-йилларда юзага келган анчагина эркин муносабат ҳам мавжуд. Кўпчилик, айниқса насронийлик таълимоти ихлосмандлари никоҳгача бўлган жинсий алоқаларга кескин салбий муносабатда бўлиб, жинсий хулқ-атворнинг никоҳ институтидаги гетеросексуал шаклидан ташқари қолган барча шакл-

³⁴ *Feldman P., Mc Culloch M. Human sexual behaviour. Chichester, 1980:*

ларини рад этади. Ваҳоланки, ҳозирги пайтда жинсий алоқадан қониқиш ҳосил қилиш никоҳ муносабатларининг мақбул ва муҳим хусусияти, деган қараш тобора оммалашиб бормоқда. Бошқалар эса, аксинча никоҳгача бўлган жинсий алоқаларни маъқуллаб ёки астойдил оқлаб, жинсий ҳаёт ранг-баранглиги борасида кенгроқ мулоҳаза юритади. Кейинги 30 йил ичида кўпчилик ғарб давлатларида сексга муносабат сезиларли даражада эркинлашди. Кино ва театрда илгари таъқиқ этилган сахналар намойиш этилмоқда, порнографияга қизиққан катталар уни эркин олиши мумкин.

Жинсий хулқ-атвор

Биз секс тўғрисида мулоҳаза юритганда доимо шахсий тажрибага эмас, ўтмишда мавжуд бўлган ижтимоий қадриятларга кўпроқ мурожаат қиламиз. Бу борадаги шахсий тажриба ўз табиатига кўра етарлича ўрганилмаган. 1940—50 йилларда Алфред Кинси АҚШда мавжуд жинсий хулқ-атворни ўрганиш бўйича дастлабки йирик тадқиқотни бошлади. Кинси ва унинг ходимлари кўпчилик диний ташкилотларнинг қаршичилигига учради. Бу тадқиқот оммавий ахборот воситаларида ва Конгрессда ахлоқ қойдаларига хилоф, деб эълон қилинди. Бироқ Кинси бўш келмади ва 18 минг америкаликнинг жинсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни тўплади³⁵.

Кинси олган натижалардан кўпчилик ҳайрон, кўпчилик ҳижолатда қолди. Чунки улар жамоатчиликнинг жинсий муносабатлар хусусидаги тасавури билан амалдаги жинсий амалиёт ўртасида катта тавофут мавжудлигини кўрсатди. Ушбу тадқиқот натижаларига кўра эркекларнинг деярли 70 фоизи фоҳишалар билан мулоқот қилиши, 84 фоизи эса никоҳгача жинсий алоқа қилгани маълум бўлди. Бироқ “иккиюзламачи стандарт”га мувофиқ эркекларнинг 40 фоизи ўз никоҳларига олаётган хотинлари боқира бўлишини кутган. 90% эркеклар мастурбация билан, 60% турли шаклдаги орал секс билан шуғулланган. Аёлларнинг 50 фоизи бўлажак эри билан никоҳгача жинсий алоқада бўлган. 60% аёллар мастурбация билан шуғулланган, таҳминан шунчаси орал-генитал секс шакллари синаб кўрган.

Кинси олган натижалар жамиятда қарор топган кўрсатмалар ва амалиёт ўртасида тавофут бўлиши мумкинлигини кўрсатди. Эҳтимол, ушбу тафовут айниқса иккинчи жаҳон урушидан сўнг янада кучайгандир. Жинсий муносабатлар борасидаги эркинлаштириш даври бирмунча илгари, 1920 йилларда, эски авлод амал қилган ахлоқий чекловлар таъсири заифлашган даврда бошланган эди. Жинсий феъл-атвор ижобий томонга ўзгарди, бироқ ушбу мавзу билан боғлиқ масалалар ҳозиргидек очиқчасига муҳокама этилмас эди. Жамоатчилик назарида номатлуб

³⁵ Kinsey A. Sexual behaviour in the human male. Philadelphia, 1948; Sexual behaviour in the human female. Philadelphia, 1953.

жинсий феъл-атворга эга кишилар буни яширишга ҳаракат қилган, улар бу нарсанинг қанчалик кенг тарқалганидан хабарсиз бўлган. 1960 йиллардаги мурасозлик кайфияти эълон қилинган кўрсатмалар ва амалдаги жинсий феъл-атвор ўртасидаги номувофиқликни камайтирди.

1960 йиллардаги сексуал либерализмнинг юзага келишида бошқа бир қанча омилларнинг ҳам таъсири бор. Одатдаги ҳаёт тарзига қарши юзага келган “янги сўл кучлар” ёки янада умумийроқ айтганда контрматданият вакиллари ёки хиппилар мавжуд жинсий феъл-атвор нормаларини рад эта бошлади. Бундай гуруҳларнинг кўпчилиги жинсий муносабатлар эркинлигини тарғиб қилган. Ҳомиладорликдан сақланиш воситаларининг пайдо бўлиши жинсий қовушиш лаззати ва насл қолдиришни бир-биридан ажратди. Аёллар ташкилотлари эркаклар тасавуридаги жинсий қадриятлардан кутулиш, “иккиюзламачи стандарт”дан воз кечиш ва аёлларнинг эркаклар билан муносабатда кўпроқ лаззат олиш эҳтиёжини таъминлаш учун кураш бошлади.

Бошқа бирон бир мамлакатда Кинси гуруҳи амалга оширилган кўламдаги тадқиқотлар ўтказилмади. Кейинги тадқиқотлар чала-чулпа, бир-бирига боғлиқ бўлмагани учун бутунги жинсий феъл-атвор урушдан кейинги даврдан қай даражада фарқ қилишини аниқ айтолмаймиз. Бироқ айрим йўналишлар яққол кўзга ташланади. АҚШ ва Европа давлатларида, айниқса аёллар ўртасида никоҳгача жинсий алоқалар сезиларли даражада кўпайди. Кўпчилик Европа жамиятлари Швециянинг 70-йиллардаги даражасига етиши мумкин. Ўшанда Швецияда ҳар икки жинсдаги ёшларнинг 95 фоизи никоҳгача жинсий алоқада бўлгани маълум бўлган эди. Умуман аёлларнинг жинсий муносабатларга талабчанлиги йигирма йил олдингига нисбатан ошди, улар ўз шерикларидан жинсий қовушиш борасида билимга эга бўлишни талаб қилмоқда. Никоҳдан ташқари жинсий алоқалар ҳар икки жинс, айниқса аёллар ўртасида кўпайди.

Ҳозирги пайтда иккита қарама-қарши йўналиш мавжуд бўлса керак. Жинсий ҳаётнинг илгари бекитилган жиҳатлари ошқора бўлди. Гуруҳли секс, трансвестицизм (айрим эркакларнинг аёллар либосларини кийишга ишқибозлиги), садомазохизм ва жинсий муносабатларнинг бошқа кўринишлари очиқчасига муҳокама этилмоқда. Шу билан бирга муайян даражада ўнг сиёсий фикрлаш билан боғлиқ “сексуал пуританлик”қа кучли мойиллик кўзга ташланмоқда. Ушбу нуқтаи назар тарафдорлари жинсий муносабатлар борасида қуюшқондан чиқишни кескин қоралаб, қатъий ахлоқ нормаларига қайтишни тарғиб қилишмоқда. ОИТС (СПИД)нинг тарқалиши никоҳ доирасида ва ундан ташқарида моногамияни сақлаб қолишга ундовчи яна бир омил ҳисобланади.

Гомосексуализм

Гомосексуализм барча маданиятларда учрайдиган ҳодиса. Бироқ “гомосексуал шахс” — жинсий мойиллиги бўйича кўпчиликдан фарқ қилувчи индивидуум тушунчаси яқинда пайдо бўлган. XVIII асргача бу атама умуман мавжуд эмас эди. Черков ҳокимияти бузуқлик, ишратпарастликни қонундан ташқари, деб эълон қилган, Англияда ва бошқа бир қанча давлатларда уни содир этганлар ўлим жазосига маҳкум қилинган. Ишратпарастлик тушунчаси эркак ва аёл, эркак ва ҳайвон, эркак ва эркак ўртасидаги жинсий муносабатларга нисбатан қўлланган. “Гомосексуализм” атамаси ўтган асрнинг 60-йилларида муомалага киритилди ва ўшандан буён ғайритабиий жинсий муносабатларга мойил алоҳида тоифадаги кишилар гомосексуалист деб аталади. “Лесбиянлик” атамаси нисбатан кейинроқ пайдо бўлди.

“Ғайритабиий ҳаракатлар” учун ўлим жазосига маҳкум этиш АҚШда мустақилликка эришилгандан сўнг, Европада эса XVIII асрнинг охири — XIX аср бошларида бекор қилинди³⁶. Бироқ яна бир неча ўн йиллар мобайнида Буюк Британияда ва барча ғарб давлатларида гомосексуализм жиноий жазоланадиган ҳаракат бўлиб қолди.

Ғарбдан ташқари маданиятларда гомосексуализм

Жаҳонда гомосексуал муносабатларга кўнгилчанлик билан қараладиган ва ҳатто рағбатлантириладиган бир қанча маданиятлар мавжуд. Масалан, Суматра оролининг шимолида батак халқи истиқомат қилади. Бу халқ вакиллари эркаклар ўртасидаги жинсий алоқага одатдаги ҳол сифатида қарайди. Жинсий балоғатга етган ўсмирлар ўз хонадонини тарк этади ва 12—15 кишилик гуруҳ бўлиб яшай бошлайди. Гуруҳда жуфтликлар шаклланади: катталар кичикларни гомосексуал алоқага ундайди. Бундай ҳол йигитлар уйлангунча давом этади. Шундан сўнг гарчи ҳаммаси бўлмаса-да, кўпчилик йигитлар гомосексуал фаолликка чек қўяди³⁷.

Тинч океандаги ороллардан бирида жойлашган Ист-бей кишлоғи (Меланезия) аҳолиси гомосексуализмни қораламайди. Ёш йигитлар никоҳгача “Эркаклар уйлари”да яшайди ва ўзаро мастурбация ҳамда анал қовушиш билан шуғулланади. Катта ёшдаги эркаклар ва ёш болалар ўртасида гомосексуал муносабатлар мавжуд. Ҳар қандай кўринишдаги гомосексуал муносабатлар мақбул ҳисобланади ва ошқора муҳокама қилинади. Кўпчилик эркаклар уйлангандан кейин ҳам гомосексуализмга мойилликни сақлаб қолади ва ўз хотинидан ташқари ёш бола-

³⁶ Hude H. M. The other love: an historical and contemporary survey of homosexuality in Britain. 1970; Katz G. Gay American history: Lesbian and gay men in the USA. New York, 1979; Greenberg D., Bystryn M., Cfpitalism, bureaucracy and the homosexuality // Contemporary srisis, 8. 1984.

³⁷ Money J., Ehrardt A., Man and woman / boy and girl. Baltimore, 1972.

лар билан ҳам жинсий алоқада бўлади. Тадқиқотчилар ушбу маданият вакиллари ўртасида оддий гетеросексуал муносабатлардан холи гомосексуализм учрамаслигини қайд этишган³⁸.

Фарб маданиятида гомосексуализм

Гомосексуализмнинг тарқалиши

Кеннет Пламмер замонавий фарб маданиятида бесоқолбозликнинг тўртта турини ажратиб кўрсатган. *Тасодикий гомосексуализм* гомосексуал муносабатларнинг ўткинчи тури бўлиб, унда индивидуумнинг жинсий ҳаёти туб ўзгаришларга учрамайди. Бунга мактаб ёшидаги кўнгилхушликлар ёки ўзаро мастурбацияни мисол қилиш мумкин. *Вазиятли гомосексуализмда* гомосексуал алоқа мунтазам бўлади, бироқ инсон учун жинсий алоқанинг устувор шакли бўлиб қолмайди. Ташқи чекловлар мавжуд бўлган ҳолатда, масалан қамоқхона ёки ҳарбий шаҳарчаларда гомосексуализмнинг ушбу шакли кенг тарқалган. Вазиятли гомосексуализм гетеросексуал муносабатларнинг мажбурий алмаштирувчиси ҳисобланади, бироқ уларнинг ўрнини тўлиқ боса олмайди.

Шахслаштирилган гомосексуализм кишининг гомосексуал алоқага мойиллиги бўлган, бироқ у ўзини ўзига ўхшаганлардан четга тортган, бесоқолбозлар гуруҳларига қўшилмаган ҳолатда юзага келади. Бундай вазиятда бесоқолбозлик дўстлар ва ҳамкасблардан сир тугиладиган яширин фаолият ҳисобланади. *Гомосексуализм* ҳаёт тарзи сифатида гетеросексуал ҳамжамиятдан ажралиб чиққан, ўзига ўхшашлар билан алоқа қилиш ҳаётининг муҳим қисмига айланган шахсларга хосдир. Одатда бундай кишилар “гей”-субмаданиятига мансуб бўлади, ушбу маданият доирасида гомосексуал муносабатлар доимий турмуш тарзига айланади³⁹.

Гомосексуал муносабатлар тажрибасига эга бўлган ёки гомосексуализмга муайян мойиллик ҳис қилган эркеклар ва аёллар очикча гейлар ҳаёт тарзига амал қилувчиларга нисбатан кўпчиликни ташкил қилади. Фарб маданиятларида гомосексуализмнинг тарқалиш кўлами тўғрисидаги маълумотлар биринчи марта Алфред Кинси тадқиқоти натижалари эълон қилинганидан сўнг маълум бўлди. Унинг маълумотларига мувофиқ америкалик эркекларнинг балоғат ёшидаги жинсий фаоллиги ва мойилликларига кўра мулоҳаза юритилганда уларнинг ярмигина “тўлиқ гетеросексуал”. Кинси аниқлашича, уларнинг 8 фоизи кейинги 3 ва ундан ортқ йилда фақат гомосексуал алоқада бўлган. Яна 10 фоиз эркеклар гомосексуал ва гетеросексуал алоқалар билан бирмунча тенг даражада шугулланган. Эркекларнинг 37 фоизи камида бир марта гомосексуал алоқада бўлган

³⁸ *Davenport W.* Sexual patterns and their regulation in a society of the South West Pacific. In: *Sex and behaviour*. New York, 1965.

³⁹ *Pulmer K.* Sexual stigma: an interactive account. London, 1975.

ва оргазмга эришган. Яна 13 фоиз эркаклар гомосексуал алоқага мойиллик сезган, бироқ уни амалга оширмаган.

Кинси тадқиқотлари натижаларига кўра аёллар ўртасида гомосексуал алоқалар нисбатан кам тарқалган. Аёлларнинг 2 фоизи ҳақиқий гомосексуаллардир, 13 фоизи гомосексуал алоқа тажрибасига эга эканлигини маълум қилган, 15 фоиз аёллар гомосексуал алоқага мойиллик сезган, бироқ уни амалга оширмаганини тан олди. Тадқиқот натижалари Кинси ва унинг ҳамкасбларини ҳайратга солди. Шу сабабдан натижалар турли усулларда қайта текшириб кўрилди, бироқ улар ўзгаришсиз қолди⁴⁰. Кейинчалик Буюк Британияда амалга оширилган нисбатан кичик кўламли тадқиқот ушбу хулосаларнинг тўғрилигини тасдиқлади.

Гомосексуализмга муносабат

Ўтмишда гомосексуализмга нисбатан кескин салбий муносабат мавжуд бўлганлиги боис ушбу ҳодиса атрофидаги афсоналар кейинги йилларда камая бошлади. Гомосексуаллик хасталик эмас ва бирон бир руҳий касаллик белгиси ҳисобланмайди. Гомосексуал эркаклар кўпчилик ўйлаганидек сартарош, дизайнер ёки рассом сингари касблар ихлосманди эмас экан. Гомосексуализм ва трансвестизм ўртасидаги алоқа унча катта эмас. Трансвестизм тарафдорларининг кўпчилиги гетеросексуал шахслардир.

Эркаклар гомосексуализмининг айрим шакллари эркаклик ва кучлилиқ ўртасидаги алоқадан воз кечиш сифатида қаралади. Шу боис ортодоксал жамиятда гомосексуализмга жиддий ҳавф сифатида қаралган. Гомосексуалистлар ўзларини аёлсифатликда айблаганларга икки хил усулда қарши чиқади. Уларнинг айримлари атайлаб аёлларга кўпроқ ўхшашга ҳаракат қилади, бошқалари эса одатдаги тасаввурга зид бўлган “ҳақиқий эркак” қиёфасини яратишга ҳаракат қилади. Шунингдек, мотоциклчи ёки ковбойга ўхшаб кийинган эркаклар “ҳақиқий эркак” қиёфасини бўрттириш орқали уни пародия қилади⁴¹.

Гей-субманият

Гомосексуал фаолликнинг ривожланишини таҳлил қилиш қийин, чунки, гомосексуалистлар ҳамжамиятлари юзага келиши бошланган даврда ҳеч қандай тадқиқотлар амалга оширилмаган. Йирик шаҳарларда гомосексуалистларнинг алоҳида учрашув жойлари — клублар, гей барлар юзага келмоқда. Вақтинча алоқалар кенг тарқалган бўлишига қарамадан гетеросексуал маданиятдан воз кечган гомосексуалистларнинг кўпчилиги

⁴⁰ Kinsey A. Sexual behaviour in the human male. Philadelphia, 1948.

⁴¹ Bertelso D. Snowflakes and snowdrifts: individualism and sexuality in America. Lanham, 1986.

барқарор алоқаларга эга. Аёлларнинг лесбиянкалик ҳамжамиятлари гомосексуалист эркакларга нисбатан ёмонроқ уюшган.

1970 ва 1980 йилларда жамоатчиликнинг гомосексуалистларга нисбатан муносабати ўзгара бошлади. Бу нарса хусусан, оммавий ахборот воситаларида Дэвид Боуи ва Квентин Крисп сингари гомосексуалистларга нисбатан ижобий қараш юзага келгани билан боғлиқ; кўшиқчи Бой Жорж тарғиб қилган “қувноқ ҳаёт тарафдорлари” ҳаракати ҳам муайян рол ўйнади. Шунга қарамасдан Буюк Британияда гомосексуалистларга муносабат бутунлай яхшиланди, деб бўлмайди. 1985 йилда ўтказилган сўров натижаларига кўра 59 фоиз сўралганлар гомосексуал муносабатларга салбий баҳо берган, айти пайтда 13 фоиз кишилар бундай муносабатларни ёқлаган. Гейларга нисбатан жамоатчилик муносабатининг яхшиланиши тасаввур қилинганидек тубдан ўзгармади⁴².

Лесбиянлик

Аёлларнинг лесбиянлик ҳамжамиятлари гомосексуалист эркакларга нисбатан ёмонроқ уюшган ва уларда тасодикий алоқалар кам учрайди. Эркаклар гомосексуализми лесбиянликка нисбатан кўпроқ эътиборни тортади ва лесбиянкалар гуруҳларига уларнинг манфаатлари эркаклар ташкилотлари билан мос келадигандек қаралади. Эркак гомосексуалистлар ва лесбиянкалар ўртасида яқин алоқа бўлишига қарамасдан айрим тавофутлар мавжуд: аёллар феминисткалар ҳаракатида фаолроқ иштирок этади. Ҳозирги пайтда лесбиянкалар турмуш тарзи ва тажрибасининг ўзига хос жиҳатлари чуқур ўрганилмоқда⁴³.

Лесбиянкалар учун ота-оналик ҳуқуқларини расмийлаштириш осон бўлмаса-да, кўпчилик лесбиянкалар жуфтликлари эркаклар ёрдамида ёки сунъий йўл билан фарзанд кўришга эришган. Буюк Британия ва АҚШда аёлнинг лесбиянкалиги унинг оналик ҳуқуқига тўсқинлик қилиш-қилмаслиги масаласи суд орқали ҳал қилинади. 70-йилларнинг охири 80-йилларнинг бошларида АҚШ судларида бир нечта ишлар кўриб чиқилди ва уларда лесбиянкалик ва аёлнинг фарзандга эга бўлиш ҳуқуқи ўртасида ҳеч қандай алоқа йўқ, деган хулосага келинди. Бироқ бундай амалиёт бир нечта штатлардагина қабул қилинган.

ОИТС (орттирилган иммунитет тақчиллиги синдроми)

Кейинги пайтда эркаклар гомосексуализми ОИТСнинг жамият ҳаётига таъсири билан боғлана бошлади. Ушбу хасталик гомосексуалистлар доирасида илгаридан маълум бўлса-да, 1981 йилдан оммавий ахборот воситаларида муҳокама қилина бошлади. Гомосексуализмга муносабат эндигина юмшай бошлаган

⁴² Jowell Roger et al. Brethish social attitudes: the nineteen eighty-six report. Aldershot, 1986.

⁴³ Cruickshank M. Lesbian studies, present and future. New York, 1982.

пайтда ОИТС жамоатчиликнинг қизгин муҳокамасига сабаб бўлди. Гомосексуализмга қарши бўлган, айниқса айрим диний гуруҳлар ушбу хасталикка ўз айбловларининг исботи сифатида қарай бошлашди. ОИТС бузуқларни жазолаш учун Худо томонидан юборилган жазо, деган фикр айрим тиббий доиралар томонидан ҳам қабул қилинди. Тиббий журналлардан биридаги долзарб мақолада “хатолар учун жазо муқаррар” деган башоратнинг гувоҳи бўлиб турибмиз, деган фикр илгари сурилди⁴⁴.

ОИТСнинг кенг тарқалиши, шубҳасиз, Шимолий Америкада ва бошқа давлатларда гей суб-маданият доирасида гомосексуал алоқалар ўрнатиш имкониятлари ошганлиги билан боғлиқ. Дастлаб ОИТС гомосексуалистлар кўпчиликни ташкил қиладиган йирик шаҳарларда тарқалган, деган тасаввур мавжуд эди. Газеталардаги сарлавҳалар шундан далолат беради: масалан “Филадельфия дейли нюз”нинг 1982 йил 9 августдаги сониди “Гейлар хасталиги тиббиёт изкуварларини мушкул аҳволга солиб қўйди” сарлавҳали мақола босилди. “Стэди ивнинг пост”нинг 1982 йил октябр ойидаги сониди “Гей бўлиш саломатлик учун хавфли”, “Торонто стар” газетасида “Гейлар хасталиги Канадага етиб келди” сарлавҳали мақола эълон қилинди. “Ас” журнали шундай ёзади: “Эркак гомосексуалистлар илгаригидек қувноқ эмас”. Айни пайтда АҚШда ОИТС билан хасталанганларнинг тўртдан бир қисми гомосексуалистлар эканлиги маълум бўлди.

Айнан бир вирусга касалликнинг манбаи сифатида эътибор қаратиш ўрнига тадқиқотчи-медиқлар, авваламбор, гомосексуал амалиётнинг маълум бир томонларида унинг илдизини топишга ҳаракат қилдилар. Кейинчалик, ОИТСнинг гетеросексуал мулоқотлар орқали ҳам ўтиши маълум бўлганда, эскича қарашларни қайта кўриб чиқишга тўғри келди. Кўп жиҳатдан бунинг бирламчи далиллари Марказий Африкадан, ОИТС кенг тарқалган, аммо эркаклар гомосексуаллиги билан бевосита боғлиқ бўлмаган худуддан кела бошлади. «Гейлар касали» тез орада матбуот томонидан «гетеросексуал даҳшат» деб қайта номланди.

ОИТСнинг таъсири жинсий хулқнинг кўп шаклларида намён бўлиши мумкин. Гомосексуалистлар жамоаларида тасоdffий жинсий алоқалар даражасининг радикал камайиши билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар кузатила бошланди. Гомосексуал амалиётнинг кенг муҳокама этиладиган шакллари, қанчалик бу ажабланарли бўлмасин, айнан безарар бўлиб қолди. Масалан, ҳамроҳида нохуш ва оғриқли ҳиссиётларни келтириб чиқаришга қаратилган садомазохистик ҳаракатлар кўпчилик ҳолларда безарардир, чунки бевосита генитал алоқа юз бермайди. Гомосексуалистлар жамоалари қуйидаги ажрим олдида туради: янги ҳужумларни қайтариш билан бир вақтда, гомосексуал алоқаларни қай тарзда безарар қилиш мумкин, деган фикр уларни ташвишлантиради.

⁴⁴ *Alman D. AIDS and new puritanism. London, 1986. P. 17.*

Тиббиёт нуқтаи назаридан ОИТС — янги ва тутқич бермайдиган «ҳаракатдаги нишон»дир. Ҳақимларнинг бу касаллик ҳақидаги билимлари жуда тез эскирмоқда. ОИТСни инсон иммун тизимини зарарлайдиган вирус келтириб чиқаради. Бу вирус ўз ҳолича ўлимга сабаб бўла олмайди, аммо инсон бир қанча бошқа касалликларнинг, масалан, ўлимга олиб келувчи раkning турли хиллари қурбони бўлади.

ОИТС вирусини юқтирган одам қонининг соғлом одам қони билан бевосита қўшилиши орқали (масалан, гиёҳвандлар битта шприцдан фойдаланганларида рўй беради) ёки жинсий йўл билан (сперма ёки вагинал суюқлик орқали) ўтади. Гомосексуаллар АҚШ да ОИТС билан касалланганларнинг 70 фоизини, кўпчилик Европа мамлакатларида эса ундан ҳам кўп қисмини ташкил этади⁴⁵.

Баъзи бир маълумотларга қараганда, ОИТС билан касалланиш хавфи олдидаги кўрқув гетеросексуал йўналишли одамларнинг ўз хатти-ҳаракатларида синчков ва талабчанроқ бўлишини талаб этади. Яқинда Лондонда ўтказилган фоҳишалар сўрови шуни кўрсатдики, уларнинг 70 фоизи ОИТС ҳақида эшитгандан сўнг ўз хулқларини ўзгартирган. Шунга қарамай, сўроқ қилинганларнинг 10 фоизи касалланганликларини билган тақдирда ҳам бу фаолият билан шуғулланишни давом эттиришларини маълум қилганликлари ташвишга солмай қўймайди.

Кўпчилик мамлакатларда ОИТС га қарши мажбурий текширувлар олиб бориш ва ОИТС билан касалланганларга тегишли бўлган қатор чекланишларни қонунлаштириш хусусида баҳс кетмоқда. Инсон ҳуқуқлари учун курашувчиларнинг бир гуруҳи ҳар қандай текширувларнинг жорий қилиниши шахсий озодликни поймол этади, деб даъво қилсалар, уларнинг муҳолифлари бу даҳшатли дарднинг тарқалишини тўхтатиш учун бундай қурбонлик келтириш ўзини албатта оқлайди, дейдилар. Баъзи бир мамлакатлар қонунчилигида ўз касалидан хабардор шахсларга касалликни тарқатганлик учун жавобгарлик кўрсатилган. Норвегияда, масалан, бундай жиноят 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. АҚШ да ОИТС билан касалланган одамнинг 2 полиция ходими юзига тупургани учун қотилликка суиқасдда айбловчи суд иши кўрилмоқда. Техасда амал қилувчи ва 1982 йилда қабул қилинган юқумли касалликлар ва уларнинг олдини олиш тўғрисидаги қонун доирасида Сан-Антонио шаҳрида соғлом одам билан жинсий алоқага кирган ОИТС вирусини ташувчи шахс учун 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш тақлиф этилган. Британияда бу турдаги қонунчилик ҳали кўриб чиқилмаган.

⁴⁵ Vass A. Aids: a plague in US. A social perspective on the condition and its social consequences. St. Ives. 1986.

Фоҳишабозлик

Фоҳишабозликни пул эвазига жинсий майл кўрсатилиши, деб таърифлаш мумкин. Ҳомийсидан маош олувчи жазман билан фоҳиша ўртасида, уни бир эмас, бир қанча харидорларга берилишини ҳисобга олганда ҳам, аниқ белгиланган фарқ йўқ. «Фоҳишабозлик» сўзи XVIII асрнинг охирида кириб келган. Қадимда бетартиб жинсий алоқа билан шуғулланувчи шахслар куртизанкалар, конкубиналар (қарамоқдаги жазманлар) ёки кул аёллар бўлишган. Анъанавий жамиятларда куртизанкалар ва конкубиналар кўпчилик ҳолларда юқори ижтимоий статусга эга бўлишган.

Замонавий фоҳишабозликнинг асосий белгиси шундан иборатки, аёллар ва уларнинг мижозлари одатда бир-бирини танимайдилар. Эркаклар фоҳишахоналарнинг доимий мижози бўлиб қолса ҳам, муносабатлар биринчи навбатда шахсий танишув асосида қурилмайди. Моддий манфаат учун жинсий эҳтиёж қондирилишининг аввал мавжуд бўлган кўпчилик шаклларида бундай ҳолат бўлмаган эди. Фоҳишабозлик кичик қишлоқ жамоаларининг емирилиши, катта беқийёфа шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва ижтимоий муносабатларнинг тижоратлашуви билан бевосита боғлиқ. Кичик анъанавий жамоаларда ҳар қандай алоқа атрофдагилар учун номаълум бўлиб қололмас эди, шу асосда жинслар ўртасидаги муносабатлар тартибга солинар эди. Тез ривожланаётган шаҳарларда қийёфасизланган ижтимоий алоқалар осонлик билан юзага келар эди.

Фоҳишабозлик бугунги кунда

Замонавий Буюк Британияда фоҳишалар сони, аввал бўлганидек, энг камбағал қатламлар ҳисобига ортиб бормоқда, аммо улар қаторига ўрта ҳол синф вакиллари ҳам қўшилиб борапти. Ажралишлар сонининг ўсиши ночор аҳволга тушиб қолаётган баъзи аёлларни фоҳишаликка етакламоқда. Бундан ташқари, маълумот олгандан кейин иш тополмай қолган аёллар масса-жист ёки чақириладиган қизлар бўлиб ишлаб, шу йўл билан ўзларига бошқа иш қидирмоқдалар.

Пол Дж. Голдштейн фоҳишаларни касбий эътиқод ва иш шароити турлари бўйича гуруҳлайди. Эътиқод аёлларнинг фоҳишабозлик билан шуғулланишининг такрорланиш тезлигини кўрсатади. Кўпчилик аёллар бу фаолиятга вақти-вақти билан бериладилар — бир неча марта фоҳишалик қилиб, кейинчалик ё анча вақтгача фаҳшга берилмайдилар ёки умуман ундан воз кечадилар. «Тасодифий» фоҳишалар — тез-тез зино қилсаларда, бу фаолият мунтазам характерга эга бўлмайди. Фаҳш эвазига олинган пул билан асосий даромадларини тўлдириб турадилар. Бошқалар бу фаолият билан доимий шуғулланиб, уни асосий даромад манбаига айлантирадилар. Иш шароити бўйича иш бажариладиган муҳит ва аёл жалб қилинадиган ўзаро таъ-

сир жараёни ажратилади. «Кўча» фоҳишалари кўчада ишлайди. «Чақириладиган» қизлар билан телефон орқали келишиб оладилар — ё ўз уйларига таклиф этадилар ёки ўзлари уларнинг уйига борадилар. «Уй» фоҳишалари — хусусий клуб ёки фоҳишахонада ишлайдиган аёллардир. «Массажист»лар расмий равишда фақат қонуний хизмат кўрсатувчи даволаш ва соғлиқни сақлаш муассасалари доирасида фаолият кўрсатадилар.

Кўпчилик аёллар фоҳишалик билан олди-берди (бартер) асосида шуғулланадилар (хизмат ҳақи сифатида пул эмас, товар ёки ёрдамлар қабул қилинади). Голдштейн тадқиқотларининг кўрсатишича, «чақириладиган қизлар» доим бартер асосида фоҳишалик қиладилар, бунда улар фақат учун телевизион аппаратураларни, машиналар ва маиший хизмат асбобларини тузатиш бўйича хизматлар, юридик маслаҳат ёки стоматолог хизмати қабул қиладилар⁴⁶.

БМТ нинг 1951 йилда қабул қилинган Резолюцияси фоҳишабозликни уюштирувчи ва фоҳишабозлик орқасидан даромад олувчиларни қораласа-да, фоҳишаликнинг ўзини тақиқламайди. Резолюция расмий жиҳатдан 53 та мамлакат — БМТ аъзолари, жумладан, Буюк Британия томонидан қабул қилинган бўлса-да, бу давлатларнинг фоҳишабозлик ҳақидаги қонунчилиги турличадир. Бошқа мамлакатларда (масалан, Буюк Британияда) фоҳишабозликнинг фақатгина маълум бир турлари — кўча ва болалар фоҳишабозлиги тақиқланган. Баъзи мамлакатларда марказий ёки маҳаллий ҳокимият расмий тан олинган фақшхоналар ёки фақш-салонлар учун рухсатнома берадилар. Масалан, ГФР даги «Эрос-марказ» ёки Амстердамдаги «Фақш уйи» бунга мисол бўла олади. Бир неча мамлакатлардагина эркаклар фоҳишабозлиги тақиқланмаган.

Фоҳишабозликка қарши қонунларнинг қўлланилиши барча ерларда ўзаро алоқадор томонларнинг бири — фоҳишаларнинг ўзлари билан чегараланади. Фақш хизмати сотиб олувчилар қамоққа олинмайдилар ва жазога тортилмайдилар, суд жараёни давомида уларнинг номлари тилга олинмаслиги ҳам мумкин. Фоҳишаларга қараганда уларнинг миждозлари камроқ ўрганилган, ҳеч ким уларни руҳий беқарорликда айбламайди, фоҳишаларга нисбатан эса бундай нуқтаи назар кўп учрайди. Ҳақиқатда эса ҳодисани ўрганишдаги бундай номутаносиблик ўз жинсий эҳтиёжларини қониқтиришнинг турли усулларини излайдиган эркакнинг бундай хатти-ҳаракатини «нормал» ҳисоблашга мувофиқ келувчи жинсийликнинг ортодоксал стереотиплари доирасидаги танқидий бўлмаган ёндашувни акс эттиради. Бу эҳтиёжларни қондирувчилар эса қораланади.

⁴⁶ Goldstein P. Prostitution and drugs. Lexington, 1979.

Болалар фоҳишалиги

Кўпинча фоҳишабозликка болалар ҳам жалб қилинадилар. Дэвид Кампанья Кўшма Штатлардаги болалар фоҳишалигини таҳлил қилиб чиқди, бунда у ўзининг йирик кўламли дастур асосидаги тадқиқотларига асосланади. Бу дастурга биноан, мамлакатнинг барча ҳудудларидаги 596 полиция департаментидан ва 125 та маиший таъминот муассасаларидан ахборот йиғилди⁴⁷. Мазкур маълумотларга кўра, болалар фоҳишалигидан келиб тушадиган йиллик даромад 2 миллиард долларга етиши мумкин, лекин шунга қарамай, фоҳишабозликнинг бу тармоғи уюшган жиноятчилик томонидан назорат қилинмайдиганга ўхшайди. АҚШ, Буюк Британия ва Ғарбий Германиядаги болалар фоҳишалигини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, бундай ҳолатлар асосан «кичик кўлам»га эга, масалан, уйдан қочиб кетган ёки ҳаёт кечирishi учун маблағсиз қолган болалар яшаш учун кураш йўлида фоҳишалликка мурожаат этади. Эҳтимол, мижозларнинг катта қисми айнан болаларни изламайди, уларни биринчи гада сотиб олинаётган хизматни амалга оширувчининг ёшлиғи ўзига жалб этса керак.

Кўпчилик кичик қочоқларнинг фоҳишалликка берилиши асосан кичик ёшдаги болалар меҳнатидан фойдаланишга қарши йўналтирилган қонунларнинг қутилмаган оқибатидир. Аммо вояга етмаган фоҳишаларнинг уйдан қочиб кетганлиги шубҳа туғдирмайди. Фоҳишаллик билан шуғулланувчиларни 3 та асосий гуруҳга бўлиш мумкин:

1. «Қочоқлар» — уйдан чиқиб кетиб, ота-оналари томонидан қидирилмаётган ёки ҳар гал қайтарилгандан кейин ҳам қочадиган болалар;

2. «Ўйноқилар» — асосан уйда яшаб, маълум бир вақт мобайнида уйдан ташқарига, масалан, бир неча кечага кетиб қоладиган болалар;

3. «Воз кечилганлар» — бу болаларнинг ота-оналари фарзандлари нима билан шуғулланишига бефарқ қарайдилар ёки улардан умуман воз кечган бўлади.

Бу гуруҳлар ўғил болаларни ҳам, қиз болаларни ҳам ўз ичига олади⁴⁸.

Болалар фоҳишабозлиги дунёнинг барча ҳудудларида, масалан, Таиланд ва Филиппинда «секс-туризм» саноатининг бир қисмини ташкил қилади. Фоҳишабозликни назарда тутувчи мақсадли турлар бу районларга Европадан, АҚШ ва Япониядан эркакларни жалб қилади. Осиё хотин-қизлари ташкилотлари вакилларининг бундай турларга қарши оммавий норозиликлари натижа бермаяпти. Корея ва Вьетнам урушларида америкалик қўшинларнинг фоҳишалар билан таъминланиши Узоқ

⁴⁷ *Campaign D. The economic of juvenile prostitution in the USA // International children rights monitor, 2. 1985.*

⁴⁸ *Janus S., Bracey D. Runaways: pornography and prostitution, New York, 1980.*

Шарқдаги бу секс-туризмга тарихан асос солган. «Рекреацион марказлар» Таиландда, Филиппинда, Вьетнамда, Кореяда ва Тайванда тузилган. Улардан баъзилари ҳозирги кунда ҳам сақланиб қолган (масалан, Филиппинда), улар доимий туристлар гуруҳларига ва ушбу ҳудудда жойлаштирилган ҳарбийларга хизмат кўрсатадилар.

Нима учун фоҳишабозлик мавжуд? Шубҳасиз, инсоният бу ҳолатга кўникиб қолган, чунки у ҳукуматнинг бу иллатга барҳам беришга қаратилган барча чораларига бардош бериб келмиз. Фоҳишабозлик деярли доим аёлнинг эркакка жинсий хизмати сотиши сифатида (аксинча эмас) қаралади, ваҳоланки, баъзи бир жойларда, масалан, Гамбургда «лаззат уйлари» мавжудки, у ерда эркаклар аёлларга пуллик шаҳвоний хизмат кўрсатадилар. Худди шундай, албатта, ўғил болалар ёки эркаклар ўзларини бошқа эркакларга сотишлари мумкин.

Гетеросексуал фоҳишабозликнинг келиб чиқиши ҳақидаги фикрлар бу бобда кўрилаётган асосий масалаларга диққат-эътиборни қаратишга ёрдам беради. Гап бу ерда турли жинслар хулқлари (жинсий эҳтиёжларни пул эвазига қондирилиши) ўртасидаги принцип жиҳатдан фарқларнинг мавжудлигидадир. Унга асосан очиқ кўзга ташланадиган тенгсизлик хосдир. Масалан, фоҳишаларга муносабат салбий бўлиб, улар қонун томонидан таъқиб қилинишлари мумкин, ваҳоланки бу нарса уларнинг мижозларига таҳдид солмайди. Ҳеч қандай битта омил билан фоҳишабозликни тушунтириб бўлмайди. Эркакларнинг жинсий эҳтиёжлари аёлларникига нисбатан кучлироқ ва яққолроқ кўзга ташланадиган бўлганлиги учун улар фоҳишалар хизматидан фойдаланадилар, деб ўйлаш мумкин. Лекин бу баҳона ҳақиқатдан йироқдир. Балки, кўпчилик аёллар худди шу ёшдаги эркакларга нисбатан шаҳвоний ҳиссиётларга кўпроқ берилгандир⁴⁹. Агар фоҳишабозлик фақатгина жинсий эҳтиёжларни қондириш учун мавжуд бўлганда эди, эҳтимол, аёлларга бу тоифадаги хизматни кўрсатишга тайёр эркаклар ҳам оз бўлмасди.

Умумий ва ишонарли хулоса шундан иборатки, фоҳишабозлик эркакларнинг аёлларга буюм сифатида, жинсий мақсадларда фойдаланиладиган нарса сифатидаги муносабатларини акс эттиради ва маълум даражада бу ҳолатни сақлаб қолишга ёрдам беради. Фоҳишабозлик эркаклар ва аёллар ўртасидаги тенгсизликни алоҳида шаклда намоён этувчи патриархал муносабатларнинг бир томонидир. Фоҳишабозликда, албатта, бошқа ва жуда кўп элементлар мавжуд. Жисмоний майиблиги ёки ахлоқий чекланишлар оқибатида бошқа йўл билан ўзига жинсий ҳамроҳ топа олмайдиган шахслар учун жинсий қониқиш усулини тақлиф қилади. Фоҳишалар уйидан узоқда бўлган, яширинча ва обрўсига путур етказмайдиган алоқага киришни истайдиган, жамиятда қабул қилинган норма ва дидлардан фарқ қилувчи ахлоққа мойил ва бошқа аёллар томонидан қабул қилинмайди-

⁴⁹ Hyde J. Understanding human sexuality. New York, 1986.

ган эркакларни «овлайдилар». Аммо буларнинг барчаси бу ҳолатнинг умумий табиатига эмас, фоҳишабозлик намоён бўлишининг қўлами ва хусусиятларига хос.

Хотима: социология ва гендер муносабатлар

Социологиянинг бир қанча бўлимларигина сўнгги йилларда гендер муносабатларни ўрганишдек аҳамиятли ривожини топган ёки шу каби муҳим соҳага айланган. Бу юксак даражада жамиятнинг ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришларни акс эттиради. Аввал шаклланган жинсларнинг фарқлиниши, хулқ-атвор ҳақидаги қарашлар ва қоидалар ҳозирги кунда бошқача талқин қилинмоқда. Бу ўзгаришлар кўп сонли ижтимоий институтларга, шу билан бирга жинсий хулқ-атвор ва оилавий ҳаётга ўз таъсирини кўрсатмоқда. Биз кейинги бобларимизда бу таъсирни кўриб ўтамиз.

Бобнинг қисқача мазмуни

1. «Жинс» сўзи («sex») бир хил маънога эга. Одатда эркак ва аёл ўртасидаги жисмоний ва маданий фарқ («эркак жинси» ва «аёл жинси») ва жинсий мулоқотни белгилаш учун фойдаланилади. Физиологик ва биологик маънодаги жинс билан маданий фарқлинишлар (ҳаёт давомида орттирилган хулқ-атвор намуналарининг йиғиндиси) билан боғлиқ бўлган гендер («род») ўртасида чегара ўтказиш лозим.

2. Баъзи мутахассислар хулқ-атвордаги жинсий фарқлинишлар генетик тарзда белгиланади, деган нуқтаи назарни ёқлайдилар, аммо бу фарз ишонарли далилларга эга эмас.

3. Гендерча ижтимоийлаштириш инсоннинг дунёга келиши билан бошланади. Ҳаттоки, фарзандларининг жинсини уларга бўлган муносабатларига таъсир қилмайди деб ҳисоблайдиган ота-оналар ҳам ўғил бола ва қиз болага турлича муносабат билдирадилар. Бу фарқлар кўпгина бошқа маданий таъсирлар остида янада чуқурлашади.

4. Маълум жинсдаги шахсни тенглаштириш ва ўзини жинсий намоён этиш усуллари бир вақтда ривожланади. Характернинг мардлик каби белгиси болани она билан боғловчи узвий боғларнинг узилиши натижасида шаклланади, бу эса «эркакча ҳиссиётсизлик»ни келтириб чиқаради, деган фикр ҳам билдирилган.

5. «Патриархат» эркакларнинг аёллардан устунлигини билдиради. Бизга маълум бўлган барча жамиятлар патриархал жамият бўлса-да, жинслар тенгсизлигининг даражаси ва характери анчагина ўзгаришларга мойил ва фақатгина у ёки бу маданиятни танлашда эмас, балки унинг ичида ҳам ажратилади.

6. Барча саноати ривожланган мамлакатларда аёллар бошқарув ва таъсир этишни тақозо этадиган лавозимларни кам ҳолларда эгаллайдилар. Аёлларнинг ўртача маоши эркакларникидан анча кам, иш ҳақи тўланадиган ишда ва тўлиқсиз иш вақтида ишловчи аёллар эркакларга нисбатан кўпчиликни ташкил қилади. Уй ташвишлари ва фарзанд тарбияси билан боғлиқ мажбуриятлар асосан аёллар зиммасида. Ҳақ тўланмайдиган уй юмушлари иқтисодиёт учун бениҳоя катта аҳамиятга эга.

7. Феминизм ғояларини XVIII аср ўрталаридан кузатиш мумкин. Илк йирик хотин-қизлар ҳаракатлари XVIII аср ўрталаридан пайдо бўла бошлаб, улар асосан аёлларга овоз бериш ҳуқуқини талаб қилишга эътиборни қаратган эди. 1920 йилларда бошланган инқирозга қарамай, 1960 йилларда феминизм яна ўзини намоён қила бошлади ҳамда ижтимоий ҳаёт ва ақлий фаолиятнинг кўпгина соҳаларига ўз таъсирини ўтказди.

8. Ишлайдиган аёлларнинг каттагина қисми тўғридан-тўғри жинсий

тажовуз таъсирида бўлади. Уйдаги зулм ва зўравонлик расмий статисти-када кўрсатилганидан кўра анча кенг тарқалган. Маълум бир маънода барча аёллар зўрлик қурбонидир, шунинг учун тез орада улар ўз номуси-ни ва ҳаётини зўравонлик хавфидан ҳимоя қилиш учун махсус эҳтиёт чораларини кўришга мажбур бўладилар.

9. Жинсий амалиёт турли маданиятларда қанчалик кучли фарқлан-са, бир маданият доирасида ҳам шундай тафовутга эга. Фарбда шахвони-ятга муросасизлик 60-йилларда либерал муносабат билан алмашинди, бунинг оқибатлари бугунги кунда ҳам яққол кўзга ташланади.

10. Гомосексуаллик, эҳтимол, барча маданиятларда мавжуддир, аммо «гомосексуал шахс» концепцияси нисбатан янгидир. Сунгги 100 йиллик-дагина гомосексуал фаоллик маълум турдаги шахс учун хос ҳолат сифа-тида қарала бошланди. «Нормал гетеросексуал шахс» категориясига қара-ма-қарши аномал шахе категорияси пайдо бўлди.

11. Жинсий хулқ-атвор бугунги кунда кенг тарқалаётган ОИТСнинг кучли таъсири остида қолмоқда. Ижтимоий фикр аввал бу касаллиқни гомосексуализм билан боғлаган, аммо ОИТС гетеросексуал муносабатлар-да ҳам кузатилади. ОИТС хавфли пандемия келтириб чиқариш хавфини туғдирмоқда ва инсонлар «безарар» жинсий ҳаёт қондаларига риоя қил-ган ва тасодифий жинсий алоқаларга барҳам берган тақдирдагина бу аср вабосини чеклаш имконияти туғилади.

12. Фоҳишабозлик — пул эвазига жинсий кўнғил бериш. Замонавий жамиятда эркак ва болалар фоҳишабозлигини ўз ичига олган турли фо-ҳишабозлик турлари мавжуд. Қатор мамлакатларда марказий ва маҳал-лий ҳокимиятлар фоҳишабозликка йўл очиб берадилар, аммо кўпчилик мамлакатларда фоҳишабозлик ғайриқонуний ҳисобланади.

Асосий тушунчалар

<i>гендер</i> <i>патриархат</i>	<i>феминизм</i>
------------------------------------	-----------------

Энг муҳим атамалар

<i>назокат</i> <i>мардоналик</i> <i>сексуал фаоллик</i> <i>жинс</i> <i>тестикуляр синдром</i> <i>феминизация</i> <i>андрогенитал синдром</i> <i>эркаклар ҳиссизлиги</i> <i>уй хўжалиги</i> <i>(уй меҳнати)</i>	<i>суфразист аёллар</i> <i>уйдаги зўрлик</i> <i>жинсий иддоалар</i> <i>зўрлаш</i> <i>гетеросексуаллик</i> <i>гомосексуаллик</i> <i>лесбиянлик</i> <i>ОИТС</i> <i>фоҳишалик</i>
---	--

Кўшимча адабиёт

Nancy Chodorow. The Reproduction of Mothering Berkeley, 1978. Ген-дер ижтимоийлашувни тушунтиришда психоанализ назарияси қўлланил-ган мумтоз тадқиқот.

Marilyn French. The War Against Woman. London, 1992. Аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиқка эришишда босиб ўтишлари лозим бўлган йўл узоклигининг ҳўжжатли исботлари.

Lynne Segal. Slow Motion: Changing Masculinities, Changing Men. London, 1990. Ҳозирги жамиятда эркаклар ҳаёти ва ҳаётининг тажрибаси моҳияти-нинг ўзгаришини ҳар тарафлама муҳокама қилиш.

ҲОКИМИЯТ ТУЗИЛМАЛАРИ

Ҳокимият ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига таъсир ўтказувчи ҳодисадир. Барча ижтимоий гуруҳларда бир индивид бошқаларга кўра кўпроқ таъсир кучи ва ҳокимиятга эга бўлади; айни пайтда гуруҳларнинг ўзи ҳам бир-биридан ҳокимият даражасига қараб фарқланади. Ҳокимият ва тенгсизлик, одатда, ўзаро узвий боғланган бўлади. Ҳокимиятга эгалик қадриятга эга бўлган мулк ва бойлик сингари захираларни жамлаш имкони-ни беради. Захираларга эгалик эса, ўз навбатида, ҳокимиятга эгалик қилишнинг воситаси ҳисобланади.

Бу қисмда асосий ҳокимият тизимлари ва жамиятдаги тенгсизликни муҳокама қиламиз. Аввало, жамиятда турли тенгсизликларни сақлаб туриш усуллари бўлган стратификация ва ижтимоий тузилмаларни кўриб чиқамиз. Кейин ирқ ва этник мансублик, шунингдек, бир-бирларидан жисмонан ёки маданий жиҳатдан фарқланувчи одамлар ўртасидаги таранглик ва душманлик масалаларининг муҳокамаси бошланади.

Ундан кейин ҳокимият ва тенгсизликнинг турли типдаги гуруҳлар ва ташкилотлар билан алоқадорлигини ўрганишга ўтамиз. Ҳукумат муассасалари, саноат фирмалари, шифохона ва коллеж сингари ҳозирги жамиятда муҳим роль ўйнайдиган катта ташкилотларга алоҳида эътибор қаратилади. Сўнгги икки бобда алоҳида катта таъсир кучига эга бўлган ташкилотларнинг икки типиди — давлат ва қуроли кучлар кўриб чиқилади. Ҳукуматлар — ҳокимият «профессионаллари», улар кундалик фаолиятнинг кўп жиҳатларини белгилайдиган қонунлар манбаидир. Бошқа томондан улар исён ва кўзғолонларнинг фокуси ҳам ҳисобланади. Давлатлар аввал бошдан, ҳарбий қудратнинг ўсиши билан боғлаб тасаввур қилинган. Ҳарбий рақобат ва урушлар инсониятнинг ўтмишидаги ижтимоий тараққиётини шакллантирган ва XX асрда ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Биз ҳозирги дунёда қуроли кучлар моҳиятининг ўзгариши ва уларнинг ижтимоий тузилмаларига таъсири масаласига ҳам тўхталамиз.

Стратификация ва синфий тузилма

Нима учун жамиятда баъзи гуруҳлар бошқаларига қараганда кўпроқ бойлик ва ҳокимиятга эгалар? Замоनावий жамиятлар ҳаётида тенгсизлик муаммоси қанчалик муҳим? Куйи ижтимоий табақа вакилининг иқтисодий зинанинг юқори поғоналарига чиқиш имконияти қанчалик? Бу — биз ушбу бобда кўриб чиқадиган масалалардан фақатгина бир нечтаси. Ижтимоий тенгсизликнинг турли жиҳатларини ўрганиш социологиянинг энг муҳим бўлимларидан биридир, чунки одамлар эга бўлган моддий ресурслар улар ҳаётига катта таъсир ўтказди.

Ижтимоий стратификация тизимлари

Инсоният жамиятларининг барча турларида тенгсизлик мавжуддир. Ҳатто, инсонлар ўртасида иқтисодий фарқланиш деярли йўқ бўлган ибтидоий жамиятларда ҳам шахслар ўртасида эркак ва аёллар, ёшлар ва кексалар ўртасида тенгсизлик мавжуд. Одам, масалан, овдаги жасурлиги учун ёки у, қабиланинг бошқа аъзолари фикрича, аждодлар руҳлари билан мулоқотга киришишга қодирлиги учун бошқалардан кўра юқорироқ маъқени эгаллаши мумкин. Ижтимоий тенгсизликни таърифлар экан, социологлар ижтимоий стратификация ҳақида гапирадилар. Стратификация гуруҳлар ўртасидаги структуравий фарқлар дея таърифланиши мумкин. Тушунарли бўлиши учун, стратификацияни геологик қатламлар кўринишида фараз қилиш мумкин. Жамиятлар ҳам иерархик тартибда жойлашган қатламлардан иборат бўлиб, имтиёзга эга бўлганлар чўққига яқин, эга бўлмаганлар эса қуйида жойлашади.

Стратификацияда тўрт асосий тизим мавжуд: қулдорлик, каста, табақа ва синф. Баъзан улардан бир нечтаси биргаликда амал қилади, масалан: Қадимги Греция ва Римда, шунингдек, АҚШнинг жанубий штатларида фуқаролик урушидан аввал амал қилган қулдорлик ва синф тизимлари.

Қулдорлик

Қулдорлик тенгсизликнинг энг кескин даражаси бўлиб, унда инсон том маънода бошқа инсоннинг мулки бўлади. Турли жамиятларда қулдорлик муносабатларини белгиланган ҳуқуқий нормалар бир-биридан анча фарқ қилар эди. Баъзан қуллар барча ҳуқуқларидан қонунан маҳрум қилинар эди. АҚШ жанубида шундай бўлган, бошқа ҳолларда эса қулларнинг ҳолати кўпроқ хизматкорлар ҳолатини эслатар эди. XVIII—XIX асрларда АҚШ-

да, Жанубий Америка ва Вест-Индияда қуллардан фақатгина плантацияларда ва уй хизматчилари сифатида фойдаланилар эди. Лекин классик даврдаги Афинада улар турли соҳаларда, ҳатто, ўта маъсулиятли лавозимларда ҳам ишлаганлар. Қуллар фақатгина сиёсий ва ҳарбий лавозимларга қўйилмас эди. Улардан баъзилари саводхон бўлиб, давлат хизматчилари бўлиб ишлар эди. Кўпчилиги ҳунар эгаллаган эди. Тижорат иши паст иш ҳисобланган Римда қуллар савдо билан шуғулланар эди. Ҳатто, баъзи бой қуллар ўз қулларига ҳам эга эдилар. Лекин уларнинг энг қуйи табақаси — плантация ва шахталарда ишлаганлар, улар билан жуда шафқатсиз муносабатда бўлинар эди.¹

Қуллик доимо қаршилик уйғотган. Тарих қуллар қўзғолонлари ҳақида ҳикоялар билан тўла. Баъзан қуллар бирлашиб ҳаракат қилиб, озодликка чиқиб кетар эдилар. Қулликка асосланган тизимлар, масалан: плантаторлик, одатда, беқарор эди. Меҳнатнинг юқори самарадорлигига эришиш учун қатъий назорат ва шафқатсиз жазолар талаб қилинар эди. Қуллар меҳнатига асосланган тизимларнинг инқирозга учрашига сабаб, қисман қулларнинг қаршилиги, қисман эса мажбурлашга қараганда иқтисодий ва бошқа рағбатларнинг юқорироқ самарадорлиги бўлди. Оддий сўз билан айтганда, қуллик унчалик маҳсулдор эмас эди. Фарб давлатларида XIX асргача сақланиб келган қул савдоси бу тизимнинг сўнгги, энг кенг кўламли кўриниши эди. Шимолий ва Жанубий Америкадаги қуллар эркинликка эришганларидан сўнг, бу тизим парчалана бошлади ва ҳозирги пайтда ер юзиде қолмади.

Касталар

Касталар, аввало, Ҳиндистон ярим оролининг маданияти билан боғлиқ. «Каста» атамасининг ўзи ҳиндчадан келиб чиққан. У португалча «Ирқ» ёки «соф насл» маъносини англатувчи «casta» сўзидан келиб чиқади.² Ҳиндларда касталар тизимини бутунлигича англатадиган ягона атама йўқ, унинг турли жиҳатлари ўз номларига эга. Уларнинг асосийлари *варна ва джати*дир. *Варналар* — ижтимоий обрўсига қараб ажратиладиган тўрт асосий табақалардир. Бу тўрт табақадан пастроқда «қўл теккизилмайдиганлар» табақаси туради. *Джати*лар — бу касталарга бўлинмайдиган алоҳида маҳаллий гуруҳлардир.

Касталар тизими ўта мураккаб бўлиб, унинг структураси минтақадан минтақага қараб ўзгаради, шунчалик ўзгарадики, аслида ягона тизим эмас, узоқ ўхшашликка эга бўлган кичик динлар ва урф-одатлар мажмуасини ташкил этади. Лекин уларни бир қатор умумий тамойиллар бирлаштириб туради. Олий варнани ташкил этадиган, тозаликни энг юксак даражаси, «қўл

¹ Finley Moses I. (ed.). Slavery in Classical Antiquity, 1968; Finley Moses I. Ancient Slavery and Modern Ideology. London, 1972.

² Littlejohn J. Social Stratification. London, 1972.

теккизилмаслар» — энг паст поғонасининг тимсолидир. Браҳманлар «қўл теккизилмаслар» билан баъзи турдаги алоқалардан ўзларини четда тутишлари лозим ва фақатгина «қўл теккизилмаслар» гина нопок ҳисобланган баъзи нарсаларни ва ҳайвонларни бевосита ушлашлари мумкин. Касталар тизими индуизмдаги реинкарнация (руҳлар кўчиши) концепцияси билан чамбарчас боғлиқ. Унга кўра, ўз кастасидаги урф-одаг ва мажбуриятларини қанда қилган одамлар, кейинги ҳаётида пастроқ кастада туғилишлари лозим. Ҳинд касталари тизими ҳеч қачон тўла статик бўлмаган. Бир инсонни кастадан кастага ўтишига рухсат этилмаса-да, касталар иерархиясида гуруҳлар ўз мавқеини ўзгартириб туради.

Каста тушунчаси баъзан ҳинд маданиятидан ташқари, икки ёки бир неча этник гуруҳ бир-биридан ирқ софлиги нуқтаи назаридан ажратилганлиги ҳолларида қўлланилади. Бундай ҳолларда, кўпинча турли гуруҳ вакиллари ўртасидаги никоҳларга табу (баъзан қонунан таъқиқлаш) мавжуд бўлади. АҚШ жанубида қулдорлик бекор қилинганидан сўнг ҳам оқ ва қора танлилар ўртасидаги чегараланиш шунчалик кучли эдики, бу стратификация тизимига нисбатан баъзан «каста» атамаси қўлланилар эди. Яқин вақтгача оқ ва қора танлилар ўртасида сегрегация сақланиб келган, никоҳ ва жинсий алоқа қонунан тақиқланган Жанубий Африкада ҳам касталар мавжуд дейишга тўла асос бор (қаранг: 8-боб, «Этник мансублик ва ирқ»).

Табақалар

Табақалар Европа феодал тизимининг бир қисми эди. Улар, шунингдек, кўйлаб бошқа маданиятларда ҳам мавжуд эди. Феодал табақалар турли мажбуриятлар ва ҳуқуққа эга бўлган страталардан иборат бўлиб, уларнинг баъзилари қонунан белгиланар эди. Европада юқори табақа аристократия ва джентридан (майда дворянлар) иборат эди. Руҳонийлар бошқа табақага мансуб бўлиб, улар бир оз қуйироқда турсалар-да, улар баъзи махсус имтиёзларга эга эдилар. Оддий халқни эса кейинчалик «учинчи табақа» деб атай бошладилар. Булар крепостнойлар, эркин деҳқонлар, савдогар ва ҳунармандлар эди. Касталардан фарқли ўлароқ, табақалар унчалик ёпиқ эмас эди ва турли табақа вакиллари ўртасида никоҳга рухсат этилар эди. Монархга кўрсатган хизмати учун оддий фуқарога рицарь унвони берилиши мумкин эди, савдогарлар эса, баъзан унвон сотиб олишга муваффақ бўлар эдилар. Табақалар тизимининг баъзи унсурлари Буюк Британияда ҳозирги кунда ҳам сақланиб қолган. У ерда дворян унвонлари ҳозир ҳам катта обрўга эга ва авлоддан авлодга ўтади: йирик ишбилармонлар, давлат арбоблари ва бошқа шахсларга кўрсатган хизматлари учун пэр ёки рицарь унвонлари берилиши мумкин.

Ўтмишда табақалар анъанавий аристократия ва аслзодалик тушунчалари мавжуд бўлган жойларда пайдо бўлган. Ўрта аср

Европасидаги каби феодал тизимларда табақалар маҳаллий феодал жамоалар билан боғлиқ эди — уларнинг ҳар бирида ўз стратификация тизими шаклланган. Кўпроқ марказлашган давлатларда, масалан, Хитой ёки Японияда табақалар бутун давлат миқёсида шаклланар эди. Баъзан табақалар диний қарашларга асосланиб фарқланар эди, лекин бу фарқлар индуизм касталар тизимчалик қатъий эмас эди.

Синфлар

Синфий тизимлар қулдорлик ва каста тизимларидан кўп жиҳатлардан фарқ қилади. Уларнинг тўрт асосий хусусиятини кўриб чиқамиз.

1. Бошқа страталардан фарқли ўлароқ, синфлар қонун ёки урф-одатлар билан белгиланган туғма хислатларга алоқадор эмас. Синфий тизимлар, бошқа стратификация тизимларига қараганда, анча эластикдир, синфлар ўртасида ҳеч қачон аниқ белгиланган чегара бўлмайди. Турли синфларда инсонлар ўртасидаги никоҳларга ҳеч қандай расмий тўсиқлар йўқ.

2. Синфга мансублик шахс томонидан қозонилади, бошқа стратификация тизимларидаги каби мерос бўлиб қолмайди. Ижтимоий ҳаракатчанлик — синфий тузилма ичида юқори ва пастга силжиш бу ерда бошқа тизимлардан анча аввалроқ пайдо бўлган (масалан, касталар тизимида шахенинг бир кастадан бошқасига ўтиши умуман мумкин эмас).

3. Бошқа стратификация тизимларида ноиқтисодий омиллар етакчи рол ўйнаса (масалан, ҳинд касталар тизимида — дин), синфлар инсонларнинг *иқтисодий* аҳволидаги фарқлар, моддий ресурсларни бошқариш ва уларга эга бўлиши билан боғлиқ.

4. Бошқа стратификация тизимларида тенгсизлик биринчи ўринда инсонлар шахсий муносабатларида ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг фарқлилигида намоён бўлади, синфлар тизими эса, аксинча катта миқёсдаги шахсиз муносабатларда, масалан, синфий бўлинишнинг энг муҳим омилларидан бири — ҳар қандай категория вакилларига тегишли бўлган ва ўз навбатида умумий иқтисодий аҳволга боғлиқ бўлган меҳнат қилиш ва ҳақ тўлаш шароитларидир.

Синфларнинг моддий бойликларга эга бўлиши ва бунинг натижасида ҳаёт тарзи жиҳатидан бир-бирига яқин инсонларнинг йирик гуруҳи, деб таърифлаш мумкин. Синфий фарқланиш биринчи ўринда инсонларнинг моддий фаровонлиги ва маслағига боғлиқ. Ҳозирги замон ғарб жамиятида қуйидаги синфлар мавжуд: юқори синф (бой, тадбиркорлар, саноатчилар ва ишлаб чиқариш воситаларини бевосита назорат қилувчи юқори табақа раҳбарлари), ўрта синф (кўпчилик хизматчилар ва мутахассислар) ва ишчи синфи (жисмоний меҳнат билан банд одам-

лар). Баъзи индустриал давлатларда, масалан, Франция ва Японияда, тўртинчи синф — анъанавий қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи деҳқонлар яқингача муҳим рол ўйнаб келган. Учинчи дунё мамлакатларида деҳқонлар ҳозир ҳам энг кўп сонли синфни ташкил этадилар.

Энди замонавий жамиятларда юзага келган ҳолатта алоҳида эътибор бериб, стратификация ҳақидаги энг муҳим социологик назарияларни кўриб чиқамиз.

Замонавий жамиятларда стратификация назарияси

Энг машҳур назарий ёндашувлар Карл Маркс (1818—1883) ва Макс Вебер (1864—1920) томонидан ишлаб чиқилган. Уларнинг ғоялари кейин ишлаб чиқилган деярли барча стратификация назарияларига асос бўлди. Улардан ташқари, биз Эрик Олин Райт ва Фрэнк Пархиннинг янги назарияларини кўриб чиқамиз. Маркс ва Вебер ғоялари умуман социология ва унинг алоҳида соҳалари ривожланишига катта ҳисса қўшди. Улар ижодининг турли жиҳатларига биз кейинроқ мурожаат қиламиз. (улар асарларининг умумий шарҳи 22-бобда келтирилган).

Карл Маркс назарияси

Маркс Германияда туғилган, лекин ҳаётининг асосий қисмини Буюк Британияда ўтказган. Унинг ғоялари доимо зиддиятли бўлган. Кўпчилик муаллифлар, шу жумладан Макс Вебер ҳам, унинг сиёсий қарашларини инкор қила туриб, кўпинча, уларга асосланган.

Маркснинг кўп асарлари стратификация мавзуси билан ва биринчи ўринда, ижтимоий синф тушунчаси билан боғлиқ, бироқ, қизиғи шундаки, у бу тушунчанинг систематик таҳлилини бермаган. Маркс то ўлимигача ишлаган қўлёзмаси (кейинчалик унинг асосий асари — «Капитал» нинг бир қисми сифатида чоп этилган) «Синфни нима ташкил қилади?» деган саволга тўхтаган. Шундай қилиб, Маркснинг синф тушунчаси унинг бутун илмий мероси ичидан йиғиб олинishi керак. Унинг синфлар мавзусига кўплаб мурожаатлари баъзан бир-бирига зид келиб қолиши туфайли, олимлар доимо Маркс бу гал нимани назарда тутаётганлиги ҳақида баҳс юритадилар. Шунга қарамай, унинг концепциясидаги асосий жиҳатлар аниқ ва равшан.

Синф табиати

Маркс учун синф — бу ўз ҳаётларини таъминлаш учун фойдаланадиган ишлаб чиқариш воситаларига бир хил муносабатда бўлган одамлар гуруҳидир. Замонавий саноат пайдо бўлгунча асосий ишлаб чиқариш воситалари — деҳқончилик ва чор-

вачилиқда қўлланадиган асбоб-ускуналар эди. Ҳозирги саноатлашган давлатларда фабрикалар, офислар, саноат жиҳозлари ва шунингдек, уларни сотиб олиш учун зарур бўлган капиталнинг аҳамияти ўсиб бормоқда. Ҳозирги асосий икки синф — бу ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлганлар, яъни саноатчи ёки капиталистлар ва ҳаётини таъминлаш учун ўз меҳнатини сотадиганлар — ишчи синфи ёки Маркснинг бироз архаик атамаси билан айтганда, «пролетариат».

Маркснинг фикрича, синфлар ўртасидаги муносабатлар эксплуатация характерига эга. Феодал жамиятларда, кўпинча, деҳқонлар бевосита аристократлар учун озиқ-овқат ишлаб чиқарар эдилар. Крепостнойлар ўз соҳибларини таъминлаш учун ҳосилнинг бир қисмини беришга ёки унинг даласида маълум кун ишлаб беришга мажбур эдилар. Замоनावий капиталистик жамиятда эксплуатация манбаи унчалик аниқ эмас ва Маркс унинг табиатини аниқлашга катта эътибор қаратади. Иш куни мобайнида, дейди Маркс, ишчилар уларга маош тўланиши учун зарур бўлган миқдордан кўра кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқардилар. Бу қўшилган қиймат қўшимча даромад манбаи бўлиб, уни капиталистлар ўз эҳтиёжларига сарфлашлари мумкин. Масалан, тикув фабрикасида ишчилар гуруҳи бир кунда юз дона костюм тикиши мумкин. Уларнинг ярми сотилса, тадбиркорга ишчилар маошини тўлаш учун етарли маблағ тегади. Қолган қисмининг сотилишидан тушган маблағ фойдага айланади.

Маркс капиталистик тизим туғдираётган тенгсизликдан ҳайратда қолар эди. Аввалги замонларда ҳам аристократлар тўкин-сочинликда, деҳқонлар эса қашшоқликда яшаган бўлсалар-да, деҳқон жамоалари умуман унчалик бой эмас эди. Аристократия йўқ бўлганида ҳам, ҳаёт даражаси паст бўлиб қолаверар эди. Ҳозирги саноат даврида моддий неъматлар аввал тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган миқдорда ишлаб чиқарила бошлади. Лекин ишчилар ўз меҳнати маҳсулидан, деярли, фойдалана олмайдилар. Улар ҳали ҳам қашшоқ бўлиб қолмоқдалар, мулк эгалари бойлиги эса ошиб бормоқда. Бундан ташқари, замоनावий заводлар пайдо бўлиши ва ишлаб чиқариш механизациялашгани сари, иш жараёни монотон, ишчи юрагини зиқ қиладиган характерга эга бўлиб бормоқда. Бойлик манбаи бўлган меҳнат ишчини жисмонан ва ақлан чарчатади — бу жиҳатдан у ҳар куни бир хил ишни қайта-қайта бажариладиган эски фабрикалардаги меҳнатдан фарқ қилмайди.

Синфий тизимларнинг мураккаблиги

Маркс фақат икки синф ҳақида гапирган: ишлаб чиқариш воситалари эгалари ва мулкка эга бўлмаганлар. Лекин ҳақиқатда мавжуд бўлган синф тизимлари у таклиф этган моделдан анча мураккаблигини тушунарди. Маркс фикрича, икки асосий синфдан ташқари, яна кўчма синфлар мавжуд. Булар аввалги синф тизимларидан қолиб кетган синфий гуруҳлардир. Маса-

лан, баъзи замонавий ғарбий жамиятларда (Франция, Испания ёки Италия каби) аҳолининг катта қисмини меҳнат тарзи феодад даврдан буён ўзгармаган деҳқонлар ташкил этади.

Маркс синфлар ичидаги табақаланишга катта эътибор қаратади. Мана табақаланишга бир неча мисол:

1. Юқори синфда, кўпинча молиявий капиталист (банкир) ва саноатчилар ўртасида низолар келиб чиқади.

2. Кичик бизнес вакиллари ва йирик корпорациялар раҳбарларининг манфаатлари ҳам анча фарқ қилади. Уларнинг ҳар иккаласи капиталистлар синфига мансуб, лекин катта бизнес фойдасига олиб борилаётган сиёсат ҳар доим ҳам кичик бизнес манфаатларига тўғри келмайди.

3. Ишчилар синфи ичида доимо узоқ вақт ишсиз қолади-ганлар мавжуд. Уларнинг яшаш шароити кўпчилик ишчиларни-кидан анча оғирроқ. Одатда, бу гуруҳлар этник озчиликлар ва-килларидан иборат бўлади.

Маркс концепцияси жамият тузилишининг объектив оми-ли бўлган иқтисодий тенгсизликни кўрсатади. Синфга мансуб-лик инсонларни ўз ижтимоий аҳволи ҳақидаги тушунчалари билан эмас, бир гуруҳни бошқасига қараганда кўпроқ моддий бойликларга эга бўлиш имконини берувчи объектив шартлар билан белгиланади.

Макс Вебер назарияси

Макс Вебер ҳам, Маркс сингари олмон эди. Касаллик уни классик илмий мансабга эришишига йўл қўймади, бироқ у бирмунча давлатга эга эди ва ҳаётининг кўп қисмини илмий ишларга бағишлай олди. Вебер социологиянинг асосчиларидан бири ҳисобланади, лекин унинг қизиқишлари доираси анча кенгроқ бўлиб, тарих, ҳуқуқ назарияси, иқтисод ва диннинг кўп жиҳатларини қамраб олар эди.

Вебернинг стратификация мавзусига ёндашуви у такомил-лаштириб модификация қилган Маркс ғояларининг таҳлилига асосланади. Бу икки назария ўртасида икки муҳим фарқ бор.

Биринчидан, Вебер, Маркснинг синфлар объектив иқти-содий аҳвол билан боғлиқлиги ҳақидаги тасавурларига қўшил-ган ҳолда, синфлар шаклланишига Маркс кўрсатганидан анча кўпроқ омиллар таъсир қилади деб ҳисоблаган. Вебер фикрича, синфларга бўлиниш фақатгина ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлиш ёки бўлмаслик эмас, балки мулк билан бевосита боғлиқ бўлмаган иқтисодий фарқлар билан ҳам белгиланади. Бу омилларга биринчи ўринда, инсоннинг бирор ишни бажара олиш-олмаслигини белгиловчи маҳорат ва малака киради. Про-ффессионаллар ва бошқарувчилар тоифасига кирувчи шахслар ҳам ишга ёлланадилар, лекин уларнинг маошлари ва иш шаро-итлари ишчиларникига қараганда яхшироқ. Малака гувоҳнома-

лари, илмий даражалар, унвонлар, дипломлар ва профессионал тайёргарлик уларга меҳнат бозорида бундай дипломларга эга бўлмаганлар олдида катта устунлик беради. Худди шу тарзда, ишчилар орасида ҳам тажрибали ва малакачиларга бошқаларга нисбатан кўпроқ иш ҳақи тўланади.

Иккинчидан, Вебер синфдан ташқари стратификациянинг яна икки муҳим жиҳатини ажратади. Бирига у статус (мавқе) деб, иккинчисига — партия деб ном берди. Амалда Вебер ўрта асрлардаги табақаларни таҳлил қилиш натижасида олган мавқе гуруҳи тушунчасини мослаштирди (немис тилида ҳар икки тушунча ҳам бир сўз — «Stand» ёрдамида ифодаланади).

Статус

Статус тушунчаси турли ижтимоий гуруҳларнинг жамиятда турли даражада обрўга эга бўлиши билан боғлиқ. Муайян мавқега эришган бошқалардан ажратиб турадиган хусусиятлари синфий бўлинишга боғлиқ бўлмаган ҳолда ўзгариб туриши мумкин: ижтимоий обрў ҳам ижобий, ҳам салбий бўлиши мумкин. Ижобий имтиёзларга эга мавқе гуруҳларига мазкур ижтимоий тизим ичида обрўга эга бўлган одамлар киради. Масалан, инглиз жамиятида врачлар ва докторлар катта обрўга эгалар. Салбий имтиёзланган мавқе гуруҳларига парий гуруҳлари киради. Айнан ўшалар, бошқа гуруҳлар учун очиқ бўлган имкониятларни чекловчи дискриминация қурбонларига айланадилар. Ўрта асрларда Европада бундай парийлар гуруҳларидан бири яҳудийлар эди. Уларга баъзи фаолият турлари билан шуғулланиш ва жумладан давлат амалларини эгаллаш ман қилинар эди.

Бойликка эга бўлиш, одатда, обрўга боғлиқ, лекин бунда кўплаб истиснолар мавжуд. Масалан: «олийжаноб камбағалларнинг» мавжудлиги бунга исбот бўла олади. Буюк Британияда аристократ оиласидан чиққан одамлар, бор мол-мулкни йўқотсалар ҳам, катта ҳурмат ва обрўга эга бўлиб қолаверадилар. Ва, аксинча, «янги бойларга» анъанавий юқори синф менсимай қарайди.

Синфга мансублик объектив кўрсаткич бўлса, мавқе, аксинча, субъектив баҳолашга боғлиқ. Синфлар, иқтисодий омиллар давлат ва даромад билан боғлиқ, мавқе гуруҳларнинг турли ҳаёт тарзи билан белгиланади.

Партия

Ҳозирги жамиятларда, дейди Вебер, синф ва статусдан қатъий назар, стратификацияга таъсир ўтказувчи партиялар ҳокимиятларнинг муҳим воситаси бўлиб қолмоқда. «Партия» — келиб чиқиши, мақсадлари ва манфаатлари бир хил бўлгани сабабли бирга фаолият юритадиган инсонлар гуруҳидир. Маркс турли статус ва партиялар шаклланишини синф тушунчасидан фойдаланиб изоҳлаган. Бироқ, Вебернинг ҳисоблашича, на статуснинг шаклланишига, на партиялар ташкил топишига фа-

қатгина синфлар нуқтаи назаридан изоҳ бериб бўлмайди. Ўз навбатида, статус ва партияга мансублик турли инсонлар ва гуруҳларнинг, яъни синфларнинг иқтисодий аҳволига таъсир қилади. Партиялар синфий фарқларга зид бўлган ҳис-туйғуларга, масалан, дин ёки миллатчилик ғояларига асосланган бўлиши мумкин. Марксистлар Шимолий Ирландиядаги католик ва протестантлар ўртасидаги низоларни синфий кураш нуқтаи назаридан изоҳлашга уринишлари мумкин, чунки ишчилар орасида католиклар кўпроқ. Лекин Вебернинг издошлари бу изоҳни қониқарсиз деб топадилар, чунки кўпчилик протестантлар ҳам ишчи синфидан келиб чиққан. Мазкур одамлар мансуб бўлган партиялар ҳам синфий, ҳам диний фарқларни ифодалайди.

Вебернинг стратификация ҳақидаги асарлари шуни кўрсатадики, инсон ҳаётига, синфий мансубликдан ташқари, бошқа стратификация турлари ҳам катта таъсир ўтказади. Кўпчилик социологлар бундай ёндашувга қўшиладилар, чунки Вебер схемаси стратификация таҳлили учун Марксникига қараганда мослашувчан ва такомиллашган асос яратади.

Замонавий синф назарияси

Маркс ва Вебер ғоялари замонавий социологияда модификациялашган кўринишда кенг қўлланилади. Маркс назарияси издошлари Маркс ғояларини, Вебер издошлари эса унинг концепциясини ривожлантириш билан бандлар. Бу назариялар кўп жиҳатлардан ўхшаш бўлгани ва бир-бирини тўлдириб туриши сабабли, уларни умумлаштирувчи янги назариялар пайдо бўлмоқда. Икки замонавий назарий конструкцияга мурожаат қилиб бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Эрик Олин Райт: синфлар назарияси

Америкалик социолог Эрик Олин Райтнинг нуқтаи назари кўп жиҳатдан Маркс таълимотига асосланади, бироқ Вебернинг ҳам бир қатор ғояларини ўз ичига олади.³ Райт концепциясига кўра, замонавий капиталистик ишлаб чиқаришда иқтисодий ресурслар устидан назоратнинг уч тури мавжуд. Уларга асосланиб асосий синфларни аниқлаш мумкин.

1. Инвестициялар ва молиявий капитал устидан назорат.
2. Ишлаб чиқариш воситалари (ер, корхоналар, бинолар) устидан назорат.
3. Ишчи кучи ва ҳокимият устидан назорат.

Аҳолининг капиталистлар синфига мансуб бўлган қисми улардан ҳеч бўлмаганида бирини назорат қилади. Ишчи синфи вакиллари бирор нарсани назорат қилишдан маҳрумлар. Лекин,

³ Wright E. O. *Class, Crisis and the State*. London, 1978; Wright E. O. *Class*. London, 1985.

бу асосий синфлардан ташқари, шундай гуруҳлар борки, уларнинг ҳолати ноаниқ. Бундай одамларга, дейди Райт, тескари синфий ҳолат хосдир, чунки улар ишлаб чиқаришнинг баъзи жиҳатларига таъсир ўтказа олади, бошқалари устидан эса назоратдан махрумлар. Масалан: ақлий меҳнат бажарувчилар, «оқ ёқалилар» худди ишчилар сингари ўз меҳнатини тадбиркорга сотади. Лекин улар ўз меҳнат шароитларини ишчиларга қараганда кўпроқ назорат қилиш имкониятига эгалар. Райт бундай ҳолатни «тескари» дейди, чунки бундай хизматчилар на капиталист, на ишчи синфига мансуб эмаслар, лекин ҳар иккала-сига ўхшаш жиҳатларга эгалар.

Фрэнк Паркин: Веберга ёндашув

Британиялик муаллиф Ф.Паркин томонидан таклиф этилган ёндашув Марксникидан кўра кўпроқ Вебер таълимотига асосланган.⁴ Паркин ҳам Вебер сингари, Маркснинг синфий структура негизи ишлаб чиқариш воситаларига эгаликдан иборат, деган фикрига қўшилади, лекин унинг фикрича, мулк озчилик томонидан монополлаштириб олиниб, ҳокимиятга эришишда фойдаланиладиган ижтимоий тўсиқлардан фақатгина биттасидир. Ижтимоий тўсиқлар қўйиш гуруҳларнинг ишлаб чиқариш воситаларини назорат қилишда яққаҳокимликка эришиш учун қилган ҳаракатлари, дея таърифланиши мумкин. Бойлик ва ишлаб чиқариш воситаларига эгаликдан ташқари, ижтимоий тўсиқлар ўрнатиш учун, Вебер фикрича этник мансублик, тил ёки дин каби статус фарқларидан фойдаланиш мумкин.

Ижтимоий тўсиқлар шаклланиши негизда икки тур жараён етади. Биринчиси — ажратиш стратегияси. Унинг ёрдамида гуруҳлар моддий ресурсларга бегоналар етишишининг олдини оладилар. Масалан: АҚШдаги оқ танлилар касаба уюшмалари, имтиёзларини сақлаб қолиш мақсадида, ўз сафларига қора танлиларни киритмас эдилар. Иккинчи тур — узурпацияга — камроқ имтиёзга эга бўлган табақаларнинг бошқаларга тегишли ресурсларни эгаллаб олишга интилишлари киради: қора танлиларнинг касаба уюшмаларида тенгхуқуқлик учун кураши шу тарзда ўтган.

Баъзи шароитларда ҳар иккала стратегияни биргаликда қўллаш мумкин. Касаба уюшмалари, масалан, иш берувчиларга нисбатан узурпатор стратегиясини қўллай туриб, фирма даромадларидан каттароқ улуш олиш мақсадида намойишлар уюштирадилар. Улар ўз сафларига этник гуруҳлар вакилларини киритмаслиги мумкин. Паркин буни қўш тўсиқ деб атайди. Бу борада Паркин ва Райтнинг қарашлари ўхшашдир. Қўш тўсиқ ҳам Райт тескари синфий ҳолатни таҳлил қилишда қўриб чиққан жараёнларни акс эттиради. Бу иккала тушунча ҳам шундан

⁴ *Parkin F. Class Inequality and Political Order. London, 1971; Parkin F. Marxism and Class Theory: A Bourgeois Critique. London, 1979.*

далолат берадики, стратификация тизимининг ўртасида жойлашганлар юқоридан кўз узмайдилар, қуйидагиларни эса ўзларидан узоқлаштиришга интиладилар.

Фарб жамиятларидаги синфлар бугунги кунда

Баъзи муаллифлар бугунги кунда синфлар ўз аҳамиятини йўқотган деб ҳисоблайдилар. Улар бундан бир ярим аср аввал, саноат капитализми шаклланиши даврида, синфий фарқлар катта аҳамиятга эга бўлган, деган фикрга қўшилидилар. Ҳатто, марксистик назарияларга ўта танқидий ёндашадиганлар ҳам ишчилар ва иш берувчилар ўртасида ўтакетган тенгсизлик мавжуд бўлганини эътироф этадилар. Бироқ, у пайтдан буён саноат давлатларида бу тенгсизлик анча камайган деб ҳисобланади. Бойлардан ундириладиган солиқлар ва камбағалларга тўланадиган нафақалар юқори ва қуйи синфлар ўртасидаги фарқни анча камайтиради, бундан ташқари, энди таълим барча учун очиқ бўлган пайтда, қобилиятга эга бўлган ҳар қандай одам иқтисодий ва ижтимоий зинанинг энг юқори поғонасига ўзи кўтарилиши мумкин.

Аслида бу ҳолат ҳақиқатдан йироқдир. Синфий фарқлар таъсири, эҳтимол, Маркс ҳисоблаганидан кўра кўпроқ соҳаларга таъсир қилмайди. Ҳатто, ташқи кўринишдаги фарқлар ҳам синфий мансублик билан ўзаро боғлиқ. Ишчи синф вакилларининг фарзандлари юқори синф вакиллариникидан кўра енгилроқ туғилади, секинроқ ўсади, кўпроқ касал бўлади ва эртароқ ҳаётдан кўз юмади. Юрак-томир касалликлари, рақ, диабет, пневмония ва бронхит каби касалликлар синфий структуранинг қуйи поғоналарида кенгроқ тарқалган.⁵

Бойлик ва даромад даражасидаги фарқлар

Маркс фикрича, етук саноат капитализмида озчиликнинг бойлиги ва кенг омманинг қашшоқлиги ўртасидаги фарқ ўсиб боради. Унинг ҳисоблашича, ишчининг маоши ҳаёт учун зарур бўлган миқдордан ҳеч қачон ошмайди, капитал эгалари қўлида эса тобора кўп бойлик тўпланиб боради. Жамиятнинг қуйи табақаларида, айниқса, ишсизлар орасида, қашшоқлик, оғир меҳнат, куллик, саводсизлик, шафқатсизлик, руҳий деградация ўсиб бораверади. Биз кўрамизки, Маркснинг саноат давлатларида қашшоқлик ва моддий ресурсларнинг тақсимланишида тенгсизликнинг доимийлиги ҳақидаги фикри ҳақиқатга яқин. Лекин унинг асосий аҳолининг даромадлари паст бўлиб қолавериши, бойлар ва камбағаллар ўртасидаги фарқнинг каттайиб


⁵ Zola I. and Kosa J. (eds). *Poverty and Health: A Sociological Analysis*. Cambridge, 1975; Luft H. S. *Poverty and Health: Economic Causes and Consequences of Health Problems*. Cambridge, 1978; Waitzkin H. *The Second Sickness: Contradiction of Capitalist Health Care*. Cgicago, 1986.

бориши борасидаги фикрлари янглиш эди. Фарбий давлатларда аҳолининг катта қисми моддий жиҳатдан Маркс давридагидан кўра яхшироқ таъминланган. Бу қандай ва нима учун содир бўлганини тушуниш учун, охириги юз йилда даромад ва бойлик тақсимланишида юз берган ўзгаришларни кўриб чиқиш керак.

Бойлик — маълум инсонга тегишли бўлган давлат — акциялар, маблағлар, кўчмас мулк, яъни сотиш мумкин бўлган ҳар нарса. **Даромад** бажарилган меҳнат учун олинган ҳақ, **фоиз** ва дивидентлар каби «ишлаб топилган» маблағдан иборат. Кўпчилик ўз меҳнати учун оладиган маош ҳисобига яшаса, бойлар даромадининг асосий қисмини инвестициялардан олади.

Бойлик

Бойликнинг тақсимланиши ҳақида ишончли маълумот олиш қийин. Бу борада статистик маълумотлар тўла ишончли бўлмайди ва кўп нарса ҳақида фақатгина тахмин қилиб гапириш мум-



4-расм. Буюк Британия аҳолиси турли гуруҳларининг шахсий бойлиги, 1987. Манба: New Society, 24 April. 1987. P. 44.

кин. Бойлар одатда, ўз активлари ҳақидаги маълумотни эълон қилмайдилар, камбағаллар ҳақида эса биз кўпроқ маълумотга эгамиз. Аниқ бўлган нарса шуки, бойлик озчилик кўлида жамланган. Буюк Британияда шахсий бойликларнинг 21%и аҳолининг энг бойи бўлган 1 %ига тегишли. Ва миллий бойликнинг фақатгина учдан бир қисми аҳолининг 80 фоизига тегишли. Қимматбаҳо қоғозларнинг тақсимланиши бундан ҳам нотекисдир. Бирлашган қиролликда 1 фоиз аҳоли хусусий корпорацияларнинг 75 фоиз акцияларига эга, 5 фоиз аҳоли барча акцияларнинг 90 фоизига эгалик қилади. Икки йил аввал бу кўрсаткич 14 фоизни ташкил қилар эди. Кўпчилик консерваторлар ҳукумати ўз дастурини амалга оширишни бошлаганидан сўнг биринчи бор акция сотиб олди, деган фикрга бориш мумкин. Каттароқ даврни олиб қарайдиган бўлсак, жуда катта ўзгаришларни кузатамиз. 1979 йилда аҳолининг фақатгина 5 фоизи акцияларга эга эди. Кўпчиликнинг акциялари, 1987 йилги нархлар билан ҳисоблаганда 1 минг фунт стерлингдан озни ташкил қилар эди. Компанияларнинг акцияларга эгалик қилишини олиб қарасак, у индивидуал эгаликдан ҳам тезроқ ўсган.

Даромад

Ғарб давлатларида сўнгги юз йил мобайнида содир бўлган энг катта ўзгаришлардан бири — иш билан банд аҳолининг реал даромадининг ўсганлигидир (реал даромад инфляцияни ҳисобга олиб ҳисобланган даромад; у турли йиллардаги даромадни ҳисоблаш учун стандарт вазифасини ўтайди). Ҳозирги кунда ишчи аср бошидагига қараганда 3—4 баробар кўпроқ ҳақ олади. Бошқарувчилар ва ақлий меҳнат билан шуғулланадиганлар даромади эса бундан ҳам кўпроқ ошган. Аҳоли даромади ва унга сотиб олиш мумкин бўлган нарсаларни ва хизматларни баҳолайдиган бўлсак, инсонларнинг аксарияти ҳозирги кунда одамзод тарихида ҳар қачон бўлганидан кўра бойроқ яшамокда. Даромадлар ўсишининг асосий сабабларидан бири — янги саннат технологиялари билан боғлиқ бўлган меҳнат *унумдорлигининг* ортишидир. Бир ишчи томонидан ишлаб чиқарилган товар ёки кўрсатилган хизматлар қиймати 1900 йилдан буён тўхтовсиз ошиб келди.

Бироқ, даромад ҳам, бойлик каби ўта нотекис тақсимланган. Британияда «юқоридаги» 5 фоиз аҳоли умумий даромаднинг 18 фоизини, 20 фоиз аҳоли — 42 фоизини олади, қуйи табақага мансуб бўлган 20 фоиз аҳоли эса умумий даромаднинг фақатгина 5 фоизига эга (1985 йил кўрсаткичлари). Кўпчилик ғарбий давлатларда ҳозирги кунда даромад ярим аср аввалгидан кўра текисроқ тақсимланади (жадвалга қаранг). АҚШда бу тенденция анча яққол кўринмайди.

3-жадвал. Буюк Британияда ликвид моддий қийматларнинг тақсимланиш динамикаси

Аҳолининг энг бой қисми	Моддий қийматларнинг уларга тегишли бўлган қисми			
	1976	1981	1986	1989
1%	21	18	18	18
5%	38	36	36	38
10%	50	50	50	53
25%	71	73	73	75
50%	92	92	90	94
Моддий қийматларнинг умумий миқдори (млрд. фунт стерлинг)	280	565	955	1578

Изоҳ: 1976, 1981 ва 1986 йил маълумотлари ўша йилларда вафот этган одамларнинг мулкани баҳолашга асосланиб келтирилган. 1989 йил учун маълумотлар 1989—90 йилларда тузилган васиятномаalarda кўрсатилган мулк баҳосидан келиб чиқади. Шунинг учун бу маълумотларнинг таққосланишини жуда аниқ деб бўлмайди. Фоиз кўрсаткичлари ва умумий бойлик кўрсаткичлари балоғатта етган шахсларга нисбатан келтирилган.

Манба: Social Trends, 22.1992

Сўнгги 25 йил ичида бу борада, деярли ўзгаришлар бўлмади. Америкалик бойлар жуда катта давлатга эга бўлганликлари учун у ерда бойлар ва камбағаллар ўртасидаги фарқ кўплаб индустриал давлатларда бўлганидан анча каттароқ.

Юқорида тилга олинган барча тўрт назарийётчининг фикрлари бир жиҳатдан бир-бирига мос келади: моддий бойликлар, айниқса, капитал, синфлар тизимининг асосий кўрсаткичидир. Энди Британ жамиятида мавжуд бўлган асосий синфий фарқланишларни кўриб чиқайлик.

Юқори синф

Британиянинг юқори синфи катта мулкка эга бўлган нисбатан оз сонли шахс ва оилалардан иборат, тахминий ҳисобларга кўра, бу — аҳолининг 1 фоизи. Юқори синф ичида «эски» ва «янги» пул эгалари ўртасида аниқ чегара мавжуд. Мулки авлоддан авлодга ўтиб келган оилалар ўз кучи билан бойиб кетганларга менсимай қарайдилар. Баъзи ҳолларда бу икки категория қўшилиб кетади, лекин оддий халқдан чиққанлар аристократлар доирасига киритилмайди.

Мулк, Маркс ва Вебернинг таъкидлашларича, ҳокимият беради, шунинг учун ҳукуматнинг юқори поғоналарида юқори синф вакиллари бошқаларга қараганда анча кўпроқ, уларнинг таъсир кучи қисман ишлаб чиқариш воситалари устидан назоратдан келиб чиқади, қисман сиёсат, таълим ва маданият соҳаларида юқори мансабларга эришиш имконияти билан белги-

ланади. Стэнворт ва Гидденс шуни аниқладиларки, 1850 йилдан 1970 йилгача йирик компаниялар раҳбарлари ичида юқори синфдан келиб чиққанлар сони ўзгармаган ва, тахминан, 66 фоизни ташкил этади.⁶

Жонн Скоттнинг фикрича, XIX асрда Буюк Британиянинг юқори синфида уч гуруҳ мавжуд эди: йирик ер соҳиблари, молиячилар ва саноатчилар⁷. Биринчи гуруҳдагилар ўзларини аристократия деб ҳисоблар эди, лекин кейинги юз йил ичида улар энг муваффақиятли молиячиларни ҳам шу тоифага бошладилар. Корхоналари Шимолда жойлашганларни улар ўзларидан узоқроқ масофада ушлаб туришар эди, лекин вақт ўтиб, саноатчиларнинг бойликлари ортгани сари, уларни ҳам “ўзимизники” деб ҳисоблай бошладилар. Асрнинг охирига келиб саноатчиларнинг ерга ва суғурта компанияларига қилган инвестициялари кўпайди, ер соҳиблари эса фирмаларда раҳбарлик қила бошлади. Скоттнинг ҳисоблашича, юқори синфнинг турли гуруҳлари кўшилиши XX асрда ҳам давом этди, лекин барча зиддиятлар бартараф этилганча йўқ ва баъзи фарқлар сақланиб қолди. Масалан, Ситининг молиявий раҳбарлари саноат корпорациялари раҳбарлари билан тил топиша олмайдилар, бир гуруҳ учун манфаатли бўлган сиёсий ҳаракатлар эса бошқаларни қониқтирмайди. Ер соҳиблари, юқори синфнинг алоҳида гуруҳи сифатида бутунги кунда деярли йўқолиб кетди. Уларнинг ерлари жамоат мулкига айлантирилди.

Британия жамияти мерос қолган мулкнинг ролига катта аҳамият бермайди. Гэллап институти томонидан 1986 йилда сўров қилинганларнинг 45 фоизи бойликка эришишнинг (ва уни сақлаб қолишнинг) энг яхши йўли — бу мерос олиш ёки “яхши” ота-оналар фарзанди бўлиш деб ҳисоблашган. АҚШда аксинча, респондентларнинг 43 фоизи бойликка меҳнат орқали эришиш мумкин деб ҳисоблайди.

Ўрта синф

“*Ўрта синф*» тушунчаси турли фаолият соҳалари вакиллари ўз ичига олади. Турли нуқтаи назарларга кўра, бугун Буюк Британия аҳолисининг аксарияти айнан шу синфга мансуб, чунки “оқ ёқалилар” учун иш ўринлари сони ишчиларникидан фарқли ўлароқ ошиб бормоқда (15-боб, “Меҳнат ва иқтисодий ҳаёт”).

Ўрта синф ичида учта асосий тоифани ажратиш мумкин. *Эски ўрта синф* — бу кичик бизнес вакиллари, майда дўкон соҳиблари ва фермерлардир. Бу тоифа вакиллариининг сони сўнгги юз йил мобайнида доимо ўзгариб турган, лекин улар ҳозиргача иш билан банд аҳолининг катта қисмини ташкил қилади.

⁶ Stanwoyth Ph. and Ciddens A. (eds). *Elite and Power in British Society*. Cambridge, 1974.


⁷ Scott J. *Who Rules Britain*. Cambridge, 1992.

Хафталик маошингиз қанча? (фунт стерлингда)



Кам маош тўланадиган тоифалар

Хафталик маош оладиган ходимлар улуши (фунт стерлингда)



5-расм. Буюк Британияда 1986 йилдаги турли ишлар учун иш ҳақи даражаси. Аёллар ва эркаклар, бир хил ишни бажарсалар ҳам, ҳар хил иш ҳақи олишлари мумкин. Иккинчи расмда аёллар эркакларга қараганда анча озроқ маош олишлари кўрсатилган: аёлларнинг 46 фоизи ва эркакларнинг фақатгина 13,5 фоизи ҳафтасига 120 фунтдан кам ҳақ оладилар.

Манба: New Society, 24 April. 1987. PUU

Майда бизнес йирик бизнесга қараганда беқарордир ва кўпинча очилганидан сўнг икки йил мобайнида ёпилиб кетади. Буюк Британияда майда бизнесга қўл урганларнинг фақатгина 20 фоизи ўз ишларини 5 йилгача давом этказади. Майда фирма ва дўконлар кўпинча йирик компаниялар, супермаркетлар ва ресторанлар билан рақобатлаша олмайдилар. Ва эски ўрта синф кўпчилик (жумладан Маркс) тахмин қилган даражада қисқариб кетмаганига ягона сабаб шуки, ўз бизнесини ташкил қилишга уриниб кўрадиганлар қўлаб топилиб туради. Шунинг учун бу соҳани тарк этганлар ўрнига доимо бошқалар келади. Майда тадбиркорларнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари турличадир. Бир қатор давлатларда, масалан Францияда, уларнинг кўпчилиги ўта реакцион ўнг партияларни қўллайдилар.

Юқори ўрта синф, асосан, менежерлар ва юқори малакали мутахассислардан иборат. Бу тоифага қўлаб одамлар киради ва уларнинг сиёсий қарашларини умумийлаштиришда катта эҳтиёткорлик талаб қилинади. Уларнинг кўпчилиги олий маълумотга эга ва улар ичида, айниқса мутахассислар ҳақида гапирадиган бўлсак, либерал қарашларга эга бўлганлар сони каттадир.

Қуйи ўрта синф — бу янада хилма-хил тоифадир. Унга ташкилот хизматчилари, сотувчилар, ўқитувчилар, тиббий ҳамширалар ва қўлаб бошқалар киради. Қуйи ўрта синф вакиллари-нинг кўпчилиги, иш шароитлари ишчиларникига кўп жиҳатдан ўхшаш бўлса-да, улар бошқача сиёсий қарашларга эга.

Райт ва Паркин концепциясида ўрта синфнинг хилма-хиллигига алоҳида эътибор берилади. Ўрта синф «қўш тўсиқнинг» «қарама-қарши» ҳолатида туради. Уларга юқоридан ва қуйидан таъсир ўтказилади. Қуйи ўрта синфнинг кўпчилик вакиллари бойроқ табақа вакиллари-нинг кадриятларига ихлосманд бўладилар, бироқ уларнинг даромадлари анча пастроқ бўлади.

Ишчилар синфи

Ишчилар синфини асосан жисмоний меҳнат билан банд бўлган одамлар ташкил қилади. Ишчилар синфи ичида ҳам профессионал малакага асосланган аниқ бўлиниш мавжуд. Малакали ишчилардан иборат бўлган юқори ишчи синф «ишчи аристократия» деб юритилади. Унинг вакиллари юқорироқ даромад, яхшироқ иш шароитлари ва кўпроқ бандлик кафолатларига эгадирлар.⁸ Янги технологиялар пайдо бўлиши баъзи касб эгаларига салбий таъсир ўтказган бўлса ҳам, умуман олганда, малакали ишчиларнинг иш шароитлари сўнги йилларда яхшиланди. Уларнинг маошлари нисбатан юқори, иш билан бандлиги мунтазам ва малакасиз ишчиларникига қараганда ишсизлик даражасига камроқ боғлиқдир.

Қуйи ишчи синф малакасиз ва ярим малакали, махсус тай-

⁸ Mackenzie G. The Aristocracy of Labour: The Position of Skilled Craftsmen in Tge American Class Structure. Cambridge, 1973.

ёргарлик талаб қилмайдиган иш билан банд бўлади. Одатда, бундай меҳнатга кам ҳақ тўланади ва бандлик кафолатланмайдиган. Ишчилар бандлиги вақт кўрсаткичига қараб — тўлиқ ва ярим иш куни — кафолат даражасига қараб фарқланади. Иқтисоднинг марказий ва периферия соҳалари ўртасидаги фарқлар буни аниқ кўрсатишга имкон беради. Марказий соҳаларда ишчилар тўлиқ иш куни давомида ишлайдилар, нисбатан юқори-роқ маош оладилар ва ўзларининг иш билан бандлиги узоқ муддат кафолатланади. Периферия соҳаларида эса иш доимий эмас, иш ҳақи кам ва ишчиларнинг кўпчилиги ярим иш куни давомида ишлайдилар. Марказий секторларда асосан малакали ишчилар ишлайдилар: улар асосан эркаклардир ва кўпинча бу соҳаларда кучли касаба уюшмалари мавжуд. Қолган ишчилар перифериал соҳаларда ишлайдилар, бу соҳаларда касаба уюшмалари кучсиздир. Ишчилар синфида асосий чегара чизиғи этник кўпчилик ва имтиёзларга эга бўлмаган этник озчилик ўртасидан ўтади. Улар жамиятнинг қуйи табақаларини (underclass) ташкил этади. Бу табақа вакиллари оғир шароитларга эгалар, уларнинг турмуш даражаси кўпчилик аҳолиникидан сезиларли даражада паст. Уларнинг кўпчилиги узоқ вақт ишсиз қоладилар. Буюк Британияда қуйи синфлар деярли бутунча Осие мамлакатларидан келиб чиққан қора танлилардан иборат. Баъзи Европа давлатларида бу секторнинг асосий қисмини 60—70 йиллардаги гуллаш даврида Фарбга иш излаб кўчиб борганлар ташкил этади. Бунга мисол — Франциядаги жазойирликлар ва Германиядаги турклар.

Синфий онг борасидаги тадқиқотлар, турли ёндошувлар

Синфий онг, яъни инсонларнинг синф ва синфий бўлиниш ҳақида фикрлашига кўплаб тадқиқотлар бағишланган. Бу тадқиқотларда турли стратегиялардан фойдаланилади.

Обрў-эътиборни аниқлаш

Бу услуб респондентлар бошқа инсонларни қайси синфга мансуб деб ҳисоблашларини аниқлашга йўналтирилган. Бу турдаги энг машҳур тадқиқотлардан бири У. Ллойд Уорнер ва Пол Лант томонидан АҚШнинг Массачусетс штатининг Ньюберипорт шаҳарчасида олиб борилган⁹. Бу шаҳар аҳолисидан жамият ичидаги синфий бўлиниш ҳақидаги фикрларни аниқлаш мақсадида кўплаб интервьюлар олинган. Респондентлар «пуппи болалар», «камбағал, лекин ростгўй» ва «ҳеч ким» туридаги таърифлардан фойдаланганлар, олинган жавобларга асосланиб жамият 6 синфга ажратилди: юқори, ўрта ва қуйи синфлар, уларнинг ҳар бири яна иккига бўлинар эди.

⁹ Warner W. L. and Lunt P. The Status System of a Modern Community. New Haven, 1947; Warner W. L. et al. Social Class in American, 1949.

Уорнердан сўнг ҳам бу услубдан кўп бора фойдаланилган, бироқ унинг бир сезиларли камчилиги бор: у фақатгина кичик жамиятларда самарали натижа бериши мумкин. Бундан ташқари, бундай ёндашувда икки бири-биридан фарқли бўлган тушунчалар — синф ва синфий онг — бирлашиб кетади. Синфий фарқлар жамият тан олиними ёки олинмаслигидан қатъий назар мавжуд бўлади.

Субъектив услуб

Субъектив услубда одамдан у ўзини қайси синфга мансуб деб ҳисоблаши сўралади. Биринчи бундай тадқиқот АКШда Ричард Сентерс томонидан ўтказилган¹⁰. Сентерс «Форчун» журнали томонидан ташкил этилган жамоатчилик фикри сўрови натижаларидан фойдаланган. Шу нарса маълум бўладики, америкаликларнинг 80 фоизи ўзини ўрта синфга мансуб деб ҳисоблар экан. Сентерснинг таъкидлашича, респондентларга фақатгина уч хил жавоб таклиф этилган: юқори, ўрта ва қуйи синфлар. У шундай хулоса чиқардики, агарда тўртинчи жавоб сифатида «ишчи синф таклиф этилганида, жавобларнинг ярмида шу синф кўрсатилган бўлиши мумкин эди.» Лекин «қуйи синф, деб жавоб беришда одамлар бир оз ноқулайлик сезар эдилар. Умуман олганда бундай сўров натижаларини баҳолаш қийин, чунки жавоб саволнинг қўйилишига боғлиқ.

4-жадвал. 1986 йилда Буюк Британияда аҳолининг ўзини қайси синфга мансуб деб билиши

Ижтимоий синф (% ҳисобида)	Мен ўзим	ота-онам
юқори ўрта	1	2
ўрта	24	17
юқори ишчи	21	12
ишчи	48	59
камбағал	3	8
билмайман/ жавоб йўқ	3	2

Манба: Social Trends. London, HMSO, 1987. P.16

Шунга қарамай, яқинда Мэри ва Роберт Декменлар (1983) Сентерс услубининг ижобий томонларидан фойдаланишга ҳаркат қилдилар. Улар Мичиган университети томонидан ўтказилган умумхалқ сўровининг натижаларини таҳлил қилиб чиқдилар. Одамлардан ўзини қуйидаги қайси синфга мансуб деб билишлари сўралган: камбағал, ишчи синф, ўрта, юқори ўрта ёки юқори. Жавоб берганларнинг фақатгина 3%и бу синфлардан қайси бирига мансублигини айтолмадилар. Қолган жавоблар қуйидагича эди: камбағал — 8%, ишчи синф — 37%, ўрта

¹⁰ Centers R. The Psychology of Social. Princeton, 1949.

синф — 43%, юқори ўрта — 8%, юқори — 1%. Синфларнинг касбий тоифаларга чамбарчас боғлиқлиги аниқланди. Масалан, йирик тадбиркорлар, врачлар ва юристлар бир овоздан юқори ўрта ёки юқори синдф дея жавоб беришар эди, оқ ва қора танлилар жавоблари ўртасида сезиларли фарқ йўқ эди.

Синфий тузилма ҳақида тушунча

Синфий онгни ўрганишнинг учинчи услуби синфий структура ҳақидаги тушунчани таҳлил қилишга қаратилган. Бундай тадқиқотлар натижасида кўп маълумот олинди, чунки улар одамларнинг синфий фарқлар табиати ва келиб чиқиши ҳақидаги фикрларини кўрсатади. Баъзан, масалан, синдф тушунчасининг ўзи эмас, синфий онгнинг муҳим томонларини кўрсатувчи ҳолат ёки дунёқараш қўлланилади. Масалан, юқори ўрта ва юқори синдфга мансуб бўлганлар умуман синдфлар мавжудлигини инкор этадилар. Социология нуқтаи назаридан бу инкор маълум синфий онгнинг ифодасидир. Бундай одамлар, одатда ижтимоий дунёдаги юксалиш имкониятини барча учун тенг бўлган ҳолатлар иерархияси деб баҳолайдилар. Уларнинг стратификация ҳақидаги тушунчаси ўз тажрибаларини ифода этади, лекин бутун жамиятга экстраполяция қилинади.

Бошқа томондан, синфий структуранинг қуйи поғоналари вакиллари стратификацияга «биз» ва «улар» қарама-қаршилиги нуқтаи назаридан қарайдилар. «Улар» — бу ҳокимиятга эга бўлган амалдорлар, босслар, бошқарувчилар. «Биз» — бу ишдаги тобелик ва ҳаётдаги нисбатан ҳуқуқсизлик нуқтаи назаридан бир хил ҳолатни эгаллаган ҳокимият объектлари. Синфий структура ҳақидаги тушунчалар таҳлил қилинган классик асар 60-йилларда Дэвид Локвуд томонидан ёзилди¹¹. Унинг ҳисоблашича, инсонларнинг синфий структураси тушунчаси уларнинг турмуш шароитидан келиб чиқади. Уларнинг синфий тизимни тушунишларини иш доираси, маҳаллий жамият, яшаб турган шахри белгилайди. Локвуднинг асари ишчи синдфга тегишли бўлиб, бу синфнинг жамият синфий структураси борасидаги тушунчаларини уч турга бўлди.

Пролетар анъанавийлик саноатлашган мамлакатларда яшовчи гуруҳларга хосдир. Улар аҳолининг қолган қисмидан ажратилган бўлиб, ўхшаш шароитларда ва қалин ҳамкорликда ишлайдилар. Жанубий Уэльсдаги шахтёр шахарчалари бунга мисол бўла олади. Бундай жамиятларда одатда ишчи синдф ичида бирдамлик тез ҳосил бўлади. Бундай фикрлар эгалари ижтимоий дунёга «биз» ва «улар» ўртасидаги фарқ нуқтаи назаридан қарайдилар. Улар одатда касаба уюшмаларининг ашаддий аъзоларидир.

Эҳтиромли анъанавийлик ҳар хил шароитда яшаб ишлайдиган ишчи синдфга, масалан, қишлоқ хўжалиги ишчиларига хос-

¹¹ Lockwood D. The Blackcoated Worker: A Study in Consciousness. London, 1966.

дир. Улар синфий структурага ижобийроқ қарашга эгадирлар. Уларнинг фикрича, бу дунёда ҳар ким ўз ўрнини билади, мавжуд бўлган ижтимоий фарқланиш фақатгина қобилият ва маъсулият даражасини акс эттиради ва демак, ўринлидир. Бундай одамлар ўз бошлиқларини ҳурмат қиладилар ва синфий иерархияни легитим ва зарур деб ҳисоблайдилар. Кўпчилик бундай ишчилар касаба уюшмаларига бефарқ ёки салбий муносабатда бўладилар.

Ишчи — мулк эгаларининг қарашлари юқоридагилардан тубдан фарқ қилади. Улар бошлиқлардан ва анъанавий ишчи шаҳарчалардан узоқда шаҳар четларида ўз уйларида яшайдилар ва «индивидуалист» қарашларга эгалар. Улар учун иш фақатгина ўзини ва оиласини яхшилаб таъминлаш учун воситадир ва синфий идеалларга улар ортиқча қизиқиш кўрсатмайдилар. Голдторп, Локвуд ва уларнинг ҳамкасабалари томонидан автомобил саноати ишчилари орасида ўтказилган тадқиқот уларнинг кўпчилиги айнан шундай қарашга эга эканликларини кўрсатади.

Локвуд типологияси кўплаб бу турдаги тадқиқотларга асос бўлди, уларнинг баъзиларида таклиф этилган тоифалар шубҳа остига қўйилди. Кўпчилик тадқиқотчилар шунини аниқладиларки, синфий тизим ҳақидаги тушунчаларни учга бўлиш Локвуд ҳисоблаганчалик аниқ эмас. Қарашлари пролетарларга хос бўлган ишчилар ҳеч ҳам бошқалардан агрессивроқ эмас эдилар. Ўз навбатида «мулк эгалари» турли норозилик намойишларида қатнашишга тайёр эканликларини билдирардилар. Бу уларнинг дунёни «биз» ва «улар»га ажратишларидан далолат беради.

Анъанавий ишчи жамоалар сўнгги ўн йилликлар давомида юз берган иқтисодий ўзгаришлар натижасида аста-секин йўқ бўлиб кетмоқдалар. Масалан, кўмир қазиб олиш ва пўлат қуйиш саноати инқирозга юз тутди. Кўплаб ишчилар эски жойларидан кўчиб кетмоқдалар, бу жараён ишга «мулкдорларча» ёндошишнинг ривожланиши билан ҳам боғлиқ. Бироқ, «биз» ва «улар»ни ажратиш сақланиб қолди, бундай дунёқараш кўплаб ишчи районларда ҳалигача ҳукм сурмоқда. Этник гуруҳлар тўлланган жойларда синфий ажратишдан ташқари этник зиддиятлар ҳам мавжуд.

Синфий тузилмадаги ўзгаришлар

Юқори синф парчаланмоқдами?

Аввал таъкидлангандек, юқори синф (барча ижтимоий синфлар қаби) ўз навбатида табақаларга бўлинади. Бироқ, баъзи муаллифларнинг фикрича, ҳозирги пайтда юқори синф ичида шунчалик фарқли табақалар мавжудки, уни ягона синфий тоифа деб аташ мумкин эмас. “XIX аср — XX асрнинг бошида, — дейди улар, — юқори синфга мансублик мулкка, яъни корхоналар, молиявий ташкилотлар ва ерга эгалик билан белгиланар

эди. Бугунги кунда эса ер ҳоқимият манбаи эмас, иқтисодда эса алоҳида шахсларга тегишли бўлмаган йирик корпорациялар ҳукм сурмоқда. Уларнинг ҳар бирида аслида компанияни бошқаришга жиддий таъсир ўтказа олмайдиган минглаб ҳиссадорлар мавжуд. Йирик корпорацияларни бошқариш уларга эгаллик қилмайдиган хизматчилар қўлида жамланган, улар — шунчаки юқори малакали мутахассислар, «оқ ёқалилар».

Шундай қилиб, Джон Голдторп таклиф қилган замонавий жамиятнинг синфий схемасида юқори синф йўқ. Голдторп «сервис-класс» деб атаган синф юқори мансабдаги менежерлар, малакали мутахассислар ва бошқарувчилардан иборат. Бошқа муаллифлар корпорацияларга индивидуал эгаллик қилиш даври тугалланиб, уларнинг ҳиссадорлик жамиятларига айланиши феноменига эътиборни қаратдилар (қаранг: 15-боб, «Меҳнат ва иқтисодий ҳаёт»). Акцияларнинг катта қисми суғурта компанияларига, нафақа ва инвестиция фондларига тегишли, бу ташкилотлар эса, ўз навбатида, кенг оммага хизмат кўрсатади. Масалан, Британия аҳолисининг 50%и хусусий нафақа фондларининг ҳиссадорларидир.

Шундай бўлса-да, жамиятнинг алоҳида қисми сифатида юқори синф мавжуд эмас деган фикр ўта мунозаралидир. Биз асарларига аввал ҳам мурожаат этган Жон Скотт таъкидлайдики, юқори синф ташқи қиёфасини ўзгартирган, лекин ўзига хос ҳолатини сақлаб қолган. Бу синф катта бизнесга Жон Скотт «манфаатлар буржи» деб атаган нарса билан боғлиқ одамлардан иборат. Йирик корпорацияларнинг юқори малакали хизматчилари, бу корпорацияларга эга бўлмаса ҳам қўлида катта ҳажмда акциялар тўпламлари мавжуд, бу эса уларни, бир томондан, оддий тadbиркорларга, бошқа томондан, «молиявий капиталистларга» яқинлаштиради. Туркумига суғурта ва бошқа молиявий ташкилотларнинг бошқарувчилари кирадиган «молиявий капиталистлар» замонавий юқори синфнинг негизини ташкил этади.

Малакали мутахассислар, менежерлар, бошқарувчилар

Бошқарув, административ ва профессионал соҳаларда банд бўлган хизматчилар сонининг ортиши замонавий жамиятда йирик ташкилотлар ролининг ўсиши билан боғлиқ. Бундан ташқари, бу ўсиш давлатнинг роли катта бўлган иқтисод соҳалари — давлат ташкилотлари, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот соҳаларида банд бўлган аҳоли сонининг ўсиши билан боғлиқ. 1991 йилда инсон ресурсларининг 25% и давлат корхоналарида ишлар эди. Кўпчилик мутахассислар — бухгалтерлар, ҳуқуқшунослар, врачлар — давлат хизматидадир.

Юқори малакали мутахассислар, менежерлар, бошқарувчилар юқори мансабларни эгаллашига асосий сабаб шуки, улар «ишонч ёрлиғи» — илмий даражалар, дипломлар ва бошқа му-

тахассислик гувоҳномаларига эгалар. Уларнинг мансаби, одатда нисбатан мустаҳкам ва даромадлидир. Шунинг учун баъзи тадқиқотчилар малакали мутахассисларни ва бошқа юқори синф вакиллари янги «профессионал бошқарув синфи» деб атайдилар. Бироқ, улар ва оддий «оқ ёқалилар» ўртасидаги фарқ бу фикрни асосли деб ҳисоблаш учун етарли эмас.

Оқ ёқалилар, кўк ёқалилар: феминизация ва пролетаризация

Бугун ноишлаб чиқариш соҳаларида банд бўлганлар сони аввалгидан кўпроқ, бироқ “Улар ўрта синф сафларини тўлдирадими-йўқми?” — деган савол социологияда кескин мунозараларга сабаб бўлмоқда. Икки жиҳат мунозаралар туғдирмоқда. Биринчидан, ноишлаб чиқариш соҳаларда янги яратилаётган иш жойларида, асосан, аёллар ишламоқда. Бу ерда бир оз оғир атама — феминизация деб юритиладиган жараён юз бермоқда. Синф ва гендер муаммоси ўта мураккаб эканлигини биз аввал ҳам таъкидлаганмиз.

Иккинчидан, бундай иш жойларидаги меҳнат шароитлари анча соддалашди, бир қатор функцияларни инсон ўрнига бажарадиган техника пайдо бўлиб, деквалификация содир бўлди. Масалан, ёзиш машинкалари, ксерокслар, кейинчалик компьютер ва матн процессорларининг пайдо бўлиши котиблар ишининг деквалификация бўлишига олиб келди: ҳисоблаш ва ёзиш каби малакалар кераксиз бўлиб қолди.

Бу иккала жараён бир-бири билан бевосита боғлиқдир. Масалан, котибият ишлари билан банд аҳоли сони қанчалик кўп бўлса, улардаги аёллар сони ҳам шунчалик кўп бўлади. Кенгайиб бораётган маркетинг, савдо ва хизмат соҳаларининг қуйи поғоналарида аёллар сони эркакларникидан ортиб кетди. Сотивчи ёки кассир иши аёллар касбига айланиб бормоқда.

20 йил аввал чоп этилган «Меҳнат ва монополистик капитал» деб номланган ўта қизиқарли тадқиқотда Гарри Брэверман дейдики, котибият ишларига қўйиладиган малака талаблари шунчалик камайиб кетдики, унинг, деярли, жисмоний меҳнатдан фарқи қолмади. Шундай қилиб, биз ўрта синф ўсиши эмас, жадаллашиб бораётган пролетаризацияга дуч келмоқдамиз. Бундай меҳнат билан банд гуруҳлар энди «ишчи синф» таркибига киритилмоқда¹².

Кўпчилик социологлар фикрича, Брэверман муболаға қилиб юборган. Баъзи касблар янги технологиялар ривожланиши натижасида деквалификация эмас, реквалификация бўлган, чунки мураккаб техника билан ишлаш учун юқори малака талаб қилинади. Масалан, бу компьютеризация билан боғлиқ баъзи фаолият турларига таалуқли. Бундан ташқари, аввал ҳам таъ-

¹² *Braverman H. Labour and Monopoly Capital: The Degradation of Work in the Twentieth Century. New York, 1974.*

кидланганидек, оилали инсоннинг синфий ҳолати умр йўлдошининг ҳолатига ҳам боғлиқ. Котиба бўлиб ишлайдиган аёл йирик бошқарувчининг рафиқаси бўлиши мумкин, бу ҳолда оила ўрта синфга мансуб деб ҳисобланади.

Ноишлаб чиқариш фаолияти соҳалари ва улардаги ишчилар борасидаги тадқиқотлар пролетаризация ғояси нуқтаи назаридан анча қарама-қарши натижалар берди. Розмари Кромитон ва Гэрет Жонс олиб борган тадқиқотда банк ходимлари, маҳаллий ҳукумат органлари вакиллари ва суғурта компанияси ходимлари қатнашдилар¹³. Шу нарса аниқландики, юқори мансабларда аёл клерклар номзоди эркакларникидан анча камроқ кўрсатилган. Тадқиқотчилар фикрича, бажарилаётган ишнинг аксарияти пролетарлаштирилган эди: ходимлар бир қатор қолоқ, эскирган фаолият турларини ҳеч қандай ташаббус имконисиз бажарар эдилар. Эркаклар бундай ҳолатдан қутилиш имконига эга эдилар. Аёлларнинг эса бундай имконияти йўқ эди, шунинг учун ҳам аёлларнинг ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган лавозимлари биринчи ўринда дисквалификацияга дуч келмоқда.

Бу хулосаларга, шунингдек, Брэверман фикрларига Гордон Маршаллнинг тадқиқотчилар гуруҳи кўшилмади¹⁴. Тадқиқотчилар бир қатор касб эгалари бўлган аёллар ва эркаклардан интервьюлар олганлар. Уларга шундай савол берилган: иш лавозимингиз ҳозир ишни янги бошлаган пайтингиздан кўра юқорироқ малака талаб қиладими? Респондентларнинг фақатгина 4%и ҳозирча иши пастроқ малака талаб қилишини айтганлар, фоиз иш жиҳатидан феминизациялашган касблар ва ноишлаб чиқариш касблари, деярли, тенг эди. Тадқиқотчилар шундай хулоса чиқардиларки, «оқ ёқалилар» жисмоний меҳнат вакилларига қараганда иш жойларида кўпроқ автономияга эга эканлар; синфий онг жиҳатидан эса улар ўзларини жисмоний иш бажарадиганлардан кўпроқ ҳолларда ўрта синфга мансуб деб ҳисоблайдилар.

Ишчи синфига таъсир ўтказган ўзгаришлар

Бугун британияликларнинг катта қисми, бошқа саноатлашган мамлакатлар фуқаролари каби, камбағалликда яшайдилар. Бу ҳақда бобнинг охирида сўз юритамиз. Аммо «кўк ёқали»ларнинг аксарияти, қачонлардир бўлганидек, қашшоқликда титраб ўтирганлари йўқ (Маркснинг бу масалага қарашлари янглиш бўлиб чиқди). Жисмоний ишчиларнинг реал даромади, яъни инфляцияни ҳисобга олиб саналган даромади 300% га ошди. Турмуш даражасининг ўсиши, шунингдек, барча синф вакилларининг истеъмол молларини сотиб олиш имкониятлари орттани билан белгиланади. Ишчиларнинг 50% га яқини

¹³ Crompton Rosemary and Caveth Jones. White Collar Proletariat. London, 1984.

¹⁴ Mavshall Covdon et al. Social Class in Modern Britan. London, 1988.

бутун ўз уйларида яшайди. Оилаларнинг катта қисми автомо- бил, кир ювиш машинаси, телевизор, телефонга эга.

Бой ишчи синф «ўрта синф жамиятига» ўтиш имконини туғдирганга ўхшайди. Эҳтимол, ишчилар ривожланиш даража- сига кўра ўрта синфга яқинлашиб қолгандир. Мазкур ғоя, со- циологларнинг мураккаб атамаларга муҳаббатини ҳисобга олиб, буржуазлашишнинг тезиси сифатида машҳурлик қозонди. Бур- жуалаш — буржуа синфига хос хусусиятларни олмоқ демак- дир, — бу марксча усулда келтирилган атама.

1960 йилларда Жон Голдторп ва шериклари ўзларининг буржуалаш — гипотезаси борасидаги машҳур тадқиқотларини олиб борганлар. Лутон шаҳаридаги автомобил ва кимё корхона- лари ишчиларининг сўровномаларига асосланган тадқиқот ма- териаллари 3 жилдда чоп этилган. Мурожаатларда у кўпроқ «ба- давлат ишчи тадқиқоти» деб юритилади¹⁵. Ҳаммаси бўлиб 223 нафар ишчи сўров қилинган, таққослаш учун 54 нафар «оқ ёқали» вакиллари танланган. Кўплаб ишчилар Лутонга яхши ҳақ тўланадиган иш излаб келганлар ва ҳақиқатда уларга кўплаб қуйи «оқ ёқалиларга» қараганда анча кўпроқ маош тўланар эди.

Кўпчилик муаллифлар фикрича, тадқиқот натижалари жуда аниқ эди — буржуалаш — тезиси сохта бўлиб чиқди. Бу ишчи- ларнинг ҳеч қандай ўрта синфга ўтиши кузатилмаган. Уларнинг барчаси (Голдторп ва гуруҳи атамаси билан) ишга «инструмен- тал» ёндашишга мойил эди, яъни иш улар учун фақат бир мақсад — кўпроқ маблағ топиш учун хизмат қилар эди. Улар- нинг иши, асосан, монотон ва зерикарли иш эди ва чин кўнгил- дан ишламас эдилар. Бўш вақтларида улар ўрта синфга қўшил- мас ва синфий зинанинг юқори поғоналарига кўтарилишга иш- тиёқ билдирмас эдилар. Пул, одатда, маълум товар ёки мулк сотиб олиш мақсадида топилар эди.

Ўшундан буён бундай тадқиқот ўтказилмаган ва шунинг учун унинг натижалари ҳозирги кунда ҳақиқатга қай даражада тўғри келиши аниқ эмас. Ҳаммага маълумки, эски анъанавий ишчи жамоалари тобора фрагментар бўлиб бормоқда ёки, уму- ман, парчаланиб кетмоқда. Бу жараёнлар қанчалик узоққа бо- ради деган савол очиқ қолмоқда. Ишчи синф аллақачон мала- кага, соҳа ва жойлашишга кўра турли табақаларга бўлинган ва бу ҳолат ўтмишдаги фарқланишнинг давомидир.

Ишчи синф ичидаги бўлиниш нафақат шахслардаги, бал- ки оилалар ўртасидаги фарқни ҳам акс эттиради. Масалан, Рэй Пал ўзининг «Меҳнатнинг тақсимланиши» деб номланган аса- рида¹⁶, Шиппи оролидаги Кентда бой ва камбағал оилалар ўртасидаги зиддиятни таърифлаган. Бой оилаларда икки ёки ундан ортиқ аъзо барқарор ишга эга; одатда бундай оилалар- нинг ўз уйи бор ва улар яхши ҳаёт кечирадилар. Камбағаллар эса ҳар қуни ҳаёт кечириш учун курашишга мажбурлар.

¹⁵ *Coldthorpe J. Affluent Worker. 3 Vols. Cambridge, 1968—69.*

¹⁶ *Pahl R. E. Divisions of Labour. Oxford, 1984.*

Умуман олганда, ишчи синфи ичидаги стратификация, синфлараро стратификация каби, нафақат профессионал фарқлар, балки истеъмол қилиш ва турмуш тарзидаги фарқ билан ҳам белгиланади. Ҳозирги жамиятлар моддий неъматлар сотиб олиш билан чамбарчас боғлиқ бўлган истеъмол жамиятларидир. Маълум маънода, истеъмол жамияти — бу синфий фарқ маълум даражада бартараф этилган, турли синфлар вакиллари бир хил телевизион кўрсатувлар томоша қиладиган «оммавий жамиятдир». Бироқ, бошқа томондан, «дид» ва турмуш тарзидаги фарқлар синфий фарқланишни кучайтириб юбориши мумкин¹⁷.

Гендер ва стратификация

Кўп йиллар мобайнида стратификация тадқиқотларида жинсий фарқланиш ўйнайдиган ролга етарли эътибор берилмас эди. Муаллифлар ўз асарларини худди аёллар умуман йўқдек ёзишар эди, ёки ҳокимият, бойлик, обрў-эътиборга эга бўлишдаги тенгсизликни таҳлил қилишда аёллар ҳеч қандай роль ўйнамайди деб ҳисоблар эдилар, бироқ гендер ўзи стратификациянинг ёрқин мисолларидан биридир. Ижтимоий ҳаётнинг маълум соҳаларида эркаклар аёллардан устун турмаган жамиятнинг ўзи йўқ.

Синфий бўлиниш ва гендер

Гендер ва стратификация тадқиқотчилари олдида турган энг муҳим муаммолардан бири қуйидагича: Гендер фарқлари синфий фарқланишда қанчалик аҳамиятга эга? Гендер фарқлари синфий тизимларга қараганда чуқурроқ тарихий томирларга эга; эркаклар қадимги овчилар жамиятлари, яъни синфсиз жамиятларда ҳам маълум устунликларга эга эдилар. Бироқ, замонавий жамиятларда синфий фарқланиш шунчалик катта аҳамият қозондики, улар, шубҳасиз, гендер фарқларидан муҳимроқдир. Кўпчилик аёлларнинг моддий аҳволи уларнинг эрлари ва оталарининг аҳволи билан белгиланади ва бу ҳолат биз бугун гендер фарқларини синф тушунчаси орқали таърифлашимиз керак дейишга асос бўла олади.

Бундай ёндошувни Френк Паркин шундай ифода этган:

Шубҳасиз, аёл статуси ишга жойлашиш имконияти, мулкка эгаллик, маош миқдори каби ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида кўплаб муаммолар келтириб чиқаради. Бироқ жинс билан боғлиқ бўлган бундай фарқларни стратификациянинг таркибий қисми деб ҳисоблаш унчалик фойдали эмас. Аёлларнинг аксарияти учун ижтимоий ва иқтисодий неъматларнинг тақсимланиши уларнинг оилалари, айниқса эрларининг аҳволи билан белгиланади. албатта, бугун аёл статусига уларнинг жинсий мансублиги билан белгиладиган умумий хусусиятлар ҳам хосдир, бироқ уларнинг ижтимоий-иқтисодий ресурсларга

¹⁷ *Bourdieu P. Distinction. Harvard, 1986.*

муносабати, одатда уларнинг ўзларининг ҳолати ёки фаолияти билан эмас, балки эрлари ва оталарининг ҳолати ва касби билан белгиланади. Агар малака-сиз ишчиларнинг хотин ва қизлари бой ер эгаларининг хотин ва қизлари билан ўхшаш хислатларга эга бўлсалар-да, улар ўртасидаги фарқлар яққол кўзга ташланади. Биз аёллар ҳаётининг жинсий мансублиги билан боғлиқ бўлган камчиликлари синфий фарқлардан келиб чиққан камчиликлардан ҳам ўтиб кетган тақдирдагина жинсни стратификациянинг муҳим жиҳати деб айта оламиз¹⁸.

Аёллар «шахсий ҳаёт» доираси билан кўпроқ чегараланган, уларнинг иши — оила, фарзандлар ва уй ҳисобланади. Бошқа томондан, эркаклар «ижтимоий соҳаларга» кўпроқ берилган, уларнинг дунёсини — пулли иш, ишлаб чиқариш ва сиёсат¹⁹ ташкил қилади.

Айнан синфий фарқлар гендер стратификациясини белгилайди, деган фикр анчадан буён мавжуд, лекин бутун бу фикр мунозаралар мавзусига айланди. Жон Голдторп синфий таҳлилнинг анъанавий усулини ҳимоя қилиб чиқди, унга кўра, аёллар маоши эркакларникига қараганда анча паст, шунинг учун аёлларни эрлари мансуб бўлган синфга киритиш мумкин²⁰. Голдторп таъкидлайдики, бу фикр сексизм мафқурасининг кўриниши эмас. Аксинча, кўплаб ишлайдиган аёлларнинг тобелик ҳолати сезилиб туради. Аёллар эркакларга қараганда кўпроқ ярим иш куни бандликка мажбур бўладилар. Улар фарзандни тарбиялаш учун ишни тўхтатишга мажбур бўладилар. Кўпчилик аёллар иқтисодий жиҳатдан эрларига қарамдир, шунинг учун ҳам уларнинг синфий мансублиги эрларининг ҳолати билан белгиланади.

Голдторпнинг далиллари бир неча йўналишда танқид остига олиниши мумкин. Биринчидан, кўплаб оилаларда иқтисодий барқарорлик ва турмуш тарзини сақлаб қолишда аёллар маошининг ҳиссаси катта. Иккинчидан, аёл мансаби эрининг ҳолатига таъсир ўтказиши ҳам мумкин. Аёллар камдан-кам ҳолларда эрларидан кўпроқ маош олсалар-да, унинг мансаби эрининг синфий мансублигини белгилашда асосий омил бўлиши мумкин. Бундай ҳолат, масалан, эр малакасиз ишчи бўлиб, хотин бирор дўконда бошқарувчи бўлиб ишлаганда юз бериши мумкин. Унда хотиннинг лавозими бутун оила ҳолатини белгилайди.

Учинчидан, кўплаб оилаларда «синфлар кесишуви» кузатилади, унда эрнинг иши юқорироқ синфий категорияга киради ёки аксинча. Бу турдаги муносабатлар деярли ўрганилмаган. Шунинг учун эрнинг иши белгиловчи омил бўлишига аниқ ишониш қийин. Баъзи ҳолларда бир оила аъзоларини реалистик равишда турли синфларга киритиш мақсадга мувофиқдир. Тўртинчидан, ягона боқувчиси аёл бўлган оилалар сони ортиб

¹⁸ Pavken F. Class Inequality and Political Order. London, 1971.

¹⁹ Elshain J. B. Public Man, Princeton, 1981.

²⁰ Coldthorpe Jonh H. Women and class analysis: in defence of the conventional view // Sociology, 17. 1983.

бормоқда. Алиментлар ҳисобига аёл уни эри билан бир хил иқтисодий даражага қўядиган даромадга эга бўлиши мумкин, бу унинг синфий мансублигини белгиловчи асосий омил бўлади.

Сўнги тадқиқотлар “аёлларнинг иқтисодий аҳволи эрларининг даромадидан келиб чиқади”, деган фикрнинг нотўғрилигини исботламоқда. Швецияда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, «синфлар кесишуви» мавжуд бўлган оилалар кенг тарқалган²¹. Кўпчилик ҳолларда эр юқорироқ мавқега эга бўлади, бироқ бунинг акси ҳам учраб туради. Тадқиқот шуни кўрсатадики, бундай оилалардаги ички муносабатларда турли синфлар элементлари мавжуд бўлади. Масалан, уйда касал фарзанд билан ким қолиши борасидаги қарор оиладаги синфий — гендер ҳолатига кўра қабул қилинар эди: агар аёл юқорироқ мансабга эга бўлса, бу мажбурият эр зиммасига юкланар эди.

Стратификация борасидаги асарларда аёллар аҳволини ўрганиш

Аёллар камдан-кам фаолият турлари таҳлили ва касб борасидаги тадқиқотларнинг бевосита объекти бўладилар. Улар ҳақида гапирилса ҳам, эркаклар фаолияти ва қарашлари ҳақидагидан анча камроқ гапирилди. Рослин Филдберг ва Эвелин Гленн синф ва гендер фарқларини ўрганишда қўлланиладиган икки концептуал моделни ажратадилар. Биринчиси — ишлаб чиқариш модели, асосан эркакларга нисбатан қўлланилади, иккинчиси — гендер модели — аёлларга²². Ишлаб чиқариш модели асосий ижтимоий алоқалар иши билан белгиланади, эркак киши оила боши бўлади ва инсон ҳаётига иш ва маош асосий таъсирини ўтказди деган тахминларга асосланади. Гендер модели ҳам оилада эркаклар етакчи роль ўйнашини тан олади, лекин унда ишлаб чиқариш асосий омил эмас. Оилавий алоқалар асосий омил ҳисобланади. Оилавий вазифаларни бажариш инсон ҳаётининг асосий жиҳати ҳисобланади.

Бандлик борасидаги баъзи машҳур асарларни таҳлил қилиб, Филдберг ва Гленн кўрсатадиларки, улар муаллифларнинг юқорида қайд этилган моделларига ортиқча берилиб кетиши олинган хулосаларни ўзгартириб юборади. Масалан, улар шу нуқтаи назардан Роберт Блаунернинг «Бегоналашиш ва эркинлик» асарини таҳлил қилганлар²³. Бу асар тўқимачилик саноати корхоналарида ишловчи аёллар ва эркаклар ишини таққослашга бағишланган. Сўров қилинганларнинг бажараётган ишлари асосан қолоқ ва зерикарли эди. Аёлларга қатъийроқ талаблар

²¹ *Leiufsvud H. and Woodward A. Women at class crossroads: repudiating conventional theories of family class // Sociology, 21. 1987.*

²² *Feldberg R. and Glenn E. N. Male and Female: Job versus gender models in the sociology of work. In: J. Siltannan and M. Stanworth. Women and the Public Sphere: A Critique of Sociology and Politics. London 1984.*

²³ *Blauner Robert. Alienation and Freedom. Chicago, 1964.*

қўйилар эди, чунки уларнинг меҳнати машиналар билан боғлиқ эди ва бу доимо юқори иш суратини сақлаб туришни талаб қилар эди. Бироқ, эркакларга қараганда оғирроқ иш шароитига эга бўла туриб, аёллар камроқ норозилик билдирар эдилар. Блаунер бу ҳолатни иш аёл ҳаётида асосий роль ўйнамаслиги билан изоҳлайди, улар учун асосийси — рафиқа ва она ролидир. Бошқача қилиб айтганда, у бундай хулқ-атворни гендер модели ичида изоҳлайди. Блаунер, эркаклар ҳақида муфассал маълумот тўплаган бўлса-да, бу изоҳнинг ҳеч қандай исботини келтирмайди. Ҳуқуқи Блаунер китобида сўров қилинганлар ичида оналар ва уй бекалари улуши қанчалиги, уларнинг уйдаги вазифалари нималардан иборатлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот топа олмайди. Аёлларга бажараётган иши ҳеч қандай таъсир ўтказмайди, деб ҳисобланар эди. Эркакларга келганда эса, уларнинг ўз ишига муносабатлари синчиклаб таҳлил қилинган. Филдберг ва Гленн қуйидаги хулосаларга келдилар.

Бир неча изоҳ ҳақиқатга яқин бўлган ҳолатда, ҳеч қандай асосиз гендер ёки ишлаб чиқариш моделига яқин бўлгани танлаб олинади... Муқобилликни излаш шу билан якунланади. Моделлар тайёр изоҳ тақдим этади ва тадқиқотчи энг осон йўлни танлайди. Бундай ёндашувда натижалар жиддий шаклда ўзгариб кетади. Яна муҳимроғи шуки, бир қатор тадқиқотлар нотўғри йўлга солинади. Ишлаб чиқариш — гендер парадигмаси асосий, ўрганиш предметини белгилловчи омилга айланиб қолади.

Гендер ва стратификацияни ўрганиш мураккаблиги

Ҳозирги кунда гендер ва стратификацияни самарали таҳлил қилиш учун мос концепциялар мавжуд эмас. Ҳам назарий, концептуал янгилликлар, ҳамда эмпирик тадқиқотларнинг янги йўналишлари зарур. Филдберг ва Гленн моделлари синф ва оила соҳалари таҳлилида аввалдан мавжуд бўлган хатоларни кўрсатиб беради. Стратификация тадқиқотларида бутун эътибор эркакларга қаратилган, уларнинг оилалари эса қандайдир «илова» ҳисобланар эди. Социологлар аёллар ҳаётини ўрганганида эса, уларнинг кўзига фақатгина шахсий соҳа — уй ва оила кўринади, деган хулосага келдилар. Аёлларнинг оилавий ҳаёти ва меҳнат фаолияти боғлиқлиги ҳақида ҳалигача ҳеч нарса маълум эмас.

Бироқ, бу йўналишда ҳам тадқиқотлар бошланмоқда. Кэтлин Герсон аёллар иш, мансаб ва оналик бурчи орасида нимани афзал кўришларини ўрганиб чиқди²⁴. Сўнгги чорак аср мобайнида одатда аёллар билан боғлиқ бўлган уй бекаси образи аста-секин ўзгара бошлаган. Анъанавий «уй бекаси» образига қарши «кўча аёли» тимсоли пайдо бўлди. Аёл — уй бекаси ва эркак — боқувчи бўлган анъанавий оилалар Британияда тобора камайиб бормоқда.

²⁴ *Cerson K. Hard Choices: How Women Decide about Work, Career and Mother Hood. Berkeley, 1985.*

Герсон ҳаётида танлаши мумкин бўлган тўртта йўлни кўрсади. Баъзилар ҳалигача анъанавий йўлни афзал кўрадилар. Улар ҳаёт мазмунини оналикда кўрадилар. Оналик улар учун ҳар қандай мансабнинг ўрнини босади. Улар камдан-кам ҳолларда ишлайдилар. Аёлларнинг бошқа бир қисми анъанавий йўналиш ва яхши маошли иш ўртасидаги йўлни танлайдилар. Улар ишга ортиб бораётган иштиёқ ва айни пайтда оналикка икки хил кайфият ҳис этадилар. Одатда бундай аёллар эрта турмушга чиқадиладар, кейинчалик эса никоҳдан кўнгли қолади ёки ажралиб кетадилар ва иш истаи бошлайдилар. Учинчи гуруҳ ноанъанавий йўлдан боради. Бундай аёллар бошидаёқ ишда юқори мансабга кўтарилишга интилишларини биладилар, шунинг учун шунга мос оилавий шароит яратиб яшашга ҳаракат қиладилар. Аввалги замонларда уларнинг кўпчилиги бу йўлдан қайтиб, оила ва фарзандлари учун мансабдан воз кечар эдилар. Бугунги кунда аёлларнинг ўз йўлларида қатъийроқ туришлари нормал ҳолатдир. Тўртинчи тур аёлларда ишлашга иштиёқ йўқолган бўлиб, уй улар учун жаннатдир. Меҳнат фаолиятининг бошида уларнинг умидлари катта бўлган, лекин ҳаёллар рўёбга чиқмагач, улар ўзларини оила билан овутадилар. Шундай қилиб, аёлларнинг қайси йўлни танлашларига турли йўналишлар, ҳис-туйғулар ва ҳаёт тажрибасининг йиғиндиси таъсир ўткази.

Ижтимоий ҳаракатчанлик

Стратификацияни ўрганар эканмиз, биз нафақат иқтисодий ва профессионал ҳолатлар фарқини, балки бу ҳолатларни эгаллаб турган шахслар билан нималар содир бўлишини ҳам ҳисобга олишимиз керак. Ижтимоий ҳаракатчанлик атамаси маълум шахс ёки гуруҳларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ўзгаришини билдиради. Вертикал ҳаракатчанлик ижтимоий-иқтисодий шкала бўйлаб юқорига ёки пастга силжишни ифода этади. Бирор шахснинг даромади кўпайиб, янги мулк сотиб олса, статуси кўтарилса, унга ижтимоий юксалиш, юқорига силжиш ҳолати, бунга тескари йўналишда ўзгараётганларга пастга силжиш ҳолати хос бўлади. Ҳозирги жамиятларда шунингдек горизонтал ҳаракатчанлик кенг тарқалган. У шаҳар, район ва ҳоказолар ўртасида географик силжишлар маъносини англатади. Баъзан вертикал ва горизонтал ҳаракатчанлик қўшилиб келади. Масалан, бирор компания хизматчисини фирманинг бошқа шаҳарда жойлашган филиалига, юқорироқ лавозимга ўткази.

Ижтимоий ҳаракатчанликни ўрганишнинг икки асосий йўли мавжуд. Бирор шахснинг меҳнат фаолиятини — ҳаёт давомида у ижтимоий шкала бўйича қанчалик юқорига ёки пастга силжиганлигини кузатиш мумкин. Бу интрагенерацион ҳаракатчанлик, яъни бир насл доирасидаги ҳаракатчанлик деб аталади. Бошқа томондан, болалар касб танлашда ота-боболари изидан

боришини кузатиш мумкин. Турли наслларни қамраб оладиган ҳаракатчанлик интергенерацион ҳаракатчанлик деб аталади.

Ҳаракатчанликни таққослаш тадқиқотлари

Жамиятнинг вертикал ҳаракатчанлиги даражаси — қуйи табақалардаги истеъдодли одамларнинг юқори табақаларга кўтарилиш имкониятини кўрсатувчи «очиқлик» кўрсаткичидир. Замонавий индустриал мамлакатлар ижтимоий ҳаракатчанлик нуқтаи-назаридан қанчалик «очиқ»? Буюк Британия ҳақиқатдан ҳам идеал тенг имкониятлар жамиятими? Ижтимоий ҳаракатчанлик борасида тадқиқотлар эллик йилдан кўпроқ олиб борилмоқда. Уларда одатда турли мамлакатлар таққослаб ўрганилади. Бу борада илк асарлардан бири 1927 йилда Питирим Сорокин томонидан чоп этилган. Сорокин кўплаб турли жамиятларни, шу жумладан қадимги Рим ва қадимги Хитой жамиятларини, биринчи бўлиб АҚШдаги ижтимоий ҳаракатчанликни муфассал ўрганиб чиқди. У шундай хулосага келдики, АҚШда тез кўтарилиш имконияти, америка фольклорида кўрсатилганига қараганда, анча чекланган эди. Бироқ, маълумот йиғишда Сорокин анча қолоқ услублардан фойдаланган.

Бундан қирқ йил кейин Питер Блау ва Отис Дадли Данкэн томонидан ўтказилган тадқиқот анча мукамалроқ ва муфассалроқ эди²⁵. У ҳозиргача бир давлат ичидаги ҳаракатчанликнинг энг пухта таҳлили бўлиб қолмоқда (шуни таъкидлаш жоизки, ушбу асарга ҳам биз аввал айтиб ўтган камчилик ҳосдир — унда фақатгина эркакларга эътибор қаратилган). Блау ва Данкэн умумхалқ сўровидан 20000 эркакнинг маълумотларини танлаб олган. Улар шу хулосага келдиларки, АҚШда вертикал ҳаракатчанлик анча ривожланган, бироқ барча силжишлар бири-бирига яқин бўлган профессионаллар ўртасида амалга ошади. «Узоқ» ижтимоий силжишлар кам учрайди. Алоҳида мансабда ҳам, кейинги наслга ўтишда ҳам ижтимоий табақанинг пасайиши мумкин бўлса-да, ижтимоий ўсиш кўпроқ кузатилади. Сабаби шундаки, “оқ ёқалилар” ва малакали мутахассислар учун иш жойлари сони “кўк ёқалилар”никидан тезроқ ошган ва натижада кўплаб ишчилар “оқ ёқалилар” тоифасига қўшилган.

Ижтимоий ҳаракатчанлик борасида энг машҳур халқаро тадқиқот, эҳтимол, Сеймур Мартин Ликсет ва Рейнхард Бендикснинг асаридир²⁶. Улар 9 саноат мамлакати — Буюк Британия, Франция, Ғарбий Германия, Швеция, Швейцария, Япония, Дания, Италия ва АҚШ бўйича маълумотларни таҳлил қилганлар. Уларни асосан эркакларнинг “кўк ёқали”дан “оқ ёқалилар” тоифасига силжиши қизиқтирган. Улар АҚШни бу борада бошқа давлатларга қараганда очиқроқ деб ҳисоблашар

²⁵ *Blau Peter V. and Otis Dudley Duncan. The American Occupational Structure. New York, 1967.*

²⁶ *Lipset S. M. and Bendix R. Social Mobility in Industrial Society. Berkeley, 1959.*

эди, лекин натижа бундай бўлиб чиқмади. АҚШда “кўк ёқалидан” “оқ ёқалига” қараб вертикал силжиш кўрсаткичи 30%ни, бошқа давлатларда 27% дан 31% гачани ташкил этди. Липсет ва Бендикс барча саноат давлатларида “оқ ёқалилар” учун иш жойлари сони бир хил тарзда ошиб бормоқда деган хулосага келдилар. Натижада юқорига ўсиш уларда тахминан бир хил суръат билан амалга ошмоқда. Аммо бу хулоса жиддий қаршиликларга ҳам дуч келмоқда. Асос шуки, пастга силжиш ва “узоқ” ижтимоий силжишлар синчиклаб ўрганилса, турли мамлакатлар ўртасида сезиларли фарқ мавжудлиги аниқланади. Лекин умуман олганда, ҳаракатчанлик борасида турли давлатлар ўртасида фарқдан кўра ўхшашлик кўпроқ кузатилади²⁷.

Роберт Эриксон ва Жон Голдторп Шарқий ва Ғарбий Европа давлатлари ўртасида ижтимоий ҳаракатчанлик борасидаги ўхшашлик ва фарқларни астойдил ўргандилар²⁸. Улар тўққиз мамлакат, шу жумладан Англия ва Уэльс, Франция, Швеция, Венгрия ва Польшани ўргандилар. Натижалар ҳаракатчанлик даражасининг умуман ўхшашлигини, лекин баъзи сезиларли фарқлар ҳам мавжудлигини кўрсатди. Масалан, Швеция бошқа ғарб давлатларига қараганда анча очикроқ. Польшада ҳам ҳаракатчанлик юқори даражада, Венгриядан анча юқорироқ эканлиги аниқланди.

АҚШни бошқа ғарбий мамлакатлардан ажратиб турадиган бир ижтимоий ҳаракатчанлик жиҳати мавжуд. Бу — “кўк ёқалилар”нинг малакали мутахассислар тоифасига ўтишининг юқори кўрсаткичидир. Асосий сабаб шундаки, сўнгги 30—40 йил ичидан АҚШда юқори малакали меҳнатдан фойдаланадиган ташкилотлар сони Европадаги барча қуйи поғоналардаги одамларнинг имкониятларини оширди.

Пасаювчан сафарбарлик

Ижтимоий мавқенинг пасайиши, унинг кўтарилишига қараганда камроқ учрайди, шунга қарамай пасаювчан сафарбарлик — ҳозирча анча кенг тарқалган ҳодиса. Буюк Британия аҳолисининг 20 фоизи наслар алмашуви жараёнида унга дуч келади, бироқ бу “қисқа” ижтимоий силжишлар (интрагенерацион сафарбарлик)дир. Бундан ташқари, интрагенерацион пасайиш ҳам мавжуд. Пастга силжишнинг айнан шу тури кўплаб психологик муаммолар келтириб чиқаради, чунки одамлар ўзлари ўрганган турмуш тарзидан воз кечишига тўғри келади. Ишдан бўшатилиш — пастга силжишларнинг сабабларидан бири. Ўрта ёшдаги одам ишдан бўшатилса, у янги иш топиши қийин ва маоши озроқ ишга киришга мажбур бўлади.

²⁷ Miller S. M. Comparative Social Mobility // Journal of Current Sociology, 9. 1960; Miller M. A. comment: the future of social mobility studies // American Journal of Sociology, 77. 1971.

²⁸ Erikson Robert and John J. Coldthorpe. Natinal variation in social fludity // CASMIN project woking paper, no. 9. 1986.

Пастга силжиётганлар ичида кўплаб аёллар учрайди. Уларнинг кўпчилиги фарзанд кўрганларидан сўнг иш фаолиятини тўхтатади. Бир неча йилдан сўнг улар ишига қайтади, лекин аввалгидан пастроқ мансабга қабул қилинади. Бу ҳолат ўзгармоқда, лекин кўпчилик хоҳлаганчалик тез эмас.

Шундай қилиб, барча чоп этилган тадқиқотлар шуни очиқ-ойдин кўрсатадики, ҳаракатчанлик даражаси тенг имкониятлар жамияти тимсолига мос келмайди. Буюк Британияда, кўпчилик давлатларда бўлгани каби, кўпчилик фарзандлар ота-оналари эгаллаб турган поғонада қолиб кетадилар. Кўпчилик ўз ижтимоий савиясини яхшилаб олишларига сабаб — имкониятлар тенглиги эмас, балки иш билан бандлик структурасидаги ўзгаришлардир.

Ижтимоий ҳаракатчанлик имкониятлари

Кўпчилик ишонадики, ҳар бир инсон астойдил ишласа, чўққига кўтарилиши мумкин; лекин рақамлар жуда кам одам муваффақиятга эришишини кўрсатмоқда. Нима учун шунчалик қийин? Маълум маънода, бунинг жавоби осон. Ҳатто барча тенг имкониятга эга бўлган, энг динамик жамиятда ҳам, жуда озчилик ҳақиқатда юксак чўққиларга кўтарилишни уддалай олади. Жамиятларнинг ижтимоий-иқтисодий тартиби ҳокимият ва бойлик билан боғлиқ бўлган юқори поғоналар сонига нисбатан кам бўлган пирамидани эслатади. Буюк Британиянинг 55 миллионлик аҳолиси ичидан икки юз энг йирик корпорациялардан бирига директор бўлиши мумкин бўлганлар сони 2—3 мингдан ошмайди.

Бундан ташқари ҳокимият ва бойликка эга бўлганлар уларни ўз қўлларида сақлаб қолиб, ўз авлодларига қолдириш имкониятига эгалар. Шубҳасиз, улар ўз фарзандларига яхши ишга йўл очадиган яхши таълим берадилар. Бойлар, мулк ва мерос солиқларига қарамай, ўз мулкани топмоқдалар. Энг юксак чўққиларга эришганларнинг кўпчилиги бошланишдаёқ имтиёзларга эга бўлганлар: ё бой оилалардан, ёки малакали мутахассислар муҳитидан келиб чиққанлар. Бойиб кетган одамлар борасидаги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, улардан деярли ҳеч бири ўз фаолиятини ҳеч нарчасиз бошламаган. Уларнинг аксарияти мерос қолган бойликдан фойдаланган, ёки, кичик бўлса-да, бошланғич капиталга эга бўлганлар ва сўнг уни кўпайтиришни уддалаганлар.

1980 йилларда Вильям Рубинштейн британиялик миллионерлар ўртасида жуда қизиқарли тадқиқот ўтказган²⁹. Унинг тадқиқоти 1984—1985 йилларда вафот этган ва камида 1 миллион фунт мерос қолдирган одамларнинг тақдирини ўрганишдан иборат эди. (Ҳаёт миллионерлар ҳақида ишончли маълумот олиш деярли имконсиздир). Рубинштейн аниқлашича, уларнинг

²⁹ Rubinstein W D. Wealth and Inequality Britain. London, 1980.

42%ини йирик бизнесменлар ва ер соҳиблари фарзандлари ташкил қилар эди. 29%и юқори малакали профессионаллар фарзандлари бўлган ва ота-онаси ёрдамидан фойдаланганлар. Миллионерларнинг 43%и камида 100 минг фунт мерос олган, яна 32%и 10 дан 100 минггача. Шундай қилиб, Буюк Британияда бойликка эришишнинг энг ишончли йўли — бу бой бўлиб туғилишдир.

Буюк Британияда ижтимоий ҳаракатчанлик

Урушдан кейинги даврда Буюк Британияда ижтимоий ҳаракатчанлик қизгин ўрганилган, лекин тадқиқотлар яна фақат эркаклар орасида ўтказилган. Биринчи бундай тадқиқот Дэвид Гласс раҳбарлигида олиб борилган³⁰. У 50-йилларгача давом этган узоқ давр мобайнида интергенерацион ҳаракатчанликни таҳлил қилган. Олинган натижалар халқаро маълумотларга мос келади, “кўк ёқалилардан” “оқ ёқалиларга” ўтиш 30%ни ташкил этади. Гласс тадқиқоти халқаро солиштирув учун яхши материал берди. У ҳаракатчанлик кўлами анча катталигига қарамай, силжишлар “узоқлиги” жуда ҳам чекланганлигини тасдиқлади. Юқорига силжиш пастга силжишдан анча кўпроқ кузатилади ва асосан синфий структуранинг ўрта поғона вакилларига хосдир. Қуйи табақаларда одамлар одатда ўз ўрнида қолиб кетадилар. Деярли 50% мутахассислар ва бошқарувчиларнинг ўғиллари ота касбини танлаганлар.

Энг кенг кўламли яна бир тадқиқотни Жон Голдторп касбдошлари билан ҳамкорликда 1972 йилда Оксфордда ўтказган³¹. Улар Гласс давридан буён ҳаракатчанлик характери қай даражада ўзгарганини аниқлашни мақсад қилиб олганлар ва шу нарсани аниқладиларки, эркакларнинг умумий ҳаракатчанлик даражаси ўсган ва “узоқ” силжишлар улуши ҳам ортган. Бироқ бунинг сабаби ишлаб чиқариш тизими кўпроқ эгалитар бўлиб қолганлигида эмас эди. Ўзгаришларнинг негизи ишчи ўринларига қараганда “оқ ёқалилар” иш жойлари сонининг жадалроқ кўпайишида эди. Тадқиқотчилар аниқладиларки, малакасиз ва ярим малакали ишчилар ўғилларининг 3 дан икки қисми, оталари сингари, қўл меҳнати билан банд эдилар. Мутахассис ва бошқарувчиларнинг 30%и ишчи синфдан келиб чиққан, ишчиларнинг эса фақатгина 4%и мутахассис ва бошқарувчилар оилаларидан чиққан.

Энтони Хит тадқиқотида кўрсатилишича, ижтимоий ҳаракат жараёнида аёллар имконияти анча чекланган — улар профессионал ёки бошқарув мансабини эгаллаш имконига деярли эга эмаслар³². Малакали мутахассислар ва бошқарувчилар қиз-

³⁰ *Class David (ed.). Social Mobility in Britain. London 1954.*

³¹ *Coldthorpe J. H. et al. Social Mobility and Class Structure in Modern Britain. Oxford, 1890.*

³² *Heath A. Social Mobility. London, 1981.*

ларининг ярмидан кўпи қолоқ идора ишлари билан банд бўлганлар ва фақатгина 8%и оталариникига яқин мансаб эгаси бўлганлар. Ишчи оилалардан чиққан қизларнинг фақатгина 1,5%и мутахассис ва менежер мансабига эгалар, 48%и эса — оддий идора хизматчиларидир.

Юқорида қайд этилган Оксфорд тадқиқоти ўн йил сўнг йиғилган маълумотлар асосида яна такрорланган. Бунда нафақат аввалги тадқиқот натижалари тасдиқланди, балки баъзи ўзгаришлар ҳам аниқланди. Масалан, ишчи оилалардаги болаларнинг бошқарувчи ва малакали мутахассис бўлиш имкониятлари ошган. Пастга силжиш янада камайган. Бироқ ишчи синфидан чиққан эркаклар орасида ишсизлик даражаси ошган, бу 70-йиллар бошидаги оммавий ишсизликни акс эттиради.

Ижтимоий ҳаракатчанликни ўрганишнинг мураккаблиги

Ижтимоий ҳаракатчанликни ўрганишда бир қатор муаммолар мавжуд. Масалан, ишчи муҳитдан “оқ ёқалилар” тоифасига силжишни ижобий ҳол деб баҳолашимиз доим ҳам тўғрими? Кўплаб малакали ишчиларнинг иқтисодий аҳволи идора ишларини бажарувчи “оқ ёқалилар”ниқидан яхшироқ бўлиши мумкин. Вақт ўтиши билан ишнинг характери ҳам ўзгаради, касб номининг сақланиб қолганлиги эса унинг моҳияти ҳам сақланиб қолади дегани эмас. Масалан, клеркларнинг иши идора ишларининг механизациялашиши туфайли тубдан ўзгарган. Яна бир муаммо шуки, турли наслларнинг ижтимоий фаолиятининг қайси босқичи асосий кўрсаткич эканлигини аниқлаш қийин бўлади. Фарзанд ўз меҳнат фаолиятини бошлаган пайтда ота-онаси фаолияти энди ўртасига етган бўлиши мумкин; фарзанд ва ота-оналар турли йўналишларда силжишлари ҳам мумкин. Уларнинг ижтимоий аҳволини меҳнат фаолиятининг ўртасида таққослашимиз керакми, ёки охирида?

Барча бу каби муаммоларни маълум даражада ечиш мумкин. Бирор касб доирасида бажарилаётган ишнинг моҳияти тубдан ўзгаргани аниқланса, бу касбни бошқа тоифага киритиш мумкин. Масалан, “кўк ёқалилар”нинг юқори қатламини “оқ ёқалилар” қуйи қатлами билан бирлаштириб, уларнинг ҳаракатчанлигини кўшиб ўрганиш мумкин. Турли насллар ҳолатини таққослаш муаммосини ота-оналар ва фарзандлар меҳнат фаолиятининг боши ва охирини таққослаш орқали ечиш мумкин. Лекин бу усуллар ҳам доимо қониқарли натижалар бермайди. Масалан, турли “аниқ рақамлар”га эҳтиёткорлик билан ишониш лозим. Ҳаракатчанлик тадқиқотлари асосида, айниқса халқаро маълумотлар таққосланганида, фақатгина умумий хулосалар чиқарилади.

Ҳаракатчанликда сизнинг имкониятингиз

90-йиллар сўнгида яхши иш топишга уринаётган одам ҳаракатчанлик тадқиқотлари натижаларидан ўзи учун қандай фойдала маълумот олиши мумкин? Аввалги авлодлар каби сиз ҳам, агар албатта имтиёзли ижтимоий табақа вакили бўлмасангиз, юқорига силжишга ҳаракат қиласиз. Менежер ва малакали мухтаassisлар учун иш жойлари сони янада жадалроқ суратларда ошиб боради. “Бўш жойларни” маълумот олишга муваффақ бўлганлар тўлдириб боради.

Юқори мансаблар сони барча хоҳловчилар учун етмайди ва баъзилар ўз мансаби талабларига жавоб бермаслигини тан олишга мажбур бўладилар. Профессиналлар ва менежерлар учун иш жойлари сони ошса ҳам, иқтисодиётда бундай жойлар сони иш қидираётганлар сонига нисбатан озроқ бўлади. Сабаблардан бири шуки, бундай мансабларни эгаллашда эркаклар билан рақобатлаша оладиган аёллар сони ортиб бормоқда. Оқибатларини тўғри баҳолаш ҳали қийин бўлган яна бир сабаб — ишлаб чиқаришда ахборот технологиялари ролининг ўсиб бориши. Компьютер техникаси, аввал фақат инсон уддалай оладиган ўта мураккаб масалаларни еча олиши яқин келажакда кўплаб касбларнинг йўқ бўлиб кетишига олиб келиши мумкин.

Агар сиз аёл бўлсангиз, сизнинг юқори мансаб эгаллаш имкониятингиз ошган бўлишига қарамай, икки хил муаммога дуч келасиз. Иш берувчи эркаклар ҳалигача аёл номзодларга ноҳолис кўз билан қарайдилар. Қисман бунинг сабаби шуки, улар аёллар мансабга жиддий қизиқмасликларига, фарзанд кўришлари биланоқ ишдан кетиб қолишига ишонадилар. Сўнги омил ҳақиқатан ҳам аёл киши имкониятларига жиддий таъсир ўтказди, чунки аёллар камдан-кам мансаб ва фарзанддан бирини танлаш имкониятига эга бўладилар. Эркаклар одатда уй-рўзғор вазибалари ва фарзандга қарашдан бош тортадилар. Бугун тобора кўпроқ аёллар Герсон таъриф этган ноанъанавий йўлдан бораётган бўлсалар-да, уларнинг йўлида кўплаб жиддий тўсиқлар мавжуд.

Қашшоқлик ва тенгсизлик

Синфий тизим пирамидасининг энг қуйи қатламида (жумладан Буюк Британияда ҳам) қашшоқлик шароитида яшовчилар кўп. Уларнинг кўпчилиги тўйиб овқатланиш имконига эга эмаслар ва антисанитария шароитида яшайдилар, уларнинг ҳаёт давомийлиги кўпчилик аҳолиникидан анча қисқа. Шунга қарамай, бойлар кўпинча қашшоқлар ҳам мавжудлигини эътибордан четда қолдирадилар.

Қашшоқлик — янги ҳодиса эмас. 1889 йилда Чарльз Бут ўз асарида Лондон аҳолисининг 1/3 қисми қашшоқликда яшашини кўрсатган. Бу асар қизгин оммавий тортишувларга сабаб

бўлди. Қандай қилиб ўша пайтдаги дунёнинг энг бой мамлакатада, йирик империя марказида шунчалик кўп камбағал бўлиши мумкин? Бутнинг бу асарини кўплар қурол қилиб олишди. Жумладан, унинг фамилиядоши, Халоскорлик Армиясининг генерали Уильям Бутнинг 1970 йилда (биринчи нашр 1890 йилда) чоп этилган “Қутулиш йўли ҳам Англия зимистонида” деб номланган китоби Чарльз Бут келтирган маълумотлар билан бошланади: Лондонда 387 минг “жуда қашшоқ” аҳоли яшайди, 220 минг киши “кам овқатланади”, 300 минги —“оч”. Китоб омма эътиборини ўзига шунчалик тортдики, бир йилда унинг деярли чорак миллион нусхаси сотилди. Муаллиф фикрича, амалий ислоҳот дастурлари ва хайрия ишлари ёрдамида қашшоқликни камайтириш мумкин эди.

Бундан 70 йил кейин шунга ўхшаш ҳодиса АҚШда юз берди. Майкл Харрингтон ўзининг “Бошқа Америка” китобида “Миллионлаб америкаликлар шунчалик қашшоққи, ҳатто ўзларига минимал турмуш даражасини таъминлашга ҳам қодир эмаслар”, дея кўпчиликни ҳайратга солди³³. Харрингтон китоби бестселлерга айланди. Кейинчалик президент Линдон Б. Жонсон қашшоқликка қарши “сўзсиз уруш” эълон қилди. Ундан мақсад — “мўл-кўлчилик ичидаги парадоксал қашшоқлик”ни бартараф этиш эди. Бу вақтга келиб АҚШ аллақачон дунёнинг энг бой мамлакатига айланган. Шунга қарамай, аҳолининг катта қисми озиқ-овқат, уй-жой ва соғлиқ масаласида қийналар эди. Джонсон эълон қилган “қашшоқликка қарши уруш” Уильям Бут уч насл илгари белгилаган мақсадга олиб келиши керак эди.

Қашшоқликка қарши кураш

“Қашшоқликка қарши кураш” эълон қилингандан сўнг АҚШда ижтимоий эътиросларга катта маблағ сарфлана бошлади. Ўн йил ичида (1965—1975 йиллар) бу харажатлар 77,2 млрддан 286,5 млрдга етди, яъни 400%га ошди. Янги дастурлар билан боғланган умидлар ортиқча оптимистик бўлгани аниқланган бўлса-да, бу ўсиш ўз самарасини берди. Расмий статистика маълумотларига кўра, 1972 йилда камбағаллар сони урушдан кейинги даврда энг паст даражага етган. Расмий қашшоқлик чизигидан қуйида яшовчилар сони 40 млндан 23 млнгача камайган. Бироқ кейинги йилларда, айниқса Рейган ҳукумати-нинг дастлабки йилларида қашшоқлар сони яна ўса бошлади.

Йўлга қўйилган дастурларнинг муваффақиятлилиги чекланган эди. Масалан, “Меҳнат корпуси” («Job Corps») дастури меҳнат бозорида талабга эга бўлган касбларга ишсизларни ўқитишга мўлжалланган эди. Лекин уларнинг аксарияти учун бўш ўрин умуман йўқ эди, 70-йилларда бошланган sanoat инқирози эса иш ўринлари сонини янада қисқартирди. “Яхши бошланиш” («Head Start») ва “Ҳамкорлик ҳаракати” («Communi-

³³ Harrington M. The other America. New York, 1963.

nity Action») дастурлари ҳақиқатда маълум ижобий натижалар берди, лекин баъзи оқ танлилар гуруҳлари улардан фойдаланишдан бош тортар эдилар.

Давлат нафақалари ва ижтимоий пенсияларнинг фақатгина бир қисми тегишли одамлар қўлига етиб борар эди. Бутун АҚШда пенсия ёшидаги камбағалларнинг деярли 2/3 қисми турли нафақалар олганликларига имзо чекадилар, лекин уларнинг фақатгина 1/3 қисми қўлига нақд пул олади. Ҳатто қашшоқликка қарши курашнинг энг қизғин палласида ҳам АҚШда ижтимоий таъминот бошқа Фарб давлатларига қараганда кўпроқ фрагментар эди. Бундан ташқари, ёрдамнинг бир қисми энг қашшоқларга эмас, балки нисбатан аҳволи яхшиларга тегар эди. Энг паст даромадли аҳолининг 1/5 қисми ижтимоий таъминот жамғармалари, ветеранлар жамғармалари нафақалари ва ишсизлик суғурталарининг фақатгина 30%ини олар эди.

Қашшоқлик нима?

Қашшоқлик нима билан белгиланади? Одатда турмуш кечириш минимуми ёки абсолют қашшоқлик ва нисбатан қашшоқлик ўртасида чегара ўтказилади. Чарльз Бут биринчилардан бўлиб турмуш кечириш минимуми, яъни инсон организмнинг нормал фаолияти учун зарур минимал озиқа ва уй-жой меъёрини аниқлашга уринган. Бутнинг фикрича, бу эҳтиёжлар маълум ёш ва жуссадаги одамлар учун, яшаб турган мамлакатидан қатъий назар, бир хил бўлиши керак эди. Бу концепция ҳозир ҳам бутун дунёда қашшоқликни таҳлил қилишда қўлланилади.

Қашшоқликни турмуш минимуми орқали аниқлашда турли хатоларга йўл қўйилиши мумкин, айниқса, фақат даромад даражасигина кўрсатилса. Биз қандайдир ягона қашшоқлик кўрсаткичидан фойдаланар эканмиз, у нисбатан ишончли бўлиб, маълум тузатишлар киритиш имконини берса ҳам, бу одатда шу кўрсаткичга кўра аҳолининг бир қисми қашшоқлик чизигидан юқорида бўла туриб, унинг фактик даромад даражаси элементар эҳтиёжларини ҳам қондирмаслигига олиб келади.³⁴ Масалан, мамлакатнинг баъзи районларида ҳаёт бошқа жойлардан қимматроқ бўлиши мумкин. Бундан ташқари, турмуш минимумини ҳисоблашда умумий турмуш даражасининг ўсиши ҳисобга олинмайди. Қашшоқликнинг реал кўрсаткичлари умумий иқтисодий ўсиш шароитида меъёр ва тасаввурлар ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда тузилиши керак. Саноатлашган жамиятларда сув ҳаётнинг ажралмас қисмига айланган бир пайтда, ер юзидаги кўпчилик одамлар ванна ёки душ бўлмаган уйларда (ёки кулбаларда) яшайди. Нисбий қашшоқлик жиҳатларини аниқлаш ҳам мураккабдир. Асосий кўрсаткич сифатида худди ўша даромад даражаси қўлланилади, бироқ бу кўрсаткич инсоннинг фактик эҳтиёжлари ўртасидаги фарққа ниқоб кийдиради, холос.

³⁴ Holman R. Poverty: Explanations of Social Deprivation. Oxford, 1978.

Бугунги кунда қашшоқлик

«Қашшоқлик чизиги» расман белгиланган АҚШдан фарқли ўлароқ, Буюк Британияда давлат қашшоқлик чегарасини белгиламаган, шунинг учун амалиётда «Кўшимча нафақа» тўлаш учун зарур бўлган даромад даражаси асосий кўрсаткич ҳисобланади (ҚН даражаси). Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя вазирлиги берган маълумотга кўра, бу кўрсаткич бўйича 1986 йилда 9 млн. киши, яъни аҳолининг 17%и камбағал ҳисобланган. Буюк Британияда қашшоқлик борасида сўнгги тадқиқот 1979 йилда Питер Таунсен томонидан чоп этилган. Таунсен қашшоқликни «маълум жамиятда одатий бўлган яшаш шароити ва қулайликлар йўқлиги» деб таърифлашга ҳаракат қилди.³⁵ Бу таърифдан фойдаланиб у аниқладики, британияликларнинг ярмидан кўпи ҳаётининг у ёки бу даврида (айниқса, қариликда) қашшоқликка дуч келадилар. Таунсен «қашшоқлик» атамасини ўта кенг маънода қўллаганлиги учун танқид олинди, лекин унинг нисбий қашшоқлик ўйланганидан кўра кенгроқ тарқалган деган фикрини барча эътироф этди. Бу тадқиқотдан буён ҚН кўрсаткичига кўра қашшоқликда яшайдиганлар сони ортди дейиш муболаға бўлмайди.

Демак, ким қашшоқ ҳисобланади? Қуйидаги категория вакиллариининг бу гуруҳга киритилиш эҳтимоли баланд: қисман иш билан банд бўлганлар, ишсизлар, кекса ёшдагилар, касаллар ва ногиронлар, катта оилалар ёки боқувчиси битта бўлган оилалар аъзолари. Сўнгги юз йил давомида ўртача иш ҳақи анча ошганига қарамай, ярим миллиондан ортиқ ишчилар ҚН даражасидан кам маош оладилар. Пенсияларнинг ҳам ярмидан ортиғи бу даражадан пастда яшайдилар. Кўплаб нисбатан таъминланган одамлар нафақага чиққанларидан сўнг даромадининг кескин пасайишига дуч келадилар. Камбағалларнинг катта қисмини оила боши деярли ҳар доим аёл киши бўлган тўлиқсиз оилалар ташкил этади. 70—80 йиллардаги ишсизликнинг юқори даражаси яқин йилларда пасаймайдиган кўринади ва узоқ давом этаётган ишсизлик кўплаб оилаларни (айниқса, оила боши аёл киши бўлган оилаларни) қашшоқлаштириб юборади.

Оммавий ахборот воситалари, одатда, жамиятнинг қашшоқликларга бўлган салбий муносабатини янада кучайтириб юборади. 1976 йилнинг сўнгги олти ойида чоп этилган материаллар шарҳи шуни кўрсатдики, ижтимоий дастурлар, нафақа ва пенсиялар ҳақида гап борганида 30,8% ҳолларда омма эътибори қашшоқлар муаммосига эмас, бу нафақаларнинг давлатга тушган оғирлигига қаратилади.³⁶ «Дейли мейл»нинг 1977 йил 13 июль сонидида «кўплаб тиланчилар» ҳақида шикоят қилинади,

³⁵ Townsend P. Poverty in the United Kingdom: A Survey of the Household Resources and Standard of Living. Harmondsworth, 1979.

³⁶ Colding P. and Middleton S. Images of Welfare: Press and Public Attitudes to Poverty. Oxford, 1982.

«Дейли телеграф»нинг 1976 йил 29 июль сониди эса «Қандай қилиб омадсиз бўлиб, ҳеч нарса қилмаганлик учун пул олинди?» сарлавҳаси остида материал чоп этилган. Аслида эса тадқиқотлардан шу нарса маълум бўлдики, 1975 йилда 930 000 нафар кўшимча нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлган ходимлар ўзлари учун қонуний белгиланган 240 млн фунтни ола олмаганлар.

Нима учун қашшоқлар қашшоқ бўлиб қолаверади?

Қашшоқлик даражасига таъсир ўтказувчи баъзи умумий механизмлар жамиятда маҳкам ўрнашиб қолган. Улар жумласига ишсизликни бартараф этишга қаратилган давлат сиёсати томонидан қўлланадиган ижтимоий таъминот дастурлари киради. Баъзи давлатлар, масалан Швеция, абсолют қашшоқликни батамом бартараф этишга муваффақ бўлди. Бу муваффақият учун жамият тўлайдиган баҳога нафақат баланд солиқлар, балки талайгина ҳокимиятга эга бўлган давлат бюрократик ташкилотларининг кенгайиши ҳам киради. Бозор механизмлари иқтисодий тенгсизликни кучайтиради, бундай ҳол сўнгги ўн йилликда Буюк Британияда ҳам кузатилган. Маргарэт Тэтчер ҳукумати-нинг сиёсати негизида шундай назария турар эди: индивидлар ва корпорациялардан ундириладиган солиқ миқдорининг камайтирилиши иқтисодий ўсишни рағбатлантиради, бунинг ҳосилини эса камбағаллар ҳам териб олади. Сўнгги йиллар амалиёти бу тезисни тасдиқламади. У ёки бу сиёсат иқтисодий ўсишни рағбатлантириши ёки тўхтатиши мумкин, лекин натижада албатта, бойлар ва камбағаллар ўртасидаги фарқ катталашади, ҳатто абсолют қашшоқлар сони ўсиши мумкин.

Тадқиқотлар кўрсатадики, аксарият камбағал инглизлар ўз аҳволига ўзларини айбдор деб ҳисоблайдилар ва давлат нафақалари ҳисобига яшовчиларга шубҳа билан қарайдилар. Кўпчилик ўйлайдики, нафақахўрлар, агар олдиларига шундай мақсад қўйсалар, иш топишга қодирдирлар. Афсуски, бундай одамлар қашшоқлик муаммосининг реаллигини ҳисобга олмайдилар. Ахир камбағал деб тан олинганларнинг 1/4 қисми ишлайди, лекин қашшоқликдан чиқиб кетиш учун етарли ҳақ олмайди. Ўн тўрт ёшдан кичик болалар, 65 ёшдан қари кексалар, шунингдек, касал ва ногиронлар шундай бўлиб қолмоқдалар. Кўпчилик ноқонуний йўл билан нафақа олишга уринади, деган фикрнинг кенг тарқалганлигига қарамай, аризаларнинг фақатгина 1%и ҳақиқатан ноқонуний деб топилади, бунинг натижаси давлат бюджети даромадининг 11%идан маҳрум бўладиган солиқ қонунбузарликларидан анча кам.

Кенг омманинг қашшоқлик кўлаמידан беҳабарлигини камбағалларнинг «кўзга кўринмаслиги» билан изоҳлаш мумкин. Жамиятнинг имтиёзли табақалари вакиллари-нинг кўпчилиги шаҳарнинг камбағаллар жойлашган қисмларига камдан-кам боради. Камбағаллик билан боғлиқ бир қатор муаммолар омма эътиборини доимо ўзига тартади, масалан, жиноятчилик даражаси

юқорилиги, лекин кенг кўламдаги қашшоқлик мавжудлиги эътибордан четда қолиб кетади. Чарльз Бут замонидан буён жамият қашшоқлик мавжудлигини тез-тез янгидан «кашф» этади, бу кашфиёт маълум вақт барчани ҳайратга солади, кейин эса тезда унутилади.

Бобнинг қисқача мазмуни

1. Ижтимоий *стратификация* жамиятнинг табақаларга, ёки страталарга бўлиниши маъносини англатади. Стратификация ҳақида гапирар эканмиз, эътиборни жамиятдаги одамлар аҳолининг тенгсизлигига қаратамиз. Барча жамиятларда ёш ва гендерга кўра стратификация мавжуд. Кўпчилик анъанавий жамиятларда бўлгани каби замонавий индустриал давлатларда стратификацияга мулк ва бойлик нуқтаи назаридан қаралади, у моддий бойлик ва маданий қадриятларга эгаллик билан характерланади.

2. Тўртта асосий стратификация тизими мавжуд: *қулдорлик, каста, табақа ва синфий тизимлар*. Биринчи учтаси дин ёки қонун томонидан қабул қилинган фарқларга асосланган бўлса, синфий бўлиниш «расман» тан олинмайди. У инсон ҳаётига иқтисодий омиллар таъсири натижасида шаклланади.

3. Синфлар моддий ресурсларга эгаллик ва уларни назорат қилишдаги тенгсизлик натижасида вужудга келади. Ҳар бир инсоннинг синфий мансублиги маълум даражада унинг ўзига боғлиқ. Синфий шкала бўйича юқорига ва пастга йўналган *ижтимоий ҳаракатчанлик* жамиятга хос хусусиятдир.

4. Замонавий жамиятда аксарият одамлар, бойлик тақсимланиши ўта нотекис бўлишига қарамай, бир неча авлод илгари яшаган одамлардан анча бойроқ. Бойлар ўз бойлигини кейинги авлодларига қолдириш учун турли усуллардан фойдаланадилар.

5. Маркс ва Вебер кенг тарқалган стратификация назариялари муаллифларидир. Маркс биринчи ўринга жамият иқтисодий структура-сининг объектив омили деб ҳисобланган синфни қўяди. У капитал эгалари ва унга эга бўлмаган ишчилар ўртасидаги катта фарққа эътибор қаратади. Вебер ҳам шунга ўхшаш ёндошувга мойил, лекин стратификациянинг яна икки жиҳатини ажратади: *статус ва партия*. *Статус* — бир шахснинг ёки гуруҳнинг жамиятда туганган ўрни, обрў-эътиборидир, партия — гуруҳнинг маълум мақсадга эришиш йўлида фаол ҳаракатланишидир.

6. Синфий тизимлари анча мураккаб бўлса-да, ҳозирги замон фарб давлатлари ҳаётида синфлар муҳим ўрин тутаяди. Фарбда кўпчилик киши аҳолининг *юқори, ўрта ва қуйи синфга* бўлинишини, шунингдек, *синфий онг* анча кучлилигини эътироф этади.

7. Стратификация таҳлилларида, асосан, фақат эркакларга йўналтирилган ёндошув ҳисобга олинган. Қисман бунинг сабаби жинс билан боғлиқ тенгсизлик синфий фарқларнинг ифодаси дея тахмин қилинишидир. Бундай фикр хато. Замонавий жамиятларда жинсларнинг стратификацияга таъсири синфга боғлиқ эмас.

8. Ижтимоий ҳаракатчанликни ўрганишда *интрагенерацион* ва *интергенерацион* ҳаракатчанлик ажратилади. Биринчиси — бир шахснинг меҳнат фаолияти давомида ижтимоий шкала бўйлаб юқорига ёки пастга силжиш маъносини англатади. Иккинчиси — кейинги авлодга ўтишда ижтимоий статус ўзгаришини, масалан, ишчи оиладан чиққан қиз ёки йигитнинг мутахассислар тоифасига ўтишини ифодалайди. Ижтимоий ҳаракатчанлик одатда, чекланган бўлади. Сўнгги йилларда «оқ ёқалилар» учун

бўш иш жойлари сони кўпайган бўлишига қарамай, кўпчиликнинг ижтимоий аҳволи ота-оналариникидан унчалик фарқ қилмайди.

9. Ҳатто энг бой мамлакатларда ҳам қашшоқлик кенг тарқалган. Қашшоқликни аниқлашнинг икки усули мавжуд: биринчиси «абсолют қашшоқлик» тушунчаси билан боғлиқ бўлиб, унда соғлиқ ва организмнинг нормал фаолияти учун элементар ресурслар етишмайди. Иккинчи «нисбий қашшоқлик» тушунчаси билан боғлиқ бўлиб, унда баъзи гуруҳлар ва асосий аҳолининг турмуш шароитлари ўртасидаги фарқ баҳоланади.

Асосий тушунчалар

<i>ижтимоий стратификация</i> <i>синф</i>	<i>статус</i> <i>ижтимоий ҳаракатчанлик</i>
--	--

Энг муҳим атамалар

<i>қуллик</i>	<i>қарама-қарши синф</i>
<i>каста</i>	<i>ҳолат</i>
<i>табақа</i>	<i>ижтимоий тўсиқ</i>
<i>юқори синф</i>	<i>бойлик</i>
<i>ўрта синф</i>	<i>даромад</i>
<i>ишчи синф</i>	<i>қуйи синф</i>
<i>деҳқонлар</i>	<i>синфий онг</i>
<i>ишлаб чиқариш</i>	
<i>воситалари</i>	<i>вертикал ҳаракатчанлик</i>
<i>капиталистлар</i>	<i>горизонтал ҳаракатчанлик</i>
<i>қўшимча қиймат</i>	<i>интрагенерацион ҳаракатчанлик</i>
<i>ўтма синфлар</i>	<i>интергенерацион ҳаракатчанлик</i>
<i>обрў-эътибор</i>	<i>абсолют қашшоқлик</i>
<i>парийлар (рад этилганлар)</i>	
<i>гуруҳлари</i>	<i>нисбий қашшоқлик</i>

Кўшимча адабиёт

Anthony Heath. Social Mobility. London, 1981. Фойдали умумий обзор.

Frank Parkin. Marxism and Class Theory: A Bourgeois Critique. London, 1979. Марксча синфлар назариясининг танқидига бағишланган иш.

Peter Townsend. Poverty in the United Kingdom. Harmondsworth: Penguin, 1979. Буюк Британиядаги камбағаллик муаммосининг энг батафсил умумий обзори.

Erik Olin Wright. Classes. London, 1985. Синфлар ва синфлар ўртасидаги муносабатлар муаммосига бағишланган мураккаб мунозара.

Этник мансублик ва ирк

Японияда шундай бир гуруҳ одамлар борки, улар бошқа японлардан жисмонан фарқ қилмайди, асрлар давомида шу давлатда яшаб келган ва айни динга эътиқод қилади, лекин шунга қарамай, Япония аҳолисининг кўпчилиги уларга душманлик назари билан, менсимай қарайди. Бундай ҳолатнинг сабаби маҳаллий ҳукмронлар ўртасидаги урушлар натижасида кўплаб одамлар ўз ерларидан қувиб юборилган феодал замонларга бориб тақалади. Бу одамлар қочқин ва дайдиларга айландилар, уларни «итэ», кейинчалик эса — «барэкамин» деб атадилар. Бу иккала сўз ҳозиргача ишлатилади ва «итэ» сўзи ҳақоратомуз маънони билдиради¹.

Улар қора ишларни бажаришга мажбур эдилар. Маҳаллий дин қоидаларига кўра, бу ишлар нопок ҳисобланиб, кейинчалик барча нопок ишни бажарадиганлар шундай атала бошланди. Бундай одамлар кўпчилик томонидан мунтазам дискриминацияга учради. Улар фақатгина ўзларига ажратилган жойларда яшай олар эдилар ва бир-бирлари билангина никоҳланар эдилар. XIX асрнинг иккинчи ярмида бошланган Японияни модернизациялаш натижасида «итэ»лар ҳуқуқ борасида бошқа японларга расман тенглаштирилди. Император қарорида улар тўлақонли фуқаро эканлиги ва ҳар қандай касбни танлаши мумкинлиги қайд этилган. «Итэ» сўзи, АҚШдаги «ниггер» сўзи каби, қисман муомаладан чиқиб кетди. Шунга қарамай, у ҳалигача эпитет сифатида қўлланилиб келинмоқда, дискриминациянинг ўзи ҳам деярли ўзгармаган. Барэкаминлар ҳалигача қашшоқ ҳудудларда яшаб, паст баҳоланадиган қора ишларни бажариб келадилар.

Бугунги кунда, иқтисодий ривожланиш жиҳатидан дунёда учинчи ўринга кўтарилган мамлакатда барэкаминлар ҳалигача зулм остидадирлар. Уларнинг кўпчилиги ота-боболари яшаб келган ташландиқ ҳудудларда яшаб келмоқда. Ҳатто уларга яқин жойлашган энг қашшоқ маҳаллалар аҳолиси ҳам уларга жирканиб қарайди. Аралаш никоҳлар сони жуда оз. Япон оилаларида келин ёки куёв танлашда номзоднинг ота-боболари синчиклаб ўрганилади. Сўнгги пайтларда барэкаминлар аҳолини яхшилашга уринган турли ташкилотлар пайдо бўлди, шунга қарамай жирканиш ва дискриминация камайганича йўқ. Барэкаминлар ҳақида «аҳмоқ, ахлоқий тушунчаларга эга эмас, агрессив, қизиқ-

¹ Dore Donald and K. Aoyagi. The Burakumin minority in urdan Japan. In: A. Rose and C. Rose (eds). Minority Problemas. New York, 1965.

қон, гигиена ва тарбия ҳақида заррача тушунчага эга эмаслар» деган фикр ҳали ҳам кенг тарқалган.

Плюралистик жамиятларда этник гуруҳлар, майда миллатлар ва ирқ

Барэкаминлар мисолида, гуруҳлар асосий аҳолидан фарқ қилмаса ҳам, уларга қарши муносабат қанчалик чуқур ва турғун бўлишини кўришимиз мумкин. Афсуски, бундай таъқиблар — инсоният тарихи учун ўта оддий ҳолдир. Деярли икки минг йил мобайнида христиан Ғарбида яҳудийлар дискриминация ва таъқиб этилар эди, Иккинчи жаҳон уруши пайтида концентрацион лагерларда миллионлаб яҳудийларнинг йўқ қилиниши эса энг шафқатсиз қатағонларнинг даҳшатли мисоли бўлди. Нацистлар мафкураси яҳудийларни Германия ва шимолий Европанинг «асл» миллатларига нисбатан паст деб эълон қилди. «Орий» атамаси аввалига турли ирқ мансублари сўзлашадиган тиллар гуруҳига тегишли эди, кейинчалик эса нацистлар ва уларнинг «ирқий назариячилари» томонидан ҳақиқат билан умуман боғлиқ бўлмаган хусусиятларни белгилаш учун ўзлаштириб олинди.

Германиядаги яҳудийлар ва Япониядаги барэкаминлар — этник хусусиятли гуруҳлардир. Этник мансублик маълум гуруҳни бошқалардан ажратиб турадиган маданий урф-одатлар ва дунёқараш билан характерланади. Этник гуруҳлар аъзолари ўзларини маданият ва бошқа жиҳатлардан бошқа ижтимоий ҳамжамиятлардан фарқли деб ҳисоблайдилар ва жамиятдаги бошқа гуруҳлар томонидан ҳам шундай қабул қилинадилар. Этник гуруҳларни фарқлаш учун кўплаб турли характеристикалар мавжуд, лекин бунда асосан тил, тарих ёки келиб чиқиш, дин, кийиниш тарзи ва безакларга кўпроқ эътибор берилади. Этник фарқлар *тўлалигича орттирилган* бўлади; бундай фикр шубҳасиздек туюлади, лекин бу гуруҳларнинг баъзилари «туғма ҳукмдорлар», ёки аксинча, «аҳмоқлар», «туғма танбаллар» деб ҳисобланишини эсга олсак, бошқача фикрларни ҳам инобатга олишимизга тўғри келади.

Кўпчилик замонавий жамиятлар кўплаб этник гуруҳлардан ташкил топади. Буюк Британияда яққол кўзга ташланадиган этник гуруҳлар — бу ирландиялик, осиелик, вест-индиялик, италиялик, грециялик ва бошқа мамлакатлардан келган иммигрантлардир. АҚШ ва Совет Иттифоқи этник жиҳатдан янада ранг-баранг; АҚШда дунёнинг барча бурчакларидан келган иммигрантлар бор. Совет Иттифоқида рус тили расман тил деб тан олинган бўлса-да, Россия мамлакатнинг фақатгина бир қисмидир; бошқа минтақалар ўз тили ва урф-одатларига эга. СССРда юздан ортиқ этник гуруҳ мавжуд бўлиб, уларнинг 23 тасига 1 миллиондан ортиқ одам мансуб. 1979 йилда аҳоли рўйхатдан ўтказилганида, руслар умумий аҳолининг 52%ини ташкил қилар эди.

Бугунги кунда ҳам саноатлашган, ҳамда саноатлашмаган жамиятларнинг аксарияти плюралистик жамиятлардир. Плюралистик жамият — иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан бирлашган, лекин бошқа жиҳатлардан кескин фарқ қиладиган бир неча йирик этник гуруҳлардан иборат бўлган жамиятдир. Бу атамани Ж.С.Фарниолл Ява ва Бирма ҳақидаги асаридида илк бор қўллаган.

Бирма ва Явага келган одамнинг кўзига ташланадиган биринчи нарса — бу халқларнинг аралашувидир: европаликлар, хитойликлар, ҳиндлар ва маҳаллий хамзлар том маънода аралашиб кетганлар. Аммо улар бир-бирига қўшилиб кетмайдилар... бу плюралистик жамият, унинг турли гуруҳлари ёнма-ён, ягона сиёсий бирлик ичида яшайдилар².

Кўпчилик постколониал давлатлар плюралистик жамиятлардир, чунки сиёсат аввал мавжуд бўлган кўплаб маданиятларни бирлаштирган. Аслида, барча ҳозирги давлатлар маълум даражада плюралистикдир; АҚШ ва Собиқ СССРда бу бошқа Европа давлатларига қараганда яққолроқ кўзга ташланади.

Этник фарқланиш камдан-кам «халис» бўлади. У кўпинча бойлик ва ҳокимият тақсимланишида катта тенгсизлик билан ва этник гуруҳлар ўртасидаги зиддиятлар билан боғлиқ. Нима учун этник фарқлар кўпинча зиддият ва низолар билан боғлиқ бўлади? Этник хурофотлар ва дискриминациянинг сабаби нима? Нима учун кўпинча (ҳар доим эмас) этник зиддиятларнинг марказида ирқий фарқлар туради? Ушбу бобда бу саволларга жавоб топишга ҳаракат қиламиз. Аввал биз этник гуруҳларнинг табиатини таҳлил қилиб, «ирқ» тушунчасини муҳокама қиламиз. Кейинги бўлимларда этник фарқлар ва турли ирқий муносабатлар таҳлил қилинади.

Майда миллатлар

Этник озчиликлар, ёки шунчаки «озчиликлар» атамаси социологияда кенг қўлланилади ва нафақат миқдор, балки кенг-роқ тушунчаларни ўз ичига олади. Статистик маънода кўплаб «озчилик»лар мавжуд. Масалан, малла сочлилар, ёки оғирлиги 100 кгдан ортиқ бўлганлар, лекин улар социология нуқтаи назаридан озчиликка кирмайди. Социологик маънода «озчилик» қуйидаги хусусиятларга эга:

1. Уларнинг аъзолари бошқалар томонидан дискриминация қилиниши натижасида камситилган бўладилар. Бир гуруҳ эга бўлган ҳуқуқ ва имкониятлардан бошқа бир гуруҳ маҳрум бўлса, дискриминация мавжуд дейилади. Масалан, уй соҳиби мижозга у фақатгина вест-индиялик бўлгани учун ижарага хона беришдан бош тортиши мумкин.

² *Furnivall J. Colonial Policy and Practiae: A Comparative Study of Burma and Netherlands India. New York, 1956. P. 304.*

2. «Озчилик» аъзоларида қандайдир бирдамлик, «бир бунга» мансублик ҳисси бўлади. Дискриминацияга дуч келиш натижасида бундай ҳиссиётлар янада кучаяди. Бундай инсонларда ўзини «ажратиб қўйилган» деб ҳис қилишга мойиллик сезилиб туради.

3. Этник озчиликлар маълум маънода жисмонан ва руҳан асосий аҳолидан ажралиб туради. Одатда улар мамлакатнинг маълум минтақалари, шаҳарларида жамланади. Миллий озчилик ва бошқалар ўртасида никоҳлар кам учрайди. Ўз маданиятини сақлаб қолиш учун бундай гуруҳ аъзолари эндогамияни (гуруҳ доирасидаги никоҳлар) қўллаб-қувватлашлари мумкин.

Баъзан озчиликнинг социологик маъноси миқдор билан боғлиқ бўлмагани учун, маълум шароитда асосий аҳоли ҳам этник озчиликни ташкил этиши мумкин деган фикрлар янграмоқда. Масалан, Жанубий Африкада нисбатан озчиликни ташкил этган оқ танли аҳоли сон жиҳатидан анча кўп бўлган қора танлилар устидан ҳукмронлик қилади. Бироқ бундай ҳолларда «озчилик» атамасини қўллаш тескарисидир. Қора танли аҳоли Жанубий Африкада аксариятни ташкил қилиши бу жамиятнинг социологик ҳолатида ҳам ҳал қилувчи роль ўйнайди. Худди шу тарзда, Фарб дунёсидаги тенгсизлик ҳақида сўз борганида, биз баъзан «аёллар ва бошқа озчиликлар» деган иборани эшитамиз. Бироқ аёллар аҳолининг ярмидан кўпини ташкил этади. Адашмаслик учун, «озчилик» атамасини фақат аҳолининг асосий қисмини ташкил этмаган гуруҳлар ҳақида гап борганидагина қўлламоқ маъқул.

Озчилик доимо асосий аҳолидан этник жиҳатдан маълум даражада фарқ қилади, лекин фарқланиш даражаси турлича бўлиши мумкин. Япониядаги барэкаминлар асосий аҳолидан фарқи жуда кам бўлишига қарамай, озчиликдир. Уларнинг ташқи кўриниши ҳам, хулқ-атвори ҳам бошқа японлариники билан бир хил. Бироқ аксарият этник гуруҳлар асосий аҳолидан ҳам жисмоний, ҳам этник жиҳатдан фарқ қилади. Британияда яшовчи осиеликлар, АҚШдаги ҳиндулар, хитойликлар, қора танлилар ва бошқалар бунга мисол бўла олади. Тана ранги ва шунга ўхшаш бошқа жисмоний фарқларни одатда «ирқий фарқлар» дейилади. Ирқ тушунчаси омма онгига катта таъсир ўтказган ғаразли илмий назариялар мавзуси бўлганлиги учун, бу тушунчани батафсилроқ кўриб чиқиш лозим.

Ирқ ва биология

Кўпчилик, бутун инсониятни биологик жиҳатдан бир-биридан фарқли ирқларга осонликча бўлиб чиқиш мумкин, деб ўйлайди. Кўплаб олимларнинг дунё халқларини ирқига қараб турли категорияларга бўлиб чиқишга уринишларини ҳисобга олсак, бу ишонч унчалик ажабланарли ҳам эмас. Баъзи муаллифлар тўрт ёки беш асосий ирқни, бошқалари эса қирққа

яқин ирқни ажратишади. Лекин бу таснифларнинг бирортасини қабул қилишга истисноларнинг кўплиги тўсқинлик қилади. Масалан, «негроид» тури дейилганда териси қора, жингалак соч ва бошқа бир қанча хусусиятларни назарда тутамиз. Лекин Австралиядagi маҳаллий аборигенларининг ҳам танаси қора, бироқ сочлари тўлқинсимон, сариқ бўлади. Генетика соҳасидаги кашфиётлар, антропоид аجدодларимиз ривожланишининг бир неча йўналиши бўлган, деган тахминни бутунлай инкор этади.

Инсон ташқи қиёфасидаги кескин фарқлар ички тузилишда ҳам мавжуд, деган янглиш фикрга олиб келиши мумкин. Ҳақиқатда эса жисмоний фарқ шу ташқи қиёфа фарқи билан чекланади. Қонни анализ қилаётган олим, унинг оқ ёки қора танлидан олинган эканини аниқлай олмайди. Инсонларнинг жисмоний тузилишидаги фарқлар аҳоли инбридинги билан изоҳланади, унинг даражаси турли ижтимоий ёки маданий ҳамжамиятлар ўртасидаги ўзаро алоқа даражаси билан белгиланади. Бошқача сўз билан айтганда, аҳоли гуруҳлари аниқ фарқланмайди, лекин континуум ҳосил қилади. Айни ташқи қиёфага эга бўлган гуруҳ ичидаги генетик фарқлар гуруҳлар орасидаги фарқдан кам эмас. Бу фактлар кўпчилик биологлар, антропологлар ва социологларни ирқ тушунчасидан воз кечиш зарур, деган хулосага олиб келди.

Инсонлар ўртасида яққол жисмоний фарқлар мавжуд, уларнинг баъзилари авлоддан авлодга ўтади; лекин «нега бу фарқларнинг фақатгина баъзилари ижтимоий дискриминацияга асос бўлади?» деган савол биологияга умуман алоқадор эмас. Хулоса шуки, ирқий фарқларни *маълум гуруҳ ёки жамият аъзолари томонидан муҳим* деб ҳисобланадиган жисмоний фарқланиш деб тушуниш лозим. Масалан, тана ранги бу маънода кўпинча муҳим деб ҳисобланади, соч ранги эса бундай деб ҳисобланмайди. Ирқчилик — маълум ташқи қиёфага эга бўлган шахсларга маълум туғма инсоний ва ахлоқий хусусиятлар хос деб ҳисоблашдир. *Ирқчи* — бу маълум турдаги инсонларга хос бўлган устунлик ёки камчиликнинг биологик изоҳи мавжудлигига ишонувчи кимсадир.

Этник зиддиятлар, хурофотлар ва дискриминация

«Ирқ» концепцияси нисбатан янги тушунча бўлса ҳам, хурофот ва зиддиятлар бутун инсоният тарихи мобайнида мавжуд бўлган. Буни изоҳлаш учун биз нафақат социология, балки психологияга ҳам мурожаат қилишимиз керак. Лекин аввал биз хурофот ва дискриминация ўртасидаги чегарани аниқ белгилаб олишимиз лозим. Хурофот — бу бир гуруҳ вакилларида бошқаларга нисбатан мавжуд бўлган *фикрий ёки психологик* установа; дискриминация эса уларга йўналтирилган амалий *ҳаракатлардир*. Бидъат — бу бир инсон ёки гуруҳ ҳақида далилларга

эмас, мишмишларга асосланган янглиш фикрга мойиллик, янги маълумотлар олдида ҳам бу фикрни ўзгартира олмасликдир. Инсонлар ўз гуруҳи вакилларига нисбатан ижобий ва ўзгаларга нисбатан салбий ноҳолис фикрда бўлишлари мумкин. Маълум гуруҳга нисбатан салбий фикрга эга бўлган инсон у гуруҳ вакиллари холисона тинглашни хоҳламайди.

Дискриминация бир гуруҳ вакиллардан бошқаларда мавжуд бўлган имкониятларни тортиб олишни назарда тутди. Масалан, оқ танлилар ишлаши мумкин бўлган ишга индивидларни олинмаслиги. Бидъатлар одатда дискриминацияга асос бўлишига қарамасдан, бу икки ҳодиса бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳам юз бериши мумкин. Инсонлар муносабати бидъатга асосланган бўлса ҳам, аниқ хатти-ҳаракатларга олиб келмаслиги мумкин. Худди шундай, дискриминация ҳам бидъатга тўғридан тўғри алоқадор бўлмаслиги мумкин. Масалан, оқ танлилар асосан қора танлилар истиқомат қиладиган жойда кўчмас мулк сотиб олишдан бош тортишлари мумкин. Лекин бунинг сабаби қора танлиларга бўлган салбий муносабат эмас, балки бу жойда кўчмас мулк нархлари тушиб кетишидан хавфсираш бўлиши мумкин. Бу ҳолда бидъатлар ҳам дискриминацияга таъсир қиладди, лекин билвосита.

Стереотиплар ва «гуноҳсиз гуноҳкор»лар

Хурофотлар асосан стереотип фикрлаш оқибатида юзага келади. Бизнинг ҳар қандай фикримиз маълум категориялар билан боғлиқ. Бу категориялар воситасида биз ўз тажрибамизни тасниф қиламиз. Лекин баъзан бу категориялар қолоқ ва янглиш бўлади. Масалан, бир инсоннинг қора танлилар ёки яҳудийлар ҳақидаги фикри бир неча ўрнашиб қолган ғояларга асосланиб, у барча тегишли маълумотни шу ғояларга боғлаб изоҳлайди.

Стереотип фикрлаш, агар у ҳис-туйғулар жиҳатидан холис бўлса, ва инсон манфаатларига алоқадор бўлмаса, зарарсиз бўлиши мумкин. Масалан, британияликлар америкаликлар ҳақида стереотип фикрда бўлишлари мумкин, лекин бу ҳар иккала томон учун ҳам жиддий оқибат бўлолмайди. Лекин стереотиплар нафрат ёки кўрқув билан боғлиқ бўлса, аҳвол бутунлай ўзгаради. Бундай ҳолларда стереотиплар одатда маълум гуруҳга нисбатан душманлик ва адоват билан тўла бўлади. Масалан, оқ танли одам, ўзининг қора танлиларга бўлган салбий фикрини оқлаш учун, уларнинг барчасини аҳмоқ ва танбал деб ҳисоблаши мумкин.

Мисол учун, Америкада қора танли кишининг анъанавий стереотипларидан бири «Самбо» образи эди. Жанублик ёзувчи ва шоир Роберт Пени Уоррен уни шундай изоҳлайди:

«У танбал, яхшиликни билмаган, маъсулиятсиз, кўрқоқ, банджо торини доимо чертиб турар, илжайган, сўтак, доимо кўнгилчан, тобе. Мехрибон, болаларни яхши кўрадиган ва болаларга ўхшаган каптафаҳм эди. У тарвуз ўғир-

лашни, диний мадҳиялар куйлаб юришни ёқтирар эди, беҳаё, фосиқ, бепарво, гедонист ва содиқ қора хизматкор эди. У баъзан фақатгина бирор халқ мақолини тантанали айтиш учун, ёки мерос қолган кумушни янкилардан беркитиб кўмиб қўйиш учун ўзидан ўзгача бўлиб, ўзгариб қолиши мумкин эди»³.

Бу стереотиплар бошқа «брутал» образ — оқ танли аёлларнинг эзгулигига хавф билан тенглаштирилар эди. Қора танли аёл стереотипи жуда кенг тушунча бўлиб, жинсий жиҳатдан чегара билмайдиган ёввойи аёл образидан тортиб «Том амакининг хотини» каби мулозим ва тақводор аёл образигача бўлган хислатларни қамраб олар эди.

Стереотиплаштириш кўпинча алмашишнинг психологик мурватлари билан маҳкам боғланган бўлади. Ўрнини босиш механизмида душманлик ва адоват туйғулари бу туйғуларнинг келиб чиқишига асл сабаб бўлмаган объектларга йўналтирилади. Одамлар ўз аламини «гуноҳсиз гуноҳкорлар»дан олиб, ўз қийинчиликларида уларни айблайдилар. Бундай ҳол одатда бир неча ҳуқуқлари чегараланган этник гуруҳларнинг моддий неъматлар учун рақобатлашишида юзага келади. Масалан, қора танлиларга қарши йўналтирилган ирқчилик ҳаракатларида иштирок этувчилар одатда ўзлари шунга яқин иқтисодий аҳволда бўладилар. Улар қора танлиларни умуман алоқаси бўлмаган гуноҳларда айблайдилар.

«Балогардонни» излаш одатда проекцияни, яъни ўзида бўлган хислат ва хоҳишларни бошқаларга ағдаришни назарда тутади. Инсон жиддий муаммога дуч келганда, ёки ўз хоҳиш ва эҳтиёжларини чеклашга мажбур бўлганда ўзининг ҳақиқий ҳис-туйғуларини англамай қолиши мумкин. Ўтмишда Америка Фарбида кенг тарқалган қора танлиларнинг сершаҳват табиати ҳақидаги ғалати фикрлар оқ танлиларнинг ўз фрустрацияларидан келиб чиққан, чунки оқ танли аёлларга жинсий жиҳатдан яқинлик имконияти расмий қоидалар билан чегараланган эди.

Авторитар шахс

Баъзи инсонлар эрта ижтимоийлашув оқибатида стереотип фикрлаш ва проекцияга ўта мойил бўлиб қолишлари эҳтимолдан ҳоли эмас. Бунга бостирилган хоҳишлар сабаб бўла олади. АҚШ да 1940 йилларда Теодор Адорно томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижасида олимлар томонидан авторитар шахс деб аталган шахс тури истеъмолга киритилди⁴. Адорно сохта фикрлаш даражасини ўлчаш учун бир неча махсус шкалалар ишлаб чиқди. Респондентлардан бир қатор қоқоқ ғояларга, масалан, антисемитизмга фикр билдиришлари сўралди. Бир шкалага кўра, сохта фикрлаш даражаси юқори бўлган одамда бу кўрсаткич бошқа шкалада ҳам юқори бўлди. Яҳудийларга нисбатан салбий фикрда бўлган одамлар одатда бошқа майда мил-

³ Warren Robert Penn. Who Speaks for the New York, 1965. P. 52.

⁴ Adorno Theodor W. et al. The Authoritarian Personality. New York, 1950.

латларга ҳам шундай муносабатда бўлганлар. Тадқиқотчилар шуни аниқладиларки, авторитар шахслар, одатда қатъий конформистлар, ўзидан юқорида турадиганларга итоаткор бўлиб, пастдагиларни назарга илмайдилар. Бундай инсонлар шунингдек ўзининг диний ва жинсий ҳаётида ҳам ўта қатъийдирлар.

Адорно ва унинг ҳамкасабаларининг фикрича, авторитар шахсга хос хусусиятлар унинг тарбиясидан, ота-онасининг болага севгисини ифода эта олмаслиги ва ўта талабчанлигидан келиб чиқади. Бундай инсон улғайиб турли хавотирлардан азият чекади ва рақобатгина қатъий консерватив дунёқарашни қабул қилиб, бундай хавотирни енга олади. Бу кашфиёт респондентларнинг баъзи бир-бирита зид ғояларга бўлган реакциясини ўрганиш натижасида юзага келди. Масалан, қуйидаги ғоялар таклиф этилган:

Яҳудийлар ҳанузгача Америка жамияти учун ёт унсурдир, чунки улар ўз ҳаёт изчилликларини сақлаб қолиб, америкача ҳаёт тарзига қарши чиқмоқдалар.

Яҳудийлар ўзларининг келиб чиқишини яшириб юрадилар ва исмини ўзгартириш, бурнини тўғрилаш ва христиан урф-одатларга тақлид қилиш каби ўта қатъий чораларга қўл урадилар.

Биринчи фикрга қўшилганларнинг аксарияти иккинчисига ҳам қўшилдилар. Худди шу тарзда, яҳудийлар ўта зиқна ва катта бизнесни назорат қиладилар, деган фикрга қўшилганлар, яҳудийлар бизнесга ишонмайдилар ва унга катта зарар етказадилар, деган фикрга ҳам розилик билдирганлар.

Бу тадқиқот ва унинг натижасида чиқарилган хулосалар кўп танқидий фикрларга сабаб бўлди. Баъзилар ўлчов шкалаларининг ҳақиқатни акс эттиришига шубҳа билан қарадилар, бошқалар авторитарлик шахсий хусусият эмас, балки жамиятдаги кичик маданиятларнинг ва рисоладаги муносабатларнинг кўрсаткичи деган фикрни илгари сурдилар. Эҳтимол, бу тадқиқотнинг қиймати маълум бир шахс турини аниқлашда эмас, умуман авторитар фикрлашни тушунишга уринишдадир. Қандай бўлса ҳам, олинган натижалар ва бошқа тадқиқотлар натижалари ўртасидаги ўхшашлик аниқ кўзга ташланади. Масалан, Юджин Хартлининг 35 майда миллатлар борасида олиб борган тадқиқоти шуни кўрсатадики, бир этник гуруҳга салбий муносабатда бўлган одам одатда бошқаларига шундай муносабатда бўлади. Валлонлар, пиренстликлар ва данирейликларни ҳеч ким яҳудий ёки қора танлилардан кўра кўпроқ ёқтирмас эди⁵. Келтирилган биринчи уч миллат аслида мавжуд эмас. Бу номларни Хартли одамларни ўзи билмаган миллатга қарши қай даражада салбий муносабатда бўлишини аниқлаш учун тўқиб чиқарган эди.

⁵ Hartley E. Problems in Prejudice. New York, 1946.

Этник мансублик ва болалик

Кичик ёшдаги болаларнинг этник мансублиги муаммосига кўплаб тадқиқотлар бағишланган. «Менга ранглилар ёқмайди», «у танбал, чунки у рангли» — бундай қарашлар Америка ва Британия жамиятларида анчагина кенг тарқалган. Лекин келтирилган мисолда биринчи фикр 5 ёшли оқ танли болага, иккинчиси эса 4 ёшли қора танли болага тегишли. Бола 3 ёшида оқ ва қора танлилар ўртасидаги фарқни тушуна олади ва муносабати шунга қараб ўзгара олади. Кеннет ва Мэйми Кларклар америкалик болаларнинг оқ ва қора қўғирчоқлар билан ўйнашларини кузатдилар. Ҳам оқ, ҳам қора танли болалар оқ қўғирчоқларни афзал кўрар эдилар. Бундай афзал кўришлар бошқа тадқиқотларда ҳам, масалан «Гавайларда шарқ болалари» деб номланган тадқиқотда таъкидланган⁶. Кўплаб қора танли кичкинтойлар ўзларини оқ деб ҳисоблашга мойилдирлар. Худди шу ёшдаги оқ танли болаларда эса бундай муаммо йўқ.

Яқин вақтгача Бирлашган Қиролликда болалар адабиётида қора стереотипи очик-ойдин кўрсатилар эди. Ҳозирги кунда бу ҳол деярли бартараф этилган бўлса ҳам, яширин кўринишда бузиб кўрсатилган этник образлар ҳалигача учраб туради. Болалар ҳикояларида қора танли қаҳрамонлар тобора кўпроқ учрамоқда, лекин мактаб ёшигача бўлган болалар адабиётида оқ танлилар ҳукмронлик қилмоқда. Болалар ҳикояларида оқларни яхшилик билан, қораларни эса ёмонлик билан боғлаб кўрсатиш ҳали кўзга яққол ташланиб туради. Ҳар бир ранг ўзининг эмоционал қийматига эга ва назаримизда бу қийматлар этник фарқлаш билан боғлиқ ҳолда ўзлаштирилмоқда. АҚШда мактаб ёшигача бўлган оқ танли болалар орасида ўтказилган тадқиқот шу хулосага олиб келадик, «мактаб ёшигача бўлган, яъни ирқий фарқларни тушуна бошлаётган болалар қора рангнинг маъносини ёмон, оқ рангни эса яхши деб ўзлаштирадилар»⁷.

Кўпчилиكنинг муносабати

Болаликда шакланган дунёқарашлар кейинги ҳаётдаги йўналишларнинг асосини ташкил қилади деб айтиш мумкин. Қора танлиларда одатда жуда эрта норасолик ҳисси пайдо бўлади ва кейинчалик бу ҳисдан воз кечиш қийин бўлади. Оқ танлилар, хулқ-атворида дискриминация сезилмаса ҳам ва ўзларини хурофотлардан холи деб билсалар ҳам, ўзларини қора танлиларга нисбатан ноқулай сезишлари мумкин. Тарбиянинг таъсири шу қадар кучли бўлиши мумкинки, ҳатто энг изчил либерал ҳам бундай ҳис-туйғудан халос бўлиши қийин кечади.

⁶ Clark K. and M. Clark. Prejudice and Your Child. 1963.

⁷ Renninger C. And J. Williams. Black-White colour-connotations and race awareness in pre-school children// Journal of Perceptual and Motor Skills, 22. 1966.

Роберт К. Мертон аҳоли кўпчилигини озчиликка бўлган муносабатига кўра таснифлаб, уларнинг 4 турини аниқлади⁸.

1-тур

«*Ўзгармас*» либераллар — хурофотлардан тўла халос бўлган, ўзларига қимматга тушиши мумкин бўлса ҳам дискриминациядан йироқ турадиган инсонлар. Жисмоний жазо ёки ишени йўқотиш хавфига қарамай, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган норозилик чиқишларида иштирок этаётган жанублик руҳоний бунга мисол бўла олади.

2-тур

«*Ўзгарувчан*» либераллар — ўзларини хурофотлардан халос деб ҳисоблайдилар, лекин ўз манфаатларига тегишли бўлган ҳолларда «шамол эсан томонга» кетаверади. Масалан, кўчмас мулк нархи тушиб кетишидан қўрқиб, кўчасига қора танли оиланинг кўчиб келишига қаршиликни жимгина қўллаб-қувватлаётган одам.

3-тур

«*Кўрқоқ ирқчи*» — этник гуруҳларга салбий муносабатда, лекин қонундан қўрққани учун, ёки моддий манфаатларини кўзлаб буни ҳеч кимга билдирмайди. Масалан, осиеликларни ёмон кўрадиган, лекин даромадни йўқотишдан қўрқиб улар билан дўстона муносабатда бўлган дўкон соҳибчи.

4-тур

«*Фаол ирқчилар*» — этник гуруҳларга ўта салбий муносабатда бўлган ва амалда уларнинг аъзоларини дискриминация қиладиган ирқчилар.

Социологик талқинлар

Юқорида тилга олинган психологик механизмларнинг баъзилари — масалан, стереотип фикрлаш, ўрнини босиш, ёки проекция, ўз табиатига кўра универсалдир. Улар ҳар қандай жамиятларда учрайди ва этник зиддиятлар нима учун турли маданиятларнинг одатий элементи эканлигини изоҳлашга имкон беради. Лекин, улар дискриминациянинг муайян шакллари билан боғлиқ ижтимоий жараёнларни изоҳлашда ёрдам бера олмайди. Бундай жараёнларни ўрганиш учун биз кўпроқ социологияга тегишли бўлган тушунча ва материалларни кўриб чиқишимиз керак бўлади. Этник душманлик ва низоларнинг социологик талқинини 2 турга ажратиш мумкин: юқорида кўриб чиқилганлар каби универсал ва фақат ҳозирги дунёдаги этник ихтилофларга тегишлилар.

⁸ Merton Robert K. Discrimination and American creed. In: R. M. McIver. Discrimination and National Welfare. New York, 1949.

Умумий омил

Этник низоларга нисбатан универсал даражада қўлланиладиган социологик тушунчалар — бу *этноцентризм, гуруҳий тўсиқлар ва ресурсларни қайта тақсимлаш*. Этноцентризмни — яъни ўзга гуруҳ вакилларига нисбатан шубҳали муносабат ва барча бошқа маданиятларни ўзиникидан келиб чиқиб баҳолашни биз аввал кўриб чиқдик (2-боб, «Маданият ва жамият»).

Ҳар қандай маданият у ёки бу даражада этноцентрик бўлади ва кўпинча этноцентризм стереотип фикрлаш билан бирга юз беришини кузатишимиз мумкин. «Бегоналарга» ёввойи, ваҳший ёки руҳий ва ақлий жиҳатдан паст инсондек муносабат қилинади. Кўпчилик маданиятлар майда миллатлар вакиллари ни худди шундай қабул қилганлар ва бутун инсоният тарихи мобайнида этник низолар келтириб чиқарганлар.

Этноцентризм кўпинча гуруҳий тўсиқлар билан бирга келади. «Тўсиқлар ўрнатиш» шундай жараёнки, унда гуруҳлар ўзларини бошқалардан ажратиб турадиган чегараларни сақлаб турадилар; биз аввалги бобда синфлар ўртасидаги тўсиқлар таҳлилида бунга тўхталганмиз. Антрополог Фредерик Барт⁹ этник гуруҳлар орасидаги чегаралар қандай тузилганлигини ва бу чегараларнинг низолардаги ўрнини кўрсатишга ҳаракат қилди. Унинг фикрича, бу чегаралар «мустасно механизми» ёрдамида кучаяди ва сақланади. Бундай механизмларга, масалан, турли гуруҳлар ўртасида никоҳ ман этилиши, ижтимоий ва иқтисодий алоқаларни чегаралаш ва гуруҳларни бир-биридан ажратиб юбориш (этник геттолар каби) киради.

Баъзан куч жиҳатидан бир-бирига тенг гуруҳлар ўзаро тўсиқ ўрнатадилар, бир-бири билан алоқа қилмайдилар, лекин гуруҳлар бошқаси устидан ҳукмронлик қилмайди. Аммо, кўп ҳолларда бир гуруҳ вакиллари бошқа гуруҳ ёки гуруҳларга нисбатан устунроқ мавқега эга бўладилар. Бундай ҳолларда тўсиқлар шаклланиши *ресурслар қайта тақсимланиши* билан бирга кечади, бошқача сўз билан айтганда, моддий неъматларни тақсимлашда тенгсизлик юзага келади. Бу турли ҳолатларда содир бўлиши мумкин, масалан бир гуруҳ бошқасини босиб олганида, ёки бир гуруҳ бошқаси устидан иқтисодий ҳукмронликка эга бўлганида. Этник тўсиқлар ҳукмрон гуруҳнинг имтиёзли ҳолатини ҳимоя қилишга имкон беради.

Тарихга назар

Келтирилган психологик ва социологик концепциялар этник низоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи омилларни тушунишга ёрдам беради. Лекин бугунги кундаги этник муносабатларни тўла таҳлил қила олиш учун тарихга назар солишимиз зарур. Бир неча аср мобайнида давом этган Ғарб экспан-

⁹ Barth Frederick. Ethnic Groups and Boundaries. London, 1969.

сиясининг жаҳон ҳамжамиятига таъсирини, айниқса ғарб мустамлакачилигининг дунёнинг бошқа қисмларига ўтказган таъсирини ўрганмай туриб бугунги дунёдаги этник низоларни тушуниш мумкин эмас. Бу давр тарихини биз 2-бобда («Маданият ва жамият») қисқача ўрганиб чиқдик ва бу ушбу бобдаги материалларни ўрганиш учун етарли асос бўла олади. Ўн бешинчи асрдан бошлаб европаликлар тадқиқот, тижорат мақсадларида, ва шунингдек, янги ерлар босиб олиш ва маҳаллий қолоқ халқларни бўйсундириб олиш мақсадида ўзлаштирилмаган қитъаларга саёҳатлар уюштирдилар. Миллионлаб одамлар Европани тарк этиб, янги кашф этилган ерларга кўчиб кетдилар. Кул савдоси кўплаб Африка вакилларининг Америка қитъаларига кўчирилишига олиб келди. Қуйида охириги 350 йил мобайнида содир бўлган энг йирик миграция жараёнлари келтирилган¹⁰.

Европадан Шимолий Америкага. Ўн еттинчи асрдан бошлаб шу кунгача Европадан ҳозирги кундаги АҚШ ва Канадага 45 миллионга яқин одам кўчиб борган. Кўплари қайтиб келдилар, лекин аксарияти умрбод қолиб кетдилар ва бугунги Шимолий Американинг 150 млн га яқин аҳолиси ўша кўчманчилар авлодларидир.

Европадан Марказий ва Жанубий Америкага. Марказий ва Жанубий Америкага асосан Испания, Португалия ва Италиядан 20 млн га яқин европаликлар кўчиб борган. Бугун бу минтақанинг тахминан 50 млн аҳолиси уларнинг авлодлари ҳисобланади.

Европадан Африкага ва Австралияга. Бу қитъаларнинг тахминан 17 млн яшовчиси Европадан келиб чиққан. Африкада улар асосан Британия ва Голландия Африкасида жамланганлар.

Африкадан Америкаларга. Ўн олтинчи асрдан бошлаб Америка қитъасига тахминан 15 млн негр олиб борилган; XIV асрда 1 млн дан камроқ, XVII асрда тахминан 2 млн, XVIII асрда 6 млнга яқин ва XIXда тахминан 2 млн.

Бу миграция оқимлари АҚШ, Канада, Марказий ва Шимолий Америка, Жанубий Африка, Австралия ва Янги Зеландия этник таркибининг асосини ташкил этди. Бу давлатларнинг ерли аҳолиси кул этилди ва европача қонуларга бўйсундирилди. Бир қатор давлатларда, масалан Австралия ва Шимолий Америкада маҳаллий халқлар сон жиҳатидан жуда кичик бўлган этник озчиликка айланиб қолдилар. Европаликлар ўзлари ҳам турли этник илдизларга мансуб бўлганлари учун, янги ватанларига жуда бой этник хилма-хиллик олиб келдилар. Мустамлакачиликнинг авж олиш даври — XIX аср — XX аср бошида — европаликлар, шунингдек, бошқа минтақалардаги давлатларда, жумладан, Африканинг катта қисмида, Яқин Шарқнинг баъзи минтақаларида, Ҳиндистон, Бирма ва Малайда ҳукмронлик қилганлар.

¹⁰ *Berry B., Tischler H. L. Race and Ethnic Relations. Boston, 1978.*

Деярли бутун мустамлакачилик даври мобайнида ўзларини колоқ дунёга цивилизация ёруғлигини олиб келмоқдамиз, деб ҳисоблаган европаликлар орасида этноцентристик қарашлар кенг тарқалган. Ҳатто энг либерал европаликлар ҳам ўзларини ерли аҳолидан устун мавжудот деб ҳисоблаганлар. Ерли аҳолининг фикрга қўшилмаслиги ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас эди, чунки европаликларда ўз қарашларини ҳимоя қилиб олиш учун ҳам имконият бор эди. Мустамлакачиликнинг бошланғич даври ирқчиликнинг пайдо бўлиши даврига тўғри келди, ва ўша пайтдан буён ирқий фарқланиш ва низолар барча этник тўқнашувларда асосий рол ўйнаб келмоқда. Европаликлар дунёқарашида инсонларни ирқчиликка асосланган «оқ» ва «қора» ларга ажратиш алоҳида аҳамиятга эга бўлди.


Нима учун бундай бўлди? Бунга бир неча сабаб бор эди. Сабаблардан бири шуки, «оқ» ва «қора»ни маданият тимсоли сифатида бир-бирига қарши қўйиш Европа маданиятида жуда қадимга бориб тақалади. Қадим замонлардан буён оқ ранг эзгулик ва тозалик, қора эса ёвузликка боғланиб келган. (Бундай боғланиш асло табиий эмас, баъзи бошқа маданиятларда бунинг тескарисини кузатиш мумкин). Қора рангнинг бундай маъноси («чидаб бўлмас даражада ифлос, жирканч, нияти бузуқ, хавф солувчи, ўлим хавфини келтирувчи, барбод этувчи, даҳшатли, разиллик ва гуноҳ рамзини ташувчи»)¹¹ ҳали европаликлар қора танли халқлар билан тўқнаш келмасдан аввал ҳам мавжуд эди.

Африка соҳилларида яшовчи аҳоли билан илк учрашувлардаёқ муносабатлар худди шу тимсолий маъноларга асосланган эди. Бу тимсоллар африкаликларнинг маъжусийлик динлари билан бирга европаликларнинг негрларга қўрқув ва жирканиш билан қарашларига сабаб бўлиб, халқлар ўртасидаги радикал фарқланишни янада кучайтириб юборди. XVII асрда яшаган бир ёзувчининг айтишига қараганда, қора танлилар «ҳам ранги, ҳам табиати билан шайтондан бошқа нарса эмасдирлар»¹². Ҳозирги кунда бу каби ўта радикал қарашлар деярли қолмаган бўлса ҳам, оқ-қора маданий тимсолларнинг баъзилари шубҳасиз сақланиб қолган ва кенг тарқалган.

Ҳозирги замон ирқчилигининг пайдо бўлишидаги яна бир муҳим омил — бу «ирқчилик» тушунчасининг пайдо бўлишидир. Ирқчилик гоёлари кўп маданиятларда қадимдан бери мавжуд бўлган.

¹¹ *Rovel J. White Racism: F Psychistory. New York, 1970. P. 62.*

¹² *Jordan W. White Over Black. Chapel Hill, 1968. P. 24.*



6-расм. Атлантик кул савдоси, 1601—1870.

Бу даврда кул савдосининг энг катта нуқтаси Бразилия эди. 300 йил давомида бу мамлакатга 3,6 млн. кул келтирилди.

Манба: Ben Crow and Mary Thorpe. Survival and Change in the Third World. Cambridge, Polity Press, 1988. P. 15.

Масалан, IV асрга оид Хитой йилномаларида «ўзларининг аждодлари таърифи берилган»¹³. Бироқ ирсий хусусиятларни белгиловчи «ирқ» тушунчасининг ўзи XVIII—XIX асрга оид Европа таълимотларидан келиб чиқган. «Ҳозирги замон ирқчилигининг отаси» деб граф Жозеф Артур де Гобино (1816—1882) тан олинади, чунки у кўп доираларда оммавий тус олган ғояларни илк бор эълон қилган. Гобинонинг айтишича, уч ирқ мавжуд: оқ, қора ва сариқ. Оқ ирқ юксакроқ ақлий, руҳий ва ирода хусусиятларига эга, шу хусусиятлар ғарб ҳукмронлигининг бутун дунёга тарқалишига сабаб бўлган. Қоралар уч ирқ ичида энг қобилиятсизидир. Ўз савияси бўйича улар ҳайвонларга яқин, руҳий жиҳатдан паст ва беқарордирлар.

Де Гобино ва у кабиларнинг қарашлари аввалига шунчаки илмий назариялар кўринишида тақдим этилган. Кейинчалик бу ғоялар Адольф Гитлерга ўз таъсирини ўтказди ва у бу ғоялардан нацист партиясининг мафкураси сифатида фойдаланди. «Оқ ирқнинг устунлиги», фактик асослар умуман йўқлигига қарамай, бутунги кунда ҳам оқлар ирқчилигининг асосий ғояларидан бири бўлиб қолмоқда. Масалан, Америкадаги Ку-Клукс-Клан дастурий низомининг бир қисми шу ғояга асосланган.

Ҳозирги кундаги ирқчилик пайдо бўлишининг учинчи сабаби — европаликларнинг оқ бўлмаган халқлар устидан эксплуататорлик муносабатлари ўрнатганлигидадир. Агар европаликлар орасида негрлар ўта паст, ярим ҳайвон ирқ деган фикр тарқалмаганида кул савдоси ҳам пайдо бўлмаган бўлар эди. Ирқчилик оқ бўлмаган халқлар устидан ҳукмронликни ва улардан европаликларда мавжуд ҳуқуқларни тортиб олишни оқлар эди. Аввал тилга олинган концепциядан фойдаланиб айтишимиз мумкинки, ирқчилик ҳукмрон бўлган европаликлар ва уларга тобе бўлган рангли халқлар ўртасида тўсиқлар ўрнатилишида муҳим рол ўйнаган.

Европалик мустахлакачиларнинг ирқчилик қарашлари бошқа ирқлардан кўра қораларга нисбатан сезиларлироқ бўлган. Масалан, Шимолий Америкага илк кўчиб келган инглизлар қора танлиларни ҳиндулардан анча пастроқ қўйишар эди. Ҳиндуларга бўлган муносабат ирқий эмас, балки маданий омиллар билан белгиланар эди. Уларни қуйи ирқ эмас, цивилизациялашмаган ёввойилар деб қабул қилар эдилар. Лекин барибир кейинчалик мустахлакачилар ҳиндуларга европаликларга хос хусусиятларга эга бўлмаган бошқа ирқ деб қарай бошладилар. Лекин бу қараш қора танлиларга бўлганидек очиқ-ойдин намойиш этилмас эди. Томас Жефферсон, ҳиндуларнинг америкалаштирилишини ҳимоя қилар экан, улар орасида христиан қадриятларнинг қарор топишини назарда тутган. Энди унинг қораларга бўлган муносабатини таққосланг. Қоралар, деб ёзади

¹³ *Cossett th. F. Race: The History of an ideal in America. Dallas, 1963. P.4.*

у, «хотира жиҳатидан оқларга тенг, ақл жиҳатидан улар анқов, дидсиз ва эси пастдирлар»¹⁴.

Оқ ва оқ бўлмаганлар орасидаги муносабат мустамлакачиликка боғлиқ эди; уларга европаликлар ўртасида мавжуд бўлган маданият борасидаги фарқлар ҳам таъсир қилган. Бу фарқларни кўрсатиш учун Бразилия, АҚШ ва Жанубий Африкадаги ирқий муносабатларни кўриб чиқайлик, кейин Буюк Британиядаги ирқий ва этник муносабатларни таҳлил қилишга ўтамиз.

Тарихдаги этник муносабатлар: бир неча мисол

Этник муносабатларни таққослаш бидъат ва дискриминациянинг тарихий ривожланиш турлари билан боғлиқлигини кўрсатади. Бразилияни баъзан оқлар ва қоралар ўртасидаги этник хурофотлардан халос бўлган мамлакат деб аташади, лекин бу фикр унчали тўғри эмас. Жанубий Африка, аксинча, — хурофот ва дискриминация ўта ошкор тус олган мамлакат бўлиб, оқ ва қора танлиларни ажратиш қонунда белгиланган.

Бразилияда этник муносабатлар

XIX асрнинг ўрталарига келиб, қул савдоси даврининг охирида Бразилияга 4 миллионга яқин қул келтирилган эди. Ўша пайтда АҚШда 1 миллионга яқин қора танли аҳоли яшар эди. Одатда Африкадан келтирилган қулларни турли жойларга тарқатиб юборар эдилар; Бразилияда эса бир жойдан олиб келинган қулларни бирга жойлаштирар эдилар. Шундан кейин улар ўз маданиятларини АҚШдаги қуллардан кўра кўпроқ сақлаб қолиш имкониятига эга бўлдилар. Бразилияда қуллар соҳибидан рухсатсиз ҳам уйланишлари мумкин эди. Эр-хотин қуллар ажратиб сотилмас эди. Оқ танли эркаклар ва қул аёллар ўртасида жинсий алоқалар ҳам учраб турган. Одатда туғилган фарзандларга эркинлик берилар эди, баъзан эса улар оқ танли оилаларнинг тўлақонли аъзосига айланар эди. Қуллик тўлалигича 1888 йилда бекор қилинди, лекин бундан анча аввал ҳам оқ танлилар эркин негрлар мавжудлигига ўрганиб қолган эдилар.

Қуллик бекор қилинганидан сўнг қўлаб қора танли бразилияликлар шаҳарларга кўчиб кетди. Уларнинг аксарияти ўша пайтда ҳам нисбатан камбағал яшаган, ҳозир ҳам; лекин ҳеч ким улардан касаба уюшмаларига аъзо бўлиш ҳуқуқини тортиб олмаган, баъзилари эса бойлик ва ҳокимиятга ҳам эришдилар. Бразилияда шундай бир мақол бор: «Бой қора — оқдир, камбағал оқ — қорадир». Бу ерда Бразилиядаги нисбий ирқий либерализм ҳамда оқларнинг бироз устун туриши аниқ акс эттирилган. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида ҳам оқлар ҳукмронлик қилади.

¹⁴ *Cossett Th. Race: The History of an idea in America. Dallas, 1963. P. 42—44.*

Бразилияликлар узоқ вақт мобайнида ўзларининг ирқлар ўртасидаги муносабатлар тизимини АҚШдагидан устунроқ деб ҳисоблаганлар, лекин 1960—70 йилларда америкалик қора танлиларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоялаш ҳаракатлари кучайганида, бу таққос Бразилия фойдасига бўлмай қолди. 1960 йилларнинг бошларида Бразилия конгресси жамоат жойларида дискриминацияни ман қилувчи қонун қабул қилди. Бу америкалик қора танли турист сер Кэтрин Донэм Сан-Паулодаги бир меҳмонхона маъмурини унга хона бермаганликда айблаб, ҳукуматга муурожаат этгандан сўнг содир бўлди. Лекин бу қонун рамзий ишорадан ортиқ ҳеч нарса эмас эди, чунки ҳукумат дискриминациянинг асл чегарасини аниқлаш учун ҳеч қандай чора-тадбир кўргани йўқ.

Кўпчилик кузатувчилар фикрича, Бразилияда қора танли аҳолининг ижтимоий ва иқтисодий яшаш шароитларини яхшилашга қаратилган давлат дастурлари кам бўлганига қарамай, бундай дискриминация кам учрайди. Бразилияликларнинг «оқартириш»га бўлган ишончи қора танлиларнинг асосан жамиятнинг энг камбағал табақаларида жамланганлигига бироз зид келади. Шунга қарамай, Бразилия АҚШнинг бутун тарихи мобайнида содир этиб келган ирқий тўқнашувлардан ҳалос ва бу давлатда ирқий бидъатлар очикдан очик кўринишга эга эмас деб айтиш мумкин¹⁵.

Жанубий Африканинг ижтимоий тараққиёти

Жанубий Африкага европаликлардан биринчи бўлиб голландияликлар кўчиб борган. Маҳаллий аҳолининг европаликлар корхоналарида ишлашни хоҳламаслигига дуч келиб, улар қитъанинг бошқа давлатларидан ва Голландияга қарашли Ост-Индиядан кўплаб қуллар келтира бошладилар. Кейинчалик Жанубий Африкада ҳукмронликни британияликлар ўз қўлига олдилар ва 1830 йилда қулликка чек қўйдилар. Аввалига аҳолини оқ ва қораларга ажратиш кейинчалик пайдо бўлганидек ошкор эмас эди. Қуллик бекор қилинганидан кейин қора танлилар учун янги солиқлар жорий қилинди. Натижада улар европаликлардан иш сўрашга ва солиқларни тўлаш учун бошқа ишлар қидиришга мажбур бўлдилар. Жанубий Африка иқтисодиётининг ривожланишини белгилаган «кўчма иш кучи» тизими шаклланди. Кўплаб африкаликлар олтин ва олмос конларига ишга ёлланиб, европаликларнинг яшаш жойларидан узоқ бўлган лагерларда яшадилар. Шундай қилиб кейинчалик қонунан тасдиқланган сегрегация тизими аста-секин пайдо бўлди¹⁶.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг амалга киритилган апартеид тизимига кўра, Жанубий Африка аҳолиси 4 «қайд гуруҳига»

¹⁵ Skidmore Th. E. Black and White: Race and Nationality in Brazilian Thought. Oxford, 1974.

¹⁶ Western J. Outcast Cape Town. London, 1981; Lapping B. Apartheid: A History. London, 1986.

бўлинган: 4,5 млн Европадан келиб чиққан оқ танлилар, 2,5 млн бирдан ортиқ ирққа мансуб бўлган «ранглилар», 1 млн осиеликлар авлодлари ва 23 млн қора танли африкаликлар.

Жанубий Африкани бошқа индустриал давлатлардан ажратиб турган хусусият бу фақатгина оқлар ва қолган аҳоли фаровонлиги ва имкониятлари орасидаги катта фарқланиши эмас, — бу ҳол бошқа давлатларда ҳам мавжуд. Асосийси — оқлар ва барча оқ бўлмаганларни ажратиб турувчи қонун билан белги-ланган кескин ва кенг кўламли қарама-қаршиликлардир.

Шохона атторлик дўкончалари, ҳашаматли савдо расталари, тинч, кўкаламзор кварталлар, шинам боғчалар ва бошқа гўзалликлар — оқлар яшайдиган бой кварталларнинг ажралмас хусусиятидир. Қора танлилар яшайдиган шаҳар четидаги геттоларнинг хароба манзаралари эса бунинг тескарисидир. Бу ерларда ҳам нисбаган бойроқ оролча учраб турарди, лекин улар қонда эмас, истиснодир. Бир хил образларнинг навбатлашиб келиши — совуқ, ифлос кўчалар, ялангоёқ, палпис болалар, ҳолдан тойган ишчиларнинг туганмас оқими, қайғули қарашлари — мана депривациянинг ҳақиқий чехраси. Улар учун кундалик ҳаёт — бу битмас-туганмас, шафқатсиз ва умидсиз ҳаёт учун курашдир.¹⁷

Пьер Ван ден Берг Жанубий Африка жамиятида сегрега-циянинг уч асосий даражасини кўрсатади¹⁸:

1. **Микросегрегация** — жамоат жойларидаги сегрегация (Аме-рика Жанубида бўлгани каби). Оқ ва оқ бўлмаганлар учун ало-ҳида хоналар, кутиш заллари, темир йўл вагонлари ва бошқа жамоат жойлари мавжуд.

2. **Мезосегрегация** — шаҳарлар ичида оқлар ва қоралар яшай-диган жойлари сегрегацияси. Қора танлилар ўзларига махсус ажратилган жойларда яшашга мажбурдирлар.

3. **Макросегрегация** — маълум жойларда, миллий резерва-цияларда яшовчи халқларнинг сегрегацияси.

Жамоат жойларида алоҳида хизматларнинг мавжудлиги апар-теидни мустаҳкамлаш учун катта рамзий маънога эга. Лекин у оқ озчиликнинг қора аҳоли устидан сиёсий ва иқтисодий ҳукм-ронлигини таъминлайди. Аслида, сўнгги йилларда микросегре-гация даражаси анча пасайди, чунки Жанубий Африка ҳукума-ти дискриминацияни тўхтатишга қаратилган халқаро босқичга бўйсунушга мажбур эди. Жанубий Африка иқтисодиёти учун шаҳар ва қишлоқларда яшовчи ишчи кучи ўта зарурдир¹⁹.

Бир пайтлар йирик шаҳарларда оқлар ва қоралар бирга яшайдиган аралаш районлар мавжуд эди. Лекин аста-секин қора танлилар махсус «кўргазмали» қишлоқларга сиқиб чиқарилди. Бундан ташқари миллионлаб қора танлилар шаҳарлардан анча узоқда жойлашган «хоумленд»ларга жойлаштирилди.

¹⁷ Murray M. South Africa: Time of Agony, Time of Destiny. London, 1987.

¹⁸ Van den Berghe P. L. Race and Ethnicity: Essayz in Comparative Sociology. New York, 1970.

¹⁹ Saul J., Ceib S. The Crisis in South Africa. London, 1986.

Бундай районларга оқларнинг марказий ҳукуматига бўйсунган автоном давлатлар ҳуқуқи берилади. Хоумлендлар қора танлилар оқлар яшайдиган минтақаларда эга бўлмаган ҳуқуқлар — сиёсий ҳуқуқларга эришадиган алоҳида районлар бўлиши кўзда тутилган эди. 1970 йилда қабул қилинган хоумлендларда фуқаролик ҳақида низом шартларига кўра бундай районларнинг аҳолиси уларга мустақиллик берилган кундан бошлаб автоматик равишда Жанубий Африка фуқаролигидан маҳрум бўлар эди. «Шаҳар четигаги хорижликлар» оилалари билан хоумлендларда яшайдилар ва ҳар куни оқларга қарашли бўлган Жанубий Африка «миллий чегарасини» кесиб ўтадилар. Хоумлендлар аҳолисининг 80 фоизи расман белгиланган қашшоқлик даражасидан анча паст яшайдилар²⁰.

Апартеид халқаро ҳамжамият томонидан кучли танқидга учради, Жанубий Африкада ҳам унга кўпчилик қарши чиқди. Узоқ вақт давомида бу давлатга апартеидга чек қўйиш мақсадида иқтисодий санкциялар қўлланди; Жанубий Африкалик спортчилар бир қатор халқаро спорт мусобақаларига қўйилмаган. Халқаро санкциялар ва ички норозилик албатта ўз таъсирини ўтказди. Лекин 1980 йилларда апартеид тизимининг парчаланишига ҳукумат томонидан жазоланишдан кўрқмаган қора танли аҳолининг қатъий ҳаракатлари сабаб бўлди; масалан, қонунда ман этилган бўлса ҳам кўпчилик иш излаб шаҳарларга кўчиб келди.

1990 йилда Президент де Клерк Африка Миллий Конгресси (АМК), Коммунистик партия ва бошқа бир қатор аввал ман этилган ёки сургун қилинган муҳолифат гуруҳларининг фаолиятидаги чеклашларини бекор қилди. 1962 йилдан бери қамоқда сақланган АМК раҳбари Нельсон Мандела озодликка чиқарилди. Тарихда илк бор ҳар бир фуқарога овоз бериш ҳуқуқи берадиган янги конституция қабул қилиниши кўзда тутилмоқда. 1992 йил март ойида оқ танлилар ўртасида ўтказилган референдум шуни кўрсатадики, уларнинг аксарияти бундай ислоҳот ўтказилишини қўллаб-қувватладилар. Лекин бу жараёнга қаршилик кўрсатаётган оқ танли аҳолининг консерватив гуруҳлари ҳам мавжуд. Шаҳар четларида улар томонидан қора танлиларга нисбатан куч қўллаш ҳоллари учраб туради. Шунинг учун ҳукуматни қора танлилар қўлга олганидан кейин ҳам давлатнинг келажаги худди ўтмишидек нотинч бўлади дейишга асос бор.²¹

²⁰ Ciliomee H., Schlemmer L. (eds). *Up Against the Fences. Poverty, Passes and Privilege in South Africa*. Cape Town, 1985.

²¹ Van Vuuren D. J. et al. *South Africa in the Nineties*. Pretoria, 1991.

АҚШдаги қора танли аҳолининг фуқаролик ҳуқуқлари

Кулликнинг бекор қилиниши ва илк натижалари

Шимолий Америкада шимолий ва жанубий штатлар ўрта-сидаги фуқаролар уруши натижасида кулликка чек қўйилди. Аслида кулларни озод этиш ҳақидаги Манифест уруш тугамасдан бир йил аввал — 1863 йилда имзоланган. Кулликнинг бекор қилингани қора танлиларнинг ҳаёт даражаси яхшилангани маъносини бермайди. Уларнинг аксарияти аввалгидек ўта қашшоқ ҳаёт кечирар эдилар. 1890—1912 йиллар орасида АҚШнинг Жанубида қора танлиларга оқларнинг темир йўл вагонларига, умумий ҳожатхоналарига ва кафеларига киришни ман этувчи бир қатор дискриминацион қонунлар қабул қилинди. Бундай сегрегация 1896 йили Олий суднинг Конституцияга мос «Алоҳида, лекин тенг» имкониятлар берувчи қарори билан расман тасдиқланди. Ку-Клукс-Клан деб номланган махфий террористик жамиятнинг фаолияти сегрегацияни сақлаб қолишга йўналтирилган эди.

АҚШ тарихида майда миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиқ учун кураши муҳим ўрин тутати. Этник гуруҳларнинг аксарияти сиёсий ва иқтисодий тенг ҳуқуқлилиқка эришдилар ҳам, уларнинг асосий аҳоли билан ҳам тенглик борасидаги талаблари қондирилди. Лекин қора танлилар асримизнинг 40-йиллари бошига қадар бундан истисно эдилар. 1909—1910 йилларда рангли аҳолининг ривожланишига кўмаклашиш Миллий ассоциацияси ва Миллий шаҳар лигаси ташкил этилди. Бу иккала ташкилот қора танли аҳолининг ҳуқуқлари учун кураш олиб бордилар, лекин улар фаолиятининг натижалари иккинчи жаҳон уруши пайтида ва ундан кейинги йиллардангина сезила бошлади.

АҚШ урушга қўшилишидан аввал Миллий ассоциация ва Шаҳар лигаси раҳбарлари Президенти Франклин Д. Рузвельт билан учрашиб, қуроли кучларни десегрегация қилиш борасида расмий илтимос қилдилар. Рузвельт илтимосни рад этибгина қолмай, учрашув давомида бу ҳаракат раҳбарлари сегрегацияни қўллаб-қувватладилар, деб халққа эълон қилди.

Қоралар касабга уюшмаларининг раҳбарларидан бири А.Филлип Рендоф бундай очиқ ёлғондан газабланиб, Вашингтондан юз минг қора танли ишгирокида норозилик намойиши ўтказишга чақирди. Белгиланган кундан бир кеча кун аввал Рузвельт этник дискриминацияни ман этувчи ва қуроли кучларда сегрегацияга чек қўйилишини ваъда қилувчи қарорни имзолади²².

Орадан икки йил ўтиб, Чикагода янги ташкилот — Ирқий тенглик конгресси ташкил этилди. Бу ташкилот ресторонларда, бассейнларда ва бошқа жамоат жойларида сегрегацияни тўхта-

²² Finch M. The NAACP: Its Fight for Justice. 1981; Zangrando R. The NAACP Crusade Against Lincing, 1909—1950. Philadelphia, 1980.

тишга чақирди. Бу ташкилот ўз фаолиятида катта ютуқларга эриша олмаганига ва оқ танли аҳоли томонидан жиддий қаршиликка дуч келганига қарамасдан қора танлилар ҳаракати фаоллашишига ва 15 йилдан сўнг оммавий ҳаракатга айланишига олиб келди²³.

Иккинчи жаҳон уруши якунлангандан сўнг ривожланишга кўмаклашиш миллий ассоциацияси халқ таълимида сегрегацияга қарши кампания уюштирди ва натижада ўша пайтда ҳукм сурган ажратиб ўқитиш концепциясига қарши чиқиб, ассоциация 5 та мактаб кенгашига қарши суд жараёнлари уюштирди. 1954 йилда Олий суд «Ажратиб ўқитиш тизими тенг ҳуқуқликка зид келади», деган қарорни бир овоздан қабул қилди. Ушбу қарор кейинги икки 10 йиллик мобайнида фуқаролик ҳуқуқлари учун курашда таянч вазифасини бажарди. Олий суд бу қарорни қабул қилиши биланоқ бир қатор маҳаллий ҳукумат ва штат ҳукумати органлари қарори қўллаш доирасини чеклашга уриндилар. Федерал ҳукумат буйруғига биноан ўз иш-ни бошлаган давлат мактабларини бирлаштириш комиссияси жиддий қаршиликка дуч келди ва бу Ку-Клукс-Клан, «Оқ фуқаролар кенгашлари» ва Огоҳлик кўмиталари каби ирқчилик ташкилотларининг қайта тикланишига олиб келди. Ҳатто 1960 йилда ҳам Жанубдаги аралаш мактаблардаги қора танли ўқувчилар сони бир фоиздан ошмас эди²⁴.

Тенглик душманларининг кучи қора танлилар раҳбарларини шунга ишонтирдикки, ҳақиқий тенг фуқаролик ҳуқуқларига эришиш учун фаол оммавий ҳаракатлар зарур эди. 1956 йилда Алабама штатининг Монтгомери шаҳридан қора танли аёл Роза Паркс автобусда оқ танли кишига жой бўшатмаганлиги учун ҳибсга олинди. Натижада баптист доктор Мартин Лютер Кинг раҳбарлигидаги бутун қора танли аҳоли 381 кун мобайнида транспорт тизимини қамал қилиб турди. Охир оқибатда шаҳар ҳукумати жамоат транспортда сегрегацияни бекор қилишга мажбур бўлди.

Бу ўз навбатида жамоат жойларида сегрегацияни бекор қилишга қаратилган бошқа байқот ва иш ташлашларни келтириб чиқарди. Турли хил марш ва томошаларни кўплаб қора танлилар ва уларга ҳамдард бўлган оқлар қўллаб-қувватлай бошлади. Кингнинг ғоялари дискриминацияга қарши фаол сабаб бўлди, бироқ унинг раҳбарлигидаги ҳаракатларга бўлган муносабат унчалик тинч эмас эди. Арканзас штатининг губернатори Фобас Литл — Рокдаги Сентрал Хай Скулга қора танли ўқувчиларни киритмаслик учун штат полициясини ташлади. Алабама штатидаги Бермингем шаҳрида Шериф «Буқа» Коннор на-

²³ Meier A., Rudick E. CORE: a study in the Civil Rights Movement, 1945—1968. Oxford, 1973.

²⁴ Issel W. Social Change Change in the United States, 1945—1983. London, 1985; Sitkoff H. The Struggle For Black Equality, 1954—1980. New York, 1981.

мойишчиларни тарқатиш учун полицияга бранспойтлар, тўқмоқлар ва итлардан фойдаланишга буйруқ берди.

Бирмингемдаги бу ҳодисадан сўнг 10 ҳафта ичида Американинг турли шаҳарларида юзлаб норозилик намойишлари бўлиб ўтди, уларда 15 мингдан ортиқ иштирокчи ҳибсга олинди. 1963 йилда чорак миллион фуқаролик ҳуқуқ тарафдорлари Вашингтонда Кингнинг «Биз адолат дарё каби, ҳақиқат эса кучли оқим каби бўлмагунича тинчланмаймиз» деган шиорига жавобан норозилик намойиши уютирдилар. 1964 йилда Конгресс томонидан жамоат жойларида, таълим тизимида ва давлат томонидан молиялаштирилладиган ҳар қандай ташкилотга ишга қабул қилишда дискриминацияни ман этувчи фуқаролик ҳуқуқлари ҳақидаги қонун қабул қилинди, кейинчалик қора танлиларнинг овоз бериш ҳуқуқини таъминловчи ва кўчмас мулк, ижарага олиш ва сотиб олишда дискриминацияни ман этувчи қарорлар қабул қилинди.

Фуқаролик ҳуқуқлари учун ҳаракатлар

Фуқаролик ҳуқуқлари учун ҳаракатлар ўзининг қора танли иштирокчиларига улар курашиб юрган формал мақсадлардан кўра муҳимроқ бўлган эркинлик ва ўз шахсиятининг аҳамияти ҳиссиётини берди. Талабаларнинг зўравонликсиз ҳаракати ташкилий кўмитаси фаолиятида «эркинлик куйчилари» деб номлаган ҳаракат иштирокчиларнинг умидларини куй ва кўшиқлар орқали ифода этган санъатчилар қатнашган Винант Говард ўша пайтда қора танлиларда пайдо бўлган илҳом ва ғайратни шундай таърифлайди.

Намойишчилар ва ҳибсга олишларнинг 1-ойларида ҳамма нарса бор эди: Умид, ишонч ва жасорат... булар худого ишонганлар эди. Улар қамоқхоналарда митингларда ва полициячилар олдида ўзларининг «We shall overcome» кўшигини куйлаб ғалабага ҳақиқатдан ишонар эди... ғалаба бу эркинлик, ҳуқуқ, қадрқиммат ва адолат дегани эди. Ғалаба бўлса оқ ва қора танлилар бирга эдилар ва ғалаба яна сўз билан ифодалаб бўлмайдиган кўплаб маъноларга эга эди²⁵.

Фуқаролик ҳуқуқлари ҳисобга олинган янги қонунчиликка эришиш ҳаракатлари яна шиддатли қаршилиikka дуч келди. Намойишчилар ҳақоратларга, очиқ-ойдин ҳужумларга дуч келдилар, баъзилари озодлик йўлида курбон бўлдилар. Бунга жавобан «қора ҳуқумат» умумий номи остида қора танлиларнинг агрессив гуруҳлари пайдо бўла бошлади²⁶. 1965—1968 йиллар орасида бутун Америка бўйлаб қора танлилар геттоларида йирик ғалаёнлар содир бўлди. Фуқаролик ҳуқуқлари ҳақидаги қонун амал қилишига минг хил жиддий тўсиқ мавжудлигига қарамасдан, фундаментал аҳамиятга эга эди. Бу қонуннинг ғоялари нафақат қора танлиларга, балки ҳар қандай дискриминация

²⁵ *Harding V. The Other American Revolution. Los Angeles, 1980.*

²⁶ *Carmichael S., Hamilton C. Black Power: The Politics of Liberation in America. London, 1968.*

қурбонларига, улар қаторида этник гуруҳларга ва аёлларга тегишли эди. Бу қонун бир қатор ҳуқуқлари чекланган гуруҳларни ҳимоя қилишга қаратилган ҳаракатлар пайдо бўлишига асос бўлди.

1960 йиллардаги курашлар давомида қора танлиларнинг фуқаролик учун ҳаракатлари биров ўзгача тус олди. Аввалига ҳаракатнинг аксарият раҳбарларининг мақсади қора танлиларни Америка маданиятига тўла интеграция қилиш эди. Лекин, радикал қора танлилар гуруҳлари сонининг ортиши идеаллар ўзгаришига олиб келди. Энди қора ранг мағрурлик тимсоли, қора танлиларнинг маданияти эса мустақил кадрият, деб қарала бошлади. Қора танли америкаликлар оқларга қўшилиб кетишни эмас, балки ҳақиқий плюрализмни назарда тутиб, жамиятда мустақил ўрин талаб қила бошладилар. Дунёқарашнинг ўзгаришича, амалда дискриминация сақланиб қолаверса, қонун олдидаги тенглик ҳеч нарса бермайди деган тушунча ҳам сабоқ бўлди.

Фуқаролик мақсадларига эришишда куч қўллашни қурол қилиб олган қора танлилар радикал гуруҳларига келсак (масалан, «Қора қоплонлар») улар ё йўқ қилинган ё бир-бирига қарши кичик гуруҳларга бўлиниб кетган. Кўплаб қора танли фаоллар сайлов қутилари қора танлилар учун сиёсий ҳокимиятга эришиш воситаси деб баҳолай бошладилар. 1975 йилда бир гуруҳ қора танли мусиқачилар қораларнинг радиостанцияларида жуда машҳур бўлиб кетган «Шоколад шаҳар» деб номланган кўшиқни ижро қилдилар. Кўшиқчи Жорж Клинтон сайловлар қора танлиларга ҳокимиятга эришишга ёрдам беради деган умид билдирди: «Агар сайлов варақангиз бўлса сизга ўқлар керак эмас». «Шоколад шаҳар» деганда Вашингтон тушунилар эди. Лекин, бу шунингдек қора танлилар сиёсий куч сифатида ўз таъсирини ўткази оладиган ҳар қандай шаҳарга тегишли эди.

Атрофда қанча кўп шоколад шаҳарлар бор.

Биз Ньюаркни олдик.

Биз Герини олдик.

Кимдир биз Лос-Анжелесни олдик деди.

Биз яқинда Атлантада бўламыз.

Интеграция ва антогонизм

Фуқаролик ҳуқуқлари ҳақидаги қонун қабул қилингандан буён 30 йил ичида катта ўзгаришлар рўй берди. Сайланадиган ҳукумат вакиллари қора танли аъзолари сони 1960 йилларнинг бошида юз киши бўлган бўлса, 90-йиллар бошига келиб 7 минг кишини ташкил этди, коллеж ва университетларда қора танлилар сони 4 барабар ошди. Қора танлилар ўрта синфи пайдо бўлди ва ўсиб бормоқда. Нью-Йорк, Чикаго, Атланта ва Балтимор каби бир қатор йирик шаҳарларда қора танлилар мэр бўлдилар. Адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа соҳаларида

қора танли америкаликлар тобора катта ўрин тутиб бормоқдалар²⁷.

Лекин барибир ҳозирча ирқий гармония ва интеграция ҳақида гапиришга жуда эрта. Аксинча, 1980 йиллар охири — 1990 йиллар бошида АҚШнинг турли минтақаларида ирқчилик негизида юзлаб зўравонлик ҳаракатлари амалга оширилди. Нью-Йорк, Бостон, Чикаго каби шаҳарларда қарама-қаршилик юксак чўққиларга кўтарилди. 1991 йилда қамоқлар, ҳамда қоралар томонидан норозилик намойишлари уюштирилиб, уларда иштирок қилувчилар бир-бирларини ирқчиликда айбладилар. 1990 йилда Лос-Анжелес ва бошқа шаҳарларда йирик ғалаёнлар содир бўлди. Юқорида қайд этилган ютуқларга қарамай, 1980 йиллар охирларида қора танли аҳолининг умумий ижтимоий-иқтисодий аҳволи ёмонлашиб кетди, қора танли оилаларнинг даромади кескин камайди, қора танли коллеж талабалари сони ўта қисқариб кетди.

Марказий районларда наркотик моддалар истеъмол қилиш кескин ошиб кетди ва тажовузкорлик ҳаракатлари сони ортди, кокаин ва крэк истеъмол қилиш эпидемия тусини олди. Наркотиклар савдосини назорат этувчи ёшлар гуруҳлари шаҳарларда ҳақиқий террористик муҳит яратдилар. 1980 йилларда қотиллик — қора танли эркаклар орасида ўлимнинг асосий сабаби эди. Янги Англия Тиббий журналидаги ҳисоботда айтилишича, Нью-Йоркдаги Гарлемда яшовчи қора танли эркакнинг ҳаёти Бангладеш фуқаросиникидан ҳам қисқароқ давом этар эди. 1963 йил Вашингтонда қилган маърузасида Мартин Лютер Кинг ўзининг «тана рангига бефарқ», «болалар рангига эмас, шахсий қобилиятига қараб баҳоладиган» жамиятни орзу қилишини айтган эди. Лекин ҳатто ҳозир ҳам бу мақсад жуда узоқдек туюлмоқда.

Буюк Британияда иммиграция тарихи

Илк кўчиб келганлар

Бугун инглизлар орасида учрайдиган ирландча, уэльсча ва шотландча исмларнинг кўпчилиги — бу қачонлардир содир бўлган «Кельт қишлоқларидан» Англиянинг шаҳар марказларига оммавий кўчишдан далолатдир. XIX асрдаёқ, мустамлакаларда оммавий кўчишлар бошланишидан анча аввал шу нарса маълум бўлдики, инглиз шаҳарлари Британиянинг турмуш даражаси пастроқ бўлган минтақаларидаги аҳолининг диққатини ўзига жалб қилар эди. 1867 йилда «Таймс» газетаси «бизнинг оролимизда асл инглизнинг топилиши жуда қийин» деб нола қилган эди. Ҳатто соф инглизлардан иборат деб ҳисобланган монархия таркибида ҳам кўплаб «хориж» элементлари учраган.

²⁷ Marable Manning. Race, Reform and Rebellion: The second Reconstructions in Black America, 1945—1990. London, 1991.

Англияда француз, шотланд, голланд ва олмон монархлари бўлган, бугунги қирол оиласининг эса шу қадар кўп инглиз бўлмаган аждодлари борки, уларни «европалик» деб атаган афзалроқ.

XVII асрдаёқ Лондонда йирик ирландияликлар компанияси мавжуд эди. Аввалига Ирландиядан келган иммигрантлар асосан қора ишларда ишлар эдилар, лекин аста-секин улар яхшироқ, малакалироқ ишларга ўта бошлайдилар. XIX асрда Ирландия Фарбий Европада аҳолиси камайган ягона мамлакат бўлди. Фақатгина Лондон, Манчестер, Ливерпуль ва Глазго шаҳарларига ўн минглаб ирландияликлар кўчиб келдилар, бундан ҳам кўпи АҚШга йўл олди. 1830—1847 йиллар орасида Ливерпульнинг ўзида 300000 ирландиялик ўрнашиб олди. 1851 йилга келиб Англия ва Уэльсда жойлашиб олган ирландияликлар сони ярим миллионга етди. Бунчалик кўп сонли кўчишларнинг сабаби нима? Мамлакатда ҳукм сурган очлик аҳолини ўз ватанларидан ташқарида иш излашга мажбур қилди. Ирландиянинг Англияга яқинлиги бир томондан кўчишни осонлаштирди. Иккинчи томондан Ватан билан алоқа сақлаб туришга имкон берди.

XIX аср ўртасида Англиядаги ирландияликлар, Лондонни ҳисобга олмаганда «хориждан кириб келиш»лардан яхши ҳимояланган инглиз жамиятидаги энг йирик иммигрант гуруҳ эди. Лекин пойтахтда кўплаб бошқа «экзотик» гуруҳлар мавжуд эди. XVII асрда яҳудийлар жамоаси пайдо бўлди. Кейинги йилларда у анчагина ўсди — улар бошқа мамлакатларда таъқибга учраганлиги сабабли нисбатан тинч бўлган Англияда яшашни афзал кўрдилар. 1800 йилга келиб майда шаҳарларда 6000, Лондонда 15 дан 20 минггача яҳудий истиқомат қилган. Шу нарса қизиқки, қашшоқ яҳудий маҳаллий аҳолида жирканиш ва кулги уйғотса, бойлари асосан лаънат уйғотар эди. Чарльз Диккенс «Оливер Твистнинг саргузаштлари» асарида Феджин образида шу кўринишга таниқли қарикатура ишлаган.

Саноат инқилоби даврида Британияда голландиялик иммигрантлар пайдо бўла бошлади. Улар «Голландия молияси» номини олган ва мамлакатнинг иқтисодий ислохотларда муҳим роль ўйнаган банклар ва молиявий ташкилотлар тизимини яратдилар. Тадбиркор, ўқимишли голландияликлар Англиянинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатини бойитдилар. Шундай қилиб Англияга хориждан кўчиб келганлар унинг янги ижтимоий иқтисодий муҳитининг яратилишига катта ҳисса қўшдилар.

Инглиз иқтисодий экспансияси давридаги хитойлик иммигрантлар оқими арзон иш кучига эҳтиёж сезаётган инглиз ишбилармонлари учун ҳақиқий совға бўлди. Лекин XIX аср охирларида маҳаллий ишчилар иш ҳақининг тушиб кетишига сабаб бўлаётган хитойликларнинг кўчиб келишига қарши уюшма раҳбарларининг чиқишлари бошланди.

XIX аср охирида Англия билан Фарбий Африка ва Кариб

ҳавзаси ўртасида денгиз йўли орқали алоқалар ўрнатилиши Британияда қора танлилар жамоаларининг ривожланишига туртки бўлди. Ҳа пайтда Британия университетларида Африка ва Вест-Индиялик талабалар пайдо бўла бошлашди. Қора танли иммигрант гуруҳларидан бири — бу денгизчилар эди. Улар бугунги кунда ҳам сақланиб қолган жамоаларни ташкил этдилар (масалан, Кардиффда). Биринчи жаҳон уруши пайтида Кариб оролларида Британия армиясини кучайтириш мақсадида 15000 қора танли рекрутлар қабул қилинди, улардан Вест-Индия полклари ташкил этилди. Урушдан сўнг аскарларнинг бир қисми иқтисодий қолоқ Вест-Индияга қайтишдан янги ватанда бахт излашни афзал кўриб, Британияда қолиб кетдилар.²⁸

1930 йилдан кейинги иммиграция

1930 йиллар бошида нацистлар таъқиблари натижасида кўплаб яҳудийлар хавфсиз жой излаб ғарбга йўл олдилар. Баъзи маълумотларга кўра 1933 йилдан 1939 йилгача Буюк Британияга 60 минг яҳудий кўчиб борган, лекин уларнинг ҳақиқий сони бундан ҳам кўп бўлиши мумкин. Бу давр ичида Марказий Европадан 80 мингга яқин қочоқлар кўчиб келган, 1945 йилнинг май ойида Европа мисли кўрилмаган қочоқлар муаммосига дуч келди: улар сони миллионларни ташкил этарди. Улардан бир неча юз минг нафари Британияда жойлашиб қолди.


Урушдан кейинги йилларда Британияда жуда катта иммиграция жараёни содир бўлди — янги иш жойлари пайдо бўлганлиги сабабли Британияга ҳамдўстлик мамлакатларидан янги аҳоли кўчиб келди²⁹. Британияликларнинг янги иммигрантлар оқимида муносабати маълум даражада синфий табақаланишга боғлиқ эди. Ҳукумат доиралари вакиллари ҳали ҳам империя ғоялари таъсири остида эдилар, шунинг учун улар ҳиндлар, покистонликлар, африкаликлар ва Кариб ҳавзаси аҳолисини Британиянинг ўзида яшашга ҳақли фуқаролар деб ҳисоблар эдилар. Урушдан кейин Британияда ишчи кучи етишмовчилиги мавжуд эди. Шунинг учун иш берувчилар аввалига иммигрантлар меҳнатидан катта қизиқиш билан фойдаландилар. Лекин қашшоқ районларда яшовчи ишчилар ўзларининг одатий ҳаёт тарзи бузилганлигидан таажжубда эдилар ва кўпинча янги келгиндиларга салбий муносабатда эдилар. Ҳамдўстликдан кўчиб келганларнинг 3 дан 1 қисми (1/3) Лондоннинг маълум районларига жамландилар, кейинчалик Марказий Англиянинг ғарбида, Бредфордда ва бошқа саноати ривожланган минтақаларда худди шундай колониялар пайдо бўлди.

Алмашиб турган ҳукумат янги иммигрантларнинг Британия жамиятига тўла интеграция қилинишини мумкин ва мақ-

²⁸ Fryer P. *Staying Power: The History of Black People in Britain*. London, 1984.

²⁹ Walvin J. *Passage to Britain: Immigration in British History and Politics*. Harmondsworth, 1984.

садга мувофиқ деб билар эди. Рой Женкинс, 1960 йиллардаги лейбористлар ҳукуматининг ички ишлар вазири интеграцияни «Ассимиляция эмас, балки ўзаро дўстона муҳитда маданият ранг-баранглиги ва тенг ҳуқуқлик» дея таърифлади. 1966 йили лейбористлар қабул қилган ирқий муносабатлар ҳақидаги қонунга мувофиқ, ирқий муносабатлар бўйича Кенгаш ташкил этилди. Бу ташкилот исботланган ирқий дискриминация ҳолларида фуқаролик ҳуқуқлари ҳимояланишини таъминлар эди.



Буюк Британия Бирлашган Қироллигига кириш санаси.

7-расм. 1940—1970 йилларда Вест-Индия, Ҳиндистон ва Покистондан Буюк Британияга иммиграция. Графикда ота-оналаридан бири ёки ҳар иккисининг келиб чиқиши Вест-Индия, Покистон ёки Ҳиндистондан бўлган Буюк Британия аҳолиси миқдори, уларнинг Буюк Британияга келиш санаси кўрсатилган.

Манба: Lomas G.B. Census 1971: The Coloured Population of Great Britain. London, 1974; The Runnymede Trust and the Radical Statistics Race Group. Britain's Black Population. London, 1987.

1968 йилда яна ҳам каттароқ аҳамиятга эга бўлган дискриминацияга қарши Билль ҳужжати қабул қилинди, лекин у билан бирга мамлакатга киришни назорат этувчи ва янги иммигрантлар сонини кескин камайтирувчи янги қонун ҳам қабул қилинди. Уша йили ирқий муносабатларга доир парламент мунозарасида ўша пайтдаги консерваторлар спикери Инек Пауэлл Бирмингемда нутқ сўзлаб, Британияда рангли аҳоли сонининг кескин ошиб кетишидан хавотирдалигини айтди:

«Римликлар сингари, мен Тибр сувларини қондан қизариб кетганини кўраяпман». Геллап сўрови шуни кўрсатадики, британияликларнинг 75 фоизи Пауэллнинг бу фикрига қўшилар

эди. Ирқий дискриминациянинг камайиши мақсадида 1976 йили ирқий муносабатлар ҳақида Қонун қабул қилинди. Бу Қонун ишга ёллашда, уй-жой ижарага олиш ва сотиб олишда, клублар ва ташкилотларга қабул қилишда дискриминацияни манъ этар эди. Бу қонунга амал қилинишини назорат қилиш мақсадида ирқий тенглик комиссияси ташкил этилди.

Комиссияга кенг ҳуқуқлар берилди, унинг қарорлари қонун кучига эга бўлди. Лекин 1970 йилларда Миллий Фронт деб номланган ирқчилар партияси ҳам пайдо бўлди. Фронтга қарши чиққан ташкилотлар пайдо бўла бошлади: масалан, 1977 йилда Миллий Фронт тарғиботига қарши антинацистик Лига ташкил этилди. 1990 йилга келиб Буюк Британияда яшовчи Вест-Индиядан ва Жанубий Осиёдан келиб чиққанларнинг асосий қисмини Британияда туғилганлар ташкил этди (ўша пайт улар 55 фоизни ташкил этарди, ҳозир бу кўрсаткич янада ўсиб бормоқда). Бу уларни иммигрантлар эмас, балки ҳамма ҳуқуқларга эга рангли Британия аҳолиси деб ҳисоблашга асос бўла олади. Улар аҳолининг тахминан 5 фоизини ташкил этмоқда.

1981 йилда қабул қилинган Британия фуқаролиги ҳақидаги қонун аввалги ва ҳозирги Британияга қарашли бўлган минтақалар аҳолисининг мамлакатга кириши шартларини янада қатъийлаштирди. Британия фуқаролиги Британияга қарашли бошқа минтақалар фуқаролигидан ажратиб юборилди. Бу қонунга биноан Малайзия ва Сингапур аҳолисида Британия колонияси фуқаролиги сақланиб қолган. Лекин уларга Буюк Британия ҳудудида жойлашишга рухсат берилмаган, уларнинг болаларига эса Британия колонияси фуқаролиги мерос бўлиб қолмайди. Британия ҳамжамияти фуқароларига Англияда 5 йил яшаганларидан сўнг у ерда доимий яшашга ҳуқуқ бериладиган бўлса, энди улар бу ҳуқуқга эришиш учун ҳамма қатори ариза бериб кутишга мажбур эдилар. Мамлакатга кириш ва доимий яшаш ҳуқуқлари борасида яна бир қатор чекланишлар жорий қилинди, 1988 йили Билльга биноан улар янада қатъийлаштирилди. Шунингдек сиёсий ва диний қочоқлар учун ҳам мамлакатга қарши имкониятлари чекланди. 1991 йилда бошпана Билли қабул қилинди. Унга кўра қочоқ статусига эга бўлишни хоҳлаганлар албатта рўйхатдан ўтиб, бармоқ излари топширишлари шарт эди. Уларга бепул юридик хизматлар кўрсатиш қисқартирилди ва тўлақонли визаси бўлмаган йўловчиларни келтирган авиакомпаниялардан ундириладиган жарима миқдори икки баравар оширилди.

Бу янги қоидалар Черков ва БМТ нинг қочоқлар ишлари бўйича Комиссари томонидан қаттиқ танқид қилинди.

Ирқлар, ирқчилик ва тенгсизлик

Британиядаги рангли аҳолининг ишга жойлаштирилиши. Турли кўринишларга эга қора танлиларнинг катта қисми ишчи лавозимини эгаллаганлар ёки умуман ишсиздирлар. Жанубий

Осиёдан чиққанлар орасида эркакларнинг 80%и, аёлларнинг эса 70%и ишчи бўлиб ишлайдилар. Бу кўрсаткич оқ танли аҳолида 50%ни ташкил этади.

Вест-Индиядан келиб чиққанлар орасида ҳам кўпчилик жисмоний иш билан машғул, лекин улар ичида малакали ишчилар сони катта. Бангладешликларнинг аксарияти ярим малакали ёки малакасизлар иши билан банд. Британияга кўчиб келган Шарқий Осиёликлар ҳам оқ танлиларга қараганда ҳам кўпроқ ножисмоний меҳнат билан бандлар. Рангли аёллар эркакларга қараганда анча пастроқ даромадга эгалар: уларнинг ножисмоний меҳнатда ва малакали ишчи лавозимларидаги сони эркакларникидан анча паст³⁰.

Кўплаб рангли аҳоли, улар орасида Жанубий Осиёдан келганлар ҳам шаҳар марказларидан узоқда яшайдилар. Фуқаронинг ирқи ва яшаш жойи ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд: масалан, Вест-Индияликлар Лондон, Бирмингем ёки Манчестер каби шаҳарларнинг марказий районларида (ички шаҳарда) оқ танлиларга нисбатан 7 баробар кўпроқ жойлашганлар. Бу районларда эркаклар орасида ишсизлик даражаси жуда баланд. Қора танлиларнинг аксарияти ички шаҳарларда ўз хоҳишларига кўра яшамайдилар; улар ерларни оқ танлилар ташлаб кетганликлари учун кўчиб борадилар.

Рангли аҳоли орасидаги энг юксак даромадга эга бўлган гуруҳ — бу Жанубий Осиёлик тадбиркорлардир. Бу категориянинг сони охириги 30 йил мобайнида ўсиб бормоқда. Унга Жанубий Осиёликларнинг 23%и мансуб, оқ танли аҳолида бу кўрсаткич 14%га тенг. Осиёликларнинг кичик дўконлари ва Осиёча бизнеснинг бошқа шакллари Британия ҳаётига шунчалик сингиб кетганки, баъзилар ана шундай тадбиркорлардан шаҳар марказларидаги иқтисодий фаолиятни қайта тикланишини умид қиладилар. Албатта бу умидлар ошиқча, чунки бу тадбиркорлар нисбатан паст даромадга эришиш учун жуда ҳам кўп ишлашга мажбур эдилар. Уларнинг аксарияти ўзлари тадбиркор эмас, балки тадбиркор оилалари томонидан ёлланган хизматчилардир. Шунинг учун ҳам улар бошқа ёлланма ишчилар учун одатий бўлган қулайликлар, масалан, касаллик пайтида ҳақ тўланиши, таътил пайтида маош тўланиши, фирма томонидан суғурта қилинишлардан маҳрумдирлар.

Оқ бўлмаган аҳоли вакиллари қанчалик бадавлат бўлмасин, улар ҳар доим ирқчиликнинг турли кўринишлари, масалан, ирқчилик паноҳида террористик ҳужум хавфи остидадилар. Уларнинг кўпчилиги хавфдан қочиб қутилишни уддалайдилар, лекин бир қисми чидаб бўлмас оғир шароитда қолган. Тадқиқотлардан бирида типик ҳолат таъриф этилган:

«Бола ухлар экан, унинг ётоқхонаси ойнасидан кўзлари, бурни ва қулоқларига ёниб турган сигареталар ўрнатилган чўчка

³⁰ Hamnett Ch. et al. Restructuring: The Changing Social Structure. London, 1990.

каллasi қарайди. Оила оқ танли қўшниларининг ҳужумларидан қўрқиб, соат 7 дан кейин ташқарига чиқмайди, барча оила аъзолари биринчи қаватдаги эшиклари яхшилаб беркитилган битта катта хонада ўтирадилар. Рангли оила яшайдиган уйнинг эшигига оқ танли қўшнилари панжара қоқиб қўядилар, ва оила ўз уйида асирга айланади. Рангли ёш бола бир синф хонасидан иккинчисига ўтаётганида ёши каттароқ оқ танли йигит унга ҳужум қилиб пичоқ санчиб ярадор қилади»³¹.

Этник мансублик ва қуйи синф

Қуйи (тубан) тушунчасининг маъноси турличадир. Бу ғоянинг ўзи 1970 йилларда, Буюк Британиядаги этник миллатлар иқтисодий ривожланиш имкониятлари борасида анча чекланганлигини ошқор қилган тадқиқотлар натижасида пайдо бўлди. Масалан, 1979 йилда Бирмингемнинг Хэнсуорт районида ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, чоп этилган ҳисоботда шундай хулосага келиндики, меҳнат бозорида рангли ва оқ танли аҳоли вакиллари фарқли ўринларга эга эдилар, ранглиларнинг яшаш шароитлари ва мактабда ўқитилиш сифати анча пастроқ эди³².

Тадқиқот муаллифлари бундай ҳолатни ирқий бидъатлар ва дискриминация натижаси деб ҳисоблар эдилар. 1980 йилларда бир қатор тадқиқотчилар қуйи синф тушунчасини ижтимоий тизимнинг қуйи қатламларида (қашшоқлик маданияти) шакланганлигининг исботи сифатида қўллай бошладилар. Бундай маданиятни мавжуд имкониятлардан фойдалана олмайдиган шахслар туғдиради. Улар давлат нафақалари ҳисобига яшовчи ва бундай ҳолати билан курашишни хоҳламайдиган боқиманда-ларга айланиб қолади. Бу тушунча АҚШда ва Британияда кенг тарқалган³³.

Чеплтонлик Раста

Чеплтон — Лидс шаҳар марказидан автобусда 10 дақиқа-ли масофада жойлашган кичик шаҳарча. Бу кўп квартиралик уйлардан ташкил топган, аҳолиси ямайкаликлар, осиеликлар, ирландияликлар ва камроқ камбағал инглизлардан (ёки шунчаки идеалистлардан) иборат бўлган бир неча квадрат миль-дир. Чекланган аҳолиси, бунга ўхшаш ички шаҳар районлари аҳолиси каби географик ва ижтимоий жиҳатдан ажралиб қолганлар. Унинг кўчаларида деярли ҳеч қандай иқтисодий фаолият учрамайди. Лекин шоҳлар оиласи бошқарадиган маҳаллий почта бўлинмаси ва бир неча Расталарга тегишли мусиқа дўкончаси мавжуд (бошқа қора танлилар тадбиркорликдан бу ютуқни биров фараз билан тилга оладилар. Бу асосан қора

³¹ *Cordon P. Racial Violence and harassment. London, 1986.*

³² *Rex J., Tomlinson S. Colonial immigrants in a British city. London, 1979.*

³³ *Murray Ch. The Emerging British Underclass. London, 1990.*

танли ва асосан ишсиз райондаги ижтимоий ҳаёт «аркадалар» (ўйин автоматлари ўрнатилган хона), доимо Бамбу Лиф кафеси ва катта Хейфилд кабилар ўртасида кечади.)

Найжел маҳаллий аҳолининг типик вакилига унчалик ўхшамайди. У 22 ёшда, қора танли, Расталарга хос бўлган хурпайган сочли, —ва иш билан таъминланган. Мана у Рут Банли ва компания фирмасининг Чеплтондаги офисида Боб Марлининг сурати акс эттирилган кичик плакатда ўтириб ҳозирги ҳолатига эришишдан аввал турли ишсизларга ёрдам қилиш дастурларига қилган ташрифлари ҳақида гапириб бермоқда. (Мен икки ярим йил ишладим. Мен қандай яшадим? Кечки пайт ўрнимдан туриб, кўчага чиқиб оғайнилардан биронтаси турдимикан деб қарар эдим. Ҳар хил ишлар қилар эдик. Нафақа ни узоқроққа етказиш мақсадида ишга солар эдик. Буни шундай кўчадагина амалга оширар эдик — у ерда олдинг, бу ерда сотдинг. ҳаммаси шу. Кейин ёшларни тайёрлаш дастури бўйича дурадгорлик дўконида коммунал идораларида бўёқчи ва безакчи бўлиб ишлаб, сўнг яна ишсиз бўлиб юриб, Руд идорасига стажер сифатида жойлашиб олдим. Найжел айтди: «Мен Рутга ишга киришни хоҳлардим, чунки юридик фирмадагилар мени кўрибоқ «бундай сочинг билан сен бизга керак эмассан» дейишарди, лекин Рут агар сочимни олдирсам мени ишга олмаслигини айтди. Бу иш менбоб экан. Баъзан мен ҳатто ҳаммадан эрта келар эдим. Менинг калитим бор. Мен ҳамма талабларни бажариб, барча босқичларни босиб ўтишга қарор қилдим. Юридик маслаҳатчиликка имтиҳон топшираман. Эҳтимол, Растадаги биринчи юрист бўларман». Найжелнинг қора танли дўстларининг кўпчилигига омад бунчалик боқмади. (Чеплтонда 25 ёшгача бўлган ишсизлар сони 75% га яқин). Улар худди Найжел каби мактабни битирибоқ турли «дастурлар» ва ишсизлик орасида югура бошладилар, лекин оқибатда кўпчилик эришган ягона нарса — бу нафақа ва демак, кўча бўлди. Гавжум квартиралардан йироқ, ишга ва дўстларга яқинроқ. Хью 24 ёшли, худди Найжелниқидек сочи бор. Раста, бундай ҳолатга чек қўйишга қарор қилди. Уйғониб ўзимга айтдим: «Нима яхшилик қилишим мумкин? Кейин эса ҳар куни қиладиганимни қилавераман. Маҳаллага тушаман. У ерда яна ўшани ўйлайман. «Мен бу ерда бўлишни хоҳламайман, кўчада бекор юришни хоҳламайман. Кафеда мен қандайдир яхшилик қилишим керак. Бошқа нима ҳам қила оламан? Шундай қилиб уйга қайтиб бораман». Чеплтон, шунингдек Брикстон, Ноттинг Хилл, Сен-Паулзлик қора танли ишсиз ёшлар биладики, даромад топишнинг энг осон йўли — бу каннабис (наркотик тури) сотишдир. Хью бу «ўтни» чиқиб сотгани учун қамоқда ҳам ётиб чиққан. У ва унинг дўстларида ҳеч қандай руҳий тўсиқлар йўқдек туюлади. «Ўз дўстларингга ёки оқ танли университет талабаларига биров сотиб қўйсанг, нимаси ёмон?» деган жавоб стандартга айланиб қолган. Жиноятчилик бу муҳитда ёшлар танлайдиган ҳаётий йўллардан бирига айланган. Малькольм «блюз» йиғилишларига боришни ёқтиради, чунки бу уни нохуш ҳоллардан сақлайди. «Агар бир дўстинг келиб «блюз-

га», бошқаси эса «ишга» чақирса, блюзга борсак, чунки эртага у бўлмаслиги мумкин». Умуман, у жиноятга қўл урмайман деб ўйлайди: «Сени ушлаб олишлари ҳақида ўйлаш ҳам кўрқинчли. Хўп, ишга бординг, бойиб кетдинг, машина олдинг, дейлик. Машина нима бўлибди? Кейин сени барибир ушлашади ва қамашади. Машинани ҳам йўқотасан». Найжелнинг қамоқхонага, дўстларининг олдига буюрган ташрифларидан олган таассуротлари унинг жиноятчиликка бўлган шубҳасини янада кучайтирди. «Бу — ортиқча азобдир. У ерга ҳеч ким тушмагани маъқул. Менинг кўп дўстларим бу ишни ташладилар. Энди шунчаки уйда ўтиришади, нафақани олиб чекадиганини чекиб, лақиллаб ўтирадилар. Тамом. Ҳеч қандай жиноятчилик йўқ». Қора танли ёшларнинг ишсизликни нормал ҳол деб ҳисоблашлари кўпинча улар ва ота-оналари ўртасида тушунмовчиликларга олиб келмоқда. Найжел ёши катталарнинг кўча ҳаётини қабул қила олмасликларини аниқ таърифлайди: «О,— дейди улар — сенлар ҳамманг сариқ чақага арзимаёсанлар. Сенлар кун бўйи ёнбошлаб чексанг, бурчакларга бориб ётсаларинг бас». Бундай маданият ёшликлари умуман бошқача ўтган ота-оналарга тушунарсиздир. «Эҳтимол, улар Англияга кўчиб келган 50—60 йилларда улар қийналиб бўлса ҳам, бир ишни ташлаб бошқасига ўтиб кетишлари мумкин эди. Ҳозир эса иш умуман йўқ». (Мақоланинг ўзгартирилган шакли: L.Taylor. Britain Nowll I Illustrated London News, October. 1987. P. 54—55.)

Кўпчилик танқидчилар, маълум гуруҳлар ўз муаммоларига ўзлари сабабчилар деган фикрни номаъқул дея ҳисоблаб, қуйи синф деган тушунча ўз аҳамиятини йўқотди деган фикрни илгарича сура бошладилар³⁴.

Шунга қарамай қуйи синф тушунчаси бор ва у ягона, чунки синфлар табақаланиши ва этник дискриминациянинг кесишиш нуқтасини аниқлашга имкон беради. Қуйи синф ва ишчи синфининг қолган қисми ўртасида аниқ чегара йўқ, ирққа мансублик ҳам тўла эмас, ишсиз оилаларнинг бир қисми ва кам нафақали нафақадорлар ҳам шу табақага мансубдилар.

Лекин «қуйи синф» тушунчасининг маъносини аниқлаб олиш зарур³⁵. Бу категориянинг маъноси жуда кенг бўлиб, уни юзаки умумлаштириб бўлмайди. Масалан, қуйи синфнинг шаклланиши ва жиноятчиликнинг баъзи турларининг ўсиши ўртасида боғлиқлик бор. Албатта, қуйи синфнинг барча гуруҳлари айбдор эмас. «Қашшоқлик маданияти» тушунчасига келадиган бўлсак, ундан шунчаки воз кечмоқ лозим. Пассив тобелик эмас, «қаршилик кўрсатиш» маданияти ҳақида гапириш кўпроқ мақсадга мувофиқ, чунки миллий ҳамжамиятнинг ихтиёрий равишда ҳаётга қўшилиши кенг маънода чекланади, ўз-ўзини ифода этиш ва автономлашишга имкон берадиган бошқа мада-

³⁴ Listek R. Concepts of Poverty // Social Studies Review, 6. 1990.

³⁵ Pilkington. A. Is there a British underclass? // sociology Review, 6. 1990.

ният кўринишлари пайдо бўлади. Ҳозирги кунда бундай чекланишда асосий ролни ирқчилик ўйнаши эътироф қилинади. Кўпчилик олимлар қуйи синфнинг ўзига хос ҳолатига ирқчилик сабабчи деган хулосага қўшилдилар.

Ирқчилик қурбонларига хос бўлган муаммолар, аввал таъкидланганидек, шаҳарларнинг марказий районларида ҳаёт даражасининг тушиб кетишига сабаб бўлади ва у шу вақтнинг ўзиде унинг оқибатидир (17-боб, «Ҳозирги замон урбанизми»). Бу ерда ирқ, ишсизлик ва жиноятчилик ўртасида ўзаро боғлиқлик кўринади ва унда қора танли ёш эркекларнинг аҳволи марказий аҳамиятга эга. 1982 йилда полиция кўчаларда ирқчилик асосида содир бўлган босқинчилик ҳаракатларини рўйхат қилишга қарор қилди. Аввал бундай ахборот воситаларида қора танли ёшларнинг безорилик ва дўконларга ҳужум қилиш каби жиноятларда «ўта кенг иштироки» таъқиқланар эди. Бунинг натижаси ўлароқ, жамоатчилик фикрида ирқ ва жиноятчилик бир-бирига боғлиқ деган тушунча ўрнашиб қолган. «Дейли телеграф» газетаси бу борада шундай дейди: «Вест-индиялик ёшларнинг кўпчилиги, улар ортидан эса тобора кўпроқ оқ танли ёшлар ҳам, улар яшаётган давлат ва миллат ўзларининг бир парчаси эканлигини унутиб қўймоқдалар. Шу сабабли ватандошлар улар учун зўрлик билан эксплуатация қилишга «қонуний» объект бўлиб қолмоқда»³⁶.

Лекин кўпчилик қора танли ёшларнинг тажрибаси уларни шунга ишонтирадики, оқлар билан ва баъзан, афсуски, полиция билан тўқнашувларда бундай эксплуатация объектлари улардир.

Полициянинг қора танли аёлларга муносабати

Роджер Грейв, ўзининг полициячилар орасида ўтказган сўрови натижасида улар ичида ирқчилик гоёлари кенг тарқалганлигини аниқлади. У полициячилар барча этник гуруҳларга салбий муносабатда бўлади деган хулосага келди. Айниқса, қора танлилар кўпол ҳазиллар, таҳқирлаш объекти ва кўпол стереотиплар қурбонига айланадилар. Олимнинг бунга муносабатини кўрган бир полициячи уни шундай тинчлантиришга ҳаракат қилди: «Полициячилар барчани ҳақорат қилишга ўрганиб қолган. Фақат қораларнигина эмас. Гомосексуалистлар ҳақида, Паки (покистонликлар), хотинлар, талабалар, ирландияликлар,— барчаси ҳақида гапирамиз. Ахир биз ҳаммасидан нафратланамиз»³⁷.

Шунинг учун қора танлиларнинг полициячиларга бўлган салбий муносабати табиий ҳолдир. Қисман бундай муносабат бевосита тажрибадан келиб чиқади, масалан, қора танли ёш-

³⁶ Solomos J., Racket T. Policing and urban unrest: Rotten constitution and policy response. In: Ellis Cashmore and Eugene McLaughlin. Out of order? Policing Black People. London, 1991.

³⁷ Craef R. Talking Blyes. London, 1989.

ларнинг полицияга бўлган муносабатига полициянинг уларга нисбатан қўллаган стратегияси бевосита таъсир ўтказди. 1983 йилда ўтказилган тадқиқотда вест-индиялик ёшларга бўлган ишончсизлик «даҳшатли» даражада, ўн йилликда бу борада ижобий ўзгариш юз бермайдиганга ўхшайди.

Қора танли аёллар, айниқса оммавий ахборот воситалари ва оқ танли аҳоли томонидан тез-тез танқидга учрайдиган ёлғиз оналар бидъат ва дискриминациянинг ўзига хос объектларидир. Масалан, «Лондон Ивнинг Стандарт» газетасидаги мақолаларидан бирида шундай дейилган: «Қора танли оналарнинг аксарияти болаларини никоҳсиз туғишлари ва уларнинг ота назоратсиз ўсишлари қора танли ёшлар орасида жиноятчилик кенг тарқалишига сабаб бўлади».³⁸

Полициячиларнинг қора танли аёлларга бўлган муносабатининг таҳлили шуни кўрсатадики, улар кўпинча бундай аёлларни «агрессив нафратга тўла» қийин инсон дея қабул қилдилар. Полиция билан жанжаллашган аёллар яна бир муаммага — қора танлилар ҳамжамияти томонидан остракизмга учраш хавфига дуч келдилар. Қора танли аёл-жиноятчиларга нисбатан ижобий муносабатни рағбатлантириш мақсадида «Қора танли аёл ва қамоқхона» дастури ишлаб чиқилди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, қора танли аёллар худди эркаклардек полицияга нисбатан танқидий муносабатдадирлар. Қора танли аёллар ўртасида ўтказилган тадқиқотда: «Уларнинг барчаси полицияга салбий муносабатдалар ва полицияни ирқий бидъатда ва коррупцияда айблайдилар»,³⁹ — дейилади.

Европа қитъасидаги этник муносабатлар

Урушдан кейинги икки ўн йилликда Европа йирик миграция жараёнларини бошдан кечирди. Улар давомида Ўрта Ер денгизи мамлакатлари Фарб ва Шимолни арзон ишчи кучи билан таъминлаб турдилар. Маълум давр мобайнида Туркия, Шимолий Африка, Юнонистон, Жанубий Испания ва Италиядаги аҳоли эмиграцияси қўллаб-қувватланган, чунки ривожланган давлатларда ишчи кучи ўта танқис эди. Натижада бугунги Швейцария, Фарбий Германия, Бельгия ва Швеция давлатларида кўплаб ишчи-мигрантлар яшайди. Аввал мустамлакаси бўлган давлатларга собиқ колониялардан катта иммигрантлар оқими кела бошлади — биринчи ўринда Францияга (жазоирликлар), Голландияга (индонезияликлар) ва Буюк Британияга. Фарбий Европага ишчи кучи миграцияси, тахминан, 20 йил аввал иқтисодий ўсишдан сўнг инқироз бошлангач, камайди.

Бу мигрантларнинг деярли барчаси доимий жойлашиб фуқаролик қабул қилишларига қарамай, этник гуруҳларнинг ва-

³⁸ Chigwada R. The policing of Black Women. In: Ellis Cashmore and Engene McLaughlin. Out of Order? Policing Black People. London, 1991. P. 138.

³⁹ Player E. Women and crime in the city. In: David Downes. Crime in city. London, 1991. P. 122.

киллари ҳалигача ўз юридик ҳуқуқларини чекланишига дуч келмоқдалар. Баъзи давлатларда ишчи кучининг вақтинчалик миграциясини ташкил этиш борасида қонунлар қабул қилинди, лекин улар бугунги ҳолатга умуман тўғри келмайди. Бошқа давлатларда (масалан Франция, Германия) мигрантларга нисбатан ҳуқуқларни чеклаш сиёсати олиб борилди, масалан улар яқин қариндошини олиб кириш ҳуқуқидан маҳрум эдилар.

Кўпчилик Фарбий Европа давлатларида мигрантларни ўз давлатларига қайтариш компаниялари ўтказишлар; улар ишини йўқотса ёки қонунни бузса, депортация қилинар эди. Бу ҳолат айниқса мигрант ёшлар учун хавфлидир, чунки улар Фарбий Европада туғилганлар ва энди ўзлари умуман танимайдиган давлатга кўчиб бориш мажбуриятига дуч келмоқдалар.

Иммиграция ва у билан боғлиқ ирқчилик 1990 йилларда Европа учун долзарб муаммога айланди. Европага, аниқроғи, Франция ва Италияга Шимолий Африкадан кўплаб ноқонуний иммигрантлар кела бошлади. Совет Иттифоқи тарқалиши ва Шарқий Европадаги бошқа ўзгаришлардан сўнг Фарбий Европа давлатлари ҳукуматлари Шарқдан катта иммигрант оқими келишидан хавотирда эдилар. Фақатгина бирлашган Германияда 1991—92 йилларда хорижий ишчиларга, жумладан, бир қисми Германияда 20 йилдан ортиқ яшаган турк ишчиларига юзлаб ҳужумлар уюштирилди.

Австрияда Эркинлик реакцион партияси хорижликларнинг мамлакатга киришини тўхтатишга қаратилган кампания уюштирди. Италиядаги шундай ташкилот, Ломбард лигаси, мамлакат шимолидаги сайловчилар томонидан кенг қўллаб-қувватланганди. Ҳатто узоқ йиллар мобайнида ирқий муносабатларда либерализм таянчи бўлиб келган Скандинавия давлатларида ҳам кучли реакциян гуруҳлар пайдо бўлди.

Францияда 1992 йилги маҳаллий сайловларда Жан-Мари Ле Пен бошчилигидаги Француз Миллий Фронти 14% овоз олган. Кўплаб иммигрантлар ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари ўсиб бораётган ирқчилик ҳаракатларини ва «Европа қалъасини» яратишга уринишларни ташвиш билан кузатмоқдалар. Лекин ирқчилик ҳаракатлари фақат бу давлатлардагина мавжуд эмас. Тилга олинган барча давлатларда ирқчиликка қарши ташкилотлар ҳам мавжуд, ҳукуматлар эса дискриминацияни чеклаш чораларини кўрмоқдалар.

Этник муносабатларнинг келажакда ривожланиши мумкин бўлган йўллари

АҚШ «иммигрантлар жамияти» кўринишида шаклланган этник жиҳатдан ранг-баранг Фарб давлатидир. Шунинг учун бу ерда ишлаб чиқилган этник муносабатларнинг ривожланиш модели Европадаги ўзгаришлар йўналишини баҳолашга асос бўла олади. АҚШдаги этник муносабатлар ривожланишини баҳолаш

учун 3 турдаги моделлар таклиф этилган⁴⁰. Биринчиси — бу ассимиляция. Бунда иммигрантлар ўз урф-одатларини унутиб, кўпчиликка хос бўлган қадрият ва меъёрларни қабул қилиши кўзда тутилади. Ассимиляция таъсирига кўпроқ иммигрантлар фарзандлари учрайдилар ва натижада ёшларнинг аксарияти у ёки бу даражада «юз фоиз америкалик»ка айланиб қолганлар.

Иккинчи модель — бу эритиш қозони. Бунда иммигрантлар урф-одатлари туб аҳолининг қадриятлари орасида эриб кетмайди, балки аксинча эски ва янги одатлар бирлашиб янги маданият намуналарини шакллантиради. Кўпчиликнинг фикрига кўра, бу йўл этник хилма-хилликнинг энг ижобий натижасидир. Маълум маънода, бу модель америкача маданий ривожланишнинг ўзига хос йўлидир. Англо-саксон маданияти ҳукмронлик қилишига қарамай, америкача услуб ҳозирги Америкада яшовчи барча этник гуруҳларнинг таъсирини ҳам акс эттиради.

Учинчи модель — бу маданий плюрализм моделидир. Бу нуқтаи назарга кўра, оптимал ечим барча кичик маданиятларга тенг ҳуқуқ бериладиган тўла маънодаги плюралистик жамият яратилишидир. АҚШ аввал ҳам плюралистик жамият ҳисобланган, лекин унда этник фарқланишлар жамият ҳаётида тенг ҳуқуқда иштирок этмас, балки ҳуқуқий тенгсизлик билан боғлиқ эди.

Фарбий Европада ҳам шунга ўхшаш муаммо ва ечим кўришингиз мумкин. Британия ва бошқа давлатларда расмий сиёсат кўпроқ биринчи модель, яъни ассимиляцияга қаратилган. АҚШ тажрибаси шуни кўрсатдики, этник озчилик асосий аҳолидан ташқи кўриниши билан фарқланиб турса, бундай йўл тутиш кўплаб муаммолар келтириб чиқаради. Бу тўла маънода вестиндиялик, африкалик ва осийлик жамоалар яшайдиган Британияга ҳам тегишли. Европада ирқчиликнинг мавжудлиги туфайли иккинчи модель яъни «эритиш қозони» ҳам кўплаб муаммолар туғдиради. Кўпчилик давлатлар ўзининг иммиграция боразидаги қонунларини қатъийлаштираётганини ҳисобга олиб, турли миллий жамоаларнинг қўшилиши учун ижтимоий ва сиёсий ҳолат мос деб бўлмайди.

Этник гуруҳлар раҳбарларининг ўзлари плюралистик йўлни афзал кўрмоқдалар. Бироқ, «ўзига хос, лекин тенг ҳуқуқли» ҳолатга эришиш катта кураш ва узоқ вақт талаб қилади. Кўпчилик ҳалигача этник гуруҳларни жамиятга шахсий хавфсизликка, «миллий маданиятга» таҳдид деб қабул қиладилар. Фарбий Европа ёшлари ота-боболарига хос бидъатларни мерос қилиб олишлари туфайли тахмин қилиш мумкинки, кўп давлатлардаги этник гуруҳлар келажаги яна дискриминация, низолар ва душманлик билан тўла социал муҳитдан иборат бўлади.

Яқин келажакда, ўтмишда бўлганидек, учала йўлни бирлаштирадиган, лекин кўпроқ плюрализмга мойил модель амал

⁴⁰ Cordon M. Human Nature. Class and Ethnicity. Oxford, 1978.

қилади. Лекин этник плюрализмни фақатгина жамиятга ташқаридан олиб кирилган турли маданий қадрият ва меъёрларнинг натижаси деб баҳолаш хато бўлар эди. Маданий ранг-баранглик этник гуруҳларнинг янги ижтимоий муҳитга мослашиши жараёнида ҳам яратилади.

Бобнинг қисқача мазмуни

1. Этник гуруҳнинг ўзига хос хусусияти — бу унда аҳолининг қолган қисмидан ажратиб турадиган хислатларнинг мавжудлигидир. Этник фарқланишлар тўла орттирилган хусусиятдир, лекин улар баъзан табиий деб баҳоланади.

2. Майда миллат — бу жамиятдаги асосий аҳоли томонидан дискриминация қилинадиган гуруҳдир. Майда миллат вакилларида уларнинг жамиятдан ажратилганидан келиб чиқиб бирдамлик туйғуси кучли бўлади.

3. Ирқ тушунчаси жамият вакиллари томонидан этник аҳамиятга эга, яъни ўзига хос маданий хусусиятларни акс эттирувчи деб баҳоланадиган ташқи белгилар, масалан: тана ранги билан боғлиқ бўлади. Ирқ хусусида кенг тарқалган тушунчаларнинг кўпчилиги асоссиздир. Инсонларни ирқига кўра ажратадиган аниқ хусусиятлар йўқ.

4. Ирқчилик — бу маълум ташқи кўринишга эга шахсларни аслида мавжуд бўлмаган шахсий хусусиятлар ва феъл-атворда айблашдир. Ирқчи — бу гўёки ўзига хос ташқи кўринишга эга бўлган инсоннинг норасо биологик сабаблари мавжудлигига ишонган кимсадир.

5. Ўрнини босиш ва балоғардон излаш — бу хурофот ва дискриминация билан боғлиқ психологик механизмлардир. Ўрнини босишда душманлик туйғулари муаммонинг асл сабаби бўлмаган объектларга йўналтирилади. Инсон ўз хавотирлари ва ҳимоясизлик туйғуларини балоғардонларга проекция қилади. Хурофот — бу бир шахс ёки гуруҳ ҳақида салбий фикрда бўлиш: дискриминация — бир гуруҳ вакиллари бошқалар учун очик бўлган имкониятлардан маҳрум қилишга қаратилган амалий ҳаракатдир.

6. Ирқий қарашларни болалар жуда эрта ўзлаштирадilar. Масалан: улар оқ танлиларни — юқори, қораларни эса — паст мавжудот деб баҳолашга ўрганадилар.

7. Гуруҳ тўсиқлари ва ресурслардан фойдаланиш имтиёзига эга бўлиш этник антагонизмнинг муҳим таркибий қисмларидир. Шу билан бирга, ҳозирги кундаги этник низоларнинг бир қатор фундаментал жиҳатларига, айниқса оқларнинг қора танлиларга бўлган муносабатларига ғарбнинг тарихий экспансияси ва мустамлакачилик нуқтаи назаридан қараш лозим.

8. Тарихий мисолларда жамиятларнинг этник гуруҳларига бўлган турлича муносабатларини қўллик ва апартеиддан тортиб, ўзаро сабр-тоқатлик, тан олиш ва шунингдек гуруҳлар томонидан реакцион ҳаракатларни кўришимиз мумкин.

9. Этник муносабатлар ривожланишининг 3 хил модели ҳақида гапириш мумкин. Биринчисида — ассимиляция қилишга, иккинчисида — «эритиш қозони» моделига, учинчисида — «маданий плюрализм»га асосий эътибор қаратилади. Сўнги йилларда учинчи модель, яъни жамиятдаги умумий миллий маданият ичида этник жамоаларнинг тенг аҳамиятга эга бўлиши кенг тарқалиб бормоқда.

<i>ирқий мансублик дискриминация</i>	<i>ирқчилик хурофотлар</i>
--	--------------------------------

Муҳим атамалар

<i>плюралистик жамият</i>	<i>авторитар шахс</i>
<i>этник гуруҳ(этник озчилик)</i>	<i>апартеид</i>
<i>ирқ</i>	<i>микросегрегация</i>
<i>стереотип фикрлаш</i>	<i>мезосегрегация</i>
<i>ўрнини босиш</i>	<i>макросегрегация</i>
<i>«балоғардон» (емаган сомсага пул тулайдиган одам)</i>	<i>ассимиляция</i>
<i>проекция</i>	<i>эритиш қозони</i>
	<i>маданий плюрализм</i>

Кўшимча адабиёт

Frances Aboud. Children end Prejudice. Oxford, 1989. Болалиқда ирқий хурофотлар шаклланиши муаммоси кўриб чиқилади.

Richard Alba. Ethnicity and Race in the USA: Toward the 21 st Century. London, 1985. Этник муносабатларнинг ривожланиш тенденциялари ҳақида қизиқарли эсселар тўплами.

Geoffrey Harlis. The Dark Side of Europe: The Extreme Right Today. Edinburgh, 1990. Бугунги Европада ўта реакцион экстремизмнинг таққосланган таҳлили.

Cars Bagley Marred and Cheryl Legion. Research in Race and Ethnic Relations. Westfield, 1984. Этник мансублик, бидъатлар ва дискриминация борасидаги тадқиқотларнинг қизиқарли шарҳи.

D. Reukert. Inside Nazi Germany: Conformity, Opposition and Racism in Everyday Life. London, 1987. Турли манбалар асосида «сийқа ирқчилик» деб номланган муҳит аниқ акс эттирилади.

Joni Rex and David Mcson. Theories of Race and Ethnic Relations. Cambridge, 1986. Рекс ва Мейсон ирқий ва этник мансубликнинг асосий назарий талқинларини таҳлил қиладилар ва истиқболни белгилашга ҳаракат қиладилар.

Гуруҳлар ва ташкилотлар

Француз файласуфи ва драматурги Жан-Поль Сартр таъкидлашича, жаҳаннам бу бошқа одамлардир. Ҳақиқатан, кўпчилик ҳолларда бошқалар билан муносабат қилиш инсонга малол келиши мумкин. Инсонни ноқулай аҳволга, ҳатто, руҳий тушқунликка тушириш йўлларида бири — бу унинг бошқалар билан муносабатларини қамоқхоналарда бўлган каби яқин ва узлуксиз қилиб қўйишдир. Бироқ бундан ҳам қатъий жазо чораси — инсонлар билан алоқадан умуман маҳрум қилишдир. Инсоннинг якка ўзини қамаб қўйиш, ҳатто бошқа баъзи қулайликларга рухсат этилса ҳам, кўпчилик учун чидаб бўлмас уқубатдир. Бошқалар билан гуруҳларда, бирлашмаларда ва ташкилотларда яшаш, ҳамкорлик қилиш — инсон ҳаётининг ажралмас жиҳатидир.

Кўпчилигимиз гуруҳларга (масалан, оила) ва шунингдек, мактаб, коллеж, фирмалар каби турли хил йирикроқ ташкилотларга мансубмиз. Гуруҳ ва ташкилотлар ҳаётимизни бошқаради ва улардаги ҳукумат тизимлари хулқ-атворимизни чеклаб, унга бевосита таъсир ўтказди. Ушбу бобда биз асосий эътиборни йирик ташкилотлардаги бошқарув тизимларига қаратиб, гуруҳларнинг баъзи асосий характерли хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Ассоциация турлари

Ижтимоий гуруҳ тушунчасини унга яқин бўлган икки тушунча — агрегат ва ижтимоий категория тушунчалари билан адаштирмаслик лозим. Ижтимоий гуруҳ — бу мунтазам равишда бир-бирлари билан ҳамкорлик қиладиган инсонлар гуруҳидир. Бундай мунтазамлик уларнинг баъзи ижтимоий характерларини яқинлаштиради. Гуруҳ аъзолари бошқалардан кутмайдиган маълум хатти-ҳаракатларни бир-бирларидан кутадилар. Гуруҳлар катталиги турлича бўлиши мумкин. Масалан: оила ёки йирик спорт клублари каби. Агрегат (ижтимоий мажмуа) — бу маълум вақтда бир жойга тўпланган, лекин ораларида ҳеч қандай алоқа бўлмаган инсонларнинг жамулжамидир. Аэропортдаги йўловчилар, кинодаги томошабинлар, ўқув курсига ёзилишга навбатда турган талабалар — барчаси агрегат жамоа мисолларидир. Ирвин Гоффманнинг сўзлари билан айтганда (4-бобга қаранг), агрегатлар — ноаниқ муносабатта эга бўлган инсонлар жамоасидир. Албатта, агрегат ичида ҳам турли хилдаги гуруҳ муносабатларини кузатиш мумкин.

Ижтимоий тоифа статистик гуруҳ бўлиб, инсонларнинг аниқ тавсифсига, масалан, даромад даражаси, профессионал ҳолатига қараб таъсирини белгилайди. Бир ижтимоий тоифадаги инсонлар бир жойда тўпланмайдилар, бир-бирлари билан алоқа қилмайдилар, ўзларини бирлаштирадиган умумий тавсифларига эътибор бермайдилар. Бироқ, ижтимоий тоифалардан, социологик тадқиқотларда тез-тез фойдаланиб турилади. Масалан, Британиядаги ирқий муносабатларни ўрганадиган бўлсак, икки статистик тоифа, яъни оқ ва қора танлилар даромад даражаси ўртасидаги фарқни таҳлил қилишимиз керак бўлади.

Бирламчи ва иккиламчи гуруҳлар

Биз мансуб бўлган барча гуруҳлар биз учун бир хил аҳамиятга эга эмас. Баъзи гуруҳлар ҳаётимизнинг кўплаб жиҳатларини қамраб олади ва бошқалар билан шахсий алоқалар ўрнатилишига сабаб бўлади. Америкалик социолог Чарлз Хортон Кули (1864—1929) эмоционал алоқалар билан боғланган кичик ассоциацияларни белгилаш учун бирламчи гуруҳ атамасини қўлаган. Кули бирламчи гуруҳларни идеаллаштириб юборар эди, лекин бундай баҳолашга танқидий ёндашиш лозим. Масалан: оила ҳаёти ҳар доим ҳам тинч ва осойишта ўтмайди, оилаларда кўплаб нотексликлар ва душманларча муносабат ҳам учрайди (12-боб, «Қариндошлик, никоҳ ва оила»).

Иккиламчи гуруҳ — доимий тарзда учрашиб турадиган, лекин шахсий алоқаларга эга бўлмаган инсонлар гуруҳидир. Албатта, ҳаётда бирламчи ва иккиламчи гуруҳлар ўртасидаги фарқ унчалик яққол сезилмайди. Масалан, кўмита мажлисларида доимо учрашиб турадиган инсонлар дўстлашиб, кейинчалик норасмий учрашувлар ҳам ўтказиб туришлари мумкин.

Расмий ташкилотлар

Анъанавий жамиятларда инсонларнинг бутун ҳаёти кичик гуруҳ ичида ўтар эди. Масалан: анъанавий Хитой жамиятида қишлоқ аҳолиси давлат амалдорини камдан-кам кўриши мумкин эди. Давлат фармонлари улар ҳаётига деярли таъсир қилмас эди. Буни бутунги ҳолат билан таққослаб кўринг. Қилаётган барча ишларимиз амалдорлар қарорига боғлиқ: биз, ҳатто, бу амалдорларни ҳукумат деб ҳам атаймиз. Ҳар қандай муҳим ҳодиса — туғилиш, никоҳ ёки ўлим — қайд қилиниши керак. Давлат ташкилотлари таълим, санитария, йўллар тизими, коммунал хизматлар, атроф-муҳитни назорат қилиш, миллий пул тизими ва ҳоказо турдаги фаолиятимиз учун зарур бўлган ресурслар билан, қисман бўлса-да, таъминлайди.

Кўпчилигимиз катта туғруқхоналарда туғилганмиз ва бир неча ўнлаб бошқа, янги туғилган чақалоқлардан ажратиш учун бизга белги қўйишган. Барчамиз мактабга, коллежга борганмиз. Меҳнат фаолиятимиз мобайнида биз фирмаларда, молиявий компанияларда, банкда ёки давлат ташкилотларида ишлаши-

миз мумкин. Агар ҳаётимиз давомида телефон ёки хат орқали бошқалар билан алоқа қилишни хоҳласак, уйимиз ёруғ ва иссиқ бўлишини истасак, газета ва журналлар ўқиб, телевизор кўриб, радио эшитиб маълумот олишни ва ҳордиқ чиқаришни хоҳласак, биз доимо ташкилотларга боғлиқ бўлиб қолаверамиз.

Ташкилот — бу махсус мақсадлар учун ажратилган ношахсий алоқалар асосида фаолият олиб борувчи инсонлардан ташкил топган йирик бирикмадир. Анъанавий дунёда кўпчилик ижтимоий тизимлар узоқ вақт одатлар ва анъаналар таъсирида ривожланиб келган. Бошқа томондан, ташкилотларнинг кўпчилиги лойиҳалашган, яъни маълум мақсадларда таъсис этилган ва шу мақсадларга эришишга ёрдам берадиган махсус биноларда жойлашган. Касалхоналар, коллеж ёки фирмалар жойлашган бинолар, одатда айнан ўша ташкилотлар учун мослаштирилган.

Бугун биз учун ташкилотлар нега бунчалик муҳимлигини тушуниш қийин эмас. Дунёда саноатлашиш содир бўлгунича инсоннинг овқат топиш, бола тарбиялаш, иш ва дам олиш каби асосий эҳтиёжлари яқин қариндошлар ва қўшнилар доирасида қондирилар эди. Замоनावий жамиятларда инсонлар ҳар қачон бўлганидан кўпроқ бир-бирларига боғлиқдирлар. Кўплаб эҳтиёжларимиз биз ҳаётда ҳеч қачон учратмайдиган ва эҳтимол биздан минглаб мил узоқда яшайдиган кимсалар томонидан қондирилади. Бундай шароитда ташкилотлар фаолиятини ва ресурсларни координация қилиш бўйича катта ишлар бажарилиши керак.

Бюрократия

Барча замонавий ташкилотлар бюрократик хусусиятга эга. Бюрократия сўзи 1745 йилда де Гурне томонидан истеъмолга киритилган. У «идора» ва «ёзув столи» маъноларини англатадиган «бюро» сўзига юнонча «бошқармоқ» феълини қўшган. Шундай қилиб «бюрократия» сўзи амалдорлар ҳокимияти деган маънони англатади. Аввалига бу сўз фақат давлат идораларига нисбатан қўлланилган, лекин унинг маъноси аста-секин кенгайиб, ҳозирда ҳар қандай катта ташкилотга нисбатан қўлланилади. Бошида бу сўз камситиш маъносида қўлланилган. Де Гурне амалдорларнинг ортиб бораётган кучини «бюромания касаллиги» деб атаган¹. Француз ёзувчиси Бальзак бюрократияни «олчоқлар томонидан бошқариладиган улкан ҳукумат» деб атайди. Бундай қараш ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Бюрократия деганда, одатда, ортиқча оворагарчилик, самарасизлик ва исрофгарчилик ёдга келади.

Сатирик Сирил Норткот Паркинсон “амалдорлар бўш вақтларини тўлдириш учун ўз фаолияти доирасини чексиз кенгай-

¹ Aldrow M. Bureaucracy. London, 1970.

тириб оладилар” дея бюрократиянинг аниқ таърифини берган². “Паркинсон конунига” кўра, вазифа унга ажратилган вақтни тўлдириш учун сунъий равишда кенгайтирилади. Бюрократиянинг кенгайтишига сабаб унинг аъзолари зиммасига қўшимча вазифалар олишлари эмас, балки улар доимо банд бўлиб кўриниши кераклигидир. Улар аслида мавжуд бўлмаган муаммоларни яратадилар ва сўнгра қўл остидаги ходимларини бир талай вақт сарфлаб ҳисобот ёзишларини назорат қиладилар. Бу жараён узлуксиз давом этади, лекин бюрократиянинг асл вазифаларини бажариш учун варақалар тўлдириш, ҳисоботлар ёзиш ва иш ҳужжатларини юритиш асло зарур эмас.

Бироқ кўплаб одамлар бюрократияни бир оз бошқачароқ, яъни бошқарувнинг пухта, аниқ ва самарадор модели деб баҳолайдилар. Бюрократия, дейди улар, аслида инсоният ўйлаб чиққан энг самарали ташкилот туридир, чунки барча вазифалар қатъий қоидалар билан белгиланади, Макс Вебер томонидан бюрократияга берилган аниқ таъриф бу икки қарама-қарши фикрнинг келиштирилган ҳолатидир. Вебер фикрига кўра, замонавий жамиятда бюрократиянинг тарқалиши қочиб қутулиб бўлмайдиган жараёндир. Бюрократик ҳукуматнинг ривожланиши — йирик ижтимоий тизимларнинг административ талабларини бажаришнинг ягона йўлидир. Бироқ Вебер бюрократияга жамият ҳаётига кучли таъсир ўтказувчи йирик камчиликлар хос деб ҳисоблайди.

Вебернинг бюрократияга муносабати

Вебернинг таъкидлашича, бюрократик ташкилотларнинг маълум сони йирик анъанавий жамиятларда ҳам бўлган. Масалан, Хитой империясида ҳукуматнинг барча ҳаракатларига жавоб берадиган бюрократик маъмурият мавжуд эди. Анъанавий жамиятлардаги бюрократиянинг асосий турларидан бири армия эди. Фақатгина ҳозирги даврга келиб бюрократия тўла ривожланиб, жамият ҳаётининг барча соҳаларига тарқалди. Бюрократик ташкилотларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши табиатини аниқлаш учун Вебер бюрократиянинг идеал турини яратади. (Бу ерда “идеал” атамаси бюрократик ташкилотни энг кўп орзу қилиш эмас, “соф шакли” маъносини ифодалайди. Идеал тур — бу абстракт тушунчадир, унда ҳақиқатда мавжуд бўлган хусусият унинг тавсифларини ажратиб кўрсатиш мақсадида бироз бўрттирилади.) Вебер идеал турдаги бюрократиянинг баъзи характерли хусусиятларини келтиради:³

1. Аниқ боғланганлик мавжуд бўлиб, унда ташкилотдаги вазифалар «хизмат мажбуриятлари» кўринишида тақсимланади. Бюрократия пирамида шаклда бўлиб, унда юқори ҳукумат чўққига тенг бўлади. Пирамида чўққисидан қуйигача «бошқарув зан-

² *Parkinson C. N. Parkinson Law. Boston, 1957.*

³ *Weber M. Economy and Society: An Outline of Interpretive Sociology. Berkley, 1978.*

жири» мавжуд бўлиб, у мувофиқ қарорларни қабул қилишга имкон яратади. Иерархиядаги ҳар бир табақа ўзидан бир поғона пастдаги табақани бошқаради ва назорат қилади.

2. Белгиланган қоидалар ташкилотнинг барча поғоналаридаги мансабдор шахсларнинг хулқ-атворини белгилаб беради, лекин бу бюрократик мажбуриятлар содда ва осон вазифа, дегани эмас. Мансаб юқори бўлгани сари, унга тегишли қоидалар кўпроқ хислатларни қамраб олиши керак, ва улар шунчалик мураккаблашади.

3. Мансабдор шахслар тўла иш куни мобайнида бандлар ва ўз мансабларига кўра маош олади. Иерархиядаги ҳар бир лавозим эгаси аниқ белгиланган. Ташкилот ҳар бир шахсдан юқори-роқ мансабни эгаллашга интилишни кутади, ўсиш қобилияти эгаллаб турилган лавозимга ёки ҳар иккаласига асосланиб амалга ошади.

4. Мансабдор шахснинг ташкилот ичидаги мажбуриятлари ва унинг бошқаришдаги ҳаёти ўртасида аниқ чегара мавжуд. Унинг шахсий ҳаёти иш жойидаги фаолиятдан аниқ фарқ қилади.

5. Ташкилот аъзоларининг ҳеч бири ўзи бошқарадигон моддий ресурсларга эгалик қила олмайди. Вебер фикрича, бюрократия ривожлангани сари ходимларнинг ишлаб чиқариш воситаларини назорат қилишлари камаяди. Анъанавий жамиятларда фермер ва ҳунармандлар, одатда, ишлаб чиқариш жараёнларини ўзлари бошқарар, қўлланиладиган асбоб-ускуналарга ўзлари эгалик қилар эдилар. Бюрократияда мансабдор шахслар ўзлари ишлайдиган хоналарга, ўтирадиган столларга ва фойдаланадиган анжомларига эгалик қилмайди.

Бюрократия самарадорлиги

Вебер фикрича, замонавий бюрократия кўп сонли инсонлар фаолиятини ташкил этишнинг юқори самарали усулидир. Бунинг бир неча сабаби бор:

1. Бюрократик қонун-қоидалар ташаббускорликни маълум даражада чеклаши мумкин. Лекин улар умумий — барчага маъқул мезонлар асосида қарор қабул қилинишини таъминлайди ва шахснинг қайсарлигига йўл қўймайди.

2. Мансабдор шахсларни ўз вазифаларини бажара оладиган мутахассис қилиб етиштириш жараёни «истеъдодли ҳаваскор»ларни четлаштириб юборади ва ходимларнинг лаёқатлилигини таъминлайди.

3. Расмий мансабларда тўла бандлик ва мансабга яраша маош олиниши коррупцияни бартараф этмаса-да, анча чеклайди. Анъанавий ҳукумат тизимлари биз бугун «коррупция амалиёти» деб юритадиган усулга асосланган эди. Масалан, амал-

дорлар ўз бошқарувидаги аҳолига кўпроқ солиқ солиш ва маб-лағнинг катта қисмини ўзлаштириб олиш учун ўз мансабидан фойдаланар эдилар.

4. Текширувлар ва бошқа очиқ усуллар билан фаолиятни баҳолаш қариндош-уруғчилик, ошна-оғайничилик ва бошқа шахсий алоқалар ёрдамида мансаб эгалланишини тўла барта-раф этмаса-да, анча чеклайди.

Вебер, ташкилот идеал турдаги бюрократияга қанчалик яқин бўлса, у ўз вазифаларини шунчалик яхшироқ бажаради, деб ҳисоблайди. У бюрократияни мураккаб механизм билан таққос-лар эди. Шунга қарамай, у бюрократия ортиқча қоғозбозлик келтириб чиқаришини ва ижодий қобилиятни қўллашга кам имкон беришини тан олар эди. Ҳаётимиздаги бюрократия ин-жиқликлари ва амалдорлар ҳукмронлиги биз бюрократик таш-килотларнинг техник самарадорлиги учун тўлаётган бадал бўлиб қолмоқда.

Бюрократиялар ичидаги расмий ва норасмий муносабатлар

Бюрократияни таҳлил қилишда Вебер асосий эътиборни ташкилот ичидаги расмий муносабатларга қаратган. Ташкилот қанчалик бюрократлашган бўлса, унинг вазифалари шунчалик аниқ ва муфассал бўлади. У барча ташкилотлар таркибида мав-жуд бўлган кичик гуруҳлар ичидаги норасмий муносабатлар ҳақида ҳеч нарса демаган. Бюрократияларда фаолиятнинг но-расмий кўринишлари, кўп ҳолда маълум мослашувликка эри-шиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Блау ўзининг классик асарида давлат ташкилотидаги но-расмий муносабатларни ўрганиб чиққан⁴. Бу ташкилот ходим-ларининг вазифаси солиқ тўлашдаги турли қонунбузарлик усул-ларини аниқлашдан иборат эди. Ходимлар қийинчилик туғдир-ган муаммоларни ечишда ўзларининг бевосита раҳбарлари би-лан маслаҳатлашишлари керак эди. Қоидага кўра, улар ўзлари билан бир поғонада турган ҳамкасблари билан маслаҳатлашиш-лари мумкин эмас эди. Лекин уларнинг кўпчилиги лаёқатсиз кўриниб қолишдан ва натижада, ўсиш имкониятлари камайиб кетишидан қўрқиб, бошлиқларга мурожаат этишни хоҳламас эди. Шунинг учун, одатда, улар расмий қонидани бузиб бир-бирлари билан маслаҳатлашар эдилар. Бу нафақат аниқ масла-ҳат олишга ёрдам берар, балки якка ишлаш билан боғлиқ ха-вотирни ҳам камайтиради. Бир табақада ишловчилар орасида бир-бирига содиқ иноқ ходимлар гуруҳи, бошқача сўз билан айтганда, бирламчи гуруҳ шаклланди. Блау шундай хулосага келдики, бунинг натижасида ходимлар дуч келган муаммолар анча самарали ҳал қилинар эди. Гуруҳ ичида расмий қоидалар-

⁴ Blau P. M. The Dynamics of Bureaucracy. Chicago, 1963.

да белгиланганидан анча кўпроқ ташаббусга ва жавобгарликка имкон берадиган норасмий ҳаракатлар пайдо бўлди.

Норасмий тармоқлар ташкилотнинг барча табақаларида шаклланиши мумкин. Унинг энг юқори чўққисида қарор қабул қилинишида шахсий муносабатлар расмий алоқалардан кўра муҳимроқ рол ўйнаши мумкин. Масалан, корпорациялар сиёсатини директорлар ва ҳиссадорлар кенгаши белгилайди, деб ҳисобланади. Аслида эса, қарорларни кенгашнинг бир неча аъзо-си норасмий равишда қабул қилади, кенгаш эса уларни фақатгина тасдиқлайди. Бундай норасмий алоқалар тури корпорациялар ўртасида ҳам мавжуд. Фирмалар раҳбарлари, одатда, бир бири билан кўришиб турадилар, бир клубга аъзо бўладилар, бўш вақтларини бирга ўказадилар.

Норасмий алоқалар ташкилотнинг самарали фаолият кўрсатишига қанчалик йўл беради ёки тўсқинлик қилади, деган саволга жавоб бериш осон эмас. Вебер таърифлаган идеал турга яқин тизимларда норасмий ҳаракатларнинг жуда кўп усуллари яратилмоқда. Бунинг сабаби қисман шундаки, қайишқоқлик етишмаслиги расмий қоидаларни норасмий талқин қилиш орқали баргараф этилиши мумкин. Зерикарли иш билан машғул бўлганларга норасмий муносабатлар қизиқарлироқ иш шароити яратишга ёрдам беради. Юқори мансабдор шахслар ўртасидаги норасмий муносабатлар самарали бўлиб, ташкилот фаолиятида бирдамликка имкон яратилади. Бошқа томондан, бундай алоқа қиладиган ходимлар ўз шахсий манфаатларини ташкилот манфаатларидан устун қўйиши мумкин.

Бюрократия ва олигархия

Вебер яратган бюрократия моделидан шундай хулоса келиб чиқадики, ҳокимият одатда энг чўққида жамланган бўлади. Катта ташкилот пирамидага ўхшайди ва унинг устки қисмида жуда кам ҳокимиятга эга бўлган кўпчилик жойлашади. Вебернинг шогирди ва ҳамкасби Роберт Михельс бу хулосадан фойдаланиб, *олигархия темир қонунини* ишлаб чиқди⁵. Олигархия — бир неча шахснинг ҳокимиятга эга бўлишидир. Михельс фикрича, ташкилот қанчалик катта бўлса, унинг бюрократлашиш даражаси шунчалик юқори бўлади ва ҳокимият юқори мансабга эга бўлган бир неча шахс қўлида жамланади. Михельс ўз тезисини омманинг сиёсий қарорлар қабул қилинишида кенгроқ иштирок этишини мақсад қилиб олган Германия социал-демократик партияси ривожланишининг таҳлили билан асослайди. XX асрнинг 1-ўн йиллигида бу партия Германия сиёсатида асосий кучлардан бирига айланди. Партия сафлари кенгайгани сари унинг муваффақиятлари ички бюрократиянинг ўсишига олиб келди.

Михельс реал ҳокимият партия бюрократиясининг чўққи-

⁵ Michels R. Political New York, 1967.

сидаги раҳбарлар яъни, бир неча юқори лавозимдаги партия амалдорлари томонидан монопольлаштирилганини кўрсатишга ҳаракат қилди. Тақдир тақозоси билан социал-демократик партияда ҳокимият, худди у курашаётган консерватив партияларда бўлгани каби бир неча шахснинг қўлида эди. Михельс фикрига кўра, бу тенденция ҳар қандай йирик ташкилотда намоён бўлади. Бир неча шахснинг бошқаруви йирик ташкилотлар бюрократик табиатининг қочиб қутулиб бўлмас жиҳатидир. Агар Михельс гојялари асосли бўлса, улардан барча демократияни қадрлайдиган инсонлар учун муҳим оқибатлар келиб чиқади. Михельснинг ўзи аввалига социалистик идеалларга содиқ бўлган, кейинчалик эса улардан воз кечган.

Худди Вебер сингари, Михельс ҳам замонавий жамиятдаги тифизлик сабабларини бир томондан бюрократияга интилиш, иккинчи томондан, демократиянинг ривожлантирилиши билан боғлаган. Оммавий демократия фақатгина доимий сайловлар ва яхши ривожланган партия ташкилотлари шароитида мавжуд бўлиши мумкин. Улар эса, ўз навбатида, бюрократиянинг шаклланишига олиб келади, чунки партияларни бошқариш учун кун бўйи банд бўладиган амалдорлар зарур. Демократия омманинг сиёсий фаолиятда қатнашишига кенг йўл очади, деб ҳисобланади; лекин демократик партияларнинг мавжудлиги кичик раҳбар гуруҳлари томонидан бошқариладиган йирик бюрократик механизмлар пайдо бўлишига олиб келади. (Демократияни муҳокама этиш учун «Сиёсат, ҳукумат ва давлат» деб номланган 10-бобга мурожаат этинг).

Михельс ҳақми? Албатта, йирик ташкилотларда ҳокимият кичик гуруҳ қўлида жамланади, лекин, шунга қарамай, олигархиянинг темир қонуни Михельс айтганичалик қатъий эмас, дейишга асос бор. Олигархия ва бюрократик марказлашиш ўрта-сидаги боғлиқлик унчалик аниқ эмас.

Авалламбор, шуни таъкидлаш керакки, ҳокимиятнинг ҳар хиллиги фақатгина ташкилотнинг катта-кичиклигига боғлиқ эмас. Кичик гуруҳларда ҳам ҳокимият даражасида аниқ фарқлар бўлиши мумкин. Масалан, кичик бизнесда катта ташкилотга қараганда назорат анча қатъийроқ бўлиши мумкин, чунки раҳбар ходим фаолиятини бевосита кузатиш имкониятига эга. Ташкилот каттайгани сари, бошқарув муносабатлари эркинроқ тус олади. Қуйи ва ўрта поғоналарда турганлар юқорида ишлаб чиқиладиган сиёсатга унчалик таъсир ўтказолмайдилар. Лекин бошқа томондан, маълум масалага лаёқат билан боғлиқ бюрократияга хос ихтисослашиш туфайли, бюрократик иерархиянинг чўққисидан турганлар қуйи поғоналарда қабул қилинаётган қарорлар устидан назоратни қўлдан чиқариб юборадилар. Ходимлар доимо у ёки бу даражада ўз раҳбарлигини бошқариб туришлари мумкин. Масалан, бирор давлат хизмати ходими ўз бошлиғига масалани шундай тақдим этиши мумкинки, унга фақатгина бир ечим маъқулдек туюлади.

Ташкилот ичида ҳокимият ваколати, кўпинча, раҳбарлардан ходимларга очикдан-очик топширилиши мумкин. Рей Пал ва Джек Унклер турли катталиқдаги корпорацияларни бошқарувчи директорлар орасида тадқиқот ўтказдилар⁶. Улар аниқладиларки, ваколатни топшириш кичиклардан кўра йирик фирмаларда кўпроқ содир бўлади. Йирик компанияларда бошлиқлар турли бўлимларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш билан, кризисларни бартараф этиш билан, бюджетни таҳлил қилиш билан шунчалик банд бўладиларки, уларда ижодий фикрлашга вақт жуда кам қолади. Улар ишлаб чиқариш билан боғлиқ масалаларни ечишни ишлаб чиқариш жараёнини назорат қилиш ва даромадни кўпайтириш вазифалари билан шуғулланадиган ходимга топширади. Кўплаб бошлиқлар уларга берган тавсияларни шундайлигича қабул қилиб олганликларини эътироф этганлар.

Ноолигархик ташкилотлар

Михельснинг тадқиқотларидан сўнг марказлашишга мойил ташкилот турларини аниқлашга кўп марта ҳаракат қилинди. Исроилдаги киббуцлар ва Югославия саноатидаги ишчилар ўз ўзини бошқариш тизими бунга мисол бўла олади. Киббуцлар даромад ва ҳокимият даражасида фарқланиш деярли бўлмаган эгалитар ишлаб чиқариш тизимини татбиқ этиш учун махсус ташкил қилинган. (Кўшимча маълумот учун «Қариндошлик, никоҳ ва оила» деб номланган 12-бобга қаранг). Югославия корхоналарида ишчилар фирма раҳбарларини овоз бериш орқали сайланадиган юзаки саноат демократияси тизими татбиқ этилган.

Танненбаум ва унинг ходимлари беш мамлакатдаги фирмаларнинг қиёсий таҳлилинини ўтказдилар, шу жумладан, киббуцлар ва Югославиядаги саноат корхоналарини, шунингдек, Австрия, Италия ва АҚШдаги бизнес ташкилотлари фаолиятини ўрганиб чиқдилар⁷. Тадқиқотда ҳам катта ва кичик фирмалар кўриб чиқилган; бу тадқиқот Михельснинг ташкилот ва олигархияга қарашлари билан бевосита боғланади. Тадқиқот натижасида турли жамиятлардаги ташкилотлар ўртасида катта фарқ мавжудлиги аниқланди.

Ташкилот катталиги ундаги марказлашиш ва иерархияга кучли таъсир ўтказиши исботланмади. Маълум давлат ичида ҳамда турли давлатларда баъзи кичик фирмалар баъзи катта фирмаларга қараганда кўпроқ иерархик хусусиятга эгадирлар. Кичик ва катта киббуцлар ва Югославия корхоналарида иерар-

⁶ Pahl R. E. and Winkler J. The economic elite: Theory and practice. In: Stanworth Ph. and Ciddens A. Elites and Power in British Society. Cambridge, 1974.

⁷ Tannenbaum A. et al. Hierarchy in Organisations. San Francisco, 1974; Rosner M. and Tannenbaum A. S. Organisational efficiency and egalitarian democracy in an intentional communal society: the Kibbutz // British journal of Sociology. 1987. P. 38.

хия бошқа давлатларнинг sanoat корхоналаридагига қараганда камроқ ривожланган эди. Масалан, шу нарса маълум бўлдики, киббуцларда фақатгина бир неча бўйсунуш поғонаси мавжуд ва иерархиянинг турли табақалардаги инсонларнинг даромади ўртасида сезиларли фарқ йўқ; ходимлар тез-тез бир лавозимдан бошқасига ўтказиб турилади. Лекин тадқиқотчилар норасмий муносабатларнинг иерархияни камайтириш даражасидаги фарқларини аниқлади. Югославия қарор қабул қилишида қатнашиш ташкилий тузилманинг расмий жиҳатидир. Бундай шароитда норасмий муносабатлар иерархиянинг камайиши эмас, кучайишига олиб келади. Бошқа томондан, Америка фирмаларида бунинг аксини кузатиш мумкин. Югославияда норасмий муносабатлар “Саноат демократияси” жараёнларини четлаб ўтиш мақсадида қўлланилади. АҚШда эса улар иерархик тенгсизликни бартараф этишга хизмат қилади.

Япония корпорациялари

Энди бутунлай бошқа муҳит — тўла sanoatлашган ва ғарбда жойлашмаган ягона давлат — Япония ташкилотларини кўздан кечирамиз. Унинг ривожланиши бир неча жиҳатдан қизиқарлидир. XIX аср ўртасида, sanoatлашиш даври бошланишдан аввал, Япония ҳанузгача феодал давлат бўлиб, ўша пайтдаги ғарб давлатларидан анча қолақ эди; бироқ XIX аср охири — XX аср бошидан у жадал иқтисодий ривожланиш даврини бошдан кечирди. Иккинчи жаҳон урушидаги мағлубиятдан сўнг Япония иқтисоди бутунлай барбод бўлди. Лекин голиб америкаликлар томонидан тақдим этилган молиявий воситалар ёрдамида Япония тез орада йирик ривожланган давлатлар сафидан ўрин олди. Ҳозирги пайтда миллий даромад ҳажми бўйича Япония дунёда 3-ўринни эгаллади. Икки энг кучли иқтисодий тизим АҚШ ва Совет Иттифоқининг иқтисодий ўсиш суратлари Японияникидан анча пастдир. Агар шу суръатлар сақланиб қолса, 3-минг йиллик бошида Япония дунёнинг энг бой мамлакатига айланарди⁸.

Кўп бора эшитамизки, Япониянинг иқтисодий ютуқлари ғарб фирмаларидан кескин фарқ қиладиган Япония корпорацияларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Вебер аниқлаган бюрократия билан боғлиқ хусусиятлар Япония компанияларига хос эмас.

1. Йирик Япония корпорацияларида Вебер таърифлаган пирамида шаклидаги ҳокимият йўқдир. Япония фирмаларида қуйи лавозимларни эгаллаб турган ишчилар билан бошлиқлар олиб борилаётган сиёсат борасида маслаҳатлашадилар ва ҳатто, энг юқори даражадаги раҳбарлар ишчилар билан учрашиб турадилар. Японлар бу тизимни «қуйидан юқорига» тамойили бўйича қарор қабул қилиш деб атайдилар.

⁸ *Pascale R. T. and Athos A. G. The Art of Japanese Management. Harmondsworth, 1982.*

2. Япония ташкилотларида хизматчиларнинг ихтисослашиш даражаси ғарбдаги ҳамкасабаларига қараганда анча паст. Масалан, Вильям Оучи таърифлаган Сугао воқеасини кўриб чиқайлик⁹. Сугао Эндишина Токиодаги Мицубени банкига ишга қабул қилинган университет битирувчисидир. Фирмага келиб у менежмент курсини ўтади ва бир йил банкнинг турли бўлимлари фаолиятини ўрганади. Кейин у маълум вақт банкнинг маҳаллий бўлинмасида кассирлар билан ишлайди ва сўнгра тижорий банк ишини ўрганиш учун бошқармага қайтади. У ердан уни кредит бўлимига юбордилар ва у ишнинг шу жиҳатини ўрганади. Эҳтимол, уни яна бошқармага ўтказишар, унча ўн йил ўтиб кетади ва Сугао сектор бошлиғи лавозимига тайинланади. Бироқ лавозим алмаштириш жараёни бу билан якунланмайди. Балки уни кейин майда бизнесни молиялаштириш бўлимига ўтказишар ва яна бошқармага, бошқа лавозимга тайинлашар. У пайтга келиб Сугао мансаб чўққисига етиб бўлган бўлади; банкка шогирд бўлиб кирганидан ўттиз йил кейин у банкнинг барча масалалари бўйича етук мутахассис бўлади. Унинг ўсиши Америка банкига кирган худди шундай шогирднинг ўсишидан тубдан фарқ қилади. Америкалик шогирд энг бошидан бошлаб ишнинг маълум бир соҳасига ихтисослашади ва фаолиятининг охиригача унда қолади.

3. Йирик Япония корпорацияларида умрбод бандлик, яъни ходимга иш кафолатланади. Иш ҳақи ва жавобгарлик ўсиш учун курашга эмас, лавозимга ва иш тажрибасига боғлиқ. Корпорациянинг барча табақаларида ходимлар кичик жамоалар ёки ишчи гуруҳларига бирлашадилар. Алоҳида аъзонинг эмас, бутун гуруҳнинг иш самарадорлиги баҳоланади. Ғарбдагидан фарқли ўлароқ, Япония ташкилотларининг бошқарув схемаларида алоҳида лавозимлар эмас, фақатгина гуруҳлар акс эттирилади.

4. Вебер келтирган бюрократия таърифида инсоннинг ташкилот ичидаги ва ташидаги фаолияти ўртасида аниқ фарқ мавжуд. Бу ҳолат фирма ва ходим ўртасидаги муносабат кўпроқ иқтисодий тусга эга бўлган ғарб корпорацияларининг кўпчилигига тегишли. Аксинча, Япония корпорацияларида ходим ҳаётининг кўп жиҳатларига эътибор берилади, шунинг учун корпорациялар ҳам, ўз навбатида, ходимларидан кўпроқ садоқат кутиб қолади. Япон хизматчилари дўкон сотувчисидан тортиб юқори даражадаги амалдорларгача компания униформасини кийиб юрадилар. Ҳар куни эрталаб улар компания мадҳиясини ижро этиш учун йиғиладилар ва фирма ташкил этган турли тадбирларда мунтазам қатнашиб турадилар. (Баъзи ғарб корпорациялари ҳам, масалан, IBM ёки Apple ўз мадҳияларига эгалар). Ходимлар маошларидан ташқари турли моддий мукофот-

⁹ *Ouchi W. G. Theory: How American Business can meet the Japanese Challenge. Reading, 1981.*

лар оладилар. Масалан, Рональд Дор ўрганиб чиққан “Хитачи” электроника фирмаси барча оиласиз ходимларига ва оилали ходимларининг деярли ярмига уй-жой беради¹⁰. Компания, шунингдек, болаларни ўқитиш учун кредитлар беради ва никоҳ ёки дафн маросимларида моддий ёрдам кўрсатади.

Ташкилотлар назарияси учун япон тизимининг аҳамияти

Кўпчилик кузатувчилар фикрича, агар ғарб давлатлари иқтисодий ўсиш бўйича Японияга тенглашишни хоҳласалар, Америка ва Европа фирмалари япон корпорациялари тажрибасини ўрганишлари лозим. Бу хулоса нафақат иқтисодий жиҳатдан, балки ташкилот табиатини ва умуман бюрократияни тушуниш учун муҳимдир. Япон корпорациялари, кўпчилик жиҳатлардан, ғарбдаги фирмалардан демократикроқдир, уларда барча табақаларда консультациялар ўтказишга ҳаракат қилинади ва корпоратив садоқат туйғуси рағбатлантирилади. Ҳокимият тизимларига, гуруҳларда ишлашга бўлган эътиборга, мансаб бўйича кўтарилишга, ходимлар эҳтиёжлари ҳақида компаниялар ғамхўрлик қилишига келадиган бўлсак, япон фирмалари Вебер модели бюрократиясидан тубдан фарқ қилади. Агар улар бюрократик иерархиядан четга чиқиш *натижасида* бунчалик самарали ишласа, ғарбий дунё ташкилотларининг таҳлилидан келиб чиқадиган хулосалар катта шубҳа уйғотади. Вебер ишлаб чиққан бюрократия талқини, танқидга учраганига қарамай, кўпчилик тадқиқотчилар уни асосан тўғри, деб ҳисоблайдилар; яъни Вебер талқинидаги идеал турдаги бюрократик ташкилот ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини таъминлаши керак.

«Нобюрократик» табиатдан бошқа яна қандай омиллар япон корпорациялари фаолиятининг самарадорлигини бера олади? Бошқа потенциал сабабларни аниқлаш қийин эмас. Бизнинг назаримизда, барча даражаларда маслаҳатлашиш, Япониядаги хизматчилар бошлиқларига нисбатан сезадиган кучли ҳурмат натижасидагина амалга ошиши мумкин, бунинг маъноси шуки, раҳбарларнинг қарорлари, ходимлар улардан норози бўлсалар, ўз бошлиқларнинг портфелларини кўтариб юриши оддий ҳол. Фақатгина йирик фирмаларда (ҳаммасида эмас) умрбод бандлик кафолатланади. Япония иқтисодида маошлар кичик, иш шароитлари эса оғир бўлган майда фирмалар кичик ҳам муҳим роль ўйнайди.

Япония иқтисодининг юқори самарадорлигини меҳнатнинг ўта унумдорлиги, иш кунининг узунлиги билан изоҳлаш мумкин. Сатоси Камати исмли журналист маълум вақт мобайнида автомобиллар ишлаб чиқарувчи “Тойота” фирмасида ишлади. Кейин у нашр этган китобида ўзи дуч келган ҳолатларни ба-

¹⁰ Dore R. British Factory, Japanese Factory: the Origins of National Diversity in Industrial Relations. London, 1973.

тафсил ҳикоя қилган. У яшаган компанияга оид уйда казарма қоидалари ҳукм сураб эди. Квартира ва иш жойидаги санитария шароитлари ёмон, меҳнат шароитлари эса оғир эди. У шундай ёзади:

“Ишчиларни кечаю кундуз шошилтиришади. Уларнинг ҳаёти корхонанинг конвейерига шунчалик боғлиқки, улар зарурий ҳолда ҳам таътил ола олмайдилар. Рационаллаштиришнинг мурасасизлиги ҳам кучайтирилиши барча енгиллаштирилган меҳнат ҳуқуқига эга бўлганларни кетишга мажбур қилади. Нафақат энг қуйи раҳбар бўлган усталар, балки бригадирлар ҳам конвейерларда ишлашга мажбур эдилар. Ҳатто юқори раҳбар ҳисобланган катта бригадирлар ҳам, баъзан қўлқоп кийиб, ёрдам берар эдилар. Ундан кейин улар қорозларни уйга олиб кетиб, ҳисобот тузар ва нарядларни ҳисоблар эдилар. Конвейерлар цехларда кун бўйи ишлайди ва уларни имкони борича кам одам бошқариб туради. Ишчилар яқшанба ва байрам кунлари ҳам ишлашга мажбурдирлар. Ўта оғир меҳнат ва ҳордиқ кунлари ишлаш — мана конвейер ишлаши учун зарур бўлган мой. Мен бу шаҳарга келиб ишчилар билан суҳбатлашганимда, ўзимни бошқа мамлакатга тушиб қолгандек ҳис қиламан. Лекин бу даҳшатда мен яшаганман ва бунга менинг газабим ҳеч қачон босилмайди.”¹¹

Сўнгги пайтларда японлар ғарб давлатларида ташкил этилиб бошқарилаётган фирмалар тажрибаси, япон бошқарув усулининг қаноатли, эҳтиромли ва меҳнатсевар ишчи кучига қанчалик боғлиқлигини кўрсатади. Бу борада тадқиқотлар жуда кам, мавжуд маълумотлар эса тарқоқ. Лекин шундай умумий хулоса чиқиши мумкинки, япон бошқарув усули япон маданий муҳитидан ташқарида қўлланилса ҳам, самарали бўлаверади. Бу усулни яхши иш шароитига ўрганган, индивидуаллашган ишчи кучига нисбатан қўллаш мумкин.

Буюк Британия ва АҚШда японлар бошқаруви остидаги корхоналарни ўрганиш шундай хулосага олиб келдики, «қуйидан юқорига» қарор қабул қилиш усули япон маданиятидан ташқарида ҳам қўлланилиши мумкин. Ишчилар ўз корхонасининг ишларида аввалгидан кўпроқ иштирок этишга ижобий қарайдилар. Демак, айтиш мумкинки, Япон модели Вебер бюрократиясини баҳолашда бирмунча сабоқ беради. Вебернинг идеал турига яқин корхоналар аслида қоғозда кўрсатилганидек самарали бўлмайди, чунки қуйи поғонадаги ишчиларда мустақиллик, умумий масалаларни ҳал этиш ва ишни ташкил этишда қатнашиш иштиёқи ривожлана олмайди.

Япон корпорациялари мисолларини келтирган Вильям Оучи¹², бюрократик иерархия самарадорлиги аниқ белгиланган чегарага эга деган хулосага келди. Ташкилотнинг очиқ бюрократлаштирилиши уларнинг мосланувчан эмаслиги ва ишчиларнинг ташкилот фаолиятида қатнаша олмаслиги сабабли «ички инқироз»га олиб келиши мумкин. Оучи атамаси бўйича,

¹¹ Kamata S. Japan in the Lane. London, 1982.

¹² Ouchi W. G. A conceptual framework the design of organizational control mechanism // Management Science, 25. 1979; Ouchi W. G. Theory; How American Business can meet the Japanese Challenge. Reading, 1981.

ҳоқимиятнинг клан шакллари бюрократик тизимлардан тубдан фарқ қилади ва ҳозирги жамиятнинг кўпчиликл структураси учун самарали бюрократияга қараганда анча юқориқдир. Кланлар бир-бирлари билан қалин шахсий алоқалари бўлган инсонлар гуруҳидир. Япон фирмаларидаги ишчи гуруҳларида ҳам норасмий равишда кланлар шаклланади.

Ҳозирги дунёда ташкилотларга таъсир этувчи омиллар

Малакали мутахассислар

Ҳозирги кунда барча ташкилотлар билим, тажриба ва аҳборот узатишга боғлиқдир. Малакали мутахассислар техникавий билимларни ривожлантиришга ихтисослашадилар. Касб тажрибасини шунчаки бюрократик мажбуриятлар билан тенглаштириб бўлмайди, чунки узоқ ўрганиш муддати талаб қилинади, бунинг устига мутахассислар ўз вазифалари турига кўра, миллий, ва ҳатто халқаро жамиятларга мансуб бўладилар. Мутахассислар йирик ташкилотда ишлаганларида, бошқарув иерархиясига унчалик мос келмайдилар. Улар одатда иерархиянинг қуйи ва ўрта поғонадагиларига қараганда кўпроқ мустақилликка эгалар. Масалан, профессор ва ўқитувчилар университет ва коллежларда ишлаб, талабаларга дарс берганлари учун маош оладилар, лекин илмий ишларда улар ўз фани билан боғлиқ халқаро параметрларга асосланадилар. Улар одатда лекциялар курсини танлашда катта эркинликка эгалар, ва қандай лекциялар тўплами диплом олиш учун етарли малакани таъминлаши борасида ўзлари мустақил қарор чиқарадилар. Улар бюрократик иерархиядан ташқарида турадилар, деб айтиш мумкин. Административ-бошқарув аппарати ўқув дастурини амалга ошириш учун зарур молиявий ва моддий ресурсларни тақсимлайди, ва уларнинг вазифаларини бюрократик мажбуриятлар, деб аташ аниқроқ бўлади. Худди шу нарса касалхонадаги врачлар ва бошқарув аппаратида ҳам тегишлидир.

Мутахассисларнинг ташкилотда ўз вазифаларини белгилашдаги мустақиллик даражаси бир неча омиллар билан белгиланади: ташкилотнинг катталиги ва бюрократлашганлик даражаси, касбнинг табиати, ходимлар аъзо бўлган профессионал бирлашманинг мустақамлиги. Қарама-қарши мисоллар тариқасида касалларга қараш ва юриспруденцияни кўриб чиқамиз. Тиббий ҳамширалар мутахассис ҳисобланади, лекин уларнинг иш шароитидаги мустақиллик даражаси юқори эмас. Касалхоналар — ҳамширалар, катта ҳамшираларга ва бошқа тиббий ходимларга бўйсунадиган қатъий бюрократик ташкилотдир. Тиббий ҳамширалар ассоциациялари уларнинг меҳнат шароитлари қоидаларини белгилайди, лекин улар бу қоидаларга амал қилишни таъминлай олмайди. Юристлар, хусусий амалиёт билан

шуғулланмай, катта ташкилотда ишласалар ҳам, ўз вазифаларини белгилашда тиббий ҳамшираларга қараганда кўпроқ мустақилликка эгалар. Юристарнинг профессионал ассоциациялари жуда кучли; улар юристар амал қиладиган хулқ-атвор кодексини ишлаб чиқадилар. Юристар маълум маъмурий қоидаларга амал қиладилар, бироқ уларнинг фаолиятини фақатгина юридик ассоциация аъзоларигина текшира олади. Айтайлик, маълум бир компанияда ишловчи юрист газабланган харидор томонидан қўзғатилган суд ишида компания манфаатларини ҳимоя қилиши керак. Компания унга бу ишни топшириши мумкин, лекин унга бу иш борасида йўл-йўриқ кўрсата олмайди. Деярли ҳар доим бу юристнинг профессионал компетенцияси билан боғлиқ бўлиб, ёлловчи унга аралашмаслиги керак, деб ҳисобланади.

Мутахассислар ташкилотда эга бўлган обрўсининг катта қисми, унинг компания хизмат кўрсатадиган кенг оммага кураторлик қилиш роли билан белгиланади. Куратор — бу маълум нарсага етишиш йўлини белгилайдиган одам (бу вазиятда — малакага). Масалан, профессионал инспектор ва муҳандислар қурилиш лицензиялари берилишини назорат қилади; университет профессорлари ва ўқитувчилари ким илмий даража ёки диплом олишини белгилайди; ижтимоий таъминот ходимлари кимга моддий ёрдам кўрсатиш зарурлигини белгилайдилар. Санаб ўтилган ҳолларда мутахассисларнинг мустақиллик даражаси юқорида қайд этилган омиллар билан белгиланади.

Ҳозирги жамиятларда профессионал фаолият билан шуғулланувчи одамлар сони кун сайин ошиб бормоқда. Ташкилотлар махсус билим ва малакага тобора кўпроқ асосланишга мажбур бўлаётганлари туфайли, бюрократик иерархия тизимларига катта оғирлик тушмоқда. Профессионаллар орасида йирик ташкилотлардан ташқарида ишлашга мойиллик сезилмоқда; улар ўзларининг кичик фирмаларини очиб, ўз хизматларини тақлиф этмоқдалар. Малакали мутахассислар улуши катта бўлган ташкилотлар анъанавий ташкилотларга қараганда кўпроқ бошқарув эпчиллигига эгадир.

Ахборот технологиялари

Ташкилот тузилмаларига доимий таъсир ўтказувчи яна бир омил — бу ахборот технологиялари, яъни компьютер ва электрон алоқа воситаларининг ривожланишидир. Ахборотни қайта ишлаш автоматик тизимлари бир қатор жараёнларда кенг қўлланилади. Ҳар доим бирор кимса банкдан пул олса, ёки самолётга билет сотиб олса, у компьютер алоқа тизими билан алоқа қилади. Маълумот ер шарининг компьютер тизимига уланган ҳар қайси нуқтасида қайта ишланиши мумкин, ва инсонларнинг бевосита алоқа қилишига ҳожат йўқ.

Асосий ишни инсон эмас, машина бажарадиган тўла «электрон офис» яратилишига ҳали узоқ ва бу йўлда бир қатор

муаммоларни ҳал этиш лозим. Шунга қарамай, ташкилотларда кўплаб вазифаларни электроника зиммасига юклаш тенденцияси кучаймоқда. Матн муҳаррирлари, компьютер тизимлари, факсимил алоқа бошқарув фаолиятини анча ўзгартириб юборди. Американинг бир неча илғор банкларида пул ўтказишни амалга оширадиган кредит бўлимлари тўла автоматлаштирилган. Банklar, шунингдек, банк ҳисобларини юритиш бўйича кўплаб операциялар автоматлаштирилган. Нью Йоркдаги «Ситикорп» бўлимида ўтказилган тадқиқот шуни кўрсатадики, автоматлаштиришдан аввал бир кредит хатини тўрт киши 3 кун давомида кўриб чиқар эди. Электрон ускуналар ўрнатилгандан сўнг худди шу ишни бир киши бир неча дақиқа ичида қиладиган бўлди. 70-йилларда мазкур банк ўз хизматчилари сонини 6 мингга қисқартирди.

Банklar бу технологиядан кўп фойда кўрган ташкилотлар бўлди, чунки банк фаолиятининг катта қисми рақамлар билан боғлиқ. Компьютерлаштириш жуда қулай усул бўлиб, ҳозир миллий ва халқаро тармоқлар бўйича улкан маълумотлар йиғиндиси узатилади. Электрон тўлов тизими банк ишининг технологик ривожланишининг асосидир. Бу тизим ёрдамида чек ҳар қаерда қабул қилиниши ва нақд пулга айлантирилиши мумкин, бунда чек банкнинг маълум бўлинмасида қолади, у ҳақида маълумот эса электрон воситалар орқали клиринг йиғимига юборилади.

Электрон тўловлар тизими пайдо бўлиши билан уйда ўтириб банк операцияларини бажариш имкони туғилди. Мижозлар банк компьютерига уланган уйдаги терминал орқали маълумот олишлари ва операцияларни бажаришлари мумкин. Улар ҳисобот бўйича тўловларни амалга ошириш, бир ҳисобдан бошқасига пул ўтказиш имкониятига эга. Агар уйда банк операцияларини бажариш кенг тарқаладиган бўлса, бу банк хизматчиларининг сони қисқаришига олиб келади.

1982 йилда «Рэнк Ксерокс» фирмаси баъзи маҳсулот турларининг сотиш ҳажми тушиб кетганини аниқлади ва харажатларни камайтиришга мажбур бўлди. Бундай ҳолларда қўлланиладиган анъанавий усул — ишчилар сонини қисқартиришдир. Бунинг ўрнига фирма ходимларининг бир қисмини мустақил маслаҳатчиларга айлантириб, улар уйларида ўз вазифаларини бажариш учун «Ксанаду» деб номланган компьютер тармоғи ташкил этдилар. Кейин компания уларнинг иш вақтининг катта қисмини бир неча йилга сотиб олди, бўш вақтларида эса улар ўз хоҳишларига кўра турли мижозлар билан ишлашлари мумкин эди. Бунинг ғояси шу эдики, компания ўз ходимларининг юқори малакаларидан қераклигича ва арзонроқ нархда фойдаланиши мумкин эди. Ўз навбатида собиқ ходимлар ўз бизнесларини ташкил этишга имкон қозондилар. Шундай қилиб ҳар иккала томон ҳам ютиб чиқди¹³.

¹³ *Handy Ch. The Future of Work: A Guide to a Changing Society*. Oxford, 1984.

Анъанавий жараёнларнинг кўпи йўқ бўлгани сари йирик компаниялар кучайиб, кичикроқ, эластик тадбиркорликка мойиллик пайдо бўладигандек туюлиши мумкин, лекин бундай хулосаларга эҳтиёткорлик билан ёндашмоқ керак. Бу йўналишда баъзи тенденциялар йўқ эмас, лекин уларнинг таъсири жуда чекланган. Аслида, ташкилотлар ҳозиргидан кўра анча номарказлашган бўлишига ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Бошқарув ишларининг кўп қисми уйда, телекоммуникация тизимлари орқали бажарилиши мумкин. Буюк Британия, АҚШ ва бошқа давлатларда бир неча йирик фирмалар уйда ишловчи ходимларини боғловчи компьютер тармоғини ўрнатадилар. Лекин бу усул кутилганидек кенг тарқалмади. Компьютер терминаллари ҳам-касаба ва дўстлар билан шахсан алоқа қилишнинг ўрнини боса олмади, бошқарув эса ўзининг «кўринмас» ходимларини назорат қила олмади.

Ташкилотларнинг жисмоний муҳити

Аввал таъкидланганидек, кўпчилик замонавий ташкилотлар махсус яратилган муҳитда ишлайдилар. Улар жойлашган бинолар улар фаолияти билан боғлиқ ўзига хос хусусиятларга эга; лекин умумий меъморий хусусиятлар ҳам мавжуд. Масалан, касалхона архитектураси баъзи жиҳатлардан мактаб ёки фирма биноларидан фарқ қилади. Касалхонада алоҳида палаталар, маслаҳатхоналар, операция ва бошқарув хоналари мавжуд бўлиб, улар бутун бинога маълум тус беради, мактабларда эса хоналар, лаборатория, спорт зали мавжуд. Лекин барибир касалхона ва мактаб бинолари ўртасида маълум ўхшашлик ҳам бор. Ҳар иккаласида кўплаб даҳлизлар бор, шунингдек стандарт ички безак ва мебеллар мавжуд. Ҳозирги замон ташкилотлари бинолари, маълум «ўхшашликка» эгадир. Кўпинча улар ичкаридан ҳам, ташқаридан ҳам бир-бирига ўхшайдилар. Бир бино олдидан ўтиб кетаётиб, «Бу мактабми?» деган саволга «Йўқ, бу касалхона» деган жавобни эшитиш мумкин. Шундай бўлиши мумкинки, аввал касалхона жойлашган бинода энди мактаб жойлашган бўлади.

Узоқ йиллар мобайнида социологлар ташкилотларни муҳокама қилишда, уларни «ҳавоий бўшлиқ»да учиб юрган нарсага ўхшатганлар. Ташкилотлар фаолиятига бағишланган кўплаб жилдларда ташкилотлар маълум муҳитда фаолият кўрсатиши ҳақида умуман ҳеч нарса дейилмаганлигини кўриш мумкин. Бироқ, Мишель Фуко ва бошқалар кўрсатганидек, бино архитектураси ташкилотнинг ижтимоий ҳолати ва бошқарув тизимига бевосита боғлиқ¹⁴. Ташкилотларнинг физик хусусиятларини таҳлил қилиб, Вебер илгари сурган муаммоларга ойдинлик киритишимиз мумкин. Вебер абстракт муҳокама қилган «офислар» ҳам

¹⁴ Foucault M. Madness and Civilization: A History of Insanity in Age of Reason. London, 1971; Foucault M. Disciplinary and Punish. Harmondsworth, 1979.

ташкилот ичидаги *архитектура муҳити*, яъни хоналар ва даҳлизлардир. Йирик фирмалар бинолари кўпинча физик макондаги иерархияни ташкил қилади. «Юқори қаватлар» ибораси кўпинча «ҳокимият чўққисиди турганлар» маъносини англатади.

Ташкилот «жугрофияси» унинг фаолиятига бошқача йўллар билан таъсир этади, айниқса тизимнинг амал қилиши норасмий алоқаларга боғлиқ бўлганида бу ҳолат аниқ сезилади. Ёнмаёن жойлашиш «бирламчи гуруҳ» ташкил бўлишига, узоқда жойлашиш эса тарқоқликка олиб келади — бўлимлар ўртасида «биз» ва «улар» туридаги муносабатлар бунга мисол бўла олади.

Ташкилотда назорат ва тартиб-интизом

Назорат

Ташкилот биносидидаги хоналар, даҳлизлар очиқ жойлашиши унда бошқарув тизими қандай амал қилади, деган саволга жавоб бериши мумкин (Албатта кўпчилик ташкилотлар улар ҳолатига мослашмаган биноларда жойлашган ва бу ходимлар фаолиятига катта таъсир ўтказиши мумкин). Баъзи ташкилотларда ходимлар бирга ишлайдиган очиқ жойлар мавжуд бўлиши кўзда тутилган. Ишлаб чиқаришдаги баъзи жараёнларнинг монотон ва такрорланувчи хусусияти туфайли, масалан, йиғув линиясида, иш маромини таъминлаш учун доимий назорат зарур. Баъзи ишлаб чиқариш жараёнларининг монотон қайтариловчи хусусияти туфайли иш суръати пасайиб кетмаслиги учун ходимларни доимо назорат қилиш зарур. Бу, масалан, машинка қилувчи аёлларнинг ишига тегишли, улар машина бюросида бирга ўтирадилар. Бошлиқлар уларни бевосита назорат қилиш имкониятига эга. Фуко ташкилотда *кузатиш имкониятининг* мавжудлиги ёки йўқлиги, қай даражада бошқарув структурасини акс эттиришига катта эътибор беради. Ходимлар фаолияти бошлиқлар кўзига қанчалик кўриниши уларнинг Фуко назорат деб атаган нарсага объект бўлишлари мумкинлигини белгилайди.

Назорат ташкилотдаги фаолиятни кузатишни назарда тутди. Замонавий ташкилотларда ҳатто нисбатан юқори лавозимни эгаллаб турган ходимлар ҳам назорат остида бўладилар, лекин ходим иерархияда қанчалик паст поғонани эгалласа, уни шунчалик қатъий назорат қилишади. Назорат икки кўринишда бўлади. Бошлиқлар ходимлар фаолиятини бевосита кузатишини ҳозиргина кўриб чиқдик.

Мактабда синф хонаси мисолини кўриб чиқайлик. Ўқувчилар одатда парталарда қатор бўлиб, ўқитувчи қаршисида ўтирадилар. Ўқитувчи баландроқда ўтиради ёки туради. Болалар ҳар доим иш билан бандликларини кўрсатишга ҳаракат қилади. Албатта, бунинг амалга ошиши ўқитувчининг қобилиятига ва ўқувчининг ундан кутилган ишни бажаришга бўлган иштиёқига боғлиқ.

Назоратнинг иккинчи тури нозикроқ, лекин бу билан унинг аҳамияти камаймайди. У ходимларга шахсий ишлар, досъелар ва хизмат рўйхати юргизишдан иборат. Вебер ташкилотларда ёзма далилларнинг аҳамиятига эътибор қаратган, лекин уларнинг хулқ-атворини бошқаришдаги имкониятларини тўла баҳолай олмаган. Ходимларнинг шахсий ишларидаги ёзувларда, одатда у эгаллаган лавозимлар, шахсий маълумотлар ва хулқи ҳақида батафсил маълумотлар тўпланadi. Бундай ёзувлар ходимлар хулқ-атворини назорат қилишда ёрдам беради, хизматда кўтарилишига, тавсияномалар тузишга асос бўлади. Кўплаб фирмаларда иерархиянинг ҳар бир поғонасида бошлиқлар ўз қўл остидаги ходимларнинг фаолияти ҳақида йиллик ҳисобот тузадилар. Бундай ёзувларга бошқа мисол — мактаб аттестацияси ва коллеж битирувчиларининг билим даражасига қараб ажратилиши. Академик касб эгалари учун ҳам бундай ёзувлар олиб борилади.

Албатта, иерархиянинг қуйи поғонасидаги ҳодимлар, улар устидан олиб борилган назоратни шунчаки пассив қабул қилиб олмайдилар. Улар ўзларига бошлиқ назаридан четда «бўш жой» ва «бўш вақт» қолдиришга турли йўл топадилар. Ходимлар мумкин бўлмаса ҳам, ўз шахсий варақаларига қараб олишлари мумкин, бошлиқларини ижобий фикрлар ёзишга ундашнинг турли йўллари топадилар. Назоратчилар назаридан четда «соя-бон»лар қуриб олиш ортиқча қатъий назорат билан курашишнинг асосий воситасидир. (Қаранг: 4-боб. «Социал ҳамкорлик ва кундалик ҳаёт»). Ўрта даражадаги назоратчилар бунга одатда бармоқ орасидан қарайдилар, чунки ўз ходимлари ичида обрўсини сақлаб қолишни ва юқоридагилар назорат қилганида яхши кўринишни хоҳлайдилар. Мана кemasозлик корхонасида ўтказилган социологик сўровдан бир парча:

Цехга бош уста ёки цех бошлиғи келади, деган миш-миш тарқалганида содир бўлган ўзгаришларни кузатиш жуда қизиқ эди. Смена бошлиқлари ва бригадирлар ишчилар олдига шошиб, уларни иш билан банддек кўриниб туришга ундашар эди. «Сенинг ишсиз ўтирганингни у кўрмаслиги керак» — умумий гоя шундай эди. Иш ҳақиқатан бўлмаган жойларда эса, жиддийлик билан трубани эгишар, ёки усиз ҳам маҳкам қотирилган болтни қотиришар эди.¹⁵

Тартиб-интизом

Замонавий ташкилотларда назорат муҳим роль ўйнайди, чунки у тартиб-интизом, яъни хулқ-атворни тартибга солиш билан бевосита боғлиқ. Ташкилотлар, агар ундаги жараёнлар тасодифан содир бўлса, самарали фаолият кўрсата олмайди. Айтайлик, Веберга кўра, фирма ходимлари ҳар куни белгиланган соат давомида ишлашлари керак. Биз ҳозир буни оддий ҳолдек қабул қиламиз, лекин саноатлашишнинг бошланғич давр-

¹⁵ Archidald K. Wartime Shipyard. Bekeley, 1947.

ларида одамларни ҳар кун, ҳар доим маълум вақт ишлаш кераклигига ишонтириш қийин бўлган. Анъанавий жамиятларда деҳқон меҳнати мавсумий эди, инсонлар ўз эҳтиёжларини қонунлаштириш учун зарур бўлганида ишлашга ўрганган эдилар. Замонавий давлатлар қурилиши ва уйдан ташқарида иш жойлари ташкил этилиши маълум даражада меҳнат интизомига эришишга имкон беради.

Интизом ташкилотдаги жисмоний шароитлар ва иш жадвалларида белгиланган ҳаракатлар қатъий кетма-кетлиги воситаларида сақлаб турилади. Жадваллар фаолиятини вақт ва интизом тартибга солиб туради — Фуконинг айтишича, улар ташкилотда одамларни «самарали тақсимлайди». Жадваллар ташкилий интизом воситаси бўлиб хизмат қилади, чунки кўп сондаги одамлар фаолиятини тартибга солиб туради. Агарда университетда лекцияларнинг қатъий жадвали бўлмаганда эди, унда тез орада тўла тартибсизлик ўрнашар эди. Жадвал вақт ва макондан самарали фойдаланишга имкон беради: у ҳам, бу ҳам кўплаб одамларнинг кўплаб фаолият турлари билан тўлдирилиши мумкин.

Карцер ташкилотлар

Фуко, Ирвинг Гоффман каби шахслар узоқ муддатга ташқи дунёдан ажратиладиган ташкилотларни ўрганишга кўп вақт сарфлаган. Бундай ташкилотларда инсон *инкарцерация* қилинади, яъни ташқи ижтимоий муҳитдан ажратиб олинади. Гоффман фикрича, қамоқхоналар, руҳий шифохоналар ва бошқа карцер тизимлари бошқа ташкилотлардан ўзининг «тўла ёпиқ характери» билан ажратилади.¹⁶ Фуко бу фикрга қўшилади, лекин карцер ташкилотларини ўрганиш бошқа ташкилотлар қандай бошқарилиши масаласига қанчалик ойдинлик киритишини кўрсатишга ҳаракат қилади. Назорат ва интизом карцер ташкилотларида бошқа турдаги ташкилотлардан анча аввал қўлланилган. Қамоқхона, руҳий шифохоналар ва казармалар назорат ва интизом табиатини жуда аниқ кўрсатади, чунки уларда яшовчилар хулқи устидан ўта қатъий назорат олиб борилади. Айнан шунинг учун Фуко ўз саволига аниқ жавоб беради. «Қамоқхоналар завод, мактаб, казарма ва касалхоналарга, улар эса ўз навбатида қамоқхоналарга ўхшаши ажойиб эмасми?»¹⁷

Карцер ташкилотларнинг ривожланиши

Ўрта асрларда карцер ташкилотлар анча кам учрар эди. Баъзи жойларда қамоқхоналар бўлган, лекин жуда оз, ва улар бир-

¹⁶ Goffman E. Asylums: Essays on the Social Situation of Mental Patients and Other inmates. Harmondsworth, 1961.

¹⁷ Foucault M. Discipline and Punish. Harmondsworth, 1979

биридан узоқда жойлашган эди. Маҳбуслар аниқ муддатга қамоққа олинмас эди, улар ё сиёсий муҳолифатни бостириш мақсадида, ёки суд қарори чиққунча қамоқда сақланар эди. Рухий касаллар жамоаларда яшар эди, ёки мамлакат бўйлаб саргардон бўлиб юрар эдилар. Рухий шифохоналар ёки махсус турар-жойлар йўқ эди.

Карцер ташкилотлар XVIII асрнинг бошидагина пайдо бўлди. Орадан 100 йилдан ортиқ вақт ўтгандан сўнг қамоқхона ва рухий шифохоналар одатий ҳолга айланди. Қамоқхона ва рухий касалхоналар «умумий госпиталлардан» келиб чиққан. У пайтда, «госпитал» сўзи шифохона маъносида қўлланилмас эди. Аксинча, у дайдилар, рухий касаллар сақланадиган жойни ифодалар эди. Госпиталлар унда яшовчиларнинг тузалишига ёрдам беради, деб ҳисобланар эди, ва кўпинча улар арзон иш кучи зарур бўлган жойларда жойлашар эди.

Рухий касаллар учун махсус турар-жойлар XVIII аср охирида, аввал Европада ва кейинроқ бошқа жойларда ҳам пайдо бўлди. Тахминан ўша пайтда ҳозирги маънодаги қамоқхоналар ҳам пайдо бўлди. Лекин улар аввалги «госпиталлардан» ажраб чиқишига яна бир мунча вақт кетди. Қамоқхона ислоҳотчиси Джон Бовард, 1781 йилда Берлин госпиталига ташрифидан сўнг у «бекорчилар», «безори ва ахлоқсизлар», «касаллар ва жиноятчилар» шунингдек «исқирт кампир ва болалар» билан тўла, деб ёзган.

Фуко фикрича, XIX аср ўртасида Иеремия Бентам томонидан ўйлаб чиқилган «Паноптикон» эски госпиталлар ва янги қамоқхоналар ўртасидаги фарқни аниқ ифодалайди. «Паноптикон» деб Бентам ўзи кўп бора Британия ҳукуматида сотишга уринган «идеал қамоқхона» моделини атар эди. Бу лойиҳа тўлалигича амалга ошмади, лекин унинг асосий тамойилларидан баъзилари XIX асрда АҚШ, Британия ва бошқа Европа давлатларида қамоқхоналар қуришда қўлланилди. Режа бўйича, «паноптикон» юмалоқ шаклда бўлиб, унда камералар периметр бўйлаб жойлашар эди. Ўртада кузатиш минораси. Ҳар бир камерада икки ойна бўлиб, улардан бири кузатиш минорасига, бошқаси ташқарига қарар эди. Камераларнинг бундай жойлашиши назоратчиларга исталган вақтда маҳбусларни кўришга имкон берар эди. Минорадаги ойналар дарпарда билан тўсилар эди ва ичидаги одамлар маҳбусларга кўринмас эди.

Паноптикон режаси кам сонли маҳбуслар ва алоҳида шахслар учун камералар принципнинг тарқалишига сабаб бўлди. Аввалги меҳрибонлик уйларида кўплаб одамлар катта хонада ухлар ва ишлашар эди. Қамоқхоналарнинг меъморий тузилиши бошқа ташкилот биноларини режалаштиришга бевосита таъсир ўтказди, масалан, баъзи заводлар аввал қамоқхоналарнинг лойиҳасини тузган меъморлар томонидан лойиҳа килинган.

Албатта, карцер ташкилотлари ҳозирги ташкилотларнинг бир қисмини ташкил этади. Одамлар ё ўз вақтининг бир қис-

минигина ташкилотда ўтказадилар, ёки қисқа вақтни тўла ташкилотда, масалан, касалхона ичида ўтказадилар. Карцер ва нокарцер ташкилотлар ўртасида аниқ ўхшашлик мавжуд ва Фуко, бир турдаги ташкилотни ўрганиш бошқа турдагисини тушунишга ёрдам беради, деб тўғри айтган.

Нобюрократик ташкилотлар: ўзаро ёрдам гуруҳлари

Социологлар кўпинча замонавий жамиятда жиддий аҳамиятга эга бўлган ассоциацияларга фақатгина бирламчи гуруҳлар ва бюрократик ташкилотларни киритиш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Бироқ бу унчалик тўғри эмас. Улардан ташқари ихтиёрий бирлашмалар, хайрия ташкилотлари ва ўзаро ёрдам ташкилотлари мавжуд. Масалан, саноатлашишнинг бошланғич даврида кўплаб ишчилар, меҳнаткашлар клублари ва таълим ассоциациялари каби гуруҳлар ташкил этилган. Бу бўлимда биз эътиборни бюрократик ташкилотлардан кескин фарқ қиладиган ўзаро ёрдам ташкилотларига қаратамиз.

Сўнги юз йил мобайнида ўзаро ёрдам гуруҳларининг сони ва хилма-хиллиги ортди. Уй эгалари, аноним алкогольлик ассоциациялари, гиёҳвандларни реабилитация қилиш гуруҳлари ва бошқа юзлаб хиллари мавжуд. Уларнинг баъзилари юз йилдан ошиқ тарихга эга, бошқалари яқиндагина ташкил этилган.

Ўзаро ёрдам гуруҳлари ташкил этиш доим ҳам қонунан рухсат этилган эмас. Кўплаб давлатларда ишчи ташкилотлари давлатнинг душманлик муносабатига дуч келар эди, баъзан эса тақиқланар эди. Кўпчилик жамиятларда эркин танланган манфаат ва мақсадларга кўра гуруҳлар ташкил этиш ҳуқуқи учун кураш олиб борилган.

Ўзаро ёрдам гуруҳлари бир хил ҳолатда турган одамлар томонидан манфаатларини рўёбга чиқаришда бир-бирига ёрдам кўрсатиш ёки умумий муаммоларни ҳал этиш мақсадида тузилади. Бундай гуруҳлар одатда ноиерархик бўлади: уларда бюрократия билан боғлиқ белгиланган мансаблар бўлмайди. Гуруҳларга аъзолик одатда доимий бўлмайди: гуруҳ аъзолари бир ёки бир неча йиғилишларда қатнашиб, кейин уни тарк этишлари мумкин. Кўпинча бу гуруҳлар аъзолик тўловлари ва хайр-эҳсонларга боғлиқ бўлиб, доимий даромадларга эга бўлмайдилар. Уларда иш ҳақи оладиган ходимлар бўлса ҳам, уларнинг маошлари бошқа ташкилотлардагидан кўра оз бўлади. Гуруҳ аъзоларини одатда баъзи маънавий принциплар боғлаб туради.

Ўзаро ёрдам гуруҳларига хос хусусиятлар

Ўзаро ёрдам гуруҳларининг икки характерли хусусиятини ажратиш мумкин, булар: биргаликда иштирок этиш ва лойиҳалар ишлаб чиқариш. Биргаликда иштирок деганда, шахсий алоқа ва бошқа йўл орқали маълумот ва тажриба тўплаш тушу-

нилади. Масалан, ота-оналар ўзаро ёрдам гуруҳида бир-бирлари билан журнал, хат ёзиш орқали алоқа қиладилар. Ота-оналар хат ёзишиб турадилар, гуруҳ ичида журналлар тарқатилади, шундай қилиб ҳар бир аъзо, гуруҳнинг фақатгина бир аъзоси билан бевосита алоқада бўлса-да, кўплаб хатлар олади.

Ўзаро ёрдам гуруҳлари ўз аъзоларига ва атрофдагиларга ўз таъсирини ўтказишади. Ақли заиф болалар ва ота-оналар гуруҳининг вазифаларидан бири — аҳолини ақли заиф болалар муаммоси билан таништириш. Лойиҳалар ишлаб чиқиш деганда, шу каби ва бошқа муаммоларни ечишда биргаликда ҳаракат қилиш тушунилади. Масалан, аноним алкоголиклар дастурининг катта қисми — алкоголиклар учун ёрдам лойиҳалари тузишдир. Инсон ўзининг ўтмиш тажрибаси ва мавжуд муаммоларини ифода этганида, бу маълумот гуруҳ ичида муҳокама қилиниб, чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Ўзаро ёрдам гуруҳлари кўпинча бюрократик ташкилотларга қарши ўлароқ тузилган. Масалан, баъзи ўзаро тиббий ёрдам гуруҳларининг вазифаси — касалларга ўз соғлиқлари ҳақида ўзи қайғуришга ёрдам беришдир, чунки, уларнинг ҳисоблашича, анъанавий тиббий хизматлар уларга соғлиқ борасида етарлича қафолат бермайди. Маълумки, ўзаро ёрдам гуруҳлари баъзи жиҳатлардан бюрократик ташкилотларнинг тескарисидир: уларнинг фаолият соҳалари бюрократик ташкилотлардан ташқарида бўлади, уларнинг аъзолари тенглик асосида ҳамкорлик қиладилар. Лекин, бу гуруҳлар расмий ташкилотлар ўрнига эмас, улар билан бирга фаолият кўрсатадиганга ўхшайди. Ўзаро ёрдам гуруҳлари агар доимий тус олиб, йириклашиб кетса, расмий ташкилотларга яқинлашиб қолади. Уларда ҳокимиятга эга бўлган махсус лавозимлар ўрнатилади, мунтазам даражада таъминланади ва одатда бюрократиянинг барча хислатларини қабул қилиб олади.

Якуний изоҳлар

Кўрганимиздек, замонавий жамиятларда ташкилотнинг эгилувчанроқ шакллари томон силжиши кузатишмоқда. Вебер ва бошқалар чўчиганларидек, биз ҳаётимизни бошқарадиган улкан машинанинг кичик қисмлари эмасмиз. Бюрократик тизимлар Вебер ҳисоблаганидан кўра кўпроқ эгилувчанликка қодирлар, уларнинг ҳукмронлик қилишига эса камроқ иерархик тузилишга эга бўлган бошқа гуруҳ ва бошқа ассоциациялар қарши чиқмоқда. Умид қиламизки, шахсиятини йўқотган катта ташкилотлар аста-секин тарихга айланиб ўз ўринларини камроқ марказлашган ва қайишқоқ ташкилотларга бўшатиб беради¹⁸. Бироқ, ташкилотларнинг ўсишга, шахсисизланишга, иерар-

¹⁸ *Toffler A. The Third Wave. London, 1981.*

хияга интилишлари ва унга қарши тамойиллар ўртасида доимий кураш борадиганга ўхшайди.

Бобнинг қисқача мазмуни

1. *Гуруҳ* — бу мунтазам равишда бир-бирлари билан ҳамкорлик қиладиган инсонлар тўпламидир. Бу мунтазамлик дўстона муносабат, бирдамлик ва умумий урф-одатлар шаклланишига олиб боради. Агрегат (ижтимоий йиғинди) — бу бирдамлик ҳиссиётига эга бўлган инсонлар йиғиндисидир. (Масалан, автобусга навбатда турганлар). *Ижтимоий тоифа* — инсонларнинг умумий тавсифларига кўра тасниф қилинадиган статистик гуруҳдир.

2. Барча замонавий ташкилотлар ўз статистикасига кўра маълум даражада бюрократик бўлади. Бюрократия аниқ белгиланган ҳокимият иерархияси, *мансабдор* (тўла иш куни банд бўлган ва лавозим машқлари оладиган) *шахсларнинг* хулқ-атворини белгиловчи қоидалар ва ходимларнинг ташкилот ичидаги вазифалари ва ундан четдаги ҳаёти ўртасида аниқ чегара мавжудлигини назарда тутати. Ташкилот аъзолари ўзлари бошқарадиган моддий ресурсларга эгалик қилмайдилар. Макс Вебер ҳисоблашича, замонавий бюрократия катта сондаги инсонлар фаолиятини ташкил этишнинг юқори самарали воситаси бўлиб, умумий мезон асосида қарор қабул қилинишини таъминлайди.

3. Ташкилотлар ичида ва турли ташкилотлар орасида барча табақаларда норасмий тармоқлар ўрнатилади. Бу норасмий алоқаларни ўрганиш Вебер кўрсатган расмий хусусиятларни ўрганишдек муҳимдир.

4. Вебер ва Михельс асарларида бюрократия ва демократия ўртасидаги зиддиятлар таҳлил қилинган. Бир томондан, замонавий ташкилотларнинг ривожланиши, қарорлар қабул қилинишининг марказлашишига олиб келади. Бошқа томондан сўнги икки юз йилликнинг асосий хусусияти — ортиб бораётган демократияга интилишдир. Ҳар иккала тенденция бир-бирига қарама-қарши туради, лекин ҳеч бири устунлик қилмайди.

5. Япон корпорациялари ўзининг ташкилий тузилмалари¹⁷ бўйича кўпчилик ғарбий компаниялардан тубдан фарқ қилади. У ерда бошлиқлар ўз қўли остидаги ходимлари билан маслаҳатлашадилар, маош ва жавобгарлик мансабга боғлиқ, алоҳида аъзоларнинг эмас, бутун гуруҳларнинг фаолияти баҳоланади. Япон иқтисодиётининг юқори ўсиши суръатлари бунга боғлиқлиги исботланмаган бўлса-да, сўнги йилларда кўплаб ғарб фирмалари япон бошқарув тизимининг баъзи жиҳатларини кўчириб олганлар.

6. Замонавий ташкилотларнинг фаолияти бўлимнинг ихтисослашганлиги ва ахборот узатишга боғлиқ. *Ихтисослашиш ахборот технологияларидан* фойдаланишнинг ўсиши билан бир қаторда, ташкилот эгилювчанлигининг ортишига олиб келади. Бундай ўзгаришнинг натижалари ҳозирги кунгача бўрттириб келинган.

7. Ташкилотлар фаолият кўрсатаётган жисмоний шароитлар, уларнинг ижтимоий хусусиятларига катта таъсир ўтказиши. Замонавий ташкилотлар биноларининг архитектураси бошқарувга бўйсундириш воситаси бўлган назорат билан бевосита боғлиқ. Назорат деганда инсон фаолиятини кузатиш, шунингдек, шахсий иш ва хизмат рўйхатлари юритилиши тушунилади.

8. *Карцер ташкилотларида* одамлар бутун вақтини ташқи дунёдан ажратилган ҳолда ўтказадилар. Карцер ташкилотларнинг асосий турлари бу қамоқхоналар ва руҳий касаллар шифохоналаридир. Карцер ташкилотларида назорат ва интизом максимал даражада намоён бўлади, лекин улар маълум даражада барча бюрократик ташкилотларга хосдир.

9. *Ўзаро ёрдам гуруҳлари* (шунингдек, турли ихтиёрий бирлашма-лар) бюрократик ташкилотларнинг тескарисидир. Уларга одатда иерархия хос эмас ва ҳамма тенглик асосида иш олиб боради. Замонавий индустриал жамиятларнинг барчасида кўплаб бундай ташкилотлар учрайди. Улар бюрократик ташкилотлар билан бир қаторда фаолият кўрсатадилар ва улар орасида баъзан зиддиятлар келиб чиқади. Уларнинг баъзилари йириклашиб кетиб, бюрократлашишга мойиллик кўрсатади.

Асосий тушунчалар

<i>ижтимоий гуруҳлар ташкилотлар</i>	<i>расмий муносабатлар норасмий муносабатлар</i>
--	--

Энг муҳим атамалар

<i>агрегат</i>	<i>олигархия</i>
<i>ижтимоий категория</i>	<i>демократия</i>
<i>бирламчи гуруҳ</i>	<i>киббуцлар</i>
<i>иккиламчи гуруҳ</i>	<i>малакали мутахассислар</i>
<i>бюрократия</i>	<i>ахборот технологияси</i>
<i>идеал тур</i>	<i>назорат</i>
<i>мансабдор шахслар (амалдор)</i>	<i>карцер ташкилот</i>

Кўшимча адабиёт

Richard Brown. Understrugind Industrial Organifafios. London 1992. Саноат ташкилотлар талқинида турли назарий ёндашишлар шарҳи.

Jeff Hearn et al. The Sexuality of Organisation. London, 1989. Ташкилотлар ортодоксал социологияси гендер ва жинсийлик билан боғлиқ масалаларни эътиборга олмайди деган тезисга ён босиш.

John McDermott. Corporate Society. London. 1991. Замонавий жамиятда корпорациялар ролининг таҳлили.

M. Meyer et al. The Limits of Bureaucratic Growth. New York, 1986. Ташкилотлар ривожланишининг тенденцияларини олдиндан кўриш ва баҳолашга уриниш.

D.Pugh et al. Writers on Organizations. Harmondsworth. 1983. Ташкилотлар борасида тадқиқотларнинг қисқа ва аниқ шарҳи.

Anselm Strauss. Negotiations Varieties, Contexts, Processes and social order. San Francisco. 1978. Боффман ва Блау назарияларининг муҳокама-си билан бошланади; ҳам назарий, ҳамда эмпирик масалалар муҳокама қилинган.

Сиёсат, ҳукумат ва давлат

Аввалги бобда кўрсатиб ўтилганидек, бугун давлат ва ҳукумат кўплаб соҳаларда бизнинг ҳаётимизга кириб келмоқда; аммо инсоният тарихининг жуда катта қисмида давлат умуман мавжуд бўлмаган. На ибтидоий овчилар ва термачилар, на майда қишлоқ хўжалик ҳамжамиятларида махсус сиёсий органлар бўлган эмас. Шунга қарамай, бундай давлатсиз жамиятларда ҳеч қандай хаос юз бермаган — бошқа норасмий бошқарув механизмлари мавжуд бўлиб, улар ёрдамида жамоа тақдирини ҳал қилувчи қарорлар қабул қилинган, юзага келган муаммолар ечилган. Одатда қарорлар уруғчилик гуруҳида жиддий келишмовчиликлар юз беришига сабаб бўлса, улар кичикроқ гуруҳларга бўлиниши ва бошқа гуруҳлар билан бирлашиши мумкин бўлган.

Бошқа пайтда маданият ҳамжамиятларида сиёсий марказлашув унсурлари пайдо бўлади, бироқ ҳақиқий давлат ҳали шаклланмайди. Бундай жамиятларда ҳукмдор мавжуд бўлиб, қолган аҳоли унга бўйсунishi лозим эди. Ҳукмдорлар ёш ҳарбий, ёки руҳоний, ёки ҳам униси, ҳам буниси бўлганлар, ўз қарорларини қувватлаш учун қуроолланган вассалларни чақириш ҳуқуқига эга бўлганлар. Одатда у давлатни кенгаш ёки яқинлари ёрдамида бошқарган. Давлатчилик жамиятларида (анъанавий цивилизацияларда) ҳукмдорлар қирол ва императорларга айланиб, дабдабали қаср ва саройларда яшаганлар, аҳолини бўйсундириш ва чегарани кенгайтириш учун мўлжалланган кўшин тузганлар.

Улар кундалик маъмурий ишлар билан шуғулланувчи расмий шахсларни тайинлаганлар ва жинойтчиларни судлаш ва жазолаш учун ихтисослашган судлар тузганлар. Анъанавий ва замонавий давлатлар бир қанча умумий белгиларга эга. Давлатнинг фарқловчи белгиси айни ҳудудда бошқарувни таъминловчи сиёсий аппарат (ҳокимият институтлари; сарой, парламент, конгресс, шунингдек, расмий фуқаролик хизматлари)дир. Ҳокимиятнинг бу органлари яратилган *ҳуқуқий тизим* томонидан қўллаб-қувватланади ва ўз сиёсатини тадбиқ этишда *кучдан* фойдаланиши мумкин. Ушбу таърифнинг ҳар бир қисмини муфассал кўриб чиқиб, давлат ҳокимияти, табиати ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш мумкин. Бу бобда замонавий давлат кўринишлари таҳлил қилинади ва турли замонавий сиёсий тизимлар қиёсланади.

Давлатлар тавсифи

Сиёсий аппарат

Антрополог ва археологлар инсоният тарихи бошида кўп жамиятлар давлатсиз бўлган, деб ҳисоблайди. Давлат тушунчасини уларга нисбатан умуман қўллаб бўлмайди. Аммо олимлар бундай жамиятларда ҳукумат ва сиёсат мавжудлиги борасидаги қарашларида ҳамфикр эмаслар. Агар жамиятда ихтисослашган сиёсий институт ёки сиёсий бошқарув органи бўлмаса, уларда ҳукумат ва сиёсий йўналиш борлиги ҳақида баҳслашиш мумкин, ҳамма гап таърифда. Барча жамиятлар қандайдир ҳукумат шаклига эга бўлганлар агар бу тушунчага кенг қаралса — масалан, аҳолининг катта қисми ҳаётига таъсир қилувчи қарорлар қабул қилишнинг системали усуллари ҳақида гапирилганда. Аммо бундай белгилар асосида берилган таъриф ундан самарали фойдаланиш учун хийла оғирлик қилади. Яхшиси «давлат» ва «сиёсат» тушунчалари учун торроқ таъриф танлаш лозим.

Бу китобда ҳукумат атамаси сиёсий аппаратдаги расмий шахслар томонидан мунтазам равишда қарор ва сиёсий ечимларнинг қабул қилинишига нисбатан қўлланилади. Бу расмий шахсларга қироллар, императорлар, сарой кишилари, сайланган ҳокимият аъзолари ва давлат хизматчиларини киритиш мумкин. Ҳукуматнинг ўзи ҳам, бевосита ҳукуматнинг ўзи, яъни маъмурий амалиёт учун жавоб берувчи амалдорлар апаратини ҳам назарда тутишимиз мумкин. *Сиёсат* — бу ҳукуматнинг мақсадларига эришиш воситаси, ҳукумат фаолиятининг асосий мазмунидир. *Сиёсат* соҳалари давлат институтлари доирасидан анча четга чиқиши мумкин. Жуда кўплаб усуллар борки, улар ёрдамида ҳукумат таркибига кирмайдиганлар унга таъсир қилишга интиладилар. Масалан, замонавий жамиятларда мавжуд бўлган ва қабул қилинган сиёсий чегаралардан ташқарида фаолият кўрсатувчи жамият ҳаракатлари ҳукуматга таъсир кўрсатишга ёки ҳатто уни афдаришга қаратилган бўлиши мумкин.

Худуд

Овчилар ва термачилар жамоалари бирон-бир белгиланган худудга эга бўлмаганлар ва катта кенгликларда ҳаракат қилганлар. Кичик қишлоқ хўжалик жамоалари ерга кўпроқ боғланганлар, аммо, одатда, уларда бошқа гуруҳлардан ажратиб турувчи аниқ чегара тушунчаси бўлмаган. Аммо сиёсий ҳокимият тизимларининг пайдо бўлиши билан улар ўз бошқарувини амалга оширувчи худудлар ҳам белгиланди. Ҳукмдорлар қаерда янги худудга эгалик қилиш, шу йўл билан ўз таъсир доирасини кенгайтириш имконини кўрсатар, албатта, бу имкониятдан фойдаланишга интилар эдилар.

Қонун ва куч ишлатиш

Ҳуқуқий система адолатли судловни амалга ошириш учун ихтисослашган индивидлар бор жойда мавжуд бўлади. Кичик жамоаларда зиддиятлар одатларнинг умумий йиғилишида ёки оилавий гуруҳларда ҳал қилинади. Бундай жамиятда жамоа қарорларини қувватлаб куч ишлатиш учун жавобгарликни зиммасига олувчи махсус гуруҳлар йўқ. Баъзида одатий ҳукм ишини маълум оила ёки қондошлик гуруҳи ўз қўлига олади, бу хундорликка йўл очиб беради. Аммо давлат ривожлангани сари қарорларга бўйсунмаслик ҳолатларида куч ишлатиш ҳуқуқига эга бўлган махсус ҳуқуқий тизим — системалаштирилган қонун ва судлар пайдо бўлади. Анъанавий давлатларда, одатда, армия ва махсус полиция кучлари орасида вазифалар аниқ тақсимланган ва кўпинча, қонун чиқарувчилар қарорлари ҳимояси учун армиядан ҳам фойдаланилган.

Замонавий давлатлар

Таърифлар

Барча замонавий давлатлар миллийдир. Миллий давлатлар юқорида берилган давлат таърифидаги барча санаб ўтилган шартларга жавоб беради. Улар ҳукумат аппаратига, муайян ҳудудга, шаклланган қонунлар тўпламига эга ва қуролли кучлар устидан назорат қилади. Аммо бир нечта моҳиятли белгиларга қўра замонавий давлатлар анъанавийларидан кескин фарқ қилади:

1. Анъанавий давлатлар бошқарувидаги ҳудудлар доимо ноаниқ чегараланган бўлиб, марказий ҳукумат уларни анча бўш бошқарган. Ҳукумат ўша ерда у олий ҳокимият саналадиган, аниқ чегараланган ҳудудга эгаллиги белгиланувчи суверенитет тушунчасини анъанавий давлатларга тадбиқ этиб бўлмайди. Аксинча, барча миллий давлатлар суверен тузилмалардир.

2. Қирол ёки император бошқарувчи анъанавий давлатларда аҳолининг катта қисми уларни ким бошқараётганини билмаган ёки қизиқмаган. Одатда фақат ҳукмрон синфлар ёки бадавлат одамлар гуруҳлари ўзларининг бирор шахс томонидан бошқарилувчи жамиятга тегишлиликларини ҳис қилганлар. Миллий давлатларда эса, аксинча, маълум сиёсий система доирасида яшовчилар умумий ҳуқуқ ва бурчга эга ва ўзларини маълум бир *миллатга* тегишли деб ҳис қилувчи фуқаролар ҳисобланади. Ҳозирги дунёда сиёсий қочоқ ва фуқаролиги бўлмаган одамлар борлигига қарамай, деярли ҳар бир инсон ўзини у ёки бу миллат ва миллий сиёсий тузилмага тегишли шахс сифатида фарқлайди.

3. Миллий давлатлар миллатчиликнинг ўсиши билан боғлиқ. Миллатчиликни шахсга ягона сиёсий жамоага тегишли-

ликни таъминлаб берувчи тимсол ва қарашларнинг йиғиндиси сифатида таърифлаш мумкин. Шу тарзда алоҳида шахслар «инглизлар», «америкаликлар» ёки «французлар»га тегишлиликлари билан фахрланадилар. Афтидан, инсонлар ўзларининг маълум ижтимоий, масалан, оилавий, фирқавий ёки диний гуруҳларга хосликларини доим сезганлар. Аммо миллатчилик замонавий давлат ривожига билангина пайдо бўлди. У маълум суверен жамоа билан бирлик ҳиссининг асосий усули бўлиб қолмоқда.

Замонавий дунёда миллий манфаатларга содиқлик доим ҳам давлатнинг демаркация чегаралари билан белгиланавермайди. Деярли барча миллий давлатлар келиб чиқишига хос *маҳаллий миллатчилик* кўпинча давлат ҳосил бўлиши билан имтиёзга эга бўлиб қолган миллатларга зиддият натижасида юзага келган. Масалан, Буюк Британияда шотланд ва уэльс миллатчилиги «британ ўз-ўзини англаши» шаклланиши билан юзага келган. Миллий давлат ва миллатлараро муносабатлар анча мураккаб бўлса-да, уларнинг асосида бир хил жараёнлар ётади.

Айтганлардан келиб чиқиб миллий давлатнинг нисбатан тўла таърифини бериш мумкин. Миллий давлат *сиёсий аппаратга, белгиланган ҳудудий чегараларда* тан олинган суверен ҳуқуқларга эга ва суверенитетга интилишларини *ҳарбий куч* билан ҳимоя қила олади, унинг кўплаб фуқаролари айни *миллий бирликка тегишлиликларидан* ғурур сезадилар.

Фуқаро ҳуқуқлари

Кўплаб миллий давлатлар ўз кўлида тобора кўпроқ ҳокимиятни йиғиб борган монархларнинг фаолияти натижасида марказлашган ва самарали сиёсий тизимга айланди. Дастлаб суверен давлат фуқаролиги сиёсатда қатнашиш ҳуқуқини бермаган. Кўпинча бундай ҳуқуқларга монархлар ҳокимиятини чегаралаш ёки уларни афдариш — баъзида Франция ёки Кўшма Штатларда бўлганидек, инқилобий йўл билан қўлга киритилган.

Т. Маршалл фуқаролик тушунчаси ривожига билан боғлиқ уч тип ҳуқуқларни ажратган.¹ Фуқаролик ҳуқуқлари шахснинг қонун томонидан тасдиқланган ҳуқуқларидир. Улар биз бугун шартдек қабул қилаётган, аммо аслида узоқ даврлар мобайнида қўлга киритилган (айрим давлатларда ҳозир ҳам тўлиқ тан олинмаган) алоҳида ҳуқуқларга эга. Фуқаролик ҳуқуқларига: хоҳлаган жойда яшаш, сўз эркинлиги, виждон эркинлиги, хусусий мулкчилик ва қонун олдида тенглик ҳуқуқлари киради. Бу ҳуқуқлар Европанинг кўп давлатларида тўлиқ ҳажмда ўн тўққизинчи аср бошигача тан олинмаган эди. Ҳатто бу ҳуқуқлар умуман амалда мавжуд бўлмаган давлатларда ҳам улар тадбиқ этилмайдиган гуруҳлар мавжуд эди. Конституция қабул қилиниши билан аме-

¹ Marshall T. H. Class, Citizenship and Social Developmet. Westport, 1973.

рикаликлар европаликларнинг кўпчилигидан анча олдин фуқаролик ҳуқуқларини киритган бўлсалар-да, негрлар анча вақтгача бу ҳуқуқлардан маҳрум эди. Ҳатто негрларни расман бу ҳуқуқларга эга қилган фуқаролар урушидан кейин ҳам улар реал ҳаётда ўз ҳуқуқларидан фойдалана олмаганлар.

Ҳуқуқларнинг иккинчи типини — сиёсий ҳуқуқлар сайловда қатнашиш, ва айниқса, давлат мансабига сайланиш билан боғлиқ ҳуқуқлардир. Бу ҳуқуқлар ҳам узоқ ва қийинчиликлар билан қўлга киритилган. Қўшма Штатларни истисно қилганда, ҳатто эркаклар учун ҳам тенг овоз бериш ҳуқуқи яқин ўтмиш натижаси бўлиб, узоқ курашларда қўлга киритилган, чунки кўп мамлакатлар ҳукуматлари умумий овоз бериш ҳуқуқини баъзан тан олганлар. Европанинг кўп давлатларида овоз бериш ҳуқуқини аввало маълум хусусий мулкка эга бўлган камчилик одамлар — эркаклар қўлга киритганлар. Нафақат аёллар, балки кўпчилик эркаклар ҳам овоз бера олмаганлар. Кўп мамлакатларда барча эркаклар овоз бериш ҳуқуқига фақат XX аср бошида эришдилар. Аёлларга узоқроқ кутишга тўғри келди: кўп ғарб мамлакатларида аёллар учун овоз бериш ҳуқуқи турли хотин-қизлар ҳаракатлари натижасида, қисман Биринчи жаҳон урушида аёлларнинг иқтисодийта кенг жалб этилиши натижасида қўлга киритилди. («Гендер ва сексуалик» деб номланган 6-бобга қаранг).

Европада юридик ва сиёсий ҳуқуқлар учун кураш бораётган бир пайтда дунёнинг бошқа қисмларида мустамлакачилик давом этарди. Деярли барча мустамлака қилинган халқлар мустамлакачилар каби ҳуқуқларга эга эмас эдилар (шунингдек, мустамлака мамлакатнинг фуқаролари ҳам тенг ҳуқуқли эмас эдилар). Оқ танли маъмурият ерли аҳоли, ҳатто у камситилмаган тақдирда ҳам, давлатни бошқаришда қолоқлиги туфайли қатнаша олмайди деб ҳисобларди. Мустамлакалар туб жой аҳолиси ҳуқуқларини келгинди оқ танлилар ҳуқуқи билан тенг кўриш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмасди. Мустамлакалар кўпчилик аҳолиси юридик ва сиёсий ҳуқуқларни фақат XX асрда мустамлакачилик тузуми емирилиши туфайли қўлга киритдилар.

Фуқаролик ҳуқуқларининг учинчи типини Маршалл ижтимоий ҳуқуқлар деб белгилайди. Бу ҳуқуқ ҳар бир шахснинг муайян минимал иқтисодий таъминланганлиги ва хавфсизлигини назарда тутди. Бунга: касаллик учун ижтимоий таъминот, ишсизларнинг ижтимоий ҳимояси, шунингдек, иш ҳақининг энг кам миқдорини белгилаб қўйиш киради. Бошқача айтганда, ижтимоий ҳуқуқлар *таъминланганликнинг муайян даражасини* кафолатловчи шартларни назарда тутди. Баъзи мамлакатлар, масалан, XIX аср Германиясида ижтимоий ёрдамнинг турли шакллари юридик ва сиёсий ҳуқуқлар тўла қўлга киритилгунча пайдо бўлган бўлса-да, кўплаб мамлакатларда ижтимоий ҳуқуқлар уларнинг пайдо бўлиши билан боғланади. Чунки фуқаролик ва айниқса, сиёсий ҳуқуқларнинг қўлга киритилиши одатда, ижтимоий ҳуқуқлар олиниши учун пойдевор бўлиб хиз-

мат қилади. Ижтимоий ҳуқуқлар сиёсий кучлар фаолияти натижасидир, уларни эса камбағал гуруҳ ва синфлар овоз бериш ҳуқуқини қўлга киритибгина ривожлантира олганлар.

Ижтимоий ҳуқуқларнинг кенгайиши умумий фаровонлик давлати шаклланишининг асоси бўлиб хизмат қилади. Бу тушунча Ғарбий Европада фақат Иккинчи жаҳон урушидан кейин мустақкам ўрнашиб қолди. Умумий фаровонлик давлати ҳукумат ўзини таъминлай олмайдиган одамлар (ишсизлар, касаллар, инвалидлар ва қариялар)ни моддий жиҳатдан таъминлаган жойда мавжуд бўлади. Умумий фаровонлик давлати асослари Буюк Британияда 1930-йилларда, урушдан кейин сайланган лейбористлар ҳукумати сиёсати натижасида яратилган эди.² Барча ғарбий давлатлар ҳозирги вақтда таъминланганликни яхшилаш учун кенг имкониятларга эга. Шарқий Европадаги социалистик мамлакатлар, шунингдек, собиқ Совет Иттифоқининг ўз фуқароларига берган ижтимоий ёрдамлари, айниқса улкан эди. Бошқа томондан, дунёнинг кўп камбағал давлатларида бундай ижтимоий ёрдам амалда мавжуд эмас.

Замонавий давлатларнинг баъзи асосий хусусиятларини кўриб чиқиб, демократия табиатини текширишга ўтамиз.

Демократия

Замонавий давлат ривождаги муҳим жиҳатлардан бири — демократия билан алоқадир. Бу сўз грекча *demokratia* сўзидан келиб чиққан бўлиб, *demos* — халқ, *kratos* — ҳокимият, деганидир; шундай қилиб, демократия сиёсий тизим бўлиб, унда аслзода ёки монархлар эмас, халқ бошқаради. Бир қарашда ҳаммаси жуда содда кўринади, аммо амалда бундай эмас. Девид Хелд таъкидлаганидек, демократия таърифидаги ҳар бир сўз саволлар туғдиради.³ *Халқ* сўзидан бошлаймиз. Шундай қилиб,

1. Кимни «халқ» деб санаш лозим?

2. Халқнинг давлат ишларида қатнашишининг қандай шакли назарда тутилади?

3. Қандай шароит бундай қатнашувга олиб келади?

Агар *бошқарув* ҳақида гапирсак, қуйидаги саволлар туғилади:

1. Бошқарув доираси қай даражада кенг бўлиши лозим? У ҳукумат ваколатлари билан чегараланадими ёки демократия бошқа соҳаларда ҳам бўладими, масалан, саноат демократияси?

2. Бошқарув кундалик маъмурий қарорлар қабул қилишни англатадими ёки у фақат сиёсий курс асосларини ишлаб чиқишга дахлдорми?

² Ashford D. E. The Emergence of Welfare States. Oxford, 1987.

³ Held D. Models of Democracy. Cambridge, 1987.

Бошқа саволлар ҳам туғилади, масалан:

1. «Халқ бошқарувиға» бўйсунуш шартми? Бурчлар ва уларни бажармайдиганларга муносабат қандай?

2. «Халқ ичидан чиққан» шахслар қонунларни адолатсиз ҳисоблаб, уни топтаб ўтиши мумкин бўлган шароитлар ҳам борми?

3. Қандай ҳолатларда (агар шунақаси бўлса) демократик ҳукуматлар ўзларининг сиёсатидан норози одамларга тазйиқ ўтказиши мумкин?

Шу ва шунга ўхшаш саволларга жавоблар давр ва жамият шаклидан келиб чиқиб берилган, масалан, «халқ» сўзи турлича тушунилган — унга мулкдор кишиларни, оқ танли эркакларни, маълум даражада маълумотли эркакларни, шунчаки ҳамма эркакларни ва ниҳоят, ҳамма етук аҳолини киритганлар. Баъзи давлатларда расман эълон қилинган демократия сиёсат доирасида чегараланган, бошқа мамлакатларда у жамият ҳаётининг бошқа томонларига ҳам тадбиқ этилади.

Демократия турлари

Бир қатор асосий белгиларига кўра демократия уч хил кўринишда бўлиши мумкин: *кўппартияли вакиллик демократияси, бир партияли вакиллик демократия ва қўшма демократик бошқарув* (баъзида *тўғри демократия* ҳам дейилади).

Вакиллик демократиясига кўра, кишилар ҳаётига таъсир этувчи қарорлар жамиятнинг ҳамма аъзолари эмас, балки шу мақсадда махсус сайланган одамлар (вакиллар) томонидан қабул қилинади. Вакиллик демократияси вариантларини кўп ташкилотларда кўриш мумкин. Масалан, спорт клубини шу клуб аъзоларидан сайланган кенгаш бошқаради. Давлат бошқарувида вакиллик демократияси конгресс, парламент ёки шунга ўхшаш миллий органларга сайловлар шаклида юзага чиқади. Вакиллик демократияси бошқа — жамият қарори қабул қилинувчи бошқа босқичлар: вилоят, округ ва шаҳарларда ҳам мавжуд.

Кўппартияли вакиллик тизимлари

Кўп партияли вакиллик демократияси бошқарувнинг бирор ёки бошқа босқичида сайловчилар сиёсий жараён мобайнида камида икки партиядан сайланганларида юзага келади. Кўп партияли вакиллик демократияси амал қилувчи ва вояга етган аҳолиси турли босқичларда сайлаш ҳуқуқига эга бўлган давлатларга нисбатан адолатли либерал демократия атамаси қўлланилади. Бу категорияга Қўшма Штатлар, Фарбий Европа мамлакатлари, Япония, Австралия ва Янги Зеландия киради. Ҳиндистон каби айрим ривожланаётган мамлакатлар ҳам либерал-демократик тузумга эга.

Бир партияли вакиллик тизимлари

Ғарбда яшовчи кишилар демократия атамасини кўшимча таърифларсиз ишлатар эканлар, одатда, либерал-демократик тузумни назарда тутадилар. Шунга қарамай, собиқ Совет Иттифоқи, Шарқий Европа мамлакатлари, учинчи дунёнинг кўп мамлакатлари (масалан, Хитой) ҳам ягона партия қонунлашганига қарамай ўзларини демократик, деб ҳисоблаганлар (ёки ҳисоблайдилар). Бу мамлакатларда овоз берувчилар турли партиялараро танлаш имконига эга бўлмаганлар, сайловлар ўтказишга қарамай, овоз берилаётган вакиллар туб жой ёки миллий босқичда тайинланганлар. Бундан ташқари, бундай демократия саноат бошқарувига ҳам ҳукумат фаолиятининг соҳаси сифатида тарқатилган.

Четдан кузатувчи учун халқ демократияси муайян антидемократик йўналишга эга ва барча онгли мезонларда бу шундай. Бир партияли вакиллик демократияси асосига қўйилган принциплар маъзида битта партия бутун бир халқ иродасини ифодалай олади, деган ишонч туради. Марксистик нуқтаи назардан либерал демократия шароитида партиялар маълум синфлар манфаатини ҳимоя қилади. Модомики, социализмда антагонистик синфлар йўқ экан, битта партия бутун жамият иродасини ифодалай олади, деб ҳисобланган. Шундай экан, сайловда партиялар эмас, турли номзодлараро танлаш лозим бўлган. Кўпгина бирпартияли демократиялар демократик централизм асосига қурилган бўлиб, бу пирамидасимон таркибда акс этади, унга ҳар қандай босқич кенгашига вакиллар сайлайди, у эса ўз навбатида юқори органга вакил сайлайди. Совет Иттифоқида бундай «совет»ларнинг маҳаллий, қишлоқ, райондан бошлаб, охирида Олий Советга бўйсунувчи бутун бир пирамидаси мавжуд эди. Ҳар бир босқичда аъзолари сайлаб қўйиладиган ижроия кўмиталари мавжуд эди. Алоҳида, аммо ўхшаш тизим коммунистик партиянинг турли босқичларида амал қиларди, партия органлари ва саноатни бошқарувчи вакиллик структуралари орасида зич алоқа бор эди ва бу иқтисодиётни демократлаштиради, деб ҳисобланарди.

Кўшма демократик бошқарув

Кўшма демократик бошқарув (*ёки тўғри демократия*)да қарорлар манфаатдор кишиларнинг барчаси томонидан қабул қилинган. Демократиянинг бу «бошланғич» типи қадимги Грецияда юзага келган. У ерда жамиятнинг озчилик қисмини ташкил этувчи *фуқаролар* сиёсий масалаларни кўриб чиқиш, жиддий қарорлар қабул қилиш учун мунтазам тўпланиб турганлар. Ҳозирги жамиятларда тўғри демократия унчалик роль ўйнамайди, чунки унинг ҳар бир аъзоси сиёсий ҳуқуқларга эга бўлиб, ҳар бир аъзо унга таъсир этувчи сиёсий қарорларни ишлаб чиқишда объектив ишгирок этолмайди. Аммо унинг айрим эле-

ментлари замонавий жамоат қурилмаларида ҳам учраб туради, хусусан, кўпчилик ташкилотлар борки, уларда тўғри демократия амал қилади. Масалан, қарор кўпчиликлари у ёки бу масала ҳақида билдирган фикрига боғлиқ бўлувчи референдумлар ўтказиш унинг шаклларида биридир.

Европанинг айрим мамлакатларида референдумлардан миллий босқичдаги масалаларни ечиш учун мунтазам фойдаланилади. АҚШда ундан штат доирасидаги баҳсли масалаларни ҳал қилиш учун тез-тез фойдаланилади. Янги Англиянинг айрим шаҳарларида ҳам тўғри демократия элементларини учратиш мумкин, хусусан, жамоа аъзолари йиғини бўлиб туради⁴.

Демократиянинг умумий жозибаси ва монархиялар инқирози

Баъзи замонавий давлатлар (Буюк Британия ёки Белгия кабилар) монархия кўринишида бўлса-да, бундай давлатлар сони тобора озаймоқда. Анъанавий монархнинг реал ҳокимияти замонавий жамиятда одатда чегараланган ёки амалда мавжуд эмас. Тўғри, айрим давлатлар (Саудия Арабистони, Иордания)да монархлар ҳукумат устидан муайян назорат олиб борадилар, аммо монархия мавжуд бўлган кўп давлатларда у сиёсий ҳокимиятдан кўра миллий тимсолга яқинроқ. Англия қироличаси, Швеция қироли ва ҳатто Япония императори **конституцион монархлар** бўлиб, уларнинг реал ҳокимлиги сайлаб қўйилувчи вакилларга конституция томонидан бериладиган ҳуқуқлар билан кескин чегараланган. Замонавий давлатларнинг кўпчилиги ўз қурилишига кўра республика бўлиб, конституцион монархияларни ҳам қўшганда, ҳар бир давлатда демократияга ихлосмандлик сезилади.

Сайловлар ҳатто ҳарбий диктатурали давлатларда ҳам, демократик йўналиш таъсаввурини уйғотиш учун ўтказилиши мумкин. Кўпчилик ҳарбий диктаторлар ўзларининг демократик тамойилларга тарафдор эканликларини эълон қиладилар ва уларнинг ҳокимияти барқарорликни таъминлаш воситаси эканлигини, вакиллик демократиясига қайтиш имкони туғилгунгача давом этишини таъкидлаб келадилар. (11-боб: «Уруш ва ҳарбий кучлар»га қаранг).

Нега демократияга интилиш замонавий давлатларнинг умумий хусусияти бўлиб қолди? Қисман жавобни деспотизм ҳокимлигидан қутилишни назарда тутувчи демократик ғояларга азалий хос бўлган жозибадорликдан топиш мумкин. Аммо асосий омил миллий давлатнинг анъанавий маданиятларга нисбатан интеграцияланганлигидир. Замонавий давлатлар унификация қилинган тизим бўлиб, бу хил давлатлар бошқарув вазифасини бажарувчи шахслар аҳолининг кўпчилик қисми фаол қўллаб-қувватлаши билангина фаолият кўрсата оладилар. Демократик

⁴ Mansbridge J. J. Beyond Adversary Democracy. Chicago, 1983.

идеаллар шундай қўллаб-қувватлашни ифодалаш ва таъминлаш усулидир.

Демократик элитизм ва плюрализм назариялари

Эълон қилинган демократик ғоялар доим ҳам реалликка мос келавермайди. Ҳозирги кунда ҳукмрон гуруҳлар томонидан демократик ғояларга ихлосмандликнинг кенг намоиш қилиниш факти бошқарувнинг реал режимлари ҳақиқий қурилиши ҳақида кам маълумот беради. Демократия назарийетчилари ҳозирги жамиятда демократик таъсирнинг салоҳияти ва чегаралари ҳақидаги қарашларида ҳамфикр эмаслар.

Демократик элитизм

Замонавий демократиянинг табиати ва чекланишлари ҳақидаги кенг тарқалган система Макс Вебер, унинг янгича варианты иқтисодчи Йозеф Шумпетер томонидан шакллантирилган.⁵ Улар ишлаб чиққан ғоялар демократик элитизм ғоясига бирлашади.

Макс Вебер назарияси

Вебер тўғри демократия йирик давлатни кундалик бошқаришда нафақат миллионлаб одамлар сиёсий қарор қабул қилиши учун мунтазам йиғила олмаслиги, балки мураккаб ижтимоий қурилмани бошқариш махсус билимни талаб қилишидан келиб чиққан. Вебер фикрича, тўғри демократия бажарувчи вазифалар содда ва аниқ шакллантирилган кичик структураларда амал қилиши мумкин. Мураккаброқ қарорлар қабул қилиш, мураккаб сиёсатни ишлаб чиқиш зарур бўлганда, кичик, тижорат фирмаларига ўхшаш ташкилотларда ҳам махсус билим ва кўникмалар талаб қилади. Экспертлар ўз ишларини доимий асосда олиб боришлари лозим; муайян билим ва кўникмаларни талаб қилувчи мансабларга сайловга талаб этилган кўникма ҳақида суст тасавурда бўлган ва зарур ахборотга эга бўлмаган одамлар қўйилмаслиги керак. Янада юқори босқичлар расмий вакиллари мансаби сайлаб қўйиладиган бўлиши мумкин, бироқ шу билан бирга мамлакатни бошқаришнинг асосий оғирлигини ташувчи амалиётчиларнинг йирик қатлами ҳам бўлиши лозим. Вебер фикрича, умумдемократик жараёнларда қатнашиш ғояси билан зич боғланган оммавий фуқаролик ғоясини амалга ошириш бюрократик аппарат мавжудлиги заруратини анча кўтаради. Масалан, фаровонлик, соғлиқни сақлаш ва таълимни таъминлаш доимий асосда амал қилувчи йирик замонавий маъмурий тизимлар бўлишини талаб қилади. Вебер таъкидлашича, “замонавий давлатлар тўлиғича бюрократияга қарамдир. Давлат

⁵ Schumpeter J. Capitalism, Socialism and Democracy. London 1976ю

қанча йирик бўлса ва қанча кўп куч-қудратга эга бўлса, бу қарамлик шунча яққол бўлади”.⁶

Кўп партияли вакиллик демократияси, Вебер бўйича, жамиятни якка сиёсий лидерлар томонидан қарор қабул қилишда ўзбошимчалиқдан ва бюрократик аппарат тазйиқидан асрайди. Аммо бу икки вазифани амалга оширишда демократик институтлар демократия тарафдорлари кутгандан кўра анча кам натижа бердилар. «Халқ ҳокимияти» жуда чекланган мазмунда бўлиши мумкин. Ҳокимиятга эришиш учун партиялар муайян систематик асосда шаклланган, яъни бюрократлашган бўлиши лозим. Сиёсатни муҳокама қилувчи ва шакллантирувчи органлар сифатидаги парламент ва конгресслар мустақиллигига таҳдид солувчи *партия аппаратлари* шаклланиб бормоқда. Агар кўпчилик овозга эга партиялар ўз аъзоларига қандай қарор қабул қилишни уқтириб борса ва унинг ўзини доимий амалиётчилар бошқарса, бу ҳолда демократиянинг эришган даражаси анча паст бўлади.

Вебер, демократик системалар фаолиятида натижа бўлиши учун иккита шарт бажарилиши лозим, деб ҳисоблайди. Биринчидан, турлича қарашлар ва турли манфаатларни ифодаловчи турли партиялар бўлиши лозим. Агар мусобақалашаётган партиялар сиёсати яқин бўлса, сайловчи самарали танлай олмайди. Вебер бир партияли тузум қайсидир даражада демократик бўлиши мумкин, деган фикрга қўшилмайди. Иккинчидан, жонли мушоҳадага эга ва бюрократия тазйиқига жавоб бера оладиган сиёсий лидерлар зарур. Вебер демократияда *лидерлик* муҳимлигига алоҳида эътибор берган. Айнан шунинг учун унга маъқул система «демократик элитизим» деб аталади. Унинг фикрича, элита ёрдамида бошқариш зарурийдир ва умид қилиш мумкин бўлган энг яхши нарса, элитар тузилмаларининг инсонлар манфаатини натижалли онгли ва ташаббускорона намоён этишидир. Парламент ва конгресс бюрократия таъсирига қарши тура олувчи, аммо хайрихоҳлигини сақлаб қоладиган сиёсий лидерлар этишиб чиқувчи органлардир. Вебер кўппартияли демократияни кенг аҳоли қатламларининг сиёсий жараёнда иштирок этгани учун эмас, балки у таъминлаб бориши мумкин бўлган раҳбарлик сифатига кўра кўпроқ самарали, деб ҳисоблайди.

Йозеф Шумпетер ғоялари

Шумпетер Вебернинг омманинг сиёсий ҳаётидаги қатнашуви чегаралари борасидаги фикрларига тўла қўшилади. Шумпетер фикрича (бунда ҳам қарашлари Веберникидек), демократия кўпчиликка ҳокимиятни таъминлаб берувчи восита сифатида эмас, фаол ҳукуматни яратиш усули сифатида аҳамиятли. Демократия бир сиёсий лидер ёки партияни бошқасига алмаштириш имконидан ортиқ нарса бера олмайди. Демократия,

⁶ Weber M. Economy and Society. An Outline of Interpretive Sociology. Berkeley, 1978.

Шумпетер таъкидлагандек, *халқнинг эмас, сиёсатчиларнинг* ҳукуматидир. Сиёсатчилар, худди жамғарма биржаларида брокерлар акциялар савдогари бўлганидек, «сайловчилар овозининг савдогарлари»дир. Аммо сайловчилар хайрихоҳлигини сақлаб туриш учун сиёсий арбоблар ҳеч бўлмаса, оз миқдорда ўз электоратлари талаб ва манфаатларига мос келишлари лозим. Вебер каби, Шумпетер ҳам сиёсий демократия механизми иқтисодий ҳаётдан ажратилишига ишонади. Рақобат амалда бўлган бозор истеъмолчига танлаш имконини бергандек, рақобатлашаётган партиялар ҳам маълум сиёсий танлов имконини беради.

Плюралистик назариялар

Вебер ва Шумпетер қарашлари замонавий демократияда плюралистик назария тарафдорларига катта таъсир кўрсатди. Демократиянинг плюралистик назариялари америкалик сиёсатшуносларнинг тадқиқотлари асосида яратилди, бироқ уларнинг гоялари ҳақиқатан воқеликка мос келса, жуда кенг қўлланиши мумкин. Плюралистик назария тарафдорлари сиёсий қарорларни қабул қилиш жараёнида айрим фуқаролар ўз таъсирини кўрсата олмайдилар, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, бундай ҳолда ҳокимиятнинг ҳукумат амалдорлари қўлида жамланишига интилиш ҳолати кўп сонли қарашлар гуруҳларининг мавжуд бўлишига тўсқинлик қилади. Турли гуруҳлар ва Франция мақсадлари ўртасида рақобатнинг бўлиши демократиянинг асосий ҳаётий шартларидан бири ҳисобланиб, бунда ҳокимият гуруҳлар ўртасида бўлинади ва қандайдир айрим гуруҳ ёки синфнинг манфаатлари етакчи ўрин эгаллашига йўл қўйилмайди.

Плюралистик назария тарафдорларининг фикрича, демократия шароитида томон манфаати турли гуруҳлар — ишбилармон доиралар вакиллари, касаба уюшмалари, этник гуруҳлар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ташкилотлари, диний ва бошқа гуруҳлар ўртасидаги доимий музокаралар ҳукумат сиёсатига катта таъсир ўтказиши. Демократия таркиби шундай таркибки, бунда ҳар бир сиёсатга таъсир кўрсатувчи, лекин амалдаги бошқарув тизимини ўзига бўйсундира олмайдиган рақобатдош манфаатлар мувозанатини юзага келтиради. Бу нарса сайлов муносабатларида ҳам муҳимдир, чунки етарли даражада кенг қўллаб-қувватлаш ва ҳукуматта кириш учун партиялар турли гуруҳлар манфаатларига эътибор беришлари керак бўлади. Плюралистик назария тарафдорлари Қўшма Штатларни жамиятлар ичида энг демократик жамият, деб ҳисоблайдилар. Турли-туман гуруҳлар манфаати ўртасидаги рақобат нафақат миллат даражасида, балки айрим штатлар ва маҳаллий ҳокимиятлар даражасида ҳам мавжуд бўлади.

Назарияларни танқид қилиш ва баҳолаш

Демократик элитизм ҳақидаги ва плюралистик назариялар жиддий танқидга учради⁷. Кенг демократик саралаш назарияси танқиддан бошлаймиз. Биринчидан, танқидчиларнинг тасдиқлашича, электоратларнинг асосий миқдорини ҳеч қандай исботларсиз бу назариянинг сууст ва маърифатсиз тарафдорлари ташкил этади. Иккинчидан, Вебер ва Шумпетер кўраётган ягона танлаш йўли, саралашни ижобий бошқариш ва беақл бюрократик бошқариш ўртасидаги танлов олиб беради. Бироқ бюрократия ҳар хил бўлади — бюрократиянинг айрим турлари жамоатчилик эҳтиёжлари ва манфаатларига нисбатан бошқаларига қараганда анча очиқ ва талабчан бўлади, лекин махсус билим ва маҳорат талаб қилинадиган жойларда одатда, бюрократик амалдорлар эмас, мутахассислар иш олиб борадилар. Учинчидан, кооператив корхона ва “очиқ” шаклдаги ассоциацияларни ташкил қилиш учун қатор шарт-шароитлар мавжудлиги эҳтимоли борки, булар сиёсий жараёндаги каби, иқтисодий йўналишда ҳам бюрократик анъаналарни заифлаштиришга қодирдир.

Танқидчилар яна шуни таъкидлайдиларки, плюралистик назария тарафдорлари кўрсатган манфаатдор гуруҳлар, турли ҳокимият ва нуфузга эга бўлдилар. Жумладан, бизнестан манфаатдорлар гуруҳлар одатда, ҳукумат сиёсатига бошқа гуруҳларга нисбатан кучли таъсир кўрсатади. Айрим ҳолларда мавжуд манфаатдор гуруҳлар тегишли ишбилармон доиралар нуқтаи назарини тўғридан-тўғри ифодалайди, деб ўйлаш хато бўларди. Одатда, тadbиркорлар сиёсий жараёнлар кечадиган ва қарор қабул қилинадиган умумий схемани яратадилар⁸. Буларнинг барчаси ва бошқа танқидий мулоҳазалар плюралистик назария тарафдорларидан бири бўлган Роберт А. Д Делни ўз қарашларини ўзгартиришга мажбур қилди. Яқинда у иқтисодий демократия дастурлари жорий қилиш зарурияти ҳақида ўзининг қатъий фикрини билдирди. Булар йирик бирлашмалар манфаатининг ҳаддан зиёд таъсир кўрсатишига қарши хизмат қилиши керак бўлади⁹.

Барча келтирилган танқидий мулоҳазалар, шубҳасиз, ўз асосига эга. Лекин демократик элитизм ва плюрализм назариясида қабул қилинган айрим доиралар кучини инкор қилиш мумкин эмас. Тўғридан-тўғри демократия кичикроқ доираларда самарали келиши мумкин, лекин йирик миқёсли уюшмаларни бошқаришни самарали тизимда амалга ошириш мумкин эмас. Бундай жамиятда баъзан референдумлар ўтказиш мумкин, лекин бунга минглаб, ҳатто миллионлаб одамлар жалб қилинар экан,

⁷ Held D. Models of Democracy. Cambridge, 1987.

⁸ Lindom Ch. E. Politics and Markets. New York, 1977; Mintz F. and Schwartz M. The Power Structure of American Business. Chicfgo, 1985.

⁹ Dahl R. A Preface to Economic Democracy. Cambridge, 1985.

ҳар бир саволни узоқ муддат атрофлича ўрганмай туриб, овоз беришни амалга ошириш керак эмас. Ҳозирги даврда жамиятдаги аҳолининг турли гуруҳлари эҳтиёж ва талабларни ўртага қўяр экан, қачонки улар ўз нуқтаи назарларини омма олдида ошқора баён қилсаларгина жамиятга маълум бўлади. Бундай гуруҳлар ўртасидаги рақобат амалда муайян бир “мувозанат” шакллантиришга ёрдам беради: кучли гуруҳлар ўз қарашларини бошқаларга зўрлаб ўтказмайдилар, кучсизлар эса ўз манфаатларини билдириш имкониятига эга бўладилар.

Бундан ташқари, Вебер ва Шумпетер ваколатлар хусусидаги саволни ўртага ташлаганларда ҳам тўла ҳақли эдилар. Сайловчиларнинг катта қисми ҳукумат мунтазам равишда қабул қилиб борадиган қарорларнинг бутун мураккаблигини тушуниб етиш даражасида эмас, шунинг учун расмий шахслар ва сайлов органлари томонидан сайланган аъзолар мавжуд, саволларга жавоб бера оладиган махсус билимларни эгаллаш имкониятига эга бўлишлари керак. Умумий сиёсий жараёни яратувчи шахслар томонидан тазйиқ остига олинган тақдирда ҳам, экспертлар аниқ саволлар юзасидан муайян маълумотга эга бўлганлари сабабли, улар қарор қабул қила олиш ҳуқуқига эгадирлар. Агар экспертлар гуруҳининг фаолияти сайланган вакиллар томонидан кузатиб борилса, улар томонидан ишлаб чиқилган қарорлар аҳолининг жуда кенг доирадаги ижтимоий қатламларининг манфаат ва эҳтиёжларини қамраб олади.

Ўз-ўзидан равшанки, бундай масалаларни фақат мавҳум тарзда кўриб чиқиш мумкин эмас. Реал мавжуд сиёсий тизимлар ҳаракатини тўғри таҳлил қилиш зарур. Биз бундан буён сиёсий партиялар хусусиятига, хотин-қизлар ролини аниқлашга қадар худди шу йўсинда қараб чиқишни бошлаймиз. Бундан ташқари биз, мавжуд сиёсий тизимлар ҳокимиятни бошқараётгани, шунингдек “Тоталитаризм” шароитида сиёсий ҳукумат бошқаруви қандай ҳолга келиши ҳақида тушунча ҳосил қилишга ҳаракат қиламиз.

Сиёсий партиялар ва ғарб мамлакатларидаги овоз беришлар

Сиёсий партияларни сайлов воситаси орқали ҳукумат устидан қонуний назорат ўрнатиш ҳуқуқини олишга имконияти бор ташкилот сифатида белгилаш мумкин. Айрим ҳолларда ҳокимиятни эгаллашга интилаётган, лекин буни қонуний воситалар орқали амалга ошириш имкони бўлмаган сиёсий ташкилотлар ҳам мавжуд. Бундай ташкилотларни улар тан олингунга қадар сиёсий секта ёки ҳаракат сифатида баҳолаш мумкин. Масалан, XIX аср охирида Германияда социал-демократлар Бисмарк томонидан ғайриқонуний, деб эълон қилинган эди. Бу даврда улар уюшган сиёсий ҳаракат сифатида шаклланган, ҳаммага маъқул бўладиган йўлларни қидираётган, кейинроқ партия си-

фатида тан олиниб, XX асрда эса бир неча бор ҳокимият тепа-сига ҳам келдилар.

Кўппартиявий давлатларнинг умумий туркуми орасида тур-ли партиялар тизимлари мавжуд. Иккипартияли ёки кўппартия-ли тизимнинг ташкил топиши муайян бир мамлакатдаги сай-лов жараёнининг характерига кўп жиҳатдан боғлиқ. “Ғолиб ҳамма нарсага эга бўлади” тамойилига асосланган сайловда икки партия сиёсий тизимда устунлик ҳуқуқига интилади. Кўпроқ овоз со-нига эга бўлган номзод, йиғилган овозларнинг умумий сонига нисбатан қанча фоиз овоз олганига қарамай, сайловда ютиб чиқади¹⁰. Бошқа тамойилларга, масалан, пропорционал вакил-ликка асосланган сайловларда эса (вакиллик органларидаги ўринлар сони олинган овозларга нисбатан пропорционал тарз-да ажратилганда) иккипартияли тизим камроқ учрайди.

Ғарбий Европа мамлакатларида партия ташкилотларининг кўплаб турлари бор бўлиб, Буюк Британияда уларнинг ҳаммаси ҳам мавжуд эмас. Айрим партиялар диний асосларга таянади (Белгиядаги Социал-христианлар партияси ёки Католик халқ партияси каби). Айримлари эса ўзига хос миллий ва тил хусу-сиятларини намоён этувчи этник партиялар ҳисобланади (Буюк Британиядаги Шотландия миллий партияси ёки Финландия-даги Швед халқ партияси каби). Шунингдек, қишлоқ аҳолиси манфаатларини ифодаловчи қишлоқ партиялари ҳам кенг тар-қалган (масалан, Швециядаги Марказий партия ёки Швейца-риядаги Халқ партияси), турли-туман экологик масалалар би-лан шуғулланувчи атроф-муҳит партиялари ҳам мавжуд (бунга мисол қилиб Германиядаги Яшиллар партиясини келтириш мум-кин). Турли сиёсий қарашларни ифодаловчи яна кўплаб пар-тияларни санаб ўтиш мумкин¹¹.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин кўпгина Ғарбий Европа мамлакатларида ҳукумат социалистик ва меҳнат партиялари то-монидан шакллантирилди. Бу мамлакатларнинг деярли барча-сида коммунистик партиялар расмий тан олинган бўлиб, улар-нинг айримлари ўта йирик ҳисобланади (масалан, Италия, Франция ва Испанияда). Кўплаб мутаассиб (эскиликка ёпишиб олган) партиялар (Франциядаги Республика партияси ёки Буюк Британиядаги консерватив ва юнионистик партия) бўлиб, улар сўллар ва ўнлар ўртасидаги “оралиқ” ҳолатни эгаллаганлар (масалан, Буюк Британиядаги Социал-демократлар ва либерал демократлар). (“Сўллар” атамаси радикал ва прогрессив сиёсий гуруҳларни ифодалашда фойдаланилади; “ўнлар” атамаси эса нисбатан мутаассиб гуруҳларни ифодалайди.)

¹⁰ Duverger M. Political Parties. New York, 1954.

¹¹ Kesselman M. et al. European Politics in Transition, 1987.

Партиявий тизимлар

Айрим мамлакатларда кўпчилик томонидан тузилган иттифоққа кирган партиялар ёки бирор партиянинг етакчиси, ўз ўзидан мамлакатда юқори расмий лавозимни эгаллаб, премьер-министр (бош вазир) бўлади. Бошқа мамлакатларда эса (масалан, АҚШда) президент асосий ҳукумат органларига партия сайловчиларига боғлиқ бўлмаган ҳолда алоҳида сайланади. Фарбий Европа мамлакатларида сайлов тизими бир-бирига ўхшашмайди ва кўпчилиги Буюк Британиядагига нисбатан мураккаб кўринишга эга. Германияни мисол келтириш мумкин. Бу мамлакатда бундестаг (парламент) аъзолари пропорционал вакиллик ҳамда “голиб ҳамма нарсага эга бўлади” тамойилларига таянган тизим асосида сайланади. Бундестаг аъзоларининг ярми сайлов органларида сайланади, қолган 50 фоиз аъзоси эса муайян регионларда улар учун берилган овозлар фоизига асосан аниқланади. Худди шу тизим Яшиллар партиясининг парламентда ўрин эгаллашига имкон беради. Майда партиялар кўпайиб кетишининг олдини олиш мақсадида 50 фоизлик барьер — партиянинг парламентда ўрин олиши учун керак бўладиган овозларнинг минимал миқдори — йўлга қўйилган. Маҳаллий сайловларда ҳам худди шу тизимдан фойдаланилади.

Буюк Британиядаги сингари икки партияли тизимда парламентарийлар одатда, кўпроқ овоз олиш имконини берадиган «ўртача» позицияларда турадилар ва радикал қарашлардан узоқлашишга ҳаракат қиладилар. Бундай мамлакатларда партиялар мўътадил имидж ҳосил қилишга интиладилар ва баъзан бир-бирларига шунчалик ўхшаб кетадиларки, улардан бирини танлаш қийинлашиб қолади. Умуман олганда, турли-туман манфаатлар ҳар бир партия томонидан тақдим қилиниши мумкин, бироқ сиёсий дастурлар шунчалик юмшатиб шаклантириладики, улар орасидаги тафовут деярли йўқ бўлиб кетади. Кўп партияли тизимлар турли манфаатларни бевосита ва очиқ ифодалаш, турли қарашларни баён қилиш имконини беради, шунингдек, радикал муқобиллар мавжудлигини таъминлайдилар. Бошқа томондан бундай тизимларда бирорта ҳам партия парламентда кўпчиликни ташкил қила олмайди, бу эса кўпинча мавжуд зиддият ва низолар туфайли қарор қабул қилишга имкон бермайдиган коалициялар тузиш заруратини вужудга келтиради. Бундай вазиятда ҳукуматлар ҳокимият тепасида узоқ вақт қола олмайдилар, шунинг учун улар фаолиятининг самардорлиги анча чекланган.

Овоз бериш ва синфлар

Кўпгина Фарбий Европа мамлакатларида асосий сиёсий қарашларни ифодаловчи социалистик, коммунистик, либерал ва консерватив партиялар асосий йирик партиялар ҳисобланади. Овоз бериш якунлари ва синфий бўлиниш ўртасидаги муно-

сабат якқол кўзга ташланади. Либерал партиялар ва сўл оқимдаги партиялар қуйи синфлар орасида кўпроқ овоз олишга интиладилар, бу вақтда ўнг оқимдаги партиялар ўз сайловчиларини аҳолининг бой табақалари орасидан излайдилар.

Кўшма Штатлардаги партия тизими Фарбий Европа мамлакатларидаги тизимлардан тубдан фарқ қилади, чунки АҚШда йирик сўл партиялар мавжуд эмас. Бу ерда Фарбдаги демократияга нисбатан синфий асосдаги овоз бериш камроқ кўзга ташланади. Демократик партиялар аҳолининг қуйи қатламини, республикачилар партияси эса жамиятнинг бойроқ қатламларини ўзига жалб этса ҳам, бу боғлиқлик унча кўзга ташланмайди. Ҳар бир партия ўзининг консерватив қанотига эга. Бироқ партиянинг консерватив ёки либерал аъзолари муайян аниқ бир масала устида ўз қарашлари билан фарқ қилувчи бошқа бирор партия аъзолари билан биргаликда овоз бериши оддий ҳол ҳисобланади.

Европанинг кўпгина йирик партияларига нисбатан Америка партияларида ички партия ташкилотлари кучсиздир. Одатда, Европа партиялари ўз аъзоларининг мунозарали масалалари “партиявий чегара”ларга амал қилинишига эришадилар ва қандай восита билан бўлмасин, мустақкам партиявий бирликни сақлашга ҳаракат қиладилар.

Буюк Британиядаги партиялар ва овоз бериш сиёсати

ХІХ асрга қадар Буюк Британияда партияларга нисбатан қандайдир фавқулудда вазиятларга ёки танглик ҳолатларидан чиқиш мақсадида вақтинчалик тартиб ўрнатувчи ташкилот сифатида қараб келинган. Партияларнинг кучли ташкилот сифатида ривожланиши жараёнида партия етакчиларини қўллаб-қувватлаш маълум бир фойда келтириши мумкинлиги ҳақида тушунча пайдо бўла бошлади. Партияга аъзо бўлиш ёки унга нисбатан холис туриш ҳомийликнинг турли шакллари билан боғлана бошладик, партияга энг содиқ шахслар янги маъмуриятда у ёки бу мансабни эгаллаши кўзда тутилади. ХХ асрнинг асосий даврида Буюк Британия сиёсий саҳнасида икки йирик партия (лейбористлар ва консерваторлар) устунлик қилди, натижада барча аъзо бўлган гоҳ бир, гоҳ бошқа ҳукумат командасини танлаш имконияти пайдо бўлди, *сиёсий рақобат* деб номланган вазият шаклланди. Урушдан кейинги даврда иккала партия ҳам доимий равишда ташқи ва ички тазйиқ остида бўлди. Ташқи тазйиқ ҳақида сўз борар экан, унинг кўринишларидан 3 та мисол келтириш мумкин:

1. *Сайловчиларнинг қўллаб-қувватланишини йўқотиш.* Икки партиявийлик тизими тараққиётининг тарихий чўққиси бўлган 1951 йилда, лейбористлар ва консерваторлар партияси биргаликда умумий сайловларда сайланувчиларнинг 96,8 % овозини олишга эришдилар. 1974 йил октябр сайловларида уларнинг

улуши 75 % га тушиб қолди. 1974 йил февраль сайловлари кейинги 45 йил ичидаги қуйи палатада айрим партияларга кўпчилик овоз олинмаган биринчи сайлов бўлди. Бундан 1980 йил бошида сайлов ислоҳотини талаб қилган Альянс партияси (либераллар ва социал Демократлар иттифоқи) фойдаланиб қолди.

2. *Аъзолардан ажралиш.* 1953 йилдан бошлаб ҳар иккала асосий партияда ҳам аъзолар сонининг камайиши кузатилади. Ҳозирги пайтдаги бу партиялар аъзоларининг аниқ сони ҳақида ишончли маълумотлар эълон қилинмаса-да, уларнинг миқдори унча юқори эмаслиги маълум.

3. *Даромад манбаларидан ажралиш.* Аъзолик бадаллари партиянинг асосий манбаи бўлмаса-да, партияларнинг даромад ҳисоби уларнинг аъзолари каби камайиб кетди. Даромадларнинг тушиб кетишига консерваторлар партиясининг хусусий фирмаларга, лейбористларнинг эса касаба уюшмаларига молиявий қарамлиги сабаб бўлди.

Кейинги 30 йил давомида Буюк Британияда сайлов сиёсати сезиларли даражада ўзгарди. Бу эса қатор сабаблар билан изоҳланади. Биринчи сабаб структуравий характерга эга: бу даврда аҳолининг ишлаб чиқаришнинг анъанавий соҳаларида, асосан қайта ишлов бериш доирасида банд бўлган иқтисодий фаол қисмининг ҳиссаси кескин камайди. Шубҳасиз, бу нарса лейбористлар қувват оладиган доимий манбаларни заифлаштирди. Социал-демократик партиянинг ташкил топишига олиб келган лейбористлар партиясида 1980 йилларда юз берган бўлиниш иккинчи сабаб бўлди. 1988 йилда “марказий” партияларни сайловчилар томонидан қўллаб-қувватлаш анча камайган бўлса-да, Буюк Британия сиёсий майдонига сезилари “ёрдамчи кучлар” чиқди. Учинчи сабаб эса бош вазир лавозимига консерваторлар партиясининг етакчиси М. Тетчернинг уч маротаба кетма-кет сайланганлаги бўлди. М. Тетчер ва унинг ҳукумати томонидан олға сурилган қатъий ислоҳотлар дастури илгариги консерваторлар фалсафасидан сезиларли даражада узоқлашишга таъсир кўрсатди. “Тетчеризм” давлатнинг иқтисодий ҳаётдаги ролини чегаралашда катта қадам бўлди ва бозор механизмининг шахс эркинлиги ва иқтисодий ривожланиш асоси сифатида мустақамланишига асос бўлди.

1970 йилга қадар иккала партия ҳам кўпчилик қисми ё либераллар, ёки консерваторларнинг ашаддий тарафдорлари бўлган сайловчиларнинг барқарор қўллаб-қувватлашидан фойдаландилар. Компанияларнинг боришида турли нуқтаи назарни қўллаб-қувватловчи сайловчилар овозига эга бўлиш эмас, балки маслақдошларни бирлаштириш назарда тутилди. 1974 йилдаги икки сайлов кампанияси сайловчиларнинг анъанавий содиқлиги сезиларли даражада камайганини кўрсатди. Сайловчиларнинг сиёсий майлларини аниқлаш мақсадида ўтказилган

кузатишлар кўрсатишича, ўзини у ёки бу партиянинг “содиқ” ёки ашаддий тарафдорлари деб ҳисобловчи шахслар сони 1970—1986 йиллар оралиғида 80% дан 60% га тушиб қолди.¹² Ҳар бир навбатдаги сайлов вақтида бу фоизлар пасая борган сари, ўз қарорларини сайловни сайловнинг охириги босқичларида қабул қилиш истагини билдирувчи сайловчилар сони ортиб борган. Шу нарса маълум бўлдики, сайлов компаниялари илгаригига қараганда сайлов натижаларига кўпроқ таъсир кўрсатишга интилишлари керак. Эҳтимол, бу ерда телевидение катта роль ўйнагандир, чунки у партиялар ва сиёсий арбобларнинг имижини “сотиш” воситасига айланиб қолди.

Айтиш мумкинки, ҳозирги даврда телевидение сиёсийлаштирилган Британия матбуотига нисбатан ўзига хос восита сифатида хизмат қилмоқда. Йирик газеталар сони ва ҳомийларнинг ўзгариши натижасида бозорда консерватив партияни қўллаб-қувватловчи нашрлар устунлик қила бошлади. 1960 йилларда лейбористлар партиясини ёқловчи газеталар тиражи кундалик нашрлар умумий тиражининг 43% ини ташкил этар эди. Бугунги кунда эса фақатгина “Дейли миррор” лейбористлар тарафида бўлиб, умумий нашрлар тиражининг 22% ини ташкил этади. Сайлов компанияларига телевидениенинг таъсири кучайиши сабабини эса унинг партиялар етакчиларига жиддий эътибор қаратаётганлигида, деган мулоҳазалар мавжуддир. Кўпчилик шунини таъкидлайдики, Британия сайловлари Американинг президент сайлаш компанияларини эслатади. Лекин бу бутунлай бошқа нарсадир: 1979 йилда сайловчиларнинг кўпчилик қисми бош вазир сифатида Тетчерни эмас, Каллаген номзодини кўрсатган, лекин шунга қарамай, консерватив партия ғалаба қозонган эди.

Сайловчилар хатти-ҳаракати: тарафдорларнинг чекиниши

1970 йиллардаги Британия сайловчилари феъл-атворининг асосий хусусияти икки асосий партиядан бирининг *тарафдорлар гуруҳига* айланиши эди. Бу ходиса асосида сайловчилар феъл-атворидаги муҳим фактор хусусияти ҳақидаги фикр ётадики, сайловчилар ўзларини у ёки бу партиёга “тенглаштирган” ижтимоий синфга айланадилар. Бошқача қилиб айтганда, улар ўзларини “консерваторлар” ёки “лейбористлар” деб ҳисоблайдилар. 1960 йилларда Дэвид Батлер ва Дональд Стоукс томонидан олиб борилган тадқиқотлар шунини кўрсатдики, аҳолининг 90% дан кўпроғи ўзини шу тарзда у ёки бу партиёга яқин олади. Кўпчилик ўзи танлаган партиёга “етарли даражада кучли” ёки “жуда кучли” даражада яқин олган¹³.

¹² Crewe L. The campaign of confusion // New Society, 8 May. 1987.

¹³ Buther D. and Stokes D. Political Change in Britain. London, 1974.

Бизнинг давримизга келиб, сайлов жараёнида синфлар ва феъл-атворлар ўртасидаги муносабат аниқлиги бирмунча камайди. Бундан ташқари, бугун сайловчиларнинг кўпчилилик қисми шунчаки сўзсиз қўллаб-қувватловчи сифатида эмас, балки партияларнинг сиёсати ва қарашларига онгли муносабат билдирадilar. Бунда биз тарафдорларнинг чекинишини кузатамиз, яъни улар бирор партияга қатъий яқинлашишдан воз кечадилар.

Тарафдорлар чекинишининг кучайишини нима билан изоҳлаш мумкин? Айвор Крю таъсир кучининг икки хил тури ҳақида гапиради¹⁴. Биринчиси, одамлар ҳаётининг айрим жиҳатлари ривожланиб, синфий фарқлашув тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмай қолади, масалан, улар хусусий уйда яшайдими ёки ижарага турадими, касабан аюшма аъзосими ёки йўқми, энди фарқи йўқ. Касаба уюшмаси аъзолари бу касабан аюшма кимга — “оқ” ёки “кўк ёқалилар” га тегишли эканидан қатъий назар, консерваторларга қараганда лейбористларга нисбатан қатъий хайрихоҳлик билдиришлари маълум бўлиб қолди.

Иккинчи фактор шу билан изоҳланадики, сайловчилар энди бирор партияни афзал кўришга олиб борувчи илгариги сиёсий садоқат туйғусидан анча узоқлашганлар.

Аксинча, одамлар, бугунги эҳтиёж ва манфаатларига мос келадиган партияга овоз беришга ҳаракат қилмоқдалар.

Фараз қилиш мумкинки, 1970 йилларнинг охири ва 1980 йилларда лейбористлар ўз тарафдорларининг анчагина қисми майлларига жавоб бера олмайдиган сиёсий йўналишни таклиф қилди — консерваторларнинг узоқ муддатли бошқаруви шундан келиб чиқди.

1992 йилги сайловлар

1992 йил сайловларида сайловчиларнинг лейбористлар томонига оғиши 2%ни ташкил этса-да, лекин консерваторлар миқдорининг озайишига қарамай, улар парламентдаги умумий кўпчилиكنи сақлаб қолдилар. Ториға овоз берувчи аҳолининг улуши 1979 йилдан (44,9%) 1992 йилгача (42,8%) етарли даражада барқарор сақланиб қолди. Лейбористлар олган овозлар миқдори кейинги йиллардаги энг паст кўрсаткичда бўлди. (1983 йилдаги сайловдан 30% камроқ). 1992 йили улар 35,2% овоз олдилар. Лекин шунга қарамай, бу кўрсаткич партиянинг 1979 йили эришганидан кам. Учинчи партия — Либерал-демократлар — 18,3% овозга эга бўлдилар, бу олдинги икки сайлов натижаларига нисбатан пасайишдир.

Кейинги давра сайловларида олиб борилган тадқиқотлар шунини тасдиқлайдики, ҳар учала партиянинг мустақкам қўллаб-қувватланишига қарамай, овозлар сонининг сезиларли даража-

¹⁴ *Crewe i. The electorate: partisan dealignment ten years on. In: Western European Politics. Vol. 6. 1983.*

да тебраниши кузатилади. 1500 сайловчидан иборат репрезентатив гуруҳда ўтказилган сўров натижаларига кўра, улардан 21%и сайлов компаниясининг охириги ҳафтасида овоз беришади.

Сайловларнинг умумий натижаси тарафдорларнинг чекиниши ҳақидаги тезисни тасдиқлайди; шу билан бирга, бу жараён консерваторлар тарафдорлари учун нисбатан характерли эканини кўрсатади. Шундай экан, лейбористларнинг аҳволи анча мураккаб — 1992 йилда тўртинчи марта яна Тори ғалаба қозонди ва келгусида лейбористлар овоз олишнинг қийинлашган ҳолатини енга оладиларми?

«Тетчеризм»

1980 йилларда Буюк Британия сиёсатининг характерли жиҳатларидан бири Маргарет Тетчер номи билан боғлиқ эди ва «тетчеризм» номи билан машҳур бўлган сиёсий ғояларнинг таъсири кучли бўлди. «Тетчеризм»нинг манбаи нимада? У нимаси билан Буюк Британия аҳолисининг кенг қатламларини ўзига жалб эта олди? Тахмин қилиш мумкинки, Маргарет Тетчер (ҳокимият тепасига 1979 йилда келган эди) ҳукумати билан боғлиқ сиёсат, аслида борига қараганда, жамoa кўзига изчил ва мустаҳкам кўринар эди. Сўзсиз, «тетчеризм» бир қатор аниқ ва равшан ифодаланган йўналишларига эга эди, лекин бу дастур ва ғояларнинг анча мужмал йиғиндиси эди. Уларнинг айримлари прагматик сабабларга кўра қабул қилинди, айримлари юзага чиқди ва кўпчилиги вақт ўтиши билан ўз-ўзидан йўқ бўлди¹⁵.

Маргарет Тетчер кейинчалик «тетчеризм» деб ном олган сиёсий тўлқин воситасида мутлақо бош министр ва консерваторлар партиясининг етакчиси бўлгани йўқ. Аслида дастлаб уни ҳеч ким консерваторлар партиясининг лидери Эдвард Хитнинг ўрнига келиши мумкин бўлган номзод, деб баҳоламаган эди. Лекин 70-йилларнинг охирида, у Хитга қарама-қарши туришга тайёрланаётган пайтда, консерваторлар партиясининг сайловларда икки марта кетма-кет мағлубиятга учраган ва парламентнинг кўпчилик аъзолари партия раҳбарини ўзгартириш кераклигини ёқлаб чиққан эдилар. Ўша пайтда Кейт Жозеф томонидан бошланган партиясининг умумий концепциясини қайта кўриб чиқиш жараёнида М. Тетчер фаол иштирок этишига қарамай, унинг ғалабаси консерваторлар фалсафасидаги кескин мафкуравий бурилишнинг бошланиши бўлади деб ўйламаган эди. Партия етакчиси бўлиб олгандан сўнг, у Жозеф томонидан қўйилган ғояларни иқтисодчи Милтон Фридман қарашлари билан бирлаштирди ва худди шу нарса янги сиёсий йўналишга асос солди.

Консерватив партиясининг 1979 йилдаги Манифестининг кўп

¹⁵ Riddell P. The Thatcher Government. Oxford, 1985; Kavanagh D. A. Thatcherism and Politics. Oxford, 1987.

қисми илгари Хит томонидан олдга сурилган ғояларни ифода-ларди, шу билан бирга мамлакатдаги иқтисодий инқирозни тўхтатишга ваъда бериш ва давлат ҳокимиятини бир қадар чек-лаш йўли билан ҳар бир шахс эркинлигини кескин оширишга ваъда берилганди. Кўпгина сиёсий шарҳловчилар консерватор-ларнинг 1974 йилдаги умумий сайловлардаги ғалабасини лей-бористлар партиясининг янги сиёсий қарашларининг касаба уюшмаларига таъсиридан сақлаш учун қаттиқ назорат ўтказиш-га қодир бўла олмаганлиги билан изоҳлайдилар. Бош министр Тетчер ҳокимиятининг биринчи давридаги сиёсати «монета-ризм» билан мустаҳкамланган эди. Бу даврда пул воситаларини назорат қилиш инфляциянинг қисқариш калити ҳисобланар ва иқтисодни амалий бошқаришни таъминлайди, деб қаралган эди. Лекин маълум бўлдики, амалда пул маблағлари устидан тўла давлат назорати учун кейинчалик монетаризм сиёсатидан асосан воз кечилди. Шунингдек, давлат харажатларини камай-тириш биринчи даражали мажбурият қилиб қўйилди, лекин Тетчер ҳокимиятининг биринчи даврида у мунтазам ортиб бор-ди.

1983 йилдаги сайловларда консерваторлар ғалабаси «тетче-ризм» сиёсатининг иқтисодий йўналишини амалга ошириш учун туртки бўлдики, бу нарса давлат компанияларини хусусийлаш-тиришнинг бошланишига хизмат қилди. «British Telecom», «British Gas», «British Airways» ва «British Petroleum» каби йи-рик компаниялар акцияларининг сотилишини кенг қўллаб-қув-ватладилар. Шунингдек, биноларининг сотилиши ҳам сайлов-чилар томонидан маъқулланди. Таълим соҳасида узоқни кўзла-ган ўзгаришлар режалаштирилди ва маҳаллий ҳокимият орган-ларидаги сарф-харажатлар қисқартирилди, жуда ишончли бўлма-са ҳам, бу одимлар жуда оммавийлашиб кетди.

Хусусийлаштириш тарафдорлари унинг қатор афзалликла-рини даъво қилиб чиқдилар. У кўпол ва самарасиз давлат бю-рократияси (тўрачилиги) ўрнига соғлом иқтисодий рақобатни юзага келтиради; давлат харажатларини қисқартиради ва иқти-содий қарорларни амалга оширишдаги сиёсий аралашувни тўхта-тади. Тетчер томонидан бошлаб берилган хусусийлаштириш сиёсати яшовчанлигини кўрсатди. Лейбористлар партияси, бо-шида кучли қаршилик кўрсатган бўлса ҳам, ўзининг мурасасиз позициясидан воз кечди ва хусусийлаштиришни орқага қайта-риб бўлмаглигини тан олдилар.

«Леди (хоним) йўлидан қайтмайди!» — деб мурожаат қил-ган эди Маргарет Тетчер ўзининг машҳур чиқишларидан бири-да. Дарҳақиқат, «тетчеризм»нинг асосий кучли жиҳатларидан бири ҳам Миссис Тетчер хонимнинг шахсидир. Кўпгина сай-ловчилар қарашларини фарқламаса ҳам, унинг миллат лидери сифати, айниқса, фолкленд инқирози даврида чекинишдан бош тортган вақтда яққол кўзга ташланди ва унинг сиёсати билан келишолмаган ўз кабинетни аъзоларининг ҳукуматдан ке-

тишига бирма-бир эришганидан кейин бу хонимнинг ҳоқими-ятдаги устунлиги янада кучайди.

«Тетчеризм» сиёсатиға муносабат даражаси вақт ўтиши билан ўзгарди. Унинг биринчи ғалабаси Каллаген ҳукуматиға қарши овоз бериш натижасида намоён бўлди. 1980-йиллар бошида мамлакатда Тетчер сиёсати билан оммавий келишмовчиликлар тез-тез кўрина бошлади, норозилик маршлари ва ишсизликка қарши намойишлар ўтказила бошлади. Бу даврда консерватив партиянинг мавқеи деярли тушиб кетди, лекин ҳукумат фолкленд инқирози даврида ўз кучи ва қатъийлигини намойиш қила олди, худди шу нарса жамоат томонидан ёқланди, консерваторлар яна аҳолининг қўллаб-қувватлашиға сазовор бўлишди ва 1983 йилдаги сайловларда ғалаба қозинишнинг асосий сабабларидан бири ҳам шу бўлди. 1984 йилда кончиларнинг ишсиз қолиш хавфи кучайди, лекин иш ташлаш ҳаракати муваффақият қозонмади, шу сабабли ҳукумат бу вазиятдан илгарига қараганда осон чиқиб кетди.

Умуман олганда, Тетчер ҳукуматининг аҳоли ўртасида кенг шуҳрат ёйгани ва қўллаб-қувватланганлигиға шак-шубҳа йўқ. Бу хайрихоҳлик ҳатто илгари лейбористлар тарафдори бўлган қатламларға ҳам кириб борди. Стюарт Холлнинг таъкидлашича Маргарет Тетчер авторитар популизмнинг қандайдир бир кўри-нишини яратдики, бу унинг халқ фикриға мурожаати ифодаси-да намоён бўлди¹⁶. Унинг давлат коллективизмиға қарши чи-қишлари, шунингдек, ўзаро ёрдам ва хусусий ташаббусларни фаол қўллаб-қувватлаши кўпчилик дилидагиға мос эди. Унинг сиёсати оммалашуви худди шу нарсада кўринар эди. Шунинг-дек, касаба уюшмаларини тартибға келтиришдаги унинг «тахир иқтисодий дориси», ҳукуматнинг «қонун ва тартиб» ғоясиға нисбатан қаттиқ содиқлиги каби ҳаракатлари унинг обрўси-нинг ошишиға таъсир кўрсатди. Бу нарса сохта обрўға оммавий тус берган эди.

1987 йилги сайловлардаги аниқ ғалабасиға қарамай, Тетчер ҳукуматининг сайловчилар орасидаги обрўси кескин пасайиб кетди. Бунинг асосий сабаблари жон бошиға олинадиган солиқ-ларнинг ортиқчаллиги, унинг Буюк Британиянинг Европа ҳам-жамиятидаги роллиға баҳо беришдаги муросасиз нуқтаи назари ва иқтисодий таназзул даврининг бошланиши эди. Унинг ҳуку-матиға қарши норозилик шу даражаға етдики, Майкл Хезел-тайн 1990 йилнинг ноябрида унга қарши рақиб сифатида ўз номзодини кўрсатганида, унинг тўлиқ ғалабаси учун овозлар-нинг арзимаган миқдори етмай қолган эди. Бу вазиятда эски маслақдошлар Тетчерға бундан буёғиға курашда қатнашмас-ликни маслаҳат бердилар, оқибатда, сиёсий аренада консерва-торлар лидери ва бош министр вазифасини эгаллаган Жон Мей-жор пайдо бўлди¹⁷.

¹⁶ Hall S. and M. Jacques (eds). The Politics of Thatcherism. London, 1983.

¹⁷ Kingdom J. Government and Politics in Britain. Cambridge, 1991.

Партиялар сиёсати: XX аср охирида стереотиплар емирилмоқдами?

Маргарет Тетчер узоқ йиллар давомида ҳукуматни бошқаришига қарамай, ҳеч қачон аҳолининг мутлақ кўпчилиги томонидан қўлланмаган. Буюк Британия ва Фарбнинг бошқа мамлакатларининг ҳозирги шароитида амалдаги сиёсий партияларга ишонч-сизлик ва ихлос қайтиши кузатилади, натижада уларни қўллаб-қувватлаш ҳам камайди. Бу шундай даврга тўғри келадики (70-йиллар бошидан бошлаб то шу кунгача), ижтимоий ҳуқуқларнинг доимий равишда кенгайиб бориши ақс таъсир кўрсатди. Буюк Британиядаги Маргарет Тетчер бошқарган ёки Фарбий Европадаги Гельмут Коль бошқарган «ўнг» йўналишдаги партиялар Рональд Рейган ҳукумати билан ҳамкорликда ижтимоий эҳтиёжлар харажати қисқартиришга ҳаракат қилдилар¹⁸. Ҳаттоки ҳокимият тепасига социалистик партиялар келган мамлакатларда ҳам, масалан, Францияда президент Миттеран даврида, 1981 йилдан 1986 йилгача, ижтимоий харажатлар учун ажратилган пул маблағларини қисқартириш кузатилади. Бунинг сабабларидан бири — 70-йилларда бошланган умумиқтисодий инқироз натижасида ҳукумат даромадларининг қисқариши эди. Бу даврда давлат ижтимоий дастурлари самарадорлигига ишонч-сизлик жиддий равишда кучайди, бу ишончсизлик нафақат ҳукумат аъзоларини, балки фуқароларнинг ҳам бўлиниб кетишига сабаб бўлди. Бундай қарашлар партияларни қўллаб-қувватлаш характерининг ўзгаришига бевосита таъсир кўрсатади.

Давлатнинг зўриқиши ва легитимлик инқироzi ҳақида назариялар

Сиёсий вазиятнинг ўзгариши натижасида икки қарама-қарши назария пайдо бўлди. Улардан бири — давлатнинг зўриқиши ҳақидаги назариядир¹⁹. Бу назарияга асосан давлат ишлаб чиқариш, маиший хизмат ва транспорт, шунингдек ижтимоий таъминот ва бошқа соҳаларни бошқаришни ўз зиммасига олар экан, бу ҳолат давлатнинг молиялаш ва назорат қилиш имкониятининг ортиб кетишига сабаб бўлди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин сиёсий партиялар сайловчиларнинг қўллаб-қувватлашига эришиш мақсадида уларга турли имтиёз ва нафақалар беришни кўпайтириш ҳақида янги-янги ваъдалар бераверди, сайловдан кейин эса маълум бўлдики, улар ўз ваъдаларини бажариш имкониятига эга эмас экан, чунки давлат харажатлари шу даражада ортиб кетдики, ҳукуматнинг фаолиятини таъминлайдиган солиқлардан олинадиган даромад уни қоплай олмай қолди. Йирик давлат тизимлари фақат ўз-ўзига хизмат қила бошлади. Бундан ташқари, уларни бошқариш қийинлашди ва

¹⁸ Krieger J. Reagan, Thatcher and the Politics of Decline. Cambridge, 1986.

¹⁹ Brittan S. The economic contradictions of democracy // British Journal Science, 15.-1975.

қайсидир мақсадда ташкил этилган талабларга жавоб бермай қўйди²⁰.

Бунинг натижаси ўлароқ, сайловчилар ҳукумат ва сиёсий партияларнинг мурожаатларига тобора ишончсизлик билан муносабат билдира бошладилар. АҚШдаги сўл оқим партиялар, шунингдек, демократик партия ҳам, ишчилар синфи томонидан кўрсатиладиган доимий қўллаб-қувватлашдан маълум даражада маҳрум бўлдилар, шу нарса аниқ бўлиб қолдики, бу гуруҳлар фойдаланадиган манфаатларга нисбатан давлат маблағларининг ажратилиши издан чиқиб кетган эди. «Янги сўллар» сиёсий оқимининг пайдо бўлиши бундай вазиятдан давлат харажатларини чегаралаш ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали чиқишга ҳаракат билан изоҳланади.

Бунинг зидди бўлган ва легитимлик инқирози, деб номланган назария немис социологи Ю.Хабермас ва унинг издошлари томонидан ишлаб чиқилди.²¹ Бу назариянинг асосида ҳозирги ҳукуматлар ўзларига юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган маблағларни олишда қийинчиликларга дуч келади, деган фикр ётади. Иқтисодий барқарорликни қўллаб-қувватлаш учун давлатнинг иқтисодий ҳаёт ва ижтимоий таъминотга аралашуви зарур бўлади, чунки жамият хусусий капиталистик ишлаб чиқариш таклиф қилаётган товарлар ва хизматларга боғлиқ бўлган жойда иқтисодий ҳаёт ўзгарувчанлик ва ноаниқлик тамойилига мубтало бўлади. Ҳукуматлар фойдалилик даражаси етарли бўлмагани учун хусусий компаниялар молиялаштиришни истамаётган хизматларнинг кўп турларини таъминлашга мажбур бўладилар. Давлат ўз зиммасига борган сари кўпроқ мажбуриятларни олишига тўғри келаётган бир пайтда, ҳукуматнинг бу мажбуриятларни амалга ошириш учун зарур бўлган маблағларни олиши борган сари қийинлашади, чунки солиқлар хусусий шахслар ва ишбилармон тузилмалардан олинади, улар эса бунга қаршилик кўрсатади. Ҳукуматлар мана шу қарама-қарши талабларга мос реакция қила олмайдилар. Босим йилдан йилга кўпайиб боради, чунки ҳукуматлар ўз зиммасига олишга мажбур бўлаётган вазифалар кўлами муттасил кенгайиб боради. Партияларнинг, айниқса, давлатнинг родини оширишни талаб қилаётган партияларнинг ўз ваъдаларини бажариш имкониятлари анча камаяди. Айнан мана шу ҳол уларнинг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланиши қисман камайишига ва сиёсатчилар имкониятларидан умумий кўнгил қолишига, яъни «легитимлик инқирозига» олиб келади. Унлар сиёсий курсининг янги шакллари аҳолининг юқори даромадли гуруҳлари томонидан солиқларнинг баландлигига қарши ҳаракат натижасида майдонга келди.

²⁰ Etzioni-Halevy E. Bureaucracy: A Political Dilemma. London 1983.

²¹ Habermas J. Legitimation Crisis. Cambridge, 1976; Offe C. Contradictions of the Welfare State. Cambridge, 1984; Offe C. Disorganized Capitalism. Cambridge, 1985.

Назарияни баҳолаш

Кўриб ўтганимиз икки назария ҳам умумий низомдан келиб чиқади. Ҳукумат обрўси уларни қўлловчи фирқа шакллари уларга нисбатан норозиликнинг ўсиб бориши билан парчаланиб кетди, деб уқтиради назария. Иккала назария ҳам ҳукумат ўз дастурларида таъсир ўтказишга ваъда берган ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги айрим соҳаларни бошқаришдан ожизлик қилиб қолаётганларидан келиб чиқади. Аммо юзга келган вазиятни тузатиш учун амалий таклифларга келганда, улар орасидаги фарқ кўзга ташланади. «Давлатнинг зўриқиши» назарияси давлат чиқимлари даражасини камайтириш тез орада ўз мевасини бериши мумкин, деган ғояни илгари суради. Муқобил назариянинг фикри эса аксинча, бундай уринишлар ҳолатнинг ёмонлашувига, ижтимоий зиддиятларнинг кескинлашувига олиб келади, чунки давлат соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, шаҳарларнинг емирилаётган инфраструктурасини таъминлаш учун етарли маблағга эга бўлмайди.

«Зўриқиш» назарияси унчалик оммалашмаганлигининг сабаби, унда маблағ билан таъминлаш ва тақсимлаш борасида давлат ва хусусий тузилмалар ўртасида қатор зўравонлик ҳолатларининг борлигидир. Хабермас айнан мана шу муаммоларни изчил таҳлил қилади. Хизматлар учун кўпроқ ҳақ тўлайдиган аҳоли қатламлари, одатда, бадавлат кишилар, бундай хизматларни оз миқдорда олаяпмиз, деб ўйлашади. Шунинг учун кўп мамлакатларда соғлиқни сақлаш эҳтиёжлари қай даражада солиқлар ҳисобига молиялаштирилиши ва давлат томонидан таъминланиши, қай даражада бундай хизматга эҳтиёж сезаётганлар томонидан қопланиши зарурлиги тўғрисида доимо мунозаралар олиб борилади. Мана шу масалалар ҳозирги кўпчилик ижтимоий низоларнинг сабаби ҳисобланади.

Аёлларнинг сиёсатдаги иштироки

Овоз бериш шакллари ва сиёсий қарашлар

Аёллар учун овоз бериш ҳуқуқи алоҳида аҳамиятга эга, чунки бу ҳуқуқни улар узоқ курашлар эвазига қўлга киритганлар. Аёллар ҳаракатининг илк қатнашчилари сайлаш ҳуқуқининг қўлга киритилишини сиёсий озодликнинг рамзи ва иқтисодий-ижтимоий тенгликка эришиш воситаси деб ҳисоблаганлар. Аёлларнинг овоз бериш ҳуқуқини қўлга киритиш учун фаол курашлари Буюк Британия ва Қўшма Штатларда бошқа ерларга қараганда жиддий қаршиликка учради. Аёллар ҳаракатининг раҳбарлари ўз мақсадларига эришиш йўлида оғир синовлардан ўтдилар. Ҳозир ҳам, Саудия Арабистони аёллари овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум этилган ягона давлат ҳисобланса-да, баъзи мамлакатларда аёллар эркаклар билан бир хил овоз бериш ҳуқуқига эга эмаслар. Хўш, бу оғир курашлар

овоз ҳуқуқини қўлга киритишда кутилган натижаларни берди-ми?

Агар қисқача жавоб берсак, йўқ. Аёллар овоз бериш ҳуқуқини анча илгари қўлга киритган Фарбнинг кўпгина мамлакатларида овоз бераётган аёллар сони эркакларникидан анча оз. 1929 йил Буюк Британияда ўтказилган биринчи умумиллий сайловда аёллар илк бор овоз беришга қўйилган эди, шунда овоз берган эркаклар учдан икки қисми ташкил этгани ҳолда фақатгина учдан бир қисм аёллар ўз имкониятларидан фойдаландилар. Шунга ўхшаш ҳолатлар АҚШда ҳам рўй берди²². Ҳозир ҳам аёллар эркакларга қараганда сайловларда камроқ иштирок этади, баъзи давлатларда эса бундай фарқ умуман йўқолиб кетган. АҚШдаги президент сайловларида иштирок этган аёллар сони эркакларга қараганда 3-6% оз бўлади. 1970 йилдан бошлаб Буюк Британиядаги парламент сайловларида аёллар ва эркаклар ўртасидаги фарқ 4% дан ошмади. Бундай фарқ Швеция, Фарбий Германия, Канадада умуман йўқ, Италия, Финляндия ва Японияда эса овоз беришда иштирок этаётган аёллар сони эркакларникидан анча юқори.

Ушбу маълумотлар шуни кўрсатадики, овоз бериш ҳуқуқи жинслар ўртасидаги тенгликка монелик қилмайди, балки бу нотенгликни чуқур ижтимоий фарқлардан, яъни аёллар фаолиятини фақат уй ва оила ишлари билан чегаралаб қўйилганлигидан изламоқ лозим. Жинслар ўртасидаги ижтимоий фарқларнинг камайиб бориши, уларнинг сиёсий фаоллиги ошишида кучли сезиломқда. Ижтимоий ҳаётда ва ҳокимият тузилмаларида турли лавозимларни эгаллаётган, сайловларда иштирок этаётган аёллар сони кун сайин ўсиб бормоқда.

Сиёсий ҳаётдаги аёллар ва эркаклар ўртасидаги муносабат қандай? Кўпгина суфражисткалар (аёлларнинг сайлов ҳуқуқи учун илк курашчилар) аёлларнинг сиёсатдаги иштироки сиёсий ҳаётга радикал ўзгаришлар олиб киради деб ҳисоблайдилар. Аёлларга овоз бериш ҳуқуқининг берилишига қаршиларнинг фикри эса аксинча, яъни аёллар сиёсий фаоллигининг ортиши тез орада ҳалокатли оқибатларга олиб келишини уқтирадилар. Буюк Британиядаги аёлларнинг сайлов ҳуқуқига қарши бўлган таниқли сиёсатчилардан бири шундай огоҳлантирган эди: «Аёлларнинг бундай кенг қўламдаги инқилоби, Англияни муқаррар ҳалокатга олиб келади». Умумий фикрлар қуйидагича, аёлларнинг сиёсатдаги иштироки сиёсий ҳаётни одатий ҳолга айлантирса-да, бари бир оиланинг турғунлигига путур етади.

Бундай хавфсирашларнинг ҳеч бири ўзини оқламади. Аёлларнинг овоз бериш ҳуқуқини олганлиги сиёсатга ҳеч қандай муҳим ўзгаришлар олиб киргани йўқ. Аёллар ва эркаклар овоз беришида яққол фарқлар кўзга ташланса-да, яхлит олганда, овоз беришда аёллар эркакларга нисбатан консервативдирлар,

²² *Baxter S. and M. Lansing. Women and Politics: The Visible Majority. Ann Arbor, 1983.*

айниқса, ўнг қанот партияларига берилган аёл сайловчиларининг овозлари бўйича фикр юритсак, бу янада ойдинлашади. Бу эътирофлар Франция, Ғарбий Германия, Италия учун тўғри, Буюк Британия, АҚШда эса вазият бирмунча бирёқлама. Буюк Британиядаги лейбористлар партияси учун ёш эркекларга қараганда аксарият ёш аёллар, катта ёшдаги аёллар эса консерваторларга кўпроқ овоз берадилар. Кўшма Штатлардаги консерватив йўналиш ҳаракатдаги икки асосий партия ҳақидаги қарашларни ифодаламайди, чунки республикачилар ва демократлар ўртасидаги фарқларни тўғридан тўғри сиёсий қарашлардаги муҳолиф «ўнғлар» ва «сўллар» сифатида баҳолаш хато бўлур эди. Сўнгги сайловларда демократлар учун аёллар эркекларга қараганда кўпроқ овоз бердилар, уларнинг аксарият қисми ёш аёллар эди.

Аёлларнинг сиёсатга таъсирини фақатгина сайлов ҳуқуқи нуқтаи назари билан баҳолаш нотўғри. Сўнгги йиллар ва ўнйилликлар давомида аёллар ҳаракати сиёсий ҳаётга ўз таъсирини ўтказмоқда. 1960 йиллар бошидан аёлларнинг Миллий ташкилоти ва бошқа аёллар ҳаракатлари бевосита иштирок этишлари борасида анчагина ишларни амалга оширди. Улар қуйидаги йўналишлар бўйича иш олиб бордилар: эркеклар билан тенг меҳнат қилиш ҳуқуқини қўлга киритиш, абортни қонунийлаштириш, оила ва ажралиш ҳақидаги қонунларга ўзгаришлар киритиш. Европа мамлакатларининг кўпчилигида бундай миллий аёллар ташкилоти йўқ эди, лекин феминизмнинг «иккинчи тўлқини» 1960 йиллардан бошланиб, то шу кунларгача давом этаётган худди мана шу муаммоларни Европа сиёсий ҳаётининг марказига олиб чиқди. Жуда кўп масалалар, хусусан аборт ҳақидаги фикрлар аёллар ва эркеклар орасида қаттиқ баҳсларга сабаб бўлди.

1967 йилги аборт тўғрисидаги қонуннинг, шунингдек аёлларни ишга ёллашда сексуал таъмағирликка йўл қўймаслик тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилинишида Буюк Британиядаги аёллар ташкилотининг роли катта бўлди. Улар қонунларга турли ўзгаришлар киритилишига ҳам муваффақ бўлдилар. Масалан, «Никоҳ маросими ва маиший зўравонлик ҳақидаги қонун»га 1976 йили маиший зўравонлик қурбонларини ҳимоя қилиш ҳақида низом киритилди. 1992 йили ўтказилган миллий сўровлар эркеклар томонидан аҳамиятсиз ҳисобланган, аёллар учун эса муҳим аҳамиятга эга бўлган бошқа муаммоларни ҳам ҳал қилиб берди. Улар қаторига мактабгача болалар муассасалари тизимини яратиш сиёсати ва болалар нафақаси²³ ҳақидаги сиёсатлар киради. Келажакда вазият қандай ривожланишидан қатъий назар, ҳозир шу нарса аниқки, аёлларга тааллуқли жуда кўп муаммолар аста-секин ўз ечимини топмоқда.

²³ Kellner P. Does sex matter in the Polling booth // Independent, 18 March. 1991.

Сиёсий ташкилотлардаги аёллар

Аёллар ҳеч қачон сиёсий ҳокимиятдан тўла четлатилмаганлар. Ўтмишда ҳам (Клеопатрадан бошлаб) ҳокимият тепасида турган ва қўл остига катта ҳокимиятни бирлаштирган аёллар кўп бўлган. Улар қонуний ҳукмдор саналмасалар ҳам, подшоҳлар, президентлар, Бош Вазирларнинг рафиқалари ёки машуқалари сифатида улкан қонуний ҳокимиятга эга бўлганлар. Мисол тариқасида, Франция қироли Людовик XIVнинг маҳбубаси, давлат аҳамиятига молик муҳим масалаларни ҳал қила олган Помпадур хонимни айтиш мумкин. XX асрда ҳам кўп аёллар ҳокимият тепасига келдилар. Масалан, Исроилда Голда Мейер, Ҳиндистонда Индира Ганди, Буюк Британияда Маргарет Тетчер.

Шунга қарамай, умуман олганда аёллар ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари каби сиёсий арбоб сифатида ҳам озчиликни ташкил этадилар. 1983 йилги сайловлардан сўнг Буюк Британия парламентларида аёллар сони 19 та эди, бу барча палата аъзоларининг 3%ига тўғри келади. Аввалги парламентда уларнинг сони 27 та бўлиб, умумий ҳисобнинг 4,5%ига тўғри келган, 1980 йили Қўшма Штатларда ўтказилган миллий сайловлардан кейин конгресслар палатасида 19 аёл бўлиб, бу конгрессменлар²⁴ умумий сонининг 4%ига тўғри келади. Мана шу кўрсаткич 1970 йилларнинг бошларигача ўзгаришсиз қолди. 1981 йил АҚШ сенатида фақатгина икки нафар аёл бўлган ва бу сенаторлар умумий сонининг 2%ига тенг эди. Олдинги чақриқлардаги сенат таркибида аёллар умуман бўлмаган. Бутун тарих давомида Америка конгрессида фақат 13 аёл бўлган. Бошқа мамлакатларнинг қонун чиқарувчи органларида аёллар бундан кўпроқ иштирок этган. 1981 йилда ғарбий Германия бундестаги аъзоларининг 8,5%ини аёллар ташкил этган, Швецияда парламент аъзоларининг 28%ини, Финляндияда — 26% ва Норвегияда — 24% аъзолар аёллардан ташкил топган эди.

Аёлларнинг маҳаллий ҳокимият органларидаги иштироки умуммиллий даражадагидан юқорироқ. 1981 йилда Буюк Британиядаги маҳаллий ҳокимият органлари аъзоларининг 16%и аёллар эди. Бошқа кўпчилик мамлакатларда аёллар маҳаллий органларда миллий органларга қараганда кўпроқ иштирок этади, Скандинавия мамлакатлари бундан истисно. 1983 йилда АҚШ давлат органлари аъзоларининг 9,8%ини аёллар ташкил қилар эди. Аёлларнинг ҳукумат тузилмаларидаги иштироки уларнинг бошқа кўп ижтимоий соҳалардаги аҳволини ҳам акс эттиради: ҳокимиятнинг ўрта эшолонларида аёлларни у ердаги эркакларга мутлақо мутаносиб бўлмаган нисбатларда бўлса ҳам учратиш мумкин, лекин юқори эшолонларда аёллар бармоқ билан санарли.

²⁴ *Randall V. Woman and Politics. London, 1982.*

Партия ташкилотларида ҳам худди шундай манзарани кузатиш мумкин. Буюк Британияда лейбористлар партиясининг 1980 йилдаги йиллик конференциясида делегатларнинг 11%ини аёллар ташкил этди, консерваторлар партиясидо эса бу рақам 38%га тенг эди. Қўшма штатларда демократик ва республикачилар партиядари делегатларининг тахминан 1/3 қисмини аёллар ташкил қилар эди. Бироқ партия иерархиясининг юқорисига кўтарилган сари аёллар борган сари камроқ учрайди. Картер маъмуриятидаги 11 кабинет аъзоларидан 2 таси аёллар эди. 1980 йилдаги сайловлардан кейин Президент Рейган тузган кабинетда 1та ҳам аёл йўқ эди. Швеция, Финляндия, Норвегия ҳукумати таркибига анчадан бери аёллар кирган бўлса ҳам, улар озчиликдир. Масалан, 1980 йилдаги Швеция янги ҳукуматининг 20 аъзосидан 5 нафари аёллардан иборат эди.

Ажабланоарлиси, аёлларнинг юқори органларга сайловда кам иштирок этиши эмас, балки мана шу ҳолатнинг жуда секинлик билан ўзгараётганлигидадир. Савдо соҳасида ҳали ҳам эркаклар ҳокимликни қўлдан бермаётган бўлсалар-да, аёллар ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ бу соҳани забт этмоқдалар. Лекин сиёсат борасида бундай деёлмаймиз, бўлмаса ҳамма сиёсий партиялар аёл ва эркак вакилларига тенг имконият яратиб бермоқда. Аёлларнинг иқтисод соҳасида илгарилашига тўсқинлик қилаётган факторлар, сиёсатда ҳам таъсирини кўрсатмоқда. Сиёсий ташкилотларда юқори чўққини эгаллаш учун аёллар кўпроқ меҳнат қилишлари, вақт сарфлашлари лозим, уй юмушлари билан доимий банд бўлган аёллар эса бунга имкон тополмайди. Аммо бунинг сабаби бошқача бўлиши ҳам мумкин. Яъни, айнан сиёсий майдондагина мутлақ ҳокимиятга эришиш мумкин. Худди мана шунинг учун ҳам эркаклар бу соҳадаги ўзларининг эгаллаб турган мансаблари, ҳукмронлигидан ажралишни истамайдилар.

Институтлаштирилмаган сиёсий ҳаракатлар

Сиёсий ҳаёт сиёсий партиянинг овоз бериш, давлат органларига вакиллар юборишда фақатгина қонун доирасидаги фаолиятларидан иборат эмас. Баъзи одамлар агар сиёсий партиялар муайян система, қонун-қоидалардан четга чиқмаган ҳолда ҳаракат қилсалар, ўз мақсадларига эришолмайдилар деб ҳисоблайдилар. Ноортодоксал сиёсий ҳаракатнинг фожиали мисоли сифатида мавжуд тузумни оммавий зўравонлик ҳаракатлари билан кўпориб ташловчи инқилобни келтириш мумкин. Инқилоб муаммоси махсус бобда (қаранг: 19-боб, «Инқилоб ва ижтимоий ҳаракатлар») батафсил фикр юритилганлиги туфайли биз фақат ноқонуний сиёсий ҳаракатларнинг табиати ва кўламига тўхталамиз.

Бундай ҳаракатларнинг энг кўп тарқалган тури норозилик ҳаракати ҳисобланади, у кўпинча жамиятнинг камбағаллашган

ва қашшоқ қатлами томонидан содир этилади. Ҳозирги кунда ғарб давлатларида озми-кўпми исталган сиёсий ассоциациялар тузишга қонун йўли билан рухсат берилган, шунингдек, кўча намоишлари ва юришларини ташкил қилиш каби парламентдан ташқари ҳаракатларга ҳам ҳуқуқлар кураш орқали қўлга киритилган. Масалан, XIX асрда Европанинг қатор мамлакатларида йиғилишларни таъқиқловчи қонунлар қабул қилиниб, улар одамларнинг сиёсий мақсадлари йўлида жамоат жойларида йиғилишни ман этади. Омма фаолиятини ҳукумат томонидан бошқаришга уриниш тез орада барҳам топди, чунки бундай тўсиқларнинг ҳеч қандай самара бермаслиги аён бўлиб қолди. Одамлар атайлаб ўз норозилиklarини билдириш учун кўплаб йиғилишар, бунга қарши қабул қилинган қонунлар эса уларни рағбатлантирарди, холос.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, норозилик ҳаракатининг ўзига хос томони — улар ҳукумат очиқ рухсат берган доирадан ташқари ҳаракат қиладилар. Масалан, оммавий намоишлар учун лицензия полиция маҳкамасидан олдиндан олиниши зарур. Баъзан лицензия бериш рад этилган бўлса ҳам, намоиш ташкилотчилари уни ўтказишга аҳд қиладилар. Бу билан унинг иштирокчиларини ҳокимиятга қарши қўядилар. Намоишчилар эса бу ишнинг қизгин тарафдорлари бўлиб, қонунни поймол этишга ҳам тайёр турадилар. Улар учун мана шу намоишнинг муваффақияти ҳар нарсадан муҳим.

5-ж а д в а л. Норозилик ҳаракатига муносабат.
(1979 йилги Буюк Британиядаги эркаклар ва аёллар ўртасидаги сўровлар мисолида)

	Қатнашди, %	Қатнашса бўларди, %	Ҳеч қачон иштирок этмасди, %
Петициялар имзолаш	63	28	9
Қонуний рухсат этилган намоишларда иштирок этиш	9	33	58
Бойкотларда иштирок этиш	6	31	63
Норасмий иш ташлашларда иштирок этиш	8	16	76
Бино ва фабрикаларни эгаллашда иштирок этиш	2	10	88
Шикаст етказувчи ҳаракатларда (ойна синдириш, темир йўл белгиларини ўзгартириб қўйиш ва б.)	2	1	97
Зўравонлик ҳаракатларида шахсан иштирок этиш (намоиш қатнашчилари ёки полициячилар билан жанжал)	1	3	96

Манба: Mark Abrams. David Gerrard and Noel Timms. Values and Social Change in Britain. London, macmillan, 1986, D. 165.

Шундай қилиб, бундай тинчлик юриши иштирокчилари армия лагерларини қамал қиладилар. Сабаби қурооларни олиб кириш ёки олиб чиқишга халақит бериш мақсадида, симтўсиқлар остидан ўтадилар, иш ташлайдилар, ҳатто ракета шахталарига ҳам кириб оладилар.

Ҳукумат бошлиқлари бундай ҳаракатларга дуч келиб қолса, уларнинг олдида уч йўл бор. Биринчиси, ҳукумат бу акцияларга эътибор бермайди. Аҳоли томонидан кучсиз қўлланаётган гуруҳлар ҳукумат доиралари томонидан заифгина қаршиликка учрайди. Мана шундай вазиятда қандайдир гуруҳ ёки ҳаракат зўравонликка ўтиб олиши мумкин, бундай ҳолатлар қаттиқ қаршиликка учрайди. Бу иккинчи йўл бўлиб, баъзан фақат жазо чораларини қўллашдан иборат бўлади. Аҳоли орасида тарафдорлари оз бўлган кам сонли гуруҳларгина террор йўлига ўтиши мумкин. Бундай гуруҳлар террорни ўз гояларини илгари суриш йўлида ягона воситага айлантириб оладилар.

Ҳукумат олдидаги иккинчи йўл зудлик билан ҳукуматга қарши (ёки шундай деб гумон қилинган) кучлар фаолиятини бостириш имконини беради. Сиёсий ҳокимиятлар «жамоат тартибини бузганлиги» учун кўпинча репрессия йўлини тутадилар. Баъзан бу ҳаракатлар ўта шафқатсиз шаклда бўлади, қуроолсиз намоёнларга қарши қуроолли кучлар қўйилади ва бунинг оқибатида бегуноҳ кишилар қони тўкилади.

Учинчи йўл эса ҳукуматнинг ҳаракатни юмшоқлик билан пасайтиришидир, бу ҳолда уларнинг баъзи талаблари қабул қилинади, баъзан ҳукуматлар бу уч йўлдан кетма-кет фойдаланиши ҳам мумкин. Норозилик ҳаракатининг дастлабки босқичида ҳукумат унга илк эътибор бермайди, ўз-ўзидан йўқолиб кетувчи арзимаган ҳодиса сифатида баҳолайди. Агар ҳаракат кучайиб, ҳукумат сиёсатида зид қарашларни тарғиб қила бошласа, дарҳол куч ишлатишга ўтиб олади. Агар бундай ҳаракат улар кутган натижаларни берса ёки омма норозилигига айланиб кетса, сиёсий ҳокимият ён беришни афзал кўради. Яъни намоёнчиларнинг айрим талабларини ўз сиёсий дастурларига киритиши мумкин.

Парламентдан ташқари сиёсий фаолият расмий сиёсий йўналишни мунтазам қайта кўриб чиқишга мажбур этади. Шундай ҳол 1950—1980 йиллари (бу ҳақида тўла маълумот 8-бобда акс этган, «Этник қатлам ва ирқ») АҚШда фуқаролик ҳуқуқлари учун бўлган ҳаракатда юз берган эди. Жанубий штатлардаги қора танли аҳолининг қишлоқ қатлами, ўрта ҳол қора танли раҳбарлар ва либерал кайфиятдаги шимолий штатларда яшовчи оқ танли аҳоли вакиллари ўзида бирлаштирган бу ҳаракат фуқаролик ҳуқуқлари учун ҳаракат бошлаган эдилар ва бу охир оқибатда жиддий сиёсий ўзгаришларга олиб келди. Ҳукуматнинг бу ҳаракатга билдирган муносабати юқорида кўрсатганимиздай бўлди. Аввалига на маҳаллий маъмурият ва на марказий ҳокимият бўлаётган ҳодисаларга эътибор берди. Тартибсизлик-

лар ва намойишлар ўз-ўзидан бартараф бўлади, деб ўйладилар. Кейинчалик бу нарса содир бўлмаганини, аксинча бу ҳаракат кенгайиб, кучайиб бораётганини кўрганидан сўнг куч ишлатиш йўлига ўтдилар. Аммо иш зўрайиб, бу ҳол билан федерал ҳукумат шуғуллана бошлагандан кейингина уларга ён беришга мажбур бўлдилар ва қонунга қатор ўзгаришлар киритилди. Жумладан оқ танли ва қора танли аҳоли ўртасидаги тенглик, хусусан маориф соҳасидаги ўзгаришлар ҳам шу ҳаракатларнинг натижаси эди.

Ким бошқаради?

Юқорида тавсифланган плюралистик назария ҳозирги давлатларнинг сиёсий тузумлари, турли гуруҳларнинг қарашлари ўртасидаги рақобатга қараб аниқланади. Бундай рақобат катта ҳокимиятнинг гуруҳ ёки партия қўлига ўтишига фов бўлади. Демократик элитизм тарафдорлари ҳам, плюралистик назария издошлари ҳам, «халқ» бошқара олмайди, бошқариши ҳам мумкин эмас, деган фикрдалар. Чарлз Райт Миллс ўзининг машҳур «ҳукмрон элита» номли ишида бошқача нуқтаи назарни билдиради²⁵. У шуни қайд қиладики, Америка жамияти тарихининг бошланғич даврида ҳар бир соҳада турфа хил ва эгилувчан эди, кейинчалик ҳаммаси ўзгариб кетди.

Миллс уқтиришича, XX аср америкалик омма ҳаётида иқтисодий, сиёсий, ҳарбий соҳада марказлашиш рўй берди. Қачонлардир сиёсий тузум айрим штатлар сиёсати билан белгиланган, уларнинг фаолияти федерал ҳукумат томонидан бошқарилган. Миллснинг фикрича, сиёсий ҳокимият ҳозирда қатъий юқоридан бошқарилаёпти. Иқтисод ҳам қачонлардир кўпгина майда ишлаб чиқариш шаклларида иборат бўлса, эндиликда жуда йирик корхоналар устунлик қилмоқда. Қуролли кучлар ҳам илгари ниҳоятда оз бўлиб, доим полиция бўлинмалари ҳисобига тўлдириб турилар эди, ҳозирда у улкан ташкилотга айланиб, бошқа давлатлар ўртасида катта обрўга эга.

Бу соҳаларнинг ҳар бири ҳақиқатда ҳам марказлашдигини эмас, балки Миллс фикрича, бошқалар билан ўзаро шундай боғландики, янги унификациялашган ҳокимият тизими шаклланди. Бу соҳанинг юқори лавозимларини эгаллаб турган одамлар бир ижтимоий муҳитга мансубдирлар, уларнинг дунёқарашлари, қизиқишлари ҳам бир-бирига яқин ва аксарият ўзаро шахсан танишдилар. Улар яхлит ҳукмрон элитага айланганлар. Мана шу элита мамлакатни бошқаради, Қўшма Штатларнинг халқаро майдондаги воқеа-ҳодисаларга ўз таъсирини ўтказди.

Миллснинг тасвирлашича, ҳукмрон элита асосан оқ танли эркаклар бўлиб, англосаксанлардан иборат. Уларнинг кўпчилиги нуфузли дорилфунунларни тамомлаган, ўтқир мутахассис,

²⁵ *Mills V. The Power Elite. Oxford, 1956.*

бир хил клубларнинг аъзолари ва ҳукумат қўмиталарида ҳам биргаликда мажлис ўтказадилар. Уларнинг ташвишлари ҳам ўхшаш — савдогарлар ва сиёсий йўлбошчилар биргаликда ишлайдилар ва қуролли кучлар таъминоти билан ҳам узвий алоқадар. Учала соҳанинг юқори доираларида — сиёсатда, иқтисодда, армияда доимий ҳамкорлик мавжуд. Сиёсатчилар манфаатли ишларни амалга оширадилар, бизнесменлар эса кўпинча сиёсий мактабларга интиладилар, юқори ҳарбий таркиб эса йирик компаниялар кенгашларида мажлис қиладилар.

Плюралистик назария тарафдорларига зид равишда, Миллс шундай тахмин қилади: АҚШда учта бир-биридан яққол фарқ қилувчи ҳокимият даражаси мавжуд. Ҳукмрон элита юқори даражани эгаллайди, расмийми, норасмийми давлат аҳамиятига лойиқ муҳим масалаларни ҳал қиладики, бу давлатнинг ички ва ташқи сиёсатига бевосита ўз таъсирини ўтказди. Маҳаллий бошқарув органлари ўрта бўғинни ташкил этади ва уларнинг таъсир доиралари муҳим масалаларни ҳал қилишда чегараланган. Энг қуйи даража эса асосий халқ оммасидир. Улар қабул қилинаётган қонунлар, ечилаётган масалаларга ҳеч қандай таъсир ўтказмайдилар, чунки буларнинг ҳаммаси ёпиқ эшиклар ортида, фақат ҳукмрон элита йиғилишида ишлаб чиқилади. Шунингдек, элита иккала партиянинг юқори доираларини ҳам қамраб олган, ҳар бир партия тепасида умумий қизиқиш ва дунёқарашга эга шахслар туради. Шунинг учун ҳам сайловолди йиғинларида сайловчиларга тақдим этиладиган президент, конгрессменлар дастурида айрим ўзгаришлар бўладики, охир оқибатда бу фарқ сезилмай кетади.

Миллснинг иши эълон қилингандан сўнг яна бошқа тадқиқотлар юзага келди. Барча тадқиқотчиларнинг фикри бир нуқтада туташган, яъни лидерлар ижтимоий келиб чиқиши аҳолининг социал тузумини акс этгирмайди. Тадқиқотлар шуни исботладики, Миллс тадқиқ этган уч соҳа вакиллари англо-саксон элитага мансуб бой эркаклар, ўзига тўқ оилада дунёга келганлар, хусусий мактаб ва дорилфунунларда таҳсил олганлар. Американинг «Жамоат рўйхати»га киритилган ҳукмрон доираларини Уильям Домхофф²⁶ ўрганиб чиқди. «Жамоат рўйхати» 12 та энг йирик шаҳар (жануб ва жануби-ғарбдаги шаҳарлар амалда унга кирмайди) учун тузилган бўлса ҳам, у АҚШда энг бой ва қудратли фуқаролар қандай тақсимланганини тушуниш учун қўлланма бўлиб хизмат қилиши мумкин. Домхофф ўтказган тадқиқотлар натижалари Миллс фикрларини тўлиқ тасдиқлади ва бунга қўшимча қилиб фақатгина уч соҳада эмас, балки жамиятнинг барча жабҳаларида ҳукмрон элита вакиллари мустақкам ўрнашиб олганлигини қайд этди. Домхофф, ҳуж-

²⁶ Domhoff G. The Higher Circles: The Governing Class in America. New York, 1970; Domhoff G. W. The Powers That Be: Process of Ruling Class Domination in America. New York, 1979.

жатлар ёрдамида қариндошлик алоқалари билан боғланган муайян доира мавжуд бўлиб, унинг аъзолари айнан бир хил клубларда ва айнан бир хил комиссиялардаги йиғилишларда қатнашиши ва бу доирага мансублик автоматик тарзда турли соҳалардаги олий лавозимларни эгаллашга олиб келишини исботлаб берди.

Миллс сингари у ҳам ҳукумрон элита мавжудлиги ва мамлакат учун энг муҳим қарорларни у қабул қилиши, унинг аъзолари юқори синф вакиллари экани ҳақидаги хулосага келди. Миллсдан фарқли ўлароқ, у ҳарбийлар анча ёпиқ тизимни ташкил қилиши, сиёсий ва иқтисодий қарорларга фақат тангликлар ёки уруш даврида таъсир ўтказди, деб ҳисоблади.

АҚШдаги «ички доира»

Бир неча йиллар илгари Қўшма Штатларнинг йирик корпорация раҳбарларига бағишланган тадқиқот Майкл Юсим²⁷ томонидан ўтказилиб, унда АҚШ ва Буюк Британия ишбилармон доиралари ўртасидаги фарқлар кўрсатиб берилган эди. Юсимнинг таъкидлашича, АҚШ ва Буюк Британиядаги ишбилармон ва сиёсий доиралар ўртасида ўхшашлик мавжуд. Унинг хулосаларига кўра Америкадаги йирик корпорацияларнинг бошлиқлари борган сари умумдавлат масалаларини ҳал қилишда бевосита иштирок этишга интиломқдалар. Ишбилармон доираларнинг кўпчилиги ички доира деб аталган гуруҳга кирмайди, деб ҳисоблайди Юсим. Улар йирик корпорацияларнинг юқори доираларига мансуб бўлиб, ҳукуматга дунё ишбилармонлари номидан таъсир ўтказадилар.

Юсимнинг қайд қилишича, 1970—1980 йилларда корпорацияларнинг сиёсий фаоллигида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Ҳозирги пайтда улар ўз номзодларини тўғридан-тўғри қўллаб-қувватлашлари, юқори ҳокимият органлари ҳимояси, сиёсий доира номзодлари билан норасмий равишда шахсий алоқалар ўрнатиш ҳисобига ҳаракат қилмоқдалар. Катта бизнес ичидаги сиёсий фаолликнинг ортиб бориши Юсим фикрича, яқин орада дунё иқтисодида рўй берган иқтисодий қийинчиликларга жавоб тариқасида юзага келди. АҚШ ва Буюк Британиядаги корпорация раҳбарлари Рейган маъмурияти, Тетчер ҳукумати даврида юзага келган сиёсий иқлим шароитида бу борада ўзларини яққолроқ намоён қилдилар.

Буюк Британиядаги элита

АҚШ, Буюк Британия ва бошқа Европа мамлакатларининг раҳбар доиралари биргаликда ҳаракат қилишлари билан бирга, ўзаро узвий боғлиқдирлар. Буюк Британиядаги жуда тор доира вакиллари хусусий мактабларда ўқийдилар ва Оксфорд, Кемб-

²⁷ *Uselm M. The inner Circle: Large Corporations and Rise of Business Political Activity in the US and the UK. Oxford, 1984.*

риж каби нуфузли дорилфунунларда таҳсил оладилар. Худди мана шу шахслар турли соҳалардаги юксак лавозимларни эгаллайдилар. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, улар саноат соҳасида кам учрайди. Бу ҳолат Буюк Британияда бизнес нуфузи АҚШга қараганда қуйи даражадалиги билан изоҳланади. Куролли кучлар, черков, ҳуқуқ органлари парламентнинг консерваторлари қанотини ташкил қилган, юқори мансабларни эгаллаган шахсларнинг 60-80%и таълимни дастлаб хусусий мактабларда, кейинчалик Оксфорд ёки Кембрижда олганлар.²⁸

XIX асрнинг охирида кенг тус олган мукофотлар рўйхатининг мунтазам эълон қилиниши даврнинг буюк намоёндалари ва киборлар авлодини бир-бирига боғлаб турувчи ўзига хос занжир вазифасини ўтаган эди. Ҳозирги кунда бундай рўйхат Бош Вазир томонидан тузилади ва парламент муҳокамасига қўйилади, кейин эса қирол ёки қиролчи тасдиғига юборилади. Давлат ва ҳарбий хизматларда рағбатлантиришнинг расмий йўллари мавжуд, мукофот ёки унвон мансаб пиллапойларидан кўтарилишга қараб белгиланади. Бошқа соҳаларда уларнинг белгиланиши ҳокимият ва бадавлат кишилар ўртасидаги норасмий муносабатга асосланади.

Инглиз аслзодаларининг энг юқори унвони герцог унвони ҳисобланади. Ундан сўнг маркиз, граф, виконт ва барон унвонларидир. Герцогликка энг юксак доирадаги гуруҳнинг энг қадимий бирор хонадон вакили сазовор бўладилар. Йигирма олти герцогдан биттаси қирол сулоласига мансуб эмас, улар герцог унвонини ўн тўққизинчи асрда олганлар. Англия пэрларининг аксарият қисми барон унвонини олишган. Ҳамма унвонлар XIX ва XX асрларда олинган бўлиб, бу Англияда «Мамлакат олдидаги хизматлари учун» тақдирланишни, ҳукмронлар, бойлар ўртасидаги мустақкам алоқани англатади. Шунингдек, бу доирага янги кириб келаётганларни тан олишни ҳам билдирадики, бусиз улар ўзларини элитага қабул қилинмаган деб ҳисоблаган бўлур эдилар.

Элитанинг жипслиги яна уч омилга ҳам боғлиқ, улардан бири қариндошлар ўртасидаги никоҳ. Фарзандларини «муносиб» оилалар билан боғлашни истаган ота-оналар ҳар доим ҳам олдиларига маълум бир мақсад қўйганлар. Ҳозирда ҳам бу сиёсат ўзгаргани йўқ, фақат қўшимча сифатида кўниқилган беками кўст шароит, муҳит, дунёқарашнинг бир хиллиги ҳам эътиборга олинадиган бўлиб қолди. Шаҳардан ташқаридаги шоҳона уйлардаги ҳаёт, киборлар даврасида ўзига хос ўрин эгаллаш каби қатор ҳолатлар йиғиндисидан улар ўзларининг қадриятларини яратдиларки, ҳатто тил ҳам бундан четда қолади²⁹. Иккинчи омил уларнинг ҳаммаси хусусий мактаб ва Оксфорд,

²⁸ Stanworth Ph. and Ciddens A. (eds). *Elites and Power in British Society*. Cambridge, 1974.

²⁹ Sampson A. *The Changing Anatomy of Britain*. London, 1982.

Кембрижда таълим олганлигида. Учинчи омил, барча элитанинг ўзаро мустақкам дўстона алоқа қилганлигида. Бу алоқа турли клублардаги иштироклардан тортиб, расмий қабул маросимларипо, ҳукумат фаоллари билан расмий муносабатларда ҳам ёрқин акс этади.

Шубҳасиз, элита ўртасида ҳам баъзан муаммоли ҳолатлар, бўлинишлар бўлиб туради. Масалан, иқтисод соҳасида йирик саноатчилар ва молиячилар ўртасида қизиқишлар ва қарашлар борасида анчагина фарқ юзага келган. Бундан ташқари, элита орасида «ўзимизникилар» ва «ўзи бўлганлар» ўртасида ҳам узлуксиз давом этиб келаётган ички зиддиятлар мавжуд. Яна черков роҳиблари ҳукумат сиёсатига қарши ўз норозилиklarини билдиришлари мумкин. Демократиянинг плюралистик назариялари америкалик сиёсатшунослар томонидан олиб борилган кузатувлар асосида ишлаб чиқилди, лекин уларнинг хулосалари — агар булар шарт-шароитга мос келса, жуда кенг миқёсда ёйилиши мумкин.

6-ж а д в а л. 1945-1974 йилларда консерватив партиядан сайланган Буюк Британия парламенти аъзоларининг маълумот даражаси

Парламентга сайланган аъзолар сони										
Ўқув юрглари	1945	1950	1951	1955	1959	1964	1966	1970	1974	1975
Итон	55	77	75	75	70	66	56	62	54	47
Барча хусусий мактаблар	169	240	216	264	274	232	199	243	222	206
Оксфорд	62	94	99	106	104	66	80	93	89	76
Кембриж	46	62	68	74	79	88	64	75	76	76
Барча университетлар	131	187	199	217	219	190	169	208	198	186
Консерватив партиядан парламент аъзоларининг умумий сони	213	297	320	343	365	301	253	330	297	277

И з о ҳ: 1974 йилдаги иккита кўрсаткич ўша йили феврал ва октябр ойларида ўтказилган иккита сайлов натижаларига мувофиқ.

7-ж а д в а л. Буюк Британия қуроли кучлари олий зобитлар таркибининг 1897—1917 йиллардаги маълумот даражаси

Офицерлар сони						
Ўқув юрглари	1897	1913	1926	1939	1959	1971
Ихтисослашган ёпиқ мактаб	17	29	31	33	21	24
Бошқа имтиёзли мактаблар	6	5	6	4	8	5
Хусусий билим юрглари	17	12	5	6	0	0
Бошқа билим юрглари	23	12	6	2	7	3
ЖАМИ	63	58	48	45	36	32

Изоҳ: ушбу маълумотлар генерал-лейтенант ва ундан юқори унвондаги зобитларга тааллуқли.

Манба: J. Scott. The Upper Classes: Property and Privilege in Britain. London, 1982.

Баҳолаш

Миллс ғояларининг қиммати кейинги мунозара ва эмпирик тадқиқотлар оламида қандай бўлмоғи лозим? Юқорида айтиб ўтилганлардан келиб чиқиб, Британия, Қўшма Штатлар ва бошқа Ғарб мамлакатларида давлат бойликларининг тенгсиз катта қисми қўлида бўлган олий синф мавжуд ва унинг вакиллари бошқа қатламларга қараганда турли соҳаларда олий лавозимларга эгадир. Ҳукумат ва ишбилармон доиралар манфаатлари кўп ҳолатларда мос келади ва тўғридан-тўғри шахсий алоқалар ўрнатишга олиб келади. Кўплаб асос бўладиган қарорлар кенг жамоатчиликнинг иштирокисиз — мажлисларда, Бош Вазирнинг кабинет аъзолари билан учрашувларида, шунингдек, норасмий даражада юқори табақа тузилмаси вакиллариининг доимий алоқасида қабул қилинади.

Бошқа томондан, Британия ёки бошқа қаердадир ҳақиқатан Миллс берган таърифга мос келадиган, маълум томонга йўналган ва мустаҳкам уюшган гуруҳлар борлиги шубҳа туғдиради. Ҳақиқатда турли ҳоким структуралар орасида қарашлар ва манфаатларнинг қанчалик фарқланишини кўрамиз ва улар маълум шартларда ўзаро ҳамкорлик қилишлари мумкин. Ҳақиқат — Миллс томонидан таклиф этилган таҳлил ва плюралистик назариялар тарафдорлари томонидан чизилган тасвирлар орасида бўлса, эҳтимол.

СССР да элита

Ғарбдаги сиёсий ҳокимият тузилиши ривожланиши учун уларни Шарқий Европа давлатларининг ўхшаш тузилиши билан қиёслаш фойдалидир, бу соҳа маълумотларини олиш анча мураккаб, Ғарбда совет ҳукмрон доираларини ўрганишга бағишланган кўп тадқиқотлар ўтказилган.

Совет Иттифоқи билан бир томондан, Буюк Британия ёки Қўшма Штатлар билан иккинчи томондан фарқ шунда эдики, СССРда йирик хусусий корпорациялар йўқ эди, сиёсий тузумда эса битта партия — Совет Иттифоқи коммунистик партияси устунлик қилар эди. Мамлакатда бу партиянинг мутлақ мавқеига қарамай, расмий нуқтаи-назар СССРда имтиёзли элитар тузилмалар ҳам, алоҳида юқори синф ҳам мавжуд эмас деб, таъкидлар эди. Партия ўзини «Совет халқининг жанговор ва синалган йўлбошчиси», «Совет жамиятининг етакчи ва йўналтирувчи кучи» деб қарар эди. Партия ишчи синфининг вакили сифатида аҳоли кўп қисмининг коллектив манфаатларини ифодалайди деб таъкидлар эди.

Қоидага кўра Совет Иттифоқининг ҳар бир фуқароси КПСС

аъзоси бўлиши мумкин эди. Амалда эса партияга кириш маҳаллий партия ташкилотлари томонидан назорат қилинарди ва улар орқали аъзоликка қабул қилинарди. Партияга кириш учун берилган аризалар маҳаллий партия органлари томонидан қайтарилиши мумкин эди. Партия аъзолари доимий равишда партия мажлисларида қатнашишлари, мунозараларда иштирок этишлари мажбур эди, яъни партиядаги аъзолиги қайд этиш билангина чегараланиб қолмас эди. Расмий нуқтаи назарда Давлат юқори лавозимларини эгаллаш учун партия аъзолиги бўлиши шарт эмасди, лекин амалда бу ҳолат кўп соҳаларда юқорига интилишда ёрдам берар эди. Фақат партия ишида банд бўлган партия ходимлари барча партия аъзоларининг озгина қисмини ташкил этарди, ҳолбуки бу тоифага Совет Иттифоқининг қудратли шахслари кирарди.

КПСС фаолиятининг сўнгги йилларида унда 17 миллион аъзо бор эди. 1977 йилда партия аъзоларининг 42 %ини ишчилар, 16 %ини колхозчи ва деҳқонлар, қолган 44%ини эса хизматчи ва зиёлилар ташкил қилишарди. Партиянинг ташкилий тузилмаси бошида Марказий Комитет ва Сиёсий бюро турарди. Марказий комитет каттагина ташкилот эди, унга 400 та аъзо кирарди: партия устидан раҳбарлик қилган Политбюро тахминан 20 кишидан иборат бўлиб, (Бутун фаолияти давомида унга 1 нафар аёл аъзо бўлган), секретариат 12 тача аъзони ўз ичига олган ва баъзи партия лидерлари иккала орган таркибига ҳам кирганлар. КПСС Бош секретари лавозими Америка Президент лавозимига мос келарди.

Элитани тўлдириш, нуфуз ва имтиёзлар

Ижтимоий келиб чиқиш Совет Иттифоқида партия юқори органларига сайлашда Ғарб мамлакатларидаги сиёсий лидерларни танлашдек ҳисобга олинмас эди. 1957 йилда сиёсий бюро аъзоларининг барчаси ишчи ва деҳқонлардан чиққан эди. 1961 йилда КПСС МК аъзоларининг 85% келиб чиқиши шундай эди. Шунга ўхшаш манзара саноат раҳбарлари, ҳарбий раҳбарият, таълим, саноат соҳаларида ҳам кузатиларди³⁰. Шундан бошлаб ҳолат ўзгарди ва хизматчилар орасидан раҳбарликка тортиш анъанаси бошланди. Партия элитаси асосан анча қуйи синф вакилларидан шакллана бошлади. 1985 йилда Сиёсий Бюро ва МК секретариати аъзолари ичида юқори имтиёзли доирадан чиққан фақат 1 кишини — у юқори лавозимдаги вазирнинг ўғли эди — ҳисоблаш мумкин эди³¹.

Совет Иттифоқида эълон қилинган умумий тенгликка қарамай, КПСС раҳбарияти асосий аҳолида бўлмаган имтиёзларга эга эди. Партия амалдорлари чет мамлакатларда бемалол саёҳат қилишлари, юқори сифатли товарлар сотиладиган махсус дўкон-

³⁰ *Matthews M.* Class and Soviet Russia. London, 1972.

³¹ *Walker M.* The Waking Giant: The Soviet Union Under Gorbachev. London, 1986.

лардан — улар узундан-узоқ навбатларда турмас эдилар — фойдаланишлари, яхши турар-жой, шаҳар ташқарисида дачаларга эга бўлишлари мумкин эди. Фақатгина улар хусусий мулкчилик учун катта бойлик тўплай олмас эдилар. Совет Иттифоқида авлодларига моддий бойликларини мерос қолдирувчи бой юқори табақа бўлмаган. Баъзида партия юқори лавозимларини эгаллаб турган шахсларни «янги синф» деб ҳисоблашардики, уларни алоҳида имтиёзли элита сифатида қараш мумкин эди³².

Совет Иттифоқида юқори партия раҳбарияти орасида ҳам, расмий партия вакиллари ва бошқа ташкилотлар лидерлари орасида ҳам қарашлар ва манфаатларда ҳар хиллик бўлган. Масалан, ўз фаолиятида кўпроқ мустақилликка интилган йирик саноат раҳбарлари билан мамлакат иқтисодий сиёсати билан машғул партия раҳбарлари ўртасида келишмовчиликлар бўлганлиги маълум. Ваҳоланки, Совет Иттифоқида Ғарбдагидек сиёсий майдонда таъсир ўтказувчи кўплаб фракциялардек таъсир ўтказувчи расмий гуруҳлар бўлмаган. Баъзи кузатувчилар, Совет Иттифоқида қарорларни қабул қилишнинг фавқулодда марказлашуви, манфаатдор гуруҳлар ўзларининг фикрларини юқори қатламга «киритиши» етарлича самарага эга эди деб ҳисоблайдилар. Бунинг қанчалик амалга ошиши аввало, совет лидери эгаллаган лавозим ва шахсиятга боғлиқ эди. Сталин даврида манфаатдор гуруҳлар амалда таъсир кўрсата олмас эдилар. Брежнев ва Горбачев раҳбарлиги даврида эса бундай нопартиявий фракциялар кучга кира бошладилар.

Совет жамияти монолит эмасди ва фавқулодда турлича эди. Этник, регионал ва диний тафовут нуқтаи назардан Қўшма Штатлар каби кўп қиррали эди. Коммунистик партия орқали кенг омманинг сиёсий ҳаётда иштироки таъминланарди, айти пайтда мамлакатда сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий ҳокимият мутайян тарзда мувофиқлаштириларди. Совет сиёсий тузумида амалда очиқ муҳолифат йўқ, оммавий ахборот воситалари устидан марказлашган назорат бошқа ғарб мамлакатларидан самаралироқ эди. Миллс Қўшма Штатларга нисбатан ҳукмрон табақа «элита» атамасини ўйлаб топган бўлса-да, уни тўла асосда Совет Иттифоқида ҳам қўллаш мумкин.

Тоталитаризм

Совет Иттифоқини, баъзан коммунистик тузумдаги шарқий Европа ва бошқа Хитойга ўхшаш давлатларни тоталитар давлатлар деб аталади. Бу атама иккинчи жаҳон уруши даврида Германия ва Италиядаги фашистик тузум тавсифида ҳам қўлланилган. Атаманинг ўзи биринчи бор италян файласуфи Жиованни Жентили томонидан тақлиф қилинган. Унинг ғоялари италян фашизми барпо бўлишида катта роль ўйнаган ва италь-

³² *Djilas M. The New Class: An Analysis of the Communist System. New York, 1967; Gouldner A. The Future of Intellectuals and the Rise of the New Class. London, 1979.*

ян диктатори Муссолини томонидан бу тузумни тавсифлашда ижобий маънода қўлланган, кейинроқ бу атама ҳақоратомуз тус олди³³. Ҳозир уни нафақат коммунистик тузумга, балки анъанавий давлатларга, ҳатто Платон республикасига ўхшаш сохта жамиятларга нисбатан ҳам қўллашади.

Тоталитаризмнинг анчайин машҳур изоҳи Карл Фридрихга тегишли. Унга кўра³⁴, тоталитаризм ўз ичига тўрт элементни олади:

1. *Тоталитар мафкура* — жамиятнинг ҳар бир аъзоси амал қиладиган кенг қамровли сиёсий доктриналар йиғиндиси. (Масалан, Националистлар таъкидлаганидек, “ватан олдидаги мажбурият”).

2. *Якка партия* — маълум идеология амал қилган ва танҳо лидер, диктатор ҳукмрон бўлган.

3. *Махфий полиция* — тузум душманларини топшиш ва жазолаш учун.

4. Иқтисод, оммавий ахборот воситалари ва қуrolли кучлар устидан *монопол назорат*.

Юқорида келтирилган таърифлардан келиб чиқиб, тоталитаризм тушунчасини коммунистик жамиятга тааллуқли дейиш мумкинми? Кўп олимлар ҳозирги вақтда мумкин эмас деб, ҳисоблайдилар. Совет Иттифоқи ва Шарқий Европа давлатлари келтирилган таърифга сиғмайдиган турлича жамиятларни намён этадилар, уларнинг ҳукумати эса, маълум даражада халқ томонидан қўллаб турилган. Бу давлатлар диктаторлар томонидан эмас, балки партия бюрократияси томонидан бошқарилган.

Тоталитаризмни диктатор тоталитар ғояларни оммавий террор ёрдамида сингдириб, ҳокимият тепасига келган ўтиш даврининг сиёсий тузуми шакли сифатида қараш мумкин. СССР да Сталиннинг, Германияда Гитлернинг ёки Камбоджада Пол Потнинг давлатни бошқариш давриларини тоталитар бошқарув мисолида кўриш мумкин, барча бу тузумлар Фидрих томонидан келтирилган тоталитаризмнинг тўртга мезонига жавоб беради. Юқорида санаб ўтилган ҳар бир диктатор ўз қўлларида фавқулodда ҳокимиятни мужассам этган ва у ҳеч қандай истиснога қарамайдиган ягона идеологияга таянади. Бундан ташқари, ҳокимият томонидан амалга ошириладиган фитналар фавқулodда қаттиққўллик ва тузум учун характерлидир. Бэргхорн ёзади:

Тоталитаризи сиёсий тузум турини кризисга учраган, фавқулodда чоралар кўрилмаса ҳалокатга учрайдиган жамиятни бирлаштирган ва сафарбар этган диктатор даври тарихий ҳолатини характерлайди. Ленин томонидан амалга

³³ *Schapivo L. Totalitarianism. London, 1972.*

³⁴ *Friedrich C. Totalitarianism. Cambridge, 1954.*

оширилган ва келажаги у томонидан асосланган, Сталин томонидан тўлиқ ривожлантирилган тоталитаризмга мурожаат қиладиган бўлсак, Россия бутун тоталитар раҳбарлик жароҳатларидан тузалиб кетмаганлигини таъкидлаш мумкин. Унинг динамизми ва қаттиққўллиги кейинчалик, кўп жиҳатдан хизматдаги икир-чикирлар ва ритуаллар билан алмаштирилди³⁵.

Европа ҳамжамияти ва Европанинг янги харитаси

Ҳамжамиятнинг пайдо бўлиши

Европанинг барпо бўлиши ҳақида 1946 йил Цюрихда Уинстон Черчил ўзининг нутқида шундай деган эди: «Биз Европа Қўшма Штатларига ўхшаш нарса қуришимиз керак». Лекин буни Британияликлар бошламадилар. Франция ва ўша пайтдаги Ғарбий Германия унинг бошловчилари бўлдилар. 1951 йилги Париж шартномаси кўмир ва пўлат бўйича Европа ҳамжамиятини эълон қилди, сўнгра атом энергияси бўйича Европа ҳамжамиятини ва ниҳоят 1958 йилги Рим шартномаси аъзо мамлакатлар товарларини ҳаракатта келтирувчи ягона Европа Иқтисодий ҳамжамиятини майдонга келтирди. Британия бир чеккада қолди ва Британия ҳамдўстлиги аъзолари Қўшма Штатлар билан ўз алоқаларини мустақамлашни афзал билди. ЕИХ га у 1973 йил бошларигача кирмади.

ЕИХ нинг сиёсий бирлик томон боришида номидаги «Иқтисодий» деган сўз йўқолди ва иттифоқ оддийгина Европа ҳамжамияти деб атала бошланди. Кейинги бирлашишлар Европа Иттифоқининг (ЕИ) барпо бўлишига олиб келди. ЕИ тузилишини ваколатли ва бюрократик ташкилотларининг катта тармоги ташкил этади. Олий мақомни давлат бошлиқлари сифатида қиладиган Европа кенгаши эгаллайди.. Улар тахминан бир йилда уч марта йиғиладилар. Вазирлар кенгаши бошқа расмий шахслар кирган ишчи гуруҳлар ва қатнашувчи мамлакатлар ташқи ишлар вазирларидан иборат. У ҳамжамиятнинг асосий органи ва қонуний қарорлар қабул қилади. Аввал бундай қарорлар бир овоздан маъқуллангандан кейин қабул қилинар эди, энди эса бунинг учун кўпчилик овоз етарли, қонунчилик алоҳида мамлакат хоҳиши ва иродасидан ташқари амалга ошириладиган бўлди, бу жуда муҳим қадам эди.

Европа комиссияси вазирлар кенгашининг сиёсий акцияларини кўриб чиқишга ва унинг қарорларини амалга оширишга жавоб беради. Комиссияни Қатнашувчи мамлакатлар сайлаган комиссарлар бошқаради. *Европа парламенти* 518 депутатдан иборат бўлиб, кенгашга йўлланган таклифларга турлича фикрларни билдирадилар. Европа парламенти мунозара ва баҳс учун майдон, унда қонун чиқарувчи ваколати йўқ ва бу ҳолат кўпчиликни ЕИ ҳозирги шаклида антидемократик деб ўйлашга олиб

³⁵ Barghoorn F. C. and T. Remington. Politingon. Politics in the USSR. Boston, 1986.

келади. Ниҳоят ЕИ қонунларини ҳимоя қилувчи Европа Суди мавжуд. Унинг полиция кучлари йўқ, лекин унинг қарорларини қатнашувчи мамлакатлар судлари бажаришлари мажбурийдир.

Дастлаб ҳамжамиятга 6 та мамлакат кирди. Кейин 1978 йилда Дания ва Ирландия ҳам кирди, сўнг улар сони 9 тага етди. Кейин бу рақам 12 тага етди, 1996 йилда 15 та эди. Ҳамжамият тарихида қишлоқ хўжалиги сиёсатига доир жиддий тўқнашувлар бўлди, шу билан бир вақтда ўзаро манфаатли келишувлар ишлаб чиқилди. 1987 йилда ЕИ ягона Европа тўғрисида қонун қабул қилди. Кейин янада кўпроқ бирлашишга қаратилган инновация қатораси, жумладан, қолган савдо тўсиқларини олиб ташловчи ишлар амалга оширилди.

Европа иттифоқи келажаги доимо муаммоли бўлган ва бу ноаниқлик 1989 йилдан Шарқий Европа ва Совет Иттифоқи ўртасида бўлган улкан ўзгаришлар натижасида яна муракаблашди. «Европа» сўзи орқали шарқий коммунистик мамлакатлардан ажралиб турган Фарбий Европа либерал демократияси тушунтирилганда унинг чегаралари аниқ эди. Совет Иттифоқининг парчаланиши барчасини ўзгартириб юборди. Энди «Европа» қаерда тугашини билиб бўлмайди, кўплаб янги ташкил этилган шарқий либерал демократиялар ЕИ га қабул этишларини кутмоқдалар.

ЕИ ташкилий тузилишига кўра қандай? У замонавий миллий давлатларга ўхшаш ўта миллий давлат сифатида бўла олдимиз ёки бу аввалги сиёсий тузумлардан аълороқ нарсами? Филипп Шмиттер ҳозирги пайтда ЕИ миллий давлатларидан бири қатор белгилари билан ажралиб туради деб кўрсатиб ўтади. Аввал айтилганидек, унда бир турли олий ҳокимият йўқ. «ЕИ» суди қарорлари бир қанча қатнашувчи мамлакатлар қонунларидан устунроқ, лекин уни тадбиқ этишнинг универсал механизми йўқ. Шунга қарамай, ЕИ мустақил давлатнинг барча хусусиятларига эга. Масалан: 130 га яқин давлатлар ЕИ билан давлат тузилмаси сифатида демократик амалга киришди.

Миллий давлатларда муайян территория мавжуд. ЕИнинг ўз территорияси ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас. 1992 йилдаги келишув асрлар давомида давлат чегаралари билан ажралган ҳудудлар орқали фуқаро ва товарларнинг эркин ҳаракатини очиб берди, бироқ ЕИ тўғридан-тўғри бу ҳудудларни бошқармайди ва унинг чегаралари охиригача аниқланмаган, чунки яқин келажакда ноаниқ миқдорда бошқа давлатлар ҳам аъзо бўлишлари мумкин. ЕИ орқали тузилмага эга бир қатор ташқи давлатлар у билан ҳамкорлик битимларига эга. Миллий давлатлардан фарқли ЕИ аниқ бўйсунувчи бошқарув муассасаларига эга эмас. Комиссия қарорларни қабул қилишда рол ўйнайди, лекин у бу ролни ЕИнинг қатнашувчи мамлакатлари ва бошқа органлари позициялари билан ҳисоблашиб бажаради.

ЕИ, таъкидлайди Шмиттер, сиёсий турмушнинг фавкуллда хос шакли унинг ичида юзага келган жараёнлар дунёнинг

бошқа регионлари учун модел бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу миллат ҳам эмас, давлат ҳам эмас, бироқ унга ҳам, бунга ҳам муқобилдир. ЕИ даги федерализм федерал давлатлардагидек эмас, чунки у фақатгина коллектив тарзда ташкил этилган регионлардан иборат эмас, балки турли жамоатларнинг қўшилмасини ифодалайди. Муайян мақсад учун бу сиёсий кучлар бирлиги, бошқалар учун «ҳаракатдаги битимлар» асосида мавжуд бўлган агрегат.

Ҳамжамият келажақда сиёсий ҳокимиятнинг беқиёс шакли бўлади, эҳтимол у баъзи сиёсий тузилмаларни эслатар. Қўшма Штатлар, Германия Федератив Республикаси, Швейцария, Канада, Испания ва ҳоказо, уни кулоққа ўрнашиб қолган одатий атамалар билан чизиш мумкин: федератив, конфедератив, технократик, демократик, плюралистик ва шунга ўхшаш.³⁶

Шарқий Европадаги ўзгаришлар

1989 йил Француз инқилобининг 200 йиллиги бўлди. Европа учун бу йил аҳамияти 1789 йилиниқидан кам бўлмаган «янги инқилоб йили» бўлди. 1989 йили Шарқий Европа коммунистик тузумлари бирин-кетин ҳокимиятни қўлдан бой бердилар. (Бу воқеаларнинг муҳокамаси учун 19-бобни қаранг, «Инқилоб ва ижтимоий ҳаракатлар»). Шарқий Европада ҳукмрон бўлган, турғун ва мустаҳкам туюлган ҳокимият тузуми бир лаҳзада қулади. Коммунистлар ярим аср давомида бошқарган мамлакатлардаги ҳокимиятни ўта тезлик билан йўқота бошладилар: Венгрия (февраль), Польша (июнь), Болгария, Шарқий Германия ва Чехословакия (ноябрь), Руминия (декабрь). 1992 йилнинг январь ойига келиб ҳар хил Шарқий Европа мамлакатларида, ҳатто қоқоқ Албанияда ҳам, бемалол янги ҳукуматлар сайланди. Яъни, диққатга сазовор нарсаси шуки, бу вақтга келиб Совет Иттифоқининг ўзида Коммунистик партия ўз ҳукмронлигидан айрилди ва мамлакат қатор мустақил давлатларга бўлинди.

Югославияни фуқаролар уруши парчалаб ташлади. Собиқ СССРнинг ўзида ҳам қуролли келишмовчиликлар янги пайдо бўлаётган давлатлар орасида ва уларнинг ичида авж олди. Дастлаб уларнинг барчаси демократлашувнинг бир хил йўлидан кетдилар. Масалан, 1992 йилда Югославиянинг 6 та республикасида сайловлар бўлиб ўтди. Хорватия ва Словенияда олдларига мустақиллик мақсадини қўйган миллий демократлар ғалаба қозонди. Сербияда эса экскоммунистлар устун эдилар.

Айрим истиснолардан ташқари, 1992 йилда бутун Шарқий Европа янги конституцияларни муваффақият билан ёзди ва кўп партияли парламент тизимини барпо этди. Турли партиялар кўп ҳолатларда Ғарбий Европанинг кўплаб мамлакатларини эслатади. Баъзи экскоммунистик партиялар ҳам сақланиб қолди,

³⁶ Schmitter Ph. C. The European Community as an emergent and novel form of political domination. In Working paper of the Centre for Advanced Studies in the Social Sciences. Madrid, 1991.

аммо ҳозир улар ўзларини социалистлар ёки социал-демократлар деб атайдилар. Сўл қанот ва марказга «Озод демократлар» ва «Ёш демократлар иттифоқи» (Польша) каби партиялар мансубдир. Демократик форум (Венгрия), «Марказ Альянси» (Польша) каби гуруҳлар сўл марказий йўналишга эга. Баъзи мамлакатларда ўта сўл партиялар мавжуд бўлиб, ҳозирча уларнинг таъсири унчалик кучли эмас. Катта миллий партиялар ўнг ва сўллар орасида сарсон.

Барча Шарқий Европа мамлакатлари янги жамият қуриш йўлида жиддий иқтисодий, шунингдек сиёсий қийинчиликларни бошдан кечирмоқдалар. 1922 йилда қарийб барча Шарқий Европа мамлакатларида инфляция даражаси ортди, Руминияда у 100%га етди. Инфляция даражаси фақат Польшада пасайди, ҳолбуки бу ерда ҳам у 80%ни ташкил этган эди. Бу мамлакатлар аҳолисининг катта қисми ўз давлатларида демократиянинг ривожланишидан ҳафсаласи пир бўлганлигини билдирмоқдалар, кўпчилик жиноятчилик ва зўравонликнинг кучайиб кетганлигидан хавотирга тушмоқда.

Бўлаётган ўзгаришлар аёллар ҳаётида ҳам кескинликни келтириб чиқармоқда. Масалан, Чехословакияда қайта тикланиш даврида аёл парламент аъзоларининг миқдори 34% дан 4%га тушиб кетди, Польшада 20% дан 3% га, Болгарияда 21% дан 8%га тушди. Ишсизлар сафида аёллар миқдори номутаносиб равишда баланд, уларнинг миқдори бозор иқтисодига ўтишда бирдан ортиб кетди.

Шарқий Европа жамиятлари бошқарувнинг турфун либерал демократик тизимини қуришдаги уринишлари қанчалик муваффақиятли бўлади? Семюэл Хантингтон³⁷ фикрича, ушбу ҳолатга ҳам олтита омил таъсир қилади:

1. Маълум мамлакат ўз тарихининг олдинги даврларида қанчалик узоқ вақт либерал-демократик ҳукуматга эга бўлган? Бу маънода Чехословакияда анча қулай тарихий ҳолат ва Албанияда энг ноқулай шароит мавжуд. Чехословакияда чехлар ва словаклар ўртасида зиддият мавжуд эди, бунинг оқибатида мамлакат 1992 йилда икки алоҳида давлатга — Чехия ва Словакияга бўлиниб кетди.

2. Мамлакатнинг эришган иқтисодий ривожланиш даражаси. Бу муносабатда Венгрия ва Чехия республикаси олдинги ўринни эгаллайди.

3. Мамлакатни бошқариш аввалги коммунистик тузумда қанчалик самарали бўлган? Тахмин шундайки, авторитар тузумда самарали бўлган давлатлар демократияси янги тизимда ҳам ўшанча самарали бўлади.

³⁷ Huntington Samuel. Democratisation and security in Eastern Europe. In P. Volen. Uncertain Futures: Eastern Europe and Democracy. New York, 1990.

4. Коммунистлар мустақиллигини ўша вақтда сақлаб қола олган ижтимоий ва сиёсий ташкилотлар спектрининг кучи ва кенглиги.

5. Радикал иқтисодий реформалар ўтказиш ва амалга оширишда янги ҳукуматларнинг имкониятлари қанчалик улканлиги.

6. Субмиллий ва этник гуруҳлар, регион ва синфлар ўрта-сидаги фарқ ва душманчилик даражаси. Шундай зиддиятларнинг натижаси Югославиянинг парчаланиши бўлди, бошқа мамлакатлар ҳали аниқ эмас.

Умуман бу фикрлар Совет Иттифоқининг парчаланишидан кейин вужудга келган давлатларга, жумладан, Россиянинг ўзига ҳам тегишли. Уларнинг кўпчилиги Шарқий Европа мамлакатларидан ҳам паст даражада бошламоқдалар, баъзилари эса ўз тарихига ва либерал-демократик тузумга эга эмас эди ва ҳатто мустақил давлат ҳам бўлмаганлар.

Кейинги йилларда ҳар не бўлганда ҳам дунё харитаси аввалгича чизилмайди, шу билан бирга, собиқ Совет Иттифоқи чегаралари узоқ Шарққача бориб етган давридаги жаҳон сиёсий таркиби ҳам орқага қайтмайди.

Бобнинг қисқача мазмуни

1. *Давлат* маълум территорияни бошқардиган сиёсий аппарат бор жойда мавжуд бўлади ва унинг ҳокимлиги қонунчилик тизимига ва ўз сиёсатини амалга оширувчи кучлардан фойдаланиш имкониятларига таянади.

2. *Ҳукумат фаолияти* доимий сиёсий чораларни амалга оширишни, сиёсий аппарат доирасида расмий шахслар томонидан фуқароларни қабул қилишни ва кўриб чиқишни назарда тутди. Сиёсат ўзида ҳукумат қарорларини ҳаётга тадбиқ этувчи, ҳокимият ўз мақсадига эришув воситаларини қамраб олади. Сиёсий қамров давлат институтларидан ташқарига ҳам ёйилиши мумкин.

3. *Замонавий давлатлар* ўзида у ёки парламент тизимига эга *миллий давлатларни* ифодалайди. Суверенитет тушунчаси (аниқ белгиланган ҳудуддаги ҳукумат ҳокимлиги) миллий давлатнинг легитимлигини ҳам, унинг бошқа мамлакатлар билан чегарасини ҳам тан олишни билдиради. Ҳар бир жамият индивидуал хусусият касб этгач, миллатчиликка мувожаат қилади.

4. Фуқаролик маълум ҳуқуқларга — фуқаролик, сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқларга эгалликни ифодалайди. Агар улар қайсидир шаклда жамиятда қарор топган бўлса, бу жамият демократик деб аталиши мумкин.

5. Демократик тузумнинг бир қанча типлари бор. *Кўппартияли вакиллик демократияси* барча катта ёшдаги аҳолининг овоз бериш ҳуқуқини ва партия сайлови имконини билдиради. *Вакиллик яккапартияли демократия* барча катта ёшдаги аҳолининг овоз бериш ҳуқуқини ифодалайди, бироқ партия сайлови имкониятини бера олмайди. *Қўшма демократик бошқарув* (тўғридан-тўғри демократия) ҳар кимга тегишли масалаларни муҳокама этиш ва қабул қилиш имкониятларини бера олади.

6. Вебер ва Шумпетер қарашларига мувофиқ, замонавий йирик масштабда жамиятда эришиши мумкин бўлган демократик иштирок даража-

си чекланган. Элиталарнинг бошқаруви шубҳасиз, бироқ кўппартиявийлик тизимлари ҳокимиятни юрғузувчиларнинг сайланиш имкониятларини таъминлайди. Плюралистик назариялар тарафдорлари манфаатдор гуруҳлар рақобати бошқаруви элиталар қўлидаги ҳокимиятни мужассамлаштириши даражасини чеклайди.

7. *Сиёсий партия* сайловлар жараёнида ҳукумат устидан легитим назоратга эришишга йўналган ташкилотни намоён этади. Фарбнинг кўплаб давлатларида умумий сиёсий манфаатлар — социализм, коммунизм, либерализм ёки консерватизмни акс эттирувчи йирик партиялар мавжуд. Овоз бериш стереотиби ва синфий айирма ўртасида маълум ўзаро боғлиқлик бор. Кўплаб фарб мамлакатларида анъанавий партияларнинг оммавийлиги йўқолиб бориши, шунингдек умуман партия тизимига бўлган ҳафсаласизликнинг ўсиб бориши кузатиш мумкин.

8. Барча мамлакатларда аёллар эркаклардан кейин овоз бериш ҳуқуқини олдилар ва сиёсий элита ичида жуда камтарона ўрин эгаллаганлар. Бъзи соҳаларда, масалан, маиший зўравонлик қурбонларини ҳимоя қилиш соҳасида улар катта таъсирга эришдилар.

9. *Сиёсий фаоллик сиёсий партиялар доирасидагина чегараланмайди. Нормализация ҳаракатлари ва таъсир этувчи гуруҳлар катта таъсир кучига эга бўлишлари мумкин.*

10. Фарб жамиятларида миллий бойликларнинг номувофиқ катта қисмига эга бўлган, бошқа қўйи қатлам вакилларига қараганда юқори давлат лавозимларини эгаллашда катта имкониятларга эга бўлган кўзга ташланадиган юқори синф мавжуд.

11. Совет Иттифоқи ва Шарқий Европа давлатлари фарб мамлакатларига қараганда юқори амалдор раҳбариятининг ижтимоий келиб чиқиши муносабатлари анчадан «очиқ» эди. Шунга қарамай коммунистик партия элитаси оддий аҳоли етиша олмайдиган кўп сонли имтиёзлардан фойдаланарди. Партия лидерлари ҳам фарб элитасидан кўра кўпроқ жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида ҳукмрон эдилар.

12. Европа Иттифоқининг барпо бўлиши барча қатнашувчи давлатлар учун улкан аҳамиятга эга бўлди. ЕИнинг келажаги ҳақида тўла аниқлик билан айтиш қийин, у, эҳтимол, ўта миллий давлат бўлмас, лекин, унга хос специфик жиҳатларини сақлаб қолади. Шарқий Европа мамлакатларида пайдо бўлган либерал-демократлар гуруҳи. ЕИ эволюцияси келажагига таъсир кўрсатади.

13. *Тоталитаризм диктатор раҳбарлигидаги ягона партия, тоталитар идеология, маҳфил полиция ва давлатнинг асосий сиёсий институтлари устидан монопол назорат борлиги билан тушунилади. Бу атамани совет типидagi жамиятни тасвирлаш учун адекват деб ҳисоблаш мумкин эмас. У диктатор ўз қўлида улкан ҳокимиятни ушлаб турган фавқуллодда ҳолатларга нисбатан кўпроқ қўлланилади.*

Асосий тушунчалар

<i>давлат ҳукумат</i>	<i>сиёсат миллий давлат</i>
---------------------------	---------------------------------

Энг муҳим атамалар

<i>давлатсиз жамият давлат жамияти сиёсий аппарат</i>	<i>нуфузли якка партияли демократия обрўйи демократик централизм қўшма демократик бошқарув (тўғридан-тўғри демократия)</i>
---	--

мажбур қилиш
суверенитет
фуқаро

миллатчилик
фуқаролик ҳуқуқлари
сиёсий ҳуқуқлар

ижтимоий ҳуқуқлар
умумий фаровонлик
давлати
демократия
нуфузли
кўп партияли демократия
либерал демократия

конституцион монархия
демократик элитизм
демократиянинг плюралистик
назарияси
манфаат гуруҳлари
сиёсий партия
давлат функцияларининг ўта ортиб
кетиши
легитимлик кризиси

ҳуқумрон элита
тоталитаризм

фашизм

Кўшимча адабиёт

Klaus von Beyme. Political Parties in Western Democracies. London: Gover, 1985. Сиёсий партияларни қиёсий ўрганиш, уларнинг ривожланиши ва мафқуравий ўзгаришлари алоҳида эътибор билан таҳлил қилинган.

Stephen George. An Awkward Partner: Britain in the European Community. Oxford, 1990. Британия ва Европа ҳамжамияти ўртасидаги мураккаб муносабатларга бағишланган қизиқарли обзор.

Alan James. Sovereign Statehood. London: Allen and Unwin, 1986. «Мустақиллик» тушунчасининг контекстлардаги мазмуни ва қўлланиш усулларига бағишланган тадқиқот.

John Kingdom. Government and Politics in Britain. Cambridge, 1991. Британия сиёсати ҳақидаги фундаментал ва танқидий йўналишдаги асар.

Adam Przeworski. Capitalism and Social Democracy. Cambridge, 1985. Иқтисодий такомиллашув ва жамиятни социалистик асосда қайта қуриш идеаллари учун кураш — мустақил тарихий ҳодисалар экани ҳақидаги ғоя тавсифи.

James N. Rosenau. Turbulence in World Politics: A Theory of Change and Continuity. London, 1990. Фарбий Европадаги турли мамлакатлар сиёсий ҳаётига доир фойдали ва кенг қамровли муқаддима.

John Scott. Who Rules Britain? Cambridge, 1991. Ўзгариб бораётган дунёнинг сиёсий тартибларини тушунишда мутлақо янги усулни асослашга уруниш.

D.W.Urwin and W.E.Patterson. Politics in Western Europe Today: Perspectives, Policies and Problems since 1980. London, 1990. Британия жамиятидаги элита ва ҳокимият тўғрисида ёзилган энг яхши китоб.

Alan Ware (ed.). Political Parties: Electoral Change and Structural Response. Cambridge, 1987. Партия ва сайловчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, партиявий элита ва унинг оддий аъзолари ўртасидаги муносабатлар, партия ташкилоти ва сайловларнинг молиявий жиҳатлари таҳлил қилинган.

Уруш ва ҳарбий кучлар

1916 йил 1 июль куні Британия ва Франция қўшинлари Франциянинг шимоли-шарқидаги Сомма дарёси атрофларида жой эгаллаб турган немис қисмларига ҳужум бошладилар. Биринчи жаҳон урушининг иккинчи йили эди ва томонлар у пайтгача траншеялар ва ҳимоя қурилмалари тизими яратиб бўлган эдилар. Томонларнинг ҳеч бири рақибини чекинтира олмади. Сомма соҳилидаги жангда иттифоқчилар бутун фронт чизиги бўйлаб ҳужум қилиб, немисларни эгаллаб турган ўринларидан бутунлай қувиб чиқаришни режалаштирган эдилар. Ҳужумнинг асосий қисми Британия қўшинлари зиммасига тушган эди. Немис қўшинларини замбаракдан ўққа тутганларидан сўнг, минглаб аскарлар “халис чизиқ” бўйлаб немислар томон чопдилар.

Ўққа тутиш натижасида кўплаб немис аскарлари нобуд бўлганига қарамай, ҳимоя чизиқларидагиларнинг катта қисми омон қолган эди. Ҳужумчилар ҳимоя чизигига яқинлашганларида, улар винтовка ва пулемётлардан очилган оловга дуч келдилар. Ҳимоянинг ичкарасида жойлашган замбараклар отилар, портловчи снарядлар ерга тушиб, атрофга минглаб парчаларни сочар эди. Инглизларнинг кичик-кичик гуруҳлари немис фронт чизигини ёриб ўтишни уддаладилар, баъзилари ичкарироққа кира олдилар, лекин ортда қолган “халис чизиқ” ҳамон немислар томонидан ўққа тугилар эди ва фақат бир неча кўмак гуруҳларигина уни ёриб ўтишга эришдилар. Биринчи кунги жангнинг охирига бориб инглизлар фронтнинг фақат бир қисмида, ўз траншеяларидан фақат 1 миль масофага илгарилай олдилар. Натижада Британия аскарларидан 57000 нафари, немислардан 8 000 нафари нобуд бўлди.

3 июль куні ҳужум қайтадан бошланди ва 4 ой давомида такрорланиб турди. Жуда катта йўқотишлар эвазига баъзи инглиз қўшинлари яна биров илгарилай олдилар. Ноябрь ўрталарида, ҳужумлар якунланганида, немис fronti асосан ўзгармай қолган эди. Сомма соҳилидаги жанг натижасида иттифоқчилардан 500000 дан зиёд аскар ва тахминан шунча немис аскари нобуд бўлган. Инсоният тарихида аввал ҳеч қачон бир ҳарбий тўқнашувда бунча кўп куч қатнашмаган, тўқнашувларда бунчалик кўп қурбон берилмаган эди¹.

Биринчи жаҳон урушидан буён тобора катта бузғунчи кучга эга бўлган қурооллар яратилиб, такомиллашиб бормоқда. Ик-

¹ Wilson T. The Myriad Faces of War. Cambridge: Poliy Press, 1986.

кинчи жаҳон урушида ва ундан кейинги ҳарбий ҳаракатларда нафақат ҳарбий, балки тинч аҳоли орасидаги қурбонлар сони ақл бовар қилмас даражада катта бўлган. Ҳарбий тўқнашувлар ўлчами ва ваҳшийлигининг орғиши саноатлашиш давридаги бошқа ижтимоий ўзгаришлар каби, замонавий жамиятнинг характерли хусусиятларидан бирига айланиб борарди. Ҳозирги замон уруши нега ва қандай қилиб бу даражага етди? Уруш ва қуроли кучлар ҳозирги кунда ижтимоий тараққиётга қандай таъсир кўрсатади? Ҳарбийлар қўлидаги ҳокимиятга социология нуқтаи назаридан қандай ёндошиш керак? Ушбу бобда шу каби масалаларни кўриб чиқамиз.

Ўтмишдаги ҳарбий ҳаракатлар

Ибтидоий жамиятлар

Қадимги овчилар, термачилар, ва шунингдек кичик деҳқон жамиятларида профессионал аскарлар бўлган эмас. Қўшнилари билан тўқнашув юзага келганида, қабиланинг барча эркаклари жангда иштирок этар эдилар. Бундай ҳолларда “уруш” ҳақида гапириш умуман нотўғри бўлар эди, чунки бундай тўқнашувлар камдан-кам содир бўлган. Ҳамма ҳар доим емак қидириш билан банд бўлгани учун мунтазам ҳарбий отрядлар тузиб, уларни боққишга имкон йўқ эди. Кичик жамоалар ўртасидаги тўқнашувлар катта жамиятлар ўртасидаги йирик ҳарбий ҳаракатлардан тубдан фарқ қилар эди. Ибтидоий жамиятларда на ҳарбий қўшинлар, на унга мос технологиялар (масалан, металл қалқонлар, қилич ва найзалар) мавжуд эди. Бошқаларни мағлуб этиб қул қилишга иштиёқ ҳам йўқ эди.²

Узоқ давом этган қонли урушлар давлатлар шаклланиш даврининг ўзига хос хусусиятига айланди. Йирик анъанавий давлатлар одатда бошқа майда гуруҳларни забт этиб қўшиб олиши натижасида шаклланган империялар эди. Қурол ишлаб чиқариш учун металлни ишлаш усуллари ҳам шундай давлатларда пайдо бўлди. Анъанавий давлатларда профессионал аскарлардан ташкил топган доимий қўшинлар шаклланди. Ҳарбий қудрати денгиз билан боғлиқ бўлган давлатларда махсус денгиз ҳарбий кучлари мавжуд эди. Лекин, одатда мунтазам қўшинлар ва денгиз флотлари биринчи ўринда императорни, унинг саройини қўриқлаш учун мўлжалланган эди. Каттароқ қўшин тўплаш деҳқонларни жалб этишни ва ҳарбий бирикмалар ташкил этишни талаб қилар эди.

Биринчи давлатлар қурол-аслаҳа ясашда асосан бронзадан фойдаланар эди, лекин ҳозирги кунгидек у пайтда уруш олиб бориш усули технологик тараққиёт даражаси билан бевосита боғлиқ эмас эди. Қурол ва аслаҳа ясаш энг моҳир усталардан

² Otterbein Keith F. The Evolution of War; a cross — cultural study. New Haven, 1985.

ҳам узоқ вақт талаб қилар эди. Шунинг учун бир марта ясалган қуроладан узоқ йиллар мобайнида фойдаланилар эди ва қурол ясовчи усталар сони аскарларга нисбатан ҳар доим жуда оз эди. Эрамиздан аввал тахминан XIV асрда инсон темир эритишни ўрганди ва қурол тайёрлаш сезиларли даражада осонлашди. Энди эркакларнинг кўпчилиги профессионал аскар бўлмасдан ҳам қурола эга бўлиш имконияти туғилди.

XVI—XVII асрларгача хитойлар ва мўғуллар энг катта ҳарбий кучга эга эдилар. Хитойликлар ғарбий жамиятлардан санъат ва адабиётда ҳам, ҳарбий соҳада ҳам анча илгариди эдилар. Масалан, XI аср охирида Хитойда икки давлат арсеналида 32000 дона ҳарбий аслаҳа ишлаб чиқарилган. Бу ҳарбий соҳанинг ўта ривожланганидан далолат беради.³ Хитойликлар биринчи бўлиб порох ва милтиқни ихтиро қилганлар. Уларнинг кемалари узоқ сафарларга чиқиш имкониятига эга эди. Фақатгина Хитой императорининг 1371 йилдаги бошқа давлатлар билан савдо-сотиқни маън этиш қарори бу сафарларга чек қўйди ва хитойликлар ўз давлатлари ҳудудига қайтишга мажбур бўлдилар. Агар император бундай ҳукм чиқармаганида, дунё тарихи умуман бошқа йўлдан кетган бўлиши мумкин эди. Чунки Европаликлар улардан анча кейин бошқа давлатларни забт эта бошладилар ва бу ғарб цивилизациясининг тарқалишига асосий сабаб бўлди.

Европа ва унинг мустамлакаларида ҳарбий ҳаракатлар

Европанинг иқтисодий ривожланиши, ҳарбий соҳанинг ташкилий ва технологик тараққиёти ғарбий давлатлар мавқеини кўтариб юборди. Урушлар дунё харитасининг қайта шаклланишида асосий ролни ўйнади. Европада давлатларнинг сақланиб қолиш-қолмаслиги масаласи келиб чиқди, чунки 1500 йилда Европада 500 дан зиёд давлат мавжуд эди. XX асрда ҳам урушлар чегара белгилашнинг асосий воситаси бўлиб қолаверди — Германиянинг 2-чи жаҳон урушидан сўнг Ғарбий ва Шарқий Германияга бўлиниши бунга мисол бўла олади.

Дунёнинг бошқа минтақаларидаги ҳарбий ҳаракатларни таҳлил қилганда шуни ҳисобга олиш керакки, Европа босқинчилик сиёсатининг муваффақияти асосан ҳарбий ташкилотчилик ва қуролланишнинг устунлигидан келиб чиқади. У пайтда Америкада мавжуд бўлган ҳиндулар маданиятлари оқ танли мустамлакачиларнинг ҳужумларига жуда қисқа вақт дош бера олганлар. Шимолий-шарқий Американинг сиёсий бўлинишини асосан Европаликлар ўртасидаги урушлар белгилаган. Жанубий ва Марказий Американи Испания ва Португалия ўзаро бўлишаётган бир пайтда, Шимолий Америка тақдири Франция ва Буюк Британия, шунингдек, британияликлар ва америкалик мустам-

³ Needham J. The development of iron and steel technology in China. Cambridge. 1975.

лакачилар ўртасидаги ҳарбий тўқнашувларда ҳал этилаётган эди. Буюк Британия Франция устидан ғалаба қозонганидан сўнг Канаданинг этник таркиби шаклланди — бу давлатда француз маданияти фақат Квебек атрофидаги минтақаларда сақланиб қолди. Америкалик мустамлакачиларнинг Британия ҳукумат кўшинлари устидан эришган ғалабаси натижасида Кўшма Штатлар сақланиб қолди ва йирик давлатга айланди.

Урушнинг саноатлашуви

XVIII аср бошида йирик давлатлар ҳарбий сон жиҳатидан ҳам тез ўса бошладилар — қисман, бу албатта, аҳоли сонининг ўсишига ҳам боғлиқ эди. Мунтазам чақириқлар тизимига асосланган доимий кўшинлар пайдо бўла бошлади. Ҳарбий кучларни ташкил этишнинг асосий тамойилларининг ўзгариши ҳам муҳим омил бўлди.⁴ Аскарлар қатъий тартибга амал қила бошладилар, уларни мақсадли равишда ҳарбий илмга ўргата бошладилар. Армиялар бошқа ташкилотлар каби бюрократлашиб кетдилар. Зобитлар корпуси тобора профессионаллаша бошлади. Ҳарбий ва саноат соҳаларининг ўзаро бирлашиш ва ҳатто кўшилиш жараёнлари бошланди; янги саноат технологияларининг пайдо бўлиши қуролнинг вайрон қилувчи кучини жуда ҳам ошириб юборди.

Бундай жараёнларни одатда урушнинг саноатлашуви деб аташади. 1860 йилда Лондондаги Вулвич Арсенали, Британия армиясининг асосий таъминотчиси, 1 кунда 250000 дона ўқ ва шунча тайёр патрон ишлаб чиқаришга қодир эди. Ҳукуматлар ўз арсеналларига эга бўлсалар ҳам, саноатчилар мустақил равишда қурол ишлаб чиқариб, уни давлат ичида ҳамда хорижга сота бошладилар. Ҳозирги маънодаги қурол савдо-сотиғи ўша пайтда, яъни XIX асрнинг иккинчи ярмида бошланди. Энди ҳарбий соҳадаги асосий ролни ўз фаолиятини қурол ишлаб чиқариш ва уни техник жиҳатдан такомиллаштиришга йўналтирган йирик корпорациялар ўйнай бошлади.

8-жадвал. XIX—XX асрлардаги қурбонлар сони
100000 дан ортиқ бўлган урушлар

XIX аср			
Жойи	Санаси	Уруш хусусияти	Қурбонлар сони
Шимолӣ Америка Кўшма Штатлар	1861—1865	Фуқаролар уруши, Кўшма Штатлар ҳукуматиға қарши Конфедерация уруши	650000
Лотин Америкаси	1864—1870	Бразилия ва Аргентинаға қарши Перу уруши	1000000

⁴ McNeill William. The pursuit of Power: Technology, Armed force and Society size. AD 1000. Oxford, 1983.

Бразилия	1899—1903	Консерваторлар ҳукуматига қарши либераллар уруши	150000
Колумбия	1868—1878	Испанияга қарши Куба уруши	200000
Куба	1898	Испанияга қарши Куба уруши	200000
Европа		Куба ва Филиппин ороллари учун Испанияга қарши АҚШ уруши	200000
Германия	1870—1871	Германия (Пруссияда)га қарши Франция уруши	250000
Юнонистон	1821—1828	Юнонларнинг Туркияга қарши кўзғолони	120000
Туркия	1828—1829	Туркияга қарши Россия	130000
	1877—1878	Туркияга қарши Россия	285000
Россия	1853—1856	Крим уруши, Россияга қарши Туркия; Буюк Британия, Франция, Италия иштирок этган	267000
Узоқ Шарқда			
Хитой	1860—1864	Тайпинлар кўзғолони, Британия аралашуви	200000
	1860—1872	Хитойга қарши мусулмон кўзғолонлари	150000
Индонезия	1873—1878	Аче султонлиги Нидерландияга қарши	200000
Филиппин ороллари	1899—1902	Филиппинликларнинг АҚШга қарши кўзғолони	215000
Жами:			5817000

XX аср

Жойи	Санаи	Уруш хусусияти	Қурбонлар сони
Лотин Америкаси			
Боливия	1932—1935	Парагвайга қарши Боливия уруши	200000
Колумбия	1949—1962	“Ля Виоленся”: фуқаролар уруши, консерваторлар ҳукуматига қарши либераллар уруши	300000
Мексика	1910—1920	Ҳукуматга қарши либераллар ва радикаллар уруши	250000
Европа			
Юнонистон	1945—1949	Фуқаролар уруши. Британия аралашуви	160000
Польша	1919—1920	Польшага қарши СССР уруши	100000
Испания	1936—1939	Фуқаролар уруши, Испания, Португалия ва Германия аралашуви	1200000
Туркия	1915	Арманларнинг кўчирилиши ва қирғин қилиниши	1000000
Россия	1904—1905	Россияга қарши Япония уруши	130000
	1918—1920	Фуқаролар уруши. Антанта аралашуви	1300000
Европа ва бошқа давлатлар			
	1914—1918	Биринчи жаҳон уруши	19617000
	1939—1945	Иккинчи жаҳон уруши	38351000

Яқин Шарқ Ироқ	1961—1970	Фуқаролар уруши, ҳукуматга қарши курдлар кўзғолони, христианларга қарши ҳаракатлар	105000
	1982—1988	Ироқ босқинчилигига қарши Эроннинг қарши ҳужуми	600000
Ливан	1975—1976	Фуқаролар уруши, христианларга қарши мусулмонлар, Сурия интервенцияси	100000
Яман АР	1962—1969	Ҳукумат ағдарилиши, Фуқаролар уруши, Миср аралашуви	101000
Жанубий Осиё Афғонистон	1978—1986	Фуқаролар уруши, ҳукуматга қарши мусулмонлар кўзғолони, совет кўшинлари киритилиши	500000
Бангладеш	1971	Покистонга қарши бенгаллар кўзғолони; Ҳиндистон аралашуви; очлик ва оммавий қирғин	1500000
Ҳиндистон	1946—1948	Ҳиндларга қарши мусулмонлар кўзғолони, Британия аралашуви, оммавий қирғинлар	800000
Узоқ Шарқ Камбоджа	1970—1975	Фуқаролар уруши, ҳукуматга қарши қизил кхмерлар кўзғолони, АҚШ ва Шимолӣ Вьетнам аралашуви	156000
Хитой	1975—1978	Пол Пот ҳукумати аҳолига қарши ўтказилган геноцид, очлик ва оммавий қирғинлар	2000000
	1928	Мусулмонларнинг ҳукуматга қарши кўзғолони	200000
	1930—1935	Фуқаролар уруши, ҳукуматга қарши коммунистлар кўзғолони	500000
	1937—1941	Хитойга Япониянинг босиб кириши	1800000
	1946—1950	Фуқаролар уруши, Гоминдан ҳукуматига қарши коммунистлар кўзғолони	1000000
	1950—1951	ҳукуматнинг йирик ер эгаларига қарши кураши	1000000
	1956—1959	Тибет кўзғолони	100000
Индонезия	1965—1966	Муваффақиятсиз давлат ағдарувчи ҳаракати, қирғинлар	500000
Корея	1975—1980	Шарқий Тиморнинг қўшиб олиниши, очлик ва қирғинлар	100000
	1950—1953	Корея уруши, БМТ кучларининг аралашуви	2889000
Вьетнам	1945—1954	Франция босқинчиларига қарши озодлик учун кураш	600000
	1960—1965	Фуқаролар уруши, ҳукуматга қарши Вьетконг, АҚШ аралашуви	300000
	1965—1975	Ҳинди-Хитойдаги уруш, Америка томонидан бомбардимон қилиниши.	2058000
Африка Жазоир	1954—1962	Фуқаролар уруши, ҳукуматга қарши мусулмонлар кўзғолони. Франциянинг аралашуви	320000


Бурунди	1972	Хукуматга қарши Хутулар қўзғолони, оммавий қирғинлар	100000
Эфиопия	1974—1986	Эритреяда қўзғолон, очлик	545000
Мозамбик	1981—1986	Фуқаролар уруши натижасида кучайган очлик	100000
Нигерия	1967—1970	Фуқаролар уруши, хукуматга қарши қўзғолон, Биафр кучлари, очлик ва қирғинлар	2000000
Руанда	1956—1965	Хукуматга қарши Тутси қотилликлари, қирғинлар	108000
Судан	1963—1972	Араб хукуматига қарши христианлар қўзғолони, қирғинлар	300000
Танзания	1905—1907	Германияга қарши қўзғолон, қирғин	150000
Уганда	1971—1978	Фуқаролар уруши, Иди Амин ағдарувчилик қўзғолони, қирғинлар	300000
Заир	1981—1985	Халққа қарши армия жанглари, қирғинлар	10200
	1960—1965	Катанга вилоятининг ажралиб чиқиши, БМТ кучлари ва Бельгия аралашуви	100000
Жами:			83642000

Манба: Ruth Leger Sivard. World Military and Social Expenditures, Washington: World Priorities, 1983. P. 26.

Умумжаҳон уруши

Урушларнинг саноатлашуви чекланган урушларнинг умумжаҳон урушига айланишига сабаб бўлди. XX аср бошланишидан аввал энг йирик урушларда ҳам аҳолининг кичик қисми, одатда жангда бевосита қатнашаётган аскарлар ва жанг содир бўлаётган ер аҳолиси иштирок этар эди. Шу маънода иккала жаҳон урушининг ўлчами чекланмаган эди. Чунки балоғатга етган эркакларнинг талайгина қисми жанглarda қатнашар эди ва ҳарбий мақсадларда бундай урушлар олиб бориш имконияти давлатларнинг бутун халқ хўжалигини сафарбар этиш қобилиятига боғлиқ эди. Биринчи жаҳон уруши (ёки бошқача сўз билан айтганда “Улуғ уруш”) кўп жиҳатдан ҳарбий кучларнинг ривожланишини белгилаб берди. Бу уруш ҳам ўлчами, ҳамда иштирок этган давлатлар сони жиҳатидан (Европадан тортиб Россия, Япония, АҚШгача) ўз номини тўла оқлади; бунақасини инсоният тарихи ҳали кўрмаган эди. Ундаги қурбонлар сони аввал содир бўлган урушлардан кўп баравар ўтиб кетди.

Ҳеч қачон уруш бунчалик шафқатсиз бўлмаган, ҳеч қачон аскарлар бунчалик узоқ вақт ўқ остида бўлмаганлар. Биринчи жаҳон урушининг баъзи хусусиятлари фақат унинг ўзига хос тарихга айланди (масалан ҳаракатсиз окоп уруши), лекин кўп жиҳатлардан у XX аср урушлари прообразини бўлиб қолди. Тарихчи Морис Пиртон таъкидлаганидек, “энди уруш махсус элита сифатида ҳарбийларнинг машғулоти эмас, балки бутун жамият ишига айланди ва айни вақтда кучни маъёрида, рацио-



8-расм. Урушларнинг уч асри: 1700—1986 йиллардаги урушлар миқдори ва курбонлар сони (фақат минг ва ундан ортиқ одам ҳалок бўлган урушларгина ҳисобга олинган).

Манба: Ruth Leger Sivard. World Military and Social Expenditures. Washington DC: World Priorities, 1983. P. 26.

нал қўллашдан чегара билмаган ваҳшийликка ўтиш содир бўлди”⁵.

Биринчи жаҳон уруши мобайнида янги турдаги қуруллар ишлаб чиқишда фаннинг ютуқлари кенг қўлланила бошлади. Танкнинг ихтиро қилиниши бунга ёрқин мисол бўла олади (биринчи бор Сомма жангида қўлланилди). Бошида танк ерда ҳаракат қилишга мослаштирилган, оғир қуруллар билан жиҳозланган, зирҳли кемага ўхшаш бир қурулма эди. Биринчи жаҳон урушида танклар унчалик катта рол ўйнаган эмас, лекин кейинчалик улар ер устида жанг олиб боришнинг асосий воситасига айланган. Биринчи жаҳон урушидан сўнг танклар ва бошқа ҳарбий техника ишлаб чиқишга йўналган алоҳида илмий тадқиқот дастурлари ягона ва узлуксиз жараёнга айланиб кетди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳозирги замон қурулли кучлар асосини ташкил қилган 3 технологик кашфиёт яратилди: ядровий қурул ихтиро қилинди, реактив снаряд яратилди, ҳимоя ва ҳужумни ташкил этишда радарлар қўлланилди. Урушдан кейинги даврда бу учала кашфиёт бирилашиб кетди: ракетага ядровий каллақ ўрнатилди, уни бошқариш учун электрон мўлжал тизими қўлланила бошланди. Оддий ҳаётнинг ажралмас қисмига айланган бир қатор муҳим технологик кашфиётлар ҳам Иккинчи жаҳон уруши ёки урушнинг сўнгги давр стратегик тад-

⁵ Pearton M. The knowledgeable state: diplomacy, war and technologic since 1830. University Press of Kansas, 1984.

қиқотларига бориб тақалади. Буларга реактив авиасозлик, телекоммуникация ва ахборот технологиялари киради.⁶

Қурбонлар сони ҳақида гапирадиган бўлсак, шу нарса маълум бўладики, XX асрда инсоният тарихда мисли кўрилмаган даражада урушга иштиёқманд бўлган. Бутунга келиб асримиз мобайнида урушларда ўлдирилганлар сони 100 миллиондан ошиб кетди. Демак ҳар куни ўртача 3500 аскар ҳаётдан кўз юмган. Лекин бутун XX аср давомида ер юзининг турли минтақаларида тинимсиз урушлар ҳамон давом этаётир...

Уруш ва агрессия

Нега урушлар тўхтамайди? Инсонларнинг урушларда қатнашишга тайёрлиги туғилишнинг уларга хос шиддатга мойиллигидан келиб чиқади, деган тассурот пайдо бўлиши мумкин. Эҳтимол, шиддат инсон табиятига хосдир ва вайрон этувчи урушларда ўз аксини топаётгандир? Аслида бундай мулоҳаза гапириб ўтиришга ҳам арзимайди. Жанг майдони баъзи инсонларга қотилликка бўлган яширин интилишларини амалга оширишда ёрдам бериши мумкин, лекин урушнинг бундай шиддатли туйғуларни қондириш билан боғлиқлиги жуда кам. Шиддат — инсон далолатининг турли томонларига хос бўлган характерли хусусиятидир, лекин у жуда кам инсонни қотилликка ундайди. Бошқа инсонни ўлдиришга мажбур бўлган инсонларнинг аксарияти уруш пайтида шундай қилган. Кўпчилигимиз инсонларни таниймиз, учратганмиз. Лекин одатда биз улардан қўрқмаймиз, чунки уларнинг уруш пайтдаги ҳаракатлари индивид оддий ҳаётда намойиш этиши мумкин бўлган шиддаткорликдан фарқ қилади.

Барча армияларда албатта сафга тайёргарлик илми ўтилади. Бу машғулот туфайли аскарлар ҳарбий интизомга ўргатилади. Бундай машғулотлар жангда ғалабага эришиш учун зарур бўлган яхши жисмоний тайёргарликни ва гуруҳда иноқликни мустаҳкамлаб туради. Шу билан бирга, бундай машғулотлар инсоннинг одатий сезувчанлигини ўзгартириб, уни қон тўкилишига совуққонлик билан қарайдиган қилиб қўяди. Узоқ вақт уруш ва шиддатни ўрганиш билан шуғулланган Грин Дайер бу борада шундай дейди:

“Армиянинг асосий мақсади — бу қотиллик, шунинг учун аскарнинг тайёрлигида асосий нарса — бу маълум шароитда душман билан юзма-юз келганда шиддатни амалда қўллаш, йўлдаги тўсиқларни ёриб ўтиб, душманни ўлдиришга ўрганишдир. Инсонларнинг аксариятини ўлдириш илмига махсус ўқитиш керак, лекин бу ерда баъзи истиснолар ҳам бўлади. Баъзан “туғма аскарлар” — яъни эркакча ошна-оғайничиликдан, моддий ва руҳий тўсиқларни енгиб ўтишдан завқ оладиган инсонлар ҳам учрайди. Бундай инсон албатта бировни ўлдиришга интилиши шарт эмас, лекин бундай ҳаракатни талаб қила-

⁶ Milward Alan S. The Word Wars on Britain. London. 1984.

диган ҳолатда, масалан, урушда у узоқ қўйналиб, иккиланиб ўтирмайди. Лекин армияларда бундай инсонлар кўп эмас. Аксинча, улар шу қадар озки, ҳатто кичик профессионал отрядларда ҳам жуда озчилиқни ташкил этишади. Асосан улар командос туридаги махсус катта маош тўланадиган қисмларда жамланган бўлади. Мунтазам чақириқ орқали шаклланадиган катта армияларда бундай одамлар оддий инсонлар ичида изсиз ғойиб бўлиб кетадилар. Худди шу каби урушишни истайдиган оддий инсонларни армия ўлдиришга мажбурлаши керак.⁷

Иккинчи жаҳон урушида АҚШ армияси полковниги С. Л. А. Маршалл 400 га яқин рота аскарлари билан қўллаб суҳбатлар ўтказган. Натижалар уни ҳайратга солган. Шу нарса маълум бўлдики, ҳатто ҳаёти хавф остида бўлган жанговар ҳолатларда ҳам, аскарларнинг атиги 15% и ҳеч бўлмаганда 1 марта ўқ узган. Бу кўрсаткич нафақат аскарларни, балки зобитларни ҳам ҳайрон қолдирган, чунки уларнинг ҳар бири фақат ўз мажбуриятидан четга чиқишни ҳаёлига келтирар эди. Аскарлар фақат атрофида бошқалар, айниқса, зобитлар борлигида ўт очишар эди. Уларнинг ўқ узишни хоҳламаслиги кўрқоқликни эмас, балки заруриятсиз қотилликка бўлган нафратни кўрсатади.

Шундай қилиб, урушлар — инсон агрессивлигининг бевоқифа маҳсули эмас. Урушларнинг сабаби ҳам, содир бўлиш кетма-кетлиги ҳам умуман бошқа омиллар билан белгиланиши лозим. Уларнинг энг муҳимлари қаторига даврларнинг ижтимоий структура сифатида анъанавийликдан замонавийлик йўналишида ривожланиши киради. Аввал таъкидланганидек, ибтидоий жамиятларда тўла маънода уруш тушунчаси йўқ эди. У пайтда содир бўлган қуролли тўқнашувлар кўпроқ урушни эмас, балки спортни эслатовчи ва хавфсиз маросим эди; уларнинг иштирокчилари қон тўкилишига эмас, балки қон тўкилишини камайтиришга интилар эдилар. Йирикроқ ижтимоий ташкилотлар ва марказлашган давлатлар пайдо бўлиши билан аҳвол тубдан ўзгара бошлади. Жанг майдонларида ҳарбий сафларга жамланган юзлаб ва минглаб аскарлар тўқнашар эдилар.

Содда қилиб айтганда, ҳарбий кучни қўллаш воситаларига эга бўлган давлатлар мавжуд экан, ҳар доим уруш келиб чиқиши эҳтимоли ҳам мавжуд бўлаверади. Урушни бошлашга ундовчи сабаблар турлича бўлса-да, одатда давлатларнинг манфаатлари тўқнаш келиб, ўртадаги зиддиятни сиёсий ва савдо битимлари, дипломатик музокаралар орқали ҳал этиш имкони бўлмаганида ҳарбий ҳаракатлар бошланади. Давлатлар урушни бошқа бир давлат территорияси ёки қандайдир ресурслари (масалан, муҳим денгиз йўли) устидан назорат ўрнатишни хоҳлаганида ёки мафкуравий ва диний келишмовчиликлар натижасида бошлаши мумкин. Қандайдир ягона сабаб ҳеч қачон уруш келтириб чиқара олмайди. Уруш — бу давлатнинг қувватини ва таъсир кучини ҳалқаро майдонда синаш жараёнидир. Буюк ҳарбий назариётчи, XIX аср немис мутафаккири Карль фон Клау-

⁷ Dyer Gwynnle. War. London, 1985.

зевиц ўзининг машҳур гапида бу фикрни жуда аниқ ифодалаган: “Уруш — бу фақатгина сиёсий ҳаракат эмас, ҳақиқий сиёсий воситадир, у сиёсий можаронинг давоми, айни мақсадга ўзгача йўл билан эришиш усулидир”⁸.

Ҳарбий ташкилланиш турлари

Аввалида интизом сўзи ўқитиш жараёни билан боғланар эди. Уни ҳозир ҳам баъзан шу маънода ишлатамиз. Масалан, социология ёки бошқа академик фанларни дисциплина деб юритамиз. Лекин XVII асрда бу сўз ҳарбий тайёргарлик ва унинг натижасида ишлаб чиқилган махсус тартиб-интизом қоидаларини ифодалашда қўлланилар эди. Кейинчалик ҳарбий кучларни ташкил этишнинг стандарт кўринишлари пайдо бўлди. Аввал Голландия армиясида, кейинчалик бутун Европада Оран шаҳзодаси Мориц Европада илк бор ҳарбий академия барпо этди, кейинчалик унинг доктриналари бутун Европада қабул қилинди. *Форма* ва *интизом* сўзларининг ҳозирги маъноси айнан унинг назариясидан келиб чиққан.

Униформа (uniform) сўзи аввал “сифат” эди, ҳамма армияларда стандарт кийим кийиш шарти қабул қилинганидан кейин бу сўз “от”га айланди. Унгача аскарлар ўзлари хоҳлаганидек кийинар эдилар. XVII асрда барча табақадаги ҳарбийлар учун махсус форма кийиш мажбурий қоидага айланди. Мориц шунингдек ҳамма аскарлар бир оёқдан тенг қадам ташлайдиган ҳарбий саф тушунчасини тadbиқ этди. У шунингдек ўз ичига оддий аскардан генералгача бўлган барча ҳарбий унвонларни қамраб олган буйруққа бўйсунуш тизимини ишлаб чиқди. Натижада армия турли бюрократик ташкилотларнинг намунавий моделига айланди.¹⁰ Энди юксак ҳарбий амалга эришиш мумкин бўлган йирик мунтазам армиялар жамият ҳаётининг ажралмас қисмига айланди.

XIX аср бошигача зобитлар кўпинча ё зодагонлардан тайинланар ёки пулга ёлланар эдилар. Зодагонлар учун уруш хобби каби бир машғулот эди. Ёлланма зобитлар учун эса у даромад манбаи эди, шунинг учун улар кўп пул тўлаган ҳар қандай одамга хизмат қилишга тайёр эдилар. XIX аср бошидаги Пруссия ҳарбий ислохотидан сўнг зобитлар корпуси тобора профессионаллашиб борди. Очиқ танлов эълон қилиниб, ёзма имтиҳонлар жорий қилинди ва хизматда кўрсатилиш учун расмий мезонлар ишлаб чиқилди. XX асрнинг бошида барча йирик Европа давлатларида, шунингдек АҚШ ва Россияда махсус ҳарбий ўқув юртлари мавжуд эди. Уларда талаба қабул қилиш,

⁸ Marsgall S. L. A. Men against fire New York, 1947.

⁹ Clausewitz Kari von. On War. London, 1908.

¹⁰ Feld Monty de. The Structure of Violence: Armed forces as social systems. Washington.

билимни баҳолашда бюрократик усуллардан фойдаланилар эди. Мунтазам кўшинлар энди маълум муддатга хизматга чақирилган ҳарбийлардан ташкил топадиган бўлди. Уруш пайтида ёки унинг хавфи туғилганида улар сони кўшимча чақириқ орқали кўпайтирилар эди. Ҳарбий ҳаракатлар ўлчами ортган сари давлатлар тобора йирик чақириқ компанияларини ўлказадиган бўлди. Бундай амалиёт Францияда майдонга келган бўлиб, айнан шу йўл билан 1813 йилда Наполеон 1300000 кишилик кўшин тўплашга муваффақ бўлган.

Умумий ҳарбий мажбурият жорий қилиниши муҳим янгилик бўлди. Унга кўра, ҳар бир ёш йигит маълум муддат мобайнида ҳарбий хизмат ўташга мажбур бўлган. Аслини олганда, бу миллий мақсадларга жавоб берадиган урушларда ҳар бир киши иштирок этиши зарурлигининг очиқ эътирофи эди. Ёлпасига хизматга чақириш зарурати барча эркак фуқаролар учун ягона овоз бериш ҳуқуқининг жорий этилишига олиб келган омиллардан бири бўлди. АҚШ дан ташқари кўпчилик ғарбий давлатларда бундай ҳуқуқ XX асрдагина киритилди.

Замонавий армиялар — таркибига зобитлар жамланган доимий амалдорлардан ташкил этилган бюрократик ташкилотлардир. *Зобит* (officer) ва *амалдор* (official) атамаларининг келиб чиқиши умумий бўлиб, инсоннинг мазкур иерархияда эгаллаб турган поғонаси билан боғлиқликни акс эттиради. Армияда баъзи бюрократик унсурлар яққол кўзга ташланади. Жумладан, барча ҳарбий тузилмаларда ягона ҳарбий унвонлар тизими амал қилади. Лекин баъзи жиҳатларда ҳарбий структуралар уларни бошқа ташкилотлардан ажратиб турадиган ўзига хос хусусиятларга эга. Ҳарбий чақириқ ёки *умумий ҳарбий мажбурият* амал қилаётган давлатларда қуроли кучлар таркибига кўшилиш ихтиёрий бўла олмайди. Муддати тугамасдан ҳарбий хизматни тарк этишга уринган ҳар қандай шахс, у хоҳ чақирилувчи, хоҳ ёлланма аскар бўлсин, ҳарбий суд орқали озодликдан маҳрум этилади. Армия — бу хизматчиларнинг аксарияти кеча-кундуз ичида яшаши мажбур бўлган ёпиқ ташкилотдир. Ҳатто казармаларда яшамайдиган ҳарбийлар ҳам улар учун махсус қурилган уйларда, ҳарбий бўлмаган аҳолидан ажралган ҳолда яшайдилар.

Ҳозирги замон қуроли кучлари хусусиятлари

Сэмюэл Хантингтонга кўра, ҳозирги замон армияси қуйидаги асосий хусусиятларга эга:

1. Зўрлик билан таъсир ўтказиш усуларини бошқаришдаги профессионализм. Замонавий ҳарбий техника ўта мураккаб бўлиб, унинг вайрон этувчи кучи жуда катта. Бундай қуролини бошқариш ва тўғри қўллаш ҳарбийларнинг профессионал вазифасидир. Эски замонларда ҳарбийлар фойдаланадиган ва ҳар ким сотиб олиши мумкин бўлган қуроллар ўртасида сезиларли

фарқ йўқ эди. Қилич, қалқон, найзалар оддий халқда ҳам, қироллик ҳарбий қўшинларидаги профессионал аскарда ҳам бор эди. Бугунги кунда армиялар қўлидаги ҳарбий воситалар куч борасида оммабоп қурооллардан анча устун туради. Жумладан, бу албатта ядровий қуроолга ҳам тегишли.

2. Буюртмачига йўналтирилганлик. Партизанлар уруши ёки инқилоблар даврини ҳисобга олмасак, ҳозирги кунда қуроолли кучлар ўзининг асосий “буюртмачиси” — ҳукумат олдидагина жавобгардирлар ва улар бу ҳукуматнинг таркибига киради. Саноатлашувидан аввалги даврда ҳарбий раҳбар ўз давлати билан алоқани узиб, бошқа халқларни забт этгани жўнаб кетиши ва ўзи янги давлат қуриб, у ерда ҳукумат ўрнатиши мумкин эди. Ҳозирги кунда бунга имконият йўқ, чунки армия давлат томонидан молиялаштирилади, давлат шу мақсадда солиқлар йиғади, қуроол-яроқ эса фақат йирик саноат корпорациялари томонидан ишлаб чиқарилади.

3. Корпоративлик (бирдамлик). Ҳарбий муҳит вакиллари, айниқса зобитлар, одатда ҳарбий бўлмаган аҳолидан ўзаро бирдамлиги билан ажралиб туради. Ҳарбийларнинг ўз мактаблари, уюшмалари, нашриётлари ва яшаш тарзи бўлади. Ҳарбий соҳада юксак амалга эришиш учун энг қуйи зобитлик унвонларидан бошлаш керак, ва бундай амалга фақатгина ҳарбий ташкилот ичида кўтарилиш мумкин. Бу соҳада, масалан, савдо соҳасидан фарқли ўлароқ, хизматини бошқа фирмада ёки бошқа соҳада бошлаган ҳеч кимса баландроқ мавқега эриша олмайди. Ҳарбий хизматчилар одатда аҳолининг қолган қисмидан ажралган ҳолда яшаб-ишлаганлари учун уларнинг иш юзасидан алоқалари ва ҳатто дўстлари доираси ҳам ҳарбий соҳа билан чекланган.

4. Ҳарбий шуур мафкураси. Мумтоз ҳарбий анъанага кўра, ҳарбий жасорат жуда юксак қадрият ҳисобланган ва жанг олиб боришнинг ўзи макташга сазовор иш ҳисобланган. Бугунги кунда “ҳарбий шуур” ҳамкорлик алоқалари билан, шахсий манфаатларни гуруҳ манфаатларига бўйсундирилиши билан, тартиб ва интизом устуворлиги билан белгиланади.

Қанчалик мантиққа зид бўлмасин, ҳозирги ҳарбий лидерларда урушга мойиллик сезилмайди, ва баъзан улар ўта жанговар сиёсатчиларга қарши чиқишлари ҳам мумкин. Ҳарбийларнинг дунёқарashi, авваламбор, армиянинг ташкилий кучини, юксак даражада техник жиҳозланганлигини таъминлаш бўлган. Хантингтон бу борада шундай дейди:

“Ҳарбийлар урушни кўп маъқулламайдилар. Улар ҳар доим уруш хавфи қуроол тўплашни талаб этишини айтадилар, лекин қуроол тўпланиши уруш келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақида жуда кам гапирадилар. Улар ҳар доим урушга тайёргарликни маъқуллайдилар, лекин ҳеч қачон урушга тайёр эканликларини айтмайдилар. Шундай қилиб, давлат сиёсатида ҳарбийлар одатда эҳтиёткор ва консерватив йўл тутадилар. Ҳозирги замон давлатларида, жумла-

дан фашистлар Германиясида, коммунистлар Россиясида ва демократик Америкада армияларнинг роли шундай бўлиб келган¹¹.

Буюк Британия қуроли кучлари

Охирги бир неча аср мобайнида Буюк Британия қуроли кучларининг ривожланишига икки асосий омил ўз таъсирини ўтказган. Қитъадаги урушларга хос бўлган хорижий қўшинларнинг катта қўламда бостириб киришидан нисбатан ҳимояловчи географик ҳолатда, яъни оролда жойлашганлиги ва унинг гуллаган пайтида дунёнинг энг йирик империясининг маркази бўлганлиги, Буюк Британиянинг ҳарбий кучи тенг равишда денгиз давлатига, ҳамда қуруқликдаги қўшинларига таянган; ўн саккизинчи асрдан бошлаб инглиз аскарларининг катта қисми ҳарбий хизматни ўз ватанларидан четда ўтаган.

Иккинчи жаҳон урушидан аввал

Ўн еттинчи асрда инглиз парламенти мунтазам армиянинг шаклланишига қарши чиқди ва унга зарур бўладиган солиқларни жорий этиш учун овоз бермади. Фуқаролар уруши бошланганида ҳар икки тараф деярли бўш жойда ўз армиясини тўплашга мажбур бўлди. Кромвель армияси Англиянинг биринчи мунтазам армияси бўлди. Бу жуда интизомли ва катта маош оладиган армия эди, лекин Реставрациядан сўнг у тарқатиб юборилди. Инглиз армиялари Шотландия, Уэльс, Англия ва Ирландиянинг “Бирлашган қиролик” таркибида бирлашиб, ҳозирги Буюк Британиянинг ташкил топишида асосий ролни ўйнаган. Лекин Кромвельнинг Ирландиядаги фаолияти ва шунингдек, протестант кўчманчиларнинг у ерга сургун қилиниши ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган келишмовчиликлар келтириб чиқарди. Британия қўшинлари бугун ҳам оролнинг шимолида фаол ҳаракат қилишга мажбурдирлар.

Буюк Британиянинг хориждаги манфаатлари ҳар қандай йирик армия дуч келадиган жамиятнинг салбий реакциясини уйғотмайдиган кучли денгиз флотига эга бўлишини талаб қилар эди. Ўз навбатида армияга ишончсизлик Буюк Британия Наполеон тор-мор этилганидан бошлаб, иккинчи жаҳон урушигача ҳеч қандай жиддий ҳарбий хавфга учрамади. Лекин амалда бутун давр мобайнида Британия қуроли кучлари мустамлакалардаги турли тўқнашув ва урушларда иштирок этиб келган. Шунинг учун Британия армиясининг ўзига хос анъаналари хорижда мустамлакалар қуриш ва уларни назорат қилиш билан боғлиқ. XIX ва XX асрларда Британия армиясининг ўсиш суръатлари аҳоли ўсиш суръатларидан анча орқда эди. Мамлакатнинг ўзида жойлашган ҳарбий қисмлар асосан мустамлакалардаги қисмлар учун шахсий таркиб йиғиш ва тайёрлаш учун хизмат

¹¹ Huntington S. P. The soldier and state: The theory and politics civil-military relations. Comdridge, 1981.

қилар эди.¹² Парламент ҳанузгача армияга қочиб қутилиб бўлмайдиган балодек қарар эди ва уни бутунлай майда дворянлардан (зобитлар корпусининг асосий манбаи) ва деҳқонлардан (оддий аскар ва сержант таркиби захираси) иборат қилиб қўйган эди. XIX асрнинг 70-йилларигача зобитлар ўз унвонларини сотиб олар эдилар ва ҳарбий амалга асосан хизмат даврининг 3 дан 2 қисми ўтадиган хорихдаги мустамлакаларда эришар эдилар.

Натижада, Буюк Британия жаҳон саноат ривожланишида етакчи роль ўйнашига қарамасдан, унинг ҳарбий раҳбарияти армиянинг механизациялашишига тўсқинлик қилди. Урушнинг саноатлашиши соҳасидаги янгиликлар борасида инглизлар энг охириги ўринларга тушиб кетдилар. XIX аср охиридан анча аввал қитъа давлатларида шаклланиб улгурган захира ҳарбийлари табақаси Буюк Британияда ҳали ҳам йўқ эди. “Мовий сув” деб номланган Британия ҳарбий доктринасига кўра, кучли денгиз флоти мавжуд экан, Британия армиясининг Европа қитъасида уруш олиб бориш хавфи йўқ эди. XX асрнинг бошига келиб фақат Буюк Британия ва АҚШдагина ҳарбий хизматга оммавий қаҳриқ тизими мавжуд бўлмаган.

Буюк Британиянинг биринчи Жаҳон урушида қатнашиши бундай сиёсатни қайта кўриб чиқишга жиддий туртки бўлди. “Ҳарбий иқтисодиёт” яратиш борасидаги катта уринишлари натижасида 1914—1918 йилларда Британия денгиз флоти ва армияси замонавий қуролга эга бўлди. Шунга қарамай, Британиянинг ҳарбий устунлиги аста-секин тарихга айлана бошлади. Бутун аср мобайнида барча денгизларда жавлон урган Британия ҳарбий флоти ҳукмронлигини АҚШ флотига бўшатиб берди. 1930 йилларда содир бўлган немис армиясининг ислоҳоти, АҚШ қуролли кучларининг тараққий этиши натижасида Буюк Британия жуда ҳам ортда қолиб кетди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, айниқса АҚШ ва Совет Иттифоқи каби йирик давлатларнинг таъсири кучайиши натижасида Буюк Британиянинг ҳарбий жиҳатдан иккинчи даражали давлатга айланиб қолганлиги яққол кўзга ташлана бошлади. Энди Буюк Британия йирик империя маркази эмас, ўрта ўлчамдаги оддий давлат эди. 1945 йилдан кейин ҳам Буюк Британия қуролли кучлари Малайзия, Кения ва Кипр каби мусатамлакаларда ҳарбий тўқнашувларда иштирок этди (ҳозир уларнинг барчаси мустақил давлатлардир). 1950 йилларда Сувайт каналида ва яқиндагина Фолкленд оролларида бир неча бор майда ҳарбий тўқнашувлар юз берди. Лекин, умуман олганда, урушдан кейинги давр — бу мустамлакаларнинг озодликка эришиш даврига тўғри келди. Бу — Британия ҳарбий қувватининг пасайиши давридир.

¹² Ropp T. War in the Modern World. Westport, 1959.

Буюк Британиянинг урушдан кейинги ҳарбий сиёсати ядровий қурол билан қуролланган кичик профессионал армия яратиш йўлида умумий ҳарбий мажбуриятдан воз кечишдан иборат эди. 1957 йилдаги давлат ҳисоботида “тинчлик пайтида ўтказилган энг йирик ҳарбий ислоҳот” ҳақида сўз юритилган. Қуролли кучлар 2 баробар қисқартирилди, айна вақтда умумий ҳарбий мажбурият бекор қилинди; армия, авиация ва ҳарбий флотни ядровий қурол билан жиҳозлаш режаси тасдиқланди.

Аслида Буюк Британия — ядровий қурол яратишга ҳаракат қилган биринчи давлатдир. Уруш пайтида тўлиқ тадқиқот идоралари АҚШга кўчирилди, чунки Америкада улар рақибдан яхшироқ ҳимоя қилинар эди ва америкаликлар лойиҳани амалга ошириш учун кўпроқ захирага эга эдилар. 1945 йилдаёқ сэр Генри Тайзерд раҳбарлигидаги Кўмита Буюк Британиянинг келажакдаги мудофаа сиёсати ядровий қуролга эга бўлишга асосланиши зарур деб хулоса қилди¹³. 1947 йилда Британия ядровий қуролини яратиш дастури ишлаб чиқилди, 1952 йилда водород бомбаси ишлаб чиқариш ишлари бошлаб юборилди. 1950 йилларнинг ўрталарида “Мовий чақмоқ” деб номланган бомба элтувчи ракета яратилиши режалаштирилган эди, лекин у амалга ошмади. Бомбардимончи самолётлар ягона элтиш воситаси бўлиб қолган эди. Ниҳоят 1967—1969 йилларда уларнинг ўрнига АҚШдан сотиб олинган “Полярис” ракета тизими қўлланила бошлади (ҳозир уни яна АҚШдан сотиб олинган “Трайденг” тизимига алмаштириш кўзда тутилган). Охириги ўн йилликлар давомида АҚШга мамлакат ўз ядровий қуролини жойлаштиришга рухсат этувчи бир қатор битимлар имзоланиши Буюк Британиядаги ҳарбий ҳолатга таъсир этган энг муҳим омиллардан бири бўлди. Бундай сиёсат 1958 йилда ўша пайтдаги бош вазир Гарольд Макмиллан Буюк Британияда 60 дон «ТОР» русумдаги америка ракеталарини жойлаштиришга ўз розилигини билдирганида бошланди. Бундан 2 йил ўтгач, Холи Лох деб номланган жойда «Полярис» русумидаги ракеталар билан жиҳозланган Америка ҳарбий базаси барпо этилди. Бугунги кунда Буюк Британияда Америка ҳарбий объектлари мавжуд. Данкан Кэмпбэлнинг маълумотига кўра, ҳозир мамлакатда юздан ортиқ америка ҳарбий базалари бор.¹⁴

Жамоатчилик фикри сўроқлари натижаларига кўра, аҳолининг катта қисми Буюк Британиянинг ядровий қуролга эга бўлишини қўллаб-қувватлашларига қарамай, мамлакатда бундай қурол мавжудлиги жамоатчиликда катта норозилик уйғотди. 1950 йиллардан бошлаб «ядровий қуролсизланиш компанияси» ташкилоти ядровий қуролга қарши чиққан асосий ҳаракатга айланди. Бу ташкилот омма томонидан кенг дастакка эга

¹³ *Rundle Greville. The Politics of nuclear defence: a comprehensive introduction. Cambridge. 1985.*

¹⁴ *Wilson T. The Myriad Faces of War. Cambridge Polity Press, 1986.*

эди ва бу унга оммавий норозилик чиқишлари ва намоёнлар ташкил этишга имкон яратди. Лекин йил сайин бу дастак ўз кучини йўқота бошлади. Аммо 1970 йиллар охирларида қанотли ракеталар ва «Першинг-2» русумли ракеталар пайдо бўлиши бу кампания нуфузини яна ошириб юборди. Компания аъзолари сони 1978 йилда 3200тани ташкил қилган бўлса, 1984 йилда у 100000 га етди, бундан ташқари унинг филиалларида 140000 киши аъзо эди.

Аёллар ва уруш

Уруш ҳар доим, асосан, эркакларнинг машғулоти бўлган. Барча армияларнинг ҳарбий қисмлари эркаклардан иборат бўлган, командир генераллар эркак бўлган, ҳарбий тимсоллар, айниқса таҳдид, жасорат, ўзаро ҳамжиҳатлик доимо эркаклик тимсоллари бўлиб келган. Эркакларнинг урушга қандайдир завқ билан ёндашиши ва аскарлар орасида аёлларнинг йўқлиги бу фарқнинг инсон ирсиятидан келиб чиқиши борасида турли уйдирмаларга сабаб бўлди. Бошқача сўз билан айтганда, эркаклар гўёки, аёллардан фарқли ўлароқ, ўзларини агрессив тутишга мойил эмишлар. Бу фикр тарафдорларига социобиология ғоялари таъсирига тушган баъзи муаллифлар ва феминистларнинг бир қисми киради (қаранг: 2-боб, «Маданият ва жамият»). Бу фикрни 1968 йилда биринчи феминист-ёзувчилардан бири Элизабет Кэди Стэнтон аниқ ва равшан ифодалади:

Эркак зоти — бу шафқатсиз, ўзига бино қўйган, очофат, урушга ва босқинчиликка мойил емирувчи кучдир. Ҳам моддий, ҳам маънавий дунёда у фақатгина тартибсизлик, душманлик, касаллик ва ўлим сочади. Тарихга назар ташланг, унда қанчадан-қанча қонли саҳифалар мавжуд. Эркак зоти ҳар доим ҳукмрон бўлганлиги учун у аёл зотини эзиб, инсон табиатига хос бўлган юксак туйғуларни янчиб келган.¹⁵

Эҳтимол, қўшимча қилади Стэнтон, келажақда меҳр-оқибат, мулоимлик, ҳамфикрлик каби аёлий нафис қадриятлар жамият ҳаётида ўз ўрнини топиб, эркаклар агрессивлигига муносиб қаршилик кўрсата олади деган умиддамиз. Бу қадриятлар инсониятнинг тенг ярмига хос, лекин эркакларнинг ҳукмронлиги туйғайли улар ҳеч қачон жамиятга сезиларли таъсир ўтказа олмаган.

Ўзининг биологик хусусиятларига кўра эркаклар урушга мойил, деган фикр қанчалик тўғри? Умуман олганда фактлар бу тезисни тасдиқламайди. Аввал таъкидлаганимиздек, урушлар агрессив ҳис-туйғуларга тўғридан-тўғри боғлиқ эмас. Анъанавий давлатлар шаклланмасдан аввал том маънода урушлар йўқ эди. Давлатлар агрессия билан боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра уруш олиб борардилар. Бундан ташқари, баъзан аёллар ҳам эркаклар билан бирга сафга турганлар ва ўзлари жанг олиб борган, бос-

¹⁵ Stanton E., Anthony S., H. History of Women Suffrage. New York, 1889.

қинчилик интилишларини фаол қўллаб-қувватлаганлар. Аксарият ҳолларда армияларга эркаклар бошчилик қилган бўлсалар ҳам, тарихда аскарларни илҳомлантириб жангга етаклаган аёл лашқарбошилари ҳам учрайди. Энг машҳур мисоллар — бу саксонларнинг ҳарбий доҳийси Боадичея, XV асрда француз армиясини инглизларга қарши бошлаган Жанна д’Арк. Монарх аёллар (инглиз қироличаси Елизавета I каби) мамлакат қуролли кучларини бошқаришни ўз зиммасига олиб, иккиланмасдан ҳарбий режаларни эълон қилиб юборган эдилар¹⁶

Аёллар бевосита жангларда иштирок этмасалар ҳам, ҳозирги армияларнинг аксариятида аёллар бўлинмалари мавжуд. Баъзи армияларда янги чақирилган аёлларга, ҳатто, қуролдан фойдаланишни ҳам ўргатмайдилар лекин аксарият ҳолларда вазият аксинчадир. Масалан, Исроил ҳарбий хизматчи аёллари жанговар қисмлар таркибига кириди, шунингдек, иккинчи жаҳон урушида совет аёллари мунтазам равишда жангларда қатнашганлар. Совет армияси бутун уруш мобайнида энг кучли бўлган, 1943 йилда аёллар армия шахсий таркибининг 8%ини ташкил этган. Улар пулемётчи, снайпер, артиллериячи, танкчи бўлганлар¹⁷. Бомбардимончи самолётда учган совет аёл учувчиси Надя Попованинг ҳарбий хотиралари минглаб эркакларникидан унча фарқ қилмайди: «Улар бизни қиришга ҳаракат қилар эдилар, биз уларни. Мен кўпчиликни ўлдирдим, лекин ўзим тирик қолдим. Уруш инсондан, бошқа нарсалар қатори, қобилиятни ҳам талаб қилади. Лекин урушдаги қотилликни шафқатсизлик билан тенглаштирмаслик лозим. Мен ўйлайманки, биз қилган таваккалчилик, бир-биримиз учун келтирган қурбонларимиз бизни шафқатсиз эмас, балки меҳрибонроқ қилди»¹⁸.

Ҳозир ғарб давлатлари армияларида аёллар сони ҳар доимгидан ҳам кўпроқ. АҚШ армиясида бошқа армияларга нисбатан аёллар кўпроқ, улар 10%ни ташкил қилади. Улар эҳтимолий ҳарбий ҳаракат зоналаридан узоқда эмас, балки кўплаб «қайноқ нуқта»ларда хизмат қиладилар. Уларнинг энг жанговор вакиллари аёлларнинг ҳарбий бирикма таркибига киритилишга тўсқинлик қиладиган қоидаларни бекор қилиш учун кураш олиб борадилар. Фактларга кўра, АҚШ армиясидаги аёлларнинг аксарияти бундай ҳаракатни қўллаб-қувватлайдилар. Шунини ҳам таъкидлаш керакки, кўпчилик террористик гуруҳларда эркаклар билан бир хил роль ўйнайдиган аёллар мавжуд.

Ноҳарбий аёллар ҳақиқатдан кўп марта уруш каби ёввойликка қарши чиқишган, лекин, шу билан бирга, улар ҳарбий қадриятларни улуғлаган ва қўллаб-қувватлаганлар. Аёллар ҳар доим ярадорларни боққанлар, қаҳрамонларни кузатганлар ва кутиб олганлар. Иккала жаҳон урушлари пайтида аёллар фронт-

¹⁶ *Elshtain J. Women and War. New York, 1987.*

¹⁷ *Cottam Jean. Soviet Women in Combat in World War 2: the ground forces and navy // International Journal of Women's Studies, 3.1980.*

¹⁸ *Saywell S. Women in War. New York, 1985.*

га кетган эркаклар ўрнига завод ва фабрикаларда ишлаб, ўз давлатларига тенги йўқ ёрдам кўрсатганлар. Шак-шубҳасиз, аёллар пацифистик ҳаракатларда ҳам иштирок этганлар. Биринчи жаҳон уруши пайтида аёллар ташкилотларининг аксарияти ўз ҳаракатларини ғалабани тезлаштиришга йўналтирганлар. Масалан, Биринчи жаҳон уруши бошланишидан биров аввал, 1900-йиллардан Британия аёллар ҳаракати раҳбарлардан бири Эмили Пэнкэрест иттифоқчилар ҳарбий режаларини қўллаб-қувватлашини очиқ эълон қилди. У чоп этаётган «Суфражист аёл» журнали ўз йўналишини тўла ҳарбий тарғиботга ўзгартирди ва ҳатто 1915 йилда журнал номи ҳам «Britannia» деб ўзгартирилди. Америка миллий суфражист аёллар ассоциацияси ўзининг мамлакат ҳарбий сафарбарлигига содиқлигини ва ватанпарварлик, ҳарбий бурч каби қадриятларга иқлосмандлигини эълон қилди.

Кўпчилик аёллар жанговарлик руҳини қўллаб-қувватлаётган бир пайтда уруш ва милитаристик қадриятларни рад этадиган эркаклар ҳам талайгина учраб турди. Инсоният тарихидаги энг машҳур диний лидерлар, улар қаторида Будда ва Исо пайгамбар, уруш ва у билан боғлиқ зўравонликни қаттиқ қоралдилар (лекин уларнинг издошлари ҳар доим ҳам ўз доҳийлари изидан бормаганлар). XX асрнинг зўравонликка қарши чиққан энг йирик сиёсий арбобларидан бири — бу Ҳиндистондаги инглиз мустамлакачилик ҳукмронлигига қарши ҳаракатнинг раҳбари Маҳатма Ганди эди. Бир пайтлар жуда кўп бўлган пацифизм тарафдорларининг аксарияти у ёки бу жаҳон урушига жалб қилинган бўлса-да, улар орасида ҳарбий ҳаракатларда иштирок этишдан бош тортганлар ҳам бўлди. Улар давлат томонидан жуда катта тазйиққа ва аҳолининг салбий муносабатига қарамай, ўз йўлидан қайтмадилар. Иккинчи жаҳон уруши пайтида бош тортувчи (яъни диний ёки бошқа сабабларга кўра ҳарбий хизматдан бош тортган киши) сифатида расмий қайддан ўтишга рухсат этилди. Америкалик шундай бош тортувчилардан бири мамлакат бўйлаб ўзи кабилар жойлаштирилган лагерга қилган саёҳатини таърифлаб берган.

Унинг тажрибаси жуда ҳам намуналидир: У тушган поездда денгиз пиёда қўшинига янги олинган аскарлар ҳам кетаётган эди, поезд манзилга етганида йўловчиларни турли журналлар ва озиқ-овқат бериш иштиёқида турган аёллар кутиб олдилар. Улар барча келганларни аскарлар деб ўйлаган эди. «Биз ҳаммамиз вагонлардан тушиб поезд йўлига туриб олдик ва бу аёллар кимнинг аслида ким эканлигини билмасдан, ҳамманинг қўлига турли нарсаларни ушлатиб қўйдилар». Лекин шу поездда бир неча бош тортувчи ҳам келган деган гап тарқалганида, улар қаторма-қатор юриб, суриштира бошладилар: «Ўша кўрқоқ сен-мисан? Қайтариб бер нонларимни!»¹⁹

¹⁹ *Terkel Studs. The Good War. New York, 1984.*

Ҳозир феминист аёлларнинг уруш ва жинсий фарқланиш борасидаги фикрлари бундан юз йил муқаддам Стентон элтон этган ғояларни эслатади. Масалан, Бетти Фриден ўзининг «Иккинчи босқич» деб номланган китобида аёл аскарлар эркак касбдошларидан кўра кўпроқ раҳм-шафқатга мойил ва бу ихтилофнинг юмшашига олиб келиши мумкин, деган фикрни илгари суради²⁰. Лекин бу фикрга ишониш қийин. Эльсайн аёл-аскарлар орасида сўроқ ўтказганидан кейин шундай деган: «ҳақиқий аёл аскарлар бундай фикрлайдилар: Биз аскармиз, вассалом»²¹.

Ўтмишдаги урушларда ва ҳарбий ҳаракатларда фақатгина эркаклар иштирок этиши бир жинсни бошқасидан мулойимроқ ва меҳрибонроқ қиладиган биологик фарқларга боғлиқ эмас. Эркаклар ҳукумат билан боғлиқ ҳар нарсада ҳукмрон бўлганидек, урушни ҳам монополлаштириб олганлар, урушда қатнашган аскардан қатъий интизом ва керак пайтда ҳарбий бурч мажбур қилганида ҳар қаёққа боришга тайёр туриш талаб қилинади.

Урушда, асосан ёш йигитлар қатнашадилар, бу ёшдаги аёллар дунёга фарзанд келтиради. Оила ва рўзғор ҳар доим аёл зиммасида бўлган ва бу уларни аскарлик вазифасидан озод этган.

Урушга қарши аёллар ҳаракатлари

Шунга қарамай, аёлларнинг урушга бўлган ёндашуви эркакларникидан катта фарқ қилади. Лекин бундай фарқланиш аёлларга табиатдан эмас ва ҳамма аёлларга ҳам тегишли эмас. Аёллар ўз эрларини ва ўғилларини урушдан қайтаришга ёки қон тўкишнинг маънисизлигини исботлашга уринишлари антик драмаларда ҳам учрайди. Феминистларнинг бир қисми бу ҳаракат юзага келган пайтданоқ, яъни XVIII асрдан бошлаб пацифизмга ён босганлар. Худди эркакларда бўлганидек, пацифист аёллар жуда озчиликни ташкил этган бўлсалар-да, улар эркаклар ҳукмронлик қилган жамиятга қарши курашда муҳим рол ўйнаганлар.

Пацифист аёллар ташкилотлари Биринчи жаҳон уруши даврида, айниқса, фаоллашган. Аёллар XX асрнинг бошларида кучайган халқаро тинчлик ҳаракатида ҳам сезиларли роль ўйнаганлар. Кейинчалик уларнинг баъзилари ўз фикрини ўзгартириб, Эмилин Ленхерст ва бошқа феминистлар кетидан урушни ёқлай бошлаган бўлсалар-да, баъзилари ўз фикрларига содиқ қолдилар. 1917 йилгача урушда қатнашмаган АҚШда урушга қарши чиққан аёллар, Европада бўлганидек, таъқиб қилинмаганлар. 1914 йилнинг август ойида Нью-Йорк шаҳрида 15000 нафар аёл тинчлик намойишида қатнашдилар. Улар, ҳатто, ўзла-

²⁰ *Friedan B.* The Second. New York, 1981.

²¹ *Elshstain J.* Women and War. New York, 1987.

рига ҳамфикр бўлган эркакларнинг ҳамкорлик таклифларини ҳам рад этдилар. Аини шу йилда ташкил топган «Аёллар Тинчлик партияси» ҳам кенг қўллаб-қувватланди (аммо шу пайтнинг ўзида, урушда мақсадлари бунга қарама-қарши бўлган, Америка ҳарбий қувватини ошириш тарафдори бўлган «Денгиз-ҳарбий лигаси аёллар бўлими» ҳам мавжуд эди). Биринчи жаҳон уруши пайтида урушга қарши ҳаракатларнинг аёллар иштирокисиз кучсиз бўлиши турган гап эди.

1915 йилда Голландиянинг Гаага шаҳрида икки феминист ва пацифист аёл — Розика Швиммер ва Эммелин Петик Лоуренс «Аёллар Тинчлик партияси» билан ҳамкорликда Халқаро Аёллар Тинчлик конференциясини ташкил этдилар. Кўпчилик давлатларнинг турли тўсиқлар қўйишига қарамай, унга мамлакатлардан делегатлар етиб келди. Бу конференция - тинчлик учун кураш олиб бораётган Давлатлар ўртасида тинчлик келишувлари тамойилларини ишлаб чиқишга қаратилган илк халқаро учрашув эди. Конференция иштирокчилари матбуотнинг таҳқирли ва душманларча муносабатига дуч келдилар. Мана, Лоуренс газеталаридан бири «Ивонг стандартинг»нинг типик шарҳи: «Бу тинчлик фанатлари, деб ёзади газета, аллақачонлар ҳамманинг жонига теккан». Лекин бу конференциянинг келажакдаги ҳодисаларга таъсири жуда чуқур ва муҳим бўлди. Конференция мақсадларини қўллаган ягона раҳбар АҚШ Президенти Вильсон ўзининг 1919 йилда Тинчлик Келишувига асос сифатида тақдим этган «Ўн тўрт пункт»ида илгари сурган бир қатор ғоялардан фойдаланган эди.

Иккинчи жаҳон уруши пайтида аёллар пацифистик ташкилотларининг роли камайди, чунки у пайтда “Нацизм урушсиз бартараф этиб бўлмайдиган таҳдид” деган тушунча ҳукм сурар эди. Лекин урушдан кейинги йилларда, айниқса, ядровий қурол кенг тарқалгандан буён аёллар гуруҳлари урушга қарши ҳаракатларда яна фаол иштирок этмоқдалар. Кўпчилик ғарб давлатларида АҚШдаги «Ядровий қуролсизланиш аёллар ҳаракати», ғарбий Германия ва Голландиядаги “Тинчлик учун аёллар пацифистик ташкилотлари” пайдо бўлмоқда. Бунга ўхшаш гуруҳлар марказий Европада ҳам мавжуд, лекин улар ҳукумат қаршичилигига дуч келмоқдалар.

Аёлларнинг тинчлик ҳаракатларида қатнашишнинг энг машҳур мисоли Буюк Британиядаги Гринхэм Коммонда лагерь ташкил этилишидир. Гринхэм Коммон ядровий ракета синайдиган база жойлашган минтақадир.

1981 йилдан бошлаб ўша база атрофларида аёллар бир неча йил мобайнида намойишлар ўтказиб турдилар, Тинчлик лагери уюштирдилар. Эркакларнинг бу ҳаракатга қўшилишларига давлат томонидан рухсат этилмаган. Лагернинг асосий мақсади — ядровий қуролланишга қарши норозилик билдириш эди. Бундан ташқари, аёллар базага ядровий қуроллар юкланган автоколонналар кириб келишига тўсқинчилик қилиш мақсади-

да йўлни тўсиб қўяр эдилар. Иштирокчилардан бири таъкидлаганидек: «Тинчлик лагери бу фақатгина норозилик намойиши эмас. Бу тинчлик йўли билан қаршилиқ кўрсатиш, бизнинг номимиздан қилинаётган ишнинг ва бир-биримизга бўлган муносабатимиз учун масъулиятни ўз зиммамизга олишимиздир. Аввал эрақлар урушга кетар эди, энди аёллар тинчлик йўлида ўз уйлари тарк этмоқдалар.»²²

Ҳарбийлар, сиёсатчилар ва жамият

Ҳарбий бошқарув ва ҳарбий таъсир

Кўп давлатларда ҳукумат қуролли кучларни бошқарувчи ҳарбийлар қўлидадир (ёки яқин ўтмишгача улар қўлида бўлган). XX асрда Жанубий Америка давлатларининг аксариятида, Африка, Осиё ва яқин Шарқдаги кўплаб учинчи дунё давлатларида ҳарбий тўнтариш содир бўлди. Дунёнинг кўплаб минтақаларида ҳарбий ҳукуматлар у ёки бу баҳона остида меъёрий ҳодиса деб тан олинмоқда ва охириги эллик йил ичида ҳарбий ҳукуматлар сони камайиш ўрнига кўпайиб борди. Фақатгина икки турдаги ижтимоий тузумлар ҳарбийлар ҳукумат тузишга қодир эканликларини маълум даражада исботладилар. Булар — ғарбнинг саноатлашган либерал-демократик давлатлари ва Шарқий Европа давлатлари, жумладан, собиқ Совет Иттифоқидир. Бунинг сабаби нимада? Агар ҳарбийлар ҳар қандай ноҳарбий гуруҳларга қараганда яхшироқ ташкилотга эга бўлсалар ва энг кучли қуролни фақат ўзлари назорат қилсалар, нима учун бошқа давлатларда ҳам ҳарбий ҳукумат ўрнатиш мумкин эмас?

Бунинг бир неча сабаби бор. Биринчидан, жамиятнинг саноатлашиши даражаси ошган сари, унга мураккаброқ бошқарув тизими зарур бўлади. Ички интизом, қоидалар ва бурчга содиқ бўлган қуролли кучлар мураккаб ижтимоий тартибни бошқаришга мослашган эмаслар. Бунинг учун ноҳарбийлар лозим — Иккинчи жаҳон урушидан кейинги Италия ва Германияда иттифоқчиларнинг оккупацион ҳарбий бошқаруви бунга яққол далил бўла олади. Аҳоли ҳар жиҳатдан итоаткор ва бўйсунган бўлишига қарамай, оккупацион қўшинлар бошқарувни махсус ноҳарбий хизматчилар билан кучайтиришни зарур деб топдилар.

Иккинчидан, ҳарбийлар легитимлик, яъни қонуний бошқарув ҳуқуқига эга эмас. Кучга асосланган бошқарув фақат вақтинчалик бўлиши мумкин. Узоқ вақт бошқарувни ўз қўлида сақлаб қолишни истаган ҳар қандай гуруҳ жамият томонидан бунга ҳуқуқи бор, деб тан олинishi керак. Ноҳарбий бошқарув аъналарига эга бўлган жамиятларда ҳарбийларнинг бундай

²² Cook Alice and Gwin Kirk. *Grrenham Women Everywhere: dreams, ideas, and action from women's Peace movement*. London, 1993.

ҳуқуқни қўлга киритишлари жуда қийин. Фарбнинг қўп тизимларида ҳам, Шарқий Европанинг бир партияли тизимларида ҳам Давлат бошқаруви механизмлари янги ривожланган партия ташкилотлари билан узвий боғлиқдир.

Учинчидан, ҳарбий бошқарув тажрибасига эга бўлмаган жамиятларда тарихда шаклланган ҳарбий ва полиция қисмларига аниқ ажратиш сақланиб қолган. XIX асрнинг бошидан ўртасигача, яъни фарбдаги полиция тизимининг шаклланиши даврида, ҳарбийлар қўп маротаба ижтимоий тартибни тиклашга жалб қилинган. Бироқ, жамият тартибини сақлашда полиция қанчалик муваффақиятга эришса, ҳарбийларнинг *ташқи* таҳдиддан ҳимоя қилиш вазифаси шунчалик аниқ намоён бўлади. Полиция яхши қуролланган бўлиб, оммавий тартибсизликларни бостириш учун ўзининг яримҳарбий қисмларига эга бўлиши мумкин, лекин унинг ҳарбий кучи доимо армияниқидан заифроқ бўлади ва полиция, армиядан фарқли ўлароқ, *давлат тўнтаруви* содир этишга қодир эмас²³. Агарда ижтимоий тартибни сақлаш билан фақатгина полиция шуғулланса, ҳарбийлар эса фақатгина мудофаа билан банд бўлса, ҳарбийларнинг ҳокимиятни эгаллаш имкониятлари минимал бўлади.

Бундан, саноати ривожланган давлатларда ҳарбий бошқарув бўлиши мумкин эмас ёки ҳарбий ҳукумат борасида ривожланган давлатлар ва учинчи дунё давлатлари ўртасида аниқ чегара мавжуд, деган хулоса келиб чиқмайди. Баъзи Фарбий ва Шарқий Европа давлатлари, жумладан, Испания, Португалия, Юнонистон ва Польшада, маълум давр мобайнида *ҳукумат* ҳарбийлар қўлида бўлган.

Ҳатто ҳокимиятга эга бўлмай туриб ҳам, ҳарбийлар сиёсатга кучли таъсир ўтказадилар. Бу қуролли кучлар давлат томонидан йиғиладиган солиқлар ҳисобига таъминланишининг муқаррар натижасидир. Бугунги жамиятларда ҳарбийлар сиёсий қарорларга ўз таъсирини ўтказиш мақсадида интилаётган ҳокимият турлича бўлиши мумкин. Сиёсий ҳаётга таъсир ўтказиш ёки уни назорат қилиш мақсадида ҳарбий раҳбарлар турли воситаларга қўл уришлари мумкин. Бир томондан — сиёсий ва иқтисодий дунё раҳбарларига таъсир ўтказишнинг анъанавий йўллари. Бу ҳолда ҳарбийлар ҳар қандай бошқа ижтимоий гуруҳ каби лобби ташкил этадилар, яъни оддий сиёсий ўйиндан четга чиқмайдилар. Иккинчи томондан — шантаж ва ноҳарбий амалдорларни кўрқитиш ва куч ишлатиш. Масалан, 1930 йида Японияда армия машҳур сиёсатчи ва касаба уюшмалари арбобларини қатл этишга аралашиб, шу йўл билан бошқаларни кўрқитишга ҳаракат қилган. Жазоирдаги француз қуролли кучлари ҳокимиятга генерал де Голль келмагунича ҳукуматга бўйсунитдан бош тортиб, шантаж қилган.

²³ Finner Samuel E. The Man on Horseback: The Role of the Militaru in Politics. London, 1962.

Ҳарбий-саноат комплекси

Ҳатто сиёсатда ҳарбийларнинг роли кескин чекланган жамиятларда ҳам, ҳарбийлар ва ишбилармон доираларнинг манфаатлари бир-бирига боғлиқ бўлиши мумкин. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, бу, айниқса, кучли ҳарбий аппаратга эга бўлган саноат ривожланган давлатларга хос хусусиятдир. Замонавий уруш шароитида ҳарбий ва иқтисодий ривожланиш интеграциясини ифодалаш учун Президент Эйзенхауэр ҳарбий-саноат комплекси атамасини киритган. Аввалига бу атама фан ва технология ютуқларини ҳарбий саноатда қўллаш билан боғлиқ эди. Лекин кейинчалик Эйзенхауэр ХСКнинг кучи ва таъсири ўта ошиб кетиб, энг муҳим ижтимоий ва сиёсий қарорлар қабул қилишда сиёсатчиларнинг роли камайиб кетаётганлигидан хавотирланиб, ҳарбий-саноат алоқаларининг ривожланишини анча хавфли ҳолат дея баҳолай бошлади. Кейинчалик кўплаб муаллифларнинг таъкидлашича, совуқ уруш пайти (1950—60 йилларда СССР ва АҚШ ўртасида кескин муносабатлар даври)да Совет Иттифоқи ва Қўшма Штатларда ХСК кенг қўламга эришган. Бу нуқтаи назар қанчалик тўғри? Афсуски, кўпинча ҳарбий саноат комплекси етарлича аниқ тасаввур қилинмайди, унинг қарорларни қабул қилишга таъсири ҳақида гапирилганда эса, тўлақонли таҳлил эмас, балки луқма ташлаш билан чекланиб қолинмоқда. Бироқ бундай тизим замонавий иқтисодиётда ҳукм суриши учун икки шарт бажарилиши лозим: ҳозирги иқтисодиётдаги йирик соҳаларнинг гуллаб-яшнаши ҳарбий саноат билан боғлиқ бўлиши ва бунинг натижасида ҳукумат амалдорлари ҳарбий раҳбарият ва қурол ишлаб чиқарувчилар талабларини бошқаришлари лозим.

Баъзи ғарбий давлатларда мудофаа ташкилотларининг таъминотчилари йирик корпорациялардир. АҚШ ҳукумати билан ҳарбий шартномага эга бўлган фирмаларнинг 3/4 қисми АҚШнинг энг йирик 500 корпорацияси рўйхатига киради.²⁴ Корпорациялар раҳбарияти ва ҳарбий амалдорлар ўртасида алоқа мавжудлигининг кўплаб ҳужжатли далиллари бор. Аввал таъкидланганидек, Совет Иттифоқида мудофаа тармоқлари технологик жиҳатдан бошқа барча тармоқлардан устун эди. Совет иқтисодига мудофаа билан боғлиқ харажатлар кўплаб Ғарбий давлатларниқидан кўпроқ бўлиши хос эди (уруш ҳисобида). Лекин бу ҳар қандай иқтисодиётда ишлаб чиқариш қувватларининг ривожланиши ҳарбий саноат билан албатта боғлиқ, деган маънони билдирмайди. АҚШнинг йирик корпорацияларидан фақат бир нечасигина ҳарбий саноатда иштирок этади ва ҳатто фаолияти ҳарбий шартномаларга боғлиқ корпорациялар ҳам ҳарбий маҳсулотни ҳар доим эмас, сиёсий ва иқтисодий муҳитнинг ўзгаришларини ҳисобга олиб ишлаб чиқарадилар.²⁵

²⁴ *Kennedy Cavin. The Defence Economics. New York, 1983.*

²⁵ *Lieberson Stanley. An Empirical study of military-industrial linkages. In: Sam C. Sarke-sian (ed.). The military-industrial complex: a re-assessment. Washinhton, 1972.*

Вьетнам уруши пайтида АҚШдаги 25 йирик ҳарбий таъминотчи фирмаларнинг маҳсулоти ҳарбий буюртмаларга кўра чиқарилар эди. Уруш тугагандан 15 йил кейин ҳарбий маҳсулот улуши 1% гача қисқарди²⁶. Бошқача сўз билан айтганда, ҳарбий саноатда иштирок этиш даражаси сиёсий аҳвол ва зарур эhti-ёжлар билан белгиланади. Аслида Совет Иттифоқида ҳам аҳвол шундай эди. Ҳарбий харажатлар борасида барча қарорларни Коммунистик партия раҳбарияти қабул қилар эди.

Демак фуқаролар жамиятида ХСК ноҳарбий сиёсатга кучли таъсир ўтказмайди. Шунга қарамай, бу давлатлар иқтисодида ҳарбий эhtiёжлар билан боғлиқ маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш муҳим ўрин тутади, бундай харажатлар муҳим сиёсий баҳсларга сабаб бўлмоқда. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, ҳарбийлар ва ишлаб чиқарувчилар баъзан лобби бўлиб ҳаракат қиладилар, сиёсатга бевосита ва билвосита катта таъсир ўтказишлари ҳам мумкин. Бошқа саноати ривожланган давлатларда ҳам аҳвол асосан шундай, лекин улар ичида ҳарбийлар минимал кучга эга бўлган давлатлар ҳам бор (масалан Канада).

Учинчи дунё куrolли кучлари

Нима учун ривожланаётган давлатларда давлат тўнтаришлари бунчалик кўп содир бўлади ва ҳарбий ҳукуматлар кўп учрайди? Саволга жавоб бериш учун бу жамиятларнинг бошқалардан фарқли хусусиятларини тушуниш лозим, уларнинг кўпчилиги фақат хаёлий бошқарув бутунлигига эга. Бундай давлатлар ё собиқ мустамлакалар ўрнида пайдо бўлган ёки аввал марказий ҳукуматга эга бўлмаган минтақаларда шаклланган «янги миллатлар»дир. Мустамлакачилик тузумларида демократик ғоялар, одатда салбий қарши олинган ва бу тузумлар бекор қилинганида, миллий бирдамлик шаклланишига, деярли асос қолмаган эди. Аҳолиси турли этник, қабила ва регионал қонун ва урф-одатларга бўйсунган ва кўпчилиги марказий ҳукумат ҳақида эшитмаган ва эшитишни ҳам хоҳламайдиган давлатларда партиявий тизимлар барқарор эмасди. Умумий манфаатлар остида бирлашган турли гуруҳларнинг таъсир кучи анча каттароқ эди, бу шароитда ўз манфаатлари ва ички тартибига эга бўлган гуруҳлар сифатида ҳарбийлар тез орада сиёсий саҳнага чиқадилар. Бундай давлатларда, одатда, армия ва полиция ўртасидаги фарқ жуда ноаниқдир ва уларнинг алоқа воситаси бўлиб, биринчи навбатда, аҳолининг қонунга бўйсунганини таъминлаш билан шуғулланадиган ҳарбий разведка хизмат қилади.²⁷ Саноати ривожланган давлатлардаги алоҳида самарали ички полиция тизими бу ерда йўқ.

Учинчи дунёнинг кўплаб «ҳарбийлашган» давлатларида ҳар-

²⁶ Ganser J. The Defence Industry. Cambridge, 1980.

²⁷ Janowitz M. Military institutions and coercion in the developing nations: an essay in comparative analysis. Chicago, 1977.

бий бошқарув бевосита йўл билан намоён бўлади. Яъни давлат бошқарувида кўғирчоқ раҳбар туради. Уларнинг фаолиятини эса ҳарбийлар бошқаради. Агар у кўрсатилган йўлдан четга чиқиб кетса, давлат тўнтаруви содир бўлади ва маълум вақт ҳокимият ҳарбийлар қўлида сақланиб туради, кейин эса у яна бир “кўғирчоқ” қа топширилади.

Ҳарбий бошқарув турлари

Агар ҳарбийлар давлатни бевосита бошқаришга интиқсалар, улар аҳолини бундай бошқарувни қонуний деб тан олишга ундовчи маълум асос яратишлари керак бўлади. Амос Пермуттер ҳарбий бошқарувни уч асосий турга ажратади.²⁸ Биринчиси — автократик, яъни оддий ҳарбий яккаҳокимлик, бир кишининг ҳарбий бошқаруви. Бундай ҳолда ҳарбий раҳбар ҳокимиятни эгаллаш ва сақлаб қолиш учун унга бевосита бўйсунган қуроли кучлардан фойдаланади. Лекин у кейинчалик халқ орасида обрў қозонишга ва президент лавозимини эгаллашга ҳаракат қилади, ҳеч қандай сайлов ўтказилмайди. Бундай ҳукумат бироз бўлса ҳам барқарор туриш учун аҳолининг маълум табақалари томонидан қўллаб-қувватланиши зарур. Угандада Иди Аминнинг бошқаруви бунга мисол бўла олади. Аслида бундай ҳукумат барқарор бўлмайди, чунки бир раҳбар зиммасига ортиқча кўп вазифа ва жавобгарлик тушади, халқ бундай ҳукуматни қўлламайди. Бундай ҳукуматга қарши кўзғолонни армиянинг бир қисми қўлласа, у муваффақиятли ўтиши мумкин.

Иккинчи тур — бу олигарх ҳарбий ҳукумат. Бунда давлатни тўнтариш содир этган бир гуруҳ ҳарбийлар ёки хунта бошқаради. Олигархия раҳбари ноҳарбий шахс бўлиши ҳам мумкин, лекин уни фақатгина ҳарбийлар қўллайдилар. Ўз ҳокимиятини барқарорлаштириш мақсадида бу турдаги бошқарув гуруҳлари сайлов ҳам ўтказиши мумкин, лекин сайлов натижалари тўлалигича хунта томонидан назорат қилинади. Жанубий Америка мамлакатларидаги яқин-яқинларгача ҳукм суриб келган кўплаб ҳукуматлар ана шундай эди, масалан, Аргентинада 1985 йилгача ҳукм сурган ҳарбий режим.

Учинчи тур — бу авторитар преторианизм. Бу — ҳарбий ва ноҳарбий ҳукуматлар аралашмасидир. Давлатни ҳарбий ва ноҳарбий раҳбарлар коалицияси бошқаради. Сайловлар ўтказилади, лекин номзодлар доираси ҳукумат томонидан маъқулланган бир ёки бир неча партия билан чекланади. Генерал Зиё Улҳақ раҳбарлигидаги шундай ҳукумат 1978 йилда Покистонда ҳокимият тепасига келган эди.

Умуман олганда, ҳарбий ҳукуматлар улар ўрнига келадиган ноҳарбий ҳукуматлардек беқарордир. Давомли ҳарбий бошқарув тарихига эга бўлган давлатлар сони унчалик кўп эмас, ҳарбий

²⁸ Perlmutter A. The military and politics in modern times: on professional praetorians, and revolutionary soldiers. New Heaven, 1977.

ва ноҳарбий ҳукуматлар алмашиб туришини давлатлар тарихида кўп кузатиш мумкин. Кўпчилик ҳарбий ҳукуматларга консерватив қарашлар хос ва, одатда, уларнинг манфаатлари йирик саноатчилар ҳамда ер соҳиблари манфаатлари билан боғлиқ. Бошқа томондан, социализм ёки радикализм ғояларини қўллайдиган ҳарбий ҳукуматлар ҳам мавжуд. Ливиядаги полковник Қаддафи ҳукумати бунга мисол бўла олади.

Террорчилик ва партизанлар ҳаракатлари

Анъанавий ижтимоий тузум билан таққосланганда, ҳозирги жамиятлар тинчликсевар ва осойиштадир. Албатта, уларда ҳам оилавий, жиноий ва ҳоказо мазмундаги зўравонлик кўринишлари учраб туради, аммо бугунги давлатларда, инқилобий ҳаракатлар мавжуд бўлган жамиятлар бундан мустасно, армияга қарши чиқа оладиган ички кучлар йўқ. Анъанавий жамиятларда аҳвол ўзгача эди, яъни — ҳукуматнинг лашкарбошилар, доҳийлар, қароқчилар ва ҳоказолардан иборат кўплаб душманлари мавжуд бўлган.

Террорчилик

Террорчилик нималигини замонавий давлатларда яшаётган тинч аҳоли ҳаётига таққослаганимиздагина тушуниш мумкин. Террорчилик деганда расмий сиёсий ҳокимиятга эга бўлмаган гуруҳ ёки шахс томонидан сиёсий мақсадларда куч ишлатиш тушунилади. Шу маънода, тинчлик ҳозирги давлатларда алоҳида аҳамият касб этади, чунки уларнинг ҳукумати сиёсий мақсадларда куч ишлатиш учун монопол ҳуқуққа эришишга интилади. Шундай қилиб, тинчлик ўзининг асосий рақиби — ҳукумат томонидан қўлланиладиган қонунийлик тимсолларидан фойдаланишга ҳаракат қилади. Одатда, террорчилар ўз ҳаракатларини қонуний деб ҳисоблайдилар, ўзларини аскар деб эълон қиладилар, ўз ташкилотлари номларида ҳарбий атамалар ишлатадилар — масалан, Ирландия Республикачилар Армияси (ИРА) Италиядаги Қизил Бригада ва ҳоказолар. Улар «сиёсий ҳуқуқлар» ҳақида гапиришни ёқтирадилар, «судлар» уюштирадилар, «ҳукмлар» чиқарадилар ва «ўлим жазоси» қўллайдилар²⁹.

Кўпинча, аҳолининг аксарият қисми бундай ҳаракатларни қонуний деб тан олмайди ва уларни маънисиз куч ишлатишнинг хавfli манбаси, деб баҳолайди. «Ўқчи сояси» кинофильмида Шон О'Кейси ўйнаган қаҳрамон Ирландиядаги Британия армиясига қаршли қуролли ҳаракатларни шундай таърифлайди:

Ахир жабр кўраётганлар — ноҳарбий фуқаролар; кимдир пистирма кўйганида улар қаёққа қочишни билмай қоладилар. Шундай қилиб, Ирландияни

²⁹ Terrorism and the Lederal State. London, 1986.

қутқариш йўлида белингдан яраланишинг ҳеч гап эмас. Нима ҳам дердим, мен ўзим ҳам миллатчиман. Мен Ирландия озодлигига ва Англиянинг бу ерларда ҳукмдор бўлишига ҳуқуқи йўқлигига ишонаман, лекин қандайдир жиноятчи, ўзи халқнинг ўлимига сабабчи бўла туриб, халққа ўлим ҳақида гапирса, ичим-да қандайдир қаршилиқ сезаман³⁰.

Тинчлик сўзининг янги маъноси 1789 йилда француз инқилоби пайтида пайдо бўлган. Ўшанда минглаб одамлар, биринчи навбатда аристократлар, кейинчалик эса оддий фуқаролар сиёсий таъқиб қурбонлари бўлганлар ва гильотинада қатл қилинганлар. Ўша пайтдан буён кўплаб ҳукуматлар террор, яъни кўрқитиш мақсадида куч ишлатиш усулидан фойдаланганлар. Германиядаги нацистлар ва Сталин даврида Россияда хавфсизлик органлари ҳаракатлари, айниқса, ваҳшиёна эди.

Сўнгги икки юз йил мобайнида давлатлар инсон ҳаёти ва шаънига қарши исёнчи гуруҳлардан кўра анча кўпроқ жиноятлар содир этдилар. Шундай бўлса-да, террорчилик атамасини давлатга қарши бош кўтарганларга нисбатан ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Лекин бу атама ҳам унчалик аниқ эмас. Террорчилар маълум босқичда ўзлари ҳукуматга келадиган йирик ташкилотларнинг таркибий қисми бўлиши ёки улардан ёрдам олишлари мумкин. Исроил ҳукуматида юқори лавозимларни эгаллаган баъзи сиёсий арбоблар 1940 йилларда ўша пайтдаги Фаластин территориясида янги давлат тузишга йўналтирилган террорчилик ҳаракатларида фаол иштирок этганлар. Ўз навбатида, кўплаб фаластинликлар Фаластин Озодлик Ташкилотини қўллаб, бошқа давлатлар уни террористик ташкилот деб баҳолашларига қарамай, қонуний ҳукумат деб ҳисобладилар.

Партизан ҳаракатлари

XX асрдаги террорчилик партизан ҳаракатлари билан чамбарчас боғлиқдир. Аслида, уларни ажратиб ўрганиш ҳам мумкин эмас. Улар ўртасидаги ягона фарқ — бу партизанларнинг ҳарбий объектларга қарши, террорчиларнинг эса тинч аҳолига қарши ҳаракат деб ҳисобланишидир, лекин амалда бундай фарқлар жуда мавҳумдир. Партизанлар мунтазам кўшин эмас, улар мунтазам ҳарбий бирикмалар ҳисобида ҳам турмайди. Улар содир этадиган зўравонлик ҳаракатлари фақат ўз талабларига омма эътиборини жалб этиш учунгина хизмат қилади, чунки улар очиқ жангда ғалаба қозонишга умид ҳам қила олмайдилар. XX аср тарихида турли сиёсий мақсадларга йўналтирилган кўплаб партизан ҳаракатлари амалга оширилди. Уларнинг баъзилари эътиборсиз қолавердилар, баъзилари эса армиялар томонидан йўқ қилинди, лекин улар ичида радикал сиёсий ўзгаришларга эришганлари ҳам бўлди.

³⁰ *Wilkinson P. Political Terrorism. London, 1974.*

Номи	Гуруҳнинг мансублик турлари	Рақиб	Ҳаракат жойлари
Абу Нидал	Фаластин давлати	Исроил ва унинг Иттифоқчиларига	Фарбий Европада
Аксъон Директ	Антикапиталистик инқилоби	Армия, бизнес, АҚШ ва унинг мудофаа ташкилотларига	Францияда
Ал-Жиход ал -Ислом	Фаластин давлати	АҚШ ва Исроил агентурасига	Фарбий Европа ва Яқин Шарқда
Автономия	Антикапиталистик йўналиш	Армия ва бизнесга	Италияда
Авангардия национале	Фашистлар	Тартибсиз исёнларга	Италияда
Бакунин-Гданьск-Париж	Антикапиталистик инқилоб	Бизнесга	Францияда
Қора Сентябрь	Фаластин давлати	Исроил ва унинг иттифоқчиларига	Фарбий Европада
Cellules Communistes Combattantes(ССС)	Антикапиталистик инқилоб	Армия ва бизнесга	Бельгия (Франция билан алоқалар)да
Ал Фатх	Фаластин давлати	Исроил ва унинг иттифоқчиларига	Фарбий Европа, Яқин Шарқда
Euzkadu ta Pokatesuna (ETA)	Баск миллатчилиги	Испан полицияси ва ҳукуматига	Испания (қисман Франция)да
Factions armees Revolutionnaires Libanaises (FARL)	Фаластин давлати	Исроил ва унинг иттифоқчиларига	Франция, Яқин Шарқда
Front de Liberation da la Bretagne-Armee Republicaibe Bretonne (FLB-ARB)	Бретон миллатчилиги	Франция ҳукуматига	Францияда
Front de la liberation Nationale Corse	Корсика миллатчилиги	Франция давлати ва мол-мулкига, айниқса хусусий бизнесга	Францияда

Francia	Антикорсика миллатчилиги	Миллатчиларга	Корсикада
Groupes d Actiobes Revolutionnaires	Социалист революциячилар	Капиталистик корхоналарга	Францияда
Антирамиктик қаршилик гуруҳлари (GRAPO)	Антифашизм	Тартибсиз исёнларга	Испанияда
Ирландия Миллий Озодлик Армияси (INLA)	Ирланд миллатчилиги	Хавфсизлик хизматларига	Буюк Британияда
Ирландия Республикаси Армияси (IRA)	Ирланд миллатчилиги	Хавфсизлик хизматларига	Буюк Британияда
Nouaux Armees pour l'autonomie Populaire	Социалистик революционерлар	Тартибсиз исёнларга	Францияда
Вақтинчалик Ирландия Республика Армияси	Ирланд миллатчилиги	Хавфсизлик хизматлари ва тартибсиз исёнларга	Буюк Британияда
Фаластин озодлик ташкилоти	Фаластин давлати	Исроил ҳукмдорлиги ва унинг иттифоқчиларига	Ғарбий Европа ва Яқин Шарқда
Portege operaio	Социалист революционерлар	Бизнесга	Италияда
Қизил армия бўлими	Социалист революционерлар	Армия ва Бизнесга	Ғарбий Германияда (Италия билан алоқа қилиши шубҳа қилинмоқда)
Араб сиёсий маҳбуслар билан бирдамлик кўмитаси	Араб маҳбусларини озодликка чиқариш, Фаластин давлати	Франция давлат амалдорларига	Францияда
Ольстер озодлиги курашчилари	Шимолий Ирландия Буюк Британиянинг таркибида IRA/PIRA	Ирланд миллатчиларига	Буюк Британияда

Европада қўлаб бошқа гуруҳлар, жумладан, “Миллатчилар ва минтақачилар”, масалан, арман, югослав, “жанубий тироль” ва бошқа гуруҳлар мавжуд.

Манба: Social Studies Review, March 1987. P. 5.

Иккинчи жаҳон уруши пайтидаги Франция, Голландия, Бельгия, Скандинавия мамлакатлари, Россия ва бошқа давлатлардаги немис босқинчиларига қарши ҳаракатлар партизанча услубларда фаолият кўрсатган эдилар. Бундай усуллар Мао Цзе Дуннинг Хитойда ва Фидель Кастронинг Кубада ҳукуматни эгаллагуналаригача раҳбарлик қилган ҳаракатларга ҳам тегишли. 1960 йилларда Франциянинг Жазоирдаги мустамлакачилик бошқарувида чек қўйишга исёнчилар мажбур этган. Кениядаги Мау Мау кўзғолончилари, Вьетнам уруши пайтида америкаликларга қарши курашиш гуруҳлари, 1980 йилларда Афғонистонда русларга қарши курашнинг исломий гуруҳлари ҳам партизан гуруҳлари эди.

Партизанлик ташкилотлари, одатда, оғир сиёсий зулм ёки бойликнинг ўта нотекис тақсимланиши шароитида пайдо бўлганлар. Лекин партизанлар ҳаракат қилган ҳолатлар бир-бирларидан шунчалик фарқ қиладики, Уолтер Лейкер таъкидлаганидек,³¹ уларни умумлаштириб хулоса чиқаришнинг ҳеч иложи йўқ.

У XX асрдаги энг муҳим партизан урушларига қисқача шундай тариф берган:

1. Партизанлик ҳаракатлари иштирокчилари, одатда, армиялар ўзининг сон жиҳатидан устунлигидан ва кучидан тўла фойдалана олмайдиган минтақаларда фаолият олиб борадилар. Партизанларнинг таянч нуқталари, кўпинча, тоғлар, ўрмонлар, чангалзорлар, ботқоқликлар каби хилват жойларда жойлашади. Одатда улар ўз базаларининг манзилени тез-тез ўзгартириб, рақибга аниқ зарба беришга имкон қолдирмайдилар.

2. Партизан урушлари, одатда, урушларга бой тарихга эга бўлган минтақаларда содир бўлади. Қисман бунинг сабаби шундаки, бундай минтақалар турли партия ва ҳаракатларга кучли сиёсий рақобат учун сахна бўлади. Шундай қилиб, ҳарбий ҳукуматлар ҳукмронлигига олиб келувчи омиллар уларга қарши партизанлик ҳаракатларини ҳам келтириб чиқаради.

3. Партизан урушлари, одатда, индустриал дунё билан алоқалар таъсири натижасида анъанавий ижтимоий тузумлари барбод бўлган, ривожланмаган давлатларда бошланади. Яшаш учун маблағ топиш имкониятини йўқотган ва бойларга қарашли бўлиб қолишни хоҳламаган деҳқонлар партизанлик ҳаракатларига хизмат қилувчи тирик манбага айланадилар.

4. Асримизда 3 турда партизанлик урушлари олиб борилди. Биринчиси — хорижлик босқинчиларга қарши ҳарбий ҳаракатлар, иккинчиси — ҳукуматга қарши айирмачилик ҳаракатлари (ИРА каби), учинчиси — коррупция ёки эксплуатацияда гумон

³¹ *Laquer W. Gyerilla: A historical and critical study. Boston, 1976.*

қилинаётган ҳукуматга қарши кураш (Жанубий Америкада Ту-помарос ва Монтенейрос ҳаракатлари)лар.

5. Уруш воситалари такомиллашгани сари, партизанлар уруши ҳам шунга яраша ранг-баранглашиб борди. Партизанлик ҳаракатлари оддий армиялар қуролланган мураккаб қуроллар тўпламига эга эмас, лекин улар ўзларининг самарали кураш воситаларини кўплаб ихтиро қиладилар, масалан, уруш содир бўлаётган минтақанинг ўзига хос шарт-шароитларидан фойдаланадилар. Вьетнамдаги вьетконг партизанлари, америкаликларга қараганда жуда ёмон қуролланган бўла туриб, шундай тактик усуллар ишлаб чиқдиларки, охир-оқибат улар рақибининг ўта замонавий техникаси устидан ғалаба қозондилар. Партизанлар ўз ҳужумларидан сўнг беркиниб оладиган ер ости йўллари тизими бу тактиканинг узвий бир қисми эди.

6. Кўплаб партизанлик ҳаракатлари бевосита уруш кетаётган минтақа ташқарисидаги давлатлардан молиявий ва бошқа турдаги ёрдамлар оладилар. Бир-бирига қарши бўлган икки асосий ҳарбий марказ (яъни АҚШ ва Совет Иттифоқи) дан келган бундай ёрдам партизанлик ҳаракатларининг бу икки куч ўртасидаги глобал рақобатнинг давоми эканлигидан далолат беради. Масалан, АҚШ ва СССР Африка, Лотин Америкаси ва Жануби-Шарқий Осиёдаги партизанлик ҳаракатларига турли хилда ёрдамлар кўрсатган эди.

Шаҳардаги партизанлар

Охириги 20 йил мобайнида партизанлик ҳаракатлари тактикаси айниқса, Европа ва Японияда кенг тарқалган шаҳар шароитида ҳаракат қилувчи гуруҳлар томонидан қўлланила бошланди. Самолёт олиб қочиш, одам ўғирлаш, машҳур шахсларни қатл этиш, портлашлар уюштириш — кўп давлатларда оддий ҳолга айланди. Бундай ҳаракатларга масъул гуруҳлар турли сиёсий мақсадлардаги (ўта сўллардан тортиб, ўта ўнларгача) кўплаб айирмачи ва миллатчи гуруҳларни олади. 1960—1970 йилларда, Японияда Ренго Сегун, Германияда Қизил Армия қисмлари, Италияда Қизил бригадалар портлашлар, ҳарбий ва ноҳарбий фуқароларни ўғирлаш ва ҳужумлар уюштириш билан шуғулланар эдилар. АҚШда шаҳар шароитида “метеоролог”лар ва “Қора пантера”лар ҳаракати иштирокчилари зўравонлик тактикасини қўллай бошладилар. 1980 йиллар ўртасида Милан, Париж, Берлин ва Европанинг бошқа шаҳарларида янги партизанлик ҳаракатлари ғалаёнлари бўлиб ўтди. Уша пайт пайдо бўлган гуруҳларнинг кўпчилиги тез орада йўқ бўлиб кетди, чунки улар ё кўпчиликнинг танқидига учраб янги аъзолар ва моддий маблағлар келиб туришини таъминлай олмадилар, ёки ҳукуматлар уларга қарши муваффақият билан курашдилар. Бироқ уларнинг баъзилари, айниқса, айирмачилик ҳаракатлари билан боғлиқ бўлганлари, мустақкам молиявий манбаларнинг эгалари ва аҳоли

томонидан маълум даражада қувватланадиган ғояларни илгари сурадилар. Бунга “Ирландия Республика Армияси” ва “Басклар сепаратист ташкилоти” мисол бўла олади.³²

Террорчилик гуруҳларининг кўпчилик ташкилотлари, жумладан, энг мустақкам партизанлик ҳаракати гуруҳлари унчалик катта бўлмайди. Улар баъзан жамиятдаги долзарб муаммоларга урғу бериш, инсонларда ҳукуматнинг давлатни бошқаришга қодирлигига шубҳа уйғотиш ва бундай ҳаракатлар «сафсатабоз» эмас, «жиддий одамлардан» иборатлигиндан таъсирланиши мумкин бўлган инсонларнинг ишончини қозониш мақсадида куч қўллайдилар. Бундай гуруҳлар давлатлар томонидан тобора кўпроқ таъқиб остида олинаётганлиги ва махфий равишда фаолият олиб боришга мажбур бўлаётганлиги сабабли, уларнинг жамият билан алоқалари заифлашиб, ҳаракат турлари эса тобора шафқатсиз тус олиб бормоқда³³.

Оммабоп адабиётда террорчилар, одатда, қонга ташна ва ҳаракатлари ҳеч қандай асосга эга бўлмаган восвослар қилиб тасвирланади³⁴. Бундай баҳолаш, кўпинча, ҳақиқатдан йироқ бўлади. Ўз мақсадлари йўлида куч қўллашга тайёр бўлган гуруҳларнинг аксарияти ўзларининг нима учун айнан шундай ҳаракат қилиши кераклиги ҳақида аниқ тасаввурга эгалар. Террорчилар ғоялари қанчалик мантиққа зид бўлмасин, уларни бе-мақсад куч ишлатувчи инсонлар қаторига киритиш тўғри эмас. Сиёсий ҳукумат ва аҳолининг террорчиларга муносабати кўпинча, тескари ва ҳатто, мунофиқона бўлади. Улар ўз мамлакатларида куч ишлатаётган гуруҳлар ҳаракатларидан ғазабланиб, шу вақтнинг ўзида бошқа давлатларда худди шу тактикани қўллаётган партизанлик ҳаракатларини қўллаб-қувватлайдилар. «Озодлик курашчиси» ва «террорчи» ўртасида қандай фарқ бор? Террорчилар ва партизанлар давлатлар доимо фақат ўзлари эга бўлишни истаган ҳуқуқ — сиёсий мақсадларга эришиш учун куч қўллаш ҳуқуқини қўлга киритишга ҳаракат қиладилар.

Дунё миқёсида ҳарбий харажатлар ва қуролланиш

Дунёдаги ҳарбий харажатлар 1950 йиллардан бошлаб 1980 йиллар охиригача ўсиб борди. 1977 йилда дунёдаги бир кунлик ҳарбий харажатлар 1 миллиард доллардан ошиб кетди, яъни 1 соатда 50 миллион доллар сарф этилди. 1980 йиллар охирига келиб бу кўрсаткич деярли икки ҳисса ошди. 1991 йилда ҳарбий харажатлар дунёдаги ялпи даромаднинг 50 фоизини ташкил этди. Бу, Японияни ҳисобга олмаганда, бутун Осиёдаги ишлаб чиқариш ҳажмидан кўпроқдир. Дунёда фаровон яшашда иккин-

³² Lodge J. *Errorism: A challenge to the state*. New York, 1981.

³³ Mommson W. *Violence and Terrorism in Western Industrial Societies*. In: *Social Protest, Violence and terror in nineteenth and twentieth — century Europe*. New York, 1982.

³⁴ Crenshaw M. *Terrorism, Legitimacy and Power. The consequences of political violence*. Middletown, 1983.

чи ўринда турган Япониянинг ялпи миллий маҳсулоти бутун дунёда қуролланишга кетган харажатлардан фақат икки баробаргина каттадир.

Совуқ уруш якунланар экан, ривожланган мамлакатларда ҳарбий харажатларнинг камайтирилишини кутиш мумкин. Россия ва бошқа собиқ Совет Иттифоқи давлатларида қуролланиш билан боғлиқ харажатлар кескин камайди. АҚШ ва унинг иттифоқчиси — Германия ҳам яқин келажакда харажатларни кескин камайтиришни режалаштирмоқда. Лекин бу ички бозордаги йўқотишларнинг ўрнини босиш учун қурол экспортининг ошишига олиб келади. Совуқ урушнинг якунланиши учинчи дунё мамлакатларида ички ва ташқи «хавфсизлик талабларининг» камайишига олиб келади, деб аниқ айтиб бўлмайди. Кейинги бобларда биз кўрамизки, буларнинг ҳаммаси дунёда “тинчлик йўлидаги ютуқларни» деярли йўққа чиқаради.

Қурол савдоси

1980 йиллар охиригача глобал ҳарбий харажатларга совуқ уруш — АҚШ ва собиқ СССРнинг антагонистик рақобати — ўз таъсирини ўтказар эди. Томонларнинг ҳар бири қурол ишлаб чиқиш ва катта сонли армияларни боқишга улкан харажатлар сарфлабгина қолмай, ҳарбий иттифоқлар тузиб, иттифоқчилар армияларига ҳам ёрдам кўрсатиб турди. Совет Иттифоқи асосий эътиборни Шарқий Европага қаратди. Лекин, шунингдек, яқин Шарқдаги, Осиё ва Африкадаги турли давлатларга қуроллар етказиб бериб турди ва ҳарбий кадрлар тайёрлаб берди. АҚШ ер шарининг катта қисмини қамраб олган иттифоқчилар тизimini яратди. Бу тизимнинг бир қисми Шимолий Атлантик иттифоқ, яъни НАТОдир.

Дунё қурол савдосининг асосий қисмини саноати ривожланган давлатлар учинчи дунё давлатларига сотадиган қуроллар ташкил этади. Қурол савдосида узоқ йиллардан буён СССР ва АҚШ асосий экспортчилар эди. 1991 йилдаги Форс кўрфази урушидан аввалги йилларда Эронга урушни бой бериш хавфи остида турган Ироққа СССР ва баъзи ғарб давлатлари катта ҳажмда қурол сотдилар. Бу қуролнинг маълум қисми, айниқса СССРдан келтирилгани, ўта эски бўлиб чиқди ва ғарб ҳарбий тафаккурининг сўнги ютуқларига дош бера олмади. Лекин ҳозир қурол сотиб олишни хоҳлаган ва сотиб олишга қодир бўлганларнинг ҳаммасига энг илғор технология ютуқлари ҳам таклиф қилинмоқда.

Қурол савдоси ва ҳарбий харажатлар саноати ривожланган ва ривожланаётган давлатлар ўртасидаги иқтисодий тафовутнинг янада чуқурлашишига олиб келмоқда. Баъзи давлатларда ҳарбий харажатлар даромаднинг камида 20 фоизини ташкил этади. Совет Иттифоқи учун Ливия ва Ироқ каби нефтга бой мамлакатларга қурол экспорт қилиш муҳим валюта манбаи эди.

Ғарбий экспортчи давлатлар ҳам қурол савдосидан анчагина даромад кўрадилар. Янги ҳарбий технологиялар ишлаб чиқа-

риш — давлат учун ҳам, саноат корпорациялари учун ҳам кўп харажатли ишдир. Харажатлар қуролни жаҳон бозорида сотиш орқалигина анча қопланиши мумкин. Лекин учинчи дунё мамлакатлари замонавий қуролларни катта иқтисодий қийинчиликлар орқали қўлга киритмоқдалар.

Уруш ва глобал хавфсизлик

Сўнги сиёсий ўзгаришлар натижасида дунё бирмунча хавфсизроқ бўлдими? Албатта, ядровий уруш хавфи анча камайди, лекин тўла бартараф этилмади. Ҳозирги кунда дунёда камида 50000 дон ядровий қурол мавжуд. Уларнинг аксарияти АҚШ, Россия ва бошқа собиқ Совет Иттифоқи давлатларида сақланади. Шуниндек, Буюк Британия, Франция ва Хитой, бундан ташқари, Исроил ҳам катта атом захираларга эга. Ҳиндистон ва Покистон ҳам маълум ядро қуроли яратиш имкониятига эга бўлдилар. Бу йўналишда илгари силжишга тайёр турган яна бир қанча мамлакатлар ҳам бор.

Ядровий қурол тарқалишини тўхтатиш, яъни ҳозир унга эга бўлмаган давлатларда унинг пайдо бўлишининг олдини олиш ҳозирги замоннинг энг долзарб муаммосидир. Ҳеч ким яна 30-40 давлатда ядровий қурол пайдо бўлса, дунёда хавфсизлик ортади, деб айтолмайди. Ўз ядровий қуроли мавжудлигини агрессияни жиловлаш зарурияти билан оқлаётган ғарб давлатлари учун бошқа давлатлар ҳам худди шу сабабга кўра унга эга бўлишни хоҳлашлари кутилмаган ҳол бўлмаса керак. Қайсидир давлат ядро қуролини сотиб олса, унинг рақиби ҳам шундай қилишга интилади, шу тариқа ўлим қуролининг тарқалиш хавфи ўсиб боради. СССР парчаланишидан келиб чиққан хавфни бартараф этишга эришилди. Ун икки собиқ Совет Республикасида тарқалган ядровий қуроллар Россияда жамланади ва назорат қилинади. Бироқ бу захираларнинг келажакдаги хавфсизлиги жиддий ташвиш туғдирмоқда, чунки уларни нормал ҳолатда сақлаш учун катта маблағ ҳам талаб қилинади. Бундан ташқари, бошқа давлатлар собиқ Совет Иттифоқи олимларини ёллаб, уларнинг билим ва тажрибаларидан фойдаланишлари мумкин.

Асосий муаммо шундаки, икки модда — бойитилган уран ва плутоний нафақат ядровий қурол, балки электр қуввати ишлаб чиқаришда ҳам жуда зарур. Маълум технологик билим ва бу моддалардан бирига эга бўлиш ядровий қурол ишлаб чиқаришга имкон туғдиради. Жумладан, Япония ва Германия АҚШнинг ядровий захираларидан кам бўлмаган плутоний захираларига эгалар, ва хоҳиш туғилганда, жуда тез ядровий қурол ишлаб чиқаришга киришишлари мумкин. Ядровий электр станциялари ёқилғисини қайта ишлаш ядровий қурол тарқатиш борасида катта хавф туғдиради. Мавжуд режаларга биноан, Европа ва Япониянинг қайта ишлаш корхоналарида XXI аср бошигача 2000 тонна плутоний қайта ишланиши керак. Ядровий бомба ясаш учун эса 6 килограмм плутоний етиб ортади. Бу

модда минг йиллаб сақланиши мумкин, шунинг учун уни сақлаш хавфсизлигига ва тинчлик мақсадларида қўлланилишига тўла ишониш қийин.

Урушсиз дунё бўладими?

Ядровий қурол — инсон ихтиро этган вайрон этувчи ягона қурол эмас. Масалан, кимёвий қуролнинг таннархи жуда арзон. Ироқ уни 1980 йилларда Эрон билан уруш мобайнида ишлатган ва 1991 йили Форс кўрфази урушида ишлатиш хавфини туғдирган.

Лекин бизнинг давримиз — дунёвий тартибда туб ўзгаришлар давридир ва энди аввалгидан анча хавфсизроқ ҳаётга эришиш учун реал имкониятлар бор. Хавф-хатарлар тури ҳам эндиликда кўпайди — ядровий ва бошқа хил қуроллар тарқатилиши хавфига бугунга келиб янги миллатчилик кўринишлари, этник ва диний низолар, бой ва қашшоқ давлатлар ўртасидаги тенгсизликлар, яъни дунёдаги низоларнинг барча потенциал манбалари келиб қўшилди. Бошқа томондан, ўтмишдаги кўплаб урушларга сабаб бўлган яна бир омил — янги ерларни босиб олишга интилиш ҳозирги кунда ўз аҳамиятини йўқотди. Ҳозирги давлатлар аввалгига қараганда бир-бирига кўпроқ боғлиқдирлар, уларнинг дунё ҳамжамияти томонидан қабул қилинган аниқ чегаралари мавжуд. Бугунги кунда ҳарбий харажатлар, жумладан, ядровий зарбанинг оқибатлари шунчалик ҳалоқатлики, улар воситасида бирор реал сиёсий ёки иқтисодий мақсадга эришиш имконсиздир.

«Тинчликни хоҳласанг урушга тайёрлан» деган қадимги нақлнинг ядровий даврда ўз аҳамиятини йўқотганлигини тушуниш — сўнгги йилларнинг умидлантирувчи ютуқларидан биридир. Ядровий низоларнинг олдини олишга эришилса ҳам, оддий қуроллар билан жанг қилишлар тўхтамаслиги мумкин, лекин бу борада ҳам яхши умид қилишга асос бор.

Бобнинг қисқача мазмуни

1. Урушлар — илк давлатлар шаклланиши жараёнининг характерли хусусиятларидан биридир. Дунё харитасининг ҳозирги шаклга келишида урушлар ва турли ҳарбий тўқнашувлар асосий роль ўйнаган. Замонавий армияларнинг пайдо бўлиши XVIII асрда бошланган саноатлашиш жараёни билан чамбарчас боғлиқ. Ўша пайтдан буён ҳарбий ривожлантиришдаги ролни тўла ёки қисман қурол-яроқ ишлаб чиқариш ва техник янгилик тадбиқ этиш билан шуғулланадиган корпорациялар ўйнаб келмоқда.

2. Урушлар туғма агрессив инстинктлар натижаси эмас. Инсон ўзи каби инсонларни ўлдиришга ҳам ўргатилади. Уруш, одатда, ерларни ва ресурсларни босиб олиш мақсадида ёки идеологик ва диний зиддиятлар натижасида содир бўлади.

3. Замонавий армиялар — бу зобитлар даражасида профессионал амалдорлардан иборат бюрократик ташкилотлардир. Армиялар юксак даражада ташкиллаштирилган, ихтисослашган ва иерархиялашган. Кўпчилик давлатларда сиёсий тузумнинг мураккаблиги ҳарбийларнинг ҳукмронлик қилишига тўсқинлик қилади, аммо шунга қарамай, армиялар, кўпинча, сиёсий қарорлар қабул қилинишида муҳим рол ўйнайдилар.

4. Аёллар, одатда, урушни қўллаб-қувватлашларига ва бугунги кунда

баъзи армияларда ҳарбий хизмат ўташларига қарамай, урушларда ҳар доим, асосан, эркаклар иштирок этган. Шунингдек, аёллар урушга қарши ҳаракатларда катта рол ўйнаганлар. Аёлларнинг эркаклар билан бирга урушда қатнашишларига тўсқинлик қиладиган ҳеч қандай туғма сабаблар йўқ.

5. Баъзи давлатларда ҳукумат бевосита ҳарбийларнинг қўлида, лекин бундай ҳукуматлар, одатда, мустаҳкам бўлмайдилар. Кўпчилик ҳарбий тузумлар учинчи дунё мамлакатларида жамланган, бироқ баъзи sanoati ривожланган давлатлар ҳам ҳарбий бошқарувни бошдан кечирганлар.

6. Армия ва полициянинг куч қўллашени замонавий жамиятларнинг тўла ўз назоратлари остига ола билишлари — характерли хусусиятлардан биридир. Террористик гуруҳлар ва партизанлик ҳаракатлари мунтазам армия ва ҳукуматлардаги қонунийлик белгиларини қўлга киритишга ҳаракат қиладилар.

7. Партизанлик гуруҳлари давлат томонидан таъқиб қилиниши кучайгани сайин, улар борган сари махфий равишда фаолият олиб бормоқда, ҳаракатлар эса тобора шиддатлироқ ва ҳалокатлироқ тус олиб бормоқда. Давлатлар ўз ҳудудидаги партизанлик ҳаракатларига қарши курашса ҳам, баъзан бошқа давлат ҳудудида ҳаракат қилаётган террорчилик гуруҳларини қўллаб-қувватлайдилар.

8. Биз — инсоният тарихида илк бора тўла йўқ қилиниш хавфи остида қолган башар авлодимиз. Урушнинг sanoatлашиши мана шундай аҳволга олиб келди. Аммо бугунги дунё давлатлари бир-бирига чамбарчас боғлиқ ва ядровий уруш оқибатлари шунчалик ҳалокатлики, инсоният бир ёқадан бош чиқариб, уруш хавфини йўқотиш учун курашмоғи шарт.

Асосий тушунчалар

урушнинг индустриаллашиши

ҳарбий бошқарув (ҳукумат)

Энг муҳим атамалар

мунтазам армия

қурол савдоси

чекланган уруш

умумжаҳон тотал уруши

умумий ҳарбий мажбурият

куч қўллаш йўли билан бошқариш

харидоргирлик (клиентурность)

корпоративлик

ҳарбий мафкура

қонунчилик

ҳарбий sanoат комплекси

автократик ҳарбий ҳукумат

олигархик ҳарбий ҳукумат

авторитар преторианизм

террорчилик

партизанлик ҳаракатлари

ядровий қурол тарқалиши

Кўшимча адабиёт

Christopher Dangeker. Surveillance, Power and Modernity. Cambridge, 1990. Ҳарбий кучларга алоҳида эътибор бериладиган жамиятларда ҳокимият тизимлари ривожига бағишланган тадқиқот.

Robert C. North. War, Peace, Survival: Global Politics and Conceptual Synthesis. Oxford, 1990. Ҳозирги кундаги глобал тартиб ҳамда келажақда уруш ва зўравонлик тадрижининг эҳтимоллиги ҳақидаги мунозаралар тадқиқи.

Michael Walzer. Just and Unjust Wars. London, 1992. Уруш келтирган қулфатлар ва адолат ҳақидаги мумтоз муҳокаманинг янги таҳлили.

Mary Kaldor et al. (eds). The World Military Order: The Impact of Military Technology on the Third World. New York: Praeger, 1979. Учунчи дунё мамлакатларидаги ҳарбий технологиялар муаммоларига бағишланган мақолалар.

ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТЛАР

Ижтимоий институтлар жамият ҳаётини ҳар томонлама мустақкамлайди, кишиларнинг ўзаро муносабатлари негизда вужудга келган умумий бирликни қарор топтиради. Айни вақтда ушбу келишувларга кўра авлодлар ворислиги амалга ошади.

Китобнинг мазкур қисми қариндош-уруғчилик, никоҳ ва оила каби институтларни кўриб чиқишга бағишланган. Қариндошлик билан боғлиқ ижтимоий масъулиятлар турли жамиятларда бир-биридан тубдан фарқланади. Оила ёш авлод учун жамият, маданиятнинг типи қандай бўлишига қарамасдан, ҳимоя ва ўзаро турмуш имконини яратувчи ижтимоий муҳит ҳисобланади. Никоҳ эса оила билан узвий боғлиқ ҳодиса бўлиб, у янги қон-қариндошлик муносабатлари қарор топганини, болалар ўсиб унадиган оила ҳўжалигининг шаклланганини билдиради. Анъанавий типдаги маданиятларда бола оддий билимларнинг кўп қисмини оилада олади. Ҳозирги замон жамиятида эса болалар ўз ҳаёт фаолиятларининг кўпчилилик йилларини оиладан ташқарида маълумот олиш учун махсус ўқувгоҳларда — мактабда ва институтларда ўтказадилар. Мазкур бўлимнинг иккинчи бобида маърифий жараённи ташкил қилиш усуллари қараб чиқилади. Бунда маориф тизими ва таълимнинг умумий жараёнлари ва мулоқот ўртасидаги ўзаро алоқадорлик тадқиқиға алоҳида эътибор берилади.

Мазкур қисмнинг охириги икки бобида дин ва иқтисодий ҳаёт муаммолари кўриб чиқилади. Динни эътиқод ва анъаналар барча маданиятларнинг азалдан муҳим таркибий қисми бўлиб келганлиғига қарамасдан ҳозирги замон жамияти ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришлар уларга ўзига хос жиддий таъсир кўрсатмоқда. Биз мазкур ўзгаришларнинг табиатини таҳлил қиламиз ва шундай методларни кўриб чиқамизки, оқибатда улар ёрдамида диннинг анъанавий типлари нега ҳанузгача жамият ҳаётида ўз таъсирларини сақлаб келаётганлиги аниқ бўлади. Хотимада биз меҳнат ва иқтисодий ҳаёт категорияларини кўриб чиқамиз.

Иқтисодий институтлар ижтимоий фаолликнинг турли жиҳатларига ўз таъсирини ўтказади. Меҳнатнинг табиати турли жамиятларда бир-биридан жиддий фарқ қилса-да, унинг инсон фаолиятидаги беқиёс аҳамияти ҳар қандай жамиятда ўз таъсирини сақлаб қолади.

Қариндошлик, никоҳ ва оила

Оила ва никоҳни ўрганиш социология фани олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Одатда исталган типдаги жамиятнинг ҳар бир аъзоси оилада тарбияланади ва балоғатга етганларнинг кўпчилиги эса никоҳда ёки никоҳда бўлганлар ҳисобланади. Никоҳ кенг оммалашган ижтимоий институтлар қаторига киради. Никоҳ ва оиланинг шакли турли маданиятда (ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида бўлгани сингари) бир-биридан жиддий фарқланади. Оила ўзи нима, унинг бошқа қариндошларга муносабати, эр-хотинларнинг бир-бириларини қандай танлашлари, никоҳ ва сексуал алоқадорлик кабилар бир-бирларидан кенг фарқланадиган муносабатлардир. Мазкур бобда биз юқорида келтирилган тафовутларни кўриб чиқамиз ва ҳозирги замон ғарб жамияти оиласи ҳаётининг ўзига хос жиҳатларини, никоҳ ва ажралишни ўрганишда улар қандай рол ўйнаётганлигини кўриб чиқамиз. Ваҳоланки, ўтган юз йилликда оиланинг ғарбона типи жиддий ўзгаришларни бошдан кечирди. Шундан келиб чиққан ҳолда, бугун ва бундан олдинги босқичдаги оилавий ҳаёт ва никоҳ муносабатларининг қиёсий таҳлилини берамиз. Ҳозирги кунда оила ва никоҳ фундаментал ўзгаришларни бошидан кечирмоқда. Шунинг учун ҳам бобнинг якунида улар янада чуқурроқ таҳлил қилинади.

Биз юқорида қўйилган масалаларга жавоб беришдан олдин оила, қариндошлик ва никоҳ каби асосий тушунчаларнинг мазмунини аниқлаб олмағимиз керак. *Оила* кишиларнинг шундай гуруҳики, унинг аъзолари бир-бири билан тўғридан-тўғри қон-қариндошлик муносабатида бўлиб, гуруҳнинг ёши катта аъзолари болаларга қарashiш ва ёрдам бериш мажбуриятларини ўз зиммаларига олади. *Қариндошлик* (қон-қариндошлик алоқалари) — никоҳдан ўтиш натижасида ёки яқин алоқалар жараёнидаги (ота, она, бола, бобо, момо ва ҳоказолар ўртасидаги) муносабатларнинг натижасидир. *Никоҳ* икки балоғатга етганлар ўртасидаги жамият томонидан тан олинган ва маъқулланган сексуал иттифокдир, деб таърифлаш мумкин. Никоҳга кирган индивидлар бир-бирлари билан қариндош ҳам ҳисобланади. Айни вақтда никоҳ мажбурияти уларни жуда кенг доирадаги ишларнинг қон-қариндошлик муносабатлари билан боғлайди. Никоҳдан кейин куёв томоннинг отаси, онаси, акалари, сингиллари ва уларнинг бошқа қариндош-уруғлари келин томоннинг қариндош-уруғлари билан қариндошчилик муносабатларига киради.

Қариндошлик

Кўпчилик ғарб мамлакатларида ҳаётий мақсадларга кўра қариндошлик муносабатлари энг яқин қариндошлар билангина чекланади. Масалан, кўпчилик одамлар ўзларининг амакилари, амакиваччалари, хола ва холаваччаларидан ташқари узоқ қариндошлари ҳақида мавҳум тасаввурга эгалар. Аммо, кўпчилик маданиятларда, хусусан кичик, тор доирадаги маданиятларда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қариндошлик муносабатлари муҳим аҳамиятга эгадир. Шундай маданиятларнинг айримларида жамоанинг ҳар бир аъзоси унинг барча аъзоларига қариндош ҳисобланади, кўпчилик ҳолларда бу муносабатлар муқаддаслаштирилади.¹ Ғарбдаги қариндошлик муносабатларини ифодаловчи терминларни бошқа маданиятлардаги қариндошлик муносабатларини ифодаловчи терминларга кўчириш қийин. Масалан, биз ота ва она йўли билан қариндошларни амма, хола, бўла термини билан атаймиз. Аммо бошқа маданиятда отанинг ёки онанинг акалари махсус терминлар билан аталади.

Кланлар

Анъанавий типдаги кўпчилик жамиятларда йирик қариндошлар гуруҳлари мавжуд. Унинг аъзолари ўртасидаги алоқалар одатдаги оилавий қариндошлик муносабатлари доирасига сиймайди. Бундай гуруҳлар орасида муҳим ўринни кланлар эгаллайди. Клан бу шундай гуруҳки, унинг барча аъзолари фикрига кўра, улар бир бобо ва момодан кўпайганлар. Маълум бир бобо ва момо бир неча авлоддан олдин мазкур кланга асос солган ҳисобланади. Улар ўзларини ўзлари ҳамда бошқалар томонидан ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлган жамоа сифатида баҳолашади ва баҳоланади. Масалан шотланд кланлари шундай гуруҳларга киради. Бунга ўхшаш уруғчилик ташкилотлари Африка, Тинч океандаги айрим жамиятларда ўзининг аҳамиятини бугунги кунда ҳам сақлаб қолганлар.

Одатда, бир кланнинг аъзолари умумий диний эътиқодга эга бўладилар ва бир-бирларига ёрдам кўрсатиш учун иқтисодий жавобгардирлар ва айни вақтда улар бир жойда яшайдилар ҳам. Улар кўпчилик ҳолларда оз сонли бўладилар. Аммо гоҳо улар юз, мингдан ҳам ортиқ одамларни ўзида бирлаштиришлари мумкин. Кланга аъзолик инсон ҳаётининг барча томонларига ўз таъсирини ўтказди. Бундай гуруҳларда кишилар узоқ қариндошларига ҳам жуда яқин қариндошлик муносабатида бўладилар. Шунга мос равишда улар ўртасидаги муносабат характери ҳам мунтазам ўзгариб бораверади. Бунда киши отага кўра тўртинчи авлоднинг фарзандини ўғлим деб аташи мумкин ва уни ўзининг бир қориндан талашиб чиққан ака-укалари билан теп-

¹ Beattie J. Other cultures. London, 1964.

па-тенг кўради ва ҳар қандай шароитда ёрдам беришга тайёр туради.

Клан аъзолари фойдаланадиган қариндош тушунчасининг мазмуни биз ҳамиша ишлатадиган қариндош атамасининг мазмунига мос келмаслиги мумкин. Масалан, шотланд аммасига аёл моҳиятини бериб, «ота» деб мурожаат қилиши мумкин, худди шунга ўхшаш тоғасига «она» деб ҳам мурожаат қилиши мумкин. Кланларда битта эркак бошқа ўзидан кўра ёш бўлган эркакни «она» деб чақирishi мумкин. Бу нарса биз учун тушунарсиз ҳолдир, лекин клан каби уюшган жамоа учун бу оддий мантиқли ҳодисадир. Бунда бир киши ўзининг туққан онаси кимлигини яхши билади. Лекин у юқоридагидек сўзларни ишлатиши билан у муомала қилган одамни она авлодига, қариндошлари шажарасига молик ҳисоблаб, у билан яқин қариндош эканлигини тан олади.

Анъанавий Хитой жамиятидаги Си клани бунга мисол бўлиши мумкин. Сининг таркибига бир неча минглаб кишилар кириши мумкин эди. Унда оқсоқоллар кенгаши бўлиб, у бутун кланнинг манфаатига алоқадор бўлган масалаларни муҳокама қилар эди. Диний муносабатга кўра Си кланидагилар битта динга эътиқод қиларди. Унинг аъзолари иқтисодий ва тарбиявий масалаларни ҳал қилишда иштирок этардилар. Си клани аъзоларига пул кредитларини бериш тизими мавжуд бўлиб, мазкур ташкилот кишилар ўртасидаги тортишувли масалаларни ҳам ҳал қилувчи юридик орган ҳам ҳисобланарди. Айни вақтда Си Хитойдаги уюшган жиноятчиликнинг пайдо бўлиши учун замин ҳам яратди. Бу ташкилот Хитойнинг йирик шаҳарлари ҳисобланган Шанхай, Гонконг кабиларда бениҳоя ривожланган эди. Ҳозирги кунда ҳам улар Гонконгда ўз мавқеини йўқотганлари йўқ.

Оилавий муносабатлар

Қариндошчиликни қарор топтирувчи муносабатлар орасида энг муҳимини оилавий қариндошчилик ташкил қилади. Амалиётда нуклеар, яъни оила хўжалигини бирга юритувчи, ўларининг боласи ёки асраб олган болалари билан бирга яшовчи эр ва хотиндан иборат оилани ҳамма жамиятларда ҳам кўришимиз мумкин. Кўпчилик анъанавий типдаги кланлар мавжуд бўлмаган жамиятларда ҳам нуклеар оилалар кенг қариндошчилик алоқаларининг муҳим қисми ҳисобланади. Эр-хотинлик муносабатларига эга бўлган қариндошларнинг болалар билан бирга яшаши ёки яқин муносабатда бўлиши ҳолатини биз кенгайган оила, деймиз. Кенгайган оилани уч ёки ундан кўпроқ авлоддан ташкил топувчи, бир хонадонда, ёки бир-бирига яқин бўлган хонадонларда яшовчи кишиларнинг гуруҳи, деб тушунишимиз мумкин. Бу оиланинг аъзолари момо, бобо, акалар ва уларнинг хотинлари, сингиллар ва уларнинг эрлари, холалар, тоғалар, аммакиваччалар, холаваччалар бўлиши мумкин.

Нуклеар ва мураккаб оилалар бир индивидга нисбатан ота-она ва репродуктив оилаларга бўлинади. Биринчи тип оиллага бола туғилган оила, иккинчи тип оиллага эса бола улғайгач тузган ва янги авлод болалари тарбияланадиган оила киради. Мазкур оилалар ўртасидаги яна бир муҳим фарқ уларнинг қаерда жойлашганлигига қараб белгиланади. Масалан, қоидага кўра, Буюк Британияда никоҳланганлар ўзларининг алоҳида оилавий хўжалигини ташкил қилишлари мумкин. Бу хўжалик куёв ёки келиннинг ота-онаси яшайдиган жойда бўлиши ёки бошқа жойни макон тутиши ҳам мумкин. Аммо кўпчилик жамиятларда никоҳланганлар анъанага кўра ё ота-оналари билан бирга, ёки уларга яқинроқ жойда истиқомат қилишади. Агар куёв ва келин келиннинг ота-оналариникига кўчиб келсалар, бундай оилалар матрилокал, агар улар куёвнинг ота-онасиникига кўчиб келса, улар патрилокал оилалар дейилади.

Моногамия ва полигамия

Фарбона жамиятларда оила моногамия билан бирликда тасаввур қилинади. Бир пайтнинг ўзида, биттадан ортиқ аёл ёки эркак билан никоҳда бўлиш ғайри қонуний ҳисобланади. Жаҳон миқёсида моногамия, умуман олганда, никоҳнинг энг кўп тарқалган шакли эмас. 565 та турли жамиятларни қиёсий тадқиқ этган Жорж Мердок улардан 80%ида полигамияга йўл берилишини аниқлади². «Полигамия» эркак ёки аёл бир пайтнинг ўзида биттадан ортиқ эр ёки хотинга эга бўлишига йўл қўядиган никоҳ шаклини билдиради. «Полигамия»нинг икки типи мавжуд: полигиния — эркак бир пайтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ хотин билан никоҳда бўлишига йўл берилиши, полиандрия — камроқ тарқалган никоҳ шакли бўлиб, унда аёл бир пайтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ эрга эга бўлиши мумкин.

Полиандрия

Мердок таҳлил қилган 565 жамоанинг фақат тўрттасида (1 фоиздан камроғида) полиандрия кузатилган. Полиандрия полигинияда учрамайдиган ҳолатни туғдиради, яъни бунда боланинг биологик нуқтаи-назардан отаси аниқ бўлмайди. Масалан, Жанубий Ҳиндистон маданиятида туд эркалари биологик нуқтаи-назардан оталикни ўрнатиш билан қизиқмаганлар. Уларда болага оталик расмини амалга ошириш чоғида ўқли камонни ҳомиладор аёлга тантанали суратда берган эркак боланинг отаси ҳисобланган. Агар кейинчалик бошқа бир эркак болага оталик қилишни хоҳлаб қолса, бу расм аёлнинг навбатдаги ҳомиладорлигида такрорланган. Бизнинг назаримизга кўра, полиандрия турмуш даражаси ниҳоятда паст ва қиз болаларни туғилиши билан ўлдириш қўлланилган жамиятлардагина мавжуд бўлган.

² Beattie J. Other cultures. London, 1964.

Полигиния

Полигиния рухсат берилган жамиятда кўпчилик эркаклар фақат бир аёлга эрлик қиладилар. Бир неча аёлларга эрлик қилиш ҳуқуқидан эса ижтимоий ҳаётда юқори ўринга эга бўлган кишилар тез-тез фойдаланадилар. Юқорида кўрганимиздек, таъқиқ бўлмаган жамиятларда полигиния ҳодисаси иқтисодий омиллар ва жинслар нисбатига боғлиқ ҳолда кўп учрайди. Одатда аёлларнинг сони эркакларникига нисбатан кўп бўлмаган жамият йўқ. Демак эркакларнинг кўпчилиги 2 ва ундан ортиқ аёлга эрлик қилиши табиий ҳолдир.

Полигинияда бир оиладаги бир неча аёл бир хонадонда истиқомат қиладилар. Аммо кўпчилик ҳолларда улар алоҳида хўжалик юритадилар. Ҳар бир хотин ўз болалари билан алоҳида оилавий хўжаликка эга бўлса, демак одатда оила 2 ёки ундан кўпроқ бўлади.

Эр одатда ўз уйи бўлишига қарамасдан ойда ва ҳафтада маълум тунларни навбат билан ўзи яшайдиган уйдан ташқарида яшаётган бошқа хотинлари билан ўтказиш имкониятига эга бўлган. Бундай оилаларда аёллар бир-бирларига ёрдам қўлларини чўзишга ҳамиша тайёр турганлар ва айни вақтда эрнинг ҳурмат ва эътиборига сазовор бўлиш учун бир-бирларига нисбатан рақобатда ҳам бўлганлар ва шу асосда жиддий ўзаро кураш ҳам олиб борганлар. Масалан: Руандада «фалончининг аёлларидан бири» деган сўз рашкни ҳам билдиради. Полигиния вужудга келтирувчи келишмовчиликни аёллар орасидаги иерархия юмшатиши мумкин. Бунда биринчи хотин оилавий масалаларни ҳал қилишда ўзидан кейинги хотинларга нисбатан кўп имкониятларга эга бўлади.

Ғарб миссионерлари полигинияга нисбатан ҳамиша ўзларининг жиддий норозилигини билдириб келганлар. Бугунги кунга қадар уни мутлақ йўқотиш умидини билдириб келадилар. Полигиния ҳозирги кунга қадар дунёнинг турли бурчакларида мавжуд. Аммо ғарбнинг таъсири кучли бўлган жойларда эса унга муносабат иккиёқламадир. Антрополог Жон Битти бунга Баньорода (Ғарбий Угандада) бир ёш мактаб ўқитувчиси билан бўлган воқеани мисол сифатида келтиради. Мактаб ўқитувчисининг христиан черковида никоҳдан ўтган хотини бор эди. Мактабда ишлаган йиллари у билан бирга яшар эди. Бундан ташқари унинг туғилиб ўсган қишлоғида ҳам 2 боласи ва хотини бор эди. У хотин анъанавий урф-одатларга кўра мактаб ўқитувчисига эрга чиққан эди. Мактаб раҳбариятидан у 2 хотини бор эканлигини сир тутар ва бу сирни Биттидан ниҳоятда эҳтиёт қилишни илтимос қилар эди.²

² Beattie J. Other cultures. London, 1964. P. 255.

Европа тарихида оила ва никоҳ

Саноатлашув бошлангунга қадар кўпчилик оилалар ишлаб чиқарувчи ячейкалар ҳисобланиб, ерни қайта ишлаш ёки ҳунармандчилик билан шуғулланганлар. Кишилар ўзларининг репродуктив оилаларини яратгунларига қадар бошқа оилалар таркибига кирганлар, унинг аъзолари билан бирга яшаганлар ва ишлаганлар. Бўлажак эр хотинни ёки хотин эрни танлашда муҳаббат ёки романтик ҳис-ҳаяжонлардан эмас, балки ижтимоий-иқтисодий манфаатлар, оилавий ишлаб чиқаришнинг тинимсизлигини таъминлаш заруриятидан ва боқимандалар тўғрисида ташвиш қилмаслик чораларидан келиб чиққанлар. Лендлордлар ўз арендаторларининг қайлиқ танлаши ишига тўғридан-тўғри аралашар эдилар. Чунки улар ўзларининг ер-мулкларида ишнинг самарали кетишидан манфаатдор эдилар. Марказий Европа учун никоҳга кирмоқчи бўлганларининг лендлордлардан рухсат олишligи кундалик ҳодиса ҳисобланган. Уй ёки ферма ташкил қилишга имконияти кам бўлган ерсиз камбағалларнинг баъзи ҳолларда никоҳланиши ман этилган.

Европада Ўрта асрларда никоҳга қадар ва никоҳдан ташқари ҳам жинсий муносабатда бўлиш камбағаллар ва жамиятнинг ўзига тўқ аҳолиси орасида кенг тарқалган ҳодиса ҳисобланган. Айрим ҳудудларда эрнинг бўлажак хотини бола туғишга лаёқатли ёки лаёқатсиз эканини синаб кўриши одатий ҳол бўлган. Агар аёл ҳомиладор бўлиб қолса, никоҳга ҳеч нарса тўсқинлик қила олмаган. Акс ҳолда қайлиқ эрга чиқмаслиги ҳам мумкин бўлган. Европанинг кўпчилик жойларида (хусусан Марказий қисмида) ғайриқонуний туғилган болалар сони ҳозирги давр нормаларига қараганда ниҳоятда юқори бўлган. Боланинг қонуний туғилиши масаласига ҳам аҳамият берилган ва ноқонуний иттифоқдан туғилган болалар оилаларга қабул қилиниб, қонуний туғилган болалар билан теппа-тенг тарбияланган. Китобнинг «Социология: муаммолар ва истиқболлар» номли биринчи бобида келтирилганидек, никоҳдаги аҳоли орасида ишқий ўлдим-куйдимлар кам учраган. Аристократлар ва қишлоқ зодагонлари орасида ишқий муносабатларнинг бўлишлиги одат ҳисобланган. Аммо бу ўлдим-куйдимлар кўпчилик ҳолларда никоҳдан ташқари содир бўлган.

Кўпчилик социологларнинг тахминларига кўра, Ўрта Европада оиланинг кенгайган шакли кўп учраган. Аммо, кейинги йиллардаги тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, мазкур ҳудудда нуклеар оила кундалик оила шакли ҳисобланган. Хусусан континентнинг ғарбий қисмида оила хўжалиги ҳозирги кундагига қараганда ниҳоятда йирик бўлган. Аммо, бу фарқ қариндошчиликка кўра эмас, балки хизмат турининг мавжудлигига кўра катта бўлган. XVII—XIX асрларда Англияда оила аъзоларининг ўртача сони 4,75 кишини ташкил қилган.³ Бугунги кунда эса бу

³ Anderson M. Family structures in nineteenth century Lancashire. Cambridge, 1981.

кўрсаткич 3,4 га тенг. Бизнингча, Шарқий Европа ва Россияда кенгайган оилалар катта аҳамиятга эга бўлган.

Ҳозирги замон оилаларида болалар уйда ўсадилар, мактабни тамом қилгунларига қадар ўз уйларида яшайдилар. Уларнинг ишга жойлашиши балоғатга етганликнинг белгиси ҳисобланиб, қоидага кўра шундан кейин улар никоҳга кирадилар ва алоҳида оила ҳўжалигини шакллантирадилар. Бундай тартиб ўрта асрлар Европаси учун типик ҳисобланмаган. У даврларда болалар 7—8 ёшдан бошлаб одатга кўра ота-оналарига ёрдам берабошлаганлар. Уй-рўзғор ишларида иштирок қилмаганлари эса ўспиринлик давридаёқ ота-онасининг уйини ташлаб чиқиб кетганлар ва бошқа оилаларда уй-рўзғор ишлари билан шуғулланганлар ёки устахоналарда шогирдлик қилганлар. Бошқаларнинг уйида ишлаш учун кетганлар ўз ота-оналарини қайта кўрмаганлар.

Ўрта асрларда Европада болаларнинг 1/4, ҳатто ундан кўпроқ қисми бир ёшга етар-етмасдан ўлиб кетганлар. (Бугун бу кўрсаткич 1 фоиздан камроқни ташкил қилади).

Ҳозирги давр билан солиштирганда ўша даврларда оила аъзолари сонининг номуътадиллигига (XX асрда ажралишлар даражаси юқорилигига қарамасдан) кўплаб омиллар ўз таъсирини кўрсатган. Ўлимнинг кўплигига асосий сабаб касалликлар эди. Аёллар кўп ҳолларда туғиш жараёнида нобуд бўлишар эди.

Ўлим даражаси (бир йилда ўлганлар сони минг кишига нисбатан) бугунги кун даражасига қараганда анча юқори эди. Болалар ўлими, эр-хотинлар ўлими ёки улардан бирининг ўлими оилаларни тез-тез барбод қилар эди.

Иккинчи марта уйланиш ёки эрга тегиш хилма хил қариндошлик муносабатларининг вужудга келишини таъминловчи кундалик ҳодиса ҳисобланар эди.

Оила генезиси

Тарихчи Лоуренс Стоун ўрта асрлар давридаги оилавий ҳаёт шаклининг ҳозирги замон шаклига ўтишини таъминлаган схемани яратди⁴. У XVI асрдан XIX асргача бўлган оила тараққиётининг 300 йил давомида босиб ўтган 3 босқичидаги ўзига хослигини кўрсатиб берди. Мазкур даврнинг дастлабки ва ундан кейинги босқичида ҳам Стоуннинг фикрича, очиқ қариндошлик оиласи оиланинг ҳукмронлик шакли ҳисобланган, у нуклеар оила бўлиб, нисбатан чекланган даражада ўз оила ҳўжалигини юритган. Маҳаллий жамоа билан, ўзининг қариндошлари билан узвий алоқада бўлган (унинг бу фикрини кўпчилик тарихчилар инкор этади). Бу даврда оила унинг аъзолари учун ишонч кўникишларининг маркази ҳисобланмас эди.

Бу оилаларда ҳозирги замон оилавий муносабатларига хос бўлган ўзаро эҳтиросли яқинликка интилиш йўқ эди, бунга улар ҳаракат ҳам қилмас эдилар. Бунда секс лаззатланиш ман-

⁴ Store L. The family, sex and marriage in England 1500—1800. London, 1977.

баи деб эмас, авлод қолдириш учун зарурат деб қаралган. Келин-куёв учун ҳам никоҳдан олдин қайлиқ танлаш эркинлиги, оилавий ҳаётнинг бошқа томонлари жамоанинг, қариндошлар ва ота-оналарнинг манфаатларига бўйсундирилган.

Зодагонлар доирасидан ташқаридагиларнинг ҳиссий ва романтик муҳаббати ахлоқшунос ва илоҳиётчилар томонидан ғайриинсоний сифат, деб баҳоланар эди. Стоуннинг сўзларига қараганда у даврда «оила қариндошлари ва кўшнилари томонидан кенгашлар, ташқаридан туриб уларнинг ички ишларига аралашishi, сўроқлаши учун очиқ, шахснинг эса дахлсизлиги бутунлай инкор қилинар эди. Шундай қилиб оила очиқ, ҳар қандай ҳолатда жабрланувчи, ҳақоратланувчи авторитар ижтимоий институт эди. Унинг мавжудлиги оила аъзоларининг тез-тез ўлиши ва болаларнинг ота уйдан эрта кетиши ҳисобига жуда қисқа эди».

Очиқ уруғ-аймоқчилик оиласининг ўрнига Стоун номлаган янги типдаги ихоталанган патриархал оила типи келди. Бу типдаги оила асосан жамиятнинг юқори қатламлари орасида кенг тарқалган бўлиб, у XVI асрнинг бошларидан то XVII асрнинг бошларига қадар ўтиш оила типи ролини бажарди. Шундай бўлишига қарамасдан унинг пайдо бўлиши катта аҳамиятга эга бўлди, чунки, у туфайли кўпчилик ёки озчилик ҳолларда умумийликка йўналган муносабатлар оммалашди. Нуклеар оила чеклана бориб, қариндошлари, маҳалла ва жамоа билан бўлган муносабатни у йўқота борди. Оила гнезисининг мазкур босқичи маълум даражада отанинг авторитар ҳокимияти ортиши билан боғлиқ бўлган бўлса-да, бунда ота-она, хусусан она муҳаббати аҳамиятининг ортиши билан алоқадор эди.

Стоунга кўра, ихоталанган патриархал оилалар аста-секинлик билан жамоадан ажралган ҳолда уйга боғланган нуклеар оилалар томонидан сиқиб чиқарилди. Бу оиланинг муҳим жиҳатлари оила аъзолари ўртасидаги яқин эмоционал муносабат, оилавий муносабатларнинг ўта ўзига хослиги ва бола тарбиясига эътиборнинг юқорилиги билан фарқланади. Бундай уюшган оила типи XX асргача сақланиб қолди. Жамоадан ажралган ҳолда уйга боғланган нуклеар оилаларнинг пайдо бўлиши билан эмоционал индивидуализмнинг, яъни эмоционал ва романтик муҳаббат тартибларини белгиловчи танловга кўра никоҳга кириш қадри ортди. Ҳиссий муҳаббат нафақат никоҳдан ташқари муносабатларда, балки никоҳда ҳам аҳамиятли бўлиб қолди.

Ҳар ҳолда аҳолининг ўзига тўқ қатлами орасида вужудга келган бу оила типи жамиятнинг sanoатлашуви жараёнида фарб мамлакатлари учун оммавий типга айланди. Ўзаро қайлиқ танлаш энди муҳаббат ва яқинликка асосланган муносабатни мустаҳкамлаш истагига кўпроқ қарам бўлиб қолди. Никоҳ ва оиланинг фарбона типи шундай қиёфага эга бўлдики, бу умумий ҳолда ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Ўзгариш сабаблари

Биз юқорида кўриб чиққанзимиз сингари ўрта асрлар даврида оила хўжалиги ва маҳаллий жамоа товар ва хизматларни ишлаб чиқувчи асосий марказ ҳисобланган. Оила аъзоларининг кундалик заруриятларини қондиришга мўлжалланган зарурий нарсаларнинг кўпчилиги оилада ишлаб чиқарилган. Айрим ҳолларда эса ишлаб чиқарилган товарлар қишлоқ ёки шаҳар бозорларида сотилган ёки сотиб олинган. Одатда оила интеграциялашган ишлаб чиқариш ячейкаси ролини ўйнаган. Бунда унинг барча аъзолари — эр-хотин ва болалар бирга ишлашган. Бунда аёллар асосан болалар тарбияси билан шуғулланганлар ҳамда рўзгор иқтисодиётида муҳим ўринни эгаллаб иқтисодий шериклик вазифасини бажарган (бундай ҳолат кўпчилик ривожланган мамлакатларнинг қишлоқ жойларида ҳозирги кунга қадар ҳукмрондир). Европада тахминан XVII асрдан бошлаб (Америкада сал кейинроқ) йирик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг тарқалиши даражасига кўра кичик фермер оилалари ўз эр участкаларидан сиқиб чиқарила бошланди. Саноатлашувнинг бошланиши билан мазкур жараён анча-мунча тезлашди. Товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш устахона ва фабрикаларга кўчди. Кишилар (хусусан эркаклар, дастлабки даврда болалар ҳам) ишга ёлланиш учун ўз уйларини ташлаб кета бошлади. Энди оила ишлаб чиқариш ячейкаси бўлмади қолди. Энди «иш жойи» ва «яшаш жойи» алоҳида-алоҳида макон бўлиб қолди.

Бу ўзгаришлар натижасида очиқ қариндошлик оиласи типи ёппасига барбод бўлди. Мазкур ўзгаришлар дастлаб юқори ижтимоий мавқега эга бўлган гуруҳларни қамраб олди. Савдогарлар, саноатчилар ва йирик фермерлар дастлабки даврларга хос бўлган қариндошлар олдидаги анъанавий мажбуриятлардан ва ички ишларига жамоанинг аралашishiдан қутилдилар. Бу кишилар биринчи бўлиб кейинчилик унчалик ўзига тўқ бўлмаган аҳоли қатламига ҳам хос бўлган ихоталанган патриархал оилаларни шакллантира бошладилар. Охир оқибатда уларнинг саъйи-ҳаракатларига кўра жамоадан ажралган ҳолда уйга боғланган нуклеар оила маълум даражада оммавий бўлиб қолди.

Оиладаги эркакларнинг, аёлларнинг ва болаларнинг бажариши керак бўлган функциялари мазкур ўзгаришлар таъсирида жиддий ўзгаришларни бошидан кечирди. Саноатлашувнинг биринчи йилларидан бошлаб, кўпчилик аёллар ҳар доимгидек, болалар тарбияси билан шуғулланиб, ҳам ишга ёллана бошладилар. Ўзига тўқ аҳоли қатламида эса кўпчилик томонидан тан олинган фикр ҳукмронлик қилар эди. Унга кўра, эркаклар — «боқувчи», аёллар эса «уй бекаси» бўлиши керак эди. Кўпчилик эрли аёллар уй бекалари бўлишиб, ҳақ олмайдиган уй хизматкорларига айландилар ва уларнинг асосий вазифаси эрига ва болаларга хизмат кўрсатиш бўлиб қолди. Болаларнинг мактабга

бориши ва болалар меҳнати чегараловчи қонуннинг қабул қилиниши билан болаларнинг ҳам шарт-шароити ўзгарди.

Муҳаббатнинг табиати ва унинг жинсий лаззат билан алоқадорлигидаги ўзгаришлар ҳам юқорида келтирилган анъаналарга узвий боғлиқ эди. Романтик муҳаббат идеаллари оиланинг иқтисодий асосларига кўра қурилиши барҳам топган вақтда вужудга келди. Патриархал оилаларда оилавий муносабатнинг янги идеаллари ўз тарафдорларини топди, аммо романтик алоқадорликка кўра оилавий бурч барибир кўпроқ қадрланар эди. Ҳатто яшаш жойининг иш жойидан бўлак-бўлак бўлиши оиладаги «шахсий» муносабатларнинг меҳнат жараёнидаги муносабатлардан жиддий фарқланишини ҳам таъминлади. Никоҳ учун янги заминни шакллантирувчи ва эркак-аёл ўртасидаги муносабатни ўзгартирувчи эмоционал индивидуализм кенг тарқалди. XX асрнинг охирига келиб, оиланинг бегона дунё учун ёпиқлиги, бунда эр-хотин ўртасидаги эмоционал ва жинсий яқинлик биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги кўпчилик томонидан эътироф этилди⁵.

Жаҳон миқёсида оила шакллариининг ўзгариши

Жаҳонда оиланинг хилма-хил шакллари сақланиб келмоқда. Айрим ҳудудларда, хусусан, Осиё, Африканинг айрим жойларида ва Тинч океани оролларида анъанавий оилавий тизимлар, кланлар ва полигамиялар қарийиб ўзгаришсиз сақланган. Шундай бўлишига қарамасдан учинчи дунёнинг кўпчилик мамлакатларида жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бунинг сабаблари мураккаб ва хилма-хилдир. Улар орасида айримлари ўта муҳим аҳамиятга эга. Майда-чуйдаларни ҳисобга олмаганда, масалан, дастлабки даврларда ғарбда оилага ҳозирги замон индустрияси ва шаҳар турмуш тарзининг таъсири катта бўлди. Умуман, ушбу ва шунга ўхшаш ўзгаришлар кенгайтирилган оила ва қариндошчилик муносабатларининг бошқа типларини емириб, унинг ўрнига нуклеар оиланинг шаклланишини таъминлади. Бу ўзгаришларни биринчи марта Уильям Ж. Гуд ўзининг «Оила шаклларида жаҳоншумул инқилоб»⁶ китобида кўрсатган эди. Албатта, Гуд бу жараёни соддароқ тарзда ифодалаган, лекин унинг нуклеар оиланинг ҳамма жойларда шаклланиб бора бошлаётганлиги тўғрисидаги фикри кейинги тадқиқотларда ҳам ўз аксини топди.

Ўзгариш йўналишлари

Қуйида оила шакллариининг нисбатан муҳим ва энг умумий ўзгаришлари умумлаштирилган.

⁵ Concian F. Love in America: gender and self-development. New York, 1987.

⁶ Goode W. World revolution in family patterns. New York, 1963.

1. Кланлар ва бошқа корпоратив қариндошлик гуруҳлари емирила бошлади. Бунга урушдан кейинги Хитой тарихи мисол бўлиши мумкин. 1949 йили ҳокимиятга коммунистик ҳукуматнинг келиши билан иқтисодий ва оилавий ҳаётга Цынинг таъсирини бартараф қилишга уриниш бўлди. Амалда Цы деҳқонлар орасида қисмларга бўлинди ва тақсимланди. Анъанавий Цы коммуналар билан алмаштирилди. Мамлакат ҳаётидаги кейинги иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар унинг таъсирини янада сусайтирди.

2. Қайлиқлар эркин танланишининг умумий тенденцияси яққол кўзга ташланди. Бу ерда тўғридан-тўғри корреляция аниқланган бўлсада, кенгайтирилган никоҳлар билан боғланган эди. Никоҳ муносабатларининг қарор топишида оилавий кланлар олдидаги мажбуриятлар биринчи даражали аҳамият касб этар эди. Мураккаб оилавий тизимни бўшаштирувчи ғарб индивидуализм ва романтик муҳаббат ғоялари ва шунга ўхшашлар таъсирида дастлабки келишувларга кўра никоҳ чуқур инқирозни бошидан кечирмоқда. Ёш авлод вакиллари, хусусан, шаҳарларда яшаётган ва ишлаётганлар никоҳга кирувчи шерикларини ўзлари мустақил танлашни талаб қилмоқдалар.

3. Шерикни танлаш, оилавий ички масалаларни ҳал қилиш аёллар ихтиёрида эканлиги тан олинади. Аёлларнинг жамиятда юқори амалларни эгаллаш имконияти, ажрალიшнинг эркинлаштирилиши бу ўзгаришлар билан узвий боғлиқдир. Бир қатор жамиятларда эркаклар анъанавий суратда ажралишда тўлиқ эркинликка эга эдилар. Бунда гувоҳлар олдида унинг хотиним бундан кейин менга керак эмас, дейиши кифоя қилар эди. Бугунги кунда хотин-қизлар жамиятлари ажралиш жараёнидаги тенгхуққилик учун кенг миқёсда кураш олиб бормоқдалар. Шундай бўлишига қарамасдан, жуда кўп жамиятларда бу масалада муваффақиятлар деярли сезилмаяпти.

4. Анъанавий маданиятларда кўпчилик никоҳлар қариндошлик никоҳлари бўлган. Агар киши маълум даражада қарор топган қариндошлик муносабатларидаги ўзига хос доира кишиси билан никоҳга кирса бу никоҳ албатта бахтли бўлади, деб ҳисобланар эди. Масалан, кучли клан гуруҳлари мавжуд бўлган жойларда қариндошлик муносабатлари қанчалик узоқ бўлишига қарамасдан индивидга шу кланнинг аъзоси билан никоҳга кириш ман қилинар эди. Бундай амалиёт экзогамия дейилади. Эндогамия бунга қарама-қарши амалиёт бўлиб, бунда индивид ўз қайлиғини фақат ўз қариндошлари ичидан танлаган. Иккала ҳолатда ҳам маълум бир уруғга мансублик никоҳ муносабатларининг шаклланишида белгиловчи омил родини ўйнайди. Бундай амалиётлар кундан-кунга камайиб бормоқда.

5. Ўзларини «қаттиқ кўл» ҳисоблаган мамлакатларда бугунги кунда сексуал эркинлик ўзининг энг юқори даражасига кўта-

рилди. Айрим ҳолларда эса бу жараёнлар узоқ давом этмасдан, 70-йилларнинг охирларида Эронда ислом инқилобидан кейин содир бўлгани сингари, унга қарама-қарши ўзгаришлар ҳам бошланиши мумкин. Эрон ҳукумати сексуал эркинликни чеклашга қаратилган қонунлар ва урф-одатларни тиклашга ҳаракат қилдилар. Аммо, бу мисоллар кам учрайдиган ҳолатларга алоқадор. Аслида эса кўпчилик анъанавий жамиятлар қачонлардир ғарбда ҳатто бугунги кунга нисбатан ҳам сексуал масалада эркин бўлганлар.

6. Болалар эркинлиги кенгайишининг умумий тенденцияси мавжуд. Жуда кўплаб мамлакатларда болалар мутлақ ҳуқуқсиз яшамоқдалар, сексуал суиcътемолик, бузуқликнинг қурбони бўлмоқдалар. Кўпчилик давлатлар ҳали уларнинг умумий нормага айланишига узоқ вақт керак бўлсада, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қонунларни қабул қилдилар.

Бу тенденцияларга фавқулодда катта аҳамият бериш ёки нуклеар оилалар ҳамма жойда ҳукмрон оила шаклига айланади, деб тахмин қилиш унчалик тўғри эмас. Ҳозирги вақтда кўпчилик жамиятларда кенгайган оила ҳамишадагидек норма бўлиб қолмоқда ва оилавий муносабатларнинг анъанавий амалиётлари ўз кучини сақлаб қолмоқда. Бундан ташқари оилавий тизимларнинг типлари хилма-хилдир ва бу тизимларнинг ўзгариши турли хил йўналишларда содир бўлмоқда. Мазкур ўзгаришлар тезлигига кўра фарқланади. Айни вақтда зид тенденциялар ҳам мавжуддир. Филиппинда ўтказилган тадқиқотлар шунини кўрсатдики, кўпаъзоли оилалар қишлоқларда шаҳарларга нисбатан кўпчиликни ташкил қилади. Мазкур кенгайган оила анъанавий турмуш тарзининг давоми бўлмасдан, балки тамоман янги ҳодисадир. Қишлоқ жойларини ташлаб шаҳарга келган амакиваччалар, жиянлар, холаваччалар қариндошлар сифатида мавжуд имкониятлардан янада кенгроқ фойдаланиш учун бир жойга тўпланишадилар. Бундай мисолларни биз учинчи дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келтиришимиз мумкин. Бундай жараёнлар айрим индустриал мамлакатларда ҳам кўзга ташланади. Польшанинг айрим ҳудудларида кенгайган оиланинг қайта тикланаётганлиги қайд этилган. Польшадаги кўплаб саноат корхоналари ишчилари ўз фирмаларига ҳам эгадир, кўпчилик вақтларини улар шуларда ўтказадилар. Қариялар болаларга қарашади, уй-рўзғор ишларига ёрдам беради, набираларни тарбиялайди. Ёшлар эса уйдан ташқаридаги ишлар билан банд бўладилар⁷.

⁷ *Turowsky J. Inadequacy of the theory of nuclear family: the Polish experience. In: Lenero-Otero L. Beyond the nuclear family model: cross-cultural perspectives. London, 1977.*

Умумий тасниф

Британ жамиятида оилавий ташкилотларнинг жуда кўплаб турлари мавжуд, биз улардан айримларининг тавсифини кейинроқ баён қиламиз. Лекин шундай бўлишига қарамасдан аҳолининг кўпчилик қисмига хос бўлган умумий хусусиятлар ҳам мавжуддир.

1. Британ оиласи *моногам* бўлиб, бу қонун билан белгилаб қўйилган. Шундай бўлишига қарамасдан Буюк Британиядаги ажралишлар даражасининг юқорилигини ҳисобга олиб, айрим тадқиқотчилар тахмин қилганларидек, Британия оилаларининг бутунги типини даврий моногамия деса ҳам бўлади. Бунда тартибга кўра бир эр бир хотин ёки бир хотин бир эрдан ортиқ ёстикдошига эга бўлиши мумкин бўлмаса-да, индивид навбат-навбат бир неча ёстикдошга эга бўлиши мумкин. Албатта бу ўринда қонундаги моногамия билан ҳаётий сексуал амалиётни аралаштириш тўғри эмас. Бутун никоҳдан ташқари сексуал муносабатда бўлган британияликлар сони ниҳоятда кўп.

2. Британияда никоҳ романтик муҳаббат ғоясига асосланган. Мазкур никоҳни белгиловчи омил *эмоционал индивидуализм-дир*. Никоҳ муносабатларининг қарор топиши заминида шериклар ўртасидаги эмоционал яқинлик мавжуд бўлмоғи, ўзаро шахсий лаззатланишлари ва бунда бир-бирига мослиги романтик муҳаббат никоҳининг таркибий қисми эканлиги бутунги Британия учун табиий ҳолат ҳисобланади, айтилиши вақтда ҳозирги замон маданиятининг ўзига хос хусусияти бўлмасдан, у балки инсон мавжудлигининг таркибий қисмидир. Албатта ҳаётда реаллик ва мафкура бир-бирига мос тушмайди. Никоҳдаги шерикларнинг шахсий қадриятлар қониқтирилишига бўлган ўзаро эътибори ҳаммаша бир-бирига мос келавермайди, бу эса ўз вақтида ажралишлар сонини кўпайтирувчи омил ролини ўйнайди.

3. Британияда оила неолокал бўлиб, у ота истагига кўра қурилади. Ота йўлига кўра наслнинг давомийлиги дегани — болалар оталарининг фамилиясида юрадилар ва мол-мулк, одатда отадан болага — эркак наслига ўтади. (Бутунги дунёда ҳам кўпчилик жамиятларда оила она йўлига кўра қурилади: фамилия ва мулк одатга кўра она наслига кўра ўтади). Неолокал яшаш дегани, янги қурилган оила жуфтлари уларнинг ҳар иккаласининг ота-оналари уйларида ҳам узоқроқ жойга кўчиб бориб яшаш деганидир. Шундай бўлишига қарамасдан неолокаллик Британия оиласининг ажралмас қисми ҳисобланади. Аҳоли қуйи қатламнинг кўпчилик оилалари матрилокал оилалар ҳисобланади, яъни янги уйланганлар келиннинг ота-онаси яшаётган жойга яқинроқ жойлашадилар.

4. Британ оилалари нуклеар оила бўлиб, бунда болалар бир ота ёки она ёки ҳар иккаласи билан яшайдилар. Нуклеар оилалар қариндошчилик борди-келдиларидан ҳеч қанақа ихоталанмаган.

Тараққиёт тамойиллари

Оиланинг янги шакллари

Иккинчи жаҳон уруши никоҳ ва оилага байрамона таъсир қилди. 1947 йили ажралишларнинг сони урушдан олдинги йилларга нисбатан 10 баробар ортиб кетди! Орадан маълум вақтлар ўтгач, бу кўрсаткич анча-мунча пасайган бўлса-да, 60-йилларнинг бошларига келиб бу кўрсаткич яна сакраб кетди. Ажралишларга давлат ёрдами кўрсатиш тўғрисида қонун қабул қилинган, молиявий қийинчиликлардан ҳадиксиратган кишилар орасида ажралишлар сони яна кўпайиб кетди. Шунга қарамадан, никоҳ қадри тушиб кетганлиги қайд этилмади, аксинча, ажралганларнинг тўртдан уч қисми қайта никоҳдан ўтдилар. Урушдан кейинги қисқа «бэби-бум» 1947 йилда ўзининг энг юқори даражасига етди, яъни балоғат ёшидаги минг кишига 20,5 туғилиш сони тўғри келди. Шундан кейин туғилиш даражаси мувозанатлашди ва шундан буён мазкур стабиллик сақланмоқда. Рапопорт фикрича «Бугунги кунда Британия бир оила шакли мавжуд бўлган жамиятдан кутиш мумкин бўлган, оиланинг хилма-хил шакллари мавжуд жамиятга ўтиш даврини бошидан кечирмоқда»⁸. Ушбу хулосани асослаш жараёнида Рапопорт бешта: *ташқилий, маданий, синфий, ҳаёт йўлидаги ва авлодларга оид* тафовутлари алоҳида-алоҳида кўрсатади.

Бугунги кунда оилалар ўзларининг тирикчилик мажбуриятларини ва социал муҳит билан бўлган алоқаларини турли хилда ташкил қилмоқдалар. Бунга ёрқин мисол: ортодоксал оила билан (аёл — «уй бекаси» ва эркак — «боқувчи») эр-хотин иккаласи ҳам ишлайдиган оила ўртасидаги жиддий фарқ бўлиши мумкин. Маданият нуқтаи назардан қараганда айниқса ҳозирги пайтда оила аъзолари орасидаги қизиқиш ва қадриятларнинг турли-туманлиги кузатишмоқда. Этник озчиликларнинг мавжудлиги (Ғарбий ҳиндлар, Осиёликлар, греклар ва италян жамоалари) ва феминизм сингари ҳаракатлар оила шаклларидаги маданий турли-туманликнинг авж олишига олиб келди. Сақланиб келаётган синфий бўлиниш, малакали ишчилар синфи ҳамда ўрта ва олий синфлар ичидаги ички гуруҳланиш ҳам оила тизимидаги муайян ўзгаришларни келтириб чиқармоқда. Ҳаётини йўлга боғлиқ бўлган оилавий муносабатлар тажрибаси фарқлари ҳам етарли даражада очиқ кўриниб турган ҳолатдир. Масалан индивид ота-онаси бирга яшаган оиладан келиб чиққан бўлса-да,

⁸ Rapoport R. British families in transition. In: Rapoport R. Families in Britain. London, 1982.

унинг ўзи уйланиб, сўнгра ажрашган. Ёки, бошқаси эса ё отаси, ё онасининг тарбиясида ўсган, бир неча бор никоҳда бўлган ва ҳар бир никоҳдан болалари бор бўлган ҳолат.

Биз бу ерда авлод тушунчасини оила аъзолари ичидаги муносабатларни ифодалаш билан боғлаймиз. Масалан, ота-оналар ва катта авлод ўртасидаги муносабатлар аввалги пайтларга нисбатан анча заифлашди. Аммо ҳозирги пайтда кишилар узоқ умр кўраётганлиги туфайли, уйланган набиралар, уларнинг ота-оналари (3 авлод) бир даврда бир-бири билан маҳкам боғланган ҳолда яшамоқдалар.

Оиланинг Жанубий Осиё тип

Хилма-хил бўлган Британ оилалари орасида ўзига хос бўлган яқкаю ягона оила — Жанубий Осиёдан кўчиб келганлар ва уларнинг авлодлари оиласи мажмуидир. Бирлашган Қироллик аҳолисининг Жанубий Осиёликлар қисми бир миллион кишидан ортиқроқ. Миграция 50-йилларда Ҳиндистон ярим оролининг Панжоб, Гуджарат ва Бенгалия регионидан бошланди. Мигрантлар динига, келиб чиқишига, кастасига, энг муҳими, шахсий уруғ-аймоғига кўра жамоаларга бирлашдилар. Улар шуни яхши англадиларки, мамлакатнинг асосий аҳолиси уларнинг оилавий турмуш тарзи ҳақидаги тасаввурларини ва қариндошчилик ҳиссиётларини яхши билмайдилар. Бир бутун оилани сақлашнинг Буюк Британияда иложи тобора камайиб борди. Чунки мигрантлар мураккаб уй-жой муаммосига дуч келдилар. Бир бутун Жанубий Осиёликлар оиласи катта эски уйларга жойлашар эдилар. Одатда бундай уйлар шаҳарларнинг ташландиқ ҳудудларидагина мавжуд бўлади. Улар орасида турмуш даражаси яхшилланганлари кичик, қулайликларга эга бўлган уйларга кўчиб ўтишлари билан катта оилалар пароканда бўла борди.

Бирлашган Қиролликда туғилган Жанубий Осиёликлар оиласида тарбияланган болалар, асосан, икки маданият таъсирини ўзларида ҳис этадилар. Уйда ота-оналар улардан жамоа тартибларига бўйсуншни, итоаткорликни, бепарқликни, садоқатни кутади ёки талаб қилади. Мактабда эса улар рақобат, худбин ижтимоий муҳит шароитида тарбияланади. Бундай болаларнинг кўпчилиги ўзларининг оилавий ва шахсий ҳаётларини этник субмаданиятга мос ҳолда ташкил қилишни маъқул кўрадилар, чунки улар анъанавий оилавий ҳаёт билан боғлиқ шахсий муносабатларни юқори баҳолайдилар. Аммо улар Британия маданияти билан тўқнашганларида кўпгина ўзгаришларни бошдан кечирадилар. Никоҳланаётган ёшларнинг ҳар бири ўз қарашлари ва фикрларига кўра оила қуриш ҳуқуқини талаб қилмоқда-⁹

⁹ Ballard R. South Asian families. In: Rapoport R. Families in Britain. London, 1982.

Ҳозирги вақтда оила ва никоҳга таъсир этаётган омиллар

Бугунги кунда оила ҳолатига таъсир кўрсатаётган энг муҳим омиллардан бири — ёлганиб ишлайдиган эрли аёллар сонининг кўплигидир (қаранг: 6-боб, «Гендер ва сексуаллик»). Юқорида таъкидланганидек, саноат даврининг бошларидаёқ унчалик кўп сонли бўлмаган эрли аёллар уйларида ташқарида ишлаганлар. Бироқ иккинчи жаҳон уруши тугаганидан сўнг, ҳақ тўланадиган ишларда банд бўлган аёллар сони фавқулудда ошиб кетди. Бу ўсиш оила типларида ҳам баъзи бир ўзгаришларни келтириб чиқарди.

Гарчи ишлайдиган эрли аёллар, қоидага кўра, шерикларига қараганда кам аҳамиятли ишда ишласалар-да, улар уй бекаларига қараганда катта иқтисодий мустақилликка эгадирлар. Кўпгина аёллар илгаригидек ўз иш ҳақларини эрларнинг иш ҳақларига «қўшимча» деб ҳисоблашади, бу иш ҳақи улар томонидан асосий даромад манбаи ҳисобланади. Шунга қарамай, тобора кўп аёллар «уй бекаси» роли билан чекланиш ўрнига, хизмат вазифасига ҳаётларининг асосий ҳаракатлантирувчиси сифатида қарайдилар.

Бу ўзгаришлар оила ичида эркак ва аёл ролларининг тақсимланишига қай даражада тааллуқли? Илгаригига қараганда эркаклар бола тарбиясида ва рўзгор ишлари учун ўзларига катта масъулиятни оляптиларми? Фактлар кўрсатадики, бу борада охириги 3—4 ўн йилликда баъзи ўзгаришлар юз берган бўлса-да, улар жуда чеклангандир. Хейди Хартманн 1960—1970 йилларда Қўшма Штатларда ўтказган тадқиқотлари натижаларини умумлаштирди¹¹. У шунини аниқладики, фақат уй хўжалигида банд бўлган аёллар бунга ҳафтада 60 соат сарфлар экан. Эркакларнинг эса бунга ўртача 11 соат вақти кетади, ёш болали оилаларда аёллар бола тарбиясига ҳафтада 5 соат сарфласалар, рўзгорнинг бошқа ишларига кетадиган вақтни тегишли тарзда қисқартирадилар.

Британияда АҚШдагига қараганда мунтазам тадқиқотлар анча кам ўтказилган. Аммо улар манзара бир хил эканини кўрсатади. Элстон врачларнинг оилавий жуфтлигини текширган¹². Натижалар кўрсатишича, эркак врачлар аёлларига қараганда рўзгор юмушлари билан анча оз банд бўлганлар. Масалан, эркак врачларнинг фақат 1%и мунтазам равишда дўконларга қатнайдилар, овқат тайёрлайдилар, хонадонни йиғиштирадилар, аёл врачларнинг 80%дан ортиғи дўконга қатнаб, овқат тайёрлайдилар. Уларнинг 50%и хонадонни йиғиштириш билан шуғулланидилар. Фақатгина камдан-кам ҳолларда иккала шерик фаррош

¹¹ Hartmann H. The family as a focus of class, gender and political struggle: the example of housework // Sings, 6. 1981.

¹² Elston M. Medicine: half our future doctors? In: Silverstone R. and Ward A. Careers of professional women. London, 1980.

ёки энага ёллаб, ўзлари рўзгор ташвишларидан холи бўлганлар. Шундай қилиб, аёллар ҳатто юқори мақомга ва яхши ҳақ тўланадиган ишга эга бўлган ҳолларда ҳам намунали она ва уй бекаси бўлишга ҳаракат қилаверганлар.

Оилада қабул қилинадиган қарорларга бағишланган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, эркаклар одатда оила иқтисодий ресурслари устидан назорат қилишни ўзларида сақлаб қоладилар. Айни шу эркаклар кўп ҳолларда оиланинг молиявий ишлари қандай йўлга қўйилишини ҳал қиладилар. Ўз навбатида, улар оила ҳаётининг бошқа кўпгина жиҳатларини ҳам белгилайдилар. «Оқ ёқалилар» доираси оилалари орасида ўтказилган тадқиқотлар оилавий юмушларни «жуда муҳим» ва «шунчаки муҳим»ларига ажратиш имконини берди. Молиявий ишлар бўйича эрлар мустақил қарор қабул қиладилар. Болалар таълими бўйича қарорлар кўпинча биргаликда қабул қилинади. Аммо, мутлақо равшанки, у ёки бу хилдаги қарорлардан биронтаси хотинлар томонидан мустақил қабул қилинмаган. Одатда хотинлар ҳар икки шерик учун оддий бўлган масалалар, масалан, хонадон пардозини танлаш бўйича қарор қабул қилиш масъулиятини ўзларига олганлар.

Жуда кўп ҳолларда оилаларда ҳокимият хотинларга тегишли бўлса-да, аммо улар ўз таъсирини билвосита йўллар билан амалга оширадилар. Айни вақтда эркаклар оилавий ишларда ўзларига кўп бино қўядилар, хотинлар эса ҳар қандай ҳокимиятни хас-пўшлаши мумкин, чунки бу қандайдир ғайри қонунийдек кўринади. Агар хотин ўз ҳолича ҳаракат қилса, у ё эрини «эговлайди», ё уни «айланиб» ўтиш йўлларини ахтаради.

Эркаклар шунга ўхшаган усуллардан фойдалана олса-да, кўпчилик ҳолларда ўз ҳуқуқларини тўғридан тўғри ўтказиш имкониятига эга, бундай тенгсизликнинг бартараф қилиниши фавқулодда секин кечмоқда.


Ғарбдаги ажралиш (кўйди-чикди) ва никоҳнинг тўхтатилиши

Ажралишларнинг ўсиши

Сўнгги 30 йилда ажралишлар миқдори анча кўпайди, айни вақтда ажралишларни қоралаш камаймоқда. Кўп асрлар давомида ғарбда никоҳ амалда бузилмас эди. Ажралишлар фақат алоҳида, масалан, меёрли никоҳ муносабатларига ноқобиллик ҳолларида йўл қўйиларди. Баъзи мамлакатларда, масалан, Испанияда ажралиш ҳуқуқини тан олмайдилар. Ирландияда 1986 йилги референдумда кўпчилик ажралишга қарши овоз берди. Шунга қарамай, ажралишнинг таққиланиши — жуда кам учрайдиган ҳодиса. Кўпчилик мамлакатлар ажралишни осонлаштиришга жуда тез ўтдилар. Амалда барча саноатлашмаган мамлакатларда музокаралар тизими деб аталган тортишувли тизим

қабул қилинган. Бу тизимга кўра, томонлардан бири ажралиш учун бошқа томонга қарши айбномани илгари суриши (масалан, шафқатсизлиги, етарли эътибор берилмаслиги, ва ҳоказо) мумкин. Қатор мамлакатларда 60-йиллар ўрталарида ажралишлар ҳақида дастлабки «айбдан мустақил» қонунлар қабул қилинган эди. Уша вақтдан бери кўпгина ғарб давлатлари баъзи икир-чикирларда фарқ қилган ҳолда шу йўлдан бордилар. Бирлашган Қиролликда «Никоҳ-ажралиш ишлари ислоҳоти тўғрисидаги Акт» (қонун) 1969 йилда қабул қилиниб, 1971 йилда кучга кирди. Бу қонун ажралишни осонлаштирди, чунки «айбдан мустақиллик» қонунини ўз ичига олган эди.

60-йилларда Британияда ажралишлар сони ҳар йили 9% га ошиб, 10 йиллик охирида икки барабар кўпайди. 1972 йилга келиб ажралиш яна икки марта ошди. Бу қисман аллақачон «ўлган» кўплаб никоҳларнинг расман тўхтатилиши имкониятини берган 1969 йилги Актнинг натижаси бўлди. 1980 йиллар бошидан ажралишлар сони гарчи аввалдагидек, фавқулодда юқори¹³ бўлса-да, қандайдир даражада мўтадиллашди. Ажралиш болалар ҳаётига катта салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, Бирлашган Қиролликда 1970 йилда туғилган



9-расм. 1971—1985 йилларда Англия ва Уэльсда болалар сони ва ёш даражасига қараб ажралишлар миқдорининг ўсиши.

Манба: Social trends. London, 1987. P. 51

¹³ Burgoyne J., Richards M., Ormrod R. Divorce matters. Harmondsworth, 1987.

болаларнинг 40%га яқини ўз ҳаётининг қайсидир даврида оилада фақат отаси ёки онаси билан яшаган. Аммо 70% аёллар ва 83% эркеклар ажралишдан сўнг 3 йил давомида қайтадан никоҳланганлар. Болалар яна оилада тарбиялана бошлаганлар. Британияда 14 ёшдан кичик болаларнинг фақат 2%и ҳозирги кунда отаси ёки онаси билан яшайди.

Ажралишлар миқдорининг кўрсаткичи никоҳдаги муваффақиятсизликнинг тўғридан-тўғри индикатори ҳисобланмайди. Бир томондан расман ажралмаган, аммо алоҳида яшайдиганларни «ажралганлар» деб бўлмайди. Бунинг устига никоҳдаги бахтсиз кишилар кўпинча бирга бўлишни лозим топадилар — чунки оиланинг муқаддаслигига ишонадилар, ёки ажралишнинг молиявий оқибатларидан ташвишланадилар, ёки болалари учун соғлом оилавий муҳит яратиш учун бирга қоладилар.

Нега ажралиш яна кенг тарқалмоқда? Бунинг бир қанча сабабларини санаш мумкин. Бадавлат кишиларнинг бир қисмини ҳисобга олмаганда, бугунги кунда никоҳ одамларнинг ўз мулки ва мавқеини кейинги авлодга ўтказиш мақсадидаги саъй-ҳаракатлари мажмуи бўлмай қолди. Аёллар иқтисодий мустақиллигининг таъминланиши билан никоҳ қачонлардир бўлганидек иқтисодий шериклик заруриятининг натижаси ҳисобланмай қолди. Фаровонликнинг умумий ўсиши шунга олиб келдики, агар никоҳ инсонни қониқтирмаса, у ўз ҳаётини осонгина бошқача йўлга қўйиши мумкин бўлиб қолди. Бундан ташқари, ажралишганлар эндиликда ўзларида «иснод» тамғасини кўтариб юрмайди ва қандайдир даражада бу уларни рағбатлантиради ҳам. Яна битта муҳим омил — никоҳ берадиган шахсий қониқиш даражаларини баҳолаш атамаларининг кучайиши тенденциясидир. Афтидан ажралишлар сонининг ўсиши никоҳдан чуқур умидсизланиш билан эмас, балки уни қониқиш келтирадиган тўлақонли иттифоққа айлантиришга уринишнинг кучайиши билан боғлиқдир.

Ажралишлар тажрибаси

Ажралишлар даражаси юқорилигининг ижтимоий устунлиги ва ижтимоий зарари ўртасидаги мувозанатни белгилаш ҳаддан ташқари қийин. Ажралишларга нисбатан бепарво қараш шунинг англатадики, жуфтлар ижтимоий қуввинликка дучор қилинганидан ўзларини қониқтирмайдиган муносабатларни узишлари мумкин. Бошқа томондан, никоҳ муносабатларининг узилиши қарийб ҳамма вақт стресс (қаттиқ ҳаяжон) пайдо қилади ва ажралишганлар учун молиявий қийинчиликларни вужудга келтириши мумкин.

Ажралиш

Дайан Ваген ажралиш вақтида ажралишган шериклар муносабатларини текширган.¹⁴ У яқинда ажралган ёки бир-бирини ташлаб кетган 103 (асосан ўрта синфдан бўлган) жуфтдан биргаликда яшаганидан то ажралишганигача бўлган ўтиш даврини тасвирлаш мақсадида қатор интервьюлар олган. «*Ажралиш*» тушунчаси узоқ давом этган биргаликдаги интим муносабатлардан яқкалик ҳаётига ўтишни англатади. Маълум бўлдики, кўп ҳолларда жисмоний ажралишдан олдин эр-хотинлар *ижтимоий жиҳатдан бошқа-бошқа бўлиб қоладилар*. Бунда шерикларнинг бирида янги ҳаёт тарзи пайдо бўлади, уни бошқа машғулотлар қизиқтира бошлайди, ажралган хотинига ҳеч қандай алоқаси йўқ янги дўстлари пайдо бўлади. Бу бир-бирларидан айниқса ишқий муносабатларда сир сақлашга олиб келади.

Ваген тадқиқотига кўра, ажралиш дастлабки пайтларда олдиндан ўйлаб қилинмайди. Бир индивид, Ваген атамасига кўра, *ташаббускор* — бошқасига қараганда мавжуд муносабатлардан кам қониқади ва никоҳдан мустақил «худуд»ни яратади. Бундан олдин ташаббускор маълум вақт давомида ўз шеригини ўзгартириш, ўзаро тушунишга эришиш, умумий манфаатларини ривожлантириш ва ҳоказолар учун муваффақиятсиз уринади. Шундай вақт келадики, уринишларининг чиппакка чиққанлигини, муносабатларнинг узил-кесил бузилганлигини ташаббускор тушунади. Шу вақтдан бошлаб эркак ёки аёл шериги билан ҳар қандай муносабатларни инкор этиш ҳукмида бўлади. Вагеннинг тахминича, бу — эрнинг муносабатлар бошидаги мавжуд нуқсонларини ҳисобга олмай, хотиннинг кўзга ташланадиган жиҳатларини бўрттирган «севгисига» қарама-қарши ҳолатдир.

Ташаббускорлар бошқа кишилар билан фикр алмашиб, ўз муаммоларини кенг муҳокама қиладилар. Масалан, улар алоқалар узилишининг ижобий ва салбий жиҳатларини қиёслайдилар. Қўллаб-қувватлашсиз ҳам яшай оламанми? Ота-онам ва дўстларим бунга қандай муносабат билдирадилар? Молиявий масалаларда хотиржам бўла оламанми? Муаммоларни чуқур ўйлаб кўриб, баъзилар илгариги муносабатларни қайта тиклашга уринадилар. Қатъий ажралувчилар учун мулоҳаза ва муҳокама ўз ҳукмининг тўғрилигига ишонч яратади ва ажралишни тезлаштиради. Кўпчилик ташаббускорларнинг ишончлари шунга комил бўладики, собиқ шериги олдидаги мажбуриятларидан кўра, ўзининг келажаги учун масъул бўлишни муҳимроқ деб билади.

Ажралишнинг ташаббускори ҳар доим ҳам эр-хотинлардан бири бўлавермайди. Баъзан ролларнинг алмашинуви юз беради. Илгариги муносабатларни сақлаб қолишни хоҳлаган шерик энди буларга чек қўйиши, айти пайтда, илгариги ажралиш ташаб-

¹⁴ Vaughan D. Uncoupling: turning points in intimate relationships. Oxford. 1986.

бускори энди муносабатларни давом эттиришдан манфаатдор бўлиши ҳам мумкин.

Ажралиш: ўтиш шакллари

Ажралмоқчи бўлганлар ўз турмуш тарзи ва дунёқарашларида жиддий ўзгаришларни бошидан кечирадилар. Пол Боэннэн ажралишни амалга оширувчи ўзаро 6 та *босқични* белгилайди.¹⁵ Буларнинг ҳаммаси қийинчиликлар ва тортишувлар туғдиради, ажралишганларга, уларнинг болаларига, қариндошлари ва та-нишларига таъсир қилади:

1. *Жанжалли ажралиш* — никоҳнинг бузилиши моҳиятини ифодалайди. Бунда шериклар ўртасидаги совуқ муносабатлар кескин ошиб, одатда никоҳнинг бузилишига олиб келади.

2. *Очиқ ажралиш* — бунда никоҳни бекор қилиш учун зарур асослар мавжуд бўлади.

3. *Иқтисод сабабли ажралиш* — мол-мулкнинг бўлиниши билан боғлиқ ажралишдир.

4. *Ота-оналар ажралиши* — болаларга васийлик қилиш ва улардан хабар олиб туриш ҳуқуқи билан боғлиқ ажралиш.

5. *Коммуникатив ажралиш* — ажралганларнинг дўстона ва бошқа ижтимоий алоқаларининг ўзгариши.

6. *Руҳий ажралиш* — индивид ҳиссий боғланганлик ишлари-ни узил-кесил узади ва мустақил ҳаёт заруратини сезади.

Кўшма Штатларда Роберт Вейсс томонидан ажралган эр-каклар ва аёллар билан ўтказилган суҳбатлар туркуми шерикларнинг кўникиши «траектория»сини аниқлаш имкониятини берди¹⁶. Хотинлар ажралишдан эркакларга қараганда кўпроқ иқтисодий зарар кўрадилар, аммо руҳий ва ижтимоий кўникиш жараёни ҳар икки жинсда ўхшаш ҳолатда кечади. Вейсс қараб чиққан кўпчилик ҳолларда шерикларнинг бир-бирита бўлган ҳурмати ва муҳаббати жуфтларнинг ажралишига қадар йўқолади. Улар ўрнига душманлик ва ишончсизлик пайдо бўлади. Айни вақтда бир-бирита боғланганлик сақланади. Шундай қилиб, ажралиш олдидан жуфтлар доимо жанжал қилиб турганларида ҳам, Вейсснинг кўрсатишича, икки томон ажралиш дистресси ҳолатида бўладилар. Эрнинг йўқлиги тўсатдан ваҳима, нотинчлик туйғусини уйғотади. Айни пайтда, ажралганларнинг камроқ қисми қарама-қарши ҳолатда бўладилар, ўз хоҳишларига кўра ҳаётларини йўлга қўйиш ҳуқуқи ва эркинлигини кўлга киритишнинг эйфориясини ҳис қиладилар. Депрессия

¹⁵ Bohannan P. The six stations of divorce. In: Bohannan P. Divorce and after. New York, 1970.

¹⁶ Weiss R. Going it alone. New York, 1976.

ва эйфория баъзан бир-бири билан алмашинади, вақт ўтиши билан эйфория ва депрессия ёлғизлик туйғусига ўз ўрнини бўшатади. Барча муаммоларга қарамай, улар қулай оилавий ҳаловатларидан ажраганлигини, энди унинг уйида бошқалар яшаётганлигини ҳис қиладилар. Дўстона муносабатлар ҳам қарийб мунтазам ўзгариб боради. Танишлар ҳар икки собиқ шериклар билан муносабатларни сақлашларига қарамай, аста-секин улар узоқлаша бошлайдилар

Ажралиш ва болалар

Ота-оналар ажралишининг болаларга ўтказадиган салбий таъсирини баҳолаш жуда қийин. Ажралиш олдидан ота-оналар ўртасидаги тортишувнинг қанчалик кучли эканлигига, болаларнинг ёшига, уларнинг акалари ва опалари, бувилари ёки бошқа қариндошларининг борлигига, уларнинг ҳар бирининг ажралган ота-онага бўлган муносабатларига, ҳар икки ота-онани тез-тез кўриб туриш имкониятининг бор ёки йўқлигига кўп нарса боғлиқ. Булар ва бошқа кўпгина омиллар кўникаш жараёнига таъсир кўрсатадилар. Ҳатто никоҳда бахтсиз бўлган ота-оналар бирга яшаётган ҳолатларда ҳам, болалар тангликни дарров сезадилар; ажралиш ҳолатларининг салбий оқибатлари болалар учун ниҳоятда оғир кечади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ота-оналари ажралганидан сўнг, кўп ҳолларда болалар анча маъносиз бўлиб қоладилар. Жудет Валлерстайн ва Жон Келлилар Калифорния ва Мэрин графлигида яқинда ажралган олтмишта оиланинг болалари ҳаётини ўргандилар¹⁷. Улар болалар билан судда ишнинг кўрилиши вақтида, ярим йилдан сўнг ва беш йилдан сўнг гаплашдилар. Сўров ўтказилган 131 та боланинг қарийб ҳаммаси ажралиш вақтида ўткир эмоционал ҳолатда бўлганлар. Мактабгача ёшдаги болалар баъзан юз берган ҳол учун айбни ўзларига олиб, хижолат ва ваҳимада бўлганлар. Катта ёшдаги болалар ота-оналарининг ниятларини яхшироқ тушунсалар-да, ажралиш оқибатлари ва ўзларининг келажаклари учун чуқур хавотирда бўлганлар; уларда кўпинча ўткир ғазабланиш туйғуси пайдо бўлган. Бироқ 5 йиллик давр охирида болаларнинг 2/3 қисми уйдаги ҳаётдан ва ташқи дунё билан алоқасидан ҳар ҳолда қониққанлар. Айни вақтда 1/3 қисм болалар, ота-оналари қайтадан никоҳга кирган бўлсалар-да, ёлғизлик ва йўқотиш қайғусида ўз ҳаётларидан қониқмаганлар. Ажралган ота-оналари бирга бўлсалар, бу болалар учун қулай ёки ноқулай бўладими, бунини айтиш қийин. Барча сўралганлар мулкдор оқ танлилар яшайдиган ноҳиялардан бўлгани учун, аҳолининг кенг қатламларига бу маълумотларни тадбиқ этиш қанчалик тўғри бўлиши номаълум. Назарда тутиш зарурки, маслаҳатчиларга ёрдам сўраб мурожаат қилган


¹⁷ Wallerstein J., Kelly J. Surviving the breakup: how children and parents cope with divorce. New York, 1980.

оилалар ҳам текширилган. Бу оилалар учун ажралиш, ёрдам сўраб мурожаат қилмаганларга қараганда, эҳтимол, қийин кечган бўлса керак. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, болалар фақат ота ёки она билан эмас, балки уларнинг ҳар иккаласи билан мунтазам муомалада бўлса, бу — улар учун жуда катта ютуқдир.

Оналик ёки оталик оила

«Оналик ёки оталик оила» иборалари ҳозир тобора кенг тарқалмоқда. Бундай оилаларнинг кўпчилигида болаларга ҳомийлик қилишни она ўз гарданига олгани учун (шу турдаги оилаларнинг бир қисмида оила бошлиғи никоҳда бўлмаган аёл бўлиши ҳам мумкин), қоидага кўра, у оила бошлиғи ҳисобланади. Бугунги кунда Британияда оналик ёки оталик оилалар 1 млн.дан кўпроқни ташкил қилади ва улар сони яна ўсмоқда (расмга қаранг). Бундай оилалар вояга етмаган болалик барча оилаларнинг 1/5 қисмини ташкил этади. Қоидага кўра, бундай оилалар жамиятнинг энг кам таъминланган гуруҳларига мансубдир. Кўпгина ёлғиз қолган оналар эрга теккан ёки тегмаганлигига қарамасдан, гарчи «ташлаб кетилган хотинлар», «отасиз» ёки «бузилган оила» каби тамғалардан аста-секин қутилиб борсада, барибир аввалгидек иқтисодий ҳимоясизлик ва ижтимоий нафратга дуч келиб турадилар.

Оналик ёки оталик оила бир хил эмас. Масалан, никоҳда бўлмаган ёлғиз оналарнинг мутлақ кўпчилиги турар-жойини ижарага олиб турса, ажралишган оналарнинг ярмидан кўпроғи ўз турар-жойларига эгадирлар. Ёлғиз она ёки отанинг никоҳсиз ҳолати беқарор ва унинг чегараси кўпинча ноаниқ.



10-расм.

Манба: General Household Survey, Office of Population Censuses and Surveys.
From: Social Trends. 1996. P. 54

Бева ота билан боғлиқ ажралиш тўла ҳолда кўринади, лекин бу ҳолда ҳам инсон, агар унинг шериги шифохонада ўлим тўшагида ётса, қанчадир вақт, оиланинг бузилишига қадар бир ўзи яшаши мумкин. Аммо бутунги кунда оналик ёки оталик оилаларнинг 60%га яқини муносабатларнинг тўхтатилиши ёки ажралишлар натижасидир. Бир ёлғиз она эътибор берганидек, бундай ҳолларда ажралганлар узоқ вақт мобайнида аҳён-аҳёнда бирга бўлишлари ҳам мумкин.

Ўйлашимча, ёлғиз оналикка кўникиш учун вақт керак. Кишининг кимлигини фақат вақт англатади. Аввал, биз яна бирга бўламиз, деб ўйлашдан тўхтамасдим. Аммо у уйланганидан сўнг таслим бўлдим. Ўша дақиқадан бошлаб ўзимни ёлғиз сездим. Бироқ ҳозир, ўйлашимча, унинг уйланиши менинг ҳозирги ҳаётим билан умумий тил топишга мажбур қилишда энг яхши восита бўлди¹⁸.

Кўпгина кишилар ёлғиз она ёки ота бўлишни хоҳламайдилар, аммо эри ёки шеригининг ёрдамисиз битта ёки бир нечта болани ўстирмоқчи бўлганлар ҳам бор.

«Танлов бўйича ёлғиз оналар» — бу мустақил муносиб ҳаёт учун старли ресурсларга эга бўлганлар учун топиб айтилган ном. Аммо кўпчилик ажралган оналар учун вазият бошқача. Булар ҳаётида никоҳдан ташқари туғилиш ҳамда камбағаллик ва ижтимоий қийинчилик кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликнинг юқорилиги кузатилади.

Қайта никоҳ ва ўғай ота-оналар

Қайта никоҳ

Иккинчи никоҳнинг тузилиши турли шароитларда содир бўлади. Баъзи бундай жуфтларнинг шериклари йигирма ёшлардан ортиқ ва уларнинг ҳеч бирининг биринчи никоҳдан болалари йўқ. 30—40 ёшлардаги кишиларнинг эса олдинги никоҳларидан бир ёки бир нечта болалари бор, улар билан янги оилга киради. Кекса ёшда қайта уйланадиганларнинг болалари одатда улгайган бўлади ва мустақил яшайдилар. Янги никоҳда ҳам болалар туғилиши мумкин. Шериклардан бири бева, ажралган ёки никоҳда биринчи марта — бундай ҳолатларнинг саккиз хили мавжуд. Юқорида айтилганлардан кўришиб турибдики, қайта никоҳга тегишли ҳар қандай умумлаштириш эҳтиёткорлик билан қилиниши лозим, аммо қийматга эга бўлган баъзи умумий белгиларни аниқлаш мумкин.

1900 йилда Буюк Британияда барча никоҳларнинг ўндан тўққиз қисми биринчи марта никоҳга кираётган кишилар томонидан тузилган. Қайта никоҳга кираётганлардан кўпчилик ҳолларда камида биттаси аввал ажралишган. Ажралишлар сонининг ўсиши билан қайта никоҳлар сони ҳам кўпайди ва ажра-

¹⁸ Crow G., Hardey M., Diversity and ambiguity among Lone-parent households in modern Britain // Marsh C., Arber S. Families and Households: Divisions and Change. London, 1992.

либ қайта никоҳ тузганларнинг миқдори каттароқ сонни ташкил этди. 60-йилларда қайта никоҳлар сони кескин ошди, сўнгра 70—80-йиллар бошида секинлашганлиги сезилди.

Бугунги кунда тузилган юзта никоҳнинг йигирма саккизта-сида шериклардан камида бир нафари илгари никоҳда бўлган. Иккинчи марта турмуш қураётганларнинг катта қисмини 35 ёшгача бўлган ажралганлар ташкил этади. 35 ёшдан сўнг қайта никоҳга кирувчиларни аёл ва эркак бевалар ташкил қилган ва 55 ёшдан сўнг бундай никоҳларнинг сони ажралганларникидан кўпроқдир.

Ҳалати кўринса-да, оила қуриш умидини оширишнинг яхши усули — бу янгидан никоҳланишдир. Ажралганларнинг қайтадан никоҳга кириш эҳтимоли шу ёш категориясидаги ёлғиз кишиларга қараганда кўпроқ, барча ёш гуруҳларида ажралган эркаклар ажралган хотинларга қараганда никоҳга кўпроқ қирадилар. Ҳар тўртта ажралган хотинлардан учтаси қайта никоҳга кирса, эркакларнинг олтидан бештаси қайта никоҳга қирадилар ва статистикага кўра, қайта никоҳлар аввалгисига қараганда муваффақиятсизроқдир. Қайта никоҳлардан сўнгги ажралишлар сони биринчи никоҳдан кейин ажралишганлар сонига қараганда юқорироқдир.

Албатта, бу қайта тузилган никоҳлар олдиндан муваффақиятсизликка маҳкумдир, дегани эмас. Ажралишган кишилар бунда тажрибаси йўқларга қараганда, никоҳдан кўп нарса кутадилар. Бинобарин, улар кўп ҳолларда янги никоҳни ҳам узишга тайёрдирлар. Аммо сақлаб қолинган қайта никоҳлар биринчиларига қараганда ўртача кўпроқ муваффақиятлидир.

Ўғай оилалар

Ўғай оила шундай оилаки, унда никоҳланганларнинг камида биттаси фарзандга биологик ота ёки она эмас, яъни бу оилада ота-оналардан бирининг олдинги никоҳидан фарзандлари бор бўлади. Агар бу таърифдан келиб чиқилса, ўғай оилалар миқдори расмий статистикада келтирилганидан анча кўлдир. Иккинчи бор никоҳланганларнинг кўпчилиги бу хонадонга мунтазам келиб турадиган, аммо доимий яшамайдиган болалар учун ўғай ота-оналар бўлиб қолади.

Ўғай оилаларнинг мавжудлиги баъзи анъанавий жамиятларда бўлган муносабатларни эслатадиган қон-қариндошлик алоқаларининг пайдо бўлишидир. Болаларнинг иккита «она»си ва иккита «ота»си — ҳақиқий ва ўғай ота-оналари бўлади. Баъзи ўғай оилаларда аввалги оиладан бўлган яқин қариндошлар ва барча болаларни «оиланинг аъзоси» деб ҳисоблаш қабул қилинган. Ҳатто бир томондан бўлган боболар ва бувилар билан яқин алоқалар имконияти ҳисобга олинса, бундан етарлича мураккаб вазият вужудга келади.

Яна бир қизиқ ҳолат — фарзандликка қабул қилиш амалиётида юз беради. Бренда Мэддокс таҳлилига кўра, Қўшма

Штатларда жами фарзандликка олинганларининг учдан бири — бу ўғай болаларнинг ўғил қилинганидир¹⁹. Ўғилликка олиш бир усул бўлиб, бунда биологик ота ёки она ҳисобланмаган киши бола билан қариндошлик муносабатлари ўрнатилишини очиқ айтиш билан генетик алоқа йўқлигини бир мунча тўлдиради. Фарзанд асраб олган ота-оналар ўз фарзандларига нисбатан қонунда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар. Ўғай ота-оналардан баъзилари болалар билан ўзаро муносабатларини бундай ҳолда расмийлаштирмайдилар ва кўп ҳолларда уларнинг бундай муносабатлари никоҳ охиригача давом этади. Кўпгина мамлакатлар қонунларига кўра, биологик ота ёки она вафот этса ёки ўғай ота ёки она ажралса, бу ҳолда ўғай ота ёки она болаларга васийлик қилиш ҳуқуқига эга эмаслар. Ҳатто агар бола ўғай ота ёки она билан кўп йил яшаган бўлса ҳам, ҳақиқий отаси ёки онаси ўлган ҳолда, агар бошқа биологик ота васийликка даъво қилса, қонунга кўра ўғай ота бунга қаршилик қила олмайди.

Ўғай оилаларнинг ўзига хос муаммолари ҳам бор. Биринчидан, алоҳида яшайдиган олдинги ота ёки она ҳаёт бўлса, унинг таъсири болаларга етарлича кучли бўлиши мумкин. Иккинчидан, ажралганларнинг ўзаро муносабатлари кўпинча улардан бирининг янги никоҳга киришидан сўнг ёмонлашади. Масалан, икки болалик аёл икки болалик эркакка турмушга чиқди ва уларнинг барчаси бирга яшайди, дейлик. Агар «ташқи» ота-оналар болалар ўзларидан илгаригидек хабар олиб туришларини талаб қилсалар, янги оиланинг ягона бутунликка айланиши яна хавф остида қолади. Айтайлик, янги оила дам олиш кунларини биргаликда ўтказолмай қолади.

Учинчидан, ўғай оилаларда ўтмиши турли хил бўлган болалар бир муҳитга тушадилар. Табиийки, уларнинг оила ҳақидаги тасаввурлари турличадир. Ўғай болаларнинг 2та ота-онага «тегиш»лигидан турли одатлар ва дунёқарашларнинг тўқнашув имконияти кенгайди. Ниҳоят, ўғай оталар ва уларнинг ўғай ўғиллари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи меъёрлар амалиётда йўқ. Бола ўзининг отаси ёки онасининг номини айтиб ёки «ота» ва «она» деб муомала қилиши шартми? Ўғай ота оиладаги ўғай болаларни ҳақиқий оталаридек бўлиб интизомга ўргатиши лозимми? Ўғай ота — болаларни вақтинча ўз васийлигига олаётганида, собиқ шеригининг янги эри билан ўзини қандай тутиши керак?

Бу хат ва унга берилган жавоб бир пайтлар Dear Abbie да, кўпгина Америка газеталарининг «Муаммо саҳифаси»да босилган эди.

Қимматли Эбби.

Бир йил аввал Тедга турмушга чиқдим. Ўзининг аввалги хотини Максина ўлган ва у 2 нафар олти ва саккиз ёшли болалар билан қолган. Бу менинг

¹⁹ Maddox B. The half parent. New York, 1975.

биринчи никоҳим эди. Мен, Максина вафотидан кейин Тед унинг қариндошлари билан алоқа қилмайди, деб айтдим. Тед айтдики, Максинанинг ота-онаси ҳар доим унинг яқинлари бўлиб қолади. Менинг ҳам ота-оналарим бор, уларга куёвдан нима қолади? Инсон бир вақтнинг ўзида эри ёки хотини томонидан бир қатор қариндошларга эга бўлади ва менинг ота-оналарим ҳам бобо ва буви бўлишлари керак. Аммо, улар бобо ва буви ҳисобланмайдилар, яъни «Бобо ва бувилик» Максинанинг ота-оналарига тегишли. Менинг ота-оналаримни «Пит ота» ва «Мэри она» деб атайдилар. Сизнингча, бу адолатданми?.... бундай шароитда мен нима қила оламан?

(«Қариндошлар билан муаммо» деб имзоланган).

Қимматли «Қариндошлар билан муаммо»

Гарчи расмий мулоҳаза юритилса, Максинанинг ота-оналарига Тед энди куёв эмас, мен сизга бунча расмий бўлмастикни маслаҳат бераман. Теднинг собиқ қариндошлари ва уларнинг набиралари ўртасида мустақам алоқа бўлганидан, агар сиз ўйлаб иш қиладиган бўлсангиз, бу алоқалар устида тажриба ўтказманг. Чунки улар сиз мазкур суратда пайдо бўлганигиздан аввал келиб чиққан. Бувилар ва боболар — ҳар доим бувилар ва боболардир²⁰.

Ўғай оилалар пайдо бўлиши билан келиб чиққан муносабатлар хили, гарчи хат муаллифи тўқнашган муаммо ўрта асрларда Европада ҳам балки одатий бўлган бўлиши мумкин. Гарб учун эса бу анчагина янги ҳолатдир. Ажралишдан кейин тузиладиган қайта никоҳдан келиб чиқадиган қийинчиликлар ҳақиқатан ҳам янгидир. Бундай оила аъзолари янги шароитга мосланишнинг ўз усулларини ихтиро қиладилар. (Бу бизга маданий меъёрлар кўрсатаётган қизиқарли намунадир, агар бундай меъёрлар бўлмаса, ишончсизлик, ҳимоясизлик ҳамда тушунмаслик туйғулари пайдо бўлади. Бундай муҳит янги меъёрлар ўрнатилгунга қадар сақланади.) Афтидан, келиб чиқадиган асосий хулоса шундай: ажралиш никоҳни бузади, аммо оила сақланади. Айниқса, ажралишга қадар мавжуд бўлган, қўплаб алоқалар, болалар борлиги ҳисобга олинса, оилавий алоқалар ўзгаради ва янги оилалардаги муаммоларга олиб келади.

Оиланинг «қоронғу томонлари»

Оила ва қариндошлик муносабатлари ҳар қандай киши ҳаётининг зарурий қисми ҳисобланади. Оилавий муносабатлар — эр ва хотин, ота-оналар ва болалар, ака-укалар ва опасингиллар ёки узоқ қариндошлар ўртасидаги муносабатлар ҳар жиҳатдан илиқ ва қониқарли бўлиши мумкин. Аммо бу муносабатлар кишиларни чуқур умидсизлик ва гуноҳкорлик туйғуларига етакловчи муаммолар ва ихтилофлар билан ҳам тўла бўлиши мумкин. Оилавий ҳаётнинг «қоронғу томонлари» кенг, телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситаларида намойиш қилинадиган кўркем манзараларга зиддир. Оиланинг бузилишига ва ажралишга олиб келадиган зиддиятларни, жанжалларни ҳисобга олган ҳолда, оилавий ҳаётнинг ўзига тортмайдиган,

²⁰ *Vischer Emily B. and John S. Vischer. Stepparent Families: A Guide to Working with Step-parents and Step-children. Secaucus, NJ, 1979. P. 132.*

кўпгина салбий томонлари ҳам мавжуд. Баъзан руҳий касалликлар ҳам оилавий муносабатлар характерига таъсир этади. Ўзининг салбий оқибатларига кўра, оилавий ҳаётдаги зўравонлик ва болалар билан инцестлар энг оғир ҳолатлар ҳисобланади.

Жинсий суиистеъмолликлар

Болалар билан бўладиган жинсий суиистеъмолликлар кенг тарқалган ҳодиса бўлиб, у тез-тез содир бўлиб туради. Жинсий суиистеъмоллик вояга етмаган бола билан жинсий алоқада бўлиш сифатида таърифланади. Инцест — бу яқин қариндошлар ўртасида жинсий муносабатлардир. Ҳар қандай инцест суиистеъмоллик ҳисобланмайди. Масалан, ака-сингилнинг жинсий муносабати — бу инцест, аммо бу ҳаракат жинсий суиистеъмоллик таърифига мос келмайди. Жинсий суиистеъмолликда катта ёшдаги киши шахвоний мақсадларда ёш боладан фойдаланади. Инцестнинг жинсий суиистеъмоллик ҳам ҳисобланадиган кенг тарқалган шакли — бу отанинг қизи билан алоқасидир.

Инцест ва болага нисбатан жинсий суиистеъмолликлар 20—25 йил аввал «ихтиро» қилинган ҳодиса. Албатта, бундай жинсий муносабатлар вақти-вақти билан бўлиб турганлиги илгаридан маълум, аммо кўпчилик тадқиқотчилар фикрича, бундай хатти-ҳаракатларга қарши қўйилган кучли табу уларнинг кенг тарқалиб кетмаслигини таъминлаган. Болаларнинг жинсий муносабатларни суиистеъмол қилишлари ташвишли даражада жиддий ҳодиса бўлиб чиқди. Бу ҳодисага аҳолининг қуйи қатлам оилаларида кўпроқ дуч келинади, аммо ушбу ҳодиса бошқа ижтимоий қатламларда ҳам учрайди. Қўшма Штатларнинг ахборотларни йиғиш умуммиллий тизими статистика ҳисобларида қайд қилинишича, 1976—1982 йиллар оралиғида болалар билан жинсий суиистеъмолликлар тўғрисидаги хабарлар 600% га кўпайган²¹. Бундай ўсиш муаммога полиция ва муҳтожларга ёрдам берувчи ташкилотлар томонидан жиддий эътибор берилиши, улар ўтказган тадқиқотларнинг натижаси эканлиги кўриниб турибди. Яна шу нарса равшанки, статистика «айсбергнинг устки қисми»нигина кўрсатган. АҚШ ва Британия бўйича 80-йиллардаги баъзи тадқиқотлар маълумот берадики, аёлларнинг учдан бири болалигида жинсий суиистеъмолликлар, яъни номаъқул жинсий алоқалар қурбони бўлган. Эрақлар учун бу рақам 10% ни ташкил этади.

Нима учун инцест ва жинсий суиистеъмолликлар қутилмаганда жамият назарига тушиб қолди? Афтидан, бунга қисман жавоб шундайки, қўйилган табу тадқиқотчилар ва ижтимоий хизмат ходимларини бундай масалалардан тийилиб туришга мажбур этган. Жинсий суиистеъмолликларга қарши кенг тадбирлар доирасида буларни қараб чиққан хотин-қизлар ташкилотлари фаолияти жинсий суиистеъмолликларга жамоатчилик эътибо-

²¹ Finkelhor D. Child sexual abuse: new theory and research. New York, 1984.

рини қаратган туртки бўлди. Тадқиқотчилар бу турдаги конкрет воқеалар билан шуғуллана бошладилар ва улар янада кўпроқ аниқланди. Қўшма Штатларда жинсий суиистеъмолликларнинг сирини барчага маълум бўлди.

Жинсий суиистеъмолликлар ичида инцест ҳиссасининг қанчалиги маълум эмас, аммо, афтидан бундай воқеаларнинг кўпчилиги оила ичида юз беради. Инцестуал муносабатларнинг табиати ва кўринишлари ҳаддан ташқари турличадир. Тадқиқотларга кўра, инцестнинг 70—80 фоизи асосан ота-қиз ёки ўғай ота-қиз муносабатлари билан боғлиқ. Бундан ташқари, тоғажиян, ака-сингил, ота-ўғил, она-қиз ва ҳатто бобо/буви-набира ўртасида бўлиши мумкин. Баъзи инцестуал алоқалар энгил шаклда содир этилиб, катта ёшлининг бола жинсий органини силаб-сийлаши ёки бошқа катталар гениталиясини ушлатишдан иборат бўлади. Бошқа ҳолларда алоқалар жиндий бўлиб, бир неча йиллар давом этиши мумкин. Бундай ҳолларда, одатда, болаларнинг ёши иккидан ортиқ бўлади, аммо гўдаклар билан жинсий ҳаракатлар тўғрисида ҳам анча хабарлар учрайди.

Баъзан битта оила доирасида кўп инцестуал муносабатлар мавжуд бўлади. Бир тадқиқотда билдирилишича, отаси ўн тўрт ёшли қизи билан алоқада бўлиб турган, ўн уч ёшли ўғли билан ҳам бузуқчилик қилган, ўз навбатида, ўғли опаси билан жинсий алоқада бўлган. Онаси юз бераётган ҳодисаларни билган, аммо эридан жуда кўрққанлиги учун маъмуриятга айтмаган. Бу суиистеъмоллик отаси қизини урганлиги учун қамоққа олинганида маълум бўлиб қолди.

Инцестнинг кўп ҳоллари куч ишлатиш ёки зўравонлик хавфи билан боғлиқ. Камдан-кам ҳолларда болалар унинг ихтиёрий иштирокчиси бўлиб қоладилар. Албатта, болалар жинсиз мавжудот эмас, улар ҳам энгил жинсий ўйинлар билан шуғулланадилар, бир-бирига синчковлик билан қарайдилар. Аммо болаларнинг кўпчилиги оиланинг катта ёшдагилари томонидан жинсий мулоқотга тортилса-да, бундай тажрибалар уларда уят, жирканиш ва ҳаддан ташқари ёқимсизлик уйғотади. Мавжуд маълумотлар кўрсатишича, болаларга нисбатан жинсий суиистеъмолликлар улар учун узоқ муддатли салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Фоҳишалар, ёш қонунбузарлар, уйдан кетган ўсмирлар ва гиёҳвандларни текшириш шуни кўрсатдики, уларнинг кўпчилиги қисми ўз вақтида жинсий суиистеъмолликдан ўтишган. Албатта, топилган корреляция — бу ҳали исбот эмас. Эҳтимол, бу ерда оилавий келишмовчиликлар, ота-она ғамхўрлигининг йўқлиги, жисмоний зўравонлик ва ҳоказо каби қатор омиллар бордир.

Тушунтириш

Инцестнинг нима учун юз бериши ва кўпроқ болалар билан бўладиган жинсий суиистеъмолликларни тушунтиришда икки ҳолатни ҳисобга олиш зарур. Биринчидан, нега катта ёш-

дагиларни болалар билан бўладиган жинсий мулоқотлар қизиқтиради, ва иккинчидан, нега бундай турдаги қонунбузарликларнинг кўпчилигини эркаклар амалга оширади? Бу саволларнинг ҳар бири катта муаммоларнинг бир қисмини ташкил этади. Ҳаракатларнинг турлича табиатини, ҳамда бундаги мавжуд муносабатларни назарда тутиб айтиш мумкинки, болаларга нисбатан жисмоний суиистеъмоллик қиладиган кишиларнинг унчалик кўп бўлмаган қисми руҳий касалдир, шунинг учун ҳам бу майлни ақлий норасолик нуқтаи назаридан тушунтириш мумкин эмас. Афтидан бундай кишиларнинг кўпчилиги болалар билан бўладиган жинсий муносабатларни катталар билан бўладиган муносабатлардан афзал кўрмайди. Бу ерда кўпроқ ҳокимлик ва ишни осонроқ амалга ошириш мумкинлиги тўғрисида боради. Амалда болалар — қарам мавжудот, улар ота-оналар томонидан бўладиган босим ва талабни фавқулодда бажарувчандирлар. Ўз болалари билан инцест муносабатларда бўладиган катта ёшдагилар бошқа катта ёшдагилар билан мулоқотда кўпинча журъатсиз, уқувсиз, эътиборсиздирлар. Уларнинг кўплари ўзларининг жинсий импульсларини қанчалик қониқтиради-ми-йўқми, лекин бунда бошқа жойда топа олмаган яқинликни топишга ҳаракат қиладилар. Ўтган боблардан бирида («Гендер ва сексуаллик») «эркак инэкспрессивлиги», яъни кўпинча эркакларнинг ўз туйғуларини ифодалашга уринишларидаги қийинчиликларнинг — чуқур руҳий илдизга эга ҳодиса эканлиги қараб чиқилган эди. Эркаклар ўз туйғуларини тўғридан-тўғри жинсийлик билан боғлашга интилса, хотинлар умуман муносабатларга қаратадилар. Эркаклар жинсийликни шериклари устидан ҳукмронлик билан боғлайдилар. Эркаклар учун, катта ёшдагиларга ёки болаларга бўлган жинсий майлнинг фарқи унча катта эмас. Аммо аёллар учун у жуда муҳим.

Болаларга нисбатан суиистеъмолликни тадқиқ қилган етакчи олимлардан бири Дэвид Финкельгор билдирган мулоҳазага кўра, бундай талқин баъзи руҳий ва ижтимоий омилларни аниқлашга имкон беради, буларни билиш орқали болалардан жинсий фойдаланишни камайтириш мумкин.

Биринчидан, эркаклар яқинлик туйғуси ва боғланиб қолганликни жинсий алоқасиз, болалар тарбияси ва эркаклар ўртасидаги дўстлик муносабатлари орқали сеза олар эди. Иккинчидан, эркаклар тўлақонлигининг асосий мезони сифатида гетеросексуалликни қараб чиқмаслик ҳам мумкин. Учунчидан, эркаклар тенгликка асосланган жинсий муносабатлардан қониқишга кўникишлари керак. Бир хил даражада ва пухта билимли аёллар билан муносабатда ўзини эркак ҳисоблайдиган эркаклар орасида болалардан жинсий мақсадларда фойдаланиш эҳтимоли камдир. Эркаклар билан хотинларнинг муносабатлари ўзгарса, уларнинг болаларга муносабатлари ҳам ўзгаради²².

²² Finkelhor D. Child sexual abuse: new theory and reserch. New York, 1984. P. 13.

Оиладаги зўравонлик

Оила доирасида зўравонлик кўпинча эркаклар томонидан амалга оширилади. Оила зўравонлигини оиланинг бир аъзоси томонидан бошқасини ёки бошқаларни жисмоний ҳақоратлаш, деб таърифлаш мумкин. Тадқиқотлар кўрсатишича, жисмоний ҳақоратларнинг қурбони — яна болалар, хусусан олти ёшгача бўлган кичик болалар ҳисобланади. Тарқалишига кўра иккинчи хил зўравонлик — бу эркаклар томонидан, ўз хотинларига нисбатан бўлган зўравонлигидир (олтинчи бобда қараб чиқилган). Бироқ хотинлар ҳам уйда жисмоний зўравонлик ташаббускорлари бўлиши мумкин, одатда бундай зўравонлик ёш болалар ва эрларга қарши қаратилган бўлади.

Ҳақиқатан ҳам уй — баъзан ҳозирги жамиятдаги энг хавфли жой бўлиб қолади. Статистика маълумотларига кўра, истаган ёшдаги ва жинсдаги инсон кўчада, тундагига қараганда кўпроқ уйда жисмоний ҳужум объекти бўлади. Бирлашган Қиролликдаги қотилликдан ҳар тўрттасидан биттаси — бу оиланинг бир аъзоси томонидан бошқасининг ўлдирилишидир.

Баъзан хотинлар болалари ва эрларига нисбатан худди эркаклардан қолишмайдиган зўравонликка майл кўрсатади, дейилади. Баъзи тадқиқот маълумотлари кўрсатишича, хотинлар худди эркаклар хотинларини кўп органидек, ўз эрларини урадилар. Бироқ хотинлар зўравонлиги чекланган ва аҳён-аҳёнда содир этилади. Бунда жиддий жароҳат олиш эҳтимоли анча оздир. Эрнинг ўз хотинини мунтазам уриши вазиятининг муқобили йўқ. Боланинг эркак томонидан жисмоний ҳақоратланиши хотинларникига нисбатан анча оғир оқибатларга олиб келади.

Нега оила зўравонлиги шунчалик кўп тарқалган? Бу бир неча омиллар билан боғлиқ. Шулардан бири — оилавий ҳаётга хос интимлик ва изчил эҳтирослик комбинацияси ҳисобланади. Оилавий алоқалар одатда кучли ҳиссиётлардан ажралмайди, уларда, одатда, муҳаббат ва нафрат аралаш бўлади. Оилавий тортишувлар душманликни келтириб чиқаради, бундай ҳол бошқа ижтимоий контекстда душманликни сездирмайди. Арзимаган ҳол бўлиб кўринган нарса эр-хотинлар ёки ота-оналар ва болалар ўртасидаги кенг қўламли ҳаракатларга айланиши мумкин. Бошқа хотинларнинг ғалати қилиқларига чидайдиган эркак, меҳмондорчиликда кўп гап сотиб, сир ҳисобланган интим тафсилотларга очиқ берилиб кетган хотинига нисбатан ғазабга келади.

Навбатдаги омиллар гуруҳи — бу оилавий зўравонликка нисбатан тоқатлилик ва ҳатто уни кўпинча маъқуллаш омили. Ижтимоий йўл кўйилган оилавий зўравонлик чекланган характерга эга, аммо у жиддийроқ шаклда ҳам бўлиши мумкин. Британияда ота-оналар, гарчи енгил тарзда бўлса-да, болаларини уради. Бундай хатти-ҳаракат маъқулланади ҳам, зўравонлик деб баҳоланмайди ҳам. Агар кимдир бегона болага, масалан, дўконда, тарсаки туширса — бу бошқа ҳолдир.

Гарчи унчалик аниқ бўлмаса-да, аммо жамият хотиннинг эрига нисбатан зўравонлигини маъқуллайди. Мюррей Страуснинг фикрича, ота-оналар ҳуқуқи — бу «уруш ҳуқуқидир», никоҳ шартномаси эса — бу «урушга бўлган ҳуқуқ» шартномасидир²³. Бу шаклдаги зўравонликка тоқатли муносабатда бўлиш куйидаги мақолда шундай ифодаланган:

Хотинни, отни, ёнғоқ шохини
қанча кўп урсанг — шунча кўп ютуқ оласан.

Ишда ва жамоат жойларида, қоидага кўра, ҳеч бир одам бошқани, гарча унинг ҳаракатлари ғазабни кўзғатса-да, ура олмайди. Оилада эса бошқача. Кўп тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича, кўпчилик жуфтлар муайян ҳолларда бир-бирини уришлари мумкин. Тахминан, ҳар тўртинчи америкаликнинг фикрича, эр хотинни уриши учун етарли сабаблар бўлиши керак, баъзан эса тескари ҳолат бўлиши ҳам мумкин, деб ҳисоблайдилар.

Оиладаги зўравонлик, умуман зўравонлик ҳаракатларига бўлган майлдан келиб чиқади. Ўзларининг хотинлари ва болаларини жисмоний ҳақорат қиладиган эркаклар бошқа ҳолатларда ҳам зўравонлик қилаверадилар. Жефри Феган ва унинг ходимлари ўтказган умуммиллий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ўз хотинларини мунтазам урадиган эрларнинг ярмидан кўпи бошқа кишиларга нисбатан ҳам зўравонлик ҳаракатларини қиладди. Уларнинг саксон фоиздан ортиғи оиладан ташқари характердаги зўравонликлари туфайли камида бир марта қамоқда ҳам бўлган.

Никоҳ ва оила муқобиллари

Коммуналар

Оила — анчадан бери танқид объекти ҳисобланади. XIX асрда кўпгина мутафаккирлар оилавий ҳаётни яшашнинг бошқа ижтимоий шакллари билан алмаштириш тўғрисида гапирганлар. Баъзи ғоялар амалда қўллана бошланган ҳам эди. XIX асрнинг ўрталарида АҚШнинг Янги Англиясида мавжуд бўлган Онейда жамоаси бунга мисол бўла олади. Жамоа Жон Хэмфрининг диний қарашларига асосланган эди. Жамоанинг ҳар бир эркаги ҳар бир аёлга уйланаверади ва уларнинг барчаси коммуна болаларининг ота-онаси ҳисобланди. Коммуна ўттиз йилга яқин фаолият кўрсатган, унинг аъзолари сони уч юз кишига етган ва сўнгра у тарқаган. Бундан сўнг Британияда ва бошқа ғарбий мамлакатларда шунга ўхшаш кўпгина бошқа жамоалар пайдо бўлган. Эркин жинсий муносабатларга асосланган, болалар тарбияси учун гуруҳий маъсуллик бўлган катта-катта жа-

²³ Straus Murray A. Wife-beating: how common and why? // Victimology, 2, 1978.

моалар асримизнинг 60-йилларида пайдо бўлди. Уларга ўхшаш кичик-кичик гуруҳлар бугунги кунда ҳам мавжуд.

Оилавий ҳаётнинг ҳозирги коммунал тузилишининг энг муҳим намунаси — Исроил **киббутидир**. Киббутс — болаларни биргаликда тарбиялайдиган индивидлар ва оилалар жамияти. Киббутсларнинг кўпчилиги дастлаб қишлоқ хўжалигининг коллектив корхоналари эди, улардан кўплари ҳозир саноат ишлаб чиқариши билан шугулланадилар. Исроилда тахминан юз минг аъзоси бўлган, икки юз қирқта киббутс мавжуд. Улардан баъзилари катта эмас — элликка яқин аъзоси бор, бошқалари эса икки минггача кишини ўз ичига олади. Ҳар бир киббутс умумий уй сифатида мавжуд. Болалар тўғрисида ғамхўрлик алоҳида оиланинг эмас, балки бутун жамоанинг иши сифатида қабул қилинган. Баъзи киббутсларда болалар, гарчи дам олиш кунлари ни ўз оилаларида ўтказсалар-да, ота-оналар билан эмас, балки махсус «болалар уйлари»да яшайдилар.

Дастлаб Киббутс ғоялари радикал тарзда эди. Мулкка жамоавий эгаллик, болаларни гуруҳий тарбиялаш ҳозирги жамият ҳаёти учун хос рақобат ва индивидуализмни киббутс аъзолари четлаб ўтишини таъминлайди. Бу ғоялар рад қилинмаган эди. Бироқ вақт ўтиши билан киббутсларнинг кўпчилиги турмуш қуришнинг анъанавий шаклига ўтишга мойил бўла бордилар. Ҳозир болаларга ўзларининг ота-оналари уйларида тунаб қолишига кўпроқ рухсат бериладиган бўлиб қолди.

Бирга яшаш

Бирга яшаш — никоҳда бўлмаган ҳолда жинсий муносабатга киришган кишиларнинг бир жойда яшаши — ғарб жамиятларнинг кўпчилигида жуда кенг тарқалган ҳодиса. Швеция, Шарқий Германия ва бошқа мамлакатларда ёшлар учун никоҳга кирмай туриб биргаликда яшаш нормага айланган. Кўп сонли кишиларнинг бундай жинсий алоқада яшай бошлаши, бу қай даражада никоҳнинг кейинга қолдирилиши, қайси даражада узлуксиз вазият эканлигини айтиш қийин. 1917 йилда бола тутилган эркин оилаларга бағишланган швед тадқиқоти маълумотларига кўра, 1975 йилга келиб болалар тўрт ёшга етганида фақат 43% жуфт никоҳдан ўтган.

Яқин вақтларга қадар Британияда «бирга яшаш»лар бутунлай жиноий масала ҳисобланарди. Шунга қарамай, 70-йиллар давомида никоҳда турмай бирга яшовчи эркак ва аёллар сони 300% ўсди. «Бирга яшаш» университет ва коллеж талабалари орасида кенг тарқалган. Бирлашган Қиролликда бундай тадқиқотлар ҳақиқатан ҳам ўтказилмаган, аммо Америкада ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳар бир тўртинчи талаба коллежда бўлган вақтида унинг жинсий алоқа қилувчи шериги бўлган. АҚШда миллий текшириш давомида 2510 уйланмаган, йигирмадан ўттиз ёшгача бўлган эркаклар орасида сўров ўтказилган. Тадқиқот ўтказилган вақтда уларнинг 5%ининг жинсий

шериги бўлган, 18%и бундай алоқаларда илгари камида олти ой давомида бўлган.²⁴

Ҳозирги Буюк Британияда «бирга яшаш» кўп ҳолларда никоҳга киришдан олдинги тажриба босқичи ҳисобланади. Ёшлар биргаликда яшашга табиий йўл билан келмоқдалар. Жинсий муносабатлар билан боғланган жуфт кўп вақтини тобора биргаликда ўтказиши ва шерикларидан бири охири ўз уйини тарк этади. Биргаликда яшайдиган ёшлар ҳозирги шериги билан бўлмаса ҳам, ҳамини никоҳга кирмоқчи бўладилар. Уларнинг фақат озроғи ўз молиявий маблағларини бирлаштиради. Ёшлар учун биргаликдаги ҳаёт 20 ёшгача нимагадир унчалик қонуний бўлмай қолмоқда. Ёш аёлларнинг кўпчилиги ўз шахсий ҳаётларининг ҳақиқий табиатини ота-оналардан яширишига уринадилар. Эркаклар эса бундан кам ташвишланидилар.

Британияда «бирга яшаш»нинг ўсиши келажакда Швециядагига ўхшаб қолишининг эҳтимоли кам. Биргаликда яшаш — никоҳдан ҳам жиддий эканлиги ҳозирга қадар ўз исботини топгани йўқ. Британияни ҳам қўшганда, баъзи мамлакатларда қонун бўйича бирга яшайдиганлар оилавий жуфтлар ҳуқуқи сингари ҳуқуққа эгадир. Агар муносабатлар узилса, индивидлар мулкни бўлишиш ва боқиш тўлови тўғрисида маҳкама иши қўзғашлари мумкин. Бундай турдаги машҳур воқеа актер Ли Марвин билан унинг ходимаси Мишель Марвин ўртасида бўлиб ўтган эди. Уларнинг бирга яшаш муносабатлари тугаганда, Мишель Марвин молиявий қўллаб-қувватлашни талаб қилди. Калифорния суди талабни қондириш ҳақида ҳукм чиқарди.

Гомосексуал оила

Кўпгина эркак ва аёллар гомосексуал бўла туриб доимий муносабатда бўладилар. Баъзи гомосексуал жуфтлар, гарчи кўрсатилган бўлмаса-да, расмий маънода «уйланган» ҳисобланди. Гомосексуалистларга нисбатан иттифоқда яшовчи оилаларга суд органлари томонидан васийлик ҳуқуқи беришга келишиши билан баравар юз берди. Британияда амалда барча гомосексуал болалик оилалар икки аёлдан иборатдир. АҚШда 60-йиллар охиридан 70-йиллар бошигача ижтимоий таъминот агентлиги уй-жойсиз гомосексуал ўсмирларни эркак гомосексуал жуфтларга васийликка топшира бошлади. Бу амалиёт асосан жамоатчиликнинг норозилик кайфиятига кўра тўхтатилди.

²⁴ Cleyton R., Voss H. Shacking up: cohabitation in the 1970 // Journal of marriage and the family, 39. 1977.

Ёш гуруҳлар	1973	1984	1985
Эркаклар ва аёллар			
16—24	1,5	3,4	3,6
25—44	2,4	5,4	5,3
46—64	8,1	10,4	10,6
65—74	25,7	28,0	28,9
75 ва ундан юқори	40,0	46,6	47,0
Жами 16 ва ундан юқори ёшдагилар	9,1	12,3	12,3
Эркаклар			
65—74	13,1	15,8	16,5
75 ва ундан юқори	24,2	29,4	26,2
Аёллар			
65—74	35,8	37,4	38,8
75 ва ундан юқори	48,0	56,2	58,1

Манба: Social trends. London, 1987 p. 44

Ёлғизлик

Ёлғиз кишилар сонининг кўпайиши (жадвалга қаранг) ғарбда бир нечта омиллар билан боғлиқ. Улардан бири — кечроқ никоҳга кириш. Бугунги кунда кишилар 1960 йилдагига қараганда, ўртача уч йил кеч уйланмоқдалар. Бошқа омил — ажралишлар сонининг ўсиши. Учинчиси — аҳоли таркибида шериги ўлиб кетган кекса кишилар сонининг ошиши. Турмуш циклининг турли даврларида бўйдоқлик турли ҳолатларни англатади. Илгаригига қараганда никоҳда турмаган 20 дан 30 гача бўлган кишиларнинг сони анча кўп. Бироқ 35 ёшга кирган эркак ва аёлларнинг камдан-ками никоҳ тажрибасига эга бўлмайди. 30 дан 50 ёшгача бўлган ёлғиз кишиларнинг кўпчилиги никоҳлар «ўртасидаги» ажралиш ҳолатида бўладилар. 50 ёшдан юқори кишиларнинг катта қисми — бевалар.

Питер Стейн 25 дан 45 ёшгача бўлган 60 та ёлғиз киши орасида сўров ўтказди²⁵. Улардан кўплари ўзининг ҳолатини жуда зиддиятли баҳоладилар. Улар шунинг англайдикки, ёлғизлик хизмат вазифасига нисбатан катта келажакни, ўзини бугунлай ишга бағишлашни билдирди, ёлғизлик турли-туман жинсий тажрибани ҳаммага баравар қилади ҳамда энг кўп эркинлик ва мустақиллик беради. Бошқа томондан эса улар тенгдошларидан кўпчилиги уйланган шароитда ўзининг ҳолатидаги мураккабликни сезадилар ва ёлғизлигидан азият чекадилар. Умуман, уларда никоҳга кириш ниятлари ёлғизликка қараганда кучлироқ ифодаланган.

²⁵ Stein P. Single life: unmarried adults in social context. New York, 1980.

Оиланинг заифлашишими?

1859 йилда «*Бостон Куатерли Ревью*» журнали ходимларидан бири шундай деб ёзган эди: «Эски маънодаги оила ҳаёти-миздан йўқолмоқда, ва бу нафақат институтларимизнинг эркин характерига хавф солади, балки жамиятимизнинг мавжудлигини ҳам хавф остида қолдиради»²⁶. Бундай фикрлар кўпгина фарб мамлакатлари бўйлаб акс-садо бериб ўтди. Буни улар ташвишланиб ва сабот билан айтардилар. 1980 йилда Британияда консерваторлар партияси оила тушунчасини сиёсий жиҳатдан муҳокама қилди. 1986 йилда Маргарэт Тэтчер хотин-қиз консерваторлар Конференциясида: «Бизнинг сиёсатимиз оиладан, унинг эркинлигидан ва унинг хотиржамлигидан бошланади» деди. Бошқа томондан, оиланинг танқидчилари оила институтининг тушқунлигини ва ҳатто бора-бора йўқолиб кетишини башорат қиладилар.

Оиланинг йўқолиши тўғрисида ҳали асосланмаган ҳолда шунчалик кўп гапирилдики, бундай умумий мулоҳазаларга танқидий ёндошиш лозим. Шунга қарамай, никоҳ ва оилада бугунги кунда муҳим ўзгаришлар юз бераётганини рад этиш қийин. Булар кенгроқ ижтимоий ўзгаришларни ифодалайди ва айтиш вақтида ёрдам беради. Шубҳасиз, турли-туман ижтимоий ва жинсий муносабатлар гуллаб-яшнайдилар. Яна шу нарса аниқки, оила сира ҳам тушқунлик ёки емирилиш чегарасида тургани йўқ.

Бобнинг қисқача мазмуни

1. *Қариндошлик алоқалари, оила ва никоҳ* — социология ва антропология учун муҳим аҳамиятга эга бўлган, яқин алоқадаги тушунчалар. Қариндошлик алоқалари ўз ичига генетик алоқаларни ва никоҳ алоқаларини олади. Оила — бу болалар тарбияси учун маъсул бўлган қариндошлар гуруҳи. Никоҳ — жамият томонидан қонунлаштирилган муносабатларни икки киши орқали бирлаштирган алоқа ипи.

2. *Нуклеар оила* — бу бир уйда ўз болалари ёки асраб олинган болалари билан яшайдиган оилавий жуфтлик. Қариндошлар оила жуфти билан биргаликда яшасалар — бу ё биргаликда, ёки яқин орада яшайдиган уч ёки ундан ортиқ авлодлардан ташкил топган кенгайган оила ҳисобланади.

3. Фарб жамиятларида никоҳ ва оила *моногамия* билан бир деб олинади.

Баъзи маданиятлар иккита ва кўпроқ эр-хотинларнинг бир вақтда никоҳда туришини англатадиган полигамияга йўл қўядилар ёки рағбатлантирадилар. *Полигиния* — эркакнинг биттадан ортиқ хотинга уйланиш ҳодисаси — анча кўп тарқалган. *Полиандрия* — аёлнинг биттадан ортиқ эр билан никоҳланиш ҳодисаси.

4. Фарбий Европа ва АҚШда саноатлаштириш бошлангунга қадар оиланинг нуклеар типни парчаланиши, гарча саноатлашишнинг чуқур таъсирини сезган бўлса-да, тезлашди. Бошқа минтақаларда бошқа турли-туман оила шакллари мавжуд. Оила хилларининг ўзгаришини қуйидаги қатор

²⁶ Lantz H., Shultz M., Ohara M. The changing American family from the preindustrial to the industrial period: a final report // American sociological review, 42, 1977.

омиллар белгилайди: марказий давлат бошқарувининг пайдо бўлиши, кичик ва катта шаҳарларнинг ривожланиши (урбанизация), оиланинг таъсир соҳасига кирмайдиган ташкилотлар иши. Бу ўзгаришлар мураккаб оилаларнинг ва қариндош гуруҳларнинг бошқа хиллари емирилишига олиб келиб, бутун дунёда нуклеар оилалар кўпайишини таъминламоқда.

5. Фарбда урушдан кейинги даврда оила ҳаётида муҳим ўзгаришлар юз берди. Аёлларнинг катта қисми юқори ҳақ тўланадиган ишда банд бўлиб, ажралишларнинг сони ўсмоқда, аҳолининг катта қисми оталик (ёки оналик) оилаларда, ё ўғай оилаларда яшайди... никоҳдан ташқари «биргаликда яшаш» ҳам кўпгина саноатлашган мамлакатларда кенг тарқалган ҳолат бўлиб қолди.

6. Оилавий ҳаёт ўзида ҳар доим ҳам мутаносиблик ва бахт манзарасини ифодалайди. Оиланинг «қоронғу» томонларига турли хилдаги суистеъмолликлар ва рўзғор зўравонлиги тегишлидир.

7. Никоҳда иккала жинс учун мунтазам жинсий тажриба шарт бўлмай қолди. У яна иқтисодий фаолият асоси ҳам бўлмай қолди. Гарчи никоҳ ва оила етарли мустаҳкамликдаги институтлар сифатида қолаётган бўлса-да, аниқ айтиш мумкинки, келажақда ижтимоий ва жинсий муносабатларнинг бошқа турли шакллари пайдо бўлиши мумкин.

Асосий тушунчалар

<i>ижтимоий институт</i>	<i>оила</i>
<i>қариндошлик алоқалари</i>	<i>никоҳ</i>

Энг муҳим атамалар

<i>клан</i>	<i>рўзғорга боғланган нуклеар оила</i>
<i>нуклеар оила</i>	<i>ҳиссий индивидуализм</i>
<i>кенгайган оила</i>	<i>экзогамия</i>
<i>ота-оналик оила</i>	<i>эндогамия</i>
<i>репродуктив оила</i>	<i>даврий моногамия</i>
<i>матриархал оила</i>	<i>ота йўли бўйича ворислик</i>
<i>патриархал оила</i>	<i>она йўли бўйича ворислик</i>
<i>моногамия</i>	<i>неолокал яшаш</i>
<i>полигимия</i>	<i>ўғай оила</i>
<i>полигения</i>	<i>киббуцизм</i>
<i>полиандрия</i>	<i>«биргаликда яшаш»</i>
<i>очиқ уруғ оила</i>	
<i>ўхоталанган патриархал оила</i>	

Кўшимча адабиёт

Diana Cittins The Family in Qestion: London, 1992. Оилавий ҳаётнинг асосий жиҳатлари тўғрисида мумтоз ишнинг ҳозирги нусхаси.

Roderick Phillips Untying tge Knot: a shot History of Divorce. Cambrige, 1991. Қўшма Штатлар ва Европадаги ажралишларга доир тадқиқотлар.

Ann Phoenix. Young Morthers? Cambrige, 1991. Ҳозирги жамиятда ёш оналар муаммоларининг таҳлили.

Таълим, коммуникация ва оммавий ахборот воситалари

Тасаввур қилинг — сиз бундан икки юз йил бурун деҳқон оиласида туғилиб, Франция қишлоқ коммуналарининг бирида вояга етган Жан Пол Дидье исмли боланинг ёғочдан ясалган оёқ кийимида турибсиз. Шундай қилиб, Жан Пол 1750 йили ўн тўртга кирди. У на ўқишни, на ёзишни билади. Аммо бунинг ажабланарли жойи йўқ, чунки унинг қишлоғида фақат катта ёшдаги санокли кишиларгина бир-икки сўзни ўқий олиши мумкин, холос. Кўшни қишлоқда роҳибларнинг бир нечта мактаблари бор, аммо уларнинг Жан Полга алоқаси йўқ. У маҳаллий руҳонийдан бошқа мактабга борадиган бирон бир инсонни танмайди. Кейинги 8—9 йил давомида Жан Пол хўжалик ишларига қарашиш учун доим далага кетар эди. Ёши улғайган сайин у отасидан қолган бир қарич ерда кўпроқ оғир жисмоний меҳнат билан банд бўлди.

Жан Пол туғилиб ўсган жойини ташлаб кетишининг чораси топилмаса керак, чунки у ўзининг бутун умрини қишлоқ далаларида ўтказди. У тасодифан бошқа бирон бир қишлоққа ёки шаҳарчага бориб қолиши мумкин, холос. Сочлари оқаргунига қадар отасидан қолган ернинг унга мерос бўлиб ўтишини кутади. Аммо, мерос ҳам ўзи ва укалари ўртасида тақсимланиши керак. Пол ўзининг «француз» эканлигини, яшаётган мамлакатни монарх томонидан бошқарилишини, дунёда Франциядан бошқа яна қўплаб давлатларнинг борлигини ҳам билади. Аммо у Франция ҳақида, унинг ягона бир бутун сиёсий жамият эканлиги ҳақида мавҳум тасаввурга эга. У «янгиликлар» нима эканлигини билмайди, унинг «янгиликларни» билишини таъминловчи доимий воситалар тизимининг ўзи йўқ. Дунё кенг, унда бўлаётган воқеаларни у катталар суҳбатидан ёки гоҳ-гоҳида учраб турадиган сайёҳлардан билиб олади, холос. Қишлоқнинг бошқа одамлари сингари у энг муҳим янгиликларни — ҳатто қиролнинг ўлганини ҳам кунлар, ҳафталар, ойлар ўтиб билади.

Бугунги кун тасаввурига кўра, Жан Пол саводсиз, лекин уни қолоқ деб бўлмайди. У оиласини, болаларини бениҳоя яхши кўради ва уларнинг ҳар қандай хизматига тайёр. У ер, ундан қандай ҳосил олиш, олинган ҳосилни қандай қилиб сақлаш тўғрисида бой билимга эга. Жан Пол маҳаллий анъана ва урф-одатларни яхши билади, у нафақат деҳқончиликдан, балки бошқа кўпгина ҳунарлардан ҳам хабардор, сават тўқийди, кўйлак тикади.

Жан Пол — ўйлаб топилган қаҳрамон. Аммо унинг портрети ҳозирги замон Европа жамияти шаклланиши мобайнида ўсиб-улғайган ўспириннинг типик намунасини эслатади. Мазкур ҳолатни бугунги кун одамлари билан таққосланг. Саноати ривожланган мамлакатларда ҳар бир киши ўқишни-ёзишни билади. Ҳар биримиз маълум бир жамиятнинг аъзоси эканимизни биламиз, мамлакатимизнинг географик ўрни, унинг тарихи ҳақида оддий маълумотларга эгамиз. Гўдакликдан ташқари, бутун умримиз китоб, газета, журнал, телекўрсатувлар таъсири остида ўтади. Ҳаммамиз мактабда ўқиш даврини бошдан кечирганмиз. Босилган сўз, коммуникациянинг электрон воситалари, мактаб ва коллежларда олинган таълим — буларнинг барчаси яхлит бир шаклда уйғунлашиб тумуш тарзимизнинг асосига айланиб қолди.

Мазкур бобда биз ҳозирги замон таълим тизимининг қандай вужудга келганлигини кўриб чиқамиз, таълимнинг жамиятга кўрсатаётган таъсирини таҳлил қиламиз, кейин эса ҳозирги замон оммавий коммуникация тизимининг моҳиятини таҳлил қиламиз.

Саводхонлик ва мактаб таълимининг пайдо бўлиши

“Школа” сўзи грек тилидан кириб келган бўлиб, «бўш вақт» деган маънони билдиради. Гап шундаки, саноатлашган жамият вужудга келгунча мактабга фақат кимнинг пули ва вақти бўлса, бора олган, холос. Дин арбоблари, руҳонийлар саводхон ижтимоий гуруҳ саналган. Буларга билим муқаддас ёзувларни ўқиш, мутолаа қилиш учун керак бўлган. Кўпчилик учун эса ёши ортгани сари катталардан ижтимоий тажрибани, касб маҳоратини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлган эди. Биз юқорида кўрганимиздек, болаларнинг ёшлиқдан уй ишлари билан шуғулланиши, деҳқончилик қилиши, бошқа хўжалиқ ишлари билан шуғулланиши кундалик юмуш ҳисобланган. Ўқиш эса ўша вақтларда кундалик ҳаёт учун мутлоқ зарур бўлмаган, ҳатто фойдали ҳам ҳисобланмаган.

Умумий саводсизликнинг яна бир сабаби — барча матнларнинг қўлда ёзилганлиги, унинг жуда қиммат туриши ва кенг оммалашмагани эди. Бу ҳолатни Европага Хитойдан кириб келган китоб чоп этиш хунари ўзгартириб юборди. Фарбда биринчи китоб босувчи дастгоҳ 1454 йили Йоган Гутенберг томонидан ихтиро қилинди. Китоб нашр қилина бошлагач, матн ва ҳужжатларни ҳамма ўқийдиган бўлди. Бу нафақат китоб ва рисоаларга, балки ҳар қандай мураккаб жамият учун зарур бўлган кўплаб кундалик ашёларга ҳам алоқадор эди. Масалан, жуда кўплаб қонунлар тўпламлари босмадан чиқарилиди. Босилган ҳисоботлар, маърузалар, статистик тўпламлар давлат ва хусусий идоралар, ишхона ва ташкилотлар учун зарур бўлиб қолди. Нашр этилган ашёлардан ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида фойдаланиш аҳолининг саводхонлик даражасининг олдинги

йилларга нисбатан тез ўсишига олиб келди. Аста-секин таълим махсус қурилган биноларда, бугунги шаклда ўқитила бошланди. Аммо, бундан бир юз элик, балки ундан кўпроқ йиллар илгари бадавлат кишиларнинг болалари уйда хусусий ўқитувчилар ёрдамида таълим олар эдилар. XIX асрнинг биринчи ўттиз йиллигига қадар Европа мамлакатлари, Қўшма Штатларда бошланғич таълим тизими вужудга келаётган бир даврда, аҳолининг кўпчилик қисми мактаб таълимини олиш имкониятига эга эмас эди.

Саноатлашиш ва шаҳарларнинг кенгайиши махсус мактабларга бўлган талабни орттириб юборди. Бугун кишилар жуда кўплаб соҳаларда хизмат қилмоқдалар, бундай шароитда касб маҳоратининг отадан болага бевосита ўтишининг ҳеч иложи йўқ. Илм олиш — ўқув ва маҳоратнинг амалиёт орқали берилишига эмас, балки, абстракт фанлар (математика, табиатшунослик, тарих, адабиёт ва ҳоказолар) ўзлаштирилишига асосланади. Ҳозирги замон кишилари ўқиш, ёзиш, ҳисобни билишлари ҳамда ўзларини ўраб турган табиат олами, ижтимоий ҳаёт, хўжалик фаолияти ҳақида ҳам умумий тасаввурга эга бўлишлари керак. Бундан ташқари, одамларнинг ўзлари ўқишга ўрганишлари, буни ташкил қилишнинг ўзига хос шакл ва воситаларини кашф қилишлари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Буюк Британияда мактаб таълими тараққиёти

Британияда биринчи марта мажбурий таълим жорий қилинган 1880 йилдан то Иккинчи жаҳон урушигача бўлган даврда ҳукуматлар қанчалик тез алмашган бўлса-да, таълимга ажратилган маблағ муттасил ортиб борди. Болаларнинг мактабни тамом қилиш ёши ўндан ўн тўртга ортди, янги-янги мактаблар қурилди, лекин, барибир таълим давлат аҳамиятига молик даражага кўтарилмади. Кўпчилик мактаблар маҳаллий ҳокимият органлари назоратида бўлиб, жисмоний шахслар ёки черков ҳисобига ишлар эди. Иккинчи жаҳон уруши мазкур ҳолатни ўзгартириб юборди. Қуролли кучларга янги чақирилганларнинг қобилияти тестлар орқали синаб кўрилганда, йигитларнинг бениҳоя саводсизлиги аниқланди. Бу ҳол раҳбариятни ларзага солди. Урушдан кейинги тикланишнинг истиқболлари ҳақида қайғураётган ҳукумат мавжуд таълим тизимини янгидан кўриб чиқа бошлади.

1944 йилга қадар англиялик кўпчилик болалар мактабнинг ўқиш мажбурий бўлган *бошланғич босқичига* қатнар эдилар. Бунда улар 14 ёшгача ўқир эдилар. Бошланғич таълим тизими билан бирга *ўрта мактаб* ҳам мавжуд бўлиб, унда ўқиш пуллик эди. Таълимнинг бу тизими болаларни аниқ ижтимоий гуруҳларга ажратди, камбағаллар қатламидаги қарийб барча болалар фақат бошланғич таълим билан чекланиб қолдилар. Аҳолининг 2%идан камроғи университетларга кирди. 1944 йилги таълим

тўғрисидаги қонун ҳамма учун ўрта маълумот олиш, мактабни 15 ёшгача битириш, таълим олишда тенглик каби бир қатор янгиликларни жорий қилди.

Қонун қабул қилинганидан сўнг маорифга жавобгар маҳаллий ҳокимият ўқув натижаларига қараб ўрта мактабларга ўқувчиларни танлаб қабул қилиш тамойилини жорий қилди. Танлов ўқувчининг 11 ёшида, яъни бошланғичдан ўрта мактабга ўтиш даврида ўтказилар эди. Бунда ўқувчининг ижтимоий келиб чиқиши эмас, балки қобилияти ҳал қилувчи омил ҳисобланар эди. Имтиҳон яқунлари («11+») ўқувчининг чуқурлаштирилган таълим берувчи *ўрта классик мактаб* (гимназия)да ёки маълумот камроқ талаб қилинадиган *замонавий ўрта мактабда* (бу асосан касб-хунар ўргатишга мўлжалланган мактаблар) ўқишни давом этдиришини аниқлаб берарди. Ким ўқишни давом этдиришни хоҳласа, у 17 ёшгача мактабга қатнаш имконига эга бўлди.

60-йилларга келиб, ўтказилган социологик тадқиқотлар қисман шуни кўрсатдики, «11+» қутилган натижаларни бермади. Краудернинг 1959 йилги маърузасида шу нарса кўрсатилган эдики, ўқувчиларнинг фақат 12%и 17 ёшгача ўқишни давом эттирганлар, қолганлари эса мактабга, ёмон ўқиганлари учун эмас, балки ижтимоий-синфий сабабларга кўра келмай қолганлар. 1964 йили ҳокимиятга қайтган лейбористлар *ягона ўрта мактаб* тизимини яратишга киришдилар. Ягона ўрта мактабда юқорида келтирилган иккала мактаб типи ўртасидаги фарқ йўқолиши ва ижтимоий келиб чиқиши хилма-хил бўлган болалар бирга ўқишлари керак эди. Умумтаълим мактаблари — “гимназия — ҳаммага”ми ёки у мутлоқ янги типдаги таълим эдими?— Бу савол очиқ қолди. Турли хилдаги мактаблар ўзига хос ёндашувларни такомиллаштирдилар. Айрим маҳаллий ҳокимиятлар бу ўзгаришларга қаршилик ҳам кўрсатдилар, лекин баъзи ҳудудларда классик гимназиялар ҳанузгача ишлаб турибди.

70-йилларнинг бошларига келиб давлат таълими ишчи кучининг дефицитлиги, гоҳ унинг кўпайиб кетиши ва натижада эса ишсизликнинг ортиши ҳамда давлат бюджети киримининг камайиши билан боғлиқ қаттиқ қийинчиликларни бошдан кечирди. Умуман, урушдан кейинги давр учун характерли бўлган таълим тизимининг кенгайтирилиши, кутилмаганда унинг қисқартирилиши ва давлат харажатларини камайтиришга бўлган уринишлар билан алмашди. Бу харажатлар 70-йилларнинг ўрталаридан то 80-йилнинг ўрталаригача 6,3 дан 5 фоизгача камайди.

Мазкур даврдаги давлат таълим тизими билан бир қаторда мавжуд бўлган хусусий мактабларни эсламасак, юқоридаги изоҳларимиз тўлиқ бўлмайди. Хусусий мактаблар ўқувчиларнинг оналари тўлайдиган ҳаққа тўла боғлиқ эди, шунинг учун ҳам унда жамиятнинг кам таъминланган қатламидаги оилаларнинг болалари ўқиши қийин эди.

Саноати ривожланган мамлакатлардаги мактаб таълими тизими

Бугун жаҳондаги давлатларнинг барчасида, жумладан, ривожланаётган давлатларда ҳам таълим тизими — капитал қўйиладиган муҳим жабҳа бўлиб қолди¹. Аммо таълим тизимини ташкил қилиш билан аҳолининг маълум бир тип даражада таълим олиши ўртасидаги пропорция билан боғлиқ муҳим тафовутлар ҳам мавжуд.

Таълим тизимининг айрим типлари бениҳоя марказлашган. Масалан, Францияда барча талабалар яккаю ягона миллий дастур бўйича ўқийдилар ва бир хил миллий имтиҳон топширадилар. Америка тизими эса бошқа саноатлашган мамлакатларникига қараганда кўпроқ номарказлашган. Маҳаллий ҳокимият мактабларнинг йиллик молиявий харажатларининг 40%ини ўз зиммасига олган бир шароитда, федерал ҳокимият унинг атиги 10%га яқинини қоплайди, холос. Қолган харажатлар маҳаллий солиқлардан келган киримлар ҳисобига қoplanади. Мактабларни умумий овоз беришга кўра сайланган маҳаллий кенгаш бошқаради, улар ўқитувчиларни, маъмурият вакилларини ишга қабул қилади, дастурларнинг бажарилишини назорат қилади.

Маҳаллий жамоатчиликнинг мактаб ишларини бошқаришга аралашуви турли хил оқибатларга олиб келди. Аммо бунда бир нарса аниқ бўлдики, ким мактабларга хизмат қилса, мактаб ҳам уларнинг талаб ва манфаатларини тўлиқ қониқтирадиган бўлиб қолди. Иккинчи томондан эса, бу тизим мактабларнинг молияланишига кўра жиддий фарқларни келтириб чиқарди. Сабаб — мазкур мактабнинг аҳоли турмуш даражаси билан бевосита боғлиқлигида эди. Шунинг учун ҳали ҳам бир ҳудуд мактаблари иккинчисиникидан синфларнинг тўлиши, моддий-техник таъминоти, юқори малакали ўқитувчиларни жалб қилишига кўра жиддий фарқланади.

Кўпчилик ривожланган мамлакатларда хусусий мактаб ва коллежлар давлат молиялаштирадиган таълим тизими билан баҳамжиҳатликда фаолият кўрсатади. Гоҳида марказий ҳукумат ёки маҳаллий ҳокимият диний секталарга қарашли бўлган мактабларга ҳам субсидия ажратади. Масалан, Ирландияда кўпчилик мактаблар моддий ёрдамни жамиятдан олишига қарамасдан черковлар қўлидадир. Аммо Британияда диний ташкилот мактаблари давлат томонидан кам таъминланади, улар асосан давлат таълим тизимидан мустақил ҳолда фаолият олиб борадилар. Олдинги даврларда кўпчилик мамлакатларда давлат мактаб устидан ўз назоратини ўтказишга, таълимни черковдан ажратишга уриниб келди. Ҳатто бугунги кунда ҳам кўпчилик таълим институтлари давлат томонидан ташкил қилинаётган ва

¹ Ramirez F. O. and Boli S. The Political construction of mass schooling: European origins and worldwide institutionalism // *Sociology of Education*, 60. 1987.

молиялаштирилаётган шароитда ҳам диний ташкилотлар таълим соҳасидаги ўзларининг анъанавий ҳуқуқларини маълум даражада сақлаб қолиш учун уринмоқдалар.

Олий таълим

Халқаро тажрибанинг қиёсий таҳлили

Турли жамиятларда ташкил қилинган олий таълим (мактаб тамом қилинган, университет ёки коллежларда олинадиган таълим) бир-биридан жиддий фарқланади. Қатор мамлакатларда барча университет ва коллежлар давлат ташкилотлари ҳисобланади ва бевосита давлат манбалари ҳисобидан молиялаштирилади. Масалан, Францияда олий таълим мамлакат миқёсида марказлаштирилган бошқарувга кўра ташкил этилган. Бошланғич ва ўрта таълим ҳам худди шундай. Барча ўқув курслари тузилмаси умуммиллий доирада фаолият кўрсатадиган, олий таълим вазирлиги ихтиёридаги махсус ташкилот томонидан ишлаб чиқилади. Олий ўқув юртини тугатган битирувчиларга университет ва давлат томонидан икки хил даража берилиши мумкин. Давлат томонидан бериладиган миллий даража университетларникига нисбатан нуфузли ва қадрли ҳисобланади, чунки давлат томонидан бериладиган даража ягона стандартга мосдир. Давлат апарати ходимлари фақат давлат даражаларини олганлар ҳисобига тўлдирилади, саноат корхоналарига ишга олишда ҳам улар қадрланадилар. Францияда университетлар ва коллежлар ўқитувчилари, мактаб муаллимларининг барчаси давлат хизматчилари ҳисобланади. Уларнинг иш ҳақи, лавозим вазифаларига кўра марказлашган ҳолда белгиланади.

АҚШ хусусий университет ва коллежларнинг салмоғига кўра бошқа ривожланган мамлакатлардан фарқланади. Американинг Гарвард, Принстон, Йел каби нуфузли университетлари таркибига кирувчи олий ўқув юртларининг 54%и хусусийдир. Аммо Америка олий таълимида *давлат* ва *хусусий ўқув юртлари* орасидаги фарқ бошқа мамлакатлардаги сингари катта эмас. Хусусий университет талабалари ҳам давлат грантлари ва имтиёзларидан фойдаланадилар, университетларнинг ўзлари эса илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун давлатдан маблағ оладилар. Давлат университетлари хусусий фирмаларнинг эҳсонларидан ҳам тез-тез фойдаланиб турадилар. Бундан ташқари, саноатнинг хусусий манбалари тадқиқот грантларини ҳам олиб турадилар.

Британияда олий таълим тизими

Британия олий таълим тизими французларникига қараганда номарказлашган, америкаликларникига нисбатан эса бир хил. Университет, коллежлар давлат томонидан молиялаштирилади, барча даражадаги ўқитувчилар умуммиллий ставка тизи-

мида белгилаб қўйилган иш ҳақини оладилар. Шу билан бирга, улар орасида ташкилий шакли, ўқув дастурларига кўра фарқлар бор.

Урушдан олдин Англияда 21 университет фаолият кўрсатар эди, уларнинг кўпчилиги кичкина ўқув юртлари эди. 1937 йил Англия университетлари талабаларининг умумий сони 1981 йилдаги университетларда банд бўлган ўқитувчилар сонидан сал кўпроқ эди.² Илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш ишига ҳатто Кембридж, Оксфорд каби қадимий университетларда ҳам кам аҳамият берилар эди. 1937 йили мамлакатдаги барча аспирантларнинг 75%и Лондон университетиде таҳсил кўрган.

1945—1970 йиллар ичида Англия олий ўқув юртлари шохбчалари тўрт мартага кенгайди. Қадимий университетлар кенгайтирилди. Сассек, Кент, Стерлинг, Йорк каби янги-янги университетлар қурилди. Политехника олий ўқув юртлари тизими ишга тушиши билан «бинор» тизими вужудга келди. Олий таълимнинг бу иккинчи элементи нисбатан кенг тарқалган бўлиб, турли хилдаги курслар рўйхатини таклиф қилувчи 400 дан ортиқ коллежни ўз ичига олган. Политехника олий ўқув юртлари университетларга қараганда кўпроқ профессионалларни тайёрлашга йўналтирилган эди. Битирувчиларга бериладиган даражанинг ягона стандартга мос келиши ёки келмаслигини назорат қилувчи Миллий илмий-аттестация кенгаши тузилган эди.

Бугун инглиз олий ўқув юртлари ўз битирувчиларига «стандарт диплом»лар деб номланган ҳужжат топширади. Бу дегани, Лестер ёки Лид университетларида берилган даража, ҳар ҳолда назарий жиҳатдан Кембриж ва Оксфорд университети берган ёки исталган политехника олий ўқув юрти, коллеж берган даражага тенгдир. Аммо шу кузатувлар кўрсатишича, Оксфорд ва Кембриж университетлари талабаларни қабул қилишда ўзига хос нуфузга эга. Унга кирувчиларнинг ярмидан кўпи хусусий ёпиқ (пулик) ўрта ўқув юртларининг битирувчилари ҳисобланади. Оксфорд, Кембрижда берилган даража бошқа университетларникига қараганда битирувчига жамиятда юқори мартабани эгаллаш имконини кўпроқ беради.

Урушдан кейинги тараққиётга қарамасдан, Англияда талабаларнинг жамиятга нисбатан ҳиссаси бошқа ғарб мамлакатлариникидан анча кам эди. 1986 йили 18 ёшга кирган ёшлардан 6,6%и университетларда ўқиган, айна вақтда кўпчилик Европа мамлакатларида талабаларнинг ёшлар орасидаги ҳиссаси 10%дан ошиб кетган эди, Италияда бу кўрсаткич 30%га яқинлашиб қолган эди.

80-йиллари консерватив ҳукумат илмий ижод маскани деб ҳисобланган университетларга зид арзон ва қулай бўлган олий ўқув тизимини киритишни талаб қилди. 1981—1985 йиллар ичи-

² Carwell J. Government and the Universities in Britain: Progress and performance 1960—1980. Cambridge, 1985.

да университетларда 5600 ўқитувчи, 18 минг студентнинг ставкаси (ўрни) йўқолди. «Илмий ишлаб чиқариш» харажатларини қисқартиришга, жамият ҳаётида хилма-хил муаммоларнинг рационал, адолатли ечимини топишда фаол иштирок этиб келаётган университетлар фаолиятини хавф остида қолдиришга қаратилган қонунларга қарши мамлакатда оппозиция вужудга келди.

Ҳукуматнинг олий таълимга ажратган харажатларни қисқартиришга интилишлари университет тизимидаги баъзи бир бўғинларнинг парокандаланишига олиб келди, талабаларда ҳаётда керак бўладиган билим ва малакани университетлар беришга қодир эканлигига ишончсизлик туғдириди.

Таълим ва тенгсизлик

Таълимнинг кенг тарқалиши ҳамиша демократия масалалари билан узвий боғлиқ бўлган. Реформаторлар таълимга шахнинг қобилияти ва қизиқишини ривожлантирувчи восита сифатида қарайдилар. Бундан ташқари, универсал таълимга ижтимоий тенгликни қарор топдирувчи, ёшларни билим билан қуроллантирувчи, жамиятда эътиборли ўринларини эгаллашга ёрдам берувчи, ижтимоий ўринларини нуфузлаштирувчи, турмуш даражасини кўтарувчи восита деб қаралади. Бу нечоғлик тўғри? Буни ўрганиш мақсадида кўпгина социологик тадқиқотлар ўтказилган. Мазкур тадқиқот якунлари таълимнинг кўпчилик ҳолларда мавжуд тенгсизликни бартараф қилишидан кўра унинг мавжудлигини кўрсатиши ва тасдиқлашини кўрсатди.

Америка таълим тизимидаги тенгсизликнинг Коулман томонидан тадқиқ қилиниши

Бир қатор мамлакатларда мактаб таълими натижаларига ижтимоий ва оилавий ҳолатнинг таъсирини кўрсатишга бағишланган тадқиқотлар ўтказилган эди. Чунки бу охир оқибатда шахнинг даромад даражаси билан ҳам узвий боғлиқ масаладир. Шундай мумтоз тадқиқотлардан бири АҚШда 60-йилларда ўтказилди. 1964 йилги Фуқаро ҳуқуқлари тўғрисида Қонун таълим тўғрисидаги миллий комиссиядан этник, диний ва миллий характерга эга бўлган таълим соҳасидаги мавжуд турли тенгсизлик тўғрисида маъруза тайёрлашни талаб қилди. Джеймс Коулман мазкур тадқиқот дастурининг раҳбари этиб тайинланди. Тадқиқот натижалари 1966 йили, бениҳоя кенг миқёсга эга бўлган тадқиқотларнинг бири якунлангач эълон қилинди.

Ярим миллиондан ортиқ ўқувчи тўғрисида маълумот йиғилди. Уларининг вербал ва новербал қобилиятларини, билимдонлиги ва математика бўйича қобилиятини баҳолаш учун уларга бир қатор тестлар тақлиф қилинди. 60 минг ўқитувчи анкета тўлдириб 4 минг мактаб ҳақида маълумотнома берди. Тадқиқот натижаларига кўра мамлакат мактабларидаги — ди-

ний ҳолат тўғрисида умумий хулоса тайёрланди. Хулосанинг айрим натижалари қутилмаган бўлиб чиқди ва таълим соҳасидаги сиёсатни шакллантиришда амалий аҳамият касб этди.

Маърузада кўрсатилганидек, кўпчилик болалар амалда оқ ва қора танлилар учун очилган мактабларга борадилар. Оқ танли болалар борадиган мактабларнинг 80%ида 10 ва ундан ортиқроқ фоиз қора танли болалар ўқиган. Тадқиқотда оқ танли америкаликлар ва Осиё мамлакатларидан келиб чиққанлар ўзларининг қора танли ва бошқа этник озчиликка мансуб тенгқурларидан юқори баҳоларга эга бўлдилар. Коулман тадқиқотда қора танлилар ўқийдиган мактабларнинг оқ танлиларникига нисбатан моддий-техник ҳолати паст, синфларда болалар кўп, бинолар ёмон аҳволда бўлишиги исботланса керак деб тахмин қилган эди. Аммо натижа улар ўртасидаги фарқ тахмин қилингандан кўра анча кам эканлигини кўрсатди.

Коулманнинг хулосасига кўра, мактабнинг моддий ресурслар билан таъминланганлик даражаси ўқув жараёни самарадорлигига жиддий таъсир кўрсатмайди. Аммо ўқувчиларнинг ижтимоий келиб чиқиши бунда муҳим аҳамиятга эгаллиги кўринди. Коулман кўрсатганидек, «болалар учун уйдаги, кўчадаги, уни ўраб турган муҳитдаги яратилган тенгсизлик, улар мактабни тамом қилганидан кейин навқиронлик йилларида ҳам давом этади»³. Бундан ташқари, нуфузли ижтимоий қатламдан чиққан ўқувчи тенгдошлари билан яқин муносабатда бўлган аҳолининг камбағал қатлаמידан чиққан ўқувчилар ўзларининг бошқа тенгдошларига нисбатан ўқишда яхши кўрсаткичларга эришганлиги қайд этилган.

Коулман маърузасидаги Буюк Британия мактабларини АҚШдаги сингари интеграциялаш тўғрисидаги фикр жиддий тортишувга сабаб бўлди, Коулман “Озчиликни ташкил қилувчи ижтимоий гуруҳ болалари ўзига тўқ қатлам болалари билан бирга ўқишса, уларнинг давомати ҳам юқори бўлар эди”, деган ғояни илгари сурди.

Кейинги тадқиқотлар

Коулманнинг айрим хулосаларини кейинги тадқиқотлар тасдиқлаган бўлсада, у бажарган ишнинг айрим жиҳатлари танқид объектига айланди. Чунки унинг тадқиқоти фақат маълум бир давргагина алоқадор бўлганлиги учун бугунги кунда содир бўлаётган ўзгаришларнинг таҳлилига тўғри кела олмас эди. Майкл Раттер томонидан Лондонда ўтказилган тадқиқотда бир неча йиллар давомида бир гуруҳ ўғил болаларнинг ривожланиши кўриб чиқилди. Болалар бошланғич мактабни тугатгач, 1970 йили биринчи марта текширилди. Уларнинг ижтимоий келиб чиқиши ва давомати тўғрисида маълумотлар йиғилди. Тадқиқот болалар ўрта мактабнинг тўртинчи синфига ўтганларида, 1974

³ Coleman J. S. et al. Equality of Educational Opportunity. Washington, 1966.

йили қайта такрорланди. Тадқиқ қилишда махсус ўрганиш учун айрим мактаблар ажратилди, ўқувчи ва ўқитувчилар сўров қилинди, синфдаги ишлар кузатиб борилди.

Яқунлар шуни кўрсатдики, мактабнинг танланиши ҳақиқатан ҳам болаларнинг давоматига таъсир қилар экан. Раттер фикрича, муҳим аҳамиятга эга бўлган бундай омиллар Коулман ўтказган тадқиқотлар доирасидан ташқарида қолиб кетган. Жумладан ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги муносабатнинг сифати, улар ўртасидаги ёрдам ва ҳамкорлик руҳи, ўқитиладиган курснинг қай даражада тайёрланганлиги каби омиллар назарда тутилган. Яна шу нарса аниқ бўлдики, ўқиш учун яратилган яхши шароит дегани — мактаблар моддий ресурсларининг бойлиги ва биноларнинг жуда яхшилиги эмас экан.

Раттер олган натижалар, ижтимоий тенгсизликнинг сақланишида мактабгача ва ундан ташқаридаги омиллар таъсирини рад қилмайди. Раттернинг алоҳида ажратиб кўрсатган омиллари кўпроқ манфаатдор ўқувчиларни битиртирувчи, ўз ўқитувчиларини қўллаб-қувватловчи мактабларда сезиларли даражада кўринди, ҳамда унинг тадқиқотлари нима учун мактаблар тенгсизликни сақлаб қолишдан манфаатдор эканлигини тушунишга ёрдам берди. Бу ерда ёпиқ цикл мавжуд. Бунга кўра, бадавлат оила болалари юқори сифатли таълим олиш учун хусусий мактабларга борадилар, бу мактабларга айни пайтда яхши ўқитувчилар жалб қилинади, уларнинг фаолияти яхши таъминланади. Камбағал оила болалари ўқийдиган мактабларда хусусий мактаблардагидек кўрсаткичларга эришиш учун ўқитувчилар кўпроқ ишлашлари керак. Бунга қарамасдан, Раттернинг хулосасига кўра, мактабларнинг ташкилий жиҳатига ва микроиқлимга кўра фарқлари давоматга таъсир қилувчи ташқи омилларга қарши туриши мумкин. Ўқитиш сифатининг кўтарилиши, мактабда соғлом иқлимнинг яратилиши, таълимнинг амалий йўналтирилганлиги камбағал оила болалари давоматининг кўтарилишига ёрдам беради. Коулман ўзининг кейинги тадқиқотларида худди шунга ўхшаш хулосага келди.

Кристофер Женкснинг 1972 йили босилган «Тенгсизлик» китобида унга қадар Америка олимларининг таълим ва тенгсизликка бағишланган асарларида келтирилган айрим эмпирик хулосалари қайта кўриб чиқилди. Женке таълим ва профессионал раванқдаги муваффақиятлар асосан оилавий шароит ва мактабдан ташқаридаги омиллар билан белгиланади, тенгсизликнинг мавжудлигига таълим соҳасидаги ислохотлар кам таъсир қилади деган фикрни такроран тасдиқлади⁴. Женкснинг иши методологик нуқтаи назардан танқид қилинган бўлсада, ammo унинг хулосалари умуман ўзининг ишонарлилигини сақлаб қолди.⁵

⁴ Jencs C. et al. Inequality: A Reassessmint of the Effects of Family and School in America. New York, 1972.

⁵ Oakes S. Keeping Track: How Schools structure inequality. New Haven, 1985.

Бугун Бирлашган Қироллик таълим тизимидаги тенгсизликни тавсифловчи маълумотлар жуда кўп. 1980 йил А.Х. Халси ва унинг касбдошлари ўтказган тадқиқотларда ишчиларнинг болалари билан “хизматчи синфи” (мутахассис ва бошқарувчилар) оилалари болаларининг таълим имкониятлари қиёсланди. Урушдан кейинги даврда хизматчиларнинг 18 ёшга етган болалари ишчиларникига қараганда мактабларда 10 марта кўп ўқиган, университетларга ўқишга кирган хизматчи ва ишчи фарзандлари нисбати 11:1 ни ташкил қилган.

Бошқа тадқиқотларда этник тафовутларнинг давоматдаги фарқи қараб чиқилган. Жумладан Британиядаги қора танли ўқувчи оқ танлига нисбатан ўртача ёмон ўқиган. Суоннинг 1985 йилги маърузасида кўрсатилганидек, 1981—1982 йилларда фақат 1% Вест Индиядан келиб чиққанлар мактабни аъло аттестатга битирган бўлса, айни вақтда, оқ танлилардан 13%и аъло аттестат билан мактабни тугатганлар. Буни қора танлилар орасида аҳолининг камбағал қатлами вакиллари кўпчиликини ташкил этади деб тушунтириш мумкин. Бунга қарамасдан, бир қатор тадқиқотларда ўқувчи гуруҳларининг ижтимоий келиб чиқиши назарда тутилган ҳолда ҳам улар ўртасидаги тенгсизлик сақланиб қолинади деган фикр ўрин олган.⁶

Мактаб таълими назариялари

Бернстайн: тил кодлари

Замонавий таълим табиати билан тенгсизлик феномени ўртасидаги боғлиқликни тушунтириш бўйича бир неча назарий ёндашувлар мавжуд. Улардан бирида тилга бўлган қобилият асос қилиб олинади. Базил Бернстайн таъкидлаганидек, ижтимоий келиб чиқишга кўра ҳар хил болаларда ёшлигиданоқ уларда турли тил кодлари (ёки вербал муносабат шакллари) ривожланади. Кейинчалик ўқишдан кейинги жараёнларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши.⁷ Ўзининг диққатини у доим аҳамият бериб келинган сўз бойлиги ўртасидаги фарққа — нутқдаги ўзгаришларга эмас, балки тўқ ва камбағал оиладан чиққан болаларнинг тилни ишлатиш услубидаги фарққа қаратди.

Бернстайн фикрича, қуйи табақа болаларининг нутқи чекланган коддир, яъни у тилдан фойдаланишнинг шундай услубики, бунда кўпчилик фикрлар айтилмайди. Чекланган код — жамиятнинг қуйи табақалари маданияти билан боғланган нутқ типидир. Қуйи табақа вакилларининг кўпчилиги субъмаданият, оила ёки ўзаро маҳаллий бирликнинг катъий чегараланган меъёрида яшайди. Бундай шароитда меъёр, қадриятлар ўз-ўзидан маълум нарсалар ҳисобланади ва тил ёрдамида ифодаланмайди. Бундай табақалик ота-оналар болаларнинг хатти-ҳаракатларини

⁶ Craft M. and A. The participation of ethnic minority pupils in further and higher and higher education // Education Research, 25. 1985.

⁷ Bernstein B. Class, Codes and Control. London, 1975.

тартибга солишда тўғридан-тўғри жазо ва мақтов услубидан фойдаланиб, ижтимоий ҳаётга олиб киришга уринадилар. Чекланган код сифатидаги тил мавҳум гоё, жараён ва боғланишлардан кўра, амалий тажрибани ифодалашда қулайлик туғдиради. Шундай қилиб, чекланган код ёрдамчи нутқ, қуйи табақа болаларининг, ёки улар орасида ўз вақтини ўтказувчи ёшлар гуруҳининг ўзига хос хусусиятидир. Нутқ мазкур гуруҳ нормасига мўлжалланган, аммо *нега* булар худди шундай хатти-ҳаракатни маъқул кўрадилар, буни ҳеч ким осонликча тушунтириб беролмайди.

Бернстайнга кўра, жамиятнинг ўрта ҳол қатлаמידан чиққан болалар эса юқоридагилардан фарқли ўлароқ, кўпроқ ривожланган кодни, яъни турли хилдаги ҳолатнинг ўзига хос талабларига жавоб бера оладиган, мазмуни *аниқланган* сўзни истемол қилишга ҳаракат қиладилар. Ўрта ҳол оила болалари уларнинг кодига алоқадор бўлган, хусусий контекстга боғлиқлиги кам учрайдиган услубда ўқитилади. Бу — болаларни ўз фикрларини тезкор умумлаштира оладиган қилади. Ўрта қатлам болаларининг оналари ўз болаларини тарбиялашда уларнинг хатти-ҳаракатларига нисбатан ўзининг муносабатини асослайдилар, ҳолатини кўпроқ тушунтиришга уринадилар. Агар қуйи табақадан чиққан она боласини ширинликни кўп емасликка чақирмоқчи бўлса, «Бошқа ширинлик емайсан» деб дўқ уради, бадавлат оиладан чиққан она бу ишни «болам, ширинликни кўп ейиш соғлиққа зарарли, тишларинг эртадан тушиб кетади» деб тушунтириш орқали амалга оширади.

Бернстайн фикрича, ривожланган нутқ кодига эга болалар чекланган нутқ кодига эга болаларга нисбатан яхши ўқийдилар. Аммо бу қуйи қатлам болалари «ёмон» нутқ типига эга ёки уларнинг тил кодлари «камбағал» деган маънони англатмайди. Тўғрироғи, уларнинг нутқи, хулқ усули мактабнинг анъанавий маданиятига номувофикдир. Ривожланган тил кодига эга ўқувчилар мактаб муҳитига тез мослашади.

Бернстайн назариясининг нечоғлиқ асосланган ёки асосланмаганлиги муҳокама қилинишига қарамасдан, уни маъқулловчи бир қатор далиллар ҳам йўқ эмас. Жоа Таф ишчи ва «ўрта» синф оилаларида болалар тили муаммосига оид тадқиқот ўтказиб, улар ўртасида жиддий фарқ топди. У Бернстайннинг жамият қуйи табақаси болалари ўз саволларига жавоб олиш малакаси бўйича кам тажрибага эга, ўзидан бошқаларнинг хатти-ҳаракатлари сабабларини ҳам улар тузукроқ тушунтириб беролмайдилар, деган фикрини маъқуллайди.⁸ Ўз тадқиқотлари якунига кўра Барбара Тизорд ва Мартин Хьюзлар шундай хулосага ҳам келганлар. Қуйи табақа тилини ўрганган айрим тадқиқотчилар эса улар нутқини маълум бир маънода «чекланган» код дейиш тўғри эмас деган хулосага келдилар. Улар-

⁸ Tough J. Listening to Children Talking. London, 1976.

нинг фикрича, жамият қуйи қатлами тили маълум грамматик чекланганликларига эга бўлса-да, ўрта синфникига нисбатан ўз мураккаблиги, мавҳумлигига кўра ҳеч кам эмас.⁹

Агар буларнинг ҳаммаси шундай бўладиган бўлса, Берн-стайн ғоялари ижтимоий-иқтисодий оғир аҳволдагиларнинг мактабларда ҳам «иши юришмаганлар» ҳолатига тушиб қолиши сабабларини билиб олишимизга ёрдам беради. Чекланган нутқ коди билан боғланиши мумкин бўлган бир қатор хусусиятларни келтирамиз: бу хусусиятларнинг барчаси қуйи қатламдан чиққан болаларнинг таълим олиш имкониятларини пасайтиради:

1. Бола туғилган уйда барча саволларга тўлиқ жавоб ола олмайди ва шунинг учун, кўпчилик ҳолларда улар мураккаброқ тил коди шаклланган болаларга нисбатан кам қизиқувчан ва ўзини ўраб турган олам тўғрисида чекланган маълумотга эга.

2. Болага мактабнинг умумлашган ва камэмоционалли тили қийин мактабда ўқитиладиган дарслар ҳам жуда мураккаб туюлиши мумкин.

3. Ўқитувчининг дарсда гапирётган гаплари унинг кўникиб қолган нутқидан фарқлангани учун дарс унга тушунарсиз ҳисобланади. Бола мазкур тафовутни ўқитувчи нутқини ўзига тушунарли тилга *таржима* қилиш йўли билан бартараф қилишга ҳаракат қилади. Аммо бунда у ўқитувчи айтмоқчи бўлган муҳим фикрларни тушириб қолдириши мумкин.

4. Агар ўқувчи мактаб предмети сирларини ёдлаш билан ўзлаштиришга ҳаракат қилса, бу ҳолда у абстрактлаштириш ва умумлаштириш малакасини ўзлаштира олмай қолади.

Боулз ва Гинтис: Мактаб ва саноат капитализми

Самюэл Боулз ва Герберт Гинтисларнинг ишлари биринчи галда ҳозирги замон мактаб таълими тизимини ривожлантиришнинг ташкилий асосларига бағишланган¹⁰. Боулз ва Гинтис ғоялари Америка мактаб таълимига асосланган, аммо, уларнинг фикрича, мазкур ғояларни бошқа мактабларда ҳам қўлласса бўлади. Женксга ўхшаган олимлар асосларига суяниб мазкур ҳар иккала олим, таълим ҳеч қачон иқтисодий тенгликнинг муҳим омили бўлмаган, деган қарашдан келиб чиқадилар. Ҳозирги замон таълимини, саноат капитализмининг иқтисодий талабаларига жавоб берувчи институт сифатида тушунмоқ керак. Мактаблар келажакда саноат корхоналарида ишлайдиганлар учун зарур бўлган техник, ижтимоий кўникма ва маҳоратни эгаллашга ёрдам беради; мактаб бўлажак ишчиларда ҳокимият ва интизомга нисбатан ҳурматни тарбиялайди. Ҳокимият, мактаб-

⁹ Labov W. Sociolinguistic Patterns. Oxford, 1978.

¹⁰ Boules S. and Gintis H. Schooling in Capitalist America. London, 1976.

даги бошқарув ва ишхонадаги муносабатларнинг бир-бирига ўхшашлигини кўриш мумкин. У ерда ҳам, бу ерда ҳам ўз иерархияси бор ва асосий эътибор тобеликка қаратилган. Мактабдаги рағбатлантириш ва жазолаш ишхоналарда ўзига хос шаклда кўринади. Мактаб айримларни «муваффақиятга» йўналтирса, айримларга “сенинг жойинг мана шу кам ҳақ тўланадиган ишдир” деб белгилаб беради.

Боулз ва Гинтислар оммавий таълимнинг ривожланиши жуда кўп ижобий натижалар берганлигини тан оладилар. Саводсизлик мутлақ тугатилди, кишиларга ўз имкониятларини намойиш қилишлари учун барча қулайликлар яратилди. Шундай бўлишига қарамасдан, таълим у зиёкор ислоҳотчилар тасаввур қилганларидек эмас, балки асосан кундалик иқтисодий талабларни қондириш учунгина ривожланди.

Боулз ва Гинтисларнинг фикрича, ҳозирги замон мактаби ундан ташқаридагиларга яхши маълум бўлган заифлик ҳиссиётини туғдиради. Таълимда етакчи бўлган шахе камолоти ғояси кишилар ўз турмушининг шарт-шароитларини ўзлари бошқара олган, талантларини намойиш қила олган, ўзининг нималарга қодир эканлигини кўрсата олиш имконияти кенгайган шароитдагина ҳаётийлашади. Мавжуд мактаб тизими “тенгсизликни авлоддан авлодга ўтказишга, шахс ривожини расман қабул қилинган қоидаларга зид бўлмаган меъёрлар доирасида ривожлантиришга, ўз тақдирига ўзи тан берувчи ёшлик жараёнининг ўтишига ёрдам бериши лозим.” Агар жамиятда тенглик, ишхонада эса кенг демократия ҳукмрон бўлганда эди, таълим тизими шахснинг ўз имкониятларини тўлароқ очишига имконият яратган бўлар эди”, деб ишонтиришга ҳаракат қилади Боулз ва Гинтис.

Иллич: ёпиқ дастур

Таълим назарияси муҳокамасида кўп тортишувларга сабаб бўладиган олимлардан бири Иван Илличдир. У иқтисодий тараққиётнинг замонавий муаммоларига нисбатан танқидий муносабатига кўра бошқалардан тубдан ажралиб туради. Унинг фикрича замонавий иқтисодий муносабатлар илгариги мустақил одамларни уларга одат бўлиб қолган кўникмалардан бегоналаштирди ва уларни соғлигига кўра врачларга, таълимга кўра муаллимларга, ҳордиқ чиқаришига кўра телевидениега, тирикчиликларига кўра иш берувчиларга боғлаб қўйди. Эверт Раймер билан ҳамкорликда Иллич бутун жаҳонда қабул қилинган умумий мажбурий мактаб таълими ғоясининг керак ёки керак эмаслигини жиддий ўйлаш шарт¹¹ деган хулосага келди. Боулз ва Гинтислар каби Иллич ҳам таълим тараққиёти ва иқтисодий талабларидан келиб чиқадиган тартиб ва субординация ўртасидаги боғлиқликка ўз эътиборини қаратди. Иллич фикрича, мак-

¹¹ *Illich I. D.* Deschooling Society. Harmondsworth, 1973.

таб тўртта муҳим вазифани ҳал қилишига кўра ривожланди. Булар: болаларни ҳимоя қилиш, жамиятда эгаллаши керак бўлган ролларига кўра уларни тақсимлаш, уларда асосий қадриятларга ҳурматни шакллантириш, уларга ижтимоий фойдали билим, маҳорат ва ҳунар бериш. Мактаб ҳимоя ташкилотига айланиб қолди. Чунки унга бориш мажбурий, болалар ёшлигидан то меҳнат фаолиятини бошлагунига қадар мактаб туфайли “кўча таъсиридан” ҳимояланган бўлади.

Иллич мактабларда хуфия дастурлар мавжудлигини таъкидлайди. У ерда ўқитиладиган нарсаларнинг кўпчилиги дарсларнинг расмий мазмуни билан ҳеч қандай алоқага эга эмас. Мактаблар Иллич *пассив истеъмол*, деб атаган нарсани, яъни қатъий ташкилий шакллар ва интизомнинг табиати туфайли мавжуд бўлган ижтимоий тартибни нотанқидий қабуллашни болалар онгига сингдиришга мойил. Бундай дарслар онгсиз тарзда берилади; улар мактаб ташкилоти ва кун тартибида яширин ҳолда ҳозир бўлади. Хуфия дастурлар болаларни ҳаётда «ўз ўрнини билиш ва сакрамасликка» ўргатади¹².

Иллич *мактабсиз* жамият ғоясини илгари сурди. Мажбурий таълим яқинда кашф қилинган нарса бўлса-ю, нега биз, уни албатта бажарилиши шартдек қабул қилишимиз керак?— деб ҳисоблайди у. Мактаб ёшларни бугун-эрта тенгликка эриштирмаса, ёки шахс ижодий қобилиятининг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратмаса, у қандай шаклда мавжуд бўлса, шу шаклда уни тугатиш мақсадга мувофиқ эмасми? Бу билан Иллич таълимнинг барча ташкилий шакллари бекор қилиш керак демоқчи эмас. Таълим, таъкидлайди у, ёшидан қатъий назар ўқийман деган ҳар бир киши учун имкониятлар эшигини очиб бермоғи керак. Таълимнинг бундай тизими билимнинг фақат мутахассислар доирасида эмас, балки кенг доирада оммалашшига ёрдам берган бўлур эди. Ўқувчилар стандарт дастурларга кўра эмас, балки ўзларининг қизиқишларига кўра ўқишлари керак.

Юқорида келтирилганларни ҳаётга қандай тадбиқ қилиш мумкин? Тушуниб бўлмайди. Иллич, айти вақтда, мактаб ўрнига бир қатор *таълим шакллари* типини тавсия қилади. Расмий таълимнинг барча моддий ресурслари талаба ва ўқитувчиларга қулай бўлган кутубхона, прокатга бериш бюрolari, илмий лаборатория, ахборот банклари ва базаларига кўчирилган бўлмоғи керак. Ахборот тарқатиш тармоқларини шундай кенгайтириш керакки, токи у орқали моҳир мутахассисларнинг касб-маҳоратлари бўйича маълум бир фоизлар ҳақида маълумот олиш имконияти туғилсин, кишилар ўзларини ўзлари, ёки бир-бирларини ўқитиш имконига эга бўлсин. Талабалар шундай васийларга эга бўлишлари керакки, улар талабаларнинг таълим тизимларидан қачон ва қандай фойдаланишларига ружсат берсин.

¹² Illich I. D. Deschooling Society. Harmondsworth, 1973.

Бу таклифлар қанчалар ҳаёлий? Кўпчилик, буларни утопия сифатида баҳоламақда. Аммо ёлланма меҳнат табиати тубдан ўзгарса ва келажакда кескин қисқарса (лекин бу амалга ошиши мумкин), мазкур таклифлар унчалик ҳам ҳаёлий бўлиб кўринмайди. («Меҳнат ва ижтимоий ҳаёт» бобига қаранг). Агар ёлланма меҳнат ижтимоий ҳаётдаги ўрнини йўқотса, одамлар хилма-хил фаолиятлар орасидан ўзига маъқулини топиш ва у билан шуғулланиш имкониятига эга бўлган бўлур эди. Бундай қаралганда Иллич ғоялари маънолидек кўринади. Таълим ёшларни махсус ўқув юртларига тайёрлаш шаклларида бири бўлиб қолмасин, балки имкониятлардан фойдаланмоқчи бўлганларга ҳам кенг йўл очиб бермоғи лозим.

Таълим ва маданият соҳасида такрор ишлаб чиқариш

Таълим, маданият, ишлаб чиқариш каби назарий йўналишларнинг маълум бир элементларини ўзида кўпроқ мужассамлаштириш услуги маданий такрор ишлаб чиқариш концепцияси бўлиши мумкин. Маданий такрор ишлаб чиқариш шундай услубларга суянадик, булар ёрдамида мактаб бошқа ижтимоий институтлар билан ҳамкорликда авлодга иқтисодий ва ижтимоий тенгсизликнинг авлодлар оша сақланишига ёрдам беради. Мазкур концепцияда асосий эътибор мактабнинг ёпиқ дастур орқали сингдириладиган қадриятлар, одатлар ва кўрсатмалар воситаларига қаратилган. Мактаб ўз тарбияланувчилари орасида маданий қадрият ва дунёқарашнинг тарқаб кетишини тезлаштиради; олинган билимлар эса айрим битирувчиларнинг имкониятларини чегараласа, айримларининг ўсишига ёрдам беради.

Бернстайн кўрсатган тилдан фойдаланиш усуллари сўзсиз манфаат ва дид хилма-хилликларини пайдо қилувчи маданий тафовутлар билан узвий боғланган. Қуйи табақага, хусусан майда миллатга алоқадор болалар ўзларининг нутқ услублари ва хатти-ҳаракатларини мактабда ўқитилганига зид тарзда ривожлантиради. Боулз ва Гинтис такрорлаганларидек, мактаб болаларга тартиб-интизом меъёрларини сингдиришга, ўқитувчилар эса билим беришга ҳаракат қилади. Қуйи табақа болалари мактабга биринчи бор борганларида, ўзига тўқ оила болаларига нисбатан қаттиқ ҳаяжонда бўладилар. Улар ўзларини гўё хорижийликлар орасига тушиб қолгандек ҳис этадилар. Уларда яхши ўқишга ҳавас уйғонмайди, қанчалик тиришсалар ҳам улар учун табиий бўлиб қолган нутқ ва хатти-ҳаракат услублари ўқитувчиларникидан мутлақо фарқ қилиб туради.

Болалар ўзларининг кўп вақтларини мактабда ўтказадилар. Илличнинг таъкидлашича, улар дарсда ўргатилгандан кўпроқ нарсани мактабдаги муҳитдан ўрганадилар. Болалар биринчи марта меҳнат дунёси нима эканлигини билиб оладилар. Улар катталар қўйган вазифаларни бажаришга киришиб ўта интизомлилик, тиришқоқликни ўзлаштирадилар.

Уиллис: маданий такрор ишлаб чиқариш таҳлили

Пол Уиллисининг Бирмингем мактабларининг биридан фактлар асосида тайёрлаган ҳисоботида маданий қайта ишлаб чиқариш муаммоси бениҳоя юқори савияда муҳокама қилинган.¹³ Уиллисининг тадқиқоти “Маданий такрор ишлаб чиқариш қандай содир бўлади?” “Ишчи синфининг боласи қандай қилиб ишчи бўлади?” каби саволларга жавоб беради. Қуйи табақа болалари ёки майда миллат вакиллари қуйи табақасининг болалари ўзларининг келажакда юқори мартабаларга эришишларига, юқори ҳақ тўланадиган ишларда ишлашларига ақллари етмаслигига мактабда ўқиш жараёнидаёқ ишонч ҳосил қилади деб кўп ўйлайдилар. Бошқача айтганда, мактаб ҳаётидаги омадсизлик тажрибаси уларни интеллектуал чекланган эканликларини тан олишга ўргатади. Ўзларининг уddaбурон эмасликларини биллиб, келажаги йўқ ишга кирадилар.

Уиллис алоҳида кўрсатганидек, масалани бундай тушунтириш реал ҳаёт ва тажрибага ҳеч мос келмайди. Қашшоқлар маҳаллаларидагиларнинг «табиий донолиги», мактаб давомати билан узоқдан узоқ муносабатда бўлиши эҳтимолига қарамасдан, у мактабда ўргатиладиган интеллектуал маҳоратга ўхшаш нафис, чаққон ва мураккаб қобилиятлар йиғиндисини билдиради. «Мен жуда чарчаганман. Агар куни бўйи фабрикада юк кўтарсам жуда тўғри иш қилган бўламан» деб, мактабни ташлаб кетган болани топишнинг иложи бўлмаса керак. Агар унчалик юқори бўлмаган қатламдан чиққан болалар келажаги бу билан издан чиқиб кетмаганлигини била туриб хизматкор бўлиб ишга ёллансалар, демак, орага бошқа яна қандайдир омиллар ҳам “тушган” бўлмоғи керак.

Уиллис ўзининг диққатини ўғил болалар гуруҳига — бир мактаб ўқувчиларига қаратди ва улар билан кўп вақтини ўтказди. Мазкур гуруҳ болалари оқтанлилар бўлиб, ўзларини ўзаро «йигитлар» деб аташар эди. Мактабда кўплаб Осиёлик қора танли болалар ҳам ўқишар эди. Уиллис шуни аниқ билдики, «йигитлар» мактабни бошқариш тизими ҳақида аниқ ва равшан тушунчага эга эдилар. Аммо улар ўзларининг мазкур билимлари ёрдамида мактаб тизими билан ҳамкорлик қилиш ўрнига, у билан курашдилар. Улар мактабни ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш мумкин бўлган душман сифатида танидилар. Улар муаллимлар ўртасидаги доимий келишмовчиликлардан завқланишар эдилар, «йигитлар» амалга интилган ўқитувчиларнинг но-чорлигини кузатиш, тез-тез инсон сифатида камситилишини кўришдан завқланар эдилар.

Одатда дарсда болалар одобли бўлиб жим ўтиришлари ва берилган топшириқни бажаришлари лозим. «Йигитлар» эса бир жойда ўтира олмас, ўқитувчининг жиддий назаридан ҳайиқ-

¹³ Willis P. Leaning to Labour: How Working Class Kids Get Working Class Jobs. London, 1977.

қанлари учунгина дарсда «одоб сақлаб» ўтиришга мажбур эдилар. Улар бир-бирлари билан пичирлашиб гаплашар, ўз фикрларини эркин айтишар, зарур бўлганда тушунтириш мумкин бўлган одоббузарликка яқин ишларни ҳам қилишар, бошланган жанжални усталлик билан босди-босди қилишар эди.

Буларнинг барини Уиллис жуда чиройли тасвирлаб берган:

Жанжал бошлангудай бўлса, «йигитлар» уни дарҳол тўхтата олишар, ундан кейин бир-бирларига фақат хўмрайиб қўйишарди. Синфда улар бир-бирларига яқинроқ ўтиришга ҳаракат қилишарди: стулларни тўхтамай ёғирлатишарди; улардан бирор нарса илтимос қилишса, бор овоз билан норозиликларини ифодалашар, талмовсираб ўзларини ҳар хил қўйга солишарди. Мустақил тайёргарлик пайтида улардан бўзилари машғулотларни менсимасликларини очик ошкора қилишди ва бошларини столга қўйиб пинакка кетишди. Бошқалари столга ўтириб олиб деразага ёки деворга бефарқ тикилиб олишди. Барча таъқиқ ва ман этишларга қарамай, сафсата сотиш тинимсиз давом этарди. Уни тўхтатишнинг ҳеч имкони йўқ эди, чунки у, денгиздаги сув қўтарилишидай, ҳали куриб улгурмаган қумлоқ оролчани яна намга ботирарди. Ўқувчиларнинг кўзлари ҳамма томонга боқар, фақат доскага қарамасди; бутун диққат-эътибор мутлақо махфий ахборотни узатишга қаратилган эди. Мактаб коридоридан уларни «устаси фаранглар»никига ўхшаб юришидан, дўстлар билан ўзаро «саломлашиш»дан, илмий мудир кўриниб қолса бирдан тинчиб қолишларидан таниб олиш мумкин. Баъзан «хихи»лаб илжайиш ёки «хохо»лаб қилиш кулоққа чалинади, улар шу атрофдан ўтиб кетаётган бирор кишига қаратилган бўлиши ёки унга мутлақо алоқасиз бўлиши мумкин. Бундай мазах қилишни тўхтатиш ҳам, уларга нишон бўлиш ҳам ноқулай. Мактабга қарама-қаршилик унга тааллуқли бўлган маконнинг бир қисмини эгаллашга уринишда, ундаги тартиб-қоидаларни ҳам очик, ҳам яширин, ҳам фикран, ҳам жисман бузишда ва энг муҳими — инсонни ишлашга мажбур қилиш учун интилишини чипакка чиқаришда намоён бўлади.

Ўқитувчилар ҳукмронлигини тан оладиган, ўзлаштириш тўғрисида бош қотирадиган конформист-болаларни «йигитлар» «пай-болача» деб аташади. «Пай-болалар» ҳақиқатан ҳам ўқитувчиларни *диққат билан тинглашади* ва улар айтган ҳамма ишни бажаришади. Бундай «пай-болалар» мактабни тутатгандан кейин яхшироқ ҳақ тўланадиган, ёғлироқ ишга жойлашишда «йигитлар»га қараганда кўпроқ имкониятга эга бўладилар. Бироқ, Уиллис фикрича, уларнинг мактаб атрофидаги мураккабликлар тўғрисидаги тасаввурлари «йигитлар»никига қараганда саёзроқ. «Пай-болалар» бу мураккабликларни миқ этмай қабул қилишади.

Ўрганиб чиқилган ўқувчиларнинг кўпчилиги «йигитлар» ва «пай-болалар» оралиғида бўлиб, улар унчалик конфронтация ҳам, унчалик конформистик ҳам кайфиятда эмас эдилар. Аммо қаршилик кўрсатиш усуллари кўп жиҳатдан уларнинг этник келиб чиқишларига боғлиқ эди. Ўқитувчиларнинг кўпчилиги оқ танли эдилар, мактабга нафрат билан қарасалар-да, «йигитлар» қора танлиларга қараганда улар билан кўпроқ умумийликка эга эдилар. Келиб чиқиши Вест-Индиядан бўлган болалардан иборат гуруҳлар орасида «йигитлар»га нисбатан ҳам кучлироқ душманлик мавжуд эди. «Йигитлар» очик ирқчилар бў-

либ, ўзларини қоратанлилар гуруҳларидан аниқ ажратиб туришарди.

“Йигитлар” иш ҳам кўп жиҳатдан мактабдаги ўқишга ўхшайди, деб ўйлардилар, шунга қарамай унга тезроқ етишишни истардилар. Аини пайтда, улар бевосита ишдан қониқиш ҳосил қилишга умид қилмасдилар, аммо тезроқ маош олишни истардилар. Бажариладиган иш қандай бўлишидан қатъий назар — шиналарни монтаж қилишми, пол қоқишми, водопровод таъмирлашми, бўёқчиликми, барибир уларда мактабга бўлган муносабатдаги каби ўзларини ишга нисбатан ҳам баланд тутишарди. Уларни иш туфайли вужудга келадиган катталарнинг мавқеи қизиқтирар, лекин ўзларининг карьералари уларни қизиқтирмасди. Уиллис таъкидлашича, ишчи меҳнати “йигитлар” томонидан яратилган “мактабга қарши” маданиятга ўхшаш маданият, яъни истеҳзо, топқирлик ва имкон бўлди дегунча, бошлиқларнинг талабларини бузиш каби хусусиятларни тақозо қилади. Фақат анча улғайганларидан кейингина улар ўзларининг оғир ва ношуқур ишга жалб қилганликларини пайқаб қолишлари мумкин. Улар бола-чақали бўлишганидан кейин эҳтимол, орқага қарашади ва энди маълумот ягона ёруғ йўл эканини англашади, лекин энди кеч бўлган бўлади. Энди улар буни болаларга тушунтирмоқчи бўлишади, лекин бунда ўзларининг ота-оналари сингари катта ютуққа эриша олмайдилар.

Интеллект ва тенгсизлик

Биз ирсиятнинг қобилиятга таъсирини муҳокама қилмадик. Маълумот олиш, ишга жойлашиш ва даромад топишдаги тафовутлар ақлий қобилиятларни бевосита акс эттиради, деб ўйлаш ҳам мумкин эди. Бундай ҳолда, мактаб таълимида одамларнинг туғма қобилиятларига мос келадиган баравар имкониетлар мавжуд, дейиш мумкин.

Интеллект нима?

Кўп йиллардан бери психологлар “Интеллект деб номлаш мумкин бўлган инсоннинг яхлит қобилияти ҳақиқатан ҳам мавжудми?” — деган саволга жавоб ахтаришади, агар у бор бўлса, инсоннинг туғма хусусиятларига қандай асосланади? Интеллектга таъриф беришингиз қийин, чунки, у бир-бири билан боғланмаган кўп сифатларни ҳам ўз ичига олади. Биз, «тоза» ҳолдаги интеллект бу математик масалаларни ечишга кўра қобилиятдир деб ҳам тахмин қилишимиз мумкин. Аммо математик масалаларни ёнғоқнинг пўчоғидай қарсиллатиб ечаётганлар тарих, санъат бобида жуда чекланган тушунчаларга эга бўлишлари мумкин. Тавсифлаш қийин бўлганлиги учун, айрим психологлар интеллект деб «IQ тест ўтказилаётганда ўрганадиган ақлий тараққиёт коэффицентини олиш керак», дейдилар (бошқа таъриф бўлмагани учун кўпчилик маориф ходимлари мазкур таърифни қабул қилдилар). Бунинг қийинчилиги ўз-ўзидан кўри-

ниб турибди, чунки бундай ҳолда таъриф ўз қобилининг ичида ўзи қолиб кетади.

IQ ва генетик омиллар: Йенсен тадқиқотлари хусусидаги баҳс-мунозаралар

Бундай тестларнинг натижалари аслини олганда ўзлаштиришга нисбатан амалда тўғри пропорционал бўлади. Шунинг учун улар ижтимоий, иқтисодий ва этник фарқлар билан ҳам ўзаро маҳкам боғлиқ ҳолда келади. Чунки ушбу санаб ўтилган фарқлар ўқишда эришилган ютуқлар билан боғлиқ. Оқ танли талабалар билан ўтказилган тест сўровларининг натижалари уларнинг қора танли тенгдошлари билан улардан кўра камроқ мавақедаги бошқа кам сонли миллатлар вакиллари билан ўтказилган тест натижаларига қиёс қилинганида, ўрта ҳисобда улардан кўра, оқ танли талабалар натижаси юқорироқ бўлиб чиққан. Мана шундан келиб чиққан ҳолда, баъзи бир тадқиқотчилар қора танлилар билан оқ танлилар ўртасидаги IQ — яъни ақлий ривожланиш коэффициенти бўйича фарқлар қисман ирсий омиллар таъсирининг натижаси бўлса керак, деб ҳисоблайдилар. Артур Йенсеннинг 1977 йилда босилиб чиққан шу ҳақдаги мақоласи кўп шов-шувга сабаб бўлди. Чунки унда оқ танлилар билан қора танлилар IQ идаги фарқлар қисман генетик фарқларга боғлиқ бўлади, деб изоҳлаб ўтилган эди¹⁴.

Йенсеннинг қарашлари кенг миқёсда танқид қилинди ва руҳшунос олимлар-психологларнинг кўпчилиги томонидан бундай қарашлар рад этилди. Йенсен ўз қарашларида инглиз психологи Сирил Бартнинг шу мавзудаги асарларига асосланган. Ҳолбуки, кейинчалик Сирил Барт қаттиқ танқид қилиниб, уни IQ билан ирсийлик бир-бирига боғлиқлиги тўғрисидаги исбот-далилларни ўзи ўйлаб чиқарган далиллар эканлигида айблаб чиққан эдилар¹⁵. Ҳақиқатда эса, инсоннинг ақл-заковати тест ўтказиш йўли билан аниқланаётган вақтда одам қобилиятининг заифлиги наслдан-наслга ўтиши тўғрисида гапирмаган тақдирда ҳам, чиндан ҳам тест натижаларига таъсир кўрсатиш ё таъсир кўрсатмаслигини биз билмаймиз-ку! Йенсеннинг танқидчилари IQ даги оқ танлилар ва қора танлилар фарқи кўпинча IQ шкаласи бўйича тахминан ўн беш баллни ташкил этишини кўриб, бунинг сабаби улар ўртасидаги генетик фарқлардан келиб чиқади, деган фикрга қўшилмайдилар. IQ ни аниқлаш вақтида кишининг баъзи бир лингвистик, имо-ишоралар билан кўрсата олиш ва математик қобилиятларига ҳам баҳо берилади. Бернстайн ва бошқа тадқиқотчиларнинг фикрларига ўхшаган далиллар асосида исбот қилинишига қараганда бундай кўникмалар ва малакалар, асосан, таълим-тарбиянинг илк бос-

¹⁴ *Iensen A.* How much can we boost IQ and scholastic achievement? // *Harward Educational Review*, 29. 1967; *Iensen A.* Bias in Mental Testing. New York, 1979.

¹⁵ *Burt C.* The Subnormal Minol. Oxford, 1977.

қичларида шаклланади. Одатда, мактаб ўқув курсларида унчалик муҳим деб ҳисобланмайдиган бошқа интеллектуал қобилиятлар тест ўтказиш вақтида ҳисобга олинмай, шунчаки тушириб қолдирилаверади. Ваҳоланки, одамда “қундалик турмушда жуда зарур бўладиган” ақл-фаросат билан боғлиқ бўлган бундай қобилиятлар сероб бўлиши мумкин.

Одамнинг ақл-заковатини, яъни унинг интеллект коэффициентини текшириш учун ўтказиладиган тестлар, ҳойнаҳой, ҳар доим қайси бир даражада бўлса ҳам *маданият орқали белгиланса керак*. Улар кўп масалаларни (масалан, абстракт тафаккурга алоқадор масалаларни) ўз ичига олади. Бу масалалар қора танлилар ёки бошқа кам сонли этник гуруҳ вакилларига қараганда ўртача даражадаги синфлардан чиққанлар — оқ танли талабалар маданияти учун кўпроқ хос бўлган хусусиятлардан иборат бўлади. Шунингдек, кишининг ақлий ривожланишини тест ўтказиш орқали аниқлаш натижаларига ўлчаб кўриш мўлжалланаётган қобилиятлар билан умуман алоқаси бўлмаган омиллар ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, бу ўша синалаётган кишининг стресс — яъни ўта ҳаяжонли воқеаларга нисбатан вазминлик даражасига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Илмий текшириш маълумотларига қараганда, қора танлилар IQ тест орқали ўрганилаётган вақтда тестни қора танли эмас, балки оқ танли ўтказадиган бўлса, натижа олти балл камроқ чиққан.

Оқ танлилар билан қора танлилар ақлий ривожланиш даражасини тест орқали аниқлашнинг ўртача фарқлари туғма фарқлардан иборат бўлмай, балки бу деярли ҳар доим ижтимоий ва маданий соҳадаги фарқларнинг оқибати ҳисобланади. Мана шу санаб ўтилган соҳалар тест вақтида бир шахснинг иккинчи шахсдан фарқини кўрсатувчи натижаларга таъсир этиши мумкину, лекин бу уларнинг қайси ирққа мансублигига мутлақо дахлдор эмас. Ўрта ҳисобда олганда, оқ танлилар билан қора танлилар ўртасидаги IQ фарқи ушбу гуруҳларнинг ҳар бирининг ўз ичидаги турли вариацияларига қараганда анча камроқдир.

Генетика билан IQ ўртасидаги алоқа тўғрисида: ўхшаш эгизаклар

Интеллектуал қобилиятни аниқлаш тестининг натижаларига генетик омиллар қай даражада кучли таъсир этишини биз ҳақиқатан ҳам яхши билмаймиз. Муайян бир инсоннинг ривожланишини оладиган бўлсак, унга ирсият билан атрофдаги вазият унинг ривожланишига қай даражада нисбий таъсир қилганлигини ажратиб кўрсатишнинг иложи йўқ. Бунинг ягона бир усули — генетик хусусиятларнинг йиғиндиси бир-бирига тўла ўхшаш бўлган эгизакларни текшириб кўриш, уларни бир-бирига солиштириш бўлиб, ўшанда ҳам бундай таъсирга таҳминан баҳо бериш мумкин. Шу мақсадда, туғилган заҳоти бир-

биридан ажратилган ва турли шароитларда улгайган эгизаклардан бир қанчаси назоратдан ўтказилиб, илмий асосда текшириб кўрилган (шу жумладан, Сирил Бартнинг қисман танқидга учраган тадқиқоти ҳам текширилган). Бироқ, олимлар назорати остида катта бўлган ва бир-биридан ажратиб ўстирилган эгизакларнинг бир-бирига ўхшаш жиҳатлари оз қолган, ҳатто баъзан улар эгизак эканликларига ишонмай ҳам қоласан, киши. (Икки тухумли эгизаклар — булар иккита алоҳида-алоҳида тухум ҳужайраларидан ўсиб чиқиб ривожланади ва шунинг учун уларнинг туғма сифатларида фарқлар мавжуд бўлади; ҳатто шундай ҳолларда ҳам эгизаклар жисмоний жиҳатдан бир-бирларига ўхшаш бўладилар.)

Л.Ж.Кэмин бир-бирига ўхшаш бўлган эгизаклар бир неча жуфтини тадқиқ этганидан кейин тўпланган илмий текшириш материалларини ўрганиб чиққач, шундай хулосага келдики, бундай текширишлар натижасига қараб ҳақиқатда ҳеч нарсани аниқлаб бўлмас экан. Олинган маълумотлар ҳаддан ташқари заиф бўлиб, бундай танлов усули эса ирсиятнинг IQ даражасига қандай таъсир этиши тўғрисида ишонарли хулосалар чиқариш учун асос бўла олмайди. Кэминнинг ёзишича, “турли ҳаётий тажрибалар орқали аниқлангани шубҳасиз бўлган гипотезани фақат тест ўтказётган кишилар берган саволларга одамларнинг берган жавобларидагина фарқ бўлган гипотезани рад этиш учун етарли маълумотлар йўқ.”¹⁶

Гендер ва мактаб таълими

Модомики, турли ирқдаги гуруҳларга мансуб бўлган кишиларнинг ўртача интеллектуал даражасида ҳақиқатан ҳам фарқлар мавжуд бўлади, деб ҳисоблайдиган бўлсак, унда энди эҳтимол, улар учун таълимнинг ҳам ҳар хил дастурларини ишлаб чиқишимиз лозим бўлармикан? Худди шундай тажриба 60-йилларда Калифорниянинг жанубидаги Фаррингтон бошланғич мактабида ўтказиб кўрилган. Мактабда таълим эҳтиёжи учун ҳамда ўқишдан кейин ишга жойлашиш учун мўлжалланган программа — дастур ишлаб чиқилган бўлиб (PEOW — Programme for Educational and Occupational Needs), у Фаррингтон мактабини битириб кетган ўқувчиларнинг аввалги бир неча авлодининг қобилиятлари ва қизиқишларини тадқиқ этиш орқали олинган материалларга асосланган. Дастурда икки этник гуруҳ — оқ танли америкаликлар билан келиб чиқиши мексикалик бўлган америкаликлар иштирок этишган. Тажриба натижалари кўрсатишича, оқ танли ўқувчиларнинг қобилияти ва қизиқишлари кўпроқ профессионал ва маъмурий-бошқарув фаолиятига қаратилган бўлса, келиб чиқиши мексикалик бўлган америкаликлар қишлоқ хўжалик меҳнатига — деҳқончиликка кўпроқ мо-

¹⁶ *Kamin L. J. The Science and Politics of IQ. Harmondsworth, 1977.*

йил бўлганлар. Шунинг учун оқ танли ўқувчиларга кўпроқ илмий фанлардан билим берилган, Мексикадан келганлар учун эса уларга дала ишларида зарур бўлган куч-қувватни ва чақ-қонликни оширадиган жисмоний тайёргарлик дарсларига катта эътибор берилган. “Мексикаликлар” кўпинча уларга ўргатилган ўйинлар вақтида лидерлик позициясига интилишмас, улардан энг аввало бўйсунуш, тобе бўлиш маҳорати талаб қилинар эди. Педагогик коллектив ҳар иккала этник гуруҳнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб, идеал тарзда лойиҳалаштирилган дастур, деб ўйлаган ушбу дастурни бажаришга зўр ғайрат билан киришиб кетишган.

Бу гапни эшитган киши ҳайратга тушмайдими? Ҳа, бу кишини шубҳасиз ҳайратда қолдиради. Ёки бир беъмани ишга ўхшаб туюладими? Эҳтимол шундай туюлар. Балки сиз, бу албатта кимдир ўйлаб топган бир эртақ бўлса керак деб ўйларсиз. Сиз ҳақсиз. Бундай ўқув тизимини ҳатто одамлар ўзларидан ақлий қобилиятни ота-оналаридан ўзларига ўтказдилар, бундай қобилиятлар ўртасидаги ақлий фарқлар ҳам келиб чиқиши жиҳатидан ирсий бўлади, деб ўйлайдиган кишилар ҳам таклиф қилмаган бўлур эдилар. Лекин шунга ўхшаш дастур ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлган. Унинг фарқи фақат шунда бўлганки, дастур этник гуруҳлар учун эмас, балки турли жинсдаги ўқувчилар учун мўлжалланган дастур бўлган.


Кўп нусхада чоп этилиб тарқатиладиган “*Нэшнл элементари принцип*” журналида 1966 йилда пайдо бўлган мақолада болаларнинг жинси бўйича гуруҳлаштирилган мактаб учун янги ўқув дастурининг обзори берилган. Тажриба учун Виржиниянинг Фейрфакс графлигидаги Уэйкфилд бошланғич мактаби танланган. Ушбу мақола ёзилган вақтда ўғил ва қиз болалар амалда алоҳида-алоҳида ўқитилаётган бўлган. Ўғил болалар учун кўпроқ фанларни ўқитишга, қурилиш-бинокорлик ишларига ва амалий фаолиятга катта эътибор берилган; қизлар учун мўлжалланган синфларда бичиш-тикиш ва уй-рўзгор ишларини юргизишга катта эътибор берилган. Ўқиб чиқиш учун ўғил бола ва қиз болаларга бошқа-бошқа матнлар таклиф этилган. Уэйкфилд дастури фақат шакллантирилди, холос. Чунки бундай ўқитиш тизими бошқа жойларда аллақачон жорий этилган бўлиб, ҳатто бутунги кунларгача мактаб таълимининг асосларидан бири сифатида кўп жойларда сақланиб қолмоқда. Мактаб таълимига жинсий фарқлар қандай таъсир кўрсатиши кам ўрганилган соҳа, лекин унинг оқибатлари болаларни этник белгиларидаги фарқларга қараб ўқитиш оқибатларидан кам бўлмайдди.

Мактаб таълимида жинсларнинг нотенглигини кўрсатувчи мисоллар синфий ёки этник характердаги нотенглик намуналаридан фарқ қилади. Масалан, фанларни ўзлаштириш бўйича бошланғич мактабда ва ўрта таълимнинг илк босқичларида қиз болалар ўғил болалардан анча ўзиб кетадилар. Сўнгра қизлар

аста-секин орқада қола бошлайдилар ва баъзи бир фанлар соҳасида улар пропорционал тарзда ўғил болалар билан тенг ўқитилмайди. Табиий фанларда, техника соҳасида, тиббиёт соҳасидаги коллеж ва университетларда ҳозирга қадар ҳам қизларга қараганда йигитлар кўпчиликини ташкил этади.

Гендер ва таълим дастурлари

Уэйкфилд бошланғич мактабининг дастурида шундай фикрлар пайдо бўлдики, бугунги кунда улар амалда ҳамма жойда мактаб махфий дастурининг бир қисмига айланиб қолди, яъни ўқувчиларнинг дунёқараши ва хулқ-атворида жинсий фарқларнинг кучайиб бориши акс эттирилди. Қизлардан қўйлақ ёки юбка кийиб юришни мактаб кийимининг бир элементи сифатида ёзиб қўйилган қоидалар — бу жинслар тафовути намён этилишини ҳаммадан кўра аниқроқ ифодалаб кўрсатадиган усуллардан биридир. Лекин бунинг оқибатлари унинг ташқи кўри-



11-расм. Коллежларнинг асосий курсларида эркаklar ва аёллар номутаносиб иштирок этишади. Англия ва Уэльс, 1984.

Манба: New Society, 26 September. 1986. P. 44.




12-расм. Британия Университетида аёллар нималарни ўрганишади. Университетларда аёллар улуши, 1984.

Манба: New Society, 26 September. 1986. P. 44.

нишидан кўра анча чуқурроқ маъно касб этади. Қизларнинг кийими уларнинг эркин ўтириб-туриши, ҳаракатли ўйинларда иштирок этиш ёки зарур бўлганда бор кучи билан югуриш имкониятларидан маҳрум қилади. Шунингдек, ўқув тестлари ўқувчи жинсини алоҳида ажратиб кўрсатиш зарурлигини таъкидлайди. Гарчи бундай ҳол аста-секин ўзгариб бораётган бўлса-да, лекин кўпинча бошланғич синфлар учун мўлжалланган хрестоматияда ўғил болалар ташаббускор ва мустақил қилиб кўрсатилади, қизлар эса, башарти уларнинг умуман бирга ўқишларига йўл қўйилса-да, ўз ака-укаларига қараб, уларни кузатиб юривчилар сифатида кўрсатилади. Қизлар учун атайлаб ёзилган махсус ҳикояларда кўпинча саргузашт лавҳалари мавжуд бўлади, лекин бу саргузаштлар одатда кичик бир келишмовчилик, жанжал-тўполон маъносида бўлиб, унда мактабдаги сирли воқеалар ёхуд уй шароитидаги ғалати ҳодисалар тасвирланади. Болалар учун ёзилган саргузашт ҳикояларда сюжет анча кенг, ҳикоя қаҳрамонлари олис ўлкаларга саёҳат қиладилар, ҳар хил ғаройиб воқеаларда мустақил ҳаракат қиладилар.

Ўқитувчиларнинг синфдаги болалар жинсий фарқига нисбатан реакцияси нисбатан камроқ ўрганилган. Мавжуд тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ўқитувчилар қизларни уларнинг камгаплиги учун, сўзга кириши учун, гоҳида эса бижилдоқлиги учун ҳам мақтаб қўйишар экан, айни пайтда, ўғил болаларнинг ўзига хос бўлган анча жиддий хулқ-атворини кузатиб уларга лом-мим демас эканлар¹⁷.



13-расм. Буюк Британия университетларида эркаклар ва аёллар сони.

Манба: New Society, 26 September. 1986. P. 44.

¹⁷ Frazier N. and Sadker M. Sexes in School and Society. New York, 1973; Delamont S. Interaction in the Classroom. London, 1976; Walker S. and Barton L. Gender, Class and Education. London, 1983.

Этник озчиликни ташкил этган миллатларнинг қизлари баъзи бир жиҳатдан икки баробар бахтсиз бўладилар. Беверли Брайан ва унинг ҳамкасби Уиллис бир гуруҳ оқ танли ўғил болалар ҳаётини ўрганиб чиққан Британия мактабида қора танли ўқувчига нақадар оғир эканлигини баён этганлар. Йигитлардан фарқли ўлароқ, негр қизлар мактабга борганларида аввалига жуда севиниб зўр ғайрат билан ўқий бошлашган. Кейин эса, бу ерда ўзлари дуч келган қийинчиликлар туфайли ўз муносабатларини ўзгартирганлар. Улар ҳатто жуда кичик бўлган вақтларидаёқ (эндигина 7—8 ёшга кирган кезларида) ўқитувчилар уларни ўйин майдончасида кўрган заҳоти кичиклигини ҳам ҳисобга олмай майдончадан ҳайдаб юборишар экан. “Тартиб бузувчи” деган ном олган бу ўқувчилар орадан сал вақт ўтмай, чиндан ҳам тартибсиз ўқувчиларга айланиб кетишар эди.

Аёллар ва олий таълим

Британиядаги ва бошқа мамлакатлардаги хотин-қизлар ташкилотлари олий ва ўрта таълим тизимида аёлларнинг камситилишини тез-тез танқид қилиб чиқмоқдалар. Университет ва коллеж профессор-ўқитувчилари орасида хотин-қизлар ҳанузгача озчиликни ташкил қилади. 1970 йили эълон қилинган АҚШнинг 454 коллеж ва университетлари маълумотномаси шуни кўрсатдики, мазкур ўқув юртлари раҳбарлари орасида аёллар қарийб 8%ни, профессорлар орасида 10%ни, ўқитувчилар орасида 25%ни ташкил этган. 1981 йили Буюк Британияда 2% аёл профессор, 6% катта ўқитувчи, 14% ўқитувчи коллеж ва университетларда дарс берганлар¹⁸.

Буюк Британия ва АҚШда олима аёлларни қиёсий ўрганиш шуни кўрсатадики, ҳар иккала мамлакатда ҳам аёллар эркакларга нисбатан кўп ишларни бажарадилар ва уларга нисбатан аспирантурада кам дарс берадилар. Юкланган ишнинг кўплиги илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, илмий ишларни чоп этишга халақит беради, ваҳоланки чоп этилган илмий ишлар сони, аспирантларни ўқитиш хизмат пиллапояларидан кўтарилишнинг муҳим жиҳатлари ҳисобланади.

“Учинчи дунё” мамлакатларида таълим ва саводхонлик

Энди ривожланаётган мамлакатлардаги таълим муаммоларини кўриб чиқайлик. Фарбда яшаб, аҳолининг кўпчилилик қисмининг ўқиши, ёзишига ва мактабда бир неча йил ўқишига кўникиб қолганмиз. Асримизнинг кейинги чорак қисмида кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда таълим тизими тез кенгайди, шундай бўлишига қарамасдан, баъзи мамлакатлар борки

¹⁸ Szreter R. Opportunities for women as university teachers in England since Robbins Report of 1963 // Studies of Higher Education, 8. 1983.

(масалан, Африкадаги Сенегал), болаларнинг қарийб ярми ҳеч қандай таълим олмайдилар. Маълум даражада тил асослари илмини ўқишни, ёзишни билиш — саводхонлик — таълимнинг заминидир. Бусиз мактаб таълимини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Биз шунга тан оламизки, ғарбда ҳамма қарийб саводхондир, олдинги қисмларда айтилганидек, бу ерда бир неча асрлар олдин бунинг аксини кўриш мумкин эди.

1986 йили ривожланган мамлакатлар аҳолисининг 30%и саводсиз эканлиги аниқланган эди. Ҳиндистон ҳукумати берган маълумотга кўра, бу ерда 250 млн.дан ортиқ киши ўқиш-ёзишни билмайди. Агар бошланғич таълимнинг кенгайиши аҳоли сонининг ўсишига мос келганда ҳам, саводсизлик яна узоқ йиллар сақланиб қолади. Яъни саводсизларнинг кўпчилик қисми катта ёшдагилар ҳиссасига тўғри келади. Ёзишни ва ўқишни билмайдиганларнинг умумий сони ҳақиқатан ҳам ўсиб бормоқда.

Кўпчилик мамлакатларда саводсизликка қарши кураш дастури ишлаб чиқилган, аммо бу катта муаммони ҳал қилиш бобидаги жуда кичик ишдир. Мумкин бўлган жойларда саводсиз одамларга таълимни тўғридан-тўғри етказиш учун оммавий ахборотнинг телевидение, радио ва бошқа электрон воситаларидан кенг фойдаланиш мумкин. Буларсиз улар кўп меҳнат сарф қилинадиган ўқиш малакасига қийналиб эришадилар. Шундай бўлишига қарамасдан, ҳордиқ чиқаришга йўналтирилган кўрсатувлар таълим дастурларига қараганда кўпроқ оммавийдир.


Колониал бошқарув даврида ҳокимият таълимга ҳадиксираш билан қараган. 20-асрга қадар маҳаллий аҳолини маориф меваларидан фойдаланишда бениҳоя содда ҳисоблашган, ваҳоланки, европаликлар манфаатлари ва турмуш тарзини сезгирлик билан қабул қилган маҳаллий элитани шакллантиришнинг бирдан бир воситаси — таълим деб қараётган бўлсалар ҳам, айна вақтда колониал қарамликдаги халқларнинг саводлилиги тартибсизликларнинг ортиши, норозиликларнинг келиб чиқишига кўмак бериши мумкинлиги тан олинган эди. Маълум маънода шундай бўлиб ҳам чиқди, кўпчилик ҳолларда антиколониал ва миллий-озодлик ҳаракатларига ўқимишли элитадан чиққанлар раҳбарлик қилдилар. Уларнинг кўпчилиги Европа коллежлари ва мактабларида ўқидилар, улар Европа мамлакатларидаги демократик институтлар билан ўзларидаги (мустамлака мамлакатдаги) йўқ демократияни бевосита қиёслаш олардилар.

Одатга кўра, колонизаторлар томонидан киритилган таълим тизими европалашган бўлиб, колониялар ҳаётига унча мос келвермас эди. Масалан, Африкаликлар Европадаги метрополияликлар тилини, Европа тарихи ва маданиятини ўрганишга мажбур эдилар. Британия колониясидаги саводликлар Англия пэрлари ва қироличаларини билишар, Шекспирни, Мильтонни ва бошқа инглиз шоирларини ўқишар, аммо ўзларининг тарихи

ва маданияти тўғрисида ҳеч нарсани билмас эдилар. Колониал тизим барбод бўлганидан кейин олиб борилаётган таълим соҳасини ислоҳ қилиш сиёсати ҳозирга қадар эски ҳолатни батамом ўзгартира олгани йўқ.

Колониал тузумнинг таълим тизими ўзидан кейин яна бир меросни қолдирди: кўпчилик “Учинчи дунё” мамлакатларида таълим тизими олий мактаб томонига сиғижган. Олий таълим бошланғич ва ўрта мактабга нисбатан непропорционал ривожланган. Натижада маълумотли элитанинг айримлари университет ёки коллежни тугатгач, ўзларининг мутахассислиги бўйича иш топа олмайдилар. Саноат жуда паст ривожлангани учун, яхши ҳақ тўланадиган хизматлар асосан ҳукумат органлари доирасида бўлиб, у ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

“Учинчи дунё” мамлакатларининг кўпчилиги кейинги йилларда, колониал зулм асоратларини тан олиб, ўзларининг бу имкониятларини қишлоқ камбағаллари орасида таълимни ривожлантириш ишига сафарбар қилмоқдалар.



14-расм. ЮНЕСКО маълумотларига кўра дунёдаги саводсиз одамлар миқдори, 1970, 1980 ва (кутилаётган даража) 1990.

Манба: Philip H. Coombs. The World Crisis in Education: The View from the Eighties. New York, 1985

Аммо бу сиёсат чекланган муваффақиятларга эришди, чунки бу сиёсат пул маблағларининг камлиги билан чегараланган эди. Ҳиндистон сингари айрим мамлакатлар ўз-ўзини ўқитиш амалиётини тарғиб қилдилар. Бунда жамоа кўп чиқим қилмас-

дан, ўз маблағларидан фойдаланади. Ким ўқишни, ёзишни билса, устига устак, маълум бир касб маҳоратига ҳам эга бўлса, улар бўш вақтда муаллимлик, устозлик қилиш имтиёзига ҳам эга бўладилар. Бунга ўхшаш тизимлар Илличнинг изчил таълимни танқид қилиб чиққан янги ғояларига ўхшаб кетади. Чунки у ўз ғояларини “учинчи дунё” мамлакатлари мисолида ривожлан-тирган эди. Бунда, аҳолини бошланғич саводхонликка ўргатиш ҳисобга олинмаганда, мактабнинг расмий таълим тизими кўп ҳолларда аҳолининг мавжуд заруриятлари билан деярли боғ-ланмаган эди.

Коммуникация ва оммавий ахборот воситалари

Бугунги дунёни узлуксиз коммуникациясиз, ёки бир-бири-дан узоқ-узоқларда яшаётган одамларнинг ўзаро мулоқотсиз тасаввур қилиб бўлмайди. *Кенг оммавий коммуникация* бўлмаганда, унга мўлжалланган мактаб таълимини ҳам амалга оши-риб бўлмас, ҳатто ушбу таълимнинг ўзини ҳам кераксизга чи-қариш мумкин бўлур эди. Анъанавий маданиятларда — бобнинг бошида келтирилган мисоллардагидек, билим антрополог Клиф-форд Гиртц айтганидек, локал билим бўлган. Маҳаллий жамоа-лар ўз анъаналарига кўра яшар эдилар. Маданиятдаги умумий ғоялар бўлмаган ҳолда аста-секин, узоқ йиллар давомида ҳами-ша ҳам изчил кенгайиб, тобора кўпроқ территорияни забт этиб борди. Бугун биз Жан Поль Дидье ёки XIX асрда яшаган бирон бир инсон тасаввурига сифмаган “яхлит оламда” яшамоқдамиз.

Биз электрон коммуникация воситалари ёрдамида ўзимиз-дан минглаб километр узоқликда содир бўлаётган воқеа ва ҳоди-салардан хабардормиз. Информацион технология ва ахборот-ларни узатишнинг ривожланиши — ҳозирги замонда жамият тараққиётининг муҳим бир қисми бўлиб қолди. XX асрда тез юрар, тез учар транспорт воситалари ва коммуникациянинг электрон воситалари ахборотни глобал миқёсда узатиш имко-нини беради.

Оммавий ахборот воситалари

Кўпчилик кишилар газета, журнал, кино ва телевидение-га — яъни оммавий ахборот воситаларига менсимасдан қарай-дилар. Бундай қараш мутлақо нотўғри.

Оммавий коммуникация ҳаётимизнинг қарийб барча то-монлари билан узвий боғланган. Масалан, бугунги кунда пул операциялари компьютерга кўчирилган ахборотлар алмашуви орқали амалга оширилади. Банк счётлари сейфларга босиб қўйил-ган банкнотлар ғарами эмас, балки, компьютерларда сақлани-лаётган, карточкаларга босилган рақамлар кетма-кетлигидир. Кредит карточкаларидан фойдаланаётган ҳар бир киши элект-рон ҳимоя ва ахборотнинг мураккаб тизимига алоқадордир. Ҳатто

газета, телевидение каби инсонга “фаромушлик” баҳшида этувчи ахборот воситалари ҳам бизнинг дунёқарашимизга ўз таъсирини ўтказди. Булар ёрдамида жуда катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган билим олиш имконияти туғилди. Агар кундалик сиёсий аҳвол, сиёсий партиялар, номзодлар ҳақида ахборот бўлмаганида умуммиллий сайловларни ўтказишнинг ҳам иложи бўлмаган бўлар эди. Ҳатто сиёсат билан қизиқмайдиган, у ҳақида узуқ-юлуқ тасаввурга эга одамлар ҳам мамлакатда, халқаро ҳаётда содир бўлаётган воқеалардан хабардордирлар. Ҳаётимизга шиддат билан кириб келаётган ахборотлардан фақат ғирт девоналаргина ташқарида қолишлари мумкин. Аммо бизнинг фикримизча, XX аср девонасининг ҳам ҳеч бўлмаганда радиоприёмниги бўлса керак.

Газета ишининг фаоллашуви

Бугунги газеталар XVIII асрда расм бўлган памфлетлар ва ахборот varaқалардан бошланган. Фақат XIX аср охирига келиб газеталар минглаб ва миллионлаб кишилар томонидан ҳар куни ўқиладиган ахборот воситаси бўлиб қолди. Ҳозирги замон оммавий ахборот воситалари орасида газета ранг-баранг ахборотларни қулай ва арзон йўл билан етказишига кўра еттинчи ўринни эгаллаган. Газета бир блокда айни вақтда кундалик янгиликлар, кўнгилочарликлар ва рекламани сиғдиради. Янгиликлар ва рекламалар тарғиботи биргаликда ривожланди, ичимликлар, реклама ва кўнгилочар кўрсатувлар, хабарлар бир-бирлари билан шундай аралашиб кетганки, улар ўртасидаги фарқни топиш жуда қийин. Масалан, бирон бир теплоходнинг сузиб келиши тўғрисидаги ахборот кимгадир янгилик, кимгадир реклама бўлса, бадавлат кишилар учун эса у кўнгилочар хабар ролини ўйнаши мумкин.

Кундалик арзон матбуот биринчи марта АҚШда вужудга келди. Нархи бир цент бўлган кундалик газета дастлаб Нью Йоркда чиқа бошлади. Кейинчалик эса уни бошқа шаҳарларда кўпайтириб тарқата бошладилар. XX аср бошларига келиб шаҳар ва ҳудудий газеталар кўпчилик штатларда босила бошланди (Кичкинароқ бўлган мамлакатлардан фарқли ўлароқ, АҚШда умуммиллий газета чиқмаган). АҚШга оммавий иммиграциянинг бошланиши билан, унда бир қатор хорижий тилларда ҳам газеталар чиқа бошлади. Масалан, 1892 йили Шимолий-Ғарбий ва Шимолий Шарқий шаҳарларда ҳар куни тўқсон етти газета энг арзон усудда чиқа бошлади ва у энг оммавий ахборот воситасига айланиб қолди.

XX аср бошларидаги энг нуфузли ва кенг оммалашган газеталарга “Нью-Йорк Таймс” ва “Таймс” мисол бўла олади. Кўпчилик мамлакатларнинг энг обрўли газеталари улардан намуна олишарди. Мазкур газеталар бугун ҳам ўқувчилар орасида бозори чаққон сиёсий газета сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Ярим асрдан бери газета оммавий аудиторияга ахборотни

тез ва самарали етказувчи асосий восита бўлиб келмоқда. Радио, кино, хусусан телевидениенинг тезлик билан ривожланиши газета мавқеига жиддий салбий таъсир кўрсатди. Агар 1960 йили Буюк Британияда бир оилага бир кунда бир газета, ўртача 100 оилага 122 газета сотилган бўлса, шундан буён бу нисбат тобора пасайиб бормоқда. Бугунги кунда ҳар 100 оилага 90та газета тўғри келади. Хусусан 20дан 30 ёшгача бўлганлар орасида сотиладиган газета сони анча қисқариб кетди.

Газеталар наشري

Газета азалдан мутлақ қудратга эга деб тасаввур қилиб келинган. Бу тасаввур ҳақиқатан жуда ҳам йироқ эмас. Кўпчилик мамлакатларда газета бир киши ёки бир оилага қарашли оз сонли корпорациялар мулки ҳисобланади. Мазкур фирмаларнинг кўпчилиги ўз маблағларининг кўп қисмини телевидение ва кўнгилочар ўйинларга ҳам сарф қилмоқдалар. Буюк Британиядаги газета баронлари, Нортклиф, Бивербрук, ва Кимсли каби лордлар бошқараётган салтанатли компаниялар улар ихтиёридаги оммавий нашриётлар қўлга киритган муваффақиятлар ҳисобига 20-30-йилларда вужудга келди. Франция Эрзан ахборот империясининг туғилишини кузатиб турди. Германияда Шпрингер ва Грюнерларнинг баҳайбат корхоналари пайдо бўлди, Америка Кўшма Штатларида рақобатдаги газета фирмаларига эга бўлган шаҳарлар сони муттасил пасаймоқда. Аср бошида уларнинг сони 500дан ортиқ бўлган бўлса, 1984 йилга келиб уларнинг сони бор-йўғи 30дан ортиқроқни ташкил қилди холос. Америка шаҳарларининг фақат 3%ида рақобатли газеталар чиқарилади. Маҳаллий газеталар наشري монополияга айланиб қолди.

АҚШдан ташқари, барча ғарб мамлакатлари бир неча умуммиллий газеталарига эга эканлиги билан ғурурланиши мумкин. Мазкур газеталар ўз саҳифаларида турли сиёсий қарашларни акс эттириш мумкинлиги ўқувчиларга ўзлари учун мавжуд бўлган ахборотларни танлаш имконини беради. Америка Кўшма Штатларида фақат маҳаллий газеталар нашр этилади, лекин уларга маҳаллий аҳоли ҳўжайинлик қилмайди. Уларнинг 70%и ноширлар уюшмаси томонидан назорат қилинади, Европадаги оммавий нашриётлардаги сингари, бу ерда ҳам айрим нашриёт эгалари ноширлик сиёсатини белгилайди, муҳаррирлар, журналистлар эса улар измидан чиқаолмайдилар. Херстнинг йирик газета концернининг саккиз муҳарририга ҳар куни бир неча бош мақола юборилади. Булардан айримлари албатта босилиши шарт, қолганлари эса босишга тавсия этилади холос. Муҳаррирларнинг ўзлари мақола ёзмайдилар.

Оммавий газета нашриётлари ва ташкилотлари бениҳоя қиммат туради. Кейинги пайтларда жиддий ўпирилишлар бўлганига қарамай, қоидага кўра “тор пешонали истеъмолчиларга мўлжалланган кўпчилик омма томонидан севиб ўқиладиган газеталар

(масалан, австралиялик тadbиркор Руперт Мэрдокка қарашли “Сан” газетаси) Британияда нашр қилина бошланди.

Газеталарнинг саноқли одамлар қўлида эканлиги кўпчилик фарб ҳукуматларини ташвишга солади.¹⁹ Кўпчилик мамлакатларда давлат йирик уюшмаларнинг газетага эгалик қилишларига тўсқинлик қилишга ҳаракат қилмоқдалар. Лекин бу харажатларнинг кўпчилиги ҳам бирор фойда келтирган эмас. Айрим ҳолларда давлат оммавий ахборотда сиёсий мувозанатни қарор топтиришга уринади. Масалан, Норвегияда 70-йилларда турли сиёсий қарашлар инвестицияларини газетада тенглаштириш мақсадида қонун лойиҳаси қабул қилинди. Натижада бугун мамлакатдаги йирик, нисбатан мустақил жамоалар ўзларининг миллий ва халқаро ҳаётга нисбатан ўз қарашларига эга бўлган, ахборотларга бой бир неча газеталарига эга.

Балки, компьютер технологияси тараққиёти газеталар сонининг ортиб кетишига олиб келгандир? Чунки бугун газетани чиқариш кечагига нисбатан жуда арзон бўлиб қолди. Бундан ташқари, газетани тезроқ тарқатишда алоқанинг электрон воситаларидан янада самаралироқ фойдаланиш ҳам мумкин. Масалан, телематн тизимлари кун бўйи телевизор экранлари орқали доимий янгилашиб турувчи ахборот бериб бориши мумкин.

Телевидениенинг таъсири

Охириги ўттиз йил давомида телевидение таъсирининг кучайиб бораётганлиги оммавий ахборот воситалари соҳасидаги муҳим ютуқлардан биридир. Агар бугунги тамойил сақланиб қоладиган бўлса, бугун туғилган бола ўн саккизга кирганида уйқудан ташқари энг кўп вақтини телевизор олдида ўтказди. Бугун телевизорсиз бирор оилани топиш қийин. Буюк Британияда телеприёмниклар бир кунда ўртача беш-олти соат давомида ишлайди. Умуман юқоридаги ҳолатни Америка Қўшма Штатлари ва Фарбий Европанинг кўпчилик мамлакатларида кузатиш мумкин. Албатта, алоҳида олинган индивиднинг телевизор кўриши ўртача кўрсаткичдан кам бўлишига қарамай, ҳисобкитобларга кўра, Британияликлар бир суткада ўртача уч соат телевизор кўрар эканлар.

Телевидениенинг кириб келиши кундалик ҳаётимиз тизимида жиддий таъсир кўрсатди, чунки, кўпчилик одамлар ўзларининг кун тартибларини телевидение дастурларига кўра туздиладар. Шохоннинг ўн бир мамлакатда ўтказган тадқиқотида телевизорнинг кундалик турмушга таъсири кузатилди. Бунда телевидениенинг кундалик ҳаётга қандай таъсир ўтказишини ўрганиш мақсад қилиб қўйилди, телевизор бор ва телевизор йўқ одамларнинг машғулотлари қиёслаб кўрилди. Тадқиқотлар АҚШда, бир қатор фарбий ва шарқий Европа мамлакатлари ва Пе-

¹⁹ *Senkins S. The Market for Glory: Fleet Ownership in the Twentieth Century. London, 1986.*

руда ўтказилди. Сўралувчилардан улар 24 соат давомида нима билан банд бўлишларини бирма-бир кўрсатиш илтимос қилинди. Барча мамлакатдаги телевизорлари борлар телевизорлари йўқларга нисбатан дўстлар суҳбатлари, учрашув, уй ишлари ва уйқуга кам вақт ажратганлар.

Тадқиқотчилар шундай хулосага келдики, телевидение ҳар қандай техник янгиликдан фарқли ўлароқ, кишиларнинг ҳақ олмайдиган фаолиятидан ташқари, кундалик турмушига жиддий таъсир кўрсатган. Масалан, автомашинаси бор одам автомашинаси йўқ кишига нисбатан 6% кўпроқ вақтини сиёсатга сарфласа, кишиларнинг уй-рўзғор ишларига сарф қиладиган вақтлари, холодильник, кир ювиш машинаси, электрқуритгич каби маиший хизмат буюмларини сотиб олганларидан кейин ҳам ўзгармасдан қолди. (“Тендер ва сексуаллик” бобида қаранг.)

Телевизион компаниялар

Оммавий матбаа нашриётлари сингари, телевидение ҳам бугун катта бизнесдир. Бугунги кунда уни бошқаришда кўпчилик давлатлар бевосита иштирок этмоқда. Биринчи марта телекўрсатувларни бошлаган Британия ахборот Корпорацияси (Би Би Си) давлат ташкилотидир (1988 йили унинг мавқеи ҳукумат томонидан кўриб чиқилган бўлса ҳам). Уни молиялаштириш ҳар бир телевизорлари бор оила тўлайдиган лицензия ҳисобидан амалга оширилади. Узоқ йиллар давомида Британия ҳудудида радио ва телекўрсатувлар олиб борадиган бирдан бир ташкилот БиБиСи эди. Бугун БиБиСи-1 ва БиБиСи-2 каби икки телеканалдан ташқари, давлат томонидан сони қатъий чекланган, ҳудудий компаниялар дастурларини намойиш қилувчи (АйТи-Ви 3 ва 4) яна икки тижорат телеканаллари ҳам мавжуд. Буларда намойиш қилинадиган рекламаларнинг такрорланиши ва вақти қонунга кўра назорат қилинади ва улар бир соат давомида 6 минутдан ортиқ вақтни эгалламасликлари керак.

Қўшма Штатларда — Америка ахборот компанияси (ЭйБиСи), Колумбия ахборот тизими (СиБиЭс) ва Миллий ахборот компанияси (ЭнБиСи) каби учта етакчи тижорат телевизион ташкилотлари ишлаб турибди. Қонунга кўра, ахборот тармоқлари чекланган. Бир ташкилот бешта станциядан ортигини ўзига мулк қилиб олиши мумкин эмас. “Катта учлик” ўз станциялари билан 25% оилаларни қамраб олган. Ҳар бир тармоққа 200 станция филиали боғланган бўлиб улар мамлакатдаги 700 телестанцияларнинг 90%ини ташкил қилади. Корпорациялар реклама вақтларини сотиш йўли билан фойда олади. Хусусий компания бўлган Миллий Ахборот Ассоциацияси рекламанинг телекўрсатув давомида эгаллаши мумкин бўлган вақт бўйича қуйидаги қонунни тасдиқлади: яхши вақтларда 1 соатда 9,5 мин, қолган вақтларда эса 16 мин. Рекламаларнинг нархини аниқлаш мақсадида телекомпаниялар кишиларнинг у ёки бу дастурни қанча вақт давомида кўришлари ҳақида мунтазам статистик

маълумот тўплайдилар. Бундан ташқари, аниқланган рейтинг бу дастурни давом эттириш керакми ёки йўқ эканлигини ҳам белгилаб беради.

Телевидениенинг хатти-ҳаракатларга таъсири

Кишиларнинг хатти-ҳаракатларига телевизион дастурларнинг таъсирини аниқлаш бобида кўплаб тадқиқотлар ўтказилди. Улардан кўпчилиги телевидениенинг болаларга таъсирини ўрганишга бағишланган. Бунда томоша қилинадиган кўрсатувлар спектри ва уларнинг болалар ижтимоийлашувидаги кутилган ўрни аниқланди. Булардан телевидениенинг жиноят ва зўрлашга мамлакатни уйғотишдаги роли, янгиликлар самараси ва жамият сиёсий ҳаётида телевидениенинг ўрни ва роли каби уч мавзу муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Теледастурлардаги зўрлаш мавзуси анча-мунча яхши тадқиқ қилинган. 1967 йилдан буён Гребнер ва унинг ходимлари томонидан ҳар йили ўтказиладиган кенг доирадаги тадқиқотларда “яхши вақтларда” ва дам олиш кунлари кўрсатиладиган Американинг барча ахборот тармоқларининг танланган дастурлари таҳлил қилинди. Турли типдаги дастурларда зўравонлик актлари ва эпизодларнинг сони ва такрорланиш тезлиги ҳисобга олинди. Мазкур тадқиқотларда ўзига ёки бошқага нисбатан зўравонлик, кўрқитиш ёки жисмоний куч ишлатиш, охир-оқибатда, инсонни жисмоний майиб қилувчи ёки унинг ўлими билан якунланувчи деб таърифланди. Телевизион постановкаларнинг зўравонликка тўлиб-тошиб кетганлиги аниқланди: ўртача 80% шунақа дастурларда бир соат давомида зўрлик элементлари бор кўрсатувлар тезлиги 7,5 бўлган. Болалар дастурларида қатл сахналари жуда тез-тез кўрсатилмаса-да, зўрлик сахналарини кўрсатиш даражаси анча юқори бўлган. Барча телевизион дастурлар орасида зўрлик, қийнаш актлари, эпизодлари кўп кўрсатувлар — мулфильмлар эканлиги аниқланган.²⁰

Зўрликни намойиш қилиш аудиторияга қандай таъсир қилади, ўзи шундай таъсирнинг ўрни борми? Ф.С.Андерсон 1956 йилдан то 1976 йилгача, йигирма йил давомида телевизион кўрсатувлардаги зўравонликнинг болаларга таъсирини ўрганиш мақсадида ўтказилган тадқиқотлар натижаларини умумлаштирди. Натижада тадқиқотларини тахминан 3/4 қисми шундай боғлиқликнинг бор эканлигини тасдиқлади. 20% ҳолатда аниқ натижа олинмади, 3% олинган маълумотлар телевизорда кўрсатилаётган зўрлик болалар орасида ёвузликни камайтиришини кўрсатган.²¹

²⁰ Gerbner G. in al. The demonstration of power: violence profile no. 10// Journal of Communication, 29. 1979; Gerbner G. et al. The «mainstreaming» of America: violence profile no. 11// Journal of Communication, 30. 1980; Gunter B. Dimensions of Television Violence. London, 1985.

²¹ Anderson F. S. TV violence and viewer aggression: accumulation of study results 1956—1976// Public Opinion Quarterly, 41. 1977; Libert R. M., Sprafkin S. N., Davidson M. A. S. The Early Window: Effects of Television Children and Yourth. London, 1982.

Аммо Андерсон таҳлил қилган тадқиқотлар берилган алоқа даражаси ва “ёвуз хатти-ҳаракатлар”ни таърифлашга кўра фойдаланилган услублар билан кескин фарқланади. Зўрликни кўрсатувчи криминал драмаларда, болалар мультфильмларида адолат ва ёвузликнинг жазоланиши мавзуси яширин ҳолда тасвирланади. Драмаларда одил суд ёвузликларни ҳатто полиция берган маълумотга ва ҳаётдагига қараганда ҳам кўпроқ жазолайди, мультфильмларда эса ёвузлар ўз ёмонликларига мос равишда жазо оладилар. Экранда зўрликни намойиш қилиш тезлиги томошабинда албатта зўрлик маданиятини уйғотишга таъсир этади деган хулоса ҳар доим ҳам тўғри чиқавермайди. Бу мультфильмлар негизидаги, ахлоқий моҳиятга эга мавзулар таъсири эҳтимол кучлироқдир. Умуман, телевидениенинг таъсирини ўрганишга бағишланган тадқиқотда томошабинлар — ёшлар ва катталарга, кўрсатувлардаги ҳодисаларга нисбатан бефарқ ва пассив муносабатдаги кишилар сифатида қаралган.

Роберт Хож ва Дэвид Трипп фикрича, болаларнинг телекўрсатувларни кўришлари бу дастур мазмунини оддий ҳисобга олиш эмас, балки кўрганларини изоҳлаш, уқиб олиш демакдир²². Мазкур муаллифларнинг тахминича, кўпчилик ўтказилган тадқиқотларда болалар тафаккурининг ўзига хос мураккабликлари ҳисобга олинмаган. Болалар теледастурларни ўзларининг кундалик ҳаётидаги бошқа масалалар билан боғлаб “ўқийдилар”, уларнинг қарашларини ўзгартириш учун кўпчилик ўйлаганидек, сийқа кўрсатувларни кўришлари ҳам жуда шарт эмас. Ҳатто энг кичкина бола ҳам биладики, экрандаги зўрлик ҳақиқий ҳаётдаги зўрлик эмас. Хож ва Трипп фикрича, хатти-ҳаракатга телевидениеда кўрсатиладиган зўрликлар таъсир қилмайди, балки, умумий қароқ доирасидаги зўрликни намойиш қилиниши ва ўқилиши кўпроқ таъсир қилади.

Шундай бўлишига қарамасдан, зўравонликнинг телевидение орқали доимий намойиш қилиниши болалар хатти-ҳаракати, қароқларига мутлақо таъсир қилмайди, деб ҳисобланишига ишониб бўлмайди. Американинг бош хирург ташаббуси билан Америка Қўшма Штатлари ҳукумати томонидан телевидениенинг болалар ва ёшлардаги зўравонлик хатти-ҳаракатларига таъсирини ўрганиш каби бир қатор тадқиқотларни ўз ичига олган эди. Унинг натижалари асосида барча тадқиқотларда иштирок этганларнинг турли қарашлари ва фикрлари хаспўшланган ҳолда, умумий бир назарга молик бўлмаган катта якуний маъруза тайёрланди²³. Аммо маъруза болаларга ижобий ва конструктив таъсир кўрсатишда телевидениенинг, хусусан, ижтимоий телевидение каналлари (рекламалар ҳисобига эмас балки, обуна ва давлат манбалари орқали молиялаштириладиган) ижтимоий те-

²² Hodg R. and Tripp D. Children and Television: A Semiotic Approach. Cambridge, 1986.

²³ Surgeon General's Scientific Advisory Committee. Television and Social Behaviour. Washington, 1972.

левизион станциялардан фойдаланишга уринишларни рағбатлантиради. Йиллик даромадлари тижорат станциялари даромадининг 5%ини ташкил қилишига қарамай жамоат телестанциялари кўплаб таълимий ва маънавий кўрсатувларни намойиш қилади. “Сезам кўчалари” нафақат кўнгилочар, балки болалар интеллектуал қобилиятларини ривожлантиришга кўмак берувчи дастур сифатида кўпчиликка намуна бўлмоқда.

Телевидение ижтимоий установакаларни оммалаштирувчи восита сифатида

Телевидениенинг маданий муҳитга таъсирини унинг фақат дастурларини муҳокама қилиш билангина баҳолаб бўлмайди. Телевидение индивиднинг ахборотни таҳлил қилиш ва уюштиришга ёрдам берувчи *идрок асосларининг, умуммаданий дунёқарашининг шаклланишига* ижобий таъсир кўрсатади. Коммуникация турлари тўхтовсиз ўсиб бораётган бир пайтда, худди китоб, журнал ва газета сингари, телевидениенинг ўрни ва роли ҳам беқийёсдир. У ижтимоий ҳаёт билан мулоқотда бўлиш *тажрибаларимизни тартибга солишга* ўргатиш орқали ижтимоий оламни таҳлил қилиш усулларини шакллантиради. Телемаҳсулотларнинг барча кўринишлари ва уларни узатишда ёпиқ-яширин ҳолда бериладиган установакалар дастурларда аниқ-равшан бериладиганларга кўра аҳамиялидир.

Айтайлик, телевидение замонавий сайловлар табиатини маълум даражада ўзгартиришда муҳим рол ўйнади. Бошқа мисол: рекламадаги рамз, реклама берувчининг матн орқали демоқчи бўлганидан кўра ижтимоий ҳатти-ҳаракатга кучпроқ таъсир қилиши мумкин. Худди шундай тижорат хабарларида сотиладиган буюмларгина эмас, балки кейинги аснода эркак ва аёлнинг фарқига алоқадор тимсоллар бериледи. Кўпчилик роликларда эркаклар интеллектуал ва жисмоний жиҳатдан фаол кишилардай, аёллар эса узоқларга тикилган хаёлпарастлардек кўрсатилади.

Хулоса

Таълим, телевидение ва “маданият саноати”ни таҳлил қилишда ҳокимиятнинг мувозанати, жавобгарлик ва эркинлик мувозанати масаласи кўндаланг бўлиб туради. Мактаб индивид ривожланишига таъсир ўтказадиган расмий дастурлар доирасини ва ундан ташқари йўлларни тақдим қилади. Иккинчи томондан эса мактаб тизими ижтимоий ва иқтисодий тенгсизликни мустаҳкамлаш учун хизмат қилади.

Ҳозирги замон оммавий ахборот воситалари кўплаб ахборот хизматларини тақдим қилиш ҳамда саводхонлигимизни ошириш ва дам олиш имконини туғдириши билан ҳаётимизда муҳим ўринни эгаллайди. Шундай бўлишига қарамасдан оммавий ахборот воситалари одатда ҳукмрон ижтимоий гуруҳ дунёқара-

шини ифода этади. Бу тўғридан-тўғри сиёсий цензура (Шарқий Европада бўлгани сингари) оқибати эмас, балки телевидение, газета ва фактлар, ахборот банкларининг бир ҳовуч кишилар мулки эканлиги билан изоҳланади. Оммавий ахборот воситаларини ким назорат қилиши керак? Жамиятнинг қуйи табақаси ўз овозини эшиттиришга, ўзини кўрсатишга эришиши мумкинми? Булар халқаро аҳамият касб этган мураккаб, ечилиши қийин бўлган муаммолардир. Саноқли мамлакатлар жаҳон ахборот тармоғида ҳукмронлик қилади. Бу ҳолат китобнинг 16, “ижтимоий ҳаётнинг глобаллашуви” бобида муҳокама қилинади.

Бобнинг қисқача мазмуни

1. Таълим ўқувчиларни махсус биноларда ўқитишнинг ҳозирги замон шакли сифатида, умумий *саводхонлик* даражасининг ортиши, босма буюмларининг тарқалиши билан баб-баравар шаклланди. Билимлар энди айна вақтда кўп жойда ва кўпчилик томонидан сақланиши, ишлаб чиқарилиши ва фойдаланилиши мумкин. Саноатлашиш жараёнида меҳнат тобора ихтисослашиб борди, билим эса худди ўқиш, ёзиш, ҳисоб-китоб малакаси сингари амалий эмас, балки мавҳум шаклга эга бўлиб бормоқда.

2. XX асрда таълимнинг ёйилиши саводли ва интизомли ишчи кучларига бўлган талабнинг ортиб бориши билан бирга кечди. Ислохотчилар таълимга ижтимоий тенгсизликни бартараф қилишнинг муҳим воситаси деб қараган бўлсада, бу масалада у кутилган натижа маҳсулини бермади. Амалда таълим мавжуд тенгсизликни такрор тасдиқлайди, аммо бунинг ҳолатини ўзгартиришга қодир эмас.

3. Бернстайн назариясига кўра, *мураккаб нутқ кодларини* ўзлаштирган болалар *чекланган кодларни* ўзлаштирганларга нисбатан расмий академик таълим талабларига тўлиқ жавоб бера оладилар. IQ тестлари сингари ақлий тарақийёт тестлари “фойдали” қобилиятлар ва кўникмалар ҳақидаги тасавурларни стандартлаштиришга асосланган, шунинг учун ҳам улардан фойдаланиш имкониятлари чекланган.

4. Мактабда кўплаб расмий тамойиллар таъсиридаги ўқув предметларидан дарс бериш *маданий такрор ишлаб чиқариши* жараёнининг бир жиҳати ҳисобланади. Маданий қайта ишлаб чиқариш жараёнида “яширин дастурлар” муҳим рол ўйнайди.

5. Мактабларни ташкил қилиш, улардаги дарс бериш услублари қоидага кўра кишилар ўртасидаги тенгсизликни мустаҳкамлайди. Ўғил ва қиз болаларнинг махсус кийимлар кийиши уларнинг ўғил ва қиз болалар ҳулқи типиклашувининг кучайишига таъсир ўтказиши. Мактаб тестлари жамиятдаги гендер имижларни акс эттиради. Айрим ўқув предметлари кўпроқ ўғил болаларга тўғри келади дейилса, айримлар бунинг тескарсини таъкидлайдилар, олий таълимда аёллар талабалар орасида ҳам, ўқитувчилар орасида ҳам озчиликни ташкил қилади. Бу ҳолатнинг ўзгариши эҳтимолдан узоқроқ, чунки улар ўзлари билан боғлиқ бўлган талай омилларнинг ўзгариши билан боғлиқдир.

6. Бошланғич таълим дунёнинг барча мамлакатларида жорий этилмаган: “учинчи дунё”нинг айрим мамлакатларида болалар ҳозирги кезга қадар ҳеч қандай расмий таълим ола олмайдилар. Бугун мутлоқ саводсиз кишиларнинг сони камайиш ўрнига ўсиб бормоқда.

7. Мактаб таълимини саноатлашиш жараёнида пайдо бўлган оммавий алоқа тизимининг бир элементи сифатида тушуниш керак. Узоқ масофалар ажратиб турадиган кишилар ўртасидаги ахборот алмашинуви

тобора ортиб бормоқда. Ҳозирги замон сиёсий тизими воқеалардан боҳабар фуқароларга эҳтиёж сезади. Оммавий ахборот воситаларидан (радио, телевидение ва компьютерлар) кенг фойдаланиш натижасида *глобаллик* ва *локаллик* бир-бирига яқинлашиб бормоқда.

8. Кўп тадқиқотлар ўтказилган бўлишига қарамасдан, бари бир телевидение орқали зўравонликни намойиш қилиш реал ҳаётдаги агрессия хатти-ҳаракатга қай даражада, қай шаклда туртки бўлиши қоронғулигича қолмоқда. Кўпчилик тадқиқотчилар намойиш қилинган кўрсатувни томошабинлар қанчалик танлаб талқин қилишларини, “ўйлаб топилган ҳодисалар” ва “воқелик” ўртасидаги ўзаро алоқани етарли даражада ҳисобга олмайдилар.

9. Телевидение ва оммавий ахборот воситаларининг ҳаётимизга таъсири ниҳоятда чуқур. Оммавий ахборот воситалари кишилар учун нафақат кўнгул очиш имкониятини яратади, балки бизнинг ҳар куни тинглайдиган, кўрадиган ахборотларимизнинг кўпчилигини уюштиради. Ахборот воситаларининг кимнинг мулки эканлиги, мазкур воситалар орқали турли хилдаги қараш ва фикрларни кенг даражада ифодалай олиш масаласи ҳамиша мураккаб масала бўлиб келган ва катта аҳамият касб этган.

Асосий тушунчалар

таълим	коммуникация такрор ишлаб чиқариш
--------	--------------------------------------

Энг муҳим атамалар

<i>саводлилиқ</i>	<i>ёпиқ дастур</i>
<i>таълим тизими</i>	<i>интеллект</i>
<i>олий таълим</i>	<i>IQ</i>
<i>чекланган код</i>	<i>локал билим</i>
<i>мураккаб код</i>	<i>оммавий ахборот воситалари</i>

Кўшимча адабиёт

James W. Carey. Communication as Culture: Essays on Media and Society. London, 1989. Аънавий ва ҳозирги жамиятларда ахборот ва ахборот воситаларининг зарурлиги тўғрисида қизиқарли ва содда эсселар тўплами.

John Fiske. Understanding Popular Culture. London, 1990. Оммавий маданият ҳақидаги жуда қизиқ тадқиқот.

Andy Green. Education and State Formation. London, 1990. Англия, Франция ва Қўшма Штатлардаги миллий таълим тизими ривожининг таҳлили.

Sheila Redell. Gender and the Politics of the Curriculum. London, 1992. Икки ўрта мактабни тадқиқ қилиш асосида ўқув дастурлари ва гендер идентлик ўртасидаги боғланиш таҳлил этилади.

Дин

Худо йўқ дунёда қандай яшашимиз мумкин? Жамият ривожини кузатиб бораётган одамлар ва диндорлар диннинг таъсири кескин камаяётганини кузата бошлаган давр, яъни XVIII асрдан бошлаб мазкур савол бутун ғарб маданиятига сингиб кетган эди. Деярли 2000 йил давомида дин ғарб тараққиётининг руҳий ва маънавий асосини ташкил қилди, бунда у одамларга панд-насиҳат қилиб, уларни тинчлантириш билан бирга, кўплаб урушларнинг бошланишига фатво ҳам берди.

Бугун биз насронийлик кучли моддий таъсирга ҳам эга бўлганини унутишга мойилмиз. Яқин вақтларгача черков монарх ва ҳукуматлар билан сиёсий қудрат ва бойлик борасида рақобатлашиб, улардан кўпинча устун келарди. Руҳонийлар саводхонлик, таълим ва ўқиш соҳасида ҳам якка ҳукмрон эдилар. Таълим анча кенг ёйилгандан кейин ҳам, уни ташкил қилишда черковлар бош ролни ўйнашда давом этдилар. Саноатлашув бошланиши билан жамиятдаги кўп ижтимоий соҳалар сингари диннинг роли ҳам ўзгарди. Ғарб мамлакатларида диний уюшмалар ва черков аввал эгаллаб турган дунёвий ҳокимиятнинг катта қисмини йўқотди, черков бажарган кўпгина вазифаларни, жумладан, таълим соҳасини давлат ўз зиммасига олди.

Илмий тафаккур ва технологиялар дунёни тушунтириш ва унга эгалик қилиш воситаси бўлишга даъво қилаётган дин ва черковни ғоявий курашга чақирмоқдалар. Ўрта асрларда кўпгина одамлар фақат насронийлик ғояларига эмас, жинлар, ажина ва алвастиларга ҳам ишонар эдилар. Фан табиий изоҳларни қанчалик кўп таъминлагани сари одамлар дунёни ғайри табиий кучлар бошқаришига шунчалик кам ишона бошлайдилар. Ўрта асрларда бутун аҳоли учун дунёни мистик идрок қилиш одатий ҳол эди. Масалан, Жанна д'Аркнинг: “Мен фаришталарнинг овозини эшитдим, улар менга Францияни Англия босқинидан қандай сақлаб қолиш мумкинлигини тушунтирдилар”, дейишида ҳеч қандай ғайри табиий ҳолат кўринмасди. Бундан уч аср ўтгач эса, бирор кишида мистик тажрибалар у ёқда турсин, бундай гапларнинг ўзи руҳий носоғломлик белгиси сифатида қабул қилинар эди.

XIX аср охирида немис файласуфи Ф. Ницше, «Худо ўлди», — деб эълон қилди. Ницше шуни қайд қилдики, илгари христианлик таълимоти биз учун ҳаётимизнинг мақсад ва мазмунини белгилаб берган эди. Энди эса биз унинг ҳимоясидан, бизга белгилаб берган ахлоқий қолипларидан умуман холи яшамоғимиз лозим. Худосиз ҳаёт — бу дунёда инсоннинг ўз қадр-

қийматини яратиши ва ҳар бир кишининг Ницше айтган «ёлғиз мавжудлик»ка кўникиш, бу дегани «Бизнинг ҳаётимиз мақсадсиз ва тақдиримиз ҳам ҳеч қандай олий мавжудотлар томонидан белгиланмайди», деб тушунишдан иборат эди.

Жараёнларни бундай дунёвий руҳда баён қилиш ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида дин таъсирининг йўқола боришига олиб кела бошлади. Биз ушбу бобнинг сўнггида кўрамизки, дунёвийлик, Ницше ўйлаганидек, диннинг жамиятга таъсири оз-оздан йўқолиб бориши арзимас ҳодиса бўлмай, аксинча, анча мураккаб жараёндир. Биз дунёвийлик мавзусига кейинроқ яна қайтиш мақсадида, бу ўринда дин тўғрисида бугунги кунда фандаги мунозаралар ҳақида тўхталамиз. Бироқ биз биринчи навбатда диннинг ҳақиқатда нима эканлиги, диний ишонч ва эътиқодларнинг қандай асосий, амалий турлари мавжудлигини тадқиқ қилиб, асосий диний социологик назарияларни таҳлил қилишимиз зарур.

Дин ва сеҳргарликнинг таърифи

Диний ишонч ва эътиқодлар ҳамда диний ташкилотларнинг турли-туман шакллари шу қадар кўпки, кўпчилик олимлар диннинг универсал таърифини яратишда маълум қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Фарбда аҳолининг кўпчилик қисми динни христианлик билан, ердаги ахлоқий нормаларга бўйсунганларга у дунёда жаннат ваъда қилувчи олий мавжудотга ишонч билан боғлайди. Лекин динни бу тушунчалар асосида, умумий кўринишда таърифлаб бўлмайди. Бу ишонч, христианликнинг ўзга соҳалари билан бирга, дунёда мавжуд бўлган бошқа кўпчилик динлардан фарқ қилади.

Дин нима эмас?

Маълум маданиятга мансублигимиз учун, динга ноҳолис ёндашувнинг олдини олиш мақсадида, эҳтимол, умуминсоний атамаларда: «Дин нима бўлолмайди?» деган масалани ёритишимиз тўғри бўлади¹. Аввало, динни монотеизм (бир худога ишониш) билан тенглаштирмаслик лозим. Ф. Ницшеннинг «Худонинг ўлганлиги» тўғрисидаги тезиси маълум даражада этноцентрик бўлиб, Фарбнинг диний ғоялари билан боғлиқ бўлган кўпчилик динларда бир қанча илоҳларга сиғинишлар билан ҳам айнанлаштирмаслиги керак. Ҳатто христианликнинг баъзи бир изоҳлашларида худонинг муқаддас сифатларига ўхшаган хусусиятлар Исога, Биби Марямга, Муқаддас руҳга, фаришталарга ва муқаддас нарсаларга оидлиги ҳам айтилади. Баъзи динларнинг эса, умуман, худоси йўқдир. Бу биринчидан.

Иккинчидан эса, дин диндорларнинг хулқ-атворини белгиловчи ҳодиса бўлиб, бунда Мусонинг худо томонидан юбо-

¹ Wilson J. Religion. London, 1972.

рилган диний-ахлоқий амр-фармонлари билан ҳам тенглаштирилмаслиги лозим. Худолар ердаги кишиларнинг хулқ-атворларини, юриш-туришларини доимо назорат қилиб туришади, деган фикр ҳам кўпчилик динларга ётдир. Масалан, қадимги юнонлар худоларнинг кўпчилиги ердаги инсонларнинг ҳаётига фарқ қарашади, деб ҳисоблаганлар.

Учинчидан, дин *дунёнинг пайдо бўлишини изоҳлаб бериши* шарт эмас. Христианликда Одам Ато ва Момо Ҳаво ҳақидаги ривоят инсониятнинг келиб чиқишини изоҳлашда маълум мақсадга эга бўлган, бошқа кўпчилик динларда ҳам шунга ўхшаш инсониятнинг дастлабки бошланғич ҳаёти ҳақида турли хил афсоналар мавжуд бўлиб, бошқа баъзи бир динларда эса бундай афсоналар, умуман йўқ.

Тўртинчидан, дин *ғайритабиий нарсалар* билан тенглаштирилмаслиги лозим. (Бизнинг ҳисларимиз чегарасидан ташқарида бўлган, ўз-ўзидан мавжуд дунёга ишониш ҳақида ҳам турли қарашлар бор). Масалан, конфуцийчилик дунё гармонияси табиат билан қўшилиб кетган, деган ғояга қаратилган бўлиб, дунёдан ташқари бўлган ҳақиқатни (худони) қидириш билан шуғулланилмайди.

Дин нима?

Дунёдаги барча динлар моҳиятан кўйидаги ўзига хос хусусиятларга эга: дин дунёга қарашда муқаддас нарсаларга *ҳурмат-иззат ва қўрқув эҳтиросларини* пайдо қилувчи маълум рамзлар йиғиндисининг мавжуд бўлишини талаб қилади. Бу рамзлар *диндорлар жамоаси* ўтказадиган диний маросимлар ва урф-одатлар(масалан, черковлардаги ўтказиладиган маросимлар)да иштирок этадилар. Бундаги ҳар бир гуруҳ ўзига хос эътиборни талаб қилади, лекин шунга қарамай, диний эътиқодларда худо кўрқув, даҳшат ёки эҳтиромлар туғдирувчи мавжудот сифатида иштирок этиши айтилади. Баъзи бир динлар учун худо даражасига кўтарилган шахсга ёки мавҳум илоҳий кучларга ишониш хосдир. Бошқа баъзи динларда эса худо эмас, балки алоҳида шахслар худо сифатларига эга кишилар тарзида кўрсатилади. Аслида эса улар худо эмасдирлар. Масалан, Будда ва Конфуций таълимотларига бу нарса хосдир.

Динлар билан боғлиқ маросимлар жуда хилма-хилдир. Диний маросимларга чўқиниш, ибодат қилиш, ҳамду сано айтиш, баъзан эса маълум овқатларни истеъмол қилиш ёки уларни истеъмол қилмаслик, рўза тутиш ва бошқаларни киритиш мумкин. Бу маросимлар диний рамзлар билан қанчалик боғлиқ бўлишлари билан, улар одатда қандайдир кундалик ҳаётда мавжуд бўлган урф-одатлар ва кўникмалардан фарқ қиладилар. Масалан, ҳазрати олий Худо шарафига уни тинчлантириш мақсадида шам ёқиш билан бинони (ёки хонани) ёритиш мақсадида чироқни ёқишнинг ҳеч бир умумийлиги йўқ. Диний маросимлар кўпинча якка кишилар томонидан амалга оширилади. Аммо

кўпчилик динларда эса шундай маросимлар ҳам борки, уларда кўплаб диндор гуруҳлар иштирок қилишади. Бундаги асосий маросимлар улар учун махсус ажратилган жойларда ўтказилади (масалан, черковларда, ибодатхоналарда).

Жамоа асосида ўтказиладиган бу маросимларга, одатда, социологлар томонидан диннинг сеҳргарликдан фарқ қилувчи асосий омилларидан бири сифатида қаралади. Дин ва сеҳргарликни ажратиш ҳамиша ҳам осон бўлавермайди. Сеҳргарлик шундай фаолиятки, у табиат ҳодисаларига ўзининг сеҳр-жодуси, аврашлари билан ёки алоҳида маросимларни бажариш билан, гўёки ўз таъсирини ўтказади. Сеҳргарлик маросимларини ўтказиш бир гуруҳ кишилар билан эмас, балки одатда алоҳида кишилар, шахслар томонидан бажарилади. Сеҳргарга кўпинча ўз ишида муваффақиятсизликка учраганда ёки унга бирор илоҳий куч даҳшат солаётганда мурожат қилишади. Худди шундай, Бронислав Малиновский ўзининг Тинч Океандаги ороллардан бири — Тробриан оролида яшовчилар ҳақидаги классик тадқиқотларида бу ердаги кишиларнинг каноэда таваккал қилиб сайр этиш олдидан ана шундай ҳар хил сеҳрли маросимлар ўтказишларини тасвирлайди². Лекин бу оролда яшовчи кишилар унчалик хавфли бўлмаган сувларда балиқ овлаганларида, бундай маросимларни ўтказишмайди.

Ҳозирги давр жамият ҳаётида кўпчилик кишиларда сеҳргарликка ишонч йўқолиб, сеҳргарлик маросимлари йўқ бўлиб кетаётган бўлса ҳам, баъзи бир хавф-хатарли вазиятларда улар дуо ўқиш каби хурофий нарсалардан фойдаланишади. Ютуқларга эришиш учун маълум жиҳатдан тасодифлар билан боғлиқ соҳалар мутахассислари, шу жумладан катта таваккалчилик билан боғлиқ соҳаларда ишловчилар сеҳргарлик маросимларига риоя қилишиб, ўзлари эса доимо ҳар хил туморлар тақиб юришади. (Масалан, шахтёрлар, балиқчилар, спортчилар). Катта матчлар вақтида узук тақиб олган теннисчини ҳам мисол қилиб олсак бўлади. Ўрта асрлардаги сеҳргарлик билан боғлиқ тасаввурлардан келиб чиққан астрологик эътиқодга ишонувчилар, уларга амал қилувчилар, гарчи улар ичида кўпчилиги бунга жиддий ёндашмаса ҳам, улар бугунги кунда ҳам мавжуддир³.

Динларнинг турлари

Анъанавий жамиятлар ҳаётида ижтимоий динлар марказий ўрин эгаллайди. Диний рамзлар ва маросимлар кўпинча жамиятнинг моддий ва бадий маънавияти сифатида кишилар қизиқшини ўзига жалб этади. Бунга: масалан, мусиқа, наққошлик, ўймакорлик санъати, рақс санъати ва ниҳоят халқ оғзаки ижо-

² Malinowski B. Magic, science and religion, and other essays. London, 1982.

³ Adorno T. The stars down to earth: The Los Angeles times astrology column // Telos, 19. 1974.

ди ва бадиий адабиёт мисолида кўриш мумкин. Кичик маданиятларда махсус руҳонийлар бўлмади, лекин диний маросимлар ва урф-одатлар билан шуғулланишни ўзларининг асосий машғулоти сифатида қабул қилган кишилар доимо мавжуд бўлиб, улар диний маросимларга маълум йўналишлар беришда муҳим роль ўйнайди. Гарчи бундай диний маросимлар бир-бирларидан катта фарқ қилишса ҳам, худди шундай уларнинг тез-тез учраб турадиган турларидан бири, бу шомонлар эътиқодидир. Шомонлар ўз маросимларини бажаришда, гўёки инсон билан руҳларнинг ёки ғайритабиий кучларнинг ўзаро бевосита учрашувларини ташкил қилишга қодир кишилар сифатида намён бўлишади, баъзида эса улар диний арбоблардан кўра кўпроқ амалда сеҳргарлар сифатида фаолият юритишиб, ўз жамоаларининг диний маросимларида маслаҳатчилар сифатида кўринишади.

Тотемизм ва анимизм

Кичик маданиятларда одатда диннинг икки хил шакли: тотемизм ва анимизм учрайди. «Тотем» сўзи Шимолий Америкалик ҳиндулар тилидан олинган бўлиб, эътиқодга кўра, ғайритабиий кучга эга бўлган ҳайвон ёки ўсимликларнинг турларини ифодалаш учун ишлатилган. Одатда, жамиятдаги ҳар бир уруф ёки қабила ўзининг шахсий тотемига эга бўлиб, у билан боғлиқ турли хил маросимларни ўтказиб келган. Тотемизмга эътиқод қилиш ривожланган индустриал мамлакатлар кишиларига хос эмас, лекин баъзи бир тотемлар мазмунига оид айрим белгилар, рамзлар ҳозирги кунгача сақланиб қолган (масалан, спорт командаларининг эмблемаларида ҳайвон ёки ўсимлик тасвирининг акс эттирилиши бунга мисол бўла олади). Шунингдек туморлар тотемистик белгилар ҳисобланади.

Анимизм — бу дунёда одамлар билан бирликда мавжуд бўладиган руҳларга ёки арвоҳларга эътиқод қилишдир. Бундай руҳлар одатда одамларга ё хайрихоҳ ёки даҳшат солувчи кучлар сифатида инсон ҳаёти ва фаолиятига таъсир кўрсатишлари мумкин, деб қарашдир. Айрим маданиятларда, масалан, руҳлар касалликларни келтириб чиқарувчи ва ҳатто уларни ақлдан оздиришга олиб келувчи, инсон ичига ўрнашиб олиб, унинг хатти-ҳаракатларини бошқариб турувчи илоҳий кучлар сифатида кўрсатилади. Анимистик эътиқод кичик маданиятларга хос бўлибгина қолмай, балки кўпчилик динларга ҳам ўз таъсирини ўтказиб, уларнинг элементлари бизнинг кунларимизгача сақланиб қолган. Шунингдек, Ўрта аср Европа кишилари баъзи одамларни ўз қўлларига руҳларни олувчилар ҳисоблаб, бундай кишиларни ялмоғизлар, жодугарлар дейишган, уларни таъқиб остига олиб келишган.

Кичик жамоалар бир қарашда оддий бўлиб кўринишса ҳам, улар кўпинча мураккаб ва хилма-хил диний эътиқодларга эга бўлишади. Бундай жамоаларда бошқа диний эътиқодлар билан

бир қаторда, тотемизм ва анимизм эътиқодларини ҳам учратиш мумкин. Аммо кўпчилик ҳолларда улар мураккаб динларнинг таркибий қисмлари сифатида мавжуд бўлади. Масалан, Эванс Притцарт томонидан тасвирланишича, Жанубий Суданнинг Ньюэ халқи «Олий худо» ёки «Осмон руҳи» тушунчаларига асосланган батафсил ишлаб чиқилган теологик ғояларга эгадир⁴. Аммо монотеистик динларда, кичик маданиятларда бошқа динларга нисбатан бу эътиқод турлари камроқ учрайди. Кўпгина маданиятларга кўпхудоликка сиғиниш, яъни политеизм хосдир.

Иудаизм, христианлик ва ислом

Инсоният тарихига учта монотеистик дин кучли таъсир кўрсатган — булар: иудаизм, христианлик ва ислом. Уларнинг ҳаммаси яқин Шарқда келиб чиқиб, сўнгра ҳар бири бошқасига ўз таъсирини ўтказган ва бутун дунёга тарқалган.

Иудаизм

Иудаизм тахминан, милоддан 1000 йиллар олдин келиб чиққан энг қадимги динлардан бири ҳисобланади. Қадимги яҳудий қабилалари кўчманчи бўлиб, улар Мисрда ва Қуддус атрофларида яшашган. Уларнинг диний доҳийлари ёки пайғамбарлари ўз ғояларини қисман ўша вақтда бу ҳудудларда тарқатган, лекин улар буни якка-ягона қодир Худога эътиқод қилиш билан фарқланувчи диний қарашлардан, таълимотлардан олишган эди. Яҳудийлар, худоларга қатъий ахлоқий бўйсунишни талаб қилишган, шу билан бирга, яккаю-ягона ҳақиқатга фақат худогина эга, дейишган. Улар ўз динларига дунёдаги бирдан-бир тўғри дин деб қатъий ишонар эдилар.

Иккинчи жаҳон урушининг тугаши билан Исроил давлатининг ташкил топишигача иудаизм ҳеч бир мамлакатда давлат дини сифатида қабул қилинмаган эди. Яҳудий жамоалари эса Европада, Шимолий Америка ва Осиёда сақланиб қолган бўлиб, баъзида улар кучли таъқиқларга учраб турар эди. Бундай тақиб ва қувғинларнинг кульминацияси нацистлар томонидан иккинчи жаҳон уруши даврида миллионлаб яҳудийлар йўқ қилиб ташланиши бўлган эди.

Христианлик

Христианлик ўз қарашларининг кўпчилигини кейинчалик ўзининг таркибий қисми бўлиб қолган иудаизмдан олган. Исо соф яҳудий бўлиб, христианлик иудаизм ичида бир неча мазҳаб сифатида шаклланди. Ҳозиргача Исо ўзининг махсус динини яратишни хоҳлаган ёки хоҳламаганлиги аниқланмаган. Исонинг давомчилари эса уни Мессия (худонинг вакили) деб атайдилар. Мессия сўзи қадимги яҳудий тилида «пешонасига мой

⁴ Evans-Pritchard E. Nuer religion. Oxford, 1956.

сурилган одам», яъни юнон тилидаги «христос» сўзи билан айнан бир бўлган. Исо яҳудийлар кутган идеал шоҳдир. Рим фуқароси, юнон тилини яхши билган, Павел исмли шахе Юнонистон ва Кичик Осиёнинг кўпчилик шаҳарларига христианликни ёйишда муҳим роль ўйнагани эътироф этилади. Дастлаб христианлик қаттиқ таъқиб қилинган бўлса ҳам, император Константин христианликни Рим империясининг давлат динига айлантиради. Тез тарқалиб ва тараққий қилиб кетган христианлик келгуси икки минг йил давомида Фарб маданиятининг, ижтимоий тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб хизмат қилиб келди.

Бугунги кунда христианлик — унга эътиқод қилувчи жуда кўп кишиларни бошқариб, дунёдаги энг йирик динлардан бири ҳисобланади. Бу динга эътиқод қилувчиларнинг сони бугунги кунда 1 миллиард кишидан ортиқроқдир. Бироқ христианлик ичида теология соҳасида ва черков ташкилотлари тузилишига кўра хилма-хил кўринишлар ва шакллар мавжуддир. Христианликнинг асосий тармоқлари сифатида кенг тарқалган кўринишлари — булар: *католицизм, протестантизм ва православие-лардир.*

Ислом

Христианлик билан умумий бир келиб чиқишга эга бўлган иккинчи бир дунёвий дин — бу исломдир. Ислом — янги эранинг VII асрида яшаган Муҳаммад пайғамбар таълимотидир. Исломга кўра, Оллоҳ ягона худо бўлиб, у бутун табиатни ва жамиятни бошқаради. «*Ислом арконлари*» — булар мусулмонлар риоя қиладиган беш диний мажбуриятлар бўлиб, улардан биринчиси — «Оллоҳдан бошқа худо йўқ, Муҳаммад худонинг элчиси», деб иймон келтириш. Иккинчиси — кунда беш марта намоз ўқиш. Намоздан олдин таҳорат олинади. Намоз ўқигувчи ер шарининг қайси жойида бўлмасин, унинг юзи муқаддас Макка шаҳри (Саудия Арабистонига) қаратилади.

Учинчиси — рамазон ойида рўза тутиш бўлиб, унда кун чиқишидан то оқшомгача овқат ейиш, ичимлик ичиш таъқиқланади. Тўртинчиси — шариат томонидан жорий этилган мажбурий хайр-эҳсон қилиш, яъни закот бериш, ва ниҳоят, бешинчиси — ҳар бир мусулмон имкони бўлса, бир марта Маккага ҳаж қилиши зарурдир.

Мусулмонлар Оллоҳнинг Муҳаммадгача ўтган пайғамбарлар, шу жумладан, Мусо ва Исолар орқали одамларга ўз каломини етказиб турганига ишонишади. Ҳозирги вақтда ислом жуда кенг ёйилиб, унга эътиқод қилувчиларнинг умумий сони дунёда 600 миллион кишидан ошиб кетди. Уларнинг кўпчилик қисми Шимолий ва Шарқий Африкада, Яқин ва Ўрта Шарқда ҳамда Покистон ва Ҳиндистонда яшайдилар. Мусулмон эътиқодининг қисқача муҳокамаси навбатдаги: «Ҳозирги замон диний тараққиёти: ислом инқилоби» бобида баён қилинган.

Ҳиндуизм

Христианлик ва ислом билан Шарқ динлари ўртасида жуда катта фарқлар мавжуд. Ҳозирги давргача ўз аҳамиятини йўқотмай келаётган энг қадимий динлардан бири — бу ҳиндуизм бўлиб, унинг ўзаги бундан 6 минг йиллар илгари шаклланган. Ҳиндуизм политеистик дин ҳисобланади. Бу дин ўзи шунчалик кўп мураккаб диний ва фалсафий нуқтаи назарларнинг йиғиндисидан иборат бўлиб, унга баъзан алоҳида дин сифатида эмас, балки ўзаро боғлиқ бир қанча динлар гуруҳи сифатида қараш ҳам таклиф қилинади. Ундаги кўпчилик маҳаллий ибодатхоналар ва диний маросимлар ўзаро фақат баъзи бир умумий диний эътиқодлар билангина боғлиқдир.

Кўпчилик ҳиндлар жон ва эътиқод бирикиб, қайтадан янги шакл олиши ҳақидаги ақидага, яъни барча тирик мавжудотлар чексиз такрорланиб турадиган туғилиш ва ўлиш ҳамда қайта туғилишда бўлишига ишонадилар. Ҳиндуизмнинг иккинчи муҳим белгиси жамиятнинг касталар асосида табақалашуви бўлиб, бунда инсоннинг ижтимоий ва диний маросимлар иерархиясидаги ҳолати, унинг туғилиши ва олдинги ҳаётлари давридаги амалларига боғлиқ бўлади. Ҳар бир каста ўзининг алоҳида машғул турлари ва маросимларига эга бўлади. Инсон тақдири бунда асосан, ҳар бир қайта яралиши даврида ўзининг табақавий мажбуриятларини яхши ёки ёмон бажариши билан боғланади. Ҳиндуизм ўзида кўп сонли ҳар хил диний нуқтаи назарлар бўлишига имкон беради ва диндорлар билан динсизларни очиқ фарқ қилмайди. Ҳиндуизм вакиллари билан мусулмонларнинг сони деярли бир хил (яъни, 600 миллион атрофида) бўлиб, улар асосан Ҳиндистон ва унга туташган ҳудудларда яшашади. Ҳиндуизм дини христианлик ва исломдан фарқли равишда, ўз олдида бошқа динларга эътиқод қилувчиларни бу динга эътиқод қилдириш вазифасини қўймайди.

Буддавийлик, конфуцийлик ва даосизм

Шарқнинг ахлоқий динларига *буддавийлик*, *конфуцийлик* ва *даосизм* динлари киради. Бу динларда худо йўқ. Аксинча, улар ўз эътиборини жамиятдаги ахлоқий идеалларга жалб қилиб, уларга эътиқод қилувчи кишиларнинг эътиборини бутун табиат ҳодисалари ва бир бутун коинотнинг бирлиги ғоясига қаратади.

Буддавийлик бошланиши келиб чиқиши жиҳатидан ҳинди бўлган, унчалик катта бўлмаган мамлакат — Непал подшоҳининг ўғли, янги эрадан илгариги VI асрда яшаган Сиддхартха Гаутама ёки Будда («*нурланган*»)нинг диний тарғиботларига бориб тақалади. Будда таълимотига кўра, инсон ўз хоҳишларидан воз кечиб, ўзининг кейинги қайта шаклланишида ўзгариши, тарбияланиши мумкин. У ўз эътиборини ўзининг ички дунёсига қаратиши, ер билан боғлиқ бутун салбий жиҳатларини

енгиб, ўзини тартибга келтириши зарур. Буддавийликнинг охирги мақсади — бу бутун дунё ишлари ва ташвишларидан воз кечиб, нирванага эришишдир. Будданинг ўзи ҳиндуизм маросимлари, ҳиндларнинг «олий ва қуйи» каста табақаларига бўлинишини инкор қилади. Буддавийлик, ҳиндуизм каби, бошқа барча кўп-чилик маҳаллий диний қарашларга, шу жумладан, маҳаллий худочиликка сабр-қаноатли бўлиши ва бутун диний эътиқодларни бирлаштиришни талаб қилмаслиги билан фарқ қилади. Ҳозирги вақтда буддавийлик Узоқ Шарқнинг баъзи бир мам-лакатларида, шу жумладан, Таиландда, Бирмада, Шри-Ланкада, Хитойда, Япония ва Кореяда катта таъсирга эга бўлган диндир.

Конфуцийлик қадимги Хитойда ҳукмрон доиралар маданиятининг асосини ташкил қилиб келди. Конфуций (Кунфуцининг латинлаштирилгани) эрамыздан аввалги VI асрда яшаган. Бу даврда Будда ҳам яшаган ва айни чоғда Лао-цзи ўзининг даосизм таълимотига асос солган. Конфуций, яқин Шарқдаги диний доҳийларга ўхшаб пайғамбар бўлмаган, ўқитувчи бўлган. Конфуций ўз издошлари томонидан илоҳийлаштирилмаган, аксинча, у «доно одамларнинг энг доноси» ҳисобланган. Конфуцийчилик эса ўтмиш авлодлар ҳурматини жойига қўйишга аҳамият бериб, инсоният ҳаётини ички табиий қонунлар билан уйғунлашувига эриштиришни илгари суради. Даосизм ҳаётий ривожланишнинг юқори босқичларига эришиш услублари билан зид бўлмаган юксак муҳокама юритиш тамойилларига эга. Конфуцийлик ва даосизм, гарчи баъзи бир ўз элементларини бугунги кун Хитой эътиқодлари ва урф-одатларида сақлаган бўлишса ҳам, бироқ ҳукмдорларнинг кучли опозицияси натижасида, уларнинг ўтмишдаги таълимотлари қисман йўқолиб кетди.

Динлар назариялари

Динларга социологик ёндашув улкан даражада 3 та социология классиклари: Маркс, Дюркгейм ва Вебер ғоялари таъсирида шаклланди. Улардан ҳеч бири диндор бўлмаган ва уларнинг ҳар уччаласи ҳам ҳозирги дунёда динларнинг аҳамияти камайиб бормоқда, деб ҳисоблаганлар. Уларнинг фикрича, дин ўз табиатига кўра хом хаёлдир. Турли динларнинг тарафдорлари ўз эътиқодларининг бутунлай тўғрилигига, ўзлари иштирок этадиган маросимларнинг асосли эканлигига ишонсалар-да, бироқ бу уч мутафаккир динларнинг турли-туманлиги ва уларнинг ўзлари тарқалган жамият типлари билан бевосита боғлиқ эканлигини айтишиб, эътиқодларнинг ҳимоячиси бўлиш тўғри эмас, дейдилар. Австралияда таваллуд топган инсон ўзининг турмушини таъминлаш йўлида маълум воситаларга: овга, мевасабзавотлар йиғишга мажбур бўлиб, унинг диний эътиқоди ҳинд каста тизими вакили эътиқодидан ёки Ўрта асрдаги Европа

католик черкови тарафдорлари эътиқодидан бутунлай фарқ қилади.

Маркс ва дин

Карл Маркснинг ғоялари дин социологиясига анча таъсир кўрсатди, ҳолбуки у ўзи ҳеч қачон бу масалага махсус тўхталиб, уни алоҳида кўриб чиқмаган. Маркс ғояларининг катта қисми XIX аср бошларидаги файласуфлар ва илоҳиётчилар асарларидан олинган эди. Улардан бири — 1841 йилда биринчи марта эълон қилинган «Христианликнинг моҳияти» номли машҳур асарнинг муаллифи Людвиг Фейербах эди. Фейербах нуқтаи назарича, дин ўзи кишиларнинг маданий тараққиёти давомида яратилган қадриятлар мажмуаси бўлиб, лекин хато равишда илоҳий кучларга ёки худоларга нисбат берилган. Кишилар ўз шахсий тарихларини тўлиқ англамаган пайтларида, ижтимоий табиатга эга бўлган қадриятлар ва нормаларни худолар фаолиятининг маҳсуллари сифатида изоҳлайдилар. Мана масалан, Мусога худо томонидан ваҳий қилинган 10 та диний буйруқ ахлоқий таъқиқларнинг келиб чиқишини изоҳловчи ривоятлар бўлиб, улар аслида иудаизм ва христианлик турмуш тарзларини белгилайдиган қоидалар эди.

«Биз диний рамзлар моҳиятини билмас эканмиз, — деб таъкидлаган эди Фейербах, — бизнинг иродамизга боғлиқ бўлмаган тарих кучлари олдида биз ожизмиз, уларга тутқунмиз». Фейербах ўз асарларида ўз табиатларига кўра кишилардан фарқ қилган худоларни ёки самовий кучларнинг пайдо бўлишини изоҳлашда «бегоналашув» атамасидан фойдаланади. Инсон томонидан қадриятларнинг ва ғояларнинг яратилиши, унинг фикрича ана шу бегоналашган мустақил мавжудотлар — илоҳий кучлар ва худоларнинг фаолиятлари сифатида қарала бошлади. Ўтмишда бегоналашув салбий оқибатларга эга бўлишига қарамасдан, диннинг ўзи бегоналашувни билдиришини англаш, Фейербахга кўра, инсоният учун улкан йўллар очади. Кишилар илгари динники сифатида қараб келинган қадриятларнинг ҳақиқатдан ҳам ўзлариники эканлигини англашлари билан, у дунё лаззатларини кутиб ўтирмай, бу қадриятлардан ердаги ҳаётларида фойдаланиш имкониятларига эга бўладилар. Шунда, христиан эътиқодига мос келувчи худо эга бўлган ҳокимият кишиларнинг ўз қўлларига олиниши ва улар бунда худо каби қудратга эга бўлишлари мумкин. Христианлар шунга ишонадиларки, ҳамма нарса — қодир Худодан, инсон мавжудотига севги ҳиссини туйган бу олий зотдан фарқли равишда, кишилар ўз табиатларига кўра номукамал ва ахлоқсиздир. Бироқ, Фейербахнинг ўйлашича, кишилар ташкил қилган ижтимоий институтлар уларга ўз ҳаётларини ўзлари бошқариш, бир-бирларини севиш, яхшилик ва эзгулик яратиш имкониятларини беради. Ижтимоий институтларнинг ҳақиқий характерлари ва салоҳиятини тўғри англаш, оқибатда, уларни тўлиқ жорий этиш-

га имкон беради. Маркс динга муносабатда кишиларга хос бегоналашувга оид қарашни маъқуллайди. Кўпинча, гўё Маркс динни рад этган, деган фикрлар айтилади, бу асл ҳақиқатга тўғри келмайди. «Дин, — деб ёзган эди у, — шафқатсиз кундалик ҳаётда бошпана бўлувчи «қалбсиз дунёнинг қалбидир». Маркс нуқтаи назарича, анъана бўлиб келган дин шакллари йўқолиши даркор. Бу нарса динда мужассамланган қадриятлар кўпчилик кишиларнинг камолотга етиши учун йўл кўрсатувчи ғояларга айланган чоғда юз беради, лекин бу ғоялар ва идеаллар хато бўлмасликлари лозим. Биз ўзимиз яратган худолардан қўрқмаслигимиз зарур ва уларни қадриятларга айлантиришни тугатиб, ўзимизнинг имкониятларимизни намоён қилишимиз зарур. Маркснинг: «Дин халқ учун афюндир», деб айтган машхур фикри бор. Дин, кишиларга бу дунёдаги барча азоб-уқубатлари учун «у дунёда» мукофот берилишини ваъда қилиб, ҳаётдаги мавжуд барча қийинчиликларга кўникашни уқтиради ва шундай қилиб, уларнинг бу ҳаётдаги адолатсизлик ва тенгсизликларга қарши курашдан диққат-эътиборларини бошқа нарсаларга қаратади. Дин ўзида жуда кучли мафкуравий компонентларга эга: диний эътиқодлар ва қадриятлар мулкӣ тенгсизлик ва ижтимоӣ ҳаётдаги мавжуд аҳволни оқлаш вазифасини ўтайди. Масалан: «мўмин — мукофотланади» деган ғояга содиқ киши бошқаларга содиқ, итоаткор бўлиб, зўрликка, зулмга қарши бормайди.

Дюркгейм ва диний маросим

Марксга қарама-қарши, Эмиль Дюркгейм ўзининг анчагина илмӣ фаолиятини динни ўрганишга бағишлади. У ўзининг алоҳида эътиборини кичик анъанавий жамиятлар динларини ўрганишга жалб этди. Дюркгеймнинг «Диний ҳаётнинг содда шакллари» китоби (1912 йилда чоп этилган), дин социологиясига анча жиддий таъсир этган асардир. Дюркгейм динни ижтимоӣ тенгсизлик ёки ҳокимият билан бевосита боғламайди, у динни бир бутун ижтимоӣ институтларнинг табиати билан боғлиқ деб билади. У ўз ишида асосан Австралия аборигенларининг тотемистик эътиқодларини таҳлил қилиб, тотемизм нисбатан оддий дин шакли эканлигини таъкидлайди, унинг китобининг номи ҳам шундан келиб чиқади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, тотемнинг дастлабки маъноси бир гуруҳ кишилар учун *ҳайвон ёки ўсимликлар* рамзий маънога эга. Тотем, одатда ўзини ўраб олган диний расм-русумлар билан диний эътиром ҳиссини муқаддас диний объект сифатида намоён қилади. Дюркгейм динни таърифлашда, уни **муқаддасликка** ва **дунёвийликка** қарама-қарши қўяди. Муқаддас нарсалар ва рамзлар, деб таъкидлайди у, одатдан ташқари дунёвий соҳани ташкил қилган руҳӣ объектлардир. Тотемларни (ҳайвонлар ёки ўсимликларни) овқат сифатида истеъмол қилиш диний маросимлардан ташқари вақтларда ман қилинади. Тотемга, бошқа овлаш мумкин бўлган ҳайвонларда ва йиғиш

мумкин бўлган ўсимликларда бўлмаган хусусиятлар хос деб ҳисобланади. Нега тотем муқаддас ҳисобланади? Дюркгеймга кўра, бунинг сабаби шуки, у гуруҳнинг ўз рамзи ёки жамоанинг муҳим қадриятлари сифатида намоён бўлади.

Кишиларнинг тотемга бўлган иззат-ҳурмати ҳақиқатда уларнинг маълум ижтимоий қадриятларга бўлган эҳтироми, иззати туфайлидир. Диндаги сигиниш объекти, ҳақиқатда, жамиятнинг ўзидир. Дюркгейм шуни қатъий таъкидлайдики, динни фақат эътиқодлар тўпламидан иборат, деб тушунмаслик керак.

Ҳар қандай дин учун шу нарса характерлики, уларга ишонувчи кишилар гуруҳи иштирок этадиган доимий такрорланувчи диний маросимлар ва урф-одатлар мавжуд бўлиб, ўтказиладиган бу расм-русумлар туфайли уларда гуруҳий ҳамкорлик юзага келади ва у мустаҳкамланиб боради. Расм-русумлар кишиларни дунёвий ҳаёт таъшишларидан бир оз бўлса ҳам холи қилиб, улар ўзларида юксак олий ҳиссиётлар дунёсини ҳосил қилиб, олий кучлар билан қўшилиб кетиш ҳиссини туядилар. Бу олий кучлар, яъни тотемлар, илоҳий мавжудотлар ёки худо, ҳақиқатда эса, жамоанинг шахсга таъсирининг инъикосидир. Маросимлар ва расм-русумлар, Дюркгейм нуқтаи назарича, ижтимоий гуруҳ аъзоларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Бу нарса шундай ҳодисаларга сабаб бўлиши мумкинки, бундаги расм-русумлар нафақат стандарт вазиятларда доимий тоат-ибодат қилишлар, балки инсон ҳаётида кечадиган бошқа муҳим вазиятлар, инсоннинг ижтимоий аҳволида юз берадиган, масалан, туғилган куни, турмуш қуриши ёки ўлими каби ҳодисаларда муҳим ўрин тутати. Бундай маросимлар ва расм-русумлар амалий жиҳатдан олганда, ҳамма жамиятларда мавжуд. Дюркгейм бундан шундай хулоса қилади: кишилар ўз ҳаётларини маълум даражада рўй берадиган ўзгаришларга мослаш даврида фойдаланадиган расм-русумлар ва маросимлар гуруҳлар ҳамкорлигини мустаҳкамлайди. Дафн пайтидаги диний маросим шуни аниқ кўрсатиб берадики, алоҳида киши ҳаётининг қадр-қиммати гуруҳ ёки жамоа ҳаётига оид қадр-қимматларга нисбатан вақтинча аҳамиятга эга бўлиб, шу билан кишиларнинг яқин кишисини йўқотганлигига рози бўлишга олиб келади. Кимгадир тааллуқли бўлган, кимнингдир ўлими, мотами — бу ўз-ўзидан юзага келган қайғу ёки оддий мотам бўлмай, балки маълум гуруҳнинг аъзоси бошига тушган мажбурият, яъни бурч ҳамдир.

Анъанавий турга оид кичик маданиятларда, — деб қайд қилади Дюркгейм, — ҳаётнинг деярли ҳамма томонларига дин сингиб кетган. Диний маросимлар, бир томондан, янги ғоялар ва тафаккур категорияларини туғдирса, иккинчи томондан, тўпланган қадриятларни мустаҳкамлайди. Дин нафақат ҳис-ҳаяжонлар ва иш-ҳаракатларнинг давом этишида, балки у амалда анъанавий кичик маданиятларда фикрлаш усулини ҳам белгилаб беради. Ҳатто баъзи умумий фалсафий категориялар, шу

жумладан, вақт ва фазо ҳам дастлаб диний тушунчаларда ифодаланади. Вақт тушунчаси, масалан, диний маросимларнинг давом этишини ҳисоблаш зарурияти туфайли пайдо бўлди.

Дюркгейм динлардаги ўзгаришлар ҳақида

Ижтимоий прогресс ривожлангани сари диннинг таъсири сусая боради, деб ҳисоблайди Дюркгейм. Илмий тафаккур борган сайин кўпроқ даражада диний талқин қилишнинг ўрнини эгаллаб боради. Диний маросимлар ва расм-русумлар инсон ҳаётининг тобора оз қисмини олаборади. Дюркгейм Маркснинг анъанавий динлар (яъни, ғайритабиий кучлар ва илоҳларга асосланган динлар) йўқолиш арафасида деган фикрига қўшилади. «Эски худолар ўлишади», — деб ёзади Дюркгейм. Шу билан бирга, маълум маънода айтиш мумкинки, — дейди у, — ўзгарган шаклда дин, эҳтимол, сақланиб қолади. Ҳатто жамиятнинг ҳозирги замон тури ҳам уларнинг қадриятлари тасдиқланувчи ва мустақамланувчи диний маросимларга эҳтиёж сезади. Демак, эҳтимол эски ва умри ўтган маросимлар ўрнига янги диний маросимлар пайдо бўлиши мумкин. Дюркгейм бу маросимлар қандай тус олиши ҳақидаги саволга аниқ жавоб бермайди. У бунда гуманитар ва сиёсий қадриятлар тантана қилишини, эркинлик ва тенглик, ўзаро ҳамкорликнинг амалга ошишини назарда тутати.

Иқтисодий жиҳатдан ривожланган кўпчилик давлатларда, эҳтимол, фуқаролик динлари, деб номланган динларни тараққий эттириш тезисини илгари суришни, уни рағбатлантиришни истовчилар ҳам бордир. Буюк Британияда давлат байроғи, «Ишонч ва шон-шараф ери» ашуласи ва шуларга ўхшаш урф-одатлар, маросимлар (тож кийдириш ва шу кабилар) «Британия турмуш тарзининг аълолигини кўрсатиш»⁵, анъанавий диний институтлар (масалан инглиз черкови каби) билан ишонч муносабатларини яхшилаш учун ҳар хил рамзлардан фойдаланишади. Аксинча, Совет Иттифоқи, Маркс гоёлари билан мос тарзда динга, уни анъанавий тушунишга қарши очиқ душман бўлган жамият сифатида намоён бўлди. Ҳар йили Биринчи Майни Москвада Қизил Майдонда байрам қилиниб, Октябрь инқилобига содиқликларини намоён қилишди...

Бу контекстда янги диннинг пайдо бўлганлиги ҳақида гапириш адолатдан бўладими? Бу савол ҳозирча очиқ қолади. Фуқаролик рамзлари ва маросимлари бугун анъанавий динлар билан тинч-тотувликка келишмоқда. Шундай бўлса ҳам, динларнинг маросимлари ва расм-русумларининг пайдо бўлиш ижтимоий механизмлари жуда ва жуда ўхшашдир, буни инкор қилиш қийин.

⁵ Bellah N. Beyond belief. New York, 1970.

Вебер ва дунё динлари

Дюркгейм ўз аргументларини асослаган мисолларнинг сони жуда ҳам чекланган, айниқса, у ўзининг динга муносабатини бир бутунлик сифатида ифода этганини ҳисобга олганда, бу яққол намоён бўлади. Макс Вебер Дюркгеймдан фарқли ўлароқ, дунёда мавжуд динларнинг барчаси ҳақида жуда кенг тадқиқотлар олиб борган олимдир. Ҳеч бир олим на унча, на ундан кейин унга ўхшаб кенг миқёсда диний соҳада тадқиқотлар олиб бормаган. У эътиборини ҳаммадан илгари ўзи дунё динлари деб атаган, яъни ўзига кўплаб эътиқод қилувчиларни жалб қилган ва дунё тарихига ҳал қилувчи таъсир ўтказган динларга қаратади. Вебер ҳиндуизм, буддизм, даосизм ва дастлабки иудаизм ҳақида ҳар томонлама кенг тадқиқотлар олиб борган. 1904—1905 йилларда эълон қилинган “Протестантлик этикаси ва капитализм руҳи” деб номланган асари ва бошқа китобларида у христианликнинг ғарб тарихига таъсири ҳақида батафсил тўхталиб ўтган. Бироқ бахтга қарши, у ислом тўғрисида ўзининг ўйлаган тадқиқотларни амалга ошира олмай, вафот этади.

Вебер ва Дюркгейм асарлари дин масалаларида сезиларли даражада бир-биридан фарқ қилади. Вебер биринчи навбатда, диний ва ижтимоий ўзгаришларнинг ўзаро бир-бирига муносабатларини тадқиқ қилиш билан шуғулланган бўлса, бу масалаларга Дюркгейм ўз эътиборини кам қаратган. Вебер, Марксдан фарқли равишда ўз тадқиқотларида шуни қайд қиладики, дин ҳар доим ҳам консерватив куч бўлавермаслиги мумкин, аксинча диний илдизларга эга бўлган ижтимоий ҳаракатлар, кўпинча жамиятда сезиларли ўзгаришларга олиб келган. Масалан, протестантизм “хусусан, пуританизм” ғарбда худди шундай капиталистик ривожланишга асос бўлиб хизмат қилган. Биринчи корхона эгалари, асосан кальвинистлар бўлишган. Уларнинг муваффақиятга қаратилган ички ниятлари ғарбда иқтисодий тараққиётнинг бошланишига катта ёрдам беради. Бунда уларнинг ҳудода хизмат қилиш хоҳишлари катта рол ўйнади. Улар учун моддий муваффақиятларга эришиш — бу илоҳий мартабага эга бўлиш ҳисобланган. Вебер ўзининг дунёвий динлар соҳасига оид ишларини бир бутун тадқиқот деб ҳисоблаган. Унинг протестантизм динининг ғарб тараққиётига таъсири тўғрисидаги қарашлари, унинг ҳамма жиҳатларни ўз ичига олувчи динларнинг турли хил маданиятларда ижтимоий ва иқтисодий ҳаётга таъсири изоҳининг фақатгина бир қисмидир. Шарқ динларини таҳлил қилиб чиқиб, у шундай хулосага келади: бу динлар шарқ учун ғарб тимсолидаги саноатлашган капиталистик тараққиётга ўтишда енгиб бўлмас тўсиқ бўлган. Бу бошқа цивилизациялар ғарб цивилизацияларига нисбатан қолоқ бўлганлари учун эмас, балки оддий қилиб айтганда, уларнинг кадриятлари Европада ҳукмрон бўлган кадриятлардан фарқ қилгани учун шундай бўлган.

«Анъанавий Хитойда ва Ҳиндистонда, — деб кўрсатади Вебер, — савдо, ишлаб чиқариш, шаҳарлар қурилишлари ривожланганлиги кузатилади, бироқ улар бу жамиятларда Ғарбдаги саноат капитализми ўсишига хос радикал ўзгаришларга олиб келмайди». Дин шундай ўзгаришларга асосий тўсиқ бўлади. Мисол учун ҳиндуизмни олайлик, Вебер уни “нариги дунё” дини, деб атайди. Бунда у ҳиндуизмнинг асосий қадриятлари жамиятда кишиларни моддий дунё ҳокимиятидан озод қилиб, уларнинг янги олий маънавий тараққиётга ўтганлигини кўзда тутган эди. Ҳиндуизм томонидан туғдириладиган диний ҳис-туйғулар ва мотивация моддий дунё устидан ҳукмронлик қилишга қаратилиб, уни ўзгартиришга йўналтирилмаган бўлади.

Аксинча, ҳиндуизм моддий воқеликни бир парда деб қараб, унинг ортда инсониятнинг ҳақиқий манфаатлари ва мақсадлари яширинган бўлади, дейди. Конфуцийчилик ҳаракатлари ҳам худди шундай: иқтисодий тараққиётнинг ғарбча тушунилиши бартараф қилинади; инсоният учун дунё билан маълум уй-ғунликка эришиш таъкидланади.

Ғарчи Хитой узоқ вақтлар давомида дунё цивилизациясига нисбатан маълум даражада ривожланган, энг қудратли давлат бўлган бўлса ҳам, лекин унда ҳукмронлик қилган диний қадриятлар, Хитой манфаатлари талабларига жавоб берадиган жуда кучли иқтисодий ривожланишларга тўсиқ бўлиб келди.

Вебер христиан динини халоскорлик дини сифатида характерлайди, бунда унингча кимки ўз эътиқодида христианликка риоя қилиб ва унинг буйруқларини тўла бажарса, бу уни ҳамма бало-қазолардан халос қилиши мумкин эмиш. Христианлик учун ўта муҳим бўлган тушунча — бу гуноҳкорликдир, ундан эса худонинг меҳрибонлиги туфайли киши озод бўла олади. Бу тасаввурлар диндорлар ўртасида маълум кескинлик ва эмоционалликни келтириб чиқаради.

Диннинг халоскорлиги ҳақидаги қарашлар инқилобий жиҳатга ҳам эга. Шарқ динларидан фарқли равишда (шарқ динларида диндорларга пассивлик, мавжуд тартибларга мушоҳадавий ёндошиш тавсия қилинади), христианликда гуноҳкорликка қарши тўхтовсиз курашлар рағбатлантирилади. Бу, ўз навбатида, мавжуд тартибларга қарши курашни қўллаб-қувватлашга олиб келади. Исога ўхшаш дин доҳийлари пайдо бўлиб, улар эски диний догмаларни қайтадан шундай баён қилишадикки, натижада ташкил топган мавжуд ҳокимият тизимига қарши бўлган ғоялар пайдо бўлади.

Баҳолаш

Маркс, Дюркгейм ва Веберларнинг ҳар бири диннинг муҳим хусусиятларини ўзича белгилайди, натижада уларнинг қарашлари бир-бирини тўлдиради. Маркс кўрсатишича дин кўпинча мафкуравий мазмунга эга бўлиб, ҳукмронлар манфаатларини ҳимоя қилишга, улар эҳтиёжларини қондиришга,

уларнинг мақсадларини оқлашга хизмат қилиши мумкин, бунга тарихда беҳисоб мисоллар мавжуд. Мисол учун, христианликнинг, европалик мустамлакачиларнинг бошқа халқларни ўзларига қарам қилиш учун олиб борган уринишларини олиш мумкин. Миссионерлар маъжусийларни христианликка жалб қилишга уриниб, уларга турли хил таъсир ўтказишлари туфайли анъанавий маданиятнинг таназзулини тезлаштиришга ва шу билан оқ танлиларнинг ҳоки-миятини мустақамлашга хизмат қилишади. Христиан динини тарғиб қилувчиларнинг деярли ҳаммаси қулчиликка то XIX асргача сабр-тоқат билан чидаб келишган эди. Ҳатто бу ҳақда махсус назариялар пайдо бўлиб, уларда қулчилик гўё худо томонидан илоҳий равишда белгиланганлиги айтилади. Қулларнинг бўйсунмаслик ҳолатлари эса, гўё худо олдида ва ўз хўжайини олдида оғир жиноят, гуноҳ ҳисобланган⁶.

Бунда Вебернинг мулоҳазаси — диний ғояларнинг мавжуд ҳукмрон ижтимоий тартибларга таҳликали, ҳатто инқилобий таъсири ҳақидаги фикрлари асосли туюлади. Гарчи черков дастлабки даврларда АҚШдаги қулчиликнинг мавжуд бўлишини қўллаб-қуватлаган бўлса-да, кейинчалик кўпчилик черковларнинг бошлиқлари қулларни озод қилиш учун курашда муҳим роль ўйнадилар. Диний эътиқодлар кўпчилик ҳолларда ижтимоий ҳаракатларни ривожлантиришда, адолатсиз ҳокимият тизимларини йўқотишда муҳим ўрин тутди. Улар АҚШда XX асрнинг 60-йилларида фуқаролик ҳуқуқлари учун олиб борилган тарихий курашларда мисли кўрилмаган ўрин тутдилар. Диннинг жамиятлардаги ижтимоий тартибларнинг ўзгаришлари билан боғлиқлигини бошқача ифодалайдиган бўлсак, инсоният тарихида динлар қуролли тўқнашувларга ва урушларга сабаб бўлиб, уларда кўпинча диний сабаблар асосида оммавий қон тўкишлар ҳам келиб чиққан.

Диннинг бу зиддиятли, шу билан бирга улкан тарихий аҳамиятга эга бўлган ўрнини ўрганишга, диннинг ролига Дюркгейм ишларида нисбатан жуда кам аҳамият берилган. Дюркгейм, биринчи навбатда, жамиятда ижтимоий муросани таъминлашда диннинг муҳим ўрни борлигини таъкидлайди. Бинобарин унинг ғояларини динлардаги зиддиятларни ва улардан келиб чиқадиган ижтимоий ўзгаришларни изоҳлашда қўллаш унчалик қийин эмас. Бир хил диндор гуруҳларнинг бошқа диндор гуруҳларга душманлик ҳиссиётларининг кучлилиги, аввало уларнинг вакиллари ўзларининг диний қадриятларига қанчалик содиқлигига, ўз жамоаларининг уларни қўллаб-қуватлашларига боғлиқ бўлади.

Дюркгеймнинг илмдаги ютуқларига келганда, биринчи навбатда унинг диний маросимлар ва урф-одатлар муаммосига кучли урғу бериб, ўз эътиборини қаратганлигидадир.

⁶ *Stamp K. The peculiar institution. New York, 1956.*

Ҳамма динларда диндорларнинг доимий йиғилишларини ўтказиш амалиёти мавжуд, бу йиғилишлар вақтида эса маълум маросимлар ўтказилиб, ҳар хил расм-русумлар амалга оширилади. Бинобарин Дюркгейм ҳаққоний равишда кўрсатишича, диний маросимлар ва расм-русумлар ижтимоий ҳаётдаги асосий ва муҳим воқеа-ҳодисаларни акс эттиради. Булар: туғилиш, маълум билим ва малакаларга эга бўлиш билан ўтказиладиган тадбирлар, балоғат ёшига етиш муносабати билан қилинадиган расм-русумлар, уйланиш даврида қилинадиган тўйлар ва дафн маросимлари ва бошқалардир.⁷

Маркс, Дюркгейм ва Веберларнинг ғояларига биз ушбу бобнинг кейинги қисмларида ҳам мурожаат этамиз. Авваламбор, турли диний ташкилотларнинг тоифаларини кўриб чиқамиз ва ўрнатилган диний тартибларда жинснинг аҳамиятини аниқлаймиз. Сўнгра, Европа ва баъзи бошқа давлатларда ўрнашган ижтимоий тартибни ўзгартиришни мақсад қилиб қўйган миллинарийлар ҳаракатини ўрганишга ўтамиз. Кейинчалик дин қайта туғилишининг муҳим мисоли — ислом фундаментализмининг ўсишига тўхталиб ўтамиз, сўнг диннинг ғарб жамиятидаги ҳозирги тутган ҳолатини кўриб чиқамиз.

Диний ташкилотларнинг турлари

Вебер ва Трельч: черковлар ва секталар

Барча динлар учун турли хил тузилишдаги эътиқод қилувчилар жамоалари мавжудлиги аҳамиятга моликдир. Диний ташкилотларни тасниф қилиш усулларида бири Маркс, Вебер ва Эрнст Трельч⁸ томонидан таклиф қилинган. Вебер ва Трельч черков ва секталар ўртасидаги тафовутларни ажратиб беришган. Черков жамоат эътиборини қозонган ва турли шаклдаги мустақам илдииз отган, масалан, католик ёки англикан черковлар каби диний ташкилот бўлган.

Секталарнинг эса кўлами кичикроқ, тузилиши эса содда-роқ бўлади. Улар, кальвинист ва методистлар сингари расмий черковдан норози бўлган ашаддий диндорлардан ташкил топади. Черковлар одатда лавозимлар иерархиясига асосланадиган бюрократик тузилмага эга бўлиб, консерватив диний қатламлар манфаатини ифодалашга мойил бўладилар, чунки улар шаклланиб бўлган институтлар доирасида фаолият кўрсатади. Уларнинг кўпчилигининг ота-онаси ҳам шу динга эътиқод қилган бўлади.

Секталар нисбатан кичик ташкилотлардир; одатда улар ўзларининг “ҳақ йўлини” топиб унга амал қилишга интиладилар. Ижтимоий ҳаётда уларга бошқалардан ихоталаниш ва ўз ҳам-

⁷ Van Gennep *A The rites of passage* London 1977.

⁸ Troelisch *E / The social.*, Chicago 1989.

жамияти доирасида биқиниб олиш тамойили хос. Секта аъзолари ҳукмрон черковни сотқин, деб ҳисоблашади. Аксарият секталар профессионал руҳонийларга эга эмас ва аъзоларнинг тенглигини таъкидлаб туришади. У ёки бу секта аъзоларидан баъзиларигина туғилиши билан мазкур секта таъсирига тушади, кўпчилик секталарга етук ёшдагилар, ўз эътиқодларини мустаҳкамлаш мақсадида аъзо бўлишади.

Бекер: деноминация ва культлар

Вебер ва Трельч тақлиф қилган таснифни бошқа муаллифлар такомиллаштирди. Бунга мисол қилиб диний уюшмаларнинг яна икки типини: деноминация ва культларни киритган Говард Бекернинг ишини олиш мумкин. Деноминациялар мухолиф гуруҳлардан кўра кўпроқ “босилиб қолган” ва кўп жиҳатдан шаклланиб бўлган ижтимоий институтга яқин бўлган сектадир. Муайян муддат давомида ўз яхлитлигини сақлаб қолган секталар муқаррар тарзда деноминацияларга айланадилар. Кальвинизм ва методизм ҳам ривожланишнинг илк босқичларида қавмлари эътиросга берилган секталар эди, лекин вақт ўтиши билан улар “оғир-босиқ” бўлиб қолдилар. Черков томонидан, у ёки бу даражада қонуний, деб эътироф этиладиган деноминациялар черков билан ёнма-ён фаолият юритадилар, кўпинча ҳамкорлик ҳам қиладилар.

Культлар секталарга ўхшайди, бироқ ўзига хос муҳим хусусиятларга ҳам эга. Улар диний уюшмаларнинг барча типлари орасида энг эркин ва ўзгарувчани ҳисобланади. Уларга ўз атрофидаги дунёнинг қадриятларини инкор қиладиган одамлар мансуб бўлади. Уларда асосий эътибор индивидуал тажрибага қаратилади, бу эса фикрлаш тарзи бир-бирига яқин одамларнинг бирлашишига олиб келади. Улар культга норасмий тарзда бирлашадилар, бироқ айнан бир хил назарияга мойил ва белгиланган ҳулқ-атворга амал қиладилар. Культларнинг тарафдорларига бошқа диний уюшмалар билан алоқада бўлиш, бошқа динларга нисбатан мажбуриятлар олиш ман қилинмайди. Секталар сингари культлар ҳам кўпинча илҳомлантирувчи-етақчи атрофида қавмларнинг бирлашишидан ташкил топади. Культларга ҳозирги Фарб мамлакатларидаги спиритизмга, астрологияга ёки трансцендентал медитацияга ишонувчи гуруҳларни киритиш мумкин.

Баҳолаш

Юқорида муҳокама қилинган тўртта тушунча диний ташкилотларнинг турли жиҳатларини таҳлил қилиш учун фойдалидир, лекин уларни эҳтиёткорлик билан қўллаш лозим, чунки бу тушунчалар маълум даражада христианлик анъаналарини акс эттиради. Исломи дини мисолида шунга ишонч ҳосил қилиш мумкинки, христианликдан ташқарида, черков ва бошқа диний институтлар ўртасида ҳар доим ҳам аниқ чегара қўйиш

мумкин эмас. Шу жиҳатдан, бошқа кенг тарқалган динларда ривожланган диний бюрократик иерархия мавжуд эмас. Ҳиндуизм, масалан, ички жиҳатдан шу қадар хилма хилки, унда бюрократик ташкилотлардан асар ҳам йўқ. Унинг турли тарихий қисмларини, «деноминациялар» дейиш нотўғридир.

Диний мазҳаб ва диний маросим тушунчалари амалиётда кенг қўлланилади, бироқ бу ерда ҳам ана шундай эҳтиёткорлик зарур. Кўпгина диний мазҳабларни (секталарни) эслагувчи гуруҳлар барча дунё динларида мавжуддир. Уларга Фарбий мазҳабларга хос хусусиятлар фавқулоддалик ҳиссиёти, ғояга қизғин тарафдорлик, ортодоксал қарашлардан жиддий фарқ қилувчи қарашларга эгалик хос бўлган. Бироқ бу гуруҳлардан кўплари, масалан, Ҳиндистонда, христиан мазҳабларидан кўра кўпроқ традицион этник жамоаларга ўхшашдирлар. Уша тўпнинг кўпчилики гуруҳларига «ҳақиқий диндорлик» жўшқинлиги етишмайди, одатда христианликдан олинган «Шарқнинг ахлоқий динлари» нисбатан кўпроқ бошқа бегона динларга сабрли бўлишади. Бунда гуруҳ бошқа мустаҳкам диний ташкилотларнинг ҳеч бир қаршилиғига учрамай, ўзининг шахсий йўлини танлаб олиши мумкин бўлади. «Культ» термини жуда кенг тарқалган бўлиб, у масалан, милленарийлар ҳаракатларининг баъзи бир кўринишларига нисбатан ҳам қўлланиши мумкин, чунки улар Бекер киритган расм-русумлар (культ) тушунчасига нисбатан ҳам кўпроқ диний маросимлар билан умумийликка эгадир.

Черков, секта (мазҳаб) ва деноминациялар тўғрисидаги тасаввурлар, эҳтимол, қайсидир даражада Фарб маданияти учун ўзлаштирилмаган тасаввурлардир. Қандай бўлганда ҳам, бошқатдан киритилган бу тушунчалар барча динларда мавжуд зиддиятларни таҳлил қилишни енгиллаштириш учун хизмат қилишади. Диний ташкилотлар маълум вақтнинг ўтиши билан бюрократлашиб, ўзларининг уddaбуронлигини йўқота боради, гарчи диний рамзлар уларни эгаллаган диндорлар кўзлаганидан ташқари, эмоционал куч сифатида намоён бўлиб, эътиқоднинг оддий даражага тушиб қолишига тўсқинлик қиладилар. Доимий равишда янги мазҳаблар (секталар) ва янги расм-русумлар пайдо бўлиб боради. Бунда Дюркгейм изидан бориб, муқаддас динийлик ва дунёвийликни фарқлаш фойдалидир. Бунда диний фаолият қанча кўп ўйламасдан стандартлаштириб, диний маросимлар ўйламасдан қабул қилиниб борилса, улар муқаддаслигини шунчалик тез йўқотиб, оддий кундалик ҳаёт билан қоришиб кетади. Бошқа томондан, диний урф-одатлар диний тажрибанинг алоҳида кадр-қимматини оширишга ҳам олиб келиши мумкин. Бунда иштирок этувчи диндор кишилар ўзларида ортодоксал қарашларга алоқаси бўлмаган чуқур индивидуал руҳий хусусият ҳосил қилиши мумкин. Бир қисм диндор гуруҳлар диндорларнинг асосий қисми билан ўз муносабатларини бузиб, сепаратизм ёки исёнчилик ҳаракатлари тузишлари, шунинг-

дек, қандайдир бошқа йўл билан ўрнашиб қолган маросимлар ва эътиқоддан четта чиқишга ҳаракат қилишлари мумкин.

Гендер ва дин

Черковлар ва деноминациялар, олдинги муҳокамалар кўрсатганидек, формал бўйсунуш тизимига эга диний ташкилотлар ҳисобланади. Диний бўйсунуш тартибида, ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида ҳам бўлганидек, хотин-қизларнинг кўпроқ қисми ҳокимиятдан четлаштирилган. Бу, агар христианлик ҳақида гапирилса, ҳеч бир шубҳа уйғотмайди, бошқа ҳамма йирик динларда ҳам шундай қонуний ҳолни кўриш мумкин.

Диний тимсоллар

Христианлик дини маълум даражада унинг рамзларига кўра ҳам, иерархия (бўйсунуш тизими) жиҳатидан ҳам «соф эркаклар иши» ҳисобланади. Гарчи Исонинг онаси Биби Марям, баъзида илоҳий хусусиятларга эга сифатида тасвирланса ҳам, аммо Худо — бу ота Худо, эркакларнинг бошланишидир; худо одам эса Исо бўлиб, у эркак қиёфасида яратилган, аёл киши эса эркакнинг қовурғасидан яратилган. Гарчи «Библия» матнларида кўпчилик иштирок этувчи шахслар аёллар бўлиб, уларнинг баъзилари хушхулик, гўзал қалбли, жасур бўлсалар-да, бош роллар, барибир, эркакларга қолдирилган. «Библия»да Мусо образига тенг келадиган хотин-қизлар образи йўқ, инжилдаги барча ҳаворийлар — эркаклардир.

Бу фактлар хотин-қизлар ҳаракатларида ҳам сезилмасдан қолмайди. 1895 йилда Элизабет Кэди Стентон «Аёллар Библияси»⁹, деб ном олган муқаддас ёзувларга ёзилган шарҳларини эълон қилди. Унинг нуқтаи назарича, худо эркак ва аёлни бир хил қадриятларга эга мавжудотлар қилиб яратган ва «Библия»да бу ҳолни тўлиқ инобатга олиш лозим эди. Стентон ишончига кўра, бу муқаддас китобнинг «эркакни улугловчи» характери шундан келиб чиқадики, унда худо ҳақида ҳақиқий чин тасавурлар мавжуд бўлиб, улар фақатгина «Библия» эркаклар томонидан ёзилганлигини тасдиқлайди. 1870 йили инглиз черкови комиссия ташкил қилиб, унга, олдин ҳам бир неча бор бажарилган «Библия» матнларини солиштириш ва тузатиш вазифаси топширилади. Стентон кўрсатганидек, комиссия таркибига биронта ҳам аёл киритилмайди. Бу эса худо эркак жинсида бўлган дейиш учун асос бермайди, чунки муқаддас китобда айтилганидек, барча одамлар илоҳнинг тимсоли ва шаклига қараб яратилган. Унинг аёл ҳамкасбларидан бири хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бағишланган конференцияни очишда дуо ўқиб, унда “Худо бизнинг онамиз”, дегани учун расмий черковнинг газабли хуружларига дучор бўлди. Шунга қарамай,

⁹ Stanton E. The womans bible: the original feminist attack on the Edinburgh, 1985.

Стентон ўз қарашларидан қайтмайди ва “Аёллар Библия”сини тайёрлашда унга маслаҳат бериб туришлари учун 23 аёлдан иборат Аёллар тафтиш ҳайъатини тузди.

Бу китобнинг сўзбошида у ўз нуқтаи назарини шундай баён қилади:

Черков ва фуқаролик қонунлари, черков ва давлат, поплар ва қонун чиқарувчилар, ҳамма сиёсий партиялар ва динга эътиқод қилувчилар айнан бир нарсани ўргатади, аёл эркакдан кейин, эркакдан ва эркак учун яратилган, шунинг учун улар эркакка тобе, улар паст нав, дейилган. Ижтимоий ахлоқ, одатлар ва модалар, черков расм-русмлари ва қабул қилган тартиб-қоидалари — уларнинг ҳаммаси шу тасаввурга асосланишади. Кимки шу қайғули мавжудотни ўзгартириб, уни юксак чўққиларга кўтариб, шон-шухратга буркаса, инсон зотининг онаси сифатида ҳурмат қозондирса, унга Шарқ маҳатмаларининг илоҳий кучига эга инсондек табриклар ёғдирилади.

Илоҳий аёллар бутун дунё динларида кўплаб учрайди. Баъзида улар «Аёлларга хос назокатга» эга бўлган, мулозим ва нозиктаъб қиёфада, бошқа ўринларда эса илоҳий маъбуда кўринишида бузғунчи, кишиларни даҳшатга солувчи қиёфада намоён бўлишади. Гарчи кундалик ижтимоий ҳаётда аёллардан жуда кам ҳарбий бошлиқлар, саркардалар чиққан бўлишларига қарамай, динларда улар бузғунчи маъбуда сифатида кўп учрайди.

Ҳозирги даврга қадар аёлларнинг диний рамзларда ва қадриятлардаги ўрни кенг кўламда тадқиқ қилинмаган. Бироқ, баъзи бир динларда аёллар образи диний рамзлар ва авторитетлар сифатида устун даражада тасвирланган.

Мисол учун буддизмни олайлик. Унинг баъзи бир оқимларида аёллар образлари муҳим роль ўйнайди. Буддизмнинг асосий йўналишларидан бири — махаянада аёл яхши, фаровон ҳаёт ичида кўрсатилган. Бироқ бу муаммони тадқиқ этган таниқли бир олимнинг мулоҳазасига кўра, буддизмда ҳам христианликка ўхшаб, «эркаклар томонидан ташкил қилинган ижтимоий институтда танҳо ҳокимиятнинг патриархал тизими ҳукмронлик қилади»¹⁰. Буддизмнинг муқаддас ёзувларида аёлларнинг зиддиятли тасвирида шубҳасиз, ердаги ҳаётда эркакларнинг аёлларга бўлган икки хил муносабати ўз аксини топган. Бир томондан, аёллар бунда доно, нозиктаъб, оналик ҳисси равшан тасвирланган бўлса, бошқа томондан эса, улар сирли, кишини йўлдан оздирувчи, бузғунчи мавжудотлар ролида намоён бўлишади. Агар биз бунда Фейербахнинг «дин ўзида жамиятда чуқур илдиз отган ижтимоий қадриятларни акс эттиради», деган қарашларини эътиборга оладиган бўлсак, шу нарса аниқ бўладики, эркаклар образлари динларда алоҳида, махсус ўринда туриши ҳеч бир шубҳа туғдирмайди.

¹⁰ Paul D. Women in Buddhism: images of the feminine in the Mahayana tradition. Berkeley, 1985. XIX.

Аёллар диний ташкилотларда

Буддизмда аёлларга анъанавий ҳолда роҳиблик роли белгиланган, христианликда ҳам аёлларнинг роҳиблик қилишларига рухсат бор. Роҳиб аёллар ҳаёти христианликда илк бор ана шундай тасвирлана бошлайди (улардан кўпчилиги тарки дунё қилган аёллар), улар қашшоқ, ўзларини руҳий машқларга бағишлаган кишилар бўлишган. Улар амалий жиҳатдан ҳукмрон черков билан алоқада бўлмаганлар, бироқ ўрта аср бошларида черков бу гуруҳлардан ташкил топган кўпчилик роҳиблик орденлари устидан ўз назоратларини ўрнатади. Монастирларда доимий таширф жойлари ташкил қилиниб, унда роҳиблар яшайдилар ва католик черковлари ҳокимиятига бўйсунушади. XII—XIII асрларда, салиб юришлари даврида баъзи бир кучли таъсирга эга эркаклар роҳиблик орденлари (масалан, цистерцианлар ёки августиначилар) пайдо бўлади. Биринчи аёллар орденлари икки аср кейинроқ пайдо бўлади. Улардаги роҳиб аёлларнинг сони то XV асргача озчиликни ташкил этади. Бунда аёллар қисман роҳибликни шу сабаб қабул қилишганки, улар дарс бериш, ўқитиш, касалларга қараш билан шуғулланиш имкониятига эга бўлишади (бу касблар роҳиблик орденларининг жорий этилиши билан пайдо бўлган). Шу сабабли аёлларнинг машғулот турларини танлашда черковга боғлиқ томонлари анча ортади, аёлларнинг орденлардаги ҳиссаси эса янада пасаяди.

Гарчи расм-русумлар ва қарашлар, уларнинг бажарилиши турли орденларда бир-биридан фарқ қилса ҳам, роҳиб аёллар ҳамма ерда Христос келинлари ҳисобланиб, уларнинг жинсий алоқада бўлишлари ман қилинади. 1950—1960 йилларда ўтказилган диний ислохотларгача бир қатор роҳиб аёллар орденларида, жуда ҳам жиддий ишлаб чиқилган «эр-хотинлик» урф-одатлари тадбиқ қилина бошлайди, бунда уларнинг баъзи бир мулоҳим, сочини кестирган ва роҳиблик исмини олганларига никоҳ узуклари тақдим қилинган. Янги Роҳиб аёл монастирни ўз хоҳиши билан ёки ҳайдалган ҳолда ташлаб чиқиб кетиши мумкин бўлган. Бироқ бир неча йил ўтгач, умрбод қасамд қабул қилинган ва роҳиб аёл борди-ю, шундан кейин бирон-бир сабаб билан монастирни тарк этса, ўзига лаънат тамғасини олиб, сўнг католик мазҳабидан чиқарилган.

Бизнинг давримизда роҳиб аёллар орденларида хилма-хил эътиқодлар ва турли турмуш тарзлари мавжуд. Баъзи бир монастирларда қабул қилинган тартиб-қоидаларга қаттиқ риоя этилган ҳолда роҳиб аёллар кийимлари ўзгармаган. Бошқа монастирлар эса, аксинча, нафақат замонавий биноларга жойлашган бўлиб, балки эски тартиблардан воз кечиб, роҳиб аёлларга дунёвий кўйлақлар кийиб юришга ҳам имконият яратганлар. Куннинг фақат маълум вақтларида суҳбатлашиш каби чеклашлар анча юмшатилиб, қоматни тик тутиб юришга ҳам рухсат этилди (масалан, илгарилари улар юрганларида қўлла-

рини қовуштириб, кийим ичида ушлашлари лозим эди). Бу ўзгаришлар Ватикан томонидан 1960 йилда қабул қилинган қарорларга кўра ижро қилинадиган бўлди.

Роҳиб аёллар орденлари, ўз-ўзидан англашиладики, гарчи черковнинг таркибига кирса ҳам, амалий жиҳатдан улар черков бошқарувида ҳеч бир мавқега эга эмаслар. Аёллар орденларининг мавжудлиги йирикроқ ташкилотларда улар қўлига ҳокимият топширилишига асос бўлмаган. Масалан, католик черковида ҳам, англикан черковида ҳам ҳукмрон мавқени, аёлларнинг кучли босқинига қарамай, эркаклар эгаллайди. 1977 йилда Римда “Муқаддас конгрегация эътиқод доктрина”сида, аёлларни муқаддас дин ходими даражаларига кўтариш ман қилиниши расман эълон қилинди. Ун икки ҳаворий орасида битта ҳам аёл йўқлиги бундай қарорнинг асосланишига омил бўлиб хизмат қилди. 1987 йилни католик черкови томонидан расмий равишда «Она-худо йили» (Богоматерь йили), деб эълон қилинди, бу билан аёлларга ўзларининг анъанавий хотин ва она ролларини эсларига солиш мақсад қилиб қўйилган эди.

Инглиз черковида аёлларга дьякон мансабини эгаллашга рухсат берилган, бироқ бу низом ноаниқлигича қолиб келяпти. Улар расмий равишда авомлар бўлиб, уларга диний маросимларни бажариш ман қилинган. Бошқа томондан, дьякон аёл попга ўхшаб, баъзи маросимларни, масалан, чўқинтириш каби урф-одатларни бажариши мумкин. 1986 йили Синоднинг доимий бош комитети — англикан черковининг раҳбарлик органи томонидан ҳисобот тайёрланиб, унда аёлларни попликка ўтказишга рухсат беришнинг ҳуқуқий соҳалари кўриб чиқилган эди. Ташкил қилинган ишчи гуруҳга 10 та эркак ва 2 аёл киритилди. Уларнинг олдига «англикан черкови аёлларнинг поплик мартабаси учун қўл уришлари ҳолати билан келишма олмайдиган аъзоларига қарши туриш учун» контраргумент тизимни ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди¹¹. Бунда аёлларнинг ҳиссиётларига ва хоҳишларига энг кам эътибор берилди.

Христианлик динида шундай ҳаракат вужудга келтирилдики, у ўз моҳияти билан инқилобий эди, бироқ баъзи бир етакчи христиан черковлари ўзларнинг аёлларга муносабати жиҳатидан бутунги кун жамиятида ўта консерватив ташкилотлар бўлиб ҳисобланади. Гарчи аёл-поплар (кашичлар) анча вақтдан бери баъзи бир диний мазҳаблар ва деноминацияларга аъзо бўлишса ҳам, католик ва инглиз черковлари қатъий туриб, жинсларнинг нотенглиги ҳақидаги тамойилларни қўллаб-қуватлаб келишмоқда. Масалан, 1987 йилда ўзининг радиоахборотида инглиз черкови епископи Грэхэм Леонардодан: «Сиз нима деб ўйлайсиз, поп аёлнинг кўриниши меҳробда христианликнинг худо тўғрисидаги тушунчасини ҳақоратламайдими?»

¹¹ Albridge A. In the absence of the minister: structures of subordination in the role of deaconess in the church of England // *Sociology*, 21. 21. 1987. P. 377.

деб сўрашгада, епископ шундай жавоб берди: «Мен ўйлайманки, менинг ҳирсиятим уни кўришим билан кучоққа олишимни талаб қилади». Черковга келувчиларнинг аёл-попга нисбатан жинсий ҳуружи пайдо бўлиши — деб таъкидлади у — аёлнинг тўлақонли руҳоний бўла олмаслигига асосдир. Динда, ҳамма ерда бўлганидек, «Эркак ташаббускор бўлади, аёл эса ён беради»¹².

Милленарийлар ҳаракати

Иккинчи (“Маданият ва жамият”) бобнинг аввалида муҳокама қилинган *юк олоҳи* сажда қилиш милленарийлар ҳаракатига мисол бўла олади. Бу турдаги ҳаракатлар мавжудлиги, шунингдек, уларнинг тез-тез пайдо бўлиши диннинг оммавий фаоллик ва ижтимоий ўзгаришлар манбаи эканлигини кўрсатади. Милленарийлар — ё ҳозирги пайтда содир бўладиган инқирозли ўзгаришлар ёки қачонлардир мавжуд бўлган “олтин аср” тикланиши натижасида диндорларнинг барчаси нажот топишига ишонувчи кишилардир. Милленарий атамаси лотинчада “минг” деган маънони англатади (Библияда Исо алайҳиссаломнинг иккинчи марта ерга ташрифи ва *минг йил ҳукмронлик қилиши* башорат қилинган). Милленарийлар ҳаракати насронийлик тарихи билан узвий боғланган. Улар иккита тоифадаги кишилар: ўтмишда Фарбнинг қашшоқ аҳолиси ва дунёнинг бошқа минтақаларидаги мустамлака ўлкалар халқлари орасида юзага келган.

Иоахимчилар

XIII асрларда ўрта аср Европасида иоахимчилик бидъати деб аталган милленарийлар ҳаракати кенг тарқалди¹³. Ўша даврда Европада иқтисодий ўсиш бошланган ва ҳукмрон католик черкови борган сари бойимоқда эди. Кўпгина бош руҳонийлар черковларни дабдабали қасрларга айлантирдилар, епископлар бой феодалларнинг қошоналаридан қолишмайдиган қасрлар барпо этдилар. Папанинг қасри улуғвор кўринишга эга бўлди. Иоахимчилар бидъати давлат черкови учун одатдаги ҳолга айланган бундай ҳодисаларга қарши майдонга келди.

XIII асрнинг ўрталарида бир гуруҳ монах-францискчилар (ушбу орден устави нафсоний лаззат ва бойликдан воз кечишни талаб қилади) юқори даражадаги черков раҳбарлари йўл қўяётган ортиқча ҳашаматбозликка қарши чиқди. Бу ҳаракат ярим аср олдин яшаб ўтган аббат Фиорлик Иоахим кароматини ўзига асос қилиб олди. Иоахимнинг қўлёмалари шундай талқин қилиндики, гўё уларда 1260 йилда Иоахимнинг издошлари бўлган спиритуаллар учун учинчи ва сўнги насроний

¹² Jenkins S. Eve versus the Adams of the church // Sunday Times, 6 September. 1987.

¹³ Cohn N. The pursuit of the Millennium. London, 1970.

ҳукмронлиги, яъни Исо алайҳиссаломнинг минг йиллик ҳукмронлиги даври бошланиши башорат қилинган. Бу даврда барча инсонлар, илгари қайси динга эътиқод қилганидан қатъий назар, бирлашади ва барча моддий бойликлардан воз кечган ҳолда Исо алайҳиссаломга сидқидилдан хизмат қилади. Башорат қилинишча, расмий черков тарқатиб юборилади, руҳонийлар эса Германия императори томонидан йўқотилади.

1260 йилда ҳеч қандай оламшумул ҳалокат содир бўлмади ва Исо ҳукмронлигининг бошланиши кечиктирилди ва ҳанузгача кечиктириб келинмоқда. Бироқ Иоахим мухлисларининг иштиёқи сўнгани йўқ. Черков ҳокимияти томонидан қораланган спиритуал-иоахимчилар ҳукмрон черковни — ўта шалоқ аёл, папани эса — дажжол ва охирзамон махлуқига ўхшатдилар. Улар ҳалоскор ўз ораларидан чиқиши ва папа тахтини эгаллашини ҳамда у худо томонидан танланган киши сифатида бутун инсониятни кўнглили камбағалликка ундашини кутган. Иоахимчилар ҳаракати турли йўналишларга бўлинган. Улардан бири Дольчино ота минг кишидан ортиқ армия тузиб, Шимолий Италияда папа аскарларига қарши кураш олиб борган ва охир оқибат енгилган. У гулҳанда ёқилди, бироқ унинг ўлими узоқ йиллар давомида кўпгина гуруҳларни курашга руҳлантириб турди.

Рухлар рақси

XIX аср охирида Шимолий Америка ҳиндулари орасида юзага келган руҳлар рақсига сажда қилиш милленарийлар ҳаракатининг ўзига хос кўринишидир. Ҳинду башоратчилари тез орада даҳшатли бўрон туриши, ер қимирлаб, бутун дунёни сув босишини, ҳалокат барча оқ танли босқинчиларни йўқ қилишини ва олтин аср бошланишини каромат қилишган. Гўёки ҳалокатдан ҳиндулар зарар кўрмайди ва осойишталик қарор топганидан сўнг, улар сон-саноксиз бизон ва бошқа ҳайвонлар кезиб юрган прерияга қайтади. Ҳалокатдан сўнг барча низолар унутилади ва ҳиндулар диёрига келган ҳар қандай оқ танли киши улар билан аҳил ҳаёт кечира бошлайди. Рухлар рақси маросими ҳинду қабилалари ўртасида кенг тарқалган. Маросимда рақс тушиш ва қўшиқ айтиш жараёнида ҳушдан кетиш даражасигача борилган. Ушбу таомил ғоялари қисман ҳиндулар билан мулоқотда бўлган насронийлардан, қисман ҳиндуларнинг анъанавий қуёш рақси ибодатидан олинган. Оқ танли аскарлар томонидан 370 нафар ҳинду эркак, аёл ва болалар ўлдирилган. Вундид-Ну ёнидаги жангдан сўнг руҳлар рақси унут бўлди.

Милленарийлар ҳаракатининг моҳияти

Милленарийлар ҳаракатларининг юзага келиш сабаблари нимада? Бунда умумий хусусиятлар, белгиларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Хусусан, барча ҳаракатларда пайғамбарлар (устозлар ёки рағбатлантирувчи доҳийлар) пайдо бўлади, улар мав-

жуд диний қарашларни рад этади ва уларни қайта кўриб чиқишни талаб қилади. Улар кишиларнинг кўнглидаги гапларни топиш, уларни ҳаяжонлантириш орқали ҳаракат қилишга ундаган ва атрофига тарафдорлар тўплаган. Башоратчилик доимо халоскор динлар, хусусан насронийлик билан боғланган. Мустамлакаларда милленарийлар ҳаракатларига бошчилик қилган кишилар насроний таомиллари ва таълимоти билан таниш бўлган. Уларнинг кўпчилиги дастлаб насроний миссияларида тарғиботчи бўлган ва кейинчалик қабул қилган динини ўз устозларига қарши йўналтирган.

Милленарийлар ҳаракатлари кўпинча маданиятда туб ўзгаришлар содир бўлган ёки аҳоли оммавий қашшоқлашган ҳолатларда юзага келган¹⁴. Кўпинча бу ҳаракатлар ўзгаришлар оқибатида йўқотишларга учраган кишиларни ўзига жалб қилади. Бундай кишилар мавжуд тартиб-қоидаларга риоя қилишни истамайди. Ўрта асрлар Европасида милленарийлар ҳаракати кутилмаганда хонавайрон бўлиб жуда оғир аҳволда қолганлар учун сўнгги чора бўлган. Масалан, очлик даврида деҳқонлар уларга ер берилишини каромат қилган, бошқа ҳаёт манзараларини тасвирловчи пайғамбарларга эргашган. Мустамлака халқлари орасида анъанавий маданият мустамлакачилар томонидан бузилган ҳолларда милленарийлар ҳаракати ривожланган. Мисол учун руҳлар рақсини олайлик.

Милленаризмнинг моҳияти баъзида қашшоқларнинг бойларга қарши бош кўтариши, ёки мазлумларнинг ҳокимият эгаларига қарши кураши сифатида талқин қилинади. Кўпгина ҳолларда бу талқин тўғри ҳисобланади. Бироқ бу изоҳ жуда содда: айрим милленарийлар ҳаракатлари моддий маҳрумликдан узоқ фикрлар ва таъсирлар натижасида юзага келган (масалан, спиритуал-иоахимчилик).

Замонавий диний тараққиёт: ислом инқилоби

Маркс, Дюркгейм ва Вебер замонавий жамиятда анъанавий дин ўз аҳамиятини йўқотиб бориши ва секуляризация жараёни муқаррарлиги тўғрисидаги фикрни айтишган. Бу уч муаллиф орасида фақат Вебер анъанавий диний тизим, масалан, ислом қайта тикланиши ва XX аср охирида муҳим сиёсий ўзгаришлар учун асос бўлиши тўғрисидаги фикрни баён қилган. 1980 йилларда Эронда худди шундай воқеа содир бўлди. Кейинги йилларда ислом фундаментализми бошқа Яқин Шарқ давлатлари, жумладан Миср, Сурия ва Ливанга сезиларли таъсир кўрсатди. Исломнинг бундай кенг, қайта ёйилишини нима билан изоҳлаш мумкин?

¹⁴ *Worsley P.* The trumpet shall sound: a study of «Cardo cults» in Melanesia. London, 1970.

Ислом таълимотининг ривожланиши

Бунинг сабабини англаб етиш учун иккита жиҳатни назарда тутиш лозим. Бир томондан, ислом анъанавий дин ҳисобланади; иккинчи томондан, ислом қонун-қоидалари ҳаётнинг барча жабҳаларига чуқур сингиб кетган мамлакатлар ҳам секуляризация жараёнидан четда қолмади. Ислом худди насронийлик сингари диндорларнинг фаоллигини доимий рағбатлантирувчи дин ҳисобланади. Мусулмонларнинг муқаддас китоби Куръонда “Оллоҳ йўлида кураш”га даъватлар кўп учрайди. Бу кураш кофирлар ва мусулмон жамиятини бузувчиларга қарши олиб борилиши лозим. Юзлаб йиллар давомида исломда ислоҳотчиларнинг янги авлодлари майдонга келди ва ислом дини бир нечта йўналишларга бўлинди. Ортодоксал (анъанавий) исломнинг асосий йўналишларидан биринчи бўлиб *хорижийлар* ва *шиалар* ажралиб чиқди. Хорижийлар — исломдан ажралган илк оқим эди¹⁵. Улар барча мусулмонларнинг тенг ҳуқуқлиги учун қатъий кураш олиб борган, мулкий тенгсизликни адолатсизлик деб ҳисоблаган ва “диндан қайтганлар”га нисбатан муросасиз бўлган. Бу оқим узоқ яшамади, бироқ фундаменталистлар (ақидапарастлар)нинг қайта тиклаш ҳаракатлари юзага келишига асос солди.

Бошқа бир йирик мазҳаб — шиалик эса ўз таъсирини сақлаб қолди. Ҳозирги пайтда Эронда давлат дини ҳисобланган шиалик Эрон инқилобига олиб келган ғояларни юзага келтирди. Шиалар ўз келиб чиқишларини VII асрдаги диний ва сиёсий арбоб, Муҳаммад с.а.в.нинг амакиси ва куёви ҳазрати Алига боғлайдилар. Ҳазрати Али ўз давридаги ҳукмдорлардан юксак фазилатлари билан ажралиб турган ва Оллоҳга сидқидилдан хизмат қилган деб ҳисобланади. Шиалар мусулмонларни ўша пайтда ҳокимият тепасида турган сулолалар эмас, ҳазрати Алининг авлодлари бошқариши лозим деб ҳисоблашган. Улар Муҳаммад пайғамбарнинг қонуний вориси ҳокимиятни ўз қўлига олиши ва барчани мустабидлик ва адолатсизликдан халос қилишига ишонган. Муҳаммад пайғамбарнинг вориси ҳукмронлиги Куръонга асосланади ва унинг ҳаракатларини Оллоҳнинг ўзи бошқариб туради.

Шиалик XVI асрдан бошлаб Эронда (аввалги Форс давлати) давлат динига айланди. Ҳозирги пайтда бошқа Яқин Шарқ мамлакатлари, хусусан Ироқ, Туркия, Саудия Арабистони, шунингдек, Ҳиндистон ва Покистонда кўплаб шиалар истиқомат қилади. Бироқ мазкур давлатларда ислом ҳокимияти диний кўпчиликни ташкил қиладиган суннийлар қўлида. Суннийлар Куръон асосида юзага келган анъаналарга амал қилади. Уларнинг урф-одатлари, ўз рақибларига нисбатан муросасизлик билан ажралиб турувчи шиаларникидан фарқли равишда, турли

¹⁵ Mortimer E. Faith and power: the politics of Islam. London, 1982.

диний қарашлар биргаликда дўстона муросада мавжуд бўлиши-ни назарда тутати. Кейинги икки-уч асрда суннийлар таълимоти Ғарб таъсирида катта ўзгаришларга учради.

Ислом ва Ғарб

Ўрта асрларда насронийлар Европаси ва мусулмон давлатлари ўртасида доимий кураш гоҳ сўниб, гоҳ авжига чиқиб борди. Мусулмонлар Европанинг катта қисмида ўз ҳукмронлигини ўрнатди. Ҳозирги пайтда бу ерлар Испания, Греция, Югославия, Болгария ва Руминия таркибига киради. Бироқ ғарбнинг қудрати ошиши билан кўпчилик мусулмонларга қарам ўлкалар Европаликлар томонидан қайтариб олинди, XVIII—XIX асрларда Шимолий Африкадаги мусулмон мамлакатларининг кўпчилиги мустамлакага айлантирилди. Бу ўзгаришлар қачонлардир тараққиётда барчани ортда қолдирган мусулмон дини ва маданияти учун инқирозли бўлди. XIX аср охирида мусулмон дунёсининг ғарб экспансияси олдидаги ожизлиги исломнинг илк софлиги ва қудратини тиклашни ўз олдига мақсад қилиб олган ислоҳотчилик ҳаракатларини юзага келтирди. Уларнинг ғояси шундаки, ислом ўз эътиқоди ва таомилларининг ҳақиқийлигини исботлаб, Ғарбга муносиб жавоб қайтариши лозим.

Бу ғоя XX асрда кенг тарқалди ва 1978—1979 йиллардаги Эрон инқилобига олиб келди. Инқилобга Европа маданиятига ихлос қўйган ва жамиятни Ғарбга мувофиқ янгилamoқчи бўлган шоҳ Муҳаммад Ризога қарши ички муҳолифат туртки берди. Муҳаммад Ризо ислоҳотлари ерга мулкчиликни ўзгартириш, аёлларга овоз бериш ҳуқуқини бериш, дунёвий таълимни жорий қилишни ўз ичига олган эди. Шоҳни ҳокимиятдан четлатган ҳаракат турли манфаатли кишиларни бирлаштирди, бироқ уларнинг барчаси ислом фундаментализми тарафдорлари эди. Асосий шахе Оятулло Ҳумайний бўлиб, у шиалик ғояларини янгича талқин қилди.

Ҳумайний анъанавий шариат қонунларига асосланган бошқарув шаклини яратди ва уни ҳазрати Алининг вакиллиги деб атади. Ҳумайнийнинг фикрича, ислом инқилоби Куръонда белгиланганидек, диний нуқтаи назар сиёсий ва иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳалари учун ҳал қилувчи бўлишига олиб келди. Янги жорий қилинган ислом қонунларига мувофиқ, эркаклар ва аёллар алоҳида яшаш талабига қатъий риоя қилиши; аёллар кўчага чиққанда танаси ва бошини ёпиши; бесоқолбоз(гомосексуалист)лар отишга ҳукм қилиниши ва хиёнатда айбланган кишилар тошбўрон қилиниши лозим. Қаҳри қаттиқ қонунчилик қабул қилиниши миллатчиликнинг ўсишига, айниқса Ғарб таъсирига қаршилиқ кучайишига олиб келди. Инқилобга асос бўлган ғоялар ислом дунёсини ғарбга қарши курашда бирлаштириши лозим бўлса-да, шиалар озчиликни ташкил қиладиган давлатлар ҳукумати Эрон инқилобини қўллаб-қувватламади.

Шунга қарамасдан ислом фундаментализми ушбу давлатларда кенг тарқалди ва бутун дунёда турли ислом тикланиш ҳаракатлари юзага келишига таъсир қилди.

Диний тикланиш ғоялари асосидаги ислом ҳаракатлари юзага келиш сабабларини фақат диний мулоҳазалар билан изоҳлаш мумкин эмас. Бу ҳаракатлар қисман ғарб таъсирига қарши юзага келган бўлиб, миллий ва маданий қадриятларни ҳимоя қилишга қаратилган. Исломдаги янгиланиш ҳаракатларини, ҳатто уларнинг энг фундаменталистик шаклларини ҳам ислоҳотчилик сифатида қабул қилиш нотўғри. Мавжуд воқелик аслида анча мураккаб. Эски урф-одатлар ва анъанавий турмуш тарзини тиклаш орқасида бутунги кун муаммолари ҳамда ташвишлари туради.

Энди эса Ғарбда дин ривожланишининг кейинги босқичларини кўриб чиқамиз ва бунда Буюк Британия ва АҚШга асосий эътиборни қаратамиз.

Буюк Британияда дин

1851 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига мувофиқ Англия ва Уэльснинг 40 фоиз аҳолиси ҳар якшанбада черковга бориб турган; 1900 йилга келиб бу кўрсаткич 35%, 1950 йилда — 20% ва ҳозирги пайтда 11% гача камайди. Буюк Британиядаги асосий динлар учун черковга қатновчилар сони 1970 йилларнинг иккинчи ярмида ўртача 5 фоизга камайди, хусусан католиклар орасида камайиш 8 фоизга етди. Бунгача католик черкови муайян даражада Ирландиядан келаётган муҳожирлар ҳисобига ва католиклар ўртасида туғилиш юқори эканлиги боис ривожланиш белгиларига эга деб ҳисобланарди. Ҳозирги пайтда насронийлик динида бу йўналишдаги қисқариш фақат Африка ва Вест-Индиядаги кичик черковларда, шунингдек, элликчилар оқимида кузатилмаяпти, холос.

Шунингдек, урушдан кейинги даврда ҳукумат доираларида диннинг таъсири камайди. Епископлар лордлар палатасидаги ўрнини сақлаб қолган бўлса-да, ижтимоий масалаларни муҳокама қилишда аввалгидек обрў ва таъсирга эга эмас. Ярим аср илгари Эдуард VIIнинг тахтдан воз кечиши билан боғлиқ жанжалда черков ҳал қилувчи овозга эга эди; яқинда эса Буюк Британия Бош вазири Маргарэт Тэтчер “жуда банд эканлиги” сабабли Кентерберийлик архиепископ билан учрашишга вақт ажрата олмади. 1980 йилларда консерватив ҳукумат диний етакчиларни (масалан, дюрхеймлик епископни) “сиёсий” мавзудаги чиқишлари учун танқид остига олди.

Диний ташкилотларга аъзолик ва эътиқод

Буюк Британиянинг катта ёшдаги аҳолисининг кўпчилиги у ёки бу диний ташкилотга мансублигини қайд этади. Тадқиқотлар натижаларига кўра, фақат 5 % англияликлар биронта

хам динга боғлиқ эмаслигини маълум қилган¹⁶. Аҳолининг 70 фоизи ўзини инглиз черковига мансуб деб ҳисоблайди. Бироқ уларнинг кўпчилиги черковга умри давомида бир неча марта борган ёки умуман бормаган.

Буюк Британияда инглиз черкови, Шотландия пресветерианлар черкови ва католик черковидан ташқари кўпгина бошқа диний гуруҳлар мавжуд. Уларга яҳудийлар, мормонлар, мусулмонлар, сикҳлар ва яҳудийлар киради. Шунингдек, озчиликни ташкил қиладиган плимут биродарлари, растафарианлар ва Илоҳий ёғду миссияси сингари мазҳаблар бор. АҚШда ривожланиётган янги диний гуруҳлар Буюк Британияда қисман қўллаб-қувватланмоқда. Бунга “худо фарзандлари”ни мисол қилиш мумкин, улар кейинчалик “ҳаёт уруғлари” деб атала бошлади. Ушбу гуруҳ аъзолари дунёвий ривожланишдан воз кечиб, ўзлари ташкил қилган жамоаларда биргаликда ҳаёт кечирилади.

Буюк Британияда динга муносабат ёш, жинс, синфий мансублик ва ҳудудий келиб чиқишга кўра сезиларли фарқ қилади. Одатда катта ёшдаги кишиларда динга эътиқод кучли бўлади. Ёшлар ўртасида черковга қатнаш 15 ёшларда энг юқори нуқтасига етади ва шундан сўнг камай бошлайди. 30—40 ёшлардан кишиларда диний ҳис туйғулар яна кучая боради. Бирор диний ташкилотлар фаолиятида эркакларга нисбатан аёлларнинг иштирок этиш эҳтимоли кўпроқ. Бу хусусият Инглиз черковида бирмунча кам кузатилади, бироқ Насронийлик таълимоти черковида аёллар сони эркакларга нисбатан тўрт баробар кўп.

Умуман, бадавлат кишилар камбағалларга нисбатан динга кўпроқ эътиқод қилади. Инглиз черковини “ибодат қиладиган консерваторлар” деб аташади ва бунда қисман ҳақиқат бор. Католиклар асосан ишчилар синфи вакилларида иборат. Бундай синфий йўналганлик сайлов натижаларида ҳам кузатилади: одатда, инглизлар консерваторлар учун, католиклар ва кўпчилик методистлар эса — лейбористлар учун овоз беради. Методизмнинг келиб чиқиши лейбористлар партияси юзага келиши билан узвий боғлиқ. Диний фаолиятда фаол иштирок этувчилар улуши яшаш жойига кўра сезиларли фарқ қилади: Мерсисайд ва Ланкаширда — 35% ва 32%, Хамберсайд ва Ноттингемширда эса 9% ва 11% катта ёшдаги аҳоли черковга аъзо ҳисобланади. Бунинг асосий сабабларидан бири иммиграцияда: Ливерпулда кўпчилик ирланд католиклари, Шимолий Лондонда — яҳудийлар, Брэнфордда эса мусулмонлар ва сикҳлар истиқомат қилади.

Кундалик хулқ-атворга таъсир қилиш нуқтаи назаридан диний зиддиятлар Шимолий Ирландияда яққол кўзга ташланади. Протестантлар ва католиклар ўртасидаги тўқнашувлар оз бўлсада кескин кечади. Шимолий Ирландиядаги диний омилни бу ерда юзага келган бошқа муаммолардан ажратиш қийин. “Яго-

¹⁶ *Brothers J. Religions institutions. London, 1971.*

на Ирландия” гоясини Шимолий Ирландияда яшовчи кўпчилик католиклар қўллаб-қувватлайди, бироқ бу ерда истиқомат қилувчи протестантлар бу гоё тарафдори эмас. Бу ерда диний эътиқодлар билан бирга, сиёсий қарашлар ва миллий талаблар ҳам муҳим рол ўйнайди.

Америка Кўшма штатларида дин

Турли-туманлик

АҚШдаги диний ташкилотлар ўзига хос мавқега эга. Турли диний эътиқодлар ва урф-одатларга нисбатан мурасасозлик бошқа жамиятларда қарор топишидан анча илгари диний эътиқодлар эркинлиги Америка конституцияси моддаларида кафолатланган. Америкага ўз мамлакатлари ҳукуматининг диний таъқибидан қочиб келган биринчи кўчманчилар черковни давлатдан ажратиш тамойилини қонуний мустақкамлаганлар.

Кўшма Штатларда бошқа ҳар қандай саноати ривожланган давлатдагига нисбатан анча кўп турли диний ташкилотлар мавжуд. Фарб жамиятларида аҳолининг асосий қисми расман битта черковга: масалан, Буюк Британияда — инглиз черковига, Италияда — католик черковига мансуб. АҚШда аҳолининг 90 фоизи насронийлар, бироқ улар турли черковлар ва деноминациялар аъзосидир. Кўпчилик гуруҳлар тарафдорлари бир неча юз кишидан иборат, бироқ 90 дан ортиқ диний ташкилотлар камида 50 минг аъзоси борлигини маълум қилади; улардан 22 таси миллиондан ортиқ ихлосмандларга эга. АҚШда бошқаларга нисбатан каттароқ бўлган йирик диний ташкилот католик черковидир. Унинг аъзолари сони 50 миллионга етади. Бироқ бу диний ташкилотлар аъзолари умумий сонининг 27 фоизини ташкил қилади. Аҳолининг 60 фоизга яқини турли деноминацияларга бўлинган протестантлардан иборат. Улардан энг йириги жанубий баптистлар конвенцияси 13 миллион аъзога эга. Кейинги ўринларда бирлашган методистлар черкови, миллий баптистлар конвенцияси, лютеран ва епископлик черковлари туради. Насронийликдан ташқари, ташкилотлар орасида яҳудийлар конгрегацияси кўпчиликни ташкил қилади у 6 миллион диндорни бирлаштирган.

АҚШ аҳолисининг 40 фоизи ҳафтада бир марта черков маросимларида иштирок этади. Аҳолининг 70 фоизи расман черков, синагога ёки бошқа диний ташкилотга аъзо ҳисобланади. Уларнинг кўпчилиги ўз конгрегацияси ичидаги фаолиятда фаол қатнашишини билдирган. Америкаликларнинг кўпчилиги (95%) динга муносабат масаласида сўралганда у ёки бу динга эътиқод қилишини маълум қилган. Кўпчилик Худога ва ўлимдан кейинги ҳаётга, Библиянинг илоҳийлигига ишонади. Гэллап институти 60 та давлатда ўтказган сўров натижалари диндорлик масаласида АҚШ аҳолиси Ҳиндистондан сўнг энг юқори

кўрсаткичга эга эканлигини кўрсатди. Америкаликларнинг 70% дан ортиғи, Италияда — 46%, Буюк Британияда — 41%, Скандинавияда — 35 % аҳоли ўлимдан кейинги ҳаётга ишонади¹⁷.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда Қўшма Штатларда турли диний ташкилотлар АҚШ тарихида мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Бу ерда юқори даража деноминациялар бўлиниши ва бирлашиши содир бўлди. Янги ташкилотларнинг кўпчилиги узоқ яшамади, бироқ улардан айримлари юқори натижаларга эришди. Мисол сифатида асли корейлик бўлган Сен Мьюн Мун асос солган Бирлашган черковни олиш мумкин. АҚШда 1960 йилларнинг бошида юзага келган бу мазҳаб миллинарийлар ҳаракатининг барча белгиларига эга. Мун тарафдорлари унинг 1967 йилда охирзамон бўлиши тўғрисидаги башоратига ишонган. Бу сана етиб келган ва башорат амалга ошмаганидан кейин ҳам мазҳаб тарқаб кетмади. Мун кўпчилик миллинарийлар етакчилари сингари ўз гоёсини янги вазиятга мослаштириб башорат нима учун амалга ошмаганини тушунтириб берди. Муннинг янгиланган таълимоти олдингидан ҳам кўп тарафдорларга эга бўлди. Ҳозирги пайтда Бирлашган черков 40 мингга яқин аъзога эга. Уларнинг таълимоти шарқ динларининг айрим асосий нарсонийлик ақидалари ва антикоммунизм билан бирикмасидан иборат. Муннинг янги издошлари қатъий диний таълимга жалб этилади.

Диний фундаментализм

Қўшма Штатларда фундаменталистик диний ташкилотлар кўпайиши сўнгги 20 йилдаги диний ривожланишнинг эътиборли хусусиятларидан биридир. Фундаментализм кенг маънода Библия матнларига аниқ риоя қилишни англатади. Насронийлик фундаментализми муайян даражада либерал теология ва *ички черков секуляризацияси*, яъни черковга динга самимий эътиқоди бўлмаган кишилар қатнашига қарши қаратилган гоё сифатида юзага келган. Сиёсатда “фундаменталистлар” ўнг кучларни ифода этади ва сиёсий фаолиятда бевосита иштирок этишдан қочмайди.

Бу йўналишнинг кўринишларидан бири руҳоний Жерри Фолуэл 1980 йилда асос солган “Яхши фазилатли кўпчилик” жамиятидир. Номига кўра “Яхши фазилатли кўпчилик” сиёсий жамият ҳисоблангани ҳолда молиявий ресурслар ва аъзоларни фундаменталистик ташкилотлардан олади. Унинг секуляр таъсири ҳам анча катта: Фолуэл жамият таркибига 72 минг руҳоний ва 4 миллион қавм киришини тасдиқлайди; у миллионлаб маблағга эга эканлиги боис сиёсий жараёнларга фаол аралашиб имкониятига эга. “Диний ўнг кучлар” миллионлаб томошабинларга мурожаат қилиш учун радио ва телевизион станциялар ҳамда асосий кўрсатувлар дастурларидан кенг фойдала-

¹⁷ Gallup Opinion Index. Religion in America. 1976. Report 130.

нади. “Диний ўнг кучлар” айрим эски мазҳаблар (масалан Плимут биродарлари)дан фарқли равишда замонавий электрон технологиялардан фойдаланишдан қочмайди. Ҳозирги пайтда АҚШда фундаментализм бошқа саноати ривожланган давлатлардагига нисбатан кўпроқ таъсирга эга. Масалан, Буюк Британияда улар камтарона натижалар билан қаноатланган.

Айрим тадқиқотчилар насронийлик ва ислом фундаментализми ўртасида ўхшашлик мавжудлигини қайд этишади, чунки ҳар икки оқим жадал ўзгараётган беқарор дунёда ўзгармас тамойилларга амал қилиш лозимлигини таъкидлайди. Бироқ бу ўхшашлик жуда юзаки. Ислом фундаментализми замонавий Ғарб ва анъанавий маданиятлар тўқнашуви сабабли юзага келган бўлиб, АҚШдаги диний фундаментализмдан кўп жиҳатлари бўйича фарқ қилади. Бошқа томондан Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам диний фундаментализм кучли миллатчилик қарашлари билан боғлиқ, уларга етакчилик қилувчи шахслар халқаро сиёсатга нисбатан тажовузкор муносабатга эга. Ҳар икки ҳолатда ҳам фундаментализм ривожланишининг сабабларидан бири асосий диний ва маданий қадриятларни тиклаш воситасида “кучли миллат”ни шакллантириш зарурати ҳисобланади.

Секуляризация муаммоси

Ушбу бобнинг аввалида замонавий жамиятлар ривожланиши билан динлар таъсири камая бошлагани ва бу кўпчилик кузатувчилар томонидан диннинг инқирози сифатида баҳолангани қайд этилган эди. Шунга қарамасдан, янги ўтказилган тадқиқотлар британияликларнинг 80 фоиздан ортиги қандайдир олий илоҳий куч мавжудлигига ишонишини кўрсатди. Қўшма Штатларда анъанавий черковлар билан бирга юзлаб мазҳаблар ва эътиқод шакллари муваффақиятли ривожланмоқда. Эронда ва Яқин Шарқнинг бошқа ҳудудларида, Африка ва Ҳиндистонда ислом фундаментализми борган сари кучаймоқда. Шимолӣ Ирландияда протестантлар ва католиклар муайян, фақат улар учун аҳамиятли диний ғояларга мойилликни қаттиқ намойиш қилмоқда. У ёки бу томоннинг энг фаол вакиллари бир-бирига қарши очиқ кураш олиб бораётир. Папа Жанубий Америкага ташриф буюрганда, уни миллионлаб католиклар олқишлаган эди. Буни “Ҳудо (Исо) ўлган” деган фикр билан мослаштириш мумкинми?

Бу саволга *секуляризация* кўпгина жиҳатларга эга эканлигини англаш орқали жавоб топиш мумкин. Улардан биринчиси аъзоликка тегишли: черков ёки бошқа бир диний ташкилотга қанча киши аъзо ва улар черков маросимларида қай даражада иштирок этади? Секуляризация бу маънода АҚШдан ташқари барча саноати ривожланган давлатларга хосдир. Британияда кузатилаётган диний инқироз белгилари кўпчилик Ғарбий Европа давлатлари, жумладан Франция ва Италия сингари католик

мамлакатлари учун ҳам хос. Италиянлар французларга нисбатан кўпроқ черковга қатнайди ва диний маросимларда қатнашади, бироқ ҳар икки давлатда ҳам динга ихлос камаётгани сезилмоқда.

Секуляризациянинг иккинчи жиҳати черков ва бошқа диний ташкилотлар *ижтимоий таъсир, бойлик ва обрўсини* қанчалик сақлаб қолгани билан боғлиқ. Ўтмишда диний ташкилотлар ҳукумат ва бошқа дунёвий идораларга жиддий таъсир ўтказган, шунингдек, жамиятда катта обрў-эътиборга эга бўлган. Бундай ҳолат ҳозирги пайтда қай даражада сақланиб қолди? Бу саволга жавоб бериш қийин эмас. Фақат ўтган юз йилликни кўриб чиқиш орқали ишонч ҳосил қилиш мумкинки, диний ташкилотлар бир пайтлар эга бўлган сиёсий ва ижтимоий таъсирини анча йўқотган ҳамда бу жараён барча жойларда (Польшадан ташқари) кузатилмоқда. Черков раҳбарлари жамиятдаги нуфуз ва ҳукмронликка ўз-ўзидан эришишга умид қилмаса ҳам бўлади. Айрим давлат черковлари ҳар томонлама жуда бой, янги диний ҳаракатлар эса тезда муваффақият қозониши мумкин, кўпгина узоқ йиллик тарихга эга диний ташкилотлар эса оғир моддий аҳволга тушиб қолган. Черковлар ва ибодатхоналар сотилмоқда ва яроқсиз аҳволга келиб қолган.

Секуляризациянинг учинчи жиҳати эътиқод ва қадриятларга боғлиқ; уни диндорлик деб аташ мумкин. Черков маросимларида иштирок этиш ва черковнинг ижтимоий таъсири даражаси диний эътиқод ва идеалларга мойиллик даражасини кўрсатмайди. Ҳақиқий эътиқодли кўпгина кишилар черковга мунтазам қатнамайди ва оммавий маросимларда кам иштирок этади. Бошқа томондан, фақат черковга қатнаш ва маросимларда иштирок этиш қатъий диний эътиқод мавжудлигидан дарак бермайди — бу одатга айланган ёки жамоада қабул қилинган хулқ-атвор бўлиши мумкин.

Худди шундай секуляризациянинг бошқа жиҳатларида ҳам ҳозирги пайтда диндорлик қай даражада камайтганини тушуниш учун ўтмишдаги аҳвол тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш лозим. Кўпчилик анъанавий турдаги жамиятларда, жумладан ўрта асрлар Европасида диний ҳис-туйғулар унчалик кучли бўлмаган ва кундалик турмушда камроқ аҳамиятга эга бўлган. Англия тарихини ўрганиш оддий халқ динга нисбатан бефарқроқ бўлганини кўрсатади. Динга нисбатан бефарқ кишиларни кўпчилик жамиятларда, айниқса анъанавий турдаги жамиятларда кўп учратиш мумкин.

Шунга қарамасдан, ҳозирги пайтда “дин” атамаси кишилар ишонган ғайри табиий ҳодисалар доираси сифатида тушунилганда, дин илгарига нисбатан янада камроқ таъсирга эга. Уларнинг кўпчилиги илоҳий мавжудотлар ёки руҳларга тўла атроф-муҳит тушунчасини қабул қилолмайди.

Ҳозирги пайтда дунёдаги оловли нуқталар — масалан, Исроил ва қўшни араб давлатлар ўртасидаги можаролар сабабини

бутунлай ёки муайян даражада диний зиддиятлар билан изоҳлаш мумкин. Бироқ ҳозирги пайтдаги низолар ва урушларнинг кўпчилиги ўз табиатига кўра секуляр ҳисобланади, яъни сиёсий қарама-қаршиликлар ёки моддий манфаатлар билан боғлиқ.

Хулоса

Секуляризациянинг уч жиҳатининг ҳар бирида дин таъсири камайиб боради. Демак, XIX аср олимлари адашмаган экан-да? Балким диннинг ўлим олди талвасаси улар башорат қилганидан кўра кўпроқ чўзилиб кетгандир? Бундай хулоса чиқариш хато бўлур эди. Дин ўзининг анъанавий ва янги шаклларида ҳали узоқ пайтгача ўз жозибаторлигини сақлаб қолади. Замонавий рационалистик қарашлар ва диний тафаккур қарама-қаршичилиги хавотирли кескинликни юзага келтиради. Инсоният кўпгина ажойиб ғалабаларни қўлга киритиш воситаси бўлган рационалистик дунёқарашлардан ҳали-бери воз кечиши қийин. Шунга қарамасдан рационализмга қарши ҳаракатлар юзага келиши муқаррар, улар эса диннинг қайта туғилишига олиб келади. Дунёда бир марта бўлса ҳам диний туйғуларни ҳис этмаган киши топилиши амримаҳол; фан ва рационализм эса диннинг асосини ташкил қилувчи ҳаёт моҳияти ва мақсади синга ри асосий масалаларда сукут сақламоқда.

Бобнинг қисқача мазмуни

1. Дин у ёки бу даражада иштирок этмаган жамиятни топиш қийин, бироқ турли маданиятларда диний эътиқод ва маросимлар бир-бирдан жиддий фарқ қилади. Барча динларда эътиром ҳиссини уйғотувчи ва диндорлар қавми иштирок этадиган диний маросимлар билан боғлиқ рамзлар тўплами мавжуд.

2. Аборигенлар маданиятида дин тотемизм ва анимизм каби шаклларда намоён бўлади. Тотемизм — муайян турдаги ҳайвонлар ёки ўсимликларнинг илоҳий қудратга эга эканлигига ишонишдир. Анимизм — атрофимиздаги оламда биз билан бирга мавжуд бўлган ва баъзида инсонларга жойлашиб оладиган руҳлар борлигига ишонишдан иборат.

3. Инсоният тарихига энг кучли таъсир ўтказган учта монотеистик дин (яъни ягона Худо мавжуд деган динлар) — *яхудийлик*, *нассронийлик* ва *исломдан* иборат. *Политеизм* (кўпхудолик) кўпинча бошқа динларда учрайди. Айрим динларда, масалан конфуцийчиликда худолар ва илоҳий мавжудотлар умуман йўқ.

4. Динга нисбатан ижтимоий ёндашув кўп жиҳатдан Маркс, Дюркгейм ва Вебер таъсирида шаклланган. Улар, дин ўз табиатига кўра — хаёлий, деб ҳисоблаганлар. Уларнинг фикрича, диний тасаввурдаги "нариги дунё" ҳақиқатда диний символизм таъсирида бузилган ўз дунёмиздир.

5. Диний ташкилотларнинг бир нечта турлари мавжуд. Черков — катта ҳажмдаги ва бюрократик тузилмага эга, умумий қабул қилинган ҳамда мустаҳкам қарор топган диний ташкилотдир. *Мазҳаблар* кичик бўлиб, ҳукмрон черков таъсирида "бузилган" диний ақидаларнинг илк софлигини сақлаб қолишга интилади. *Деноминация* ижтимоий институт сифатида шаклланган ва доимий шаклга эга бўлган мазҳабдир. Сажда қилувчилар битта

диний етакчи мухлиси бўлган ёки ўхшаш диний ғояларга амал қилувчи кишиларнинг эркин боғланган гуруҳи ҳисобланади.

6. Диний ташкилотларда одатда эркаклар ҳал қилувчи рол ўйнайди. Кўпгина динларда, хусусан, насронийликда образлар ва рамзлар асосан эркакларга хос бўлади; аёллар қиёфасида юмшоқлик ва пассивлик ифодаланади.

7. Милленарийлар ҳаракати ё ҳозирги даврда содир бўладиган инқирозли ўзгаришлар ёки қачонлардир мавжуд бўлган "олтин аср" тикланиши натижасида диндорларнинг барчаси нажот топишини назарда тутлади. Бундай ҳаракатларга мавжуд диний ғояларни мохирлик билан ёки "руҳлантирилган" ҳолда янгича талқин қилувчи кишилар етакчилик қилади.

8. Секуляризация жараёни дин таъсирининг пасайиши билан боғлиқдир. Секуляризация даражасининг аниқ ўлчовини топиш қийинроқ. Бинобарин, у бир қанча аспектларга эга. Гарчи диннинг таъсири маълум даражада йўқолган бўлса ҳам, шу билан бирга, у бутунлай йўқолиш чегарасигача келмаганлиги туфайли, ҳозирги дунёда ўзининг ҳар хил кўринишларини намоён қилишни давом эттирмоқда. Дин жамиятда қандай консерватив куч сифатида намоён бўлса, у инқилобий куч сифатида ҳам шундай намоён бўлади.

Асосий тушунчалар

<i>дин</i> <i>ритуал (маросим)</i>	<i>секуляризация</i> <i>магия (сехр-жоду)</i>
---------------------------------------	--

Энг муҳим атамалар

<i>монотеизм (яккаҳудалик)</i>	<i>дунёвий</i>
<i>шомон</i>	<i>фуқаролик дини</i>
<i>тотемизм</i>	<i>черков</i>
<i>анимизм</i>	<i>секта</i>
<i>полетеизм</i>	<i>деноминация</i>
<i>найғамбарлар</i>	<i>культ</i>
<i>ахлоқий динлар</i>	<i>милленаризм</i>
<i>бегоналашув</i>	<i>фундаментализм</i>
<i>сакрал (муқаддас)</i>	

Кўшимча адабиёт

Eileen Barker. New Religious Movements London, 1991. Буюк Британиядаги янги диний ҳаракатлар тадқиқ этилган.

Ernest Gellner. Postmodernism, Reason and Religion, London, 1993. Уйғош муоммосининг мураккаб муҳокамаси.

B. Tibi. Islam and the Cultural Accommodation of Social Change. London, 1990. Ҳозирги ислом ривожланиши ҳақида очерк.

Меҳнат ва иқтисодий ҳаёт

Одамларнинг мавжудлиги ишлаб чиқариш тизимига боғлиқ. Озиқ-овқат, ейиш-ичиш, турар-жойсиз тирик қолишимиз мумкин эмас эди. Озиқ-овқат етиштирмайдиган овчилар ва термачилар жамиятларида ҳам, овқат топиш ва тақсимлаш билан боғлиқ тadbирлар мунтазам ўтказиб туриларди. Ҳар қандай жамиятда ишлаб чиқариш фаолияти кўпчилик одамлар учун ҳаётнинг бошқа фаолият турларига нисбатан каттароқ қисмини банд этади. Саноати ривожланган жамиятда яшар эканмиз, кишилар жуда кўп профессионал соҳаларда банд эканига ўрганиб қолганмиз, ammo бу аҳвол фақат саноат тараққиёти даврига келиб юз берди. Анъанавий маданиятларда аҳолининг кўпчилиги қисми озиқ-овқат йиғиш ёки уларни ишлаб чиқариш каби бирор соҳа билан банд бўлишади. Ҳар хил касб-ҳунарлар: дурадгорлик, ғишт терувчилик ёки кемасозлик каби касблар йирик жамиятларда мавжуд бўлиб, улар билан аҳолининг унчалик кўп бўлмаган қисмигина шуғулланиб келган.

Ишни, инсонлар эҳтиёжларини қондириш учун йўналтирилган моддий неъмат ва хизматларни ишлаб чиқариш ва кўрсатиш учун жисмоний ва ақлий меҳнат сарфлаш, деб таърифлаш мумкин. Ёлланма иш ёки профессионал фаолият — доимий маош ёки мукофот олиш эвазига қилинадиган ишдир. Иш ҳамма маданиятларда товарлар ишлаб чиқариш, уларни тақсимлаш ва ҳар хил хизматлар кўрсатувчи институтлардан иборат бўлиб, иқтисодиёт ёки иқтисодий тизимларнинг негизини ташкил қилади.

Социологияда иқтисодий институтларни ўрганишга катта аҳамият берилмоқда, зеро иқтисодиёт муайян даражада жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларига ўз таъсирини ўтказди. Иқтисодий фаолият, Маркс айтган даражада барча соҳаларга нисбатан устувор бўлмаса ҳам, бироқ ҳар қандай жамиятда ҳам унинг аҳамияти сезиларлидир. Масалан, овчилик ва термачилик, чорвачилик, деҳқончилик, саноат ишлаб чиқаришлар — булар яшаш учун зарур ҳар хил воситалар ва усуллар бўлиб, кишилар ҳаётига ўзларининг улкан таъсирини кўрсатган. Моддий бойликларни тақсимлаш, бу бойликларни ишлаб чиқарган одамларнинг иқтисодий аҳволидаги фарқлар жамиятдаги ижтимоий тенгсизликка олиб келади. Бойлик ва ҳокимият бир-бирига йўлдош бўлиши шарт бўлмаган ҳодисалардир. Бироқ шундай қоида мавжудки, бойлар жамиятдаги кўпроқ таъсир кучига эга гуруҳларга мансуб бўлишади.

Ушбу бобда биз меҳнатнинг табиатини, унинг саноат жа-

миятидаги тутган ўрнини таҳлил қиламиз ва бугунги кунда жамиятда у туфайли иқтисодий тартиботларда юзага келган ўзгаришлар ҳақида муҳокама юритамиз. Биз саноат соҳасида, мулкчилик тизими соҳаларидаги низоларни ҳамда йирик корпорацияларнинг родини аниқлашга ҳаракат қиламиз. Кейин эса энг муҳим мавзуларни: ҳақ тўланмайдиган иш, норасмий иқтисодиёт, кенг кўламли ишсизлик ва иш борган сари ижтимоий ҳаётнинг марказида кам даражада қолиши масалалари таҳлил қилинади.

Меҳнат тақсимооти

Ҳозирги замон жамиятлари иқтисодий тизимининг энг муҳим характерли жиҳатларидан бири — улардаги ҳаддан ташқари мураккаб ва хилма-хил меҳнат тақсимотининг ривожланишидир. Бошқача айтганда, иш улкан микдорда, турли хилдаги машғулотларга бўлиниши мавжуд бўлиб, кишилар уларнинг ҳар бир соҳасига ихтисослашмоқда. Анъанавий жамиятларда қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган иш, маълум ҳунарларни эгаллаш билан боғлиқ бўлиб, шунга оид тажриба узоқ давр шоғирдлик натижасида ҳосил қилинади. Ишчи одатда ишлаб чиқариш жараёнининг бошидан охиригача, ҳамма босқичларида қатнашади. Масалан, темирчи ер ҳайдайдиган плутни тайёрлар экан, у тоғда темирни ишлаб тайёрлаши, унга маълум шакл бериши ва ундан кейин плуг ясаши лозим бўлади. Ҳозирги замон саноат ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлиши билан жуда кўп анъанавий ҳунарлар амалий жиҳатдан бутунлай йўқолди, қолганлари бўлса кенг кўламли ишлаб чиқаришнинг таркибий қисмларига айландилар. Саноат корхоналарида бугунги кунда электрик, масалан, маълум турдаги машиналарнинг баъзи бир деталларини тузатиш ва улар билан ишлай олиши мумкин, қолган ишлар ва машиналар билан эса бошқа ишчилар шуғулланадилар.

Анъанавий ва замонавий жамиятлар ўртасидаги меҳнат тақсимоотида қарама-қаршилик ҳақиқатда жуда катта. Ҳатто энг йирик анъанавий жамиятларда ҳам одатда, 300—400 га яқин тўлақонли ҳунарлар мавжуд бўлиб, улар бошқа бир қанча ихтисослашган фаолият турлари, масалан, савдо фаолияти, аскарлик ёки руҳонийлик каби машғулотлар билан бирга мавжуд бўлишган. Ҳозирги саноатлашган тизимда минглаб турли-туман мутахассисликлар мавжуд. Бирлашган Қироллик рўйхатида Британия иқтисодини ташкил қилувчи 30000 турли кўринишлардаги касблар мавжуд. Анъанавий ҳамжамятларда аҳолининг кўпчилиги қисми (қишлоқ хўжалиги соҳасидаги машғулотларда) иқтисодий жиҳатдан ўзларини етарли даражада озиқ-овқат, кийим-бош ва бошқа зарур маҳсулотлар билан тўлиқ таъминлайдилар. Аксинча, ҳозирги жамиятларнинг бош хусусиятларидан бири — иқтисодий жиҳатдан бир-бирларига боғлиқли-

гининг ўсиб бораётганидир. Биз ҳаммамиз ҳар хил маҳсулотларга ва хизматларга эҳтиёжманд бўлиб, бу жиҳатдан бошқа кўп кишиларга тобемиз. Ҳозирги замон жамиятларида кўплаб кишилар, баъзи арзимас сабабларга кўра, ўзлари ейиш учун озиқ-овқат ишлаб чиқармайдилар, лекин ейдилар, ўзлари учун уйлар қуришмайди, лекин шундай уйларда яшайдилар, моддий бойликлар яратмайдилар, лекин уларни истеъмол қиладилар.

Бирламчи, иккиламчи ва учламчи секторлар

Саноатлашган иқтисодиётда ишни уч секторга бўлиш мумкин, булар: бирламчи, иккиламчи ва учламчи секторлардир. Бу уч секторда банд бўлган ишчи кучининг пропорционал таркиби, саноатлашнинг турли босқичларида турлича бўлади. Бирламчи соҳада табиий ресурсларни йиғиш ва ҳосил қилиш билан шуғулланадилар. Иқтисодиётда бирламчи сектор қишлоқ хўжалигини, қазилма бойликлар ва ўрмон саноатини, балиқчилик ва бошқаларни ўз ичига олади. Жамиятнинг саноатлашиш даврининг биринчи босқичида ишчиларнинг кўпчилиги бирламчи секторда банд бўлишади. Ишлаб чиқаришда машиналарнинг кўпайиши, заводлар ва фабрикалар сонининг ортиб бориши билан ишчи кучининг кўп қисми иккиламчи секторга ўта бошлайди. Иккиламчи соҳа хомашёни саноат товарларига айлантиради. Учламчи сектор эса саноатдаги ҳар хил хизмат турлари ҳисобланиб, улар ўзлари моддий бойликлар ишлаб чиқармасдан, қолганларга тўппа-тўғри ўзларининг у ёки бу хизматларини тақриф қилишади. Масалан, шифокорлар, ўқитувчилар, бошқарувчилар ва идора ходимларининг фаолият турлари одатда айнан хизмат кўрсатиш соҳасига тегишлидир.

Соҳаларни бирламчи, иккиламчи ва учламчи секторларга бўлиш, гарчи бу анча кўпол кўрсаткич бўлса ҳам, жамиятлар турлари ўртасидаги фарқларни ажратишга ёрдам беради. Кўпчилик учинчи дунё мамлакатларида ишчи кучларининг 3/4 қисми қишлоқ хўжалигида банд бўлиб, қолган бир қисми ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида тахминан тенг тақсимланган. Бошқа томондан, саноат жиҳатидан тараққий этган мамлакатларда аҳолининг жуда оз қисми қишлоқ хўжалик саноати соҳасида банд. Мисол учун, Британия меҳнаткашларининг 2%дан ҳам кам қисми бугун қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлайди. 1851 йилда бу кўрсаткич 33% ни ташкил қилган. Саноат жиҳатидан ривожланган жамиятларнинг муҳим хусусияти — бу хизмат кўрсатиш секторининг кенгайиб бораётганлигидир. 1911 йилда Британияда ишчи кучининг фақатгина 11 %и учламчи секторда банд бўлган. Бугун унинг миқдори 50%дан ҳам ортиб кетди.

Саноатда меҳнат тақсимоти. Тейлор ва Форд ёндашувлари

Ҳозирги иқтисодиёт илмининг асосчиларидан бири бўлган Адам Смит, ўз асарларида XVIII асрнинг охирларидаёқ, меҳнат

тақсимотини ишлаб чиқаришнинг ўсиши нуқтаи назаридан турли устиворликларга эга бўлишини аниқлаб берган. Унинг энг машҳур асари, «Халқларнинг бойликлари», тўғнағич фабрикасидаги меҳнат тақсимотини тасвирлашдан бошланади. Киши бир ўзи ишлаб, бир кунда 20 тага яқин тўғнағич ишлаб чиқариши мумкин. Бироқ вазифани бир неча содда операцияларга бўлиб, 10 киши, махсус топшириқларни бажариши асосида, бир-бирлари билан ўзаро ҳамкорликда бир кунда 48000 тўғнағич тайёрлай олишлари мумкин. Шундай қилиб, ҳар бир иштирокчи, илгари бир ўзи ишлаганига нисбатан, энди мутахассислашган жараёнда 240 марта кўп маҳсулот ишлаб чиқаради¹.

Чарльз Бэббиж (дастлабки содда компьютерни ихтиро қилган киши) ўз ижодининг сўнгги даврларида Смит ғояларини ривожлантирди². «Бэббиж принципи» бўйича, ишлаб чиқаришдаги технологик жараён, ҳар бир ишчининг вазифаси қанчалик содалаштирилганлиги ва у бошқа кишилар вазифалари билан қай даражада боғлиқ бўлиши билан баҳоланиши мумкин. Бу иш берувчиларга ёлланган ишчиларга тўланадиган ҳақни камайтириш ва ҳар бир операцияни бажаришни ўрганишга сарфланадиган иш вақтини қисқартириш, шу билан бирга, ишчиларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишга интилишларини бўшаштириш ва шу туфайли иш ҳақининг паст даражасини ушлаб туриш имконини беради.

Олтмиш йилдан кейин бу ғоялар бошқариш бўйича америкалик мутахассис Фредрик Уинслоу Тэйлор ишларида ўзининг тўлиқ ифодасини топди. Тэйлорнинг ўзи «илмий бошқарув» деб атаган ёндашуви, ишлаб чиқариш жараёнларини содда операцияларга бўлиб, аниқ кетма-кетликда рационал ташкил этиш учун уларни батафсил ўрганишни назарда тутган. Тэйлоризм, кўпчилик мамлакатларда саноат ишлаб чиқариши ва технологик жараёнларни ташкил қилишда жуда катта таъсир кўрсатди, гарчи бу таъсир уларнинг ҳар бирида турлича бўлса ҳам, Япония бу соҳада анча сезгир чиқди, шу сабабли Япониянинг саноатлашиши кўпчилик ғарб жамиятлари йўлларида тубдан фарқ қилувчи йўналишда борди. Япония саноатлашишининг муҳим элементи шу бўлдики, унда бундай аниқ меҳнат тақсими бўлмаган, лекин ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришда анча моҳир деб ҳисобланган ишчи командалари ва ишчи гуруҳларидан фойдаланилди.

Тэйлорни, аввало, саноат ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш қизиқтирди, бироқ у ишлаб чиқарилган маҳсулотни қандай сотиш масаласига кам эътибор қаратди. Йирик ишлаб чиқариш йирик бозорни талаб қилади ва саноатчи Генри Форд, бу фарқни биринчилардан бўлиб тушунган ва фойдалан-

¹ Smith A. The wealt of Nations. London, 1910. P. 2—5.

² Babage C. On the economy of machinery and manufactures. London, 1835.

ган киши бўлди. Фордизм оммавий ишлаб чиқариш тизимини маданийлашган оммавий бозор тизими билан қўшиб ифода-лайди. Форд ўзининг биринчи заводини 1913 йилда Мичиган штатидаги Хайленд Паркда қурди. Завод фақат бир маҳсулот — «Форд-Т» моделидаги автомобилни ишлаб чиқарарди, бу ихтисослашган курилмалар ва жиҳозларни жорий этишга, улардаги операция жараёнларини тезлаштириш, уларни аниқлаштириш ва соддалаштиришга имкон берарди. Форднинг киритган энг муҳим янгиликларидан бири — бу йиғма ҳаракатланувчи линия — конвейерни ихтиро қилиши бўлиб, у, айтишларича, Чикаго кушхоналаридаги молларни бўлиб юборувчи ҳаракат линияларини эслатарди.

Форд конвейерида ҳар бир ишчи алоҳида ўз вазифасига эга эди. Масалан, бир ишчининг вазифаси лента бўйича ҳаракатланаётган автомобил корпусининг чап томонидаги эшикларига даста ўрнатиш эди. 1939 йилга келиб, бу Т-моделини ишлаб чиқариш тўхтатилганда, 13 миллион автомобил ишлаб чиқарилган эди. Айни шу вақтда жаҳондаги автомобилларнинг 80%и Америка Қўшма Штатларида эканлиги рўйхатга олинган эди.

Йиғув линиясидаги меҳнат

Форд ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириб, конвейерли ишлаб чиқариш билан боғлиқ муаммоларга дуч келади. Ишга келмаслик ва ишчи кучларининг қўнимсизлиги тез орада жуда ўсиб кетади. Кадрлар бўлими бошлиғининг маълумотига кўра, ишчи олдига шунчалик содда ва зерикарли вазифалар қўйилардики, 1913 йилда заводда 1 ишчини ўқитиш харажатлари атиги 38 долларни ташкил қиларди. Бироқ, ҳар йили заводда 50.000 ишчи алмашиб, уларни тайёрлаш, ўқитишнинг баҳоси бир йилда 2.000.000 долларга яқинлашиб қоларди. Форд, ишчилар ўртасидаги тартиб-интизомни яхшилашга уриниб, ўз таъсирини заводдан ташқарида ҳам кучайтиради. У «беш долларлик кун» тадбирини жорий этиб, унга кўра, ишчилар ўз профессионал ва шахсий одатларини ўзгартирсалар, кўпроқ иш ҳақи олиш имкониятига эга бўлишарди. Компаниядан ишчиларнинг мукофот ва займлар олиш имкониятлари уларнинг рационал турмуш тарзи юритишлари ва алкоғолли ичимликлар, тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишларини чеклашлари билан боғлиқ қилиб қўйиларди. Компания ҳатто ишчиларнинг шахсий ҳаётларини кузатиб бориш учун ўзининг «социологик бўлим»ини ҳам жорий қилади.

Катта заводларда қўлланиладиган Форд усули оммавий бозор ва конвейердан фойдаланишга мўлжалланган. У бутун дунё автомобил саноатига асос солди ва бошқа соҳаларга ҳам қўл урди. Форд ва унинг бош рақибни бўлмиш «Дженерал Моторс» компанияси Британияда, Германияда, Японияда ва бошқа мамлакатларда ўзларининг шўба корхоналарини ташкил қилишди. 1919 йилда Франциянинг «Ситроен» компанияси, масла-

ҳатчи сифатида америкалик муҳандисларни таклиф этиб, конвейер линиясини ишга туширди. Унинг кетидан Францияда — «Рено», Италияда — «Фиат» ва кейинроқ Буюк Британияда «Остин-Моррис» бу усулни қўлладилар. Фордизм усули, шунингдек, Японияга ҳам импорт қилиниб, бу ерда уни биринчи бўлиб «Тойота» фирмаси қўлади.

Конвейердаги меҳнатнинг ажойиб манзарасини 70-йилларда «Ситроен» корхонасининг хизматчиларидан бири шундай тасвирлайди:

Ҳар бир киши, гарчи чегаралар аниқ кўрилмаса ҳам, ўзи бажарадиган операцияларнинг аниқ белгиланган соҳасига эга; автомобил иш зонасида пайдо бўлиши биланоқ, одам ўзининг пайвандловчи лампасини, болга ёки аррани ушлаб, ишга киришади. Бир қанча зарблар, бир қанча учқунлар чиққандан кейин, қарабсизки, пайванд тугаб, автомобиль ўз йўлида давом этади, бу жойдан 3—4 метрга бориб туради. Ишчи зонасига янги автомобиль туширилади ва ҳамма нарса яна қайтадан бошланади. Баъзида, агар у тез ишласа, у ерда янги автомобил пайдо бўлгунига қадар бир неча сония (секунд) вақт тежалиши мумкин. У бундан нафас ростлаб олиш ёки бошқа бирон нарса учун фойдалана оладими-йўқми, барибир, ўзининг бутун кучини сарфлаб, бир оз бўлса ҳам вақтдан ютишга ҳаракат қилади... агар ишчи ҳаддан ташқари секин ҳаракат қилса, у бир жойда тўхтаб қолиб, ўз ишини тутатишга улгурмай қолади, бунда бошқа ишчи аллақачон ўзининг навбатдаги ишини бошлаган бўлади...

Форд ва Тейлорнинг ёндашувларидаги чекланишлар

Бир вақтлар Форднинг усули саноат ишлаб чиқаришининг жуда кўп соҳаларида порлоқ келажакка эга деб тасаввур қилинар эди. Бироқ, бир қатор сабабларга кўра, бундай бўлиб чиқмади ва фордизмнинг «олтин даври» ортда қолди. Амалий жиҳатдан олиб қараганда, у саноатнинг бир қанча соҳаларида, айниқса автомобиль саноати соҳасида ўзини кўрсатди. Бундай тизим фақат стандарт маҳсулотларни катта бозорлар учун ишлаб чиқаришдагина самара бериши мумкин, чунки механизациялашган ишлаб чиқариш линияларини ўрнатиш ҳаддан ташқари қимматдир. Бундай тизим жорий этилиши билан ўзининг ихчамлигини йўқотди. Бунда ишлаб чиқариладиган маҳсулотни ўзгартириш учун жуда катта капитал сарфлаш лозим бўлади. Бу турдаги ва унга ўхшаш ишлаб чиқариш усулларини кўчириб олиш жуда осон ва ишчи кучи қиммат бўлган давлатлардаги фирмалар аҳоли даромади пастроқ бўлган минтақалардаги фирмалар билан рақобатлашиши қийин. Бу омил Япония автомобил саноатида биринчи ютуқларга эришишда улкан рол ўйнади (гарчи бугун иш ҳақининг даражаси Японияда унчалик паст бўлмаса ҳам) ва кейинроқ Жанубий Корея автомобиль ишлаб чиқариш саноатида ҳам катта ютуқларга сабаб бўлди.

Тейлор бошқариш техникаси катта капитал сарфлашни талаб қилмайди. Тейлоризмнинг чекланганлиги кўпроқ шундан

иборотки, кишилар машиналарга ўхшаш эмас ва машиналарга қилиш мумкин бўлган муомала-муносабатларни улар қабул қилмайдилар. Қаерда меҳнат монотон бўлса, шу ерда кучларни ижодий сарфлашга майдон кенг бўлмайди. Бундай шароитларда ишчиларни минимумдан ортиқча иш қилишга мажбур қилиб бўлмайди, бу, аксинча, ишчилар ўзлари бажарган ишларидан қониқмаслик даражасининг ортишига олиб келади. Тейлорнинг ўзи илгари сурган бундай қатъий «илмий бошқариш» гоёси кенг таъсир кучига эга бўлмади. Бироқ Тейлор эътибор қаратган ҳозирги саноат ишлаб чиқаришнинг баъзи хусусиятлари ҳақиқатда кенг тарқалди. У фақатгина саноат механизациялашиши табиий равишда келтириб чиқарадиган меҳнат тақсимотининг ўзига хос жиҳатларини таъкидлаб ўтган.

Иш ва бегоналашув

Маркс ҳозирги саноат тараққиёти жуда кўп иш турларини монотон, зерикарли вазифаларга айлантиришини англаган эди. Маркснинг ёзишича, меҳнат тақсимоти кишиларни ишдан бегоналаштиради. Анъанавий жамиятларда, деб қайд қилади у, иш кўпинча ҳолдан тойдирадиган бўларди: деҳқонлар ўз ерларини кўпинча бош кўтармай ишлар, эрта тонгдан то қора тунгача меҳнат қилар эдилар. Шундай бўлса-да, улар ўзларининг кўп билим ва малака талаб қиладиган ишларини ўзлари ташкил қила олар эдилар. Аксинча, кўпчилик саноат ишчилари эса, амалий жиҳатдан ўзлари бажарадиган вазифалар характерига ҳеч бир таъсир ўтказмайдилар, бир бугун маҳсулотнинг тайёрланиш жараёнига кичик қисм сифатида кириб, унинг сотилишига ҳеч қандай таъсир кўрсата олишмайди. Натижада қандайдир бегона вазифа бўлиб қолади, ишчи эса, мукофот олиш учун, ўзини бутунлай қизиқтирмаган ишни бажаришга мажбур бўлади.

Маркс асосий зиддиятни ҳозирги жамият гоёсининг ўзида кўради. Бир томондан, саноатнинг ривожланиши ҳар қандай аввалги жамият турларига нисбатан анча кўпроқ моддий бойлик яратади. Бироқ, меҳнати ўша бойликнинг манбаи бўлган кенг омма ўзи бажарадиган ишлар устидан бирон-бир реал назорат қилишдан маҳрумдир.

Маркс бу ҳодисани қуйидагича буюқларда баён қилади:

Бегоналашув нимадан вужудга келади? Биринчидан, иш ишчига нисбатан ташқи нарсага айланади, унинг табиатининг бир қисми бўлмай қолади ва бинобарин, у меҳнатда ўзини кўрсата олмайди ва шу билан бирга, ўзида қониқиш ҳисси ўрнига хўрланиш ҳиссини ҳосил қилиб, уни инкор қилади, ўзининг маънавий ва жисмоний кучларини ривожлантира олмайди, аксинча, ўзини жисмоний қаттиқ толиққан ва руҳан хароб ҳис қилади. Демак, ишчи ўзини фақат дам олиш соатларидагина қулай сезади, ишда бўлса ўзини бахтсиз ҳисоблайди. Унинг меҳнати ўз хоҳиши билан эмас, мажбурий, эркисиз меҳнатдир. У инсоннинг фундаментал эҳтиёжларини қондирувчи иш бўлолмайди,

фақат бошқа эҳтиёжларни қондирувчи воситага айланади. Ишнинг бегоналашув характери унга жисмоний ёки бошқа мажбур этишнинг йўқолиши билан бирдан намоён бўла бошлайди, ундан вабодан қочгандай қоча бошлайдилар. Биз шу хулосага келамизки, инсон овқатланиш, ичиш, кўпайиш каби ҳайвоний эҳтиёжларини қондирганида, шунингдек ўз уйида пардоз-андоз қилганидагина ўзини эркин ҳис этади, инсоний вазифаларга келганда эса, ҳайвон даражасига тушиб кетади. Ҳайвон одамга айланади, одам эса ҳайвонга айланади³.

Маркс учун бегоналашув нафақат бепарқлик ва душманлик ҳиссиёти, балки бутун капиталистик ишлаб чиқариш структураси билан боғлиқдир. Бегоналашув ишчиларда ўз иш шароити устидан амалий назоратнинг йўқлигида ифодаланади. Бироқ бегоналашув борасидаги кейинги тадқиқотлар социологияда меҳнатнинг объектив томонларидан келиб чиқиб эмас, балки ишчиларнинг ҳиссиётлари ва ориентацияларига асосланган ҳолда ўтказилган. Мисол тариқасида АҚШнинг соғлиқни сақлаш, таълим ва ижтимоий таъминот вазирликларининг «Америкада иш» деб номланган ҳисоботини келтириш мумкин. Бу тадқиқот, бошқа кўпчилик расмий баённомалардан фарқли равишда, ўзига кенг жамоатчиликнинг эътиборини тортди ва қўлма-қўл ўқилди. Тадқиқот шуни кўрсатдики, иш шарт-шароити кўпинча «бир хил, монотон, мазмунсиз, мустақилликка изн бермайдиган ва ўзини намоён қилишга йўл қўймайдиган» ва шу билан бирга, «барча мансаб даражаларидаги хизматчиларда қониқмаслик ҳиссини туғдирди»⁴.

«Кўк ёқалилар,— деб қайд қилинади докладда, — шуни ҳис қилмоқдаларки, амалий жиҳатдан улар ўзларининг меҳнат шароитларини назорат қилолмаётирлар ва ўз ишларига оид қарорларга таъсир ўтказиш имкониятидан маҳрумдирлар. Қоидага кўра, уларнинг меҳнат тартиби олдиндан белгиланиб қўйилган, уларнинг ўзи эса ҳамма вақт доимий қаттиқ назорат остида бўладилар. Сўров қилинганлардан фақат 24% «кўк ёқалилар»гина бордию ўз ҳаётларини янгидан бошлаганларида ҳам, шу ишни танлаган бўлишларини айтишди. Деярли икки ҳисса кўп сонли «кўк ёқалилар» эса, «шундай қилишимиз мумкин эди», дейишди. Шунга қарамасдан, уларнинг ўз ишларидан қониқмасликларининг даражаси ҳам анча баланд. Қуйи босқичда назорат вазифасини бажарадиганлар ўз ишларини машаққатли ва толиқтирувчи эканини, ҳеч қандай эркин фаолиятга жой қолдирмаслигини айтишди. Ва кўпчилик ўрта поғона бошқарувчилари ҳам шунга ўхшаш қониқмаслик ҳиссларини ифодалашди. Улар шуни ҳис қилишардики, ўзлар ҳеч қандай таъсир ўтказа олмайдиган сиёсатни амалга оширишга мажбур эдилар. Аксинча, юқори мансабларни эгаллаганлар кўпроқ ўз

³ Marx K. Alienated labour // Karl Marx: early writings. Harmondsworth, 1963. P. 124—125.

⁴ Work in America: report of a special task force to the Secretary of Health, Education and Welfare. Washington, 1973.

ишларидан қониқиш ҳосил қилишлари, шу билан бирга, маълум мустақилликка, таваккал қилиш ва танлаш имкониятига эга эканликларини билдиришди.

Британияда бунга ўхшаш йирик тадқиқотлар ўтказилмаган. Мавжуд узук-юлуқ ишлар эса ўхшаш хулосалар берди. Кўпчилик кишилар, уларга бажарилиши шарт бўлган вазифалар юклатилишига қарамай, ишларидан қониқиш ҳосил қилишади. Шундай кишилар, масалан, бошқа кишилар билан алоқада бўлишни ўз ишларига кўра кўпроқ қадрлайдилар.

Ишонч даражаси паст ва юқори бўлган тизимлар

Фордизм ва Тейлоризм — ишчилар бегоналашуви энг юқори бўлган ишлаб чиқариш тизимлари баъзи социологлар томонидан қуйи даражадаги ишонч тизими, деб аталади. Вазифалар бошқарувчилар томонидан қўйилиб, машиналар томонидан бажарилади. Топшириқни бажарувчилар қаттиқ кузатиш остида бўлиб, эркин фаолиятдан деярли маҳрум бўлади. Ишонч даражаси юқори бўлган лавозимларда инсонга ўз ишининг жадвалигини ва ҳатто маълум даражада унинг мазмунини умумий кўрсатмаларга мос равишда назорат қилиб боришга ижозат берилади. Бундай ҳолат одатда ишлаб чиқариш ташкилотларининг юқори табақаларига хос бўлади. Ишонч даражаси паст мансаблар кўп бўлган ташкилотларда ишчиларнинг бегоналашув даражаси юқори бўлиб, меҳнат низолари одатий, ишга келмаслик ҳоллари кўп бўлади.

Етмишинчи йилларнинг бошларида ва кейинчалик ҳам Фарбий Европадаги, Қўшма Штатлар ва Япониядаги саноатнинг турли соҳаларидаги фирмалар ишонч даражаси паст бўлган ташкилотларни ўзгартириш борасида тажрибалар ўтказишади. Бунда бошқа бир қанча схемалар қатори конвейерни автоматлаштириш, кишилар томонидан бажариладиган оғир қолоқ меҳнатни минимал даражага тушириш ва вазифаларни белгилашда ишчи гуруҳи муҳим роль ўйнайдиган гуруҳли ишлаб чиқаришни жорий этиш масалалари ўрганилди. Гарчи бу тадбирлар иш берувчилар томонидан унчалик қўллаб-қувватланмаган бўлсада, саноат демократияси тизимини ўрнатиш йўлида бир қанча сезиларли уринишлар бўлди. Келинг энди, ўша муқобил моделларни кўриб чиқайлик.

Автоматлаштириш

Ҳозирча нисбатан кам соҳаларда автоматлаштириш алоҳида самарага эга, аммо саноат роботларининг яратилиши билан унинг таъсири маълум даражада ўсмоқда. Робот — бу автоматик қурилма бўлиб, одатда кишилар томонидан бажарилиб келинган функцияларни бажариши мумкин.

«Робот» термини чех тилидаги *robot* сўзидан келиб чиққан бўлиб, унинг луғавий маъноси ўзбекчада «хизматкор» дегани-

дир. Бу атама, тахминан, 50 йиллар илгари ёзувчи Карел Чапек томонидан истеъмолга киритилган. Аммо программалашган машиналар концепцияси анча илгари пайдо бўлди: америкалик Чарльз Спенсер XIX аср ўргаларида автомат ихтиро қилади, бу программалашган токарлик дастгоҳи эди, у билан винтлар, гайкалар ва шестерналар тайёрланади. Биринчи марта кўп миқдорда роботлар саноатда 1946 йилда пайдо бўлади, ўшанда машинасозлик саноатининг баъзи содда ишлаб чиқариш участкаларида ўзини-ўзи бошқаришга қодир бўлган қурилма-автоматлар жорий этилади.

Бироқ анча мураккаб роботлар фақат яқиндаги микропроцессорлар ривожидан — асосан XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб пайдо бўлади. Биринчи микрокомпьютер билан бошқариладиган робот 1974 йилда Sincinnatti Milason компанияси томонидан яратилади. Бутун ишлар микропроцессорлар билан бошқарилади ва улар пайвандлаш, бўяш, юкларни қўтариш ва ташиш каби жуда кўп вазифаларни бажаришади. Баъзи бир роботлар предметларни «ушлаб кўриб фарқлаш қобилияти»га, бошқалари «кўриши», баъзи объектлар тўпламини визуал ҳолатда «билиши» мумкин.

Роберт Айрес ва Стивен Миллерлар қайд қилишганидек, ишда роботчалик содиқ ва чарчамас ишчи бўлиши мумкин эмас. Роботлар, масалан, пайвандлаш каби функцияларни қайта-қайта нуқсонсиз бажариши ва бошқа ишларни бажариш учун тезда қайтадан программалашини мумкин... Эҳтимол, бир неча йиллардан кейин биз кўплаб кичик ҳажмдаги заводларда саноат роботларини кўришимиз мумкин бўлар. Роботлар «ин»идан туриб ўзи тайёрлаган қисмни кейинги роботга узатади, бундай “ин”ларни микропроцессорлар томонидан бошқариладиган “ёпиқ цикли” ишлаб чиқариш тизими кўринишида ташкил этиш мумкин.⁵

Бу тизимлар келгусида пайдо бўлиши мумкин, бироқ уларнинг илк нусхалари АҚШ ва Японияда аллақачон қурилган.

Тўлиқ автоматлаштириш йўлидаги муҳим босқич — бу мослашув ишлаб чиқариш тизими(МИТ)ни яратишдир. У компьютер билан бошқариладиган механик ишлов маркази, деталларга ишлов берувчи роботлар, материал ва деталларни ташувчи аравачалардан иборат бўлади.

Мослашувчан ишлаб чиқариш тизимлари (МИТ) биронта янги детални ишлаб чиқариш, ёки янги лойиҳани амалга ошириш учун қайта программалаштирилиши мумкин. Улар товарларни оз миқдорда арзон ишлаб чиқаришга қобилиятлидир, бунда ҳар хил товарлар бир линияда, кетма-кет тайёрланишлари мумкин. Бунинг аҳамияти жуда катта. Фордизм даврида иқти-

⁵ Ayres R. And Miller S. Industrial robots on the line In: Tom Forrester (ed.). The informational Technology Revolution. Oxford, 1985. P. 342.

сод фақат оммавий ишлаб чиқариш тартиби асосидагина мавжуд бўлиши мумкин эди. Ихчам ишлаб чиқариш тизимлари оз миқдордаги товарларни худди бир хил миллионлаб маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган линиялардай самарали ишлаб чиқаришлари мумкин.

Ихчам ишлаб чиқариш тизимлари бугунги кунда анча ривожланган. Япония заводларида минимал миқдордаги ишчилар кундуз куни машиналарга хизмат кўрсатишади, тунда эса роботлар ва машиналарнинг ўзлари ишлашади. Фудзи тоғи яқинида жойлашган «FANUC» заводида автоматик машиналар марказлари бутун кеча давомида ишлаб туришади, автоматик арава-чалар юклар ортилган ҳолда ярим қоронғиликда ҳаракатланиб туради. Кечаси ягона назоратчи машиналарни телекамера орқали кузатиб, кечаётган бутун жараёни назорат қилиб туради. Агар бирор хатоликни сезса, назоратчи маълум операцияларни тўхтатиб, ишлаб чиқаришни бошқа йўналишга солади. Ямазаке фирмаси томонидан режалаштирилган бу янги завод 20 мил узоқликдаги штаб-квартирадан дистанцион равишда бошқарилади. Фабрикада олиб бориладиган барча ишлар автоматик жиҳозлардан фойдаланилган ҳолда штаб-квартирада тўлиқ программалаштирилади. Фабрикада 200 ишчи оддий фабрикада 2500 ишчи ишлаб чиқарадиган товарга тенг маҳсулотни ишлаб чиқаради.⁶

Кўпчилик йирик мотор ва автомобил компаниялари пайвандлаш, йиғиш ва бўйш учун роботлардан фойдаланиб, ўзларининг бир қисм ишлаб чиқариш линияларини автоматлаштирди. Саноатда фойдаланиладиган роботларнинг катта қисмини автомобил саноатидагина кўриш мумкин. Бахтга қарши, роботларнинг бошқа товарлар ишлаб чиқаришдаги фойдалилиги чекланган, бу эса автоматлашган заводларнинг тез суратда пайдо бўлишига тўсқинлик қилади, чунки роботларнинг турли нарсаларни фарқлай билиш ва ноқулай шакллар билан мураккаб операциялар бажариш қобилияти ўта рудиментар даражададир. Лекин шу нарса равшанки, автоматлашган ишлаб чиқариш яқин йиллар ичида жуда тез кенгайди. Роботларнинг ақли билан қилинадиган фаолиятлар тез ривожланади, улар ишлаб чиқарган товарларнинг нархи эса арзонлашади.

Гуруҳ бўлиб ишлаб чиқариш

Гуруҳ бўлиб ишлаб чиқариш, яъни оқим линиядан воз кечиш ва бир-бирини ўзаро тўлдирувчи ишчи гуруҳларини ташкил қилиш, баъзан автоматлаштириш билан бирга, ишчи вазифаларини қайта ташкил этишнинг асоси сифатида қўлланила бошлади. Бу ғоя асосини ишлаб чиқариш муаммоларини гуруҳ бўлиб ечиш аҳамияти ва гуруҳлар муҳимлигини англаш

⁶ Ayres R. And Miller S. Robotics: Applications and Social Implications. Cambridge, 1983.

ташқил қилади. 1975 йилда автомобил моторлари ишлаб чиқарувчи заводлардан бирида Фольксваген томонидан ўтказилган тажриба бунга ёрқин мисол бўла олади. Одатда автомобил двигателлари конвейерда йиғилиб, ҳар бир ишчи, топширилган стандарт вазифани бажариш учун тахминан бир ёки икки минутга эга бўлади. Бунинг ўрнига Фольксваген ҳар бири 7 ишчидан иборат 4 та гуруҳ тузди. Ҳар бир гуруҳда 4 киши йиғиш, 2 киши эса синов ўтказиш ва 1 киши материаллар буюртмаси билан шуғулланарди. Ҳар бир гуруҳ аъзоси шундай ўқитилардики, уларнинг ҳар бири командадаги ҳамма ишни бажара оларди ва улар топшириқларни ўз хоҳишлари билан танлашарди. Квотага кўра бу гуруҳ аъзолари бир кунда 7 та машина двигателини йиғишлари шарт эди. Бироқ ишлаб чиқариш даражаси Фольксваген бошқарувчиларини қаноатлантирмади (гарчи ҳар гуруҳ ўз квотасини бажарса ҳам) ва 1978 йилда бу тажриба тўхтатилди.

Навбатдаги киритилган янгилик — бу «Сифат тўғарақлари» деб ном олган гуруҳларнинг ташқил бўлишидир. Бу тўғарақ 5 кишидан 20 кишигача бўлган гуруҳдан иборат бўлиб, ишлаб чиқариш муоммоларини ўрганиш ва ечиш учун мунтазам йиғилиб туради. Сифат тўғарақига кирган ишчилар ишлаб чиққан маҳсулотларнинг техник жиҳатлари ҳақидаги муҳокамаalarda қатнашиш имконига эга бўлишлари учун қўшимча ўқитилар эди. Сифат тўғарақлари Қўшма Штатларда пайдо бўлади. Сўнг бир қатор Япония компаниялари уларга тақлид қилиб, ўзларида ташқил қилишади, 70-йилларнинг охирида улар Фарбда яна тарқала бошлайди.

Сифат тўғарақлари, бошланғич қоидаларни ўзлари белгилайди. Чунки улар ўз вазифаларини ва уларни ечиш усулларини белгилаш учун етарли билимга эгалар деб ҳисобланади. 1980 йилда Форд корпорацияси Япония корпорацияси билан рақобат таъйиқи туфайли ўзининг Фарбдаги барча йигирма бешта ишлаб чиқариш ва йиғув заводларида Сифат тўғарақларини жорий этиб, бу билан ўз маҳсулотининг сифати ва ишончлилигини кўтаришга ҳамда бунга ишчиларни жалб қилишга эришишни мақсад қилиб қўяди.

Саноат демократияси

Саноат демократияси ғояси гуруҳ бўлиб ишлаб чиқариш концепциясидан анча илгари пайдо бўлди. XIX асрда Маркс, “Фуқаронинг сиёсий ҳаётга қатнашиш ҳуқуқи фабрика дарвозаси олдида тугайди”, деб кўрсатган эди. “Сиёсий демократияни, деган эди у, саноатда демократик ҳуқуқлар билан тўлдириш зарур”. Бу гоёлар кўпчилик давлатлар ҳукуматлари ва саноатнинг баъзи соҳаларидаги компаниялар соҳиблари томонидан ўзлаштирилади. Ўз-ўзини бошқариш Югославия саноати тамойилларининг бири бўлиб, унда ишчилар ўзларига директор сайлаш ҳуқуқларига эга. Улар корхона жамоаси тўғрисидаги

масалаларни ечишда овоз бериш йўли билан иштирок этишади. Швед қонунларига кўра, юздан ортиқ ишчи ишлайдиган компанияларнинг директорлар кенгашида албатта ишчи вакиллари бўлиши лозим. Ишчи-директорлар Германия ва Норвегияда ҳам мавжуд.

Ишчилар қарор қабул қилиш жараёнига таъсир қила оладиган ташкилотларда, юқори ахлоқий даража ва яхши меҳнат унумдорлиги кузатилади. 17 та тажриба таъриф этилган саноат демократияси борасидаги илк таҳлилий асарлардан бирида Пол Бламберг шундай хулосага келдики, ишчиларнинг қарор қабул қилишда иштирок этиши уларда ўз ишидан қониқиш ва бошқа ижобий ҳиссиётлар пайдо бўлишини инкор этувчи тадқиқот топиллиши қийин⁷. Бламбергнинг бу хулосалари танқидга учради, сабаби: улар тўғрисида у гапирган вазиятлар, асосан, қисқа вақт давом этган ва 2—3 йилдан ошмаган эди. Бироқ кейинги олиб борилган тадқиқотлар Бламберг хулосаларининг ҳақиқатлигини тасдиқлади. АҚШ Фарбий соҳиларининг шимолида жойлашган фанера ишлаб чиқариш кооперативларининг тажрибаси шунини кўрсатдики, кооператив тизимидаги фирмалар бошқа анъанавий компанияларга нисбатан 30—50%га унумлироқ экан.

Ишчилар одатда фақат раҳбарларда бўладиган ҳуқуқларга эга бўлган кооперативларни баъзи Фарбий Европа давлатларида учратиш мумкин. Масалан, Басклар мамлакати бўлмиш шимоллий Испанияда «Мондрагон» кооперативи истеъмол моллари ишлаб чиқариш соҳасида катта ютуқларга эришди. Бироқ саноат демократиясининг ейилишига бошқарувчилар ва касаба уюшмалари қарши таъсир кўрсатмоқдалар. Бошқарувчилар доимо ўзларига тегишли бўлган имтиёз — қарор қабул қилиш ҳуқуқини ишчиларга берилишига норозилик билдирмоқдалар; касаба уюшмалари эса, саноат демократиясини ўзларининг коллектив шартномалар тузиш ҳуқуқига таҳдид деб баҳоламоқдалар.

Касаба уюшмалари ва ишлаб чиқариш низолари

Ишчилар билан сиёсий ва иқтисодий ҳокимиятга эга бўлган раҳбарлар ўртасидаги низолар илгаридан мавжуд бўлиб келган. Ҳарбий чақириқларга ва солиқларга, шу билан бирга очликка қарши ғалаёнлар — XVIII асрда очлик йилларида Европанинг саноатлашган районларида оддий ҳол эди. Ҳозирги ишлаб чиқариш низоларининг илк кўринишлари баъзи давлатларда деярли XX аср бошларигача давом этиб келган. Масалан, Италиянинг баъзи бир шаҳарларидаги 1868 йилда бўлган очлик ғалаёнларини олиб кўрайлик. Бундай анъанавий конфронтация шакллари шунчаки яқка иррационал ғалаёнлар бўлибгина қолмай, куч ишлатиш таҳдиди ғалла ва бошқа асосий озиқ-

⁷ Blumberg P. Industrial democracy: the sociology of participation. London, 1968. P. 123,

овқат маҳсулотлари баҳоларини чегаралаш хусусиятига эга эди.

Касаба уюшмаларининг ривожланиши

Ишчилар билан корхоналар эгалари ўртасидаги ишлаб чиқариш низолари XIX асрнинг биринчи ярмида чала ташкил қилинган ҳолда эди. Конфронтация даврида ишчилар ўз иш жойларини ташлаб, кўчаларда йиғилардилар, улар ўзларининг норозилиklarини қонунга зид хатти-ҳаракатлар ва ҳукуматга қарши зўравонлик ҳаракатлари орқали билдирар эдилар. XIX аср охирида Франциянинг баъзи районларида ишчилар ҳатто бошлиқларни осий билан қўрқитиш амалиётини қайта тикладилар⁸. Бугунги кунда ишчилар ва раҳбарият ўртасида музокара-лар орқали ҳал этиладиган иш ташлаш ҳаракати секин, тасодифий ҳолда ривожланди. 1799 ва 1800 йилларда Британияда қабул қилинган йиғилишлар ҳақидаги актларда ишчилар йиғилишлари ноқонуний деб эълон қилинди ва намойишлар ўтказиш тақиқланди. Йигирма йилдан кейин мазкур актлар бекор қилинди. Бу даврда шу нарса равшан бўлдики, тақиқлашлар ижтимоий тартибсизликларни сусайтириш ўрнига уларни кучайтирар экан. Кўп ўтмай тред-юнионизм оммавий ҳаракати пайдо бўлди ва касаба уюшмалар фаолияти XIX асрнинг тўртинчи чорагида қонуний тус олди. 1920 йилда улар аъзоларининг сони (эркак) ишчиларнинг 60%ига етди. Британия тред-юнионлар ҳаракати марказий органи тред-юнионлар конгресси бўлиб, у лейбористлар партияси билан яқин ҳамкорликда фаолият кўрсатади. Ҳозирги саноатнинг бошланғич шаклланиш даврида касаба уюшмаларининг мавжудлиги билан қўзғолон кўтаришга интилиш ўртасида бевосита алоқа мавжуд бўлмаган. Кўпчилик биринчи иш ташлашлар онгсиз характерга эга бўлиб, улар ҳеч бир махсус ишчи ташкилотлари томонидан уюштирилмас эди. АҚШнинг меҳнат масалалари бўйича олий вакилининг 1907 йилдаги доклади шундан дарак берадики, шу даврдаги иш ташлашларнинг ярмидан кўпроги касаба уюшмалари томонидан уюштирилган эмас. Худди шунинг ўзи Британияга ҳам тааллуқлидир. Биринчи жаҳон урушининг охирига келиб вазият ўзгарди, шу вақтдан бошлаб иш ташлашларда касаба уюшмасига аъзо бўлмаган ишчиларнинг ҳиссаси озая бошлади.

Касаба уюшмалари ҳаракатининг ривожланиши турли мамлакатларда турлича кечди. Британия ва Қўшма Штатларда касаба уюшмалари кўпчилик Европа мамлакатларига нисбатан анча илгари пайдо бўлди. Германия касаба уюшмалари 30-йилларда нацистлар томонидан асосан йўқ қилинди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин эса яна қайтадан ташкил топди, ўшанда ҳам француз касаба уюшмалари ҳаракати 30-йилларгача бошланма-

⁸ Holton R. The crowd in history: some problems in theory and method // Social history, 3. 1978.

ган эди (бу вақтда ташкилотлар тузиш ва коллектив меҳнат шартномаларини имзолаш ҳуқуқи тан олинган).

Бугун Британияда ишчиларнинг 50%га яқини касаба уюшмаларининг аъзоларидир. Бу Қўшма Штатлардаги 20%га нисбатан анча кўп. Кўпчилик Европа мамлакатларида касаба уюшмаларига аъзо ишчилар сонининг кўрсаткичлари Британиядан орқада, бироқ Бельгия ва Данияда бу кўрсаткичлар 65%ни, Швецияда бўлса 90%ни ташкил қилади. Швецияда ишчилар ҳаракати фаолияти давлатнинг сиёсатига анча муҳим таъсир ўтказа олади. Бу мамлакатда касаба уюшмалари вакиллари, корхона эгалари ва давлат ўртасида доимий равишда умумхалқ миқёсида консултациялар ўтказиб турилади.

Касаба уюшмалари нима учун керак?

Касаба уюшмалари бутун Ғарб мамлакатларида, гарчи улар аъзолик даражаси ва таъсир кучига кўра фарқ қилсалар ҳам, мавжуддир. Ҳамма мамлакатлар қонунларида ишчиларнинг иқтисодий иш ташлаш ҳуқуқлари кўзда тутилган. Нега касаба уюшмалари ғарб мамлакатларининг ажратиб бўлмас хусусиятига айланган? Нега корхона эгаси — касаба уюшмаси ўртасидаги низолар саноат тизими тартибининг зарур қисми ҳисобланади?

Шундай тахмин мавжуд: касаба уюшмалари ўрта асрлардаги гильдияларнинг турли шакллари, яъни замонавий саноат шароитида бир соҳада ишлайдиган кишиларнинг ассоциацияларидир. Масалан, Френк Тэнненбаум исбот қилишига, касаба уюшмалари ҳамкасабаларнинг дунёқарши ва тажрибасининг ўхшашлигига асосланган ассоциациялардир⁹. Бундай изоҳ бизга “Нега касаба уюшмалари, биринчи навбатда, цех ишчилари орасида пайдо бўлган?” деган саволни тушунишимизга ёрдам беради. Бироқ у нега улар жамоа шартномалари ва ишлаб чиқариш низолари билан шу қадар мустаҳкам боғлиқлигини изоҳламайди. Кўпроқ қониқарли изоҳ — касаба уюшмалари саноат корхоналарида, ишчилар амалий жиҳатдан формал ҳокимиятга эга бўлмаганлиги туфайли, уларнинг моддий манфаатларини ҳимоя қилиш учун пайдо бўлишини эътиборга олиш шарт.

Ҳозирги саноат қарор топа бошлаган даврда ишчилар кўпчилик мамлакатларда ҳеч бир сиёсий ҳуқуқларга эга эмас ва ўзларининг меҳнат шароитларини яхшилашга таъсир қилолмас эдилар. Касаба уюшмалари ишчилар билан корхона эгалари ўртасида мавжуд бўлган ҳокимият дисбалансини бартараф этиш воситаси сифатида пайдо бўлади. Агар алоҳида бир ишчи ўз-ўзича деярли таъсир қилолмаса, коллектив ташкилот ёрдамида таъсир қилиши мумкин. Корхона эгаси алоҳида бир ишчисиз ўз ишини олиб бориши мумкин, аммо кўпчилик ишчилар меҳнатисиз у ўз корхона ишларини юрита олмайди. Бошида касаба

⁹ Tannendaum A. Hierarchy in jrganizations. San Francisco, 1974.


уюшмалари асосан «мудофаа» ташкилотлари, яъни ишчилар корхона эгаларининг чексиз-чегарасиз ҳокимиятларига қарши тура олишлари учун восита етказиб берувчи вазифасини бажарди.

Ҳозир ишчилар сайлаш ҳуқуқларига эга; корхона раҳбарлари билан эса музокаралар олиб бориш учун маълум шакллар белгиланиб, улардан фойдаланган ҳолда, ишчилар иқтисодий фойдаларни қўлга киритишади ва ўзларининг талабларини илгари суришади. Шунга қарамай касаба уюшмаларининг таъсири завод даражасида ҳам, миллат даражасида ҳам, биринчи навбатда, тақиқлаш ҳуқуқи кўринишида қолмоқда. Бошқача қилиб айтганда, касаба уюшмалари ихтиёрида мавжуд бўлган воситалар, жумладан иш ташлаш ҳуқуқидан фойдаланиб, тадбиркорларнинг сиёсати ва тажрибаларига тўсқинлик қилишлари мумкин, лекин уларни шакллантира олмайдилар. Бироқ кўплаб истиснолар ҳам мавжуд, масалан, касаба уюшмалари ва корхона раҳбарлари ўзаро меҳнат шарт-шароитларига оид даврий шартномалар имзолашлари мумкин. Бундай шартномаларга «иш ташлашликларига қарши келишувлар»ни киритиш тенденцияси мавжуд. Бу нарса шартнома муддати тутагунча амалда бўлади. Умумхалқ миқёсида, айниқса Скандинавия мамлакатларида касаба уюшмалари раҳбарлари иқтисодий сиёсатнинг шаклланишида муҳим роль ўйнашлари мумкин. Баъзи мамлакатларда касаба уюшмаларига нохуш қарайдиган ҳукуматлар ва корхона раҳбарлари томонидан доимий равишда қаршилик кўрсатиб келинади. Ишчиларнинг катта қийинчилик билан қўлга киритилган музокара олиб бориш ҳуқуқи яна курашларга сабаб бўлар эди. Саноатнинг баъзи соҳаларида корхона раҳбарлари доимий равишда касаба уюшмалари аъзоларини ишга қабул қилишдан бош тортиб, ёки касаба уюшмалари ташкилотларининг бўлимларини тузишга ижозат бермай келди. Айниқса, Кўшма Штатларда корхона эгалари бу соҳада жуда қаттиқ қаршилик кўрсатиши мамлакатда касаба уюшмаларига аъзолик даражасининг пастлигини белгиловчи омиллардан биридир. 20—30-йилларда Саноатчилар Миллий Ассоциациясининг «Америкача дастур» шиори остида касаба уюшмаларининг марказий ҳуқуқларидан бири — коллектив битим имзолашларига қарши кураш олиб боришди. «Сариқ ит» битими жорий қилиниб, унга кўра, ишчи-хизматчилар касаба уюшмаларига кирмасликка розилик беришлари керак эди, шу билан бирга, бошқа ижобий дастурлар, масалан, ишчиларнинг корхонанинг даромадидан улушга эга бўлиши ва шу кабилар орқали касаба уюшмаларисиз ҳам ижобий натижаларга эришиш мумкинлигини кўрсатиш мақсад қилиб қўйилган эди.

Кейинги ривожланиш (сўнгги ўзгаришлар)

Албатта, ўтган йиллар давомида касаба уюшмалари ҳам ўзгарди. Уларнинг баъзилари ҳаддан ташқари ўсди ва, ҳар қан-

дай доимий фаолият кўрсатувчи ташкилотлар каби, бюрократлашди. Касаба уюшмалари штатлари ўз ташкилотлари аъзоларининг иш шароитлари ҳақида деярли ҳеч бир тасаввурга эга бўлмаган амалдорлар билан тўлдирилиб борилади. Касаба уюшмалари раҳбарининг фаолиятлари ва қарашлари аъзоларниқидан узоқ бўлиши мумкин. Баъзан касаба уюшмаларининг қуйи гуруҳлари ўз ташкилотлари стратегиялари билан қарама-қаршиликка киришлари мумкин. Кўпчилик касаба уюшмалари амалий жиҳатдан ўз сафларига хотин-қизларни жалб қилолмадилар. Гарчи ҳозир компания ташкил қилиб, ташкилотларда аёллар сонини кўпайтириш йўлида маълум тадбирлар уюштирилаётган бўлса ҳам, ўтмишда кўпчилик аёлларнинг касаба уюшмаларига киришларига тўсқинликлар бўлиб келди.



15-расм. Буюк Британияда касаба уюшмалари аъзолари, 1961—1984 йиллар орасида.

Манба: Social trends. London, 1987. P.178.

Кейинги пайтда Ғарб давлатларининг касаба уюшмалари ривожига уч омил тўсқинлик қилди: уларнинг шартномалар имзолашда кучининг заифлашишига олиб келган юқори ишсизлик даражаси билан боғлиқ иқтисодий фаолликнинг сусайиши; улар аввалдан кучли бўлиб келган саноатнинг эски соҳалари инқирози; ва халқаро, жумладан, даромад даражаси паст бўлган Узоқ Шарқ давлатлари билан рақобатнинг кескинлаши-

ши. Америка Қўшма Штатларида ва баъзибир Европа мамлакатлари — Британия, Франция, Германия ва Данияда 70—80-йилларда давлат тепасига келган ўнглр ҳокимияти раҳбарлари уларнинг фикрларича, касаба уюшмаларининг саноатга ҳаддан ташқари кучли бўлган таъсирини камайтиришга уриндилар.

Консерваторлар ҳукумати М.Тэтчер даврида бозор кучларига тўлиқ эркинлик беришга қаратилган сиёсат юргизишди. Бунда консерваторлар, касаба уюшмалари ҳаддан ташқари катта ҳуқуқлардан фойдаланишмоқда деб ҳисоблаб ва бир қанча тадбирларни илгари суришиб, улар фаолиятининг чегара доирасини торайтиришга ҳаракат қилдилар. Уларнинг фикрига кўра, касаба уюшмалари иш ҳақини шу даражада ошириб юборган эдиларки, Британия товарлари жаҳон бозорларида рақобатбардош бўлмай қолган эди. Касаба уюшмаларининг таъсири фирмаларга ишчиларни ишдан бўшатишга тўсқинлик қилишдан иборат бўлиб, айни вақтда фирмалар буни ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш мақсадида қилади. Кабинет вазирлари ва касаба уюшмалари раҳбарияти ўртасидаги маслаҳатлар аввалги (лейбористлар) ҳукумати давридагига қараганда камроқ ўтказила бошлади.

1980 ва 1982 йилларда қабул қилинган «Бандлик хизмати тўғрисидаги қонунлар»дан келиб чиқиб, касаба уюшмаларининг ваколатларини торайтиришга қаратилган янги чеклашлар жорий қилинди. «Меҳнат низоси» тушунчаси таърифи махсус торайтирилди ва ундан хом ашё етказиб берувчи қорхоналарни пикет қилиш чиқариб юборилди. 1884 йилда қабул қилинган касаба уюшмалари ҳақидаги қонунда талаб қилинишича, касаба уюшмалари бирор бир фаолиятни бошлашдан олдин, ўз аъзолари ўртасида бу масалани овозга кўйиш ва шу каби бошқа чеклашларни киритди. General Communications Headquarters (GCHQ) ҳукумат алоқа марказида ишловчи давлат хизматчилари касаба уюшмаларига аъзолик ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Бу қадам шу билан асосландики, гўё иш ташлашлар миллий хавфсизликка хавф-хатар туғдириши мумкин эмиш. Бу тадбирлар касаба уюшмалари ҳаракатига жиддий таъсир кўрсатди. Шу ва олдинги айтилган умумий омиллар, кўрилган кескин чоратадбирлар касаба уюшмалари таъсирини пасайтирди.

Қўшма Штатларда касаба уюшмалари фаолияти Европада нисбатан ҳам катта миқёсда инқирозга учрамоқда. Касаба уюшмалари томонларидан ҳимоя қилинадиган меҳнат шароити ва иш ҳақи муаммоси кейинги вақтларда баъзи муҳим соҳаларда деярли йўқ қилинди. Кейинги йиллар давомида ишчи-транспортчилар, пўлат қуювчи ва автомобил саноати ишчилари анча паст иш ҳақига рози бўлишга мажбур бўлдилар. Касаба уюшмалари бошқа бир қатор йирик иш ташлашларда ҳам муваффақиятсизликка учради. Энг машҳур мисол — бу 80-йилларнинг бошларида авиадиспетчерлар касаба уюшмаларининг инқирозга учрашидир. Касаба уюшмалари аъзоларининг обрўси бутун-

лай тушиб кетди. 50-йиллардаги “гуллаш” даврида ишчиларнинг 30%ини ташкил этган аъзолар сони бутунги кунга келиб 19%га тушиб қолди.¹⁰

Иш ташлашлар

Иш ташлашнинг ўзи нима? Бу саволга жавоб бериш унчалик осон эмас. Масалан, иш ташлашни қисқа муддатга ишни тўхтатишдан қандай фарқ қилиш мумкин? Кўпчилик давлатларда иш ташлаш статистикасида маълум иштирокчилар сони қатнашган ва маълум вақт (масалан, ярим кун) давом этган тўхташлар иш ташлаш деб баҳоланади. “Муддатидан ортиқча ишлаш ёки қоидалар асосида ишлаш»ларни тақиқлашни иш ташлашнинг турли кўринишлари дейиш мумкинми? Агар ижарачилар бирлашиб, талаб қилинган рента ҳақини тўлашдан бош тортишларини иш ташлаш деб айтиш тўғрими? Бундай вазиятларни баъзида аренда иш ташлаши термини билан атаб, амалда, фаолиятни тўхташни кўпчилик ҳолларда иш ташлаш сифатида баҳолашади. Масалан, талабалар, ўз муаммоларига, эътибор қаратиш мақсадида, дарсларга қатнашишдан бош тортишади.

«Иш ташлаш» тушунчасини тор маънода таърифлаш афзалроқдир, акс ҳолда атама ўзининг аниқлигини йўқотади. «Иш ташлаш»ни бир ишчилар гуруҳининг ўз норозиликларини билдириш, ёки талабаларига эътибор қаратиш мақсадида вақтинчалик ишларини тўхтатиши,¹¹ деб таърифлаш мумкин. Бундай таъриф уни (иш ташлашни) ишчиларнинг бошқа турли-туман қаршиликлари ва низолардан фарқ қилиш учун муҳимдир. Иш ташлаш вақтинчалик характерга эга бўлиб, бунда ишчилар яна ўз ишларига ва ўз корхона эгалари қўлига қайтишни ният қилишади. Ишчилар ўз ишларини бутунлай ташлаб кетишса, бунга «иш ташлаш» термини тўғри келмайди. Иш ташлаш муддатдан ортиқ ишлашни ман қилиш, ёки уни «секинлаштириш»ларга ҳам мос келмайди.

Иш ташлашнинг алоҳида хусусияти — бу, энг аввало, ишчилар гуруҳидир, чунки бу алоҳида ишчи эмас, жамоа амалга ошираётган тadbирдир. Иш ташловчилар ёлланма ишчи эканлиги иш ташлашни, масалан, талабалар ёки ижарачиларнинг норозилик намойишидан фарқлашга ёрдам беради. Ниҳоят, иш ташлаш норозиликни намойиш этиш, ёки маълум талаблар бажарилишини назарда тутаяди. Ишчиларнинг спорт мусобақаларини кўриш учун ишга чиқмаганларини иш ташлаш, деб ҳисоблаш мумкин эмас.

Иш ташлаш кўплаб низо турларидан бири бўлиб, унда ишчилар ва корхона эгалари ҳам иштирок этишлари мумкин.

¹⁰ *Edwards R. and M. Podgursky. The unravelling accord: American unions in crisis // Unions in crisis and beyond: perspectives from six countries. Dover, 1986; the decline of organized labour in the United States. Chicago, 1987.*

¹¹ *Hyman R. Strikes. London, 1984.*

Иш ташлаш билан боғлиқ яна бир уюшган низо тури — бу локаутдир (ишни ишчилар эмас, балки корхона эгалари тўхтади), бу нарса улар томонидан ойликларни ва низоларни камайтириш мақсадида шартнома имзолаш даврида қилинади. Низонинг тартибсизроқ ифодаланиш шакли — бу ишчи кучларининг қўнимсизлигининг юқорилиги, ишга келмаслик ва ишлаб чиқариш жиҳозларини бузишлардир.

Иш ташлашлар статистикаси

Иш ташлашнинг аниқ таърифида маълум ўзбошимчалик элементи ҳам бор, шунинг учун турли мамлакатлар иш ташлашлар статистикасини амалий жиҳатдан турлича олиб боришлари ажабланарли эмас. Халқаро иш ташлашлар даражаси статистикасини қиёсий таҳлил қилиш мумкин, бироқ бу маълумотларни жуда эҳтиёткорлик билан талқин қилмоқ лозим. Бир мамлакатда иш ташлаш ҳисобланган ҳодиса унга оид статистикага киритилса, бошқа мамлакатда у иш ташлаш ҳисобланмаслиги мумкин. Масалан, Британияда 10 нафар ишчи томонидан иш тўхтатилиши уни иш ташлаш деб ҳисобланиши учун етарли. Америка Қўшма Штатларида эса (1982 йилдан), фақат ишни тўхтатганлар сони 1000 кишига етсагина, ҳодиса иш ташлаш статистикасида қайд қилинади.

Статистикага оид ҳужжатларнинг эълон қилинишида одатда учта кўрсаткич: бир йилдаги иш ташлашлар сони, йил давомида иш ташлашларга қатнашган ишчи кучларнинг улуши, ва иш ташлаш натижасида йўқотилган иш кунларининг сони эълон қилинади. Умумий бирликда олинган бу уч кўрсаткич иш ташлашларнинг турли мамлакатлардаги даражаси ҳақида ноаниқ тассавур бериши мумкин. Бу уч мезонга кўра, Италия ва Канадада иш ташлашлар тез-тез содир бўлиб туради, Германия ва Скандинавия мамлакатларида онда-сонда бўлади. Қўшма Штатлар ва Бирлашган Қироллик бу кўрсаткич бўйича ўрта поғоналарни эгаллайди. Кўринишидан, иш ташлаш борасида расмий статистика кўрсаткичлари ва иқтисодий кўрсаткичлар ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд эмас. Иш ташлаш даражаси паст бўлган мамлакатларга бу кўрсаткичи юқори бўлган давлатларга қараганда юқорироқ иқтисодий ўсиш хос бўлиши шарт эмас. Бунинг ажабланарли жойи йўқ, чунки иш ташлашлар қиёсий статистикасининг баҳоси, одатда шубҳалидир, ишлаб чиқариш низолари ёки зиддиятлар бўлса, кўплаб бошқа усуллар билан ҳам ифодаланади. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш муносабатлари ўзаро уйғунлиги меҳнат унумдорлиги юқори, дегани эмас¹².

¹² *Jakson M. P. Industrial relations. London, 1986.*

Ишлаб чиқариш низоларида янги йўналишлар

60-йиллардаги машхур асарлардан бирида тадқиқотчилар «иш ташлашлар саҳнадан кетмоқда», деб таъкидлашган эдилар. Муаллифлар фикрига кўра, узоқ ва кучли қаршиликлар, асосан, саноатлашувнинг дастлабки босқичлари учун хосдир. «Ишлаб чиқариш муносабатлари мустақкам асосга эга бўлиши биланок, дейди улар, иш ташлаш фаолияти сусая бошлайди»¹³. Бу тезис эълон қилинганидан кейин кўпчилик мамлакатларда, жумладан, Британияда ҳам, ишлаб чиқариш низоларининг янги тўлқинлари бўлиб ўтди. 1960—1970 йилларнинг бошланишидан Британиядаги иш ташлаш фаолиятининг бош хусусияти норасмий иш ташлашларнинг тез кўпайиб бориши бўлди. Кўринишидан, кўпчилик ишчилар корхона эгаларидан қандай норози бўлса, ўзларининг расмий касаба уюшмаларидан ҳам, шундай норози бўлишади.

80-йилларда иш ташлашлар фаоллиги расмий касаба уюшмалари фаолияти билан тугашиб кетди. Айни шу вақтда Британияда иш ташлашлар даражаси сезиларли пасайди, бунинг асосий сабаби касаба уюшмалари атрофидаги кескин сиёсий ва иқтисодий муҳитдир. Шубҳасиз, энг муҳим тўқнашув — бу 1984 йилдаги шахтёрлар иш ташлашлари бўлди. Шахтёрларнинг бу умумхалқ иш ташлашлари Кўмир Департаментининг март ойида, «20 та шахта ёпилади ва 20000 киши ўн икки ой давомида иш жойларини йўқотади», деб эълон қилишидан кейин бошланди. Яна 50 та шахта ҳам кейинги беш йил давомида ёпилиши режалаштирилган эди. Бунга кўра, 50000 ишчи ўринлари қисқариши лозим эди. Иш ташлаш узоқ давом этди ва анча оғир кечди ва охир-оқибатда, шахтёрлар касаба уюшмаларининг тор-мор бўлиши билан тугади. Ишчилар билан полициянинг тўқнашувлари фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи галаёнларга олиб келди ва оқибатда, уларга оид қонунлар ишлаб чиқишни зарур қилиб қўйди.

Биз энди манзаранинг бошқа томонига эътиборимизни жалб қиламиз; яъни ишчилардан ўтиб, иш берувчи корпорацияларни (гарчи, шуни унутмаслик керакки, кўпчилик кишилар бугун — давлат ташкилотларининг хизматчиларидир) кўриб чиқамиз.

Корпорациялар ва корпоратив ҳокимият

XX асрнинг бошидан буён замонавий иқтисодиётнинг аҳволи тобора кўпроқ йирик корпорациялар таъсирининг ошиши билан белгиланмоқда. 200та энг йирик Британия фирмаларининг умумий ишлаб чиқариш активларидаги ҳиссаси 1900 йилдан то бугунги кунгача ҳар йил 0,5%га ўсиб келди. Бугун бу 200 кор-

¹³ *Jakson M. P. Industrial relations. London, 1986.*

порация саноатдаги активларнинг ярмидан кўпини назорат қилади. 200 энг йирик молия ташкилотлари — банклар, кредит берувчи жамиятлар ва суғурта компаниялари — ҳамма молиявий муомалаларнинг ярмидан кўпини назорат қилишади. Саноатда ва молиявий муомалаларда йирик фирмалар ўртасида ўзаро жуда кўп алоқалар мавжуд. Масалан, молиявий муассасалар энг йирик фирмаларнинг 30%дан кўпроқ акцияларига эгалик қилишади.

Маълумки, Британия иқтисодида минглаб кичик корхоналар ва фирмалар мавжуд. Тадбиркор образи — босс (корхона бошлиғи), кичик фирма бошқарувчиси, — шу пайтгача эскирмаган, бироқ йирик корпорациялар — бутунлай бошқа ишдир. Адольф Берл ва Гардинер Минз ярим аср илгари ўзларининг «Замонавий корпорация ва хусусий мулкчилик» номли машҳур асарини чоп этдилар. Улар бу асарда кўпчилик фирмалар ўз эгалари томонидан бошқарилишини ҳамма эътироф этишини ёзади¹⁴. Назарий жиҳатдан йирик корпорациялар ҳиссадорлар мулки бўлиб, улар одатда ўзлари барча қарорларни қабул қилишлари керак. Бироқ мулк шунчалик бўлиниб кетганки, дейишади Берл ва Минз, бунда реал назорат қарорларини қабул қилиш йирик корпорациянинг кундалик бошқарувни амалга оширадиган бошқарувчилар қўлига ўтиб кетади. Мулк, шундай қилиб, корпорацияларда бошқарувдан ажратилган.

Берл ва Минз хулосаларига ва кейинги даврда ёзилган асарларга асосланиб, баъзи муаллифлар катта корпорациянинг табиатида ва фаолиятида йирик силжиш рўй берганлигини қайд қилишди. Бугун йирик компанияларнинг бошқарувчилари, юқорида тилга олинган муаллифларнинг қайд қилишларича, корхона эгаларининг манфаатларидан фарқли ўлароқ ўз манфаатларига ҳам эгадир. Шу вақтнинг ўзида, ўз маблағларини қўйган киши ўзининг инвестицияларидан олаётган фойдасини максимал даражада кўпайтириш, менежерлари эса корпорацияларнинг ўсиши ва уларнинг имижларининг ташқи дунёда янада ортишлари борасида қайғуришади. Оқибатда, корпорацияларни, даромад билан бир қаторда, жамиятда тутган мавқеи ҳам қизиқтириши сабабли, уларнинг “маъсулият» даражаси ошди деб тахмин қилинади. Лекин бу қарашнинг асосли эканлиги кўп жиҳатдан шубҳалидир. Кўпчилик бошқарувчилар амалда ўз компаниялари ва бошқа корпорациялар акцияларининг катта улушига эгадирлар ва, энг аввало, уларнинг ҳаммаси бундан фойда кўришни хоҳлашади. Маъмурларнинг даромадлари фирмаларнинг молиявий ютуқлари билан, яъни улар фирмага келтирган фойда билан боғлиқ бўлади. “Ишда асосий эътиборни нимага қаратасиз?” — деган саволга жавоб беришда, бошқарувчилар, одатда, фойда олиш имкониятларини биринчи ўринга

¹⁴ Berle A. and G. G. Means. The modern corporation and private property. New York, 1967.

қўядилар. Буюк Британиянинг йирик корпорацияларида 190 та олий менежерлар ва директорларни текширишдан ўтказилганда, шу нарса маълум бўлдики, «умумий фойданинг юқори даражада ўсиши»га ва «капиталнинг фойда келтириш даражаси»га асосий эътибор берилар эди. Масалан, «жамиятга хизмат қилиш» каби мақсадлар рўйхатда охирги ўринларни эгаллар эди¹⁵.

Бироқ катта корпорацияларнинг қанчаси менежерларига қарашли эканлигини ҳисоблаб чиқиш қийин. Индивидлар (ёки оилалар) акцияларнинг 15—20%ига эга бўлса, ва капиталнинг қолган қисми кўп сонли кишилар ўртасида тақсимланган бўлса, улар компаниялар фаолиятларини тўлиқ назорат қилишлари мумкин. Шу билан бирга, йирик компаниялар акцияларининг анчагина улуши бугунги кунда бошқа корпорацияларнинг қўлида — булар, одатда банклар, сугурта фирмалари ва молия ташкилотларидир. Агар бу корпорацияларда ҳам акция эгаларининг манфаатлари устун турса, унда фирмаларнинг барча гуруҳлари бошқарувчилар томонидан эмас, акционерлар томонидан назорат қилинади. Шунга қарамасдан, умумий фикр шундай: кўпчилик энг йирик корпорациялар ҳозир бошқарувчилар томонидан назорат қилинмоқда¹⁶.

Йирик корпорациянинг таъсири, у акционерлар томониданми ёки менежерлар томонидан бошқариладими, барибир, фавқулудда буюқдир. Агар бир ёки бир неча фирмалар маълум соҳада устун бўлишса, уларнинг ҳар бири эркин рақобат қилиш ўрнига, биргаликда нарх белгилашади. Масалан, йирик нефть компаниялари одатда нефтга нарх белгилашда бир-бири билан келишган ҳолда иш юритадилар. Битта фирма маълум соҳада ҳукмрон мавқега эга бўлса, бунини монополия, дейилади. Кенгроқ тарқалган ҳол — бу олигополиядир, унда одатда бир неча гигант корпорациялар ҳукмронлик қилишади. Олигополия вазиятида йирик фирмалар уларга товар ва хизмат кўрсатувчи майдароқ фирмаларга маълум даражада ўз ҳукмини ўтказиш имкониятига эгадирлар.

Корпоратив капитализм турлари

Ҳозирги йирик корпорациялар тараққиётида уч босқични ажратиш мумкин. Бу босқичлар бугунги кунда ҳам моҳиятини йўқотмаган. XIX аср ва XX асрнинг бошлари учун хос бўлган биринчи босқичда, оилавий капитализм устунлик қилди. Бу даврда ҳатто энг йирик фирмалар ҳам ё алоҳида корхона эгалари томонидан ёки бир оиланинг бир неча аъзолари томонидан бошқариларди ва кейин эса бошқарувни улар-

¹⁵ Francis A. Company objectives, managerial motivation and the behaviour of large firms: an empirical test of the theory of «managerial» capitalism // Cambridge journal of economics, 4. 1980.

¹⁶ Scott John. Corporations, classes and capitalism. London, 1981.

	Компаниялар	Штаб-квартиралари	Саноат тармоқлари	Айланма маблаг (\$)	Соф даромад
1.	General Motors	Детройтда	Мотор ва эҳтиёт қисмлари	102813700	2944700
2.	Exxon	Нью-Йоркда	Нефть тозалаш	69 888000	5360000
3.	Royal Dutch/Shell Group	Лондонда	Нефть тозалаш	64843217	3725779
4.	Ford Motor	Дирборн, Мичиганда	Мотор ва эҳтиёт қисмлари	62715800	3285100
5.	International Business Machines (IBM)	Армонк, Нью-Йоркда	Компьютерлар	51250000	4789000
6.	Mobil	Нью-Йоркда	Нефть тозалаш	44866000	1407000
7.	British Petroleum	Лондонда	Нефть тозалаш	39855564	731954
8.	General Electric	Феарфилд, Коннектикутда	Электроника	35211000	2492000
9.	American Tel. & Tel.	Нью-Йоркда	Электроника	34087000	139000
10.	Texasco	Нью-Йоркда	Нефть тозалаш	31613000	725000
11.	IRI	Римда	Металлар	31561709	197118
12.	Toyota Motor	Японияда	Мотор ва эҳтиёт қисмлари	31553827	1717733
13.	Daimler-Benz	Штутгардда	Мотор ва эҳтиёт қисмлари	30168550	831600
14.	E.I. du Pont de Nemours	Вильмингтонда	Кимё	27148000	1538000
15.	Matsushita Electric Industrial	Осакада	Электроника	26459539	946571
16.	Unilever	Роттердам/Лондонда	Озиқ-овқат	25141672	973983
17.	Chevron	Сан-Францискода	Нефть тозалаш	24351000	715000
18.	Volkswagen	Вольфсбургда	Мотор ва эҳтиёт қисмлари	24317154	286133
19.	Hitachi	Токиода	Электроника	22668085	679609
20.	ENI	Римда	Нефть тозалаш	22549921	342275
21.	Chrysler	Хайленд Парк, Мичиганда	Мотор ва эҳтиёт қисмлари	22513500	1403600
22.	Philips Gloeilampenfabrieken	Эйндховен (Нидерландия)да	Электроника	22471263	414418
23.	Nestle	Вивей (Швейцария)да	Озиқ-овқат	21153285	994566
24.	Philip Morris	Нью-Йоркда	Тамаки	20681000	1478000
25.	Siemens	Мюнхенда	Электроника	20307037	629353

нинг авлодлари давом эттиришарди. Бу категорияга машхур Рокфеллер ва Фордлар корпорация сулолалари киради. Бу оилалар қандайдир оддий йирик корпорациягагина эга бўлиб қолмай, уларнинг манфаатлари жуда ҳам турли-тумандир, улар молия империялари ролини бажарадилар.

Уруғ-аймоқчиликка асосланган кўпчилик корхоналар очик компанияларга айлантирилиб, уларни менежерлар бошқара бошладилар. Бироқ оилавий капитализм элементлари, ҳатто энг йирик корпорацияларда, масалан, АҚШнинг «Форд Мотор» компаниясида ҳам сақланиб қолиб, унда Генри Форд IV бошқарувда етакчи ролни ўйнади. Ўз эгалари томонидан бошқариладиган майда фирмаларда масалан, магазинлар, кичик сув иншоотлари, бўёқчилик корхоналарида оилавий капитализм бугунги кунгача етакчи шакл бўлиб келмоқда. Бу фирмалардан баъзилари худди шундай «сулолалар»дан иборат бўлиб, фақат кичикроқдир. Масалан, магазин бир оила аъзоларининг икки ёки ундан кўпроқ авлодлари қўлларида қолиши мумкин. Шунга қарамасдан, майда корхоналар жуда беқарор бўлиб, улар тезда “синади”лар ва узоқ давр айни бир оилага тегишли фирмалар, бу секторда камчиликни ташкил қилади.

Оилавий корпорация — фақатгина даромад кетидан қувиш дегани эмас. Баъзи бир хўжайинлар ўз ишчиларига «патриархал» муносабатда бўлиб, уларни моддий жиҳатдан рағбатлантириб, уй-жой ва пул билан ёрдамлашади, лекин бундай ёрдам ҳақида кўпчилик фирмалар бугун ҳатто ўйлашмайди ҳам. Баъзида оила манфаатлари компания манфатларидан юқори қўйилади ва компанияга бефарқ, ишга лаёқатсиз бўлган оила аъзоси ҳам унда юқори мансабни эгаллаши мумкин.

Йирик корпорацияларда бошқарув капитализми оилавий капитализмни деярли тўла сиқиб чиқарди. Корпорациялар йириклашиши билан менежерларнинг таъсир кучи охиб боргани сари, оилавий тадбиркорлик аста-секин сиқиб чиқарилади. Бу натижани шундай баён қилиш мумкин: «Оиланинг ролини компаниянинг бошлиғи эгаллаши»¹⁷. Корпорация бу билан кўпроқ аниқ иқтисодий тузилмага айланади, бу тузилма уни ташкил қилган оила манфаатларидан фарқ қилувчи ўз йўналишига эга бўлади. Қачонлардир фирманинг тақдирини оила белгиларди, бироқ энди, оилавий алоқалар сақланиб қолган фирмаларда ҳам аҳвол ўзгачадир. Бошқарув корпуси томонидан таъминланадиган фойданинг сақланиши, даромаднинг қанчаси оилага тегишини белгилайди. Бундаги фарқ тажриба асосида аниқланган: 200 йирик саноат корпорацияларини текшириб, Майкл Аллен шуни аниқладики, оила томонидан бошқариладиган фирманинг даромади тушиб кетганида, бош директор алмаштирилмас эди, бироқ менежер-

¹⁷ Useem M. The inner circle: large corporations and the rise of business political activity in the US and UK. Oxford, 1984. P. 16.

лар бошқарган фирмаларда бошқарувчилар жуда тез ўзгартирилган.¹⁸

Бугун бошқарувчи капитализм қисман ўз ўрнини учинчи тур корпоратив тизим — институцион капитализмга бўшатиб бермоқда. Бу атама нафақат маълум фирма ичида қарор қабул қилиш, балки корпорациянинг ташқи таъсирини кучайтиришга қаратилган ягона бошқарув тармогининг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Институцион капитализм корпорацияларнинг бошқа фирмаларда ҳиссадор сифатида қатнашишининг ривожланишига асосланади ва маълум даражада бошқарувчилар назоратининг кучайишига зиддир. У турли компания ва корпорациялар раҳбарлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг ўсиб боришининг муҳимлигини очиб берди. Бу турдаги ҳиссадорлик кўпинча назоратни бошқарувчидан фирмага ўтказиб юборади. Институцион капитализм ёйилишининг бош сабабларидан бири — сўнги ўттиз йил давомида содир бўлган инвестициялар турининг ўзгаришидир. Аҳолининг оддий вакиллари тез-тез маблағларини уй-жой қурилиши кооперативларига, кредит жамиятларига, суғурта ва пенсия жамғармалари ва бошқа молия ташкилотларига инвестиция қила бошлайди, улар эса ўз навбатида жамғармаларни саноат корпорацияларига ҳавола қилишади.

Кўпчилик йирик корпорациялар бугун транснационал корпорациялар ҳисобланади, улар бугун дунёда ўз идоралари ва заводларига эга бўлиб, халқаро миқёсда фаолият кўрсатадилар. Корпоратив корхоналар фаолиятларининг бу жиҳатларини биз «Ижтимоий ҳаётнинг глобллашуви» бобида батафсил кўриб чиқамиз.

Ишсизлик, аёлларнинг меҳнат билан бандлиги ва норасмий иқтисодиёт

Меҳнат ва иқтисодиётни ўрганишда фақат мунтазам, доимий иш ўрнига эга бўлганларгагина эътибор қаратишни етарли деб бўлмайди. Ҳар қандай даврда балоғат ёшидаги аҳолининг озчилиги ҳақ тўланадиган иш билан банд бўлади. Ёшлар, кексалар, аёлларнинг анчагина қисми, меҳнатсиз келадиган даромад эгалари ва ишсизлар — булар ҳаммаси бу озчиликка кирмайдилар. Кўпчилик бундай кишилар, мунтазам, доимий ҳақ тўланадиган вазифаларда ишлайдиганлардан кам эмас, ҳатто кўп ишлашлари ҳам мумкин. Болалар ва коллеж талабалари дарс чоғида ишлашади, кексалар ўз уйлари ва боғларида ишлашади, уйда ўтирадиган аёллар эса уй-рўзғор ва болалар парвариши билан банд бўлишади (уларнинг баъзиларига вақтинчалик ойлик тўланиши мумкин). Фақатгина, инвестицияларидан келадиган даромад ҳисобига яшовчи камдан-кам бойлар ва

¹⁸ Allen M. P. Managerial power and tenure in the large corporation // Social Forces. Vol. 60. 1981.

кўплаб ишсизларнинг кундалик фаолиятини меҳнат ташкил қилмайди. Ишсизлик кўпчилик одамлар учун бутунлай нохуш ҳолатдир. Инсон ишлашни хоҳлаб туриб, нормал ҳаёт кечириш учун етарли маблағи бўлмаган ишсиз турмуш ҳам моддий, ҳамда руҳий қийинчиликлар яратади.

Ишсизлик

XX аср давомида ишсизлик даражаси тебраниб турди. Фарб мамлакатларидаги ишсизлик 30-йилларда чўққига кўтарилди, Британияда ўша пайтда ишга яроқли аҳолининг 20%и ишсиз эди. Европа ва Қўшма Штатларнинг урушдан кейинги ижтимоий сиёсатига иқтисодчи Жон Мэйнард Кейнснинг ғоялари кучли таъсир ўтказди. Унинг фикрича, ишсизлик аҳолининг харид қобилияти пастлиги натижасидир; ҳукуматлар иқтисодиётда талабнинг ўсишига таъсир ўтказишлари мумкин ва бу янги иш ўринлари яратилишига олиб келиши лозим. Иқтисодиётнинг давлат томонидан бошқарилиши, деб ўйлаган эди ўша пайтда кўпчилик, юқори даражадаги ишсизликни бартараф қилиб тарихга айлантиради. Фарб мамлакатларининг деярли барчасида тўла бандликни таъминлаш давлат сиёсатининг таркибий қис-



16-расм. Ишловчилар, ишсизлар ва ишламаётганлар эҳтимолий ҳолатининг систематикаси.

Манба: Peter Sinclair. Unemployment: Economic Theory and Evidence. Oxford, 1987.P.2.

мига айланди. 70-йилларгача бу сиёсат муваффақият билан ўтаётгандай туюлди ва иқтисодий ўсиш муайян даражада барқарорлашди.

Бироқ кейинги 15 йил давомида ишсизлик даражаси тез ўсиб кетди ва иқтисодий фаолиятни бошқаришга Кейнс ёндашуви деярли барча томонидан рад этилди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги чорак аср давомида Британиядаги ишсизлик даражаси 2%дан озроқни ташкил қиларди. 1990 йилларнинг бошларига келиб ишсизлар сонини ҳисоб-китоб қилишда ишсизлик бўйича нафақа олишга ҳақли бўлган одамлар сони билангина чекланиб қолмай, уларнинг миқдори 12%гача етди.

Ишсизлик таҳлили

Катта миқёсдаги ишсизлик 80-йиллар учун характерли ҳодисадир. Бироқ ишсизлик расмий статистикасининг талқини турлича. Ишсизликни таърифлаш осон иш эмас. У «ишдан ташқари борлиқ» деган маънони англатади. Бироқ бу ерда «иш» тунунчаси «ҳақ тўланадиган меҳнат», ва «мансабдаги иш» маъноларини англатади. Ҳамма қоидаларга мос равишда ишсиз деб рўйхатга олинган кишилар бошқа жуда кўп ишлаб чиқаришга оид меҳнат турлари билан шуғулланишлари мумкин, масалан, уйларни оқлаш ёки боғдорчилик билан. Кўпчилик вақтинчалик ишларга ёки тўлиқ бўлмаган иш кунига эга (пенсияга чиққанлар ҳисобланмайди). Статистика, яъни ҳар хил ҳукуматлар томонидан тўпланган маълумотлар ҳамма вақт ҳам тўлиқ таққослаш имконини бермайди ва одатда ҳақ тўланадиган иш қидриб, топа олмаган кўплаб кишилар ҳисобга олинмайди.

Британияда расмий ишсиз сифатида эътироф этилган кишиларнинг тақсимланишидаги тебранишлар етарли даражада яхши қайд қилинган. Ишсизлик аёллар ўртасидагига нисбатан, эркеклар ўртасида, этник гуруҳларда эса оқ танлиларга нисбатан қора танлиларда анча баланд. Этник гуруҳларда ҳам бутун аҳолига қараганда узоқроқ муддатли ишсизлик мавжуд. Ишсизликнинг ўсиши энг аввало ёшларга ва этник гуруҳларга таъсир қилди. Ишсизлик даражаси 16 ёшдан то 19 ёшгача бўлганлар ўртасида деярли 20%ни ташкил қилади. Маълум маънода, бу кўрсаткич сунъий равишда бўрттирилган, чунки бу ерда ярим кун ишлайдиган талабалар ҳам ҳисобга олинган. Шунга қарамасдан, ёшлар узоқ вақт ишга эга бўлмаган кишиларнинг анчагина қисмини ташкил қилишади, алоҳида олинганда бу миллий озчиликни ташкил этувчи ёшлар ўртасида янада яққол кўзга ташланади. 30 ёшгача бўлган ишсиз ёшларнинг ярмидан кўпи 6 ойлаб ва ундан ҳам кўпроқ вақт иш топа олмайдилар.

Ишончли, яхши ишда ишлаб юрганлар учун ишсизлик ноҳуш туюлиши мумкин. Равшанки, бундай ҳолда улар даромадларини жуда тез йўқотади. Бунинг турли мамлакатларда таъсири турлича, ва у кўпинча бериладиган нафақанинг ҳажми билан боғлиқ бўлади. Британияда, масалан, ишсиз одам узоқ муд-

датли ижтимоий нафақа билан таъминланади. Ишсизлик ўткир молиявий муаммоларни туғдириши мумкин, аммо соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий имкониятлардан фойдаланишга монелик қилмайди, чунки улар давлат томонидан таъминланади. Қўшма Штатларда, Испанияда ва бошқа баъзи Ғарб мамлакатларида ишсизларга бериладиган (ёрдам) имтиёзлар қисқа вақтга белгиланган, шунинг учун уларнинг иқтисодий қийинчилик даражаси юқоридир.

Иш ва ишсизлик

Ҳозирги жамиятларда ишга эга бўлиш ўзига нисбатан ҳурматни қўллаб-қувватлашдир. Ҳатто меҳнат шароити оғир ва вазифалари зерикарли бўлган иш ҳам инсон руҳий ҳолатини ва кундалик фаолият доирасини ташкил этувчи асосий омилдир. Демак, ишсизлик тажрибасини фақат иш нима бериши мумкинлиги тўғрисидаги контекстдагина тўғри тушуниш мумкин. Ҳақ тўланадиган ишнинг 6 та характеристикасини келтирамиз:

1. *Пул.* Меҳнат ҳақи ёки маош кўпчилик кишиларнинг эҳтиёжларини қондирувчи асосий манбадир. Одамлар бундай даромадга эга бўлмаса, турмуш ҳақидаги безовталиклари кўп мартаба ортади.

2. *Фаолият даражаси.* Касб фаолияти кўпинча билим ва имкониятларни эгаллашнинг асоси ҳисобланади. Ҳатто иш машаққатли бўлса ҳам, у кишининг ғайратини рўёбга чиқаради. Ишсиз ҳолатда эса билим ва қобилиятларни жорий қилиш имконияти пасайиши мумкин.

3. *Хилма-хиллик.* Меҳнат билан бандлик турмуш куршовидан ташқари вазиятларга чиқиш имконини беради. Иш шароитида вазифалар нисбатан бир тарзда, бир хилда бўлса ҳам, индивид уйдагидан фарқ қилувчи вазифаларни бажаришдан қониқиш ҳосил қилиши мумкин.

4. *Вақт.* Доимий иш билан банд бўлган кишиларда, кун, одатда, иш маромига асослаб ташкил этилган бўлади. Гарчи баъзида бу кишига эзувчи таъсир ўтказса ҳам, бироқ кундалик ишларда йўналтирувчи ҳис-туйғу беради. Ишдан маҳрум бўлган киши учун зерикаш катта муаммо бўлиб, бундай кишиларда вақтга нисбатан апатия ривожланади. Бир ишсиз одам айтганидек: “Вақт энди аввалгидек муҳим эмас. У шунчалик кўпки...”

5. *Ижтимоий алоқалар.* Иш муҳити кўпинча дўстлик, бошқалар билан биргаликда қатнашиш имкониятини туғдиради. Ишда ўзаро алоқадорликнинг йўқлиги кишининг дўстлар даврасини ва танишларини камайтиради.

6. *Шахсий идентлик.* Иш билан бандлик, одатда, шахсий ижтимоий барқарорлик туйғусини берганлиги учун қадрланади. Ўз-ўзини ҳурмат эса, айниқса, эркакларда, одатда, уларнинг

уй хўжалигига қўшган иқтисодий ҳиссаси билан маҳкам боғлиқдир.

Бундай ғалати рўйхатдан кейин, нега ишсизлик индивиднинг ўз ижтимоий қадрига ишончини пасайтиришига олиб келишини тушуниш қийин эмас. Масалан, бир ишсиз ўқитувчи шундай дейди: «Сени бир бугун шахс қилиб турган нарсалар бирдан йўқ бўлиб қолса, оғир экан. Ишинг, пулинг... Сенинг учун давлат нима, маъсулият нима, умуман эркинлик ва танлаш нима дегани? Мен ўзимдан сўрайман: «Энди мен кимман? Мен энди нима қилишим керак?»

Ғарбда маълум даражада ишсизликнинг ўсиши анънавий қайта ишлаш тармоқларидаги инқирознинг натижаси бўлди. Бу шунинг англатадики, ишсизлик кўрсаткичлари мамлакатнинг турли минтақаларида сезиларли даражада ўзгариб туради. Анъанавий оғир саноат корхоналари жойлашган районларда 30% ёки ундан ҳам кўпроқ ишчи кучлари ишсиз қолишлари мумкин. Бу эски саноат районларида илгари қарор топган ижтимоий жамоаларнинг қисман емирилишига олиб келади. Масалан, Жанубий Уэльс ва Рурдан Детройт ва Питтсбурггача жойлашган шахтёрлар ва маталлургия шахарлари бугун деярли қаровсиз ҳолга келиб қолган. Шахта ва заводлар ёпилса, мулк ўлик юкка айланади; бир хил ишсизлар бу ердан кетишса, бошқалари кетишни ўзларига лозим кўрмайдилар.

Худди шундай ҳолатни Японияда ҳам кўриш мумкин. Илгари кўпчилик япон ишчилари, Ғарбдаги шерикларига қараганда, ўзларининг ишларига катта ишонч билан қарар эдилар, корпорацияларда эса «умрнинг охиригача ёллаш» сиёсатига амал қилиб, бутун умрга ишга қабул қилар эди (қаранг, 9-боб, «Гуруҳлар ва ташкилотлар»). Бундай ишчилар учун ишсиз юриш тажрибаси, Ғарб хизматчиларига нисбатан, яна ҳам оғирроқ. Япон ишсиз кишисини тасвирлашда ўрта даражадаги бир компаниянинг цех бошлиғи лавозимидан ишдан бўшатилган 47 ёшлик Ацухико Тагеуки билан бўлган ҳолатни келтиришади. Ишсизликни ўзига нисбатан бутунлай ерга уриш ҳолати, деб қараб, у бу ҳақда оиласига ҳеч нарса демайди. Бунинг ўрнига, у ҳар кун эрталаб 7³⁰ да костюм ва галстукда уйдан чиқиб кетишини давом эттиради. Кунни у кафеларда, паркларда ва кино-театрларда ўтказишади. Охири унинг хотини ва болалари бу ноҳушликни сезишади, чунки у ярим тунда эмас, 6³⁰ да уйга қайтиб келади.

Шу мақоланинг ўзида Япониянинг шимолида жойлашган пўлат саноати шахарчаси аҳолисининг тақдири тасвирланади. Шаҳарда кўпчилик иш ўринлари дунёда энг йирик пўлат ишлаб чиқарувчи «Ниппон корпорейшн»га тегишли пўлат-прокат заводи билан боғлиқ эди. Бу 1886 йилда очилган Япониядаги биринчи пўлат-прокат манзилдир. Унинг фаолияти 1990 йили бутунлай тўхтатилиб, 2300 ишчи ўрни «йўқолди». Фаолияти завод билан боғлиқ бўлган шахарнинг бир неча минг аҳолиси

ўз иш жойларини шу тариқа йўқотди. Шаҳар мэри Каманси: “Шаҳар, юз йил аввалги ҳолига қайтади, яъни оддий қишлоққа айланади”¹⁹, деган эди. Бу маҳаллий иқтисод ва инсонлар ҳаёти учун жуда кучли зарба бўлди.

Нега ишсизлик суръатлари ўсиб боради?

Сўнгги йилларда турли Фарб мамлакатларида ишсизлар сони турлича бўлди. Энг кам ишсизлар кўрсаткичига эга мамлакат — бу Швейцариядир. Буюк Британия ва Италияда эса улар сони анча кўпчиликни ташкил қилади. Европадан ташқарида ишсизликнинг барқарор паст даражаси Японияда сақланиб турибди.

Фарб мамлакатларида кейинги ўн йилликлар давомидаги ишсизликнинг юқори даражаси қуйидагича изоҳланади:

1. Муҳим омил — доимо Фарб гуллаб-яшнашининг манбаи бўлган саноат тармоқларида халқаро рақобатнинг кучайиши. 1947 йили жаҳон саноатининг 60%и Америка Қўшма Штатлар ҳиссасига тўғри келди. Бугун бу кўрсаткич АҚШ учун 15%га яқин сонни ташкил қилади. Шу вақтда Японияда ва бошқа учинчи дунё мамлакатларида ишлаб чиқариш 300%га ортди (айниқса, Сингапурда, Тайванда ва Гонконгда, улар бугун товарлар нархини Японияга нисбатан паст баҳода таклиф қилишмоқда).

2. Бугун жаҳон иқтисодий инқирози, бунга сабаб (ёки туртки) 1973 йилдаги нефть кризиси бўлиб, у бугунги кунгача ҳам ўтиб кетмаётир.

3. Саноатда микроэлектрониканинг қўлланилиши ўсиб, ишчи кучларига бўлган эҳтиёжнинг қисқаришига олиб келди.

4. Ишлашни хоҳловчи аёллар сонининг ортиб бориши чекланган миқдордаги иш жойларига талабгор кишилар миқдорининг кўпайиб кетишига олиб келмоқда.

Яқин келажакда ишсизлик ҳозирги юқори даражада сақланиб қоладими ёки янада ўсиб кетадими — буни айтиш қийин. Кенг миқёсдаги ишсизлик олдида баъзи мамлакатлар бошқаларига нисбатан яхшироқ аҳволда. Америка Қўшма Штатларида ишсизлик даражаси Британия ёки бошқа Европа мамлакатларига нисбатан анча пасайган. Кўринишдан, бу шунинг учун юз бераяптики, мамлакатнинг умумий иқтисодий қудрати халқаро бозорда анча устун. Кўпчилик аҳолиси анъанавий равишда саноат соҳасида банд бўлган мамлакатларга кўра ҳаддан зиёд тараққий қилган АҚШдаги хизмат кўрсатиш сектори ҳам янги иш жойлари манбаи бўлиши мумкин.

¹⁹ McGill P. Suncet in the East // Observer, 2 August. 1987.

Аёллар ва иш

Уй юмушлари

Сўнгги вақтларгача социологияга оид адабиётларда иш ҳақи тўланмайдиган ва “қасб” тушунчаси доирасига кирмайдиган меҳнатта бутунлай эътибор бермай келинди. Маркс томонидан ўтказилган меҳнатдан бегоналашув жараёни таҳлили саноат корхоналари билан чекланди ва шундан бери ўтказилаётган саноат социологиясига оид кўпчилик тадқиқотлар унинг изидан амалга оширилди. Ҳақ тўланмайдиган иш, жумладан аёлларнинг уй хўжалигидаги меҳнати, гарчи у иқтисодиёт учун ҳақ тўланадиган меҳнат каби зарур бўлса ҳам, маълум даражада эътиборсиз қолдириб келинди. Ҳисоб-китобларга кўра, уй меҳнати ўз аҳамияти, қиммати бўйича ҳозирги иқтисодиётдаги ялпи ишлаб чиқаришнинг тахминан учдан бирига тенг.

Саноатлашувгача бўлган, яъни хонадон мустақил ишлаб чиқариш бирлиги бўлган даврда аёлларнинг уй хўжалигидаги ишларга боғланганлиги, ҳаракатлари уй тутиш ва бола тарбиялашга қаратилгани унчалик катта аҳамиятга эга бўлмади. Саноатлашув бошланиши билан эрли аёлларнинг бир қисми, эрсиз аёлларнинг эса деярли барчаси ҳақ тўланадиган ишларга жойлашдилар. Кўпчилик аёллар фақат уй ишлари билан банд бўлишса (“ишламаса”) ҳам, эркаклар учун уйдан ташқаридаги ҳақ тўланадиган иш нормага айланди. Бу жараён уй хизматкорлари сонининг қисқариши билан бирга кечди. Ж.К.Гэлбрайт айтганидай: “XX аср бошларидан буён уй хизматкорлари жами ишловчиларнинг жуда оз қисмини ташкил қилади, бироқ хотин-хизматкор ҳар бир эркак учун эришиш муаммо бўлмаган нарсасидир”²⁰. Кўпчилик эркаклар ўзларининг аёллари уй ишларини таъминлаганликлари сабабли ҳам “ҳақ тўланадиган” ишда кўпроқ юмуш бажармоқдалар.

Урбанизация бошлангунга қадар кўпчилик аёллар бола тарбиялаш ва бошқа уй юмушларидан ташқари ҳам кўп ишларни бажарардилар. Масалан, улар томорқада сабзавот етиштирар, қўй, эчки, сигир ва бошқа ҳайвонларга қарар эдилар. Улар нон ёпар ва озиқ-овқат ғамлар эдилар. Бадавлат одамлар хонадонларидан ташқари барча хонадонларда супуриб-сидириш, кир ювиш, уй эҳтиёжлари учун савдо-сотик қилиш ва бошқалар хонадондаги асосий машғулотлар ҳисобланарди. У пайтларда уйлардаги хоналар умумий бўлиб, уларда жиҳозлар ҳам кам бўларди. Ўртача хонадонда супуриб-сидириш кўп вақт талаб қилмасди. Овқат пишириш, ювиш, чархда йигириш ёки тўқув дастгоҳидаги ишлар шу хонанинг ўзида бажарилар эди. Аёлларнинг мажбуриятлари эркакларники билан боғлиқ бўлиб, уй алоҳида ишлаб чиқариш бирлигини ташкил қилар эди.

²⁰ Galbraith J. Economics and the public purpose. London, 1974. P. 33.

Уйдан ташқарида иш ўринларининг пайдо бўлиши билан ишлаб чиқариш истеъмолчидан ажралди. “Ишчи” эркаклар “ишга кетишар”, уй эса оила яшайдиган ва истеъмол қиладиган жойга айланиб борар эди. Уй бекаси — “ишламайдиган одам”, “истеъмолчи”га айланди, унинг ишлаб чиқариш фаолияти эътибордан четда қолди. Шунга қарамай, уй ишлари ишлаб чиқаришдаги меҳнатнинг кўпчилик турлари каби оғир ва толдирувчи экани ҳаммага аён. Оқли ўтказган тадқиқотларда аёллар бу ишларнинг “кеди узилмаслиги”га эътибор қаратишди. Бу иш ҳеч қачон тугамайдиган, “тўла бажариб бўлмайдиган” иш. Уй бекалари нима билан шуғулланишни кўп жиҳатдан ўзлари белгилашларини қадрлашади. Бироқ, улар ҳам саноатдаги ишчиларга ўхшаб икки-чикирлар билан шуғулланиш, айтайлик, дазмол қилиш ёки чанг артишни ёқтирмайдилар.

Аёлларнинг уйдан ташқаридаги иши

Икки жаҳон уруши оралиғидаги даврда фақат уй хўжалиги билан шуғулланувчи аёллар сони кўпайди.

Гарчи ҳақ тўланадиган ишга эга бўлиш эрсиз аёллар учун оддий ҳол бўлсада, кўпчилик оилали аёллар бу вақтда «ишламадилар». Ҳар икки уруш даврида аёллар, армияга олинган эркаклар ўрнига ишга қабул қилинди. Биринчи жаҳон урушидан кейин улар «ишлардан бўшатилади, бироқ иккинчи жаҳон урушидан кейин «ишдан қувиш» бу қадар оммавий тус олмади. Шундан бери аёлларнинг иш билан бандлиги (қаранг: 6-боб. «Гендер ва сексуаллик») хизмат соҳаларининг ўсиши билан чамбарчас боғлиқ бўла борди. Аёллар бу секторга номутаносиб даражада кўп жалб қилинган, бироқ бошқарув ёки юқори маалаки ишларга эмас. Аёллар эгаллаган мансаблар иккиламчи меҳнат бозорида жамланган.

Бирламчи меҳнат бозори йирик корпорацияларда, касаба уюшмалари бор тармоқларда ва давлат муассасаларидаги ишчи ўринларидан ташкил топади. Бундай шароитларда ишловчилар нисбатан юқори иш ҳақи оладилар, улар етарли даражада ҳимояланган ва хизмат соҳаларига кўра юқорига кўтарилишлари учун яхши имкониятлар бор.

Иккиламчи меҳнат бозорини барқарорлик бўлмаган, ишдан бўшатиш даражаси юқори ва иш ҳақи паст, хизмат поғонасида юқорига кўтарилиш имконияти оз ва меҳнат шароити оғир бўлган ва шу каби бандлик шакллари ташкил қилади. Буларга официантлик, чакана савдо, супуриб-сидириш каби кўпроқ аёллар томонидан бажариладиган ишлар киради.

Аёллар тўлиқ бўлмаган иш кунда ишлайдиганлар орасида анча кўп. Буюк Британияда аёллар шундай ишчиларнинг 90%ини, ҳамма ишлайдиганларининг 40%га яқинини ташкил қилади. Кўпчилик аёллар, биринчи фарзандини туққандан кейин тўлиқ бўлмаган иш кун билан қаноатланадилар ёки, умуман ишни ташлайдилар. Аёллар болалари улғайгач, ишга қайт-

ганларида, ё ўз хоҳишлари билан, ёки улар учун тўлиқ иш ўринларининг деярли бўлмаганлиги учун, одатда, тўлиқсиз кунли ишларга жойлашишади.

Ноформал иқтисодиёт

Социологлар ва иқтисодчилар тез-тез «ишчилар» ва «ишсизлар» категорияларига, гўё бу категориялар ҳар томонлама тўлиқ ва ҳамма нарсани ўз ичига қамраб оладигандай қарайдилар. Бироқ бу — муаммони ҳаддан ташқари юзаки тушунишдир. Нафақат уйдаги иш, балки ҳақ тўланмайдиган меҳнатнинг бошқа турлари (масалан, ўз автомобилни таъмирлаш) кишилар ҳаётида катта ўрин тутади. Ишнинг жуда кўп турлари ҳақ тўланадиган меҳнат тўғрисидаги ортодоксал тасаввурларга мос келмайди. Ишларнинг анчагина қисми — ноформал иқтисодиёт доирасида бажариладиган ишлар бўлиб, расмий статистикада ҳеч қандай йўсинда қайд қилинмайди. «Ноформал иқтисод» атамаси доимий бандлик соҳасидан ташқари операцияларни ифодалаш учун ишлатилади. Баъзан у кўрсатилган ёрдам учун олинган пуллар, кўпинча эса тўғридан-тўғри товар ёки хизмат айирбошлашни ифодалаш учун ҳам ишлатилади. Сув жўмрагини ўрнатиш учун келган кишига ҳақни шахсан унинг ўзига тўлаб, буни ҳеч қаерда қайд этмаслик мумкин. Кишилар ўзаро ҳар хил «майда-чуйда» нарсаларни алмашиб, ўғирлаган ёки қаердандир ўзлаштирган нарсаларини дўстлари ёки ҳамкасблари билан бирон ўзларига керак нарсага алмашиши мумкин. Ноформал иқтисодиёт — бу нафақат «яширилган» («пхинҳона») пуллар операциялари, балки ўзини таъминлаш ҳамдир, яъни кишиларнинг уйда ва уйдан ташқарида қиладиган ҳар хил ишларидир. Қўлда ясалган ҳар хил нарсалар, уй жиҳозлари ва турли хил мосламаларни бошқа ҳолларда пулга сотиб олишга тўғри келар эди.

Рой Пол намуна сифатида уйнинг чакка ўтадиган томини тузатишни мисол қилиб келтиради. Уйнинг томини қуйидаги бир қанча усуллар билан тузатиш мумкин:

1. Уйнинг эгаси бу ишни оила аъзолари билан бирга қилиши мумкин. Керак материалларни у магазиндан сотиб олиши ёки дўстидан, қўшнисидан, уларнинг бошқа бирор нарса учун ғамлаб қўйган захирасидан олиши мумкин. Бу ишларда ҳеч қандай пул қўлдан қўлга умуман ўтмаслиги мумкин. Оила уй томини тузатишни ўзи ҳал қилади, чунки у бунга оила ташқарисидан бошқа одам ёллай олмайди, ёки бировнинг ёрдамисиз бу ишни уудалай олиши ҳеч гап эмас.

2. Томнинг чакка ўтадиган жойини унинг қўшниси ёки дўсти, пул эвазига ёки бошқа ўзаро хизматлар ҳисобига тузатиши мумкин. Бунда меҳнат муносабатлари ноформал боғланишларга асосланган бўлиб, улар, ишчилар билан иш берувчиларнинг ўзаро ўргаларидаги бўладиган муносабатлардан бутунлай фарқ қилади, уларга ўхшамайди.

3. Бу ишни бажариш учун бирор мутахассисни ёллаш мумкин. Бундай ҳолдаги келишув «нормал» ҳисобланади, яъни бундай хизматга тўлиқ ҳақ тўланиб, тўлов ҳақи ишчининг ҳисоб рақамига ўтказилади. Бошқа томондан, ишловчи ўзаро битим тузмасдан, солиқ идораси декларациясига қайд қилинишидан ва шуларга ўхшаш ҳар хил қўшимча харажатлардан қочиб, озроқ бўлса ҳам нақд пул тўлашни сўраши мумкин.²¹

Ноформал сектор асосан қашшоқ қатлам кишилари ўртасида ва ишсизлик юқори бўлган районларда ривожланган бўлади. Шундай қилиб, жуда кўп товарларга ва хизматларга, ҳақ тўлаш мумкин бўлмаган ҳолда эга бўлиш мумкин. Албатта, ўз ўзини таъминлаш нафақат иқтисодий зарурият, балки қониқ-қиш ҳиссини бериши ҳам мумкин. Уй — бу одатда формал ва ноформал иқтисодиёт чирмашиб кетган жойдир. Оила аъзолари зарур даромадлар тўғрисида жамоа бўлиб келишиб олишади, агар шарт-шароит бўлса, ўзаро ҳақ тўланадиган ва ҳақ тўланмайдиган ишлар тақсимлаб олинади. Масалан, эр ёки хотин ҳақ тўланадиган ишда эртадан кечгача ишлаб, оиланинг ҳар хил талаб ва эҳтиёжларини таъминлайди (айтайлик, дурадгор ёллаб, янги шкаф қилдириш ва бошқалар). Бошқа томондан, тўлиқ кун ишлаш имконияти оилада вақтинча чекланган бўлса, бундай ҳолда уй муаммоларини оила ҳал қилади.

Ишнинг келажаги

Меҳнат — бу мураккаб ҳодиса бўлиб, у «бандлик» тушунчасидан ташқари, кўпгина фаолият турларини ҳам ўз ичига олади. «Ҳар бир киши меҳнат қилиш ҳуқуқига эга», дейилади Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан Иккинчи жаҳон урушидан кейин қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари Умумий Декларациясида. Бу ҳақ тўланадиган иш ҳуқуқини билдирган. Бироқ кенг қўламдаги ишсизлик тенденцияси узоқ вақт давом этса, бу мақсадни амалга ошириш имконсиз бўлиши мумкин. Эҳтимол, ҳақ тўлайдиган ишнинг табиатини қайта англаб олиш ва қисман, унинг кишилар ҳаётида тутган аҳамиятини ҳисобга олиш зарурдир.

Одатда ишсизлик иш берувчи томонидан ҳам, ишчилар томонидан ҳам салбий ҳодиса сифатида баҳоланади, бироқ бу нуқтаи назар қайта кўриб чиқишни талаб қилади. Охир оқибатда «ишни» ҳақ тўланадиган бандлик хизмати билан тенглаштириш ўзига хос чеклаш ҳосил қилади. Масалан, агар кимдир ўзининг ҳаракатлари билан гўзал бир боғ барпо қилса, бунда унинг қизиқишлари бутунлай моддий манфаатдорлик билан боғланмаган бўлса, нега буни иш ҳисобламаслик керак? «Ишсиз» ва «ишсизлик» сўзлари фанда термин сифатида XIX асрнинг охирида пайдо бўлди; эҳтимол, улар XX аср охирида йўқолиб

²¹ Oakley A. The sociology of housework. Oxford, 1974.

кетар, агар фақат лавозимнинг бўлмаслиги «ишнинг йўқлиги» деб баҳоланмаса. Барча ишсизларни ўзларига хизмат қилувчи, деб ҳисоблаб, ўзларининг сеvimли машғулоти билан шуғулланаётганларга маблағ беришни нима учун тўхтатиш мумкин эмас, дейишмоқда баъзи тадқиқотчилар²².

Барча саноатлашган мамлакатларда иш ҳафтасининг давомийлиги аста-секин қисқармоқда. Кўпчилик ишловчилар белгиланган меъёрдан ортиқча ишлашмоқда, шу билан бирга, бир қатор ҳукуматлар иш вақти соатларига чеклашлар киритмоқда. Францияда, масалан, меъёрдан ортиқча бажарилган иш учун бир йилга энг кўпи билан 130 соатга ҳақ тўлаш жорий қилинган. Кўпчилик мамлакатларда эркаклар 65 ёшда, аёллар 60 ёшда ишдан озод қилинади, бироқ ўртача иш карьераси давомийлигининг қисқариш тенденцияси кузатилмоқда. Эҳтимол, кўпчилик имкони бўлса 60 ёшдан кейин ишдан озод қилиш жорий этилишини маъқуллади.

Агар ҳақ тўланадиган иш вақти илгаригидай қисқартириб борилса, ишга бўлган талаб ҳам биринчи даражали бўлмай қолиши, иш карьерасининг табиати ҳам жиддий ўзгаришларга учраши мумкин. Эҳтимол, сменали иш ёки график асосида ишлаш кенг жорий қилинар? Баъзи бир таҳлилчиларнинг ҳисобича, университетларда мавжуд йиллик таътилларни²³ бошқа соҳаларда ишловчиларга ҳам жорий этиш керак, сабаби, ҳар бир киши йилда бир марта ишдан озод ҳолда ўқиш, ёки қандайдир бошқа ўз-ўзининг малакасини ошириш имконига эга бўлиши зарур. Эҳтимол, кўпчилик кишилар ўз ҳаётларини режалаштириш билан шуғулланишлари, бунда улар ўз ҳаётларининг турли даврларида меҳнатнинг турли шакллари (масалан, ҳақ тўланадиган, ҳақ тўланмайдиган, тўла бандлик ёки ярим бандлик ва ҳоказо) танлашлари мумкин. Баъзи бир кишилар ўз меҳнат фаолиятларини формал билим олгандан кейин бошлайдилар, кейин эса сайру саёҳат қилиш билан шуғулланишади, бошқалар бутун ҳаётлари давомида ихтиёрий равишда қисман ишлашни маъқул кўришади.

Ҳозирги шарҳлар шунини кўрсатмоқдаки, шарт-шароитлар мавжуд бўлишига қарамай, қисман иш билан банд кишилар тўлиқ банд бўлганларга нисбатан ўз ишларидан қаноатланишларини маълум қилишади. Эҳтимол, бу кўпчилик ярим банд кишилар аёллар бўлгани учундир, уларнинг ўз мансабларида юқорига кўтарилишни кутиш эркаклардагига қараганда анча паст даражада, лекин улар иш вақтларида маълум вақтга уй ташвишларидан озод бўлишади. Шунга қарамай, кўпчилик кишилар ҳақ тўланадиган иш билан бошқа фаолиятларни бирликда қўшиб олиб боришни хуш кўришади.

²² Paul R. Divisions of Labour. Oxford, 1984. P. 134—136.

²³ Handy C. The future of work: a guide to a changing society. Oxford, 1984; Jones B. Sleepers awake! Technology and the future of work. Brighton, 1982; Merritt G. World out work. London, 1982.

Баъзилар эса «максимум даражада» яшаб қолишни хоҳлашади, ёшлиқдан ўрта ёшгача ўзларини тўлиқ ҳақ тўланадиган ишга бағишлаб, кейинчалик уларда янги қизиқишлар пайдо бўлиб, бошқа ишларга ўтишни исташади. Ишдан эртaroқ истеъфога чиқиб олувчиларни ўрганиш ишни қандай ташкил этиш кераклиги тўғрисида тасаввур беради. Эрта истеъфога чиқувчи кишилар ҳаётини ўрганишга бағишланган Эни Мак-Голдрик тадқиқотлари шуни кўрсатадики, уларнинг яшаш услубларида катта фарқлар мавжуд. 1800 та текширилган кишилардан 75%и, ишлаган даврларига қараганда ўзларини кўпроқ эркин эканликларини ва «камроқ стресслар ва мажбурлашлар»ни ҳис қилишларини баён қилишди (улардан бир қисми ўзларининг янги ҳаётларидан нолишади. Бундайлар жумласига молиявий аҳволи оғирроқ бўлган ёки бирон касаллик билан қийналган кишилар қиради).²⁴

Француз социологи ва ижтимоий ҳаёт танқидчиси Андрэ Горц ҳозирги жамият тараққиёти тўғрисида анъанавий тасаввурларни қайта кўриб чиқиш ва унга муқобил келажак манзарасини яратиш учун, Мак-Голдрикники каби тадқиқотлардан фойдаланади. Горц ўз қарашларини, Маркс асарларини танқидий қайта англашдан келиб чиқиб асослайди. Маркс фикрича, ишчилар синфи, унга борган сари кўпроқ кишилар қўшилган ҳолда, инқилобга бошчилик қилади ва бу инқилоб инсонпарварроқ жамият турига олиб келади, бу жамиятда меҳнат кишиларнинг бош ҳаётий эҳтиёжига айланади. Горц, гарчи ўзи сўлларга мансуб бўлса ҳам, бундай қарашни рад қилади. Ишчилар синфи эса жамиятда энг йирик ижтимоий гуруҳга айланиб, буюк ғалабага олиб келувчи инқилобга бошчилик қилиш ўрнига (Маркс ўйлаганидай), амалда қисқариб бормоқда. «Кўк ёқалилар» озчилик бўлиб қолишди ва уларнинг сони борган сари камайиб бормоқда.

Горц нуктаи назарича, ишчилар корхоналарга бошлиқ бўлиб уларни бошқаришлари, давлат ҳокимиятини қўлга олишлари ҳақида умуман гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Ҳақ тўланадиган меҳнатнинг табиатини ўзгартиришга ҳеч бир реал ишонч йўқ, сабаби, у самарали ишловчи иқтисодиётга мос техник муносабатларга асосланиб ташкил қилинган. «Ҳозир муаммо шундаки, — дейди Горц, — ўзимизни ўзимиз ишдан озод қилишимиз лозим²⁵. Айниқса иш Тэйлор тизими асосида ташкил этилган, ёки оғир ва зерикарли бўлган жойларда шундай қилиш керак».

“Ишсизлар сонининг ўсиши ва қисман иш билан бандлик, — деб давом этади Горц, — «ишчи бўлмаганлар» синфини яратди. Бу синф аҳолининг кўпчилигини ташкил этади, чунки

²⁴ Университет мударрислари илмий тадқиқот билан шуғулланиш ва малакаларини ошириш учун ҳар беш йилда уқув машгулотларидан озод бўлиб оладилар.

²⁵ McGoldrick A. Early retirement: a new leisure opportunity // Leisure studies association Conference paper, 15. London, 1973.

²⁶ Gorz A. Farewell to the working class. London, 1982. P. 67.

агар ёшларни, нафақадорларни, касалларни, уй бекаларини ва қисман банд кишиларни ҳисобга олмасак, барқарор ишга эга бўлганлар сони нисбатан кичикдир... Микротехнологиянинг ривожланиши тўлиқ иш жойларининг янада кўпроқ қисқаришига олиб келади. Бунинг натижасида кишиларнинг бойликка ҳирс қўйиши, иқтисодий ўсиш ва моддий манфаатпарастликка интилиш каби Фарб «маҳсулотпараст» дунёқарашлардан воз кечишга мойиллик пайдо бўлиши мумкин. Келгусида кўпчилик аҳоли ҳар хил ҳаётий услубларга эга бўлиб, доим ҳам ҳақ тўланадиган иш билан банд бўлавермайди.

Горц фикрига кўра, биз «икки ўлчамли» жамият томон бормоқдамиз. Бунда бир секторда ўта самарали ишлаб чиқариш ва сиёсий бошқарув йўлга қўйилади. Бошқа секторларда эса индивидлар ўзларини турли хил ноишлаб чиқариш вазиффаларига бағишлайдилар: уларнинг ҳаёти ўз имкониятларини рўёбга чиқариш ва турли ўйин-кулгилардангина иборат бўлиб қолади.

Бу нуқтаи назар қанчалик асосга эга? Саноатлашган мамлакатлардаги меҳнатнинг табиатида ва уни ташкил қилишда катта ўзгаришлар юз бериши шубҳасиздир. Кўпчилик, балки ҳамма кишилар келгусида меҳнат унумдорлигига, доимий иқтисодий ўсишга ва моддий бойликка эга бўлишга қизиқишиб, ўзларига тўғри йўналишлар танлар? Горц таклифича, иш билан банд бўлмасликни салбий ҳодиса деб эмас, балки ўз манфаатларини чамалаб, ўз иқтидорини ривожлантириш имконияти сифатида баҳолаш мумкин. Шундай бўлишига қарамай, бу йўналиш бўйича ҳаракат ҳали жуда кам, сезиларсиз даражада ва биз Горц тасавуридагидан анча узоқ вазиятдамиз. Шунга кўра, аёллар ўзларининг бандлик соҳаларида катта имкониятларга эга бўлишлари учун қанча кўп курашаётган бўлсалар, ишончли ҳақ тўланадиган ишга қизиқувчилар сони муттасил ортиб бормоқда. Иш ҳақи — ҳаётнинг ранг-баранглигини таъминловчи асосий манба бўлиб қолмоқда.

Бобнинг қисқача мазмуни

1. Иш — бу инсон эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш мақсадида сарф қилинадиган ақлий ва жисмоний ҳаракатлар билан боғлиқ жараёндир. Профессинал иш эса доимий ҳақ тўлаш эвазига бажариладиган меҳнатдир. Ҳамма маданиятларда меҳнат иқтисодий тизимнинг асосини ташкил қилади.

2. Ҳозирги жамиятлар иқтисодий тизимларининг асосий хусусияти мураккаб ва турлича меҳнат тақсимотининг пайдо бўлаётганлигидир. Саноатлашган мамлакатлар иқтисодиёти учта сектордан: бирламчи сектор, — яъни табиий бойликларни қазиб олувчи, иккиламчи сектор, — яъни хомашё маҳсулотларини истеъмол предметларига айлантирувчи ва учламчи сектор, — яъни саноат билан боғлиқ бўлган хизматлардан иборат.

3. Ҳамма Фарб мамлакатлари иқтисодий ҳаётидаги характерли хусусият — касаба уюшмалари ва уларга берилган оммавий иш ташлаш ҳуқуқидир. Дастлаб касаба уюшмалари иттифоқи ишчилар томонидан меҳнат шароитларининг маълум назоратини таъминлашга даъват этувчи ҳимоя

ташкilotлари сифатида пайдо бўлишади. Бугунги кунда касаба уюшмалари етакчилари миллий иқтисодий сиёсатни шакллантиришда муҳим роль ўйнамоқда, гарчи Британия учун бу гаплар кўпроқ ўтмишда қолиб кетган бўлса ҳам.

4. Ҳозирги иқтисодиётда йирик корпорациялар устунлик қилишмоқда. Агар бирор фирма ўз соҳасида катта таъсирга эга бўлса, унда бу фирма монополия мавқеини эгаллайди. Шундай таъсирга фирмалар гуруҳи эга бўлса — олигополия вазияти вуҷудга келади. Йирик корпорациялар давлат сиёсати ва аҳоли истеъмолига таъсир қилиб, бизнинг ҳаётимизда ҳам улкан из қолдиришади.

5. Меҳнатнинг бирламчи бозори йирик корпорацияларда, касаба уюшмалари тараққий этган соҳаларда ёки давлат ташкilotларида банд бўлган ишловчилардан иборат бўлади. Меҳнатнинг иккиламчи бозори эса истиқболли чекланган, ишчиларнинг ҳимояси паст ва меҳнат шароити оғир беқарор бандлик турларидан иборат.

6. Ишсизлик — XX аср саноат мамлакатларининг вақти-вақти билан кескинлашадиган муаммоси бўлиб қолди. Иш индивиднинг руҳий ҳолатини белгиловчи муҳим унсурга айланди. Ишсизлик тажрибаси баъзида бузувчи таъсир касб эта бошлади. Янги технологияни жорий этиш, афтидан, ишсизликнинг янада ўсишига олиб келади.

7. Ишга фақат ҳақ тўланадиган фаолиятни ўз ичига оловчи машғулот деб қарамаслик лозим. Уй меҳнати ва ноформал иқтисодиёт ҳам ишлаб чиқаришда ижтимоий бойликка маълум ҳисса қўшадиган ҳақ тўланмас ишнинг асосий соҳалари ҳисобланади. «Ноформал иқтисодиёт» атамаси одатда ё тўғри нақд пулни хизматларга ёки тўғридан-тўғри товар ва хизматларни пулга алмаштириш билан боғлиқ бўлган амалиётни билдиради. Ўз-ўзини таъминлаш, иқтисодий заруриятдан ташқари, кишида иш ҳақи тўланадиган ишда ҳосил қилиш мумкин бўлмаган қониқиш ҳиссини ҳосил қилиши мумкин.

8. Иш жойининг уйдан ажралиши иш билан банд аёллар табиатига катта таъсир қилди. Кўпчилик оилали аёллар уй хўжалиги билан шуғулланувчиларга айланишди, аёлларнинг уй ишларига сарфлаган вақтларини ҳисобга олмасдан уларни «ишламайдиганлар» деб ҳисоблашади, аслида эса уларнинг уй ишларига сарфлаган вақтлари эркаклар ишлаган иш вақтларидан анча кўп. Ҳозир ҳақ тўланадиган меҳнат соҳасида аёллар бир неча ўн йиллар илгаригига нисбатан анча кўпдир, бироқ улар, одатда кам ҳақ тўланадиган ишлардагина банддирлар.

9. Меҳнатнинг табиатида ва уни ташкил қилишда жиддий ўзгаришлар юз бермоқда: афтидан, уларнинг аҳамияти келажақда янада кўпроқ ортиб боради. Шунга қарамасдан, ҳақ тўланадиган иш кўпчилик учун, ўз ҳаётларини ранг-баранг қилишда моддий бойликларга эга бўлишнинг асосий воситаси бўлиб қолаверади.

Асосий тушунчалар

меҳнат тақсимоти
меҳнат

бегоналашув
иқтисодиёт

Энг муҳим атамалар

касб меҳнати
иқтисодий қарамлик
бирламчи сектор
иккиламчи сектор

гуруҳли ишлаб чиқариш
саноат демократияси
иш ташлаш
тадбиркор

учламчи сектор
хизматлар саноати
Тэйлор ёндашуви (Тэйлоризм)
Форд ёндашуви (Фордизм)
паст даражадаги ишонч тизимлари
юқори даражадаги ишонч системалари
автоматлаштириш

монополия
олигополия
корпорациялар
оилавий капитализм
бошқарув капитализми
институционал
капитализм
уй меҳнати
бирламчи меҳнат бозори
иккиламчи меҳнат бозори
ноформал иқтисодиёт

Кўшимча адабиёт

Ray Pahl. Divisions of Labour. Oxford, 1984. Оила ва уй, иш муаммоларининг зарурий таҳлили.

Andrew Sayer and Richard Walker. The New Social Economy. Oxford, 1992. Замонавий ишлаб чиқариш шаклларининг таҳлили.

Neil J. Smelser and Richard Swedberg. The Handbook of Economic Sociology. Princeton, 1994. Иқтисодий ҳаётдаги умумий социологиянинг яхши талқини.

ҲОЗИРГИ ДУНЁДАГИ ИЖТИМОИЙ ЎЗГАРИШЛАР

Мазкур китобнинг барча бобларида ҳозирги замонда юз бераётган ижтимоий ўзгаришларнинг радикал хусусиятга эга экани таъкидланади. Инсониятнинг бутун тарихи давомида ижтимоий ўзгаришларнинг кечиши нисбатан секин юз берган; кўпчилик одамлар ота-оналари қандай турмуш кечирган бўлсалар, шундай яшаганлар. Биз эса, бунинг аксича, муттасил радикал ўзгаришларга дуч келаётган дунёда яшашмоқдамиз. Мазкур қисмнинг бобларида ана шу ўзгаришлар яққолроқ кўзга ташланадиган ижтимоий ҳаётнинг баъзи жиҳатларини кўриб чиқамиз.

Бу қисмнинг биринчи бобида бизнинг барчамизга таъсир ўтказаятган ўзгаришлар қай йўналишда юз бериши, ҳозирги жамиятларнинг глобал тизимларга борган сари чуқурроқ жалб этилиши жараёни таҳлил қилинади. Ижтимоий ҳаётнинг глобаллашуви урбанизация характерининг ўзгаришига таъсир қилади, ўз навбатида, унинг таъсирини ўзи ҳам бошдан кечиради. Урбанизм (бутун дунёда шаҳар аҳолисининг ўсишига таъсир кўрсатаётган омиллар) кейинги бобнинг предмети бўлади. Шундан кейин биз ҳозирги даврдаги энг муҳим тамойиллардан бири — ер шари аҳолисининг улкан ўсишини муҳокама қиламиз. Аҳоли ўсишига гигиена ва тиббиётнинг ғарбона усуллари кенг тарқалиши катта таъсир ўтказди, шунинг учун махсус бобда саломатлик ва хасталик муаммосининг ижтимоий жиҳатлари тадқиқ этилади. Умр давомийлигининг узайиши оқибатларидан бири аҳоли ёш тузилмаси (турли ёш гуруҳлари ўртасидаги миқдорий мутаносиблик)нинг ўзгариши бўлиб, унинг натижасида саноатлашган ва ривожланаётган мамлакатлар бир-бирларидан шу кўрсаткич бўйича жиддий фарқланадилар.

Яқунловчи боблар невосита ўзгариш жараёнларига бағишланган. Ҳозирги даврнинг энг муҳим хусусиятларидан бири ижтимоий ва сиёсий ўзгаришларни жамоа ҳаракати воситасида амалга оширишга интилишдир. Биз XVIII асрдан то бугунги кунгача бўлган энг муҳим революцион ўзгаришлар шакллари, шунингдек, норозилик ва жамоавий зўравонликнинг умумий мурватларини тадқиқ этамиз. Охириги бобда ижтимоий ўзгаришлар табиатининг умумий талқини тақдим этилади. Ижтимоий ўзгаришлар нима экани, бугунги кунда улар нима учун шунчалик чуқур ва барқарор бўлиши сабабларини муҳокама қиламиз. Кейин келажакка мурожаат қиламиз ва бугунги тамойиллар XXI асрда қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини баҳолашга ҳаракат қиламиз.

Ижтимоий ҳаётнинг глобаллашуви

Агар сиз шу яқин орадаги магазин ёки универмага кириб қолсангиз, у ерда сизга таклиф этиладиган жуда кўп миқдордаги маҳсулотларни қунт билан қараб чиқишга ҳаракат қилиб кўринг. Фарбда ўз-ўзидан шундай бўлиши керак деб товарларнинг бундай хилма-хиллигига ўрганиб қолинган, кимнинг пули бўлса, ўша одам сотиб оладиган ушбу товарлар хилма-хиллиги бутунги кунда бутун дунёни қамраб олган фавқулодда мураккаб иқтисодий алоқаларга боғлиқдир. Бу ерга қўйилган товарлар (ёки уларни бутловчи деталлар) юзлаб турли мамлакатларда ишлаб чиқарилган. Буларнинг ҳаммасини мунтазам равишда ер юзи бўйлаб ташиб туриш керак. Шу билан боғлиқ бўлган миллион-миллион кундалик операцияларни мувофиқлаштириб туриш учун ахборот-информациялар оқимини доимо алмашиб туриш талаб қилинади.

“Бизнинг кунларимизга қадар, — ёзади антрополог Питер Уорели, — инсоният жамияти яхлит бир ягона жамият сифатида мавжуд эмас эди”¹. Бунда у бутун планетани қоплаб олган ижтимоий алоқаларнинг шакллантирилиши тўғрисида реал гапириш яқингинада мумкин бўлганлигини назарда тутган эди. Амалда ҳар бир кишининг турмушига тааллуқли бўлган бири-бирига боғлиқ ўзаро муносабатларнинг кучайиб кетиши натижасида бутунги дунё чиндан ҳам *ягона бир ижтимоий система* бўлиб қолади. Глобал система — бу шунчаки бир оддий муҳит эмас, унинг шароитида турли жамиятлар, масалан, Буюк Британия юксалиб ва ўзгариб турадиган оддий бир муҳитгина эмас. Ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий алоқалар давлатлар чегараларини кесиб ўтмоқда ҳамда у ерда яшовчи одамлар тақдирига таъсир кўрсатиб, ўз ҳукмини ўтказмоқда. Бутун дунё ҳамжамиятидаги тобора кучайиб бораётган ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган алоқаларни битта универсал атама — *глобаллаштириш* термини билан ифодалаш мумкин.

Жаҳондаги бундай ягоналик ўсиб бориш *жараёнининг* ўзигина *глобаллаштириш* экан, деб ўйлаш хато бўлур эди. Ижтимоий алоқалар глобаллашувини энг аввало ҳозирги мавжуд ҳаёт маконини ва замонини қайтадан вужудга келтирилиши сифатида тушунмоқ лозим. Бошқача қилиб айтганда, бизнинг ҳаётимиз тобора кўпроқ биздан анча узоқ жойларда содир бўлаётган ижтимоий реалликка боғлиқ бўлиб қолаётганлигини ҳар бири-миз сезиб турибмиз. Бу жараён бутунги кунда алоҳида жадаллик

¹ Wordley P. The three worlds: culture and world development. London, 1984.

билан кечаётганлигига қарамасдан, глобаллаштиришга ҳеч қачон мутлақо янги бир ҳодиса, деб қаралмаслиги керак. Чунки ушбу жараён бундан икки-уч аср аввал, Фарб бутун дунёга ўз таъсирини ўткази бошлаган замонларда бошланган эди (ушбу таъсирнинг баъзи бир аспекти 2-бобда муҳокама қилинган эди, “Маданият ва жамият” га қarang).

Ушбу бобда бизнинг асосий вазифамиз ягона шу жараёнларнинг нотекис, *фрагментар* табиатини таҳлил қилишдан иборат бўлади. Бу жараёнлар ер шарининг турли қисмларини бири-бирига бирлаштириб, уларни бир-бири билан ўзаро алоқа ўрнатиб яшашига олиб келади. Ижтимоий муносабатларнинг глобаллашуви асло осонлик билан, бир текис кечди, деб бўлмайди. Аввал бошданок дунёнинг турли минтақалари ўртасида мавжуд бўлган тенгсизлик ўзини кўрсатди. Айниқса, *учинчи дунё* жамиятлари вужудга келишига олиб келган жараёнлар муҳимдир. Турмуш фаровонлиги ва ҳаёт кечириш даражаси жиҳатидан биринчи ва иккинчи дунёдаги саноатлашган мамлакатлар билан планета аҳолисининг кўпчилиги яшайдиган учинчи дунё мамлакатлари ўртасида ғоят катта фарқ мавжуд эди. Биз ишни учинчи дунё жамиятлари қандай пайдо бўлганлиги ҳамда саноати ривожланган миллатлар билан уларнинг муносабатлари характери қандай эканлигини қараб чиқишдан бошлаймиз. Сўнгра жаҳон тараққиётининг баъзи бир энг муҳим назарияларини муҳокама қиламиз, шундан кейин халқаро муносабатларни ҳамда оммавий коммуникация воситаларини таҳлил қилишга ўтамыз.

Учинчи дунё жамиятлари

Миллатларнинг вужудга келиши

Учинчи дунё жамиятларининг кўпчилиги мустамлакачилик зулмини бошдан кечирган минтақаларда — Осиёда, Африкада ва Жанубий Америкада жойлашган. Айримлари ҳамон мустамлакалигича қолмоқда. (Масалан, Гонконг то 1997 йилга қадар Британия колонияси бўлиб келган эди, кейин эса уни бошқариш Хитой қўлига ўтди). Бир қанча колониялар мустақилликни барвақт қўлга киритганлар. Масалан, халқи қора танли бўлган мамлакатлар ичида Гаити биринчи бўлиб, 1804 йил январида автоном республика мақомига эришди. Жанубий Америкадаги Испания колониялари 1810 йилда озодликни қўлга киритдилар, Бразилия 1822 йилда Португалия ҳукмронлигидан қутилди. Мустақиллик барвақт қўлга киритилган кўпчилик ҳолларда Европадан кўчиб келган кишилар, одатда, метрополиялардан ажралиб чиқишда етакчи роль ўйнаганлар (Гаити бундан мустасно эди): Кўшма Штатлар вужудга келишида ҳам вазият худди ана шундай эди.

Европада туриб ҳеч қачон бошқарилмаган баъзи бир мамлакатлар, шунга қарамай колониал муносабатлар таъсирини

тобора кўпроқ акс эттира бошлади; Хитой бунинг ёрқин мисоли бўлиши мумкин. Хитой қуроли кучи билан Европа давлатлари таъсирига тушди; уни Европа давлатлари савдо битимларини имзолашга мажбур этдилар. Мана шу битимларга мувофиқ бир қатор ҳудудларни, шу жумладан, бир қанча йирик денгиз портларини бошқариш иши европаликлар қўлига ўтиб қолди. Мана шундай алоҳида ҳудудлардан энг сўнггиси Гонконг ҳисобланади.

Учинчи дунёнинг кўпчилик миллатлари фақат иккинчи жаҳон урушидан кейингина ўз мустақил давлатларини тузишга муваффақ бўлдилар. Бунинг учун кўпинча қонли антиколониял курашлар, жанглар олиб боришга тўғри келди. Ҳиндистон бунга мисол бўлиши мумкин. Ушбу мамлакат мустақилликни қўлга киритганидан кейин орадан кўп вақт ўтмай икки мамлакатга — Ҳиндистон ва Покистонга бўлиниб кетди, бир қатор Осиё мамлакатларида ҳам (Бирма, Малайзия ва Сингапур сингари мамлакатлар) ҳамда Африкадаги кўп давлатлар (Кения, Нигерия, Заир, Танзания ва Жазойир)да ҳам худди шундай ҳол юз берган.

Колониялаштирилишига қадар учинчи дунёнинг кўпгина мамлакатлари ўз давлатларига эга бўлиб, алоҳида ажратиб қўйилмаган эди. Уларнинг чегаралари Европа бошқаруви даврида шаклланди. Ўша кезларда мустамлакачилар ё турли, мутлақо бошқа-бошқа маданиятга эга бўлган халқларни кўп ҳолларда куч ишлатиб ягона маъмурий ҳокимият қўл остига бирлаштирдилар, ёхуд ягона маданиятга эга бўлган халқларни икки Европа давлатига қарашли бўлган чегаралар ўтган жой бўйлаб ажратиб юбордилар. Гарчи колониал экспансиянинг каттагина қисми XVI асрдаёқ бошланган бўлишига қарамай, эндиликда учинчи дунё мамлакатаи бўлиб қолган минтақаларнинг кўпчилиги фақат XIX асрга келгандагина колониялаштирилган эди. Ҳиндистон то 1860 йилга қадар ҳам тўлиқ ҳолда Британия ҳукмронлигига ўтмаган эди, тахминан худди шу даврга келиб Малайзия, Сингапур ва Бирмада Британия маъмурияти ўз ҳукмронлигини ўрнатди.

Африка то XIX асрнинг ўрталарига қадар Европаликлар учун “қоронғи” жой бўлиб қолди ва деярли тадқиқ этилмаган қитъа ҳисобланиб келди. 1870—1880 йилларда Европанинг етакчи давлатлари Африканинг турли қисмларини босиб олишда бир-бирлари билан рақобат қилишга киришдилар. Бу жойларда ҳақиқий колониал ҳукумат тизимлари бир оз кейинроқ шакллантирилган. Баъзи бир мамлакатларда мустамлакачиларнинг ҳукмронлик қилиш даври жуда қисқа бўлган, бу давр хилма-хил тузем — маҳаллий гуруҳларнинг жуда кўпларини ягона маъмурий ҳокимият қўл остида бирлаштириш учун етарли бўлмаган. Бутунги кунда учинчи дунё давлатларининг кўпчилиги ички сиёсатда бу қадар хилма-хил ва тарқоқ эканликлари ҳам шу билан изоҳланади. Масалан, 1963 йилда Кения муста-

қиллик олаётган вақтда аҳоли ҳали-ҳамон оқлар ҳукмронлик қилгунича бўлган замонларни эслаб, қўмсаб юрганлар.

Мустамлакачиликнинг иқтисодий оқибатлари

Европа давлатлари бир қатор сабабларга кўра мустамлакаларга эга бўлганлар.

1. Мустамлакага эга бўлиш метрополиаларнинг сиёсий таъсирини ва қудратини оширган ҳамда уларга ҳарбий базаларини жойлаштириш имконини берган.

2. Фарбдаги кўпчилик кишилар мустамлакачиликка маърифат ва маданият тарқатадиган, маҳаллий халқларга ибтидоий ҳаёт шароитидан қутилишда ёрдам берадиган ҳодиса деб қараганлар. Миссионерлар кўп худойлик динидаги — маъжусий диндаги кишиларни христиан динига ўтказишга ҳаракат қилганлар.

3. Иқтисодий сабаблар ҳам муҳим роль ўйнаган. Фарб экспансиясининг дастлабки йилларидан бошлаб мустамлакалардан озиқ-овқат, хомашё ва бошқа маҳсулотлар ташиб келтирила бошлаган. Бу эса Фарбнинг иқтисодий тараққиёти учун негиз бўлиб хизмат қилган. Ҳатто иқтисодий фойда олиш мақсадида эмас, балки бошқа сиёсий мақсадларда мустамлакага эга бўлган давлатларда ҳам мустамлакачи-мамлакат, минтақани бошқаришга кетадиган сарф-харажатларни қоплаш учун ҳам мустамлака мамлакатдан иқтисодий фойда кўришга интилар эди.

Иқтисодий фаолиятнинг баъзи бир соҳаларида маҳаллий аҳолига савдо билан шуғулланиш учун етарли имкониятлар яратиб берилган. Шунга қарамасдан, кўпчилик ҳолларда, айниқса, тропик минтақаларда европалликлар товар *бўладиган экинлар* — қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни рағбатлантириб келадилар ва уларни халқаро бозорда сотиш учун мўлжаллайдилар. Мустамлакачилар кўпинча плантациялар, фермерлар ва конлар ташкил этиб, ўзлари фақат кузатувчи ролини бажариб келганлар, маҳаллий аҳолини ишчи кучи сифатида жалб этганлар. Кўп ҳолларда европалликлар босиб олган ер участкалари уларнинг мулкига айлантирилган.

Концессион компаниялар таъсис этилиши — мустамлака мамлакатлари билан боғлиқ муҳим иқтисодий янгилик бўлди. Мустамлакачи давлат уларга муайян товар ва экинни мазкур минтақада етиштириш учун лицензиялар бериб, мазкур соҳани уларнинг монополиясига айлантирган². Бундай компанияларнинг баъзилари, улар давлат компанияси бўлсаям, фавқулодда ўсиб катта компанияларга айланиб кетиб, ўзлари фаолият кўрсатаётган районларда етакчи мавқени эгаллаб олганлар. Бир қатор концессион компанияларнинг авлодлари ҳозирги кунда ҳам Жаҳон савдосида сезиларли ўринни эгаллаб келмоқдалар.

Учинчи дунё мамлакатларининг ҳаммаси бўлмаса ҳам,

² Weatherby J. Etal. The Onher World: Issues and Politics in the Third World. New York, 1987.

кўпчилиги камбағал юртлар бўлиб, улардаги қашшоқ ҳаёт саноат мамлакатлари билан қиёс қилинганда айниқса кўзга яққол ташланиб қолади. Бунинг асосий сабаби, уларда саноат базасининг йўқлигидир. Ушбу мамлакатлар аҳолисининг катта қисми қишлоқ хўжалиги ишлари билан машғул бўлиб, бу ерда ишлаб чиқаришнинг, асосан, эскича, анъанавий усуллари қўлланади. Айрим ҳолларда мустамлакачи мамлакатлар ҳукмронлик қилган даврда барча ресурслар батамом ишлатиб бўлинган. Бунинг устига, учинчи дунё жамиятларининг кўпчилигида сўнгги бир аср мобайнида аҳолининг ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши кузатилди (қаранг, 18-боб, “Аҳоли, саломатлик ва кексайиш муаммолари”). Бундай ҳол қандай қилиб бўлса ҳам барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ишини фавқулодда қийин аҳволга солиб қўяди. Чунки ишлаб чиқариш ҳажми ўсса ҳам, кўшимча аҳоли уни йўққа чиқаради.

Учинчи дунё мамлакатлари ичида энг камбағал юртда яшайдиган кўпчилик кишиларнинг турмуш шароити шу қадар оғирки, Ғарбда яшовчи кишилар уни ҳатто тасаввур ҳам қила олмайдилар. Ангола (Жанубий Африка)нинг биринчи президенти Агостиньо Нето карьерда ишловчи кишилар ҳаётини шеърини шаклда ифодали равишда тасвирлаб берган. Муаллиф ушбу шеърини истеҳзоли равишда “Ғарб цивилизацияси” деб атаган:

Ерни ўйиб,
Устун қўйиб,
Тулука қоққан,
Ўзига ёққан.
Шунинг оти — уй,
Бошқа гапни қўй.
Атрофинга бир қара,
Бул ҳам манзара — битта:
Осилган латта-путта
Қуёш тирқишдан қараб,
Табрикладди мўралаб,
Ўн икки соат ишлаб,
Охир бармоғин тишлаб —
Келган уйнинг эгасин.
Унинг кўргани кирка,
Белкурак билан бирга.
Офтобми, ёмғирли кун —
Нони ҳеч бўлмас бутун.
Қарийди элдан бурун.

* * *

Бўйра-бордонин тўшаб,
Оч ётар ишдан бўшаб.
Мангу уйқуга кетар,
Шундай муродга етар!³

³ Bennett J. and S. George. The Hunger Machine. Cambridge, 1987. С. 113.

Камбағаллик

Сўнги йиллар ичида ривожланаётган мамлакатларнинг энг камбағал минтақаларидаги ҳаёт яхшиланмади, балки аксинча яна ҳам ёмонлашиб кетди. Саноатлашган мамлакатларда ҳам камбағаллар оз эмас (қаранг: 7-боб, “Стратификация ва синфий структура”), лекин уларнинг фақат унчалик кўп бўлмаган қисми сурункали тарзда тўйиб овқат емайди ёки оч қолади; учинчи дунё мамлакатларининг камбағаллари худди шундай аҳволда яшайдилар. 1991 йилда ривожланаётган мамлакатларда ғоят оғир камбағаллик шароитида яшаётган кишилар сони 1200 миллион кишига етганлиги ҳисоблаб чиқилган — бу ер юзидаги аҳолининг деярли тўртдан бир қисмидир. Камбағалларнинг тахминан ярми Жанубий Осиёга тўғри келади. Учдан бир қисмига яқини Саҳрои Кабирнинг жануброғида — Африка мамлакатларида жойлашган. Ушбу минтақани амалда “ривожланаётган мамлакатлар” қаторига кўшиб, шундай термин билан атаб ҳам бўлмайди. Чунки 1981—1991 йиллар ичида у ерда реал даромад аҳоли жон бошига 25% қисқарди⁴.

Гарчи шаҳарларда ҳам миллион-миллион камбағаллар мавжуд бўлса-да, камбағалликнинг энг оғир шакллари, асосан, қишлоқ районлари учун характерлидир. Етарли даражада овқатланмаслик ва сифатсиз овқатланиш, таълим олишнинг йўлга қўйилмаганлиги, умр кўриш даражаси паст эканлиги ва аянчли яшаш шароитлари, булар бари қишлоқ жойларида ғоят ўткир бўлиб турган муаммолардир. Камбағалларнинг анчагина қисми деҳқончилик қилиш мумкин бўлган унумдор ерлар етишмайдиган районларда яшайди. Қишлоқ хўжалик меҳнатидаги ишлаб чиқариш унумдорлиги паст даражада, тез-тез қурғоқчилик ёки сув тошқинлари бўлиб, аёллар жуда кўп маданий, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларга шунчалик кўп дуч келадиларки, бундай қийинчиликларга учраш энг ночор яшаётган эркакларнинг ҳаёлига ҳам келмайди. Улар учун белгиланган иш куни одатдиган кўпроқ бўлиб, иш ҳақлари эса — агар улар, умуман, ишлайдиган бўлсалар — бошқаларнинг иш ҳақидан камроқ бўлади⁵.

Янги саноат мамлакатлари

Учинчи дунё мамлакатларидаги аҳвол бир хил эмас. Учинчи дунё мамлакатларининг кўпчилиги Ғарб мамлакатларидан ва Шарқий Европа давлатларидан анча орқада қолиб кетаётган бир вақтда уларнинг баъзилари саноатлаштириш жараёнини муваффақиятли равишда бошлаб юборишган. Баъзида уларни янги саноат мамлакатлари деб аташади. Жанубий Америкадаги Бразилия ва Мексика, Шарқий Осиёдаги Гонконг, Жанубий

⁴ Ekins P. A. New Worlds Order: Grassroots Movevents for Global Change. London, 1992.

⁵ World Bank: World Development Report 1990. Oxford, 1990.


Корея, Сингапур ва Тайван мана шундай мамлакатлар қаторига киритилади. Шунингдек, Қувайт ва Саудия Арабистони сингари Яқин Шарқдаги нефтга бой мамлакатларни ҳам шулар сафига қўшиш лозим. Мазкур гуруҳга кирувчи давлатларнинг баъзи бирлари ҳозирнинг ўзидаёқ нефть сотиб фойда кўриш натижасида аҳоли жон бошига ҳисобланадиган даромад даражасини анча юқори кўтариб олганлар. Улар ўз саноат базаларига эга бўлмасалар-да, лекин уни яратишга ҳаракат қилмоқдалар. 1990 йилларнинг бошларида “Осиёнинг тўртта аждари” деб ном олган мамлакатларнинг иқтисодий гуллаб-яшнаши барқарор тус олди. Улар фақат ўз мамлакатларида иқтисодиётни ривожлантирибгина қолмай, шу билан бирга, чет элларга ҳам ўз капиталларини жойлаштириб инвестиция қилмоқдалар. Чунончи, Жанубий Корея пўлат куйиш ва кемасозлик соҳаларида бугунги кунда етакчи ўрнини эгаллаб турибди, у электроника бўйича ҳам жаҳон бозорида ўзининг мустақкам ўрнини эгаллаб олган. Гонконгдаги ҳаммани қойил қолдирган иқтисодий мўъжиза, асосан, унинг 1997 йилда Хитойга қайтариб берилганидан кейин, мазкур колониянинг истиқболи ноаниқ бўлиб қолганлиги туфайли сўлиб бормоқда.

Янги саноат мамлакатларининг ичида энг йириги Бразилиядир: унинг иқтисодиёти жаҳондаги нокоммунистик мамлакатлар ичида саккизинчи ўринда туради. 1932 йилдан бошлаб то 1980 йилларнинг ўрталарига қадар ўтган давр ичида унинг ялпи миллий ўсиши 6,5% ни ташкил этди. Бундан ташқари, 1960 йилларнинг охири ва 1970 йиллардаги унинг иқтисодий ўсиш суръатлари энг тараққий этган саноат мамлакатларига, уларнинг ўсиш суръатларига қиёс қилинганда ҳам кишини ҳайратта соладиган даражада юқори бўлган. Мексикада ўша икки ўн йиллик мобайнидаги ўсиш суръатлари бир-бирига ўхшаш бўлаб, ўрта ҳисобда 8% дан сал камроқ бўлган. Бироқ, юқорида ҳам айтиб ўтилганидек, ҳар иккала мамлакат ҳам Фарб банкларидан фавқулудда кўп миқдорда қарздор бўлиб қолди ва бу қарзларни ҳатто узоқ келажакда тўлаб қутилиш учун ҳам уларнинг имкониятлари жуда кам. Янгидан яратилаётган моддий бойликларнинг катта қисми аҳолининг имтиёзли қатламлари томонидан эгалланиб, монополия қилиб олинмоқда ҳамда бу бойликлар шаҳар ва қишлоқлардаги камбағалларга етиб бормаётир.

Бой ва камбағал мамлакатлар ўртасидаги тафовутлар

Бугунги кунда бошқа мамлакатларга қараганда анча кўпроқ даражада бойиб кетган йигирмага яқин мамлакат мавжуд (Фарб мамлакатлари, Япония, Австралия ва Янги Зеландия). Ушбу лигадаги энг юқори ўринларни дунё бўйича энг кўп даражада ялпи миллий маҳсулот етиштиришга эришган Қўшма Штатлар, Канада, Швеция ва Швейцария эгаллаб турибди. Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) — бу жамиятда ҳар йили муайян

мамлакат бўйича ишлаб чиқарилаётган барча товарлар ва хизматлар қўшиб ҳисобланган қийматни ўз ичига олади. ЯММ мамлакатлар аҳолиси фаровонлик даражасига баҳо бериш учун қабул қилинган одатдаги кўрсаткич, ҳолбуки бу соҳадаги ахборотлар чекланган даражада бўлади. Жумладан, бу ўртача даражага келтирилган кўрсаткич бўлганлиги сабабли, у мамлакат ичидаги бойлар билан камбағаллар ўртасидаги фарқни ниқоблаб кетади. Яна бошқа бир гуруҳдаги мамлакатлар ҳам мавжуд бўлиб, уларда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯММ саноат мамлакатлари кўрсаткичларига яқин бўлади — булар Яқин Шарқдаги нефтга бой давлатлардир. Уларнинг позициялари нефтнинг жаҳон бозоридаги нархига қараб ўзгариб туради ҳамда ушбу мамлакатларнинг ички иқтисодиётида саноати нефт билан боғлиқ бўлмаган соҳалари Фарбдаги ва Японияга қараганда анча кам ривожланган. Россия ва Шарқий Европа мамлакатлари (иккинчи дунё мамлакатлари деб аталадиган давлатлар) Японияга ва Фарб мамлакатларига қараганда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯММ паст кўрсаткичларига эгадир. Ҳолбуки, Шарқ блокига кирган мамлакатлар ўртасида анча сезиларли фарқлар мавжуд. Ер юзидаги энг камбағал мамлакатлар, асосан, Осиё ва Африкада жойлашган.



17-расм. Саноат мамлакатлари билан учинчи дунё мамлакатларининг 1950 йилдан буёнги ривожланишидаги тафовутлар.

Манба: *Andrew Reed. The Developing World. London, Bell and Human. 1987. P. 16*

Агар қирқта бой мамлакат билан ўшанча энг камбағал мамлакатларни олиб, уларни бир-бирига қиёс қилинадиган бўлса (ҳар бир гуруҳ ер юзидаги бутун аҳолининг чорак қисмидан

иборат), у ҳолда иккинчи гуруҳ биринчи гуруҳдаги ЯММнинг фақат беш фоизга яқин қисмини ишлаб чиқариши маълум бўлиб қолади. Бошқача қилиб айтганда, бой мамлакатларнинг аҳолиси камбағал миллатлар аҳолиси ўртасида тақсимланиши мумкин бўлган “пирог”га қараганда 20 марта каттароқ бўлган “пирог”га эга бўлар экан. Ҳозирги вақтда ушбу тафовут қисқармасдан, балки яна ҳам ортиб кетмоқда. Бой мамлакатлар билан камбағал мамлакатлар ўртасидаги тафовутлар 2000 йилга келиб яна 300 фоиз ошиши ҳисоблаб чиқилган⁶. Жаҳон иқтисодиётида учинчи дунё мамлакатларининг ўрни беқарор бўлиб, бунга асосан уларнинг товар маҳсулотлари ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлиб қолганликларидир. Шундай мамлакатлар ҳам борки, улардаги иқтисодий тизимнинг асосини бир ёки икки хил қишлоқ хўжалик экинини етиштириш ташкил этади. Уларнинг кўпчилик турларини (масалан, кофе ва какао) етиштириш кўп жиҳатдан ҳар йилги иқлим шароитларининг ўзгаришига боғлиқ бўлади. Жаҳон бозорида бундай маҳсулотларнинг нархи саноат товарларининг нархига қараганда анча кучли даражада ўзгариб туради. Ушбу муаммо яна шунинг учун ҳам кескинлашиб кетмоқдаки, бу хилдаги мамлакатлар иқтисодиёти бой мамлакатларнинг иқтисодиётига қараганда кўпроқ даражада ташқи савдога боғлиқ бўлади⁷.

Биринчи дунё билан учинчи дунё ўртасидаги ўзаро алоқалар

“Учинчи дунё” тушунчаси (француз демографи Альфред Сюн томонидан таклиф этилган атама) ривожланаётган мамлакатларни ифодалаш учун ҳамма қабул қилган тушунча бўлиб қолди. Лекин айрим жиҳатлар бўйича бу унчалик қаноатланарли атама эмас. Муайян жамиятларни саноатлашган мамлакатлардан мутлақо ажратиб қўйди. Ундан ўзича яшайдиган алоҳида бир дунё деган маъно чиқиб қолаётгандай туюлади. Бироқ, аслида мутлақо ундай эмас: учинчи дунё мамлакатлари аллақачонлардан буён саноати ривожланган ва бошқа ўз атрофларидаги мамлакатлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Юқорида айтиб ўтилганидек, ушбу мамлакатлар мустамлакачилик ва савдо муносабатларининг кучли таъсири остида шаклланган. Бу хилдаги савдо муносабатлари дастлаб Фарб давлатларининг ўзида жорий этилган муносабатлар эди. Ўз навбатида Фарб давлатлари ер юзидаги бошқа минтақалар билан ўрнатган алоқалар у давлатларнинг ўз тараққиётига ҳам кучли даражада таъсир кўрсатади. Бунинг мисоли сифатида шундай бир фактни кўрсатиш мумкинки, Кўшма Штатларда ва Бразилияда қора танли аҳоли кўпчиликини ташкил этадиган бўлиб қолганлиги мустамлакачилар шуғулланган “одам савдоси”нинг натижаси ҳисобланади.

⁶ Kubalkova V. and A. Cruickshank. International Inequality. London, 1981.

⁷ Goldthorpe J. The Sociology of the Third World: Disparity and Development. Cambridge, 1984.

12-жадвал. Ўн мамлакатдаги турмуш даражаси — сифатни тавсифловчи айрим статистик кўрсаткичлар

Мамлакатлар	Аҳоли жон бошига ЯММ (1982, АҚШ\$)	Ҳар кунни бир кишига тўғри келадиган калория миқдори	Ўртача умр узувлиги (ёш)	Чақалоқлар ўлими даражаси (ҳар 1000 чақалоқ ҳисобидан)
Бангладеш	140	1877	40	132
Боливия	570	2086	50	124
Гаити	300	1881	52	108
Миср	690	2950	56	97
Заир	190	2133	47	107
Ҳиндистон	260	1998	50	118
Индонезия	580	2296	49	87
АҚШ	13160	3652	74	12
Франция	11680	3381	74	10
Эфиопия	140	1729	40	143

Манба: Joseph Weatherby et al. The Other World: Issues and Politics in the Third World. New York: Macmillan, 1986. P. 43

Ҳозирги вақтда глобаллаштириш жараёни тезлашиб кетганлиги натижасида биринчи дунё билан учинчи дунё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тобора мураккаблашиб кетмоқда. Ғарб саноатида фойдаланиладиган кўпгина хомашё ресурслари учинчи дунёдан импорт қилинади. Худди ана шу мамлакатдан саноатлашган мамлакатларга мунтазам равишда катта ҳажмда озиқ-овқат маҳсулотлари (товарга айлантирилган қишлоқ хўжалик экинлари олиб келинади). Ниҳоят, Ғарб компанияларида учинчи дунё саноат моллари ишлаб чиқариш шиддат билан ўсиб кўпайиб бормоқда. Мана шу тамойилларнинг барчаси қуйида кўриб чиқилади.

Озиқ-овқат ишлаб чиқариш ва дунёдаги очлик муаммоси

Ер юзида озиқ-овқат маҳсулотларининг қандай тақсимланганлиги бой ва камбағал мамлакатлар ўртасидаги умумий нотенгликни акс эттиради. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ҳисоб-китоблари бўйича учинчи дунё мамлакатларида яшайдиган ҳали беш ёшга етмаган ўн миллион бола амалда оч қолаётган экан. Ҳар йили ўн миллиондан ортиқ болалар чақалоқлигида ёки илк болалик ёшида турли касалликлар сабабли ўлиб кетмоқда. Бунинг бош сабаби ё ўзлари оч қолаётганлиги, ёхуд уларнинг оналари оч қолаётганлигидир. Шунингдек, 700 миллионга яқин катта ёшли кишилар ҳаётида тўйиб овқат емайдилар⁸.

⁸ Benett J. and S. George. The Hunger Machine. Cambridge, 1987.

Айни бир вақтда ер юзидаги озиқ-овқат захиралари муттасил равишда кўпайиб бормоқда. Бу аҳолининг ўсиши юқори бўлиб, озиқ-овқат захиралари уларни қоплаш учун етарли бўлмайди, деб бундан бир неча йил олдин айтилган ташвишли фикрлар нотўғри бўлиб чиққанлигини кўрсатмоқда. Сўнгги йилларда бутун дунёдаги галла-бошоқли дон экинларидан олинган ўртacha ҳосил 1300 миллион тоннага яқин бўлди. Бу эса беш миллиард кишини боқиб учун етарлидир.

Лекин озиқ-овқат маҳсулотларининг янги ўсиши амалда саноатлашган мамлакатларга тўғри келади. Шимолий Америка озиқ-овқат маҳсулотларини энг кўп экспорт қиладиган минтақа ҳисобланади. Иккинчи жаҳон урушидан олдин бу ишни у Жанубий Америка билан қилар эди. Ушанда донли экинлар ва чорва маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича Аргентина айниқса, ажралиб турар эди. Ушандан буён, Жанубий Америка аҳолиси кўпайиб кетди, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳеч қандай ислоҳот ва модернизация тадбирлари ўтказилмаганлиги сабабли минтақадаги ортиқча озиқ-овқат еб битирилди ва бугунги кунга келиб Жанубий Америка озиқ-овқатга бўлган ўз эҳтиёжларини ҳам қондиришга қодир бўлмай қолди. Аксинча, Шимолий Америка ва Европа анчагина қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ортиқча захирасига эга. Ҳар иккала қитъада ҳам ҳукуматлар фермерларга улар ўз экин майдонларининг бир қисмига экин экмасликларини сўраб, фермерларга мунтазам равишда экин экилмаган майдонлар учун ҳақ тўлаб келмоқда; омборларда шунчалик кўп озиқ-овқат маҳсулотлари тўпланиб қолганки, уларни сотиб олиш учун жаҳон бозорида харидор топилмаётир.

1954 йилда қабул қилинган қонунда Қўшма Штатлар сиёсати «ортиқча озиқ-овқатларни очликка ва тўйиб овқат емасликка қарши курашиш учун фойдаланилади ҳамда ривожланиётган мамлакатларнинг иқтисодий тараққиётини рағбатлантиришга қаратилган бўлиши» расман баён этилган эди. Бунинг учун бевосита озиқ-овқат билан ёрдам бериш ҳамда озиқ-овқатларни арзон нарҳда сотиш йўли билан ёрдамлашиш назарда тутилган эди. Ушбу дастур бўйича кўрсатиладиган ёрдам миқёслари ўзгариб кетди, лекин кўрсатилган ёрдам ҳар доим тўпланиб қолган ортиқча озиқ-овқат маҳсулотларининг жуда оз қисмини ташкил этди. Бунинг устига, озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш ва тақсимлаш ишига сиёсий сабаблар ҳам кучли таъсир кўрсатди. 1970 йилларнинг ўрталарида Америка кўрсатадиган озиқ-овқат ёрдамининг ярмига яқин қисми фақат икки мамлакатга: Жанубий Вьетнамга ва Камбоджага юборилди. Айни бир вақтда, Қўшма Штатлар Чилининг илтимосини рад этди, чунки бу ерда ҳокимият тепасида Сальвадор Альенде бошлиқ социалистлар ҳукумати турар эди. Шу сабабли уларнинг кредитга озиқ-овқат сотиб олиш тўғрисидаги илтимосига рад жавоби берилди. Эҳтимол, мана шу рад жавоби Альенде ҳукуматининг инқирозга учраб, тор-мор бўлишига ёрдам берган бўли-

ши мумкин. Ўша кезларда Қўшма Штатлар худди шунга эришмоқчи бўлган эди.

Совет Иттифоқи жаҳон бозорига озиқ-овқат етказиб бериш ишига ҳисса қўшадиган аҳволда эмас эди. Унинг қишлоқ хўжалиги Фарб мамлакатларининг қишлоқ хўжалиги тараққиётидан анча орқада, самарасиз аҳволда эди. Амалда СССРнинг ўзи қисман Қўшма Штатлардан экспорт қилинадиган ғаллага муҳтож эди. 1960 йилларнинг бошида Совет Иттифоқи яширин равишда Америкадан буғдой сотиб ола бошлади ва учинчи дунё мамлакатларидаги турли агентликлар орқали 28 миллион тоннага яқин дон сотиб олди. Ушбу усул Совет Иттифоқига ғаллани бозор баҳосидан анча арзон нархларда сотиб олиш имкони берди. Бунинг учун у Қўшма Штатлар ҳукуматининг унга аталмаган субсидияларидан фойдаланди. Шундай йўл билан Совет Иттифоқи арзонлаштирилган нархларда дон сотиб олиш оқибатида бошқа қолган минтақаларга экспорт қилинадиган озиқ-овқат ҳажми анча миқдорда қисқариб кетди.

Очлик

Учинчи дунё мамлакатларида озиқ-овқатлар ҳалокатли даражада етишмайдиган вазият бой давлатлар томонидан назарписанд қилинмаслиги, асосан, очлик табиатининг ўзгарганлиги билан ҳам қисман боғлиқдир. Одатда очлик — бу вақтинчалик, ўтиб кетадиган ҳолат, у муайян ҳудудларга тааллуқли бўлиб, ўзига хос вазиятлар натижасида вужудга келади, деб қаралган. Масалан, XIX асрда Ирландияда бошланган очлик шундай вазиятда, яъни картошка ҳосили бўлмаганлиги сабабли юз берган эди. Бу хилдаги очлик ҳозир ҳам учраб туради (масалан, 1985 ва 1986 йилларда Угандада юз берган очлик), лекин ҳозирги даҳшатли очлик бошқача — ҳозир озиқ-овқат маҳсулотларининг муттасил равишда етишмаётганлиги дунёнинг бутун камбағаллашиб кетган қисмидаги энг ўткир умумий муаммога айланиб қолди ва буни энди фақат айрим вилоятлар ва даврлар билангина чекланган очлик, деб бўлмайди.

Бугунги кунда тўйиб овқат емаслик ва очлик азоби кенг миқёсда юз бераётган жой — Африкадир. Африкадаги кўпчилик мамлакатлар озиқ-овқатни импорт қилиб ташқаридан олиб келдилар. Лекин улар ана шу мақсадлар учун ишлатиши мумкин бўлган миллий даромад ҳиссаси доимо қисқариб бормоқда. Ҳаёт шароитининг ёмонлашуви тобора зўрайиб кетмоқда. Чунки ушбу мамлакатларда аҳоли сони ўсиб бормоқда ва бунинг устига озиқ-овқат ишлаб чиқариши даражасини юксалтириш учун зарур бўлган минерал ўғитлар, пестицидлар ва қишлоқ хўжалик техникаси сотиб олиш учун уларда пул йўқ. Юз берган вазият урушлар, сиёсий тўнтаришлар ва одатдан ташқари чўзилиб кетаётган қурғоқчиликлар туфайли яна ҳам оғирлашиб кетмоқда. Аҳолининг учдан икки қисми қишлоқ хўжалиги билан машғул бўлган мамлакатлар ҳозир ўзларига зарур бўлган озиқ-овқат-

нинг қарийб 10 фоизини импорт йўли билан, ташқаридан олиб келишга мажбур бўлмоқдалар.

Бой мамлакатлар ҳозиргига қараганда анча кўпроқ миқдорда озиқ-овқат ёрдами кўрсатиб сахийлик қилган тақдирда ҳам ҳозирги мавжуд бўлган оғир бу муаммони ҳал қила олмаган бўлур эди. Камбағал мамлакатларга ёрдам кўрсатиш билан уларнинг аҳолини яхшилаб бўлмайди ва улардаги қишлоқ хўжалигини яна ҳам самаралироқ қила олмайди, аксинча, бундай иш акс натижаларга олиб келишга ҳам мойил бўлади. Африканинг баъзи бир вилоятларига буғдой ва гуруч импорт қилиниши маҳаллий аҳолининг овқатланиш структураси ва дидларини ўзгартириб юборди. Тропик районларда бундай маҳсулотларни экиб етиштириш жуда қимматга тушади. Ушбу маҳсулотларни четдан олиб келишга пул сарф этилади-ю, лекин маҳаллий қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун ишлатилмайди. Шунга ўхшаган оқибатларни кўрган кўпчилик кишилар иқтисодий ёрдам фақат экстремал вазиятларда, яъни шошилинч ёрдам кўрсатиш зарур бўлиб қолган ҳолатлардагина берилиши зарур, деган хулосага келдилар. Албатта, эҳтиёжманд мамлакатларга ёрдам ҳақиқатан ҳам бериладиган бўлса, уларга кенг миқёсда ишлаб чиқариш воситалари етказиб бериш керак (масалан, уларга қишлоқ хўжалик машиналари ҳамда ўша машиналарга хизмат кўрсатиш учун ва уларни таъмирлаб туриш учун зарур бўлган ускуналарни етказиш лозим). Шундай воситалар ёрдамида уларни маҳаллий қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига жорий этиб, анча самарали усулларни қўллаб маҳсулот етиштиришни кўпайтириш мумкин бўлур эди.⁹

Аммо бу ерда ҳам туб аҳамиятга молик бўлган муаммоларга дуч келинади. Учинчи дунё мамлакатларига бериладиган гарб ёрдами ва ўша камбағал мамлакатларни ривожлантириш муаммоларини илмий асосда жиддий ўрганиб тадқиқ этиш шуни кўрсатдики, саноат давлатлардан камбағал мамлакатларга келиб тушадиган ёрдам пуллари, кўпинча, ва ҳатто қоида тарзида у пуллар ўзи мўлжалланган ишларга сарф қилинмай, балки ундан узоқда бўлган, бутунлай бошқа мақсадларга ишлатилар экан. Бу пуллар ҳарбийлар, айрим амалдор, нуфузли шахслар ва гуруҳлар қўлига келиб тушар ёки бюрократик тизимлар ичида йўқолар, кейин эса ўзаро тақсимлаб олиниб, ҳаддан ташқари маъсулиятсизлик билан сарф қилинар экан. Мана шу сингари вазиятларни ҳисобга олиб фикр қилинадиган бўлса, ҳар хил ёрдам кўрсатиш дастурлари камбағаллар ва оч қолаётган кишилар учун ҳақиқий ҳалокатга айланиб кетиши таажжубланарли ҳол эмас. Тадқиқот муаллифи қуйидагича хулоса чиқаради:

«Дарё соҳилларига етгач тутаб, узилиб қоладиган йўллар, кейин эса худди ҳеч нарса бўлмагандек дарёнинг нариги соҳилида давом этаверади, электр

⁹ *Brandt Commission. Common Crisis North-South: Cooperation for World Recovery.* Cambridge, 1983. P. 123—133.

чироқлари олиб келинмаган жойдаги силос миноралари, аллақайси бир тўнканинг тагига — ҳеч ким ҳеч қачон фойдалана олмайдиган бир жойга тушириб қўйилган гоёт мураккаб асбоб-ускуналар, бир килограмми 4000 доллар турадиган балиқларни кўпайтириш учун мўлжалланган аква-маҳсулот ишлаб чиқариш лойиҳалари, бир йилда 400 доллар ҳам топмайдиган Африка деҳқонлари учун аталган мана шунақа қиммат балиқ етиштириш лойиҳалари, минг-минглаб кишиларни ер-сувдан, уй-жойдан ва бошқа мол-мулкдан маҳрум қиладиган ҳамда охир-оқибат ўлим билан тугайдиган оғир касалликлар тарқалишига сабабчи бўладиган дамба-тўғонлар, ундаги сувдан юқадиган юкумли касалликлар, одамларни илгари яшаган уйларида кўчириш мўлжалланган ва уларни илгарига қараганда яна ҳам камбағаллаштириб қўядиган мигрантларни кўчириш схемалари атроф-муҳитни бузади ва бутун-бутун қабилаларни йўқ қилади — булар бари «ривожланиш» деб аталадиган расвогарчиликнинг истисно тарзидаги зарарлари эмас, балки ундан ҳам каттароқ офатлар бўлиб, унинг отини жуда фойдали қоида дейдилар. Ҳа, бундай халққа, аҳолига зарар келтирадиган ишлар шундай қоида тусини олган.»¹⁰

Ривожланаётган мамлакатларга кўрсатиладиган нисбатан ортодоксал ёрдам стратегияси иллюзиясининг йўқотилиши шунга олиб келадики, ҳозир кўпчилик кишилар энг оддий негиз-асосларни ривожлантиришга интиломқда. Бундай интилишнинг мақсади камбағал кишиларни жуда бўлмаса минимал даражада озиқ-овқат, микробсиз ва захарсиз ичимлик суви билан таъминлаш, улар шунчаки яшамасдан, балки ўзлари учун яхшироқ ҳаётни вужудга келтиришида фаол иштирок этишларига имконият яратиш учун уларга бошпана бериш ва ўқитиб таълим-тарбия беришдан иборат. Бироқ, бундай лойиҳалар одатда кичик миқёсдаги лойиҳа бўлиб, маҳаллий ресурслардан максимал фойдаланиш ва паст даражадаги технологияларни ишга солишга мўлжалланган бўлади. Чунки бундан мураккаброқ лойиҳалар зарар келтириши ҳам мумкин¹¹.

Агробизнес

Учинчи дунё мамлакатлари аҳолисининг бир қисми оч қолаётганига қарамасдан, ушбу мамлакатлар Фарб учун озиқ-овқат етказиб берадиган муҳим манба бўлиб қолмоқдалар. Ушбу жараёнда озиқ-овқат етказиб берувчи ёки ўзларини агробизнес корхоналари деб атаётган Фарб компаниялари ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. *Агробизнес* термини бизнеснинг Гарвард мактаби вакили бўлган Рэй Гольдберг томонидан истеъмолга киритилган бўлиб, у озиқ-овқат ишлаб чиқариш ҳам алоҳида *саноат* бўлиб қолганлиги, унификация қилинган ишлов бериш, ташиш ва сақлаш ишларини ўз ичига олувчи механизациялаштирилган ишлаб чиқариш вазияти эканлигини таъкидлаб ўтмоқчи бўлган. Миллионлаб кишилар, айниқса, саноатлашган мамлакатларда яшовчи кўп одамлар алақачон ўзлари истеъмол қиладиган озиқ-овқатни ўзлари бевосита ишлаб чиқармай қўйишган. Улар ис-

¹⁰ Hancock G. Lords of Poverty. London, 1989.

¹¹ Ekins P. A. New World Order Grassroots Movements for Global Change. London, 1992.

теъмол қиладиган озиқ-овқатлар, шу жумладан, ҳар хил қишлоқ хўжалик экинлари, туз ва бошқа овқат компонентлари учинчи дунёдан импорт қилиб олиб келинадиган маҳсулотлардир. Бу маҳсулотлар гарчи дон-дун ва гўшт-ёғ сингари «асосий» маҳсулотлар бўлмаса-да, лекин улар фарбликлар истеъмол қиладиган парҳез таомларнинг муҳим таркибий қисмини ташкил этади (кофе, чой ва қанд-шакар шулар жумласидандир).

Учинчи дунё мамлакатларида фаолият кўрсатаётган кўпгина йирик агрофирмалар колониал ҳукуматлар таъсис этган концессион компанияларнинг фирмаларидир. Масалан, Африкада чет эл компаниялари томонидан сотиб олинган плантацияларнинг бири XIX асрда Уильям Хескет Левер асос солган плантация эди. Левер «Левер Бразерс» фирмасининг ташкилотчиси бўлган. Ушбу фирма кейинчалик «Юнилевер» деб ном олган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган жаҳондаги энг йирик компанияга айланди. Унинг Африкадаги дастлабки фаолияти шимоли-ғарбий Англиядаги фирманинг совун заводларига пальма ёғи етказиб берилишини назорат қилиб туриш билан боғлиқ эди.

Бунга бошқа мисоллар сифатида яна «Файрстоун Раббер Компани» ва «Брук Бонд Ти Компани» компанияларини кўрсатиш мумкин. Уларнинг биринчиси 1926 йилда Либерия ҳукуматидан миллион акр ер сотиб олган ва у ерда жуда катта каучук плантациясига асос солган эди. Либерия иқтисодининг ресурслари фавқулудда жуда ҳам камлиги сабабли мамлакат мана шу компанияга шу даражада қарам бўлиб қолдики, ҳатто баъзан Либерияни «Файрстоун Республикаси» деб атайдиган бўлдилар¹². «Брук Бонд» 1920 йилларда Африкада биринчи чой плантациясига асос солди, кейинчалик Ҳиндистон, Покистон ва Цейлон (ҳозирги Шри-Ланка)да ҳам плантациялар ташкил этди.

Жаҳон бўйича экспорт қилинадиган экинларни ишлаб чиқарадиган айрим секторлар бугунги кунда кам сонли йирик агробизнес компаниялари томонидан назорат қилиб турилади. Учта корпорация («Жилл энд Даффас», «Кэдбери-Швепс» ва «Нестле») жаҳон бўйича какао савдосининг 60%дан 80%гача бўлган қисмини ўз қўлларида ушлаб турибди. Ғарбий Европа ва Америка бозорларига етказиб бериладиган чойнинг 90%и бешта Европа ва учта Америка компаниялари томонидан назорат қилинади. Маргарин ва истеъмол ёғи жаҳон савдосининг учдан бир қисми битта фирма («Юнилевер») қўлидадир. Бундай экин ва маҳсулотлар баҳоси маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан анча узоқ ерларга жойлашган Нью-Йорк ва Лондоннинг фонд биржаларида белгиланади.

Агробизнес корхоналарига солинадиган солиқлар учинчи дунё ҳукуматлари учун валюта манбаи ҳисобланади. Бундан ташқари, ушбу корпорациялар одамларни иш билан таъмин-

¹² *Dinham D. and Colin Hines. Agrobusiness in Africa. London, 1983.*

лайдилар ҳамда ўз ишчиларига маҳаллий саноат корхоналарига қараганда анча кўпроқ ҳақ тўлайдилар. Лекин барибир улар фаолиятининг умумий самараси шу мамлакат эгаси бўлган ҳукумат учун, асосан, фойдадан кўра зарарлироқ бўлиб чиқади. Гарчи агробизнес корхоналари умуман олганда юқори даражада рентабелли корхоналар бўлса ҳам, лекин уларнинг маҳсулоти, асосан, саноатлашган мамлакатлар эҳтиёжини қондириш учун кетади. Ишчи кучларининг асосий қисми агробизнес корхоналарида банд бўлиб қолганлиги сабабли, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг маҳаллий, анъанавий турлари оғир аҳволга тушиб қолади. Бундай ҳолатда маҳаллий аҳоли бутунлай ҳорижий корпорацияларга қарам бўлиб қолади, улар эса ўзлари истаган вақтда ўз инвестицияларини бошқа жойга кўчиришга қарор қилиб қолишлари ҳам мумкин. Агробизнес корхоналари билан боғлиқ бўлган маҳаллий зодагонлар одатдагидек, бойиб бораверадилар, улар билан деҳқонлар ўртасидаги тафовутлар катталашиб кетаверади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва атроф-муҳит экологияси

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг баъзи бир замонавий шакллари, айниқса, унинг агробизнес билан боғлиқ бўлган турлари атроф-муҳитга фавқулодда зарарли таъсир кўрсатади. Агрономия юксак даражадаги технологиядан фойдаланиб қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини у неча минг йиллардан бери таяниб турган табиий асосдан маҳрум қилмоқда. Кимёвий ўғитлар, пестицидлардан фойдаланиш, ўсимлик ва ҳайвонларнинг янги-янги турларини етиштириш фан ва саноат мантиқига мувофиқ амалга оширилмоқда. Фақат бунда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ва янгилиниши унинг табиий шаклларида анча узоқлашган ҳолда амалга оширилмоқда. Озиқ-овқат ишлаб чиқаришнинг ҳозирги замон тизими ўзининг ғоят самарадорлигига қарамай, глобал экосистема негизларига зарар етказмоқда. Бундан ташқари, улар яна бевосита салбий оқибатларга ҳам олиб келмоқда¹³.

Ҳатто Қўшма Штатлар сингари ривожланган мамлакатда ҳам 1980 йилларда тупроқ эрозиясидан кўрилган зарар 6 миллиард долларга яқин бўлганлиги ҳисоблаб чиқилган. Фарб давлатлари учун типик бўлган қишлоқ хўжалигининг интенсив равишда ташкил этилган ишлаб чиқариш ҳам бир қатор муаммоларни келтириб чиқарди: чиқиндиларнинг жойлаштирилиши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ҳамда ҳар хил касалликлар тарқалиб кетмаслиги учун назорат ўрнатиш ана шундай муаммолар жумласига киради.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги ҳозирги замон амалиётининг навбатдаги аспекти қишлоқ жойларда ердан фойда-

¹³ Goodman D., *Redclift M Refashioning Nature: Food, Ecology and Culture*. London, 1991.

ланиш ва ерга эгалик қилишнинг анъанавий турлари бузилиб кетганлиги бўлди. Ҳўмонларнинг кесилиб ташланиши, ерларнинг қуритилиши ва текисланиши — буларнинг ҳаммаси ана шундай ўзгаришларга сабабчи бўлди. Шуларнинг оқибатида, келтирилган бошқа зарарлардан ташқари тупроқ сифатининг пасайиб кетганлиги бўлди. Европа ҳамжамиятига кирувчи мамлакатларда 1980 йилларда қишлоқ хўжалиги билан шуғулланишга яроқли бўлган ерлар ҳажми 10%га қисқарди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ўстиришдан қисқа муддатли фойда кўриш мақсадида иқтисодий тадбирлар ўтказиш саноат давлатларига қараганда ривожланаётган мамлакатларда анча қийин кечади. Урта ғарб мамлакатларида, Қўшма Штатларда жойлашган маккажўхоризорларда биринчи марта ишлаб чиқилган, «яшил революция» деган ном олган, янгича қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши усуллариининг учинчи дунё мамлакатларида қўлланиши меҳнат унумдорлиги жиҳатидан сезиларли фойда келтирди. Бироқ, ушбу янгича усулларнинг бир қисми ҳар қанча фойда келтирган бўлмасин, лекин яшил табиатга нисбатан, атроф-муҳитга нисбатан аксинча, ёмон оқибатларни келтириб чиқарди.

Ривожланаётган мамлакатлар аҳолисининг энг камбағал қатламлари ғоят қарама-қарши, зиддиятли вазиятларда қолмоқдалар. Қишлоқ хўжалигида иш юритишнинг анъанавий усуллари, услублари амалда ҳар доим маҳаллий шароитларни ҳисобга олар ва атроф-муҳитга зарарли таъсир ўтказмас эди. Бунинг учун ерлар мунтазам равишда янгиланиб туриши таъминланар, ерларнинг унумдорлигини ошириш учун барча табиий имкониятлар ишга солинар ва бу тадбирлар атроф-муҳитга зарар етказмасди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳозирги замон тизимлари маҳсулот етиштиришни кескин даражада кўпайтириш имконини беради-ю, лекин булар ерни чарчатиб, унумсиз ҳолга келтириб қўйиш ҳисобига ёки илгари одамлар томонидан назорат қилиб турилган ресурсларни ҳам ишга солиб юбориш ҳисобига амалга оширилади.

Назарий истиқболлар

Саноатлашган мамлакатлардаги фаровонлик даражаси билан учинчи дунёга мансуб мамлакатларнинг турмуш тарзи ўртасидаги мавжуд тафовутларни қандай қилиб тушунтириб бериш мумкин? Сўнгги асрлар мобайнида вужудга келган яққол кўзга ташланиб турувчи глобал нотенглик сабабларини тушунишга ҳаракат қилиш мобайнида учта назарий ёндошув: империалистик, қарамлик назарияси ва жаҳон тизими назарияси ёндошувлари ишлаб чиқилган эди.

Империалистик назария

Империалистик назария биринчи марта инглиз тарихчиси Ж.Э.Гобсон томонидан таклиф этилган ҳамда Маркс ғояларининг таъсирида бўлган совет доҳийси Ленин томонидан қўллаб-қувватланган эди. Гобсоннинг асари 1900 йилларнинг бошида, ғарб мамлакатлари ўртасида «Африка учун кураш» даврида бо-силиб чиққан эди. Гобсоннинг нуқтаи назари бўйича, колониализм инвестициялар учун янги-янги бозорлар қидириб топишга бўлган уринишларнинг оқибати ҳисобланади, чунки ғарб ишлаб чиқаришининг имкониятлари уларнинг ўз бозорларида реализация қилишдан кўра кўпроқ фойдали имкониятларни кўрдилар. Унинг назариясига мувофиқ, аҳолининг кўпчилиги қисми ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг нисбатан кичик бир қисминигина сотиб олиш имкониятига эга. Шунинг учун ҳар доим янги-янги бозорлар қидириб топиш ва уларда ўз молини сотиш учун ўткир эҳтиёж мавжуд бўлади ҳамда дунёнинг бошқа қисмларида арзон хомашё ва ишчи кучи қидириб топиш йўли билан ишлаб чиқаришни арзонлаштириш усуллари изланади. *Империализм* термини, Гобсоннинг изоҳлаб, тушунтириши бўйича, бошқа халқларнинг ерларини босиб олиш ва уларнинг ўзини қул қилишга интилиш деган маънони англатади¹⁴. Бунинг эркин кўринишларидан бири экспансиядан ташқари йўналишга қаратилган колониализм эди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган жараён ҳам Ғарб давлатларининг иқтисодий ривожланишига ёрдам берди, ҳам қолган дунёнинг кўп қисмидаги аҳолининг қашшоқлашиб кетишига олиб келди. Чунки бунда саноатлашмаган минтақалардан барча ресурслар сўриб олинди. ғарбнинг бойлиги билан учинчи дунё камбағаллиги ўртасидаги тобора ортиб бораётган тафовутлар айна мана шу жараёндан бошланган эди. Ленин ушбу жараёнларда йирик корпорациялар етакчи роль ўйнайди, деб ҳисоблар эди. Ҳолбуки, бунда ўша камбағал мамлакатларнинг ҳукуматлари ҳам ушбу жараённи қўллаб-қувватлаб турар эди. Айна мана шу корпорациялар саноатлашмаган минтақалардаги эксплуатация характери билан белгилаб берар эди. Улар энг камбағал мамлакатлар билан ўзлари учун фавқулудда фойдали бўлган шартлар ифодаланган савдо муносабатлари ўрнатар эдилар.

Неоимпериализм

Ленин ва Гобсон ғояларидан фойдаланиб майдонга чиққан энг сўнгги муаллифлар неоимпериализм назариясини яратдилар. Уларни Гобсон ва Ленин таҳлил этган давр эмас, балки кўпроқ ҳозирги замон жамияти қизиқтиради. Британия империясига ўхшаш эски колониал империялар бутунлай ёки деярли йўқолиб кетди, амалда илгариги барча колониал минтақа-

¹⁴ *Hobson John. Imperialism: a study. University of Michigan Press, 1965.*

лар эндиликда ўз мустақил бошқарувига эга бўлган мамлакатларга айланди. Бироқ, ушбу назарияда таъкидланишича саноатлашган давлатлар қолган дунёнинг устидан ўз назоратларини ҳамон сақлаб турибдилар. Бунга улар ўзларининг жаҳон бозоридаги етакчиликлари туфайли, глобал масштабда фаолият кўрсатётган йирик корпорацияларнинг таъсири туфайли эришмоқдалар. Фарб мамлакатлари ўзларининг бундай имтиёзли имкониятларини жуда узоқ сақлаб қолишга қодир бўлиб, жаҳон бозоридаги нарх-наволар устидан ўзлари назорат ўрнатишларини таъминлаб турадилар.

Қарамлик назарияси

Қарамлик назарияси деб аталадиган бошқа бир ёндошув империализм назарияси билан боғлиқдир. У биринчи марта Жанубий Америкада юз берган вазиятнинг таҳлил этилиши натижасида шакллантирилган эди¹⁵. Қарамлик назариясига мувофиқ жаҳон ҳамжамияти нотекис ривожланган, бунинг натижасида саноатлашган дунёнинг ядроси (Қўшма Штатлар, Европа ва Япония) етакчи роль ўйнай бошлади, учинчи дунё мамлакатлари эса ушбу ядрога *қарамлик* ҳолатига тушиб қолганлар. Ушбу қарамликнинг сабаблари ва табиати конкрет бир мамлакатни колонизациялаштириш жараёни қандай босқичда эканлиги ва уни ким ўтказганлиги билан белгиланади. Қарамлик одатда учинчи дунё мамлакатлари иқтисоди ривожланган мамлакатлар учун товар маҳсулотлари ишлаб чиқаришга асосланганлиги билан ифода этилади.

Масалан, Бразилия кофе ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилувчи энг йирик мамлакат бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Яна шунга ўхшаш товар маҳсулотлари сифатида каучук ва бананларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин (Жанубий Америка билан Шимолий Америка ўртасига чегара қўймоқчи бўлган кишилар Шимол гуллаб-яшнаётганлигини таъкидлаш мақсадида Жанубий Американинг беқарор минтақаларида кўплаб банан етиштирилишини назарда тутиб, уни *банан республикалари* деган масхаромуз ном билан атай бошлаганлар). Қишлоқ хўжалиги ишларининг фақат анъанавий методлар билан олиб борилганлиги, шунингдек, экспорт учун етиштириладиган экинлар экилганлиги — товар маҳсулотлари нуқул экспорт қилинганлиги Жанубий Америка мамлакатларида замонавий саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришга ҳалал бериб келди. Улар Европа ва Шимолий Американинг саноатлашган давлатларидан тобора кўпроқ орқада қолиб кетаётганликларига қараб, бу мамлакатлар ўзларига етиштириб бериладиган саноат товарларига боғлиқ бўлиб, уларга қарамлик ҳолатига тушиб қолмоқдалар, ушбу мамлакатларда стагнация бошланмоқда.

¹⁵ Furlado C. the Economic Growth of Brasil: a survey from colonial to modern times. Westport, 1984.

Иқтисодчи Андре Гандер Франк учинчи дунё мамлакатлари эволюциясини таърифлаб, уларга нисбатан «Чала ривожланганларни ривожлантириш» деган иборани қўллаган. Унинг назарида ушбу мамлакатлар саноат мамлакатларига нисбатан бўйсунувчи ҳолатда бўлганликлари учунгина, айти шунинг натижасида қашшоқлашиб қолишган. Саноатлашган мамлакатлар ўзларининг мустамлакачилик ва неоимпериалистик сиёсатлари туфайли вужудга келтирилган учинчи дунё ҳисобига бойиб кетдилар. Франкнинг таърифича «ривожланиш ва чала ривожланиш — бу битта медалнинг икки томонидир»¹⁶. Бой мамлакатлар *марказий метрополияни* ташкил этадилар, унинг атрофида *сателлитлар* (учинчи дунё) гуруҳлашади. Булар ўзлари қашшоқлаша борган ҳолда иқтисодий жиҳатдан ўзларига нисбатан анча ривожланган мамлакатларга боғлиқ ҳолда, уларга қарам бўлиб қоладилар.

Жаҳон системаси назарияси

Эммануэл Валлерштайн томонидан ишлаб чиқилган жаҳон системаси назарияси ер юзидаги нотенглик манзарасини изоҳлаш учун қилинган энг мураккаб уриниш ҳисобланади. Валлерштайннинг фикрича, ўн олтинчи асрдан бошлаб то бизнинг кунларимизга қадар жаҳон капиталистик иқтисодининг экспансиясига асосланган глобал иқтисодий ва сиёсий алоқалар тизимини шакллантириш жараёни давом этиб келмоқда¹⁷. Капиталистик дунё иқтисоди ядро мамлакатларининг мавжуд бўлишини (тахминан Франк айтган *марказий метрополияга* мувофиқ келадиган даражада), *ярим периферия*, периферия мамлакатлари ҳамда *ташқи арена* мавжуд бўлишини назарда тутди. Ядро давлатлари — бу энг аввало ҳозирги замон тadbirkorлигининг барча турлари илк бор пайдо бўлган, кейин эса саноатлаштириш жараёни бошланган: Буюк Британия, Нидерландия, Франция ҳамда кейинроқ уларга қўшилган Шимолий-ғарбий Европа мамлакатлари, масалан, Германиядир. Ядро мамлакатлари худудида саноат ишлаб чиқариши яралган, ўша давр учун илғор ҳисобланган қишлоқ хўжалиги шакллари пайдо бўлган, марказлаштирилган ҳукуматлар шаклланган.

Европанинг Жанубига, Ўрта ер денгизи атрофига жойлашган (Испания сингари) давлатлар ядро мамлакатларининг *ярим периферияси* бўлиб қолди. Улар шимолий мамлакатлар билан алоқа қилиб, савдо муносабатларида ўша давлатларга қарам бўлиб келган эдилар, лекин ўзларининг иқтисодиёти ривожланмай қолаверди. Бундан икки аср муқаддам *периферия* — жаҳон иқтисодининг «ташқи чегараси» — Европанинг шарқий чеккалари бўйлаб ўтган эди. Ушбу районлардан, масалан, ҳозир-

¹⁶ Frank Andre. Capitalism and Underdevelopment in Latin America, New Work, 1969.

¹⁷ Wallstein Immanuel. The Capitalist World System. Cambridge, 1979.

ги Польша жойлашган районлардан, қишлоқ хўжалик экинлари бевосита ядро мамлакатларига етиб келар эди.

Осиё ва Африканинг анчагина қисми ўша кезларда ташқи аренага қарар эди — ядро мамлакатларида шаклланган савдо алоқалари уларни безовта қилмаган эди. Кейинги колониал экспансия фаолияти натижасида Осиё ва Африка мамлакатлари ҳам жаҳон иқтисодиёти тизимига жалб этилдилар. Бугунги кунда учинчи дунё мамлакатлари кенг миқёсдаги дунё тизимининг перифериясини ташкил этади. Ушбу тизим ядросига Қўшма Штатлар билан Япония кириб, унда етакчи ўринни эгаллаб олдилар. Совет Иттифоқи ва Шарқий Европа мамлакатлари иккинчи дунё жамиятлари ўзларининг марказлаштирилган режали иқтисодий тизимлари билан бирга жаҳон иқтисодиётидан маълум даражада четлашиб қолаётган мамлакатларнинг ягона бир катта гуруҳини ташкил этар эди.

Валлерштайн шуни таъкидлайдики, ядро мамлакатлари жаҳон системасида етакчи ўрнини эгаллаб турганликлари сабабли жаҳон савдосини ўз манфаатларига жавоб берадиган тарзда ташкил этиш тарафдорлари томонидан айтилган биринчи дунё мамлакатлари учинчи дунё мамлакатларидаги ресурсларни ўз мақсадлари йўлида эксплуатация қилиш имкониятини қўлга киритдилар, деган фикрга қўшилди.

Назарияларга танқидий баҳо бериш

Хўш, ушбу назариялар қай даражада асосланган? Уларнинг барчаси ҳам биринчи ва учинчи дунё ўртасида бойликлар ва ресурсларнинг тақсимланишидаги дисбаланс — номуносиблик мустамлакачилик туфайли вужудга келган, деган фикрга қўшиладилар. Албатта, бу масалада улар ҳақдирлар, яна шу нарса ҳам ҳеч шубҳасиз ҳақиқатки, қарамлик муносабатлари ҳам ана шу колониал даврда пайдо бўлди, мустаҳкамланди ва ҳатто янада яққол кўзга ташланиб турадиган даражага етди. Учинчи дунё мамлакатларининг кўпчилиги ядро давлатлари билан бўладиган иқтисодий муносабатлар системаси орқали гўё кўринмас иплар билан ўраб ташлангандек тасаввур пайдо бўлади. Ядро давлатлари уларнинг иқтисодий ривожланишини тўхта-тиб туради-ю, лекин улардан кутилиб кетиш фавқулудда қийин масала. Натижада саноатлашган мамлакатлар тобора бойиб, гуллаб-яшнаб кетаверади, учинчи дунё мамлакатлари эса турғунлик ҳолатида ривожланмай тураверади.

Аммо саноат мамлакатларининг гуллаб-яшнаши баъзи кишилар, хусусан, Франк айтганидек, энг камбағал мамлакатларни эксплуатация қилиш натижасида қўлга киритилган, деб таъкидлаш хато бўлур эди. Ривожланган мамлакатларнинг ўз ичкарисида индустриал ўсиш фонидан улар томонидан колониалардан олиб келинган ресурслар жуда кичик, оз роль ўйнаган¹⁸.

¹⁸ *Blomstrot M. and Bjorn Hettne. Development theory in transition. The dependency debate and beyond: third world responses. London, 1984.*

Бундан ташқари, янги саноат мамлакатлари тажрибаси шуни кўрсатадики, муайян вазиятларда кам ривожланган мамлакатлар саноатлаштиришни жадал ривожлантиришлари ва иқтисодий ўсишга эришишлари мумкин экан.

Валлерштайн назарияси фақат глобал дисбаланс таҳлилига бағишланганлиги учун алоҳида муҳим аҳамиятга эга бўлибгина қолмай, ана шу назария доирасида бутун ер юзи ягона бир ижтимоий система сифатида қараб чиқилганлиги учун ҳам катта аҳамиятга моликдир. Саноатлашган жамиятлар ва учинчи дунё мамлакатлари ягона бир ривожланиш жараёнининг турли хил таркибий қисмлари сифатида вужудга келган. Валлерштайн назариясининг айрим деталлари танқидга учраши мумкин бўлган тақдирда ҳам, масалага бундай ёндошув ҳеч шубҳасиз тўғри бўлади.

Юқорида баён этилган назарияларнинг ҳар бири учун хос бўлган асосий камчилик шуки, уларнинг ҳаммасида ҳам бутун эътибор дунё тизими тараққиётининг биригина масаласига — нуқул иқтисодий омилларга қаратилади. Иқтисодий ривожланиш умумий ривожланишнинг фавқулудда муҳим таркибий қисми бўлса-да, лекин бошқа соҳалар ҳам катта тўқнашувлар, маданий омиллар — булар бари дунё миқёсидаги глобал алоқадорликни шакллантириш учун муҳим аҳамият касб этади. Куйида биз энди ана шулар ҳақида суҳбатлашамиз.

Трансмиллий корпорациялар

Юқорида баён этилган назариялар йигирманчи асрнинг йирик саноат корпорацияларига мутлақо ҳақли равишда катта ўрин ажратганлар. Энди ушбу масалаларни яна ҳам муфассалроқ равишда қараб чиқамиз. Кўпинча уларни *трансмиллий* ёки *мултмиллий* компаниялар деб аташади. Булардан «трансмиллий» деган атама мақбулроқ, чунки ушбу компанияларнинг фаолияти миллий қобик чегараларидан чиқиб кетади ҳамда бир ёки бир нечта миллат доирасидагина қолмайди. Трансмиллий корпорация — бу икки ёки ундан кўпроқ мамлакатларда ўз заводлари ва офисларига эга бўлган компаниялардир.

Энг йирик трансмиллий компаниялар гоят катта имкониётларга эга бўлиб, уларнинг бойлиги кўпгина мамлакатлар бойлигидан ҳам ортиқроқдир. Ер юзидаги энг йирик юзлаб иқтисодий бирликларнинг тенг ярмини бугунги кунда давлатлар ташкил қилса, иккинчи ярмини — трансмиллий корпорациялар эгаллаб олган. Ушбу компанияларнинг фаолият миқёси кишини ҳайратга солади.

Ер юзидаги 600 энг йирик трансмиллий корпорациялар умумжаҳон саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг 1/5 қисмидан кўпроғини таъминлаб турибди. Мана шу 600 ги-

гантдан 70га яқини жаҳон бозоридаги савдо-сотиқ аҳволини назорат қилади¹⁹.

Сўнгги йигирма йил мобайнида трансмилий корпорациялар фаолияти тобора глобаллашди: 1950 йилда ер юзидаги 315 йирик компанияларнинг фақат учтаси 20 дан ортиқ мамлакатда ўзининг турлича тармоқ корхоналарига эга бўлган бўлса, ҳозир уларнинг сони 50 га яқин. Бундай фирмалар, албатта, озчиликни ташкил этади, уларнинг каттагина қисми камида беш мамлакатда ўзининг шўъба корхоналарига эгадир.

Дунёдаги икки юз етакчи трансмилий корпорациялардан 89 тасининг штаб-квартираси Қўшма Штатларда жойлашган. Сотиладиган барча товарлар ҳажмининг ярмидан кўпроғи шулар ҳиссасига тўғри келади. Лекин япон компаниялари ғоят тез суръатлар билан ўсиб кетганлиги муносабати билан Америка компанияларининг ҳиссаси 1960 йилларнинг бошларига қараганда кескин қисқариб кетди. 1960 йилда 200 етакчи компаниялар ичида фақат бештаси Японияники эди. 1983 йилга келиб уларнинг сони 25 тага етди. Шаклланиб қолган тушунчаларга қарама-қарши ўлароқ (юқорида эслатиб ўтилган назариётчиларнинг баъзилари ҳам шу жумладан, айтиб ўтган фикрларга зид равишда) трансмилий компанияларнинг кўпчилик инвестициялари саноатлашган дунёнинг ўз ичига жойлаштирилмоқда: чет элларга бевосита қўйиладиган барча маблағларнинг тўртдан уч қисми саноатлашган мамлакатлар ўртасида тақсимланади. Шунга қарамай, трансмилий корпорацияларнинг ривожланаётган мамлакатлар иқтисодидаги иштироки жуда катта; энг йирик ҳажмдаги инвестициялар Бразилия, Мексика ва Ҳиндистон ҳиссасига тўғри келади. 1970 йилдан бошлаб корпорацияларнинг Осиёдаги янги саноат мамлакатлар: Сингапур, Гонконг, Жанубий Корея, Малайзия иқтисодига маблағ етказиши анча тез ўсиб кетди²⁰.

13-жа д в а л. Жаҳондаги энг йирик ўнга трансмилий корпорация даромадлари билан учинчи дунёнинг бир қатор мамлакатларидаги яшн миллий маҳсулот (ЯММ)ни қиёслаш

Ўрни Корпорациялар	Штаб- квартираси	Айланма маблағи (АҚШнинг минг \$ ҳисобида)	Мамлакатларнинг ЯММ эквиваленти
1 Эксон	АҚШ	88561 134	Индонезия ^а
2 Ройял Датч/ Шелл гуруҳи	Англия, Нидерландия	8055088	Жазоир, Перу ва Ливияни бирга қўшиб олганда ^б
3 Жeneral Моторс	АҚШ	74581600	Таиланд, Покистон ва Уругвайни бирга қўшиб олганда ^б

¹⁹ Dicken P. Global Shift. The internalisation of economic activity. London, 1992.

²⁰ Dicken P. Global Shift: industrial change in a Turbulent World. New York, 1986.

4 Мобил	АҚШ	54607000	Венесуэла ^б
5 Бритиш Петролеум	Англия	49194886	Ироқ ва Эквадор
6 Форд Мотор	АҚШ	44454600	Судан, Чили ва Бангладеш
7 ИБМ	АҚШ	40180000	Сурия, Фил Суяги Қиргоғи, Заир ва Сингапурни бирга қўшиб олганда ^б
8 Техасо	АҚШ	40068000	Жазоир ^б
9 Дюпон	АҚШ	35378000	Колумбия
10 Стандарт Ойл (Индиана)	АҚШ	27635000	Миср ^б

^а ЯММ 1981 йилда; ^б ЯММ 1980 йилда.

Маъба: Joseph Weatherby et al. The Other World: Issues and Politics in the Third World. New York: Macmillan, 1986. P. 29.

Трансмиллий корпорацияларнинг типлари

Ушбу аср мобайнида трансмиллий корпорациялар жаҳон иқтисодида тобора муҳим роль ўйнамоқда. Худди миллий иқтисод сингари жаҳон иқтисоди ҳам борган сари концентрациялашиб бормоқда, унда энг йирик компанияларнинг чекланган бир қисми етакчилик қилмоқда. Қўшма Штатларда ва бошқа етакчилик қилаётган бир қатор саноатлашган мамлакатларнинг ўз мамлақатида етакчи ўринни эгаллаган фирмалари халқаро миқёсда ҳам ўз ваколатхоналарини очганлар. Дунё ишлаб чиқаришининг кўпгина жабҳаларида (масалан, агробизнес соҳасида) энг йирик компаниялар олигополия бўлиб олганлар — янги ишлаб чиқариш бозорда етакчилик қилаётган уч ёки тўрт корпорация томонидан назорат қилиб борилади. Сўнгги икки-уч ўн йилликлар ичида автомобиль саноатида, микропроцессорлар ишлаб чиқаришда электрон саноатда ва бошқа жаҳон иқтисоди учун зарур бўлган муҳим товарлар ишлаб чиқаришда халқаро олигополиялар пайдо бўли.

Конгломератлар — янги турли типдаги маҳсулот ва хизматларнинг жуда кўп қисмини бир вақтда ишлаб чиқариб, хизматлар кўрсатиб келаётган компанияларнинг вужудга келиши, айниқса муҳим тамойилга айланиб бормоқда. Американинг «Р.Ж.Рейнольдс» фирмаси бунинг мисоли бўлиши мумкин — у «Винстон» сигареталарини ишлаб чиқаради. Бошқа компаниялардан ташқари Рейнольдс яна «Дель Монте» (хўл мевалар),

«Хьюблейн» (спиртли ичимликлар), «Силэнд Сервисес» (кема-чилик), «Кентукки Фрайд Чикен» (гамаддихоналар) ва «Аминойл» (нефть ва нефть маҳсулотлари) фирмаларига ҳам эгалик қилади.

Г. В. Перлмуттер трансмилий корпорацияларни уч типга бўлади. Биринчи типга — этноцентрик трансмилий корпорациялар киритилади. Уларнинг сиёсати, иложи борича ўша фирма жойлашган юртдаги штаб-квартира томонидан бошқарилади. Дунёнинг турли қисмларига жойлашган корпорациянинг компаниялари ва корхоналари гўё мана шу етакчи, беш компаниянинг давоми сифатида хизмат кўрсатади — яъни барча шўъба корхоналар ягона бир сиёсатни амалга оширади. Иккинчи категорияни полицентрик корпорациялар ташкил этади. Унинг хорижий фирмалари ўша мамлакатларда жойлашган, лекин улар корпорациялар томонидан бошқариб турилади. Ушбу корпорацияга асос солган мамлакатга жойлашган штаб-квартира фақат умумий фаолият йўналишини белгилаб беради. Маҳаллий компаниялар мана шу умумий йўналиш доирасида ўз фаолиятларини кенгайтириб бораверадилар.

Ниҳоят, *геоцентрик* трансмилий корпорациялар мавжуд бўлиб, уларни бошқариш структураси интернационаллаштирилган. Бошқарув системалари глобал асосларда интеграция қилинган бўлиб, унинг олий менежменти жуда ҳаракатчан ва чаққон кишилардан иборат. Агар зарурат туғилиб қолса, улар тезда бир мамлакатдан бошқасига кўчиб ўтишга қодир кишилардир²¹. Перлмуттер ҳозирги замон трансмилий корпорацияларининг кўпчилиги полицентрик, деб ҳисоблайди, лекин улар зўр бериб геоцентрик типга ўтишга ҳаракат қилаётганлиги кузатишмоқда — кўпчилик компаниялар очикдан-очик интернационал характер касб этиб бормоқда.

Перлмуттер терминларида барча компаниялар ичида Япониянинг трансмилий компаниялари энг кўп даражада этноцентрик ҳисобланади. Уларнинг фаолияти одатда асосий, бош корпорация томонидан ғоят пухталиқ билан назорат қилиб борилади, баъзан эса Япония ҳукуматининг иштироки билан шундай назорат тадбирлари ўтказиб турилади. Япония халқаро савдо ва саноат вазирлиги (ЯХССВ) Япония компанияларининг хорижий филиалларига раҳбарлик қилишда Ғарб мамлакатлари ҳукуматларига қараганда анча кўпроқ ва муҳимроқ роль ўйнайди. Сўнгги 20 йил ичида ЯХССВ Япониянинг чет эллардаги фирмалари филиалларини кенгайтириш ва координация қилишга доир режаларнинг бутун бир сериясини ишлаб чиқди. Мана шундай японча типдаги трансмилий корпорацияларнинг мисолларидан бири ғоят катта савдо компанияси бўлган — *Сого шошадир*. Бу ғоят катта конгломерат бўлиб, асосан савдони мо-

²¹ Perlmutter H. V. Forwards research on and development of nations, unions and firms as world institutions. In: H. Gunter. Transnational industrial relations. New York, 1972.

лиялаштириш ва рағбатлантириб туриш ишлари билан шуғулланади. Улар бошқа компанияларга ҳам молиявий, ташкилий ва инфорацион хизмат кўрсатиб туради. Япония импорти ва экспортининг ярмига яқин қисми Сого шошага кирувчи ўнлик орқали ўтади. «Мицубиси» сингари катта компанияларнинг ўзлари йирик товар ишлаб чиқарувчилар ҳисобланади.

Трансмиллий компанияларнинг ўсиб бориши

Хўш, трансмиллий компанияларнинг ўсиб бораётганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Биринчидан, бу ҳозирги замон иқтисодий корхоналари учун хос бўлган интернационаллаштириш тамойиллари билан боғлиқ. Фақат фойда кўриш мақсадида товарлар сотиб оладиган ва сотадиган фирмалар (улар ўзи шундай фойда кўриш учунгина фаолият кўрсатади) агар ўз операцияларини бир мамлакат доираси билангина чеклаб қўйганларида жуда ҳам нотўғри иш қилган бўлур эдилар. Улар ўз фаолиятини кенгайтиришга қанчалик кучли киришса, фойда олиш учун капитал ётқизиладиган жойларни қидириб топиш шунчалик муҳим маъно-мазмун касб этаверади. Иккинчидан, чет элларда филиал ташкил этган фирма кўп ҳолларда касаба уюшмалари йўқ жойдан арзон ишчи кучи топиш афзаллигини қўлга киритади. Учинчидан, бир неча мамлакатларда ўзининг турдош тармоқ корхоналарига эга бўлиш уларга хилма-хил табиий ресурсларни ишга солиш йўлини очиб бериши мумкин. Тўртинчидан, ер юзидаги кўп бозорларда ўзининг турли фирмаларига эга бўлган трансмиллий компаниялар бир қатор ҳолатларда ўз бойлигини турли филиалларига тақсимлаб бериб, солиқлар тўплаш вақтида имтиёзларга эга бўлиши мумкин. Ниҳоят, трансмиллий компаниялар ўзи учун беқарорликнинг манбаи бўлиши эҳтимол тутилган турли битимларни ўз корпорацияси доирасидан чиқариб юбормаслик (интернационализация қилмаслик) имкониятига эга бўладилар. Бир неча мамлакатларда жойлашган ўз заводлари ва идоралари ишини бир ерга жамлаб, бир ердан бошқаришни ташкил этиш билан улар ўзлари учун зарур материаллар топиш ва хизматлар кўрсатиш бобида бошқа компанияларга қарам бўлиб қолишдан қутиладилар. Бош фирма ўз қўл остидаги тармоқ корхоналарига етказиб бериладиган товарлар ва кўрсатиладиган хизматларга ўзи хоҳлаган баҳони белгилаши мумкин.

Сўнгги 30 йил мобайнида транспорт ва алоқа соҳасида ҳозирги замон ютуқлари бўлмаганда трансмиллий корпорацияларининг бу қадар ўсиши учун ҳам имконият бўлмас эди. Реактив самолётлар одамларнинг ер юзи бўйлаб шундай катта тезлик билан кезиб юришига имконият яратдики, ярим аср муқаддам буни тасаввур ҳам қилиб бўлмасди. Ҳаддан ташқари қулай ва қудратли океан кемалари (қуруқ юк ташийдиган кемалар ва танкерлар)нинг пайдо бўлиши, шунингдек, бир турдаги транспортдан бошқа турдаги транспортга юкларни кўчи-

риб ортиш мумкин бўлган контейнерларнинг пайдо бўлиши сочилувчи ва суюқ материалларни бир жойдан бошқа жойга ташиш ишларини осонлаштирди.

Сўнгги вақтларда пайдо бўлган телекоммуникацион технологиялар амалда бир зумда ер юзининг турли қисмлари ўртасида алоқа ўрнатиш имконини беради. 1965 йилдан бошлаб телекоммуникацион ер йўлдошидан фойдаланишга киришилган. Биринчи шундай йўлдош бир вақтнинг ўзида 240 кишининг телефон орқали сўзлашган гапларини узатиш имкониятига эга бўлди. Ҳозирги сунъий ер йўлдошлари бир вақтнинг ўзида 12000гача бўлган суҳбатни узатишлари мумкин. Энг йирик трансмиллий корпорациялар бутунги кунда ўзларининг йўлдош орқали амалга оширилаётган алоқа тизимларига эга. Масалан, «Мишубиси» шундай катта ва қудратли алоқа тармоғига эгаки, унинг Токиодаги штаб-квартирасида мана шу тармоқ ёрдамида ҳар куни 5 миллион сўз қабул қилиб олинади ва узатилади.

Халқаро иқтисодий интеграция

Трансмиллий корпорациялар янги халқаро меҳнат тақсими вужудга келишига ёрдам беради. Бу турли жамиятларнинг бутун дунё мамлакатлари иқтисодига чуқур кириб борган иқтисодий ва бир-бирига боғлиқ бўлган алоқаларидир²². Учинчи дунё мамлакатлари иқтисодий жиҳатдан анча қийналгани жаҳон бозоридаги ўзгаришларга кучли даражада боғлиқ эканлигига, уларнинг аҳволи қанча ёмон бўлишига қарамасдан, барибир, маълум маънода барча иқтисодчилар тобора кўпроқ даражада бир-бирларига боғлиқ бўлиб қолмоқдалар. Ҳатто энг юксак даражада саноатлашган мамлакатлар ҳам ўзларининг иқтисодий ривожланишларини илгари уддалаганларидек даражада назорат қилишга қодир эмаслар.

Глобал иқтисодиётда ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлиб қолиш ишига трансмиллий компаниялар қўшган ҳисса биринчи навбатда улар фаолиятининг миқёслари билан белгиланади, лекин бундан ташқари, яна у ўзларининг маъмурий ва ишлаб чиқариш тузилмалари орқали умумжаҳон системасига энг йирик компаниялар ишга солган усуллар билан ҳам белгиланади.

Мисол: автомобиль саноати

Автомобилсозлик ва у билан боғлиқ бўлган товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ишлари — нефть қазиб чиқариш ва уни қайта ишлаш, бензин қуйиш станциялари, отеллар ва мотеллар қуриш, шунингдек автомобиль йўллари бунёд этиш — булар бари ғарб иқтисодининг урушдан кейинги ривожланишини яққол кўрсатадиган ишлардир. Автомобиль саноатида Франция билан Япония саноат ишчисининг ҳар ўнтаси-

²² *Nyilas J.* The world economy and its main development tendencies. the Hague, 1982


дан биттаси, Буюк Британия ва Қўшма Штатларда ҳар 20 ишчисининг биттаси банд бўлиб, бундан ташқари яна кўп миллионлаб кишилар саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги аралаш касблар билан машҳурдир.

Саноатнинг ушбу тармоғи энг глобаллаштирилган тармоқлардан бири ҳисобланади. Унда унча кўп бўлмаган энг йирик корпорациялар етакчи роль ўйнайди. Уларнинг ҳаммаси трансмиллий корпорациялардир. Дунё бўйича ишлаб чиқариладиган автомобилларнинг 80%га яқини 10 тагина етакчи компаниялар томонидан таъмин этилади. Узоқ йиллар мобайнида АҚШ дунё бўйича энг йирик автомобиль ишлаб чиқарадиган мамлакат бўлиб келган эди, 1980 йилларнинг бошига келиб унинг ўрнини Япония эгаллади. АҚШда сотилган барча автомобилларнинг чорак қисмига яқинини Япония машиналари ташкил этади, Буюк Британияда ушбу кўрсаткич 1991 йилда 10% ни ташкил этган эди.

Автомобиль ишлаб чиқариш тармоғи **вертикал интеграция** ишида биринчи бўлди, яъни бунда ер юзидаги турли мамлакатларда жойлашган трансмиллий корпорацияларнинг филиаллари ўз фаолиятларини марказлаштирилган тартибда мувофиқлаштирилишига эришдилар. Узоқ вақтлар бутун жаҳон миқёсида автомобиль ишлаб чиқаришни ҳамда дистрибьютор тизимлари яратиш ишини «Форд» ва «Женерал моторс» компаниялари (ҳар иккаласи ҳам Америка компаниялари) бошқариб, етакчилик қилиб келганлар. 1960 йилларнинг охирига келиб Форд ўзининг турли мамлакатларда бир-биридан мустақил равишда фаолият кўрсатиб келаётган Европадаги ишлаб чиқариш корхоналарининг бутун тармоғини қайта ташкил этиб, «Форд — Европа» деган ягона бир ташкилотга бирлаштирди. Дастлаб «Фиеста» моделини, кейинчалик эса бошқа моделдаги Форд автомобилларининг ишлаб чиқарилиши жуда кўп жойларда ишлаб чиқишнинг турли топшириқларини бажарадиган ягона бир интеграциялашган жараёнга айланиб кетди (расмга қаранг).

Натижада автомобиль қисмлари ва ишлаб чиқариш жараёнининг элементларидан иборат фавқулодда ғоят мураккаб ўзаро алмашув тармоғи, шу жумладан, фақат турли мамлакатлардаги Форд заводларининг ўзи билангина эмас, балки юзлаб бошқа маҳсулот етказиб берувчиларни ҳам ўз ичига олган тармоқ пайдо бўлди. Кейинчалик Европада «Женерал Моторс» ҳам худди шундай тизимни вужудга келтирди. Ҳар иккала ҳолда ҳам Европадан ташқарига жойлашган шўъба корхоналари ўртасида ўзаро мустаҳкам алоқалар ўрнатилган.

Япония автомобиль фирмалари ҳам, худди ғарбдаги компанияларга ўхшатиб, турли мамлакатларда, кўпроқ Шарқ мамлакатларида жойлаштирилган корхоналарнинг интеграция қилинган системасини яратдилар. Лекин 1970—1980 йилларда улар АҚШ ва Европада ҳам ишлаб чиқаришни ташкил этдилар. Буни улар, асосан кўпгина мамлакатлар Япония автомобилларини



18-расм. Ишлаб чиқаришнинг глобаллашуви: Европанинг “Форд экскорт” модели деталларини ишлаб чиқариш тармоқлари.

Манба: Peter Dicken. Global Shift. New York, 1986. P. 588

импорт қилишни чеклаб қўяётганликлари сабабли амалга оширдилар. 1982 йилда «Хонда» фирмаси Огайо штатида ўз заводини очди, унинг кетидан «Ниссан» (Теннесида), кейинчалик эса «Тойота», «Мазда» ва «Мицубиси» ҳам Кўшма Штатларда ўз корхоналарини ташкил этдилар. Бундан ташқари, «Тойота» ва «Ниссан» Австралия ва Европада ўзларининг йиғув корхоналарини очдилар. Бугунги кунда Жанубий Кореяда «Хендэ» компаниялари гуруҳи бўлган энг йирик конгломерат томонидан автомобиллар ишлаб чиқарилмоқда. У аввалига автомашиналарни «Форд» лицензияси бўйича чиқарган эди. Кейинчалик фирманинг хусусий моделлари ҳам пайдо бўлди ва у Шимолий Америкадаги импорт бозорининг каттагина қисмини эгаллаб олди.

Сўнги 10—15 йил мобайнида автомобиль саноатида катта технологик ўзгаришлар содир бўлди. Бошқа янгиликлардан ташқари автоматлаштириш ва жуда нозик ишлаб чиқариш тизимлари таъсири остида конвейер ўз аҳамиятини йўқотди (қаранг: 15-боб, «Меҳнат ва иқтисодий ҳаёт»). Янги-янги ишлаб чиқариш технологияларининг вужудга келиши йирик компанияларга база моделларининг турли хил шакллари вужудга келтириш ишини енгиллаштиради. Лекин булар янги модел ишлаб чиқарилаётган вақтда ҳар сафар зарур бўладиган катта маблағлар — йирик инвестициялар миқдорини камайтириш имкони бериб қолмайди. Тегишли сарф-харажатларни камайтириш учун амалда барча йирик товар ишлаб чиқарувчилар ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим туздилар. Бундай стратегик тадбирлар ҳозир бутун ер юзини худди ўргимчак уясидек ўраб олган.

Ривожланишнинг ҳозирги замон тенденциялари

Автомобиль саноатида содир бўлаётган ўзгаришлар дунё бўйича бошланган ишлаб чиқаришни кенг миқёсда қайта қуриш бўйича глобал жараёнларнинг бир қисми ҳисобланади. Ушбу жараён ғарб мамлакатлари учун жиддий оқибатларни келтириб чиқарди. Ғарбдаги кўпгина мамлакатларда ишсизлик жадал суръатлар билан ўсиб бораётган бир пайтда саноатда иш ўринларининг умумий сони ортиб кета бошлади. Бошқача қилиб айтганда, саноатдаги янги иш ўринлари ғарб мамлакатларидан ташқарида (айниқса, янги саноатлашган мамлакатларда) шундай иш ўринлари ё трансмилий корпорациялар ўз ишлаб чиқариш корхоналарини ўрнатган жойларда ёки маҳаллий ҳукумат иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга муваффақ бўлган жойларда, ёхуд униси ҳам, буниси ҳам биргаликда комбинация қилинган тарзда мавжуд бўлган жойларда янги-янги иш ўринлари пайдо бўлар эди.

Япониянинг ҳаммани ҳайратга солган иқтисодий ютуқларини, бошқа мамлакатларнинг — кичикроқ Осиё мамлакатларининг гуллаб-яшнаш бошлагани, Хитойнинг қудратли иқтисодий сакрашга потенциал имконияти мавжудлигини ҳисобга олиб, энди жаҳон қудратининг маркази алмашиб, илгари Европа давлатларидан орқада бўлган мамлакатларга кўчиб ўтди, деб ҳисоблаб бўлармикан? Осиё ва Тинч океан минтақаси янги жаҳон иқтисодий ва ижтимоий алоқаларининг «ядроси» бўлиб, АҚШ ва Европа уларнинг соясида иккинчи қаторга ўтиб қолмасмикан? Бундай имконият мавжудлиги истисно қилинмасада, лекин бошқа бир омилларни ҳам ҳисобга олиш лозим. Аввало экспансиянинг ҳали ҳаммаси Узоқ Шарқ ҳиссасига тўғри келмайди. Бундан ташқари, баъзи бир Жанубий Америка мамлакатлари, айтиқса кўзга ташланиб турган ер юзидаги муҳим позицияларни эгаллаб бораётган Бразилия жаҳон тараққиётига ўз таъсирини ўтказиши тамомила мумкин бўладиган фактга ўхшайди. Бунинг устига, яқин ўн йил ичида содир бўладиган

воқеалар фақат иқтисодий ўзгаришларгагина боғлиқ бўлиб қолмасдан, шу билан бирга сиёсий ва ҳарбий соҳаларда юз бераётган жараёнларга ҳам боғлиқ бўлади. АҚШ ва Россиянинг ҳарбий қудрати ва сиёсий таъсири, афтидан, дунё куч-қудратини «Шарқ томонга» қараб «силжиш» миқёсларини анча чеклаб-чекларалаб қолиши ҳам мумкин.

Нодавлат тузилмалар

Дунё фақат халқаро меҳнат тақсимоти ва иқтисодий муносабатлар жиҳатидангина тобора ўзаро бир-бирига боғлиқ ҳодисаларга тўлиб бораётгани йўқ. Утган асрнинг бошлари ва айниқса, Иккинчи жаҳон урушидан кейин халқаро вазифаларни бажарадиган нотижорат ташкилотлар сони кўпайиб кетгани кўзга ташланади. Худди трансмиллий корпорациялар сингари уларга ҳам нодавлат тузилмалари деган ном қўйилиб, кўпинча шу ном билан атала бошлаганлар. Бунга сабаб уларнинг муайян давлатлар ёки уларнинг ҳукуматлари сиёсати билан боғлиқ бўлмаган фаолият кўрсатишидадир.

Трансмиллий корпорациялардан ташқари, нодавлат структураларнинг яна бир нечта типлари мавжуд. Биринчидан, булар жаҳон ҳамжамиятига тегишли ташкилотлардир: булар жумласига биринчи навбатда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унга турдош бўлган ташкилотлар киради (ЮНЕСКО таълим-тарбия, фан-техника ва маданият-маориф масалалари билан шуғулланадиган ташкилотларга ўхшаш турдош ташкилотлар шулар жумласига киради). Иккинчидан, почта хизмати, телекоммуникациялар, денгиз навигацияси хизматлари сингари халқаро ҳамкорлик ёки ахборот зарурати билан боғлиқ бўлган гоёт кўп ташкилотлар ҳам мавжуддир. Учинчидан, давлатлар ёки иқтисодий тизимларни уларнинг манфаатлари бирлиги сабабли бир бутун ҳолда бирлаштириб турадиган ташкилотлар бор. Шуларнинг энг йириги ЕИХ (Европа Иқтисодий ҳамжамияти)дир. Мана шу нодавлат структураларнинг ҳар бир типини алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти

Биринчи жаҳон урушидаги йўқотишлар миқёси шу қадар катта эдики, у ер юзининг кўп мамлакатларида ўз таъсирини кўрсатди. Барча сиёсий лидерлар бундай кенг миқёсдаги уруш бошқа ҳеч қачон такрорланмаслиги керак, деган ягона бир фикрга келдилар (таассуфки, уларнинг ишончлари оқланмай, умидлари пучга чиқди).

Улар уруш тугаганидан кейин бундай халқаро ҳар хил баҳс-мунозарали масалаларни мувофиқлаштириб турадиган бир ташкилот — миллатлар Лигаси бунинг уддасидан чиқади, деб хаёл қилишган эди. Унинг тепасида дунёга машҳур йирик арбоб, Қўшма Штатлар Президенти Вудро Вильсон турар эди. Унинг

назарида Миллатлар Лигаси келгусида тинч-тотув яшашни таъминлайдиган ташкилот бўлиб, халқаро ҳамкорлик қилишга ёрдам кўрсатиши керак эди. Ушанда Вильсоннинг ўзи айтганидек, «Биз хоҳлаймизми ёки йўқми, бари бир мана шу дунёда бирга яшашга ҳаммамиз баб-баробар мажбурмиз. Барча миллатларнинг манфаатлари бизнинг ҳам манфаатимиздир. Биз — ушбу дунёнинг қолган барча фуқаролари билан шерикмиз»²³.

Вильсоннинг орзулари амалга ошмади. Сиёсий етакчиларнинг бир қисми Лигани кўпроқ ўз манфаатларидан ва мақсадидан юқори турувчи куч сифатида эмас, балки ўз миллий мақсадларини амалга ошириш учун бир восита деб қарадилар. Бундан ташқари Лигада дунёдаги аъзолар барча дунё мамлакатлари вакилларидан иборат бўлмай, балки биринчи навбатда унинг таркибига урушда қатнашган мамлакатлар киритилди. Совет Иттифоқи унинг таркибига атайин киритилмади. Узоқ тортишувлардан кейин, ниҳоят, АҚШнинг ўзи ҳам Лигага аъзо бўлиб кирмади, чунки у Вильсон ўйлаганидек эмас, балки мутлақо бошқача ташкилот бўлиб чиқди. Лига ишида барча давлатлар иштирок этолмаган бўлишларига ҳамда навбатдаги жаҳон урушини тўхтатиб қолишга қодир бўлолмаганлигига қарамасдан, барибир у шундай бир марказ бўлдики, унинг атрофида халқаро ҳамкорликнинг жуда кўп янги-янги шакллари яратилди, уларнинг айримлари бугунги кунда ҳам мавжуддир. Масалан, Лига ўз хусусий соғлиқни сақлаш хизматини таъсис этди. Ушбу хизмат ер юзида юкумли касалликлар қандай тарқалаётганлигини кузатиш ва унга қарши курашиш билан машғул бўлди. Кейинроқ Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, Миллатлар Лигасининг ўрнига Бирлашган Миллатлар Ташкилотига асос солинган вақтда ушбу хизматнинг номи ўзгартирилиб, Соғлиқни Сақлаш Жаҳон Ташкилоти (ССЖТ) деб атала бошлади.

Бугунги кунда Бирлашган Миллатлар Ташкилотига амалда ер юзида барча давлатлар аъзо бўлиб кирган. Лекин бунга эришиш осон бўлмади. Дастлаб Америка ҳукумати БМТдан ўзининг сиёсий мақсадларига эришиш учун фойдаланишга уриниб кўрди. Мана шу ва бошқа сабабларга кўра, 1950 йилда Совет Иттифоқи унинг таркибидан чиқди ва ўзи унга муқобил бўлган янги ташкилотга асос солди. Бу — Тинчлик Тарафдорлари Ҳаракати деб аталди. Орадан бироз вақт ўтгач, америкаликлар русларнинг йўқлигидан фойдаланиб, коммунистик Шимол томонидан экспансияга дуч келган Жанубий Кореядаги ўз ҳарбий интервенцияларининг маъқулланишига эришдилар. БМТ дан Фарб давлатлари манфаати учун фойдаланиш келгусида ҳам давом этиши мумкинлигидан ташвишга тушган руслар бу ташкилотга қайтадан аъзо бўлдилар.

Худди Миллатлар Лигаси каби, БМТ ҳам амалда тинчлик-

²³ Scott J. B. President Wilson*s Foreign Policy: Messages, Addresses, Papers. Oxford, 1918. P. 270.

ни мустақил равишда сақлаб қолишга ёки уни мустақкамлашга қодир эмас. Унинг ихтиёридаги Куролли кучлар унчалик катта бўлмай, аъзо-мамлакатлар ҳарбийларидан ташкил топган. Шунга қарамай, унинг жаҳон тизимига таъсири катта. Масалан, БМТ байроғи остида ўтказилган мунозаралар учинчи дунёда кўп сонли давлатлар вужудга келишига сабаб бўлди. 1950 йилларнинг ўрталарида Осиё ва Африканинг собиқ мустамлака мамлакатлари оммавий равишда БМТга аъзо бўлиб кира бошладилар.

Гарчи БМТ ҳеч қачон «дунё ҳукумати» бўлмаган бўлса-да, унинг таркибига 150 дан ортиқ мамлакатлар аъзо бўлганлигининг ўзи бутун жаҳон системасининг интеграцияси кучайиб бораётган жараёни акс эттиради. Албатта, унинг фаолиятида моддий ва мафкуравий конфликт — низолар ҳам мавжуд бўлиб, улар жаҳон ижтимоий тартибларига зарар етказди.

Бошқа халқаро ташкилотлар

Юқорида эслатиб ўтилган иккинчи типдаги кўпгина ташкилотлар (халқаро ҳамкорлик қилишга алоқаси бўлган ассоциациялар) у ёки бу даражада БМТ билан алоқадордирлар. Масалан, Жаҳон почта ва халқаро телеграф иттифоқи БМТ ташкил топишидан илгарироқ вужудга келган эди. Лекин кейинчалик унинг фаолияти БМТ томонидан мувофиқлаштириладиган бўлиб қолди. БМТ томонидан тузилган ташкилот бутун ер юзи бўйлаб жўнатиладиган хатлар ва посилкалар учун, ҳамда, ҳаво орқали амалга ошириладиган алоқа системалари бўйича узатиладиган ахборотлар, жумладан ер йўлдошлари орқали юбориладиган хабарлар учун ҳам стандарт баҳолар белгилайди.

Халқаро тартибни сақлаб турадиган ташкилотлар иши кўзга унчалик ташланиб турмаслиги сабабли биз улар фаолиятини шунчаки оддий ишдек қабул қилишга ўрганиб қолганмиз. Лекин шуни ҳам эсда тутишимиз керакки, халқаро алоқаларни стандартлаштиришнинг кўпгина янги шаклларига нисбатан яқиндагина эришилди. Масалан, 1850 йилда Европанинг турли қисмларида тахминан 1200та турли хил почта тарифлари мавжуд бўлган ва то ҳозирги аср бошларигача Европа почта қодаларини стандартлаштириш иши поёнига етказилган эмас эди. Халқаро почта хизматини координация қилиш учун анча кўп вақт керак бўлди. Бугунги кунда глобал жараёнларни координация қилишнинг турли соҳаларида банд бўлган кўпгина халқаро ташкилотлар мавжуд. Халқаро ташкилотлар «Йилномаси» нинг 1958 йилги сонидан 1000 та ана шундай агентликлар мавжудлиги ва рўйхатдан ўтказилганлиги қайд қилинган эди. 1972 йилда уларнинг сони 2100 тагача ўсди, бугун эса 4000 дан зиёд мана шундай агентликлар фаолият кўрсатмоқда.

Глобал савдо тармоқлари

Ҳозирги ўзгаришларнинг натижаси янги глобал савдо тармоқларининг — мамлакатлар ёки компанияларни бир-бири би-

лан боғлаб турадиган иқтисодий алмашув шаклларининг вужудга келиши бўлди. Одатда бундай иттифоқлар ер юзидаги жуда катта минтақаларни бирлаштириб туради ва ҳар бир шундай блок билан иқтисодий мусобақага киришади. 1992 йилда Европа ҳамжамияти доирасида савдо-сотиқни либераллаштириш жаҳонда энг йирик эркин савдо зонасининг пайдо бўлишига олиб келди. Ҳозир у 324 миллионга яқин кишини ўзига жалб этган. Кейинги йилларда афгидан у яна кенгайиб кетса керак. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ялпи миллий маҳсулотнинг ўртача даражаси 2000 йилга келиб 18000 га яқин долларни ташкил этади.

Қўшма Штатлар билан Канада томонидан таъсис этилган эркин савдо зонаси келгусида Марказий ва Жанубий Американинг каттагина қисмига ёйилиб кетиши мумкин. Агар шундай бўлиб чиқса, у ҳолда мазкур зона 580 миллион кишини қамраб олади. Бундай зона учун аҳоли жон бошига ҳисобланадиган ЯММ миқдорини 15000 доллар чегарасида белгиланиши мумкин (АҚШ ва Канадада бу кўрсаткичлар анча юқори бўлади).

«Тўрт аждар» лақабини олган мамлакатлар ҳам ўз савдо блокинни яратиш устида иш олиб бормоқдалар. Унга яна Австралия ва Янги Зеландия ҳам кириши мумкин деб тахмин қилинмоқда. Аср бошига келиб ушбу блок аҳолиси 400 миллион кишидан ортиб кетиши мумкин, аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯММ 13000 доллардан ортиқроқ бўлади.

Янги-янги эркин савдо зоналари кам тараққий этган мамлакатларнинг манфаатларига жавоб бермаслиги ва бой ҳамда камбағал мамлакатлар ўртасидаги илгари эслатиб ўтилган тўсиқларни яна ҳам кўпайтириб юбориши мумкин. Бир вақтлар собиқ Совет Иттифоқининг бир қисми бўлган Россия ва бошқа кўпчилик мамлакатлар, шунингдек, Хитой ҳам нормал ҳаёт кечириши, уларни бундай блоklarга ҳатто киритилмаган тақдирда ҳам бу улар ҳаётига таъсир кўрсатмаслиги мумкин. Жанубий Осиёдаги анча камбағал мамлакатлар ҳамда Саҳройи Кабирнинг жануброғига жойлашган Африка давлатлари жаҳон иқтисодининг бунга ўхшаш ривожланишидан азият чекишлари ва тагин ҳам кучли даражада орқага итқитилиб юборилишлари мумкин.

Ер юзидаги атроф-муҳитга солинаётган хавф

Сўнгги 200—300 йил ичида ер юзининг ҳамма томонида ғарб институтлари мустаҳкамланиб, атроф-муҳитнинг аҳволи тобора даҳшатли равишда ёмонлашиб бораверди. Кўпчилик кузатувчилар ер ресурсларининг йўқ қилиб юборилганлиги инсоният олдида бугунги кунда энг катта хавф бўлиб турган ҳодиса деб ҳисоблайдилар. Гарчи глобал ҳалокат учун бошқа сабаблар ҳам, шу жумладан кенг миқёсли урушлар бошланиб кетиш хавфи мавжуд бўлсада, барибир кўпчиликнинг фикри шундай.

Атроф-муҳитга солинаётган хавфнинг сабаби XVIII асрлар-

дан бошланган саноат ишлаб чиқариши ва албатта технологик аралашув миқёсларининг ҳаддан ташқари кенгайиб кетганлигидир. Бунинг устига ушбу жараёнлар тобора тезлашиб, жадаллашиб кетмоқда: одамнинг XX асрда табиатга аралашishi шу қадар чуқурлашиб ва миқёслари кенгайиб кетдики, илгари бундай ҳол ҳеч қачон кўрилмаган эди. Шу муносабат билан «табиатнинг тугаётгани» тўғрисида гап-сўзлар бўлмоқда²⁴.

Одамнинг табиатга дастлабки марта аралашуви, унда ўзининг изини қолдиргани деҳқончилик бошланган кезларда — бундан бир неча минг йиллар муқаддам бошланган эди (қаранг: 2-боб, «Маданият ва жамият»). Овчилар ва термачиларнинг қабилалари, асосан теварак-атрофдан нима топсалар, ўшанинг ҳисобига тирикчилик қилган ва амалда атрофдаги ҳаётни ўзгартиришга ҳаракат қилмаганлар. Деҳқончилик бошланиши билан вазият ўзгарган: ҳосил етиштириш учун ерни тозалаш, текислаш, дарахтларни кесиш, бегона ўтларни қуритиш ва зарарли ҳашоратларни йўқотиш зарур эди. Бироқ ҳатто энг примитив усулда ерга ишлов берилиши ҳам тупроқ эрозиясига олиб келиши мумкин. Табиий ўрмонлар кесиб ташланганидан кейин гармсел-шамоллар тўппа-тўғри экин экилган майдонларга кириб келади. Бундай ҳолларда деҳқонлар яна янги ер очиб, уни тозалайдилар ва бундай жараён яна давом этаверади. Биз табиий ҳисоблайдиган баъзи бир ландшафтлар, масалан, жанубий-ғарбий Грециянинг майда, паст бўйли дарахтлар ўсиб ётган тоғлиқ манзаралари хаёлни олганда бундан беш минг йил муқаддам яшаган қадимги юнон деҳқонлари фаолиятининг оқибати бўлган тупроқ эрозиясининг натижаси эди.

Лекин барибир инсониятнинг ҳозирги замон индустрияси пайдо бўлгунича, умуман олганда, одамнинг табиатга кўрсатадиган салбий таъсири нисбатан суст бўлган. Табиатнинг инсон ҳаётига кўрсатадиган таъсири унинг табиатга кўрсатадиган таъсиридан кўра анча кўпроқ бўлган. Лекин одамларнинг бугунги кунда табиатга қилаётган ҳужумлари шу қадар шиддатли тус олдики, ер юзида инсон таъсирига дуч келмаган қарийб ҳеч бир табиий жараён қолмади. Ишлов бериш учун яроқли бўлган деярли барча ерлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида фойдаланилмоқда. Бир вақтлар одам оёғи етмаган жойлар минглаб туристларнинг дам олиш жойига айлантирилган. Саноат ишлаб чиқаришнинг глобал тарзда ривожлантирилиши ҳатто ер юзидаги иқлимга ҳам таъсир кўрсатди.

Атроф-муҳитга хавф келтириб чиқараётган кишиларга жавобан ҳар хил яшил ҳаракатлар ва сиёсий партиялар пайдо бўлмоқда («Ер дўстлари» ва «Гринпис» типидagi ҳаракат ва партиялар шулар жумласидандир), уларнинг кўпчилиги ўз характериға кўра интернационал ҳаракат ва партиялардир. Яшил ҳаракатнинг кўпгина турли хил фалсафаси ҳам мавжуд бўлиб,

²⁴ Mckibben B. The End on Nature. Harmondsworth, 1990.

лекин уларнинг ҳаммасида битта умумий бош йўналиш мавжуд — бу теварак атрофдаги табиатни ҳимоя қилишга қаратилган хатти-ҳаракатларни амалга оширишдан, дунё ресурсларини келгуси авлодларга асраб-авайлаб қолдириш ва ҳайвонот оламининг қолган турларини ҳимоя қилишдан иборат. Сўнги 50 йил ичида ҳайвонларнинг юзлаб турлари ер юзидан бутунлай йўқолиб кетди. Ҳозирги пайтда ҳам ушбу жараён давом этмоқда.

Муайян минтақалар теварагида атроф-муҳит билан боғлиқ бўлган баъзи бир муаммолар, масалан, собиқ Совет Иттифоқининг баъзи районларида ва Шарқий Европадаги айрим жойларда ўрмонлар ҳаво саноат чиқиндилари билан ҳаддан ташқари ифлос қилиб юборилган. Лекин, агар вазият назорат қилинмаса, бундай ифлосланиш оқибатлари бутун дунё миқёсида кенгайиб кетиши мумкин. Ушбу бобда сал олдинроқ таъкидлаб ўтилганидек, бизнинг планетамизга жойлашган жамиятлар ҳозирги вақтда илгари ҳеч қачон кўрилмаган даражада бири-бирига боғланиб қолишган. Атроф-муҳитнинг ифлосланиб, бузилиб кетиши — образли қилиб айтганда «Ер космолёти» бортида кетаётган ҳар бир саёҳатчига, у кеманинг қаерида бўлишидан қатъий назар, хавф солиб тураверади.

Хавф манбалари

Атроф-муҳитга хавф соладиган манбаларнинг ер юзидан бир қанча асосий турлари мавжуд: қисқа бир муддат ичида йўқ қилиб ташлаш, иккиламчи ишлов бериб бошқа бир фойдали буюмга айлантиришнинг иложи бўлмайдиган чиқиндиларнинг вужудга келиши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, ўрнини тўлдириб бўлмайдиган ресурсларнинг тугаб бораётганлиги — мана шундай хавфлар ҳисобланади. Гап чиқиндилар ҳақида бораётганида кўпинча одамлар кўз олдида ахлат яшигидаги нарсалар келади. Маиший чиқиндилар чиндан ҳам атроф-муҳит учун муҳим муаммо ҳисобланади. Саноатлашган жамиятларда ҳар куни ақл бовар қилмайдиган даражада кўп миқдорда маиший чиқиндилар чиқарилади. Баъзан бундай мамлакатларни «чиқинди чиқарувчи жамиятлар» деб аташади. Чунки ушбу жойларнинг аҳолиси ташлайдиган чиқиндилар ҳажми ғоят каттадир. Масалан, озиқ-овқат маҳсулотларини кўпинча пакети билан сотиб оладилар-да, кейин куннинг охирига бориб, пакет бўшагач, уни ташлаб юборадилар. Мана шу ташланган чиқиндилардан ниманидир қайта ишлаш ва иккинчи марта фойдаланиш ҳам мумкиндир-у, лекин уларнинг кўп қисмини такрорий фойдаланишнинг ё иложи бўлмайдиган ёки бундай ишни ҳеч ким бажармайди. Пластмасса буюмларнинг баъзи бир кенг тарқалган турлари шунчаки бир фойдасиз ахлатга айланиб кетмоқда. Бундай пластмасса буюмларни қайта ишлаш усуллари мавжуд эмас, шунинг учун чиқиндиларни ахлатларга олиб бориб ташлашга тўғри келмоқда.

Аммо аналитик-инвайроменталистлар чиқиндилар тўғриси-

да гапирганда, биз кераксизлиги туфайли ташлаб юборадиган маҳсулотларнигина назарда тутмай, шу билан бирга, атмосферага чиқариб ташланадиган кўзга кўринмас газсимон моддаларни ҳам назарда тутадилар. Бу хилдаги баъзи бир чиқиндилар глобал миқёсдаги жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Ҳавога тарқаладиган карбонат ангидрид гази бунинг мисоли бўлиши мумкин. Бундай газлар нефть ва кўмир сингари ёнилғилар ёндирилгандан кейин ажралиб чиқиб, атмосферага тарқалади. Автомобиллар ва электр станциялари яна шундай ёнилғи билан ишлаб, ҳавога озмунча газ чиқарадими?! Аэрозол ўрамлар, изоляцион материаллардан фойдаланиш натижасида ҳавога чиқариладиган газлар, ҳавони тозалаб берувчи кондиционерлардан фойдаланиш натижасида атмосферага чиқариб ташланадиган газлар ҳавони булғайди. Карбонат ангидрид гази — бугунги кунда глобал миқёсда об-ҳаво исиб кетиши жараёнларининг асосий сабабчисидир. Кўпчилик олимларнинг фикрига қараганда, ҳозирнинг ўзида газлар ер атрофидаги озон қатламига ҳам ҳужум қила бошлаган²⁵.

Глобал кун исиши қуйидаги тарзда содир бўлмоқда, деб ҳисобланади. Ер атмосферасида карбонат ангидрид газининг тўпланиши — гўё парникдаги ойна сингари таъсир кўрсатади. У қуёш нурларига ўтиб олиш имконини беради-ю, лекин улардан пайдо бўлаётган иссиқликнинг чиқиб кетишига бир тўсиқ сингари қаршилик қилади. Натижада ер қизиб кетади. Шунинг учун куннинг глобал тарзда исиб кетаётганлигини баъзан «парник эффекти» деган ибора билан ҳам атамоқдалар. Агар шундай ҳол чиндан ҳам содир бўлаётган бўлса, унинг оқибатлари жуда ёмон бўлади. Ҳаммасидан ҳам ёмони — қутб музликлари эриши натижасида сув кўпаяди, ҳавонинг ҳарорати кўтарилади ва океанларнинг майдони кенгайиб, денгиз сувларининг сатҳи кўтарилиб кетади. Дарё ва денгиз соҳилларида ёки паст текисликларда жойлашган кўпгина шаҳарлар сув остида қолиб, яшаш учун яроқсиз ҳолга келади. Катта-катта ҳосилдор, унумли ер массивлари ҳаво қизиби кетганлиги сабабли чўл, саҳроларга айланади.

Ер атмосферасининг юқори қисмига жойлашган озон қатлами ўзига хос бир қалқон бўлиб, ҳаммамизни ультрабинафша қуёш нури билан нурланишдан ҳимоя қилиб туради. Аэрозолларда ва холодильникларнинг кўпгина моделларида қўлланилаётган газлар озон қатлами билан реакцияга киришиб, унинг кучини қирқади. Мана шу химикатлар икки қутбдаги озон қатламида «гуйнук» ҳосил қилган бўлиши керак, деб ҳисобланади. Атмосфера қатламини ёриб ўтаётган қуёш радиацияси кўпгина жуда хавфли оқибатларга олиб келиши, жумладан, кишининг кўр бўлиб қолишига олиб келадиган катарактга касали ҳамда

²⁵ Seymour J., Cirardet H. Far From Paradise: The Story of the Human Impact on the Environment. London, 1990.

тери раки — саратон касалига учраган кишилар сонининг кўпайиб кетишига олиб келади.

Жаҳонда ҳозирги замон саноати ривожланиб, унинг миқёслари кенгайиб бораётганлиги энергия ресурслари ва хомашёга бўлган талаб ҳам кескин даражада ўсиб кетишига олиб келади. Бироқ, бу нарсаларнинг ер юзидаги захираси чекланганлиги кундай равшан-ку! Ҳатто ҳозирги суръатлар билан истеъмол қилинган тақдирда ҳам, бутунги кунда маълум бўлган нефть захиралари 2059 йилга бориб батамом ишлатиб бўлиши мумкин. Албатта, ҳали яна янги-янги нефть конларини топишга, ёки янги арзон энергиянинг муқобил манбаларини ихтиро қилишга муваффақ бўлинар, лекин шу нарса мутлақо равшанки, агар глобал истеъмол қилиш чекланмас экан, ернинг баъзи бир зарур ресурслари мутлақо тугаб қолади.

Атроф-муҳит: социологик муаммоми?

Ҳўш, нима учун атроф-муҳит тозалиги — социологлар бош қотирадиган муаммо бўлар экан? Ахир биз бу иш технология соҳасидаги мутахассисларга мутлақо тааллуқли бўлган иш деб айтяпмиз-ку! Чунки одамнинг табиатга кўрсатадиган таъсири — бу ҳозирги замон саноат ишлаб чиқариши технологияси туғдирган жисмоний таъсир кўрсатиш-ку! Шу билан бирга, ҳозирги замон саноати ва технологияси муайян ижтимоий институтлар билан боғлиқ ҳолда вужудга келган. Бизнинг атроф-муҳитга кўрсатадиган таъсиримиз худди шундай кўпгина оқибатларнинг каби ижтимоий манбаларидир.

Шунинг учун дунё миқёсида атроф-муҳитнинг эҳтиёт қилиб сақлаб қолиниши фақат технологик ўзгаришларнигина эмас, балки ижтимоий ўзгаришларни ҳам назарда тутати. Юқорида кўриб ўтилган глобал тенгсизликни ҳисобга олганда, учинчи дунёнинг камбағал мамлакатлари бой мамлакатлар томонидан вужудга келтирилган экологик муаммоларни деб, ўзларининг иқтисодий ўсишларини қурбон қила олмайдилар. Лекин барибир ерда, афтидан кўпчилик саноат мамлакатларнинг фуқаролари ўрганиб қолган турмуш даражасига ўхшаган ҳаётни ҳар бир киши учун таъминлаб берадиган даражада ресурслар мавжуд бўлмаса керак. Бинобарин, дунёнинг камбағал ва қашшоқ районлари тўқ ва фаровон яшаётганларга етиб олсалар, у ҳолда бойлар, албатта, ўзларининг муттасил иқтисодий ўсишга нисбатан умид-орзуларини қайтадан кўриб чиқишлари керак бўлади. Кўпгина «яшил» муаллифларнинг таъкидлашларича, бой мамлакатларнинг аҳолиси ўзларининг истеъмолчилик идеалларидан воз кечишлари ва анча соддароқ турмуш тарзи билан ҳаёт кечиришга ўтишлари лозим, зеро фақат шундай йўл тутиш орқалигина глобал экологик ҳалокатдан қутилиб қолиш мумкин²⁶.

²⁶ Good R., Green. Political Theory. Cambridge, 1992.

Оммавий ахборот воситаларининг глобаллашуви

Ахборот қабул қилиш ва ахборот узатиш воситалари кенг тарқалиб бораётганлигини ҳамма ерда учратиш мумкин. Амалда жаҳоннинг барча мамлакатларида миллий телевидение хизмати ташкил этилган. Дунёдаги фойдаланилаётган телевизион приёмниклар сони 1960 йилларнинг ўрталаридаги 190 миллионгадан 1991 йилда 1.200 миллионгагача кўпайди. Радиоприёмниклар ундан ҳам кўпроқ миқдорда тарқалган. Видеоплейерлар ва видеомангитофонлар нисбатан бироз орқада қолмоқда, лекин оммавий маданият тимсоллари ва ахборотларни тарқатиш учун улар гоят катта имкониятга эгадир. Мана шу вазиятлар ҳозир **жаҳон миқёсидаги информацион тартиблар** вужудга келаётганлигини — яъни ахборот ишлаб чиқариш, тарқатиш ва ундан фойдаланишнинг халқаро системаси вужудга келаётганлигини кўрсатади.

Янгиликлар

Муттасил пайдо бўлаётган янгиликлар оқимини унча кўп бўлмаган ихтисослашган агентликлар бошқариб туради. Улар бутун дунёдаги газеталар, радио- ва телевизион станцияларга янги-янги ахборотларни етказиб бериб турадилар. Британиянинг Рейтер агентлиги шундай агентликларнинг биринчилардан бўлган эди. ХАВАС деб аталган француз компанияси билан ҳамкорликда улар 1870 йилдаёқ ер шарини ахборот олиш бўйича экскпозив зоналарга бўлишиб олишган эди. Шунда Рейтер агентлигига Буюк Британия, Голландия ва уларга қарам бўлган, ўша кезларда Африка билан Осиёнинг каттагина қисмини эгаллаб олган мамлакатлар теккан эди. ХАВАС Францияни, Италияни, Испанияни, Португалияни ва бошқа Яқин Шарқдан баъзи бир минтақаларни олган эди. 1876 йилда Рейтер агентлиги ХАВАС нинг Жанубий Америкага бўлган мутлақ ҳуқуқини тан олади, ўзи ўша вақтдан бошлаб Ҳинду-Хитойдан ташқари бутун Узоқ Шарқни ҳамда Австралия билан Океанияни ўз ихтиёрига олади. Ҳар иккала агентлик ҳам дунёдаги энг йирик Америка агентлиги — Ассошиэйтед Пресс (АП) билан ахборотлар алмашиб туради.

Америка газеталарига материаллар етказиб берар экан, АП ўша кезларда икки Европа агентлигига қарам ҳолда фаолият кўрсатарди. Бироқ, Биринчи жаҳон урушидан кейин етакчи Америка агентликлари ер юзининг кўп қисми учун ўзларининг Европадаги рақиблари билан бемалол беллаша бошладилар. АҚШнинг икки йирик агентлиги — АП билан ЮПИ (Юнайтед Пресс Интернэшнл) — илгаригидек Қўшма Штатлардаги газеталар, радио ва телевидениедан ўз даромадларининг катта қисмини олиб турдилар, шу билан улар бутун дунё учун янгиликлар етказиб бериш соҳасида катта нуфузга эришишга муваффақ бўлдилар.

Рейтер, АП ва ЮПИ, шунингдек, Франс Пресс деган ном билан ХАВАС агентлиги ўрнини эгаллаган агентлик халқаро янгиликларни, бутун дунё бўйлаб эшиттириладиган хабарларнинг каттагина қисмини назорат қилиб борадилар²⁷. Ушбу тўртта агентлик ичида ҳозирги вақтда йириги ҳисобланган ЮПИ агентлиги 114 мамлакатда ўзининг 6400 ёш мухбирларига эга, уларнинг хабарлари дунёдаги 48 тилга таржима қилинади. Ушбу агентликлар томонидан тўпланган ва бир вақтлар Морзе алифбоси ёрдамида ёки телефон орқали узатилган ахборотлар ҳозир компьютер ва йўлдош бўйича трансляция қилинмоқда. Мана шу тўртта агентликда ушбу каналлар орқали ҳар куни 34 миллион сўз узатилади. Улар жаҳондаги газеталар, радио ва телевидениелар берадиган барча янгиликлар ҳажмининг ўндан тўққиз қисмини етказиб берадилар²⁸.

ТАСС (Совет Иттифоқи телеграф Агентлиги) ҳам энг йирик агентликлардан бири ҳисобланади. ТАСС амалда барча маҳаллий газеталар ва Совет Иттифоқи радиостанциялари учун барча халқаро янгиликларни етказиб туради. Энг муҳим умуммиллий газеталар ва телевидение ҳам унинг хизматидан фойдаланиб келган. ТАСС ташкил этилган пайтда, 1925 йилда унга мислсиз даражада катта ҳуқуқлар берилган. У Совет ҳукумати номидан чиқадиган барча ахборотларни мамлакат ичида ва чет элларда тарқатиш ҳуқуқига эга бўлган. Амалда Совет ҳукуматининг ушбу органи фақат халқаро ахборотларни узатиш учунгина мўлжалланган бўлмай, балки Совет Иттифоқини унга мақбул бўлган шаклда бутун дунёга кўз-кўз қилиш учун тузилган орган эди. ТАСС ахборотлари хорижий мижозларга бепул тарқатилар эди. Бу эса учинчи дунёнинг кўпгина мамлакатларини унинг хизматларидан фойдаланишга мажбур этар эди.

ТАСС зўравонлигига қисман бўлса ҳам қарама-қарши туриш мақсадида Ёзувчига Союзи ва Журналистлар Союзи ҳамкорликда 1961 йилда «НОВОСТИ» агентлигини таъсис этдилар. Ушбу агентлик жуда тез ўсиб кетди; у хорижий тилларда газеталар ва журналлар чоп этиб чиқара бошлади, шунингдек, чет элларда кенг миқёсдаги ишларни олиб борадиган ўз тармоқларига ва бюроларига эга бўлди. Унинг чет эллардаги ваколатхоналари етакчи ғарб ташкилотлари эга бўлган имкониятлардан кам бўлмаган даражадаги мураккаб коммуникацион технологиялардан фойдаланардилар. Совет Иттифоқидан ташқари жойларда ТАСС ва «Новости» агентликлари унчалик катта обрў-эътиборга эга бўлмасалар-да, ҳар ҳолда ғарб агентликларининг таъсири остида улар билан бўйлашиб фаолият кўрсатиб келар эдилар.

²⁷ Mattelart A. Multinational Corporation and Control of Culture: The Ideological Apparatuses of Imperialism. Atlantic Highlands, 1979.

²⁸ Smith A. Goodbye Gutenberg: The Newspaper Revolution of the 1980 s. Oxford, 1980.

Кино, телевидение, реклама ва электрон коммуникация

Телевизион дастурлар, фильмлар ишлаб чиқариш, рекламалар тайёрлаш ва тарқатиш соҳасида ҳамда ахборотларни электрон коммуникация воситалари орқали узатиш соҳасида Америка фирмалари етакчи ўринни эгаллайди.

Кино

Дастлабки бадиий фильмлар дунё юзини кўрган йигирманчи йилларда Голливуд жаҳондаги барча киноленталарнинг бешдан тўрт қисмини чиқарар эди. Кино саноатида Қўшма Штатлар бутунги кунда ҳам етакчи роль ўйнамоқда. Кўпгина мамлакатларнинг ҳукуматлари ўз кино фирмаларини ривожлантиришга катта-катта маблағлар ажратмоқдалар-у, лекин бадиий фильмлар экспорти бўйича жаҳондаги ҳеч бир мамлакат Қўшма Штатлар билан тенглаша олмайди. Масалан, Буюк Британияда ҳар йили кўрсатиладиган фильмларнинг 40 фоизини Америка фильмлари ташкил этади²⁹. Италия, Япония ва Ғарбий Германия каби ўзи фильмлар экспорт қиладиган бошқа кўпгина мамлакатлар ҳам катта миқдорда Америка ленталарини сотиб оладилар. Жанубий Америкада уларнинг ҳиссаси кўпинча 50 фоиздан ошиб кетади. Осиё, Африка ва Яқин Шарқ мамлакатларининг кўпчилигида ҳам тахминан шундай нисбатни кўриш мумкин. Таиландда Америка фильмлари оз эмас-кўп эмас, мамлакатда кўрсатиладиган барча фильмларнинг 90 фоизини ташкил этади.

Телевидение

Телевидение дастурлари ишлаб чиқаришда Америка корпорациялари билан бир қаторда, Британия корпорациялари ҳам кенг қўламда иштирок этади. Агар телекўрсатувлар умумий ҳажмидан бадиий фильмлар чиқариб ташланса, Британия телевизион экспортидан олинадиган даромадлар тахминан АҚШнинг шу соҳадаги даромадларига тенг келади. Бироқ Британия дастурларининг аксарияти ягона бир бозорда — фақат Қўшма Штатларнинг ўз бозорида сотилади. Шунинг учун Америка телевизион дастурларининг халқаро таъсири чиндан ҳам кучли ҳисобланади.

Реклама

Дунёдаги энг йирик реклама фирмаларининг ўндан тўққиз қисми Шимолий Американинг фирмаларидир. Канада, Ғарбий Германия, Франция, Буюк Британия ва Австралия реклама агентликларининг ярмидан кўпи — Америка агентликларидир. Осиё, Африка ва Жанубий Америкадаги кўпгина давлатлар-

²⁹ Smith Anthony. How Western Culture Dominates the World. Oxford, 1981.

нинг энг йирик реклама агентликлари ҳам ё Америка агентлиги, ёки Америка компанияларига қарашли бўлган агентликларга тегишлидир. Жаҳондаги реклама агентликларининг биринчи ўнта энг йирик агентлиги трансмиллий корпорацияларда ўзининг кўплаб филиалларига эга. «Мак Кэнн Эриксон» ёки «Саатчи ва Саатчи» сингари энг муҳим реклама агентликлари кўпчилик мамлакатларда бир вақтда ўтказиладиган реклама тадбирларини мувофиқлаштириш учун мунтазам равишда улкан трансмиллий корпорациялар томонидан ишга таклиф этилиб туради.

Электрон коммуникация

Электрон каналлар соҳасида ҳам Американинг таъсири зўр. Ушбу каналлар катта миқдордаги ахборотларни узатиш учун кенг миқёсда қўлланилади. Ҳозирги замон давлатларининг ҳам, йирик корпорацияларнинг ҳам иши мана шу ахборотларга боғлиқ бўлади. Банк ишлари, жаҳондаги пул амалиётлари ҳамда баъзи бир телекўрсатувлар ва радиоэшитирувчиларнинг айрим турлари учун ғоят катта аҳамиятга молик бўлган телекоммуникация каналлари ҳам асосан америкаликлар қўлида. Қўшма Штатларда ўз базасини қурган «Интернэшнл Бизнес машинз» (ИБМ) фирмаси энг йирик трансмиллий корпорацияларнинг бири ҳисобланади. Унинг халқаро ахборотлар оқимига, айниқса, компьютер ресурсларига тааллуқли бўлган ахборотларга кўрсатадиган таъсири ғоят катта. Америка ҳукумати ва Қўшма Штатларнинг бошқа ташкилотлари Жаҳон Ахборот Банкларидида сақланаётган барча билимларнинг ўндан тўққиз қисмидан фойдаланиш имконияти борлиги ҳисоблаб чиқилган.

Бир қанча мустақил фирмаларнинг бир-бирига қўшилиб кетиши натижасида 1989 йилда вужудга келган жаҳондаги энг йирик информацион компания — «Таймс-Уорнер» ҳам Американикидир. У ерда 350000 ходим ишлайди. Европада, Лотин Америкасида, Осиёда ва Австралияда унинг фармоқлари — шўъба корхоналари мавжуд. Унинг фаолияти — фильмлар ишлаб чиқариш, видео ва телевизион дастурлар тайёрлаш, китоблар нашр этиш ва мусиқий ёзувлар ишлаб чиқишга йўналтирилган. Қарийб шунга ўхшаб кетадиган йирик информацион корпорациялар австралиялик бизнесмен Руперт Мёрдок ҳамда италиялик тадбиркор Сильвио Берлускони томонидан ҳам таъсис этилган. Мана шундай компанияларнинг еттигаси кино, радио ва телевидение соҳасидаги глобал — яъни жуда катта ишларнинг дунё бўйича ярмидан кўпроғи бажарилишини таъминлаб келмоқда.

Оммавий ахборот воситалари империализми

Оммавий ахборот воситалари ишлаб чиқариш ва тарқатиш соҳасида чет эл мамлакатлари ва биринчи навбатда Қўшма Штатлар тутган позиция кўпчилик тадқиқотчиларни оммавий ахборот воситалари империализми деган иборани ишлатишга

мажбур қилмоқда. Уларнинг таъкидлашича, ягона маданият империяси шакллантирилган. Бунда ҳаммадан кўра кўпроқ учинчи дунё мамлакатлари азият чекмоқдалар, чунки улар ўз маданий мустақиллигини сақлаб қолиш ва ҳимоя қилиш учун ҳеч бир воситага эга эмас.

Электрон ахборот воситалари орқали Фарбнинг маданий маҳсулотлари бутун дунё бўйлаб тарқатилади. Пико Айер «Катмандудаги видео кечалар» ҳақида ва Балидаги дискотекалар тўғрисида гапиради³⁰. Америка видеофильмларини кўриб ўтириш, ҳатто Эрон Ислом Республикасида ҳам одатдаги оддий иш бўлиб қолган. Бу гап «қора бозор»да сотиладиган Фарбнинг поп (оммавий) мусиқалари ёзилган аудио кассеталарга ҳам таллуқлидир³¹.

Герберт Шиллер Америка фирмаларининг глобал коммуникацион жараёнлар устидан назорат ўрнатиши бир қатор омиллар билан боғлиқ, деб ҳисоблайди. Унинг таъкидлашича, Америка телевидениеси ва радио эшиттириш тармоқлари тобора кўпроқ даражада федерал ҳукумат таъсирига, ва айниқса, Мудофаа вазирлиги таъсирига тушиб қолмоқда. У шунини ҳам кўрсатиб ўтадики, Эн-Би-Си телевизион кўрсатув ва радио эшиттириш тармоқларининг эгаси бўлган Эр-Си-Эй компанияси айни бир вақтда Пентагоннинг, АҚШ Куролли Кучлари штаб-квартирасининг энг йирик субпудратчиси ҳам ҳисобланади. Америка телевизион экспортида реклама билан бир қаторда тижоратга айланттирилган, маҳаллий маданиятнинг ҳар хил шакллари бузадиган маданият ҳам тарғиб қилинади. Ҳатто ҳукуматлар ўз мамлакатаида кўшни мамлакат тижорат эшиттиришларини ман этган ҳолларда ҳам, радиоэшиттириш ва телекўрсатувларни кўпинча кўшни мамлакатлардан қабул қилишга тўғри келади³². Худди шундай фикрни Жанубий Америка бўйича ихтисослашган мутахассис Алан Уэллс ҳам айтиб ўтади. Кўпчилик Лотин Америкаси мамлакатларида телевидение, асосан, Шимоллий Америка манбалари ҳисобидан молиялаштирилади ва бунда кўпинча Америка реклама агентликлари билан боғлиқ бўлган АҚШ компаниялари ҳам иштирок этади³³.

Модомики, энг йирик фарб агентликлари жаҳон бўйича тарқалаётган янгиликлар оқимини назорат қилиб турар экан, бунда «биринчи дунё» нуқтаи назари юборилаётган ахборотлар мазмунига сингдирилиб, уларга ўз таъсирини ўтказилади.

Шиллер ва Уэллс, ҳойнаҳой, муболаға қилишаётир. Негаки, Қўшма Штатлардан тарқатиладиган телевизион ва кино-экспорт материаллари бутун дунё бўйича тарқатилаётган шун-

³⁰ Lyer P. Video Nigts in Katmandu. New York, 1989.

³¹ Sreberny-Mohammadi A. Media integration in the Third World. In: B. Grobeck et al. Media, Consciousness an Culture. London, 1992.

³² Schiller H. Mass Communications ans American Empire. New York, 1969.

³³ Wells A. Picture Tubo Imperialism? The Impact of US Television on Latin America. New York, 1972.

дай маҳсулотларга нисбатан анча камайиб кетган. Учинчи дунё мамлакатларидаги ўн давлатнинг радио ва телевизион тармоқлари вужудга келишида бир қатор *институционлаштириш босқичларини* кузатиш мумкин, деган мулоҳазани айтиб ўтганлар. Биринчи босқичда ташқаридан қабул қилиб олинган, кўпинча Кўшма Штатлар, Буюк Британия ёки Франциядан олинган эшиттиришлар модели қабул қилинган. Бу модель системани бундан буён янада ривожлантириш учун асос бўлган. Ушбу даврда оммавий ахборот воситалари импорт қилинган маҳсулотлар билан тўлдирилади. Иккинчи босқичда ўз радио ва телевизион қувватлари пайдо бўлади ва ушбу система энди кўпроқ даражада маҳаллий жамиятга мўлжалланган фаолият кўрсата бошлайди. Учинчи босқичда ишга ҳукумат аралашади, унинг кўрган ҳал қилувчи чора-тадбирлари Фарбнинг зўравонлигини маълум даражада жиловлаб туради³⁴.

Учинчи дунё мамлакатлари лидерларининг таклифлари билан 1970 йилларнинг охирида ЮНЕСКО Коммуникация муаммоларини ўрганиш бўйича Халқаро Комиссия таъсис этади. Комиссиянинг доклади кейинчалик китоб ҳолида «Дунё бир — овозлар ҳар хил» деган ном билан чоп этилади³⁵. Ушбу комиссия халқаро янгиликлар оқими системаси ишидаги хатолар юзасидан ривожланаётган мамлакатлар вакилларининг шикоятлари устида иш олиб боради. Лекин бу ерда муаммоларни ҳал қилишдан ҳам кўра кўпроқ янги-янги масалалар кўтариб чиқилди. Кейинчалик бу ҳақда сўров тадбири ҳам ўтказилди. Ундан мақсад комиссия маърузасида ифода этилган идеаллар қай даражада амалга оширилганлигини аниқлашдан иборат эди. Учинчи дунё оммавий ахборот воситаларининг сўровда қатнашган кўпчилик ходимлари янгиликлар оқимида илгаригидек биринчи дунё мамлакатларининг нуқтаи назари устун туришини таъкидлаб ўтдилар. Лекин улар икки томонлама ахборот алмашув даражаси анча юксалганлигини ҳам кўрсатиб ўтдилар³⁶.

Бошқа дастурларга нисбатан вазият ҳали-ҳамон жуда мураккаблигича қолиб келмоқда. Оммавий ахборот воситаларини тадқиқ этувчи олимларнинг 1990 йилнинг ёзида Бразилияда бўлиб ўтган учрашувида барча томонлар бир умумий фикрга келиб, сўнгги 20 йил мобайнида Лотин Америкасининг телевидение ва киносида Кўшма Штатларнинг таъсири яна ҳам ортиб кетганлигини таъкидлаб ўтдилар. Бразилиянинг ўз телевизион маҳсулотлари ҳатто Америка маҳсулотларига қараганда ҳам кўпроқ даражада тижорат материалларини бера бошлаган ҳамда яна ҳам кўпроқ даражада истеъмолчилик қарашларини

³⁴ Katz Elihi et al. Broadcasting in the Third World: Promise and Performance. London, 1978.

³⁵ MacBride S. en al8 Many Voices, One World. London, 1988.

³⁶ Kumar K. J., Biernatzki W. E. International news Flows // Communication Research Thends. Vol. 10. 1992.

тарғиб қилган. Лекин ер йўлдоши орқали эшиттириш ва кўрсатувлар олиб боришнинг ривожланиши ҳамда кабель телевидениесининг тараққий этиши билан маданий маҳсулотлар аста-секин ҳийла ранг-баранглик касб эта бошлайди. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, қайси маҳсулот кўпроқ манзурлиги ҳақида гап кетганида, одатда, миллий ишлаб чиқариш маҳсулотлари устувор ўрин тутади.

Баъзи бир кузатувчилар келгусида телекоммуникацион технологиялар соҳасидаги дунё бўйича мавжуд бўлган тенгсизлик яна ҳам кўпроқ даражада ортади деб ҳисоблашмоқда. Оммавий ахборот воситаларининг машҳур тадқиқотчиси бўлган Энтони Смит бундай деб ёзади:

«Мустақилликка XX аср охирида пайдо бўлган хавф колониализмдан кўра, энг янги электроникадан иборат бўлган технология томонидан анча кучлироқ бўлиши мумкин. Деколонизация ва миллий уйғонишнинг пайдо бўлиши — бу империя муносабатларининг тугаганлигини эмас, Ренессанс — Уйғониш замонларидан буён читаллашиб келаётган геополитик тўрнинг оддийгина кенгайиши эканлигини биз энди-энди тушуна бошляямиз. Янги информацион воситалар уни «идрок этаётган» маданиятта ғарбнинг бундан олдинги ҳар қандай технологиясига қараганда анча чуқурроқ кириб боришга қодирдир. Бунинг натижаси киши тасаввурига сигмайдиган тўполонларга айланиб кетиши мумкин. Натижада ривожланаётган мамлакатларда шусиз ҳам мавжуд бўлган ижтимоий зиддиятлар чуқурлашиб кетиши турган гап. Биз Ғарбда ҳозир Ер атрофида айланиб юрган 2500 алоқа йўлдошлари тўғрисида ахборот узатадиган передатчиклар сифатида фикр юритамиз. Жуда кўп жамиятлар учун улар шундай сўрғичларга айланиб кетиши мумкинки, бу сўрғичлар орқали зарур маълумотларни бошқа жойга етказиш ва ишлаб чиқиш учун сўриб олинishi ҳеч нарса эмас».³⁷

Хулоса

Хўш, ушбу бобда баён этилган жараёнларнинг натижаси қандай бўларкин? Келажакда ер шари дунёда мавжуд бўлган қандайдир шаклдаги бирорта ҳукумат раҳбарлик қиладиган ягона бир сиёсий системага айланармикан? Шубҳасиз, глобаллаштириш жараёнлари ижтимоий жиҳатдан ғоят муҳим бўлган ўзгаришлар қаторида туради ҳамда айрим олинган бирор жамиятни ўрганиш билан чекланадиган социологик таҳлиллар тобора эскириб архаик усулларга айланиб бораётганга ўхшайди. Сиз билан бизнинг ҳаётимизга тааллуқли бўлган экологик бўрон муаммоси ва йирик масштабдаги ҳарбий конфронтациянинг олдини олиш каби кўпгина фундаментал муаммолар ўзининг миқёсига кўра ҳеч шубҳасиз глобал муаммолар ҳисобланади.

Лекин, барибир, тобора кенгайиб бораётган иқтисодий ва маданий ўзаро алоқадорлик ва бир-бирига боғлиқ бўлиб қолиш ҳоллари кучайиб бораётганига қарамасдан, бутун дунё миқёсидаги глобал система ришталарини нотенглик узиб ташламоқда. Агар таъбир жойиз бўлса, у фақат умумий манфаатларигина

³⁷ *Smigh Anthony. How Western Culture Dominates the World. Oxford, 1981.*

эмас, балки бир-бирига қарама-қарши муносабатлари ҳам мавжуд бўлган давлатлардан ташкил топган, худди бир «қуроқ кўрпа»га ўхшайди. Яқин келажакда айрим давлатлар ўртасидаги қарама-қаршиликка барҳам бера оладиган сиёсий консенсус ўрнатилиши мумкинлигини англатадиган реал белгилар кўринмайди. Бора-бора дунё бўйича битта ягона жаҳон ҳукумати вужудга келиши ҳам мумкиндир, лекин бу воқеа узоқ вақт давом этадиган ўзгаришлар жараёнининг натижаси сифатида содир бўлиши мумкин. Бутунги дунёнинг энг даҳшатли, кишини ташвишга соладиган белгиларидан бири шуки, глобаллаштиришнинг кучайиши сиёсий интеграциянинг юз бериши билан, ё бўлмаса бойлик ва ҳокимият ўртасидаги дунё бўйича мавжуд дисбаланснинг камайиши билан бирга кечмаётганлиги ҳисобланади. Кўп маънода ер юзи анча яхлитлашиб бормоқда ва баъзи бир миллатлар ўртасида мавжуд бўлган зиддиятларнинг анъанавий манбалари йўқолиб бормоқда (2-бобга қаранг, «Уруш ва ҳарбий кучлар»). Ҳар ҳолда бой ва камбағал жамиятлар ўртасидаги жарлик чуқурлашиб, ўзининг энг сўнгги даражасига етди ва у энди осонлик билан жиддий халқаро кескинлик манбаига айланиб қолиши мумкин. Чунки ҳозир ер юзида шу сингари кескин вазиятларни самарали равишда назорат қилиб туриши ёки тўпланиб қолган бойликларни қайтадан тақсимланишига ёрдам берадиган марказий глобал ташкилот мавжуд эмас.

Бобнинг қисқача мазмуни

1. Жаҳон ҳамжамияти тобора бир-бирига боғлиқ бўлиб бормоқда — ушбу жараён глобаллашув жараёни сифатида маълум ва машҳур бўлиб кетди. Дунёдаги ижтимоий муносабатлар sanoатлашган мамлакатлар билан учинчи дунё мамлакатлари ўртасидаги йирик масштабли нотенглик билан маҳкам боғлиқдир. Бойлик ва турмуш даражасидаги жуда катта фарқлар sanoатлашган мамлакатларни учинчи дунёнинг камбағал давлатларидан ажратиб, узоқлаштириб туради.

2. Учинчи дунёнинг кўпчилик жамиятлари бир вақтлар Фарбнинг колониал ҳукмронлиги остида яшаган минтақаларга жойлашган. Уларнинг кўпчилиги фақат Иккинчи жаҳон урушидан кейингина мустақил давлатлар бўлди. Гарчи, учинчи дунё мамлакатларининг кўпчилиги индустриал жамиятларга қараганда ҳаддан ташқари камбағал бўлсалар-да, уларнинг унча катта бўлмаган бир қисми (янги индустриал мамлакатлар) яқинда қудратли иқтисодий сакрашни бошдан кечирдилар.

3. Ер юзида ҳар йили очликдан ва тўйиб овқатланмаслик билан боғлиқ бўлган касалликлардан миллионлаб кишилар ҳалок бўлмоқда. Бироқ аҳолининг тез кўпайиб бораётганлигига қарамасдан, дунё бўйича аҳолини боқишга етадиган озиқ-овқат ишлаб чиқарилмоқда. Дунёнинг бир қисмида одамлар оч-наҳор ётган бир пайтда, Фарб мамлакатларида ғоят кўп миқдордаги озиқ-овқатлар йўқ қилиб юборилмоқда ёки мислсиз равишда узоқ вақт сақлаб турилмоқда. Бой мамлакатлар мунтазам равишда камбағалларга кўрсатилаётган озиқ-овқат ёрдамининг даражаси ҳаддан ташқари паст — оз миқдордадир.

4. Дунёдаги озиқ-овқат захираларининг тарқатилиши кўп даражада агробизнесс — ишлаб чиқаришнинг индустриал усуллари, озиқ-овқатларга ишлов бериш ва уларни сақлаш ишлари қай даражада ривожланганлиги

билан белгиланади. Учинчи дунё мамлакатларида фаолият кўрсатаётган агробизнес фирмалари маҳаллий қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини рағбатлантириш учун ишламай, балки Фарб бозорлари учун экспорт қилишни мўлжаллаб иш олиб борадилар.

5. Глобал нотенглика олиб келган жараёнларни тушуниш ишига уч хил назарий ёндошувлар ўз ҳиссасини қўшди. *Империализм ва неоимпериализм* назарияларига мувофиқ ушбу жараёнлар ортида турувчи куч сифатида иқтисодий сабабларни кўрсатиб, уларга индустриал ишлаб чиқаришни кенгайтиришга бўлган уриниш сифатида қаралади. *Қарамлик назарияси* индустриал мамлакатларнинг учинчи дунё мамлакатларига ўзларидаги ўзаро муносабатлар типини зўрлаб ўтказишга уринишларига эътиборни қаратади. Жаҳон системаси назарияси марказлаштирилган дунё экономикасини ядро, яримпериферия, периферия ва ташқи майдон мамлакатлари ўртасидаги алоқа системаси сифатида баён этади.

6. Жаҳон тараққиёт жараёнининг муҳим белгиси *трансмиллий корпорациялар* — миллий чегараларнинг қандай бўлишидан қатъий назар икки ва ундан ортиқ мамлакатларда фаолият кўрсатадиган компанияларнинг вужудга келиши ҳисобланади. Жаҳон иқтисодий жараёнининг иштирокчиси бўлган мамлакатлар трансмиллий корпорациялар фаолиятининг маълум даражадаги оқибати сифатида ўзаро бир-бирларига боғлиқ бўлиб қолдилар.

7. Телекоммуникацион технологияларнинг ихтиро қилиниши дунёнинг турли қисмлари ўртасида бир зумда алоқа ўрнатиш имконини беради. Транспорт соҳасида қўлга киритилган ютуқлар давлатлар ўртасида мунтазам равишда ва жадал суръатда товарлар алмашинувини йўлга қўйиш имконини беради. Мана шу янгиликлар теварагида *нодавлат тузилмалар* пайдо бўлди — булар халқаро ҳамкорлик қилиш ва коммуникацияни таллаб этувчи жараёнларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ташкилотлардир.

8. Яқин келажақда башарият кутаётган энг катта хавфлар ичида энг хавфлиси — бу атроф-муҳитга солинаётган хавфдир. Ушбу муаммонинг каттагина қисми глобал характерга эга бўлиб, яхлит бир муаммо сифатида бутун бир ер юзи структурасига тааллуқлидир. Ушбу хавфнинг учта асосий манбаи бўлиб, булар — ишлатилган материалларнинг утилизация қилиниши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва минерал ресурсларнинг ба-тамом тугаб қолишидир. Атроф-муҳитнинг тақдири — бу шунчаки оддий технологик муаммо бўлибгина қолмай, балки ижтимоий муаммодир. Инсониятнинг атроф-муҳитга бу қадар фаол ҳужум бошлагани Фарбдаги ижтимоий институтларнинг глобал тарзда ривожланиши ва тарқалишининг ҳамда уларнинг муттасил иқтисодий ўсишга катта аҳамият бераётганлигининг оқибати ҳисобланади.

9. Биз ҳаммамиз ягона бир дунёда яшаётганлигимизни бугунги кунда ҳис қилиб турганлигимиз — бу маълум даражада оммавий ахборот воситалари ва коммуникациялар орқали олиб борилаётган халқаро фаолиятнинг натижаси ҳисобланади. Телевизион янгиликлар дастури халқаро тимсолларнинг бутун бир мозаикасини ташкил этади. Натижада жаҳон информацион тартиби, яъни ахборот маҳсулотларни тайёрлаш, тарқатиш ва ишлатишнинг халқаро системаси вужудга келади. Мана шу халқаро ахборот системасида индустриал мамлакатлар етакчи ўринни эгаллаётганлигини ҳисобга олиб, кўпчилик кишилар учинчи дунё мамлакатлари империалистик экспансиянинг янги шакли — оммавий ахборот воситалари империализми учун объектга айланиб қолмоқдалар, деб ҳисоблайдилар.

*глобализириш
империализм*

жаҳон системаси

Энг муҳим атамалар

*учинчи дунё
товар экинлари ишлаб чиқариш
концессион компаниялар
янги саноатлаштирилган
мамлакатлар
ялли миллий маҳсулот (ЯММ)*

*агробизнес
неоимпериализм
қарамлик назарияси
ядро мамлакатлари
жаҳон системаси назарияси
полупериферия
периферия*

*ташқи арена
трансмиллий корпорациялар
конгломератлар
этноцентрик трансмиллий
корпорациялар
полицентрик трансмиллий
корпорациялар
халқаро меҳнат тақсимоти
вертикал интеграция
нодавлат структуралар
савдо тармоқлари
жаҳон информацион тартиби*

Кўшимча адабиёт

P.Dicken. Global Shift: The Internationalisation of Economic Activity. London, 1992. Дунё иқтисодиётининг мукамал обзори.

B.Kelly and M.London. The Four Little Dragons: A Journey to the Business Boom Along the Pacific. Rim. London, 1990. Корея, Тайван, Сингапур ва Гонконгнинг жаҳон иқтисодиётига таъсири обзори.

J.Larrain. Theories of Development: Capitalism, Colonialism and Dependency. Cambridge, 1989. Тараққиёт масалаларини тушунишда асосий назарий ёндашувларни акс эттирувчи китоб.

E.Staub. The Roots of Evil. The Origins of Genocide and Other Group Violence. Cambridge, 1989. XX асрда амалга оширилган «инсониятга қарши жиноятлар»нинг энг йирикларидан баъзи бирлари таҳлил этилади.

J.Toye. Dilemmas of Development: Reflections on the Counter-Revolution in Development Theory and Policy. Oxford, 1989. Тараққиёт назариясидаги нисбатан янги бўлган радикал ўзгаришлар тадқиқ этилади.

Ҳозирги замон урбанизми

Анъанавий шаҳар

Анъанавий жамиятдаги шаҳарлар ҳозирги стандартлар бўйича, асосан, жуда кичик-кичик шаҳарлар эди. Масалан, Яқин Шарқнинг энг йирик қадимги шаҳарларидан бири бўлган Бобил бор-йўғи 8,3 кв.км майдонни эгаллар эди; афтидан бу шаҳар ўзининг гуллаб-яшнаган бир даврида 15—20 мингдан ортмайдиган аҳолига эга бўлган бўлса керак. Ер юзидаги дастлабки шаҳарлар эрамиздан тахминан 3500 йил илгари Мисрдаги Нил водийсида, ҳозирги Ироқ ҳудудидаги Тигр ва Евфрат соҳилларида ҳамда ҳозирги Покистоннинг Инд водийсида пайдо бўлган. Август императорлик қилган даврда Рим қадимги дунёнинг (Хитойни ҳисобламаганда) энг йирик шаҳри бўлган эди.

Маданият соҳасидаги фарқларга қарамай, қадимги шаҳарларнинг кўпчилигида муайян умумий белгилар мавжуд бўлган. Қоида бўйича, шаҳарлар девор билан ўраб олинар эди. Кўп ҳолларда мудрофаа аҳамиятига эга бўлган шаҳар деворлари айни бир вақтда шаҳар жамоатчилигининг қишлоқ муҳитидан ажратилганлигини кўрсатувчи бир белги эди. Жамоа йиғилишлари учун кўпинча кенг майдонни ўз ичига олган шаҳарнинг марказий қисми баъзан иккинчи — ички девор билан ўраб қўйилар эди. Гарчи шаҳарнинг ушбу қисми одатда бозорни ҳам ўз ичига олган бўлса-да, лекин барибир у замонавий шаҳарлар асосини ташкил этувчи бошқа барча районлардан мутлақо фарқланиб турар эди. Эҳромлар, саройлар ёки суд бинолари сингари маданий ва сиёсий мақсадларга хизмат қилувчи бу хилдаги иншоотлар деярли ҳар доим энг яхши бинолар бўлиб, шаҳарда устувор мавқени эгаллаб турар эди. ҳукмрон синф вакиллари ёки оқсуяк-зодагонларнинг уй-жойлари кўпинча шаҳар марказида ёки марказга яқин жойлашган бўлар эди. Оддий одамлар эса шаҳар чеккасига яқин жойларда, уларнинг айримлари эса ҳатто шаҳар деворидан ташқарида ҳам яшар, мабодо ёв ҳужум қилиб қолгудек бўлса, тезда девор орқасига ўтиб яшириниб олиш мумкин бўлсин учун иложи борица деворга яқинроқ жойларда яшар эди.

Турли этник ва диний гуруҳлар алоҳида ажратилган гуруҳларга, кўпинча ўз аъзолари яшайдиган ва меҳнат қиладиган алоҳида ҳудудларга жойлашиб олар эдилар. Гоҳида бир-бирига қўшни бўлган ушбу жамоалар ҳам девор олиб, ўз ҳудудларини чеклаб-чегаралаб қўйишар эди. Турли тантаналар ва расм-русум

маросимлари ўтказиладиган Марказий майдон кўпинча кичкина бўлиб, унга шаҳар аҳолисининг жуда оз қисмигина сигар эди. Шаҳар аҳолисининг бир-бирлари билан ўзаро алоқаси одатда тасодифий алоқалардан иборат бўлар эди. Ҳамма билиши керак бўлган хабарлар, расмий эълонлар ўзининг имконияти даражасида бор кучи билан бақирадиган жарчилар томонидан бажарилар эди. Гарчи баъзи шаҳарларда катта-катта ва гавжум ўтиш жойлари мавжуд бўлса ҳам, лекин кўпчилик шаҳарларда ҳозир биз биладиган маънодаги «кўчалар» кам эди; ҳали ҳеч ким ҳеч нарса қурмаган ерлар, одатда, бир жойдан бошқа жойга бориш йўли ҳисобланар эди. Одамларнинг кўпчилиги учун улар яшайдиган уй иш жойи ҳам бўлиб, гоҳида битта хонада жойлашган бўлар эди. Уларда «ишга бориб келиш» деган тушунчанинг ўзи йўқ эди.

Баъзи анъанавий давлатларда шаҳарлар бир-бири билан хийла мураккаброқ кўчалар тизими орқали боғланган эди, бироқ улар, асосан, ҳарбий мақсадларга хизмат қиладиган йўллар бўлиб, уларнинг кўпчилигидаги коммуникациялар ўз табиатига кўра, секин ва чекланган даражада амалга ошириладиган алоқалардан иборат эди. Саёҳатга чиқиш ҳам қийин эди; фақат савдогарлар ва ҳарбий кишилар мунтазам равишда узоқ масофаларни босиб ўтар эдилар. Қадимги давлатлардаги шаҳарлар санъат ва умуминсоний маданият мужассам бўлган макон ҳам эди, лекин уларнинг қишлоқ районларига кўрсатадиган таъсир даражаси унчалик кучли эмасди. Аҳолининг фақат озгина қисми шаҳарларда яшар эди ва шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутлар кескин фарқ қилар эди. Одамларнинг кўпчилиги кичик-кичик қишлоқ жамоаларида яшар, ҳар замонда тасодифан пайдо бўладиган амалдор ёки шаҳардан келган савдогарни ҳисобга олмаганда, ташқаридан келган кишилар билан камдан-кам учрашишар ва гоҳо умуман бегона кишиларни кўрмас ва улар билан алоқа қила олмас эдилар.

Ушбу бобда замонавий шаҳарларни ўрганиш чоғида биз яшаб турган дунёни илгариги анъанавий жамиятлардан ажратиб турувчи баъзи бир ғоят муҳим бўлган ўзгаришларни таҳлил қилиб чиқамиз. Барча саноати ривожланган мамлакатлар аҳолисининг аксарият қисми урбанизация қилинган минтақаларда яшайди. Бунинг устига ҳозирги замон шаҳарларидаги ҳаёт фақат шаҳарда яшовчи кишиларга эмас, балки бошқа ҳамма одамларга ҳам ўз таъсирини ўтказиб келмоқда. Биз сўнги юз йил ичида шаҳар аҳолиси нақадар тез суръатлар билан ўсиб кетганлиги сабабларини ўрганамиз ҳамда урбанизация ҳақидаги баъзи бир ҳозирги замон назарияларини таҳлил қилиб чиқамиз, кейин Буюк Британия, Қўшма Штатлар, Россия, Европа ва учинчи дунё шаҳарлари учун характерли бўлган урбанизациянинг ҳар хил моделларини бир-бирига қиёслашга ўтамиз.

Ҳозирги замон урбанизмининг хусусиятлари

Барча ҳозирги замон индустриал жамиятлари фавқуллода урбанизация қилинган жамиятлардир. Саноати ривожланган мамлакатларнинг аҳоли зич жойлашган шаҳарларида 20 миллионгача аҳоли яшайди, шаҳар конурбацияларида эса — шаҳарлар жамланган жойларда, шаҳар қурилиши давом этаётган ғоят кенг миқёсдаги минтақаларда — аҳоли сони яна ҳам кўпроқ бўлиши мумкин. Ҳозирги замон шаҳар ҳаётининг энг кўп ривожланган шакли мегаполиси, «шаҳарлар шаҳри» деган ном олган жойлардир. Бу термин Қадимги Грецияда пайдо бўлган ҳамда шаҳар-давлат деган маънони англатган. Уни бунёд этган кишиларнинг фикрича, ер юзидаги барча цивилизациялашган мамлакатлар ҳавас қиладиган шаҳар бўлиши керак эди. Лекин ҳозирги замон шаҳарларига нисбатан қўлланадиган бўлса, бундай сўзнинг ишлатилиши орзудан анча узоқ бўлган сўз бўлиб қолади. Бизнинг давримизда бу сўз биринчи марта Қўшма Штатларнинг шимол-шарқий соҳилларидаги жойларни номлаш учун фойдаланилган эди — конурбация деб аталган бу жойлар шимолда Бостондан бошлаб жанубда Вашингтонгача чўзилган, тахминан 720 км майдонни ўз ичига олган ҳудудлар эди. Мазкур районда 40 миллионга яқин аҳоли яшайди, бу ерда аҳоли зичлиги юқори, ҳар бир кв.км.га 270 га яқин киши тўғри келади. АҚШ ва Канада чегараларига жойлашган Буюк қўллар районида ҳам шаҳар аҳолисининг зичлиги тахминан шунга яқин даражада юқоридир.

Буюк Британия биринчи бўлиб саноатлашган давлатга айланди ва биринчи бўлиб қишлоқ хўжалик мамлакатидан шаҳар аҳолиси ҳаддан ташқари кўпайиб кетган мамлакат бўлиб қолди. 1800 йилда аҳолисининг 20%дан камроқ қисми шаҳарларда ва шаҳар типидagi қўрғонларда — аҳолиси 10.000 кишидан ортиқроқ бўлган жойларда яшар эди. 1900 йилга келиб ушбу нисбат 74%ни ташкил этди. 1800 йилда Лондонда 1,1 миллионга яқин аҳоли яшаган эди. XX асрнинг бошига келиб пойтахт аҳолисининг сони 7 миллион кишидан ортиб кетди. Ўшанда Лондон, ҳеч шубҳасиз, ер юзида мавжуд бўлган барча шаҳарлар ичида энг каттаси бўлган. У тобора кенгайиб бораётган Британия империясининг ғоят катта саноат, савдо ва молиявий маркази бўлиб, мана шу улкан империянинг қоқ юрагига жойлашган эди.

Бошқа Европа мамлакатларининг кўпчилигида ва Қўшма Штатларда урбанизация бироз кечроқ бошланса-да, лекин айрим ҳолларда ҳатто жадаллашиб ҳам кетди. 1800 йилда Қўшма Штатлар анча кўпроқ даражада «қишлоқ» мамлакати бўлиб, унинг қишлоқ хўжалиги ўша замондаги етакчи Европа мамлакатларига қараганда анча илгарилаб кетган эди. Америка аҳолисининг 10%дан камроқ қисми 2500 кишидан кўпроқ аҳоли яшайдиган аҳоли пунктларида яшар эди. Бугунги кунга келиб

америкаликларнинг 3/4 қисмидан кўпроғи шаҳарларда истиқомат қилади. 1800 йилдан то 1900 йилга қадар Нью-Йорк аҳолиси 60 минг кишидан 4,8 миллион кишига қадар кўпайди!

XX асрдаги урбанизация — ғоят катта, глобал жараён бўлиб, унда мамлакатлар тобора кўпроқ учинчи дунё томон тортилиб борган. 1900 йилга қадар шаҳарларнинг ўсиши амалда бутунлай ғарб мамлакатлари ҳиссасига тўғри келган, шундан кейинги ярим аср ичида ривожланаётган мамлакатларда шаҳарларнинг ўсиши содир бўлди, лекин уларнинг энг кўп ўсган даври тахминан сўнгги 40 йилга тўғри келади. Шаҳар аҳолисининг умумий сони Ер юзасидаги аҳолининг умумий ўсиш даражасига нисбатан тезроқ ўсиб боради: 1975 йилда бутун дунё аҳолисининг 39%и шаҳарларда яшаган; БМТ ҳисоб-китобларига қараб башорат қилинадиган бўлса, 2000 йилда шаҳар аҳолисининг ҳиссаси 50%ни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2025 йилга бориб 63%ни ташкил этади. Планетамиздаги бутун аҳолининг ярмига яқин қисми 2025 йилда Шарқий ва Жанубий Осиёда жамланади. Бу даврга келиб Африка ва Жанубий Американинг шаҳар аҳолиси сон жиҳатдан Европа шаҳарлари аҳолисининг сонидан ортиб кетади.

Замонавий шаҳарларнинг ривожланиши: баркамоллик ва маданият

Фақат XX асрнинг охирларига келиб жамиятнинг статистлари ва тадқиқотчилари кичик шаҳарчалар, маҳаллий марказлар билан аҳолиси кўп бўлган, одатда анча космополитик ҳисобланадиган, ўзлари бир қисмини ташкил этган миллий жамиятлар бошқа мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказаётган йирик шаҳарларни бир-биридан фарқлай бошлаганлар. Катта шаҳарларнинг ўсиши аҳолининг ўсиши, шунингдек, фермалардан, қишлоқлардан ва кичик шаҳарлардан аҳоли миграцияси — яъни кўчиб кетишининг натижаси бўлди. Бундай миграция кўпинча интеграционал тусда бўлиб, илгари деҳқонлар орасида ўсган кишилар, бошқа мамлакатларга кўчиб боргач, бирданига шаҳарларга тушиб қийналиб қолишар эди; бу хилдаги мисолларнинг энг характерлиси сифатида ғоят камбағал қишлоқ жамоаларидан бўлган кўплаб европаликларнинг Қўшма Штатларга иммиграциясини айтиб ўтиш мумкин.

Европанинг ўзида ҳам турли мамлакатлар ўртасида шаҳарларга миллатлараро кўчиб юриш ҳоллари кенг тарқалган эди. Деҳқонлар ва кичик-кичик посёлкаларнинг аҳолиси шаҳарларга кўчиб келар эди (бу ҳолни бугунги кунда ривожланаётган мамлакатларда содир бўлаётган кўплаб кўчиш ҳолларига ўхшатиш мумкин), чунки қишлоқ районларида уларнинг имкониятлари чекланган бўлиб, бу жиҳатдан шаҳарлардаги афзалликлар яққол кўзга ташланиб турар ҳамда шаҳарлар ўзининг «олтиндек товланиб турган кўчалари билан» уларнинг кўзига ғоят жозибали бўлиб кўринар эди; чиндан ҳам шаҳарлар уларга иш,

бойлик берар, товарлар ва хизмат кўрсатиш соҳасида кенг миқёсдаги имкониятларни таклиф этар эди. Бунинг устига, йирик шаҳарлар тобора кўпроқ молиявий ва саноат ҳокимиятининг марказларига айланиб борарди; гоҳида тадбиркорлар томонидан куп-куруқ жойларда ҳам янги-янги шаҳар районлари бунёд этиларди. Масалан, 1830 йилга қадар деярли ҳеч ким яшамаган ҳудудда 1900 йилга келиб 2 миллион кишидан кўпроқ аҳолиси бўлган Чикаго бунёд этилган.

Ҳозирги замон шаҳарларининг тараққий этиб бориши фақат одамларнинг одатлари ва хулқ-атвор стереотипларига ғоят катта таъсир кўрсатибгина қолмай, шу билан бирга, уларнинг тафаккур тарзига ва дунёқарошига ҳам катта таъсир кўрсатди¹. XVIII асрга келиб катта-катта шаҳар агломерацияларининг пайдо бўлиши муносабати билан шаҳарларнинг ижтимоий ҳаётга таъсир кўрсатиши тўғрисидаги фикрлар турлича қарашларга бўлиниб кетади ва бундай турлича қарашлар то бугунги кунгача сақланиб келмоқда. Баъзи кишилар шаҳарлар қиёфасида маърифатли ҳаётнинг нуфузли, ҳалол кишиларини, динамизм ва бунёдкорлик ишлари жамланганлигини кўрадилар². Бундай муаллифларнинг фикри бўйича, шаҳарлар иқтисодий ва маданий ривожланиш учун анча кенг имкониятлар очиб беради. Қулай шарт-шароитларга эга бўлиб, инсонга муносиб ҳаёт кечириш учун зарур воситалар билан таъминлайди. Жеймс Босуэлл кўпинча Лондоннинг афзалликларини таъкидлар экан, уни «музейга, боққа, кеча-кундуз тўхтамай ёқимли куй садолари янграб турадиган гўшаларга» ўхшатар эди. Бошқа бир хил кишилар шаҳар деганда кўз олдиларига дўзах келар эди, бу дўзахда улар агрессив кайфиятда бўлган одамлар тўдаси тўлиб-тошиб ётганини, бир-бирларига ишонмайдиган одамлар кўплигини, жиноятга қўл урадиган, зўравон ва сотқин кимсалар борлигини кўрадилар.

Шаҳар ҳаётининг тафсилоти

XIX асрда ва XX асрнинг бошларида шаҳарлар қай даражада тез ўсиб, ривожланиб боришига қараб, ушбу бир-бирига зид қарашлар янги-янги шаклларда ифодалана бошлади. Танқидчилар энди камбағаллар ҳаётини, айниқса, шаҳар районларида даҳшатли даражада содир бўлаётган қашшоқлик сабабларини аниқлаш, бу масалага ўз танқидий фикр-мулоҳазаларини қаратиш учун яққол бир нишон топиб олдилар. Инглиз ёзувчиси ва социологи Жорж Гюесинг ҳаддан ташқари камбағаллик — қашшоқлик азоби қандай бўлишини 1870 йилларда Лондон ва Чикаго аҳолиси билан бирга ўз шахсий ҳаётида синаб кўрган.

¹ Lees A. Cities Perceived: Urban Society in European and American Thought, 1820—1940, New York, 1985.

² Schorske C. The Idea of city in European thought: Voltaire to Spengler. In: Oscar Handlin and John Burchard (eds). The Hiscutan and the city. Cambridge, 1963.

Унинг Лондондаги Ист-Энд районида яшовчи ғоят камбағал кишилар ҳаётини баён этган асариди Британия пойтахтининг ушбу қисмидаги оғир ҳаёт манзараси қуйидагича тасвирлаб берилган:

«Ушбу жойлар бадбўй ҳид тарқатиб ётган кўчалар, фабрикалар, пақтаузлар билан қопланган ёғоч омборларидан иборат район, майда-майда дўкончалар, устахоналар тақир-тукуруга тўлган район, аянчли бир ҳаётга етакловчи ифлос ҳовли ва йўлаклар райони эди; ҳамма жойда энг қолоқ шаклдаги оғир меҳнатни кўриш мумкин эди; кўчаларнинг бошидан охиригача юк ортган аравалар тарақа-туруқи эшитилар эди. Йўлкалар энг кўпол ва оғир ишларни бажарадиган одамлар билан тўла бўларди; бу ердаги ҳар бир бурчак ва ҳар бир туйнук унда яшовчи кишиларнинг ғоят қашшоқ ҳаёт кечиришидан гувоҳлик бериб турарди.»³

Айни бир вақтда Америка шаҳарларидаги камбағаллик ва қашшоқлик Европа шаҳарларидагига қараганда анча камроқ даражада кўзга ташланар эди. Лекин аср охирларига келиб реформаторлар жамоатчилик эътиборини Нью-Йорк, Бостон, Чикаго ва бошқа йирик шаҳарларнинг кўпчилик районларидаги ҳаёт ночорлиги ва яшаш учун яроқсизлиги масаласига қарата бошладилар. «Нью-Йорк трибюн» газетасида муҳбир бўлиб ишлаган даниялик иммигрант Жекоб Риис Кўшма Штатлар бўйлаб кўп сафарларга чиқиб, қашшоқликни кўрсатувчи ҳужжатлар тўплаган ҳамда ислоҳотлар ўтказиш зарурлиги тўғрисида лекциялар ўқиган, маърузалар қилган. Рииснинг 1890 йилда босилиб чиққан «Юртнинг иккинчи ярми қандай яшайди?» деган китоби китобхонлар орасида кенг тарқалиб кетди⁴. Бу соҳада Риис ёлғиз эмас эди. Унинг овозига қўшилган бошқа маърифатпарвар, ҳақиқатгўй инсонлар кўп эди. Уша замон шоирларидан бири Бостон камбағаллари ҳаётини тасвирлаб қуйидаги сатрларни ёзган эди:

Христиан шаҳрида наҳот очдан ўламиз,
Ресторан тўла неъмат, нега биз бебаҳрамиз?!
Унинг турмаларида наҳот ўлиб кетаман,
Шифохонага қачон бу аҳволда егаман!

Уйсиз, жойсиз кишилар совуқда тош қотарми?
Қанча-қанча бўш уйлар бўшлигича ётарми?!
Мунча ҳам бепарвосен, эй бойларнинг шаҳари,
Сенга доим бегона бечораларнинг бари.

Шаҳарларда камбағаллик даражасининг ўсиб бораётганлигини, шунингдек, турли шаҳарларнинг районлари ўртасидан ғоят катта фарқлар шаҳардаги ҳаётнинг социологик таҳлилини барвақт бошлаб юбориш учун туртки берган асосий омиллар-

³ Gissing G. Demos. Brighton, 1973.

⁴ Riis J. A. How the Other Half Lives: Studies Among the Tenements of New York. New York, 1957; Lone J. B., Jacob A. Riis an the American City. London, 1974.

дан бири бўлган эди. Шунинг учун энг катта дастлабки социологик тадқиқотлар ҳамда замонавий шаҳарлардаги ҳаёт шароитига бағишланган назариялар дастлаб Чикагода — ўзининг ғоят жадал суръатлар билан ривожланганлиги ва кишини ҳайратта соладиган зиддиятли, контрастли ҳаёти билан машҳур бўлган шаҳарда пайдо бўлганлиги таажжубланарли ҳол.

Урбанизм назариялари

Чикаго мактаби

1920—1940 йиллардаги даврда Чикаго университети билан боғлиқ бўлган бир қатор муаллифлар, айниқса шаҳарлар социологиясининг назарияси ва тадқиқотлар амалиётининг асосини узоқ йиллар мобайнида ташкил этиб келган ғояларни Роберт Парк, Эрнест, Бежесс ва Луис Уэртлар яна ҳам кенгайтириб, ривожлантириб бордилар. Чикаго мактабининг ушбу вакиллари томонидан ишлаб чиқилган икки концепция, айниқса, алоҳида диққатга сазовордир. Уларнинг бири — шаҳар таҳлилига экологик ёндошув деб аталадиган концепция бўлса, иккинчиси Уэрт томонидан ишлаб чиқилган концепциядир, у “урбанизм — турмуш тарзи сифатида”, деб аталади.

Урбанистик экология

Экология термини табиий фанлардан олинган бўлиб, ўсимликлар ва ҳайвонлар — тирик организмларнинг атроф-муҳитга мослаша олишини текшириш — тадқиқ этиш деган маънони англатади. Табиатда организмлар, одатда, ҳудудлар бўйича муайян тарзда бўлиб чиқилган бўлади. Бунинг натижасида ҳар хил турлараро муайян балансга ёки мувозанатга эришилади. Чикаго мактабининг вакиллари асосий шаҳарлардаги одамларнинг жойлашуви ва улардаги турли районларга бўлиниш ҳоллари ҳам шунга ўхшаш принцип — тамойиллар асосида тушунтириб берилиши мумкин деб ҳисоблаганлар. Уларнинг фикрича, шаҳарлар тартибсиз тарзда ўсмай, балки атроф-муҳитга хос бўлган хусусиятларга кўпроқ мувофиқлашган ҳолда ривожланиб борадилар. Масалан, ҳозирги замон жамиятларидаги шаҳарларнинг қурилиши аксарият ҳолларда дарё соҳилларидан, ҳосилдор водийлардаги, пасттекисликлардаги, савдо йўллари ёки темир йўллар билан кесишган ғоят кенг зоналарда олиб борилади.

Паркнинг сўзлари билан айтганда, «бир марта асос солинган шаҳар бамисоли улкан бир элакка ўхшаб қолади. У мамлакат аҳолисини беҳато элақдан ўтказиб, ундан мазкур районда ёки мазкур муҳитда яшаш учун ҳаммадан кўра яроқли бўлган кишиларни аҳоли орасидан танлаб олади»⁵. Шаҳарлар ҳам ўзла-

⁵ Park Robert E. Hyman Communities: the City and Human Ecology. New York, 1952.

рини ўраб олган «табиий муҳит»га мувофиқ равишда ўзгариб, худди табиий танлаш жараёнларидаги каби муайян шаклга келиб, ўз экологик бурчакларини эгаллаб оладилар ва унда мустақамланиб қоладилар, яъни улар ҳам худди биологик экология қандай кечадиган бўлса, шундай жараёнларни босиб ўтадилар. Башарти, биз бир кўлнинг экологиясига — унинг табиий муҳитдаги манзарасига қарайдиган бўлсак, у ҳолда балиқларнинг, ҳашоратларнинг ва бошқа организмларнинг ҳар хил турларини кўрамиз ҳамда улар ўртасидаги курашнинг давом этаётганини сезиб оламиз. Бу кураш нисбатан барқарор бўлган нисбатларга эришилгунича давом этаверади. Бу баланс кўлни ўзига яшаш жойи қилиб олмоқчи бўлган янги турлар «хужуми» бошлангунича бузилмайди, шундай «бостириб келиш» оқибатида эса мувозанат бузилади. Бунда кўлнинг марказий қисмида тарқалган баъзи бир жонзотларнинг турлари сиқиб чиқарилади ҳамда улар энди кўлнинг чеккароқ қисмидаги ёмонроқ яшаш шароитига кўникишга мажбур бўладилар. Кўлнинг марказий қисмида эса уларнинг ўрнига келган «босқинчилар» ўрнашиб оладилар.

Экологик концепция тарафдорларининг фикрича, шаҳар муҳитидаги шароитда бир ерга жойлашиб олиш, жойдан-жойга кўчиш ва яна такрорий равишда янги ерга бориб жойлашиб олиш хусусиятлари худди табиатдаги шундай ҳолатларга ўхшаб кетади. Шаҳарларнинг турли хил районлари улардаги яшаш шароитини яхшилаш учун кураш олиб бораётган аҳолининг янги жойларга адаптация қилиниши — яъни мослашиб кетиш йўли билан ривожланиб боради. Бундай шаҳарнинг ижтимоий характеристикаси жиҳатидан бир-биридан фарқ қиладиган районлар йиғиндиси сифатида тасаввур этиш ҳозирги замон шаҳарларининг барпо бўлишидаги дастлабки босқичларда саноат корхоналари улар учун зарур хомашёни етказиб бериши учун қулай бўлган жойларда, таъминот амалга ошириладиган йўлларга яқин жойларда мужассамлашади. Аҳоли шаҳар аҳолисининг ўсишига қараб тобора хилма-хил шаклга кириб бораётган саноат зоналари атрофида жамлана бошлайди. Бунда тегишли равишда дам олиш зоналари тобора жозибали бўлиб боради ҳамда уларга эга чиқиш учун тобора кескин конкуренция авж олиб кетади. Ернинг нархи ва мулк солиғи ортиб бориши оилаларнинг шаҳар марказида бундан буён яшашини қийинлаштириб қўяди. Фақат фавқулудда тор бўлган қийин шароитларда ёки яроқсиз ҳолга келган биноларда кам ҳақ тўлаб яшовчилар бундан мустаснодирлар. Марказда бизнес билан бўш вақтни қувноқ ўтказишга мўлжалланган индустрия устувор аҳамият касб эта бошлайди, бир қадар бойиб қолган кишилар эса шаҳар атрофида қурилаган янги жойларга кўчиб ўта бошлайдилар. Ушбу жараён транспорт артерияларининг ривожланишига олиб келади, бу эса ишга бориб келиш учун сарфланадиган вақтни қисқартиради. Йўллардан четроққа жойлашган районлар нисбатан секинроқ ривожланган.

Шаҳарнинг ривожланишини секторларга бўлинган изчил ҳалқа йўллари ва концентрик соҳаларнинг ҳосил бўлиши сифатида ҳам қараб чиқиш мумкин. Бундай жойлар марказида ички шаҳар деб аталадиган районлар жойлашади. Уларда катта бизнес гуллаб-яшнаб, хусусий уй-жойлар тушкунликка учрайди. Бу зонадан ташқарида эса, кейинроқ шаклланган катта-катта турар жой кварталлари пайдо бўлиб, уларда доимий иш жойига эга бўлган жамиятдаги қуйи қатламни ташкил этган меҳнаткашлар яшайди. Шундан кейин шаҳар атрофидаги жойлар келади. Уларда хийла ўзига тўқ бўлган ижтимоий гуруҳларнинг вакиллари жойлашади. Ўзига экологик жиҳатдан қулай жойни эгаллаб олиш ва унда мустаҳкамланиб қолиш жараёнлари концентрик доираларнинг секторларида содир бўлади, чунончи, марказий ёки унга яқин бўлган жойларда яшовчи этник жиҳатдан камчиликни ташкил қилувчи гуруҳлар шаҳардаги мулкларининг тугаб — емирилиб боришига қараб аста-секин ушбу районларга силжиб бора беришлари мумкин. Шаҳарнинг ушбу қисмида илгари яшаган кишиларнинг у ерларга қайтадан кўчиб боришларига қараб, у ерда яшовчилар ҳам кўча бошлайдилар, бу билан улар одамларнинг оммавий равишда шаҳарнинг бошқа районларига ёки унинг чекка жойларига кўчиб боришини тезлаштирадидилар.

Муайян бир қанча вақт мобайнида *урбанистик экология* унчалик кенг тарқалган мавзу бўлмай турса-да, лекин кейинчалик яна унга қайтилди ва у баъзи бир муаллифларнинг асарларида, жумладан, Эймос Холининг илмий ишларида ривожлантирилди⁶. Жуда оз ресурсларга эга чиқиш учун рақобатнинг кучайишига зўр берган ўз салафларидан фарқли ўлароқ, Холи шаҳарнинг ҳар хил қисмлари ўртасида ўзаро *бир-бирига боғлиқлик* мавжудлигини таъкидлаб ўтади. *Дифференциация* — турли гуруҳларнинг профессионал, яъни касб-корига қараб ихтисослашуви одамнинг теварак-атрофидаги муҳитга мослашувининг асосий йўли ҳисобланади. Кўпчиликнинг турмуши кимга боғлиқ бўлса, ўша гуруҳлар жамиятда етакчи роль ўйнайди. Кўпинча бундай ҳол уларнинг шаҳар марказига жойлашиб олишида ўз аксини топади.

Иш билан банд бўладиган кўпчилик муассасалар, масалан, йирик банклар ёки суғурта компаниялари ушбу бирлашма — жамоа аъзоларининг кўпчилигига энг муҳим хизматлар кўрсатади ва шунинг учун ҳам улар кўпинча аҳоли яшайдиган пунктларнинг марказий қисмига жойлашиб оладилар. Лекин ривожланиб бораётган урбанизацияга дуч келган жойларнинг зоналарга бўлиб ташланиши, Холининг таъкидлашича, фақат макон омилигагина эмас, шу билан бирга, вақт омилига ҳам боғлиқ ҳолда вужудга келади. Бизнеснинг етакчи роли, маса-

⁶ Hawley A. H. Human Ecology: A The ory of Community Structure. New York, 1950. Hawley A. Human Ecology: International Enceclopaedia of Social Science. Vol. 4. Glencoe, 1968.

лан, фақат ердан фойдаланиш соҳасидагина ўз ифодасини топиб қолмай, шу билан бирга, ҳар кунги ишбилармонлик фаоллигининг қиёмида ҳам ўз ифодасини топади. Бундай манзарани қатнов авж олган пайтда яққол кузатиш мумкин. Одамлар турмушидаги кун тартиби шаҳарнинг турли қисмларидаги иерархияни акс эттиради.

Экологик ёндашувнинг муҳим эканлиги унинг ёрдамида ўтказилган бир қатор эмпирик тадқиқотларда ҳам, шунингдек, унинг назарий истиқболлар учун қимматли эканида ҳам ўз ифодасини топди. Умуман, шаҳарларни ўрганиш бўйича ёзилган ёки юқорида эслатиб ўтилган ўз экологик бурчагини «эгаллаб олиш» ва «мустаққамланиб қолиш» жараёнлари билан боғлиқ бўлган шаҳарнинг айрим районларини ўрганиш бўйича бажарилган кўпгина илмий ишлар худди мана шу экологик ёндашув туйфайли вужудга келган. Бироқ, бу соҳадаги бир қатор танқидий фикр ва мулоҳазалар адолатли эканлигини ҳам таъкидлаб ўтиш мумкин. Онгли равишда лойиҳалаштириш ҳамда шаҳар тузилишини режалаштириш муҳим эканлигига етарли баҳо бермаслик экологик истиқболларга хос бўлган хусусиятдир, чунки шаҳарларнинг ривожланиши бундай ҳолларда «табиий» бир жараён деб қаралади. Парк, Бержесс ва уларнинг ҳамкасблари томонидан ишлаб чиқилган маконлар ташкил этиш моделлари Америкача тажрибага асосланган бўлиб, улар Кўшма Штатлардаги шаҳарларнинг баъзи бир типлари учунгина мос келар, Фарбий ва Шарқий Европанинг, Япония ва учинчи дунёнинг кўпгина шаҳарлари тадқиқот доирасидан четда қолиб кетган эди.

Урбанизм — турмуш тарзи сифатида

Уэртнинг урбанизм — турмуш тарзи сифатида деган тезиси фақат шаҳарларнинг ички дифференциацияси билан боғлиқ эканлиги билан бир қаторда, урбанизм ижтимоий мавжудлик шакли сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Уэрт таъкидлаб ўтганидек:

Ҳозирги замон дунёси «шаҳар» деб аталаётган ва шундай аташ мумкин бўлган даража аҳолининг шаҳарларда яшайдиган қисми қанча эканлигини тўлиқ ва аниқ ўлчаниши билан белгиланмайди. Шаҳарлар одамнинг ижтимоий ҳаётига кўрсатадиган таъсир шаҳарлик аҳоли кўрсатадиган ҳиссага нисбатан анча кўпроқ даражададир. Шаҳар — эндиликда ҳозирги замон кишиси яшайдиган ва ишлайдиган жой бўлибгина қолмай, балки энди у иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёт бошланадиган ва бошқариладиган марказдир, энди у ўз орбитасига глобал миқёсда энг олис жамоаларни жалб этадиган ҳамда турли худудлар, халқлар ва фаолият соҳаларини тартибга солинган фаолиятга бирлаштирувчи марказдир.⁷

Катта шаҳарларда, деб таъкидлайди Уэрт, кўпчилик кишилар бевосита бир-бирига яқин бўлган жойларда яшайдиган

⁷ Wirth L. Urbanism as a Way of Life // American Journal of Sociology, 44. 1938.

аксарият кўпчилик бир-бири билан таниш бўлмаганлиги сабабли бегоналашиб қолаверади — бунда қишлоқ жойлардаги кишиларнинг кичик-кичик анъанавий одатлардаги сезиларли фарқи ҳам ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Шаҳарликлар ўртасидаги кўпчилик алоқалар қисқа муддатли ва юзаки алоқалар бўлиб, улар тўлақонли, ижобий ўзаро муносабатлар бўлмай, балки мақсадга эришмоқ учун бошланган қисқа муддатли алоқа тарзида бўлади. Дўконларда сотувчилар билан, банкларда кассирлар билан, темир йўл поездларида пассажирлар ва проводниклар билан бўладиган ўзаро муносабатлар ҳам фақат бир паслик, ўткинчи тасодифий учрашувлардан иборат бўлиб, улар ўз-ўзидан маълумки, ҳеч қандай аҳамиятга молик бўлмаган ва фақат ўзгача мақсадларга эришиш учун хизмат қиладиган алоқалар бўлади.

Шаҳарда яшовчилар тобора серҳаракат бўлиб боришлари сабабли улар ўртасидаги ўзаро алоқалар нисбатан суст бўлади. Одамлар фаолиятнинг ҳар хил турларига жалб этилган бўладилар ва ҳар куни ҳар хил вазиятларга дуч келиб турадилар. Шунинг учун шаҳардаги «ҳаёт суръати» қишлоқ жойлардагига қараганда анча жадалроқ кечади. Одамлар ўртасидаги алоқаларда ҳамкорликдан кўра ўзаро рақобат кучлироқ бўлади. Уэрт яна шуни ҳам тан оладики, шаҳарлардаги ижтимоий ҳаётнинг тўлақонли эканлиги ўз характеристикаси бўйича турлича бўлган шаҳардаги районлар шаклланишига олиб келади ва уларнинг баъзи бирлари кичик жамоаларга хос бўлган хусусиятларини сақлаб қолишлари ҳам мумкин. Масалан, иммигрантлар яшайдиган жойларда оилалар ўртасида анъанавий алоқа типлари сақланиб қолади, бунга кўпчилик кишилар бир-бирини шахсан таниши ҳам сабаб бўлади. Бироқ, бундай районлар шаҳар ҳаётига қанчалик кўпроқ интенсивлик билан жалб этилсалар, бу хилдаги яқин алоқалар шунчалик камайиб боради.

Уэртнинг ғоялари ҳақли равишда кенг тарқалиб, машҳур бўлиб кетди. Шаҳарларда шахсий алоқалар камайиб кетган мисолларни кўплаб келтириш мумкин ҳамда фуқароларнинг бир-бирлари билан жуда суст алоқада эканлигини кўрсатадиган мисоллар ҳам оз эмас. Шундай мисоллардан биттаси 1964 йилнинг 13 мартида Нью-Йорк шаҳрида Катрин Женевезнинг ўлдирилиши тўғрисидаги шармандали ишдир. Женевез ярим кечада Манхэттендан унча узоқ бўлмаган гавжум район Куинзга — ўз уйига қайтиб келар эди. То уйига етгунича унга уч марта хужум қилинди, учинчи йўлтўсарлик унинг ўз уйи йўлагиде содир бўлиб, шу ерда ҳалок бўлди. Бегона кишиларнинг бир четда бепарво кузатиб туриши шаҳар ҳаётининг нақадар бефарқ даражада беоқибат ҳаётга айланиб кетганлигини кўрсатади. Мана шу даҳшатли қотилликка гувоҳ бўлган шаҳардаги 39 нафар ҳурматли фуқаролардан бирортаси ҳам ёрдамга келмади, ҳатто ҳеч ким полицияни ҳам чақирмади. Газеталардан бири редакция мақоласида «шаҳар Катрин Женевезни дўстлардан жудо қил-

ди», деб ёзди⁸. Лекин Женевазнинг дўстлари бор эди, албатта. Хўш, у ўша дўстларнинг ёрдамига муҳтож бўлганида, улар қаерда эдилар? Катта шаҳардаги турмуш тарзига мувофиқ улар, ҳеч шубҳасиз, қаердадир Манхэттендами, Лонг-Айленддами ёки Бруклиндами — ўз уйларида ўтиришган ва унинг бошига тушган фалокат тўғрисида ҳеч нарса билмаганлар.

Ҳозирги замон шаҳарларидаги кундалик алоқаларнинг кўпчилигида бир-бирига бефарқлик ҳоллари мавжудлигини инкор этиб бўлмайди; бу маълум даражада бутун ҳозирги замон жамиятидаги ижтимоий ҳаёт ҳисобланади. Уэрт назарияси шу билан муҳимки, у урбанизацияни жамиятнинг фақат бир қисми сифатида тан олмай, балки анча кенгроқ миқёсдаги ижтимоий системанинг табиати акс этиши, шунингдек, унга таъсир кўрсатадиган омил сифатида ҳам тан олади. Шаҳар турмуш тарзининг у ёки бу аспекти умуман олганда фақат катта шаҳарларда яшашга муяссар бўлган кишиларнинг ҳаётинигина эмас, балки ҳозирги жамиятдаги ижтимоий ҳаётни тавсифлаб беради. Бироқ, Уэртнинг ғоялари ҳам муайян чекланишларга эга. Ўзининг кўп жиҳатдан экологик концепцияга ўхшашлиги билан ажралиб турадиган Уэрт назарияси, асосан, Америка шаҳарларида олиб борилган кузатишларга асосланади-ю, лекин у ўз умумлашмаларини умуман урбанизмга тааллуқли, деб кўрсатмоқчи бўлади. Урбанизм жойга ва вақтга қараб ўзини турли даражада ҳар хил намоён қилади. Масалан, юқорида айтиб ўтилганидек, қадимги шаҳарлар ўзининг кўпгина аспектилари жиҳатдан ҳозирги жамиятда вужудга келган шаҳарлардан хийла кучли даражада фарқ қилган. Қадимги шаҳардаги кўпчилик кишиларнинг ҳаёти бефарқлик нуқтаи назаридан қараганда қишлоқда яшовчи кишилар ҳаётидан унчалик кўп фарқ қилмас эди.

Шунингдек, Уэрт ҳозирги шаҳарлардаги одамларнинг ўз инсоний қиёфасини йўқотиб, бир-бирига нисбатан бефарқ бўлиб бораётганлигини ҳаддан ташқари бўрттириб кўрсатади. Аслида ҳозирги замон шаҳарларидаги одамларнинг мустаҳкам дўстлик ёки қариндош-уруғликка асосланган жамоалари, у тасвирлаётган ҳолатга қараганда анча барқарордир. Чикаго университетидаги Уэртнинг ҳамкасби Эверетт Хьюз у ҳақда шундай ёзади: «Луис шаҳарда яшовчи кишининг бефарқлиги тўғрисидаги ўз тезисларини оқлаш учун дуч келган аргумент-далилларни келтириб ўтади — ҳолбуки унинг ўзи жуда кўп қариндош-уруғлари ва дўстлари даврасида яшаган, ахир бу шахсий алоқалар асосидаги меҳр-оқибатли ҳаётнинг ўзи-ку»⁹. Бундай оқибатли гуруҳлар, Герберт Ганс «шаҳардаги қишлоқликлар» деб атаган ки-

⁸ Latane B., Darley J. The Unresponsive Bystander, Why Doesn't He Help? New York, 1970.

⁹ Kasarda J. D., Janowitz M. Communitiy attachment in mass society // American sociological Review, 39. 1974.

шиларни ҳозирги замон шаҳарларидаги ҳамма жойда учратиш мумкин. Бостоннинг алоҳида бир районида яшайдиган, асли келиб чиқиши италян бўлган америкаликлар шундай гуруҳлар жумласига киради. Эҳтимол, Европадан келиб ўрнашиб қолган аҳоли яшайдиган бундай районлар Америка шаҳарларида ўзининг илгариги аҳамиятини йўқотиб бораётган бўлиши мумкин, лекин бари бир уларнинг ўрнига янги кўчиб келаётган иммигрантлардан иборат бошқа жамоалар улар ўрнини эгалламоқда.

Бундан ҳам муҳимроғи шуки, яқин қариндошлик ва шахсий алоқаларга асосланган жамоалар шаҳар ҳаётининг ўзида ҳам кўпинча анча фаол тарзда шаклланиб боради. Улар — шаҳарда қисқа бир муддат яшаш учун мавжуд бўлган кишилар эмас, улар ўзининг илгариги турмуш тарзини йўқотмаган кишиларнинг жамоаларидир.

Клод Фишер нима сабабдан ривожланган урбанизм, қоида тарзида, ҳар хил маданиятлар пайдо бўлишига ёрдам беради-ю, уларнинг мавҳум омма орасида нивелирлашиб, йўқ бўлиб кетишига олиб келмаслигини тушунтириб беришга ҳаракат қилади. Шаҳарда яшовчи кишилар, деб таъкидлайди Фишер, у ёки бу асосда маҳаллий алоқаларни ривожлантириш учун ҳамкорлик қилишга тайёр бўладилар ҳамда улар турли диний, этник, сиёсий ва бошқа маданий гуруҳларга қўшилиб, бирлашиб кетишлари мумкин. Кичик шаҳар ёки қишлоқда бу қадар хилма-хил маданиятларни ривожлантириш мумкин бўлмас эди¹⁰. Масалан, шаҳар ичида ташкил топган этник жамоалар бир-бирлари билан бироз таниш бўлишлари ёки умуман, ўз юртларида яшаганларида илгари таниш бўлмаган бўлишлари ҳам мумкин: эндиликда улар бошқа мамлакатга бориб келганларидан кейин, табиийки, ўзларига ўхшаган кишилар яшайдиган, ўзларининг маданиятлари ва тил хусусиятлари бир хил бўлган кишилар яшайдиган районларни қидириб топадилар ва у ердаги кишиларга қўшилиб оладилар. Шу тариқа янги жамоа структураси шаклланади. Қишлоқда ёки кичик бир шаҳарчада яшаган расом бу ерда ўзига ўхшаган кишиларни топиб олиши ва улар билан бирлашиб кетиши амри маҳолдир. Катта шаҳарда эса — бошқа масала; бу ерда у қандайдир бирор нуфузли ижодий гуруҳнинг ёки интеллектуал маданиятнинг бир қисмига айланиши мумкин бўлади.

Бошқа бир хил тадқиқотчиларнинг кўрсатишича, Уэрт фақат шаҳарда бўлади, деб ҳисоблаган ҳолатларни кўпинча кичик шаҳарчаларда ва қишлоқларда ҳам учратиш мумкин. Питер Манн Сассекс (Жанубий Англия)даги кичик бир қишлоқ жамоасини шимолдаги Хаддерсфилдом деган шаҳарга тенглаштирган эди. Ушбу қишлоқ тез юрар поездлар қатнайдиган темир йўл ва Лондонга олиб борадиган автомобиль магистралининг ёнгинасида жойлашган, кўпчилик аҳолиси шаҳарда ишлайди. Улар

¹⁰ Fischer C. S. The Urban Experience. New York, 1984.

Лондондан анча узоқда бўлган шимолдаги шаҳар аҳолисига қараганда кўпроқ даражада космополитиклашиб кетишган. Хаддерс-филдомнинг турли районларида яшайдиган кишилар орасида қон-қариндошлик алоқалари, шахсий алоқалар Сассекс қишлоғидаги аҳолининг шундай алоқаларидан кўра яхшироқ бўлиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас.¹¹ Шундай қилиб, ушбу қишлоқ шаҳар маданиятининг бир қисмидан иборат, деб таъкидлаш мумкин; унда яшовчи аҳолининг илгариги шахсий алоқалари шаҳарга мослашган кишиларнинг таъсири остида йўқолиб кетган. Агар шундай бўлса, у ҳолда содир бўлган ўзгаришларни шаҳарларнинг ўзи билан эмас, балки уларнинг саноатлаштирилиши тўғрисидаги омил билан боғлаш тўғрироқ бўлиши мумкин.

Катта шаҳар — бу «бегона кишилар дунёси» бўлиб, шунга қарамай, одамлар бир-бири билан шахсий алоқа ўрнатадилар ва бундай алоқаларни давом эттирадилар. Бу соғлом ақлга тўғри келмайдиган жумбоқ эмас. Шаҳар ҳаётида мавжуд бўлган бегоналар учрашувини акс эттирадиган ижтимоий соҳа билан оила, дўстлар, ишдаги ҳамкасблар шахсий дунёси ўртасидаги алоқаларни бир-биридан фарқ қилиш лозим. Эҳтимол, биринчи марта катта шаҳарга келиб қолган киши бу ерда «ўз кишиларини учрата олмаслиги» мумкин. Лекин кичкина бир қишлоқ жамоасига бориб қолган ҳар қандай бегона киши қишлоқликлар уни хушнудлик билан кутиб олишларининг гувоҳи бўлиши мумкин. Бундай муомала, асосан, қишлоқ аҳолисининг хушмуомалалиги билан изоҳланиши лозим. Йиллар ўтиб ҳалиги бегона шу қишлоқнинг ўз кишисига айланиб кетиши, унинг жамоасига «қабул қилиниши» ҳам мумкин. Шаҳарда эса аҳвол бутунлай бошқача. Бу ҳақда, шу муносабат билан Эдвард Крапэт қуйидагиларни ёзган эди:

Шаҳардаги тухумнинг пўчоғи... анча қаттиқ бўлади. Бир-бирига яқинлашиш учун сабаб ва тегишли вазият бўлмаган ҳолларда автобус бехатида, темир йўл платформасида, кафе ёки ўзлари бирга ишлайдиган бинонинг йўлағида учрашиб қолган кўпчилик кишилар ўзаро алоқага киришмасдан бир-бирлари учун «нотаниш танишлар» бўлиб қолаверадилар. Баъзи бир кишилар киришиб кетиш кўникмасига эга бўлмаганликлари учун ёки ташаббус кўрсата олмаганликлари туфайли, умуман, жамоатчилик ҳаётидан четда, бир чеккада қолиб кетишлари мумкин. Лекин барибир шу нарса мутлақо равшанки, ҳар бири потенциал дўст бўлиши мумкин бўлган бегона кишиларнинг турли тоифага мансублиги, шаҳардаги турмуш тарзи манфаатларининг кенг миқёсдаги вариациялари — булар одамларни ўзига жалб этиб, шаҳарга чорлайди. Улар шундай гуруҳ ёки ижтимоий структуралардан бирининг ичига тушиб қолишлари билан уларнинг ўзаро алоқани кенгайтириб бориш имкониятлари анча ортади. Бунинг натижаси шу бўладики, тажриба ҳам шуни кўрсатмоқдаки, шаҳар ҳаётининг ижобий жиҳатлари бизга унинг салбий сифатларидан кўпинча ортиқ бўлиб туюлади. Чунки шаҳарнинг ижобий имкониятлари одамларнинг бир-бирлари билан бўладиган ўзаро муносабатларини ривожлантириш истагини қондириш, уларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш имконини беради.¹²

¹¹ Mann P. H. An Approach to Urban Sociology. London, 1965.

¹² Krupat Edward. People in Cities: The Urban Environment and its Cambridge, 1985.

Уэртнинг ғоялари илгаригидек, ўз кучида қолмоқда, лекин изчил тараққиёт натижасида шу нарса ҳам аён бўлмоқдаки, бу ғоялар ҳаддан ташқари умумлаштирилгандир. Ҳозирги замон шаҳарлари кўпинча шахсий муносабатлар ёмонлашган, ижтимоий муносабатлар авж оладиган ҳолатларни ўз ичига олса-да, лекин улар айна вақтда ранг-баранг ҳаётнинг, гоҳида эса интимликнинг ҳам манбаи ҳисобланади.

Урбанизм ва сунъий муҳит

Урбанизмнинг ҳозирги замон назариялари таъкидлашича, урбанизм — бу ўз қобилигига ўралиб олган бир ҳодиса эмас, у сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларнинг асосий характеристикалари билан ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганилмоғи керак. Шаҳарлар муаммоси бўйича икки етакчи муаллиф Дэвид Харви ва Мануэль Каstellс — Маркснинг кучли таъсирида бўлганлар.¹³

Харви: маконни қайта тузиш

Урбанизм, деб таъкидлайди Харви, саноат капитализми кенгайиб бориши билан туғилган *сунъий муҳит* аспектларидан бири ҳисобланади. Анъанавий жамиятда шаҳар билан қишлоқ бир-биридан аниқ тарзда ажратиб қўйилган эди. Ҳозирги дунёда саноат улар ўртасидаги чегарани олиб ташлади. Қишлоқ хўжалиги механизациялашиб бормоқда ҳамда худди саноат ишлаб чиқаришига ўхшаб нарх-наво ва фойда мезонларига мувофиқ равишда фаолият кўрсатмоқда. Ушбу жараён шаҳар аҳолиси билан қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзидаги фарқларни йўқотиб юбормоқда. Ҳозирги замон урбанизмида, деб давом этади Харви, макон муттасил равишда ўзгариб, қайта тузилиб бормоқда. Ушбу жараён йирик фирмалар ўз ишлаб чиқаришини, илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик марказлари ва ҳоказоларни жойлаштириш учун ер ахтарган жойларда аниқ кўзга ташланмоқда; бу жараён саноатни ҳам, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ҳам мувофиқлаштириб турадиган ҳокимиятлар томонидан назорат қилиб турилади; мазкур жараён худди шунингдек, уй-жойларни ва ер-сувларни сотиб оладиган ва сотадиган хусусий инвесторлар фаолияти орқали ҳам амалга ошириб борилади. Масалан, фирмалар ҳар доим янги жойларнинг мавжуд эски жойларга нисбатан анча афзал эканликларини таъкидлаб келадилар. Маҳсулот бир жойда бошқа райондагига қараганда арзонлашиб боришига қараб ёки фирманинг бир хил маҳсулот ишлаб чиқаришдан бошқа маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтказилиши муносабати билан маъмурий бинолар билан ишлаб чиқариш хоналари бир жойда очилиб туради. Чунончи, катта-катта фойда кўриш эҳтимоли бўлган пайтларда катта шаҳарлар-

¹³ Harvey D. *Consciousness and the Urban Experience: Studies in the History and Theory of Capitalist Urbanization*. Oxford, 1985; Castells M. *The City and the Grass Roots: A Cross-cultural Theory of Urban Social Movement*. London, 1983.

нинг марказий районларида маъмурий бинолар худди ёмғирдан кейинги қўзиқориндай кўпайиб кетади. Марказий районларда қурилиши ва таъмирлаш ишлари тамом бўлгач, инвесторлар яна бирор жойда фойдали қурилиш бошлашнинг янги-янги имкониятларини қидира бошлайдилар. Гоҳ шундай ҳам бўладики, кеча фойда келтириб турган иш эртага молиявий вазиятнинг ўзгариб қолганлиги туфайли кечагидай фойдали бўлмай қолиши мумкин.

Хусусий уй-жойларни сотиб оладиган кишиларнинг фаоллиги кўп жиҳатдан тадбиркорликнинг қандай ер олишдан манфаатдор эканликларига, шунингдек, маҳаллий ва марказий ҳокимиятлар бу жойлар учун ссудалар бўйича қандай учёт ставкалари ва қандай солиқлар солиш тартиби белгиланганликларига боғлиқ бўлади. Масалан, иккинчи жаҳон урушидан кейин Кўшма Штатларнинг асосий шаҳарлари ва шаҳар атрофидаги кўрғонлар тез ўсиб, кўпая бошлади. Бу қисман этник жиҳатдан озчиликни ташкил этган аҳоли таъқиб остига олиниб, дискриминация қилиниши ҳамда оқ танли аҳолининг шаҳар марказидаги районлардан кўчиб кетишига интилиши билан изоҳланади. Бироқ бундай қилиш шунинг учун мумкин бўлдики, деб таъкидлайди Харви, ҳукумат уй сотиб олаётган кишиларга ва қурилиш фирмаларига солиқ имтиёзлари тақдим этди, шунингдек, молия ташкилотлари бундай кишиларга ёрдам кўрсатиш учун кредит, яъни қарз бериб туришнинг алоҳида тартиби белгиланганлиги ҳам бу соҳадаги ишларнинг жадаллашиб кетишига ёрдам берди. Булар бари шаҳар атрофида қурилишлар бошлаш ва янги уй-жойлар сотиб олиш учун асос-негиз яратди ва айни бир вақтда автомобиль сингари саноат ишлаб чиқариши маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни ошириб, рағбатлантирди. 1960 йиллардан бошлаб Англиянинг жанубида катта ва кичик шаҳарларнинг кўпайиб бориши ҳамда уларнинг гуллаб-яшнаб кетиши Шимолдаги саноатнинг анъанавий тармоқлари тушқунликка учраб касод бўлиши билан ҳамда инвестицияларнинг тегишли равишда янги-янги саноат ишлаб чиқариши соҳаларига кўчирилиши билан бевосита боғлиқдир.

Кастеллс: урбанизм ва ижтимоий ҳаракат

Кастеллс ҳам худди Харвига ўхшаб, жамиятнинг макон формаси унинг тараққиётидаги барча механизмлар билан маҳкам алоқададир, деб таъкидлаб ўтади. Шаҳарни тушуниш учун унинг яратилиши ва макон шакллариининг ўзгариб боришини бошқарадиган жараёнларни идрок этишимиз зарур. Шаҳарлар ва айрим кварталларнинг меъморий жиҳатдан режалаштирилишининг қай даражада ҳал этилиши турли ижтимоий гуруҳларнинг курашчанлигини ва улар ўртасидаги конфликт — зиддиятларни акс эттиради. Бошқача қилиб айтганда, рамзий ва макон шаклидаги шаҳар муҳити анча кенг миқёсдаги ижтимоий кучлар намоён бўлишини кўрсатади. Масалан, осмонўпар би-

нолар қурилиши ҳам мумкин, чунки улардан фойда кўришга умид қилинади, лекин мана шу улкан бинолар бундан ташқари яна «технология ва ўз кучига қаттиқ ишониш воситасида амалга ошириладиган мана шу улкан бино пулнинг шаҳар устидан ҳукмронлик қилишига бир рамз ҳам бўлади ҳамда саноат капитализми ўсган даврнинг эҳромлари ҳисобланади».¹⁴

Чикаго мактабининг социологларидан фарқли равишда Кастеллс шаҳарни шунчаки алоҳида бир *аҳоли яшайдиган пункт*, шаҳар қурилиш зонаси сифатидагина қарамай, шу билан бирга унга саноат капитализмининг ажралмас белгиси ҳисобланган *коллектив истеъмол* жараёнининг таркибий қисми сифатида ҳам қараб чиқади. Уйлар, мактаблар, шаҳар транспорти, бўш вақтни ўтказиш учун мўлжалланган дам олиш жойлари — буларнинг ҳамма-ҳаммасида, ҳамма жойда одамлар ҳозирги замон саноати маҳсулотини — буюмларини ишлашиб «истеъмол қиладилар». Солиқлар тизими ким ва қаерда уй-жой сотиб олишга ёки ижарага олишга қодир бўлса, ким ва қаерда қурилиш олиб бораётган бўлса, ўшаларга таъсир кўрсатади. Йирик корпорациялар, банклар ва қурилишни молия билан таъминлаб турган суғурта компаниялари ушбу жараёнларга ғоят катта таъсир кўрсатадилар. Ҳукумат муассасалари ҳам йўллар қуриб, турар-жой бинолари бунёд этиб, яшил зоналар режалаштириб, шаҳар ҳаётининг кўпгина томонларига бевосита таъсир кўрсатадилар. Шундай қилиб, шаҳарларнинг жисмоний кўриниши бозор кучлари ва ҳукумат ҳокимиятининг маҳсули ҳисобланади.

Бироқ меъморчилик муҳитининг характери бу фақат бойбадавлат ва нуфузли кишилар фаолиятининг натижасигина эмас. Кастеллс имтиёзлардан махрум бўлган гуруҳлар, ўз турмуш шароитини ўзгартириш учун кураш олиб бораётган ижтимоий гуруҳлар аҳамиятини, улар курашининг моҳиятини таъкидлаб ўтади. Шаҳар муаммолари ўз турар-жой шароитини яхшилаш ташвишида юрган ғоят хилма-хил ижтимоий ҳаракатта мансуб кишиларни, атроф муҳитдаги ҳавонинг ифлосланишига қарши эътироз билдираётган одамларни, дов-дарахтлар ва кўкаламзорларни ҳимоя қилаётган кишиларни, районлар ҳуснини бузадиган қурилишлар бошланишига қарши кураш олиб бораётган кишиларни рағбатлантиради. Масалан, Кастеллс Сан-Францискодаги гомосексуалистлар ҳаракатини ўрганиб чиқади. Улар ўзларининг маданий бойликларига мувофиқ равишда шаҳар муҳитини қайта қуришга муваффақ бўладилар (гомосексуалистларнинг кўпгина ташкилотларига клублар, барларни ривожлантиришга руҳсат этилган эди) ҳамда улар маҳаллий сиёсатда муайян мавқени қўлга киритишга муваффақ бўлган эдилар.

Шаҳарлар, деб таъкидлайди Харви билан Кастеллс, деярли бутунлай бизнинг ўзимиз қурган меъморчилик ва санъат оби-

¹⁴ Castells M. The City and the Grass Roots: A Cross-Cultural Theory of Urban Social Movements. London,

даларидан ташкил топган муҳит ҳисобланади. Ҳатто энг узоқ қишлоқ районларини олиб қарасангиз ҳам, уларда одам ва ҳозирги замон технологиясининг таъсирини кўрасиз, чунки одамнинг фаолияти табиат оламини ҳам яшнатиб юборади. Озиқ-овқат маҳсулотлари фақат маҳаллий аҳоли истеъмол қилиши учунгина чиқарилмай, балки умуман миллий ва халқаро бозорга чиқариш учун мўлжалланган бўлади. Ҳозирги механизациялашган қишлоқ хўжалигида ерлар қатъий равишда тақсимлаб чиқилган, улар конкрет мақсадлар учун ишлатилади ҳамда шундай жисмоний характеристикаларга дучор қилинадик, улар атроф-муҳитнинг ўзига хос табиий хусусиятларига нисбатан ғоят бошқача муносабатларда бўлади. Фермаларда ва узоқ қишлоқ районларида яшайдиган кишилар иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан катта жамият ҳаёти билан алоқада бўладилар. Фақат баъзи бир ўзларининг хулқ-атворларига хос бўлган стереотиплар бўйича улар шаҳарликлардан фарқ қилиши мумкин.

Баҳолаш

Харви билан Кастеллснинг қарашлари кенг миқёсда муҳокама қилинган. Шаҳардаги социологик таҳлилни қайта йўналишга солиш учун уларнинг асарлари жуда муҳим аҳамият касб этади. Масалага экологик нуқтаи назардан ёндошишга қарама-қарши ўлароқ, улар «табиий» макон жараёнларига кўпроқ эътибор бериш ўрнига, ер ва меъморий муҳит ижтимоий тизимни ҳамда ҳокимиятнинг иқтисодий системасини қай даражада акс эттиришига кўпроқ эътибор берадилар. Бундай қараш диққат марказини ғоят муҳим томонга қараб ўзгартириб юборади. Бироқ Харви билан Кастеллс ғоялари ниҳоят даражада тарқоқ ҳолда талқин этилди ҳамда Чикаго мактаби яратган асарлар сингари тадқиқотларнинг кенг миқёсдаги спектрини рағбатлантира олмади.

Харви ва Кастеллс қарашлари, шунингдек, Чикаго мактаби вакилларининг тушунчалари маълум маънода бир-бирини тўлдиради ҳамда урбанизация жараёнларининг тўлақонли манзарасини ҳосил қилиш учун ушбу қарашларни бирлаштириб бир бутун ҳолга келтириш мумкин. Экологик урбанизмда шаҳар районлари ўртасида баён этилган фарқлар ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлиб, улар шаҳар ҳаётининг умумий бефарқлик — шахсизлик даражасини кўрсатувчи факт сифатида ҳам мавжуд бўлади. Лекин ушбу ҳодисалар Чикаго мактабининг вакиллари тахмин қилганига қараганда анча кўпроқ даражада хилма-хил бўлган ҳодисалардир. Улар биринчи гада Харви ва Кастеллс томонидан таҳлил қилиб берилган ижтимоий ва иқтисодий омиллар орқали белгиланади. Жан Логан ва Харви Молоч шундай бир ёндашувни таклиф этадиларки, бу таклиф Харви билан Кастеллс сингари муаллифлар берган баҳоларни, ўзининг экологик ёндашув соҳасидаги айрим белгиларини ҳам бирлашти-

ради.¹⁵ Улар Харви билан Каstellснинг миллий маънода ҳам, халқаро миқёсда олганда ҳам иқтисодий тараққиётнинг умумий белгилари шаҳар ҳаётига бевосита таъсир кўрсатади, деган фикрига қўшиладилар. Бироқ мана шу хилма-хил иқтисодий омилларнинг таъсири, Логан билан Молочнинг фикрича, маҳаллий ташкилотлар ва айрим шахсларнинг фаолияти орқали, шу жумладан банклар, ҳукумат муассасалари ва индустриал уй-жойларнинг эгалари фаолияти орқали намоён бўлади.

Логан билан Молочнинг фикрига биноан, кўчмас мулк — ерлар ва бинолар — худди истаган бошқа бир ҳозирги жамиятнинг моддий бойликлари каби сотиб олинади ва сотилади, лекин шаҳар муҳитининг структурасини шакллантирадиган бозорларга одамларнинг турли гуруҳлари фойдаланишни истаган, улар сотиб олаётган ва сотаётган нарсалар ҳам таъсир кўрсатади. Натижада муайян зўриқишлар ва зиддиятлар келиб чиқадики, улар шаҳар районларининг структурасини белгилайдиган муҳим омиллар ҳисобланади. Масалан, турар-жой биноси унда яшайдиган кишилар учун «уй» ҳисобланади; уй эгаси учун эса — у бор-йўғи «рента манбаи», холос. Тадбиркорлар у ёки бу районда амалга ошириладиган мол-мулклар олди-сотдисидан ҳаммадан кўра кўпроқ манфаатдордирлар. Чунки улар ер участкаларининг савдога қўйиб сотилишидан ўзлари учун кўпроқ фойда чиқариб олишга ҳаракат қиладилар. Уларнинг манфаатлари ва ўй-фикрлари бу уйни фақат «яшаш жойи» деб ҳисоблайдиган шу уйда яшовчи кишиларнинг манфаатларидан анча узоқдир.

Логан ва Молочларнинг таъкидлаб ўтишларича, ҳозирги замон шаҳарларида йирик бизнес корчалонлари айрим районларда ердан фойдаланишни интенсификация қилишга муттасил равишда уриниб келади. Улар бунинг уддасидан чиққан жойларда ерни олиб-сотиб, чайқов қилиш ва у жойларда ўзлари учун фойдали бўлган қурилиш ишларини бошлаб юбориш учун катта имкониятларга эга бўладилар. Компаниялар мазкур шаҳар районлари учун ўзларининг бундай ҳаракатлари қандай ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келиши мумкинлигига эътибор ҳам бермайдилар. Масалан, ғоят катта янги бир маъмурий бино қуриш учун жой бўшатиб бериш мақсадида эски иморатларни бузиб ташлаш мумкинлиги уларни асло ташвишга солмайди. Ўз мулкани кўпайтириш билан машғул бўлган йирик компаниялар томонидан рағбатлантириладиган ўсиш жараёнлари кўпинча маҳаллий бизнес ёки аҳолининг манфаатларига тўғри келмаганлиги боис улар актив қаршилиқ кўрсатишга уриниб кўришлари мумкин. Одамлар ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун ишлаш жойлари бўйича гуруҳларга бирлашадилар. Бундай маҳаллий ассоциациялар минтақавий чекланишларни

¹⁵ Logan J. R., Molotch H. L. *Urban Fortunes: The Political Economy of Place*. Berkeley, 1987.

кенгайтириш учун, ям-яшил боғ-роғлар зонасида янги курилиш бошлашни тўхтатиб қолиш учун ёки бўлмаса кўчмас мулкдан фойдаланишни мувофиқлаштирадиган анча мақбул қонунлар қабул қилиниши учун босим ўтказиш мақсадида кураш олиб боришлари мумкин.

Фарб шаҳарларининг урушдан кейинги ривожланиш моделлари

Кўшма Штатларда урбанизация жараёнлари бўйича Британиядагига қараганда анча кўп тадқиқотлар ўтказилган эди. Лекин умуман олганда Британия шаҳарларининг урушдан кейинги тараққиёт хусусиятлари АҚШ шаҳарларининг анча илк давридаги тараққиёти хусусиятларига мос келади. Шунинг учун биз Бирлашган Қироллик шаҳарларининг муаммоларига ўтишдан олдин, дастлаб Америка тажрибасига мурожаат этмоқчимиз.

АҚШдаги урбанизм

Субурбанизация

Урушдан кейинги даврда Америка шаҳарлари тараққиётининг энг аниқ кўзга ташланиб турган йўналишларидан бири шаҳар атрофидаги *қўрғонларнинг* кенгайиб кетиши бўлди (бу субурбанизация деган ном олди (suburbia, бу лотинча sub urbe — яъни «шаҳарга бўйсунган жой» деган маънодаги сўздан олинган). Урбанизмнинг қарийб бутун тарихи мобайнида айнан мана шу термин унга сўзма-сўз мос тушган атама бўлиб келди. Шаҳар атрофидаги қўрғонлар гўё шаҳарнинг кичик-кичик «чўнтакчаларига» ўхшаган бўлиб, унинг аҳолиси ўз кундалик турмуши учун маблағ билан таъминланиш масаласида ҳам, ўз дам олишини ва бўш вақтини кўнгилдагидек ўтказишни ташкил қилиш масаласида ҳам бевосита шаҳарга боғлиқ ҳолда ҳаёт кечирар эди. Эндиликда катта шаҳарларга туташ бўлган ҳар қандай курилиш районини ушбу термин билан атамоқдалар.

Кўшма Штатларда *субурбанизация* жараёни 1950—1960 йилларда ўзининг апогеи — энг юқори даражасига етди. Мана шу 10 йилликлар мобайнида марказий шаҳарларнинг ўсиш суръати 10%ни ташкил этган бўлса, шаҳар атрофидаги қўрғонлар, посёлкаларнинг ўсиш суръати — 48% бўлди. У жойларга, асосан, оқ танли америкаликларнинг оилалари кўчиб борди. Шаҳарлардаги марказий район мактабларида ирқий хилма-хилликнинг ортиб бориши шу ерлик оқ танлиларга ёқмас эди. Шунинг учун уларнинг кўплари ўз фарзандларини фақат оқ танлилар учун очилган мактабларда ўқитишни хоҳлар эди. Албатта, бундан бошқа сабаблар ҳам бор эди. Одамлар шаҳарнинг марказий районларида атроф-муҳит ифлосланиб кетганлигидан, аҳоли ҳаддан ташқари кўпайиб кетганлигидан, жиноятчи-

лик ўсиб бораётганлигидан безор бўлиб кетган ва шунинг учун шаҳарни ташлаб унинг атрофидаги тинчроқ жойларга кўчиб кетар эдилар. Шунингдек, уларни шаҳар ташқарисида мулкка солинадиган солиқларнинг кам эканлиги, келгусида уй-жойларини анча кенгайтириб, тор бир квартирага эмас, балки боғрогли алоҳида уйга эга бўлиш истаги ҳам қизиқтирар эди. Мана шу жараён билан бир вақтда йўл тармоқлари ҳам ривожланиб, одамларнинг йўлини яқин қилди, иш жойларига бориб келиши осонлашди ҳамда шу посёлкаларнинг ўзида ҳам саноат корхоналари ва хизмат кўрсатувчи корхоналар вужудга кела бошлади. Кўпгина посёлкаларнинг ўзи ривожланиб, алоҳида шаҳарларга айланиб, бир-бирлари билан тез юрар автострадалар орқали бирлашиб кетдилар. 1960 йиллардан бошлаб бир посёлкадан иккинчи посёлкага ҳар куни ишга қатнайдиган кишиларнинг сони посёлкадан шаҳарга қатнаб ишлайдиган кишилар сонидан анча ортиб кетди (шундай тенденция бутунги кунда Буюк Британияда ҳам кузатилмоқда).

Ички шаҳарларнинг таназзули

Сўнгги ўн йилликлар ичида АҚШнинг барча катта шаҳарларида юз берган ички шаҳар таназзули шаҳар атрофидаги қўрғонлар, посёлкаларнинг кўпайиб кетганлигининг бевосита оқибати ҳисобланади (бутунги кунда худди шундай ҳодиса Буюк Британияда ҳам аниқ кузатилмоқда). Ушбу районлардаги шаҳарликларнинг вакиллари бўлган бир гуруҳ бойларнинг кўчиб кетиши улардан маҳаллий бюджетга тушадиган солиқларнинг йўқотилишини англатар эди. Марказий районларда қолаётганлар ичида ёки бу ерда яшаш учун кўчиб келаётган кишилар ичида кам таъминланган аҳоли вакиллари кўп бўлганлиги сабабли, кўчиб кетган кишилар туфайли содир бўлган бюджетдаги йўқотишни тўлдириш амри маҳол эди. Башарти, шаҳардаги марказий районларда солиқ солиш ставкаси яна кўтариладиган бўлса, аҳолининг ўзига тўқ қатламлари ҳамда ишбилармон доиралари ушбу районларни тобора кўпроқ ташлаб кетишга ҳаракат қилади.

Вазият яна шу билан ёмонлашадикки, шаҳарнинг марказий районларидаги турар-жой фонди шаҳар атрофидаги шундай турар-жойларга нисбатан кўпроқ эскириб, кўпроқ ишдан чиқади, жиноятчилик кўпайиб боради, ишсизлик даражаси юқори бўлади. Бинобарин, ушбу районларда ижтимоий эҳтиёжлар учун, мактаблар учун, биноларни таъмирлаш учун, полиция ва ёнғиндан сақланиш хизматини йўлга қўйиш учун тобора кўпроқ маблағлар сарф қилиш талаб этилади. Таназзул даври давом этмоқда, шаҳар атрофидаги қўрғонлар, посёлкалар қанчалик кенгайиб борса, шаҳар марказидаги муаммолар ҳам шунчалик кўпайиб боради. Кўпчилик Америка шаҳарларида, айниқса, Нью-Йорк, Бостон ёки Вашингтон каби эски шаҳарларда ушбу жараённинг оқибатлари даҳшатли даражада ёмонлашиб кетди. Ушбу

шаҳарлардаги баъзи бир районларда мулкнинг эскириб яроқсиз ҳолга келиш даражаси бошқа саноати ривожланган дунёдаги мамлакатлар шаҳарларининг ҳар қандай катгароқ районларидаги шундай ҳолатлардан кучлироқ бўлиши ҳам мумкин. Яроқсиз ҳолга келган кўп квартирали уйлар бир-бирига тақалган ҳолда бўм-бўш ётибди, ташлаб кетилган чала қурилишлар ичи тўла тош-ғиштлири билан бирга хувиллаб ётибди.

Молиявий инқироз

1970 йилларда ва 1980 йилларнинг бошларида Қўшма Штатларнинг баъзи бир шаҳарлари таназзулга учраб, банкротлик ёқасига келиб қолдилар ва амалда кўпгина шаҳар хизмати билан боғлиқ муассасаларни қисқартиришга мажбур бўлдилар. 1979 йилда Кливленд ўзининг илгари бир йиллик бюджетининг тахминан бешдан бир қисмига тенг бўлган қарзини ҳам тўлашга қодир бўлмай қолди. Чикаго ва Сан-Франциско ҳам худди шунингдек кўп миллионли дефицитга эга бўлиб, уни қоплашга қодир бўлмай қолдилар. Лекин кейинги вақтларда молиявий қийинчиликларга учраган шаҳарлар ичида энг машхури Нью-Йорк шаҳридир.

Эски саноат шаҳарларининг кўпчилиги сингари Нью-Йорк шаҳри ҳам Иккинчи жаҳон урушидан кейин саноат ишлаб чиқариши соҳасида чуқур таназзулга учради. Молиявий ва суғурта компаниялари фаолиятининг кенгайтирилиши мана шу таназзул туфайли йўқотилган маблағ ва бойликларни қоплаш учун етарли бўлмасди. Барқарор бюджет дефицити бундай аҳволнинг якуни бўлди. 1950 йиллардан бошлаб Нью-Йорк ҳам қора танли америкаликларни, пуэрто-рикаликларни ва аҳолининг кам даромадли бошқа гуруҳи вакилларини ўз бағрига ола бошлади. 1950—1970 йиллар ўртасидаги даврда, яъни аҳолининг кам даромадли қатлами турмуш даражасининг пасайиб кетиш суръатлари, умуман, АҚШ бўйича анча секинлашган вақтга келиб, Нью-Йоркда камбағаллик чегарасидан ташқарида қолган, яъни ўта ночор ҳолга тушиб қолган кишиларнинг сони илгари бутун шаҳар аҳолисининг учдан бир қисмини ташкил этган бўлса, энди улар бутун шаҳар аҳолисининг ярмисини ташкил этадиган даражага келиб етди. 1974 йилга келиб, шаҳарнинг йиғилиб қолган қарзи 1,2 миллиард долларга етди. 1975 йилда умумий иқтисодий инқироз бошланди, банклар бундан буён шаҳарга қарз беришни тўхтатдилар, конгресс ва штатнинг олий ҳокимиятлари ўзларининг шаҳарга ажратадиган молиявий ёрдамлари ҳажмини қисқартирдилар.

Шаҳарнинг ҳукмрон доиралари харажатлар кўрсатилган моддаларда катта-катта қисқартиришлар қилганларидан кейингина Нью-Йорк банкротликдан қутилиб қолди. Ижтимоий хизматлар соҳасида 50 мингга яқин иш ўринлари йўқ қилинди, муниципал тўловлар эса тахминан 20%га қисқартирилди. Бундай тадбирлар ўтказишдан мактаблар, санитария хизматлари, полиция

ва ёнфинга қарши кураш ходимлари сезиларли даражада зарар кўрдилар. Кўпгина ижтимоий дастурлар у ёки бу даражада қисқартирилди. Иккинчи томондан, тадбиркорлар учун янги солиқ имтиёзлари жорий этилди. 1975 йилдан кейин ўтказилган сиёсатни танқидчилар «икки шаҳар ҳақида қисса» деб атадилар. Манхэттен қурилиш соҳасида шундай таназзулга учради. Бу таназзул кўпроқ маъмурий бинолар ва меҳмонхоналарга тааллуқли бўлди. Бундай ҳол йирик миқдорда капитал маблағлар сарфланишини талаб қилди. Иккинчи томондан, сиёсатчилар шаҳар аҳолисининг кўпчилиқ қисми — даромади кам бўлган кишилар эҳтиёжини эътиборсиз қолдирдилар.

Бугунги кунда Нью-Йоркда уй-жойсиз кимсалар кўп. Шаҳарга тасодифан келиб қолган меҳмон ҳам уларни дарҳол сезиб олиши мумкин. Улар кечаси тунаб қолиш учун фақат парклардаги скамейкаларни эгаллаш билан чекланиб қолмай, ўзларининг тунаб қолишлари учун автобус бекатларини, темир йўл станцияларини, ҳатто аэропортларни ҳам мўлжалга оладилар. Шаҳарнинг турли кварталларида бу кишилар учун расмий ётоқхоналар ҳам очилган, лекин бошпанасиз қолган кишиларнинг кўпчилиги, бундай ётоқхоналардаги тартиб-интизом қаттиқлиги ва ҳатто ушбу ётоқхоналарни турмага ўхшатиб кўйилиши туфайли ундай жойларга боришни хоҳламайдилар. Нью-Йорк штати Олий судининг 1987 йилда қабул қилган қарори бўйича минг-минглаб уй-жойсиз ёлғиз кишилар тиббий ёрдам олиш ва ижтимоий кафолатларга эга бўлиш ҳуқуқини олдилар. Илгари улар бу ҳуқуқлардан маҳрум эдилар. Бу эндиликда уларнинг муҳим эҳтиёжларини қондириш имконини берса-да, лекин айтиб бериш вақтида мавжуд ресурсларга оғир юк бўлиб тушади, ижтимоий таъминотнинг бошқа хизматларини тўла молиялаштиришга халал беради.

Буюк Британиядаги урбанизм

Субурбанизация ва ички шаҳарнинг таназзули

Урушдан кейинги Америка шаҳарлари ҳаёти учун характерли бўлган тенденцияларнинг кўпчилиги Британияда ҳам кузатилади. Кейинги 30 йил ичида йирик шаҳарлардаги марказий районларнинг аҳолиси, асосан, ишловчиларнинг узоқ жойлардаги, шаҳар атрофидаги районларга ҳамда боғ-қовлиларга (асосан, шаҳарда ишлайдиган кишилардан иборат аҳоли яшайдиган шаҳардан ташқарига жойлашган кичик шаҳарчалар) ёки қишлоқ жойларга кўчиб кетишига сабабчи бўлганлар. 1970 йилдан 1985 йилгача ўтган давр ичида катта Лондон аҳолиси тахминан ярим миллион кишига камайган. Ҳолбуки, Кембриж, Ипсвич, Норвич, Оксфорд ва Лейчестер сингари унча катта бўлмаган шаҳарларнинг аҳолиси кўпайиб кетган. Марказий районлар, айтилганда, шимолдаги шаҳарларда ўзларининг саноатдаги аҳамиятини йўқотдилар.

Баъзи бир истисноли ҳолатларга қарамасдан, одамларнинг шаҳар атрофидаги посёлкаларга кўчиб кетиши АҚШдагига қараганда анча камроқ бўлди ҳамда бу ҳол шаҳар таназзулининг оқибати сифатида унчалик сезиларли эмасди. Бироқ, баъзи шаҳарларда, масалан, Ливерпулда Марказий кварталлар худди Америкадаги сингари таназзул ҳолатига тушиб қолганлар. Англия черкови тайёрлаган «Шаҳарга ишонч» (1985) деб аталган маърузада марказий районларнинг аҳволи нақадар аянчли эканлиги тубандагича баён этилган: «Марказий районларга жойлашган бинолар — энг эски бинолардир. Уларнинг деворлари нураб тушган, деразаларига тахталар қоқиб ташланган, ҳамма ёқда нурсиз, хира тортиб кетган ёзувлар, лой-балчиққа ботган кўчалар, вайронага айланган жойлар — булар ҳаммаси бизнинг бугунги ибодатхоналаримиз манзараси учун хос бўлган белгилардир. Бунинг сабаби ҳозир биз фойдаланаётган барча биноларнинг тахминан тўртдан бир қисми 1919 йилга қадар қурилган эски иморатлар бўлиб, 1977 йилда ўшандай биноларнинг 40%дан то 60%гача бўлган қисми Марказий районларга жойлашган эди».

Худди Қўшма Штатлардаги сингари бу ерда ҳам янги-янги ишлаб чиқариш корхоналари, асосан, марказий шаҳар районлари худудидан ташқарида — ёки шаҳарларнинг ташқи чегараси атрофида ёхуд унча катта бўлмаган шаҳарчаларда жойлаштирилади. Бунга Букингемширдаги Милтон Кейнс сингари янги шаҳарлар бунёд этиш режаси бўйича олдиндан ўйлаб қўйилган компания ҳам ушбу жараёнга қисман ёрдам берган. Кўп сонли миллий дастурлар марказий районларга янги-янги имкониятлар очиб бериши лозим эди, уларда ўша жойлардаги уйларни сотиб олишни ва таъмирлашни истаган кишиларга махсус грантлар — ёрдам пуллари ажратиш, шунингдек, бизнесни жалб этиш учун солиқ соҳасида ҳам имтиёзлар бериш кўзда тутилган эди. Лекин бундай дастурлар унчалик кўп муваффақият қозона олмади. Бир йил бурун Лондоннинг Брикстон районида содир бўлган тартибсизликларни расмий равишда тергов қилиш натижаси ҳисобланган бир ҳужжатда — 1982 йил учун Скармэн маърузасида ички шаҳар муаммосига ўзаро келишилган ёндашув мавжуд бўлмаганлиги таъкидлаб ўтилган эди.¹⁶ 1985 йилга келиб кўзғолонлар яна бошланди (кўзғолон яна Брикстонда ва Шимолий Лондоннинг Бродуотер Фарм районида бошланиб, бу ерда полициячи ўлдирилган эди). Бунга жавобан ҳукумат ички шаҳар муаммоларини ўрганиш бўйича комиссия таъсис этди. Мазкур комиссия 1986 йилда Лондон, Манчестер ва бошқа шаҳарларнинг энг хароб ҳолга келиб қолган саккиз районининг ҳар бирига уларнинг эҳтиёжлари учун ҳар йили бир миллион фунт маблағ ажратишни таклиф қилади. Бироқ, танқидчилар ажратилаётган маблағларнинг реал миқдори бундан

¹⁶ *Scarman L. G. The Scarman Report. Harmondsworth, 1982.*

15 йил муқаддам марказий районларга сарф қилинган маблағдан анча кам эканлигинини кўрсатиб ўтдилар.

Лондоннинг энг камбағал ҳудудларидан бири бўлган Хэрни ҳақида ёзган Пол Харрисон бу ерда фоят ачинарли аҳвол эканлигини куйидагича баён этади:

Полиция амалда ҳал қилиб бўлмайдиган муаммога рўбарў бўлиб қолди — ички шаҳардаги жамият кўзғолонини ҳозир тошай деб турган усти ёпиқ қозонга қиёс қилиш мумкин эди, қозоннинг қопқоғи кўтарилгудек бўлса, унинг ичидаги ҳамирдек кўпчиб ётган бир масаллиқ ташқарига чиққудек ҳолатни эслатар эди. Ишлаб чиқариш камайиб кетгани сари, бу ҳол ўша қозондаги маҳсулотларни портлайдиган даражада даҳшатли аҳволга солар эди. Бунга яна юқори даражадаги ишсизлик ҳам ўз таъсирини ўтказиб, жиноятчилик ўсиб кетишига муқаррар равишда таъсир кўрсатар эди. Ўз навбатида, бундай аҳвол бу ерга бошқа районларга қараганда анча кўпроқ полициячиларни юбориш зарурлигини тақозо этар эди. Полициянинг кўзғолон кўтарган кишилар билан ноҳуш учрашувлари тобора кўпроқ такрорланиб турар, халқ билан полициянинг тўқнашиши аниқ бўла борар ҳамда ҳақсизликка қарши бош кўтарган халқнинг полиция томонидан ҳақорат қилиниш ҳоллари ҳам кўпайиб борар эди.¹⁷

Шундай бир боши-кети йўқ доирадайд ҳолат юз беради: энг камбағал аҳоли вакиллари содир бўлаётган жиноятларнинг кўплигидан бошқа гуруҳларга қараганда ортиқ даражада азият чекаётган бўлса, худди мана шу қашшоқ кишилар бу ерда полициячиларнинг оммавий равишда кўпайишига миқ этмай қараб туришга мажбур эдилар. Бунинг устига ушбу муҳитда криминал ҳолатлар бошқа ҳар қандайд жойдагидан кўпроқ бўлиб, у тобора оддий бир ҳолга айланиб бормоқда эди. Хэрни сингари районларда, деб таъкидлайди Харрисон, «ўзини ўзи мудофаа этаётган жамият баррикадалар қураётган», шундай қилиб у ўзини ўзи муҳофаза этаётганга ўхшар эди. Булардан ташқари, халқ ўзининг «фуқаролик эркинликларини оғишмай талаб қилаётганлиги» аниқ кўриниб турар эди.

1992 йилда Лондоннинг баъзи бир районларида 25 ёшгача бўлган йигит-қизлар ўртасидаги тўсиқлик 40% дан ошган, қоратанли ёшлар ўртасидаги ишсизлик кўрсаткичи эса бундан юқори — 60% дан ҳам ошиб кетган эди. Лондондаги уй-жойсиз кишилар сони Нью-Йоркдаги худди шундай бошпанасиз кишиларнинг сонига яқинлашиб қолган эди. 1980 йилларнинг бошларидан то 1990 йилларнинг бошларига қадар бундай уй-жойсиз кишилар сони 4—5 баробар ошиб кетди. Ҳукумат комиссияси Лондоннинг ички шаҳар аҳолиси тўғрисида ахборот берар экан, Лондон шаҳар бошқаруви ўз иштини, айниқса, ёмон ташкил этгани оқибатида ҳамда ижтимоий хизматлар жуда суст ривожланганлиги сабабли жуда ёмон аҳволга тушиб қолган, у ҳозир Нью-Йорк йўлидан бормоқда, деган хулосага келади.

1988 йилда ишлаб чиқилган «шаҳарларни муҳофаза этиш ҳужжати» деб аталган ҳукумат программаси юз берган аҳволни

¹⁷ Harrison P. Inside the Inner City: Life under the Cutting Edge. Harmonds Worth, 1983.

яхшилашга қаратилган бўлиб, бу ишларни кўпроқ давлат маблағлари ҳисобига эмас, балки ҳусусий инвестициялар ҳамда эркин бозор соҳасидаги кишилар кучига кўпроқ умид боғлаган эди. 1990 йилга келиб ҳукумат чақириғига жавобан жамоат жамғармалари ва грантлар маблағидан 900 миллион фунтга яқин ҳусусий маблағ мана шундай эҳтиёжманд районларга берилади. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бир марталик намунавий лойиҳаларни истисно қилганда, марказий шаҳарларнинг асосий ижтимоий муаммоларини ҳал этиш вақтида фақат давлат томонидан бериладиган маблағни кутиб турмаслик ҳамда ҳусусий бизнес нима қилиб берар экан, деб ўтиравермаслик керак экан. Ички шаҳарда ҳал қилинмаган муаммолар шу қадар кўпайиб кетган эканки, энди уни емирилиш жараёнидан қутқариб қолиш ниҳоятда мураккаб масаладир. Уни катта миқдордаги давлат маблағларини жалб қилмасдан эпақага келтириб бўлмайди. Шунча кўп маблағ сарф қилишга эга ҳеч қандай ҳукумат рози бўлмайди. Шундан келиб чиқиб айтиладиган бўлса, келгусида ҳам вазиятнинг радикал яхшиланишидан умид қилиб бўлмайди, аҳволнинг яхшиланиши тобора камроқ даражада реаллик касб этмоқда.¹⁸

Британия шаҳарларидаги молиявий бўҳрон

Британиядаги марказий ва маҳаллий солиқларнинг нисбати Америкадагидан бошқачароқ, шунинг учун Британияда битта ҳам шаҳар банкрот бўлмади, лекин Британия шаҳарларидаги марказий районлардан кўпчилиги бир-бириникига ўхшаш молиявий муаммоларга дуч келди. 1972 йилда маҳаллий бошқарув тўғрисидаги қонун орқали олтига янги «графлик-метрополия»лар таъсис этилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: Мерсисайд, Катта Манчестер, Жанубий Йоркшир, Фарбий Мидлэндс, Фарбий Йоркшир ва Тайн, Уизр. Районларнинг марказий органларига умумий режалаштириш ваколоти берилади, уларга тобе бўлган кенгашлар таълим тизимининг фаолиятини, ижтимоий хизматларни таъминлар, турар-жой фондлари ва бошқа неъматларни тақсим этар эди. Лондонда бошқача система мавжуд эди: бу ерда ушбу ишларни 1965 йилда таъсис этилган катта Лондон совети (ЛКК) 21 йилдан бери бошқариб келган. Метрополиялар ва ЛКК ихтиёридаги даромадларнинг ярмига яқини (ЛКК тугатилган 1985 йилдан қадар) марказлаштирилган ҳукумат манбаларидан келиб тушар эди.

1970 йилларнинг ўрталаридан бошлаб маҳаллий ҳокимиятларга босим ўтказилиб, улардан бюджет моддаларини қисқартириш, маҳаллий ажратмаларни камайтириш ҳамда шаҳарнинг ҳатто ички районлари учун ҳам хизмат кўрсатиш маблағларини қирқиш, ҳатто таназзулга кўпроқ учраган кичик район-

¹⁸ Macgregor S., Pimlott B. Action and Inaction in the Cities. In: Macgregor S., Pimlott B. Tackling the Inner Cities: The 1980's Reviewed, Prospects for the 1990's Oxford, 1991.

ларга ҳам камроқ маблағ ажратиш талаб қилинар эди. 1980 йилда Парламент томонидан билль (қонун) қабул қилинган бўлиб, унда ҳукумат томонидан белгиланган харажатлар даражасини оширганлик учун ҳокимиятларни жазолаш кўзда тутилган эди. Таназзулга учраган районларни бошқараётган кенгашлар белгиланган бюджет маблағларини зўрға етказар эдилар. Бундай ҳол ҳукумат билан метрополия Кенгашлари ўртасида кескин зиддиятлар келиб чиқишига сабаб бўлди. Бундай ҳол, айниқса, лейбористлар партияси назоратида бўлган жойлар, масалан, Ливерпуль ва Шеффилд метрополияларида кузатилди. Уларнинг баъзилари аввалги Уайихолл томонидан белгиланган бундай иккиланишларни тан олмадилар, шундан кейин 1976 йилнинг мартада Ливерпуль ва Ламбетдаги 80 нафар маслаҳатчиға ҳукумат билан ҳамкорлик қилишни истамаганликлари учун шахсий жарималар солинди.

“Шаҳарлар модернизацияси” деб аталган консерваторлар ҳукумати ўша йили босиб чиқарилган расмий ҳужжатда олти графликда кенгаш тугатилганлиги тўғрисида хабар берилган эди. Лондонда уларнинг вазифалари қуйи даражадаги кенгашлар ўртасида қайтадан тақсимлаб чиқилди.

1980 йилларнинг охирига келиб маҳаллий кенгашларнинг молиявий аҳволи ёмонлашиб, буни айниқса, овоз бериш солиғи (расмий равишда “обшчина йиғими” деб аталган солиқ) чиққанидан кейин кучлироқ сеза бошладилар. Бу солиқдан кутилган мақсад шундан иборат эдики, бунда маҳаллий маъмуриятнинг сарф-харажати белгиланганидан ошгудек бўлса, шу харажатни ошириш учун овоз берган киши солиқ тўлашга мажбур қилинар эди. Ушбу солиқ уни тўлайдиган киши бой ёки камбағал эканлигига қарамасдан ҳамма учун бирдек шарт билан чиқарилган солиқ эди. Шу жиҳатдан у даромаднинг даражасига боғлиқ ҳамда олинадиган мулк солиғидан фарқ қилар эди. Бироқ, орадан кўп вақт ўтмай ушбу янги солиқ бекор қилинади, чунки уни йиғиб олиш қийин кечди. Шунга қарамай, унинг таъсири ғоят жиддий оқибатларга олиб келди. Кўпчилик шаҳар Кенгашлари ўз даромадларининг камайиб кетишини кўрдилар ҳамда ўзлари учун зарур бўлган хизматларни қисқартириб, шу йўл билан маблағларни тежашга мажбур бўлдилар. Ушбу солиқни тўлашдан бош тортган кишилар ичида ички шаҳар районларида яшовчилар кўпчиликни ташкил этар эди. Энг камбағал гуруҳларнинг кўпгина вакиллари мана шу солиқни тўламаслик учун сайловчилар рўйхатида ўзларини қайд эттирмасликка ҳаракат қилишар, бу билан овоз бериш ҳуқуқларини йўқотар эдилар.

Давлат уй-жойларини хусусийлаштириш

1980 йил қонуни бўйича коммунал уйларда яшовчи фуқаролар яшаш муддатларига қараб, ушбу уй-жойларни 60%гача чегирма билан сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Ушбу чора-

тадбир кишиларга жуда қўл келиб, берилган бундай имкониятдан кўпчилик кишилар фойдаланиб қолдилар. Худди шу йўл билан сотилган мулкнинг умумий миқдоридан 85%и квартиралар эмас, балки уйлардан иборат бўлди. Бу гапнинг маъноси шуки, сотиб олинган уй-жойларнинг каттагина қисми марказий шаҳар районларидан ташқаридаги уй-жойлар эди. 1988 йилга келиб Буюк Британиядаги ижарага олинган уйларнинг сони бундан саккиз йил олдинги даражага қараганда 1,3 миллионгача камайиб кетди. Бундай вазиятнинг вужудга келишига қисман сабаб бўлган нарса сотилган коммунал уй-жойларга эквивалент бўлган бошқа шундай жойларнинг мавжуд эмаслигидир. Ижара сектори ўн йил мобайнида камайиб борди. Илгари ушбу жараён янги коммунал уй-жойлар қурилиб турганлиги сабабли унчалик сезилмас эди. Бир томондан 1988 йилда қабул қилинган уй-жой тўғрисидаги қонун ижарага олинадиган мулк бозорини йўқ қилди, рентани назорат қилишнинг аввалги механизмлари бекор қилинди, иккинчи томондан эса, амалдаги ижара мулкнинг ҳажми жуда оз миқдорда кўпайди. Худди кутилганидек, коммунал турар-жой фондини, асосан, бой кишилар сотиб олдилар. Сотиб олинмаган коммунал уйлар таназзулга учраш хавфи пайдо бўлди. Агар шундай бўлса, бу уйлар бошқа борадиган жойи бўлмаган кишиларнинг яшаш жойига айланиб кетади. Коммунал советлар ихтиёрида қолган кўп уйларда кўпчилик кенгашлар дуч келган бошқа барча молиявий қийинчиликлардан ташқари бу соҳада ҳам таназзул жараёнлари сезила бошлади.

1980 йилларнинг охири — 1990 йилларнинг бошларида Британияда кузатилган ва узоқ вақт давом этган тушқунлик ва таназзул даврида уй-жойларга белгиладиган нархлар кескин даражада пасайиб кетди. Кўчмас мулкнинг нархи муттасил ошиб борди ва кейинги сотилишида ғоят кўп фойда келтиради, деб ҳисоблаган уй эгалари, шу жумладан, коммунал уй-жойларни сотиб олган кишилар катта-катта ссудалар олган эдилар. Бироқ, улар қутган мўъжиза содир бўлмади, ссуда — қарзни тўлай олмаган кишилар мулкдан маҳрум бўла бошладилар. Британияда уй-жой эгаси бўлган кишилар сони бошқа мамлакатлардагига қараганда анча кўпроқ бўлиб, аксарият кишилар ижарага жой олгандан кўра, қурилиш ташкилотларидан қарздор бўлсалар ҳам, ўз шахсий уйлари бўлишини афзал кўрадилар. Муниципал уйларнинг сотилиши бу соҳада илгари ҳаммадан кўп фойда кўриб юрган кишилар ишига ҳам қисман қаттиқ зарба берди.

Шаҳар ресурсларининг жентрификация қилиниши ёки улардан “иккинчи марта фойдаланиш”

Катта шаҳарларда шаҳар ресурсларидан *иккинчи марта фойдаланиш*, яъни эски иморатларни таъмирлаб ва қайтадан жиҳозлаб, улардан янги эҳтиёжлар учун фойдаланиш кенг миқёс-

да авж олиб кетди. Баъзан иккинчи марта фойдаланиш ҳукуматнинг ўзи амалга ошираётган ижтимоий программаларининг бир қисмига айланиб қолар эди. Лекин бу кўпинча ўз ҳолига ташлаб қўйилган иморатларни қайтадан қуриш натижаси бўлар эди ва у ишлар ўша таъмирланган ва қайта қурилган биноларни кейинчалик даромади анча юқори бўлган кишиларга бериб туриш, шунингдек, ўша гуруҳларни ресторанлар ва магазинлар сингари жойлар қуриб, қулайликлар билан таъминлаш мақсадида амалга оширилар эди.

Лондондаги Доклар районининг реконструкция қилиниши бунинг яққол мисоли бўлиши мумкин. Хўш, бу нима — шаҳарлар бунёд этиш солномасидаги бебаҳо ютуқнинг мисолими ёки, аксинча, ҳалокатми? Мана шу нуқтаи назардан ҳар бирининг ўз ҳимоячилари бор. Гарчи ҳаммалари ҳам Доклар районининг янгилиниши вақтида эришилган ютуқлар даражаси иқтисодий таназзул вазиятида унинг ҳимоячилари мўлжаллаган даражадан анча паст бўлди, деган фикрга қўшилсалар ҳам, барибир, шундай қарашлар мавжуд. Доклар худуди Темза дарёси соҳиллари бўйлаб чўзилиб кетган бўлиб, Шарқий Лондонда 22 квадрат километрга яқин жойни эгаллайди; докларнинг ёпилиши ва саноат ишлаб чиқариши таназзулга учраши оқибатида ушбу район ҳам ўз салоҳиятини йўқотди. Уни “Ғарбий Европани реконструкция қилишнинг энг йирик райони” ҳамда “Лондон ёнғини бўлган замонлардан буён қўлга киритилган энг катта имконият” деб атаган эдилар.

Доклар райони, бир томондан, Сити райони билан чегарадош бўлса, иккинчи томондан эса — камбағаллар яшайдиган районларга туташиб кетган. Доклар келажаги тўғрисидаги масала 1960 йилларда қизғин мунозаралар мавзуси бўлган эди; бундай баҳс-мунозаралар бугунги кунда ҳам давом этиб келмоқда. Ушбу районда ёки унга яқин жойларда яшаган кишиларнинг кўпчилиги бу районни коммунал ривожланиш лойиҳалари — реконструкция қилиш тарафдори бўлиб чиқмоқдалар. Чунки улар аҳолининг гоаят камбағаллашиб кетган қисми манфаатларини ҳимоя қилиши керак. 1981 йилда Докларни ривожлантириш корпорацияси таъсис этилиши билан, район мана шу юқорида эслатиб ўтилган сиёсат ўтказиладиган асосий жойга айланиб қолди. Ушбу сиёсат шаҳар хўжалигини тиклаш ишида хусусий капитални асосий куч сифатида рағбатлантиришга қаратилган сиёсат бўлди.

Бугунги кунда ушбу район ўзига қўшни бўлган шундай камбағал кварталлардан кескин фарқ қилади. Бу ерда замонавий уйлар, баъзан авангард архитектураси асосида қурилган меъморчилик обидалари сероб. Омбор учун мўлжалланган хоналар серҳашам квартирани эслатади, улар билан ёнма-ён янги-янги ажойиб бинолар қад кўтарган. Улкан маъмурий мажмуанинг марказий биносига Лондоннинг истаган бир районидан қаралса ҳам кўриш мумкин. Уни “Кэнари Уофф” компанияси

қурган эди. Бироқ, мана шу ялтироқлик билан бирга, бу ерда ўз ҳолига ташлаб қўйилган уйлар ва қаровсиз ётган катта майдонларни ҳам кўрасиз. Маъмурий районлар кўпинча ҳувиллаб ётади, шунингдек, янги-янги турар-жой бинолари ҳам уларга илк бор қўйилган нархларда сотишнинг иложи бўлмаётганлиги туфайли кўпинча бўм-бўш ётади. Доклар районидаги турар-жой жамғармаси — бу мамлакатдаги энг камбағал жойлардан бўлиб, ушбу район аҳолиси реконструкциядан деярли ҳеч қандай фойда топгани йўқ. Бу ерда жуда кўп турар-жой бинолари пайдо бўлганига қарамай, маҳаллий аҳолининг жуда оз қисми уни сотиб олди ёки сотиб олиш истагини билдирди. 1991 йилда “Кэнари Уофф” компанияси жиддий молиявий тангликка дуч келиб, у қурган биноларнинг катта қисми сотилмай қолиб кетди.

Доклар районининг тақдири ўзининг зиддиятли кўриниши билан бетакрор мисолдир. Бу ерда район янгилангани ва унда муваффақиятли равишда янги-янги бинолар қурилган бўлишига қарамай, у кишида ягона бир район тасаввурини ҳосил қилмайди. Уни “уйғонган саҳро, пул ишлаб топиш учун бериб қўйилган жой, кўзни қувонтирадиган мумтоз меъморчилик ҳам, тузукроқ транспорт ҳам, жамоат фойдалана оладиган тузукроқ бир жой ҳам йўқ”, дея таърифлайдилар.¹⁹ Ушбу лойиҳа амалга оширилишидан фақат аҳолининг ўзига тўқ гуруҳлари фойдаланиб қолдилар, чунки уйларга қўйилган нарх илгари ушбу районда яшаган кишиларнинг имкониятларидан анча ортиқ эди.

Урбанизм ва халқаро таъсир

Ҳозирги замон шаҳари ҳаётини таҳлил қилар эканмиз, худди социологиянинг кўпчилик соҳалари каби бу ерда ҳам биз локал ҳодисалар билан глобал ҳодисалар ўртасидаги алоқани топа билишимиз керак. Британия шаҳарлари Марказий районларининг аҳволига таъсир кўрсатадиган баъзи бир омиллар миллий чегарадан анча ташқарига чиқиб кетадиган жараёнлар билан боғлиқдир. Масалан, Ливерпуль ва Тиссайд муаммолари, энг аввало, саноатнинг баъзи бир асосий тармоқлари таназзулга учраши билан боғлиқ бўлиб, халқаро рақобат оқибатида ушбу шаҳарлар таназзулининг марказига айланиб қолдилар.

Шаҳардаги районлар ҳаёти билан иқтисодий муносабатларнинг халқаро системаси ўртасидаги тобора юксалиб бораётган алоқаларни муҳокама қилишар экан, Логан билан Молоч шаҳар қурилишининг вужудга келган беш типини алоҳида ажратиб кўрсатадилар.²⁰ Шулардан биринчиси **шаҳар — штаб-квар-**

¹⁹ *Brownhill S. Developing London's Docklands: Another Great Planning Disaster?* London. 1990.

²⁰ *Logan J. R., Molotch H. L. Urban Fortunes: The Political Economy of Place.* Berkeley, 1987.

тира ҳисобланади. Халқаро даражага кўтариш мўлжалланган маъмурий фаолият, транснационал корпорациялар фаолияти кенг қулоч ёзиб бораётган марказлари мавжуд шаҳарлар юқорида номи тилга олинган биринчи типдаги шаҳарлар жумласига киради. Лондон дунёнинг етакчи штаб-квартираларидан бири ҳисобланади. У молиявий ва ишлаб чиқариш операциялари ўтказиладиган жой бўлиб, шунингдек, халқаро транспорт ва алоқа системасининг марказидир.

Шаҳарнинг иккинчи типи — **инновацион марказ**. Илмий тадқиқотлар ва фан муассасалари мужассам бўлган районлар шундай номланиб, улар томонидан ишлаб чиқилган янгиликлар ишлаб чиқаришда ва бошқа жойларда тадбиқ этилади. Кембриж бунинг мисоли бўлиши мумкин. Унинг университети қудратли “Илм-фан парки” билан кенг миқёсда алоқа ўрнатган. Шимолий Калифорнияда жойлашган Силикон Водийси ўзининг салоҳияти жиҳатдан жаҳондаги энг кучли илмий марказлардан бири ҳисобланади. АҚШнинг инновацион марказлари ва Британиянинг ундан камроқ даражадаги шундай марказлари кўпинча ҳарбий саноат билан бевосита алоқа ўрнатадилар. Қўшма Штатлар мудофаа вазирлиги фанга ажратадиган маблағларининг учдан бир қисмини мамлакатнинг илмий тадқиқот муассасалари сарф-харажатини қоплашга ишлатилади. Йирик-йирик шартномалар АҚШдаги инновацион марказлар гуллаб-яшнашига сезиларли таъсир кўрсатади.

Учинчи тип — **модуль ишлаб чиқариш маркази**. Ҳозирги вақтда халқаро меҳнат тақсимооти комплексида ҳар хил деталлар тайёрлаш ва буюмларни йиғиш ишлари ер юзининг турли жойларида амалга оширилади. Баъзи бир шаҳарлар циклни якунлаш жойидан узоқда жойлашган бўлиб, улар ишлаб чиқариш жараёнларида оралик ўринни эгаллаб қоладилар. Бир қатор транснационал компанияларнинг заводлари, масалан, Белфастда жойлашган бўлиб, у ерда ишлаб чиқарилган деталлар тўтланиб бир буюм ҳолига келтирилиши учун бошқа жойларга жўнатилади.

Тўртинчи тип — **учинчи дунё учун юк ортиш ва юк тушириш пунктлари** бўлиб, бу турдаги шаҳарлар ичида ҳаммадан кўра кўпроқ халқаро таъсирга эгадир. Улар аксарият чегарага яқин марказлар бўлиб, аҳолисининг кўпчилик қисми учинчи дунё мамлакатларидан келган иммигрантлардан иборат бўлади. Марсель шаҳри бунинг мисоли бўлиши мумкин. Бу шаҳар асосий пункт бўлиб, у орқали Шимолий Африка аҳолиси Францияга етиб келади. Қўшма Штатларда Лотин Америкаси жамоаларининг вакиллари яшайдиган шаҳарлар бунинг энг яхши мисолидир. Масалан, Куба аҳолиси жойлашиб олган Майами, шунингдек, Лос-Анжелеснинг мексикаликлар яшайдиган кварталлини кўрсатиш мумкин.

Ниҳоят, бешинчи тип — **пензионерлар шаҳри**. Бугунги кунда кўпчилик кишилар истеъфога чиққанларидан кейин иқлими яхши бўлган жойларга кўчиб борадилар. Бундай миграция қис-

ман ички характерга эга бўлса (масалан, инглизлар Борнмут ёки Уортингнинг жанубий соҳилларига жон-жон деб кўчиб бордилар), қисман халқаро характерга эга бўлади. Испанияда ёзлик уйлари бўлган Британия аҳолиси пенсияга чиққанларидан кейин доимий яшаш учун у ерга кўчиб боришлари мумкин.

Глобал шаҳар

Етакчи йирик шаҳарлар — штаб-квартираларни Саскиа Сэссен **глобал шаҳар** деб атаган жойлар учун мисол деб ҳисоблаш мумкин.²¹ Ўз асарида у уч шаҳар: Нью-Йорк, Лондон ва Токио шаҳарларини тадқиқ этиш материалларига асосланади. Унинг таъкидлашича, жаҳон иқтисодиётининг ҳозирги тараққиёти йирик шаҳарларнинг янги стратегик роли пайдо бўлишига олиб келди. Уларнинг кўпчилиги илгари ҳам халқаро савдо маркази бўлиб келган эди, лекин ҳозир уларнинг фаолиятида янги-янги қирралар пайдо бўлмоқда. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Йирик шаҳарлар “буйруқ бериш постлари”га айланиб кетди — улар глобал иқтисодиёт учун сиёсий ечимлар ишлаб чиқарадиган марказлар бўлиб қолди.

2. Бундай шаҳарлар саноатга қараганда иқтисодиётнинг тараққиётига кўпроқ таъсир кўрсатадиган молиявий ва ихтисослаштириган сервис фирмалари жойлашадиган асосий пункт бўлиб қолди.

3. Улар ишлаб чиқариш ҳамда янгидан ривожланаётган тармоқларнинг инновациялари бир ерга жамлаб мужассамлаштирилган жой бўлиб қолди.

4. Бу хилдаги шаҳарлар бозорга айланиб, уларда молиявий ва сервис саноатининг ҳар қандай маҳсулотлари сотилади, сотиб олинади ё бўлмаса истаган бир соҳага қўлланилади.

Нью-Йорк, Лондон ва Токионинг ўтмишлари ҳар хил бўлса-да, лекин кейинги 2—3 ўнйилликлар ичида уларнинг бир-бирига ўхшайдиган томонларини акс эттирадиган ўзгаришлар содир бўлмоқда. Ҳаддан ташқари тарқоқ ҳолга келган ҳозирги замон иқтисодиётида бундай шаҳарлар гоят муҳим операциялар назорати амалга ошириладиган марказларга айланиб қолди. Иқтисодий ҳаётда глобализация жараёнлари қанчалик кучли даражада ривожланиб борса, деб ёзади Сэссен, уларни бошқариш жараёни шунчалик тезроқ даражада кам сонли етакчи марказларда жамланиб боради, бироқ глобал шаҳарлар оддий координатция пунктларига қараганда анча катталашиб кетмоқда, уларда ишлаб чиқариш контекстлари шаклланмоқда. Моддий неъматларни ишлаб чиқариш эмас, бутун дунё бўйлаб сочилиб кетган муассасалар ва корхоналарни бошқариш учун, шунингдек, мо-

²¹ Sassen S. The Global City: New York, London, Tokyo. Princeton, 1991.

лиявий инновациялар ишлаб чиқариш учун корчалон ташкилотлар талаб қиладиган ихтисослаштирилган хизматларни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Хизматлар кўрсатиш ва молиявий неъматлар — булар бари глобал шаҳарлар ишлаб чиқараётган асосий маҳсулотдир.

Бундай шаҳарларнинг ишбилармон кишилар яшайдиган кварталарида шундай жойлар мавжудки, уларда “товар ишлаб чиқарувчилар”нинг катта бир қисми бир-бири билан мустақкам алоқа ўрнатиб, шу жумладан, шахсий алоқалар ўрнатиб ишлаш имкониятига эга бўладилар. Глобал шаҳарда маҳаллий аҳамиятга эга бўлган кичик-кичик фирмалар миллий ва халқаро ташкилотлар билан, шу жумладан, кўп сонли чет эл компаниялари билан ёнма-ён туриб ишлайдилар. Чунончи, Нью-Йоркда хорижий банкларнинг 350 бўлими ҳамда чет эллик молия корпорацияларининг 2500 вакиллиги мавжуд; ҳар тўрт банк хизматчисининг бири чет эл банкида ишлайди. Глобал шаҳарлар бир-бири билан рақобат қиладилар, лекин улар айнаи бир вақтда бир-бирига боғлиқ бўлган элементлар системасини ташкил этадилар. Улар ўзлари жойлашган ҳудуддаги давлатдан қайси бир даражада ажратилган ҳолда ишлайдилар.

Глобал шаҳарнинг бундан ташқари яна салбий жиҳатлари ҳам мавжуддир. Молиявий ва глобал хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган кишилар жуда катта маош оладилар-у, лекин улар яшайдиган районлар жентрификацияга дучор қилинади. Айнаи бир вақтда анъанавий саноат тармоқларида иш жойларининг қисқариши содир бўлади ва бунинг оқибати сифатида бошланган жентрификация жараёни — ресторанларда, меҳмонхоналарда ва кичик дўконларда кам ҳақ тўланадиган жуда кўп иш жойлари пайдо бўлишига олиб келади. Ялтироқ ҳаёт ва бойлик билан ёнма-ён камбағаллик ҳам мавжуд бўлади; бундай зиддиятли ҳаёт Лондон Докларининг манзарасида яққол намоён иштилганини кўрамиз.

Учинчи дунё мамлакатларидаги урбанизация

1960 йилда Нью-Йорк билан Нью-Жерсини бирлаштириб турган районда — жаҳон шаҳарларининг энг йирик агломерацияси — яъни қурамаси бўлган жойда 15,4 миллион киши яшар эди. Ўша пайтда дунёдаги 10 та энг йирик шаҳарнинг саккизтаси биринчи дунёда бўлиб, қолган иккитаси — Буэнос-Айрес ва Шанхай шаҳарлари учинчи дунёга тааллуқли эди. Бироқ, мавжуд тенденциялар сақланиб қолиб, 2000 йилга келиб Мехико энг йирик урбанистик дунё минтақаларидан бири бўлиб қолди ва унинг аҳолиси 30 миллиондан ошиб кетди. Бу даврга келиб дунёнинг энг йирик шаҳарларининг ўнтасидан саккизтаси Осиё билан Жанубий Америкада эди.

Учинчи дунёнинг гуркираб ўсаётган шаҳарлари саноатлашган мамлакатларнинг шаҳарларидан тубдан фарқ қилади. Одам-

лар ушбу шаҳарларга қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг анъанавий системаси емирилиб, йўқ бўлиб кетганлиги сабабли ё бўлмаса бирор сердаромад иш топиш илинжида келадилар. Аввалига деҳқонлар фақат қисқа бир муддатга бораман деб ҳаёл қиладилар ва бироз пул ишлаб яна қишлоққа қайтиб келаман, деб ўйлайдилар. Ҳақиқатдан ҳам уларнинг баъзилари қайтиб келадилар, лекин кўпчилиги шаҳарда қолишга мажбур бўлади, чунки энди улар у ёки бу сабаб билан ўзларининг илгариги жамоадаги ўринларини йўқотган бўладилар. Шаҳарларга нолегал равишда кўчиб келаётган мигрантлар худди кўзиқориндай кўпайиб кетмоқда. Фарбдаги шаҳарларда улар, асосан, шаҳарнинг марказий қисмига жойлашиб олмоқдалар. Лекин учинчи дунё мамлакатларида бутунлай бошқача манзарани кўрамиз. У ерларда мигрантлар шаҳарларнинг атрофига жойлашиб, “занжир ҳалқаси” деб аталадиган ҳалқа ҳосил қилиб яшайдилар. Уларнинг кўплари гоёт оғир ҳаёт кечиради. Бундай аянчли ҳаётни ҳатто фарбдаги вайроналарда яшайдиган кишилар ҳаёти билан таниш бўлган одам ҳам тасаввур қилиши қийин.

Мисол тариқасида Ҳиндистон ва Лотин Америкаси шаҳарларини олиш мумкин. Ҳиндистон аҳолиси жуда тез кўпайиб бормоқда. Қишлоқ хўжалик районларининг анъанавий иқтисодиёти бундай кўп одамни боқишга қодир эмас. Бу ердаги шаҳарларга оқиб келаётган кишилар сони — миграция даражаси учинчи дунё стандартлари бўйича ҳисобланган вақтда ҳам жуда юқори даражададир. Деҳли Ҳиндистоннинг бошқа шаҳарларига нисбатан тезроқ ўсиб бормоқда, лекин Калькутта, Мадрас ва Бомбей шаҳарларида ҳам бир неча миллионлаб кишилар яшайди. Ушбу шаҳарларнинг аҳолиси ҳалокатли даражада кўпайиб зичлашиб кетган. Кўпчилик районларда кундуз куни одамлар кўчаларда тўда-тўда бўлиб юрадилар ва кечаси ҳам худди ўша кўчаларнинг ўзида ётиб ухлайдилар. Чунки уларнинг ҳеч қандай уй-жойлари йўқ.

Шаҳар четига яқинроқ бориб, кичкина бир бўш ётган жойни топиб олган кишилар ўзларига картон ва қошлардан бир панароқ чайла қуриб оладилар. Баъзи бир мигрантлар иш топишга муваффақ бўладилар. Лекин миграция даражаси шу қадар юқорикки, барча кишиларни доимий яшайдиган уй-жой билан таъминлашнинг иложи йўқ. Ҳинд вайроналарида яшовчилар амалда ҳеч қандай мол-мулкка эга эмаслар, лекин уларда жамоа бўлиб яшаш ва бир-бирига ўзаро ёрдам кўрсатиб яшаш шакллари кучли даражада тараққий этган.

Деҳли

Фарбдаги шаҳарлардан фарқ қиладиган шаҳарларнинг районларида турмушни ташкил этиш мисолларини кўрсатиб бериш учун Ҳиндистон пойтахти Деҳлидаги ҳаётни қараб чиқамиз. Деҳли ҳудуди “эски шаҳар” ва Нью-Дели деб аталадиган бўлақларга бўлинади. Янги Деҳли кейинроқ қурилган район

бўлиб, бу ерда ҳукумат бинолари жойлашган. Бошқа йирик ҳинд шаҳарлари учун характерли бўлган хусусият — яъни бир хил районларда аҳоли концентрацияси юқори ва бошқа бир хил районларда паст бўлиши Деҳлига ҳам тааллуқлидир. Эски шаҳар — бу кичкина-кичкина эгри-бугри кўчалардан иборат, худди лабиринтга ўхшаган шаҳар бўлиб, аини маҳалда унинг атрофидаги районларда кенг-кенг кўчалар, катта проспектлар бор. Аҳолининг кўп қисми пиёда ёки велосипедда юради, моторлаштирилган транспорт тури унчалик кўп эмас.

Фарбдаги шаҳарлардан фарқли ўлароқ, Деҳлида аниқ чегаралаб қўйилган ишбилармонлар райони — фарб шаҳарлари учун характерли бўлган махсус районлар мавжуд эмас; банклар ва офисларнинг кўпчилиги, асосан, шаҳар марказидан ташқарида жойлашган. Эски шаҳарда жуда кўп майда-майда фирмалар мавжуд бўлиб, улар ўзлари ишлаб чиқарадиган маҳсулотларни кўпинча ўша жойнинг ўзида сотиб савдо қиладилар; дўконларнинг катталиги одатда бир неча квадрат метрдан ортиқ бўлмайди. Кўчаларда савдо қилувчилар ва лотокчиларни ҳар қадамда учратиш мумкин. Нью-Дели районлари нисбатан сокин ва кенг жойлардир. У ерда ишлайдиган кишиларнинг кўпчилиги Нью-Делидан бир неча километр узоқликда, шаҳар чегарасига яқин жойлашган, нисбатан бой районларда яшайди. Шаҳар чеккасидаги жойларнинг ўзи эса мигрантларнинг муваққат кулбалари билан ўраб олинган. Уларни шаҳарга олиб борадиган йўл ёқаларида ҳам учратиш мумкин. Мигрантларнинг кулбалари қурилиши бошланмаган истаган бир жойда, паркларда, баъзан эса бир вақтлар ҳатто нуфузли кишиларнинг истиқомат қиладиган жойлари ҳисобланган районларда ҳам вужудга келади. Гоҳида посёлкалар бир неча кулбадан иборат бўлиб, бу шу кулба атрофида уймалашиб ётган бир неча минг кишилик аҳоли учун пана бўлмайди. Шаҳар ҳокимияти вақти-вақти билан бундай қонунсиз қурилган баъзи бир посёлкаларни буздириб ташлайди. Лекин орадан сал вақт ўтмай худди шундай кулбалар бошқа бир сайхонликда пайдо бўлаверади.

Мехико

Лотин Америкасидаги йирик шаҳарлар атрофида одатда жуда кўп капалар, кулбалар билан ўралган районлар мавжуд бўлиб, уларда қишлоқдан келган янги мигрантлар, ё бўлмаса янги уй-жойлар ва йўл қурилишлари муносабати билан ўзининг илгари яшаган жойларидан сиқиб чиқарилган кишилар яшайдилар. Мехикода аҳолининг учдан бир қисмидан кўпроғининг уйларига сув олиб кирилмаган, бундай уйларнинг тўртдан бир қисми ҳатто канализацияга ҳам эга эмас. Шаҳар эски марказий қисмдан, ишбилармон кишилар яшайдиган жойлардан ва қўнғилочар районлардан ҳамда бой-бадавлат кишилар яшайдиган кварталлардан ташкил топган (туристларнинг кўпига, асосан, шу жойлар кўрсатилади). Шаҳарнинг деярли бутун ташқи перимет-

ри хароба уй-жойлар, кулбалар билан тўлиб кетган. Гарчи давлат томонидан субсидланган — қарз билан таъминланган қурилишлар, шу жумладан, уй-жойлар, турар-жой бинолари қурилиши тезкор олиб борилаётган бўлса-да, лекин бундай уйларда яшаш учун етарли даражада катта даромадга эга бўлиш керак. Бундай даромадли кишилар шаҳар аҳолисининг 40%га яқин қисмини ташкил этади. Аҳолининг фақат 10%и хусусий йўл билан уй-жой сотиб олиши ёки хусусий квартира олиб яшаши мумкин. Шундай қилиб, Мехико аҳолисининг кўпчилик қисми нормал уй-жойларда яшаш имкониятига эга эмас. Шаҳарликларнинг аксарияти ўзларига майдонча тозалаб, бу ерда ўз қўллари билан уй қуришга, иморат солишга киришадилар. Бундай қўрғонларнинг кўпчилиги қонунсиз равишда қурилган бўлади, лекин ҳокимият бuni билиб-билмасликча олади.

Мехикода “Халқ уйлари”нинг уч хил типдаги районлари мавжуд. Уларнинг бири коломиас пролетариас деб аталади. Бундай уйлар нолегал равишда, эски-туски ёғоч-тахталардан ўзбошимчалик билан шаҳар чеккасидаги жойларга қурилган бўлади. Пойтахт аҳолисининг ярмига яқин қисми шундай уйларда яшайди. Бундай майдонларнинг кўпчилиги ўзбошимчалик билан ўзлаштириб олинган, у ерларда хусусий иш олиб борадиган нолегал бинокорлар ёрдамида иморатлар қурилган, ҳукумат эса гўё рози бўлгандек индамай қўя қолган. Бинокор-қурувчи усталарнинг ўз ташкилотчиларидан иборат маҳаллий тармоғи мавжуд бўлиб, улар муайян районда яшовчилардан бадаллар — уй-жой ҳақи тўплайдилар. Коломиас томонидан эгалланган ерларнинг каттагина қисми аввалбошданоқ жамоат ери бўлиб ҳисоблаб келинган ҳамда олди-сотди савдосидан ёки бир-бирига инъом этиш сингари ишлардан Мексика конституцияси орқали муҳофаза этиб келинган.

Халқ қурилишининг иккинчи тип — бу *весиндадас* ёки кулбалар деб аталади. Улар, асосан, эски шаҳар районларида жойлашган бўлади. Бундай тўкилиб кетай деб турган иморатларни мексикалик кишилар ўзаро бирлашиб ижарага оладилар ва ўз оилалари билан шу уйларда турадилар. Икки миллион киши шундай эски кулбаларда «нолегаллар» ҳаёт шароитига ўхшайдиган оғир шароитда яшайди. Учинчи тип — бу капалар шаҳарчаси. Бу жойлар «Коломиас пролетариас» уйларига ўхшаб кетади-ю, лекин улар шаҳар четиде эмас, балки шаҳар марказининг ўзига жойлашган. Сўнгги йиллар ичида капалардан иборат қўрғонларнинг бир қисми бузиб ташланди, уларда яшаган кишилар шаҳар чеккасига кўчиб ўтдилар.

Мехиконинг феодал районларидаги ерларнинг 94%и қурилишлар билан банд қилинган бўлиб, бўш жойлар фақат 6%ни ташкил қилади. Шаҳарнинг кўкаламзорлаштириш даражаси аҳоли энг зич жойлашган Европа ва Шимолий Америка шаҳарларидаги даражадан ҳам анча паст туради. Атроф-муҳитнинг ифлосланиб кетаётганлиги ғоят катта муаммо ҳисобланади. Бу-

нинг асосий манбаи автомобиллар бўлиб, улар бундай катта автомобиль ҳаракати учун мўлжалланмаган тор кўчаларни тўлдириб юборган; саноат корхоналари ҳам ҳавонинг ифлосланишига сабабчи бўлмоқдалар. Ҳаводан олиб ўтказилган фотохимик текширув натижасида аниқланишича, бу ердаги ҳавонинг зарарлилик даражаси ҳатто Лос-Анжелес шаҳрининг ҳавосидан ҳам зарарлироқ экан. Мутахассисларнинг ҳисоблаб чиққан натижаларга кўра, Мехико шаҳрида яшаш — бу ҳар куни 40 та сигаретнинг захари билан баробар экан.

1992 йил март ойида ҳавонинг ифлосланиши чидаб бўлмайдиган даражага чиқди. Одам соғлом яшаш учун йўл қўйиладиган 100 пунктга тенг озон даражаси ўша ойда 398 пунктга кўтарилиб кетди. Ҳукумат шошилинич чора-тадбирлар кўришга мажбур бўлиб, саноат корхоналарини вақтинчалик ёпиб қўйиш тўғрисида фармойиш берди, мактаблар ёпилиб, ўқишлар тўхтади, автомобилларнинг сони 40%га камайди. Ушбу воқеаларни ўз кўзи билан кўрган бир киши шаҳарнинг кўринишини қуйидагича баён этади: «Шаҳар устини бугундай қоплаб олган тутун ва газ қўкиш-жигарранг тусдаги пардага ўхшаб кетарди, баланд жойга чиқиб қаралса, шаҳар қиёфасини деярли кўриб бўлмасди. Мехико шаҳрида қаттиқ ёмғир ёғиб, жала қуяётганга ўхшаб туюлар, лекин пастда бир томчи ҳам йўқ бўлиб, ер юзида фақат чанг билан озон оқими мавжуддай эди.»²²

Бироқ 30 йил аввал ёзувчи Карлос Фруэнта Мехико тўғрисидаги ўз романини «La Region Mas Transparente» — яъни «Ҳаво гоят мусаффо бўлган жойда» деб атаган эди.

Шарқий Европадаги шаҳарлар

Худди учинчи дунё шаҳарларига ўхшаб, Шарқий Европа шаҳарлари ҳам ғарбдаги шаҳарларга қараганда унчалик ёрқин бўлмаса-да, ҳар ҳолда уларга контраст бўлган шаҳарлар ҳисобланади. Ғарбий мамлакатларнинг кўпчилигида урбанистик қиёфа хусусий ер эгаллиги, бизнес ва хусусий уй-жойлар бозори таъсири остида шаклланган эди. Айни маҳалда маҳаллий ва марказий ҳокимиятнинг режалаштириш ва молиявий фаолияти бунда иккинчи даражали аҳамият касб этган эди. Шаҳарни режалаштириш кучли даражада тараққий этган Шарқий Европада биз бошқача вазиятни кўрамиз. Масалан, собиқ Совет Иттифоқида шаҳарларнинг дизайни — яъни безатилиши мамлакатни ривожлантириш соҳасидаги умумий иқтисодий режанинг бир қисми ҳисобланган.

Совет лойиҳачилари шаҳарлар унча катта бўлмаслиги керак, транспортда ҳар кунги қатнов йўлини минимум даражага келтириш зарур, бир жойдан иккинчи жойга боришда жамоат

²² Reid M. Mexico's vale of tears // The Guardian, 27 March. 1992.

транспорти асосий восита бўлмоғи керак, деб ҳисоблашган. Шаҳарлар эгаллаган макон-жойнинг ташкил этилиши ғарб мамлакатларидаги сингари бозор баҳосига қараб эмас, балки ижтимоий фойда кўриш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда белги-ланар эди. Масалан, квартира ҳақи уй-жойларнинг сифати билан бевосита алоқадор эмас эди. У маъмурият томонидан белги-ланар ва турар-жой фондини сақлашга амалда кетадиган сарф-харажатларнинг озгина қисмини ташкил этар эди. Бундай ҳақ ғарб мамлакатларида қабул қилинган даражадан анча паст турар эди. Оилалар квартира ҳақини тўлай олиш имкониятига эга бўлиш-бўлмаслигидан қатъий назар, уй-жой билан таъминла-ниш ҳуқуқига эга бўлганлар.

Ғарбдан фарқланадиган жиҳатлар

Венгрияда ва Шарқий Европанинг бошқа мамлакатларида ўтказилган илмий текшириш ишлари асосида Айвен Желений ғарб типидagi урбанизм билан шарқ типидagi урбанизм ўртасидаги фарқни ажратиб беришга муваффақ бўлди.²³ Шарқий Европада хусусий пудратчи томонидан қурилган ва бозорга солиб сотилган уйлар умумий турар-жой фондининг фақат озгина қисмини ташкил этган. Ғарбдан фарқли ўлароқ бу ерда асосан оз даромадли кишилар хусусий уйларга эга бўлишган. Юксак даражадаги статус-мавқега эга бўлган фуқаролар, масалан, ҳукумат амалдорлари ва юқори мақомдаги мутахассислар давлат томонидан қўллаб-қувватлаб турилган ва давлатта қарашли бўлган кварталларда яшаганлар. Улар турган уй-жойлар аҳолининг кўпчилиги қисми яшайдиган уйлардан жуда катта фарқ қилади.

Районлаштириш, асосан, маъмурий тартибда ўтказилди; дунёдаги бошқа мамлакатларда бўлгани сингари бу ерда ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган районлар мавжуд бўлиб, улар ғарбдаги каби шаҳарнинг энг марказий қисмини эгаллаган эмас. Марказий районлардаги ерларнинг катта қисми ҳокимият вакиллари-нинг қўлида бўлиб, у ердаги бинолар энг замонавий ва кўп ҳолларда комфортабел уйлардан иборат бўлади, энг хунук, кўримсиз районлар шаҳар чеккасига жойлашган. Шарқий Европа шаҳарларидаги районлар уй-жойларга эгалик қилиниши ва архитектура жиҳатидан Ғарбий Европадагига қараганда анча бир хил.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Шарқий Европа мамла-катларида шаҳар қурилиши суръатлари ғарбдагига ўхшатиб юқори даражада олиб борилмаган. То 1950 йилларга қадар Мос-ква билан Ленинград аҳолиси миллион кишидан ортиб кетган шаҳарлар ҳисобланиб, улар Совет Иттифоқидаги санокли ша-ҳарлардан ҳисобланар эди. Вазият 1917 йилдаги инқилобгача қандай бўлса, шундайлигича қолиб келмоқда эди. Ҳозирги вақт-

²³ Szelenyi I. Urban Inequalities Under State Socialism. Oxford, 1983.

да бу ерда аҳолиси миллион кишидан ошиб кетган 20 та шаҳар мавжуд. Совет фуқаролари қаерда яшашидан қатъий назар рўйхатдан ўтиш — яъни пропискага рухсат олишлари зарур бўлганлиги туфайли ушбу мамлакатдаги миграция ғарбдагига нисбатан анча қаттиқроқ назорат остида бўлган.

1917 йилга қадар Россиянинг асосий шаҳарлари АҚШнинг ўша вақтдаги шаҳарларига ўхшаш бўлган. Москва ва Ленинград шаҳарларида ишбилармонларнинг марказий районлари мавжуд эди; шаҳарнинг камбағал ва бой кварталларга бўлинганлиги жуда аниқ кўриниб турар эди. Бироқ, ўша даврдаги йирик ғарб шаҳарлари билан солиштирганда, революцияга қадар Россиянинг шаҳарларида аҳоли зичлиги анча кам бўлиб, бу ерларда уй-жой қурилиши суст ривожланган эди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин уй-жой қурилиши бўйича кенг миқёсли давлат дастури қабул қилинган, вазият ўзгариб кетди. Янги қурилган биноларнинг кўпчилиги намунавий стандартлар бўйича қурилган кўп қаватли уйлардан иборат эди. Лекин барибир илгаригидек, аҳолига уй-жой етишмасдан, аввалгидек қисилиб яшар эди: икки ёки уч хонадан иборат квартираларда бутун-бутун оилалар яшарди. Эски уйларда жойлашган коммунал квартираларда бир оила фақат битта хонани олиши мумкин эди, ундаги ошхона ва ваннахонадан ҳамма кўни-кўшнилар баб-баробар фойдаланишларига тўғри келар эди.

Шаҳарларнинг режа асосида ўсиб бориши қурилиш шакллариининг стандартлаштирилиши билан бирга қўшилиб, аҳоли зичлигини нисбатан барқарор ҳолда сақлаб турилишига ёрдам беради. Ғарбдаги шаҳарларда уй шаҳардан қанчалик узокда бўлса, у шунчалик кўпроқ жойни эгаллайди. Шарқий Европада эса, аксинча, шаҳар атрофидаги посёлкалар одатда яқин орада қуриб битказилган баланд-баланд кўп квартиралы уйлар билан тўлдириб ташланган бўлади. Совет шаҳарлари шаҳар атрофидаги посёлкаларга қўшилиб кетмай, балки бирдан дала бошланиб қолади ҳамда кўп квартиралы уйларнинг деразалари кўпинча очик далага ёки ўрмонга қараган бўлади. Шунинг учун ғарбдаги районларнинг экологик моделини Шарқий Европа шаҳарларидаги сингари шароитларга мослаштиришга бўлган уринишлар муваффақиятсиз чиқмоқда.

Масалан, Москвада ўз магазинлари ва дам олиш жойлари билан бирга бунёд этилган шаҳарнинг тарихий маркази мавжуд. Лекин уларнинг концентрация даражаси ўртача ғарб шаҳарларига қараганда анча паст ва унинг яқинида ҳеч қандай эски уй ёки капалар йўқ. Шунингдек, бу ерда Британия ва Қўшма Штатларининг шаҳарларидаги сингари бир типдаги этник районлар ҳам йўқ. Саноат ва савдо ҳам шаҳарнинг турли районларига ғарбдагига қараганда кучлироқ даражада тарқатиб жойлаштирилган. Ғарбда эса турар-жой районлари билан саноат районлари одатда бир-биридан аниқ ажратиб қўйилади. Режага мувофиқ Москва 65 зонага бўлинган эди. Бунда ишга бориб келина-

диган йўл масофасини қисқартириш мақсадида саноат корхоналарини шаҳар бўйлаб бир текис тақсимлаб чиқиш мақсади қўйилган эди.

Собиқ Совет Иттифоқи ва Шарқий Европа шаҳарларининг ўрганиб чиқилиши бизни Харви ва Кастеллс ғояларини яна бир эса олишга даъват этади ҳамда уларнинг: “Шаҳарларнинг тузилишига ўша шаҳарлардаги жамиятнинг табиати ғоят катта таъсир кўрсатади”, деган фикрлари нақадар тўғри эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Келгусидаги тараққиёт тимсоли

Ҳўш, шаҳарлар ва уларнинг аҳолисини келажакда қандай истиқболлар кутмоқда? Ушбу бобда таҳлил қилиб чиқилган моделлар мураккаб мозаикадан иборат манзарага ўхшайди; ушбу моделлардан қайси бирини ривожлантириш учун ягона бир тамойил сифатида ажратиб олишнинг иложи йўқ. Эҳтимол, саноати ривожланган мамлакатларда шаҳарларнинг ҳаёти шаҳар четига қараб, «силжиб бориши» давом этар. Коммуникациянинг ҳозирги тараққий этган системаси одамларга ўз иш жойларидан тобора узоқроқ ерларда яшаш имконини беради. Айни бир вақтда ишнинг ўзи уларга яқинлашиб келади, чунки янги-янги ишлаб чиқариш корхоналари эндиликда, асосан, шаҳар марказидан узоқроқ ерларга жойлаштирилмоқда. Анъанавий ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган эски шаҳарларнинг аҳолиси илгаригидек, камайиб бораверади, чунки бошқа районлар томон кўчиб кетиш — умумий миграция давом этаверади. Бироқ, худди мана шу вазиятнинг ўзи жентрификация жараёнларини рағбатлантиради; мол-мулк шу даражада арзонлашиб кетадики, реконструкция қиймати ҳам, шунга яраша мақбул бўла боради.

Айни маҳалда худди саноатлашган мамлакатлардаги сингари аҳолининг зичлиги амалда илгариги даражада қолаверади ёки ҳатто камайиб ҳам кетади, учинчи дунё мамлакатларида эса аҳоли зичлиги ортиб боради. Афтидан, учинчи дунё шаҳарларидаги турмуш шароити яна ҳам ёмонлашиб кетади, ҳар ҳолда, шаҳардаги камбағалларнинг турмуши аянчли аҳволга тушса керак. Биринчи ва иккинчи дунё шаҳарларидаги муаммолар қанчалик муҳим бўлмасин, барибир, учинчи дунё муаммолари билан қиёс қилганда унчалик аҳамиятли бўлмай қолади.

Бобнинг қисқача мазмуни

1. Анъанавий шаҳарлар кўп жиҳатдан ҳозирги замон шаҳарларидан фарқ қилган. Ҳозирги мезонлар бўйича қарайдиган бўлсак улар кичик бўлган, атрофи деворлар билан ўраб олинган, марказда эса диний иншоотлар ва саройлар жойлашган.

2. Анъанавий жамиятларда шаҳарликлар аҳолининг жуда оз қисмини ташкил этар эди. Бугунги кунда саноатлашган мамлакатларнинг шаҳарла-

рида аҳолинининг 60%дан 90%гача бўлган қисми яшайди. Учинчи дунё мамлакатларида ҳам урбанизм жуда тез ривожланиб бормоқда.

3. Урбанистик социологиянинг дастлабки қадамлари «Чикаго мактаби» вакиллари томонидан қўйилган эди. Ушбу мактаб вакиллари шаҳарни биологиядан олинган экологик моделлар асосида қараб чиққан эдилар. Лупс Уэрт “урбанизм — турмуш тарзи сифатида” концепциясини ишлаб чиқди. Ушбу концепцияга биноан, шаҳар ҳаёти одамларнинг бири-бирига бефарқлиги ва ижтимоий дистанция — яъни бир-биридан узоқлашиб борадиган ҳаёт сифатида талқин қилинади. Мазкур ёндошувлар танқид қилинди-ю, лекин бутунлай рад этилмади.

4. Рэвид Харви ва Мануэл Кастеллсларнинг анча замонавий асарларида шаҳар қурилиш типлари фақат ўз қобиғига ўралиб қолган жойлар сифатида эмас, балки кенг миқёсдаги ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ ҳолда қараб чиқилди. Шаҳарларда шаклланган турмуш тарзи, турли районларнинг физик-жисмоний жойлашуви sanoat капитализми тараққиётининг асосий белгиларини акс эттиради.

5. Шаҳар атрофидаги посёлкалар ва бог-ҳовлиларнинг ривожланиб бориши шаҳарлардаги марказий районлар тушкунликка тушишига олиб келди. Бой-бадавлат кишилар шаҳар марказидан анча камроқ солиқ тўланадиган районларга кўчиб ўтдилар. Ушбу тушкунлик цикли шу тариқа кенгайиб борадики, натижада шаҳар атрофидаги посёлка зоналари қанчалик кенгайиб борса, ички шаҳар аҳолиси шунчалик кўпроқ муаммоларга дуч келади. Шаҳар ресурсларидан иккиламчи фойдаланилиш — яъни эски иморатларнинг таъмирлаб тикланиши ва улардан янги мақсадлар учун фойдаланилиш — бу кўпгина шаҳарлар учун одатдаги ҳолга айланиб қолди-ю, лекин ҳамон ички шаҳар танглигини энгиб ўтиш белгилари кўринмайди.

6. Урбанизацияни ўрганиш билан машғул бўлган ҳозирги замон тадқиқотчиси глобал жараёнлар билан локал жараёнлар ўртасидаги алоқани кўра билиши керак. Шаҳарлар тараққиётига таъсир этувчи омиллар гоят катта миқёсидаги жараёнларининг фақат бир қисми бўлиши мумкин. Шаҳар районларининг структураси, уларнинг ўсиши ва тушкунликка тушиб туриши кўп ҳолларда халқаро sanoat ишлаб чиқаришидаги ўзгаришларни акс эттиради.

7. Учинчи дунё мамлакатларида шаҳарлар тараққиётининг кучайиб бораётганлиги кузатилмоқда. Ривожланаётган мамлакатларнинг шаҳарлари фарб шаҳарларидан сезиларли даражада фарқ қилади, бу фарқ нолегал турар-жой бинолар қурилиши нихоятда кенгайиб кетганлигида кўринади. Бундай турар-жой биноларидаги ҳаёт гоят хароб бўлиб, ҳар қандай қулайликдан маҳрум этилган.

8. Шарқий Европа мамлакатларидаги урбанизм фарбдаги урбанизмдан фарқли ўлароқ, режали иқтисодийнинг бир қисми ҳисобланади. Шаҳарлар sanoat ривожланишининг умумий йўналишларини ҳамда эгалитар идеалларнинг рўёбга чиқишидаги умумий йўналишларни ҳисобга олган ҳолда қурилган. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Шарқий Европа мамлакатларида шаҳарларнинг ўсиш суръати нисбатан пастроқ бўлди. Бундай ҳол кўпроқ даражада ҳукумат томонидан ўрнатилган фуқароларнинг кўчиб юришини чеклаш тўғрисидаги тадбирлар билан боғлиқ бўлди.

Асосий тушунчалар

*ички шаҳар
урбанистик экология*

сунъий муҳит

<i>урбанизация</i>	<i>коллектив истеъмо</i>
<i>конурбанизация</i>	<i>субурбанизация</i>
<i>мегаполис</i>	<i>шаҳар ресурсларидан иккиламчи</i>
	<i>фойдаланиш</i>
<i>экологик ёндошув</i>	<i>шаҳар — штаб-квартира</i>
<i>урбанизм</i>	<i>инновацион марказ</i>
<i>конкуренция</i>	<i>модуль ишлаб чиқариш маркази</i>
<i>экологик бурчакни</i>	<i>учинчи дунё учун юк ортиш</i>
<i>эгаллаш</i>	<i>ва тушириш пункти</i>
<i>экологик бурчакда</i>	
<i>мустаҳкамланиб олиш</i>	

Кўшимча адабиёт

Jim Kemeny. Housing and Social Theory. London, 1991. Уй-жой муаммолари социологик даражада муҳокама этилган тадқиқот.

Anthony D. King. Global Cities. London, 1991. Ҳозирги замон шаҳарлари муаммоларини тушуниш учун ушбу масалага глобал ёндашув зарурлиги асослаб берилади.

Paul Lawless. Britain's Inner Cities. London, 1989. Ички шаҳарни ривожлантириш муаммолари ҳамда ушбу муаммоларни ҳал этишда амал қилинадиган сиёсат муҳокама қилинади.

N. Lewis Inner City Regeneration. London, 1992. Ҳозирги замон шаҳарларининг турли районлари тараққиётига таъсир этадиган зиддиятли тенденциялар таҳлили.

Suzanne Macgregor and Ben Pimlott. Tackling the Inner Cities. Oxford, 1991. Буюк Британия ички шаҳарларидаги қашшоқ аҳолининг аҳволи муҳокама этилади.

Аҳоли, саломатлик ва кексалик муаммолари

Ўзининг Ҳиндистонга биринчи сафарини хотирлар экан, таниқли биолог Пол Эрлих шундай ёзади:

Демографик портлаш нима эканини мен ақдан аллақачон тушунган эдим, бироқ бундан бир неча йил аввал Деҳлига қилган сафарим чоғида иссиқ кунларнинг бирида ҳиссий жиҳатдан сездим. Мен хотиним ва қизим билан меҳмонхонага жуда эски таксида қайтаётган эдик. Ўриндиқларда каналар қайнаб ётарди. Машинанинг фақат учинчи тезлиги ишларди. Бизнинг узоқ ва жуда секин босиб ўтилаётган йўлимизда бирданига вайрона кулбалар пайдо бўлди. Иссиқлик 40 даражага яқин бўлиб ҳавода чанг-тўзон кўп эди. Кўчалар ювинаётган, чайинаётган, ухлаётган, меҳмонга шошилаётган, баҳслашаётган, қичқираётган одамлар билан тўла эди. Қўлларини машина ойналарига садақа сўраб узатаётган одамлар, автобусни худди асалари сингари ўраб олган одамлар, ҳайвонларни боқаётган одамлар... ҳамма ёқда одамлар, одамлар, одамлар. Биз тўхтамай сигнал чалиб тўдалар орасидан жуда секин ўтиб борардик. Чанг-тўзон, шовқин-сурон, иссиқлик ва овқат пиширилаётган ўчоқлардаги олов, буларнинг бари жаҳаннамни эслатарди. Биз меҳмонхонага ета олармиканмиз? Очиқ айтганда, биз ҳаммамиз кўрқиб кетгандик. Ҳеч қутилмаган нарсалар ҳам юз бериши мумкиндай туюларди, бироқ ҳеч нарса юз бермади. Кексалар бизнинг реакцияларимизга кулишса керак. Биз Ҳиндистоннинг ҳидлари ва шовқинларига кўникамаган имтиёзли сайёҳлар эдик холос. Ўша тунда мен аҳолининг кўплиги нима эканини тушундим шекилли. Мен буни ҳис қилдим.¹

Ядро қуролларининг тарқалиши ва экологик тизимга глобал хавфни ҳисобга олмасак (шуларнинг ўзи ҳам етиб ортади), аҳолининг ўсиши бугунги кунда инсоният олдида турган энг долзарб муаммодир. Бой мамлакатлар керагидан ортиқ озиқ-овқат захираларига эга, ва уларнинг кўпчилигида аҳолининг ўсиш суръатлари паст ёки бўлмаса манфий хусусиятга эга. Бироқ кўпчилик мамлакатларда аҳолининг ўсиши жуда шиддатли бўлиб бу мавжуд захираларга катта юк ортади.

Саноатлашган мамлакатларда яшайдиган кўпчилик аҳоли бизга ўхшаб, учинчи дунё мамлакатларидаги демографик портлаш «бизнинг» муаммоимиз эмас ва бу муаммога дуч келган жамиятлар уни мустақил ҳал қилишлари ва бунинг учун бор имкониятларини сарфлашлари лозим, деб фикр юритадилар. Бундай қарашни дунё аҳолисининг тўртдан уч қисми тақдирига бефарқлик нуқтаи назаридангина қоралаб бўлмайди. Агар дунё аҳолиси ҳозирги суръатлар билан ўсишда давом этса, биз барчамиз глобал ҳалокат хавфига учраймиз. Захиралар билан боғлиқ тарангликлар жиддий низоларни келтириб чиқариши, улар эса ўз навбатида урушлар бошланишига олиб келиши мумкин.

¹ Ehrlich Paul R. The Population bomb. London, 1971.

Инсоният яқин ўн йилликлар давомида уч муаммони: ядро уруши хавфи, экологик танглик ва аҳоли ўсишини ҳал қилиши керак. Нима учун дунё аҳолиси бунчалик тез ўсмоқда? Бундай ўсишнинг оқибатлари қандай бўлади? Мазкур бобда шунга ўхшаш саволларга жавоб беришга ҳаракат қиламиз ва бизнинг таҳлилимиз бир-бирига боғлиқ икки муаммога тааллуқли бўлади: бир томондан саломатлик ва хасталик, иккинчи томондан индустриал мамлакатларда аҳолининг кексайиши.

Дунё аҳолиси сонинг ўсиши

Бугун дунёда 5 миллиарддан ортиқ аҳоли яшайди. Маълумотларга кўра «5 миллиардинчи» чақалоқ 1987 йил 11 июлда туғилди, бироқ бу ҳодиса қачон ва қаерда юз берганини ҳеч ким билмайди. 1960 йилларда Эрлих бажарган ҳисоб-китобларга кўра агар аҳоли ўсишининг ҳозирги суръатлари сақланиб турса, 900 йилдан кейин (жаҳон тарихи учун бу унчалик катта вақт эмас) ер шари аҳолиси 60 000 000 000 000 000 кишига етади. Денгиз ва қуруқликни қўшиб ҳисоблаганда ҳар бир кв.м. майдонга 100 дан ортиқроқ одам тўғри келади. Физик Ж.Фремлин ҳисоб-китобига кўра бунчалик аҳолини жойлаштириш учун бутун сайёра майдонини қоплайдиган 2 минг қаватлик уй қуриш керак. Ҳатто мана шундай улкан иншоотда ҳам ҳар бир кишига 3—4 кв.м. майдон тўғри келади холос².

Бундай манзара даҳшатли хаёлга ўхшайди ва у бизга аҳолининг тўхтамай ўсиши қандай катаклизмларга олиб келишини тасаввур қилиш учун имконият яратади. Реал масала шундаки, аҳолининг ўсиш тамойиллари ўзгармаса 30—40 йилдан кейин дунё аҳолиси ҳаддан ташқари катта миқдорга етиши мумкин. Эрлихнинг огоҳлантиришларига қулоқ солингани учун бўлса керак ҳукуматлар аҳоли ўсишини назорат қилиш бўйича дастурлар қабул қилдилар ва ҳозир дунё аҳолиси ўсишининг суръатлари пасаймоқда, дейиш учун асослар вужудга кела бошлади. 1960 йилларда 2000 йилдаги аҳоли миқдори ҳақидаги ҳисоб-китобларни пасайиш томонга қайта кўриб чиқилди. Бугунги кунда жаҳон банки 2000 йилда дунё аҳолиси аввал ўйланганидай 8,4 миллиард эмас, 6,5 миллиард кишини ташкил қилиши мумкинлигини билдирмоқда. Бироқ 100 йил олдин дунё аҳолиси 1,5 миллиард кишини ташкил этганлигини ҳисобга олсак, аҳолининг ўсиш суръатлари бари бир ҳайратланарли даражада юқоридир. Бундан ташқари аҳоли ўсишига таъсир кўрсатадиган омилларнинг ҳаммасини ҳам олдиндан билиб бўлмайди, шунинг учун барча башоратларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш керак.

² *Fremlin J. H.* How many people can the world support? // *New Scientist*, 19 October. 1964.

Аҳоли таҳлили: демография

Аҳоли муаммоларини ўрганиш демография дейилади. Бу атама бундан 150 йил олдин давлатлар аҳоли тузилмаси ва жойлашишини расман статистик ҳисоб-китоб қила бошланганда майдонга келди. Демографиянинг вазифаси — аҳоли ҳажмини аниқлаш, унинг ўсиши ёки камайишини тушунтиришдир. Аҳоли тузилмаси уч омил билан белгиланади: туғилиш, ўлим ва миграция жараёнлари. Демографияни социологиянинг тармоқларидан бири, деб ҳисобланади. Чунки туғилиш даражаси, ўлим ва аҳоли миграциясига таъсир кўрсатувчи омиллар кўп жиҳатдан ижтимоий ва маданий хусусиятларга эга.

Демография иши асосан статистик ҳисоб-китобдан иборат. Бугун барча индустриал мамлакатлар аҳоли ҳақидаги статистик маълумотларни рўйхатдан ўтказиш (мазкур мамлакат аҳолиси тўғрисида ахборот олиш мақсадида мунтазам тарзда ўтказиладиган сўровлар) жараёнида оладилар. Бироқ ахборот тўплаш усуллари қанчалик батафсил бўлса ҳам рўйхатдан ўтказиш даврида олинган ахборотлар унчалик ҳақиқий эмас. Буюк Британияда умумий рўйхатдан ўтказиш ҳар 10 йилда амалга оширилади, сайланма рўйхатдан ўтказишлар эса ундан анча тезроқ ўтказилади. Шунга қарамасдан, расмий статистикага кўпгина одамлар тушмай қолади, ва уларнинг миқдори ярим миллиондан кам бўлмаса керак. Булар нолегал иммигрантлар, дайдилар, тайинли машғулоти йўқ одамлар ва у ёки бу сабабга кўра рўйхатдан ўтишни хоҳламайдиган барча одамлар.

Учинчи дунё мамлакатларида, айниқса аҳолининг ўсиш суръатлари юқори бўлган жойларда демографик статистика яна ҳам узуқ-юлуқ ва ишончли эмас. Масалан демографларнинг ҳисоб-китобларига қараганда Ҳиндистонда расман рўйхатга олинган туғилишлар ва ўлим миқдори ҳақиқий кўрсаткичларнинг тахминан 3/4 қисмини ташкил этади, Марказий Африкада эса расмий статистика бундан ҳам ноаниқ³.

Бу мамлакатларнинг ҳукуматлари аҳолининг аниқ миқдорини билиш масаласида катта қийинчиликларга дуч келмоқдалар; аҳолининг кўпчилик қисми саноатлашган мамлакатларда ҳар бир киши биладиган ўзи ҳақидаги маълумотларни ҳам тўла билмайди. Биз ҳаммамиз ўзимиз туғилган санани, демак ёшимизни биламиз, бироқ саводсизлик тугатилмагунча бу оддий ҳол эмас эди; учинчи дунё мамлакатларида ҳозир ҳам кўпчилик ўзининг неча ёшга кирганини билмайди. Анъанавий жамиятларда «ёш» кўпинча йиллар билан эмас, ҳаётий тажриба ва вазиятлар билан ҳисобланади: одамлар тўғрисида, унинг ёши 21 да, 30 да ёки 60 да деб эмас, балки у «ёш йигит», ёки «уйланган ва кичкина болалари бор», ёки «бобо» деб гапирилади.

³ Cox Peter R. Dsmography. Cambridge, 1976.

Асосий демографик тушунчалар

Демографиянинг энг муҳим тушунчалари *фертилик, биологик насл бериш ва умумий ўлим даражаси*, ҳисобланади. Даражани умумий деб аталишига сабаб шундаки, бу кўрсаткич умумий характерга эга бўлиб, айтишлик, аҳолининг жинсий таркиби ёки ёш тузилмаси (ёш йигитлар ва катта ёшли одамларнинг улуши ҳақида) маълумот бермайди. Агар туғилиш ёки ўлим тўғрисидаги статистик маълумотлар аҳолининг муайян гуруҳларига таълуқли бўлса, демографлар унда *умумий даража тўғрисида* эҳнас *маҳсус даража тўғрисида* сўз юритадилар. Масалан ёш гуруҳлари бўйича ўлим даражаси, деганда йил давомида ҳар бир ёш гуруҳида юз берган ўлим миқдори тушунилади. Аҳолининг ўзгариш тамойиллари ва ёш тузилмасини батафсил ўрганиш учун, одатда туғилишнинг маҳсус коэффициентларидан фойдаланиб олинган маълумотлар талаб қилинади. Умумий даражалар масаласига келсак, улар жамиятлар ва минтақаларни қиёсий ўрганилганда фойдали бўлади. Масалан 1985 йилда Британияда ҳар 1000 аҳолига 13,1 туғилиш тўғри келди. Бошқа индустриал мамлакатларда бу кўрсаткич энг қуйи бўлган, ҳар 1000 кишига 10 тадан (Ғарбий Германия ва Дания), то энг юқори, ҳар 1000 кишига 20 тадангача (СССР, Польша, Ирландия). Дунёнинг бошқа минтақаларида бу рақам анча бальанд, масалан ўша йили Ҳиндистонда у ҳар 1000 кишига 33 тани, Кенияда эса ҳар 1000 кишига 54 тани ташкил қилди.

Туғилиш даражаси аёллар фертиллигини акс этиради. «Фертилик» тушунчаси ҳар бир олинган ўртача статистик аёлнинг тирик туққан болалари миқдорини англатади. Фертилик анча мураккаб ҳисоб-китоб йўли билан аниқланади. Бу ўртача статистик аёл шу жамиятда, ўзининг репродуктив даври охиригача яшагани тақдирда, мана шу ёш гуруҳидаги аёллар билан бир хил миқдорда бола туғса, у умуман туғиши мумкин бўлган болалар миқдорини англатади. Фертилик коэффициенти 1985 йилда Буюк Британияда 1,8 тани ташкил этган бўлиб, бу индустриал мамлакатлар учун типик ҳолдир. Қиёслаш учун Ҳиндистон ва Кенияни оладиган бўлсак, у ерда бу коэффициент мутаносиб равишда 4,5 ва 7,8 ни ташкил этди. Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, бу рақамлар ўртача кўрсаткич бўлиб, бу мамлакатлардаги кўпчилик оилаларда болалар сони бундан анча кўп, гарчи туғилган болаларнинг ҳаммаси ҳам тирик қолмаса-да.

Фертиликни аёлларнинг биологик нуқтаи назардан қанча бола туғишга *қобиллигини* билдирувчи биологик маҳсулдорлик тушунчасидан фарқлаш лозим. Меъерий соғлиққа эга бўлган аёл бутун репродуктив даврда ҳар йили биттадан бола туғиши мумкин. Биологик маҳсулдорлик даражалари балоғатга етиш ёши ва менопаузаларга (турли мамлакатлардаги, шунингдек турли аёлларда у турлича бўлади) боғлиқ. Айни пайтда шундай оилалар борки, улардаги аёллар 20 ва ҳатто ундан ҳам кўпроқ бола

туғади, бироқ амалдаги маҳсулдорлик коэффициенти ҳаётда биологик коэффициентдан пастроқ бўлади, чунки ижтимоий ва амалий омиллар кўпайишни чеклаб туради.

Умумий ўлим даражаси ҳам туғилиш даражаси каби ҳисобланади, яъни йил давомида ҳар 1000 кишига ўлим миқдори олинади. Бу масалада ҳам турли мамлакатлар орасида тафовут кузатилади, бироқ учинчи дунёнинг кўп мамлакатларида бу кўрсаткич ғарб билан қиёсласа бўладиган даражага тушиб қолди. Масалан Буюк Британияда 1985 йили ҳар 1000 кишига ўртача 12 тани ташкил қилди. Бу кўрсаткич Ҳиндистонда ҳам худди шундай бўлиб, Кенияда эса 1000 кишига 13 тадан иборат бўлди. Бу кўрсаткич сезиларли даражада юқори бўлган мамлакатлар жуда кам. Масалан Сьерра Леонеда ўлим даражаси 1000 кишига 25 тани ташкил қилади. Умумий ўлим даражаси жуда умумий манзарани бергани каби аниқроқ маълумотни махсус ўлим даражаси бериши мумкин. Ўлим кўрсаткичларининг энг муҳим жиҳатларидан бири чақалоқлар ўлими даражасидир. Чақалоқлар ўлими даражаси — йил давомида туғилган ҳар 1000 чақалоққа 1 ёшга етмай ўлган чақалоқлар миқдоридир. Демографик портлашнинг сабабларидан бири чақалоқлар ўлими даражасининг пасайишида эди.

Чақалоқлар ўлими даражасининг пасайиши ўртача умр кўрсаткичига, яъни ҳар бир одам ўртача яшаши мумкин бўлган даврга таъсир ўтказувчи энг муҳим омиллардан биридир. 1900 йилда Британияда ўртача умр тахминан 40 ёшни ташкил этган эди. Бугун эса у 74 га етди (эркакларда 72, аёлларда 77 ёш). Бироқ бу аср бошида кўпчилик одамлар 40 ёшга етгандан кейин дарҳол ўлар эди, деган маънони билдирмайди. Кўпроқ чақалоқлар ўлган жойда ўртача умр кўриш даври ҳам пасаяди. Агар фақатгина бир ёшдан ўтган одамларнинг ўртача умрини ҳисобга олинса, 1900 йилда одамлар ўртача 58 йил умр кўришга умид қилишлари мумкин эди. Умрнинг давомийлигига таъсир кўрсатувчи бошқа омилларни касалликлар, ёмон овқатланиш ва табиий офатлар ташкил қилади. Ўртача умрни унинг максимал давомийлигидан, яъни мазкур турнинг вакили яшаши мумкин бўлган йилларнинг максимал миқдоридан фарқлаш лозим. Кўпчилик мамлакатларда ўртача умр узайган бўлса ҳам, максимал умр ўзгаришсиз қолди. Бугун 100 ва ундан кўпроқ ёшга фақат жуда кам одамлар киради.

Аҳоли ўзгариши динамикаси

Аҳолининг ўсиш ёки камайиш суръатлари туғилиш миқдоридан ўлим миқдорини олиб ташлаш йўли билан чиқарилади, бу коэффициент одатда бир йилдаги ўлим ва туғилишларни ҳисобга олади. Баъзи Европа мамлакатларида аҳолининг ўсиши салбий, яъни аҳоли миқдори камаймоқда, амалда барча санотлашган мамлакатларда бу кўрсаткич 0,7%дан кам. XVIII—XIX

асрларда аҳоли ўсиши коэффициентлари Европа ва Қўшма Штатларда юқори эди, бироқ ҳозир у бошқа мамлакатлардаги кўрсаткичлар билан тенглашиб қолди. Учинчи дунёнинг кўп мамлакатларида ўсиш коэффициенти 2%дан 3%гачани ташкил этади. Бир қарашда саноатлашган мамлакатлар билан тафовут унча каттага ўхшамайди, бироқ аслида у жуда катта. Аҳолининг ўсиши даражаси бўлади, яъни у тезлашиб боради. Гап нима ҳақида бораётганини қадимги форс афсонаси ёрдамида тушуниб олиш мумкин. Сарой аёнларидан бири ҳукмдордан унинг хизматларини тақдирлаганда гуруч доналари сонини ҳар сафар икки бараварига орттиришини сўради. Подшо шахмат тахтасининг биринчи катагига бир дона гуруч қўйди ва бир энгил тортиб омборхонани очишга буюрди. 21-катакка келганда омбор бўшаб қолди, 40-катакка эса 10 миллиард гуруч донаси талаб қилинар эди.⁴ Бошқача айтганда 1 рақамидан бошланса, уни 2 га кўпайтирилса, олинган натижани яна 2 га кўпайтирилса ва яна шундай давом эттирилса жуда катта рақамлар келиб чиқади: 1; 2; 4; 8; 16; 32; 64; 128 ва ҳақозо. 7 операциядан кейин 128 баробар ўсиш юз берди. Аҳоли ҳам худди шу тамойил асосида ўсиб боради. Мазкур эффект «иккиланиш даври», яъни аҳоли сонининг 2 баробар ўсиши учун зарур давр билан тавсифланади. Аҳоли ўсиши 1%ни ташкил қилганда 70 йилда аҳоли 2 баробар кўпаяди, ўсиш 2% бўлганда — 35 йилда, ўсиш 3% бўлганда эса — 23 йилда юз беради.

Мальтусчилик

Келажақдаги ривожланиш тамойилларини олдиндан аниқлаш, шунингдек имкони борича уларга таъсир ўтказиш мақсадида дунёда юз бераётган демографик жараёнлар, шунингдек жамият ичидаги ўзгаришларни англаш мақсадида кўп уринишлар бўлди. Ана шундай уринишларнинг дастлабкиларидан бири бундан 200 йил аввал ишлаб чиқилган Томас Мальтус назарияси эди. Ҳозирги саноатлашган дунё андозалари билан солиштирилганда қадимги жамиятларда туғиш даражаси жуда юқори бўлган эди. Бироқ 18 асргача аҳоли ўсиш даражаси пастигича қолди, чунки туғилиш сонини ўлим миқдори мувозанатга келтириб турар эди. Туғилишнинг умумий тамойили юқорига қараб борарди. Баъзан аҳолининг ўсиши анча тезлашарди, бироқ бу даврлар ўлимнинг кўпайиши даври билан алмашарди. Ўрта асрлар Европасида, масалан ҳосил бўлмаган йиллари тўйлар, одатда орқага суриларди, ҳомила даври камайарди, ўлим миқдори кўпаярди. Натижада боқиб лозим бўлган оғизлар сони камайарди. «Индустриал» давригача бўлган биронта ҳам жамият бундай ўзини тартибга солишни четлаб ўта олмаган.⁵

⁴ Madows Donnella H. et al. The Limits to Growth. New York, 1972.

⁵ Wrigley E. A. Population and History. London, 1969.

Саноат ривожланиши бошланиши билан кўпчилик, энди янги эра келади, унда қашшоқлик ва ночорлик ўтмишга айланиб қолади, деб кутган эдилар. Замонавий индустриянинг ривожланиши мўл-кўпчилик даври билан якунланади, деб умид қилинган эди. Томас Мальтус ўзининг 1798 йилда эълон қилинган «Аҳоли қонуни ҳақидаги тажриба» китобида бундай қарашларни танқид қилди; шу билан у аҳоли ва озиқ-овқат захиралари ўртасидаги алоқалар бўйича мунозараларни бошлаб берди. Бу мунозаралар бугунгача тўхтагани йўқ. Мальтуснинг китоби Европа аҳолиси жуда тез суръатлар билан ўсаётган даврда чиқди. Мальтус ўша даврда аҳолининг ўсиши экспоненциал қонун бўйича юз бериши, озиқ-овқат ишлаб чиқариш эса фақат янги ерларни ишлаш орқали кўпайтириш мумкин бўлган захираларга боғлиқлигини кўрсатиб берди. Шундай қилиб аҳолининг ўсиши ҳаёт учун зарур бўлган воситаларни ишлаб чиқариш ўсишидан илгарилаб боради, бунинг муқаррар натижаси эса очлик, урушлар ва эпидемиялар бўлиб, улар аҳоли ўсишининг табиий чекловчиси бўлиб қоладилар. Очлик ва қашшоқлик инсоният ўзини «ахлоқий тийиш»га ўргатмагунча, унинг қисмати бўлиб қолади, бунда Мальтус жинсий муносабатларни қатъий чеклашни назарда тутган эди (Контрацептивлардан фойдаланишни у «гуноҳ» ҳисоблаган).

Бирмунча давр **мальтусчилик** инкор этиб келинди, чунки ғарб мамлакатларида аҳолининг ўзгариш тамойиллари у башорат қилгандан мутлақо бошқача эди. Ҳақиқатан XIX—XX асрларда аҳоли ўсиш коэффициенти пасайиб кетди, 1930 йилда эса индустриал мамлакатлар аҳолиси камайиши мумкинлиги ҳақида хавотирлар билдирилди. Ўша даврда баъзи экспертлар Британия аҳолиси 50 йил ичида 35 миллионгача камайиши мумкин, деб башорат қилган эдилар.⁶

Ҳозирги асрда аҳоли ўсиши суръатларининг кескин ошиши Мальтус ғояларига бўлган қизиқишни қайтадан жонлантирди, гарчи ҳозир дастлабки иборалар билан кўпчилик рози бўлмаса ҳам. Учинчи дунё аҳолисининг ўсиши, ҳақиқатан ҳам шу мамлакатлар захираларидан баландроқ кўринади.

Учинчи дунё аҳолисининг ўсиши

Ҳозирги индустриал мамлакатларда туғилиш ва ўлим даражаси бу мамлакатлар тарихида қузатилган кўрсаткичларга қараганда, шунингдек учинчи дунё мамлакатларига солиштирилганда анча паст. Учинчи дунё мамлакатларининг кўпчилигида ўлим даражаси жиддий камайди, бироқ туғилиш даражаси аввалигдай юқорилигича қолмоқда. Замонавий медицина ва гигиенанинг тезлик билан тадбиқ этилиши ғарбда 200 йил давом этган демографик ўзгаришларнинг бу мамлакатларда ярим асрдан ҳам камроқ давр ичида юз беришига олиб келди.

⁶ *Siman Julian L. The Ultimate Resource. Princeton, 1981.*

Африка ва Лотин Америкасида аҳолининг ўсиши бу минтақаларнинг иқтисодий ўсиш имкониятларини жиддий равишда чеклаб қўймоқда. Аҳолининг ўсиш даражаси 0 га яқин бўлганда (ғарб мамлакатларининг кўпчилигидаги каби) аҳоли жон бошига даромадларни 1 %га ўстириш учун миллий даромаднинг 3 дан 5 %гачасини инвестиция қилиш талаб этилади. Аҳолининг ўсиши йилига 3 %ни ташкил қилган мамлакатларда эса мана шундай ўсишни таъминлаш учун миллий даромаднинг 20 %ини инвестиция қилиш талаб этилади. Аҳолининг тез ўсиши энг қашшоқ мамлакатларда юз бераётгани сабабли бундай инвестициялар қилишга уларнинг кучи етмайди ва шу сабабли бу мамлакатлар индустриал мамлакатлардан борган сари кўпроқ орқада қолмоқда («Ижтимоий ҳаётнинг глобаллашуви» ҳақидаги 16-бобга қаранг).

Ўлимнинг кескин камайиши туғилишнинг бирдан юқори даражаси билан биргаликда шундай ҳолатга олиб келдики, учинчи дунё мамлакатларида индустриал мамлакатлардан мутлақо бошқача ёш тузилмаси кузатилади. Масалан, Мексикада аҳолининг 45%ини 15 ёшдан кичик бўлган болалар ташкил қилади. Қиёслаш учун саноатлашган мамлакатларда бу ёш гуруҳига аҳолининг фақат чорак қисми киришини айтиш kifоя. «Узайтирилган ёш эҳроми» усиз ҳам оғир бўлган учинчи дунё мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий аҳолини яна ҳам оғирлаштиради. Ёшлар қўллаб-қувватлаш ва маълумот олишга эҳтиёж сезади, бу даврда улар иқтисодий жиҳатдан бемаҳсул ҳисобланади. Ривожланаётган мамлакатларда кўпчилик болалар, одатда доимий иш билан банд, ёки кўчада яшайди ва тиланчилик билан кун ўтказади. Катта бўлгандан кейин эса уларнинг кўпчилиги ё ишсиз бўлиб қолади, ёки уйсиз бўлади, ёки ҳар иккисига ҳам эга бўлмайди.⁷

Туғилиш даражаси бирдан пасайиб кетган тақдирда ҳам, аҳолининг катта қисмини ёшлар ташкил этадиган мамлакатларда ўсиш давом этаверади. Ҳатто амалдаги маҳсулдорлик оддий яратиш — тириклардан ҳар бир кишига биттадан туғиш тўғри келган тақдирда ҳам, аҳолининг ўсиши 75 йилдан кейин тўхтайди.⁸

Демографик ўтиш

XIX асрдан бошлаб туғилиш ва ўлим мутаносиблиги тадрижини ўрганиш учун олимлар демографик ўтиш атамасидан фойдаланадилар. Уоррен С. Томсон бу атамадан биринчи бўлиб уч босқичдан иборат бўлган ва популяция барқарорлигининг

⁷ *Davis Kingsley*. The worlds population Crisis. In: Robert K. Merton and Robert Nisbet. Contemporary Social Problems. New York, 1976; Ennew Judith. The Sexual Exploitation of Children. Cambridge, 1986.

⁸ *Duncan Otis Dudley*. Observations on population // New Physician, 20 April, 1971.

типлари бир-бирларининг ўрнини эгаллаб турадиган жараёни ифодалаш учун фойдаланди.⁹


Бу жараённинг биринчи босқичи туғилиш ва ўлиш даражалари бир хил юқори, айниқса чақалоқлар ўлими кўп бўлган кўпчилик анъанавий жамиятлар учун хос бўлади. Бундай вазиятда аҳоли деярли ўсмайди, чунки, туғилиш миқдори ўлимлар сони билан мувозанатга келтириб турилади. Иккинчи босқич эса юқори фертилик сақланган ҳолда ўлим даражасининг пасайиши билан характерланади, бу босқичга Европа ва Қўшма Штатлар XIX аср бошларида ўтган эдилар. Бу фаза аҳолининг аниқ сезиладиган ўсиш даври ҳисобланади. Кейин учинчи босқич бошланиб, унда индустриаллаштириш ривожланиши билан туғилиш даражаси шунчалик пасаядики, аҳоли сони яна барқарор бўлиб қолади.

Демографлар бундай пайдарпайликни қандай изоҳлаш ва учинчи босқичнинг қанчалик узоқ давом этиши мумкинлиги ҳақида умумий фикрга кела олганлари йўқ. Кейинги юз йил давомида ғарб мамлакатларида фертилик доимо барқарор бўлгани йўқ. Бундан ташқари у миллатларга, миллатлар ичидаги синфлар ва минтақаларга қараб ўзгариб туради. Шунга қарамасдан, санаб ўтилган босқичларнинг пайдарпайлиги ҳозирги жамиятлар демографик сифатларининг принципиал трансформациясини акс эттиради.

Учинчи дунё мамлакатлари учун эҳтимолий истиқболлар

Учинчи дунёда демографик ўтиш юз берадими? Бу саволга ҳозирча аниқ жавоб йўқ. Ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилигида туғилиш юқорилигича қолмоқда, чунки, оила ҳажмига нисбатан анъанавий қарашлар сақланиб қолмоқда. Катта оилалар, аввало ишчи кучи манбаи сифатида маъқулландилар. Бу мамлакатлардаги баъзи таъсирчан динлар туғиш устидан назоратни ё қоралайди, ёки кўп бола кўриш истагини рағбатлантиради. Баъзи мамлакатлардаги ислом етакчилари, шунингдек, Лотин Америкасида катта обрўга эга бўлган католик черкови томонидан контрацепция қораланмоқда. Ҳатто сиёсатчилар ҳам ўз мамлакатларидаги туғилиш даражасини пасайтиришга таъсир ўтказиш учун шошилмаяптилар. Масалан, Аргентинада 1974 йилда ҳомилдорликка қарши воситалар ман қилинди. Бу таъқиқ мамлакат аҳолиси миқдорини унинг ҳарбий ва иқтисодий қудратини ошириш мақсадида зудлик билан икки баравар кўпайтириш ҳақидаги дастурнинг таркибий қисми эди.

⁹ *Thompson Warren S. Population // American Journal of Sociology 34. 1929.*



19-расм. 1985 йилда Буюк Британия аҳолисининг ёш ва жинсига қараб тақсимланиши.

Манба: Social Trends. London, 1987. P. 35.

Шундай бўлса ҳам кейинги 10 йилликларда аҳоли ўсишининг феноменал суръатлари пасая бошлади, деб фикр юриштишга асослар пайдо бўлди. Ҳар ҳолда учинчи дунёдаги бир нечта энг йирик мамлакатлардаги туғиш даражаси анча пасайди. Бунга мисол қилиб аҳолини 1 миллиардга яқин кишини, яъни дунё аҳолисининг деярли 1/5 қисmini ташкил этадиган Хитойни олиш мумкин. Хитой ҳукумати туғилишни назорат остига олиш бўйича дунёда энг нуқур ўйлаб кўрилган дастурлардан бирини қабул қилди. Унинг мақсади мамлакат аҳолиси сонини белгиланган даражада барқарор ушлаб туриш эди. Ҳукумат сиёсатига кўра ҳар бир жуфт биттадан ортиқ болага эга бўлмаслиги керак. Бундай оилаларни рағбатлантириш учун имтиёзлар тизими ишлаб чиқилган (турар жой билан яхшироқ таъминлаш, бепул таълим бериш ва тиббий хизмат кўрсатиш). Ўз навбатида биттадан ортиқ болага эга бўлган оилаларга нисбатан чекловчи тадбирлар қўлланилади (масалан оилада учинчи бола туғилганда ота-оналарнинг ойлиги пасайтирилади).

Бу сиёсат «битта болага эга бўлган ота-оналарни» «оила»¹⁰, деб тан олишни истамаганларига қарамасдан сезиларли самара берди. Бироқ бундай дастурни тадбиқ қилиш учун ҳокимият юқори даражада марказлаштирилган бўлиши керак, бу эса ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилигида эришиб бўлмайдиган ёки қабул қилиб бўлмайдиган ҳол. Масалан Ҳиндистонда бир неча хил схемаларни тадбиқ қилишга уриниб кўрилди — оилани режалаштиришдан то контрацептивлардан фойдаланишгача — бироқ буларнинг ҳаммаси самара бермади. 1985 йилда Ҳиндистон аҳолиси 765 минг кишини ташкил этар эди. 1975 йилдан 1985 йилгача йиллик ўртача ўсиш 2,3%ни ташкил этди.

¹⁰ Mirky Jonathan. China and the one child family // New Society, 59, 18 February. 1982.

Кейинги икки 10 йиллик давомида (1980—2000) бу кўрсаткич 1,8%гача пасайиши тахмин қилинмоқда. Бироқ ўсиш коэффициенти ҳақиқатан камайган тақдирда ҳам аҳолининг миқдори ўсишда давом этаверади; 2000 йилда мамлакатда 1 миллиардга яқин аҳоли истиқомат қилади.

Технологик тараққиёт даражасини олдиндан айтиб бериш қийин ва ҳеч ким Ер қанча аҳолини боқishi мумкинлигини ишонч билан айта олмайди. Аҳолининг ҳозирги даражасида ҳам учинчи дунё мамлакатларида индустриал мамлакатлар билан солиштирса бўладиган турмуш даражасини яратиш учун глобал захиралар етарли эмас. Ғарб дунёдаги ҳар қандай минтақага қараганда кўпроқ миқдорда энергия, хом-ашё ва бошқа неъматларни истеъмол қилади. Истеъмолнинг бу даражаси қисман учинчи дунё мамлакатларидан жалб этилаётган захиралар ҳисобига ушлаб турилади. Қўшма Штатларда ўртача Африка мамлакатига қараганда жон бошига 32 баробар кўп энергия сарф қилинади. Жаҳондаги энергия истеъмол қилиш тузилмасида принципиал ўзгаришлар юз бермас экан, айтайлик шамол ёки куёш энергиясидан кенг миқёсда фойдаланиш, шу даражада энергия истеъмол қилишни сайёрада яшовчи ҳар бир кишига тадбиқ қилишнинг имкони йўқ. Бугунги кунда маълум захиралар бунга имкон бермайди.

Буюк Британия аҳолиси

Сўнги йилларда Буюк Британия аҳолиси аста-секин кўпайиб бормоқда. 1981 йилдан 1986 йилгача у 441 100 кишига ўсди ва 50 075 400 кишини ташкил этди, 1981—1982 йилларда эса унинг 32 000 кишига камайгани кузатилган эди; 1985 йилдан 2001 йилгача ҳам ўсиш бўлиши кутилмоқда. Бу асрдаги энг катта ўзгаришлардан бири аҳолининг ёш тузилмасига алоқадор. 65 дан юқори ёшдаги аҳолининг сони 1901 йилга нисбатан 3 мартадан кўпроқ ўсди: ўша пайтда улар 6%ни ташкил қилган бўлса, ҳозир 18%ни ташкил қилади.

Аср бошига нисбатан муҳим ўзгаришлардан яна бири фертиликнинг пасайиши бўлди. Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, бу давр ичида тебранишлар бўлиб турди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин туғилиш кескин кўпайди, яъни «Бэби-бум» бошланди. Ўша пайтда худди 1930 йилларнинг бошларидаги каби туғилиш даражаси ҳар 1000 кишига 17 тани ташкил қилган эди, 1950 йилларнинг охирида у 1000 кишига 22 тагача етди «Бэби-бум» катта оилалар ташкил этиш тамойилининг оқибати эмас — 3 та ва ундан кўпроқ болага эга бўлган оилалар сони бироз ўсди холос. Бу ҳол фарзандсиз оилалар ва фақат битта боласи бўлган оилалар сонининг кескин камайиши ҳисобига юз берди.

Демографлар учун «бэби-бум» ҳам, 1970 йилларнинг бошларидаги маҳсулдорликнинг пасайишига қайтиш ҳам ҳеч қу-

тилмаган ҳодиса бўлди. Мана шундай бурилишларга қарамасдан мамлакат аҳолиси ўсишда давом этмоқда. Образли қилиб айтадиган бўлсак «бэби-бум» аҳолининг ёшлар бўйича тақсимланиш эгри чизигида «ўрқач» ташкил қилди. Ҳозир «бэби-бум» авлоди ўсиб катта бўлди ва ўзининг болаларига ҳам эга бўлди. Кейинги 20 йил давомида бола туғиш ёшидаги одамларнинг улуши юқориликча қолади, туғилиш даражаси ҳам ўлим даражасига қараганда юқори бўлади.

Агар аввалги маҳсулдорликнинг қуйи даражаси сақланиб қолса, унда «бэби-бум» авлодининг кексайиб бориши ҳамано мамлакатда аҳолининг 0 даражада ўсиш вазияти юзага келади. Кўпчилик демографлар 1980 йилларнинг охирига келиб 0 даражадаги ўсиш 40 мамлакатда кузатилади, деб тахмин қилмоқдалар. Ундай ҳолда бу мамлакатлардаги қариялар улуши ҳозиргидан ҳам кўпроқ бўлади. Бироқ ўтмишда демографларнинг башоратлари, айниқса қисқа муддатли башоратлари унчалик юқори аниқликка эга бўлмагани учун ривожланишнинг бундай моделини муқаррар, деб бўлмайди.

«Бэби-бум» оқибатлари туғилишдаги тебранишлар ижтимоий институтларда қандай таъсир ўткази олиши тўғрисида тасаввур беради. Бу авлод учун дастлабки йилларда болалар врачлари сонини, болалар товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва ижтимоий таъминот тизимини кенгайтириш керак бўлди. Кейин эса мактаблар сони ва персоналини кўпайтириш зарур бўлди, чунки улар бунчалик оқимга тайёр эмас эди. Энди улар меҳнатга жойлашиш муаммоларини ҳосил қилиб меҳнат бозорига чиқишди.

Бу авлод нафақа ёшига етганда ижтимоий таъминот ва қариялар учун тиббий хизмат тизимига катта юк тушади. Чунки «бэби-бум» ўрнига 1970 йилларда «бэби-нол» даври келди, кейинги авлод сон жиҳатдан анча оз бўлди. Бу эса ўз навбатида таълим тизимини қайта қуришни тақозо қилади, жумладан бошланғич синф ўқитувчиларига эҳтиёж камайди, вақт ўтиши билан бошқа номуаносибликлар ҳам пайдо бўлди.

Саломатлик ва хасталик

Аҳоли муаммолари саломатлик ва хасталик муаммолари билан чамбарчас боғлиқ. Қанча бола туғилиши, улардан қанчаси тирик қолиши, ўртача умр кўриш давомийлиги, ўлимнинг энг кенг тарқалган сабаблари — буларнинг барчаси саломатлик ҳолати билан боғлиқ. Ижтимоий факторлар ҳам, ўз навбатида, саломатлик ва хасталикка таъсир ўтказади. Улар қутилаётган умрнинг давомийлигини белгилабгина қолмай индивиднинг жиддий хасталикларга дуч келиши мумкинлиги, шунингдек унинг қайси турдаги тиббий ёрдам олишига ҳам таъсир кўрсатади.

Хасталикларни ўтмишда даволаш

Жисмоний саломатлик ва хасталик тўғрисидаги тушунчалар барча маданиятларда ҳам мавжуд, бироқ биз ҳозир *медицина* деб атаётган ҳодиса ғарб жамиятларининг кейинги 2—3 асрдаги ривож билан боғлиқ. Унгина оила ва қариндош-уруғлар хасталик билан кураш олиб борадиган асосий институтлар эди. Ҳамма даврларда ҳам терапия ва сеҳргарлик воситаларидан фойдаланадиган «табибликка» ихтисослашган одамлар бўлган; анъанавий жамиятларда қўлланган даволаш усуллариининг кўпчилиги ҳозирги кунда ҳам ноғарбий маданиятларда сақланиб қолган. Масалан 2000 йилдан ортиқ вақтдан буён Ҳиндистонда одамнинг руҳий ва жисмоний табиати мувозанат назариясига асосланган, бу мувозанат бузилганда шифобахш ўсимликлар ва парҳез билан даволайдиган аюрведа тиббиёти қўллаб келинади. Хитой халқ тиббиёти ҳам инсон шахсиятиниинг уйғунлиги концепциясидан келиб чиқади, даволашда шифобахш ўсимликлар ва бошқа воситалардан, шунингдек игна билан даволашдан фойдаланади.

Анъанавий маданиятларда хасталик одатда одамнинг руҳий ва ижтимоий ҳолати сифатида олиб қаралган, бундай қарашлар 18 асргача Европада ҳам мавжуд эди. Европа тиббиётидаги кўпчилик йўналишлар антик Юнонистондаги даволаш тизимларига асосланади, уларда хасталик одамнинг руҳий ва жисмоний ҳолати билан изоҳланар эди¹¹. Табиблик у даврда алоҳида «касб» ҳисобланмасди, одатда ҳақимларни даволаш учун зодагонлар ёлларди.

«Конформлик ва девиант хулқ» ҳақидаги 5-бобда таъкидланганидек, ҳозирги маънодаги шифохоналар етарли миқдорда фақат XIX асрда пайдо бўла бошлади. Унгина, баъзи жойларда эса ундан кейин ҳам даволаш асосан халқ воситалари, сеҳргарлик ва дуо ўқиш ёрдамида амалга оширилар эди.

Замонавий тиббиётнинг ривожланиши

Замонавий тиббиёт хасталикларга янгина қарашни таҳлил қилди, унга кўра хасталик сабаблари табиий хусусиятларга эга бўлиб уларни илмий талқин қилиш мумкин. Ташхис қўйишда ва даволаш усулини танлашда илмий ёндошув замонавий соғлиқни сақлаш тизимининг энг муҳим хусусиятидир. Муҳим белгилар орасида махсус муассаса бўлган ва турли таҳлиллар ўтказадиган, жиддий хасталикларни даволайдиган шифохоналарни, шунингдек тиббиётнинг касбга айланишини, бу касб билан шуғулланадиган одамларнинг муайян ахлоқий кодексга риоя қиладиган ва жиддий ижтимоий таъсирга эга бўлган гу-

¹¹ Patrik Donald L. and Scambler Graham (eds). *Sociology as applied to medicine*. New York, 1982; Porter Roy. *Patients and Practitioners: Lay Perceptions of Medicine of Medicine in Pre-Industrial Society*. Cambridge, 1986.

руҳга бирлашишини кўрсатиб ўтиш мумкин. Хасталикка илмий ёндошув узоқ муддатли мунтазам тиббий тайёргарликни талаб қилади, хусусий мутолаа билан шуғулланган табибларнинг фаолияти бунга имкон бермайди. Профессинал тиббий амалиёт фақат шифохоналар билан чекланмаса ҳам, бироқ айнан шу ерда врачлар тарихда биринчи марта бир пайтнинг ўзида кўп миқдордаги беморларни тиббий технологиялар жамланган жойда текширишдан ўтказиш ва даволаш имкониятига эга бўлдилар.

Ўрта асрлар даврида юқумли касалликлар: сил, вабо, безгак ва ўлат энг хавфли касалликлар ҳисобланарди. 1348 йилда «қора ўлим» деб аталган, қора каламушларда ҳаёт кечирувчи каналар томонидан тарқатиладиган ўлат эпидемияси даврида Англия аҳолисининг тўртдан бир қисми қирилиб кетди, Европанинг кўпгина вилоятлари ҳувиллаб қолди. Бутунги кунда ривожланган мамлакатларда юқумли касалликлар камдан кам ҳолатларда ўлимга сабаб бўладилар, уларнинг баъзилари эса дунёнинг бошқа минтақаларида ҳам амалда энгиб битирилган. Саноатлашган оламда ўлимнинг сабаблари орасида энг кўп учрайдигани юрак-қон томир касалликлари ва рак ҳисобланади. Агар ўтмишда болалар ва чақалоқлар орасида ўлим энг юқори даражада бўлса, ҳозир бу кўрсаткич кексайиш томон кўпайиб бормоқда.

Тиббиёт улкан обрў қозонганига қарамасдан соғлиқни сақлаш тизимининг ривожланиши XIX асрдаги ўлим даражасининг жуда оз қисмини изоҳлайди холос. Ҳал қилувчи омиллар эса санитария шароитлари, гигиена, овқатланишни ўрганиш, канализация тизимининг такомиллашувида эди. Уларнинг таъсири болалар ва чақалоқлар ўлим даражасининг пасайишида ҳам сезилади. Янги дори-дармонлар, антибиотиклар, хирургиянинг ривожланиши умуман олганда ўлим даражасининг кўрсаткичларига ҳозирги асрнинг ўрталаригача таъсир ўтказмади. Инфекцияларни даволашда антибиотиклар 1930—1940 йиллардан бошлаб фойдалана бошланди, касалликларга, масалан полиомиелитга қарши эмлаш яна ҳам кечроқ бошланди.

Учинчи дунё

Мустамлакачилик ва касалликларнинг тарқалиши

Мустамлакачилик даврида Фарб экспансияси ортидан дунё бўйлаб бошқа минтақаларда маълум бўлмаган касалликлар ҳам тарқала бошлади. Чечак, қизамиқ ва терлама Марказий ва Жанубий Америка аҳолисига Испан истилоларигача маълум эмас эди. Шимолий Америкага эса уларни инглиз ва француз мустамлакачилари олиб келди. Бу касаллардан баъзилари эпидемия келтириб чиқардики, улар давомида маҳаллий аҳолининг катта қисми қирилиб кетди, чунки улар бу касалликларга қарши етарли иммунитетга эга эмас эдилар. Иккала Америкадаги овчи

ва термачи қабилалар юқумли касалликларга ўша даврдаги Европа жамиятлари каби таъсирчан эмасди. Юқумли касалликларнинг кўп қўзғатувчилари термачи ва овчилар жамиятларидаги аҳоли зичлигидан кўра қалинроқ зичлик бўлганда пайдо бўлади. Ўтроқ ҳамжамиятлар сувнинг ўз чиқиндилари билан зарарланишига сабаб бўладилар, чорвадор қабилалар эса бундай ҳолни четлаб ўтиш имконига эга бўладилар.

Тадқиқотлар кўрсатишича, технологиянинг жуда паст бўлганига қарамай, овчилар ва термачиларнинг овқатланиш рациони мақбул атроф-муҳит шароитида йирикроқ ҳамжамиятлар аҳолиси овқатланишидан яхшироқ бўлган экан. Дон-дунга асосланган овқатланиш (бу ҳол бириктирилган ер бўлақларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган) рационнинг сифати ва ранг-баранглигини овчи ва йиғувчиларникидан камайишига олиб келган.

Африка ва Осиёнинг субтропик қисмларида юқумли касалликлар жуда қадим замонлардан буён тарқалиб келади. Тропик ва субтропик иқлим шароитлари пашшалар тарқатадиган безгак касаллиги учун, шунингдек цеце пашаси тарқатадиган уйқу касаллиги учун жуда қулай эди. Бироқ Европаликлар келгунига қадар юқумли касалликлар, бунчалик хавfli эмас эди, дейиш учун асос бор. Эпидемиялар, қурғоқчилик ва бошқа табиий офатлар хавфи ҳар доим бўлган, бироқ мустамлакачилик одамнинг ўз яшаш муҳити билан муносабатларида жиддий ўзгаришлар келтириб чиқарди, бу эса аҳоли саломатлигида жуда ёмон акс этди. Европаликлар бутун минтақаларнинг экологиясини емириб ташлаган янги ҳўжалик юритиш усулларини олиб келдилар. Масалан Шарқий Африканинг жуда катта майдонлари цеце пашшасининг тарқалиши туфайли чорвачилик учун яроқсиз ҳолга келиб қолди. Европаликлар келгунига қадар Африкаликлар бу майдонларда улкан подаларни бемалол боқиб юришар эди.

Мустамлакачилик тизимининг энг сезиларли оқибатларидан бири унинг овқатланиш тузилмасига (демак касалликларга қаршилик кўрсатиш даражасига) жаҳон бозори учун ишлаб чиқаришга жалб этиш натижасида ўтказган таъсири бўлди. Экспортга мўлжалланган экинлар ишлаб чиқариш улуши ортиб кетгандан кейин Африканинг бир қатор минтақаларида овқатланиш сифати пасайди¹².

Бу жараён бир томонлама эмас эди. Мустамлакачилик ривожланиши билан гарбликларнинг овқатланиши ҳам ўзгарди, бироқ бу ўзгаришларнинг саломатликка таъсири зиддиятли бўлди. Бир томондан гарб овқатлари сифати яхшиланди, чунки уларга авваллари маълум бўлмаган маҳсулотлар, масалан банан, ананас, грейпфрут ва бошқалар қўшилди. Иккинчи томондан, та-

¹² Hughes C. C. and Hunter J. M. Disease and development in Africa. In: H. P. Dreitzel (ed.). The Social Organisation of Health. New York, 1971.

маки, кофе ва қанд хом ашёсининг олиб келиниши, ҳозирги кунда улар жуда кўп овқатларни тайёрлашда ишлатилади, жиддий оқибатларга олиб келди. Фарбликлар рационида қанднинг юқори даражада бўлиши, шунингдек чекишнинг кенг тарқалиши рақ ва юрак-қон томир касалликларини келтириб чиқарди.

Бугунги кундаги юқумли касалликлар

Учинчи дунё мамлакатларида юқумли касалликларга курашда сезиларли ютуқларга эришилган ва уларнинг баъзилари мутлақо йўқотилган бўлса ҳам бу касалликлар у ерда ғарбга қараганда ҳанузгача кенг тарқалган. Деярли йўқотиб юборилган, бир вақтлар эса Европа ва дунёнинг бошқа ҳудудларига даҳшат солган чечак касали мисол бўлиши мумкин. Безгак касалига қарши компания унчалик муваффақиятли бўлмади. ДДТ инсенктициди ишлаб чиқарилгандан кейин безгакнинг асосий ташувчиси бўлган москитларни қириб юборишга умид пайдо бўлди, дастлаб анча ютуқлар кўлга киритилди ҳам; бироқ кейинчалик бу жараён секинлашиб қолди, чунки москитларнинг баъзи популяциялари препаратга қарши чидамлилиқ пайдо қилдилар.

Учинчи дунё мамлакатларининг кўпчилигида замонавий тиббиётнинг оддий белгилари ҳам аввалгидай йўқ. Шифохона ва малакали персонал, одатда, фақат шаҳарларда бўлиб, уларнинг хизматидан бадавлат одамлар фойдаланадилар, холос. Учинчи дунё мамлакатларининг кўпчилигида соғлиқни сақлаш миллий хизматига ўхшаш ташкилотлар мавжуд, лекин уларнинг хизмати жуда чекланган. Бойлар фақат хусусий врачларга мурожаат қиладилар, мураккаброқ даволашга эҳтиёж пайдо бўлса улар ғарбга боришади. Кўпчилиқ шаҳарларда, айниқса майда-чуйда кулбалар қуриб ташланган ҳудудларда юқумли касалликлар билан кураш шароитлари қийинлашади, чунки бундай ҳудудларда водопровод, канализация ва кундалиқ супуриб-сидириш каби хизматлар амалда мутлақо йўқ.

Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тадқиқотлари кўрсатишича, учинчи дунё мамлакатларидаги аҳолининг учдан икки қисми санитариянинг энг паст талабларига ҳам жавоб бермайдиган сув манбаларидан фойдаланадилар. Ҳисоб-китобларга кўра, бу мамлакатларда тарқалган «сув билан боғлиқ» 25 касалликдан 17 тасини аҳолини тоза сув билан таъминлаш ҳисобигагина тенг ярмига қисқартириш ёки мутлақо йўқотиб юбориш мумкин эди¹³. Шаҳарликларнинг чорак қисмигина канализациядан фойдаланади, 30%и эса ҳеч қандай санитария хизматларидан фойдаланмайди. Бундай шароитлар вабо сингари касалликларнинг тарқалиши учун қулай имконият туғдиради.¹⁴

¹³ Doyal Lesley and Pennel Imogen. The Political Economy of Health. London, 1979.

¹⁴ Lancet. World Health Losing Ground // The Lancet, 18 May. 1974; Dwyer D. J. People and Housing in Third World Cities. London, 1975.

Ривожланган мамлакатларда саломатлик ва касалликлар


Касалликларнинг тузилмаси ва асосий типлари

Саноатлашган мамлакатларда асосий касалликларнинг тарқалишида қизиқ тафовутлар кузатилади. Фарб дунёсидаги ўлимларнинг 70%и тўртта касаллик билан боғлиқ. Булар: рақ, юрак-қон томир касалликлари, инсультлар ва ўпка касалликлари. Бу касалликларнинг сабабларини тушунишда муайян ютуқлар бор, баъзи ҳолларда бу касалликларга таъсир ўтказиш имконияти ҳам туғилади. Бироқ ҳозиргача улардан бирортасини ҳам самарали тарзда даволаб бўлмади. Бу касалликлар мамлакатлар, минтақалар ва синфлар бўйича турлича тарқалгани учун улар турмуш тарзи ва овқатланишдаги ўзига хосликларга боғлиқ бўлса керак. Юқори ижтимоий-иқтисодий мавқега эга бўлган одамлар, ўрта ҳисоб билан олганда, соғломроқ, бўйлари баландроқ ва ижтимоий жиҳатдан қуйроқ поғонада турувчиларга нисбатан узокроқ умр кўришади. Бу тафовут болалар ва чақалоқлар ўлими кўрсаткичларида айниқса яққол намоён бўлади, бироқ қуйи табақа вакиллари бадавлат одамларга нисбатан ҳамма ёшда ҳам ўлим хавфига кўпроқ дуч келишади (расмга қаранг).

Нега шундай ҳол юз беради? Жамиятнинг бадавлат қатламларига мансуб одамлар, одатда яхшироқ овқатланишади, энг яхши тиббий хизматдан фойдаланишади ва фойдаланиш мунтазамроқ хусусиятга эга. Меҳнат шароитлари ҳам касалликларга мойиллик ва ўлим эҳтимоллигига бевосита таъсир ўтказди. Офис ёки уйда ишловчилар турли хавфли таъсирларни чеклаб ўтиш имкониятига кўпроқ эга. Касб касалликларининг тарқалиши масаласида эса уларнинг миқёсини аниқ баҳолаш анча қийин, чунки касаллик меҳнат шароитлари натижасида ёки бошқа сабаблар туфайли келиб чиққанини аниқлаш имконияти ҳамма вақт ҳам бўлавермайди. Лекин шундай ишлаб чиқариш касалликлари борки улар тўла тавсиф қилинган: масалан шахтёрлар орасида тарқалган ва юқори даражадаги чанг-тўзон билан боғлиқ ўпка касалликлари. Асбест билан боғлиқ ишлар баъзи турдаги рақ касаллигини келтириб чиқариш эҳтимолини оширади.

Юрак касалликларига мойиллик овқатда ҳайвон ёғлари кўп бўлганда, жисмоний машқлар кам ва тамаки чекилганда ортиб кетиши ҳамма томонидан эътироф этилади. Бу ҳолатларнинг далиллари асосан бавосита бўлиб, улар юрак касалликлари даражаси ва ҳар хил гастрономик майллар, шунингдек жисмоний тарбия машқлари билан шуғулланиш ўртасида корреляция мавжудлиги билан боғлиқ. 20 йил муқаддам Қўшма Штатларда юрак-қон томир касалликларининг энг юқори даражаси мавжуд эди, бироқ кейинги икки 10 йилликда бу даража пасайди. Бундай натижа овқатланиш таркибидаги ўзгаришлар, жисмоний тарбия оммавийлигининг ўсиши, шунингдек юрак касали хуружларидан азобланаётган одамларга тез тиббий ёрдам кўрсатишнинг такомиллашуви натижасида қўлга киритилди.

Буюк Британияда юрак касалликларидан ўлиш кўрсаткичлари аввалгидай баланд ва унинг пасайиши ҳеч кузатилмапти. Чекишга қарши компаниялар 1960 йилларда раkning чекиш билан боғлиқлиги ҳақидаги дастлабки ахборотлар пайдо бўлгандан кейин баъзи муваффақиятларга эриша бошланди. Эркаклар орасида чекувчилар улуши 50 дан 30%га тушди. Афсуски, ёш чекувчиларнинг улуши амалда ўзгаришсиз қолди, мунтазам чекувчи аёллар сони эса ҳатто ўсди. Фарбдаги бошқа мамлакатлар билан солиштирганда Британия энг кўп чекувчи мамлакат ҳисобланади. Тахмин қилинишича, дунё бўйлаб чекиш ташланса раkdан ўлиш ҳоллари 20%га камайган бўларди.



20-расм. Буюк Британиядаги 20 ёшдан 59 ёшгача бўлган, турмуш қурган эрлари турли ижтимоий синфларга мансуб бўлган аёллар орасида ўлим даражаси. Маълумотлар 1979—1980 ва 1982—1983 йилларга тааллуқли. Ўлим даражасининг стандарт коэффициентлари (ЎДСК) — бу мазкур ижтимоий табақадан барча аҳолининг ўртача ўлим даражасига нисбатан ва ёш гуруҳларининг ҳисобга олинган ўлим даражаси. ЎДСК барча эркак ва аёллар гуруҳлари учун рақамлар 100 ни ташкил қилади, унинг 100 дан паст бўлиши ўлим даражаси ўртачадан паст экани, 100 дан ортиқ бўлиши ўртачадан юқори эканидан гувоҳлик беради. Малакасиз ишчиларнинг барча ёш гуруҳларида ўлим даражаси малакали мутахассислар гуруҳига нисбатан камида икки барабар юқори. I ижтимоий синф — бадавлат одамлар, V синф эса — энг камбағаллар.

Манба: В. D. Cox et al. The Health and Lifestyle Survey. London, 1986.

Буюк Британиядаги соғлиқни сақлаш

Индустриал дунёда тарқалган соғлиқни сақлаш тизимлари жуда хилма-хил. Масалан Совет Иттифоқи ва Шарқий Европа мамлакатларида давлат соғлиқни сақлаш тизими жуда ривож-

ланган. Тиббий хизматларнинг кўпчилилик қисми бепул бажарилади, бироқ мавжуд имкониятларнинг етишмаслиги маълум ва кўп турдаги даволаш хизматини олиш учун навбатда кутиш зарур. Давлат тиббий хизмати Қўшма Штатлардан ташқари, амалда, ривожланган мамлакатларнинг барчасида мавжуд. Масалан, Буюк Британияда 1948 йилда Соғлиқни сақлаш миллий хизмати (ССМХ) ташкил этилди, унинг фаолиятидаги асосий тамойил — тиббий ёрдам беморларга уларнинг тўлов қобилиятига қараб эмас эҳтиёжга қараб кўрсатилиши керак.¹⁵

ССМХни молиялаштириш давлат ҳисобида тўпланаётган солиқларнинг бир қисми юзасидан амалга оширилади. Умумий амалиёт врачининг қабулида бўлиш ва стационар даволаниш ҳамма учун бепул. Рецепт бўйича берилаётган дори-дармонлар аввал бепул эди. Кейинчалик ҳукумат қисман тўлов тизимини жорий этди. Тиббий ходимларининг босими остида (ва бошқа жиҳатларни ҳам ҳисобга олиб) Хизмат қошида давлат тиббий хизматлар тизими билан бирга хусусий соғлиқни сақлаш тизимини ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Умумий амалиёт врачларининг кўпчилиги фақат ССМХ тизимида ишлайди, тор соҳалар бўйича мутахассислар эса хусусий амалиёт ҳам олиб боради. Хусусий шифохоналар ҳам мавжуд бўлиб, у ердаги персонал фақат хусусий секторда банд. Бироқ хусусий тиббиёт соҳаси аҳолининг жуда оз қисмига хизмат кўрсатади.

Умумий амалиёт врачлари беморларни ихтисослашган тиббий хизматга йўналтиришда асосий филтр вахтасини бажаради. Буюк Британиянинг ҳар бир фуқароси умумий амалиёт врачига қабулида йил давомида ўртача 4 марта бўлади¹⁶. Бундай врачлар касалликларнинг 90%ини даволашга лаёқатли; унга ўзига «боғлаб қўйилган пациентлар» (уларнинг максимум миқдорини Хизмат белгилайди) рўйхати тақдим қилинади. Умумий амалиёт врачига қатнайдиغان пациентлар тор соҳа бўйича мутахассисга унинг хулосасисиз муружаат қилишга ҳақли эмас. Мутахассислар ўзлари кўрсатадиган хизматни реклама қилиш имконига эга бўлмаганликлари учун уларнинг пуллик маслаҳатини ҳам умумий амалиёт врачининг рухсатисиз олиш қийин.

ССМХ шаънига билдирилаётган танбеҳлар орасида мутахассис маслаҳатини олиш ва даволаниш учун одамларнинг узоқ навбат кутишга мажбур бўлаётганликлари ҳақидаги фикрлар ҳам бор. Бироқ соғлиқни сақлаш ҳолатини ўрганиш учун махсус қирол комиссияси ўтказган тадқиқотлар бундай танбеҳ асоссиз эканини кўрсатди. Пациентларнинг 26%и қабулга 7 кун давомида киришди, 60 %и эса 3 ҳафтадан узоқ кутмасдан қабулга кирди¹⁷. Бироқ ўшандан буён анча вақт ўтди ва кўрсатилган муддатлар анча узайиб кетди. Бундан ташқари, миллий хизмат ўзининг мижозлар истакларига бепарволигини бир неча марта

¹⁵ Eckstein H. The Neglish Health Service. Cambridge. 1958.

¹⁶ Klein R. The Politics of National Health Service. London, 1983.

¹⁷ Royal Commission on National Health Service. Report. London, 1979.

намойиш этди, ҳолбуки мижозлар ўзига ёқадиган нарсани танлаш ва харид қилиш имконига эга бўлмаса кўрсатилган хизматларга у томондан билдириладиган эътирозлар натижа беришига ишонч камроқ бўлади.

Кўшма Штатлардаги соғлиқни сақлаш

Тиббиётга Кўшма Штатларда бошқа ҳар қандай мамлакатга қараганда кўпроқ маблағ сарфланади. Америка соғлиқни сақлаш тизими асосан хусусий суғурта ҳисобига, шунингдек, давлатнинг қариялар ва қашшоқларни қўллаб-қувватлаши ҳисобига мавжуд ва у дунёдаги энг турли-туман тизимлардан биридир. Америкада шифохоналар федерал ҳукуматга ёки штат ҳукуматига, шаҳар ҳокимиятларига ёки графлик ҳокимиятига, хусусий ташкилотларга, ёки ижтимоий нотижорат бирлашмасига тааллуқли бўлиши мумкин. Кўшма Штатларда умумий амалиёт врачлари Британиядагига қараганда анча кам. Тиббий ёрдамга эҳтиёжманд одамлар бевосита мутахассисларга мурожаат қилишади. АҚШда шифохона ҳисобига қилинадиган харажатлар Британия ва бошқа Фарб мамлакатларига қараганда анча кўп.

Американинг соғлиқни сақлаш тизими кейинги 20 йил давомида сезиларли даражада ўзгарди. 1968 йилда Нэшвиллик врач Ф.Фрист ва Америкада «Кентуккичасига пиширилган жўжа» ресторанлари тармоғини асослаган тadbиркор Жек К.Мэсси соф тижорий шифохоналарнинг дастлабки тармоғини ташкил қилдилар. Фристнинг «Парк вью» клиникаси ўзининг ривожланиши учун капитални Америка шифохоналари корпорациясидан олди, уни ҳам шуларнинг ўзлари асослаган эди. Корпорация бошқа клиникаларни ҳам сотиб олди ва бугунги кунда мамлакатда мана шу типдаги энг йирик тиббиёт ташкилоти ҳисобланади. Фрист ва Мессининг дастлабки клиникаси очилгунга қадар кўпчилик хусусий тиббиёт хизматлар нотижорий ташкилотлар бўлиб, маҳаллий жамоалар ёки диний уюшмалар ҳисобидан молиялаштирилар эди. Бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимининг кўп соҳаларида тижорат ташкилотлари мавжуд бўлиб, ўз ичига турли клиникалар, маслаҳатхоналар ва ихтисослашган тиббий марказларни қамраб олади.

Тиббиёт ҳар доим раҳм-шафқат, ғамхўрлик ва саховат билан боғлиқ бўлган. Тижорий соғлиқни сақлаш тизими бу идеалларга қандай таъсир ўтказди? Тиббиётни ҳам «фаст-фуд» тармоғини бошқаргандай бошқариб бўладими? Шу саволларга жавоб топиш учун бир қатор ишлар бошланди, жумладан Миллий фанлар академиясининг Медицина институти томонидан ўтказилган жиддий тадқиқот бор.¹⁸ Натижада олимлар тижорий шифохоналар самаралироқ ва улар нотижорий шифохоналарга қараганда яхшироқ нарх тақлиф қилишади, деган фикрларни инкор қилдилар. Ўртача олганда хизматларга тўланадиган нарх тижорий шифохоналардан анча баланд.

¹⁸ Krause Elliot A. Power and Illness: The Political Sociology of Health and Health Care. New York, 1977; Fein Rashi. Medical Care, Medical Costs. Cambridge, 1986.

Тиббий хизмат кўрсатиш сифатини солиштириш мураккаб-роқ. Тижорий ташкилотларнинг пул тўлашга лаёқатли миждозларга хизмат кўрсатиш имкониятлари оддий тиббиёт муассасаларига қараганда кўпроқ. Бироқ тижорий шифохоналар миждозларининг жуда оз қисми суғурта полисига эга эмас ва нафақа ҳисобига кун кечиради, демак амалда бундай ташкилотларнинг роли миллат саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишнинг асосий юқини соғлиқни сақлаш тизимининг бошқа секторлари зиммасига юклашдан иборат. Уларнинг таъсири, афтидан тиббий хизмат умумий қийматини ошириш, ўқитиш ва тадқиқот ишларига қилинадиган харажат улушини камайтиришдан иборат; улар зарур хизматлар ҳисобига тежамкорлик қилиш натижасида «қийматни пасайтиришга» олиб келишади¹⁹.

Мамлакатнинг бойлиги ва соғлиқ индустриясига жуда катта маблаг сарф қилинишига қарамасдан, Қўшма Штатлар дунёдаги энг соғлом мамлакат эмас. У жисмоний соғломликнинг энг муҳим умумий кўрсаткичлари бўйича орқада қолмоқда: умрнинг ўртача давомийлиги ва болалар ўлими даражаси бўйича, ҳисоб-китобларга кўра АҚШда 20 миллионга яқин одам тиббий суғуртага эга эмас, демак улар тиббий ёрдам ола олмайдилар.

Қўшма Штатлар соғлиқни сақлаш тизимининг мантиқи ишлаб чиқаришни арзонлаштираётган ва истеъмолчиларга танлов имконини берадиган рақобат ғоясига асосланади. Бундай ёндашувнинг камчиликлари ҳаммага маълум. Биринчидан, бемор танлаш имкониятига эга эмас, кўп ҳолларда у бунинг учун етарли малакага ҳам эга эмас. Иккинчидан, қўли қисқа одамлар чекланган миқдорда тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятига эга, юқори сифатли кўрсатиладиган хизматлардан фақат бадавлат одамлар фойдаланиши мумкин. Учинчидан, тиббий суғурта билан тўла қамраб олинган аҳоли арзонроқ хизматни излаш учун стимулларга эга эмас. Бунинг оқибатида тизимнинг муваффақиятлари камроқ ва аҳолини тиббий хизмат билан таъминлашда жиддий камчиликлар бўлгани ҳолда тизимнинг қиймати жуда баланд бўлиб қолади.

Америка тажрибаси ҳозирги кунда Буюк Британиядаги соғлиқни сақлаш тизими ҳақида ўтказилаётган мунозараларга бевоқиф алоқадор. Кейинги 10 йилда Британиядаги хусусий тиббий муассасаларнинг мавқеи сезиларли даражада мустақкамланди; бундан ташқари, борган сари кўпроқ одамлар соғлиқни сақлаш миллий хизматини бесамара, бюрократик ва алоҳида миждозларнинг эҳтиёжларига безътибор тизим сифатида баҳоламоқда. Танқидчилар уни Америкадагига ўхшаш қудратли хусусий тизим билан алмаштиришни истайдилар. Бироқ кўриб ўтганимиздек, бундай таклифларга эҳтиёткорлик билан муносабат-

¹⁹ Waitzkin H. The Second Sickness: Contradictions of Capitalist Health Care. Chicagol, 1986; Califano Jozeph A. America's Health Care Revolution: Who lives? Who pays? New York, 1986.

да бўлиш учун етарли асос бор. Соғлиқни сақлаш миллий тизимларининг қиёсий самарадорлигини баҳолаш жуда қийин, баъзи фактлар Хизматни демонтаж қилиш озроқ муаммоларини ҳал қилиш билан бирга кўпроқ янги муаммоларни яратади ва тиббий хизмат олишга мавжуд тенгсизликни амалда кучайтириб юборади, деган хулосага олиб келмоқда.

14-жадвал. 22 мамлакат аҳолиси тузилмасида врачларнинг улуши, 1984 йил.

Юз минг кишига врачлар миқдори		Юз минг кишига врачлар миқдори	
СССР	357	Франция	172
Италия	294	Буюк Британия	154
Исроил	270	Япония	128
Венгрия	250	Сингапур	87
Швейцария	244	Багамлар	66
Жанубий Германия	222	Саудия Арабистони	61
Испания	217	Бразилия	59
Швеция	204	Хитой	52
АҚШ	192	Ҳиндистон	27
Канада	182	Шри Ланка	14
Австралия	179	Кения	9

Манба: Leslie Watkins and Robert M. Worcester, *Private Opinions Public Polls*. London, 1986. P. 123.

Репродуктив технологиялар

Замонавий медицина таъсир ўтказган энг муҳим ҳодисалар сирасига ҳомиланинг пайдо бўлиши ва уни етилтириш ҳисобланади. Бу жараёнларга тиббиёт таъсирининг 4 та типни фарқланади.²⁰

1. *Ҳомиладорликнинг олдини олиш*. Фарбда кўп йиллардан буён контрацептивлар кўпчилик учун бемалол олса бўладиган нарса ҳисобланади. Уларнинг пайдо бўлиши ва такомиллашуви бола кўриш имконияти жуфтликнинг бевосита назорати остида бўлишини англатади. Авваллари бундай назоратнинг иложи йўқ эди.

2. *Ҳомиладорлик даврида акушерлик хизмати соҳасининг кенгайтирилиши*. Сўнгги йилларда боланинг она қорнида илк босқичлардаги ривожланишини назорат қилиш учун мураккаб воситалар вужудга келди, шу муносабат билан эртароқ даволашни бошлаш имконияти пайдо бўлди.

3. *Туғруққа профессионал раҳбарлик қилиш*. XX асрда туғруқни қабул қилиш оила аъзолари, дўстлар ва энагаларнинг иши бўлмай қолди ва у мутахассис врачлар қўлида.

²⁰ Stanworth M. (ed.) *Reproductive Technologies*. Cambridge, 1987.

4. *Уруғлантириш усулларига таъсир ўтказиш.* Жинсий алоқа йўли билан уруғлантиришдан воз кечиб наслсизликни бартараф этиш имконини берадиган технологиялар пайдо бўлди. 1930 йилларда сунъий уруғлантириш пайдо бўлди, ўттиз йил ўтиб эса наслсизликни бартараф этадиган дори-дармонлар пайдо бўлди. Уларнинг ёрдамида аввал ҳомиладор бўлиш имконига эга бўлмаган аёллар бола кўра бошладилар. Лекин, бундай дорилар баъзан эгизаклар туғилишига олиб келади.

Кейинги даврдаги репродуктив технологиялар соҳасида энг муҳим кашфиётлардан бири тўртинчи типга оиддир. Аёл тухум ҳужайрасини уруғлантириш усуларида, шу жумладан, бадандан ташқарида уруғлантиришда муваффақиятларга эришилди. Донор тухум ҳужайраси ёки эмбрионни (бир аёлдан иккинчи аёлга) пайванд қилиш имконияти туғилди, гамета ва эмбрионларни қуйи температураларда сақлаш усуллари кашф этилди. Бироқ энг муҳим усул (соддалиги сабабли) суррогат ота-оналик бўлди. Унинг моҳияти шундаки, аёл бошқа жуфтликдги эркекнинг спермаси имплантация қилинишига розилик беради ва ҳомилани вояга етказди. Бола туғилгандан кейин эса, мазкур жуфтлик уни фарзандликка олади.

Репродуктив технологиялар вужудга келишининг оқибатларидан бири шунда бўлдики, туғатган аёллар энди кўпчилиги эркеклардан иборат бўлган гинеколог ва акушерлар қўлига ўтди. Яқин вақтларгача туғруқ, одатда уйда юз берар, ҳомиладорлик ва туғруқдан кейинги барча ҳолатларни энагалар кузатар эди. Бугун эса туғуруқларнинг кўпчилиги шифохоналарда юз беради ва гинекология эркекларнинг касбига айланиб бормоқда.

Репродуктив технологияларнинг пайдо бўлиши муҳимлиги ва кескинлиги кўпайиш жараёнларига аралашув қанчалик чуқур оқибатларга олиб келишига қараб ўзгарадиган кўпгина ижтимоий муаммо ва қарама-қаршилиқларга олиб келди. Энг муҳим масалалардан бири — ота-оналик ҳуқуқини белгилашдаги ҳуқуқий чалкашлиқдир. Масалан суррогат она бошқа эркекдан дунёга келтирган ва бунинг учун пул олган бола, агар уни ўзида қолдиришни истаб қолса, ҳуқуқ кимга тегишли бўлади? Бу масала кўпчилик мамлакатларнинг судларида катта мунозараларга сабаб бўлди ва уларнинг баъзиларида тижорий суррогат оналикни ман қилиш билан яқунланди.

Соғлиқ ва атроф-муҳит

Бизнинг саломатлигимиз маҳаллий ва глобал даражадаги атроф-муҳит билан чамбарчас боғлиқ. Ҳозирги кунда глобал экотизимлар бузилиши хавфи аҳолининг саломатлик ҳолати хасталиклардаги ўзига хосликлар билан қай даражада боғлиқлигини ҳеч ким аниқ айтиб бера олмайди, бироқ атроф-муҳитдаги ортга қайтмас ўзгаришларнинг баъзи шакллари саломатлик учун хавф туғдириши аниқдир. Шунинг учун атроф-муҳит-

ни муҳофаза қилиш масалалари профилактик тиббиёт бўйича кўпгина дастурларнинг ажралмас қисмини ташкил этади.

Мисол учун шаҳардаги смог (тутунлар, автомобилларнинг чиқинди газлари ва чанг-тўзон аралашмаси)ни олиб кўрайлик. 1960 йилларда «смог бўйича жаҳон пойтахти» Лос-Анжелес эди (кейинроқ бошқа шаҳарлар ҳам, масалан Мехико бундан ҳам баттар аҳволга тушиб қолди). Шаҳарда ҳавони тозалаш бўйича чоралар кўрилди, кейинроқ эса улар бошқа мамлакатлар ва шаҳарларда ҳам қўлланди. Смогнинг асосий манбаи автомобилларнинг чиқинди газлари эди. Қабул қилинган дастурларни амалга ошириш натижасида Лос-Анжелесдаги смог ҳажми кескин камайди. Бироқ 1990 йилларнинг бошларида автомобиллар сонининг кескин ўсиши сабабли у 1970 йиллардагидан ҳам кўнроқ бўлиб қолди. Узоқ вақтлар давомида ҳавони ифлослантириш асосан астма ва эмфизема билан касалланган беморларга, айниқса болаларга ёмон зарар келтиради, деб ҳисобланади. Бугун эса ҳавонинг сифати тегишли андозадан паст даражада бўлса ўпка функцияларининг бузилиши ва бошқа респиратор ўзгаришлар ҳар қандай катта ёшли одамда ҳам пайдо бўлиши мумкин. Бу борада нима қилиш мумкин? Ягона қарор автомобиллар исканжасидан чиқиш ва ёппасига электр транспортга ўтиш.

Бироқ автомобилсозлик ва унга туташ соҳалар — замонавий иқтисодиётнинг негизи. Тоза ва соғломроқ атроф-муҳит яратиш учун йирик ижтимоий ўзгаришлар талаб қилинади. Ҳавони ифлослантириш ва автомобил муаммоси — атроф-муҳит муаммоларининг катта рўйхатидаги бир банд холос. Машҳур иборада айтилишича, «инсоннинг ҳақиқий глобал миқёсдаги фаолияти бошланганидан 40 йил ўтгач биосферанинг нозик иншоотиға аввалги 2 ёки 3 миллион йилдагидан кўра кўпроқ зарар етказилди». ²¹ Россия Холл фикрича соғлиқни сақлаш тизими атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан чамбарчас боғланган бўлиши керак:

Биз бир томондан, ер экологиясининг пастга қараб кетаётганини батафсил қайд этаётган инвайронменталистларга эга бўлсак, иккинчи томондан бундай силжишни кўрмаётган тиббиёт алломаларига эгамиз. Ҳозир биз саломатлик учун хавф туғдирадиган ва тегишли терапевтик ҳаракатларни тақозо қиладиган алоҳида омилни аниқлаш йўлидан бормоқдамиз... Бундай ёндашувнинг акси бўлган превентив нуқтаи назардан эса у ёки бу сабаб-оқибат алоқаларини излаб ўтиришга ҳожат йўқ. Биз атроф-муҳитнинг у ёки бу импульси саломатлик учун қандай оқибатлар келтиришини аниқ билмаймиз, шунинг учун заҳарли чиқиндилардан ахлатхона ясаб экотизимни бузмаймиз — ва нуқта. ²²

²¹ Goldsmith E. Foreword. In: Goldsmith E., Hilyard N. The Earth report: monitoring the battle for our environment. London, 1988.

²² Hall R. H. Health and the global environment. Cambridge, 1990.

Ёш ва Фарбдаги кексайиш муаммолари

Демографик тамойиллар

Шу бобнинг юқорироқ қисмида кўриб ўтилган тамойиллар индустриал мамлакатлар аҳолиси тузилмасида кекса ёшли одамлар улушининг анча кўпайишига олиб келди. Айти пайтда ҳозирги жамиятда қарияларнинг ижтимоий аҳволи анъанавий маданиятлардаги нисбатан анча бўш. У ерда кекса ёш ҳурмат, ҳокимият ва бойликни англатса, кексалар фақат жамоада хурматга эга бўлмай оилада ҳам муҳим мажбуриятларни бажаришар эди. Ҳозирги жамиятларда бундан ҳеч нарса қолмади²³.

Британияликларнинг ўртача ёши кейинги 1,5 аср давомида тўхтамай ўсиб бормоқда. 1800 йилда ўртача (медиян) ёш 16ни ташкил қилган эди. 20 аср бошига келиб у 23га етди. 1970 йилда у 28 ёшни ташкил қилди, бугун эса 30дан ўтиб кетди. Агар ҳозирги демографик тамойиллар жиддий ўзгаришларга учрамаса бу жараён келажакда ҳам давом этади. 2000 йилда ўртача ёш тахминан 35га етади, 2030 йилда эса у 37 ни ташкил қилади. Бу даврда ёши 65 дан юқори бўлган аҳолининг улуши 11 миллионга етади. Кекса одамлар миқдорининг ўсиши билан бирга қартайиб қолганларнинг улуши ҳам ортиб боради. Баъзи ҳисоб-китобларга қараганда 85 ёшдан юқори бўлган аҳолининг улуши 2000 йилга келиб 50%га ўсади ва барча аҳолининг 1,2%ини ташкил қилади²⁴.

Кекса одамлар сонининг ўсишини 2 та сабаб белгилайди. Биринчиси — ҳозир одамларнинг ўртача узоқроқ умр кўриши. 1900 йилдан буён ўртача умрнинг давомийлиги эркаклар учун 12 йилга, аёллар учун эса 14 йилга узайди. Иккинчи сабаб «бэби-бум» натижаси бўлиб унинг кўп сонли болалари аҳоли тузилмасида анчагина улушни ташкил қилди.

15-жа д в а л. 60 ёш ва ундан юқори аҳолининг улуши (%).
Бир қатор мамлакатлар бўйича умумлаштирилган жадвал (2010-баҳо)

	1988	2010
Буюк Британия	15,5	15,9
АҚШ	12,1	13,9
Дания	15,4	16,7
Франция	13,6	16,9
Германия	15,4	20,5
Италия	13,7	20,2
Ирландия	11,0	12,8

Манба: S. Arber and J. Ginn. Gender and Later Life. 1991.

²³ Riley M. W. On the Significance of Age in Sociology // American Sociological Review, 5. 1987.

²⁴ Acheson E. D. et al. The Impending Crisis of Old Age: a Challenge to Ingenuity. Oxford, 1987.

«Қарилик» нима?

Фақат йилларни назарда тутилса, *қарилик* — худди *болалик* («Ижтимоийлашув ва ҳаётӣй цикл» номли 3-бобга қаранг) сингари давримизнинг тушунчаси. Ҳамма даврларда ҳам қарилик хронологик ёш, яъни ҳамма вақт ҳам аниқ бўлмаган ҳодиса билан эмас, балки индивиднинг ташқи кўриниши ва жисмоний кучи билан боғланган. Бугунги кунда қарилик қонун билан белгиланган тушунча. У кўпчилик одамлар истеъфога чиқадиган ва ижтимоий кўмакнинг турли кўринишлари, жумладан нафақага ҳисоб-китоб қилишлари мумкин бўлган давр.

Истеъфо

Истеъфога чиқиш ёши, яъни нафақа ва бошқа имтиёзларга эга бўлиш ёши турли мамлакатлар ва ҳатто бир жамиятнинг ичидан ҳам фавқулодда хилма-хилдир. Бундан 50 йил муқаддам Британияда истеъфога чиқиш учун ёш эмас соғлиқнинг ёмонлашуви ва кучдан қолиш асос бўлиши мумкин эди. 1920 йилларнинг охирида 65 ёшдан ўтган эркекларнинг ярмидан ортиқроғи ишлашда давом этар эди. Бугун эса бундай аҳвол алоҳида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган баъзи фаолият турларидагина сақланиб қолган: қартайиб қолгунга қадар етакчи сиёсатдонлар, юристлар, санъат намоёндалари ва бошқа баъзи касбларнинг вакиллари ишлайди холос. Ҳозирги Британияда истеъфога мажбурий чиқиш ёши қилиб эркеклар учун 65, аёллар учун 60 (аёллар одатда эркеклардан бир неча йил узоқроқ умр кўришига қарамасдан) белгиланган. Қўшма Штатларда истеъфога чиқиш учун қатъий белгиланган ёш яқинда бекор қилинди. Европа мамлакатларининг кўпчилиги эса бунга тескари йўналишда муваффақиятли ҳаракат қилмоқда ва одам дам олишга чиқиши мумкин бўлган ёшнинг доимо пасайтиришга ҳаракат қилинмоқда. Баъзи мамлакатларда давлат бошқаруви ва саноат соҳаси ходимлари 60 ёшда истеъфога чиқишлари керак, лекин бу қоида ҳам эркекларга эмас кўпроқ аёлларга тегишли. Бироқ тенг ҳуқуқлик тўғрисида қонунчиликнинг қабул қилиниши муносабати билан кўп мамлакатлар бундай амалиётни ғайриқонуний, деб топишди.

Истеъфо индивид учун, кўпинча оила учун ҳам ижтимоий, иқтисодий ва психологик муаммоларни келтириб чиқаради; у ҳатто бўш вақтни топилма, деб баҳолайдиган одамлар учун ҳам мутлақо янги сифатга ўтишни билдиради. Амалда истеъфо ҳар доим даромаднинг пасайиши билан боғлиқ. Индивидлардан бири 65 ёки ундан юқори ёшда бўлган Британия оилаларининг ўртача даромади ўртача иш ҳақининг ярмидан кўпроғини ташкил қилади. Албатта, кекса одамларнинг даромадлари бир хил эмас, чунки бу тоифага аҳолининг анчагина қисми тўғри келади. Бироқ улардан кўпчилиги (65 дан юқори ёшдагилар)нинг энг камида 15%и қашшоқликка яқин шароитларда кун кечирмоқда, чунки кексалик бўйича давлат нафақалари катта зеб-зийналар учун имкон бермайди. Ёлғиз аёллар эса бошқаларга нисбатан камбағалроқ яшайди.

Бугун кекса одамлар аввалгига қараганда эртароқ нафақага чиқмоқдалар. 1970 йилларнинг ўрталарида 90%га яқин эркеклар 60 ёшида ҳам тўла ставкаларда ишлаган бўлишса, 1992 йилда бу кўрсаткич 50%га тушиб қолди.²⁵ Аёллар масаласига келсак, бу ерда вазият мураккаброқ, бироқ умумий тамойиллар бир хилдай кўринади. Бу ўзгаришлар қисман ишни эртароқ тўхтатишга интилиш, ўзини бошқа соҳада синаб кўриш учун ҳаракат қилиш билан изоҳланади. Бироқ кўпинча компаниялар эртароқ истеъфога чиқишни персонални қисқартириш усули сифатида қўллайдилар; бундан ташқари улар нафақадан ҳам иқтисод қиладилар, чунки истеъфога кечроқ чиққан хизматчи-га каттароқ ҳажмда нафақа тўлаш керак бўлади.

Кекса ёшдаги ижтимоий муаммолар

Кекса ёш — одатда йўқотишлар даври, агар унга ижтимоий муносабатлар нуқтаи назаридан қаралса. Истеъфо — фақат ишни йўқотиш эмас, балки ҳамкасблар билан мулоқотни ҳам йўқотишдир. Болалар, одатда, ўз оилаларига эга бўлишади, дўстлар ёки қариндошлар билан муносабатларни эса ўлим ёки масофа ажратиб туради, чунки кексаликда саёҳат қилиш унчалик расм эмас. Британияда 65 ёшдан ўтган ёлғиз аёлларнинг улуши 45 дан 65 гача бўлган ёш гуруҳига қараганда анча кўп (1985 йилда бу мутаносиблик 32%ининг 15%га нисбати ҳажмида эди). 65дан юқори бўлган ёш гуруҳида ёлғиз эркекларнинг улуши 45 дан 65 гача бўлган ёш гуруҳидаги улушга қараганда камроқ (9% ва 17%). Кексаларда зўрлик кўрқинчи ҳам бўлиб, бу уларнинг, айниқса шаҳарда яшайдиганларнинг фаолиятини анча чеклаб туради.

Кекса аёлларнинг ижтимоий аҳволи яна ҳам муаммолироқ. Ажралган ёки бева қолган эркек учун янги ҳаёт йўлдоши топиш аёлнинг йўлдош топишига қараганда анча енгилроқ, чунки аёллар узокроқ яшайдилар ва шунинг учун кекса аёллар доимо кўпчилиكنи ташкил қилади. Бундан ташқари жамиятда кўриниб туриш ва ўзидан ёшроқ аёлларга уйланиш ижтимоий мақбулроқ ҳисобланади. Кекса аёлларга уйдан ва оиладан ташқарида шерик ахтариш унчалик хос эмас. Кўпчилик аёллар учун эрнинг ўлими қаттиқ силкиниш билан, депрессия ва гуноҳкорлик туйғуси билан боғланган бўлиб, бундан кейин уларнинг кўпчилиги касал бўлиб қолади²⁶. Бошқа томондан унча кўп бўлмаган миқдордаги аёллар ҳам борки, уларга эрнинг ўлими енгиллик келтиради. Эҳтимол уларга бемор эрнинг олдида узок ўтириш ва унинг истакларига мослашишга тўғри келгандир.²⁷

Кексайишнинг жисмоний оқибатлари

Кекса ёш ўз-ўзидан касаллик ёки қартайиб қолишни англамайди, гарчи йиллар ўтиши билан соғлиқ яхшиланиб бормаса ҳам. Кексаликнинг жисмоний кўринишини касаллик

²⁵ The Economist, 26, February. 1992.

²⁶ Riley M. W. and Waring J. Age and ageing. In: Robert K. Merton and Robert Nesbet (eds.) Contemporary Social Problems. New York, 1976.

²⁷ Lopata H. Widows and widowers // Humanist, 37. 1977.

оқибатларидан ажратишга дастлабки мунтазам уринишлар биологлар томонидан яқинда, 20 йилча муқаддам амалга оширилди. Бироқ ёш ўтиши билан инсон танаси қай даражада қартайиши ҳақида узил-кесил фикр йўқ. Ижтимоий ва иқтисодий таъсиротларни ҳам баъзан жисмоний қартайиш кўринишларидан ажратиб бўлмайди. Қариндош-уруғларини, дўстларини, ишни йўқотиш, бошқа ерларга кўчиб ўтган болалардан айрилиш, буларнинг барчаси учун саломатлик билан ҳисоблашишга тўғри келади. 65 дан кейин ҳам ўзини жуда яхши ҳис қиладиган одамлар оз бўлмаса ҳам бу гуруҳ вакилларининг кўпчилиги, Америка тадқиқотларига кўра ўзларининг жиддий муаммолари сифатида «ёмон соғлиқ ва унчалик яхши бўлмаган тиббий хизмат»ни кўрсатишади²⁸.

Келажак

Ёшлик, ғайрат ва жисмоний жозибани қадрлайдиган жамиятда қариялар ҳеч кимнинг кўзига кўринмайдиган одамларга айланиб қоладилар. Бироқ сўнги йилларда уларга нисбатан баъзи ўзгаришлар сезила бошлади. Кекса одамларнинг анъанавий жамиятлардаги каби обрў ва ҳурматга эга бўлишларига ишониш қийин, бироқ уларнинг аҳоли тузилмасидаги улуши ортиб борган сари уларнинг сиёсий таъсири ҳам ўсиб бормоқда. Масалан АҚШда улар анча қудратли сиёсий кучга айланди; шунга ўхшаш жараёнлар Буюк Британияда ҳам кузатилмоқда.

Шундай гуруҳлар ҳам пайдо бўлдики, уларнинг мақсади — эйжизм билан кураш ва кексалик ва кексаларга ижобий муносабат ўрнатиш. Эйжизм (ёшига қараб одамларни дискриминация қилиш) ирқчилик ёки жинсий белгига қараб дискриминация қилиш каби салбий мафкурадир. Кекса ёшдаги одамларга нисбатан бошқа хурофот объектларига қараганда кам бўлмаган сохта стереотиплар мавжуд. Кўпчилик, масалан 65 ёшга кирганларнинг аксарияти, ё шифохонада ёки қариялар уйида истиқомат қилади деб ўйлашади; бу одамларнинг кўп қисми қартайиб кетган ва қувватсиз; кекса хизматчилар компетентлик масаласида ёшлардан анча орқада, деб фикр юритишади. Бундай тасаввурларнинг ҳаммаси сохта. 65 ёшдан ўтган Британияликларнинг 95%и ўз уйларида яшайди, улардан фақат 7%и ўта қариллик белгиларига эга, ишлаб чиқариш унумдорлиги ва интизомлилик масаласида 60 ёшдан ўтганларнинг кўрсаткичлари ёшроқларникига нисбатан анча юқори.

Майкл Янг ва Том Шаллернинг «ишдан кейинги ҳаёт: ортга қайтмас жамиятнинг келиши» китобида ёш эзиш қуролига айлангани, унинг ёрдамида одамлар стереотип ролларнинг тор доирасига тиқштириб қўйилаётгани ҳақида фикр юритилади. Кўп кекса одамлар ана шундай муносабатга қарши фаол кураш олиб бормоқдалар, фаолиятнинг янги соҳалари ва ўзини рўёбга чиқаришнинг янги усулларини қидириб топмоқдалар. Улар ёш томонидан гаровга олинган жамиятга чақирик эълон қилдилар.

²⁸ Kart G. S. The Social Realities of Ageing. Boston, 1985.

Ҳозирги жамиятларда ёшлар ҳам, кексалар ҳам аввало ёшига қараб баҳоланадилар; уларнинг машғулотлари, шахсий ва индивидуал тавсифлари иккинчи даражали аҳамиятга эга. Бу икки гуруҳ, деб ҳисоблашади Янг ва Шаллер, одамларни муайян ёш гуруҳларига тиркаб қўядиган асирликдан ортга қайтмас жамият тузиш учун иттифоқ тузишлари керак. Улар фақат ўз ижтимоий мавқеига нисбатан эмас, балки ишлаётган кўпчилик аҳолига нисбатан ҳам пионер бўлиб қоладилар.

Янг ва Шаллер айтишларича, ёшлар ва кексалар бирикиб ҳозирги жамиятни бир хил кўринишдаги истеъмолчиликдан узоқлашига қўмаклашуви мумкин. Борган сари кўпроқ одамларга, дейишади улар ниҳоят мажбурий меҳнат кишанларидан халос бўлиш, «ўзинг хоҳламаган ишни бажариш, уни лаганбардор ва ярамас қул бажаргандай бажариш азобидан» қутулиш муяссар бўлади. Улар ўзларидagi бетакрор сифатларни ривожлантириш ва ўзларининг ишларига, қачонлардир Вулф жуда ажойиб ва бетакрор бажарганидай берилишлари мумкин. Акс ҳолда унинг ёзувчилик қобилияти «мўъжаз, бироқ унга эга бўлганнинг қалбига ёқимли бўлган қобилият сўниши у билан бирга мен ўзим, менинг жоним худди баҳор чечаклари ўроқ дамида ҳалок бўлгандай сўлиши керак эди». Катта ёшли одамларнинг ҳиссасини бўрттириб кўрсатиш жамиятдаги умумий ижтимоий бағрикентлик даражасининг ўсишига ёрдам бериши мумкин. Ёшлар ва ўрта ёшли одамлар томонидан монополия қилиб олинган неъматлар ва ҳуқуқларни келажақда адолатлироқ тақсимлаш лозим бўлади. Бугун бу ёш гуруҳи вакиллари таълим соҳасида, ишда, ҳокимиятда ва моддий рағбатлантириш соҳасида яқка ҳукмронлик қилмоқдалар. Ижтимоий бойликнинг тенгроқ тақсимланиши кексаларнинг ҳам ундан ёшлар каби фойдаланишига имконият очар ва ижтимоий адолат тамойилига кўпроқ мос келарди.

Бобнинг қисқача мазмуни

1. Аҳолининг ўсиши бугун — энг муҳим глобал муаммолардан бири. Жаҳон аҳолисининг чорак қисми тўйиб овқат емасликдан азобланади ва ҳар йили очликдан 10 миллиондан ортиқ одам ҳалок бўлади. Бу бахтсизликлар асосан учинчи дунё мамлакатларида жамланган.

2. Аҳолини ўрганиш демография, деб аталади. Демограф ишининг катта қисми — статистик иш, бироқ демографлар бундан ташқари юз бераётган жараёнларни тушунтириш ва аҳоли тамойилларини аниқлаш билан ҳам шуғулланадилар. Аҳолининг энг муҳим тушунчалари туғилиш даражаси, ўлим даражаси, фертилликл ва биологик маҳсулдорлик ҳисобланади.

3. Индустириал мамлакатларга хос бўлган аҳоли тузилмасидаги ўзгаришларни демографик ўтиш концепцияси доирасида кўриш қабул қилинган. Саноатлаштириш бошлангунча туғилиш ва ўлим даражаси юқори эди. Саноатлаштиришнинг дастлабки даврида аҳолининг ўсиши кузатилди, чунки ўлим кўрсаткичлари пасайди, туғилиш эса юқориликка қолди. Ва ниҳоят XX асрда янги типдаги мувозанат вужудга келиб унда ўлимнинг паст даражаси паст даражадаги туғилиш билан мувозанатга келади.

4. Дунёдаги захиралар чекланган бўлиб бу ишлаб чиқаришни чеклашлар доим технологик янгиликлар асосида қайта кўриб чиқишига қарамай чекланганлигича қолмоқда. Ғарб мамлакатлари бошқа мамлакатларга қараганда мислсиз даражада кўп энергия, хомашё ва бошқа маҳсу-

лотларни истеъмол қилмоқдалар, айна пайтда истеъмолнинг бундай даражаси учинчи дунё мамлакатларининг захиралари ҳисобига амалга оширилмоқда. Агар захиралар бараварроқ тақсимланганда Фарб мамлакатларидаги турмуш даражаси анча пасайган бўларди.

5. Аҳоли муаммолари саломатлик ва хасталик масалалари билан узвий боғланган. Барча маданиятларда ҳам саломатлик ва хасталик тушунчалари бор, бироқ биз «медицина» сўзига берадиган маънонинг кўп қисми яқинда пайдо бўлди. Масалан шифохоналарнинг мавжудлиги, илмий ва технология янгиликларининг даволаш мақсадида қўлланилиши назарда тутилмоқда.

6. Жиддий хасталикларга мойиллик бугун кўп жиҳатдан индивиднинг ижтимоий-иқтисодий мавқеи билан боғлиқ. Кўпчилик ҳолларда аҳолининг бадавлат қатламлари вакиллари соғломроқ, баландроқ ва камбағал фуқароларга қараганда узоқроқ умр кўришади.

7. Уруглантириш ва ҳомиланинг пайдо бўлишига, эмбрионнинг ривожланиши ва туғилиш жараёнига таъсир ўтказувчи янги репродуктив технологиялар пайдо бўлиши билан бирга мураккаб ва зиддиятли ахлоқий муаммолар ҳам юзга келмоқда. Бугунги қунда суррогат оналик ва у билан боғлиқ ота-оналик ҳуқуқлари муаммоси бўйича мунозаралар юритилмоқда.

8. Истеъфога чиқиш индивид учун (кўпинча оила учун) ҳам ижтимоий, иқтисодий ва руҳий характердаги жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Истеъфога чиқиш кўпчилик одамлар учун даромадларнинг пасайиши, кўпинча мавқенинг ҳам ўзгариши билан боғлиқ янги ҳаёт босқичининг бошланишини англатади. Бу одамнинг ҳаётини издан чиқариши мумкин, чунки одатий тартибни йўқотади ва ёлғизлик билан яккама-якка қолдиради.

9. Сўнги йилларда саноатлашган мамлакатлар аҳолисининг сезиларли улушини ташкил қиладиган кексаларнинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларини тан олдириш учун кураши фаоллашуви кузатилди. Бу жараённинг энг муҳим жиҳати «эйжизм» (одамларни ёш белгисига қараб дискриминация қилиш)га қарши кураш ҳисобланади.

Асосий тушунчалар

<i>туғилишнинг умумий даражаси фертиллик</i>	<i>ўлимнинг умумий даражаси демографик</i>
--	--

Энг муҳим атамалар

<i>демография биологик маҳсулдорлик чақалоқлар ўлими даражаси умрнинг ўртача давомийлиги умрнинг максимал давомийлиги аста-секин ўсиш</i>	<i>иккиланиш даври мальтусчилик соғлиқни сақлаш тизими давлат соғлиқни сақлаш тизими хусусий соғлиқни сақлаш тизими репродуктив технологиялар суррогат оналик эйжизм</i>
---	--

Кўшимча адабиёт

D. Coleman. The British Population. Oxford, 1992. Буюк Британияда ҳозирги қундаги демографик тенденциялар ҳақида қизиқарли ахборот.

Ross Hume Hall. Health and the Global Environment. Cambridge, 1990. Соғлиқни сақлаш тизимини ҳар томонлама қайта баҳолаш зарурати кўриб чиқилади: атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва касалликларни олдини олишга алоҳида ургу берилди.

Michael Young and Tom Schuller. Life After Work: The Arrival of the Ageless Society. London, 1991. Замонавий жамиятда қариялар ўрнининг ноординар муҳокамаси.

Революция ва ижтимоий ҳаракатлар

Кейинги 200 ёки 300 йиллик вақт давомида жаҳон тарихидаги энг муҳим ўзгаришларнинг сабабчилари революциялар бўлди. 1776 йилдаги Америка революцияси ва 1789 йилдаги Француз революцияси 18 асрдаги энг муҳим революциялар бўлди. Уларнинг етакчилари томонидан баён қилинган баъзи ғоялар кейинчалик улкан аҳамиятга эга бўлди. Улар мақсад қилиб қўйган эркинлик, фуқаролик ҳуқуқлари ва тенглик идеаллари ҳозирги замон сиёсатининг фундаментал қадриятларига айланди. Бу қадриятларнинг мақсад қилиб қўйилиши, шунингдек уларни оммавий ҳаракатлар орқали рўёбга чиқариш мумкинлигининг фарқ қилиниши фавқулодда аҳамиятга эга бўлган тарихий янгилик бўлди. Олдинги даврларда фақатгина ашаддий ҳаёлпарастларгина, шундай кун келадики, инсоният ўрнатган ижтимоий тартибда ҳар бир киши сиёсий ҳаётда иштирок этиш имконига эга бўлади, деб ўйлаши мумкин эди.

Революция атамаси ҳозирги маъносида демократия атамаси билан бир пайтда қўллана бошлади. Бу атама Америка ва Франциядаги курашлар дунё мутлақо янги даврга ўтаётганини маълум қилмагунча кенг муомалада бўлмади. Ҳақиқатда Франция ва Қўшма штатларда юз бераётган ҳодисалар моҳиятини жуда чуқур англаб етган Европанинг тарихчиси Алексис де Токвилль шундай ёзган эди. «Бошланишида Европа монархлари ва давлат амалдорларига фақат ўткинчи, миллат азобларини ўстиришнинг ғалати аломати сифатида кўринган нарса ҳозир ўзининг қўлами, ғайри одатийлиги ва олдиндан билиб бўлмаслиги билан ўтмишдаги бирорта ижтимоий ҳаракатга ўхшамаган, ҳар қандай инсон тушунишидан юқори бўлган ҳодиса юз бермоқда»¹.

У пайтларда «революция» ҳали ўзининг эски маъносида қўлланар, яъни «доира бўйлаб ҳаракат» (revolve) (ингл. — айланмоқ)ни билдиради. Америкалик ва Франциялик етакчилар ҳақиқатан ҳам табиий ҳолатга «қайтаётганларига» ишонган эдилар. Улар, барча одамлар эркин ва тенг бўлиб туғилдилар, бироқ кейинчалик улар қироллар ва бошқа сохта ҳукмдорлар зулми остига тушиб қоладилар; революция — бахтли табиий ҳолатни тиклаш воситасидир, деб ишонардилар. Демак, Америка ва Франция революцияларининг ўта новаторлик хусусияти ҳатто уларни амалга оширишда энг муҳим ролларни ўйнаган одамлар учун ҳам унчалик равшан эмасди.

¹ *Tocqueville Alexis de. The Ancien Regime and the French Revolution. London, 1966.*

Юз бераётган ўзгаришларнинг, ҳеч бўлмаганда улардан баъзиларининг узлуксиз хусусиятга эга экани борган сари равшанлаша борди, революционерлар курашган идеалларнинг таъсири эса борган сари кенгая бошлади, революция — деганда энди радикал ижтимоий қайта қуришлар мақсадида амалга оширилган оммавий ҳаракатлар тушунила бошлади. Кейинчалик-роқ амалга оширилган революцияларнинг баъзилари жамиятнинг олдинги шакллари тиклашни мақсад қилиб қўйган бўлса ҳам (масалан Эрондаги ислом революцияси), революция тушунчаси асосан прогрессни, келажак олам тартиби учун ўтмиш билан хайрлашиш маъносида қўллана бошлади.³

Революция нима? Қандай ижтимоий шароитлар революцион ўзгаришларга олиб келади? Қўзғолонлар ва норозилик ҳаракатларини қай йўсинда ўрганиш яхши натижа беради? Мазкур бобда биз муҳокама қилмоқчи бўлган асосий масалалар мана шулар. Биз, аввало, атамалар масаласига аниқлик киритиб олишимиз керак. Революциялар юз берган шароит ва вазиятларни билмасдан туриб уларни тўлалигича англаш қийин. Шунинг учун биз бирнеча революцияларни батафсил кўриб чиқамиз, кейин эса турли назарийчиларнинг радикал сиёсий ўзгаришлар ва ижтимоий ҳаракатлар таъсирини таҳлил қилишга уринганликлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Революция таърифи

Аввало, биз революция тушунчасига мумкин қадар аниқроқ таъриф беришимиз керак. Кундалик ҳаётда бу атама турлича талқинларга эга. Масалан, давлат тўнтарилиши, бир гуруҳ етакчиларнинг сиёсий институтлар ва ҳокимият тизимини сезиларли ўзгаришларсиз иккинчи тизим билан алмаштириш аниқ социологик маънода революция, деб аталиши мумкин эмас. Революция, деб фақат бир қатор шароитларга жавоб берадиган ҳодисаларгина аталиши мумкин.

1. Ҳодисалар пайдар-пайлиги, агар унда *оммавий ижтимоий ҳаракат* кузатилмаса, революция бўла олмайди. Мазкур шарт революция тоифасидан, айтайлик бирор партиянинг сайловлар натижасида ҳокимият тепасига келиши, ёки ҳокимиятнинг кичик бир гуруҳ, масалан ҳарбийлар томонидан қўлга олиниши каби вазиятларни истисно қилиш имконини беради.

2. Революция *кенг қўламли ислоҳотлар ва ўзгаришларга* олиб келади.⁴ Жон Дан кўрсатишича, бу тамойилга кўра ҳокимият тепасига келган одамлар жамиятни бошқаришга ўзлари ағдариб

² Abrams Phillip. Historical. Sociology. New York, 1982.

³ Arendt H. On Revolution. London, 1963.

⁴ Skospol Theda. States and Social. Revolution: A Comparative Analysis of France, Russia and China. Cambridge, 1979.

ташлаган одамлардан лаёқатлироқ бўлиши керак; революциянинг етакчилари ҳеч бўлмаганда ўз олдиларига қўйган мақсадларнинг баъзиларига эришишлари керак. Шунга ўхшаш ҳаракатлар ҳокимиятнинг фақат ташқи, шаклий атрибутларига эга бўлиб, кейинчалик реал бошқаришга ноқобил бўлишса, бундай жамият революцион жамият ҳисобланмайди. Бу жамият хаос ҳолатида бўлади, ёки унга парчаланиш таҳдид солади.

3. Революция оммавий ҳаракат қатнашчилари томонидан зўрлик ёки зўрликни қўллаш таҳдидини кўзда тутати. Революция бу — зўрлик таҳдиди ёки уни амалда қўллаш йўлидан бошқа тарзда ҳокимиятдан воз кечишни истамайдиган ҳукмрон доиралар қаршилик кўрсатишига қарамай амалга оширилаётган сиёсий ўзгаришлар.

Ҳар уч мезонни биргаликда жамлаб революцияга, оммавий ҳаракат етакчилари томонидан давлат ҳокимиятини зўрлик йўли билан қўлга олиш ва бу ҳокимиятдан кейинчалик радикал ижтимоий ислохотлар ўтказиш мақсадида фойдаланиш, деб таъриф беришимиз мумкин.

Революциялар зўрлик билан таҳдид қилиш ёки зўрликни қўллаш билан боғлиқ, бироқ жиддий ўзгаришларга олиб келмайдиган куролли кўзғолонлардан фарқ қилади. XVII асрада юз берган барча оммавий ҳаракатлар амалда революция эмас, кўзғолонлар эди. Масалан, Европада ўрта асрларда крепостной деҳқонларнинг ўз хўжайинларига қарши чиқишлари тез-тез бўлиб турар эди.⁵ Шунга қарамасдан, уларнинг мақсади, одатда, хўжайинлардан яхшироқ муомалани талаб қилиш ёки бир қаттиққўл бошқарувчини бошқаси билан алмаштиришдан нарига ўтмасди. У даврларда мавжуд жамиятнинг сиёсий тузилмасини радикал ўзгартириш мақсадида амалга ошириладиган ижтимоий ҳаракатлар ҳали маълум эмасди.

XX асрадаги революциялар

XX асрадаги деярли барча революциялар ривожланаётган мамлакатларда юз берди.⁶ Жорий асрадаги революциялар ичида бутун дунё учун энг чуқур оқибатларга олиб келганлари 1917 йилдаги рус революцияси ва 1949 йилдаги Хитой революцияси бўлди. Бу революцияларнинг ҳар иккиси ҳам қишлоқ хўжалик, деҳқонлар мамлакатаида юз берди, гарчи Совет Иттифоқи кейинги 70 йил мобайнида индустриаллаштиришнинг юқори даражаларига эришган бўлса ҳам. Бу асрада революциялар бошқа кўп мамлакатларда ҳам, жумладан Мексикада, Туркияда, Мисрда, Вьетнамда, Кубада ва Никарагуада юз берди.

⁵ Scott James C. Weapons of the Weak: Everyday Forms of Peasant Resistance. New Haven, 1986.

⁶ Moore Barrington. Political Power and Social Theory. New York, 1965.

Россиядаги революция

1917 йилгача Россия автократик бошқарувга эга бўлган иқтисодий жиҳатдан қолоқ жамият эди. Давлат бошлиғи подшо эди. Аҳолининг кўпчилиги қисмини камбағал деҳқонлар ташкил қилиб, подшо ҳокимияти ўз моҳиятига кўра диктатура эди, муҳолифатни босиш учун у махфий полиция ва айғоқчилардан кенг миқёсда фойдаланди. Крепостнойлик ҳуқуқи 1861 йилдагина бекор қилинди. Деҳқонларни озод этиш ҳақидаги ҳукумат қарори жумладан Европа давлатлари билан ҳарбий рақобатчиликка ноқобил бўлган жамиятни модернизация қилишга интилиш мақсадида ҳам қабул қилинган эди. Россия икки урушда мағлуб бўлди: 1854—1855 йиллардаги Крим уруши ва 1905 йилдаги Япон уруши. Шундан кейин бошланган sanoatни ривожлантиришга, жумладан янги шосселар ва темир йўллар қуришга инвестиция дастурлари кўп жиҳатдан мана шу ҳарбий муваффақиятсизликларга жавоб эди. Баъзи иқтисодий ютуқларга қарамай подшо ҳукумати Европа типидagi кенг миқёсли ижтимоий ислохотлар ўтказиш учун ортиқча анъанавий укладга эга эди.

1905 йилда Россия улкан ижтимоий танглик жамланган жамият эди. Юқори суръатлар билан бошланган sanoatлаштириш янги sanoat ишчилари синфини келтириб чиқарди, уларнинг ҳаёт шароитлари кўпчилик деҳқонларники каби қашшоқ эди. Сиёсий ҳаётдан мутлақо четлатилган ва самарали фаолият олиб боришга лаёқатли касаба уюшмалари тузиш имконига эга бўлмаган ишчиларнинг ҳукуматга нисбатан душманлик кайфиятлари борган сари ўсиб борарди. Подшо ҳукуматидан норозилик деҳқонлар орасида яна ҳам узокроқ давом этаётган эди. 1905 йилдаги Рус-Япон уруши даврида ишчилар урушнинг боришидан норози бўлган солдат ва офицерларнинг бир қисми билан кўзғолон кўтардилар. Бу кўзғолонни бостиришга ҳукумат Япония билан тезда тинчлик шартномаси тузгани ва кўзғолон кўтарган қисмларнинг баъзиларини бостириб улардан бошқа қисмлардаги кўзғолонни бостириш мақсадида фойдаланилди. Подшо Николай II бир қатор ислохотлар, жумладан парламент таъсис қилиш ташаббуси билан чиқди, бироқ ўз ҳокимияти яна барқарорликка эришганини сезгач бу ташаббусларни тўхтатиб қўйди.

1905 ва 1917 йиллар орасида ишчилар ва деҳқонлар ўзларининг ўсиб бораётган норозиликларини бир неча забастовкалар орқали намоён қилдилар. Баъзи забастовкаларга ўша пайтдаги кўп сонли партиялардан бири, социализм ва марксизм тарафдорлари ҳисобланадиган большевиклар томонидан раҳбарлик қилинди. Бундай партияларнинг таъсири Россия учун оғир оқибатлар билан жуда кўп одамларнинг тақдирига таъсир ўтказиб яқунланган Биринчи жаҳон уруши (1914—1918) бошланганидан кейин айниқса ортиб кетди. Россия 15 миллион кишилик қўшин тузди, бироқ бу қўшинни яхши қуроллантира олмаганлиги сабабли Герман армиясини енга олмади. Россиянинг йўқотишлари бир неча миллион ўлганлар, ярадор бўлганлар ва аср-

га тушганлардан иборат бўлиб, офицерлар таркибининг катта қисми ҳалок бўлди. Тинч аҳоли ёқилғи ва озиқ-овқатнинг кескин етишмаслигига дуч келди, чунки барча захиралар фронтга юборилаётган эди. Камбағал табақалар олдида бадавлат гуруҳлар ҳам ҳукуматга қарши чиқа бошлади. Мутлақ ҳокимиятга ёпишиб олган ва ғалати маслаҳатчи Распутиннинг таъсирида бўлган подшо борган сари халқдан узоқлашарди. 1917 йил мартада Петроград солдатлари ва ишчилари бир қатор забастовкалар ва чиқишлар ўтказишди, улар Россиянинг бутун ғарби бўйлаб ёйилиб кетди. Подшони тахтдан воз кечишга мажбур қилдилар, шундан кейин муваққат ҳукумат тузилди.

Шу пайт давомида армия амалда парчаланиб кетди, солдатларнинг кўпчилик қисми уйларига қайтиб кетди. Деҳқонлар помешчикларнинг ерларини тортиб ола бошлади. Муваққат ҳукумат ишчилар ва демобилизация бўлган солдатлар орасидаги ғзаб тўлқинларини босишга муваффақ бўла олмади. Большевиклар етакчиси Ленин ишчилар ва деҳқонларга қаратилган «Тинчлик ва Нон», «Тинчлик ва Ер» шиорлари ёрдамида ҳокимиятни қўлга олишга қарор қилди. 1917 йил октябрида большевиклар куч ёрдамида муваққат ҳукуматни четлаштирди. Куролли кучларни Қизил армияга айлантириб, сафарбарлик эълон қилиб мамлакатни қонли гражданлар урушидан чиқариб янги совет ҳукумати кенг кўламли ижтимоий ислохотларни бошлади. Шундай қилиб дунёдаги ҳарбий ва иқтисодий қудрати жиҳатидан иккинчи ҳисобланган давлатнинг пойдевори қурила бошлади.

Рус революцияси муайян маънода ғайри одатийроқ эди. Подшо режимини қулатган чиқишлар XX асрдаги бошқа революцияларга қараганда кенг кўламли ва ўз-ўзидан онгсиз тарзда бошланганлиги билан ажралиб туради. 1917 йил бошларида ҳатто большевикларнинг ўзлари ҳам революцияни шунчалик қисқа муддатларда амалга ошириш мумкинлигини кутмаган эдилар. Шунга қарамасдан рус тажрибаси умуман ҳозирги замон революциялари ҳақида кўпроқ нарсани тушуниш имконини беради.

1. Кўп революциялар уруш асносида юз беради. Узоқ муддатли урушлар жамиятдаги институтлар учун таранглик вазиятини келтириб чиқаради, ва уни муваффақиятсиз олиб борган тақдирда ҳукуматни қўлловчиларнинг кескин камайишига олиб келади. Ҳарбийлар орасида норозиликларнинг пайдо бўлиши муҳолифатни эзиш учун асосий воситадан маҳрум қилади.

2. Бу жараёнда деҳқонлар анча муҳим рол ўйнаган эдилар. Рус революцияси амалга ошгунича кўпчилик (шу жумладан Ленин ҳам) деҳқонлар фақат консерватив куч бўлиб радикал ижтимоий ҳаракатда иштирок этмайди, деб ўйлаган эдилар. Бундай тахмин нотўғри бўлиб чиқди: XX асрдаги революцияларнинг кўпчилигида деҳқонлар катта рол ўйнадилар.

Хитойдаги революция

XIX асрда буғ билан ишлайдиган савдо ва йўловчи ташиш флоты вужудга келгунига қадар Хитой Фарб билан кенг алоқаларга эга эмасди. Энг камида 2000 йиллик тарихга эга бўлган Хитой империяси тинчлиги XX аср бошларигача ҳеч ким томонидан бузилмади. Хукмрон доиралар жамиятни замонавийлаштириш учун баъзи тадбирларни амалга оширган бўлса ҳам, Хитойнинг катта қисми 1949 йил революцияси арафасига қадар жуда қадим замонларда ташкил топган анъанавий тарзда турмуш кечиради.

Бирор Фарб давлати томонидан мустамлакага айлантириш учун жуда катта бўлган Хитойнинг XIX асрда Европа давлатлари билан тез ривожланган савдо алоқалари анъанавий иқтисодни ўзгартириб юборди. Савдонинг Хитойга мажбуран қабул қилдирилган ноқулай шартлари империя ҳукуматини банкротлик ёқасига келтириб қўйди. Европалик кредиторларга қарзларни тўлаш имкониятига эга бўлмаган ҳукумат деҳқонлардан олинган солиқни кўпайтирди. Бунинг оқибатида деҳқонлар орасида чиқишлар ва исёнлар кўпайди. Улкан мамлакатнинг кўп қисмида, айниқса Марказий ҳукуматнинг таъсири кам бўлган ҳудудларда маҳаллий амалдорлар ва босқинчи тўдалар амалда чекланмаган ҳокимиятга эга бўлдилар.

Хитойликларнинг ўз тамаддунлари бошқа барча халқларникидан устун эканлигига қатъий ишонганликларига қарамасдан улар кўп марта Европаликлар ва Японлар томонидан ҳақоратланиш объектига айланиб қолдилар. Хитой ўзининг Марказий ва Жанубий Осиёдаги таъсир зоналаридан ажралиб қолди ва британ, француз ва япон кўшинлари билан ҳарбий тўқнашувларда мағлубиятга учради.

1911 йилда кенг кўламли кўзғолон императорни тахтдан воз кечишга мажбур қилди. 1911—1912 йиллардаги ҳодисаларни баъзан «революция», деб аташса ҳам улар мамлакатни бирлаштиришга қодир бўлган ҳукуматни бермади ва самарали ислохотларга олиб келмади. Ягона Хитой республикасининг эълон қилинганига қарамасдан, маҳаллий ҳарбий лидерлар ўзларининг подшоликларини ташкил қилдилар, баъзи провинциялар эса ўзини мустақил деб эълон қилди. Узоқ йиллар давомида мамлакатда фуқаролар уруши юз берди, бу уруш даврида мамлакат аҳолиси урушда бевосита иштирок этаётганларга нисбатан кам азоб чекмади.

Кейин нисбий барқарорлик даври бошланди, чунки ҳарбий етакчилардан бири — Чан Кай-ши мамлакатнинг катта қисми устидан назорат ўрнатишга муваффақ бўлди. Ўз мавқеини мустаҳкамлаб олгач, Чан Кай-ши ҳамма ерда коммунистик партия аъзоларини таъқиб қила бошлади. Жазо акциялари натижасида авваллари шаҳарларда ўрнашиб олган коммунистлар қишлоқ жойларига кўчиб ўтишди. Коммунистик ҳаракатнинг

тирик қолган қолдиқлари устидан раҳбарлик ўрнатган Мао Цзедун Маркс ғояларини Хитой вазиятига мослаштириш учун ҳаракат қилиб кўрди. Етакчи революцион куч, деб Мао деҳқонларни ҳисоблади. У раҳбарлик қилган ҳаракат кучли миллатчилик хусусиятларига эга бўлиб у ўзининг асосий мақсади деб Хитой жамиятини Ғарб ва Япон таъсирига қарама-қарши ислоҳ қилиш, деб билди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида коммунистлар Япон босқинига партизанлар уруши тактикасини кўпроқ қўллаб қаршилик қилган асосий кучга айланди. Япон оккупацияси мамлакатни орқага, тўла парчаланиш ҳолатига улоқтириб ташлади. Урушдан кейин коммунистлар ва Чанкай-ши тарафдорлари ўртасидаги жанглар қайтадан тикланди, ва 1949 йилда Маочу Қизил армиянинг ғалабаси билан яқунланди. Чан Кай-ши тарафдорларининг қолдиқлари Америкаликларнинг ёрдами остида Формоза ороли, ҳозирги Тайванга чекинишга муваффақ бўлди.

1949 йилда янги ҳукумат ҳокимият тепасига келган Хитойни сиёсий жиҳатдан ягона, деб бўлмасди. Мабодо коммунистлар миллий бирликни тиклаш учун курашда мағлубиятга учраганларида, ҳозирги маънодаги «Хитой» бўлмас эди. Мамлакат, эҳтимол, ўтмишдаги империялар билан бўлгани каби бир неча мустақил мамлакатларга бўлиниб кетар эди. Масалан, собиқ Турк империяси ўрнида ҳозир Шимолий Африка ва Яқин Шарқдаги бир қанча мамлакатлар мавжуд.⁷ Коммунистик ҳукумат ўзига, қишлоқ хўжалигида кенг ислохотларни амалга ошириб ва миллий туйғуга мурожаат қилиб кенг таянч топа билди. Революциядан кейин 3 йил ўтгач қишлоқ хўжалиги оборотидаги 45% ерлар олдинги эгаларидан тортиб олиниб 300 миллион деҳқонларга бўлиб берилди.⁸

Революция назариялари

Революцияларни тавсифлашга жуда кўп назариялар бағишланган бўлиб уларнинг жаҳон тарихида тутган ўрнини назарда тутсак, бунинг ҳайрон қоларли жойи йўқ. Бу назариялардан баъзилари ижтимоий фанлар пайдо бўлишининг дастлабки босқичларидаёқ пайдо бўлган эди ва уларнинг ичида энг чуқур из қолдиргани Маркс назарияси эди. Маркс ўзи яратган ғоялар асосида юз берган революциялардан анча аввал яшаган эди. Шунинг таъкидлаш керакки, унинг назарияси революцион ўзгаришларга олиб келадиган шароитларни таҳлил қилибгина қолмай, балки бу ўзгаришларга кўмаклашиш йўллариини ҳам кўрсатиб берган эди. Қиймати қандай бўлишидан қатъий назар, Маркс ғоялари XX асрда юз берган ўзгаришларга улкан таъсир кўрсатди.

⁷ *Dunn Jhon. Modern Revolutions: An introduction to the Analysis of a Political Phenomenon. Cambridge, 1972.*

⁸ *Carrier Frend. The Third World Revolution. Amsterdam, 1976.*

Жиддий таъсир кучига эга бўлган бошқа назариялар кейинроқ майдонга келишди ва «дастлабки» революцияларни («Америка ва Француз революциялари каби» ва бошқаларни) тушунтиришга ҳаракат қилишди. Бошқа тадқиқотчилар яна ҳам илгарилаб революцион фаолиятни қаршилик ва норозиликнинг бошқа шакллари билан қўшиб ўрганишга ҳаракат қилдилар. Биз революцияни ўрганишга бағишланган 4 назарияни кўриб чиқамиз: Маркс ёндошуви, Чалмерс Жонсоннинг сиёсий зўравонлик назарияси, Жеймс Дейвиснинг революцияларни иқтисодий кутишнинг ўсиши билан боғлаган концепцияси ва ниҳоят тарихий социологиянинг вакили Чарлз Тилли таклиф қилган жамоа норозилиги талқини.

Маркс назарияси

Маркснинг революцияга қарашлари унинг инсоният тарихини талқин қилиши билан боғлиқ. Унинг таълимотига кўра жамиятнинг ривожланиши революцион ўзгаришлар келтириб чиқарадиган синфлар ўртасидаги зиддиятлар билан бирга кечади. Синфий кураш ҳар қандай жамиятга хос бўлган ва ҳал қилиб бўлмайдиган зиддиятлар туфайли майдонга келади. Зиддиятлар манбаи ишлаб чиқарувчи кучларнинг иқтисодий ўзгаришларида яширинган. Ҳар қандай нисбий барқарор жамиятда иқтисодий тузилма, ижтимоий муносабатлар ва сиёсий тизим ўртасида мувозанат мавжуд. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўзгариши билан зиддиятлар кучайиб боради, бу эса синфларнинг очиқ тўқнашувига ва охир-оқибат революцияга олиб келади. Маркс бу моделни аввалги феодал даврига ва саноат капитализмининг келажакига тадбиқ қилади. Феодал Европадаги анъанавий жамиятлар деҳқон меҳнатига асосланган эди. Ишлаб чиқарувчи крепостной деҳқонларни заминдор зодагонлар ва майда помещиклар бошқарар эди. Бу жамиятларда юз берган иқтисодий ўзгаришлар туфайли шаҳарлар вужудга келди, уларда савдо ва саноат ривожланди. Феодал жамият кўйнида вужудга келган янги иқтисодий тизим унинг асосларига таҳдид сола бошлади. Крепостной-помещик муносабатларига асосланган анъанавий тизимдан фарқли ўлароқ, янги иқтисодий тартиблар маҳсулотни эркин бозорда сотиш учун ишлаб чиқарадиган тадбиркорларни рағбатлантирар эди. Ниҳоят, эски феодал ва янги капиталистик иқтисод ўртасидаги зиддиятлар шунчалик кучайдики, улар шаклланаётган капиталистлар ва заминдор феодаллар ўртасида муросасиз низолар шаклини олди. Бу жараённинг якуни революциялар бўлиб, улар ичида энг муҳими 1789 йилги Француз революцияси эди. Маркс таъкидлашича, Европа мамлакатларида юз берган мана шундай революциялар ва революцион ўзгаришлар оқибатида капиталистлар синфи ҳокимият тепасига келди.

Бироқ, Маркс уқтиришича, капитализмнинг ҳокимият тепасига келиши янги зиддиятларни вужудга келтиради, улар эса

пайти келиб социализм ва коммунизм идеаллари билан илҳомланган янги революциялар сериясини юзага чиқаради. Саноат капитализми — ўз маҳсулотларини сотиш ҳуқуқи учун фирмалар ўртасидаги рақобат ва шахсий фойда орқасидан қувишга асосланган иқтисодий тартиб. Бундай тизим саноат захираларини назорат қиладиган озгина бойлар ва кўпгина ёлланма қашшоқ ишчилар ўртасида тафовут келтириб чиқаради. Ишчилар ва капиталистлар орасидаги низо борган сари кучайиб боради. Охир-оқибат меҳнаткашлар ҳаракати ва ишчилар манфаатини кўзлаб иш тутадиган сиёсий партиялар капиталистларга қарши кураш бошлайдилар ва мавжуд сиёсий тизимни ағдариб ташлайдилар. Агар ҳукмрон синфнинг мавқеи жуда мустаҳкам бўлса, унда зарурий ўзгаришларни келтириб чиқариш учун зўравонлик қўллаш керак бўлади. Бошқа ҳолатларда ҳокимиятнинг ўтиш даври парламент акциялари воситасида тинч йўл билан юз бериши мумкин ва бунда революциялар (юқорида келтирилган таърифдаги маънода) керак бўлмайди.

Маркс ўзининг ҳаётлик давридаёқ баъзи Фарб мамлакатларида революциялар юз беришини кутган эди. Кейинроқ бундай бўлмаслиги маълум бўлиб қолгач, у ўзининг эътиборини бошқа минтақаларга қаратди. Шуниси қизиқки, унинг эътиборини, жумладан Россия ўзига тортди. Унинг ёзишича, Россия иқтисодий жиҳатдан қолоқ жамият бўлиб, Фарбдаги замонавий савдо ва ишлаб чиқариш шаклларини тадбиқ қилишга уринмоқда. Маркс фикрича, бундай уринишлар Европа мамлакатларидагидан кўра оғирроқ зиддиятларга олиб келиши мумкин, чунки янги типдаги ишлаб чиқариш ва технологияларни қолоқ жамиятда тадбиқ қилиш эски ва янги аралашмасидан иборат портлаш хавфи жуда кучли бўлган ҳолатга олиб келади. Рус радикаллари билан ёзишмаларида Маркс мана шу шароитлар уларнинг мамлакатини революцияга олиб келиши мумкинлиги, бироқ бу революция Фарбдаги бошқа мамлакатларга тарқалган тақдирдагина муваффақиятга эришиши мумкинлигини баён қилган эди. Мана шундай шароитда Россиянинг революцион ҳукумати Европанинг иқтисодидан фойдалана олди ва ўз мамлакатада тез модернизацияни амалга оширди.

Баҳо

Маркс башоратининг аксича, Фарбдаги ривожланган мамлакатларда революциялар юз бермади. Кўпгина Фарб мамлакатларида (Кўшма Штатлар бундан мустасно) шундай сиёсий партиялар мавжудки, улар ўзларини социалистик ёки коммунистик партиялар, деб ҳисоблашади; улардан кўпчилиги ўзларини Маркс ғояларининг тарафдорлари эканлигини баён қилади. Бироқ бу партиялар ҳокимият тепасига келган жойларда, улар, асосан унчалик радикал бўлмадилар. Эҳтимол Маркс шунчаки вақтда адашган бўлиши мумкин, ва кунлар келиб Европа, Америка ва яна бошқа бирор жойда революциялар юз бериши ҳам

мумкиндир. Бироқ Маркс башорати хато эканининг эҳтимоли кўпроқ. Саноат капитализмининг ривожланиши, Маркс ўлаганидай ишчилар ва капиталистлар ўртасидаги низонинг кучайишига олиб келмади.

Бундан, албатта, Маркс назарияси ҳозирги дунё учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, деган хулоса чиқмайди. Шундай муҳим сабаб борки, у бу назариянинг мутлақо аҳамиятсиз бўлишига йўл қўймайди — Маркс назарияси революцион ҳаракатлар ва ҳокимият тепасига келган ҳукуматлар идеал ва қадриятларининг таркибий қисмига айланди. Бундан ташқари унинг баъзи қарашлари учинчи дунё мамлакатларида юз бераётган революцияларни тушунишга ёрдам бериши мумкин. Маркснинг Россия ҳақида айтган фикрлари саноат капитализми шаклланиши даврини бошдан кечираётган деҳқончилик мамлакатларининг кўпчилигига ҳам алоқадор. Шиддат билан саноат ривожланишини бошдан кечираётган мамлакатлар ва анъанавий тизимлар туташган жойда таранглик нуқталари вужудга келмоқда. Анъанавий турмуш тарзи ўзгаришини бошдан кечирган одамлар эски тартибларни сақлаб қолмоқчи бўлган ҳукуматларга қарши революцион муҳолифат манбаига айланмоқдалар.

Чалмерс Жонсон: революция «мувозанатнинг бузилиши» сифатида

Маркс томонидан амалга оширилган революциялар таҳлили нисбатан оз мисолларга таянган эди. Бугунги кунда революциялар феноменини тушунмоқчи бўлган назарийчилар ихтиёрида анча кўп тарихий мисоллар мавжуд. Бундан ташқари, ҳозирги тадқиқотчилар Маркс ғоялари революцион ўзгаришларга қай даражада туртки берганлигини ўрганиш имконига ҳам эга.

Чалмерс Жонсон концепцияси Талкотт Парсонсдан олинган тушунчаларга асосланади.⁹ Парсонс фикрига кўра жамиятларга ўзини-ўзи тартибга солувчи тизимлар бўлиб, улар ўзгаришларга ўз институтларини улар орасидаги мувозанатни сақлаш ва тизимнинг самарали фаолиятини сақлаш учун қайта ташкил қилиб мослашиш билан тавсифланадилар. Буни тушуниш учун энг яхши мисол тана ҳисобланади. Агар барча тизимлар меъёрида ишласа, тана атроф-муҳит ўзгаришларига муваффақиятли жавоб қайтара олади. Агар, масалан ташқи муҳит температураси кўтарилса, тана тер ишлаб чиқарувчи безлар каби мурватларни ишга тушириб, улар ёраида тана температурасини барқарор ҳолда тутиб туради. Бироқ шундай ҳолатлар ҳам юз бериши мумкинки, ташқи шароит шунчалик кўп ўзгарадики, бутун тизим бетартиб ҳолатга келиб қолади. Айтайлик ташқи температура жуда кучли ўзгарса, тана мурватлари ўзгаришларни қоплай олмайди ва физиологик тизим фаолиятида мувозанатнинг

⁹ *Johnson Chalmers. Revolution and the Social System. Stanford, 1964.*

бузилиши кузатилади. Джонсон назариясида жамиятдаги мувозанатнинг бузилиши революция юз бериши учун зарурий шарт ҳисобланади. Джонсон фикрига кўра мувозанатсизликка олиб келадиган асосий манба жамиятнинг маданий қадриятлари ва иқтисодий ишлаб чиқариш тизими ўртасидаги номувофиқликдир. Бу эса ё ички ўзгаришлар натижасида, ёки кучли ташқи таъсир оқибатида юз бериши мумкин, бироқ одатда бу икки омил биргаликда таъсир кўрсатади. Масалан XIX аср охири ва XX аср бошларида Хитойда анъанавий маданий қадриятлар Фарб тижорати олиб келган иқтисодий тизимдаги ўзгаришлар туфайли борган сари кўпроқ босимга учраётган эди. Крепостной деҳқонлар ва заминдорларга асосланган эски ишлаб чиқариш тизими парчаланиб кета бошлади, бу эса мувозанатнинг бузилишига сабаб бўлади.

Мувозанат ана шундай бузилганда, Джонсон фикрига кўра, одамлар мўлжални йўқотадилар ва ижтимоий ўзгаришларни ваъда қилаётган янги етакчиларни тинглашга мойил бўлиб қоладилар. Ҳокимият тепасида бўлган ҳукмдорлар борган сари кўпроқ одамларнинг қувватлашларини йўқота бошлайдилар. Бироқ бундай вазият автоматик тарзда революцияга олиб келмайди. Агар сиёсий ҳокимият вакиллари вазиятга тез ва самарали реакция қилиб мувозанатни тиклашга йўналтирилган сиёсат юритишса, улар портлашни четлаб ўтишлари мумкин. Агар ҳукмдор элита қайсар ва қўпол бўлса, у ўз ихтиёридаги барча қуроли кучларни норозилик манбаларини йўқотишга қаратиши мумкин, бундай ҳаракат муваффақият билан яқунланса «полиция давлати» тузилиши мумкин. Ҳарбий кучлар мухолифатни беаёв қириб ташлаши ва шундай қилиб жамиятни жуда орқага ирғитиб ташлаши ҳам мумкин.

Бироқ бирорта жамиятни ҳам фақат куч ёрдамида узоқ бошқариш мумкин эмас. Агар режим ўз фуқароларини олдинги қадрият ва одатларга қайтишга кўндира олмаса — у маҳкум. Танглик асосий таянчларга ҳам таъсир ўтказганда армиянинг ўзи ҳам олдинги ҳокимиятдан юз ўтира бошлайди. Бир қатор омиллар жараённи тезлаштириши мумкин, улар ичида энг муҳими урушдаги мағлубият бўлиб (1917 йил революция арафасида Россияда юз бергани каби), улар ҳарбийларни руҳсизлантиради ва ички таянчдан маҳрум қилади. Бундай вазиятда ё хаос ва фуқаролар уруши, ёки революция юз беради. ҳокимият тепасига янги режим келади, у ислоҳотларни бошлайди, бу эса жамиятни (янги типдаги) мувозанат ҳолатига қайтаради.

Баҳо

Жонсон назарияси аниқлиги ва универсаллиги билан ажралиб туради. У «мувозанатнинг бузилиши», деб атаган нарса Маркс томонидан ишлатиладиган зиддият тушунчасига жуда ўхшаш. Джонсон концепциясининг Маркс назариясидан афзаллиги унчалик аниқ бўлмаса ҳам ижтимоий ўзгаришлар мав-

жуд институтларни радикал қайта қурмасдан туриб бартараф этиб бўлмайдиган номувофикликни келтириб чиқариши ҳақидаги ғояси, кўринишдан муайян аҳамиятга эга.

Жонсон концепциясининг камчилиги шундаки, у жамиятнинг одатдаги ҳолатига муайян уйғунлик ва мувозанат хос, деган тасаввурга асосланади. Амалда бу унчалик тўғри эмас. Кўпчилик жамиятларнинг, айниқса ҳозирги замон жамиятларининг ҳаёти таранглик ва номувофикликда ўтса ҳам революцияларга мойиллик сезилмайди. Бундан ташқари, Жонсон революционерларни илҳомлантирадиган ғояларнинг мазмунига амалда эътибор бермаган. Одамлар мавжуд ижтимоий тизим таранглик ҳолатида бўлгани учунгина революционерларга айланмайдилар. Биз, янги ижтимоий тартиб шаклларини яратишга турткилар ортида эрк, демократия ва тенгликка чақирқиқларнинг таъсири борлигини кўрмасак ҳозирги замон революцияларини тушуна олмаймиз. Ниҳоят Джонсон назарияси нима учун революциялар ҳозирги замонда жуда кўп тарқалган ҳодиса бўлиб, авваллари улар, амалда номаълум эканини қониқарли тарзда изоҳлаб бера олмайди.

Жеймс Девис: революциялар нима учун юз беради?

Революциялар нима учун тез-тез юз бера бошлагани ҳақидаги саволга жавоблардан бирини Жеймс Девис таклиф қилди. Девис эътиборни тарихда одамлар даҳшатли қашшоқликда яшган ва беаёв эзилган, лекин улар исён кўтармаган ва норозилик билдирмаган даврлар кўп бўлганига эътиборни қаратади. Доимий ночорлик ва қашшоқлик одамларни революционерларга айлантормади, балки улар бундай шароитни тинч тақдирга тан бериб ўтказишга мойил. Революциялар одамларнинг турмуш шароитлари яхшилана бошлаганда юз беради. Ҳаёт стандартлари ўса бошлаганда кутиш даражаси ҳам ўсади. Агар ҳаёт шароитларининг амалдаги яхшиланиши секинлашса, норозиликнинг ўсиши учун шароит яратилади, чунки кутишлар рўёбга чиқмайди.

Шундай ёндашув нуқтаи назаридан қаралганда ижтимоий норозилик ва унинг ашаддий шакли бўлган революция одатда одамларнинг турмуш шароити бироз яхшиланиши шароитида юз беради. Норозиликни мутлақ йўқотишлар эмас, нисбий йўқотишлар (нисбий депривация) келтириб чиқаради; муҳими одамлар мажбур бўлиб кечираётган ҳаёт ва улар нимага эришишлари мумкинлиги ҳақидаги тасаввурлари ўртасидаги зиддият.

Баҳо

Бу фараз революцияларнинг ҳозирги ижтимоий ва иқтисодий ўсиш билан боғлиқлигини тушунишга ёрдам беради. Прогресс идеаллари ва иқтисодий ўсиш истиқболлари катта умидлар пайдо бўлишига ёрдам беради; рўёбга чиқмагач, бу умидлар норозилик учкунларига айланади. Бундай норозиликлар тенг-

лик ғоялари ва сиёсий ҳаётда демократик иштирок этиш тарғибот билан қўшилиб яна ҳам кучаяди.¹⁰

Бироқ Тилли ҳақли равишда кўрсатиб ўтганидек, Девис ижтимоий гуруҳлар қандай ва нима учун революцияга сафарбар бўлишини изоҳлаб бермайди. Кутишларнинг ўсиши асносидаги норозиликлар ҳақиқатан кам эмас, бироқ норозилик қандай қилиб революцион чиқишга айланишини тушуниш учун биз сиёсий ўзгаришларни майдонга келтирадиган гуруҳларнинг қандай қилиб жамоага бирлашишини аниқлаб олишимиз лозим.

Чарлз Тилли: норозилик назарияси

Ўзининг «Сафарбарликдан революцияга» номли китобида Чарлз Тилли асосий эътиборни ана шу муаммога қаратади, революцион ўзгаришлар жараёни таҳлилини норозилик ва зўравонликнинг¹¹ умумий шакллари кўриб чиқиш контекстида амалга оширади. Тилли коллектив ҳаракат — мавжуд ижтимоий тартибни ағдаришга йўналтирилган ҳаракатнинг 4 компоненти-ни фарқлайди.

1. Иштирок этаётган гуруҳ ёки гуруҳлар ташкилоти. Норозилик ҳаракатлари турли усуллар билан ташкил этилади, улар ўз-ўзидан шаклланган тўдалардан то қаттиқ интизомга амал қилувчи революцион гуруҳларгача бўлиши мумкин. Масалан Кастро бошқарган ҳаракат кичик партизан отрядидан бошланган эди.

2. Сафарбарлик. Бунга гуруҳнинг коллектив ҳаракатлар учун зарур бўлган захираларни қўлга олиш усуллари киради. Жумладан моддий таъминот, сиёсий қувватлар, қурол-яроқ шулар жумласидандир. Кастро ўзига моддий ва маънавий ёрдамни унга мойил бўлган деҳқонлар, шунингдек анчагина шаҳарликлар томонидан таъминлади.

3. Коллектив ҳаракатда иштирок этаётганлар ўртасида умумий манфаатларнинг мавжудлиги: улар биргаликдаги ҳаракат натижасида қўлга киритиш мумкин бўлган ютуқ ва йўқотишларни қандай тасаввур қиладилар. Коллектив ҳаракатни сафарбар қилиш негизида ҳаминша қандайдир умумий манфаатлар ётади. Кастро ўз тарафдорларининг кенг коалициясини ташкил қилишга муваффақ бўлди, чунки кўпчилик мавжуд ҳукуматни четлатишдан манфаатдор эди (ёки, манфаатдормиз, деб ўйларди).

4. Қулай вазиятлар. Олдиндан айтиб бўлмайдиган шундай қулай шароитлар пайдо бўлиши мумкинки, улар революция олдига қўйган мақсадларга эришишга ижобий таъсир кўрсатади.

¹⁰ Davies James C. Towards a theory of revolution. American Sociological Review, 27. 1962.

¹¹ Tilly Chares. From mobilization to revolution. Addison Wesley, 1978.

Мана шундай тасодифий ҳолатлар коллектив ҳаракатнинг кўп шаклларига, жумладан революцияларга жуда кўп таъсир ўтказди. Кастронинг муваффақияти муқарар эмас эди, у жуда кўп тасодифий омилларга боғлиқ бўлиб, илк босқичда унинг «бостириб кириши» деярли маълумиятга учраган эди. Агар у ўлдирилган ёки асир тушган 70 кишининг ичида бўлганда революция юз берармиди?

Коллектив ҳаракат ўз ўзидан бу — одамларнинг умумий манфаатларни ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширган ҳаракатлари, масалан умумий ишни қўллаб намоёйиш ўтказиш. Бундай акцияларда фаоллик даражаси турлича бўлади; бировлар жуда фаол иштирок этади, бошқалар пассив ва номунтазам қўллаб-қувватлашни намоён қилишади. Самарали коллектив ҳаракат, жумладан унинг революцияга айлангани тури, одатда ташкил қилиш (1)дан сафарбар қилишга (2), ундан умумий манфаатларни англаш (3) ва ниҳоят, рўёбга чиқишнинг муайян имконияти (4).

Тилли нуқтаи назаридан ижтимоий ҳаракатлар гуруҳ захираларини сафарбар қилувчи ҳаракат сифатида, фақатгина одамларда ўз фикрини ифодалашнинг институционал шакллари мавжуд бўлмаганда, ёки ҳокимият бевосита қатағонларни қўллаган тақдирда ривожлана бошлайди. Мавжуд сиёсий тизим доирасида гуруҳларнинг фаол ва самарали вакиллиги имкониятлари уларнинг аъзолари ўз мақсадига етишда қўллаш ёки қўлламаслигини аниқлашда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Муайян босқичда коллектив ҳаракат ҳокимият билан очиқ конфронтацияни — «кўчага чиқишни» тақозо қилади. Бироқ бу турдаги ҳаракат мавжуд ҳокимият тизимига ўз ортида уюшган гуруҳларга эга бўлган тақдирдагина таъсир ўтказиши мумкин.

Коллектив ҳаракат ва норозиликнинг типик шакллари тарихий ва маданий шароитларга қараб ўзгаради. Ҳозирги Британияда, масалан кўпчилик одамлар ўз талабларини айтиш учун гуруҳлар қандай бирлашишини билади, улар ўз позицияларини намоёйиш қилишнинг оммавий марш, митинг ва кўча тартиб-сизликлари каби шакллари билан, уларда иштирок этган ёки этмаганларидан қатъий назар, таниш. Бироқ жамоавий норозиликларнинг шундай шакллари ҳам мавжудки, улар бира-тўла йўқолиб кетган, ёки ўзларининг аввалги оммавийлигини йўқотган (масалан қишлоқлар ўртасида жамоа бўлиб муштлашиш, фабрикалардаги жиҳозларни бузиш ёки ўзбошимчалик билан суд қилиш). Норозилик ҳаракатларининг қатнашчилари бошқаларнинг тажрибасини ўрганиши ва иш усулларини ўзгартириши мумкин. Масалан нолюл гуруҳлар мунтазам армияларга қарши партизанлик ҳаракати қанчалик муваффақиятли бўлишини билишлари билан, партизанлик ҳаракати бутун дунё бўйлаб тарқала бошлади.

Коллектив ҳаракат қачон ва нима учун зўравонлик хусусиятига эга бўлади? XIX—XX асрларда Фарбий Европада юз бер-

ган жуда кўп инцидентларни ўрганиш оқибатида, Тилли, коллектив зўравонликнинг кўпчилиги дастлаб зўравонлик хусусиятига эга бўлмаган ҳаракатлардан бошланади, деган хулосага келди. Зўравонликнинг пайдо бўлиш эҳтимоллиги фақат шу акциянинг ўзига боғлиқ бўлмай, балки бошқа омил ва кучлар, жумладан ҳукумат реакциясига боғлиқ бўлади. Кўча намойиши бунга яхши мисол бўлиши мумкин. Бундай намойишларнинг кўпчилиги одамларнинг саломатлиги ва мулкига ҳеч қандай зиён етказмасдан ўтказилади. Бундай намойишларнинг жуда оз қисми зўравонликка айланади ва улар энди бошқа ном билан — «тартибсизлик», деб аталади. Баъзан, албатта ҳокимият зўравонликка жавоб қайтаради, бироқ тарихий мисоллар кўрсатишича, кўпинча ҳокимиятнинг ўзи зўравонлик манбаи бўлиб қолади. Тилли айтганидай «ҳозирги Европа тарихида репрессив институтларнинг ўзлари кўпинча коллектив зўрликнинг ташаббускори ва ташувчиси бўлиб қолади». Бундан ташқари реал конфронтациялар вазиятида айнан ҳокимият вакиллари кўпчилик ярадор қилиш ва ўлимлар учун ўзи масъулиятли бўлади. Агар уларнинг қўлида қурол борлиги ва ҳарбий интизомни ҳисобга олинса, бунга ҳайратланмаса ҳам бўлади. Ўз навбатида қарши томон вакиллари бинолар ва бошқа моддий объектларга зарар етказадилар.

Тилли концепциясига кўра революцион ҳаракатлар коллектив ҳаракатнинг шундай типики, у, Тилли ибораси билан айтганда, кўпгина суверенитет вазиятида, яъни ҳукумат муайян сабабларга кўра назорат қилиши лозим бўлган соҳалар устидан тўла назоратга эга бўлмаганда юзага келади. Кўпгина суверенитет ташқи уруш, ички сиёсий тўқнашувлар ёки ҳар иккисининг оқибатида вужудга келиши мумкин. Революционерларнинг ҳокимиятни қўлга олиш ёки олмасликлари аввалги ҳукумат қуроли кучлар устидан назоратни сақлаб қолгани ёки қолмаганига, ҳукмрон гуруҳлар ичида низолар бор ёки йўқлигига, ҳокимиятга даъво қилаётган ҳаракатларнинг уюшиш даражасига боғлиқ.

Баҳо

Тилли концепцияси — революцион кураш ва жамоавий зўравонликни таҳлил қилишга бағишланган энг нозик уринишлардан бири. У шакллантирган ғоялар амалиётга кенг чиқиш имконига эга бўлиб, унинг таҳлили унинг вақт ва жойни баҳолашдаги сезгирлигидан гувоҳлик беради. Ижтимоий ҳаракатлар уюшишининг моҳияти, улар сафарбар қилиши мумкин бўлган захиралар, шунингдек ҳокимиятга даъво қилаётган гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар жамиятнинг революцион ўзгаришидаги муҳим жиҳатларини ташкил қилади.

Бироқ Тилли кўпгина суверенитетга олиб келадиган вазиятлар тўғрисида деярли ҳеч нарса демайди. Лекин бу тип революцияни тушунтиришда шунчалик муҳимки, Тилли назариясида жиддий камчилик бор, дейишга имкон беради. Тед Скок-

пол фикрига кўра, Тилли революцион ҳаракатлар асосида муайян манфаатларни рўёбга чиқаришга қаратилган, анланган ва пухта ўйланган интилиш ётади, деган тахминдан келиб чиқади, шунинг учун революцион ўзгаришлар одамлар уларни яхши тушунганда муваффақиятли амалга ошади. Скокпол эса аксинча революцион ҳаракатларни кам анланган ва мақсадга кам йўналтирилган ҳаракат сифатида олиб қарайди. Революциялар деб ёзади у, кўп ҳолатларда хусусий мақсадларнинг ўйланмаган оқибатлари сифатида майдонга чиқади. У ёзади:

Мақсадга йўналтирилганлик тимсоли революция жараёнлари ва натижалари масаласида худди уларнинг сабаблари каби хатодир. Бу тимсол революцион жараён ва унинг оқибатларини бу жараёнда ҳаракатга келтирган муҳим гуруҳлар манфаатлари ва ниятлари атамалари ёрдамида тушуниш мумкинлигини билдиради — бунинг учун бундай атамалар жуда соддалик қилади. Амалда тарихий революцияларнинг — кўп томонлама низолар ривожланишининг мураккаб жараёни иштирокчилари жамиятда турлича мавқе эгаллайдиган ва турли мотивацияга эга бўлган гуруҳлар бўлиб чиқади. Бу низоларга улкан таъсир ва чекловни мавжуд ижтимоий, иқтисодий ва халқаро шароитлар ўтказди. Уларнинг бундан кейинги ривож кўп жиҳатдан мазкур революцион вазият қандай пайдо бўлгани ва унинг дастлабки босқичига боғлиқ бўлади.¹²

Революцияларнинг оқибатлари

Революцияларнинг оқибатларини тадқиқ этиш мураккаблиги уларнинг манбаларини таҳлил этишдагидан кам эмас. Революциядан кейин нима юз бериши, қисман революцияга олиб келган кўпгина ҳодисаларга боғлиқ бўлади. Революцион кураш тугагандан кейин мамлакат ҳолдан тойган ва парчаланган бўлиши мумкин. Ағдариб ташланган режимнинг қолдиқлари ёки ҳокимиятга даъвогар бошқа гуруҳлар ўзларининг кучларини қайта ташкил қилиши ва ҳаммасини бошдан бошлаши мумкин. Агар атрофдаги мамлакатлар янги ҳукуматга душманлик қайфиятида бўлса (масалан, 1917 йилдаги рус революциясида бўлгани каби), унинг ижтимоий ўзгаришларга эришишдаги ютуқлари атрофдагилар фаол қўллаб тургандагига қараганда анча кам бўлиши мумкин. Революцион ҳукуматларнинг ниятларида ҳам жиддий тафовутлар бўлади — баъзилар ўз олдига бошқаларга нисбатан унчалик радикал бўлмаган мақсадларни кўяди ва ниҳоят тегишли жамиятлар учун революциялар жуда жиддий оқибатларга олиб келиши мумкинлигига қарамай, бу оқибатларни олға қараб ривожланишнинг бошқа омиллари асносида алоҳида ажратиб олиш фавқулудда қийин.

¹² *Skocpol Theda. States and social revolution: A comparative analysis of France, Russia and China. Cambridge, 1979. Dunn John. Understanding revolutions. In: Dunn J. (ed.). Rethinking modern political theory. Cambridge, 1985.*

Қисқа муддатли оқибатлар

Қўп революциялардан кейин фуқаролар уруши бошланади, унда янги режим муҳолиф гуруҳлар қаршилигини синдириши керак. Одатда революциялар эски ҳукумат ҳокимияти кучини йўқотиб унинг учун бир пайтда бир неча ҳаракатлар кураш олиб бораётганда юз беради. Уларнинг баъзилари ҳарбий жиҳатдан шунчалик кучли бўлиши мумкинки, улар янги ҳукуматга қарши курашни давом эттиришлари мумкин, ёки бўлмаса уларнинг мақсадларини қўллаб-қувватловчи чет давлатлар томонидан молиялаштирилиши мумкин. Рус, Хитой ва Куба революцияларида, гарчи уларнинг ҳар бирида муҳолифат даражаси турлича бўлса ҳам, худди шундай бўлган эди — Россия эски режим тарафдорларини қўллаб-қувватлаш учун Ғарб давлатлари томонидан юборилган кучларга тўлиб кетган эди.

Революциялар эрк учун амалга оширилади, бироқ улардан кейин қаттиқ репрессиялар даври бошланади. Америка революциясидан кейин бундай ҳолат юз бермади, бошқа истиснолар ҳам бор. Кубада, масалан, бой фуқароларнинг бир қисми мамлакатни ташлаб чиқиб кетган бўлса ҳам янги ҳокимият қамоққа олган ёки отиб ташлаган одамларнинг сони унчалик кўп эмас эди. Бироқ революциядан кейин кенг кўламли қамоққа олишлар, қатл этишлар ва қаттиқ цензура кузатилади. Ялпи зўравонлик компаниялари ҳам кузатилади. Янги ҳокимиятга нисбатан лоялликни таъминлаш мақсадида мунтазам қўлланадиган зўравонликни англатувчи революцион террор тушунчасининг ўзи ҳам 1789 йилдаги Француз революцияси («Сиёсат, ҳукумат ва давлат» деган 10-бобга қаранг) оқибатларини тавсифлаш жараёнида майдонга келди. Эски режимнинг тарафдорлари ёки революция душманлари, деб ҳисобланган жуда кўп одамлар таъқиблар ва оммавий қатл этишларнинг қурбонлари бўлди.

Бироқ бундай эпизодлар янги режим ҳокимиятни қўлга олиши билан эмас, балки бир неча йил ўтгандан кейин бошланади, чунки революцион ҳукумат ўзининг радикал дастурини амалга ошириш учун дастлабки ҳаракатларни қилгунча, одатда «аниқлаш даври» ўтади. Бу даврда эски режим тарафдорлари ёки диссидент гуруҳлар сиймосидаги муҳолифатга янги режимга муҳолифатда бўлганлар ҳам қўшилиши мумкин. Совет Иттифоқида, масалан, Сталин деҳқонлар томонидан кенг қаршиликка учраган коллективлаштириш сиёсатини жуда қаттиққўллик билан ўтказди. Диссидент гуруҳларини сиёсий тозалаш даврида кўпчилик ҳаётдан кўз юмди ёки лагерларга бадарға қилинди. Мавжуд баҳоларга қараганда аҳолининг 5%и шу даврда қамоққа олинган эди.¹³ Бироқ бу воқеалар революциядан 10 йилдан кўпроқ вақт кейин юз берган эди.

¹³ Kesselman M. et al. European politics in transition. Lexington, 1987.

Узоқ муддатли оқибатлар

Революцияларнинг узоқ муддатли оқибатларини биз бир жиҳатдан ташқари, революцияни бошдан кечирган ёки кечирмаганлиги бошқа ҳамма томондан бир-бирига ўхшаш бўлган жамиятларни қиёслаш орқали баҳолашга ҳаракат қилиб кўришимиз мумкин. Масалан Хитой ва Ҳиндистоннинг охириги 40 йилдаги ривожланишини таққослаб кўриш мумкин. Ҳар икки мамлакат ҳам Фарбга қарамликдан деярли бир вақтда — иккинчи жаҳон урушидан кейин халос бўлишди, бироқ Хитой Ҳиндистондан фарқли ўлароқ революцияни ҳам бошдан кечирган. Ҳиндистонда Британия ҳукмронлигига қарши норозилик ҳаракатлари кучли тартибсизликларни намоён қилган бўлса ҳам, инглиз бошқаруви тўнтаришсиз бекор қилинди.

Бу икки жамиятнинг урушдан кейинги тараққиёти бири-биридан анча фарқ қилади. Хитойда коммунистик партия кучли марказлашган ҳукумат ташкил қилди, матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситаларига қаттиқ цензура жорий қилинди. Ҳиндистонда, Хитойга қарама-қарши ўлароқ, Фарб типидagi кўп партияли сайловларга асосланган парламент қабул қилинди. Хитойда сиёсий эркинликлар даражаси, турли сиёсий қарашларни эркин ифодалаш назарда тутилса, Ҳиндистондагидан анча паст. Иккинчи томондан, Хитой қашшоқликка, расмий шахслар орасидаги коррупцияга қарши курашда, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий тизими яратишда анча катта муваффақиятларни қўлга киритди. Хитойдаги саводхонлик даражаси Ҳиндистондагидан анча баланд. Хитойдаги коммунистик бошқарувнинг ўзига хос хусусиятларидан бири революция арафасида тез-тез куч ишлатилган бўлса ҳам, давлат томонидан репрессиялар ва зўравонликнинг деярли ишлатилмаётганидadir. Совет Иттифоқидаги Сталин даврига хос оммавий қирғин ва лагерлар Хитойда деярли кузатилмади.

Хитойдаги иқтисодий ўсиш ҳақидаги баҳолар турлича, лекин революциядан кейинги дастлабки 15 йил ичида Хитойнинг ўсиш суръатлари юқори, Ҳиндистондагидан анча баланд бўлгани ҳамма томонидан эътироф этилади. Шу билан бирга бу даврда ишлаб чиқаришнинг ўсиши аҳолининг ўсишидан юқорироқ бўлди, бу ҳол ҳам Ҳиндистон учун хос эмас эди. Хитойдаги аграр ислоҳот ҳам анча муваффақиятли бўлди. Бош заминдорлар ҳокимияти йўқ қилинди. Ер эса энг қашшоқ деҳқонларга бўлиб берилди.

Ҳиндистон ҳам, Хитой ҳам тўла барқарорлик шароитида ривожланмади. Ҳиндистон ҳукумати марказий идоралар томонидан самарали назорат қилишга ҳалақит берадиган, аниқ ифодаланган минтақавий тафовутларга дуч келди. 1966—1968 йилларда Хитой «маданий инқилоб» гирдобига дуч келди. Бу даврда миллионлаб одамлар, асосан ёшлар профессионаллар, бошқарувчилар ва партиявий амалдорлар орасига, уларнинг револю-

ция таълимотидан юз ўғирганлари сабабли «пролетар қадриятларини» тадбиқ этишга ҳаракат қилишди. Аммо бугун бу икки мамлакатдаги жараёнлар бир-бирининг зидди бўлган ҳодисалар билан алмашди. Энди Хитой ҳукумати саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш мақсадида фойда олиш, шахсий ташаббус сингари «капиталистик» мурватлардан фойдаланиш зарурлиги тўғрисида гапирмоқда.

Исёнлар, оломоннинг ғазаби ва коллектив ҳаракатнинг бошқа шакллари

Барча революциялар коллектив ҳаракатни тақозо қилади. Аммо Тилли назарияси кўрсатганидек, коллектив ҳаракат революциядан бошқа кўплаб вазиятларда ҳам намоён бўлиши, ва кўп миқдордаги одам тўпланганда вужудга келиши мумкин. Дастлабки шаҳарлар вужудга келгандан буён «шаҳарлик қора халқ» ҳокимият учун потенциал хавф манбаи бўлиб келади. Қишлоқ жойдагидан фарқли равишда шаҳар даҳаларида одамлар бир-бирларига жуда яқин яшайдилар ва бирон воқеага ўзларининг қўллаб-қувватлашлари ёки норозилиklarини баён қилмоқчи бўлишса осонлик билан «кўчага чиқишлари» мумкин.

Шаҳардаги гуруҳларнинг ҳаракатлари тўда ҳаракатига мисол бўлиши мумкин. Тўда — бу жамоа жойида тўпланган ва бир-бирлари билан бевосита ўзаро таъсирга киришадиган одамларнинг кўп сонли гуруҳи. Муайян маънода тўда — шаҳар ҳаётининг одатдаги белгиси. Биз шаҳарнинг савдо кўчаларидаги тўдалар, театраллар тўдалари ёки парклардаги якшанба тўдалари ҳақида гапирар эканмиз, чекланган майдонда катта миқдордаги одамлар тўпланишини назарда тутамиз. Мазкур ҳолда одамлар фокуслашмаган ўзаро таъсир вазиятида бўладилар («Ижтимоий ўзаро таъсир ва кундалик ҳаёт» номли 4-бобга қаранг). Жисман улар бир майдонда бўлишиб бир-бирларининг борлигини сезаётган бўлишса ҳам, лекин улар (индивидуал ёки гуруҳ тартибида) ўзларининг хусусий мақсадларини кўзлашади, ва шунинг учун уларнинг ҳар бири ўз йўлидан кетаверади. Лекин баъзи вазиятларда, хусусан намоёишлар, тартибсизликлар юз берганда ёки ваҳима бошланганда улардан ҳар бирининг ҳаракати бошқалар ҳаракати билан боғланиб қолади. Вазият бирдан фокуслашган ўзаро таъсир хусусиятига эга бўлиб қолади, чунки тўда вақтинча бўлса ҳам, бир бутунлик сифатида ҳаракат қила бошлайди. Худди мана шунинг учун ҳам тўданинг ҳаракатлари ўзига социологлар ва тарихчиларнинг эътиборини жуда кўп йиллардан буён — амалда 1789 йил Француз революцияси давридан буён ўзига тортиб келмоқда.

Ле Бон: тўда ҳаракатлари назарияси

Тўда ҳаракатларини жиддий ўрганишга бағишланган тадқиқот Гюстав Ле Боннинг 1895 йилда босилиб чиққан «Тўда» китоби бўлди. Бу асар Француз революцияси давридаги революцион бирлашмаларни тадқиқ этиш натижасида майдонга келди. Ле Бон нуқтаи назардан жамоа эмоцияси таъсирига тушган одамнинг хатти-ҳаракатлари унинг кичик гуруҳлардаги ҳаракатидан кескин фарқ қилади. Фокуслашган тўда таъсирида индивидлар шундай қаҳрамонлик ёки вайронкорлик намуналарини кўрсатиши мумкинки, ёлғизлигида уларнинг ўзлари бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаган бўлишлари мумкин. Бастилияни олган революцион тўдалар ўзлари дуч келиши мумкин бўлган йўқотишлар тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмаган бўлсалар керак. 1789 йилда қўзғалган халқ томонидан содир этилган кўплаб шафқатсизлик ҳоллари ҳам маълум.

Бундай ҳолга нима сабаб бўлади? Ле Бон нуқтаи назарига кўра, тўдада вужудга келадиган қўзғалиш ҳолатида одамлар вақтинча улар учун кундалик ҳаётда оддий ҳисобланган танқидий мулоҳаза юритиш хусусиятини йўқотиб қўядилар. Улар фавкуллода таъсирчан ва турли етакчилар ҳамда демагогларнинг тарғиботларига берилувчан бўлиб қоладилар. Ле Бон ёзишича, «у шафқатсиз, кўпол ва ибтидоий махлуқнинг ташаббус ва қаҳрамонлигига эга бўлиб қолади»,¹⁴ ёлғиз ҳолда жуда маданий бўлган индивид тўдага тушганда инстинкт билан ҳаракат қилувчи варварга айланиб қолади.

Ле Бон ғоялари кўпчилик тадқиқотчилар томонидан фойдаланган бўлишига қарамай уларга бир оз шубҳа билан қарашган. Ле Бон Француз революциясининг тўдалар қонуний ҳукмронлар устидан ғалаба қозонган эранинг бошланиши, деб қабул қиладиган революциянинг консерватив танқидчиси нуқтаи назаридан ёзади. Ле Бон назарида биронта ҳам катта гуруҳ, шу жумладан парламент йиғинлари ҳам индивидлар қабул қилиши мумкин бўлган оқилона қарорни қабул қила олмайди. Гуруҳлар оммавий ҳис-туйғуларга, модага ва бошқа индивидларга берилувчан бўладилар. Ле Бон, биринчи навбатда демократия одамларнинг ибтидоий реакцияларини юзага чиқариб уларнинг олий ва маданий сифатларини бўғишини кўрсатмоқчи бўлди.

Шундай бўлса ҳам, Ле Боннинг баъзи ғоялари, хусусан кўчадаги тўдалар ҳақидаги ғоялари муайян қийматга эга кўринадди. Кўплаб одамларнинг тўпланиши муайян вазиятларда ҳақиқатан ҳам коллектив эмоционал кўтаринкиликка сабаб бўлади, бу эса ғайри одатий ҳаракатларга олиб келади. Бу аудитория ақлдан оза бошлаган рок-концертлар пайтида, шунингдек спорт мусобақаларида юз бериши мумкин. Ваҳимага тушган одамлар ўз йўлидаги ҳамма нарсани бузиб ташлаши, бир-бирларини

¹⁴ *Le Bon Gustave. The Crowd. New York, 1960.*

майиб-мажруҳ ва оёқости қилиб юборишлари мумкин. Баъзан тўдалар кўчаларга чиқиб ўзлари душман деб ҳисоблаганларни калтаклаб йўқ қилиб юборишлари мумкин, — нацистлар Германиясидаги яхудий қирғинлари даврида худди шундай бўлган эди.

Тўда ҳаракатларининг рационал жиҳатлари

Шунга қарамасдан, тўда ҳаракатининг кўп шакллари сайланма ва рационал бўлиб унинг иштирокчилари ўз мақсадларини Ле Бон ўйлаганидан аниқроқ тасаввур қиладилар. Бундан ташқари бу тўдалар, Ле Бон таърифлаганидай, ҳар доим ҳам фақатгина маъсулиятсиз ҳаракатларга мойил криминал сарқитлардангина иборат эмас. Жорж Раденинг Француз революциясига бағишланган тадқиқотлари кўрсатишича, Бастилияга ҳужум қилган тўданинг кўпчилигини жиноятчи ва дайдилар эмас, муайян касбга эга бўлган ҳурматли одамлар ташкил қилган эди.¹⁵ 1960 йилларда АҚШда бўлиб ўтган қора танлиларнинг чиқишларини тадқиқ этиш шуни кўрсатдики, унинг кўпчилик иштирокчилари жинойий муҳитга мансуб бўлмай, ҳатто нафақага кун кечирувчилар сирасига ҳам кирмаган. У чиқишларнинг ўртача иштирокчиси, асосан ишчи бўлиб, у ижтимоий сиёсий муаммолар ҳақида маълумотларга эга ва фуқаролик ҳуқуқлари учун курашларга қора танли аҳолининг бошқа вакилларига нисбатан кўпроқ жалб қилинган. Бундан ташқари, ўша даврдаги чиқишларнинг тартибсизлигига қарамасдан, маълум бўлишича, бузиб ташланган ва ўғирланган мулк оқ танлиларга қарашли бўлган.

Баъзи тадқиқотчилар фикрига кўра тўданинг ҳаракатлари кўпчилик ҳолатларда Ле Бон талқинига тескари талқин кўзда тутилса кўпчилик ҳолларда тушунарлироқ бўлади. Масалан, Ричард Берк фикрича, индивидларнинг тўдадаги ҳаракатларини уларнинг ўзига хос вазиятга тўла мантиқий реакцияси, деб қараш керак.¹⁶ Тўданинг мавжудлиги кўп шахсий харажатларсиз муайян мақсадларга етиш имкониятини ҳам билдиради. Тўда ичида индивидлар аноним бўлиб, қонунга хилоф ва жазо кўриладиган хатти-ҳаракатлар содир этилганда, масалан, магазин ўғирланганда танилмай қолиш имкониятига эга. Тўда ичида ҳаракат қилар экан, индивидлар муайян вақт ичида шундай имкониятларга эга бўладиларки, бу имкониятлар алоҳида фуқароларнинг тушига ҳам кирмаслиги мумкин.

Лекин бундай талқинни бегуноҳ одамларга нисбатан зўравонликни қўллаш ҳодисаларига ҳам, айтайлик Америка жанубидаги Линча тарафдорлари тўдасининг хулқини таҳсил қилишга ҳам қўллаб бўладими? Бир вақтлар негрларни Линча судида судлаш (тергов ва судсиз осий) анча кўп учрар эди. Граждан-

¹⁵ *Rude George. The Crowd in the French Revolution* Oxford, 1959.

¹⁶ *Berk Richard. A gaming approach of crowd behaviour // American Sociological Review.* 1974.

лар урушидан кейин мунтазам равишда «негрлар ови» ўтказилар, уларда оқ танлилар собиқ қулларни излаб топишар ва ўлдиришар эди. 1889 йилдан 1899 йилгача бўлган даврда 1800 та линчлалаш ҳодисаси қайд этилган эди, ҳамма ҳолатлар ҳам рўйхатга тушмаганини ҳисобга олсак амалда уларнинг миқдори анча кўп бўлганини билишимиз мумкин.¹⁷ Кўпинча тўдалар қора танлиларнинг уйига ўт қўяр, ўзларини эса азоблар ва майиб-мажруҳ қилар эдилар. Бундай ҳаракатларни Ле Бон таклиф қилган нуқтаи назар орқалигина изоҳлаш мумкиндай кўрилади. Тўдага у берган тавсифларнинг баъзилари шу ҳолатларда ўринли. Аммо линчлалашнинг «рационал» жиҳатлари ҳам мавжуд. Линчаловчилар, одатда хушёрлик комитетларининг аъзолари бўлиб ўзларини ҳақ иш учун курашчилар, деб билишарди. Оммавий ҳаракатлар уларнинг индивидуал маъсулиятини камайтирар ва айти пайтда негрларни озод қилишга нисбатан нафратини ифода қилиш учун имконият яратарди. Зўравонлик негрлар устидан ижтимоий назоратни таъминлаш воситаси эди, чунки Шимолда қабул қилинган қонун оқ танлиларнинг Жанубдаги реал ҳокимиятини бекор қилишга кучи етмас эди. Афтдан фокуслашган тўда таркибида одамлар муайян даражада одатдаги назорат шакллари бартараф қилишга имкон топадилар; тўданинг қудрати ва анонимлиги оддий ҳолатда улар бажара олмайдиган ҳаракатларни бажариш имконини беради.

Йисёнлар ва тўданинг чиқишлари, Тилли таъкидлашча, биринчи навбатда ўз норозилигини ифодалаш имкониятига ва ислохотлар ўтказиш зарурлиги тўғрисидаги ўз нуқтаи назарларини оддий усуллар билан билдириш имкони бўлмаган одамларнинг ҳафсаласи пир бўлганлигини ифодалайди. Ҳокимият ҳар доим ҳам тўдадан кўрқиб келган, бундай ҳол тўда ўз-ўзидан таҳдид туғдиргани учун эмас, балки ижтимоий адолатсизликка қарши норозиликнинг оммавий ва жуда аниқ шакли бўлгани учун ҳам шундай ҳолат вужудга келган. Революциялар асносидаги тўданинг хатти-ҳаракатлари туб ижтимоий ўзгаришлар ўтказишга кўмаклашади ва биринчи қарашда негатив бўлиб кўринадиган, ҳеч қандай маъносиз қирғинлар ва қотилликларга алоқадор бўлган кўча тартибсизликлари ҳам баъзан яхши томонга ўзгаришлар бўлишига олиб келиши мумкин. 1960 йилларда Америкадаги негрлар яшайдиган даҳаларда чиқишларнинг кўпайиши оқ танлилар ҳамжамиятини қора танли аҳоли муаммоларига эътибор қаратишга мажбур қилди ва янги ижтимоий ислохотлар дастурларини тузишга туртки берди.

¹⁷ Cantril M. The Psychology of Social Movements. New York, 1963.

Ижтимоий ҳаракатлар

Ҳозирги жамиятларда ижтимоий ҳаракатларнинг революцион фаолликдан ташқари бошқа кўплаб шакллари ҳам мавжуд; улардан баъзилари жуда узоқ тарихга эга бўлса, баъзилари эндигина пайдо бўлди. Умуман олганда ижтимоий ҳаракатлар ҳозирги дунёнинг худди расмий бюрократик ташкилотлар сингари ажралмас сифатларидан бири эди. Ижтимоий ҳаракатларнинг табиати ва таъсирини ўрганиш социолог учун жуда қизиқарли имкониятлар яратади.

Таъриф

Ижтимоий ҳаракат расмий белгиланган институтлар доирасида умумий манфаатларни рўёбга чиқариш ёки умумий мақсадга коллектив ҳаракат орқали эришишга интилиш, деб таърифланиши мумкин. Ҳаракатларнинг характери турлича бўлгани учун таъриф ҳам кенг бўлиши керак. Уларнинг кўпчилиги унча катта эмас, бир неча 10 кишидан иборат холос, бошқаларида эса минглаб, ҳатто миллионлаб одамлар иштирок этади. Баъзи ҳаракатлар шу мамлакат қонунлари доирасида иш тутади, бошқалари эса нолегал ёки яширин ҳисобланади. Баъзан ижтимоий ҳаракатлар фаолияти натижасида қонуннинг ўзи ҳам бутунича ёки қисман ўзгариб кетади. Масалан забастовкаларни ташкил қилиш билан шуғулланадиган ишчиларнинг бирлашмалари бир вақтлар қонундан ташқари фаолият олиб борган, уларнинг иштирокчиларига, қайси мамлакатда фаолият юритишига қараб турлича оғир жазолар хавф солар эди. Бироқ кейинроқ тегишли қонунлар ўзгартирилди, забастовкалар ишлаб чиқариш низоларини ҳал қилишнинг рухсат берилган тактикасига айланиб қолди. Кўпчилик мамлакатларда иқтисодий норозиликнинг бошқа шакллари, масалан заводлар ёки иш жойларида ўтириб забастовка қилиш ҳанузгача қонундан ташқари ҳолат ҳисобланади.

Ижтимоий ҳаракатлар ва расмий ташкилотлар ўртасидаги тафовут чизиги ҳозиргача унча аниқ эмас, чунки яхши ташкил этилган ҳаракатлар бюрократик хусусиятларга эга бўлиб қолади. Шундай қилиб, ижтимоий ҳаракатлар аста-секинлик билан расмий ташкилотларга айланиб қолиши, ўз навбатида ташкилотлар ижтимоий ҳаракатга ўтиши ҳам мумкин, лекин бунақаси кам учрайди. Ҳалоскорлик армияси миллий ҳаракат сифатида майдонга келди, ҳозир эса унга доимий фаолият юритувчи ташкилотларнинг кўпчилик белгилари хос бўлиб қолган. Бунинг акси бўлган жараёнга мисол тариқасида ман қилинган ва яширин иш қилиш йўлига ўтган ҳар қандай партияни мисол қилиб келтириш мумкин.

Ижтимоий ҳаракатларни ҳар доим ҳам *манфаат гуруҳлари* дан — шу гуруҳлар манфаатини ҳимоя қилишга кўмаклашиш мақсадида сиёсатдонларга босим ўтказиш учун тузилган уюшмалардан ажратиш осон эмас. Парламентда ҳайдовчилар ман-

фаатларини ҳимоя қиладиган автомобил уюшмасини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Бироқ ядро қуроли масаласида парламентга таъсир ўтказиш учун мунтазам ҳаракатларни амалга ошираётган ядровий қуролсизланиш компаниясини нима деб аташ мумкин? Манфаатлар гуруҳими ёки оммавий ҳаракатнинг таркибий қисмими? Бундай ҳолатларда аниқ жавоб бериш қийин, чунки ижтимоий ҳаракатлар кўпинча ўз масалаларини расмий каналлар орқали олға сурадилар, айти пайтда улар унчалик анъанавий бўлмаган фаолият шаклларида ҳам иштирок этади.

Ижтимоий ҳаракатлар таснифи

Ижтимоий ҳаракатларни тасниф қилишнинг жуда кўп усуллари таклиф қилинган эди. Аммо энг аниқ ва тўла таснифни ҳаракатларнинг тўртта типини тавсифлаган Дэвид Эберл берди¹⁸.

1. Трансформация ҳаракатлари жамиятда ёки жамиятларда узоқни кўзлаб ўтказиладиган ва ўзлари унинг таркибий қисми бўлган ўзгаришларга йўналтирилган бўлади. Бундай ҳаракатларнинг аъзолари интилаётган ўзгаришлар амалда кўпинча зўравонлик билан боғлиқ бўлган катаклизмлар бўлиши мумкин. Бунга мисол бўлиб революцион ёки баъзи радикал диний ҳаракатлар хизмат қилиши мумкин. Айтилик, милленарийларнинг кўпчилиги ҳаракатлари башорат қилишича, халоскорлик эраси бошланиши билан жамият у ёки бу даражада тўла қайтадан қурилади.

2. Ислоҳотлар учун ҳаракатлар (ислоҳот ҳаракатлари) анча содда мақсадларни кўзлайди. Уларнинг интилишлари мавжуд ижтимоий тартибнинг фақат баъзи жиҳатларини ўзгартиришга қаратилган. Улар ўз фаолиятини адолатсизлик ёки тенгсизликнинг муайян тури билан боғлайдилар. Мисол тариқасида ҳушёрлик учун ҳаракат қиладиган Христиан аёллар иттифоқи ёки абортларни ман қилиш учун чиқишлар қиладиган гуруҳларни келтириш мумкин.

Трансформация ҳаракатлари ва ислоҳот ҳаракатлари асосан жамиятнинг бутун ҳаётини ўзгартиришга йўналтирилган бўлади. Эберл томонидан кўрсатилган ҳаракатларнинг яна иккита типини индивидларнинг қарашлари ва одатларини ўзгартиришни мақсад қилиб қўяди.

3. Қайта тарбиялаш учун ҳаракат қатнашчилари одамларни, уларнинг назарида гуноҳ ҳисобланган турмуш тарзидан қайтаришни мақсад қилиб қўяди. Бу тоифага кўплаб диний ҳаракатлар киради, чунки улар индивидларни гуноҳдан асрашни ўзларининг асосий мақсади деб биладилар. Бунга мисол қилиб,

¹⁸ *Aberle David. The Peyote Religion Among the Navaho. Chicago, 1966.*

индивиднинг ҳақиқий қийматини фақат унинг маънавий ўсиши белгилаши мумкин, деб ҳисоблайдиган пятидесятниклар сектасини келтириш мумкин.¹⁹

4. Альтерация ҳаракатлари (ном унчалик тўғри танланмаган) индивид ҳаётидаги хусусий ўзгартиришларга йўналтирилган. Улар одамларнинг ҳамма одатларини ўзгартиришни мақсад қилиб қўйганлар, уларни фақатгина баъзи ўзига хос белгилар қизиқтиради. Масалан — аноним алкоголиклар жамияти.

Ижтимоий ҳаракатлар назариялари

Революция назариялари ва ижтимоий ҳаракатлар назариялари муқаррар тарзда бир-бирлари билан кесишадилар. Масалан, Тиллининг «захираларни сафарбар қилиш» концепцияси ижтимоий ҳаракатларни ўрганувчилар томонидан борган сари кенгроқ қўлланилмоқда. Дэвис томонидан норозиликлар ва кутишларнинг ўтишини талқин қилиш ижтимоий ҳаракатлар таҳлилига жиддий таъсир ўтказди. Айни пайтда назарий жиҳатдан тўла бўлган ва навбатдаги эмпирик тадқиқотларни рағбатлантириш нуқтаи назаридан муҳим ҳисобланган яна икки ёндошувнинг алоҳида аҳамиятини таъкидлаш зарур. Улар жумласига Нейл Смелзер ва Ален Турэн назариялари киради.

Нейл Смелзер: ижтимоий ҳаракатларнинг олти шарти

Ҳар қандай коллектив ҳаракатлар, шу жумладан ижтимоий ҳаракатлар негизида олти шарт ётишини Смелзер алоҳида таъкидлайди²⁰. Тузилмавий монандлик — бу умумий ижтимоий омиллар бўлиб, улар турли типдаги ижтимоий ҳаракатларнинг тузилишига ёрдам кўрсатади ёки ҳалақит беради. Масалан, Смелзер нуқтаи назаридан Қўшма Штатларнинг ижтимоий-сиёсий тизими тегишли соҳаларда аниқ давлат бошқаруви йўқлиги сабабли сафарбарлик учун баъзи йўналишларни очиқ қолдиради. Масалан Америкада расмий давлат дини йўқ ва одамлар ўзлари хоҳлаган диний гуруҳни танлаб олишлари мумкин (агар умуман уларда шундай хоҳиш бўлса). Сиёсий ҳокимият барча диний ижтимоий ҳаракатларга, улар фуқаролик ва жиноий қонунларни бузишмаса, бағрикенглик билан қарайди.

Бундай шароитлар ижтимоий ҳаракатларнинг келиб чиқиши учун қулайлик келтириб чиқаради, лекин ўзлари бундай ҳаракатни майдонга келтирмайди. Тузилмавий тарангликлар, ёки Маркс таъбири билан айтганда, зиддиятлар жамиятдаги манфаатлар ўртасидаги низо оқибатида вужудга келади. Ноаниқлик, хавотир, мақсадлардаги икки хиллик ёки бевосита тўқнашув — буларнинг бари ана шундай тўқнашувнинг ифодасидир. Таранглик манбалари умумий бўлиши ҳам ёки мазкур вазият

¹⁹ Schwartz G. Sect ideologies and social status. Chicago, 1970.

²⁰ Smelser Neil. Theory of collective behavior. New York, 1963.

учун ўзига хос бўлиши ҳам мумкин. Масалан этник гуруҳлар ўртасидаги доимий нотенглик умумий тарангликни келтириб чиқариши мумкин; бу эса ўз навбатида хусусий низоларни келтириб чиқариши, масалан қора танлилар бир вақтлар фақат оқ танлилар учун белгиланган ҳудудларга кўчиб ўтиши мумкин.

Смелзер фикрича учинчи шарт, бу *умумлашган этқиқодларнинг* тарқалишидир. Ижтимоий ҳаракатлар гира-шира сезилаётган таҳдид ёки хавфга шунчаки жавоб реакцияси эмас. Улар норозилик тиниқлашадиган ва уни ҳал қилиш учун муайян ҳаракат тарзини таклиф қиладиган мафкуралар таъсирида шаклланади. Революцион ҳаракатлар масалан адолатсизлик мавжудлигининг сабабларини ахтаришга ва ундан қутулиш имконини берадиган сиёсий кураш усулларини топишга қаратилган бўлади. *Тезлаштирувчи омиллар* ҳаракат иштирокчиларининг фаолиятини бошлашга туртки берадиган воқеа ёки ҳодисалар ҳисобланади. Масалан Алабама штатининг Монтгомери шаҳрида 1955 йилда Роза Паркснинг автобусдаги қора танлилар учун ажратилган қисмга ўтишдан бош тортиши Америкадаги фуқаролар ҳуқуқлари учун ҳаракатнинг бошланишига туртки берди.

Бу тўрт омилнинг комбинацияси Смелзер фикрича, кўчадаги тартибсизликлар ёки зўравонликнинг ёйилишига олиб келиши мумкин. Бироқ бундай инцидентлар ҳаракатга сафарбар қилишга тайёр турган ташкилий гуруҳлар бўлмаса, ижтимоий ҳаракатнинг пайдо бўлишига олиб келмайди. Ижтимоий ҳаракат пайдо бўлиши учун етакчи бўлиши, қатнашчилар орасида мунтазам алоқа воситалари бўлиши, шунингдек молиявий ва моддий заҳиралар мавжудлиги зарурдир. Ниҳоят, ижтимоий ҳаракат шаклланишининг характериға ижтимоий назорат жараёни кучли таъсир ўтказади. Ҳуқмрон доиралар ҳаракатларнинг келиб чиқишини рағбатлантирадиган тузилмавий омиллар ва тарангликларга аралашини мумкин. Масалан, этник тарангликлар вазиятида норозилик ва низони келтириб чиқарган этник тенгсизликнинг очиқ жиҳатларини бартараф қилиш учун ҳаракатлар қилиниши мумкин. Ижтимоий назоратнинг бошқа жиҳати полиция ва қуролли кучларнинг муносабати билан боғлиқ. Юқорида кўриб ўтганимиздек, кучлар институтларидаги бўлиниш революцион ҳаракатлар ва мавжуд ҳокимият ўртасидаги тарафкашликда ҳал қилувчи омил бўлиши мумкин.

Смелзер модели ижтимоий ва коллектив ҳаракатлар шаклланиши босқичларининг пайдар-пайлигини таҳлил қилишда фойдали бўлиши мумкин. Унинг фикрича бу занжирнинг ҳар бир бўғини умумий натижаға «ҳисса» қўшади ва кейинги қадамларнинг қўйилиш шарти ҳисобланади. Бироқ бу назарияни ҳам кам-кўстсиз, деб бўлмайди. Баъзан ижтимоий ҳаракат очиқ оммавий тарафкашликка ўхшаш «фаоллаштирувчи» воқеаларсиз ҳам мустақамланиб боради. Аксинча, қатор инцидентлар ўзини вужудға келтирган сабабларни ўзгартиришға йўналтирилган

янги ҳаракатни ташкил қилиш заруратига олиб келиши ҳам мумкин. Ҳаракат зиддиятга жавоб тариқасида эмас, шу зиддиятни фақат очиб қўйиши ҳам мумкин. Масалан, аёллар ҳаракати тенглик учун ва гендер дискриминацияни бартараф қилиш учун фаол ҳаракат кўрсатмоқда, гарчи аввал бундай муаммо йўқ бўлса ҳам. Смелзер назарияси ижтимоий ҳаракатларни вазиятга «жавоб» сифатида талқин қилади ва бунда ҳаракат аъзоларининг ўз-ўзидан муайян ижтимоий ўзгаришларни содир этиш учун ташкил бўлишини назарда тутмайди. Шу нуқтаи назардан унинг ғоялари Ален Турэн ёндашувиغا мутлақо зиддир.

Ален Турэн: тарихийлик

Турэн ҳозирги жамиятларда мақсадга эришиш йўлида фаоллик кўрсатишга катта аҳамият берилаётганлигини ижтимоий ҳаракатлар акс эттиради, деб таъкидлайди.²¹ Ҳозирги жамиятлар учун, дейди у, тарихийлик сингари хусусият, яъни ижтимоий жараёнларни билиш, мавжудлигимизнинг ижтимоий шароитларини ўзгартиришга қаратиладиган дунёқараш хосдир. Масалан, мактаблардаги тенгсизликнинг сабаблари ва тарқалиш кўламини билиш Қўшма Штатлардаги фуқаролик ҳуқуқлари учун ҳаракатнинг ўсишига таъсир кўрсатган омиллардан бири бўлди. Турэнни ижтимоий ҳаракатларнинг негизда ётган шароитлар эмас, балки шу ҳаракатлар ўз олдига қўйган мақсадлар қизиқтирди. Ижтимоий ҳаракатлар ижтимоий тенгсизлик ва адолатсизликка иррационал реакциялар туфайли эмас, мана шу адолатсизликни бартараф этишга имкон берадиган стратегияга амал қилиб ривожланидилар.

Ижтимоий ҳаракатлар, деб ҳисоблайди Турэн, ихоталанган уюшма шакллари сифатида тушунилиши мумкин эмас. Уларнинг ривожланиши бошқа гуруҳлар билан, баъзан рақобатчи ҳаракатлар билан антагонизм ҳолида юз беради. Ҳар бир ҳаракатни ўз манфаат ва мақсадлари бор, булар учун у кураш олиб боради, шунингдек у инкор қиладиган қарашлар ва ғоялар ҳам мавжуд. Турэн фикрига кўра ижтимоий ҳаракатлар ҳақидаги мавжуд назариялар (шу жумладан Смелзер концепцияси ҳам) қарама-қарши ғоялар эгаларига қарши кураш ҳаракат таъсирига ва бу ҳаракатлар ўз муҳолифларининг қарашлари ва ҳаракатларига қай тарзда таъсир ўтказишига етарли аҳамият бермайди. Масалан аёллар ҳаракатининг мақсад ва идеаллари эркаклар томонидан бошқариладиган институтларга очиқ муҳолифат шаклида шаклланди ва уларнинг мақсади шу институтларни ўзгартиришда эди. Ҳаракатнинг ютуқлари ва мағлубиятлари билан биргаликда мақсадлар ҳам ўзгариб боради. Аёллар ҳаракатининг мақсадлари эркакларнинг нуқтаи назарларига ҳам таъсир ўтказди. Кейинчалик дунёқарашдаги ўзгаришлар аёллар ҳаракатига йўна-

²¹ *Tourain Alain. The voice and the Eye: An analysis of Social Movements, Cambridge, 1981.*

лишларнинг ўзгаришига ҳам сабаб бўлди ва бу жараён давом этмоқда.

Турэн таъкидлашича, ижтимоий ҳаракатларни ҳаракат майдонлари, деб аталадиган ҳодисалар контекстида олиб қараш керак. Мазкур атама ижтимоий ҳаракат ва у қарши қаратилган куч ёки таъсирлар ўртасидаги алоқани назарда тутади. Муайян ҳаракат майдони билан боғлиқ бўлган ўзаро «музокаралар» жараёни вазиятнинг ўзгаришига олиб келиши ҳатто, томонларнинг позициялари қўшилиб кетишига ҳам олиб келиши мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам ҳаракат ўз мавжудлигини тугатиши ёки доимий ҳаракатдаги ташкилотга айланиб институционаллашуви мумкин. Касаба уюшмалари масалан улар томонидан забастовка ҳуқуқи қўлга киритилгач ва ишчиларга ҳам тадбиркорларга ҳам мақбул бўлган музокара шакллари ишлаб чиқилгач расмий ташкилотга айланди. Шундай қилиб, келишув бир вақтлар мавжуд бўлган ўзаро тарафкашлик ва ўзаро зўравонликни бартараф қилди. Агар низо манбаи сақланиб қолса (ишчилар ва иш берувчилар орасидаги ўзаро муносабатларда бўлгани каби), унда янги ҳаракатларнинг пайдо бўлишини кутиш мумкин.

Баҳо

Турэн ёндашувига Селзер концепциясидаги аниқлик етишмайди. Бироқ барибир ижтимоий ҳаракатларнинг қарама-қарши гуруҳ ва ташкилотларнинг ўзаро таъсир ва ўзаро қайта белгилаш жараёнидан ажралмас жараён эканини тушуниш сўзсиз қимматлидир. Бундай таҳлил ўз навбатида индивидларни ўзгартиришга йўналтирилган ҳаракатларда, масалан Эберлнинг қайта тарбиялаш ва альтерация ҳаракатларига нисбатан ҳам, Турэннинг ўзи уларга кам эътибор берган бўлса-да, қўлланилиши мумкин. Аноним алкоголиклар ҳаракати алкоғолнинг одамлар саломатлиги ва ижтимоий ҳаётига таъсирини ўрганишга асосланади. Мазкур ҳаракат алкоғол истеъмол қилишни рағбатлантирувчи рекламага қарши муҳолифат сифатида, шунингдек, ичкиликбозликка бағрикенглик билан муносабатда бўладиган жамиятда ҳис қилинадиган кайфиятга қарши туришга интилиш сифатида майдонга келди.

Ижтимоий ҳаракатлар ва социология

Социолог учун ижтимоий ҳаракат икки баробар қизиқ. Улар тадқиқот учун материал бериши мумкин, бундан ташқари, социологларнинг ўзларини қизиқтираётган ижтимоий хулқ-атворларга нисбатан қарашларини ўзгартириши ҳам мумкин. Масалан аёллар ҳаракати социология учун фақатгина тадқиқот материали сифатида қизиқ эмас. У шаклланиб қолган социологик стереотипларнинг камчиликларини аниқлаб берди, гендер ва ҳокимият муносабатлари муаммосини тушунишга кўмаклашадиган концепцияларни (масалан патриархат концепцияси) иш-

лаб чиқишга таъсир ўтказди. Шундай қилиб, фақат ижтимоий ҳаракатлар ва уларга қарши турувчи ташкилотлар ўртасидагина эмас, балки ижтимоий ҳаракатлар ва социология ўртасида ҳам узлуксиз мулоқот мавжуд.

Бобнинг қисқача мазмуни

1. Кейинги 200 йиллик давомида дунёнинг кўп мамлакатларида революциялар юз берди. 1776 йил Америка революцияси ва 1789 йилги Француз революцияси сиёсий ҳаётда фавқулодда кенг тарқалган идеаллар ва куттишларни майдонга чиқарди.

2. Революция тушунчаси тарих учун жуда мураккаб. Революция, деб тасниф қилинадиган сиёсий ўзгаришлар ўз мақсадларига етиш учун лаёқатли, ҳокимиятни қўлга олиш ва зўрлик ишлатишга, шунингдек, жамиятда ислоҳотлар ўтказишга қобил бўлган оммавий ижтимоий ҳаракатларни тақозо қилади.

3. Революцияларнинг кўплаб назариялари ишлаб чиқилган. Маркс талқини айниқса муҳимдир, фақатгина кўп жиҳатлардан мунозарали бўлган илмий қиммати учун эмас, балки қайсидир маънода жорий асрда юз берган реал революцион жараёнларни шакллантиргани учун ҳам.

4. Революциялар жуда мураккаб жараён бўлгани учун революцион ўзгаришларга олиб келадиган шароитларни умумлаштириш жуда мураккаб. Кўпчилик революциялар эзилган гуруҳлар ҳаётга лаёқатли оммавий ҳаракатларни шакллантириш қобилиятига эга бўлган, ҳукумат ўз бутунлигини йўқотиб қўйган (масалан уруш натижасида) жойларда юз беради. Одатда революциялар қандайдир хусусий мақсадларнинг, уларга эришиш учун шу ҳаракатлар тузилган бўлади, оқибати бўлиб чиқади.

5. Революциядан кейинги режимлар кўпинча авторитар бўлиб, цензура ва назоратнинг бошқа шакллари жорий этади. Одатда революциялар жамият учун чуқур оқибатларга олиб келади, бироқ уларни жамиятнинг кейинги тараққиётига таъсир ўтказувчи бошқа омиллардан ажратиб олиш қийин.

6. Тўданинг ҳаракатлари фақат революция шароитида типик бўлмаган, бошқа унча драматик бўлмаган ҳолатлар, масалан шаҳардаги кўча чиқишларида ҳам намоён бўлиши мумкин. Кўринишдан тўдаларнинг ҳаракати фақат деструктив ва хаотик туюлиши мумкин, бироқ улар кўпинча қатнашчиларнинг муайян мақсадларига хизмат қилади.

7. Ҳозирги жамиятларда ижтимоий ҳаракатларнинг жуда кўп турлари мавжуд. Ижтимоий ҳаракат умумий манфаатларга расмий институтлар соҳасини четлаб ўтиб биргаликдаги ҳаракат воситасида рўёбга чиқариш учун жамоа интилишини тақозо қилади. Социология бундай ҳаракатларни ўрганибгина қолмай, улар кўтарган масалаларга ўзи ҳам жавоб топишга ҳаракат қилади.

Асосий тушунчалар

<i>революция қўзғолон</i>	<i>коллектив ҳаракат ижтимоий ҳаракат</i>
-------------------------------	---

Энг муҳим атамалар

<i>демократия давлат тўнгириши зиддият</i>	<i>революцион террор тўданинг ҳаракатлари фокуслашган тўда</i>
--	--

социализм
коммунизм
мувозанатнинг бузилиши
нисбий депривация
ташкilot
сафарбарлик
кўпгина суверенитет

манфаат гуруҳлари
трансформация ҳаракатлари
ислоҳот учун ҳаракатлари
қайта тарбиялаш учун
ҳаракатлар
альтерация ҳаракатлари
ҳаракат майдони

Қўшимча адабиёт

Zbigniew Brzezinski. *The Grand Failure*. London, 1989. XX асрда коммунизмни парвози ва қулаши муаммоларини ўрганиш, коммунизм ўзи нима экани ҳақидаги мунозаралар.

Ron Eyerman and Andrew Jamison. *Social Movements*. Cambridge, 1991. Ижтимоий ҳаракатлар моҳиятини ўрганишда ҳозирги назарий ёндошувлар ҳақидаги фойдали тадқиқот. Энг янги ижтимоий ҳаракатларга алоҳида эътибор қаратилган.

Chester Hartmen and Pedro Vilanova. *Paradigms Lost: the Post-Cold War Era*. London, 1991. Совет Иттифоқи ва Шарқий Европада коммунизм қулаши муносабати билан дунёдаги вазият ҳақида баҳслар.

Ижтимоий ўзгаришлар: кеча, бугун ва эртага

Инсоният ер юзида салкам ярим миллион йилдан буён мавжуд. Ўтроқ ҳаёт кечиришнинг асоси бўлган деҳқончилик пайдо бўлганидан буён фақат ўн икки минг йилга яқин вақт ўтди. Маданий ҳаёт тарихи бошланганига олти минг йилдан кўп вақт ўтмаган, деб ҳисобланади. Башарти, биз башарият мавжуд бўлган барча вақтни бир суткадан иборат, деб фараз қиладиган бўлсак, у ҳолда деҳқончилик ихтиро қилиниши учун 23 соату 56 минут вақт кетган, маданий ҳаёт 23 соату 57 минутда пайдо бўлган, ҳозир биз яшаб турган жамият учун эса 23 соат 59 минут 30 секунд вақт кетган бўлиб чиқади. Лекин мана шу ўттиз секунд вақт ичида, эҳтимол, «инсониятнинг бутун бир куни» ичида қанча иш қилинган бўлса, шунчалик кўп ўзгаришлар содир бўлгандир.

Ҳозирги даврда юз бераётган ўзгаришлар суръатини технологик жараёнлар тезлиги жуда яхши намоёиш қилиб кўрсатмоқда. Бу ҳақда иқтисодиёт тарихчиси Дэвид Лэндис шундай деб ёзади:

«Ҳозирги замон технологияси маҳсулотни кўп ва тез ишлаб чиқарибгина қолмай, яна шундай предметларни ҳам яратмоқдаки, уларни оддий касибчилик усуллари билан ва ҳунармандчилик устахоналаридаги ўтмиш имкониятлари билан ишлаб чиқариш умуман мумкин бўлмас эди. Ҳатто, энг яхши ип йигирувчи ҳинд аёли ҳам ўтмишда ҳозирги замон мюль машинаси тайёрлаб бераётган ип сингари ингичка ва пухта ип тайёрлай олмаган бўлур эди; ўн саккизинчи асрда христиан оламидаги темирчилар йиғилиб, ўз кучларини бир ерга жамлаб ишлаганларида ҳам ҳозирги замон прокат станининг биттаси билан ишлаб чиқарилган миқдоридagi ва ўшандай юқори сифатли пўлатни ишлаб чиқара олмаган бўлур эди. Бундан ҳам муҳимроғи — ҳозирги замон технологияси: фотоаппарат, автомобиль, самолёт сингари ажойиб буюмларни, радиодан бошлаб то юқори тезлик билан ишлайдиган компьютерлар ва атом электростанциясигача бўлган электрон қурилмаларнинг бутун бир диапазонини яратиб қўйди ва ҳозир ҳам деярли чексиз-чегарасиз янги-янги ихтиролар қилмоқдаки, ўтмиш одамлари, афтидан, бундай бунёдкорликни тасаввур ҳам қила олмаган ва тушуна олмаган бўлур эдилар. Бунинг натижасида товарлар ва хизматлар ҳажми беқийёс миқёсларда ўсди ва хилма-хиллик касб этди. Фақат мана шунинг ўзиёқ одамларнинг турмуш тарзини шу қадар ўзгартириб юбордики, бунга ўтмиш замонлардаги оловнинг кашф этилишига тенглаштириш мумкин. XVIII асрнинг ўрталарида яшаган инглиз киши (инглиз аёли ҳам) моддий жиҳатдан олганда ўзларининг эвара-чевараларига нисбатан Цезарь легионерларига нисбатан турганидан яқинроқ даражада турар эдилар»¹.

¹ *Landes David S. The Unbound Prometheus. Cambridge, 1969.*

Ҳозирги замон турмуш тарзи ва ҳозирги ижтимоий инсти-
тутлар ҳатто энг яқин даврни олиб қаралганда ҳам ундаги ҳаёт-
дан тубдан фарқ қилади. Қандайдир икки-уч аср мобайнида —
бу вақт тарих учун бир дақиқа — инсоният ўз ҳаётини неча
минг йиллар мобайнида белгилаб келган ижтимоий тартиблар-
ни тугатишга муваффақ бўлди.

Сўнги ярим аср мобайнида ўзгаришлар суръати сусайма-
ди, ҳатто аксинча, анча тезлашиб кетди ҳамда бизнинг авлоди-
миз истиқболи илгари ўтган барча авлодларнинг аҳволидан кўра
анча яхшироқ даражага етди. Илгари ўтган авлодларнинг яшаш
шароитлари хавфсиз эмас эди, одамлар ҳаётига ҳар доим оч-
лик, касаллик, табиий офатлар хавф солиб турар эди. Бутунги
кунда саноати ривожланган мамлакатларда биз бундай хавф-
хатарлардан амалда тўла ҳимоя қилинганмиз; бизнинг келажа-
гимизга нисбатан ғам-ташвишларимиз бошқачароқдир. Бу таш-
вишлар — бизнинг ўзимиз эрк бериб қўйган ижтимоий кучлар
вужудга келтирган хавф-хатарлардир.

Ижтимоий ўзгариш тушунчаси

Ижтимоий ўзгаришга қандай таъриф бериш мумкин? Маъ-
лум маънода ҳамма нарса ҳар доим ўзгариб туради. Ҳар бир
кун — бу янги кун, ҳар бир дам — бу вақтнинг янги бир
дақиқасидир. Юнон файласуфи Гераклит бир вақтлар, “бир
дарёга икки марта тушиб бўлмайди”, деб кетган экан, чунки
дарёга иккинчи бор тушмоқчи бўлганингизда аввалги сувлар
оқиб кетган, дарё бошқа бўлиб қолган бўлади. Худди шунга
ўхшаш, одам ҳаёти ҳам ўзгариб туради. Бу ўхшатиш маълум
маънода тўғри бўлса-да, лекин бизнинг ҳар биримиз, одатда,
ҳар икки ҳолда ҳам ҳеч нарса ўзгармайди — дарё ҳам, одам ҳам
ўша-ўша ўзгармай қолаверади, деб ҳисоблашга мойил бўламиз.
Албатта, дарё оқимининг манзарасида ҳам, шунингдек, одам
шахсида ҳам, ўзининг сувга тушиб ҳўл бўлган оёқлари билан
соҳилда турган кишининг jisмоний хусусиятларида ҳам, маъ-
лум вақт ўтган бўлишига қарамай, аслида ўзгармай қолган деб
ҳисоблаш учун етарли белгилар сақланиб қолади.

Содир бўлган ўзгаришнинг моҳиятини аниқ англаш учун
мазкур объект ёки вазият муайян вақт ичида қандай ўзгарган-
лигини, унинг структураси нақадар чуқур ўзгарганлигини бел-
гилаб олиш зарур. Агар гап инсоният жамияти тўғрисида бора-
диган бўлса, тузум ўзгаришлар жараёнига қай даражада ва қай
тахлитда дуч келганлиги масаласини ҳал қилиш учун муайян
бир давр мобайнида мавжуд бўлган асосий институтларнинг
модификация даражаси қандай бўлганлигини аниқлаб олиш
лозим. Ҳар қандай ўзгаришларни ҳисобга олиш, шунингдек, бу
ўзгаришларда барқарор бўлиб қоладиган ҳолатларни алоҳида
ажратиб кўрсатишни тақозо этади, чунки бу мазкур жараён-
нинг асоси ҳисобланиб, унинг фониди ўша ўзгаришлар аниқ-

лаб олинади. Ҳатто ҳозир сиз билан биз яшаб турган, бугунги шиддат билан яшаётган дунёда ҳам ўз илдишлари узоқ ўтмишга бориб тақаладиган ҳодисалар мавжуд. Масалан, христианлик ва ислом дини сингари ғоят муҳим диний тизимлар ҳозир ҳам худди илгаригидек, бундан икки минг йил муқаддам пайдо бўлган ғоялар ва амалиётларга асосланади. Шунга қарамай ҳозирги замон ижтимоий институтларининг кўпчилиги анъанавий жамият институтларига қараганда анча жадал суръатлар билан ўзгариб бормоқда.

Мазкур бобда биз умуман жаҳон тарихининг боришига ўз таъсирини ўтказган ўзгаришларни изоҳлашдаги турлича уринишларни қараб чиқамиз; сўнгра биз нима сабабдан ҳозирги давр алоҳида чуқур ва тез содир бўлаётган ижтимоий ўзгаришлар билан характерли бўлаётганлиги тўғрисидаги масалага муурожаат қиламиз. Шундан кейин биз бугунги кунда етакчи масала ҳисобланган ҳозирги жамият тараққиёти йўналишларини муҳокама қиламиз.

Ижтимоий ўзгаришлар назарияси

Инсоният тарихи давомида содир бўлган ўзгаришларнинг умумий механизмларини англаб етиш учун фойдаланилган назарий моделлар ичида ўзининг муҳимлиги ва аҳамиятли жонлиги жиҳатдан иккита модел кўпроқ даражада ажралиб туради. Биринчиси — бу ижтимоий эволюционизм бўлиб, бунда биологик ўзгаришлар билан ижтимоий ўзгаришлар ўртасида алоқа ўрнатишга интилиш йўли билан ёндашув муҳим ўрин тутди. Иккинчиси — тарихий материализм концепцияси бўлиб, бу назария Маркс таълимотига бориб тақалади, ушбу концепция кейинчалик кўпчилик бошқа муаллифлар томонидан ривожлантирилган ва қўшимчалар киритилган.

Эволюцион назариялар

Барча ижтимоий ўзгаришларга оид эволюцион концепциялар очик-ойдин кўриниб турган битта фактдан келиб чиқади. Бутун тарих давомида учрайдиган инсоният жамиятларининг ҳар хил типларини бир-бирига солиштириб, қиёслаб кўриладиган бўлса, у ҳолда шу нарса аниқ бўладики, бу соҳада тобора юксалиб борадиган — мураккаблик томон ўсиб борадиган умумий бир ҳаракат содир бўлади (қаранг: “Маданият ва жамият”, 2-боб). Башарият тараққиётининг илк босқичларида биз аниқлаган овчилар ва турли нарсаларни йиғиб-тўплаб юрувчи кишиларнинг қабилалари (гарчи уларнинг айримлари ҳозирга қадар мавжуд бўлсалар ҳам), анча кейинги тарихий даврда вужудга келган деҳқончилик жамоаларига қараганда бир мунча соддароқ структурага эга бўлганлар. Масалан, овчилар ва термачилар қабилаларида алоҳида ҳукмрон гуруҳлар ёхуд қишлоқ хўжалик жамоалари учун одатдаги ҳол бўлган сиёсий ҳокимият ҳам мав-

жуд бўлмаган. Анъанавий давлатлар янада мураккаброқ ва янада кенгроқ миқёсли тус ола борган: уларда энди аниқ ифода этилган синфий бўлиниш мавжуд бўлиб, шунингдек, сиёсий, ҳуқуқий, маданий институтларнинг ривожланиб бориши яққол кўзга ташланиб турарди. Ниҳоят, ўзининг мураккаблиги жиҳатидан устун турадиган саноатлашган жамиятлар пайдо бўлди: бундай махсус институтлар ва ташкилотлар сони мазкур жамиятларда ҳаддан ташқари кўпайиб борди.

Мураккаблашув жараёнини таҳлил этувчи тадқиқотчилар кўпинча дифференциация тушунчасини ишлатадилар. Жамият мураккаблашиб боргани сари илгари биргаликда, яхлит ҳолда мавжуд бўлган ижтимоий ҳаёт соҳалари дифференциация қилиниб — табақалана бошлади, яъни бир-биридан ажрала бошлади. Табақаланишнинг кучайиб бориши ва инсоният жамиятининг мураккаблашуви, эволюционистларнинг таъкидлашича, биологик турларнинг шаклланиш жараёнлари билан қиёс қилиб, таққосланиши мумкин. Биологик эволюция ҳам оддийликдан анча мураккабликка томон йўналтирилган бўлади. Эволюцион тараққиётнинг энг қуйи босқичида мавжуд бўлган амёба сингари жонзотлар организмнинг тузилиши ундан кейин дунёга келган ҳайвонлар организмнинг тузилишига қараганда анча соддадир.

Ҳайвонларнинг оддий организмдан анча мураккаброқ бўлган организмга қараб ривожланиб боришидаги биологик эволюция жараёни ўша ҳайвонларнинг атроф-муҳитга мослашуви, деган тушунча асосида изоҳлаб берилади — яъни бу ривожланиш ҳайвонлар теvarак-атрофдаги моддий муҳитга қай даражада яхши мослаша олишига боғлиқ бўлади (қаранг: “Тамаддун ва жамият”, 2-боб). Анча мураккаброқ бўлган организмлар ўз атрофидаги муҳитга оддий организмларга нисбатан кўпроқ даражада мослашиш ва яшаб кетиш қобилиятига эга бўладилар. “Бундан чиқадиган хулоса шуки, дейди эволюционистлар, биологик ривожланиш билан жамиятларнинг тарихий типлари изчил алмашилиб туриши ўртасида ўхшашлик ўз-ўзидан кўриниб турибди. Жамият қанчалик мураккаб бўлса, у шунчалик кўпроқ “яшаб кетиш”, қобилиятига эга бўлади”.

Ижтимоий дарвинизм

XIX асрда вужудга келган дастлабки ижтимоий эволюция назарияларида эволюционизм кўпинча прогресс — тараққиёт билан, яъни жамиятнинг маънавий жиҳатдан анча такомиллашган шаклдаги ҳаракати билан боғлаб тушунтирилган. XIX-XХ асрлар чегарасида айниқса кенг тарқалган мазкур йўналишдаги вариантлардан бири ижтимоий дарвинизм эди. Унинг номидан ҳам кўриниб турганидек, ижтимоий дарвинизм Чарльз Дарвиннинг биологик эволюцияга бағишланган асарлари таъсири остида вужудга келган. Мазкур назарияда таъкидланишича, инсоният жамиятлари ўртасида ҳам худди биологик орга-

низмлар ўртасида бўлгани сингари яшаш учун кураш бўлади. Ҳозирги замон Ғарб жамиятлари ушбу курашда устун келдилар ва шундай қилиб, улар инсоният эришган ижтимоий тараққиётнинг энг юқори босқичига чиқиб олдилар. Баъзи бир муаллифлар ижтимоий дарвинизм ғояларидан оқ танли кишиларнинг қора танлилардан гўё устунлигини оқлаш учун фойдаландилар, ирқчиликни тасдиқловчи “илмий” асарлар яратдилар; ушбу назариядан ғарбнинг устувор мавқеини қўллаб-қувватлаш учун фойдаланилди. Ушбу назариянинг кенг тарқалган чўққиси Европа давлатлари ўртасида “Африка учун кураш” бошланган даврга тўғри келади — бу ҳол то ҳозирги замон антропология фани пайдо бўлгунча давом этди. Бу фан биринчи марта одамзот маданиятларининг ғоят хилма-хиллигини, унинг ранг-баранглигини намойиш қилиб кўрсатди ва бу билан ижтимоий дарвинизм асосини ташкил этган европача дунёқарашга барҳам берилди. 1920 йилларнинг охирига келиб ижтимоий дарвинизм узил-кесил дискредитация қилинди, шу билан бирга умуман ижтимоий эволюционизмнинг оммавийлиги ҳам тугаб, унинг обрўси тушиб кетди.

Бир йўналишдаги ва мультилинияли эволюция

XIX аср ижтимоий эволюция назарияси кўпинча бир йўналишдаги эволюция тарзида талқин этилиб, у оддийликдан мураккаблик томон ўсиб борадиган инсоният жамияти тараққиётининг ягона йўли сифатида мавжуд бўлиши таъкидлаб келинди. Барча жамиятлар ўзининг юқори чўққисига эволюция йўли билан чиқиш учун тараққиётнинг бир хил босқичларидан ўтишлари зарур, деб ҳисоблаб келинган. Сўнгги бир неча ўн йилликлар ичида социология соҳасида эволюцион назарияларнинг ўзига хос қайта туғилиши содир бўлди, бироқ бунда бир йўналишдаги эволюцияга эмас, балки мультилинияли эволюцияга кўпроқ урғу берилди.² Мультилинияли назариялар жамиятни бир типдан бошқа бир типга олиб борадиган тараққиёт йўллари турлича кўринишда мавжуд бўлиши мумкин, деб ҳисоблайди. Бундай қарашларга мувофиқ, жамиятнинг турли типлари уларнинг мураккаблиги ва табақаланишига қараб классификация қилиниши мумкин, лекин барча жамиятлар ўтиши шарт бўлган ягона бир йўл мавжуд эмас.

Мультилинияли эволюция назариясининг тарафдорлари, шунингдек, теварак-атрофдаги муҳитга мослашувнинг кучайиб бориши ўзгаришларнинг асосий механизми бўлди, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг назарида, жамиятнинг ҳар бир навбатдаги типи ўзидан аввалги, ўзидан кўра соддароқ жамиятга қараганда атроф-муҳитга анча самарали даражада мослашган бўлади. Массалан, аграр жамият озиқ-овқат маҳсулотларини доимий ра-

² Sahlins M. And Elman Service. Evolution and Culture. University of Michigan Press, 1960; Gerhard Lenski and Jean Lenski. Human Societies. New York, 1982.

вишда қидириб топишда овчилар ва термачилар қабиласига қараганда анча яхшироқ таъминланган бўладилар. Бироқ, шунга қарамай, ҳозирги замон эволюционистлари “прогресс” сингари мослашув қобилиятининг такомиллашиб боришини изоҳлашдан ўзларини олиб қочадилар.

Талкотт Парсонснинг эволюция назарияси

Талкотт Парсонс томонидан ривожлантирилган эволюция назарияси замонимиздаги энг таъсирчан назариялардан бири ҳисобланади. У ижтимоий эволюцияни биологик эволюциянинг кенгайиб бориши деб ҳисоблашни таклиф қилади, ҳолбуки амалий жиҳатдан қараганда, бу икки эволюциянинг механизмлари турличадир. Мана шу эволюцияларнинг ҳар иккала типини бирга қўшиб эволюцион универсаллар деб аталадиган атамалар тарзида тушуниш мумкин, яъни бунда тараққиётнинг шундай типлари англашиладики, улар бир неча ҳолларда бир-бирига боғлиқ бўлмаган шароитда мавжуд бўлиши аниқланади ҳамда ўзининг ҳаётгийлик даражасини анча ошириб боради. Табиат оламида кўз эволюцион универсалиянинг бир мисоли ҳисобланади. У жонли табиатнинг қандайдир алоҳида ажратиб қўйилган бурчагида тасодифий тарзда шунчаки пайдо бўлмай, балки бир неча турларда бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланиб борган. Кўрмайдиган турларга нисбатан олганда, кўриш қобилияти атроф-муҳитдаги ўзгаришларга мувофиқ равишда содир бўладиган реакциялар спектрини беқиёс даражада ошириш имконини беради ва шунинг учун ҳам гоят улкан адаптацион қимматга эга бўлади. Биологик эволюциянинг барча олий босқичларида кўриш қобилияти барча ҳайвонлар учун зарурий бир белгига айланиб боради.

“Ҳар қандай инсоний маданиятда, деб таъкидлайди Парсонс, коммуникация асосий аҳамият касб этади”. Шундай қилиб, тил — бу бирламчи ва энг муҳим эволюцион универсалия бўлади; биз ҳали тилга эга бўлмаган одамлар жамиятини билмаймиз. Ижтимоий ҳаётнинг энг олдинги, ҳатто илк шаклларида ҳам мавжуд бўлган яна уч универсалия бўлиб, булар — дин, қариндошлик муносабатлари ва технологиядан иборатдир. Мана шу тўртта универсалия инсоният жамияти учун шу қадар муҳим аспектлар орқали бир-бири билан боғлиқки, бусиз ҳеч қандай ижтимоий эволюция жараёнининг бўлиши мумкин эмас.

Парсонснинг нуқтаи назарига мувофиқ, ижтимоий эволюцияни ижтимоий институтлар табақаланишини тезлаштирувчи бир жараён сифатида тушуниш ҳам мумкин, чунки жамият оддийликдан мураккабликка қараб ривожланиб боради. Жамиятларнинг дастлабки типлари жуда паст даражада табақалаштирилган бўлиб, улар учун Парсонс “Конструктив символизм” деб атаган хусусият характерлидир. Мазкур ҳолатда гап ижтимоий ҳаётнинг амалда барча жабҳаларига сингиб бораётган, асосан диний характерда бўлган тимсоллар тўплами мав-

жудлиги тўғрисида бормоқда. Ижтимоий эволюциянинг энг қуйи босқичида бўлган маданиятни мисол тариқасида келтирган Парсонс (худди Дюркгейм сингари) Австралия аборигенлари қабила-сини қараб чиқади. Ушбу жамиятлар бутунлай қариндош-уруғчилик муносабатларига асосланган ҳолда тузилган бўлиб, улар, ўз навбатида, диний қарашларни ифода этади, шунингдек, улар ҳўжалик фаолияти орқали бир-бирига боғлиқ бўлади. Мазкур жамиятларда индивидларнинг шахсий мулклари жуда оз миқдорда бўлган; қабила доҳийларининг институти қандайдир фарқли бир шаклда мавжуд бўлмаган; уларда ишлаб чиқариш ҳам бўлмаган, чунки, яшаш учун зарур бўлган неъматларни овчиликдан ва йиғувчи-теримчиликдан топганлар.

Эволюциянинг шундан кейинги босқичи — бу “ривожланган қадимги жамият” даражасидир. Ушбу типда эгалитар муносабатлар ўрнига стратификация тизими келади, бунда жамиятнинг синфий бўлиниши билан бир қаторда яна этник жиҳатдан бўлиниши ҳам мавжуд бўлади. Қадимги ривожланган жамиятларда алоҳида ишлаб чиқариш тизими вужудга келиб, у чорвачиликка ёки деҳқончиликка, шунингдек, доимий яшаш жойи — ўтроқликка асосланган бўлади. Дин ижтимоий ҳаётнинг бошқа жабҳаларидан ажралиб чиқа бошлайди ҳамда диний раҳбарлик махсус ижтимоий гуруҳлар — руҳонийлар ёхуд қоҳинлар қўлига ўтади.

Мана шундай шкала бўйича ҳаракат қилиб борар эканмиз, Парсонс “оралиқ жамиятлар” деб атаган жамиятларга дуч келамиз. У ушбу термин билан кўпчилик муаллифлар маърифатли жамият деб атайдиган жамиятларни ёки қадимги Миср, Рим ва Хитой сингари анъанавий давлатларни атайди. Бундай жамиятлар бир-бирлари билан ёзув ва саводхонлик вужудга келганлиги тўғрисида ўзаро алоқада бўлганлар. Дин яна ҳам мураккаблашиб, систематик технологиянинг ривожланишига олиб келади ҳамда у энди сиёсий, иқтисодий ва оилавий муносабатлардан ажралиб, ўзича мутлақо мустақил бўлган алоҳида бир куч сифатида майдонга чиқади. Сиёсий раҳбарлик қилиш давлат маъмурияти шаклини олиб, унинг тепасида оқсуяклар туради. Мазкур босқичда яна бир қатор янги эволюцион университетлар: сиёсий легитимликнинг алоҳида шакллари, бюрократик ташкилотлар вужудга келади, пул алмашуви бошланади ҳамда махсус қонунлар тизими пайдо бўлади. “Мана шуларнинг ҳар бирининг пайдо бўлиши, деб таъкидлайди Парсонс, жамиятнинг ўз таркибига тобора кўпроқ кишилар оммасини жалб этиш имкониятларини кўп марта ошириб юборади”.

Саноатлашган жамиятлар Парсонс эволюцион схемасида энг юқори босқични эгаллайди. Улар оралиқ типдаги жамиятларга қараганда ғоят кўпроқ даражада табақалаштирилган бўлади. Улардаги сиёсий ва иқтисодий тизимлар бир-биридан, шунингдек, қонун чиқарувчи тизимдан ва диндан қатъий равишда ажратиб қўйилган. Оммавий демократиянинг пайдо бўлиши

бутун аҳолини сиёсий жараёнда иштирок этиши учун имкониёт яратиб беради. Саноатлашган жамиятлар ўзидан олдинги жамият типларига қараганда анча каттароқ ҳудудий яхлитликка эга бўлганлар ҳамда бир-бирларидан аниқ чегаралар билан ажратиб қўйилганлар. Саноатлашган жамиятлар институтлари томонидан мутлақо ҳаётийлик таъмин этилганлиги саноатлаштириш тартиби бутун дунёга тарқалиб кетганлиги тўғрисидаги факт билан ҳам жуда яхши тасдиқланадики, бу ҳол ижтимоий тузумларнинг қадимги типларининг деярли батамом йўқолиб кетишига олиб келди.

Баҳолаш

Эволюцион назариялар ўзининг энг сўнгги ва нозик ҳолга келтирилган анчагина қийинчиликларга рўбарў келмоқда.³ Шу нарса унчалик аниқ эмаски, гўё одамлар жамиятининг тараққиёт табиат оламидаги эволюцияга ўхшаш эмиш, мослашув тушунчаси эса, афтидан, социология учун камроқ қимматга эгадир. Биологияда адаптация-мослашув ўзининг гоят аниқ мазмун-маъносига эгадир ва у шундай усуллар қаторига кирадики, уларнинг ёрдамида баъзи бир организмларнинг тасодифан зуҳур этилган характеристикаси уларнинг яшаб кетишига ёрдам беради ҳамда уларнинг бир авлодидан иккинчи авлодига ирсий йўл билан ўтадиган генларига таъсир кўрсатади.⁴ Ижтимоий эволюционизм ҳодисасида бунга ўхшаган аниқ ифода этилган маъно-мазмун мавжуд бўлмайд.

Жамиятнинг мураккаблик даражасига қараб худди биологик организмларнинг классификациясига ўхшаган усул билан классификация қилиш биз учун фойдали бўлади, деб тўла асос билан таъкидлаш мумкин эмас. Масалан, овчилар ва термачилар қабилалари баъзи бир жиҳатдан ўзларининг кам сонли эканликларига ҳам қарамасдан, саноатлашган жамиятлардан кўра мураккаброқдир: ушбу жамиятларда мавжуд бўлган қариндош-уруғчилик муносабатлари тизими одатда саноатлашган мамлакатлардаги шунга ўхшаш муносабатларга қараганда хийла мураккаброқ.

Анча кейинроқ пайдо бўлган эволюцион назариялар илгаригилардан ўзининг бирмунча теранлиги ва пухталлиги билан фарқ қилади. Гарчи биз инсоният кичик жамоалардан бироз йирик жамоалар томон ижтимоий ривожланиб боришда умумий бир йўналиш мавжуд, деб айтишимиз мумкин бўлса-да, бироқ бундай ҳолни мослашув ва яшаб кетиш атамаларида изоҳлаб бериш мумкинлиги ҳақиқатга тўғри келмайди. Ижтимоий ва маданий ўзгаришларнинг табиати, афтидан, эволюцион назарияларда таҳмин қилинганига қараганда анча мураккаброқдир.

³ Gellner Emes. Thought and Change8 London, 1964. Giddens Anthony. The constitution of Society. Cambridge, 1984.

⁴ Allang Alexander. Adaptation in Cultural Evolution. New York, 1970.

Тарихий материализм

Ижтимоий ўзгаришларнинг Марксча таъриф этилиши ни-маса биландир эволюцион назарияларга ўхшаб кетади. Ҳар ик-кала ҳолда ҳам ўзгаришлар асосида моддий муҳит билан ўзаро таъсир кўрсатиш ҳодисаси мавжуд, деб талқин этилади. Маркс-нинг фикрича, ҳар бир жамият иқтисодий базисга ёки инфра-структурага асосланадики, унинг ўзгариши устқурмада тегишли ўзгаришларга — сиёсий, қонун чиқарувчи ва маданий инсти-тутларда муайян ўзгаришлар бўлишига олиб келади. Маркс “адап-тация” — яъни мослашиш тушунчасидан фойдаланмайди. Бу, афтидан, унга ҳаддан ташқари механик тушунча бўлиб туюлган бўлса керак. Унинг нуқтаи назарича, дунёга фаол муносабатда бўлиш, уни бошқариб туриш ва ўз мақсадларига бўйсундириш-га интилиш инсонга хос бўлган хусусиятдир; одамлар атроф-муҳитга шунчаки “мослашиб” ва “унча қўшилиб” кетавермай-дилар.

“Ижтимоий ўзгаришларни тушунишнинг калити, деб таъ-кидлайди Маркс, турли усул-услуглар ҳисобланади. Одамлар мана шу усул-услуглардан фойдаланган ҳолда тобора мурак-каброқ ва такомиллашган ишлаб чиқариш тизимларини ярата-дилар, моддий дунёни ўз мақсадларига бўйсундириб, ўзлари-нинг ана шу моддий дунёга таъсирларини кучайтириб боради-лар”. Ушбу жараёни Маркс ишлаб чиқариш кучларининг ўси-ши сифатида баён этади ёки бошқача қилиб айтганда, у буни жамият иқтисодий ютуқларининг даражаси деб атайди. Унинг нуқтаи назари бўйича, ижтимоий ўзгаришлар фақат аста-секин ривожланиб борувчи жараёнлар сифатида содир бўлибгина қол-май, шу билан бирга, бу ўзгаришлар революцион қўзғалишлар сифатида ҳам содир бўлиши мумкин. Ишлаб чиқариш кучлари ва бошқа институтларнинг аста-секин қайта қуриш давлари кескин революцион трансформациялар фазалари билан алма-шиниб туради. Бу ерда гап ўзгаришларнинг диалектик талқини деб аталадиган изоҳлар ҳақида бормоқда. Ҳақиқатан ҳам, жа-миятдаги хийла муҳимроқ аҳамиятга молик бўлган ўзгаришлар айна тўқнашувлар, курашлар ва катаклизм жараёнларида на-моён бўлади.

Ишлаб чиқариш кучларида содир бўладиган ўзгаришлар устқурма институтларида зўриқиш ҳосил қилади ва бундай зўри-қишлар қанчалик кучли бўлса, жамиятни тўла ва ҳар томонла-ма янгилаш — трансформация қилиш зарурати ҳам шунчалик кучли бўлади. Синфлар ўртасидаги кураш тобора кескин тус олади ва алал-оқибатда мавжуд институтларнинг барбод бўли-шига ёхуд сиёсий революция воситасида янги ижтимоий тар-тиб ўрнатилишига олиб келади.

Маркс назариясининг манзараси сифатида Европанинг фео-дализм ўрнини саноатлашган капитализм олган даврдаги тари-хи таҳлилини келтирамиз. Феодал иқтисодий тизим кичик миқёсдаги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига асосланган

бўлиб, ундаги асосий ижтимоий синфлар зодагонлар ва крепостной деҳқонлардан иборат бўлган. Маркснинг фикрича, савдо ва технология (ишлаб чиқариш кучлари) ривожланиб боргани сари инфраструктурада ҳам силжишлар бошланади. Бу эса шаҳарларда асосан капиталистик саноат корхоналари билан боғлиқ бўлган янги иқтисодий муносабатлар системасининг пайдо бўлишига олиб келди. Эски қишлоқ хўжалик иқтисодий тартиблари билан янги туғилиб келаётган капиталистик саноат системаси ўртасида бир қатор зиддиятлар вужудга келади. Зодагонлар билан капиталистларнинг янги синфи ўртасида юз берган конфликт — зиддиятлар революцияга олиб келди, бу эса жамиятнинг янги типи ўрнатилганини англатар эди. Бошқача қилиб айтганда феодализм ўрнига капитализм келди.

Танқидий мулоҳазалар

Маркс гоёлари, шубҳасиз, бир қатор йирик тарихий силжишларни тушуниб олишга ёрдам беради. Ўзини “марксист” деб ҳисобламайдиган жуда кўп тарихчилар ва социологлар феодализмнинг барбод бўлиши ва ҳозирги замон капитализмининг вужудга келишини тушунтириб бериш учун Маркс фикрларини қабул қилиб, уларнинг кўпини ўзларича талқин қиладилар. Шунга қарамай, барибир, ижтимоий ўзгаришларни таҳлил қилиш масаласига умумий ёндашув сифатида қаралмайдиган бўлса, Маркс назарияси муҳим чекланишларга ҳам эгадир. Унда бошқа тарихий формациялар ушбу схема билан қай даражада муваффақиятли талқин этилиши аниқ эмас. Масалан, баъзи бир археологлар Маркснинг назарияси асосида илк маданий-маърифий ҳаётнинг ривожланишини тушунтириб беришга ҳаркат қилганлар.⁵ Улар синфий жамият вужудга келиши учун ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши кифоя қилади, шу вақтда маърифий-маданий ҳаёт ҳам пайдо бўлган, деб таъкидлайдилар. Бундай қараш кам деганда жуда соддалаштирилган тушунчадир, чунки анъанавий давлатлар, асосан, ҳарбий экспансия натижасида вужудга келган. Бунда сиёсий ва ҳарбий куч кўп ҳолларда ишнинг натижаси сифатида эмас, балки бойликка эга бўлиш учун бир восита сифатида хизмат қилган. Бундан ташқари Ҳиндистон, Ҳитой ва Япония сингари энг йирик шарқ мамлакатларидаги маърифий-маданий ҳаётнинг вужудга келишини тушунтириб бериш учун Маркс назарияси мутлақо яроқсиз бўлиб чиқди.

⁵ Childe V. Gordon. Man Makes Himself. London, 1956.

Назариянинг камчиликлари

Вебернинг ўзгаришларга изоҳи

Макс Вебер эволюцион назарияни ҳам, Маркснинг тарихий материализмини ҳам танқид остига олади. “Моддий дунёга мослашиш деган терминлар ёки иқтисодий омиллар, деб номланган атамалар орқали тарихий жараёни изоҳлашга бўлган уриниш, деб таъкидлайди у, умуман олганда аввал-бошданок муваффақиятсизликка учрайдиган интилишдир. Ушбу омиллар гарчи муҳим эканлиги шубҳасиз бўлса-да, лекин улар ҳеч қачон тараққиётнинг барча жараёнларини таърифлаб бера олмайди”. Ижтимоий ўзгаришларнинг ҳеч қандай «бир факторли» назарияси башарият ижтимоий тараққиётига оид бутун хилма-хил воқеа-ҳодисаларни тушунтириб беришга қодир бўла олмайди. Бунда иқтисодиётдан ташқари бошқа омиллар ҳам, шу жумладан, ҳарбий куч, ҳукмронлик усуллари, мафкура ундан камроқ аҳамият касб этмайди, балки аксарият ҳолларда ундан кўра кўпроқ аҳамиятга эга бўлади.

Башарти, Вебернинг нуқтаи назари тўғри бўлса (кўпчилик кишилар унинг фикрини маъқуллайдилар), у ҳолда алоҳида олинган ҳеч қандай назария содир бўлаётган барча ижтимоий ўзгаришлар табиатини тушунтириб беришга қодир эмас. Бундай ўзгаришларни таҳлил қилиш вақтида камида икки мақсадга эришиш мумкин. Биринчидан, биз кўпчилик контекстларда ижтимоий ўзгаришларга барқарор ва етарли даражада кенг кўламли таъсир кўрсатувчи баъзи бир омилларни ажратиб олишимиз мумкин бўлади. Иккинчидан, аниқ фазалар ёки ўзгариш «эпизодлари»ни изоҳлаб берувчи назарияларни ривожлантиришимиз, — масалан, анъанавий давлатлар барпо этилишини изоҳлаб, тушунтириб беришимиз мумкин. Атроф-муҳитдаги омиллар ва иқтисодий омилларнинг ижтимоий ўзгаришлар учун муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтган эволюционистлар ва марксистлар мутлақо ноҳақ эдилар, дейиш унчалик тўғри бўлмайди, — уларнинг ҳар иккаласига мансуб бўлган кишилар ушбу жараёнга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа омилларни ҳисобга олмасдан, бунинг ўрнига ўз ғояларига ғоят катта аҳамият берганлар.

Ўзгаришларга таъсир кўрсатувчи омиллар

Ижтимоий ўзгаришларга таъсир этиши мумкин бўлган омилларнинг асосий типларини учта гуруҳга: жисмоний муҳит, сиёсий ташкилот ва маданий омиллар деган гуруҳларга жамлаш мумкин.

Табиий муҳит

Эволюционистлар ҳақли равишда таъкидлаб ўтганларидек, жисмоний муҳит инсоният жамиятидаги ижтимоий ташкилотларнинг тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатади. Бу фавқуллода мураккаб ҳолатларда, айниқса, одамларнинг ҳаёти иқлим шароитларига боғлиқ бўлиб қолганида кўпроқ сезилади. Кутб минтақаларида яшовчиларнинг одатлари ва турмуш тарзи ҳеч шубҳасиз субтропик иқлим аҳолисининг одатлари ва турмуш шароитидан фарқ қилади.

Унчалик хавфли бўлмаган жисмоний шарт-шароитлар ҳам кўпинча жамиятга ўз таъсирини ўтказиши билан, Масалан, Австралиянинг туб аҳолиси ўзининг бутун тарихи мобайнида фақат овчилик ва термачилик билан шуғулланиб келган. Чунки улар ихтиёрида мунтазам равишда ўстириш учун яроқли бўлган ўсимлик ҳам, уй шароитида боқиш учун яроқли ҳайвонлар ҳам бу қитъада бўлмаган. Анъанавий маданий мамлакатларга келганда шуни айтиш керакки, уларнинг кўпчилиги ер юзининг гоёт сермахсул жойларида, масалан, дарёларнинг дельталарида вужудга келган. Бундан бошқа омиллар ҳам, масалан, қуруқликда ҳеч қандай тўсиқларга дуч келмай юриш имконияти ёки денгиз йўлларининг мавжудлиги ҳам муайян аҳамият касб этади. Тоғ чўққилари, чўл-саҳролар ёки ўтиб бўлмас чакалак-чангалзорлар сабабли ташқи дунёдан ажралиб қолган жамиятлар жуда узоқ вақтлар мобайнида нисбатан ўзгаришсиз ҳаёт кечириб қолаверганлар.

Лекин, барибир, табиий муҳитнинг ижтимоий ўзгаришларга кўрсатадиган таъсири, айримлар тасвирлаганидек, унчалик катта эмас. Ҳаётда шундай ҳоллар ҳам учрайдики, энг ибтидоий технологияга эга бўлган кишилар унчалик яхши бўлмаган табиий шароитда ҳам сермахсул иқтисодиёт илмини яратганлар ва аксинча, овчилар ва термачилар кўпинча сермахсул, жуда серҳосил минтақаларни эгаллаб олганлар-у, лекин чорвачилик ёки деҳқончиликнинг ҳеч бир тури билан машғул бўлмаганлар. Бундан шундай маъно келиб чиқадики, табиий муҳит билан мазкур жамиятдаги ишлаб чиқариш системасининг типи ўртасида бевосита ва доимий алоқа мавжуд бўлмайди, бу ҳақда гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Шунинг учун эволюционистлар томонидан атроф-муҳитга мослашишнинг ҳал қилувчи роли тўғрисидаги алоҳида ажратиб кўрсатилган фикрлар Маркснинг ишлаб чиқариш муносабатлари ижтимоий тараққиёт жараёнларига таъсир кўрсатиши тўғрисидаги тезислари олдида анча нурсиз, каммахсул бўлиб қолади. Ишлаб чиқариш системасининг қандай типда бўлиши, шубҳасиз, жамиятда содир бўлаётган ўзгаришлар характери ва даражасига кучли таъсир кўрсатади, бироқ у Маркс ёзганичалик даражада мутлақ аҳамиятга молик бўлмайди.

Сиёсий ташкилот

Ижтимоий ўзгаришларга сезиларли даражада таъсир кўрсатадиган яна бир омил — бу сиёсий ташкилотнинг характеридир. Овчилар ва термачилар қабилаларида бундай омилнинг таъсири жуда оз, минимал даражада бўлган, чунки уларда бундай сафарбар этувчи алоҳида бир куч сифатида сиёсий ҳокимиятнинг ўзи мавжуд бўлмаган. Бошқа ҳолларда, ижтимоий тузумнинг қолган типларида ҳар хил сиёсий органлар — дохийлар, қироллар, ҳукуматлар ва ҳоказоларнинг мавжудлиги — ижтимоий тараққиёт йўналишига сезиларли таъсир кўрсатиб келган.

Сиёсий системалар, худди Маркс таъкидлаганидек, жамиятнинг иқтисодий ташкилотини ифода этмайди, чунки бир хил ишлаб чиқариш системасига эга бўлган турли жамиятларда бир-биридан мутлақо фарқ қиладиган сиёсий тузумлар мавжуд бўлиши мумкин. Масалан, давлатчилик пайдо бўлгунига қадар кичик-кичик чорвачилик жамоалари мавжуд бўлиб, улардан ишлаб чиқариш усуллари йирик анъанавий давлатларда мавжуд бўлган шу хилдаги жамоатлардан унчалик кўп фарқ қилмаган ҳамда уддабурон ҳоким ўзига тобе бўлган қабилалар бойлигини ҳудудий экспансия ёрдамида кўпайтириб бориши мумкин бўлган, ва аксинча, бундай ишни уудалай олмаган монарх жамиятни иқтисодий таназзул ва ҳалокатга рўбару қилиб қўйиши мумкин бўлган.

Ижтимоий ўзгаришларга сиёсий таъсир кўрсатадиган муҳим омиллардан яна бири ҳарбий кучдир. Кўпчилик анъанавий давлатларининг вужудга келишида айнан мана шу ҳарбий куч асосий роль ўйнаган ва кейин ҳам ғоят кучли даражада ўз таъсирини ўтказишга, кўпроқ яшаб қолишга ҳамда бундан кейинги экспансияларни давом эттиришга ҳаракат қилган. Бироқ, жамиятнинг ишлаб чиқариш даражаси билан унинг ҳарбий кучи ўртасидаги алоқалар ҳар ҳолда бевосита алоқа ҳисобланмаган. Масалан, ҳоким барча ресурсларни қудратли армия яратиш учун сарф қилиши, бу иш қолган бутун аҳолини қашшоқланиб кетишига олиб келган тақдирда ҳам шундай қилиши мумкин.

Маданий омиллар

Бундай омиллар қаторига дин, тафаккур услуби ва онг киради. Юқорида кўриб чиққанамиздек (қаранг: “Дин”, 14-боб), дин ижтимоий ҳаётда консерватив куч сифатида ҳам, прогрессив куч сифатида ҳам муайян роль ўйнаши мумкин. Диний қарашлар ва амалиётларнинг кўпчилик шакллари ўзгаришлар йўлида тўсиқ бўлиб келган, чунки дин биринчи навбатда анъанавий қадриятлар ва расм-русумларга риоя этиш зарурлигини таъкидлаб келган. Бироқ, Вебер таъкидлаб ўтганидек, диний эътиқодлар кўпинча жамиятни ўзгаришлар яратиш учун сафарбар этишга ёрдам бериб келган.

Ўзгаришлар характери ва уларнинг суръатига таъсир кўрсатувчи маданий омил ичида коммуникациялар тизимининг табиати алоҳида муҳим аҳамиятга моликдир. Чунончи, ёзувнинг ихтиро қилиниши бир йўла бир неча жаҳада ижтимоий жараёнларга таъсир кўрсатди. У ишларни ёзиб бориш, моддий ресурсларнинг анча қатъий ҳисоб-китобини йўлга қўйиш ҳамда катта миқёсдаги ижтимоий ташкилотларни вужудга келтириш имконини берди. Бундан ташқари, ёзув ўтмишни, бутунги кунни ва эртанги истиқболни идрок этиш тарзини ўзгартириб юборди. Ёзувга эга бўлган жамиятлар бўлиб ўтган воқеаларни қайд этадилар ҳамда ўзларининг “тарихлари” мавжуд эканлигини англаб етадилар. Тарихни бундай чуқур идрок этиш улар учун умумий “тараққиёт йўли”ни сезиб олиш, ҳис этишга бир туртки бўлиб хизмат қилади. Бунда у мазкур жамият қайси йўлдан боришини ва уни сақлаб қолишга ҳамда турли ижтимоий гуруҳлар фаолиятини давом эттиришга ёрдам беради.

Маданий омиллар тўғрисида гап кетар экан, бунда албатта лидерлик, яъни раҳбарлик таъсирини ҳам ҳисобга олиш лозим. Тарихнинг маълум даврларида лидернинг, алоҳида истеъдодга эга бўлган гениал шахснинг роли беқиёс даражада катта бўлиши мумкин. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун барча замонларда ғоят машҳур бўлган диний фигура — Исони, гениал сиёсатчи ва саркарда Юлий Цезарни, янги фан ва янги фалсафанинг ихтирочиси — Ньютонни эслашнинг ўзи kifоядир. Оригинал ва динамик сиёсат юритишга, оммани ўз томонига оғдиришга қодир бўлган ёхуд анъанавий тафаккур тарзини ўзгартира оладиган лидер-раҳбар мавжуд тартибларни ўзгартириб, чинакам тўнтариш ясашга қодир бўлади.

Аммо ижтимоий шарт-шароитлар қулай бўлган тақдирдагина индивид лидерликни қўлга киритиши ва ўзи бошлаган ишларни поёнига етказиб, муваффақиятга эришиши мумкин. Масалан, Гитлер Германияда 1930 йилларнинг бошида ҳукумат кризиси юз бериб, зиддиятли танглик ҳолати бошлангани сабабли ҳокимиятни эгаллаб олган. Агар тарих сал бошқачароқ кечганида эди, у ҳеч шубҳасиз, унчалик аҳамияти бўлмаган бир шахс, майда-майда сиёсий секталардан бирининг номи чиқмаган арбоби бўлиб қолаверар эди.

Ўзгариш эпизодларининг таҳлили

Биз ҳозиргина юқорида эслатиб ўтган турли хил омилларнинг таъсири вақтга ва жойга қараб ўзгариб туради. Биз улардан бирортасини ажратиб олиб, бутун инсониятнинг ижтимоий тараққиётга белгилловчи таъсир кўрсатадиган куч сифатида қарашимиз мумкин эмас. Бироқ, алоҳида ҳолатларга тааллуқли бўлган ёки ўзгаришларнинг айрим эпизодларига тааллуқли назариялар тузишимиз мумкин. Бундай ҳолатни тасаввур қилишга мисол бўладиган манзара сифатида биз Роберт Карнейрога те-

гишли дастлабки анъанавий давлатлар ёки маданий ҳаётнинг бошланиши тўғрисидаги талқинлардан фойдаланишимиз мумкин.⁶ Карнейро урушлар анъанавий давлатларнинг шаклланишида асосий роль ўйнаганлиги тўғрисидаги фикрга қўшилади. Бироқ, у яна шуни ҳам таъкидлаб ўтадики, ижтимоий тараққиётнинг муайян босқичида бўлган жамиятлар ичида уруш оддий бир ҳодисага айланиб қолади ҳамда у давлатларнинг вужудга келгунича ўз-ўзидан таъсир кўрсатмайди.

Карнейронинг нуқтаи назарига мувофиқ, уруш агар халқ ёки қабила чекланган жисмоний ҳудудларга эга бўлса, масалан, қадимги Мисрда (Нил дельтаси), Мексика водийсида ёки Перу тоғларининг этагидаги водийларда бўлгани каби ҳудудларга эга бўлган тақдирдагина олиб келиши мумкин. Бундай шароитларда уруш ўша жойларда шусиз ҳам оз бўлган ресурслар устига оғир юк бўлиб тушади. Аҳолининг бундай райондан кўчиб кетиши осон бўлмайди, имкониятлари чекланганлиги туфайли у қийин аҳволга тушади. Натижада анъанавий ҳаётий шароит бундай зўриқишга чидай олмайди ҳамда бу ҳол муайян гуруҳларни ўз қабиладошлари устидан ҳукмронлик қилувчи ҳокимиятни эгаллаб олишга ҳамда ишлаб чиқариш устидан марказлашган назорат ўрнатишга ёрдам беради. Шундай қилиб, бутун ҳудуд ягона бир бошқарувга бирлаштирилади, бундай ҳокимият бошқаруви барча маъмурий воситаларни ўз қўли остида жамлайди ҳамда бўлажак давлат негизини вужудга келтиради.

Ушбу назария қизиқарли ва муҳим назариядир, чунки у давлатларнинг вужудга келишини кўрсатувчи анчагина ҳолатларни изоҳлаб, тушунтириб беришга кўмаклашади. Бироқ, илк давлатларнинг ҳаммаси ҳам бундай Карнейро баён этиб берган ҳолатларга ўхшаган⁷ чекланган ҳудудларда вужудга келган эмас ҳамда анъанавий давлатларнинг анча кейинроқ вужудга келган шакллари ҳам кўпинча мутлақо ўзгача шароитларда пайдо бўлган. Давлатлар бир бола каби вужудга келгач, занжир реакциясига ўхшаш худди шундай давлатлар тузилишини рағбатлантириб борадилар, бошқа халқлар улардан ўрнак олиб, ўз сиёсий системаларини тузадилар. Лекин Карнейро назарияси анъанавий давлатлар пайдо бўлиши учун фақат чекланган миқдордаги мисолларни изоҳлашга ёрдам беради, деган факт уни рад этиш учун асос бўла олмайди. У аҳамиятли ва фойдали бўлиши учун етарли даражада умумлаштирилган назариядир. Бундан ташқари, фақат битта назариядан, уни бир оз қайта ишлаганидан кейин ўзи баён этганига қараганда анча кенгроқ қўламдаги ижтимоий трансформациялар фазасини ҳам тушунтиришга қодир бўлади, деб кутмаслик керак.

⁶ *Cameiro Robert L. A theory of the origin of the state // Science, 169. 1970.*

⁷ *Clalssen Henry and Peter Scalnik. The Early state. The Hague, 1978.*

Яқин ўтмишдаги ўзгаришлар

Сўнги икки юз йил ичида, ҳозирги даврда ижтимоий ўзгаришлар бу қадар жадал тезлик билан содир бўлаётганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Бу савол, албатта, ғавқулда мураккаб савол, лекин баъзи омилларни дарҳол айтиб бериш ҳам мумкин. Уларни бутун тарихий тараққиёт мобайнида ижтимоий ўзгаришларга ўз таъсирини ўтказиб келган омиллар ва йўналишлар бўйича классификация қилиш мумкинлиги ҳеч бир ажабланарли ҳол эмас. Уларни таҳлил қилиш вақтида табиий муҳитнинг роли, иқтисодиёт омилларининг кенг қамровли аҳамияти анча умумий тарзда қараб чиқилади.

Иқтисодиётнинг таъсири

Иқтисодиёт даражасида олганда, ўзгаришларга ҳаммадан кўра кўпроқ таъсир кўрсатган омил — бу саноатлашган капитализмдир. Капитализм, принцип жиҳатдан олганда, ўзидан аввалги ишлаб чиқариш системаларидан тубдан фарқ қилади, чунки у ишлаб чиқаришни доимий равишда кенгайтириб боришни тақозо этади ҳамда муттасил равишда бойлик тўплашни кўзда тутди. Анъанавий ишлаб чиқариш системаларида ишлаб чиқариш даражасига нисбатан барқарор бўлган, чунки ундаги бу барқарорлик одат бўлиб қолган ва ўзгармайдиган эҳтиёжлар орқали белгиланган. Капитализм ривожланишнинг ишлаб чиқариш технологиясини доимий равишда қайта қуриш учун бир туртки бўлади, ушбу жараёнда фаннинг аҳамияти тобора ортиб боради. Ҳозирги замон саноатидаги технологик янгиланиш тезлиги бундан аввалги истаган бир иқтисодиёт таркибидаги тезликка қараганда беқиёс даражада юқоридир.

Мисол сифатида ҳозирги замон автомобил саноатини олиб кўрайлик. Энг йирик автомобил ишлаб чиқарувчи корхоналар деярли ҳар йили янги-янги моделларни таклиф қиладилар, доимий равишда ўз ишларини такомиллаштириб борадилар ва мавжуд машиналарни модификация қиладилар. Информацион технология соҳасида ҳам худди шундай ўзгаришлар содир бўлмоқда. Сўнги ўн беш йил ичида компьютерларнинг қуввати 10000 баравар ортиб кетди. 1960 йилларнинг ўрталарида катта компьютер учун бир неча ўн минглаб қўлда тайёрланган коннекторлар зарур бўлар эди, унинг ҳозирги замон аналоги учун эса, ўлчамлари ғоят кичик бўлганлигидан, унга энди интеграция қилинган блокдаги бор-йўғи ўнтагина элемент талаб қилинади.

Анъанавий жамиятларда ишлаб чиқариш, асосан, локал характерда бўлган. Албатта, узоқ денгиз сафарига чиқадиган ва бутун дунё билан савдо-сотик қиладиган савдогарлар ҳам бўлган, лекин улар сотадиган моллар оқсуяклар, зодагонлар учун мўлжалланган, чекланган миқдордаги зебу-зийнатлардан иборат бўлган. Ҳозирги замон саноатининг пайдо бўлиши локал

ишлаб чиқариш даври тугаганлигини ҳамда бутун дунё истеъмолчилари ва товар ишлаб чиқарувчиларини бир бутун ҳолга келтириб бирлаштирган янги меҳнат тақсимооти тизими шаклланганлигини аниқлар эди. Маркс ушбу жараёни ҳозирги замон капитализми, деб кўрсатган эди.

«Ҳозирги замон капитализми ишлаб чиқаришга ва истеъмолга, ҳамма ёққа космополитик характер бахш этди. У саноатни миллий заминдан маҳрум қилди. Барча анъанавий миллий саноат тармоқлари ё йўқ қилинди ёки ой сайин шундай йўқ бўлиш ҳолатига яқинлашмоқда. Унинг ўрнига янги саноат келмоқда, уни вужудга келтириш ҳар қандай маданийлашган миллат учун ҳаёт-мамонт масаласига айланиб қолди ва энди у маҳаллий хом-ашёни ишлатибгина қолмай, балки узоқ ўлкалардан олиб келинган хом-ашёни ҳам ишлатмоқда; саноатнинг бу тармоқлари ишлаб чиқарган маҳсулотлар энди фақат шу мамлакатнинг ўзидагина эмас, балки ер юзининг ҳамма қишлоқларида ҳам истеъмол қилинмоқда»⁸.

Саноатлашган капитализмнинг ривожланиши билан одамларнинг турмуш тарзи ҳам мутлақо бошқача бўлиб қолди; масалан, ҳозирги замон жамиятида аҳолининг кўпчилик қисми қишлоқ жойларида эмас, балки шаҳарларда яшайди ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасида эмас, балки завод-фабрикаларда, муассасаларда ишлайди. Бугунги кунда бундай турмуш шароитини оддий воқеадек қабул қиламиз, унинг инсоният тарихида нақадар катта аҳамиятга молик бўлган нодир ҳодиса эканлигини ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Биз яшаб турган жамият жамиятларнинг биринчи типини ҳисобланади. Унда яшовчи кишиларнинг каттагина қисми қишлоқда эмас, шаҳарда яшайди ва яшаш учун зарур бўлган неъматларни деҳқон меҳнати билан топмайди. Табиийки, урбанизация ва янги ишлаб чиқариш муҳитининг шаклланиши билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар кўпчилик ижтимоий институтларга ўз таъсирини ўтказди, худди шунингдек, мазкур институтлар томонидан ўзига кўрсатилган таъсирни ҳам бошдан кечирди.

Сиёсатнинг таъсири

Ҳозирги ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларга ўз таъсирини ўтказётган иккинчи ғоят муҳим бўлган тип — бу сиёсат соҳасидаги энг янги йўналишлардир. Миллатларнинг ўз таъсирини кенгайтириш учун, ўз бойлигини кўпайтириш учун ва ҳарбий жиҳатдан ўз рақибларидан устун келиш учун олиб борган курашлари сўнгги икки-уч аср мобайнида содир бўлган ўзгаришларнинг асосий манбаи эди. Анъанавий жамиятлардаги сиёсий ҳаётда содир бўлган ўзгаришлар фақат элитага — яъни жамиятдаги олий табақаларга, оқсуяк, зодагонларга тааллуқли бўлган. Бир

⁸ *Marx Karl and Friedrich Engels. Manifesto of the Communist Party. In: Karl Marx and Friedrich Engels. Selected Works in One Volume. London, 1968.*

сулола ўрнини иккинчи сулола эгаллар эди, бироқ аҳолининг кўпчилиги учун бунинг аҳамияти кам эди, унинг ҳаёти деярли ўзгармай қолаверар эди. Ҳозирги замон сиёсий системасида мутлақо бошқача ҳолни кўрамиз. Ҳозирги вақтда сиёсий раҳбарлар ва ҳукумат амалдорларининг хатти-ҳаракатлари доимий равишда кенг халқ оммасининг турмушига ўз таъсирини ўтказиб келмоқда. Ички ишлар соҳасида ҳам, ташқи ишлар соҳасида ҳам сиёсатчилар қабул қилган қарорлар ижтимоий ҳаётдаги сиёсатчиға илгари вақтлардагиға қараганда кучлироқ таъсир кўрсатмоқда, уларни рағбатлантирмоқда ва йўлга солмоқда.

Сўнгги икки-уч аср мобайнида бўлиб ўтган воқеалар, сиёсий системанинг ривожланиши жараёнида иқтисодиёт сиёсатга қандай таъсир этган бўлса, сиёсат ҳам иқтисодиётга худди шундай таъсир кўрсатди. Бутунги кунда ҳукуматлар иқтисодий ўсиш суръатларига фаол таъсир кўрсатмоқда, уни рағбатлантирмоқда (гоҳида эса секинлаштириб ҳам қўймоқда). Ундан ташқари, саноати ривожланган барча мамлакатларда давлатнинг ишлаб чиқариш соҳасидаги ишларга аралашуви юқори даражададир, чунки ҳукумат айни маҳалда яна ғоят йирик иш берувчи ҳам ҳисобланади.

Ҳарбий куч ва урушлар ҳам ҳозирги замон тараққиётига ўзининг ғоят катта таъсирини ўтказмоқда⁹. XVII асрдан бошлаб ғарбдаги миллатларнинг ҳарбий кучлари уларга бутун дунёга ўз таъсирини ўтказиб келиш имконини берди ҳамда ҳамма ерда ғарбдагидек турмуш тарзи ўрнатилишида бир фон ҳисобланиб келди. Йигирманчи аср тарихида иккита жаҳон урушининг таъсири беқийс даражада кучли бўлди. Уруш кўпчилик мамлакатларни ер билан яқсон қилиб, батамом вайронага айлантирди, уларнинг қайтадан тикланиши эса анча сезиларли институционал силжишларга, масалан, Иккинчи жаҳон урушидан кейин Германия ва Японияда бўлгани каби ўзгаришларга олиб келди. Ушбу урушлардан ҳатто АҚШ сингари ғалаба билан чиққан мамлакатлар ҳам урушнинг улар иқтисодига таъсир кўрсатиши натижасида жиддий ички ўзгаришлар қилишга мажбур бўлдилар.

Маданиятнинг таъсири

Ҳозирги дунёдаги ижтимоий ўзгаришлар жараёнига маданий омилларнинг таъсири ҳам ғоят каттадир. Бунда биринчи навбатда фан-техниканинг ривожланиши ва тафаккур секуляризацияси айниқса катта таъсир кўрсатган. Ушбу омилларнинг ҳар бири ҳозирги замон дунёқарашининг танқидийлик ва новаторлик характерини шакллантиришда ёрдам берган. Биз энди-

⁹ Aron R. The Century of Total War. London, 1954; Marwick A. War and Change in the Twentieth Century. London, 1974; Howard M. War in European History. Oxford, 1976; Giddens A. The Nation-State and Violence. Cambridge, 1985.

ликда баъзи одатларни ва расм-русумларни уларнинг ортида анъаналар турганлиги учун ҳам қабул қила олмаймиз. Аксинча, бизнинг бутунги турмуш тарзимиз ўзини “рационал” тарзда асосланишига тобора кўпроқ эҳтиёж сезмоқда, яъни уни ҳимоя қилиш лозим ёки, агар зарур бўлса, у маъноли ва аниқ далиллар билан асосланиши мумкин бўлган ҳолларда, шунга қараб уни ўзгартириш ҳам лозим бўлади. Чунончи, эндиликда янги бир шифохона лойиҳаси анъанавий дид-майълларга қараб эмас, балки ўша бино қандай ишга мўлжалланганлиги тўғрисидаги мақсадга — яъни беморларни самарали даволаш мақсадида мувофиқ равишда белгиланади.

Ҳозирги замон ижтимоий жараёнларига фақат тафаккур тарзининг ўзгарганлигигина таъсир кўрсатиб қолмай, шу билан бирга ғоялар мазмунининг ўзи ҳам ўзгариб кетди. Ўзини-ўзи такомиллаштириш идеаллари, озодлик, тенглик ғоялари ва демократик ўзгаришларда иштирок этиш истаги — булар бари кўп жиҳатдан сўнгги икки-уч асрнинг маҳсулларидир. Айни мана шу идеаллар чуқур ижтимоий ва сиёсий ўзгаришларнинг, шу жумладан, революцияларнинг сафарбар этувчи кучи бўлди. Ушбу тушунчалар анъана туфайли эмас, балки инсонни такомиллаштириш ва уни баркамол қилиш мақсадида турмуш тарзининг муттасил ўзгариб, енгилланиб бориши туфайли вужудга келган. Ушбу идеаллар дастлаб ғарбда пайдо бўлганига қарамасдан, улар ҳамма жойда тан олинди, қабул қилинди ҳамда дунёнинг кўпчилики минтақаларида муайян ўзгаришлар содир бўлишига олиб келди.

Жорий ўзгаришлар ва бундан кейинги истиқболлар

Ҳўш, ижтимоий ўзгаришлар нимага олиб келади? Биз учун йигирма биринчи асрнинг бошланиши қандай нишонланади? Бунга ўхшаган саволлар кўпроқ башорат, тахмин элементларини ўз ичига олади ва социологлар ҳам ўз жавобларида бир хил фикрга кела олмайдилар. Куйида биз эҳтимол тугилган мана шундай истиқболлардан учтасини кўриб чиқамиз.

Постиндустриал жамият сари олға!

Кўпчилик тадқиқотчилар шундай бир фикрни айтадиларки, унга кўра ҳозирги давр энди саноат тартибидаги эмас, балки бошқачароқ омилга асосланган янги бир жамиятга ўтишдан бошқа нарса эмас эмиш. Уларнинг таъкидлашича, инсоният энди саноатлашган давр чегарасидан чиққан тарраққиёт босқичига кириб бормоқда. Олвин Тоффлернинг сўзлари билан айтганда, “ҳозир содир бўлаётган воқеалар саноат инқилобига қанчалик кўп ўхшамасин, лекин барибир ундан кўра кўпроқ, ундан кўра теранроқ ва ундан кўра муҳимроқ аҳамиятга молик-

дир. Ҳозирги давр башарият тарихида иккинчи буюк сувайир-гичдан ўзга нарса эмас”¹⁰.

Янги гипотетик ижтимоий тартибни баён этиш учун жуда кўп атамалар — информация жамияти, хизмат кўрсатиш жамияти, билимлар жамияти кабилар ўйлаб топилган. Саноати ривожланган жамиятларнинг илгариги шаклларидан ташқарига чиқилганлигини ҳис этган кўпчилик тадқиқотчилар энди “Саноат” сўзига “пост” (“после” — “кейинги”) деган олд қўшимчасини қўшиб ҳар хил атамалар тўқий бошладилар. Чунончи, баъзи бир муаллифлар постмодернистик жамият ва постдефицит жамият тўғрисида гапира бошладилар. Бироқ, булар ичида афтидан, биринчи марта америкалик олим Дэниэл Бэлл ҳамда француз Ален Турэн томонидан таклиф этилган постиндустриал жамият деган атама истеъмол учун энг мақбули бўлди¹¹.

Номларнинг бу қадар хилма-хиллигининг ўзиёқ ҳозирги ижтимоий ўзгаришларнинг изоҳи ҳам кўп бўлишини кўрсатиб турибди; лекин бунда битта мавзу ҳеч ўзгармай барқарор турибди — бу бўлгуси жамият учун информация-ахборотнинг ёки билимларнинг муҳим аҳамият касб этишини англаш мавзусидир. Биз яшаб турган ҳаётдаги моддий ишлаб чиқаришга асосланган, машина ва дастгоҳга боғланиб қолган турмуш тарзи ўрнига энди янги бир ишлаб чиқариш тизими кириб келмоқдаки, унинг асосини информация, деб аталган билим ташкил этади.

Дэниэл Бэлл ўзининг “Постиндустриал жамиятнинг келиши” деган асарида постиндустриал жамият қандай бўлишини фавқулодда ёрқин бўёқлар билан тасвирлаб беради. “Постиндустриал тартибнинг бошқалардан ажратиб турадиган белгиси, деб таъкидлайди Бэлл, моддий ишлаб чиқариш соҳаси ҳисобига хизмат кўрсатиш соҳасининг ўсиб бориши ҳисобланади. Фабрикада ёки устахонада иш билан машғул бўлган кўк ёқали киши эндиликда ёлланган ишчининг асосий тили ҳисобланмайди. Оқ ёқали кишилар (клерклар ва малакали мутахассислар) тобора кўпая бошлайди, бунда техник касбларни эгаллаган мутахассислар ва ходимларга бўлган талаб ҳаммадан кўпроқ ва тезроқ ортиб боради”.

Касбнинг юқори мартабасига эришган кишилар ахборот ва билимлар соҳасида ишлашга ихтисослашадилар. Бунда кодификация қилинган билимлар (системалаштирилган, тартибга солинган ахборот) деб аталадиган билимлар билан шуғулланиш ва уларни кузатиб бориш назарда тутилади. Эндиликда бундай билимлар ҳар қандай жамиятнинг асосий стратегик ресурсига айланади. Кодификация қилинган билимларни яратиш ва тарқатиш билан шуғулланувчи кишилар — олимлар, мутахассис-

¹⁰ *Toffler Alvin. Future Shock. London, 1970.*

¹¹ *Bell Daniel. The Coming Post-Industrial society: Aventure in Social Forecasting. London, 1973; Tourain A. The Post-Industrial Society. London, 1974.*

компьютерчилар, иқтисодчилар, муҳандислар ва бошқа турли соҳаларга ихтисослашган мутахассислар — булар бари етакчи ижтимоий гуруҳга айланиб, эски тузумдаги саноатчилар ва тадбиркорлар ўрнини эгаллайдилар. Маданият соҳасида энди “меҳнатсеварлик этикаси”дан чекиниб, эркин ҳаёт кечириш ва турмуш неъматларидан баҳраманд бўлиб, ҳузур қилишга интилиш ҳоллари кузатилади. Саноат даври — индустриализм учун характерли бўлган ишнинг кишини интизомга солиб турувчи функцияси постиндустриал жамиятда — яъни саноатлашган жамиятдан кейин келган ҳаётда сусайиб боради; одамлар ўз касб малакалари соҳасида ҳам, хусусий жабҳаларда ҳам кўпроқ эркинликка эга бўладилар.

Танқидий мулоҳазалар

Ҳўш, постиндустриал жамият эски саноатлашган тартиблар ўрнига келади, деган нуқтаи назар қай даражада асосланган экан? Ушбу тезис жуда кўпчилик кишилар томонидан қўллаб-қувватланишига қарамасдан, барибир муайян даражадаги эҳтиёткорлик билан ушбу тезисни идрок этиш учун, яъни унга муайян даражада эътироз билдириш учун ғоят жиддий сабаблар ҳам мавжуддир.¹² Постиндустриал жамият деган тushунча асосланган нуқтаи назардаги эмпирик фикр-мулоҳазалар бизда куйидагича шубҳа-гумонлар туғдиради:

1. Информациа — ахборот асосий иқтисодий тизим бўлиб қолади, деган фикр — бу одамларнинг иш билан бандлик тузилмаси хизматлар соҳаси томон силжишини англатган ўзига хос ва ғоят баҳс-мунозарали изоҳларнинг оқибати ҳисобланади. Ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларидаги бандлик даражаси пасайиб кетиши билан бирга кечадиган мазкур тамойил қарийб саноат даврининг бошланишидаёқ юзага чиққан эди, шунинг учун ушбу ҳодисани асло янгилик, деб бўлмайди. XIX асрнинг бошларидан эътиборан саноатда ҳам, хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам — уларнинг ҳар иккови ҳам қишлоқ хўжалик ҳисобига кенгайиб борган ва бунда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўсиш сурьатлари муттасил юксалиб, ҳар доим саноат соҳасидаги юксалишдан юқори бўлган. Кўк ёқали киши, яъни саноат соҳасидаги ишчи амалда ҳеч қачон ёлланган ишчининг энг кенг тарқалган тимсоли бўлган эмас. Қишлоқ хўжалигида ва хизмат кўрсатиш соҳасида иш билан бандлик даражаси ҳар доим юқори бўлган, бунда яна хизмат кўрсатиш соҳасининг ўсиши билан қишлоқ хўжалик соҳасида иш ўринларининг камайиб бориши ўртасида бевосита алоқа бўлган. Афтидан, бу соҳадаги асосий ўзгариш саноат соҳасидаги кишиларнинг хизмат кўрсатиш соҳасига ўтиши туфайли эмас, балки қишлоқ хўжалик соҳасидаги кишиларнинг бошқа бандлик турларига ўтиб кетишлари туфайли содир бўлган.

¹² *Williams Raymond. Towards 2000. Harmondsworth, 1985.*

2. Хизмат кўрсатиш сектори фавқулодда хилма-хилдир. Ушбу соҳадаги фаолиятни “оқ ёқали кишилар” касбига тенглаштирмаслик керак, чунки бу хилдаги ишларнинг кўпчилиги, масалан, бензоколонкадаги хизмат жисмоний меҳнат билан боғлиқдир. Ўз навбатида “оқ ёқали”лар эгаллайдиган лавозимларнинг кўпчилиги махсус тайёргарликни амалда талаб қилмайди ва бу соҳадаги анчагина ишлар механизациялаштирилгандир. Бу гап қуйи даражадаги кўпчилик идора лавозимларига, котиб-котибалар ва клерклар вазифасига тааллуқлидир.

3. Кўпчилик “сервис” операциялари — фақат умумий якуни моддий маҳсулот ҳисобланадиган жараённинг бир қисми бўлиб, аслини олганда уларни ишлаб чиқаришнинг бир бўлаги, деб ҳисоблаш лозим. Чунончи, қандайдир бир саноат фирмасининг дастгоҳлари учун дастурлар тузиб бериш билан машғул бўлган программист моддий неъматлар тайёрлаш жараёнида бевосита иштирок этади. Жонатан Гершурини сервис касбларини таҳлил этиб шундай бир хулосага келадикки, уларнинг ярмидан кўпроғи худди шу тахлитда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлар экан.¹³

4. Бэлл шундай бир мулоҳазани келтирадикки, унга кўра, Қўшма Штатлар постиндустриал жамият сари ҳаммадан кўра кўпроқ илгарилаб кетди ва қолган давлатлар ҳам унинг йўлидан бормоқдалар. Бундан ташқари, Америка иқтисодиёти аллақачон бошқа саноатлашган мамлакатлар иқтисодиётидан фарқ қиладиган даражага етган: ҳозирги юз йиллик мобайнида АҚШдаги хизмат кўрсатиш соҳасида машғул бўлиш ҳиссаси қиёсий жиҳатдан олганда ҳар доим юқори бўлиб келди. Бугунги кунда ҳам турли мамлакатлардаги сервис касблари билан ишлаб чиқариш касблари ўртасидаги нисбатлар ўзгариб туради; шу нарса аниқ кўриниб турибдики, эндиликда кўпчилик мамлакатлар умуман ҳеч қачон Америка сингари “сервисга томон мўлжал олган” давлат бўла олмайди. Баъзилар шу йўлда умумий тенденция деб ҳисоблаётган ҳолатлар амалда Америка жамиятига хос бўлган специфик белгилардан иборат бўлиб чиқиши мумкин.

5. Микропроцессор системалари ва электрон коммуникациялар кенгайиб бориши қай даражада узоқ вақт давом этадиган оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тўғрисида ҳеч бир киши ишонч билан ҳукм чиқара олмайди. Ҳозирги пайтда улар саноатни сиқиб чиқармасдан, балки саноат ишлаб чиқаришига қўшилиб, унга сингиб кетмоқда. Афтидан, бу хилдаги технология ғоят жадал ривожланиб кетади ҳамда ижтимоий ҳаётнинг тобора кўпроқ янги-янги соҳаларини қамраб олади. Бироқ, ушбу таъсирнинг оқибатларига бериладиган баҳолар илгаридек, ҳозир ҳам бир тахмин бўлиб қолаверади. Бизнинг жамиятимиз ҳозир-

¹³ *Gershury J. After Industrial Society? London, 1978.*

нинг ўзида қай даражада “кодификация қилинган билимлар” ҳисобига яшаётганлиги ҳам ғоят ноаниқдир.¹⁴

6. Постиндустириал жамият концепциясида ижтимоий ўзгаришлардаги иқтисодий омилнинг роли ошириб кўрсатилмоқда. Уларда бу хилдаги жамиятлар иқтисодий жараёнларнинг якуни сифатида баён этилмоқда. Гўё қолган барча ижтимоий институтлардаги ўзгаришлар мана шу иқтисодий жараён туфайли содир бўлган эмиш. Постиндустириал гипотезанинг кўпчилик тарафдорлари маркетингнинг бу соҳадаги таълимотига қарийб эътибор бермаганлар, ё бўлмаса, уни очиқдан-очиқ танқид қилганлар. Бироқ, уларнинг ёндашуви бўйича, иқтисодий омиллар ижтимоий ўзгаришларга сабаб бўлган, деган фикрлари маъносида олганда, уларнинг қарашларини сохта марксистик қараш, деб ҳисоблаш мумкин.

Постиндустириал йўналишдаги назарийчилар баён этган фикрларнинг аксарияти ҳозирги даврнинг муҳим белгиларини ҳақиқатан ҳам тўғри акс эттиради. Лекин уларнинг “постиндустириал жамият” концепцияси — бундай жараёнларни изоҳлаб бериш учун энг яхши йўл эканлиги тўғри эмас. Бунинг устига ҳозирги сиёсат ва маданият жамиятда содир бўлаётган ўзгаришларга таъсир кўрсатишда иқтисодиётга нисбатан олганда ундан кам бўлмаган даражада ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади.

Капитализм ва социализм

Капитализм билан социализм ўртасидаги муносабатларни қандай истиқболлар кутмоқда? Ўзини “социалистик” деб атаётган сиёсий ташкилотлар ва партиялар Фарбда ҳам, Шарқда ҳам йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф эта оладиган янги типдаги жамият куриш мумкинлигига ишонадилар. Хўш, бунга ўхшаш умидларнинг рўёбга чиқиши қай даражада реал экан? Социалистик идеаллар келажакда одамларни ижтимоий ҳаракатларга руҳлантира олармикан? (Шаклланиб қолган тушунчалар бўйича “социализм” — бу Маркс ва Ленин номлари билан боғлиқ бўлган ҳамда СССР ижтимоий тузумига сингдирилган ғоялар ва ҳаракатларни англатадиган “коммунизм”га қараганда анча кенгроқ тушунчадир).

Социализм тарафдорлари уни либерал-демократик сиёсий системалар ва фарб типидagi капиталистик иқтисодиётдан “кейин” вужудга келадиган босқич, деб ҳисоблайдилар. Улар шунга қатъий ишонадиларки, Фарбдаги жамиятлар ўзларининг капитализм доирасидаги чекланганликлари оқибатида ўзлари эълон қилган тенглик ва демократия мақсадларига эришишга қодир

¹⁴ *Lyon David. The Information. Society: Issues and Illusions. Cambridge, 1987.*

эмас. Чунончи, юзаки қараганда барча аҳоли сиёсий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади, лекин амалда эса аҳолининг кўпчилик қисми ўз ҳаётига тааллуқли бўлган кўпгина масалаларнинг ҳал қилинишига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Иқтисодий система “эркин тадбиркорлик” принципига асосланган, деб эълон қилинади-ю, лекин амалда бу гап бемаъни бўлиб чиқади, деб таъкидлайди социалистлар, ишчи аҳолининг кўпчилиги бундан бебаҳра қолади. Ишчиларнинг яшаш учун, бир бурда нон топиш учун ўша тадбиркорлар ҳузурига бориб ишлашдан бўлак иложи қолмайди. Улар ишлаб чиқариш демократияси мавжуд эмаслиги сабабли ўз меҳнат шароитларини яхшилашга ҳам таъсир кўрсата олмайдилар.

Капиталистик система анча катта бойликлар яратишга қодир бўлади-ю, деб баёнот беради социалистлар, бироқ бу бойлик ҳаддан ташқари нотекис тақсимланади ҳамда мана шундай умумий тўкин-сочинлик ичида биз ҳар доим фавқулодда муҳтожликда яшаётган кишиларни ҳам учратамиз. Бунинг устига, иқтисодий ҳаётнинг доимий равишда ўзгариб, паст-баланд чиқиб-тушиб туриши бозор иқтисодиёти учун характерли бўлган хусусиятдир, унда жонланиш даврлари узоқ давом этадиган тушкунлик, касодга учраш даврлари билан алмашилиб туради. Бундай даврларда ишсизлик оммавий тус олади, ишлаб чиқариш ресурслари эса кўпинча ҳаракатсиз ётади.

Социалистик жамиятда ушбу муаммоларни анча адолатлироқ, ижтимоий тартиблар ўрнатиш ҳамда фуқароларни бошқарув ишларида кўпроқ иштирок этиш йўли билан ҳал қилиш мумкин бўлади, деб фикр юритилади. Социалистик жамиятнинг кўпчилик моделларида, улар ўртасида муҳим тафовутлар бўлишига қарамасдан, ишлаб чиқариш демократияси билан иқтисодиётни марказлаштирилган тартибда бошқариш усуллари бир-бири билан қоришиқ ҳолда мавжуд бўлади. Иқтисодий ҳаётдаги тебранишларни компенсация қилиш учун ҳамда ижтимоий бойликларни муқобил тарзда қайта тақсимлаш учун иқтисодий соҳада давлат назоратини ўрнатиш зарур бўлади. Ишлаб чиқариш соҳасида ҳам, сиёсий соҳада ҳам ўрнатилган кенг миқёсдаги демократия давлат ҳокимиятидан шахсий эркинликларни бўғиш учун фойдаланилмаслигига кафолат ҳисобланади.

Социализм: йигирманчи аср фактлари

Йигирманчи аср бошлангунга қадар социализм бир тушунча сифатида — ё орзу сифатида, ёки нуқтаи назарлар қандай бўлишига қараб тушуниб бўлмайдиган ғалати ҳаёт тарзида мавжуд эди-ю, лекин реал ҳаёт тарзида ҳали барпо этилмаган эди. Ҳокимият тепасида турган ҳеч қайси партия социалистик идеалларни амалга оширишга даъвогарлик қилмасди. Лекин ушбу асрнинг кейинги уч чораги ичида вазият фавқулодда кескин даражада ўзгариб кетди. Дунёнинг кўпгина минтақаларида социалистик идеалларга тарафдор бўлган ҳукуматлар ҳокимият

тепасига келди. Бу ерда гап фақат коммунистик партиялар тўғрисида эмас, балки бошқа кўпгина партиялар тўғрисида, шу жумладан, Ғарбий Европа мамлакатларидаги социал-демократик партиялар тўғрисида бормоқда. Шунини айтиб ўтиш керакки, ўзларини очиқдан-очиқ социалистик ҳукумат, деб атаган ҳукуматлар йигирманчи асрда содир бўлган даҳшатли воқеалар учун, масалан, Сталин даврида Совет Иттифоқида амалга оширилган оммавий қатағон-қотилликларда ва депортацияларда айбли бўлиб чиқдилар. Мана шу тажрибалар мисолида биз социалистик ваъдалар чекланганлигини яққол кўз олдимишга келтиришимиз мумкин.

Марказлашган тартибдаги сиёсий ва иқтисодий раҳбарликни амалга оширган индустриал мамлакатлар, хусусан, Шарқий Европа мамлакатлари иқтисодий ривожланиш соҳасида ҳам, ўзларининг сиёсий системаларини либераллаштириш жиҳатдан ҳам муваффақият қозонолмадилар. Бозор иқтисоди механизмларини қатъий марказлаштирилган тартибда режалаштириш тизими билан алмаштиришга бўлган интилиш кўп жиҳатдан муваффақиятсиз бўлиб чиқди. Афтидан, ҳозирги мураккаб иқтисодиётни марказлаштирилган тартибда бошқариш принцип жиҳатдан самарали бўла олмас экан. Маҳсулотларни ва ресурсларни оптимал даражада тақсимлаш учун бозор механизмлари зарур. Бунинг устига, тажриба шуни кўрсатмоқдаки, марказлаштирилган тартибдаги қатъий режалаштириш ишлари, одатда, сиёсий авторитаризм билан амалга оширилади.

Учинчи дунёдаги социалистик мамлакатлар бир қатор ҳолларда ўз фуқаролари учун уларнинг социалистик бўлмаган мамлакатлардаги биродарларига қараганда бир мунча кўпроқ қулайликлар яратиб беришга муваффақ бўлдилар. Масалан, Куба саводхонлик, тиббий хизмат кўрсатиш ва ижтимоий таъминланганлик соҳасида Жанубий Америкадаги социалистик бўлмаган мамлакатларга солиштирганда анча юқори кўрсаткичларга эгадир. Гарчи Ғарбдаги кўпчилик социалистлар Куба қиёфасида янги ижтимоий тузум кашшофини кўрсалар-да, лекин Кубадаги социализм бугунги кунда саноатни ривожлантириш учун саноати тараққий этган мамлакатлар учун мақбул бўлган намунадир, деб тасдиқловчилар унчалик кўп бўлмаса керак. Кубанинг иқтисодий ривожланиши даражаси илгаригидек паст, у муттасил равишда иқтисодий субсидияларга муҳтож, эркин сиёсий фикр-мулоҳазалар билдириш эса чеклаб қўйилган.

Ғарб мамлакатларининг социал-демократик партияларига келганда шуни айтиш керакки, уларнинг энг кўп даражада радикал ҳисобланган режалари ё электорат уларнинг ғояларини маъқулламаганлиги оқибатида, ё бўлмаса, бизнес корчолонлари томонидан қаршилик кўрсатилиши натижасида амалга ошмай қолди, бироқ, шунга қарамасдан, умуман олганда, ушбу партиялар илгаригидек ижтимоий ҳаётга жиддий таъсир кўрсатиб келмоқдалар. Ижтимоий таъминот тизимини ташкил қилиш

ҳамда назорат қилиб бўлмайдиган бозор механизмлари туғдирадиган тенгсизликни юмшатиш соҳасида эришилган асосий ютуқлар айтилиши мана шу партияларнинг хизмати дур. Социалистик ва лейбористик партиялар узок вақт ҳокимият тепасида турган жамиятлар анча катта натижаларга эришдилар. Швеция бунинг гоят гўзал мисоли ҳисобланади. Бу ерда аҳоли жон бошига ҳисобланадиган даромадларнинг ўртача даражаси Кўшма Штатлардаги даражадан ҳам юқорироқ бўлиб, камбағаллик эса амалда бутунлай тугатилган. Лекин, шунга қарамай, ўзининг иқтисодий асослари жиҳатидан Швеция капиталистик жамиятлигича қолмоқда. Ушбу мамлакатда социализмнинг янада ривожлантирилиши, энди фойдадан кўра зарар келтириб, авторитаризмга ва Шарқий Европа типигади гиперцентрализмга айланиб кетган бўлур эди.¹⁵ Швеция учун характерли хусусият бўлган иқтисодий жиҳатдан гуллаб-яшнаш, либерализм ва ижтимоий адолат сингари характерли хусусиятлар, аслини олганда, социалистик идеаллар билан капиталистик механизмлар ўртасида бир-бирига ён босадиган самарали йўл топилганлигининг натижасидур.

Социализмнинг муқобиллари

Йигирманчи аср воқеалари социализм гоъларини анча обрўсизлантириб қўйди, сўнгги йилларда эса ўнг ориентация тарафдорлари ҳам унга қарши чиқа бошладилар. Сиёсий спектрдаги ушбу қанотнинг вакиллари социализм доктриналарини шахсий эркинликни рад этувчи доктриналар сифатида шунчаки танқид қилиб қолмай, шу билан бирга, улар бунга қарши ўзларининг ижобий муқобил режаларини олға суришга ҳам интиломқдалар. Уларнинг нуқтаи назари бўйича, адолатли ва эркин ижтимоий-сиёсий тузумга олиб борадиган йўл бозор муносабатларидаги соҳаларни кенгайтириш орқали ўтади — бу социалистларнинг анъанавий далилларига мутлақо қарама-қарши бўлган позициядур. Социализм олдида турган дилеммалар, шунингдек, постиндустриал жамиятнинг назариялари баён этиб берган ўзгаришларни таҳлил этиб, кўпчилик тадқиқотчилар бугунги кунда социалистик гоълар асримиэнинг асосий муаммоларини ҳал этишда эндиликда ҳеч қандай аҳамият касб этмайди, деган фикрга келиб қолдилар, бу хилдаги далилларни, фикр-мулоҳазаларни нафақат ўнгллар, ҳатто сўл йўналишда бўлган тадқиқотчилар ҳам илгари сурмоқдалар.

Хўш, бунга ўхшаш қарашларга нисбатан қандай муносабатда бўлиш керак? Албатта, социалистик партиялар ва ҳаракатлар яқин келажакда йўқолиб ҳам кетмайди, ўз таъсирини сақлаб ҳам қолади. Социализм Фарб сиёсий меросининг фундаментал таркибий қисми ҳисобланади. Яқин йиллар ичида социализм гоълари тез-тез турли танқидларга учраши ҳам аниқ кўри-

¹⁵ *Himmelstr and Ulf et al. Beyond Welfare Capitalism. London, 1981.*

ниб турган ҳақиқатдир. Эндиликда уни фақат ўнг партиялардаги анъанавий муҳолифларгина эмас, балки либерал қарашларнинг тарафдорлари ҳам танқид қила бошлайдилар. Бу кетишда, афтидан, ҳали яна янги-янги гуруҳлар ва ҳаракатлар пайдо бўлиб, улар сиёсий баҳслар ва мунозараларда сезиларли ўрин эгаллайди. Улар ҳозирнинг ўзида шундай масалаларни кўтариб чиқмоқдаларки, бу баҳслар социализмнинг ва эркин капиталистик жамиятнинг афзалликлари тўғрисидаги одатдаги баҳс-мунозараларга сира ўхшамайди.

Мана шу тоифадаги масалалар жумласига атроф-муҳит экологияси билан боғлиқ муаммолар киради. Ўнлар ҳам, сўллар ҳам у ёки бу даражада чексиз давом этадиган иқтисодий ўсиш ҳақида бир фикрга кела оладилару, лекин бундай ўсишга эришишнинг энг яхши воситалари хусусида гап кетганда, фақат шу соҳадагина улар ўртасида келишмовчилик пайдо бўлади. Лекин ҳозир шу нарса ҳаммага кундек аён бўлиб қолдики, ер юзидаги ресурслар битмас-туганмас эмас экан, саноат ишлаб чиқаришнинг ривожланиши эса атроф-муҳитга ҳеч тузатиб бўлмайдиган зарар етказган. Экологик муаммолар фақат атроф-муҳитга етказилаётган зарарни қандай қилиб камайтириш тўғрисидагина бўлмай, балки саноатлашган жамият ғоят ёмон аҳволга солиб қўйган турмуш тарзининг ўзи билан боғлиқдир. Башарти, муттасил иқтисодий ўсиш бир мақсад сифатида рад этилгудек бўлса, у ҳолда инсоният янги-янги ижтимоий институтлар яратиш зарурати олдида туриб қолиши эҳтимоли пайдо бўлади. Албатта, технологик жараённинг оқибати қандай бўлишини олдиндан айтиш қийин ва, эҳтимол, ер юзидаги захиралар глобал саноатлаштириш учун етарли бўлар. Бироқ, ҳозирги пайтда буни амалга ошириш эҳтимоли камроқ бўлиб туюлади, ва агар учинчи дунё ўз турмуш даражасини қисман бўлса ҳам Фарбдаги турмуш даражасига етказишни мўлжаллаб ишга киришса, у ҳолда ер юзидаги бойликларни глобал тарзда қайта тақсимлашдан бошқа илож қолмайди.

Гендернинг фарқлар ва зўравонлик муаммолари ҳам ғоят катта аҳамиятга эга бўлган шу хилдаги муаммолар қаторига киради. Эркак билан аёл ўртасидаги нотенглик барча инсоний жамиятлар маданияти асосларига чуқур сингиб кетган ва жинслар ўртасидаги тенгликни кўпроқ қўлга киритиш ҳозир мавжуд бўлган ижтимоий институтларнинг анча ўзгартирилишини тақозо этади. Ушбу мавзу юзасидан жуда кўп баҳс-мунозаралар ўтказилаётган бўлишига қарамасдан, социализм жинс масаласини ҳал қилиш учун астойдил интилаётганлигини аниқ кўрсатадиган ҳеч қандай ишлар қилинмади. Бу гап қурол-ярроғлар ишлаб чиқариш ва ҳарбий қудратни ошириб бориш билан боғлиқ бўлган хавф-хатарни чуқур англаб етишга уриниш масалаларига ҳам кўп даражада тааллуқлидир. Ядро конфронтацияси хавфини камайтириш, яқин келажакда ушбу хавфни бутунлай бартараф этиш тўғрисидаги масала ҳеч шубҳасиз 90-йилларда

ва ундан кейин ҳам биринчи ўринга қўйиб келинмоқда. Бу ерда кўтарилган мавзулар “социалистик” ва “капиталистик” дунёқарашлар ўртасидаги анъанавий зиддиятларга асло қовушмайдиган мавзулардир.

Ижтимоий ўзгаришлар: келажакка бир назар

Биз постиндустриал жамият томон олға боришимиз ҳам ёки бормаслигимиз ҳам мумкин, бироқ шу нарса ҳеч шубҳасиз аниқ-равшанки, биз ҳозир ҳатто сўнги икки юз йилликлар стандарти бўйича қаралган вақтда ҳам, ундан кўра оғирроқ драматик ижтимоий ўзгаришлар даврини бошдан кечирмоқдамиз. Содир бўлаётган ўзгаришлар миқёси бизга маълум бўлса ҳам, лекин уларнинг моҳиятини тушуниш илгаригидек ноаниқлигича қолиб келмоқда. Постиндустриал ёндошув назариётчилари ва бошқа тадқиқотчилар томонидан таъкидлаб ўтилган қуйидаги омиллар мазкур ўзгаришларга ўз таъсирини ўтказди:

1. Информацион технология ва микроэлектроникадан фойдаланишнинг ўсиб бораётганлиги билан бирга қўшилган технологик янгиланишнинг ғоят юқори суръатлари;

2. Саноатнинг асосий қувватларини шарққа кўчириш билан бирга кечаётган ғарб иқтисодиётидаги анъанавий ишлаб чиқариш тармоқларнинг бузиб, йўқ қилиниши;

3. Саноатлашган жамиятларнинг ягона глобал алоқаларга яна ҳам кўпроқ жалб этилиши;

4. Гендер муносабатларининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган маданият соҳаларидаги ва хусусий турмушдаги йирик олға силжишлар;

5. Ўз таъсирини ўтказиб келаётган саноатлашган бой мамлакатлар билан учинчи дунёнинг камбағал мамлакатлари ўртасидаги мавжуд тенгсизликнинг сақланиб қолаётганлиги;

6. Ер юзидаги аҳолининг кўп қисмини қириб ташлаши мумкин бўлган ядро можароси билан узоқ муддатга мўлжалланган глобал тинчлик имкониётлари ўртасида нозик бир мувозанатнинг сақланиб келаётганлиги — барча ўзгаришларнинг негизини ташкил этади.

Биз ҳозирги аср чегарасида туриб келгуси асрда нималар бўлишига назар ташлашга ҳаракат қилар эканмиз, янги юз йиллик тинч ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт йўлидан боришини ёки башарият ечишга қодир бўлмаган даражадаги глобал муаммолар кўпайиб кетиши мумкинлигини олдиндан кўриб, башорат қила олмаймиз. Бундан икки юз йил муқаддам ижод қилган дастлабки социологлардан фарқли ўлароқ, биз шу нарсани жуда яхши тушунамикки, ҳозирги замон саноати, фани

ва технологияси кучи билан фақат фавқулодда ижобий бўлган ишларни қилиш мумкин бўлибгина қолмай, балки оғир оқибатларни келтириб чиқариши мумкин ишларни қилиш ҳам эҳтимолдан узоқ эмас.

Биз яшаб турган бугунги дунё бундан олдинги ҳар қандай даврдагига қараганда қанча кўп аҳоли яшаши билан ва улардан қанчаси бой эканлиги билан ажралиб туради. Биз ҳозир ўз тақдиримизни ўзимиз бошқаришимиз ва ўз турмушимизни шу даражада қайта қуришимиз мумкинки, илгари ўтган аждодларимиз буни ҳатто тасаввур ҳам қила олмас эдилар; айни бир вақтда дунё ядро ва экологик талафот — ҳалокат ёқасига жуда-жуда яқинлашиб қолган. Бу гаплар одамларни кўрқитиш ёки кучсизликни ҳис қилиш учун айтилаётгани йўқ. Агар бу соҳада социология бизга бирор янгиллик тақдим этиши мумкин бўлса, бу янгиллик — барча ижтимоий институтларнинг муаллифи инсоннинг ўзи эканлигини англаш туйғуси бўлур эди. Ҳа, айни бизнинг ўзимиз — ўз ютуқлари ва камчиликларини англаб етган кишилар ўз тарихимизнинг бунёдкори бўламиз. Бугунги кундаги ижтимоий ўзгаришларнинг нохуш жиҳатларини англаш бизни реалистик қарашлардан, ўз келажагимизга ишонч ва умид билан қараш имкониятидан маҳрум этмаслиги керак.

Бобнинг қисқача мазмуни

1. XVIII асрдан то бугунги кунгача давом этган ҳозирги даврда биз ўзгариш жараёнлари ҳаддан ташқари тезлашиб кетганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Жаҳон тарихининг ғоят кичик бўлаги ҳисобланган ушбу қисқа бир вақт ичида шунча кўп воқеалар содир бўлдики, ер юзасида инсоният пайдо бўлганидан буён ўтган давр ичида ҳам шунча кўп воқеалар содир бўлмаган эди.

2. Ижтимоий ўзгаришларни тушунтиришга ҳаракат қилган энг умумий икки муҳим назария — бу эволюционизм ва тарихий материализм ҳисобланади. Мана шу икки концепция одамнинг моддий муҳит билан ўзаро муносабатларидаги ўзгаришлар моҳиятини тушунтириб беради.

3. Ҳеч қандай “бир факторли” назария содир бўлаётган барча ижтимоий ўзгаришлар моҳиятини тушунтириб беришга қодир эмас. Қоида тарзида, ижтимоий ўзгаришларга таъсир кўрсатувчи бир қатор ғоят муҳим омиллар ажратиб кўрсатилади. Мана шундай омиллардан бири моддий муҳитга мослашиш ҳисобланади, бошқа шу ҳилдаги омиллар қаторига сиёсий, ҳарбий ва маданий омилларни ҳам киритиш мумкин.

4. Ижтимоий ўзгаришларнинг айрим эпизодларини баён этадиган назарияларни яратиш бемалол мумкин бўлган ишдир. Бунинг мисоли сифатида Роберт Карнейронинг анъанавий давлатлар вужудга келишига бағишланган назариясини айтиб ўтиш мумкин.

5. Ҳозирги замон ижтимоий ўзгаришларидаги муҳим омиллар қаторида саноат капитализмининг ўсишини, марказлашган давлатлар пайдо бўлишини, урушлар саноатлаштирилганини, шунингдек, фанлар ҳамда “рационал” тафаккур ёки танқидий фикрлаш усули пайдо бўлганлигини айтиб ўтиш мумкин.

6. Нуқтаи назарлардан бири постиндустриал жамият ғояси билан боғлиқдир. Ушбу концепцияга мувофиқ, эски индустриал тузум ўрнида билимларга ва ахборотга асосланган янги ижтимоий тартиб вужудга ке-

лади. Ушбу назарияда ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш соҳаси қўшадиган ҳиссага етарли даражада баҳо берилмайди ҳамда иқтисодий омилларга ҳаддан ташқари катта ўрин берилади.

7. Эркин бозор капитализми билан социализм тарафдорларининг анъанавий баҳс-мунозаралари кутилмаганда бирдан эскириб қолди. Эндиликда янги-янги масалалар олдинги қаторга чиқмоқда. Бу масалалар илгариги сиёсий қарашларга тўғри келмайди ва уларни сиёсий назария учун анъанавий бўлиб қолган доирадаги позицияда туриб ҳал қилиб бўлмайди.

Асосий тушунчалар

ижтимоий ўзгаришлар
ижтимоий эволюционизм

постиндустриал жамият

Энг муҳим атамалар

тарихий материализм
дифференциация
ижтимоий дарвинизм

адаптация — мослашиш
ишлаб чиқарувчи кучлар
ўзгаришларнинг диалектик
шарҳи

бир йўналишдаги эволюция
мультипликацияли эволюция

ўзгаришларнинг эпизодлари
атроф-муҳит экологияси

Кўшимча адабиёт

Paul Ekins. A New World Order. London, 1992. Ҳозирги дунёда содир бўлаётган ўзгаришлар жараёнини муҳокама қилиш. Бунда куйида бўладиган ҳаракатларга алоҳида эътибор берилади.

Francis Fukuyama. The End of History and Last Man. London, 1992. Бу анча кўпроқ даражада баҳс-мунозарали асар бўлиб, унда капитализм билан либерализм ўртасидаги муқобил тузум орқали ҳозирги аҳвол вужудга келган, деб исбот қилинади.

Margaret A. Rose. The Postmodern and Postindustrial: a Critical Analyses. Cambridge, 1991. Постмодернизм ва постиндустриал жамият хусусидаги баҳс-мунозараларга нисбатан тарихий ва танқидий қўлланма.

СОЦИОЛОГИЯДАГИ УСУЛЛАР ВА НАЗАРИЯЛАР

Яқунловчи қисмнинг биринчи боби социологлар ўз тадқиқотларини қандай олиб боришларига бағишланган. Ижтимоий дунёда нималар юз бераётганлигини аниқлаш имконини берувчи бир қатор асосий тадқиқот усуллари мавжуд. Биз социологик далилларга асос бўлаётган маълумотлар ишончли ва аниқ эканлигига ишонч ҳосил қилишимиз керак. Ушбу бобда бу билан боғлиқ муаммолар ўрганилади ва уларни ечишнинг энг қулай йўллари кўрсатилади.

Китобнинг бу бобида социологиядаги бир неча асосий назарий ёндошувлар таҳлил қилинади. Социология ҳақиқийлиги шубҳасиз ҳисобланган маълум назарияларга асосланадиган фанлар туркумига кирмайди. Ушбу бобда турли назарий анъаналар таққосланади ва бир-бирига қиёсланади.

Социология: тадқиқот усуллари

Социологлар назарий ҳамда амалий даражада шуғулланаётган муаммолар ҳам бошқа кўплаб одамларни қизиқтирадиган муаммоларга ўхшаш. Шунчалик бой дунёда қандай қилиб очлик бўлиши мумкин? Ахборот технологиялари қўлланилишининг ошиб бориши ҳаётимизга қандай таъсир ўтказди? Оила институти ҳақиқатан инқирозга юз тутмоқдами? Кино ва телевидение куч қўллашга ундамоқдами?

Социологлар шу ва шунга ўхшаш кўплаб саволларга жавоб бериш учун ҳаракат қилмоқдалар. Уларнинг ҳулосалари албатта мутлақ бўлмайди. Шундай бўлсада, назарий ва амалий тадқиқотдан мақсад ҳар доим оддий индивидни бундай муаммоларни ечишдаги спекулятив ва тахминий усуллардан ҳимоя этишдир. Яхши социологик асарда тадқиқотчи ўрганилаётган мавзунини максимал даражада аниқ тақдим этади ва ҳулосалар чиқаришдан аввал мавжуд фактларни баҳолашга ҳаракат қилади. Бу мақсадларга эришиш учун мантиқий асосланган изланиш усуллари қўлламоқ ва материални муфассал таҳлил қила билмоқ зарур. Маълум асарда қўлланилиши мумкин бўлган энг фойдали тадқиқот усуллари ва олинган натижаларни таҳлил қилишнинг энг қулай йўллари билишимиз керак бўлади.

Социологик тадқиқотда бир неча жиҳатни ажратиш мумкин. Изланиш ишлари, ёки *стратегия* умуман тадқиқотни режалаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ. Бу — мос келадиган тадқиқот усулини танлаш ва уни мазкур соҳада қўллаш услубини ишлаб чиқиш демакдир. Тадқиқот *методологияси* натижалар талқини ва олинган маълумотлар таҳлилининг мантиқий кетма-кетлигини белгилайди. Тадқиқот *усуллари* — бу ижтимоий дунёни ўрганишда қўлланиладиган ҳақиқий усуллардир.¹ Булар жумласига сўровлар, интервьюлар, “ичкаридан кузатиш” (ўрганилаётган ҳамжамият ичидаги ишлар), расмий статистик ва тарихий ҳужжатлар талқини ва шунингдек унчалик кенг қўлланилмайдиган бошқа усуллар киради.

Ушбу бобни социологик тадқиқот босқичлари ва натижаларини талқин қилишнинг асосий тамойилларини баён қилишдан бошлаймиз. Сўнг биз мисол сифатида бир неча энг янги лойиҳалар ва асарларни кўриб чиқиб энг кенг қўлланиладиган тадқиқот усулларни таққослаймиз. Кўпинча идеал тадқиқот ўтказиш йўли ва у реал ҳаётда қандай ўтказилаётганлиги ўртасида катта фарқ бўлади.

¹ Bulmer M. Sociological Research Methods. London, 1984.

Тадқиқот стратегияси

Тадқиқот муаммоси

Ҳар қандай тадқиқот муаммодан бошланади. Аввалги тадқиқотларда мазкур савол равшанлашган ва олим ушбу соҳада иш олиб борган бошқа социологлар асарларини ўқиб чиқиши етарли бўлиши мумкин. Агар мазкур муаммо борасида аниқлик бўлмаса, тадқиқотчи мавзуга алоқадор бўлган бошқа тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиши ва қўйилган мақсадга эришишида улар қандай ёрдам бериши мумкинлигини аниқлаши керак бўлади. Аввалги тадқиқотчилар ҳам худди шу бошқотирмани назардан тутганларми? Улар уни қандай ечишга ҳаракат қилганлар? Улар тадқиқотида муаммонинг қайси жиҳатлари эътиборсиз қолган? Бошқаларнинг ғояларига мурожаат қилиш олимга тадқиқот лойиҳасига киритилиши мумкин бўлган саволларни ва мазкур ишда қўлланилиши мумкин бўлган усулларни аниқроқ тасаввур қилишга ёрдам беради.

Тадқиқот муаммосини аниқлаш

Кейинги босқич тадқиқот муаммосини аниқ белгилаб олишдан иборат. Агар керакли адабиёт мавжуд бўлса, тадқиқотчи кутубхонадан мазкур муаммога қандай ёндошиш кераклиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиб қайтиши мумкин. Ушбу босқичда у муаммонинг табиати ҳақидаги тахминларини маълум *гипотезаларга* айлантириши мумкин. Гипотеза — бу тадқиқотчини қизиқтираётган ҳодисалар ўртасида қандай алоқа мавжудлиги борасидаги тахминлардир. Тадқиқот самарали бўлиши учун, гипотеза шундай тузилиши керакки, олинган фактик материал уни текшириш имконини берсин.

Тадқиқот лойиҳасини ишлаб чиқиш

Энди керакли маълумотни қандай йўл билан олишни аниқлашимиз керак. Бир қатор усуллар мавжуд бўлиб, уларнинг қай бирини танлашимиз тадқиқотимиз мақсадларига ва ўрганишимиз керак бўлган хулқ-атвор жиҳатларига боғлиқ. Баъзи мақсадларга анкета сўрови мос келади, бошқаларида интервью ёки кузатув ўтказиш ўринлироқ бўлади. Албатта, тарихий социологияга таллуқли муаммо ўрганилаётганида, бу усулларнинг ҳеч бирини қўллаш мумкин эмас. Бу ҳолда биз ўрганаётган даврга оид ҳужжатлардан фойдаланишимиз керак.

Тадқиқот ўтказиш

Тадқиқотни ўтказиш пайтида баъзи кутилмаган амалий қийинчиликлар пайдо бўлиши мумкин. Анкета жўнатилиши ёки интервью олиниши керак бўлган одамлар билан алоқа ўрнатиш имконсиз бўлиши мумкин. Хусусий фирма ёки давлат ташкилоти тадқиқотчига режалаштирган ишини амалга оширишга рух-

сат бермаслиги мумкин. Хужжатли материалларни топиш аввал тасаввур қилинганидан қийинроқ бўлиб чиқиш мумкин.

Натижалар талқини

Йиғилган материал таҳлил қилиниб, тадқиқотга туртки бўлган муаммога мувофиқлаштирилиши керак. Бу билан тадқиқотчи олдида турган қийинчиликлар тугамайди — аксинча, улар эҳтимол энди бошланар! Олинган маълумотни қайта ишлаш ва тадқиқот мавзусига мослаштириш осон кечмайди. Ҳатто барча саволларга аниқ жавоб олиш имконияти бўлганида ҳам кўплаб тадқиқотлар тугалланмай қолиб кетади.

Тадқиқот натижалари бўйича ҳисобот

Одатда журнал мақоласи ёки китоб шаклида чоп этиладиган ҳисобот тадқиқот табиатининг изоҳи ва қилинган хулосаларни асослашдан иборат бўлади. Ушбу босқич фақатгина конкрет тадқиқот лойиҳаси нуқтаи назаридан сўнгги босқич бўлади. Кўплаб ҳисоботлардан жавобсиз қолган саволлар келиб чиқади ва қўшимча тадқиқотлар ўтказиш талаб қилинади. Ҳар қандай индивидуал тадқиқот фаолияти ижтимоий ҳамжамият доирасида амалга оширилаётган тадқиқот жараёнининг бир қисмидир.

Жараёни бутунлигича тасаввур қилиш

Юқорида баён этилган босқичлар кетма-кетлиги ҳақиқий тадқиқот лойиҳасининг шунчаки соддалаштирилган кўринишидир. Реал социологик тадқиқотда бу босқичлар камдан кам бундай қатъий кетма-кетликда амалга оширилади, ишнинг бир қисми эса умуман якунига етказилмаслиги мумкин.² Бу фарқ пазандачилик китобида келтирилган рецепт ва реал овқат тайёрлаш жараёни ўртасидаги фарққа ўхшайди. Ошпазликда тажрибага эга бўлган одамлар умуман бу китобдан фойдаланмасликлари мумкин, уларнинг иши эса кўпинча ҳар дақиқа китобга қарайдиганларникидан самаралироқ бўлади. Қатъий схемаларга амал қилиш жараёнга катта чекланишлар киритиши мумкин ва энг машҳур тадқиқотларнинг катта қисми бу кетма-кетликка мос келмайди.

Умумий методология

Тадқиқот методологиясида тадқиқот билан боғлиқ муаммоларни ўрганишда вужудга келадиган энг муҳим муаммолардан бири — сабаб ва оқибатлар таҳлилидир. Икки ҳодиса ёки ҳолатнинг сабабли боғланиши — бу шундай боғланишки, унда бир ҳодиса ёки ҳолат бошқа бирини келтириб чиқаради. Тоғ ён бағрида турган автомобилнинг қўл тормози қўйиб юборилса, у

² Bell C. and Newdy H. Doing Sociological Research. London, 1977.

аста-секин тезлашиб пастга гилдираб кетади. Тормоз қўйиб юборилиши кўрсатилган оқибатни келтириб чиқаради, у сабабни эса тегишли физика қонунарига мурожаат этиб тушуниш осон. Худди табиий фанлар каби, социология ҳам барча ҳодисалар ўз сабабига эга, деган тахминдан келиб чиқади. Ижтимоий ҳаёт — ўз-ўзидан содир бўладиган ҳодисаларнинг тартибсиз йиғиндиси эмас. Социологик тадқиқотнинг асосий вазифаларидан бири сабаб ва оқибатларни аниқлашдан иборатдир.

Сабаблилик ва корреляция (ўзаро алоқадорлик)

Сабаблилик бевосита корреляция муносабатларидан аниқланиши мумкин эмас. Корреляция — икки ҳодисалар тўплами, ёки ўзгарувчан ҳодисалар ўртасидаги турғун алоқалардир. Ўзгарувчи — бу гуруҳ ва шахсларни тавсифловчи ҳар қандай жиҳат бўлиши мумкин: ёш, даромад фарқи, жиноятчилик даражаси, ижтимоий синфий фарқланишлар социологлар томонидан ўрганиладиган ўзгарувчан миқдор туркумига киради. Икки ўзгарувчан миқдор ўртасида кучли корреляция бўлган ҳолларда улардан бири бошқасига сабаб бўлиши керакдек туюлиши мумкин, бироқ кўпинча бундай бўлмайди. Ўртасида ҳеч қандай сабабли алоқа бўлмаган кўплаб ўзгарувчан миқдорлар корреляцияси мавжуд. Масалан, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Британияда трубка чекувчилар сони қисқариши ва мунтазам кинога борувчилар сони камайиши ўртасида кучли корреляция кузатилган. Бу ерда бир ўзгарувчан миқдор бошқасига сабаб бўлмагани аниқ ва улар ўртасида сабабли боғланиш топилш қийин.

Бироқ кўп ҳолларда кузатилаётган корреляция сабабли боғланишнинг назарда тутилаётгани унчалик аниқ кўринмайди. Бундай корреляциялар — эҳтиётсизлар учун тузоқдир ва у мунозарали ёки янглиш хулосаларга олиб келиши мумкин. «Ўз жонига қасд» деб номланган асаида Эмиль Дюркгейм ўз ўзини ўлдириш ҳоллари сони ва йил фасллари ўртасида корреляция мавжудлигини аниқлаган.³

У ўрганган жамиятларда ўз-ўзини ўлдиришлар сони январдан июн/июл ойларигача ўсиб бориб, сўнг йил охиригача яна пасайиб борган. Ҳарорат ёки иқлим ўзгаришлари ва шахсларнинг ўз-ўзини ўлдиришга мойиллиги ўртасида сабабли боғланиш бор, дея тахмин қилиш мумкин. Балки, ҳарорат ошган сари одамлар асабий ва қизиққонроқ бўлиб қолар? Бироқ бу ҳолатдаги сабабли боғланиш ҳарорат ёки иқлимга умуман боғлиқ эмас. Баҳор ва ёз фаслларида кўпчилик интенсив ижтимоий ҳаёт кечирадилар ва ёлғиз, бахтсиз одамлар ўз ёлғизлигини янада ўткир сеза бошлайдилар, чунки бошқаларнинг фаоллик даражаси ортади. Натижада улар ижтимоий ҳаёт суратлари пасайган қиш ва куз фаслларида кўра кўпроқ ёзда ва баҳорда суицидга мойиллик кўрсатадилар. Ушбу корреляцияда сабабли

³ *Durkheim Emile. Suicide: A study in Sociology. London, 1952.*



21-расм. Тадқиқот жараёнининг этаплари.

боғланиш ва сабаблилик йўналишини аниқлашда жуда эҳтиёт бўлмоқ лозим.

Сабабият механизмлари

Корреляцияда назарда тутилаётган сабабли боғланишларни таҳлил қилиб чиқиш мураккаб ишдир. Замонавий жамиятда, масалан, маълумот даражаси ва юқори мансабга эришиш қобилияти ўртасида кучли корреляция mavjud. Индивид мактабда қанчалик юқори баҳолар олса, у яхши ҳақ туланадиган иш

топиши эҳтимоли шунчалик баланд бўлади. Бу корреляцияни қандай изоҳлаш мумкин? Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бу ерда гап мактаб тажрибасида эмас, мактабда ўқувчининг ўзлаштириш даражаси у қандай оиладан келиб чиққанлигига боғлиқ. Ота-онаси ўқитишдан манфаат сезган, ўзига тўқ, кўплаб китоблар мавжуд бўлган уйлардан келиб чиққан болалар бошқаларга қараганда ўқишда ва ишда ютуқларга кўпроқ эришадилар. Бу ерда сабаблилик механизмлари — ота-оналарнинг болаларига муносабатлари ва оила болага тақдим этаётган ўқиш имкониятларидир (қаранг: 13-боб, «Таълим, коммуникация ва оммавий ахборот воситалари».)

Социологияда сабаблилик механизмларини ўта содда туншунмаслик лозим. Ижтимоий ҳаётдаги ўзгарувчан миқдорларнинг ўзаро таъсирининг сабабли омилларига, шунингдек, одамларнинг установакалари ва субъектив мотивлари ҳам қиради.

Ўзгарувчан миқдорларни назорат қилиш

Корреляцияни изоҳловчи сабабларни баҳолашда эркин ўзгарувчан миқдорларни эркин ўзгарувчан миқдорлардан ажратиш лозим. Бошқаларга таъсир ўтказувчи миқдор эркин ўзгарувчан миқдор, дейилади. Бошқалар таъсир ўтказувчи миқдор эса қарам ўзгарувчи, дейилади. Келтирилган мисолда ўқишдаги муваффақият эркин, маош эса — эркин ўзгарувчан миқдордир. Улар ўртасидаги фарқ биз кўриб чиқаётган сабабли боғланишнинг йўналишига боғлиқдир. Бир омилнинг ўзи бир тадқиқотда эркин ўзгарувчан миқдор, бошқасида эркин ўзгарувчан миқдор бўлиши мумкин. Агар бизни даромаднинг турмуш тарзига таъсири қизиқтирса, даромад эркин ўзгарувчан миқдорга айланади.

Бир неча ўзгарувчан миқдорлар ўртасидаги корреляция сабабли боғланиш эканлигини аниқлаш назоратни талаб қилади. Бунинг маъноси шуки, маълум ўзгарувчан миқдорга бошқаларнинг таъсирини аниқлаш учун у муайян ҳолатда ёзиб қўйилади. Бу усулдан фойдаланиб кузатилаётган корреляциялар изоҳини текширишимиз мумкин. Масалан, болаларнинг ривожланиши билан шуғулланган тадқиқотчилар айтишича, болаликдаги жиддий (оналик) депривация ва кейинги ҳаётдаги жиддий шахсий муаммолар ўртасида сабабли боғланиш мавжуд. (Матернал депривациянинг маъноси шуки, болани ҳаётининг илк ойларида ноқ узоқ муддатга онасидан ажратиб оладилар). Матернал депривация ва шахсий муаммолар ўртасида сабабли боғланиш ҳақиқатда мавжудлигини қандай текшириш мумкин? Бунинг назорат орқали, ушбу корреляцияни изоҳлаб бериши мумкин бўлган бошқа таъсирларни ҳам ўрганиб амалга ошириш мумкин.

Матернал депривациянинг сабабларидан бири боланинг узоқ муддатга касалхонага ётқизилиши бўлиши мумкин. Бироқ, ҳақиқатда фақатгина она меҳри аҳамият касб этадими? Эҳти-

мол, агар болага бошқа одамлар севги ва эътибор кўрсатсалар ҳам у нормал шахс бўлиб вояга етар? Бу эҳтимолий сабабли боғланишларни ўрганиш учун биз ҳеч ким томонидан ғамхўрлик кўрсатилмаган болалар ва онасидан ажралган, лекин бошқа одамлар унга севги ва ғамхўрлик кўрсатган болаларни таққослаб ўрганишимиз керак. Агар биринчи гуруҳда жиддий шахсий муаммолар бўлиб, иккинчисида бўлмаса, чақалоққа фақатгина онаси эмас, умуман кимдир ғамхўрлик қилиши зарур, деган хулоса келиб чиқади. (Аслида болалар ким биландир барқарор эмоционал алоқа бўлса, кимдир уларга ғамхўрлик қилса, ўзларини яхши ҳис қиладилар. Бу албатта онаси бўлиши шарт эмас).

Сабабларни аниқлаш

Ҳар қандай корреляцияни изоҳлаш учун кўплаб ранг-баранг сабаблар жалб қилиниши мумкин. Лекин биз уларнинг барчасини қамраб олдик, деб ишонч билан айта оламизми? Албатта, йўқ. Биз мазкур ҳолатга алоқадор, деб билган ҳар қандай омилнинг таъсир доирасини тўла текширишга тўғри келса социологик тадқиқотнинг жуда оз қисмини ҳам талқин қила олмасдик. Сабабий боғланишлар мазкур соҳадаги аввалги тадқиқотларга таяниб аниқланади. Муайян корреляциянинг эҳтимолий сабаблари тўғрисида олдиндан тасаввурга эга бўлмасак, реал сабабий боғланишлар мазкур соҳадаги аввалги тадқиқотларга таяниб аниқланади. Муайян корреляциянинг эҳтимолий сабаблари тўғрисида олдиндан тасаввурга эга бўлмасак, реал сабабий алоқадорликни аниқлашимиз қийин бўлади. Биз нима-ни текшириш кераклигини ҳам била олмаймиз.

Чекиш ва ўпка раки борасидаги тадқиқотларнинг узун тарихи мазкур корреляцияда ўрин тутган сабабли боғланишларни тўғри баҳолаш билан боғлиқ муаммоларнинг ёрқин мисоли бўла олади. Тадқиқотлар доимо бу икки ўзгарувчан миқдорнинг боғлиқлигини кўрсатиб келади. Чекувчиларга қараганда ашаддий чекувчиларнинг, кам чекувчиларга қараганда кўп чекувчиларнинг ўпка ракига чалиниш эҳтимоли юқорироқдир. Ушбу корреляцияни тескари йўналишда ҳам келтириш мумкин. Масалан, ўпка раки билан касал бўлганлар ичида чекувчилар ёки узоқ муддат чекканлар улуши каттадир. Ушбу корреляцияни тасдиқлаган тадиқотлар сони шунчалик кўпки, бу ҳолатда сабабли боғланиш мавжудлиги шубҳасиз ҳисобланади. Шунга қарамай, аниқ сабаблилик механизмлари ҳалигача номаълумдир.

Бироқ мазкур мавзунини ўрганишда корреляциялар қанчалик чуқур кўриб чиқилмасин, сабабли боғланишлар мавжудлиги доимо шубҳа остида қолаверади, чунки корреляциянинг турлича талқинлари мавжуд. Масалан, ўпка ракига мойил одамлар шунингдек чекишга ҳам мойил, деган ғоя илгари сурилган эди. Бу нуқтаи назардан чекиш ўпка ракини келтириб чиқармайди,

балки чекиш ва ўлка раки шахсларнинг биологик конституциясидан келиб чиққан мойиллик натижасида вужудга келади, деб хулоса қилиш ҳам мумкин.

Тадқиқот усуллари

Дала тадқиқотлари

Социологияда қўлаб турли усуллардан фойдаланилади. Ичкаридан кузатиш ёки дала тадқиқотида (бу икки атаманинг маъноси бир) тадқиқотда ўрганилаётган гуруҳ ёки ҳамжамият ичида яшайди ва унинг фаолиятида бевосита иштирок этади. Ирвинг Гоффманнинг руҳий касаллар шифохонасидаги одамлар ҳулқ-атворини ўрганишга бағишланган машҳур тадқиқоти бунга мисол бўла олади.⁴

Гоффман бир неча ой руҳий касаллар шифохонасида санитар ёрдамчиси бўлиб ишлаган. Ходимлардан бир ёки икки нафари унинг социолог эканини билар эди, касаллар эса бундан беҳабар эдилар. Шунинг учун Гоффман ҳатто ёпиқ палаталарда сақланадиган оғир касаллар билан ҳам бемалол алоқа қилиши мумкин эди. Шундай қилиб у бу ташкилот ҳаёти ва унда яшайдиган ва яшайдиганларнинг қарашлари ва одатлари ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш имкониятига эга эди. Тадқиқот материаллари бўлиб палаталар ҳаёти ҳақидаги кундалик ёзувлар ва касаллар ва бемор билан суҳбатлардан келиб чиққан маълумотлар хизмат қилди.

Статистик атамалар

Социологик тадқиқотда маълумотларни таҳлил қилишда одатда статистик услублардан фойдаланилади. Уларнинг баъзилари ўта оригинал ва мураккабдир, лекин кенг қўлланиладиган услублар соддадир. Кўпроқ бош ёки асосий тенденция ўлчамлари (ўртача миқдорларни ҳисоблаш усуллари) ва корреляция коэффициенти (бир ўзгарувчан миқдорнинг бошқаси билан алоқадорлик даражаси ўлчами) қўлланилади. Ўртача миқдорларни ҳисоблашнинг уч усули мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз устунлик ва камчиликларига эга. Мисол тариқасида ўн уч индивиднинг шахсий бойлик даражасини (уйлар, автомобиллар, банк ҳисоблари, инвестициялар каби барча неъматларини ҳисобга олиб) кўриб чиқайлик. Фараз қилайлик, бу ўн уч киши қуйидаги бойликка эгалар:

1. 0
2. 5000
3. 10000
4. 20000

⁴ Goffman E. Asylums: Essays on the Social Situation of Mental Patients and Other Immates. Harmondsworth, 1961.

5. 40000
6. 40000
7. 40000
8. 80000
9. 100000
10. 150000
11. 200000
12. 400000
13. 10000000

Ўртача миқдор бу ерда барча ўн уч кишининг бойлигини қўшиш ва улар сонига, яъни ўн учга бўлиш орқали ҳосил бўлади. Жами миқдор 11085000 га тенг бўлади, уни ўн учга бўлсак, 852629га тенг миқдор ҳосил бўлади. Ўртача миқдор шу жиҳатдан фойдалики, унда барча мавжуд маълумотдан фойдаланилади. Шунга қарамай, бир кўрсаткич бошқалардан кескин фарқ қилган ҳолларда, бу операция янглиш фикрга олиб келиши мумкин. Келтирилган мисолда ўртача миқдор асосий тенденция ўлчови бўлмайди, чунки 10000000га тенг ўта катта миқдор мавжудлиги барча маълумотни бузиб кўрсатади. Бу одамларнинг кўпчилиги ҳақиқатдагидан кўпроқ моддий неъматга эга деган фикр ҳосил бўлиши мумкин.

Бундай ҳолларда бошқа ўлчовлардан бирини қўллаш мумкин. *Мода* — бу маълумотлар тўплашда *энг кўп* учрайдиган миқдор кўрсаткичдир. Келтирилган мисолда бу 40000. *Мода* билан боғлиқ муаммо шундан иборатки, бу усулда кўрсаткичларнинг умумий тақсимланиши, яъни барча миқдорлар кўлами ҳисобга олинмайди. Энг кўп учрайдиган миқдор бутун тақсимотни акс эттирмайди, шунинг учун ўртача миқдор сифатида унчалик фойдали эмас. Бизнинг мисолимизда 40000 асосий тенденция ҳақида аниқ тушунча бермайди, чунки бу кўрсаткич келтирилган миқдорларнинг куйи нуқтасига жуда яқин жойлашган.

Учинчи ўлчов *медиана* — тўпланингни ўртасида жойлашган миқдордир. Келтирилган мисолда бу — еттинчи миқдор 40000. Мисолимизда миқдорлар сони тоқдир. Агар у жуфт, масалан, ўн уч ўрнига ўн икки бўлганида, медиана ўртадаги икки миқдорнинг ўртачасига тенг бўларди. Худди мода каби, медиана ҳам бутун олинган маълумотлар кўлами ҳақида тушунча бермайди.

Ўртача миқдорни ҳисоблашда янглишмаслик учун, тадқиқотчи нафақат асосий тенденция ўлчови, балки бошқа кўрсаткичлардан ҳам фойдаланади. Кўп ҳолларда маълумотлар тўплами учун стандарт оғиш 0 дан & 100000000 гача бўлган кўрсаткичлар тўпланингни диапазони ёки тарқоқлик даражасини ҳисоблаш усулидир.

Корреляциялар коэффиценти икки ёки ундан кўпроқ ўзгарувчан миқдорларнинг қай тарзда бир-бири билан боғланишини ифода этишининг фойдали усулини таклиф этади. Агар икки ўзгарувчан миқдор ўртасида тўлиқ корреляция мавжуд бўлса, биз 1 коэффиценти билан ифодаланувчи тўлиқ мусбат корреляция ҳақида гапиришимиз мумкин. Ўзгарувчан миқ-

дорлар бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолларда коэффициент 0 га тенг бўлади. -1 коэффициенти орқали ифода этиладиган абсолют манфий корреляция икки ўзгарувчан миқдор бир-бирига қарама-қарши нисбатда бўлган ҳолларда мавжуд бўлади. Ижтимоий фанларда мутлақ корреляциялар ҳеч қачон учрамайди. 0,6 ва ундан юқори бўлган мусбат ёки манфий корреляциялар одатда ҳар қандай ўрганилаётган ўзгарувчан миқдорлар ўртасидаги кучли боғлиқликнинг кўрсаткичи бўлади. Бу даражадаги мусбат корреляцияни, масалан, одамнинг синфий келиб-чиқиши ва сайловлардаги ҳулқ-атвори ўртасида кузатиш мумкин. Бир инглиз ижтимоий иқтисодий шкаланинг қанчалик юқори поғанасини эгалласа, у шунчалик кўпроқ лейбористлардан кўра консерваторларга овоз беради.

Масалан, унинг аниқлашича, кўп касаллар оддий ижтимоий мулоқот турларидан бош тортадиган ёпиқ палаталарда навбатчиларга бошқа палаталардаги «ишловчи касаллар» ёрдам берар эдилар. Эвазига уларга бир қатор имтиёзлар берилар эди. Бундай амалиёт касалхона маъмурияти томонидан расман қабул қилинмаган, бироқ касалхонанинг нормал фаолият кўрсатиши учун муҳим аҳамиятга эга эди. Гоффманнинг кундалиги бунга мисол бўла олади:

Бемор оғайним билан касаллар кафетерийларидан бирида овқатланиб ўтирибман. У: «Бу ерда овқат яхши, лекин мен консерваланган лососни ёқтирмайман», дейди. Сўнг узр сўраб, овқати билан ликопчасини ахлат қутисига ташлайди ва парҳез овқат тарқатиш жойига бориб, у ердан қовурилган тухум билан қайтади, айёрларча жилмаяди ва дейди: «Биз бу қутичаларга қарайдиган йигит билан пул (бильярд тури) ўйнаймиз».

Гоффманн касалхонани бундай ҳолларда психиатрлар қўллайдиган тиббий категориялар ёрдамида эмас, бемор нуқтани назаридан кўра билди. «Мен ишонаманки, — деб ёзади у — ҳар қандай инсонлар гуруҳи, ибтидоий одамлар, тайёра учувчилари ёки касалхона беморлари, яқиндан танишсангиз, маънога тўла, идрокли ва нормал ҳаёт кечирадилар». Гоффманнинг асари четдан кузатаётганлар учун «аҳмоқона» бўлиб туюлган нарса касалхона ичида унчалик ҳам маънисиз бўлмаслигини кўрсатади. Психиатрия касалхоналарида шундай интизом, кийим ва ҳулқ-атвор шакллари амал қиладики, беморлар ўзларини ташқи дунёдаги инсонлар каби ҳис эта олмайдилар. Бемор касалхонага келтирилганида, уларнинг шахсий буюмлари кўпинча олиб қўйилади, ўзларини эса ечинтириб, ювиб, дезинфекция қилишади ва махсус кийим кийдириб қўйишади. Бундан буён уларнинг бутун ҳаёти ходимлар назоратида кечади, ёлғиз қолиш имконияти умуман йўқ ва ходимлар уларга ёш боладек муносабатда бўладилар. Оқибатда улар ўзларини ғалати тута бошлайдилар, янги атроф-муҳит туғдираётган шароитга мослашишга ҳаракат қиладилар.

Дала тадқиқотига қўйиладиган талаблар

Тадқиқотчи ҳамжамият ҳаётига шунчаки кириб ололмайди, у жамият аъзолари олдида ўз иштирокини асослаб бериши ва оқлаши лозим. Агар у жиддий натижаларга эришишни хоҳласа, гуруҳнинг ишончини қозониши ва маълум муддат мобайнида бу ишончни оқлаши зарур. Эҳтимол, айниқса турли маданиятларни ўрганишда, бу биз яшаб ўрганган турмуш шароитларидан кескин фарқ қиладиган, чидаш қийин бўлган шароитда яшашни талаб қилар.

Узоқ вақт мобайнида ичкаридан кузатиш усули билан олиб борилаётган тадқиқотларда дуч келиши мумкин бўлган ҳар қандай муаммо ёки хавф-хатар ҳақида гапириш одобдан эмас, деб ҳисобланарди. Лекин кейинчалик тадқиқотчиларнинг ёзувлари ва кундаликлари ошкор бўла бошлади. Тадқиқотчи кўпинча ёлғизлик туйғуси билан курашишга мажбур бўлади, чунки инсон ўзи туғилиб ўсмаган ҳамжамиятга киришиб кетиши қийин, унга гуруҳ ёки ҳамжамият аъзолари ўзлари ҳақида очиқ гапиришни хоҳламасликлари мумкин; дангал саволларга баъзи гуруҳлар томонидан илиқлик, бошқалари томонидан совуқлик билан қарши олиниши мумкин. Баъзи турдаги дала ишлари ҳатто жисмоний жиҳатдан хавфли бўлиши мумкин. Масалан жиноятчилар гуруҳини ўрганаётган тадқиқотчини полиция айғоқчиси деб ўйлашлари мумкин.

Кўплаб ижтимоий тадқиқотлар турлари сингари дала ишлари кўпинча фаолияти ўрганилаётган гуруҳга нисбатан бир томонлама ҳаракатлардир. Тадқиқот гуруҳини одатда олимнинг ўзи танлаб олади; гуруҳ аъзолари билан маслаҳатлашиш, ёки уларни лойиҳага жалб қилиш камдан кам учрайди. Шундай экан, дала ишлари кўпинча шубҳа уйғотиши табиийдир ва кўпинча бундай ишни бошидаёқ тўхтатишга тўғри келади. 1870 йилларда Нью-Мексикадаги Зуни ҳиндуларини ўрганган илк дала тадқиқотчи — антропологлардан бири Фрэнк Гамильтон Кашинг, дуч келган муаммоларни (ва эришилган ютуқларни) тўла баён этган.⁵ Ҳиндулар ҳузурига биринчи келишида, Кашинг кўплаб турли совғалар берган ва қабила ҳаётига киришиб кетишга уринган. Зунилар у билан анча дўстона муносабатда эдилар, лекин диний маросимларини ўрганишга ҳеч йўл қўймас эдилар. Қабила бошлиғи аввалига уни қабилани тарк этишга мажбур қилишга уринди, лекин кейинчалик, баъзи урф-одатларни ўзлаштириш орқали уларнинг эътиқодини аҳмоқона деб ҳисобламаслигини исбот қилиш шарти билан қолишга рухсат этди. Кашинг ўта ноқулай бўлган Зунилар кийимини кийишга, Зунилар овқатини ейишга мажбур эди, унинг осма қароватини узиб ташлашди ва у, Зунилар сингари, ерга солинган қўй терисида ётишга мажбур бўлди. Лекин энг катта муаммо ҳали ол-

⁵ *Cushing F. H. My Adventures in Zuni. Palmer Lake, 1967; биринчи публикация 1882—1883*

динда эди. Унга уйланиши кераклигини айтдилар ва аёл киши жўнатдилар. Аввалига у аёлнинг ғамхўрликларини писанд қилмасликка ҳаракат қилди, лекин бу натижа бермади. Охири у аёлни қувиб юборди ва Зунилар кўзида уни балога дучор қилди.

Ушандан буён зунилар, кўплаб Америка ҳиндуларининг қабилалари каби, олимлар ташрифларига ўрганиб қолдилар, лекин улар ўртасидаги муносабатлар кескинлигича қолаверди. 1920 йилларда археолог Ф.В.Хож, қадимий ибодатхона яқинида қазилмаларни бошлаб юбориб, уларнинг ғазабини уйғотди⁶; уни кетишга мажбур этдилар, бундан ташқари экспедициячиларнинг фотоаппаратларини синдириб юбордилар.

Кейинроқ зунилар қабиласига таниқли антрополог Рут Бенедикт келганида, уни илиқроқ кутиб олишди. Таржимон ҳинду айтишича, у улар билан мулойим эди, саҳийлик билан пул берарди, лекин унинг ҳиндулар ҳаёти ҳақидаги мақолалари жиддий эмас эди, чунки у зунилар ҳаётининг кўп жиҳатларида иштирок этмаган. Ундан буён зунилар ўз қабиласидан кўплаб тадқиқотчиларни қувиб юборганлар. Яқинда бир ҳинду навбатдаги тадқиқотчидан сўради: «Биз ҳали ҳам антропологлар ҳар ёз келиб тадқиқот ўтказадиганчалик ибтидоиймизми?»

Дала тадқиқотининг афзаллик ва камчиликлари

Дала тадқиқоти агар у муваффақиятли ўтса, бошқа кўплаб усулларга қараганда бойроқ маълумот беради. Агар биз гуруҳ ҳаёти «ичкарида» қандай эканини тушунсак, унда гуруҳ аъзоларининг хулқ-атвори нима учун айнан шундайлигини англашимиз осонлашади. Дала тадқиқоти, маданияти биз учун номаълум бўлган гуруҳ ҳаётини ўрганишнинг ягона тадқиқот тури ҳисобланади, у ноғарбий маданиятларни ўрганишга кўмаклашади.

Дала тадқиқоти бошқа усулларга, масалан, сўровга қараганда *мослашувчандир*. Далада ишлаб турган тадқиқотчи янги кутилмаган ҳолатларга кўника олади ва йўналишларни бевосита тадқиқот пайтида вужудга келаётган шароитларга қараб ўзгартира олади. Дала тадқиқотининг бошқа усулларга қараганда кутилмаган натижалар бериш эҳтимоли юқорироқ. Тадқиқотчи, маълум гуруҳ ёки ҳамжамият ҳақидаги аввалги тасавури умуман янглиш эканини кўриб, ҳайратда қолиши мумкин. Бироқ дала иши ўз камчиликларига ҳам эга: бу усул билан фақатгина нисбатан кичик гуруҳ ва ҳамжамиятларни ўрганиш тадқиқотчининг маҳоратига боғлиқ бўлиб қолади. Бу ишончсиз тадқиқот шунчаки лойиҳа бўлиб қолавереди.

⁶ Pandey T. Anthropologist at Zuni / Proceedings of the American Philosophical Society. 1972.

Сўровлар (текширишлар)

Дала тадқиқоти натижаларини талқин қилишда одатда умумлаштириш муаммосига дуч келинади. Бир контекстда кашф этилган нарса бошқа контекстга ҳам тўғри келишига аниқ ишорат бўладими? Бундай муаммо сўров ўтказилганда деярли учрамайди, лекин улар ҳам, албатта ўз камчиликларига эга. Сўровда саволлар рўйхати бевосита жавоб бериш учун олинган гуруҳга юборилади. Бу гуруҳ баъзан минглаб кишилардан иборат бўлиши мумкин. Дала иши жамоа ҳаётини чуқурроқ ўрганиш учун мос келади; сўровлар одатда унчалик батафсил маълумот бермайди, лекин унинг тўғрилигига шубҳа қилмаса бўлади.

Стандартлаштирилган сўровномалар ва очиқ саволли сўровномалар

Текшириш усулида икки хил сўровномалардан фойдаланилади. Улардан бири фақат маълум жавоблар бериш мумкин бўлган стандартлаштирилган саволлар тўпламини назарда тутати. Респондентнинг ўзи, ёки тадқиқотчи берилган саволларга жавобларни белгилайди, масалан, «ҳа, йўқ, билмайман», ёки, «бўлиш эҳтимоли юқори, бўлиши мумкин, эҳтимоли паст, мумкин эмас» жавоблари белгиланган саволномалар устунлиги шундаки, уларда жавобларни солиштириб, жадвалга киритиш осон, чунки жавоблар вариантлари сони унчалик катта эмас. Бошқа томондан, улар жавоб орасидаги нозик фарқларни белгилаш имконини бермаслиги ва бу фарқларни вербал ифода этишга йўл қўймаслиги сабабли улар ёрдамида олинган маълумот чекланган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Сўровномаларнинг яна бир тури очиқ саволли сўровномалар бўлиб, улар респондентларга аввалдан белгиланган жавобларнинг бирини танлаш эмас, ўз сўзлари билан фикрларини ифода этиш имконини беради. Очиқ сўровномалар янада эгилувчанроқ бўлади, улар стандартлаштирилган сўровномага қараганда тўлиқроқ маълумот беради. Тадқиқотчи саволни янада чуқурлаштириб респондент фикрини янада аниқроқ билиб олиши мумкин. Бошқа томондан, унификация йўқлиги жавобларни таққослашда қийинчилик туғдиради.

Янши натижаларга эришиш учун, бундай интервью саволларини пухталик билан тузмоқ лозим. Масалан, «хукумат ҳақида фикрингиз нима» каби савол умуман бефойдадир, чунки у жуда ноаниқ. Гап шундаки, респондентлар нима назарда тутяётганини аниқ билмасдан, саволни турлича талқин қилишлари мумкин. Тадқиқотчи шунингдек йўналтирувчи, яъни маълум жавобни келтириб чиқарувчи саволлардан эҳтиёт бўлиши керак. «... сиз бу фикрга қўшиласизми?» деган савол йўналтирувчи характерга эгадир, чунки у респондентни розилик беришга ундайди. Ҳолисона савол шундай бўлиши керак: «... ҳақида фикрингиз қандай?». Саволларни беришда турли бузилиш ва ноаниқликлар вужудга келиши мумкин. Масалан, савол респон-

дентни иккилантириб қўйиши мумкин: «Соғлиғингиз бир йил аввалгига қараганда ҳозир яхшироқми, ёки ёмонроқми?» Иккилантирувчи нуқта бу ерда яхши-ёмон ва ҳозир-бир йил аввал ичидан танлашдир. Аниқроқ савол шундай берилиши мумкин: «Ҳозир соғлиғингиз бир йил аввалгидан яхшироқми?» Ҳар иккала саволга ҳам респондент «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб бериши мумкин; лекин биринчи мисолда тадқиқотчи жавобни тўғри талқин қила олмайди. Жавоблардаги ноаниқликнинг олдини олиш учун саволлар имкон қадар содда тузилиши керак. Сўровноманинг барча пунктлари шундай жойлаштириладики, интервью олувчилар саволларни аввалдан белгиланган тартибда бериб, жавобларни бир хил тарзда ёзиш имконига эга бўлади. Барча пунктлар ҳар иккала томон учун ҳам тушунарли бўлиши лозим. Давлат агентликлари томонидан ўтказиладиган катта умумхалқ сўровларда интервьюлар бутун мамлакат бўйлаб қўлаб интервьюерлар томонидан олинади. Интервью олувчилар ва натижаларни таҳлил қилувчилар, агар жавоблардаги ноаниқликларни бартараф этиш учун доимо бир-бирлари билан алоқада бўлишга мажбур бўлсалар, ўз ишларини бажара олмайди.

Текшириш режаси респондентлар хусусиятларига тўла мослаштирилган бўлиши зарур. Тадқиқотчи саволида назарда тутилган муаммони улар кўра оладими? Тўлақонли жавоб учун уларда етарли маълумот борми? Улар жавоб беришни истайдиларми? Тадқиқотчи қўллаётган атамалар улар учун тушунарли бўлиши мумкин. Масалан, «Никоҳ статусингиз қандай?» деган савол бироз саросимага солиб қўйиши мумкин. «Бўйдоқмисиз, уйланганмисиз, ёки ажрашганмисиз?» деган саволни бериш тўғрироқ. Эътибордан четда қолган муаммоларни аниқлаш учун, дастлабки (пилотаж) тадқиқотлар (пилотаж тадқиқот — бу синов тадқиқот бўлиб, унда сўровномани бир неча киши тўлдиради) ўтказилади. Унда топилган муаммолар асосий сўровдан аввал бартараф этилади.

Терма (выборка)

Кўпинча социологларни йирик гуруҳлар характеристикалари, масалан, британ сайловчиларнинг фикрлари қизиқтиради. Барча одамларни сўров қилиш имконсиздир, шунинг учун тадқиқот бутун гуруҳнинг кичик қисми, яъни терма билан ўтказилади. Аҳолининг бир қисми берган жавоблар бутун аҳолига мос тушади, дейиш мумкин. Икки—уч минг британияликнинг сўров натижалари бутун аҳолининг сайлов режаларининг кўрсаткичи бўлиши мумкин. Лекин бундай аниқликка эришиш учун терма репрезентатив бўлмоғи лозим. *Репрезентатив терма* ўрганилаётган шахслар гуруҳининг бутун аҳолига хос бўлишини талаб қилади. Терманинг таърифи анча мураккаб. Статистика мутахассислари термаларнинг ҳажми ва таркибини белгилашнинг қўлаб қойдаларини ишлаб чиққанлар. Тасодифий терма билан ишлаш алоҳида аҳамиятга эга. Унда терибли олиш жараёни

шундай белгиланадики, ўрганилаётган тўлиқ гуруҳнинг ҳар бир аъзоси термага киритилиши эҳтимоли бир хил бўлади. *Тасодифий терма* шакллантиришнинг энг ишончли йўли шундан иборатки, аҳолининг ҳар бир вакилига бир рақам бириктирилади, сўнгра эса, масалан, ҳар ўн рақамдан бирини танлаб олиш орқали тасодифий рақамлар термаси ҳосил қилинади.

Мисол: «Халқ танладими?»

Кенг шухрат қозонган илк сўровлардан бири — Пол Лазарсфельд ва бир гуруҳ касбдошлари томонидан ярим аср аввал ўтказилган «*Халқ танладими?*» номли тадқиқотдир.⁷ Бу тадқиқотда энг муҳим замонавий сўров усулларида баъзилари қўлланилган. Шу билан бирга, унинг камчиликлари ушбу усулга хос бўлган чекланишларни кўрсатиб берди. Бу тадқиқотнинг вазифаси Огайо штатининг Эри графлиги аҳолисининг 1940 йилги АҚШ Президенти сайловлари билан боғлиқ ниятларини ўрганиш эди; бу тадқиқот нафақат илмий тадқиқотлар, балки кейинчалик ўтказилган сиёсий сўровлар характерида ҳам ўз таъсирини ўтказди. Тадқиқот чуқурроқ ва батафсилроқ бўлишини таъминлаш учун олимлар ҳар бир терма аъзосини етти марта турли шароитларда сўров қилганлар. Мақсад — сайловчилар режаларининг ўзгариши сабабларини аниқлаш эди.

Тадқиқот бир қатор маълум гипотезаларга асосланган эди. Улардан бирига кўра, сайловчиларга яқин ҳодиса ва установкалар сайлов натижаларига дунё миқёсидаги умумий муаммолардан кўра кўпроқ таъсир қилади деб ҳисобланар эди. Тадқиқот натижалари бу фикрни тасдиқлади. Сиёсий қарашларни таҳлил қилиш учун тадқиқотчилар мураккаб ўлчов услублари ишлаб чиққан эдилар, бироқ уларнинг ишига назарий ғоялар ҳам жиддий таъсир ўтказди; бундан ташқари, тадқиқотнинг ўзи ҳам назарияни ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшди. Тадқиқот натижасида «ижтимоий фикр раҳбарлари», «икки босқичли коммуникацион оқим» каби тушунчалар муомалага киритилди. Баъзи шахслар — ижтимоий фикр раҳбарлари атрофдагиларнинг сиёсий фикрларини шакллантирар эди. Улар сиёсий жараёнларни атрофдагилар учун изоҳлаб бериб, уларга муносабат шаклланишига катта таъсир ўтказар эдилар. Одамларнинг сиёсий тизимга муносабатлари тўғридан тўғри эмас, «икки босқичли» жараёнда шаклланади: куннинг сиёсий мавзусига муносабатни шахсий муносабат элагидан ўтган ижтимоий фикр раҳбарларининг қарашлари белгилайди.

Кўпчилик бу тадқиқотга қойил қолди, лекин у қаттиқ танқидга ҳам учради. Лазарсфельд ва шерикларининг айтишича, уларни «одамларнинг сиёсий ҳулқ-атворида таъсир этувчи барча омиллар қизиқтирган». Лекин танқидчилар фикрича, уларнинг тадқиқоти сиёсий ҳулқ-атворнинг фақатгина баъзи жиҳат-

⁷ Lazarfeld P., Berelson B. and Gaudent H. The People's choice. New York. 1948.

ларини ёритиб берди. Унда мавжуд сиёсий тизим институтлари ва бу институтлар фаолиятининг таҳлили умуман йўқ эди, чунки тадқиқот сиёсий қарашлар таҳлили билан чекланган эди. Қайта интервью қилиш — ҳозир бу панель тадқиқот деб юритилади — тадқиқот натижалари чуқурроқ бўлишини таъминлайди. Лекин ўз табиатига кўра сўровлар одамлар ҳақиқатда нима деб ўйлашларини эмас, нима деб гапиришларини аниқлаб беради холос.

Баҳолаш

Бир неча сабабларга кўра сўровларнинг социологияда кенг қўлланилиши давом этмоқда.⁸ Бошқа кўплаб усуллар орқали олинган материалдан кўра, сўровнома жавобларини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш қулайроқ; сўровлар кўп сонли одамлардан маълумот олишга имкон беради; етарли маблағи бўлса, тадқиқотчилар маълумот йиғиш учун сўров ўтказишга ихтисослашган агентликни жалб қилишлари мумкин.

Лекин кўпчилик социологлар сўров усулига танқидий муносабатдадир. Сўров натижаларини қайта ишлаш ва статистик таҳлил қилиш қулай, лекин бу усулга қарши чиққанлар айтишларича, қайта ишланган натижалар тўғридек туюлади, лекин жавобларнинг аксарияти ўта юзакиликни ҳисобга олганда, натижалар аниқлиги шубҳа уйғотади. Бошқа салбий жиҳатлар ҳам мавжуд. Баъзан жавоб беришдан бош тортиш ҳоллари кўп бўлади, айниқса анкеталар почта орқали юборилганида. Сўровларда иштирок этмасликни ва саволларга жавоб бермасликни афзал кўрадиган одамлар ҳақида маълумот жуда кам, бироқ улар сўровни ортиқча вақт эгаллайдиган, кераксиз иш деб ҳисоблайдилар.⁹

Сўров ўтказиш шароитлари ва натижаларни изоҳлашда қўлланиладиган тил кўпинча жавоб бераётган реал тирик шахслардан жуда узоқдир. Саволлар почта орқали юборилганида тадқиқотчилар респондентлардан шу қадар узоқ бўладиларки, саволни ўқиб унга жавоб бераётган тирик шахсларни тасаввур қилиш ҳам қийин. Долзарб мавзуга муносабатни ўрганишда тобора кўп қўлланилаётган телефон орқали сўровлар ҳам ўта анонимдир.

Икки инсон, анкета саволлари нуқтаи назаридан қаралса, тахминан бир хил ҳолатни эгаллаб туриши мумкин, лекин бундай фикрга эга бўлишнинг сабаблари турлича бўлиши мумкин. Масалан, ташқи сиёсатга тегишли саволга ҳар иккаласи Британия хориждаги ҳарбий иштирокини камайтириши кераклигига «қатъий ишонч» билдириши мумкин ва ҳар иккаласи ҳам айни

⁸ *Miller W.* The Survey Method and Political Sciences: Achievements, Failures, Prospects. New York, 1983.

⁹ *Goyder John.* The Silent Minority: Non — respondents on Sample Surveys. Cambridge, 1987.

фикр эгаси ҳисобланади. Лекин уларнинг ҳақиқий қарашлари тубдан фарқ қилиши мумкин. Бирининг фикрича хорижликлар ўз муаммоларини ўзлари ҳал қилишлари лозим, шунинг учун ҳам у ишонган «Британия қалъаси» хориждаги ҳарбий иштироки улушини камайтириши керак. Бошқаси эса глобал қуролсизланиш тарафдори бўлгани туфайли, Британия дунёдаги ўз мавқеини ҳарбий куч қўллаш билан боғлиқ бўлмаган усуллар ёрдамида мустақамлаши лозим, деб ҳисоблаши мумкин. Агар тадқиқотчилар саволларни чуқурлаштириш имконига эга бўлсалар, улар бу муаммони қисман ечишлари мумкин. Умуман олганда, тадқиқотчилар ва респондентлар ўртасида алоқа қанчалик тўғри ва бевосита бўлса, хулосалар шунчалик информатив ва асосли бўлади. Сўров натижалари имкон қадар дала тадқиқотларининг чуқурлаштирилган матеариаллари билан тўлдирилиши керак.

Ҳужжатли тадқиқот

Социологик тадқиқотларнинг аксарияти дала тадқиқоти ёки сўровга ёки бу иккала усул комбинациясига асосланади. Ҳужжатли тадқиқот — иш мобайнида босма ва қўлёзма материаллардан системали тарзда фойдаланиш — кўпинча эътибордан четда қолиб кетади. Бироқ, дала иши ёки сўровнинг камдан кам элементлари ҳужжатли материаллар таҳлили билан боғлиқ бўлмайди. Масалан, «Халқ танлаган одамми?» тадқиқотини тайёрлашда ва ҳисобот ёзишда газета ва бошқа материаллардан фойдаланилган. Ҳужжатли тадқиқот — социологик маълумот йиғишининг энг кенг тарқалган усуларидан биридир.

Социологик тадқиқотда энг кўп қўлланиладиган ҳужжат турларига оммавий ва шахсий ёзувлар (архив манбалар), давлат ҳужжатлари, черков китобидаги ёзувлар, хатлар ва суд баённомалари кириши мумкин. Тадқиқотда фойдаланилаётган ҳужжатлар қаторига мазкур мавзу бўйича аввалги тадқиқотларда йиғилган материалларни ҳам киритиш мумкин. Кўплаб тадқиқотлар бошқа тадқиқотлар материалларини таҳлил қилиш ва янги маълумотлар йиғишдан иборат бўлади.

Тарихий ҳужжатларга асосланган тадқиқотга Энтони Эшвортнинг биринчи жаҳон уруши пайтидаги позицион жангларга бағишланган иши мисол бўла олади.¹⁰ Эшвортни доимо ўт остида, бир неча ҳафталаб тор ва тикин окоплар ичида ўтаётган солдатлар ҳаёти қизиқтирар эди. Улар ўртасида вужудга келаётган муносабатларни ўрганишда у турли ҳужжатли манбаларга суянган: урушлар расмий тарихига, шу жумладан алоҳида дивизия ёки батальонларнинг ёзувларига, архив маълумотларига, алоҳида солдатларнинг кундалик ёзувларига, уруш ҳақидаги шахсий таассуротларига ва ҳоказо.

¹⁰ *Ashworth A. French Warfare, 1914—1918. London, 1980.*

Материаллар турлича бўлганига қарамай, Эшворт кўплаб ҳар хил манбаларни жалб қилгани туфайли, оқош ҳаётини тўлиқ ва батафсил изоҳлаб бера олди. Масалан, у аниқладики, аскарларнинг баъзи гуруҳлари, душман билан қанчалик тез тўқнашиш кераклиги борасида ўз нормаларини ишлаб чиққанлар, улар офицерлар буйруқларини назарга ҳам илмас эдилар. Масалан, Рождество байрамида ҳар иккала томон солдатлари ҳарбий ҳаракатлардан бош тортар эдилар, улар ҳатто бир-бирлари билан рамзий футбол ҳам ўтказганлар. Бошқа тадқиқотчилар томонидан йиғилган маълумотнинг иккиламчи таҳлили ҳужжатли тадқиқотнинг муҳим туридир. Ҳукуматлар ва бошқа ташкилотлар кўплаб ижтимоий ҳодисаларнинг расмий статистикасини мунтазам чоп этиб боради: аҳоли орасида жиноятчилик, никоҳ ва ажралишлар сони, ўз жонига қасд қилишлар, ишсизлик даражаси ва ҳоказо. Социология пайдо бўлганидан бошлаб, бу маълумотлар кўплаб тадқиқотларга асос бўлди. Тадқиқотчилар бу статистик маълумотлардан ўз тадқиқот муаммосини ечишда фойдаланиши мумкин.

Ҳукуматлар томонидан келтириладиган маълумотлар жуда кенг қўламли бўлиб, бир неча асосий маълумот манбаларини ўз ичига олади. Масалан, мунтазам равишда, маълум вақт оралиғи билан, аҳолини рўйхатга олиш ўтказилади. Бу кўплаб ижтимоий ва иқтисодий масалалар бўйича маълумот беради. Бундай сўровдаги саволларга жавоб бериш мажбурий бўлгани учун, олинган материал анча тўлиқ ва батафсил бўлади. Ҳукуматлар узлуксиз тарзда материал йиғиб бориш учун, бошқа тур сўровлар ҳам ўтказилади.¹¹

Ҳужжатли тадқиқот тузоқлари

Албатта, ҳужжатли манбалар ишончилиги турлича бўлади ва улардан фойдаланаётган тадқиқотчи уларнинг ҳақиқийлигини тўғри баҳолай билиши зарур. Газета мақолаларида, масалан, маълумотлар кўпинча турли ишонсиз манбалардан олинган бўлади, бу айниқса «оммавий» газета ва журналларга тегишли. Бир неча йил муқаддам «Гардиан»да бир мактуб чоп этилган. Ўзини «матбуот тадқиқотчиси» деб атаган мактуб муаллифи матбуотда кенг ёритилган зодагонлар табақаси вакили бўлмиш Айри фон Фюрстенбергнинг никоҳ маросими ҳақида 8 газетанинг ҳисоботини тўплаган. Муаллифнинг айтишича, «матбуот ходимлари нафақат жасурлик, балки ёрқин индивидуаллик ҳам кўрсатганлар. Улар ҳатто энг содда фактлар ҳақида гап борганида ҳам, ҳар қандай қабул қилинган стандартлардан воз кечдилар». Маълум қилинишича, келин маросимга кеч қолган, лекин турли маълумотларга кўра кеч қолиш вақти 30—70 дақиқани ташкил қилар эди. Кимдир Гранд-Каналга тушиб кетди ва матбуотда бу кимлиги борасида тўрт хил тахмин пайдо бўлди.

¹¹ *Hakim C. Secondary Analysis in Social Research. London, 1982.*

Сураччилар сони, турли манбаларга кўра, 50 дан 250 гача эди, меҳмонлар сони эса 250 дан 6000 гачани ташкил қилар эди.¹²

Расмий статистика, албатта, газета мақолаларига қараганда анча ишончлироқ. Лекин статистика маълумотларини таҳлил қилишда ҳам тадқиқотчи унинг эҳтимолий камчиликларини ҳисобга олиши керак. Масалан, барча давлатлар турли хил жинойтчиликнинг расмий статистикасини олиб борадилар, лекин ҳақиқатда турли жинойтларнинг тақсимланиши ҳақида у жуда кам маълумот беради, чунки фақатгина полицияга хабари берилган жинойтларгина рўйхатга олинади. Ўғирлик каби жинойтларнинг фақатгина кичик бир қисми рўйхатга киритилади, кўплаб жинойтлар эса полиция назаридан четда қолиб кетаверади. Масалан, йирик магазинлар фақатгина ҳар ҳафта содир бўладиган баъзи ўғирликлар ҳақида полицияга хабар беради — одатда, магазин кўриқчилари жинойтчини жинойт устида қўлга олганларида. (Жинойтчилик статистикасини чуқурроқ муҳокама қилиш учун 5-боб, «Конформлик ва девиант ҳуқ-атвор»га қаранг.)

Экспериментлар

Баъзи жиҳатлардан экспериментлар бошқа тадқиқот процедуралари олдида яққол устунликка эгалиги аниқдир. Экспериментал ҳолатда тадқиқотчи ўзгарувчан миқдорларни бевосита бошқариб туради. *Экспериментни* сунъий яратилган шароитда бир ёки бир неча ўзгарувчан миқдорнинг бошқаларига таъсирини ўрганиш деб таърифлаш мумкин. Экспериментлар табиий фанларда кенг қўлланилади, лекин социологияда уни қўллаш доираси чекланган. Лабораторияга фақатгина кичик гуруҳни жойлаштириш мумкин, лекин улар, одатда, улар устидан тажриба ўтказилаётганидан хабардор бўладилар ва ўзларини одатдагидан фарқлироқ тутишлари мумкин.

Шунга қарамай, социологияда ҳам экспериментал усул баъзан муваффақиятли қўлланилади. Филип Зимбардо ўтказган ажойиб тадқиқот бунга мисол бўла олади.¹³ У ўзига хос «қамоқхона» ташкил этиб, унда маҳбуслар ва кўриқчилар ролини талабалар ўйнаган. Унинг мақсади турли ролларни ижро этиш талабалар ҳуқ-атворини қай даражада ўзгартиришини аниқлаш эди. Натижалар тадқиқотчиларни ҳайратга солди. «Кўриқчилар» тез орада авторитар муомала тарзини ўзлаштириб олиб, «маҳбуслар»га нисбатан ҳақиқий душманларча муносабатда бўла бошладилар. Улар «маҳбуслар»ни ҳақорат қилар, кўрқитар эдилар. Уларнинг шерикларида эса, аксинча, ҳақиқий қамоқхона маҳбусларида кузатиладиган апатия ва исёнкорлик белгилари пайдо бўла бошлади. Бу кўринишлар шу қадар яққол кўзга ташланар, вазият эса шунчалик кескин эдики, экспериментни

¹² Mann P. Method of Social Investigation. Oxford, 1985.

¹³ Zimbardo P. Pathology of imprisonment // Society, 9. 1972.

бошидаёқ тўхтатишга тўғри келди. Тадқиқотчи қамоқхоналарда ҳулқ-атворни у ердагиларнинг шахсий хислатлари эмас, муҳитнинг ўзи белгилайди, деб ҳулосага келди.

Жадвални ўқиш

Социологик ва статистик адабиётлар ўқишда сиз кўплаб жадваллар учратасиз. Баъзан улар ўта мураккабга ўхшайди, лекин аслида уларни тушуниш жуда осон ва асосий тамойилларга амал қилинса, буни иш жараёнида автоматик тарзда амалга ошириш мумкин. Жадвални назардан четда қолдириб кетманг, унда кўп маълумот жамланган бўлиб, уни ёзма материалдан кўра тезроқ «ўқиб олиш» мумкин. Жадвални тўғри талқин қилишни ўргансангиз, мазкур материал муаллифининг ҳулосалари қанчалик асосли эканлигини аниқлай оласиз. Жадвал мазмунини тушуниш учун қуйидагиларни бажариш зарур:

1. Ёзувларни тўла ўқиб олинг. Баъзан жадвалларда жуда узун ёзувлар бўлади, бу муаллифнинг берилган материални тўла ва аниқ изоҳлашга уринганидан далолатдир. Келтирилган жадвалнинг номи, биринчидан, материал мавзусини, иккинчидан материал таққослаш учун берилганини, ва учинчидан, материал маълум давлатларга тегишли эканини кўрсатади.

2. Жадвални тушунтирувчи изоҳ ёки мулоҳазалар бериш ўқилгига қаранг. Жадвалимизнинг биринчи устунни остидаги изоҳ маълумот фақат рўйхатдан ўтган автомобилларга тегишлилигини кўрсатиб турипти. Бу муҳимдир, чунки баъзи давлатларда рўйхатдан ўтган автомобиллар улуши бошқалардиги қараганда кўпроқ бўлиши мумкин. Изоҳларда материал қандай йўл билан тўплангани, ёки нима учун у шу кўринишда берилаётгани айтиб ўтилган бўлиши мумкин. Агар жадвалда келтирилган маълумот тадқиқотчи томонидан йиғилган эмас, аввал ўтказилган тадқиқотларга асосланган бўлса, жадвалда манба кўрсатилади. Бу манба маълумот қанчалик ишончли эканини аниқлашга имкон беради ва жадвалда келтирилган илк маълумотни қаердан излаш кераклигини кўрсатиб беради. Бизнинг жадвалда маълумот бир неча манбадан олингани кўриниб турипти.

3. Жадвалнинг устки чап қисмидаги сарлавҳаларни ўқинг (баъзан сарлавҳа юқорида эмас, пастда берилиши мумкин). Улар ҳар бир қатор ва ҳар бир устунда қандай турдаги маълумот келтирилганини айтиб беради. Жадвални ўқиб рақамларни кўриб чиқаётганингизда, барча сарлавҳаларни ёдда тутмоқ лозим. Бизнинг мисолларимизда чапда жойлашган сарлавҳалар мамлакатларни, юқоридагилар — автомобиллар сонини ифодалайди.

4. Кўлланилган ўлчов бирликларини аниқланг: жадвалдаги рақамлар ҳодисалар сонини, фоизини, ўртача миқдорини ва бошқа кўрсаткичларни ифодалаши мумкин. Баъзан жадвал рақамларини ўзингизга мослаштириб олишингиз фойдалидир: масалан, фоизлар келтирилмаган бўлса, уларни ҳисоблаб чиқиш мумкин. Келтирилган мисолда фоизлар кўрсатилмаган, лекин уларни ҳисоблаб чиқиш қийин эмас.

5. Берилган маълумотга асосланиб қандай хулосалар чиқариш мумкинлигига эътибор беринг. Кўп жадвал материалларини мустақил баҳолашингизни ҳисобга олиш керак. Жадвал қандай мавзу ёки муаммоларга тегишли эканига ҳам эътибор беринг

Хусусий автомобиллар сони: баъзи давлатлар бўйича солиштирув материаллари

Вояга етган 1000 кишига автомобиллар сони*

	1971	1981	1984
Бразилия	12	78	84
Буюк Британия	224	317	343
Греция	30	94	116
Ғарбий Германия	247	385	412
Ирландия	141	202	226
Италия	210	322	359
АҚШ	448	536	540
Франция	261	348	360
Чили	19	45	56
Швеция	291	348	445
Югославия	43	114	125
Япония	100	209	227

*фақат рўйхатдан ўтган автомобиллар

Манбалар: БМТ — транспорт статистикаси бўйича йиллик Бюлетени, Дунё йўл статистикаси, халқаро автомобил йўллар федерацияси; жадвал Sociel Trends. London. 1987. P 60 га кўра келтирилган.

Жадвалда келтирилган рақамлар бир неча қизиқарли хулосалар келтириб чиқаради. Биринчидан, турли давлатлардаги хусусий автомобиллар сони бир-биридан кескин фарқ қилади: АҚШда бу кўрсаткич Чилидагидан деярли 10 баравар юқори. Иккинчидан, жадвал автомобиллар сонининг давлатнинг бойлик даражасига бевосита боғлиқлигини кўрсатади. Кўпол қилиб айтганда, автомобиллар сони кўрсаткичини давлат бойлиги кўрсаткичи ҳам дейиш мумкин. Учинчидан, келтирилган барча давлатларда хусусий автомобиллар сони 1971 йилдан 84 йилгача ўсиб борган, лекин баъзида ўсиш суратлари бошқаларга қараганда юқорирок. Бу иқтисодий ўсиш даражасининг кўрсаткичидир.

Бошқа усуллар: интервью, таржимаи ҳол, кундалик, суҳбатлар таҳлили

Интервью

Сўров ва интервью усуллари ўртасида аниқ фарқ йўқ, чунки саволлар бевосита сўровнома бўйича берилганида, тадқиқотчи аслида респондентдан интервью олади. Сўровнома бўйича олинган интервьюни баъзан «формаллаштирилган» ёки «на-

зорат қилинади» деб аташади. Баъзи интервью умуиан сўровно-масиз ўтказилади: одамдан анча узоқ вақт мобайнида интервью олинади ва чуқурроқ маълумот олиш талаб қилинганида кам сонли респондентлар сўров қилинади. Чуқурлаштирилган интервьюлар одатда сўровларга қараганда батафсилроқ маълумот беради, лекин бу усулларнинг камчилиги шуки, интервью олувчи катта таъсир ўтказиши ва натижада маълумотлар ўзгариб кетиши мумкин; бундан ташқари, жавобни таққослаб таҳлил қилиш қийинроқ бўлади.¹⁴

Таржимаи ҳол

Таржимаи ҳол (биографик усул) маълум шахсларнинг, одатда ўз қўли билан ёзган, биографик маълумотларидан иборат бўлади. Ҳеч қандай бошқа усул вақт ўтган сари одамларнинг аҳволлари ва қарашлари ўзгариши ҳақида бунчалик батафсил маълумот бермайди. Тадқиқот психологик ривожланиш ва ижтимоий жараёнларнинг боғлиқлигига бағишланган бўлса, биографик усул алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Бироқ бундай тадқиқотлар камдан кам ҳолларда фақатгина одамларнинг хотираларига асосланади. Одатда маълумот қўламини кенгайтириш ва аниқлигини таъминлаш учун ҳужжатли манбалардан, масалан, мактублар, газета-мақолалари, репортажлардан фойдаланилади. Таржимаи ҳолнинг қиймати борасида турли фикрлар мавжуд. Баъзи тадқиқотчилар унга умуиан ишонмайдилар, бошқалари уни инсон кўнглидагини билишнинг ноёб имконияти деб ҳисоблайдилар. Таржимаи ҳол кўплаб муҳим социологик тадқиқотларда муваффақиятли қўлланилган, улар шунингдек, антропологияда кенг қўлланилади. Бу борадаги илк тадқиқотлардан бири В.И.Томас ва Флориан Знанецкийнинг «Европа ва Америкада польшалик деҳқон» деб номланган асари эди. Унинг беш жилди илк бор 1918—1920 йиллар орасида чоп этилган.¹⁵ Томас ва Знанецкий тўплаган маълумотлари ёрдамида иммигрантларнинг ҳис-туйғуларини нозик ва эмоционал шаклда баён эта билдилар. Кейинроқ чоп этилган Стадс Теркелнинг «Иш» китоби ҳам бестселлерга айланган.¹⁶ Унинг сарлавҳаси шундай: «Одамлар кун бўйи нима қилишлари ва қилган ишига муносабатлари ҳақида гапирадилар. Китобда америкаликларнинг ўз ишларига муносабати ҳаяжонли тарзда баён этилган».

Таржимаи ҳол индивид ҳаётининг барча соҳаларини, ҳатто унинг энг муҳим жиҳатларини қамраб олиши шарт эмас. Масалан, Эдвик Х.Сазерленд профессионал ўғри Чик Конуэлл ҳаёти

¹⁴ Brenner M. Interwing: the social phenomenology of research instrument. In: The social context of method. London, 1978.

¹⁵ Thomas W. and Znaniecki F. The Polish Peasant in Europe and America. New York, 1966.

¹⁶ Terkel Studs. Working: people talk about what they do all day and how they feel about what they do. Hammondsworth, 1977.

ҳақидаги асарини чоп этган. Унда келтирилган материал, асосан, Конуэллнинг жиноятчилик фаолиятига тегишли эди.¹⁷ Таржимаи ҳол оғзаки ҳикоялар билан боғлиқ — бу ўтмишда маълум ҳодисаларни бошидан кечирган одамларнинг оғзаки нутқидир.

Кундаликлар

Индивиднинг маълум ижтимоий муҳитда кунма-кун қайтарилаётган ҳаракатларини ўрганиш учун социологлар кундаликлардан фойдаланадилар. Дала иши ва сўровлар инсоннинг доимий фаолияти ҳақида етарли маълумот бермаслиги мумкин. Агар биз у куннинг турли соатларида, ёки ойнанинг турли кунларида қилган ишларини қайта тикламоқчи бўлсак, унда кундалик тутиш фойда беради. Бироқ фақат шундай маълумотнинг ўзига асосланган асарлар ҳам учрайди; деярли ҳар доим у билан бирга бошқа усуллар ёрдамида йиғилган материаллардан ҳам фойдаланилади.

Социологик тадқиқотларнинг 4 асосий усули		
Тадқиқот усули	Устун жиҳатлари	Заиф жиҳатлари
Дала иши	<ol style="list-style-type: none"> 1. Бошқа усулларга қараганда бой ва чуқурроқ маълумот беради. 2. Тадқиқотчи эгилувчанликка эга бўлади — керак бўлса стратегияни ёки йўналишларни ўзгартириши мумкин. 	<p>Фақатгина нисбатан кичик гуруҳларни ўрганишда қўлланилиши мумкин.</p> <p>Натижалар фақат ўрганилган гуруҳ ва ҳамжамиятга тегишли бўлади; бир дала тадқиқоти асосида умумий хулосалар чиқариш қийин.</p>
Сўровлар (текширишлар)	<ol style="list-style-type: none"> 1. Катта сондаги шахслар орасида самарали маълумотлар тўплами йиғиш мумкин. 2. Респондентлар жавобларини аниқ таққослашга имкон беради. 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Йиғилган материал юзаки бўлиб қолиши мумкин; агар сўровнома қатъий стандартлаштирилган бўлса, респондентлар қарашларидаги фарқлар сунъий тарзда йўқ қилиниши мумкин. 2. Жавобларда одамларнинг ҳақиқий фикри эмас, уларнинг сўзлари акс эттирилиши мумкин.

¹⁷ Sutherland E. H. and Conwell C. The professional thief. Chicago, 1937.

<p>Хужжатли тадқиқот</p> <p>Экспериментлар</p>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ўрганилаётган ҳужжатлар турига қараб, тадқиқот чуқур ва кенг кўламли бўлиши мумкин. 2. Иш тўлалигича, ёки қисман тарихга тегишли бўлганида қўл келади. 1. У ёки бу ўзгарувчан миқдорнинг таъсир қилиш даражасини назорат қилиш мумкин. 2. Бошқа тадқиқотчилар экспериментни қайтариши осонроқ бўлади. 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Тадқиқот мавжуд манбаларга боғлиқ, улар эса, тўлиқ бўлмаслиги мумкин. 2. Манбалар ҳақиқий тенденцияларни қай даражада акс эттиришини аниқлаш қийин, масалан, баъзи турдаги статистик маълумотлар. 1. Ижтимоий ҳаётнинг кўп жиҳатларини лабораторияга олиб кириш имконсиз. 2. Экспериментнинг ўзи иштирокчилар жавобларига таъсир ўтказиши мумкин.
--	---	---

Оғзаки суҳбатлар таҳлили

Социологик тадқиқотларда магнитофонлар ва видеотехника тобора кенгроқ қўлланилмоқда. Уларнинг ҳар иккаласидан суҳбат таҳлилида, яъни реал ҳаётда суҳбатлар қандай ўтишини ўрганишда фойдаланилади. Магнитофон ёрдамида икки ёки бир неча одамлар суҳбатининг барча аудиохарактеристикаларини ёзиб олиш мумкин. Суҳбат пайтида мазмун нафақат сўзлар, балки ишоралар ва мимика орқали ҳам узатилади, шунинг учун видеотасвир суҳбатни ёзишнинг янада такомиллашган воситаси ҳисобланади. Сўнгра, асл контекстнинг катта қисми йўқотилса ҳам, суҳбатни қоғозга кўчириш мумкин (иллюстрация сифатида 4-боб, «Кундалик ҳаёт ва ижтимоий ҳамкорлик»ни қаранг).

Сўнги йиллар мобайнида суҳбат таҳлили усулида ўтказилган бир неча тадқиқотлар чоп этилди. Бу тадқиқотлар инсонлар муносабатлари ичига чуқур кириш имконини беради. Мисол сифатида Уильям Б.Сандерснинг жуда ўзига хос суҳбат тури борасидаги тадқиқотини келтириш мумкин: полиция сўроғи. Сўроқ суҳбатни назарда тутаяди, лекин «шунчаки сўзлашиш» эмас, — таниқли полиция мелодрамасида айтилганидек, «Саволни мен бераман!» Сандерс ўз таҳлилида сўроқнинг специфик жиҳатларини пайқаб, оддий ҳолларда эътибордан четда қоладиган томонларини кўрсата олди. Масалан, сўроқ ўтказётганлар деярли ҳеч нарса демасдан, сунъий тўхталишлар ва ишоралар орқали сўроқ қилинаётган шахсни гапиришга ундайдилар.¹⁸

Оғзаки суҳбатлар таҳлили фақатгина кичик гуруҳларда ўтказилиши мумкин ва оддий ҳаёт икир-чикирлари билан боғлиқ бўлади, лекин бу усулнинг социологияда тутган ўрни жуда му-

¹⁸ Sanders W. B. The Sociologist as Detective: An Introduction to Research Methods. New York, 1974.

ҳимдир. Чунки суҳбат ва сўзлашув — ҳам норасмий ҳамда тартибга солинган инсон муносабатларининг универсал жиҳатидир. (Қаранг: 4-боб, «Ижтимоий ҳамкорлик ва кундалик ҳаёт»).

Триангуляция

Барча тадқиқот усуллари ўз устунликлари ва камчиликларига эга. Шунинг учун бир ижтимоий тадқиқот доирасида бир неча усуллардан бирлаштириб фойдаланиш одат тусига кирган. Бундан мақсад — усулларнинг ҳар бири ёрдамида бошқасини текшириш ва тўлдиришдир. Бу жараён *триангуляция* номи билан юритилади. Конкрет тадқиқотни кўриб чиқиб, турли усулларни бирлаштириш моҳиятини, реал социологик тадқиқотдаги муаммо ва тузоқларни кўриш мумкин.

Мисол: Уоллис ва саентология

Рой Уоллис саентология номи билан юритиладиган ҳаракатни ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Саентология асосчиси Л.Рон Хаббард унинг фикрича ягона черков пойдеворини ташкил этиши керак бўлган диний доктриналарни ишлаб чиққан. Саентологияга кўра, биз ҳаммамиз руҳий мавжудотлар — «тетан»лармиз, лекин ўз руҳий табиатимиздан воз кетганмиз. Биз унутилган ғайритабиий кучимизни онгимизда ҳақиқий руҳий имкониятларни уйғотадиган машғулотлар орқали қайта тиклашимиз мумкин.

Уоллис саентологиянинг экзотиклиги унинг тадқиқотига илк туртки бўлганини эътироф этади. Одамлар бундай ғалати ғояларга қандай ишониши мумкин.¹⁹ Саентология жуда қарам-қарши таълимотдир, лекин у кўплаб тадқиқотчиларни қизиқтирган. Нима учун айнан шу ҳаракат, кўплаб янги диний гуруҳлардан бири, шунчалик муҳим ўрин эгаллаган?

Тадқиқотни бошлаш осон бўлмади. Уоллис ҳаракат раҳбарларининг социологик тадқиқотда қатнашишни хоҳламасликларини билар эди, чунки уларни турли давлат ташкилотлари «ўрганиб» бўлган эди. Лекин ҳаракат тарихи ҳақида китоблар ўқиётган пайтида, у бу ҳаракатнинг собиқ вакилининг китобига дуч келди. У китоб муаллифи билан мулоқотга киришди, унинг саентология билан алоқасини узган бир қатор дўстлари билан танишди. Уларнинг кўпчилиги интервью беришга розилик билдирди, баъзилари ҳаракат аъзолари билан алоқа сақлаб турар эди. Бу илк интервьюлар натижасида Уоллис бу инсонларнинг ўтмишда ҳаракатдаги иштироки ҳақида мавжуд бўлган маълумот ва адабиётларни қўлга киритди; бу ҳужжатлар ичида ҳаракат аъзоларининг рўйхати ҳам бор эди. Уоллис сўровнома тузиб, бу рўйхатдан тузилган термага юборди. Рўйхат эскирган бўлиб чиқди, чунки кўп одамлар рўйхатда кўрсатилган манзил-

¹⁹ *Wallis R. The Road to Total Freedom: A Sociological Analysis of Scientology. London, 1976.*

ларини алмаштириб бўлган эди. Баъзилари эса, ҳаракат аъзоси бўлмай туриб, фақатгина саентология ҳақида бир китоб сотиб олганликлари учун рўйхатга тушиб қолган эдилар.

Сўров унчалик катта аҳамиятта эга бўлмади, чунки терма бутун ҳаракат учун репрезентатив эмас эди, лекин шу материалга асосланиб ҳам баъзи хулосалар чиқариш мумкин эди. Бироқ сўров натижасида Уоллис кўплаб одамлар билан танишди. Респондентларнинг бир қисми интервью беришга розилик билдирди ва Уоллис АҚШ ва Буюк Британия бўйлаб интервьюлар олиш ва қўшимча маълумот тўплаш учун сафарга отланди. Аввалига у белгиланган саволларни бера бошлади, лекин кейинчалик эгилувчанроқ йўлни танлаб, респондентларга ўзлари муҳим деб ҳисоблаган нарсалар ҳақида гапиришга имкон беришни маъқул деб топди. Респондентларнинг баъзилари суҳбатни магнитофонга ёзишга розилик берар, бошқалари бермас эди.

Тез орада Уоллис ўзи саентология доктринасини яхшироқ тушуниб олиши зарур деган фикрга келди ва черков томонидан ташкил этилган «кириш» курсига ёзилди. Шундай қилиб, у ичкаридан кузатишга ўтди. Курсда ўқиш пайтида у саентологлар ётоқхонасига тушиб қолиб, махфий кузатувчи родини удалаши қийинлигини тушунди. Бошқа тингловчилар билан суҳбатлар ва машғулотлар унинг ёт бўлган ғояларга ишонишини кўрсатишни талаб қилар эди. Бу ғояларга норозилик билдириш шундай қийинчиликларга олиб келдики, саентологиянинг энг муҳим тамойилларига содиқлигини барча олдида тан олмасдан туриб ўқишни давом этишнинг иложи йўқлиги аниқ бўлиб қолди. Шунинг учун у курсни тугалламасдан, секингина уни тарк этди.

Кейинчалик у ҳаракат раҳбарларига саентология борасида тадқиқот ўтказаетган социолог эканини ёзиб юборди. Ҳаракат кўп бора ўринсиз танқидга учраганини таъкидлаб, у ўз тадқиқотида холисона қарашни ифода этишини айтди. Кейин у Британиядаги ҳаракат бош идорасига ташриф буюриб, унинг раҳбарларидан бири билан суҳбатлашди. У киши Уоллис кириш курсини ташлаб кетганини ва рўйхат бўйича саентологларга сўровномалар жўнатганини билар эди. Шунга қарамай, Уоллис ташкилот аъзоларидан ва баъзи талабалардан интервью олишга рухсат олди, шунингдек, унга АҚШдаги баъзи адресларни беришди. Энди Уоллис саентологлар ҳақида китоб ёзиш учун материал етарлилигини сизди.

Уоллис дуч келган энг катта муаммо шундан иборат эдики, ўрганилаётган ташкилот ўз сирларини осонликча очиб бермас эди; бошқа жиҳатлардан, у ечишга тўғри келган муаммолар ва турли усуллардан фойдаланиш зарурлиги кўпчилик социологик тадқиқотларига хос эди. У бўлак-бўлак тўплаб бириктирган материал ва қўллаган усуллар комбинацияси натижасида жуда қизиқ ва муҳим асарга айланди.

Тадқиқотларнинг этик муаммоси: респондентларнинг салбий муносабати

Нафақат социологияда, инсонлар билан боғлиқ ҳар қандай тадқиқотда этик дилеммалар пайдо бўлиши мумкин.²⁰ Одамларда ўтказиладиган тиббий тажрибалар одатта айланди, лекин улар эрик жиҳатдан ўзини қай даражада оқлашни айтиши қийин. Янги дорини синовдан ўтказишда самарадорликни ошириш учун беморларни алдайдилар. Бир гуруҳ беморларга янги дорини бериб, бошқасига ҳам ёлғондан уни берганликларини айтишади. Одамларнинг шифобахш дори ичганликларига ишончи соғлигининг ижобий ўзгаришига олиб келиши мумкин; буни тажрибада қатнашаётган беморларнинг ярмига дори бериш орқали текшириш мумкин. Лекин бу этикага тўғри келадими? Бу мисолда кўп нарса дорининг самарадорлигига боғлиқ. Бошқа томондан, бундай тажрибалар ўтказилмаса, кўп дориларнинг таъсирини ўрганиш қийин бўлади.

Шунга ўхшаш муаммолар социологик тадқиқот пайтида, тадқиқот иштирокчиларига нисбатан маълум ёлғон қўлланилганда юзага келади. Стэнли Милграмнинг машҳур, турли фикрлар уйғотган тадқиқоти бунга мисол бўла олади. У одамлар юқоридан буйруқ олсалар, бошқаларга азият етказишга қанчалик тайёр эканликларини аниқлашни мақсад қилиб олган.²¹ Тадқиқотда электрошок машинасидан фойдаланилган ва иштирок этаётган кўнгиллилар, хотира тести саволарига нотўғри жавоб берганларга тугмачани босиш орқали электр зарбаси юборишлари керак эди. Экспериментда қатнашишни хоҳлаган кўнгиллиларни алдаш кўзда тутилган эди: уларга тадқиқотнинг асл мақсади айтилмаган, улар бу ҳақиқатан хотирани текшириш тести деб ишонар эдилар. Улар тестдан ўтаётган одамларга ҳақиқий электр зарбаси бераётганига ишонар эдилар, аслида эса улар тадқиқотчи ёрдамчилари бўлиб, электрошок машинаси ҳам ҳақиқий эмас эди.

Бу ёлғон этик жиҳатдан ўзини оқлармиди? Кўпчилик кўнгиллилар бу тажрибани ўта оғир, издан чиқарувчи деб топдилар. Тадқиқот танқидчиларининг умумий фикри шу эдики, тажриба «меъридан ўтиб кетган», чунки қўлланилган усул кўнгиллилар учун потенциал психологик хавф касб этар эди. Бироқ, «кечиримли» ва «кечиримсиз» ёлғон ўртасидаги чегара қардан ўтиши ноаниқ. Милграмнинг тадқиқоти унда қўлланилган ёлғон эмас, ҳайратга солувчи натижалари туфайли машҳурлик қозонди. Бу тадқиқот шуни кўрсатдики, кўп одамлар, «юқоридан» буйруқ келса, бошқаларга оғриқ етказишга тайёр эканлар.

²⁰ Barnes J. Should Know What? Social Science, Privacy and Ethics. Harmondsworth, 1979.

²¹ Milgram S. Obedience to Authority: An Experimental View. New York, 1973.

Уоллис ҳам ўзи ўрганаётган гуруҳга нисбатан ёлгон қўлланган, у саентология курсига ёзилаётган пайтда социологлигини айтмаган. Бундан ташқари, у ёлгонлигини била туриб, баъзи шартларга амал қилишга ёзма розилик берган. У бевосита ёлгон қўлламасликка ҳаракат қилди, лекин ўзининг асл мақсадини ҳеч кимга айтмади: бу этикага зидми? Жавоб ноаниқ.²² Агар Уоллис бошиданок ростгўй бўлганида, тадқиқот муваффақиятсиз яқунланар эди, лекин жамият махфий жамоалар ичида нима содир бўлаётганини билишга ҳақли дейиш мумкин. Шу нуқтаи назардан унинг стратегиясини оқлаш мумкин. Социологияда яна тадқиқот натижаларининг чоп этилиши билан боғлиқ этик муаммолар мавжуд.

Тадқиқот субъектлари уларни хунук тасвирлаганликлари учун ёки уларнинг шахсий иши ҳисобланмиш қарашлари ва хулқатвори кенг оммага эълон қилинганлиги учун тадқиқот натижаларини ҳақоратли деб топишлари мумкин. Ижтимоий ҳаётда одамлар кўп ҳаракатларини оммадан яширишни хоҳлайдилар. Масалан, баъзи завод ишчилари ва идора ходимлари ишидан турли нарсалар олиб кетадилар; тиббий ҳамширалар ўлимга юз тутаётган оғир касалларни кафанга ўраб, уларга эътибор бермай қўядилар; қамоқхона назоратчилари маҳбуслардан пора олишлари ва уларнинг баъзиларини «ишончли» деб топиб, ўзлари бажариши керак бўлган ишни топширишлари мумкин.

Кўпчилик ҳолларда, тадқиқот иштирокчилари ва бошқаларнинг салбий муносабатига қарамай, социологнинг вазифаси тадқиқот натижаларини кенг оммага билдиришдир. Аслида ҳам, бу социологиянинг очиқ ва эркин жамиятни шакллантиришга қўшиши мумкин бўлган энг катта ҳиссасидир. Кимдир айтганидек, «яхши тадқиқот албатта, кимнидир ғазаблантириши керак.»²³ Социолог, агар унинг иши аниқ бажарилган, хулосалари эса аниқ далиллар билан исботланган бўлса, бундан қўрқмаслиги керак. Лекин тадқиқотчи-социолог ўз тадқиқоти натижаларининг оқибатларини аниқ баҳолай билиши, маълумотни тақдим этиш шаклини тўғри белгилаши керак. Кўпинча, материаллар чоп этилмасдан туриб, тадқиқотчи уларни тегишли одамлар билан муҳокама қилиб олади.

Чоп этиш муаммолари: Уоллис тажрибаси

Китобни чоп этишдан аввал Уоллис уни саентологлар штаб-квартирасига юборган. Уларнинг фикрларини инобатга олиб баъзи ўзгаришлар киритган, кейинчалик улар тўлароқ тақризларини жўнатганлар. У қўшимча ўзгаришлар киритганига қарамай, саентологлар қўлёзмани тўхмат ишларига ихтисослашган юристга юбордилар. Унинг маслаҳатига кўра ишга яна пардоз берил-

²² *Dingwall R. Ethics and ethnography // Sociological Review, 28. 1980.*

²³ *Becker H. Problems in the publication of field studies. In: Sociological Work. New Brunswick, 1976.*

ди. Ҳаракат аъзоси бўлган социолог тадқиқот усуллари ва Уоллис хулосаларига танқидий изоҳлар ёзган ва улар китобга илова сифатида киритилган. Бундан ташқари, саентологлар ўзларининг доимий нашрларидан бирида Уоллис тадқиқоти таҳлилини чоп этганлар. Муҳокама улар АҚШ Президенти қошидаги фан ва технологиялар бошқармаси томонидан қабул қилинган тадқиқотлар комиссиясидан парчалар келтирар эди. Унда айтилишича, инсон мавжудоти билан иш олиб бораётган тадқиқотчи «тўлиқ маълумот асосида розилик» олиши керак. Улардан бундай розилик олинмаган, Уоллисининг иши саентология Черковига асосан салбий муносабатда бўлган кичик гуруҳдан олинган маълумотларга асосланган, дея норозилик билдирганлар.

Уоллис кейинчалик ҳам ўз тадқиқоти билан боғлиқ қийинчиликларга дуч келган. 1984 йилда у саентология ҳақида бошқа потенциал гувоҳлар рўйхатига киритилган. Уоллис ўз лойиҳаси устида ишлаётганида бу китобга мурожаат этган ва муаллиф унга саентологлар ва ўзининг улар билан учрашувлари ҳақида материал берган. Калифорния штати судининг қарорига кўра у қисман махфий бўлган материалларни эълон қилишга мажбур бўлган. Хайриятки, бу маълумотлар иккала томон учун ҳам катта аҳамиятга эга эмас эди, акс ҳолда Уоллисни қийин танлов кутар эди: махфийликни бузиш, ёки қонунга қарши чиқиш.

Уоллис яхши ташкил этилган ва қудратли гуруҳ билан иш кўрган, бу гуруҳ уни тадқиқот ҳисоботининг илк нусхасини ўзгартиришга мажбур эта олди, лекин социологлар ва бошқа мутахассислар ўрганаётган шахслар ва гуруҳлар бундай кучга эга эмаслар. Акс ҳолда кўплаб тадқиқотчилар Уоллис муаммосига дуч келар эди.

Албатта, тўлиқ маълумот асосида рухсат олиш тадқиқотчи ишининг асосий қоидаларидан бири бўлиши керак. Лекин баъзи ҳолларда бу қоидага тўла амал қилиш қийин бўлади. Агар биз полициянинг жиноятчиларга нисбатан шафқатсиз муносабатини ўрганишни мақсад қилиб қўйсак, полиция раҳбарияти ва ходимларига мақсадимизни очиқ айтиш иш самарасини тушириб юборади. Агар қанчадир ҳамкорлик кутаётган бўлсак, тадқиқот мақсади бироз бўлса ҳам яширин бўлиши керак. Буни, тадқиқотнинг жамият учун муҳимлигини ҳисобга олсак, маълум маънода оқлаш мумкин.

Социолог ва бошқа ҳар қандай жамиятшунос олимнинг энг муҳим бурчи — ижтимоий масалаларнинг кенг муҳокама қилинишига кўмаклашишдир. Баъзан учрайдиган айёр ҳйллалар жумбоқли тарзда бу мақсадга эришиш воситаси бўлиб қолиши мумкин, чунки улар ёрдамида бошқача йўл билан эришиб бўлмайдиган маълумотлар ёруғликка чиқарилади.

Социологиянинг таъсири

Камдан кам социологик тадқиқотлар фақатгина социологлар доираси учун қизиқарли бўлади. Кўпинча, уларнинг натижалари матбуот, ёки бошқа воситалар орқали кенг оммага тарқатилади. Бунинг оқибатлари жуда чуқурдир. Социология — нафақат замонавий жамият ҳақидаги фан, у шунингдек, жамият сақланиб қолишининг муҳим омили бўлиб бормоқда.

1-бобдаги мисолга мурожаат қилайлик: у никоҳ, ажралиш ва оила соҳаларидаги ўзгаришларга тааллуқли. Ҳозирги жамиятларда камдан кам одамлар бу борада тушунчага эга эмаслар. Бу ўтказилган тадқиқотлар натижаларининг ўзига хос «фильтрланиши» маҳсулидир. Бизнинг онгимиз ва хулқ-атворимиз ижтимоий билимнинг сезилмас ва мураккаб таъсирига учрайди, ва бу, ўз навбатида, социологик изланиш соҳасини ўзгартиради. Бу ҳодисани изоҳлаш йўлларида бири — социология ўрганилаётган одамлар билан рефлексив муносабатга киришади, дейишдир. «Рефлексив» сўзи социологик тадқиқот ва инсон хулқ-атвори ўртасидаги ўзаро алмашувни ифодалайди. Баъзан учрайдиган мантиқий ишонч билан қарама-қаршиликка қарамасдан, социологик тадқиқотлар мантиқ билан яқин корреляция қилиши бизни ажаблантирмаслиги керак. Бунинг сабаби социология бизга таниш бўлган натижаларни эълон қилишида эмас; социологлар томонидан ўтказилаётган тадқиқотлар жамият аслида нима деган мантиқий тасаввурларга тобора кўпроқ таъсир ўтказётганлигидир.

Бобнинг қисқача мазмуни

1. Ҳар қандай тадқиқот олимни ўйлантираётган ва ҳаяжонлантираётган муаммони аниқлашдан бошланади. Тадқиқот муаммосини мавжуд адабиётлардаги камчиликлар, назарий мунозаралар ёки ижтимоий ҳаётдаги амалий масалалар келтириб чиқариши мумкин. Тадқиқот стратегиясида, гарчи реал тадқиқотда уларга жуда кам ҳолатларда амал қилинса ҳам, бир неча босқичларни фарқлаш мумкин.

2. Жиддий социологик тадқиқот мазкур ижтимоий ҳодисани таҳлил қилишда ишончли ёндашувлардан фойдаланишни тақозо қилади. Социологик тадқиқотнинг уч муҳим жиҳатини кўрсатиш мумкин: турли босқичларни режалаштириш билан боғлиқ тадқиқот стратегияси; умумий мантиқ ва тадқиқот тамойилларига алоқадор методология; тадқиқотни ўтказиш билан боғлиқ бўлган усуллар, — дала тадқиқоти, сўров, интервью ва ҳ.к.

3. Микдорий маълумотларни аниқлаб берадиган тадқиқотларни таҳлил қилишда турли статистик усуллардан фойдаланилади. Уларнинг ичида энг муҳимлари *марказий тамойил тадбирлари* ва *корреляция коэффициентлари*. Асосий ёки бош тамойил тадбирлари — мазкур жамланма учун ўртача катталикларни ҳисоблаш усули; корреляция коэффициентлари бир ўзгарувчанликнинг бошқаси билан алоқасидаги барқарорлик даражасини кўрсатади.

4. Дала тадқиқотида ёки ичкаридан кузатишда тадқиқотчи ўрганилаётган гуруҳ ёки ҳамжамият билан узоқ вақт бирга бўлади. Тадқиқотнинг яна бир усули — *сўров* бутун аҳоли таркибидан сайлаб олинган гуруҳларга сўровномаларни почта орқали ёки шахсан тарқатишни кўзда тутати.

хужжатли тадқиқот архивлар ёки бошқа жойлардан олинган босма материаллардан ахборот манбаи сифатида фойдаланишни назарда тутати. Тадқиқотнинг бошқа усулларига *экспериментлар, чуқурлаштирилган интервью, кундаликлар, суҳбатлар таҳлилини* киритиш мумкин.

5. Ҳар бир усул ўзининг камчиликларига эга. Шу сабабдан тадқиқотчилар икки ёки ундан ортиқ усулни бирлаштириб қўлайдилар, бу усулларнинг ҳар бири бошқаси ёрдамида олинган маълумотларни текшириш ва тўлдириш мақсадида қўлланилади. Бу жараён *триангуляция* деб аталади.

6. Социологик тадқиқот ўтказишда олимлар олдида ахлоқий дилеммалар кўндаланг бўлади. Улар тадқиқотчи тадқиқот иштирокчиларига ёлгон гапиргани ёки бўлмаса, тадқиқот материалларини эълон қилиниши тадқиқот иштирокчилари туйғуси ёки ҳаётида салбий таъсир ўтказиши мумкинлиги билан боғлиқ равишда вужудга келиши мумкин. Бундай вазиятларда ўзини тутишнинг мутлақ қониқарли усуллари йўқ, бироқ тадқиқотчи пайдо бўлаётган бу дилеммаларга жуда сезгир бўлиши лозим.

Асосий тушунчалар

*тадқиқот усуллари
сабабият*

корреляция

Энг муҳим атамалар

*фаразлар
сабабий боғланиш
ўзгарувчанлик
эркин ўзгарувчанлик
қарам ўзгарувчанлик
назорат
ўрта
медиана
стандарт оғиш*

Кўшимча адабиёт

John A. Barnes. Who Should Know What? Social Science, Privacy and Ethics. Harmondsworth: Penguin, 1979. Ижтимоий тадқиқотларда вужудга келадиган ахлоқий муаммолар муҳокама қилинади.

J.Irvine, I.Miles and J.Evans (eds). Demystifying Social Statistics. London, 1979. Статистик маълумотлардан фойдаланиш ва суиистеъмол қилишни фош этишга қаратилган жиддий уриниш.

Peter H. Mann. Methods of Social Investigation. Oxford, 1985. Социологидан фойдаланадиган усулларнинг яхши ва содда обзори.

Catherine Marsh. Exploring Data. Cambridge, 1988. Статистик таҳлил техникасини намойиш қилиш учун реал муаммоларни ўрганишга асосланган ажойиб кириш.

Gerry Rose. Demystifying Social Research. London, 1981. Маълум социологик тадқиқотларни танқидий таҳлил қилишга асосланган тадқиқот усуллари масаласидаги мунозара.

Социология назарияларининг тараққиёти

Социологияни энди ўргана бошлаётганларнинг кўпчилигини ундаги истиқболларни белгиловчи хилма-хилликлар лол қолдиради. Социология ҳамма томонидан қабул қилинган таянч назарий асосларга эга эмас; кўпчилик социологлар орасида инсон хулқ-атворини ўрганишни нимадан бошлаш ва тадқиқот натижаларини қандай қилиб сифатли изоҳлаш мумкинлиги борасида ҳанузга қадар тортишувлар давом этмоқда. Нима учун социологлар табиатшунос олимлар каби мустақкам келишувга эриша олмаётдилар?

Бу саволларнинг жавоблари социология фанининг табиати билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки бу фан бизнинг ўз ҳаёти-миз ва хулқ-атворимиз тўғрисида бўлиб, ўз-ўзини ўрганиш эса энг мураккаб ва энг қийин ишлардан биридир. Барча академик фанларда, жумладан, табиий фанларда ҳам эмпирик тадқиқотларга қараганда, назарий ёндошувларда кўпроқ келишмовчиликлар мавжуддир, агар эмпирик тадқиқотларда далилларга нисбатан хилма-хил фикрлар юзага келадиган бўлса, уларни осонгина текшириб кўриш ёки такрорлаш мумкин. Назарий баҳслашувлар эса ҳар доим қандайдир даражада изоҳлашга боғлиқ бўлади ва камдан-кам ҳоллардагина юқоридаги йўллар билан бартараф этилиши мумкин. Социологияда эса бу қийинчиликлар янада кўпроқ бўлиб, муаммо яна шу билан мураккаблашадими, бунда ўрганиш предмети сифатида ўзимизнинг хулқ-атворимиз юзага чиқади; шунинг учун назарий мунозаралар ва зиддиятлар ушбу фанда марказий ўрин эгаллайди.

Ушбу бобда социологиядаги асосий назарий ёндашувларни таҳлил этамиз ва уларни таҳлил қилишда учрайдиган дилеммаларни аниқлашга ҳаракат қиламиз. Буни, даставвал, замонавий социология фанидаги баъзи асосчиларнинг қарашларини ўрганишдан бошлаймиз. Чунки, бу олимлар томонидан биринчи марта эътироф этилган ғояларнинг кўплари ҳанузгача таъсир кучига эга. Кейин бугунги кунда фаннинг аҳволини белгилаб берувчи асосий назарий ёндошувларга мурожаат қиламиз. Сўнг эса уларда кўтарилган баъзи муаммоларни кўриб чиқамиз.

Социологиянинг манбалари

Кишилар ўз хулқ-атворларининг бирламчи сабаблари билан ҳар доим қизиқиб келишган, лекин минг йиллар давомида ўзимизни тушунишга уринишларимиз анъанавий тафаккур услуга асосланган бўлиб, у авлоддан авлодга ўтиб келарди ва

диний тушунчалардан фойдаланиш билан боғлиқ эди. Инсон хулқ-атвори ва кишилиқ жамиятини тизимли ҳолда ўрганиш унчалик эскирмаган ютуқ бўлиб, унинг манбалари XVIII аср охирига бориб тақалади. Янгича ёндашув пайдо бўлишининг асосида саноатлашув ва урбанизациялашув билан боғланган туб ўзгаришлар ётади. Анъанавий турмуш тарзининг бузилиши ижтимоий, шунингдек, табиат оламини янгича тушунишни англади.

Огюст Конт

Албатта, бир киши бутун бир фанга асос сола олмайди, дастлабки социологиянинг пайдо бўлишига кўпгина кишилар ўз ҳиссасини қўшишди. Бироқ, тенглар орасида биринчи сифатида, одатда, француз ёзувчиси Огюст Контни (1789—1857) тан олишади, бу аввало шунинг учунки, айнан мана шу ёзувчи “социология” атамасини муомалага киритган эди. Дастлаб Конт фаннинг янги соҳасини ифодалаш учун “социал физика” атамасидан фойдаланди, кейин бошқа муаллифлар ҳам ушбу атамани қўллай бошладилар, натижада улар ва ўз қарашлари ўртасидаги фарқни, ҳамда ўзи томонидан асос солинган фанни ифодалаш мақсадида янги сўзни кашф этди. Конт социология фанини ёш, лекин аҳамиятига кўра энг мураккаб ва энг муҳим фан ҳисобларди. Конт фикрича, янги фан инсоният бахт-саодатга эришувига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади; ҳаётининг охирида у француз жамиятини ва умуман бутун инсониятни қайта тузишнинг буюк режаларини ишлаб чиқди.

Эмиль Дюркгейм

Контнинг ишлари бошқа француз мутафаккири Эмиль Дюркгеймга (1858—1917) бевосита таъсир кўрсатди. Аслида Дюркгейм Конт ижодининг баъзи жиҳатларига таянишига қарамасдан, унинг ишларини ўта спекулятив ва ноаниқ деб ҳисобларди ва унинг фикрича, Конт социологияни фан сифатида яратиш борасидаги ўз дастурини бажаришга муваффақ бўла олмади. Дюркгеймнинг фикрича, социология фанга айланиш учун, “социал фактларни” ўрганиши лозим. Дюркгейм айтишича, социологиянинг биринчи машҳур тамойили қуйидагичадир: “социал фактларни буюмлар каби ўрганиш лозим”. У бу иборани истеъмолга киритганда, социал ҳаёт ҳам табиатдаги объектлар ёки воқеалар каби қатъий таҳлил этилишини назарда тутган эди.

Социологиянинг барча асосчилари каби, Дюркгейм ҳам кўз ўнгида жамиятда руй бераётган ўзгаришлардан руҳланади. У бу ўзгаришларни саноатлашувнинг бир қисми сифатидаги меҳнат тақсимооти билан (турли касб соҳалари ўртасида фарқлар мураккаблашиб боради) тушунтиришга ҳаракат қилади. Дюркгейм таъкидлашича, меҳнат тақсимооти ижтимоий жиҳатдан ўзаро алоқадорлик асоси бўлган динни борган сайин сиқиб чиқара

боради. Меҳнат тақсимоти кучайгани сайин, борган сари кишилар бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўла боради, чунки уларнинг ҳар бири бошқа касбдаги кишилар ишлаб чиқараётган товарлар ва хизматларга эҳтиёж сезади. Дюркгейм фикрича, замонавий оламдаги ўзгаришлар шунчалик тез ва жадал суръатларда рўй бермоқдаки, бу сезиларли ижтимоий қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Буни у аномия ҳодисаси билан боғлайди. Аномия — бу муайян ижтимоий шарт-шароитлар натижасида, ўзининг мавжудлигидан мақсад йўқлиги ёки фойдасизлиги, кераксизлигини ҳис этишдир. Анъанавий одоб-ахлоқ меъёрларининг чегаралари ва талаблари дин билан боғланган бўлиб, асосан ижтимоий тараққиёт жараёнида бузиб ташланади, шунинг учун замонавий жамиятларда кўпгина индивидлар, ўзларининг кундалик мавжудлигидан маъно йўқлигини ҳис этишга дуч келмоқдалар.

Дюркгеймнинг машҳур тадқиқотларидан бири ўз-ўзини ўлдиришларни таҳлил этиш билан боғланган эди.¹ Ўз-ўзини ўлдириш ўта шахсий акт ҳисобланиб, катта шахсий бахтсизликларнинг оқибати ҳисобланади. Дюркгейм фикрича эса, суицидга ижтимоий омиллар фундаментал таъсир кўрсатади ва уларнинг бири аномиядир. Ўз-ўзини ўлдириш статистикаси йилдан йилга тақрорланадиган манзарани намоён қилмоқда, бу эса ҳодисани социологик жиҳатдан тушунтиришни тақозо қилади. Дюркгейм тадқиқотларининг кўпгина жиҳатлари эътирозларни келтириб чиқармоқда, лекин шунга қарамай, мумтоз иш сифатида унинг аҳамияти замонавий социология учун ҳамон муҳимдир.

Карл Маркс

Карл Маркс ғоялари Конт ва Дюркгейм ғояларига қарама-қарши ранг-барангликларга эгадир. Маркс 1818 йилда Германияда туғилди ва 1882 йилда Англияда вафот этди. Аслида, у герман тафаккури анъаналарида тарбияланган, лекин ҳаётининг катта қисмини Британияда ўтказган, бу ерда унинг асосий тадқиқотлари яратилган. У ҳаётини университет мансаб пиллапояларига бағишлай олмайди, чунки ҳали ёшлик чоғларидаёқ унинг сиёсий фаолияти Германия ҳокимият вакиллари билан низоларга олиб келганди. Францияда қисқа муддат турганидан сўнг Британияга бориб жойлашади.

Маркснинг асарлари ижтимоий ҳаётнинг кўпгина соҳаларига тааллуқлидир. Ҳаттоки, жуда қатъий танқидчилар ҳам, унинг ишларини социологиянинг шаклланиши учун шубҳасиз муҳим асарлар деб ҳисоблашади. Бироқ Маркснинг ўзи эса ўзини социолог ҳисобламайди. У ёзган ишларнинг катта қисми иқтисодий мавзуларга бағишланган, лекин у ҳар доим иқтисодий муаммоларни ижтимоий институтлар билан боғлашга ҳара-

¹ *Durkheim Emile. Suicide: a Study in Sociology. Longon, 1952; биринчи нашр 1897.*

кат қилганлиги туфайли, бу ишлар социологик жиҳатдан ҳам бой ва чуқур мазмунга эгадир.

Маркс нуқтаи назари ўзи айтганидек, тарихни материалистик тушунишга асосланади. Маркс фикрича, ижтимоий ўзгаришлар манбаи, кишилар амал қиладиган ғоялар ва қадриятлар эмас, балки биринчи навбатда иқтисодий сабаблардир. Улар эса ўз навбатида тарихий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган синфий можаролар билан боғланган. Маркс сўзлари билан ифодалганда: “Бутун инсоният тарихи синфий кураш тарихидир”.

Тарихнинг турли даврлари тўғрисида ёзганлигига қарамасдан, Маркснинг диққат эътибори замонавий даврда рўй бераётган ўзгаришларга қаратилган эди. Унинг учун энг муҳими капитализм ривожланиши билан боғлиқ ўзгаришлар эди. Капитализм ишлаб чиқариш тизими бўлиб, иқтисодий тартибнинг аввалги турларидан тубдан фарқ қилади, чунки у кенг истеъмолчилар доираси учун товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришни назарда тутди. Капитал (фабрикалар, машиналар ва йирик пул суммалари) эгалари — ҳукмрон синфни ҳосил қилади. Аҳолининг асосий оммасини эса ёлланма ишчилар синфи ташкил этиб, улар яшаш учун ўз маблағларига эга бўлмасдан, капитал эгаларига ишга ёлланишга мажбурдирлар. Капитализм — шундай қилиб синфий тизим бўлиб, унда синфлар ўртасидаги можаролар барча жойда тарқалгандир.

Маркс фикрича, капитализм келгусида социализм ёки коммунизм (бу сўзларни у бир хил маънода ишлатади) томонидан сиқиб чиқарилади, ва социалистик жамият синфсиз жамиятга айланади.² Маркс бунда индивидлар ўртасида тафовутларнинг бутунлай йўқолишини эмас, балки жамиятнинг қарама-қарши томонларга бўлиниб кетишини, яъни бир томондан иқтисодий ва сиёсий ҳокимиятни монополаштирувчи, унчалик катта бўлмаган синфларга ва иккинчи томондан ўз саъй-ҳаракатлари билан яратилган ижтимоий бойликдан амалда ҳеч нарсага эга бўлмаган, меҳнаткашлар оммасига бўлиниб кетиши йўқолишини назарда тутди. Янги иқтисодий тизимда ижтимоий мулкчилик ҳукмронлик қилади, нисбатан эгалитар ва барчанинг иштирок этишини назарда тутадиган ижтимоий тартиб ўрнатилади.

Маркс фикрича, капитализмнинг ривожланишини ва имкониятларини ўрганиш сиёсий хатти-ҳаракатлардан фойдаланиш йўли билан уни фаол ўзгартириш воситаларини кўрсатиши лозим. Шунинг учун Маркснинг социологик кузатишлари унинг сиёсий дастури билан чамбарчас боғлиқдир. Лекин Маркс тадқиқотлари асосланган ёки асосланмаганлигидан қатъий на-

² Бу уринда муаллифнинг фикри унчалик тўғри эмас. «Гота праграммасини танқид» асарида Маркс ва Энгельс коммунистик синфсиз жамиятдан ноантисоциалистик синфий социологик жамият олиб келишини аниқлаб берган эдилар, бу жамиятни улар коммунизмнинг биринчи босқичи сифатида баҳолаган эдилар.

зар, ушбу дастур бутун йигирманчи асрга ўта кучли таъсир кўрсатди. Дунё аҳолисининг учдан бир қисмидан кўпроғидаги жамиятлар ҳукуматлари Маркс ғояларидан маънавий баҳра олган эди. Маркс асарларини ўрганишга аввалдан бичилган андозасиз муносабатда бўлиш муҳимдир. Бу оддий иш эмас, чунки мазкур олим асарларининг кенг таъсири уларнинг кадр-қийматига нисбатан фикрларда сезиларли фарқларни юзга келтиради. Ҳаттоки, унинг ғоялари кучли таъсир кўрсатган кишилар ҳам, унинг ишларидан турли шаклларда фойдаландилар, ўзини “марксист” деб атайдиганларнинг қарашларида эса жиддий фарқлар мавжуддир. Кўпгина ғарблик марксчилар, масалан, Маркснинг ғоялари ижтимоий тизимининг асоси ҳисобланган Совет Иттифоқи ва бошқа коммунистик мамлакатларга нисбатан ўта танқидий кўз билан қарашади.

Макс Вебер

Маркс каби, Макс Вебер (1867—1920)ни ҳам оддийгина “социолог” деб аташ қийин, чунки унинг қизиқишлари ва ғоялари кўпгина фанларни қамраб олади. У Германияда туғилган, у бу ерда бутун академик карьерасини ўтаган. Вебер депрессиялар таъсирига учрайди ва натижада у университет ўқитувчиси эриша оладиган анъанавий мартабаларга эриша олмайди, лекин у анчагина шахсий маблағларга эга эди, бу эса унга илмий иш билан шуғулланиш имконини беради. У жуда кенг маълумотга эга бўлган киши эди. Вебер ишлари фақат социологияни эмас, балки иқтисодиёт, ҳуқуқ, фалсафа ва сиёсий тарихнинг турли соҳаларини қамраб олади. Унинг ишларидан салмоқли қисми замонавий капитализмнинг ривожланишига бағишланган. Маркс асарларининг таъсирини ҳис этган ҳолда, унинг баъзи бир асосий ғояларига жуда ҳам танқидий муносабатда бўлади. Вебер тарихни материалистик тушунишни рад этади ва Маркс фикрига қарама-қарши ҳолда синфий можаролар камроқ аҳамиятга эга, деб ҳисоблайди. Вебер нуқтаи-назарига кўра, ижтимоий ўзгаришлар жараёнида иқтисодий шароитларга қараганда ғоялар ва қадриятлар ҳам улардан кам бўлмаган аҳамиятга эгадир.

Вебернинг бир қатор муҳим асарлари ғарб маданиятидан фарқ қиладиган бошқа маданиятлар ва жамиятларни таҳлил этишга қаратилган. Унинг қаламига дин социологиясига муҳим ҳисса бўлиб қўшилган, анъанавий Хитой империяси, Ҳиндистон ва Яқин Шарққа оид кенг қамровли тадқиқотлар мансубдир.³ Хитой ва Ҳиндистоннинг етакчи диний тизимларини ғарб динлари билан таққослаш натижасида, Вебер капитализмнинг ривожланишига, христианликнинг баъзи бир жиҳатлари кучли таъсир кўрсатган, деган хулосага келади. (Қаранг: 14-боб, “Дин”).

³ Weber M. The Religion of China. New York, 1951; The Religion of India. New York, 1958' The Ancient Judaism. New York, 1952.

Вебер асарларидаги доимий мавзулардан бири бюрократияни тадқиқ этишдир. Бюрократия — кенг миқёсли тузилма бўлиб, турли идоралар ва хизматларга бўлинади ва турлича мавқедаги амалдорлардан иборат бўлади. Йирик саноат фирмалари, ҳукумат ташкилотлари, касалхоналар ва мактабларни бюрократияга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Вебер фикрича, бюрократиянинг гуллаб-яшнаши — давримизнинг ёрқин хусусиятидир. Бюрократия йирик миқёсдаги ташкилотларнинг самарали ишлашини таъминлайди, лекин замонавий жамиятлар ҳаётида омманинг демократик ҳолда иштирок этиши самарадорлигида муаммоларни юзага келтиради. Бюрократия экспертлар ҳукмронлигини назарда тутган ҳолда, қабул қиладиган қарорлари таъсир кўрсатувчилар билан ҳеч бир маслаҳат қилиб ўтирмасдан қабул қилинади.

Вебер бошқа соҳаларга ҳам, масалан, шаҳарлар, ҳуқуқий тизимлар, иқтисодиёт турлари ривожланиши ва синфлар табиатини тадқиқ этишга сезиларли ҳисса қўшди. Социологиянинг ўта умумийлик хусусияти тўғрисида жуда кўп тадқиқотлар ўтказди. Унинг фикрича, табиий оламни тадқиқ этишда қўлланиладиган тартиблардан фойдаланган ҳолда, инсонлар ҳаётини ҳам ўргана олишимиз мумкин, деб ўйлаш унчалик ҳам тўғри эмасдир. Инсон — фикрловчи ва мулоҳаза юритувчи мавжудотдир; биз қилаётган ишларимизга кўпроқ маъно ва аҳамият берамиз ва инсон хулқ-атвори билан шуғулланадиган ҳар қандай фан, бу омилни албатта ҳисобга олиши лозим.

Социологиянинг келгусидаги ривожланиши

Социологиянинг келиб чиқиш манбалари Европада бўлса ҳам, бизнинг асримизга келиб бу фан амалда бутун дунёда қарор топди. Хусусан, социологик назария ривожланишига Чикаго университети профессори, файласуф Жорж Герберт Мид (1863—1931) асарлари жиддий таъсир кўрсатди. Мид таъкидлашчи, инсониятнинг ижтимоий ҳаётида тил ва янада умумийроқ қилиб айтганда рамзлар марказий ўрин эгаллайди. У томонидан илгари сурилган ёндошув кейинчалик тимсолий интеракционизм деб атала бошланди. Лекин, Мид бутун жамиятни яхлит эмас, балки, ижтимоий жараёнлар каби ранг-баранг деб билар эди.

Урушдан кейинги даврдаги энг машҳур америкалик назарийчи-социолог Талкотт Парсонс (1902—1979)дир. Бу сермаҳсул ижодкор назарий муаммолар тўғрисида ҳам, шунингдек, социологиянинг кўпгина эмпирик жиҳатлари тўғрисида ҳам ёзган. У оила, бюрократия, касбий фаолият, сиёсат ва кўплаб бошқа соҳаларни ўрганишда муҳим ҳисса қўшган. У шунингдек, биринчи марта Конт ва Дюркгейм томонидан тадқиқ қилинган функционализм назарий ёндошувини ривожлантиришда ҳам муҳим рол ўйнади. Функционалчилар нуқтаи-

назарича, ҳар қандай жамиятни ўрганишда унинг вақт давомида тўхтовсиз ривожланишига таъсир қилувчи турли қисмлари ёки институтлари ўзаро муносабатларини аниқлаш зарур.

Ушбу даврда европалик мутафаккирлар ҳам социологик назария ривожланишида муҳим роль ўйнадилар. Тилни социологик таҳлил қилиш ва ўрганишни ўзаро боғловчи, структурализм алоҳида муваффақиятга сазовор бўлди. Структурализм ёндошуви лингвистикадаги алоҳида йўналиш сифатида биринчи марта пайдо бўлди ва кейинчалик ижтимоий фанлар қаторига антрополог Клод Леви Строс (1908 й.) томонидан олиб кирилди. Лекин структурализм манбалари асосан Дюркгейм ва Марксага боғлиқ тақалади.

Замонавий ёндошувлар

Бугунги кундаги социологиянинг асосий назарий позициялари бирмунча олдинги даврларда шаклланган ёндошувларнинг давоми ҳисобланади. Уларнинг орасидаги муҳимлари функционализм, структурализм, тимсолий интеракционизм ва марксизмдир.

Функционализм

Функционализмнинг асосий ғоялари дастлаб Конг томонидан ифодаланган бўлиб бунини у социологияга яхлит ҳолда қараш билан чамбарчас боғлайди. Дюркгейм ҳам шунингдек функционал таҳлилга социологик назария ва социологик тадқиқотлар вазибаларини ифодалашнинг муҳим қисми сифатида қарайди. Лекин, замонавий кўринишдаги функционализм ривожланишига антропологларнинг меҳнатлари сезиларли таъсир кўрсатди. То йигирманчи аср бошларигача антропология мустамлакачи амалдорлар, миссионерлар ва саёҳатчиларнинг маърузаларидаги материалларга асосланган эди. Бунинг натижасида XIX аср антропологияси муайян даражада спекулятив бўлиб, ҳужжатли манбаларга етарлича таянмаган эди. Муаллифлар бутун жаҳондан мисол келтирган ҳолда китоблар яратганлар, лекин бунда мисолларнинг ишончилиги, шунингдек муайян маданий контекстлар мавжудлиги амалда уларни қизиқтирмас эди. Масалан, динни таҳлил этиш одатда бутунлай турлича маданиятлардаги кўплаб эътиқодлар ва диний амалиётларни таққослаш йўли билан амалга оширилади.

Бундай ёндошув тадқиқотчиларни қониқтирмай қолган вақтда замонавий антропология бошланади ва антропологлар жаҳоннинг турли маданиятлари борасида узоқ муддатли тадқиқотлар ўткази бошладилар. Антропологиядаги тадқиқий ёндошув асосчилари — Дюркгеймнинг кучли таъсирини бошдан кечирган англиялик муаллиф А.Р. Рэдклиф-Браун (1881—1955) ва илмий фаолияти асосан Британияда ўтган поляк олими, Бронислов Малиновский (1884—1942)лардир. Малиновский энг

машхур антропологик тадқиқотлардан бирининг муаллифи бўлиб, у Тинч океанидаги Тробрианд оролларида узоқ муддат яшаши натижасида юзага келди. Рэдклиф-Браун эса Бирма соҳилларида жойлашган архипелаг ва Андаман оролларидаги аҳолиси орасида тадқиқотлар олиб борди.

Ҳар иккала тадқиқотчининг фикрича, агарда жамиятнинг муҳим институтларини тушунишни ва уларнинг аъзолари ўзларини нима учун бундай тутаётганликларини изоҳлашни истасак, бизлар жамият ёки маданиятни бир бутунликда ўрганишимиз лозим. Масалан, биз муайян жамият диний эътиқодлари ва урф-одатларини фақатгина ушбу жамият доирасидаги бошқа институтлар билан алоқадорликдагина таҳлил қилишимиз мумкин, чунки жамиятнинг турли қисмлари бир-бири билан чамбарчас алоқадорликда ривожланади.

Қандайдир бир турдаги ижтимоий фаолият ёки институт функциясини ўрганиш — демак, бу яхлит ҳолда жамият ҳаёти фаолиятини таъминлашдагиларнинг ҳиссасини таҳлил қилишдир. Бу фикрни тушунтиришнинг энг яхши усули сифатида инсон танаси билан боғлиқ аналогия хизмат қилади — шунга ўхшаш аналогиядан Конт, Дюркгейм ва кейинги кўпгина функционалист муаллифлар фойдаланишди. Бирор бир танадаги аъзони ўрганишда, масалан, юракни олсак, биз аввало у тананинг қолган аъзолари билан қандай боғланганлиги тушунишимиз лозим. Бутун танага қон ҳайдаш натижасида, юрак организм ҳаётини қўллаб-қувватлашда муҳим роль ўйнайди. Шунга ўхшаш ҳолда берилган ижтимоий объектнинг функциясини таҳлил этиш, унинг муайян ҳамжамят мавжудлигида қандай роль ўйнашини кўрсата олиш демакдир. Масалан, Дюркгейм фикрича, дин — кишиларнинг асосий ижтимоий кадриятларига мойиллигини таъминлайди ва шу билан ижтимоий алоқаларни қўллаб-қувватлашга ёрдам беради. (Дюркгеймнинг дин назариясининг батафсил таҳлили “Дин” деб аталадиган 14-бобда берилган).

Мертон талқинидаги функционализм

Талкотт Парсонс ва Роберт К. Мертон асарлари туфайли функционализм социологияга яна қайтарилди. Уларнинг фикрича, функционал таҳлил социологик назариялар ва социологик тадқиқотлар ривожланишида ҳал этувчи роль ўйнаши лозим. Айниқса, Мертон талқинидаги функционализм айниқса алоҳида таъсир кучига эга эди; ушбу ёндошув америкалик социологларнинг бутун бир авлоди тадқиқотларидаги йўналишларни белгилаб берди. Шунингдек, мазкур таълимот Америкадан ташқарида ҳам кенг тарқалди. Рэдклиф-Браун ва Малиновский таклиф этган вариантларга қараганда, Мертон функционал таҳлилда бирмунча мураккаброқ вариантларни ишлаб чиқди. Шу билан бир вақтда, у ушбу ёндошувни индустриал жамиятларни ўрганиш учун мослаштирди.

Мертон ошкора ва яширин функциялар ўртасида фарқларни кўрсатади. Ошкора функциялар — бу ижтимоий фаолиятнинг муайян тури иштирокчиларига маълум бўлиб, улар томонидан назарда тутилади. Яширин функциялар эса — бу фаолиятнинг шундай оқибатларидирки, буни унинг иштирокчилари назарда тутмаган бўлади.⁴ Мертон бундай бўлинишга мисол қилиб Нью-Мексикадаги Хопи хиндулари томонидан ижро этиладиган, ёмғир рақси ҳақида ёзади. Хопилар ушбу маросимнинг далаларга зарур бўлган ёмғир келтиришига ишонадилар (очиқ функцияси). Шу сабабли улар бу маросимни уюштирадилар ва унда иштирок этишади. Лекин, ёмғир рақси, Дюркгейм дин назариясига асосланган ҳолда Мертон таъкидлашича ушбу ҳамжамият бирлигини сақлаш эффеќти ҳам ҳисобланади (яширин функцияси). Мертон фикрича, ҳар қандай ҳодисани социологик жиҳатдан тушуниришнинг маълум қисми ижтимоий институтлар ва кишилиќ фаолиятининг яшириш функцияларини очишдан иборатдир.

Мертон функциялар ва *дисфункцияларни* ажратиб кўрсатади. Унинг кўрсатишича, антропологлар тадқиќот доирасига тушган кичик маданиятлар, йирик индустриал жамиятларга қараганда бирмунча интеграциялашган ҳисобланиб, социологиянинг асосий ўрганиш объекти ҳисобланади. Рэдклифф-Браун ва Малиновскийлар функцияларни аниқлашга бутунлай диққатни жам қилишлари мумкин эди. Чунки улар томонидан қараб чиқилган маданиятлар барқарор ва интеграциялашган эди. “Дисфункция” тушунчаси ижтимоий фаолиятнинг шундай жиҳатлари билан боғланган бўлиб, улар жамият бутунлигига хавф солувчи ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Ижтимоий фаолиятнинг дисфункционал жиҳатларини тадқиќ этиш — демак мавжуд ҳодисалар тартибига қарши бўлган, ижтимоий ҳаёт жиҳатларини тахлил этиш демаќдир. Масалан, гўёки дин ҳар доим функционал ҳолатда бўлади, яъни, жамият яхлитлигини сақлашга хизмат қилади деб, ўйлаш хатодир. Қачонки иккита гуруҳ турлича динларга ёки айнан бир диннинг турли оқимларига эътиќод қиладиган бўлса, жамиятда чуқур еврилишларни келтириб чиқаришга қодир бўлган, йирик миќёсдаги ижтимоий можаролар ҳам вужудга келиши мумкин. Шунинг учун, кўпинча диний ҳамжамиятлараро урушлар келиб чиқади, бунга Европа тарихида протестантлар ва католиклар ўртасидаги зиддиятларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Замонавий тараќќиёт

Узоқ ваќт давомида функционалистик тафаккур айниќса, АҚШда социологиядаги етакчи назарий анъана бўлиб келди. Кейинги йилларда функционализмнинг оммавийлиги пасайиб бормоќда, чунки унинг чекланган жиҳатлари аён бўла бошла-

⁴ Merton R. Social Theory and Social Structure. Glencoe, 1957.

ди; лекин ҳозиргача бу ёндошув қизгин қўллаб қувватловчиларга эга⁵. Мертонни истисно қилганда, деярли барча назоратчи функционалистлар (масалан, Талкотт Парсонс) ижтимоий яхлитликни қўллаб-қувватлайдиган омилларга ўта юқори аҳамият берган ҳолда, бўлиниб кетишни ва можароларни келтириб чиқарадиган омилларни назардан четда қолдиришади. Бундан ташқари, кўпгина танқидчилар фикрича, функционалистлар жамиятни ҳақиқатда эга бўлмаган хусусиятларга эга деб тасвирлашга ҳаракат қилишади. Функционалистлар кўпинча жамият “эҳтиёжлари” ва “мақсадлари” тўғрисида ёзишади, лекин бу тушунчалар фақат алоҳида шахсларга нисбатан олинганда аҳамиятга эга бўлишига эътибор қилишмайди. Масалан, Мертон таҳлил қилган ёмғир рақсини олайлик. Мертон фикрича ушбу маросим Хони маданиятини интеграция қилишга ёрдам беради; буни кўрсатгач, биз бу ҳодисанинг ҳақиқатдаги сабабини тушунтирдик, лекин биз биламизки, рақс аслини олганда ҳеч қандай ёмғирни келтириб чиқармайди. Агарда, Хони жамияти унинг учун “керакли” хатти-ҳаракатларни бажаришга ўз аъзоларини ундайди, деган қондани қабул қилган тақдиримиздагина, бундай ҳол оқилона изоҳлаш бўлиши мумкин. Лекин бу ундай эмас: яъни, жамият ирода кучига эга эмас, ўз олдига мақсадлар қўймайди, улар фақат индивидларгагина хосдир.

Структурализм

Функционализм каби структурализм ҳам Дюркгейм ишларининг таъсирини ўз бошидан кечирган бўлса ҳам, унинг ривожланишга асосий туртки берган омил — лингвистика бўлди. Дастлабки даврларда структурализм ғояларининг манбаи сифатида Швейцариялик лингвист Фердинанд де Соссюр (1857—1913) ишлари муҳим роль ўйнайди. Аслида Соссюр фақатгина тил тўғрисида ёзган бўлса ҳам, оқибатда унинг ғоялари кўплаб социал ва гуманитар фанларда ўз ифодасини топди.

Соссюргача тилни тадқиқ этиш асосан сўзлардан фойдаланиш усулларидаги батафсил ўзгаришларни таҳлил этишга қаратилган эди. Соссюр фикрича, бундай тартиб тилнинг асосий ўзига хос хусусиятини назардан четда қолдиради. Агарда биз, кишилар ўз нутқида қўллаётган сўзларгагина диққатимизни қаратадиган бўлсак, бунда унинг асосий тоифалари ёки структура-сини аниқлай олмаймиз⁶. Тил грамматика қоидалари ва сўзлар ортида ётган, лекин уларда кўрсатилмайдиган маънодан таркиб топади. Оддий мисол: инглиз тилида, агарда ўтган замон воқеалари тўғрисида фикр бораётганлигини билдирмоқчи бўлсак, одатда феълга “ed” қўшимчаси қўшилади. Бу минглаб грамматика қоидаларидан бири бўлиб, уни ҳар бир тил ташувчиси билади

⁵ Alexander J. Neofunctionalism. London, 1985.

⁶ Saussure F. Course in General Linguistics. London, 1974.

ва гапираётган гапимизда конструкция тузиш учун ундан фойдаланади. Соссюр фикрича, тил таркибини таҳлил қилиш, демакки, тилнинг кўринмас асосини ташкил этувчисини излашдир. Бу қоидаларнинг кўпгина қисмини биз очиқ билмаймиз: биз учун уларнинг моҳияти нимадан иборат эканлигини ифодалаш унчалик осон эмас. Лингвистиканинг вазифаси — тилдан амалий фойдаланиш даражасида очиқ бўлмаган ҳолда, нима билишимизни очиқ беришдир.

Тил ва маъно

Соссюр таъкидлашича, сўзларнинг маъноси ушбу сўз ифодалайдиган, объектлар орқали эмас, балки тил структуралари орқали амалга оширилади. Биз содда ҳолда кўз олдимизга келтирадиган бўлсак, «дарахт» сўзининг маъноси, барглари мавжуд объект бўлиб, ушбу атама шуни назарда тутати. Лекин, Соссюр нуқтаи-назарича, бу ундай эмасдир. Бунга тилда мавжуд бўлган, лекин, ҳеч бир объектларни ифодаламайдиган «ва», «лекин», «биноқ» каби кўпгина сўзларга диққатни қаратган ҳолда ишонч ҳосил қилишимиз мумкин. Бундан ташқари, мазмун жиҳатидан тўлиқ қимматга эга бўлган ва реалликка ҳеч қандай алоқаси бўлмаган сўзлар ҳам мавжуд бўлиб, улар афсонавий нарсаларни ифодалайди — масалан, «якка шоҳ». Агарда сўзнинг маъноси, улар ифодалайдиган нарсалардан келиб чиқмаса, унда қаердан келиб чиқади? Бунга Соссюр куйидагича жавоб беради, сўзларнинг маъноси турдош тушунчалар ўртасидаги тафовутлардан келиб чиқади ва бу тафовутлар тил қоидалари ёрдамида англаб олинади. «Дарахт» сўзининг маъноси, биз «дарахт»ни «буталар», «ўрмон» ва кўпгина бошқа сўзлардан фарқлаганимиз туфайли келиб чиқади, бу сўзлар бир-бирига ўхшаш бўлса-да, лекин маъноси бир-бирига айнан мос тушмайди. Шундай қилиб, маънолар, ушбу сўзлар воситасида ифодаланадиган объектлар билан эмас, балки тил ичида яратилади.

Структурализм ва семиотика

Соссюр ушбу таҳлилни муҳим кузатиш билан тўлдиради, яъни маънони фақатгина товушлар (нутқ) эмас, балки қоғоздаги (хатдаги) белгилар ҳам яратиши мумкин. Бошқа предметлар ўртасида систематик тарзда ажратиш мумкин бўлган ҳар қандай объект, маъно бериш учун қўлланилиши мумкин. Мисол сифатида светофор сигналларини келтиришимиз мумкин. Бизлар яшил ва қизил ўртасидаги контрастни «ҳаракатланиш» ва «тўхташни» ифодалаш учун қўллашимиз мумкин (сарик ранг «тўхташга тайёрланиш» ёки «ҳаракатланишга тайёрланиш» деган маъноларни англатади). Шуни айтишимиз керакки, яъни ранглар ўз-ўзича эмас, балки айнан улардаги тафовут маънони вужудга келтиради. Худди шунга ўхшаш ҳолда яшилни «тўхташни» ифодалаш учун ва қизилни «ҳаракатланишни» ифодалаш учун қўллашимиз мумкин эди. Соссюр тилга оид бўлмаган маъ-

ноларни ўрганишни семиология деб атайди. Ҳозирги вақтда асосан семиотика атамаси қўлланилади.

Семиотик тадқиқотлар кишилик маданиятининг кўплаб жиҳатларини ўрганишда қўл келади. Мисол сифатида, кийимлар ва модани кўриб чиқайлик. Муайян вақтда замонавий (модада) бўлган кийим услубини нима машҳур қилади? Албатта, бу кийиладиган кийимнинг ўзи эмас, чунки калта юбкалар қайсидир бир йили модада бўлса, бошқа йили модадан қолиши мумкин. Кийимларнинг модада бўлишини бари бир «муваффақиятли иш юритаётганлар» ва «орқада қолаётганлар» гардеробидаги кийиладиган кийимлар тафовути келтириб чиқаради. Ушбу соҳадаги яна бир мисол — мотам кийимидир. Бизнинг маданиятимизда (ғарб маданияти), биз азадорлигимизни кўрсатиш учун қора кийинамиз. Бошқа маданиятларда эса, аза тутганлар оқ кийинишади. Ушбу ҳолда ранг ўз-ўзича маъно касб этмайди, асосийси шундаки, аза тутган кишилар, уларнинг кундалик кийинишидан ажратиб турувчи, муайян тарзда кийинишади.

Структурализм ёндашуви, айниқса, Америка Қўшма Штатларида социологияда эмас, балки кўпинча антропологияда қўлланилади. Леви-Стросс томонидан кўрсатилган йўналишга амал қилган ҳолда, структурализм, структуравий таҳлил атамалари қариндошчилик муносабатлари, афсоналар, динлар ва бошқа соҳаларни тадқиқ этишда қўлланилади. Лекин, кўпгина назариётчи-социологлар структурализм ғоялари таъсирини бошдан кечиришган. Структурализм тамойиллари, умуман олганда оммавий ахборот воситалари (газета, журналлар, телевидение), мафкура ва маданиятни ўрганишда қўлланилади.

Структурализм тафаккури заиф жиҳатларга ҳам эга бўлиб, бу уни социологияда умумий назарий ёндошув сифатида қўллаш имкониятларни чеклайди. Структурализм тилни тадқиқ этиш натижасида юзага келди ва инсон ҳулқ-атворининг баъзи жиҳатларини ўрганиш учунгина мос келадиган бўлиб чиқди. Уни коммуникация ва маданиятни тадқиқ этишда фойдали бўлсада, иқтисодий ва сиёсий фаолият каби соҳаларда, унинг қўлланиши бир мунча чеклангандир.

Тимсолий интеракционизм

Тимсолий (символли) интеракционизм бошқа ҳар қандай назарий ёндашувларга кўпроқ аҳамият беради. Миддан кейин уни кўплаб олимлар ривожлантиришди, ва у Америка Қўшма Штатларида функционализмга қарама-қарши тушунчага айланди. Структурализм каби, символли интеракционизмнинг туғилиши тил муаммоси билан боғлиқдир, лекин Мид уни алоҳида йўналиш бўйича ривожлантирди.

Тимсоллар

Мид таъкидлашича, айнан тил инсонга онгли мавжудотга айланиш, ўзининг индивидуаллигини кўриш имкониятини бер-

ди, ушбу жараённинг ҳал қилувчи элементи тимсолдир. Тимсол яна қандайдир нарсани ифодаловчи нарсадир. Соссюр қўллаган мисолга амал қилган ҳолда, «дарахт» сўзи символ бўлиб, унинг ёрдамида биз муайян предмет, дарахтни тасаввур этамиз. “Бу тушунчани тушуниб олгач, дейди Мид, ҳаттоки ҳеч қандай дарахт кўринмаётган бўлса ҳам, биз дарахт тўғрисида ўйлашимиз мумкин”. Бизлар ушбу предмет тўғрисида символик тарзда ўйлашни ўргандик. Тимсоллик тафаккур, фақатгина бизнинг тажрибамизда бевосита кўринадиган, эшитадиганлар билан чекланишдан бизларни озод қилади.

Одамлар, ҳайвонлардан фарқ қилган ҳолда, символлар билан тўла дунёда яшайди. Бу бизнинг ўзимизни идрок этишимизга тегишлидир. (Ҳайвонлар, инсонлардаги каби шахсий «мен» ҳиссиётига эга эмасдир). Бизларнинг ҳар биримиз ўз ўзини англашга эгамиз, чунки биз ўзимизга ташқаридан қарашга ўрганамиз — ўзимизни бошқалар кўраётгандек кўрамиз. Бола бошқалар «сен» деб атайдиган объектни (ўзини) ифодалаш учун «мен» сўзидан фойдалана бошласа, унда ўз-ўзини англашга асос пайдо бўлади. (Ўз-ўзини англашнинг ривожланиши тўғрисида Мид назариясининг келгусидаги муҳокамасини 3-боб «Ижтимоийлашув ва ҳаётий цикл»да топиш мумкин).

Тимсолий интеракционизм тарафдорлари таъкидлашганидек, кишилар ўртасидаги барча ўзаро таъсирлар символлар билан алмашишни тақозо қилади. Бошқалар билан таъсирланмай туриб, ушбу контекстга қандай хулқ-атвор тури мос келиши ва ўзгаларнинг мақсадларини қандай изоҳлаш кераклигини тушунишга, биз доимо калит қидирамиз. Тимсолий интеракционизм шахслараро ўзаро таъсирлашувнинг тафсилотларига ва ушбу тафсилотлар бошқалар томонидан гапирилганга ёки бажарилганга қандай қилиб маъно беришига диққатимизни қаратади. Масалан, тасаввур этайлик, эркак ва аёлнинг биринчи учрашуви. Эҳтимолки, уларнинг иккаласи ҳам бир-бирини баҳолашга ва агарда учрашувлари давом этадиган бўлса, ўз муносабатларининг ривожланиш вариантлари эҳтимолликларига учрашув вақтининг кўп қисмини сарфлашади. Улардан ҳеч бири буни ўта очиқ ҳолда қилмайди, аслида бунда нима рўй бераётганлигини англашади. Иккаласи ҳам ўзининг шахсий хулқ-атворидан ташвишланади, чунки улар ўзини яхши томондан кўрсатгиси келади; лекин, шуни билган ҳолда, уларнинг ҳар бири ёнидагининг хулқ-атворидаги ҳақиқий қирраларни кўришга ҳаракат қилади. Шундай қилиб тимсолий (символи) талқиннинг мураккаб ва зўрға кўзга ташланадиган жараёнлари икки кишининг ўзаро таъсирини шакллантиради.

Тимсолий интеракционизм ғоясини қўллаб-қувватлайдиган социологлар, одатда ўзларининг диққатини кундалик ҳаёт вазиятларидаги шахслараро ўзаро таъсирга жамулжам этишади. Бу турдаги тадқиқотлар орасида Ирвинг Гоффман ишлари айниқса қизиқарли бўлиб, у «Ижтимоий ўзаро таъсир ва кундалик

жаёт» деб аталувчи, 4-бобда қаралган. Миддаги фақат қуруқ ва абстракт назарий концепцияга Гоффман ёрқинлик ва жонлилик бахш этди. Натижада Гоффман ва бошқа омиллар туфайли тимсолий интеракционизм вакиллари томонидан бизнинг кундалик ҳаётимиз табиатига тегишли бўлган, кўплаб кашфиётлар яратилди. Бироқ тимсолий интеракционизм кичик миқёсдаги ҳодисаларга жуда кучли равишда диққатни қаратганлиги сабабли танқидга учрайди. Бу йўналишда ишлаган олимлар йирик миқёсдаги структуралар ва жараёнларга тўқнаш келганда ҳар доим қийинчиликни бошидан кечиришган, бу йирик миқёсдаги ҳодисалардан асосан қуйидаги икки йўналишга диққатни қаратган.

Марксизм

Функционализм, структурализм ва тимсолий интеракционизм социология соҳасидаги аҳамиятга эга бўлган ягона анъаналар эмас, чунки бу учта йўналиш шунга ўхшаш ҳолдаги назарий ёндашувларни таснифлашнинг ягона усули ҳисобланмайди. Бундай ўхшаш доирадан чеккага чиқувчи, нисбатан таъсирчан ёндошувлардан бири марксизмдир. Маълумки, барча марксчилар ўз тадқиқотларини у ёки бу даражада Маркс асарлари билан боғлашади, лекин унинг ғояларини изоҳловчи кўплаб бошқа йўналишлар ҳам мавжуд бўлиб, бутунги кунда марксча йўналишдаги мактаблар кўпинча назарий жиҳатдан хилма-хил қарашларга амал қиладилар.

Кенг маънода олганда, марксизмни юқорида тавсифланган учта ёндошувга мос келадиган йўналишлар бўйича ажратиш мумкин. Кўпгина марксчилар очиқ ёки очиқ бўлмаган ҳолда тарихий материализмнинг функционализм кўринишига амал қилишади⁷. Бу йўналишдаги марксизм структурализм таъсирига учраган марксизмдан тубдан фарқ қилади. Ушбу кейинги нуқтаи назарни тақдим этувчи нисбатан машҳур муаллифлардан бири француз тадқиқотчиси Луи Альтюссердир⁸. Ўз навбатида номлари келтирилган кишилар фаолиятидан фаол ижодий хусусиятни тан олувчи марксчилар қарашларидан тубдан фарқ қилади. Бу йўналишдаги фақат баъзи муаллифларгина тимсолий интеракционизмнинг таъсирига учрашди, лекин улар томонидан яратилган бу истиқбол чизгилари ҳам интеракционизмга ўхшаш бўлди⁹.

Марксизмнинг барча йўналишлари социологиядаги марксчи бўлмаган анъаналардан тубдан фарқ қилади. Кўпчилик марксчи муаллифлар марксизмни социологик таҳлил ва сиёсий ислохотлар ягона «пакети»нинг бир қисми сифатида олиб қарай-

⁷ Cohem G. A. Karl Marx's Theory of History: A. Defence. Oxford, 1978.

⁸ Althusser L. For Marx. London, 1969.

⁹ Fromm Erich (ed) Socialist Humanism. London, 1967, Marcuse Herbert. Reason and revolution. London, 1968.

ди. Марксизм, уларнинг эътиқоди бўйича, туб сиёсий ўзгаришлар дастурини ишлаб чиқиши лозим. Бундан ташқари марксчилар, бошқа социологлардан, айниқса функционализм вакиллари билан фарқ қилган ҳолда, жамиятнинг синфий бўлиниши, синфий можаролар, шунингдек ҳокимият ва мафкура муаммоларига алоҳида аҳамият беришади. Марксизмни социология доирасидаги қандайдир ёндошув эмас, балки социология билан биргаликда мавжуд бўлган социал ва гуманитар концепциялар мажмуи, деб қараш маъқулроқдир, чунки социология билан марксизм бир-бири билан кесишган ҳолда кўпинча бир-бирига таъсир кўрсатади. Номарксистик социология ва марксизм ҳар доим ўзаро таъсир ва ўзаро муҳолифат муносабатларида бўлиб келишган.

Назарий дилеммалар

Ушбу тўртта назарий жиҳатларнинг нисбий қадр-қиммати қандай? Уларнинг ҳар бири ўзининг ашаддий тарафдорларига эга, лекин шу нарса аёнки баъзи бир муносабатларда ушбу концепциялар бир-бирини тўлдиради. Функционализм ва марксизмнинг кўпчилик йўналишлари ижтимоий гуруҳлар ёки жамият ҳаётидаги йирик миқёсли жиҳатларни ўрганишга жамулжам этилган. Улар “Жамият ўзининг яхлитлигини қандай таъминлайди?” ёки “Ижтимоий ўзгаришларнинг асосий сабаблари қандай?” каби асосий саволларга принципиал жиҳатдан жавоб берадилар. Бошқача айтганда, тимсолий интеракционизм ижтимоий ҳаётнинг шахсий томонлари билан нисбатан кўпроқ боғлангандир. Структурализм эса ўз эътиборини асосан ижтимоий фаолиятнинг маданий хусусиятларига қаратганлиги билан бошқа ёндошувлардан фарқ қилади.

Шундай қилиб, социология муаммоларини кўриб чиқишда барча назарияларнинг меваларидан муайян даражада фойдаланилади, бироқ муайян муносабатларда улар бир-бирига очиқдан-очиқ зид келиши мумкин. Доимий баҳслар ва мунозараларнинг манбаи бўлган, бир қанча асосий назарий дилемма — саволлар мавжуд бўлиб, уларнинг бир қисми индивидлар ва ижтимоий институтлар фаолиятини изоҳлашнинг умумий муаммоси билан боғлангандир.

Социологиядаги назарий ёндошувлар

Огюст Конт (1789—1857)

Карл Маркс (1818—1883)
Макс Вебер (1864—1920)

Эмиль Дюркгейм
(1858—1917)

Фердинанд де Соссюр
(1857—1913)

Жорж Герберт Мид
(1863—1931)

Функционализм

Структурализм

Марксизм

Тимсолий
интеракционизм

Тўғридан-тўғри таъсир тўлиқ чизиқлар билан, тўғридан тўғри алоқалар йўл-йўл чизиқлар билан кўрсатилган. Соссюр ўз ғояларининг бир қисмини бевосита Дюркгеймдан олганлиги ноаниқ бўлса ҳам, лекин, бир қатор соҳаларда уларнинг қарашлари қисман мос тушади. Миднинг Веберга ҳеч қандай боғлиқ жойи бўлмасда, Вебер ғояларидаги инсон фаолиятининг мақсадли, анланган хусусияти тимсолли интеракционизмнинг асосий мавзулари билан очикдан-очик ўхшашлик хусусиятига эга.

1. Биринчи дилемма *киши фаолияти* ва *ижтимоий тузилма* масалалари билан боғланган. У эса қуйидагидан иборат: биз ўз ҳаётимизнинг турли ҳолатларига фаол таъсир кўрсатувчи, ижодий бошланғични қандай даражадаги тўлиқ қадр-қимматли ташувчилармиз. Эҳтимол, бизнинг хатти-ҳаракатларимизнинг катта қисми ихтиёримиздан ташқаридаги қандайдир фундаментал ижтимоий кучлар таъсирининг натижасидир? Бу масалага муносабат ҳар доим социологларни фарқлаб келган ва фарқлаб келмоқда. Хусусан, тимсолий интеракционизм инсон хулқ-атворининг фаол ижодий ташкил этувчиларини ажратиб кўрсатади.

2. Иккинчи назарий далил жамиятдаги *консенсус* (келишув) ва можаролар билан боғлангандир. Бунда бир қатор нуқтаи назарларга кўра, айниқса функционализмга яқинлигига кўра, биринчи ўринга кишилиқ жамиятига хос бўлган тартиб ва уйғунликлар қўйилади. Ушбу қараш тарафдорлари, масалан, Талкотт Парсонснинг ҳисоблашича, жамиятлар вақт ўтиши билан қанчалик ўзгармасин, ундаги ворисийлик ва консенсус нисбатан табиий хусусиятлардир. Бошқа социологлар, айниқса Маркс ва Вебер таъсирига берилганлар эса, ижтимоий конфликтнинг ёрқин табиатга эгаллигини таъкидлашади¹⁰. Уларнинг ҳисоблашича, ижтимоий ҳаёт учун манфаатлар тарқоқлиги, зиддият ва кураш хосдир. Одамлар асосан бир-бири билан тинч яшашга мойилдир деб таъкидлаш хато: ҳаттоки, очикдан-очик қарама-қаршилиқ бўлмаганда ҳам жамиятдаги манфаатларнинг туб фарқи сақланади ва у муайян фаол можарога айланиб кетиши мумкин.

3. Учинчи дилемма, умуман олганда инсон фаолияти ёки жамият характеристикалари билан эмас, балки *замонавий ижтимоий ривожланиш* хусусиятлари билан боғланган. Бу ерда гап замонавий жамиятлар табиатининг ўзига таъсир кўрсатувчи омиллари тўғрисида боради: бу дилемма Марксгача бўлган ва марксча ёндошувлар ўртасидаги тафовутлардан келиб чиқади. У қуйидаги масала атрофида жамланган: замонавий дунёнинг ҳолати Маркс томонидан ажратиб кўрсатиладиган иқтисодий омиллар, хусусан, капиталистик ишлаб чиқариш механизмлари би-

¹⁰ Collins Randall. Conflict Sociology: Toward an Explanatory Science. New York, 1974.

лан қандай даражада белгиланади? Бошқа томондан, муқобил омиллар (ижтимоий, сиёсий ва маданий) замонавий даврда ижтимоий ривожланишни қандай даражада белгилаши мумкин?

4. Назарияда тўртинчи фундаментал муаммо ҳам мавжуд бўлиб, у ортодоксал концепция доирасида юзага келиши эҳтимолдан узоқ бўлса ҳам, лекин уни бундан кейин рад этиш мумкин эмас. Бу муаллифнинг хизмати шундаки, у социологик таҳлилга гендер тушунчасини киритди. Ўтган даврларда социология билан шуғулланган барча машҳур олимлар эркаклар эди, улар ўз асарларида инсон мавжудоти эркак ва аёл жинсига бўлинишига амалда эътибор беришмаганди¹¹. Индивидлар, уларнинг тадқиқотларида эркак ва аёл сифатида эмас, балки “ўрта жинсга” тегишли, абстракт иштирокчилар сифатида қаралади. Чунки анъанавий социологияда гендер муаммосининг қўйилишида амалда ҳеч нарсага таяниб бўлмайди, бу муаммо, эҳтимол, ҳозирги вақтдаги тўртта муаммодан энг мураккабидир.

Гендер муаммоси билан боғлиқ, назарий муаммолардан энг муҳимларидан бири қуйидагичадир: биз гендер таълимотини умумий социологик категория сифатида киритишимиз лозимми? Ёки эҳтимол, гендер муаммосини турли вазиятларда эркаклар ва аёллар хулқ-атворини белгиловчи, бир қатор ўзига хос омилларга бўлиб ўрганмоқ маъқулроқдир? Агарда бошқа томондан қарайдиган бўлсак, барча маданиятларда ҳам эркаклар ва аёллар ижтимоий хулқ-атворини ажратиб турувчи хусусиятлар мавжудми? Ёки, Гендерча бўлинишни бошқа ижтимоий тафовутлар атамаларида (масалан, синфий бўлинишда) тунштириш мумкинми?

Ушбу далилларнинг ҳар бирини батафсил кўриб чиқамиз.

Тузилма ва хатти-ҳаракат

Дюркгейм томонидан кўтарилган, кейинчалик бошқа муаллифлар томонидан ҳам тадқиқ қилинган муҳим мавзулардан бири, бизларни ўз аъзолари сифатида бирлаштирувчи жамият, ҳақиқатан ҳам, бизнинг фаолиятимизни чеклаб қўядими? деган масалада, Дюркгеймнинг таъкидлашича, жамият индивид устидан устуворлик хусусиятига эгадир. У оддийгина индивидуал актлар суммасига қараганда, бир мунча каттароқ нарсадир, шунинг учун ижтимоий структурани тадқиқ этган ҳолда моддий муҳит структуралари билан таққослаганда, “шафқатсиз” ёки “бераҳм” бўлган хусусиятларга дуч келасиз. Бир қанча эшиклари бўлган хонадаги кишини тасаввур этайлик. Хонанинг қурилиши индивиднинг хатти-ҳаракатлар эҳтимоллиги доирасини

¹¹ *Sydie R. Natural Woman, Cultured Men: A Feminist Perspective on Sociological Theory.* New York, 1987.

чеклайди. Деворлар ва эшикларнинг жойлашуви, масалан, чиқиш ва кириш жойини белгилайди. Дюркгейм фикрича ижтимоий тузилма бизнинг фаолиятимизни шунга ўхшаш ҳолда тартибга солади. У бизнинг индивидуал хатти-ҳаракатларимизга чегара қўяди.

Ушбу нуқтаи назар Дюркгеймнинг машҳур қайдларида шундай ифодаланган:

Мен қачонки ака-ука, эр ёки фуқаро сифатида ўз бурчимни амалга ошираётган бўлсам, бунда мен қонун ва урф-одат томонидан белгиланган, менга ва менинг хатти-ҳаракатларимга нисбатан ташқи бўлган мажбуриятларни ижро этаман. Шунга ўхшаш ҳолда диндор туғилган кунидан бошлаб, тайёр ҳолда эътиқод ва диний ҳаёт амалиётига дуч келади, агар улар унча ҳам мавжуд бўлган бўлса, демакки, улар ундан ташқарида мавжуд бўлади. Ўз фикрларимни ифодалаш учун мен қўллайдиган белгилар тизими, қарзларни тўлаш учун мен фойдаланадиган пул тизими, ўз тижорат фаолиятимда мен қўллайдиган кредит механизмлари, ўз касбим кучи туфайли мен бажарадиган тартиблар — буларнинг барчаси ва шунга ўхшаш нарсалар менинг фойдаланишимдан қатъий назар амал қилади. Ўз навбатида, агарда жамиятнинг ҳар бир аъзосига мурожаат қиладиган бўлсак, унда кўрсатилган, қайд этиб ўтилганлар уларнинг ҳар бирига нисбатан адолатлидир¹².

Дюркгейм нуқтаи назари кўплаб тарафдорларга эга, лекин у жиддий танқидларни ҳам келтириб чиқарди. Агарда, кўплаб индивидуал актларнинг жами бўлмайдиган бўлса, унда “жамият” нима? — деб сўрашади танқидчилар. Агарда биз қандайдир гуруҳни ўрганаётган бўлсак, биз жамоавий моҳиятни эмас, балки фақатгина бир-бири билан турли шаклда ўзаро таъсирланувчи индивидлар гуруҳини кўрамыз. “Жамият” фақатгина кўплаб индивидлардан иборат бўлиб, улар бир-бирига нисбатан тартибга солинган хатти-ҳаракатларни амалга оширади. Ушбу нуқтаи назарга мувофиқ (асосан тимсолий интеракционизм тарафдорлари томонидан тақдим этилади), бизлар инсон бўлганимизнинг кучидан мақсадга йўналтирилган ҳолда хатти-ҳаракатда бўламиз ва маданий мазмунларга тўлиб тошган дунёда яшаймиз. Ижтимоий ҳодисалар ушбу нуқтаи назарга мувофиқ “нарсаларга” унча ҳам ўхшаш эмас, чунки улар тимсолий маъноларга боғлиқ бўлиб, булар билан ўзимизнинг хатти-ҳаракатларимизга маъно берамыз. Бизлар жамиятнинг маҳсуллари эмас, балки унинг яратувчиларимиз.

Баҳолаш

Ушбу зиддиятларнинг қачондир тугаб қолиши эҳтимолдан ҳолидир, чунки у замонавий мутафаккирлар инсон фаолиятини тушунтиришга биринчи марта мунтазам ҳолда ўргангандан буён мавжуддир. Ундан ташқари, ушбу баҳс фақатгина социология билан чегараланмайди, у ижтимоий фанларнинг барча соҳалари омиллари қамраб олган. Сиз қайси нуқтаи назарни

¹² Durkheim Emile. The Rules of sociological Method. London, 1975.

ҳақиқатга яқинроқ, деб ҳисоблашни ўзингиз ҳал этишингиз зарур.

Бари бир келтирилган нуқтаи назарлардаги тафовутларни ошириб кўрсатиш зарур эмас. Албатта, ушбу ёндошувларнинг ҳеч бири мутлақ ҳақиқатга эга бўлолмайди, лекин улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни осонгина кўриш мумкин. Маълумки, баъзи бир жиҳатлардан Дюркгейм нуқтаи назари афзалроқдир. Социал институтлар ҳар қандай индивидлардан илгари келади, шубҳасизки, шу билан бирга улар бизларни чегаралаш имкониятига эга. Масалан, мен Британияда мавжуд бўлган пул тизимининг ихтирочиси эмасман. Агарда, мен пулга сотиладиган товарлар ва хизматларни хоҳласам, ундан фойдаланишни хоҳлашим ёки хоҳламаслигимдан қатъий назар, уни танлаш имкониятига эга эмасман. Пул тизими ҳам, бошқа анъанавий институтлар каби, жамиятнинг ҳар қандай алоҳида олинган аъзосига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлади ва унинг фаолиятини тартибга солади.

Бошқа томондан эса, худди физик олам каби, бизга нисбатан жамият “ташқи” ҳисобланади, деб ўйлаш, ошқора хато ҳисобланади. Агарда, битта одам қолмаган ҳолда ҳам физик олам мавжуд бўлган бўлур эди, лекин шунга ўхшаш ҳолатни жамиятга нисбатан ҳам қўллаш очиқдан-очиқ айтганда, ярамайдиган ҳолдир. Жамият ҳар бир индивид учун алоҳида олинганга нисбатан ташқи ҳисобланади, лекин у бу таъриф бўйича барча индивидлар учун ташқи бўлолмайди.

Бундан ташқари, Дюркгеймнинг “социал фактлари” бизнинг фаолиятимизни чегаралашни мумкин, лекин улар уни детерминантлаш имкониятига эга эмас. Мен, агарда қатъий аҳд қиладиган бўлсам, пуллардан фойдаланмаган ҳолда яшашим мумкин, лекин бундай қарорда эҳтимол менга жуда қийин бўлади. Инсон атрофида рўй бераётган воқеаларга оддийгина пассив ҳолда жавоб бермаслиги керак, балки доимо танлаши лозим. “Структуравий” ва “фаолият” ёндошувлари ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиш, бизнинг кундалик фаолиятимизда ижтимоий тузилмани фаол тарзда яратишимиз ва ўзгартиришимизни англашга ёрдам берган бўлар эди. Масалан, мен томонимдан пул тизимидан фойдаланиш далили унчалик аҳамиятга эга бўлмаган, лекин ушбу тизим мавжудлигини қўллаб-қувватлашдаги зарурий ҳиссадир. Агарда барча одамлар, ёки уларнинг кўпчилиги, қандайдир бир вақтда пуллардан фойдаланишдан воз кечиш тўғрисида қарор қабул қиладиган бўлса, унда пул тизими барбод бўлади.

Консенсус ва можаро

Консенсус ва можаро муаммоларидаги нуқтаи назарларни таққослашда яна Дюркгейм жамиятни ўзаро боғлиқ қисмлар мажмуи сифатида қарайди, кўпчилик функционалистлар жамиятни *ўзаро чамбарчас боғланган*, структуралардан таркиб топ-

ган, ўзаро бирлаштирилган бир бутунлик сифатида олиб қарайди. Бу Дюркгеймнинг “ижтимоий далилларнинг” мажбурий “ташқи” хусусияти тўғрисидаги фикрларига жуда мос келади. Лекин аналогия бу ерда бинонинг деворлари билан эмас, балки инсон танаси билан ўтказилади.

Инсон танаси турлича ихтисослашган аъзолардан ташкил топган бўлиб (мия, юрак, ўпка, жигар ва ҳоказо), уларнинг ҳар бири организм ҳаётини қўллаб-қувватлашга ўз ҳиссасини қўшади. Аъзолар бир-бири билан уйғунликда ишлаши лозим, акс ҳолда организм ҳаёти хавф остида қолади. Дюркгейм фикрича (Парсонс фикрича ҳам) жамият ҳаётида ҳам шунга ўхшаш ҳолат юз беради. Жамият мавжудлиги давом этиши учун унинг ихтисослашган институтлари (сиёсий тизим, дин, оила, таълим тизими) бир-бири билан уйғунликда ишлаши лозим. Шундай қилиб, жамиятнинг мавжудлиги кооперацияга ҳам боғлиқдир, бу эса ўз навбатида жамият аъзоларининг асосий қадриятларга нисбатан умумий консенсуси (келишуви)ни тақозо қилади.

Можаролар муаммосини тадқиқ этадиганлар бошқача нуқтаи назарни кўзда тутадилар. Уларнинг асосий қоидаларини, мисол сифатида Маркс томонидан келтирилган, синфий можаро тушунчаси мисолида, осонгина намоёиш этиш мумкин. Маркс фикрича, жамият тенг бўлмаган ресурсларга эгалик қилувчи синфларга бўлинади, чунки кучли даражада ифодаланган тенгсизлик мавжудлиги сабабли манфаатлар тафовути кўзга ташланиб, у социал тизимга тарқалган ҳисобланади. Манфаатлар можароси муайян вақтда синфлар ўртасидаги фаол курашга айланиб, туб ўзгаришлар жараёнини вужудга келтириши мумкин. Ушбу ёндошувнинг барча тарафдорлари ҳам, синфларга Марксчалик аҳамият беришмаган эди. Баъзан можаролар вужудга келишида аҳамиятли бўлганлар, масалан, ирқий гуруҳлар ўртасидаги ёки сиёсий фракциялар ўртасидаги муносабатлар асос сифатида қаралади. Лекин, можаролашган гуруҳ қандай бўлишидан қатъий назар, жамият даставвал тангликларга тўлиб-тошган деб қаралади ва ҳаттоки бир мунча барқарор ижтимоий тизим ҳам антогонистик гуруҳларнинг барқарор бўлмаган мувозанати сифатида қаралади.

Баҳолаш

Тузилма ва хатти-ҳаракат борасидаги баҳслар каби можаро ва консенсус билан боғлиқ бўлган мунозаралар қачонлардир тугайди, деб айтишимиз қийин. Шунга қарамасдан, қарама-қарши позициядагилар билан консенсус ўртасидаги тафовут аслида кўринганига қараганда анча чуқурроқдир. Ушбу иккита позицияни бир-бирига бутунлай мос келмайди, деб бўлмайди: ҳар қандай жамият асосий қадриятларга нисбатан муайян даражадаги ягоналикка эгадир ва ҳар қандай жамиятда шубҳасиз низолар мавжудлиги тақозо қилинади.

Бундан ташқари социологик таҳлилдаги асосий қоидалардан бири ижтимоий тизимлар ичида конфликт ва консенсус ўртасидаги алоқаларни тадқиқ этишдир. Турли гуруҳлар амал қиладиган кадриятлар ва уларнинг аъзолари кўзлаган мақсадлар кўпинча умумий ва қарама-қарши манфаатлар аралашмасини акс эттиради. Ҳаттоки синфий низолар Марксча изоҳланишда ҳам антагонистлар билан бир қатор умумий манфаатларга эга. Яъни, капиталистлар ўз корхоналари учун ишчи кучига эҳтиёж сезади, ишчилар эса худди шундай даражада, уларга маош тўлайдиган капиталистларга эҳтиёж сезади. Бундай вазиятларда очиқ низо узоқ муддат давом эта олмайди, маъқули шуки, иккала томон учун ҳам умумийлик ўзаро тафовутдан ошиб кетади, аслида эса баъзан тескариси ҳам рўй бериши мумкин.

Низо ва консенсусни таҳлил этишда вужудга келадиган фойдали тушунча кадриятлар ва эътиқодлар мафкураси бўлиб, кучсизроқ гуруҳларга нисбатан кучлироқ гуруҳлар позициясини сақлаб қолишга ёрдам беради. Ҳокимият, мафкура ва низолар ҳар доим чамбарчас боғлангандир. Кўпгина низолар ҳокимият юзасидан вужудга келади, чунки жамият муайян имтиёзлар ҳосил қилади. Ҳокимиятга эга бўлганлар ўзининг етакчилигини сақлаб қолиш мақсадида мафкуравий воситаларни қўллаши мумкин, лекин зарурият бўлганда улар куч ишлатишга қодирдилар. Масалан, феодал даврларида аристократлар ҳокимияти қўйидаги гоё бўйича ушлаб туриларди, яъни кишиларнинг бир қатор оз қисмигина ҳукмронлик қилиш учун туғилади; лекин аристократия ҳукмдорлари, кимки уларнинг ҳокимиятига қаршилиқ қилишга журъат этса, уларга нисбатан албатта зўравонлик ишлатишарди.

Замонавий дунёнинг образлари

Марксча истиқболлар

Маркснинг ишлари социологик таҳлилга жиддий чақириқ бўлди ва бу чақириқ назардан четда қолмади. Илгари айтиб ўтилганидек, Маркс замонавий жамиятларни капиталистик деб қарайди. Замонавий даврда, ижтимоий ўзгаришлар асосида ётувчи етакчи импульс, бу иқтисодий трансформацияларга бўлган эҳтиёж бўлиб, у капиталистик ишлаб чиқаришнинг бир қисмидир. Илгари ўтган ҳар бир тизимга қараганда капитализм жўшқинлиги нисбатан кучли бўлган иқтисодий тизимдир. Капиталистлар ўз товарларини истеъмолчига сотиш учун бир-бири билан мусобақалашади. Бозор рақобати шароитларида яшаб қолиш учун фирмалар ўз маҳсулотларини иложи борича самарали ва арзонроқ ишлаб чиқаришлари лозим. Бу эса доимий технологик инновацияларга, янгиликларга олиб келади, чунки ишлаб чиқариш жараёнида қўлланиладиган технологиялар самарадорлигини ошириш — компанияларнинг ўз рақобатчила-

ридан устун туришини таъминлайдиган усуллардан биридир. Шунингдек, товар сотиладиган бозорларни қидириш, арзон хомашё олиш ва арзон ишчи кучини қўллаш имкониятлари учун жиддий рағбатлантиришлар мавжуддир. Шунинг учун, капитализм, Маркс фикрича, бутун жаҳон бўйлаб ўсиб борувчи, доимий кенгайиб борувчи тизим ҳисобланади. Маркс глобал миқёсларда ғарб индустриясининг тарқалишини шундай усулда тушунтиради.

Марксга тегишли бўлган капитализм таъсирини изоҳлашга кўплаб тарафдорлар топилади ва кейинги марксчи муаллифлар бирламчи концепцияни жиддий равишда такомиллаштирадilar. Лекин кўплаб сонли танқидчилар Маркс қарашларини рад этишга ҳаракат қилишди ва замонавий олим қиёфасини белгиловчи омилларни таҳлил этишга муқобил ёндошувларни таклиф этишди. Амалда барча тадқиқотчилар замонавий дунёнинг яратилишида капитализмнинг катта роль ўйнаганлигини тан олишади. Лекин, баъзи социологларнинг таъкидлашича, Маркс рўй берган ўзгаришлардаги соф иқтисодий омиллар ролини ошириб кўрсатган ва бундан ташқари капитализм Маркс эътироф этганидек, замонавий ижтимоий тараққиётнинг маркази ҳам эмас.

Шунингдек, муаллифларнинг катта қисми социалистик тизим зарурий тарзда капитализмни алмаштиради деган унинг таъкидлашларига гумон билан қарайди.

Вебер нуктаи-назари

Маркснинг биринчи жиддий танқидчиларидан бири Макс Вебердир. Ҳақиқатда Вебер ишларини унинг бутун ҳаёти давомида “Маркс шарпаси” ва интеллектуал мероси билан кураш руҳида қабул қилиш мумкин. Вебер ишлаб чиққан марксча муқобил позиция бугунги кунда ҳам ўзининг муҳимлигини сақлаб қолмоқда. Унинг фикрича, замонавий ижтимоий ривожланишда ҳал қилувчи ролни ноиқтисодий омиллар ўйнайди. Вебернинг машҳур ва жуда мунозарали “протестантча этика ва капитализм руҳи” асарида таъкидланишича, капиталистик дунёқараш яратилишида диний қадриятлар, айниқса пуританлик билан боғлиқ бўлган қадриятлар фундаментал аҳамиятга эга бўлди. Маркс фикрларига қарама-қарши ҳолда, бу дунёқараш иқтисодий ўзгаришлардан эмас, балки, унинг аксича ҳолда вужудга келади.

Замонавий жамият табиатини ва бутун дунёда Ғарб турмуш тарзининг тарқалиш сабабини Веберча тушуниш Маркс томонидан таклиф этилганидан моҳият жиҳатидан фарқ қилади. Вебер фикрича, капитализм иқтисодий фаолиятни ташкил этишнинг муайян усули сифатида замонавий даврда ижтимоий тараққиётга таъсир этган кўплаб омиллар ичидаги биттасидир. Капиталистик иқтисодий механизм таркибида муайян жиҳатдан бирмунча фундаментал бўлгани фан ва бюрократиядир. Фан

замонавий технологияни шакллантиради ва эҳтимолки уни келгусидаги социалистик жамиятда белгилаб беради. Ўз навбатида бюрократия кишилар катта гуруҳларини самарали ташкил этишнинг ягона усули ҳисобланади ва шунинг учун ҳам у иқтисодий ва сиёсий ўсиш натижасида албатта йириклашиб боради. Фан, замонавий технология ва бюрократиянинг пайдо бўлишини Вебер **рационаллашув** сифатида йиғма ҳолда тавсифлайди. Рационаллашув техник билимлар асосида самарадорлик таъминларига мос ҳолда ижтимоий ва иқтисодий ҳаётни ташкил этишни англатади.

A. Марксча ғоялар	B. Веберча ғоялар
<p>1. Замонавий тараққиётнинг асосий тенденцияси капитализм иқтисодий механизмларининг экспансиясидир.</p> <p>2. Замонавий жамиятлар синфий тенгсизликлар билан парчалаб ташланган бўлиб, бу эса ушбу жамиятнинг табиатига хосдир.</p> <p>3. Асосий тафовутлар ҳокимиятга эгалик қилишдадир, масалан, эркалар ва аёллар аҳволидаги тафовут, иқтисодий тенгсизликдан келиб чиқади.</p> <p>4. Замонавий капиталистик жамиятлар, бугунги кунда уларни қандай биладиган бўлсак, ўтиш туридаги жамиятлар бўлиб, келгусида уларнинг тубдан қайта қурилишини кутишимиз мумкин. Капитализм ўрнига у ёки бу турдаги социализм келади.</p> <p>5. Бутун жаҳонда Фарб таъсирининг тарқалиши, асосан капиталистик иқтисодий тизим учун хос бўлган, босқинчилик интилишларининг натижаси ҳисобланади.</p>	<p>1. Замонавий тараққиётнинг асосий тенденцияси ишлаб чиқаришнинг рационаллашуvidир.</p> <p>2. Синфий тенгсизликлар замонавий жамиятда мавжуд бўлган тенгсизлик турларидан бири бўлиб, масалан, бунга эрка ва аёл ўртасидаги тенгсизликни кўрсатиш мумкин.</p> <p>3. Иқтисодий тизимдаги ҳокимият бошқа манбалардан ажралувчандир. Масалан, эркалар ва аёллар ўртасидаги тенгсизликни фақатгина иқтисодий атамалар нуқтаи назаридан тушунтириб бўлмайди.</p> <p>4. Рационаллашув ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида муқаррар равишда давом этади. Барча замонавий жамиятлар ижтимоий ва иқтисодий ташкил этилишнинг ягона ва фундаментал бўлган усулларига асосланади.</p> <p>5. Фарбнинг оламшумул роли, унинг саноат ресурслари соҳасидаги етакчи ҳолати, шунингдек ҳарбий кучлар соҳасидаги устунлиги билан боғлиқдир.</p>

Замонавий жамиятларни тавсифлаш усулларидан қайси бири нисбатан тўғри: Марксга тегишлисими ёки Веберга тегишлисими? Бу масала бўйича олимлар фикрида қарама-қаршиликлар мавжуд бўлиб, бир қатор тафовутлар жадвалда келтирилган (эса тутиш лозимки, ҳар томонда кўплаб оқимлар мавжуд, шунинг учун ҳамма назарийчилар ҳам, жадвалда келтирилган барча пунктларга қўшилавермайди).

Марксистик қараш ва Вебер нуқтаи назари ўртасидаги ранг-барангликлар социологиянинг кўпгина соҳаларига тегишлидир. Улар нафақат индустриал жамиятлар табиатини таҳлил қилиш характерини, балки учинчи дунё мамлакатлари бўйича бизнинг таасуротларимизни ҳам аниқлаштиради. Бундан ташқари, бу иккита тақлиф қилинган истиқболлар турлича сиёсий марралар билан боғланган: сўл муаллифлар умуман олганда А томон қарашларига амал қиладилар, либераллар ва консерваторлар эса В томонга амал қилишади. Шунга қарамасдан, кўрсатилган дилеммалар асосидаги омиллар, бошқа дилеммаларга қараганда, нисбатан эмпирик табиатга эга. Замонавий жамиятлар ва учинчи дунё мамлакатлари ривожланиш йўлларини фактологик тадқиқ этиш, дунёда рўй бераётган ўзгаришлар характерининг иккинчи томон қарашларига қанчалик мос келишини баҳолашга ёрдам беради.

Гендер муаммоси

Гендер муаммоси замонавий социология асосчиларининг ишларида унчалик ҳам марказий ўрин эгалламайди. Бироқ бу мавзуда уларга тегишли бўлган, унчалик кўп бўлмаган ушбу парчалар, уни ечолмаган тақдирда ҳам камида ушбу назарий дилеммаларга чизгилар чизиш имкониятини беради. Ушбу дилеммани тавсифлаш учун энг яхшиси Дюркгейм ишларида унинг акс этишини (афсуски, бу жуда кам учрайди) Маркс ишларида топиш мумкин бўлганлари билан солиштиришдир. Ўз-ўзини ўлдиришга бағишланган ишларининг барида, Дюркгейм таъкидлашича, эркаклар, амалда бутунлай жамият маҳсули ҳисобланади, аёллар эса кўпроқ табиат маҳсулидир. Ушбу кузатишларни давом эттирган ҳолда, у эркаклар тўғрисида: улар диди, интилиши ва кулги(юмор)га мойиллиги кўпроқ замонавий келиб чиқишга эгадир. Эркакнинг эҳтиёжлари аёл эҳтиёжларидан ўта фарқ қилади. Бошқача айтганда, аёллар ва эркаклар бир-бирига айнан мос эмас, улар турлича дидлар ва мойилликларга эга, чунки эркакларга қараганда аёллар нисбатан камроқ ижтимоийлашган ва нисбатан кўпроқ табиатга яқиндир¹³.

Бугунги кунда ҳеч ким бундай шаклда ифодаланган қарашни қабул қилмаган бўлар эди. Аёлларнинг ўзига хос индивиду-

¹³ Durkheim E. Suicide: A Study in Sociology. London, 1952.

аллиги ижтимоийлашуви таъсирида эркакларнинг индивидуаллиги таркиб топа боради. Бари бир, бир қатор тузатишлардан сўнг, Дюркгейм таъкидлари гендерча табиат шаклланиши кўринишининг эҳтимол бўлган усулларидан бири эканлиги аён бўлади. Бу ерда шу назарда тутиладики, гендер тафовутлари асосан аёллар ва эркаклар ўртасидаги биологик тафовутларга асосланади. Бундай қараш гендер тафовутларининг аввало туғма эканлигини билдирмайди. Аксинча, аёлларнинг ижтимоий мавқеи уларнинг бола туғиш ва тарбиялаш жараёнига жалб этилганлиги билан белгиланишини назарда тутати. Агарда, ушбу нуқтаи назар ҳақиқат бўладиган бўлса, унда Гендер фарқлари ҳар қандай жамиятнинг атрибути ҳисобланади. Ҳокимиятга эгаллик қилишда эркаклар ва аёлларнинг тенгсизлиги ушбу далилни акс эттирадики, унга кўра, аёллар болаларни улғайтиришда асосий тарбиячи ҳисобланади, бу вақтда эса эркаклар оммавий соҳаларда (сиёсатда, ишда ва урушда) ҳаракат қиладилар.

Маркс қарашлари келтирилган нуқтаи назарлардан тубдан фарқ қилади. Ҳокимият ва мавқедаги Марксча тафовутлар бошқа фарқларни, аввало синфий тафовутларни акс эттиради. Унинг фикрича, ибтидоий жамиятда Гендер тафовутлари ҳам, синфий бўлиниш ҳам йўқ. Аёллар устидан эркаклар ҳукмронлиги фақатгина синфлар пайдо бўлиши билан юзага келган. Никоҳ институти юзага келганда аёл эркакнинг хусусий мулки шакллари билан бирига айланади. Аёллар қуллиги жамиятнинг синфий бўлиниши баргараф этилганда йўқолади. Бугунги кунда жуда оз кишилар бундай таъкидларга қўшиладилар. Лекин ушбу тезисни ривожлантирсак, унга янада кўпроқ одамлар қўшилиши мумкин. Синфий омил ижтимоий тафовутларни аниқлашда эркаклар ва аёллар хулқ-атвори таъсир этадиган ягона омил бўлмайди.

Бошқача омилар қаторига этник ва маданий мансублик киради. Масалан, шуни тахмин қилиб айтиш мумкинки, этник озчиликка мансуб аёллар (АҚШдаги қора танли аҳоли) айнан ушбу гуруҳ эркакларига нисбатан бирмунча тенгроқ ҳолатда ва кўпчилик ирққа (яъни оқ аёллар) мансуб аёлларга нисбатан ҳам бирмунча тенгроқ аҳволдадир. Ёки шундай бўлиши мумкинки, муайян маданият аёллари (овчилар, термачилар) индустриал жамият аёлларига қараганда, ушбу маданият эркакларига нисбатан кўпроқ умумий хусусиятларга эга.

Баҳолаш

Тўртинчи дилеммага киритилган саволлар ўта муҳим ва социологларга аёл муаллифлар билдирган чақирик билан тўғридан-тўғри боғлангандир. Социологиянинг ўтган даврда ёки аёлларни тан олмаганлигини, ёки аёллар табиати ва хулқ-атвори мутлақо мос бўлмаган изоҳлашлар ишлатганлигини ҳеч ким рад эта олмайди. Сўнгги йигирма йил давомида социологияда

аёлларга бағишланган тадқиқотлар пайдо бўлганлигига қарамасдан, ҳанузгача шундай соҳалар ҳам сақланиб қолмоқдаки, бу соҳаларда аёлларнинг ўзига хос фаолияти ва манфаатлари ҳали етарлича ўрганилмаган. Социологиядан “аёллар муаммосига кириш” ҳали ўз-ўзича гендер муаммосининг ечими эмас. Чунки гендер эркаклар ва аёллар айнанлиги ва хулқ-атворидаги тафовутни назарда тутати. Бугунги кунда гендер тафовутлари қай даражада бошқа социологик концепциялар ва тушунчалар (синфлар, этник тегишлилик, маданий муҳит ва ҳоказо) атамаларида тушунилиши мумкин, ва аксинча, “бошқа ижтимоий тафовутлар гендер атамаларида тушунтирилишга қандай даражада муҳтож?” деган масала очиқ қолмоқда. Шубҳасизки, тушунтирувчи фан сифатида социологиянинг баъзи муҳим вазибалари келтиришда ушбу дилеммани самарали ечиш билан боғлиқ бўлади.

Назариялар

Назарий ёндошув ва назариялар ўртасида тафовут мавжуд. Ушбу бобда ҳанузгача бизлар назарий ёндошув билан, яъни социология фанига нисбатан умумий йўналишларда иш қўрдик. Назариялар бир мунча йўналтирилган фокусга эга бўлиб, муайян тўпلامдаги ижтимоий ҳолатлар ва ҳодисаларни изоҳлашга уринишдан иборатдир. Одатда, улар тадқиқот жараёнининг бир қисми сифатида юзага келади ва ўз навбатида тадқиқот фаолиятига бағишланган муаммоларни ўртага ташлайди. Мисол сифатида Дюркгейм томонидан ишлаб чиқилган ўз-ўзини ўлдириш назариясини келтириш мумкин.

Социологлар ишлаётган тадқиқот фаолиятининг қўллаб ва хилма-хил соҳаларида анчагина назариялар яратилган. Уларнинг баъзилари жуда батафсил ишлаб чиқилган, баъзан ҳаттоки математик шаклда ҳам ифодаланган, бу ҳол эса айниқса бошқа социал фанларда (айниқса иқтисодиётда) кенг тарқалган.

Социологларнинг кенг миқёсли назарий тадқиқотлар билан шуғулланишлари қанчалик фойдали ва зарурлиги тўғрисидаги фикрлар хилма-хил. Масалан, Роберт Мертон фикрича, социологлар ўз диққатини ўртача миқёсдаги назарияларга жамулжам этиши лозим¹⁴. Бизлар бирмунча камсуқум бўлишимиз ва жуда кенг назарий схемалар яратишга (мисол учун Парсонс каби) уринмаслигимиз лозим.

Ўртача миқёсдаги назариялар етарлича ихтисослашган бўлиб, уларни эмпирик жиҳатдан тўғридан-тўғри текшириш мумкин, шу билан бирга, улар етарлича кенг доирадаги ҳодисаларни қамраб олиш имкониятига эга. Бу ерда нисбий депривация назариясини келтириш ўринлидир. Ушбу назарияга кўра, кишиларнинг ўз яшаш шароитларини баҳолаши, улар ким билан ўзларини таққослашига боғлиқ бўлади. Шундай қилиб де-

¹⁴ Merton Robert. Social Theory and Social Structure. Glencoe, 1957.

привацция (ўзини фаровон ҳис этиш) туйғуси у ёки бу индивиднинг моддий фаровонлик даражаси билан тўғридан-тўғри боғланмайди. Камбағал туманда, унча катта бўлмаган уйда яшайдиган оила, кўпчилик шундай шароитларда бўлганлиги сабабли, ўзларини бой кварталда худди шундай уйда яшаётганга қараганда, фаровонроқ ҳис этади. Бой кварталдаги уйлар катта ва ҳашаматлилиги унга таъсир кўрсатади.

Ҳақиқатда назариянинг умумлаштириш даражаси қанча юқори бўлса, уни эмпирик жиҳатдан текшириш шунчалик қийиндир. Бироқ социологиядаги назарияларни фақат ўрғача даражада чеклашнинг ўз-ўзидан аён бўлгани сабабли мавжуд эмас. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун, Вебер тадқиқотларида келтирилган “Протестант этикаси ва капитализм руҳи” асаридаги назарияни олиб кўрамиз.

Мисол: Протестант этикаси

“Протестант этикасида”¹⁵ Вебер одатдагидан муҳим бўлган муаммони таҳлил қилади: капитализм нима учун бошқа ерда эмас, балки ғарбда шаклланди?

Рим империяси қулагандан сўнг ўтган XV аср давомида бошқа цивилизациялар, Ғарбга қараганда тарихда бир мунча етакчи ўрин эгаллашади. Хитой, Ҳиндистон, ва Яқин Шарқда Оттоман империяси ҳақиқатда қудратли империя бўлган вақтда, Европа қолоқ жой эди. Хусусан, Хитой технология ва иқтисодий ривожланиш бўйича Ғарбдан ўзиб кетган эди. Ун еттинчи асрдан бошлаб бизнинг кунларимизгача Европада иқтисодий ривожланишнинг улкан тараққиётини нима келтириб чиқарди?

Бу саволга жавоб бериш учун, деб фараз қилади Вебер, бизлар замонавий саноат иқтисодий фаолиятнинг дастлабки шаклларида қандай фарқ қилишини кўрсатишимиз лозим. Бойликка эгаллик қилишга интилиш кўпгина цивилизацияларда учрайди, уни тушунтириш қийин эмас, одамлар бойликни келтириши мумкин бўлган бахт, хавфсизлик, ҳокимият ва хузур-ҳаловати учун қадрлашади. Эҳтиёжларни қондиришда эркин бўлиш ва бойликка эга бўла бориб, улар катта қулайликлар соҳиби бўлдилар.

Агарда Ғарб иқтисодий ривожланишига мурожаат қиладиган бўлсак, дейди Вебер, унда биз бутунлай ўзгача нарсага дуч келамиз. Унинг эътиқодига кўра, Ғарбда бойлик тўплашга алоҳида муносабат мавжуд эди, бундай ҳолни биз ҳеч қерда учратмаймиз. Бу муносабатни Вебер “капитализм руҳи” деб атайдди. Бу — капиталистлар, савдогарлар ва саноатчилар амал қилган эътиқодлар ва қадриятлар мажмуидир. Бу кишиларда шахсий бойлик орттиришга интилиш кучли эди. Бироқ, бошқа жамиятлардаги бошқа бойлардан фарқ қилган ҳолда, уларнинг

¹⁵ *Weber Max. The Protestant Ethic and the Spirit of Capitalism. London, 1977.*

бойлик тўплашга интилишларидан мақсад тўкин турмушда яшаш эмас эди. Ҳақиқатда уларнинг ҳаёти тежамкор ва ўз-ўзини чеклашларга тўла эди, улар оддийгина ва тинчгина яшашарди, ўз бойликларини кўз-кўз қилишдан нари қочишарди. Вебер шуни кўрсатишга интилдики, ушбу сифатларнинг ноодатий бўлмаган уйғунлиги Фарб иқтисодий ривожланишининг дастлабки босқичлари учун муҳим аҳамиятга эга эди. Ўтган даврлардаги ва ўзга маданиятлардаги бой одамлардан фарқли ҳолда, ушбу гуруҳ вакиллари ўз бойликларини тўкиб сочиш ўрнига яна уларни айланттиришга қўйишарди, бу билан улар бошқараётган корхоналарнинг янада ўсишига ёрдам беришарди.

Вебер назариясининг ядросидаги капитализм руҳини белгиловчи таъкидлашлар диний келиб чиқиш хусусиятига эга. Христианлик умуман олганда бунга ўхшаш дунёқарашни тарбиялашга ёрдам берди, лекин бош ҳаракатлантирувчи куч протестантизмнинг, айниқса, унинг турларининг таъсири эди. Дастлабки капиталистларнинг кагга қисмини пуританлар ташкил қилишган эди, уларнинг кўпчилиги Кальвин қарашларини ёқлашарди. Вебер доктриналари капитализм руҳининг асосий манбаи ҳақида эди. Улар орасидаги фикр шундан иборат эдики, одамлар худонинг ердаги қуроллари бўлиб, ўзининг ердаги ҳаётида «Худо шон-шарафи» учун, меҳнат қилишга чақирилгандир.

Кальвинизмнинг иккинчи муҳим жиҳати олдин белгилашни тақдир ғояси бўлиб, унга кўра, муайян индивидларгина «сайланганлар» ичида бўлади — вафотидан сўнг нариги дунё подшолигига тушади. Кальвиннинг финал доктринасида, Ерда яшаётган ҳеч бир кишининг «сайланганлардан бири бўлиш» бахтига муяссар бўлганлигини аниқлай олмайди, — бу фақатгина Худога аёндыр. Бироқ бу қоида издошлар ўртасида шундай нотинчликни келтириб чиқардики, унга кўра, ўзининг «сайланганлиги» тўғрисида эътиқод қилувчиларга юқоридан келатган баъзи белгиларни билишга рухсат этилади. Бу «сайланганлик»нинг асосий белгисига айланди. Шундай қилиб, ушбу ғоя тарафдорлари орасида иқтисодий муваффақиятга эришишга кучли импульс юзага келди. Бундан ташқари, диндорларга лозим бўлганидек оддийгина ва тежамли ҳаёт кечиришга интилиш бор эди. Пуританлар ҳашаматни ёвузлик деб ҳисобларди, шунинг учун бойликка эга бўлишга интилиш уларнинг жиддий турмуш тарзи ичига қўшилиб кетди.

Биринчи тадбиркорлар жамиятда бутунлай муҳим ўзгаришларга ёрдам беришни англай олишмаган эди; аввало уларни диний сабаблар руҳлантирар эди.

Пуританларча ҳаётдан ўзи-ўзини чеклашдаги аскетик усул замонавий цивилизациянинг муҳим қисмига айланди. Вебер айтганидек, пуританлар юқоридан қилинган даъват асосида ишлашни исташарди. Аскетизм роҳиблик либосидан одатдаги ҳаётга чиқарилгандан бошлаб, жаҳон ахлоқида етакчилик қила бошлади, у замонавий иқтисодий тартибнинг улкан олами қурилишига ўз ҳиссасини қўшди. Шундан эътиборан аскетизм дунёни ўзгартиришга ва ўз идеалла-

рини қайта яратишга урина бошлади. Моддий бойликлар ҳаёт устидан шундай ҳокимиятга эга бўла бордики, бундай ҳол тарихда ўтган даврларнинг ҳеч бирида учрамаган эди. Бурч гоёси инсонга қаратилган бўлиб, диний эътиқодлар руҳи каби бизнинг ҳаётимизга кириб келади. Қаердаки бурчни ижро этиш олий диний ва маданий қадриятлар билан тўғридан-тўғри боғлана олмаса ёки уни оддийгина иқтисодий зарурият каби ҳис этишга сабаблар бўлмаса, индивид одатда, уни оқлашга уринишдан бутунлай воз кечади. Юксак даражада ривожланган мамлакатларда (АҚШда) бойлик ортидан қувиш, унга хос бўлган диний ва ахлоқий маънони йўқотганда, борган сайин соф дунёвий майллар билан боғланиб қолади.

Вебер назарияси кўплаб нуқтаи назарлар томонидан танқид қилинди. Баъзилар тасдиқлашича, масалан, у “капитализм руҳи” деб аталадиган, дунёга қарашни, Италиялик савдо шаҳарлари маданиятида, улар биринчи марта кальвинизмни эшитмаганларидан олдин ҳам учратиш мумкин.

Бошқаларнинг ҳисоблашича, Вебер учун марказий тушунча бўлган “бурч бўйича ишлаш” протестантизм билан боғланади. Бари бир Вебер концепциясининг асосий қоидалари ҳанузгача кўпчилик томонидан эътиборга олинади. У томонидан тақлиф этилган гоёлар эса жуда ҳаққоний ва мазмунли деб айтилади. Вебер уларни биринчи бўлиб истъомлга киритган эди. Агар Вебер ҳақ бўлса, унда замонавий иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш биринчи навбатда бир қатор диний идеаллар асосида қарор топган бўлиб чиқади.

Вебер назарияси назарий фикрнинг бир қатор муҳим мезонларига мос келади.

1. У контринтуктивдир — соғлом ақл тақлифларига мос келмайдиган изохлашни тақлиф этади. Шундай қилиб, ушбу назария ҳал этиладиган масалаларда янгича кўринишни назарда тутаяди. Кўпчилик олимлар Вебергача капитализм вужудга келишида диний идеаллар фундаментал рол ўйнаганига етарлича эътибор беришмаган эди.

2. Ушбу назария “соф тузилмавий” ҳам, “соф индивидуал” ҳам эмас. Капитализмнинг ривожланиши, тадбиркор пуританлар нимага интилишган бўлса, худонинг иродасига тўлиқ мос келадиган ҳаёт олдиндан назарда тутилган оқибат эмасди.

3. Ушбу назария бошқа ҳолда ўта жумбоқли бўлган ҳодисага маъно беради: кишиларнинг оддийгина турмуш кечиришга интилиши ва бойликка эга бўлиш учун чексиз зўр беришларини изоҳлайди.

4. Бу назария унинг бирламчи вазифалари доирасидан ташқарига чиқадиган ҳолатларни тушунтиришга қодир. Вебернинг таъкидлашича, у фақатгина замонавий капитализм манбаларини излашга ҳаракат қилган. Шунга қарамасдан, яъни пуританизм қадриятлари билан мос келадиган қадриятлар капиталистик тараққиётнинг бошқа вазиятларида пайдо бўлиши мумкинлигига асос бор.

5. Яхши назариянинг фақатгина адолатли бўлишининг ўзи етарли эмас. У янги ғояларга ва келгусидаги тадқиқотчилик фаолиятини рағбатлантириш учун маҳсулдор бўлиши ҳам лозим. Ушбу режада Вебер жуда катта муваффақият қозонди: у кенг миқёсдаги келгуси назариялар тадқиқоти учун ўзига хос зинапояга айланди.

Социологиядаги назарий фикрлар

Социологик назариялар ва назарий ёндошувларни баҳолаш — бу улкан ва машаққатли вазифа. Таърифларга кўра, назарий баҳслар эмпирик характердаги мунозараларга қараганда ниҳоятда мавҳумдир. Социологияда ягона етакчи бўлган назарий ёндошувнинг мавжуд эмаслиги далили, гўёки предметнинг заифлигига белгидек бўлиб туюлади, лекин бу аслида ундай эмас. Аксинча, рақобатлашувчи назарий ёндошувлар ва назарияларнинг тўқнашуви социологиянинг ҳаётчанлигидан далолат беради. Инсоний мавжудотларни ўрганишда — бизларнинг ўзимизни — назариялар хилма-хиллиги драматизмдан қутқаради. Инсоний хулқ-атвор мураккаб ва кўп қиррали ҳодисадир, шунинг учун битта ягона назарий ёндошувда унинг барча жиҳатларини қамраб олиш эҳтимоллиги жуда оз. Назарий тафаккурда бирликнинг мавжуд эмаслиги ғоялар келиб чиқишининг бой манбаи ҳисобланиб, бу ҳар қандай тадқиқот учун фойдалидир ва у социологик фаолият жараёнида жуда муҳим бўлган тасаввуримизни рағбатлантиради.

Бобнинг қисқача мазмуни

1. Социологияда ҳам бошқа ижтимоий фанлардаги каби кўплаб назарий ёндошувлар мавжуд. Бунинг сабаби тушунарли: назарий баҳсларни ечиш ҳатто табиий фанларда ҳам қийин, социологияда эса фавқулодда тартибдаги қийинчиликка дуч келамиз, чунки ўрганиладиган предмет — ўзимизнинг шахсий фаолиятимиздир.

2. Социология шаклланишининг дастлабки босқичларидаги муҳим сиймолар Огюст Конт (1789—1857), Эмил Дюркгейм (1858—1917), Карл Маркс (1818—1883), ва Макс Вебер (1864—1920)лардир. Уларнинг кўпгина ғоялари бугунги кунда ҳам социология учун ўзининг муҳимлигини сақлаб қолмоқда.

3. Ҳозирги вақтда социологиядаги муҳим назарий ёндошувлар функционализм, структурализм, тимсолий интеракционизм ва марксизмдир. Улар муайян даражада бир-бирини тўлдирди; бироқ ушбу ёндошувлар ўртасида жиддий тафовутлар ҳам мавжуд бўлиб, улар турли йўналишдаги муаллифлар томонидан керакли назарий саволларни ечиш усулларига таъсир кўрсатади.

4. Социологиядаги назарий дилеммаларнинг муҳимларидан бири — инсоний хатти-ҳаракат ва социал структура нисбати муаммолари билан боғланган. Биз жамиятнинг яратувчиларимизми ёки улар томонидан яратилганмизми? Ушбу муқобиллар ўртасидаги танланадиган йўл, биринчи кўришда осон туюлса ҳам, унчалик аҳамиятга эга эмас; “Ижтимоий ҳаётнинг кўрсатилган иккита жиҳатини биргаликда қандай боғлаш мумкин? — деган савол ҳақиқий муаммодир.

5. Бошқа бир муаммо “жамият тартибга солинганми ва уйғунлашган-

ми ёки уни доимий можаролар саҳнаси, деб қараш лозимми?”— деган саволлардир. Яна, иккита кўрсатилган ёндошув мутлақ равишда қарама-қарши эмас, шунинг учун биз бу ерда консенсус ва низонинг ўзаро алоқадорлиги қандайлигини кўрсатишимиз лозим. Ушбу вазифани ҳал этишда мафкура ва ҳокимият тушунчаларига мурожаат этиш фойдалидир.

6. Социологиядаги доимий мунозараларнинг учинчи банди — замонавий ижтимоий ривожланишни таҳлил этишдир. Замонавий дунёда рўй бераётган ўзгаришлар жараёни, аввало капиталистик иқтисодий ривожланиш таъсирида шаклланадими ёки асосий таъсир, бошқа ноиқтисодий омиллар томонидан кўрсатиладими? Ушбу мунозарада эгалланадиган марралар, турли социологларнинг сиёсий қарашлари ва мўлжал олишлари билан маълум даражада белгиланади.

7. Тўртинчи дилемма “социологик таҳлил доирасида гендер муаммосига қандай қараш лозим?”— деган савол билан боғлиқ. Феминистик ташкилотлар социологияни даъват қилдилар, бу даъват кечикиб бўлсада, эмпирик тадқиқотлар даражасида қабул қилинди: бугун аёллар муаммолари ва дунёқарашга бағишланган асарлар ҳар қачонгидан ҳам сезиларли даражада кўп. Бироқ бу гендерни қандай қилиб энг яхши усулда таҳлил этиш ва унинг социологияда анъанавий ёндошувлар билан алоқаси муаммоларини ўз-ўзича ҳал қилмайди.

8. “Назариянинг кадр-қимматини нима белгилайди?” Бу — фойдали мисоллардан бири бўлиб замонавий иқтисодий ривожланишга пуританизмнинг таъсири тўғрисидаги Веберча қоидадир. Вебер ғоялари зиддиятлардан холи эмас, бироқ унинг назарияси бир бутун йўналишлар учун янги истиқболларни очди ва шу билан кўплаб кейинги тадқиқотларни рағбатлантирди.

Асосий тушунчалар

*назарий ёндошув
консенсус (келишув)*

*низо (конфликт)
назария*

Энг муҳим атамалар

*меҳнат тақсимоти
аномия
тарихни материалистик тушуниш
капитализм
бюрократия
тимсолий интеракционизм
функционализм
структурализм
очиқ функциялар*

*яширин(ёпиқ) функциялар
семиотика
тимсол (символ)
марксизм
назарий дилемма
ижтимоий чеклашлар
рационаллашув
нисбий депривация
контринтуитив
тафаккур*

Кўшимча адабиёт

Roslyn W. Bologh. Love or Greatness: Max Weber and Feminist Thinking — a Feminist Enquiry. London, 1990. Макс Веберни феминистик танқид қилиш.

Alan Swingewood. A Short History of Sociological Thought. London, 1991. Социологик назариянинг мумтозликдан ҳозирги кунгача ривожи ҳақида ҳисобот.

Bryan S. Turner. From History to Modernity. London, 1992. Макс Вебернинг модернизм ва пост-модернизм муҳокамасига кўшган ҳиссаси ҳақида очерк.

ГЛОССАРИЙ: АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА ЭНГ МУҲИМ АТАМАЛАР

Асосий тушунчалар

Бегоналашув (alienation) — биз инсоний мавжудот сифатида фойдаланаётган имкониятларимизнинг ўзгалар томонидан ўзлаштирилаётганини сезиш туйғуси. Бу тушунча Маркс томонидан инсоний имкониятларнинг маъбудларга йўналтирилганини ифодалаш учун ишлатилган. Кейинроқ эса у айнан шу атамани ишчиларнинг табиат устидан назоратни йўқотаётганини, ўз меҳнати натижалари ва маҳсулларига эгалик қила олмаётганини ифодалаш учун ишлатган.

Беонглик (unconsions) — инсон онгидан ташқарида мавжуд мотивлар ва ғоялар. Беонгликнинг асосий психологик мурвати индивид томонидан мана шу беонглик даражасига мансуб ҳисобланган импульслар ва майллардир. Фрейд назариясига кўра, индивиднинг болалигида вужудга келган импульслар ва майллар унинг бутун ҳаёти давомида муҳим роль ўйнайди.

Гендер (gender) — эркалар ва аёллар учун хос ҳисобланган жиҳатларни хулқ-атвордан ижтимоий кутиш. Гендер эркак ва аёл ўртасидаги жисмоний тафовутларни эмас, балки ижтимоий жиҳатдан шаклландирган мардлик ва назокат сингари хусусиятларни англатади. Авваллари бу масалага старли эътибор берилмаган бўлса ҳам, сўнгги вақтларда гендер муносабатлари социологиядаги энг муҳим йўналишлардан бирига айланди.

Глобаллашув (globalization) — дунёдаги турли одамлар, минтақа-лар ва мамлакатлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг ўсиши.

Давлат (state) — муайян ҳудудда бошқарувни амалга оширадиган, ҳуқуқлари ва куч ишлатиш имконияти қонуний мустаҳкамланган сиёсий аппарат (ҳукумат институтлари ва давлат хизмати амалдорлари). Давлат ҳамма жамиятларда ҳам бўлган эмас. У овчилар ва термачилар жамиятида, шунингдек, аграр типдаги кичик жамиятларда ҳам бўлмаган. Давлатнинг пайдо бўлиши инсоният тарихида жуда муҳим қадам бўлди, чунки сиёсий ҳокимиятнинг марказлашуви ижтимоий ўзгаришлар жараёнига янги куч бағишлайди.

Демографик ўтиш (demographic transiltion) — аҳоли ўсиши соҳасидаги ўзгаришларни талқин қилиш бўлиб, туғилиш ва ўлим даражалари ўртасидаги барқарор мутаносиблик иқтисодий фаровонликнинг муайян даражасида эришилиши мумкинлигидан келиб чиқади. Бу тавсифга кўра, саноатлашувгача бўлган жамиятларда туғилиш ва ўлим ўртасида тақрибий мувозанат мавжуд бўлган, чунки аҳолининг ўсиши озиқ-овқатнинг старли бўлмагани, уруш ва касалликлар туфайли ўлим кўп бўлиши туфайли аҳолининг ўсиши чеклаб турилган. Ҳозирги жа-

миятларда бунинг аксича. Аҳоли мувозанатига эришиш учун тўла имкониятлар бор, чунки оиладаги болалар сони иқтисодий имкониятларга боғлиқ.

Демократия (democracy) — фуқароларга сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирок этиш ва бошқарув органларига ўз вакиллариини сайлаш имконини берадиган сиёсий тизим.

Дин (religion) — муайян ҳамжамият аъзоларининг эътиқоди бўлиб, ўз ичига сиғиниш ва эҳтиром билан қараладиган гимсоллар, шунингдек, ритуал(маросим)ларни қамраб олади. Файритабийий моҳиятларга эътиқод қилиш ҳамма динларда ҳам мавжуд эмас. Дин ва сеҳргарлик ўртасидаги тафовутни аниқлаш анча қийин, кўпинча сеҳргарлик алоҳида индивидлар томонидан амалга оширилади ва у ижтимоий ритуаллар фокусига бўла олмайди, деб ҳисобланади.

Дискриминация (discrimination) — бошқалар учун очиқ бўлган захиралар ва даромад манбаларига муайян гуруҳлар учун эришиш имкониятларини йўқ қилувчи ҳаракатлар. Дискриминацияни хурофотдан ажратиш керак, гарчи бу тушунчалар узвий боғлиқ бўлса ҳам. Амалда муайян гуруҳга нисбатан хурофий қарашга эга бўлган индивид уларга қарши дискриминация ҳаракатларида иштирок этмасликлари ҳам мумкин; аксинча одамлар бошқаларга нисбатан хурофий қарашларга эга бўлмаса ҳам уларни дискриминация қилишлари мумкин.

Жамият (society) — бу социологиядаги энг муҳим тушунчалардан бири. Жамият — муайян ҳудудда истиқомат қилувчи, ягона сиёсий ҳокимиятга итоат қиладиган ва ўзларини бошқа қўшни гуруҳлардан фарқлайдиган одамлар гуруҳи. Баъзи жамиятлар, масалан, овчилар ва термачилар жамиятлари миқдор жиҳатдан жуда кичик ва бир неча ўн кишидан иборат. Бошқалари эса, кўплаб миллион кишилардан иборат бўлади; масалан, ҳозирги Хитой жамияти бир миллиарддан ортиқ кишидан иборат.

Жамоавий ҳаракат (collective action) — муайян жойда тўпланган кўп миқдордаги одамлар томонидан ўз-ўзидан келиб чиқиб бажариладиган ҳаракатлар. Тўланинг хулқ-атвори жамоавий ҳаракатнинг энг муҳим шаклларида бири. Индивид тўда ичида одатий шароитларда эриша олмайдиган мақсадларга эришиши мумкин.

Жаҳон тизими (world system) — глобал миқёсдаги ижтимоий тизим бўлиб, барча жамиятларни ягона ижтимоий тартибга бирлаштириб туради. Жаҳон тизимини “ягона глобал жамият” сифатида олиб қараш мумкин. Жаҳон тизими XVII асрда, Фарб экспансияси даврида шакллана бошлади. Бугунги кунда юқори даражада интеграциялашган тизимнинг мавжудлиги жуда кўп миқдордаги одамларнинг ҳаётига сезиларли таъсир ўтказадиган омиллардан бири ҳисобланади.

Жиноят (crime) — ҳокимият томонидан ўрнатилган қонунларни бузадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар. Биз, жиноятчилар — аҳолининг қандайдир алоҳида кичик гуруҳи, деб фикрлашга ўрганиб қолганмиз, аслида эса ҳаёти давомида қонунларни бирор марта ҳам бузмаган одамлар жуда кам. Қонунлар давлат ҳокимияти томонидан белгиланишига қарамасдан мана шу ҳокимият вакиллари муайян маънода жиноий хатти-ҳаракатларда иштирок этадилар.

Жинс (sex) — аёллар ва эркекларни бир-биридан ажратиб турадиган биологик ва анатомик хусусиятлар.

Идора қилиш (government) — сиёсий аппарат таркибига кирувчи расмий шахслар томонидан қарорлар ва сиёсий хатти-ҳаракатларни амалга ошириш жараёни. Биз идора қилишни жараён сифатида ҳам, муҳим сиёсий қарорларни қабул қилиш учун масъул бўлган расмий шахслардан иборат бўлган ҳукумат сифатида ҳам олиб қарашимиз мумкин. Ўтмишда барча ҳукуматлар монархлар ёки императорлар томонидан бошқарилган. Бугунги кунда ҳукуматлар сайланадиган ёки ўз ваколатлари ва малакасига қараб лавозимга тайёрланадиган амалдорлардан шаклланади.

Ижтимоий гуруҳлар (social groups) — мунтазам равишда бир-бирлари билан ўзаро таъсирга киришадиган индивидлар гуруҳи. Гуруҳлар диапазони жуда катта: улар кичик уюшмалардан то кенг миқёсли ташкилотлар ёки жамиятларгача бўлиши ҳам мумкин. Группанинг ҳажмидан қатъий назар, унинг муҳим белгиси — аъзоларнинг бир умумий гуруҳга мансуб эканликларини англашида. Биз ўз ҳаётимизнинг кўп қисмини гуруҳлардаги мулоқотларда ўтказамиз; ҳозирги жамиятлардаги жуда кўп одамлар жуда катта миқдордаги турли гуруҳларга мансубдирлар.

Ижтимоий институтлар (social institution) — мазкур жамиятнинг кўпчилик аъзолари томонидан бажариладиган ижтимоий фаолиятнинг асосий турлари. Институтлар кўпчилик амал қиладиган меъёрлар ва қадриятларни ҳам қамраб олади; хулқ-атворнинг институционалланган барча усуллари қатъий санкциялар билан ҳимоя қилинади ва қўллаб-қувватланади. Ижтимоий институтлар жамиятнинг негизини ташкил қилади, чунки улар нисбатан мустаҳкамланган, замондаги барқарор хулқ шакллари ифодалайди.

Ижтимоий мобиллик (social mobility) — индивидлар ва гуруҳларнинг турли ижтимоий позицияларга муносабати. Вертикал мобиллик — ижтимоий стратификациянинг иерархия тизимида куйига ёки юқорига қараб силжиши. Горизонтал мобиллик — индивид ёки гуруҳнинг бир минтақадан иккинчисига ўтиши. Вертикал мобилликни таҳлил қилишда социологлар индивиднинг ўз шахсий карьераси доирасидаги мобиллигини ҳам, индивид ва унинг ота-онаси ижтимоий позициясидаги тафовутларни ҳам ўрганадилар.

Ижтимоий позиция (social position) — индивиднинг мазкур гуруҳ ёки жамият доирасида ижтимоий идентлиги. Ўз табиатига кўра ижтимоий позициялар жуда умумий (масалан, гендер роллар билан боғлиқ позициялар) ёки кўпроқ ўзига хос (масалан, касб позициялари).

Ижтимоий роль (social role) — муайян ижтимоий позицияни эгаллаб турган индивиддан кутиладиган хулқ-атвор. Ижтимоий роль ғояси азалда театр сахнасида ўйналадиган актёр роли билан боғланади. Ҳар қандай жамиятда индивид ўз фаолиятининг турли соҳалари билан боғлиқ бўлган ижтимоий ролларни ижро этади.

Ижтимоий стратификация (social stratification) — моддий ва бошқа неъматларга эришиш имконияти билан боғлиқ бўлган жамиятдаги гуруҳлар ўртасидаги тузилмалашган тенгсизликнинг мавжудлиги. Ҳамма жамиятларда ҳам стратификация шакллари мавжуд бўлишига қарамай давлат тизимининг ривожланиши оқибатида бойлик ва ҳокимиятга эгалик қилишдаги тафовутлар кучайиб боради. Ҳозирги жамиятларда стратификациянинг энг характерли шаклларида бири синфий бўлиши ҳисобланади.

Ижтимоий эволюционизм (social evolutionism) — ижтимоий ўзгаришларни биологиядаги эволюция назарияси доирасида ўрганадиган илмий ёндошувлардан бири. Эволюцион ёндошув XIX аср социологиясида жуда кенг тарқалган бўлишига қарамай, эволюционизм ғоялари ҳозирги замон социологиясига муайян таъсир ўтказишда давом этмоқда. Ижтимоий эволюционизмнинг кўплаб оқимлари мавжуд. Бундай назарияларнинг кўпчилиги жамиятдаги тараққиёт содда шакллардан мураккаб шаклларга қараб боради, деган асосий фикрга таянади.

Ижтимоий ўзгаришлар (social change) — ижтимоий гуруҳ ёки жамиятнинг таянч тузилмаларидаги ўзгаришлар. Ижтимоий ўзгаришлар — жамият ҳаётида доимий ҳодиса бўлиб, ҳозирги даврда унга алоҳида интензивлик хос. Социология вужудга кела бошлаган даврдан бошлаб драматик коллизияларни, анъанавий аҳқомларнинг ўзгаришларини ва ижтимоий тартибнинг янги шакллари вужудга келишини тушунтиришга ҳаракат қилади.

Ижтимоий ҳаракат (social movement) — ижтимоий ўзгаришларни амалга ошириш ёки уларга тўсиқлик қилиш учун жалб этилган одамларнинг катта гуруҳи. Одатда, ижтимоий ҳаракатлар ўзларига зид мақсад ва дунёқарашга эга бўлган ташкилотлар билан низоли муносабатларга киришадилар. Бироқ институционаллашув натижасида ҳаракат ривожланиб ташкилотларга айланиши мумкин.

Ижтимоийлашув (socialization) — болаларнинг ижтимоий меъёрлар ва қадриятларни ўзлаштириш жараёни бўлиб, бу жараёнда улар шахс сифатида шаклланадилар. Ижтимоийлашув жараёни индивид учун болаликда айниқса зарур бўлса ҳам, бу жараён унинг бутун умри бўйи давом этади. Бирорта ҳам инсон ўзига бошқа инсонларнинг ўтказадиган таъсирисиз мавжуд бўла олмайди ва бу унинг хулқ-атворида турли ҳаётий даврларда ифодаланади.

Империализм (imperialism) — мустамлакачилик даврида империялар тузиш жараёни.

Инқилоб (revolution) — мавжуд режимни ағдариб ташлаш ва кейинчалик янги ҳукумат шакллантириш билан боғлиқ зўравонлик бўлиб, унда оммавий-ижтимоий ҳаракатлар иштираётган ёки шунинг ўзгаришлар жараёни юз беради. Инқилоб фитнадан шуниси билан ажралиб турадики, у оммавий хусусиятга эга ва бутун сиёсий тизимда жиддий ўзгаришлар келтириб чиқаради. Фитна — ҳокимиятнинг сиёсий етакчисини алмаштириш мақсадида кулолни қўлга олиш бўлиб, у бошқарув тизимида радикал ўзгаришлар келтириб чиқармайди. Инқилоб исёндан ҳам фарқ қилади, гарчи исён ҳам мавжуд сиёсий режимга қарши курашга қақриқ бўлса ҳам, бироқ унинг мақсади сиёсий тузилмани ўзгартириш эмас, балки етакчини алмаштиришдир.

Ирқчилик (rasism) — муайян жисмоний хусусиятларга эга бўлган одамларга афзаллик ёки камситилиш тавсифларини тиркаш. Одамларнинг жисмоний тафовутларига урғу берадиган хурофот шакллари билан бири. Ғарб мустамлакачилик экспанцияси даврида ирқчилик қарашлари ва установакалари мустақкам ўрнашиб қолди, улар ҳозирги кунда ҳам кўп мамлакатларда тарқалган. Бундай установакалар шаклланиши негизида дискриминация ва хурофотлар ётади.

Ички шаҳар (innercity) — шаҳарларнинг марказий даҳаларини қамраб оладиган ҳудуд бўлиб, одатда, улар шаҳар четларидан ўзига хос

аниқ белгилари билан ажралиб туради. Ривожланган мамлакатлардаги кўпчилик шаҳарларда ички шаҳар ҳудуди инқирозга учраган, шунинг учун бадавлат аҳоли бу ҳудудларни ташлаб, шаҳар ташқарисидаги минтақаларга кўчиб ўтмоқда.

Иш (work) — одамларнинг ўз мавжудлигини таъминлашга йўналтирилган фаолияти. Ҳар қандай ишга ҳақ тўланади, деб ўйламаслик керак. Аънавий жамиятларда пул тизими жуда ибтидоий аҳволда эди, жуда озчилик одамларгина ишлари учун пул олишарди. Ҳозирги жамиятларда ҳам шундай иш турлари борки, уларга маош тўланмайди (масалан, уй ишлари).

Иқтисодиёт (economy) — муайян жамиятлардаги индивидларнинг моддий эҳтиёжларини қониқтиришга йўналтирилган ишлаб чиқариш ва айирбош қилиш тизими. Иқтисодий институтлар бутун ижтимоий ҳаёт учун улкан аҳамиятга эга. Иқтисодиётда юз бераётган ҳодисалар жамият ҳаётининг кўп жабҳаларига таъсир ўтказadi. Хўжалик юритишнинг ҳозирги тизимлари аънавий тизимлардан кескин фарқ қилади, чунки ҳозирги пайтда аҳолининг кўпчилиги қишлоқ хўжалигида банд эмас.

Консенсус (consensus) — муайян гуруҳ, ҳамжамият ёки жамият аъзолари орасида асосий ижтимоий қадриятларга нисбатан келишув. Баъзи социологлар консенсусга ижтимоий барқарорликнинг асоси сифатида алоҳида аҳамият берадилар. Улар фикрича, муайян давр давомида барқарор бўлиб келаётган жамиятларга аҳолининг кўпчилиги учун хизмат қилган “қадриятларнинг умумий тизими” хосдир.

Конформлик (conformity) — жамият ёки гуруҳда ўрнатилган меъёрларга риоя қилишга асосланган ҳулқ. Одамлар кўпинча қадриятларга улар негизида ётган меъёрлар учунгина амал қилмайдилар. Баъзилар уларга мақсадга мувофиқлик нуқтаи назаридан ёки негатив санкциялардан қўрқиб туфайли амал қиладилар.

Корреляция (correlation) — икки катталиқ ёки ўзгарувчанлик орасидаги статистик шаклда ифодаланадиган барқарор муносабат. Корреляция ижобий бўлиши ҳам, салбий бўлиши ҳам мумкин.

Маданий такрор ишлаб чиқариш (cultural reproduction) — маданий қадриятларнинг авлоддан авлодга ўтиши. Маданий такрор ишлаб чиқариш маданий соҳадаги тажрибани замонда узлуксиз сақланишини таъминловчи мурватларни тақозо қилади. Ана шундай маданий такрор ишлаб чиқаришнинг асосий мурватларидан бири — ҳозирги жамиятдаги таълим жараёни бўлиб, у фақат расмий даражадагина амалга оширилмайди. Маданий такрор ишлаб чиқаришга “яширин дастурлар” — индивиднинг норасмий тарзда ўрганадиган ҳулқ-атвор аспекти аниқса катта таъсир ўтказadi.

Маданият (culture) — жамият учун хос бўлган қадриятлар, меъёрлар ва моддий ишлаб чиқариш маҳсулотлари. “Маданият” тушунчаси “жамият” тушунчаси каби социология ва бошқа ижтимоий фанларда (айниқса, антропологияда) фавқулодда кенг қўлланилади. Маданият одамларнинг ҳар қандай ижтимоий бирикмаларига хос бўлган энг характерли хусусиятларидан бири.

Мафкура (magis) — ҳукмрон гуруҳларнинг манфаатларини ифода қилиш ва қўллаб-қувватлаш учун хизмат қиладиган умумий ғоя ва эътиқодлар. Мафкуралар гуруҳлар орасида аниқ кўзга ташланадиган

тенгсизлик мавжуд бўлган барча жамиятларда бўлади. “Мафкура” тушунчаси “ҳокимият” тушунчаси билан узвий боғлиқ, чунки мафкуравий тизимлар ҳокимият даражасидаги тафовутларга қонунийлик бахш этиш учун хизмат этади.

Меъёрлар (norms) — муайян ижтимоий бирлик доирасида қабул қилинган хулқ-атвор қоидалари. Меъёрлар хулқ-атворнинг муайян типини тавсия қилади ёки ман этади. Барча ижтимоий гуруҳлар норасмий қўлламасликдан то жисмоний жазо ва ўлимгача бўлган турли санкциялар ёрдамида мустақамланиб туриладиган ўз меъёрларига эга бўладилар.

Меҳнат тақсимоти (division of labour) — ишлаб чиқариш тизими-ни ихтисослашган вазифалар ва касбларга тақсимлаш бўлиб, у умумиқтисодий ўзаро боғлиқликка олиб келади. Барча жамиятларда ҳеч бўлмаса меҳнат тақсимотининг рудиментар шакллари кузатилади, айниқса, эркаклар ва аёллар томонидан анъанавий бажариладиган вазифалар кўзга ташланади. Саноатлашув даврида меҳнат тақсимоти аввалгига қараганда анча мураккаблашади. Ҳозирги дунёда меҳнат тақсимоти интернационал хусусиятга эга.

Миллий давлат (nation-state) — давлатнинг ҳозирги жамиятдаги алоҳида типини бўлиб, унда ҳукумат аҳолиси ўзини ягона халқнинг таркибий қисми сифатида сезадиган фуқаролардан иборат бўлган муайян ҳудудда ҳокимиятга эгаллик қилади. Миллий давлатлар дастлаб Европада пайдо бўлди, ҳозирги кунда улар ҳамма жойда мавжуд.

Мулоқот (communication) — бир индивид ёки гуруҳдан бошқа индивид ёки гуруҳларга ахборот узатиш. Мулоқот ижтимоий ўзаро таъсирнинг барча турлари учун зарурий асос ҳисобланади. “Юзма-юз” ўзаро таъсир жараёнида мулоқот тил, тана ҳаракатлари, имо-ишора ёрдамида амалга оширилади, шунинг асосида одамлар гапираётган нарса ёки бажараётган ҳаракатлар бошқалар томонидан тушунилади. Ёзунинг ривожланиши, кейинчалик, оммавий мулоқотнинг электрон воситалари, жумладан, телевидение, радио, компьютер тармоқлари пайдо бўлиши билан мулоқот муайян даражада бевосита ижтимоий ўзаро таъсир хусусиятларини йўқотди.

Назарий ёндошув (theoretical approach) — ижтимоий ҳаётнинг муайян назарий анъаналаридан келиб чиқадиган жиҳат. Социологиянинг асосий назарий анъаналаридан баъзилари: функционализм, структурализм, тимсолий интеракционизм ва марксизм. Назарий ёндошувлар социологлар иш олиб борадиган тадқиқотларга, шунингдек, муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилишга таъсир ўтказиш усулларини белгиладиган умумий “истикболларни” аниқлайди.

Назария (theory) — мунтазам кузатиладиган ҳодисалар ўртасидаги умумий тавсифлар ва қонуниятларни аниқлашга уриниш. Назарий схемаларни яратиш социологик тадқиқотларнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Назариялар кенгроқ назарий ёндошувлар билан узвий боғланган бўлади, уларга тадқиқот натижалари сезиларли таъсир ўтказилади.

Низо (conflict) — жамиятдаги гуруҳлар ёки индивидлар ўртасидаги антагонизм. Низо икки хил шаклда бўлиши мумкин. Биринчиси, икки ёки ундан ортиқ индивид ёки гуруҳ ўртасида манфаатлар тўқна-

шуви юз бериши; иккинчиси, одамларнинг ўзаро курашга фаол жалб этилиши. Манфаатлар зидлиги ҳар доим ҳам очиқ курашга олиб келавермайди. Айни пайтда, кучли низолар ўзларининг манфаатларини бир-бирига мутлақо зид деб хато фикр юритувчи партиялар ўртасида келиб чиқиши ҳам мумкин.

Никоҳ (*marriage*) — индивидлар орасидаги жамият томонидан маъқулланадиган сексуал муносабатлар. Деярли ҳар доим никоҳ қарама-қарши жинс вакиллари ўртасида тузилади, бироқ баъзи маданиятларда гомосексуал никоҳларга ҳам йўл берилади. Одатда, никоҳ репродуктив оиланинг асоси ҳисобланади, яъни эр-хотин жуфтлиги бола туғиб тарбиялашни кўзда тутди. Кўпчилик жамиятларда полигам никоҳга рухсат берилган бўлиб, унда индивид бир нечта хотинга ёки эрга никоҳланиши мумкин.

Ноформал муносабатлар (*informal relations*) — гуруҳлар ва ташкилотларда мавжуд муносабатлар бўлиб, улар шахсий майллар асосида шаклланади; расман эътироф этилган усуллар ёки процедурадан фарқ қилувчи ҳаракат усуллари.

Объективлик (*objectivity*) — табиий фанлардаги тадқиқотларга қийслаб социологлар олинган натижаларнинг объектив бўлишига эришмоқчи бўладилар. Объективлик натижаларни талқин қилишдаги ноаниқлик кўпмаънолилиқни имкон борича четлаб ўтишга интилишни билдиради. Объективликнинг асосий хусусияти — тадқиқотчи олган натижаларнинг илмий ҳамжамият аъзолари томонидан танқидий баҳолаш учун очиқлигида.

Оила (*family*) — қон-қариндошлик, никоҳ ёки фарзандликка олиш муносабатлари билан боғланган индивидлар гуруҳи. Бу одамлар умумий хўжалик юритишади, катталар бола тарбиялашга масъул бўлади. Барча жамиятларда оила институти мавжуд бўлса ҳам, улардаги оилавий муносабатлар бир-биридан жиддий фарқ қилиши мумкин, шунингдек, кенгайтирилган оилаларнинг турли-туман вариантлари ҳам мавжуд.

Оғиш (*deviance*) — гуруҳ ёки жамиятдаги кўпчилик томонидан қабул қилинган меъёрлар ва қадриятларга бўйсунмайдиган хулқ-атвор шакллари. Маданият ёки субмаданиятга боғлиқ тарзда “оғиш” ёки “меъёр” тушунчалари турлича англашилади. Бир контекстда ёки муайян гуруҳда ижобий баҳоланадиган хулқ-атвор шакллари бошқа контекст, гуруҳ ёки маданиятда салбий баҳолалиши мумкин.

Патриархат (*patriarchy*) — эркакларнинг аёллар устидан ҳукмронлиги. Маълум бўлган барча жамиятлар патриархал ҳисобланади, лекин патриархалик даражаси ва эркакларнинг аёллар устидан ҳукмронлик моҳияти турлича бўлиши мумкин. Ҳозирги дунёда аёллар ҳаракатларининг асосий вазифаси мавжуд патриархал институтларга қарши курашдан иборат.

Постиндуриал жамият (*post-industrial society*) — ҳозирги вақтда юз бераётган ижтимоий ўзгаришлар индустриал эра чегарасидан ўтиб кетди, деб ҳисобловчилар томонидан қўлланиладиган тушунча. Постиндустриал жамият моддий товарлар ишлаб чиқаришдан кўра кўпроқ ахборот ишлаб чиқаришга таянади. Бу концепция тарафдорлари фикрига кўра, бизнинг бутунги жамиятимизда бундан икки аср аввал

саноатлашув бошланаётган даврдагидек, чуқур ижтимоий ўзгаришлар юз бермоқда.

Ритуал (ritual) — хатти-ҳаракатларнинг формаллашган типи бўлиб, унда муайян гуруҳ ёки бирликка аъзо бўлган одамлар мунтазам иштирок этишади. Дин ритуаллар бажариладиган асосий контекстлардан бири, бироқ ритуаллар бу соҳадан анча четга ҳам чиқади. Гуруҳларнинг кўпчилиги ритуал хатти-ҳаракатларнинг у ёки бу шаклиларини қўллайди.

Руҳий хасталик (mental illness) — шахс руҳий жараёнларининг бузилиши. Психиатрлар психик хасталикларнинг икки турини ажратиб кўрсатишади: неврозлар (бу енгилроқ даража, масалан, хавотирланиш, нотинчлик ҳолати) ва психозлар (оғирроқ даража бўлиб, унда индивидларнинг воқелик билан алоқаси узилиши кузатилади). Руҳий хасталикларнинг органик ўзгаришлар билан қай даражада боғлиқлиги, ва умуман, бундай ўзгаришларни касаллик ҳисоблаш мумкинми ёки йўқлиги тўғрисида мунозаралар давом этмоқда.

Сабабият (causation) — бир омил ёки ўзгарувчанликнинг бошқасига таъсири. Сабаб-оқибат муносабатлари бир ҳодиса ёки ҳолат бошқаси томонидан келтириб чиқарилганда майдонга келади. Социологияда сабабий омиллар индивид хатти-ҳаракатлари асосида ётган ҳодисалар, шунингдек, бундай хулқ-атвори белгилайдиган кўплаб ташқи омилларни қамраб олади.

Секуляризация (secularization) — жамият ҳаётига диний таъсирнинг камайиб бориш жараёни. Ҳозирги жамиятлар борган сари кўпроқ даражада секулярлашиб бораётганига қарамасдан, бу жараённинг кўламини аниқлаш жуда қийин. Секулярлашув даражасини диний уюшмалар миқдорига қараб (масалан, черковлар сонига), уларнинг ижтимоий ва моддий қудрати даражасига қараб ва диндор одамларнинг миқдорига қараб аниқлаш мумкин.

Сеҳргарлик — муайян мақсадларга эришиш учун руҳий ёки ғайритабiiий ҳодисаларга таъсир ўтказиш мақсадида бажариладиган маросимлар. Кўпчилик жамиятларда сеҳргарлик ва дин ўртасида зиддиятлар мавжуд. Динга қарама-қарши равишда сеҳргарлик кўпроқ сеҳргар ёки шомон томонидан бажариладиган “индивидуал” фаолият хусусиятига эга.

Сиёсат (politics) — ҳокимият ҳукумат фаолияти мазмуни ва моҳиятига таъсир ўтказиш учун қўллайдиган воситалар. Сиёсат соҳаси фақатгина бевосита идора қилиш фаолиятини бажарадиганларнинггина эмас, балки жуда кўп бошқа гуруҳ ва индивидлар хатти-ҳаракатларини ҳам қамраб олади. Бошқарув аппаратига кирмайдиган одамларнинг сиёсатга таъсир ўтказишига имкон яратувчи турли усуллар мавжуд.

Синф (class) — бу тушунча социологияда энг кўп қўлланиладиган тушунчалардан бири бўлишига қарамай, қандай қилиб уни яхшироқ таърифлаш мумкинлиги ҳақида яхлит тушунча йўқ. Кўпчилик социологлар бу атамадан турли индивидлар ўртасидаги, уларнинг моддий аҳволи ва ҳукмдорлик даражасидаги фарқларга олиб келадиган тафовутларни ифодалаш учун фойдаланадилар.

Социология (sociology) — инсоний гуруҳлар ва жамиятларни ўрганувчи фан. Бунда саноатлашган дунёда юз бераётган жараёнларни таҳлил қилишга алоҳида урғу беради. Социология — антропология, эко-

номика, сиёсатшунослик ва ижтимоий география ҳам кирадиган ижтимоий фанлар гуруҳига мансуб. Санаб ўтилган ижтимоий фанлар ўртасида аниқ чегаралар йўқ. Улар ўртасида умумий усуллар, тадқиқотлар ва тушунчалар мавжуд.

Статус (status) — муайян индивидлар гуруҳининг жамиятдаги бошқа аъзоларга нисбатан кўпроқ эътирофга ёки престижга эга бўлиш даражаси. Статус гуруҳлари одатда, яшаш стиллари — шу гуруҳга мансуб индивидлар учун хос бўлган хулқ-атвор усуллари билан фарқланади. Статус имтиёзлари ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Масалан, “парийлар” статус гуруҳига аҳолининг кўпчилиги нафрат билан ва менсимасдан муносабатда бўлади.

Сунъий муҳит (created environment) — инсон технологиялар ёрдамида яратган моддий дунё жиҳатлари. Сунъий муҳит ўз таркибига инсоннинг эҳтиёжларини қондириш учун яратган конструкциялар, масалан, автомобиль ва темир йўллари, фабрикалар, офислар, турар жойлар ва бошқа биноларни қамраб олади.

Ташкилот (organization) — ҳокимият муносабатларининг алоҳида туркумига жалб этилган индивидларнинг катта гуруҳи. Саноатлашган жамиятларда индивид ҳаётига турлича таъсир ўтказадиган ташкилотларнинг кўпгина типлари мавжуд. Барча ташкилотлар ҳам бюрократик бўлмаса-да, ташкилот ривожланиши ва бюрократик тамойилларнинг мавжудлиги ўртасида аниқ боғлиқлик кўзга ташланади.

Таълим (education) — билимларни бир авлоддан иккинчисига бевосита ўқитиш орқали узатиш. Таълим жараёнлари барча жамиятларда мавжуд бўлса ҳам, фақатгина ҳозирги даврда у оммавий тус олди — ўқитиш муайян муҳитда олиб борилади, индивидлар бир неча йил шу муҳитда таҳсил оладилар.

Туғилишнинг умумий даражаси (crude birth-rate) — аҳоли ўртасида йил давомида туғилиш миқдорини ифодалайдиган статистик кўрсаткич. Туғилишнинг умумий даражаси одатда минг кишига йил давомида тўғри келадиган туғилишлар сонидан чиқарилади. Бу усул жуда кўп мақсадларда фойдаланилади, бироқ у ўртача олинган рақам бўлгани учун, туғилишдаги ўзига хос хусусиятларни, масалан ёш тоифаларига қараб туғилиш даражасини акс эттирмайди.

Тўқнашув — икки ёки ундан ортиқ индивиднинг «юзма-юз» вази-ятда учрашуви. Бизнинг кундалик ҳаётимизни тўқнашувлар қатор юз берадиган ҳодиса сифатида олиб қараш мумкин. Ҳозирги жамиятларда тўқнашувларнинг кўпчилиги нотаниш одамлар билан юз беради.

Урбанизм (urbanism) — Луи Вирт томонидан шаҳардаги ижтимоий ҳаётнинг ўзига хос хусусиятларини, масалан қиёфасизликни ифодалаш учун киритилган атама.

Урушнинг саноатлашуви (industrialization of war) — қуролланиш соҳасида, шунингдек қуролли кучларни «ҳарбий машина» сифатида ташкил қилишда саноат ишлаб чиқариши усуллари қўллаш. Урушнинг саноатлашуви ҳозирги жамиятларнинг худди тинч мақсадларда ривожланаётган саноат сингари муҳим соҳаси. Урушнинг саноатлашуви йигирманчи асрда ялпи (total) урушнинг пайдо бўлиши, унда миллионлаб солдатларнинг ҳарбий ҳаракатларга жалб этилиши, иқтисодиёт эса уруш эҳтиёжларига тўлалигича қайта йўналтирилиши билан боғлиқ.

Фан (science) — табиий фанлар — ўз ичига эмпирик маълумотларни, бу маълумотларни талқин қилиш ва тушунтириш учун қўлланиладиган назария ва ёндошувларни қамраб олади. Илмий фаолият ностандарт ижодий тафаккур ҳамда фараз ва гоёларни батафсил текширишнинг бирикишидан ҳосил бўлади. Фанни бошқа типдаги тафаккур фаолияти турларидан ажратиб турадиган ўзига хос хусусият илмий гоёларни муҳокама қилиш ва қайта кўриб чиқиш учун илмий ҳамжамиятта тўла очиқдир.

Феминизм (feminism) — аёлларнинг турмушдаги барча соҳаларда тенглигини ҳимоя қилишга қаратилган ҳаракат. Феминизм Европада 18-аср охирида майдонга келган. Ҳозирги кунда дунёнинг кўп мамлакатларида феминистик ташкилотлар мавжуд.

Фертилик (fertility) — туғиш ёшидаги аёлларнинг тирик туғилган болаларининг ўртача миқдори. Фертилик мазкур популяциядаги аёл туғиши мумкин бўлган болаларнинг потенциал миқдорини ифодаловчи биологик серпуштликдан фарқ қилади. Фертилик ҳеч қачон биологик серпуштлик билан тўла мос келмайди.

Формал муносабатлар (formal relations) — гуруҳ ва ташкилотларда «расмий» ҳокимият тизими меъёр ва қоидаларига мос равишда ўрнатилган муносабатлар.

Хурофот (prejudice) — индивид ёки гуруҳ тўғрисидаги ноҳолис тасаввур. Ҳатто янги маълумотлар пайдо бўлганда ҳам, бундай тасаввурни ўзгартириш жуда қийин. Хурофот ижобий ёки салбий бўлиши мумкин.

Этник мансублик (ethnicity) — муайян гуруҳ аъзоларига хос бўлган ва уларни бошқалардан ажратиб турадиган маданий меъёрлар ва қадриятлар. Этник гуруҳ — аъзолари ўзларини бошқа гуруҳ аъзоларидан ажратиб турадиган умумий маданий идентликни англайдиган бирлик. Амалда барча жамиятларда этник тафовутлар моддий турмуш даражаси ва ҳокимиятга эгалликдаги тафовутлар билан боғлиқ, этник ўзига хосликлар ирқий хусусиятлар билан қўшилиб кетган бўлса, бу тафовутлар кўзга яна ҳам яққолроқ ташланади.

Ўз-ўзини англаш (self-consciousness) — индивиднинг ўзини одам сифатида бошқалардан ажралиб турадиган ижтимоий идентлигини англаши. Инсон туғилишдан ўз-ўзини англай олмайди, бу хусусият ижтимоийлашувнинг дастлабки босқичларида шаклланади. Тилни эгаллаш боладаги ўз-ўзини англаш жараёнларининг шаклланиши учун жуда муҳим.

Ўлимнинг умумий даражаси (crude death-rate) — аҳоли орасида ҳар йил юз берадиган ўлим миқдорини ифодаловчи статистик кўрсаткич. Ўлимнинг умумий даражаси одатда ҳар йили ҳар минг кишига тўғри келадиган ўлим миқдоридан чиқарилади. Бу кўрсаткич гуруҳ ёки жамият учун хос бўлган ўлим даражасини ифодалайди. Шунинг учун уни қўллаш мумкин бўлган соҳалар чекланган. Унда, айтайлик, ёшга қараб ўлим миқдорининг тақсимланиши ҳисобга олинмайди.

Қадриятлар (values) — индивид ёки гуруҳларнинг нима яхши ва нима ёмон, нима маъқул ва нима маъқул эмаслиги тўғрисидаги тасаввурлари. Қадриятлар орасидаги тафовутлар маданиятларни тушуниш учун калит ҳисобланади. Индивид қадриятларига мазкур маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари кучли таъсир ўткази.

Қариндошлик муносабатлари (kinship) — индивидларни қондошлик, никоҳ ёки фарзандликка олиш ришталари билан боғлаб турувчи муносабатлар. Қариндошлик алоқалари, номланишда ҳам ифодаланганидек, никоҳ ва оила муносабатларини ўз ичига олади, лекин амалда унинг қўлами бу билангина чекланмайди. Ҳозирги жамиятларнинг кўпчилигида қариндошлик алоқалари билан боғлиқ ижтимоий мажбуриятларнинг баъзилари бевосита оила институти доирасидан четга чиқади, бошқа кўпчилик жамиятларда эса қариндошлик ижтимоий ҳаётнинг кўп соҳаларида катта аҳамиятга эга.

Қонуний ҳокимият (authority) — бир индивид ёки гуруҳнинг бошқалар устидан қонунлаштирилган ҳукмронлиги. Қонунийлик элементи қонуний ҳокимиятни ҳокимиятнинг умумий концепциясидан ажратиб туради. Ҳокимият куч ишлатиш йўли билан ҳам қўлга киритилиши мумкин. Қонуний ҳокимият эса тобе одамларнинг улардан юқори турган, буйруқ ва топшириқлар бериш имтиёзига эга бўлганларнинг ҳуқуқларини эътироф этишга боғлиқ.

Ҳарбий бошқарув (military rule) — сайланган расмий шахсларнинг эмас, ҳарбий етакчиларнинг бошқаруви. 20-асрда кўп мамлакатларда ҳарбий бошқарув мавжуд эди. Ҳарбий бошқарувнинг бир неча типлари бор: баъзи ҳолларда бошқарувни ҳарбийларнинг ўзлари, бошқаларида эса ҳарбий ҳокимият томонидан тайинланган ва ҳарбийларга бевосита тобе бўлган амалдорлар амалга оширадилар.

Ҳокимият (power) — алоҳида индивидлар ёки гуруҳ аъзоларининг муайян мақсадларга эришиш ва манфаатларини рўёбга чиқариш лаёқати. Ҳокимият — ҳар қандай инсоний муносабатларнинг ажралмас қисми. Жамиятдаги кўпгина низолар ҳокимият учун кураш туфайли келиб чиқади, чунки индивид ёки гуруҳларнинг қанчалик ҳокимиятга эга эканлиги уларнинг манфаатларини шунчалик рўёбга чиқариш учун имкон яратади.

Энг муҳим атамалар

Автократик ҳарбий бошқарув — ўз қўлида бутун ҳокимиятни жамлаган ҳарбий етакчининг идора қилиши.

Автоматлаштириш — одамнинг минимал иштирокида ишлаб чиқариш жараёнининг машиналар томонидан бошқарилиши ва назорат қилиниши.

Авторитар шахс — ўз таркибига ригидлик, дунёқарашдаги муросасизлик ва турли нуқтаи назарларни қабул қилишга лаёқатсизликни қамраб оладиган шахсият тавсифлари йиғиндиси.

Агробизнес — қишлоқ хўжалик маҳсулотларини механизацияга таяниб оммавий ишлаб чиқариш.

Адаптация — биологик организмнинг муайян шароитда яшашга мослашиш қобилияти.

Альтерация ҳаракати — индивидуал хулқ-атвор ва онгни ўзгартириш мақсад қилиб қўйилган ҳаракат.

Амалдорлар — йирик ташкилотларда расмий лавозимларни эгаллаб турган одамлар.

Англоланган ҳаракатлар — одамнинг муайян сабаб туфайли ва англоланган мақсадларга эришиш учун бажараётган ҳаракатлари. Инсон ҳаракатларининг кўпчилиги онгли тарзда бажарилади, шу сифат инсон фаолиятини табиатдаги воқеа ва ҳодисалардан ажратиб туради.

Андрогенитал синдром — индивидда эркак гениталияси бўлгани ҳолда, аёл гормонал тузилмасига эга бўлиши туфайли юз берадиган эндокрин бузилишлар.

Анимизм — дунёдаги ҳодисаларни руҳий моҳиятлар бошқаришига эътиқод қилиш.

Аномия — бу тушунча социологияга Дюркгейм томонидан киритилган. У ижтимоий меъёрлар индивид хулқ-атворини белгилай олмайдиган вазиятни англатади.

Антропология — анъанавий маданиятлар ва инсон эволюциясига оид масалаларни тадқиқ қилувчи ижтимоий фан бўлиб, у социология фани билан узвий боғлиқдир.

Анъанавий давлат — ишлаб чиқариш негизини деҳқончилик ва чорвачилик ташкил қиладиган давлатлар. Анъанавий давлатлар «илк тамаддунлар» номи билан ҳам юртилади.

Апартгэйд — Жанубий Африкада вужудга келган ирқий сегрегация тизими. Ҳозирги кунда йўқ қилинган.

Ассимиляция — озчиликнинг кўпчик аҳоли ичига сингишиб кетиши, бунда озчилик аҳоли ҳукмрон маданият меъёрлари ва қадриятларини қабул қилади.

Атроф-муҳит экологияси — ҳозирги замон саноати ва технология-

лар таҳдиди олдида табиий муҳит яхлитлигини сақлаб қолиш муаммоси билан боғлиқ билимлар мажмуи, фан.

Ахборот технологияси — негизда ахборот жараёнларидан ва микросхемалардан фойдаланилаётган технология турлари.

Ақлий ривожланиш коэффициенти — мантиқий қобилиятларни синашда тўпланган баллар йиғиндиси.

Банда — индивидларнинг норасмий бирлашмаси бўлиб, унинг аъзолари қонун доирасидан четга чиқадиган хатти-ҳаракатларни бажариш учун мунтазам учрашиб турадилар.

Билиш — тасаввур, тушунтириш ва эслаб қолишни қамраб оладиган тафаккур жараёни.

Биографик усул — индивид ҳаёт йўлини унинг ўз ёзувлари, масалан, хатлари асосида ўрганиш.

Биологик серпушглик — биологик жиҳатдан бир аёл она бўлиши мумкин бўлган болалар миқдори.

Биринчи дунё — капиталистик ишлаб чиқариш асосида ривожланган иқтисодиётга эга бўлган давлатлар гуруҳи.

Бирламчи гуруҳ — бир-бирлари билан шахсий муносабатларда бўлган индивидлар гуруҳи.

Бирламчи меҳнат бозори — доимий иш ва яхши меҳнат шароитларига эга бўлган индивидлар гуруҳининг иқтисодий аҳволини ифодалаш учун қўлланиладиган атама.

Бирламчи сектор — ҳозирги иқтисодиётнинг табиий захираларни топиш ва йиғиш билан боғлиқ бўлган қисми, «қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши» ҳам шу қисм ичига киради.

Бойлик — индивид ёки гуруҳга тааллуқли бўлган пул ёки мулк.

Бошқарув капитализми — корхоналарни уларнинг эгалари эмас, менежерлар бошқарадиган ҳолат.

Бюрократия — аниқ ҳокимият иерархиясига, амалдорлар хулқ-атворини белгилаб берадиган кўрсатма ва йўриқномаларга эга бўлган ташкилот типи, амалдорлар штати.

Вақт географияси — инсон хулқ-атворини ўрганишга швед географи Торстрен Хагерстренд таклиф қилган ёндошув бўлиб, индивидларнинг силжиши айти пайтда маконда ва замонда юз беради, деб таъкидлайди.

Вертикал интеграция — трансмиллий компанияларнинг халқаро фаолиятини марказлашган ҳолда мувофиқлаштириш.

Вертикал мобиллик — ижтимоий стратификация тизими иерархиясида юқорига ва пастга қараб силжиш.

Ворислик — экология соҳасига оид атама бўлиб, муайян муҳитда кенг тарқалган турнинг бошқа турлар билан алмаштирилишини билдиради.

Геоцентрик трансмиллий корпорациялар — трансмиллий компаниялар бўлиб, уларнинг маъмурий тузилмалари алоҳида мамлакатларда эмас, балки глобал ҳолда тузилган бўлади.

Гетеросексуаллик — индивиднинг сексуал хулқи ва туйғуларининг қарама-қарши жинс вакилларига йўналтирган бўлиши.

Гомосексуаллик — индивиднинг сексуал хулқи ва туйғулари ўз жинс вакилларига йўналтирилган бўлиши.

Горизантал мобиллик — индивидларнинг мамлакат ичкарисидаги бир минтақадан иккинчисига ёки бир мамлакатдан бошқа мамлакатга ўтиши.

Гуруҳ ишлаб чиқариши — якка шахс эмас, кичик гуруҳлар қатнашадиган ишлаб чиқариш.

Давлат соғлиқни сақлаш тизими — жамиятдаги ҳар бир фуқаро учун очиқ бўлган ва давлат томонидан субсидия бериладиган соғлиқни сақлаш хизматлари.

Давлат тўнтариши — ҳокимиятни қурол ёрдамида эгаллаб олиш. Инқилобдан фарқли равишда унда кенг халқ оммаси иштирок этмайди.

Давлатчилик жамияти — расмий аппаратга эга бўлган жамият.

Даврий моногамия — индивиднинг бирнеча никоҳдан кетма-кет ўтишига ижозат берилади, лекин у айна пайтда фақат бир никоҳда бўлиши мумкин.

Даромад — лавозим иш ҳақи, маош ёки инвестициялар билан боғлиқ пул киримлари.

Деҳқонлар — ерга анъанавий қишлоқ хўжалик усуллари ёрдамида ишлов бериб, маҳсулот етиштирадиган одамлар.

Декарперация — одамларнинг руҳий шифохона ва қамоқхоналардан озод қилиниши, кейинчалик улар бошқалар — жамият орасида яшайдилар.

Демография — аҳолини ўрганиш.

Демократиянинг плюралистик назариялари — сиёсий етакчилар қўлида ҳаддан ташқари кўп ҳокимият тўпланишига тўсиқлик қиладиган, манфаат гуруҳлари орасидаги тафовутлар ва рақобатга урғу берилган назариялар.

Демократик централизм — Совет Иттифоқи ва Шарқий Европа мамлакатлари учун хос бўлган сиёсий тизим бўлиб, унда сайланувчи органлар пирамида шаклида ташкил этилади. Ҳар бир босқичда ундан юқорироқ босқич учун сайловлар ўтказилади.

Демократик элитизм — чекланган демократия назарияси бўлиб, у йирик жамиятларда демократик фаолият сиёсий етакчиларини мунтазам сайлаб туриш натижасида чекланади, деб тушунтиради.

Деноминация — динамизмни йўқотиб институционаллашган диний секта, уни тақводорлар бошқаради.

Драматургик модель — ижтимоий ўзаро таъсирларни ўрганишда театр билан боғлиқ метафоралардан фойдаланадиган ёндошув.

Дунё системасининг ядроси — саноати ривожланган етакчи мамлакатлар, жаҳон иқтисодиётида улар марказий мавқени эгаллайдилар (аввало, АҚШ, Фарбий Европа, Япония мамлакатлари)

Ёрлиқ назарияси — оғишларни ўрганишдаги ёндошув бўлиб, унда одамларнинг «оғиши» сиёсий ҳокимият томонидан муайян ёрлиқлар ёпиштириш натижасида юз беради, деб ҳисобланади.

Ёш градацияси — кўпчилик анъанавий кичик маданиятларда мав-

жуд бўлган тизим, унда бир ёш гуруҳи доирасидаги индивидлар бир ижтимоий тоифага мансуб бўлишади, бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўтайдилар.

Жаҳон тизими назарияси — алоҳида жамиятларни уларнинг глобал ижтимоий тизимдаги мавқеи нуқтаи назаридан ўрганган Эммануел Валлершгайннинг асарларида ишлаб чиқилган назарий ёндошув.

Жамоавий истеъмол — Мануел Кастелс томонидан истеъмолга киритилган тушунча бўлиб, шаҳарлардаги истеъмол жараёнлари (айтайлик, мулкни харид қилиш ёки сотиш)ни билдиради.

Жамоатчилик фикри — жорий масалаларга жамият аъзоларининг умумий қарашлари.

Зиддият — антагонистик ижтимоий тамойилларни ифодалаш учун Маркс томонидан киритилган атама.

Зўрлаш — куч ишлатиш ёки таҳдид ёрдамида индивидни жинсий алоқа қилишга мажбурлаш.

Идеал тип — воқеликда реал мавжудлиги шарт бўлмаган ижтимоий объектнинг асосий белгиларини таъкидловчи конструкция. Макс Вебер томонидан яратилган бюрократик ташкилотнинг идеал типига бунга мисол бўла олади.

Ижтимоий қайта ишлаб чиқариш — ижтимоий тузилманинг хусусиятларини вақт ўтиши билан қўллаб турадиган ёки қайта ишлаб чиқарадиган жараёнлар.

Ижтимоий ҳуқуқлар — давлат томонидан ўзининг барча фуқаролари учун кафолатланган ижтимоий таъминот ҳуқуқи (масалан, ишсизлик ёки қашшоқлик туфайли нафақа олиш ҳуқуқи).

Ижтимоий тоифа — индивидларнинг умумий хусусиятларга эга бўлган статистик гуруҳи, масалан, муайян даромад даражасига қараб белгиланган гуруҳлар.

Ижтимоий масофа — ўзаро яхши таниш бўлмаган индивидлар бир-бирлари билан мулоқотга киришганда уларни ажратиб турадиган макон даражаси.

Ижтимоий трансформация — жамиятлар ёки ижтимоий тизимлардаги ўзгаришлар жараёни.

Ижтимоий тўсиқлар — одат ва маросимлар бўлиб улар ёрдамида бир гуруҳ ўзини бошқа гуруҳлардан ажратиб олади.

Ижтимоий чекловлар — бизнинг ҳулқ-атворимизга ўзимиз мансуб бўлган гуруҳ ва ҳамжамиятлар томонидан яратилган шароитларнинг таъсир ўтказиши кўзда тутилади. Дюркгейм ижтимоий чекловларни «ижтимоий фактларнинг» ўзига хос хусусиятларидан бири деб ҳисоблаган эди.

Ижтимоийлашув агентлари — ижтимоийлашувнинг энг муҳим жараёнлари юз берадиган гуруҳлар ёки ижтимоий контекстлар.

Иҳоталанган патриархал оила — Европада XVII аср охиридан то XIX аср ўрталаригача мавжуд бўлган оиланинг ўтиш типига; унда жамоанинг ташқи олами кескин иҳоталанади ва оилада ота ҳукмронлиги асосий ўрин тутади.

Иккинчи дунё — саноатлашган жамиятлар, уларга аввало Шарқий Европадаги коммунистик жамиятлар ва Совет Иттифоқи киради.

Иккиламчи гуруҳ — бир-бирлари билан шахсан таниш бўлмаган индивидлар гуруҳи.

Иккиламчи меҳнат бозори — ишончсиз иш ўринларини ва ёмон меҳнат шароитларига эга бўлган индивидларнинг иқтисодий аҳволини тавсифлайди.

Иккиламчи сектор — иқтисодиётнинг товар ишлаб чиқариш билан боғлиқ сектори.

Иккиланиш даври — аҳоли миқдори икки баравар ўсиши учун зарур бўлган давр.

Инновацион марказ — технологик инновациялар маркази бўлгани учун гуллаб-яшнаётган шаҳар.

Инстинкт — ирсият даражасида асосланган хулқ-атворнинг алоҳида усули бўлиб, ҳар қандай турнинг ҳамма вакилларида мавжуд бўлади.

Институционал капитализм — институционал акциялаш негизига қурилган капиталистик корхона.

Интеллект — тестлар, жумладан IQ ёрдамида ўлчанадиган ақлий ривожланиш даражаси.

Интергенерацион мобиллик — ижтимоий стратификация тизимида авлоддан-авлодга қараб юқорига ёки пастга силжиш.

Инцест — яқин қариндошлар ўртасидаги жинсий алоқа, масалан, ота билан қиз ёки ака билан сингил ўртасидаги алоқалар. Инцест барча жамиятларда таъқиқланган.

Ирқ — ўхшаш жисмоний белгиларга қараб бириккан одамларнинг катта гуруҳи.

Ичкиридан кузатиш — социология ва антропологияда кенг қўлланиладиган тадқиқот усули бўлиб, гуруҳ ёки ҳамжамиятлар фаолиятида социологнинг ўзи иштирок этишини назарда тутати.

Иш ташлаш — ишчи ва ходимлар гуруҳи томонидан ўзининг нозилигини ифодалаш ёки талабларини қондириш мақсадида ишни вақтинча тўхтатиш.

Ишлаб чиқариш воситалари — жамиятдаги моддий неъматларни ишлаб чиқаришда қўлланиладиган воситалар. Уларга фақат технологиялар эмас, ишлаб чиқарувчилар орасидаги ижтимоий муносабатлар ҳам кирази.

Ишлаб чиқариш демократияси — иш ўринларида демократик иштирок этиш ёки вакиллик усуллари.

Ишлаб чиқариш кучлари — Маркс томонидан жамиятнинг иқтисодий ўсишига кўмаклашувчи омилларни ифодалаш учун қўлланган атама.

Ишчилар синфи — жисмоний меҳнат билан банд бўлган ходимлар ёки «кўк ёқаликларнинг» ижтимоий синфи.

Капитализм — бозор муносабатларига асосланган иқтисодий тизим. «Капитал» деганда фойда олиш мақсадида инвестиция қилинадиган бойлик ёки пул тушунилади. Бугун барча саноатлашган жамиятлар амалда капиталистик йўналишдаги жамиятлардан иборат: уларнинг иқтисодий тизимлари эркин тадбиркорлик ва иқтисодий рақобатга асосланади.

Капиталистлар — компаниялар, ер, акциялар, капиталга эга бўлган ва уларни фойда олиш мақсадида қўллайдиган одамлар.

Карцер ташкилот — одамлар узоқ вақтга ташқи дунёдан ажратиб қўйилган ташкилот, масалан қамоқхона, руҳий шифохона, казарма, мактаб-пансион.

Касб тизими — жамиятда ихтисослар ўртасидаги меҳнат тақсими.

Касб фаолияти — индивид доимий ишга эга бўлган ва ҳақ тўланадиган бандликнинг ҳар қандай тури.

Каста — стратификациянинг бир шакли бўлиб, унда индивид тугилиш билан унинг ижтимоий мавқеи қатъий белгилаб қўйилади, бу мавқе бутун умр давомида ўзгармайди. Турли касталарга мансуб бўлган индивидлар ўртасида никоҳлар деярли учрамайди.

Кенгайтирилган оила — қариндошларнинг иккидан ортиқ авлодидан бириктирилган, биргаликда ҳўжалик юритадиган ва бирга яшайдиган оилавий гуруҳ.

Киббуцизм — Исроил коммуналари. Уларда ишлаб чиқариш ширкат усулида ташкил қилинади, моддий фаровонлик ва даромадлар ўртасидаги тафовут минимал даражада бўлади.

Кибер макон — бир-бирдан узоқда жойлашган компьютер терминалларидаги индивидларнинг ўзаро таъсирга киришиши учун макон берадиган электрон тармоқлар.

Клан — бир оила доирасидан четга чиқмайдиган қариндошлар гуруҳи; саноатлашган жамиятлардан аввалги тизимлар учун хос.

Коммунизм — Маркс томонидан олға сурилган, Ленин томонидан ривожлантирилган, мафкура даражасига кўтарилган, Совет Иттифоқи, Шарқий Европа ва учинчи дунёдаги баъзи мамлакатларда амалга ошириш учун ҳаракат қилинган сиёсий ғоялар тизими.

Конгломератлар — турли хил товарлар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи компанияларни бирлаштирувчи корпорациялар.

Конституциявий монарх — давлат ҳукмдори, давлатни расман идора қилувчи қирол ёки қиролича; амалда реал ҳокимият бошқа сиёсий етакчилар қўлида бўлади.

Конурбанизация — ягона тугал муҳитга бириккан катта ва кичик шаҳарлар агломерацияси.

Концессия компаниялари — мустамлака ҳудудларида фаолият юритган Европа компаниялари, улар мазкур ҳудуд ёки саноат соҳасида алоҳида ҳуқуқларга эга.

Корпоративлик — аъзолари умумий қараш ва эътиқодга эга бўлган ягона гуруҳга мансублик туйғуси.

Корпорация — фирма ёки компания.

Корелляция коэффиценти — икки ўзгарувчанлик орасидаги алоқа даражасининг кўрсаткичи.

Критик (танг) вазиятлар — индивидларни мавжуд установакалар ва хулқ-атвор стеротипларига мутлоқа зид бўлган янги талабларга кўниши учун мажбур қилувчи ижтимоий ҳолатлар.

Култ — фрагментар диний уюшмалар бўлиб, уларнинг аъзолари муайян динларга эътиқод қиладилар, лекин барқарор тузилмага эга эмас.

Кутилаётган умр давомийлиги — муайян ёшдаги одамлар яна яшаши мумкин бўлган йилларнинг кутилаётган ўртача миқдори.

Латент функциялар — ижтимоий тизим аъзолари учун кутилмаган ёки мақбул бўлмаган функционал оқибатлар.

Легитимлик инқироzi — сиёсий тизимнинг ҳокимиятни сақлаб қолиш учун фуқаролар сиёсий иштироки даражасини таъминлашга лаёқатсизлиги.

Лесбиянлик — аёллар ўртасидаги гомосексуал алоқалар.

Либерал демократия — иқтисодий соҳада бозор тизими билан парламентаризм институтини бириктиришга асосланган демократия тизими.

Легитимлик — қабул қилинган сиёсий тартиб адолатли ва қонуний эканига бўлган ишонч.

Локал билимлар — алоҳида ҳамжамият ичидаги билимлар, шунингдек масъул ҳамжамиятда узоқ вақт яшаган индивидлар фаолиятининг жиҳатлари.

Маданий плюрализм — мазкур жамият доирасида бир нечта суб-маданиятларнинг тенг асосда тинч-тотув яшаши.

Маданий универсалиялар — барча инсоний маданиятлар учун хос бўлган хулқ-атвор усуллари ва қадриятлар.

Макон-вақт конверсияси — транспорт воситалари тезлигининг ошиши натижасида масофанинг «вақтдаги қисқариши» жараёнлари.

Макросегрегация — турли ирқий гуруҳларга мансуб бўлган кўп миқдордаги одамларнинг ҳудудий сегрегация қилиниши.

Макросоциология — катта кўламдаги гуруҳлар, ташкилотлар ёки ижтимоий тизимларни ўрганиш.

Мардлик — муайян маданият доирасида эркаклардан кутиладиган хулқ-атвор шакллари.

Умрнинг максимал давомийлиги — мазкур турдаги организмлар ҳаётининг максимал биологик давомийлиги.

Малакали мутахассислар — юқори даражадаги маълумот ва малака талаб қилувчи касб эгаси бўлган одамлар. Бундай малакага эга бўлган одамларнинг хулқ-атвори кўпинча касаба уюшмалари талаблари билан белгиланади.

Мальтусчилик — Томас Мальтус томонидан ривожлантирилган аҳоли динамикаси ҳақидаги доктрина, унга кўра аҳолининг ўсиши очлик, уруш сингари «табiiй чекловлар» ёрдамида тартибга солинади.

Манфаат гуруҳлари — сиёсий майдонда алоҳида манфаатларни ҳимоя қилиш мақсадида тузилган гуруҳлар бўлиб, улар кўпинча қонун чиқарувчи органлардаги вакиллар — лобиллар орқали ҳаракат қилишади.

Марксизм — Карл Маркс ғояларига асосланган дунёқараш.

Материал депривация — чақалоқлар ёки кичик ёшдаги болалар-

нинг яқин мулоқотда бўлишдан бир неча ҳафталар ёки ундан кўпроқ вақт давомида маҳрум қилиниши.

Матриархал оила — эрнинг хотин қариндошлари билан бирга яшашини тақозо қиладиган оилавий тизим.

Мегаполис — қадимги Юнонистондаги «барча шаҳарларнинг шаҳари», бугунги кунда конурбациянинг юқори даражасини ифодалаш учун қўлланилади.

Медиана — тартибга солинган диапазоннинг аниқ ўртасида жойлашган рақам, «марказий тамойилларни» ҳисоблашнинг бу усули кўпинча ўртача арифметик миқдорни ҳисоблаб чиқаришдан фойдалироқ бўлади.

Мезосегрегация — бир-бирига қўшни ҳудудлар доирасида бўлиниши кўзда тутадиган ирқий сегрегация.

Микросегрегация — кундалик турмуш тафсилотларида, масалан автобус ёки темир йўл станцияларидаги кутиш залларини ажратиб қўйишда намоён бўладиган ирқий сегрегация.

Микросоциология — инсон хулқ-атворини юзма-юз ўзаро таъсир контекстида ўрганиш.

Миллатчилик — эътиқод ва тимсоллар тизими бўлиб, муайян миллий ҳамжамият билан айнанликни ифодалайди.

Миллий давлат — ҳозирги дунё учун характерли бўлган давлатнинг алоҳида типи. Бундай давлатнинг ҳукумати муайян ҳудудда суверен ҳокимиятга эга бўлади, аҳоли эса ўзини ягона миллатнинг таркибий қисмлари, деб ҳис қиладиган фуқаролардан иборат бўлади. Миллий давлатлар, гарчи миллатчилик туйғулари муайян давлат чегаралари билан ҳар доим ҳам мос келмаса-да, миллатчиликнинг ўсиши билан узвий боғлиқ бўлади. Миллий давлатлар Европада вужудга келган ягона тизимнинг таркибий қисмлари сифатида ривожландилар, бугун эса улар бутун дунё бўйлаб тарқалган.

Минтақалашув — ижтимоий ҳаётнинг минтақавий тузилмалар ёки зоналар бўйича тақсимланиши.

Моногамия — никоҳ шакли бўлиб, унда никоҳдаги ҳар бир индивидга айна бир пайтнинг ўзида битта эр ёки битта хотин билан никоҳланишга рухсат этилади.

Монополия — саноатнинг муайян соҳасида бир фирма устунлик қиладиган вазият.

Монотеизм — яккахудолик.

Мулти чизиқли эволюция — ижтимоий эволюциянинг талқини бўлиб, турли жамиятлар учун эволюцион ривожланишнинг кўплаб йўллари мавжудлигини эътироф этади.

Мунтазам армия — у ёки бу даражада узлуксиз фаолият олиб борадиган профессионал армия.

Мураккаб код — нутқнинг алоҳида шакли бўлиб, сўзларни аниқ маъно ифодалаш учун жуда танлаб ишлатишни тақозо этади.

Мустақил ўзгарувчи — боғлиқ ўзгарувчи сифатидаги омилларга таъсир кўрсатувчи ўзгарувчанлик ёки омил.

Мустамлакачилик — давлатларнинг ўз ҳудудларидан ташқарида ҳукмронлик ўрнатиши.

Мутация — тасодифий ирсий силжишлар жараёни бўлиб, ҳайвонлар ёки ўсимликлар жисмоний белгиларига ўзгаришлар киритади. Мутацияларнинг кўпчилиги организм эволюциясини боши берк кўчага олиб киради — мутацияга учраган организмлар яшаб қолишга лаёқатсиз бўладилар. Бироқ баъзан мутациялар янги турларнинг гуллаб-яшнаши учун имкон берадиган янги белгиларни вужудга келтиради.

Мутлақ камбағаллик — яшаш учун зарур бўлган минимал ша-роитларни ҳисобга олиб белгиланган камбағаллик даражаси.

Назарий дилемма — мунозара марказида узоқ вақт турган назарий муаммо.

Назарий масалалар — кузатилаётган ҳодисаларнинг қонуниятларини тушунтиришга ҳаракат қилаётган социолог олдида пайдо бўладиган саволлар. Назарий саволларни ҳал қилиш бизга ижтимоий ҳаётнинг моҳиятини умумлаштириш имконини беради.

Назокат — мазкур жамиятда аёллардан кутиладиган ўзига хос хулқ-атвор шакллари.

Невротик — руҳий ўзгаришларнинг кучсиз шаклларидан, масалан, ҳавотирли ҳолатга тушиб, азобланаётган индивид.

Неоимпериализм — нотенг иқтисодий айрибошлаш натижасида баъзи давлатларнинг бошқа давлатлардан устунлик қилиши. Эски империялардан фарқли равишда, неоимпериализмда бир жамият иккинчиси устидан бевосита сиёсий ҳукмронлик қила олмайди.

Неолокал ҳаёт кечириш — оилавий жуфтлик эр ёки хотиннинг ота-оналаридан алоҳида жойда турмуш кечиришига асосланган оила модели.

Нисбий депривация — индивидда ўзини қиёслаётган гуруҳга нисбатан пайдо бўладиган депривация туйғуси.

Нисбий камбағаллик — мазкур жамиятдаги кўпчиликнинг ҳаёт андозасига нисбатан белгиланган камбағаллик.

Новербал мулоқот — индивидлар ўртасида нутқ ва тилдан умуман фойдаланмай, юз мимикаси, тана аъзолари ҳаракати ва ҳолати воситасида мулоқотга киришиш.

Нодавлат тузилмалар — дунё тизимида муҳим рол ўйнаётган халқаро (нодавлат) агентликлар.

Ноформал иқтисодиёт — пул муомаласининг расмий доирасидан четда бажариладиган иқтисодий операция.

Нуклеар оила — ота, она (улардан бири) ҳамда балоғатга етмаган болалардан ташкил топган оила.

Овчи ва термачилар қабилалари — одамлар овчилик, балиқчилик ва истеъмолга яроқли ўсимликларни териш билан кун кечирадиган жамият типлари.

Озчилик — мазкур жамиятда озчиликни ташкил қиладиган одамлар гуруҳи бўлиб, алоҳида маданий ёки жисмоний белгилар туфайли жамиятнинг бошқа аъзоларига нисбатан тенгсизлик ҳолатида бўлган одамлар гуруҳи.

Оилавий капитализм — тадбиркорлар оиласи корхонага эгалик қилиши ва уни бошқариши билан боғлиқ вазият.

ОИТС — орттирилган иммун танқислиги синдроми, инсоннинг иммун тизими кучсизланиши билан боғлиқ касаллик.

Оғиш субмаданияти — аъзолари жамиятдаги кўпчилик эътироф этадиган қадриятлардан фарқ қиладиган қадриятларга рия қилувчи маданият.

Олд асно — ижтимоий хатти-ҳаракатлар йиғиндиси бўлиб, унда индивидлар бошқалар учун муайян «томоша кўрсатишади».

Олигархия — ташкилот ёки жамиятда жуда озчиликнинг идора қилиши.

Олигополия — саноатнинг муайян соҳасида оз миқдордаги фирмаларнинг ҳукмронлик қилиши билан боғлиқ вазият.

Олий синф — жамиятнинг энг бой аъзоларидан ташкил топган, мерос оладиган бойликка, ўз бизнесига ёки катта миқдордаги акцияларга эгаллик қилувчилардан иборат ижтимоий синф.

Олий таълим — мактабдан кейин коллеж ёки университетларда давом этадиган таълим.

Оммавий ахборот воситалари — газета, журнал, радио, телевидение сингари катта аудиторияларга мўлжалланган коммуникация турлари.

Она томонидан меросхўрлик — мулк ёки унвонларни она томондаги аждодлардан мерос қилиб олиш.

Операцияларгача бўлган босқич — Пиаже назариясига кўра когнитив ривожланишнинг босқичларидан бири бўлиб, унда бола мантиқий фикр юритишнинг асосий турларини эгаллаб олади.

Орқа асно — олд аснодаги фаолиятдан узоқлашган ҳолат бўлиб, Ирвин Гоффман таърифича, одам ўзини унда эркин ва норасмий тутиши мумкин.

Ота томонидан меросхўрлик — мулк ёки унвонларни ота аждодларидан мерос қилиб олиш.

Ота-она оиласи — индивид туғилган оила.

Оқ ёқалилар жинояти — малакали мутахассислар ёки «оқ ёқалилар»га мансуб одамларнинг жинойи хатти-ҳаракатлари.

Пайғамбарлар — ўзларининг издошларини муқаддас матнларни талқин қилиш воситасида сафарбар этувчи диний етакчилар.

Парийлар гуруҳлари — салбий дискриминация қилинувчи мавқе туфайли азобланаётганлар гуруҳи. Бошқача айтганда, жамиятнинг бошқа аъзолари уларга «юқоридан пастга» назари билан қарайдилар. Европа тарихидаги узоқ давр мобайнида яхудийлар парийлар бўлган эди.

Партизанлик ҳаракати — ноҳукумат ҳарбий ташкилот.

Патрилокал оила — оилани ташкил қилиш тизими бўлиб, унда хотиннинг эр ота-онасидан унча узоқ бўлмаган жойда яшаши кўзда тутилади.

Пацифизм — урушларнинг ахлоқий жиҳатдан оқланиши мумкин бўлмаган ҳодиса эканига ишониш.

Пенсионерлар шаҳри — одатда қулай иқлим шароитига эга бўлган шаҳар, унга нафақага чиққан одамлар кўчиб боришади.

Периферия — жаҳон иқтисодиётида сезиларли рол ўйнамайдиган мамлакатларга тааллуқли тушунча бўлиб, бу мамлакатлар улар билан савдо алоқаларига эга бўлган «ядро» мамлакатларига қарам бўладилар.

Плоралистик жамият — бир неча этник гуруҳлар бир-биридан алоҳида яшовчи жамият.

Полиандрия — аёл бир пайтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ эрга тегиши мумкинлигини эътироф этувчи никоҳ шакли.

Полигамия — индивид айна бир пайтда бир неча шахс билан никоҳда бўлиши мумкинлиги.

Полигиния — никоҳ шакли бўлиб, унда эркак икки ёки ундан ортиқ хотинга эга бўлиши мумкин.

Политеизм — бир неча худоларга сифиниш, кўпхудолик.

Полицентрик трансмиллий корпорациялар — икки ёки ундан ортиқ етакчи маъмурий марказга эга бўлган трансмиллий корпорациялар.

Престиж — индивид ёки гуруҳнинг мавқеига асосан кўрсатиладиган ҳурмат.

Проекция — индивиднинг ўзи бошидан кечираётган туйғуларни бошқаларга ҳам хос деб билиши.

Психоанализ — Зигмунд Фрейд томонидан кашф этилган психотерапия усули. «Психоанализ» — “руҳий таҳлил” сўзи одатда Фрейд томонидан яратилган интеллектуал тизим доирасида қўлланилади.

Психопатик шахс — шахснинг алоҳида тип. Бундай индивидларда бошқа, меъёрдаги одамлар учун хос бўлган ахлоқийлик ва бошқалар учун ғамхўрлик қилиш туйғуси бўлмайди.

Рақобат — муайян ҳудудда энг яхши ўрин эгаллаш, ҳар хил турлар ўртасидаги курашни белгилаш учун экологияда қўлланиладиган тушунча.

Рационаллашув — мавҳум қоида ва процедураларга асосланган аниқ таҳлил қилиш ва ташкил қилиш усуллари. Ижтимоий ҳаётда устунлик қилиш жараёнларини белгилаш учун Вебер томонидан қўлланган тушунча.

Револуцион террор — революция етакчилари томонидан ўзлари тақлиф қилаётган сиёсий хатти-ҳаракатларни мажбуран қабул қилдириш учун зўравонлик ёки зўравонлик таҳдидидан фойдаланиш усули.

Реижтимоийлашув — шахсият ўзгаришининг бир тури бўлиб, унда етук индивид олдин қабул қилганидан фарқланувчи хатти-ҳаракат турини қабул қилади.

Репродуктив оила — индивид никоҳдан ўтганда ёки бола кўрганда вужудга келадиган оила.

Реформаторлик ҳаракати — ижтимоий ўзгаришлар амалий дастурини бажаришга йўналтирилган ижтимоий ислоҳот ҳаракати.

Ривожланиш саволлари — социологияда ижтимоий институтларнинг ўтмишдан бутунга қараб ривожланишини ўрганишда қўлланидиган саволлар тури.

Савдо шахобчалари — иқтисодий айрибошлаш жараёнида мамлакатлар ва компаниялар ўртасида вужудга келадиган алоқалар.

Саводхонлик — индивиднинг ўқиш ва ёзишни билиши.

Санкция — рағбатлантириш ёки жазолаш турлари бўлиб, улар

ёрдамида ижтимоий мақбул бўлган хулқ-атвор меъёрлари мустақкамланади.

Сафарбарлик — гуруҳни жамоавий ҳаракатларга «тайёрлаш».

Сексизм — бир жинс вакилларига муайян сифатлар ёлғондан тиркалади ёки инкор қилинади, бу ўз навбатида жинсий тенгсизликка олиб келади.

Сексуал таъқиб — бир индивиднинг бошқа индивидга нисбатан, унинг қаршилигига қарамай, номақбул жинсий ҳатги-ҳаракатлар қилиши.

Сексуал фаоллик — жинсий лаззат олишга йўналтирилган фаоллик.

Сексуаллик — одамзоднинг жинсий хулқ-атвори ва жинсий тавсифларини ифодаловчи, кенг тарқалган атама.

Секта — асосий ортодоксал йўналишдан четга чиққан диний оқим.

Семиотика — тилга оид (масалан, светофор сигналлари) бўлмаган ҳодисалар маъносини вужудга келтирадиган усулларни ўрганиш.

Сенсомотор босқич — Пиажега кўра, боланинг ташқи дунёни билишида бевосита сезиш ва ҳиссий идрок асосий омил бўлган босқич.

Сиёсий аппарат — фаолияти муайян ҳудуд доирасида мунтазам сиёсий бошқарувни таъминлашга йўналтирилган ҳукумат ташкилотлари тизими.

Сиёсий ҳуқуқлар — сиёсий ҳаётда, масалан маҳаллий ва давлат даражасидаги сайловларда иштирок этиш учун мазкур ҳамжамият фуқароларига бериладиган ҳуқуқлар.

Сиёсий партиялар — давлат ҳокимиятига эришиш ва бу ҳокимиятдан муайян дастурни бажариш учун фойдаланишни мақсад қилиб қўйган ташкилот.

Синфий онг — индивид томонидан синфий тизимни ва ўзи мансуб бўлган синфнинг англаниши.

Соат вақти — соат билан ўлчанадиган ҳамда соат, минут ва секундларда ифодаланадиган вақт. Соат ихтиро этилгунига қадар вақт табиатдаги ҳодисалар, масалан кун чиқиши ва ботишига қараб ҳисобланган.

Соғлиқни сақлаш тизими — муайян жамиятда тиббий хизматни ташкил қилиш.

Социал дарвинизм — ижтимоий эволюцияга қараш бўлиб, гуруҳлар ва жамиятлар ўртасидаги кураш тараққиёт манбаи эканини таъкидлайди.

Социализм — ҳозирги ижтимоий ишлаб чиқаришнинг жамоавий асосга эга эканини ва ижтимоий тенгликка эришиш зарурлигини таъкидлайдиган сиёсий ғоялар тизими.

Социобиология — одамлар ва ҳайвонлар хулқ-атворини биологик тамойиллар атамалари ёрдамида тушунтиришга ҳаракат қиладиган ёндошув.

Социологик тасаввур — социологик тадқиқот жараёнида ўз тахайюли ва тасаввурларини қўллаш. Социолог тасаввур кундалик одатдаги ҳодисалардан четга чиқиш ва муаммоларни ижобий ҳал қилишга кўмаклашади.

Стеротип тафаккур — қатъий, чекланган ва қотиб қолган категориялар ёрдамида фикр юритиш жараёни.

Структурализм — тилни ўрганишда вужудга келган, ижтимоий ва маданий тизимларнинг тузилмасини аниқлашга қаратилган назарий ёндошув.

Субмаданият — алоҳида гуруҳларнинг жамиятда умум эътироф этилганлардан фарқ қилувчи қадрият ва меъёрлари.

Суҳбат — кундалик ижтимоий ҳаётда сўзлашиш ёки вербал мулоқот жараёнлари.

Суррогат оналик — бола кўра олмайдиган эр-хотинлар учун бошқа аёлнинг бола туғиб бериши.

Суфражисткалар — эркаклар ва аёлларнинг сайловдаги тенг ҳуқуқлари учун курашган дастлабки хотин-қизлар ҳаракатининг иштрокчилари.

Табақа — индивидлар гуруҳлари ўртасидаги тенгсизлик, қонун томонидан мустаҳкамлаб қўйиладиган стратификация шакли.

Табақалашган уюшмалар — Эдвин Сазерленд томонидан жиноий ҳулқ-атворни талқин қилиш учун таклиф этилган ёндошув, унга кўра жиноий хатти-ҳаракатларга ўрганиш жиноий дунё вакиллари билан мулоқот орқали юз беради.

Табақалашув — органик тизимлар ёки жамиятларнинг кучайиб бораётган мураккаблик томон ривожланиши.

Тадбиркор — фирма хўжайини.

Терма (выборка) — индивид ёки ҳодисаларнинг муайян улуши бўлиб, у тадқиқот жараёнида бутун гуруҳ хусусиятларини ифодалайди.

Тарихий материализм — тарихдаги ижтимоий ўзгаришларнинг Маркс томонидан талқин қилиниши, унга кўра, ўзгаришлар жараёни аввало иқтисодий омиллар билан белгиланади.

Тарихийлик — тарихни тарихий ўзгаришлар нуқтаи назаридан тушуниш, яъни ижтимоий ўзгариш жараёнлари ҳақида ахборот олиш.

Тарихни материалистик тушуниш — Маркс томонидан яратилган тарихга қараш, унга кўра тарихий ўзгаришларни белгилашда «моддий» ёки иқтисодий омиллар ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Ташқи майдон — муайян вақт давомида дунё иқтисодиётидан четда қолган давлатлар.

Ташкилот — муайян ҳокимият муносабатлари тизимига жалб этилган одамларнинг катта гуруҳи. Саноатлашган жамиятларда ҳаётимизнинг турли жиҳатларига таъсир ўтказувчи кўллаб ташкилот турлари мавжуд. Мавжуд ташкилотларнинг ҳаммаси ҳам бюрократик эмас, бироқ ташкилотлар тараққиёти билан бюрократлашув ўртасида яқин алоқалар мавжуд.

Таълим тизими — муайян жамият доирасида таълимни таъминловчи тизим.

Тейлоризм — «илмий бошқарув» номи билан ҳам машҳур бўлган, Тейлор томонидан таклиф қилинган ғоялар тизими бўлиб, унинг моҳияти саноатда мувофиқлаштирилган содда операцияларни қўллашдан иборат.

Тенгдошлар гуруҳи — бир хил ёш ва ижтимоий мавқега эга бўлган дўстона индивидлардан ташкил топган гуруҳ.

Терроризм — нодавлат гуруҳларнинг сиёсий мақсадларга эришиш учун зўравонликдан фойдаланиши.

Технология — моддий ишлаб чиқаришда билимлардан фойдаланиш. Технология инсон фойдаланиши учун моддий воситалар (масалан машиналар, автоматлар) яратишни билдиради.

Тимсол — предмет ёки ҳодисаларни ифодалаш учун белгилардан фойдаланиш, масалан миллат ёки давлатни ифодалайдиган тимсол бўлган байроқдан фойдаланиш.

Тимсолий интеракционизм — Ж. Г. Мид томонидан таклиф қилинган, социологияда қўлланиладиган назарий ёндошув. Унда тил ва тимсолларнинг шахслараро ўзаро таъсирнинг асосий элементлари сифатидаги роли таъкидланади.

Тотал уруш — аҳолининг катта қисми бевосита ёки билвосита иштирок этадиган ҳарбий ҳаракатлар бўлиб, унда юз минг ва миллионлаб аскарлар қирилиб кетиши мумкин.

Тоталитаризм — сиёсий бошқарув шакли, унда бутун ҳокимият унинг сиёсатидан норози бўлганларни террор қилувчи, ўзининг содиқ одамларига таянувчи диктатор қўлида жамланади.

Тотемизм — муайян турдаги ҳайвонлар ёки ўсимликларга илоҳий хусусиятларни тирковчи диний эътиқод тизими.

Трансмиллий компаниялар — икки ёки undan ортиқ мамлакат ҳудудида жойлашган компаниялар.

Трансформация ҳаракати — туб ижтимоий ўзгаришлар ўтказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ижтимоий ҳаракат.

Триангуляция — алоҳида усул ёрдамида олинган натижаларга нисбатан анча ишончлироқ бўлган эмпирик маълумотлар олиш учун бир неча тадқиқот усуллари биргаликда қўллаш.

Тўда хатти-ҳаракатлари — тўдага бириккан индивидларнинг хатти-ҳаракатлари.

Уйдаги зўриқлар — оила аъзоларидан бирининг бошқаларига нисбатан бешафқат хатти-ҳаракатлари. Масалан, баъзи эркакларнинг ўз оиласидаги аёлларга нисбатан бешафқатликлари.

Умум ҳарбий мажбурият — муайян ёшдаги индивид (ёки муайян ёшдаги эркаклар) ҳарбий тайёргарлик давридан ўтишини кўзда тутувчи давлат хизмати тизими.

Умумий фаровонлик давлати — ўз фуқароларини кўп имтиёз ва ёрдам билан таъминловчи сиёсий тизим.

Ундов-реакция — беихтиёр ундовлар, масалан ҳайратланиш, роҳатланиш ёки қутилмаганликни ифодалаш.

Урбанизация — кичик ва катта шаҳарларнинг ривожланиши.

Урбанистик экология — табиатдаги организм ва ўсимликларнинг атроф-муҳитта мослашишига қийинлашган шаҳар ҳаётини ўрганишга бўлган ёндошув. Мазкур ёндошувга кўра, шаҳардаги туман ва минтақалар шаҳар аҳолисининг табиий мослашиши (адаптация) натижасида ёки индивидларнинг муайян захираларга эгалик қилиш учун рақобати натижасида шаклланади.

Учинчи дунё — саноат ишлаб чиқариши ривожланмаган мамлакатлар. Ер шари аҳолисининг кўп қисми учинчи дунё мамлакатларида яшайди.

Учламчи сектор — иқтисодийнинг хизмат кўрсатиш билан боғлиқ сектори.

Уюшган жиноятчилик — махсус гуруҳлар (ташкilotлар) томонидан амалга ошириладиган жиноий хатти-ҳаракатлар.

Фактологик саволлар — фактларни аниқлашга қаратилган (назарий ёки ахлоқий муаммоларни ҳал қилишга қаратилмаган) саволлар.

Фан — объектлар, ҳодисалар ва одамларни ўрганишда тадқиқотнинг тизимли усуллари ва батафсил мантиқий таҳлилни қўллаш.

Фараз — эмпирик тадқиқотнинг асоси сифатида олға сурилаётган гоё ёки тахмин.

Фашизм — бир ирқнинг бошқасидан устунлиги ҳақидаги тасаввурларга асосланган сиёсий гоёлар тизими ёки реал сиёсий тизим.

Феминизациянинг тестикуляр синдроми — эндокрин бузилиш бўлиб, унда одам тана тузилишига кўра — аёл, хромосомалар даражасига кўра эса — эркак бўлади.

Фоҳишалик — пул воситасида амалга ошириладиган жинсий хизматлар.

Фокуслашган тўда — хатти-ҳаракатлари умумий мақсадларга эришиш учун қаратилган одамлар тўдаси.

Фокуслашган ўзаро таъсир — умумий фаолиятга ёки бевосита суҳбатта тортилган индивидлар ўртасидаги ўзаро таъсир.

Фокуслашмаган ўзаро таъсир — бир жойда турган, лекин бир-бирлари билан бевосита мулоқотга киришмаган одамлар ўртасидаги ўзаро таъсир.

Фордизм — Генри Форд томонидан ихтиро қилинган ишлаб чиқариш тизими бўлиб, унинг моҳияти — ишлаб чиқаришда конвейер усулидан фойдаланишдир.

Формал операция босқичи — Пиаже назариясига кўра, когнитив тараққиёт босқичи бўлиб, унда бола мавҳум тушунчалар билан ишлаш ва тахминлар тузиш лаёқатига эга бўлади.

Фуқаро — сиёсий ҳамжамиятнинг фуқаролик билан боғлиқ муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган аъзоси.

Фуқаровий бепарқлик — бир жойда ва бир пайтда турган индивидларнинг бир-бирларининг борлигини шунчаки англаши, лекин дўстлик ҳам, душманлик ҳам намоийш қилмаслиги жараёнлари.

Фуқаролик ҳуқуқлари — муайян давлатнинг барча фуқаролари эга бўлган юридик ҳуқуқлар.

Фундаментализм — қадимги диний матнларнинг айнан мазмунига эътиқод қилишни рағбатлантирувчи гоё, йўналиш.

Функционализм — ижтимоий ҳодисаларни уларнинг функциялари, яъни ижтимоий жараёнларга таъсири нуқтаи назаридан тушунтириш энг яхши ёндошув экани ҳақидаги тасаввурга асосланадиган назарий йўналиш.

Халқаро меҳнат тақсимооти — глобал бозорларда савдо қилаётган мамлакат ва минтақаларнинг ўзаро боғлиқлигини ифодалайди.

Хизмат кўрсатиш саноати — товар ишлаб чиқариш эмас, кўпроқ хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган индустрия, масалан, туризм.

Хусусий соғлиқни сақлаш муассасалари — тиббий хизмат кўрса-

тиш муассасалари бўлиб, улардан фақат шу хизматга тўла ҳақ тўлай оладиган одамлар фойдаланишади.

Чақалоқлар ўлими даражаси — мингта тирик туғилган чақалоққа нисбатан бир ёшга тўлмай вафот этган гўдаклар миқдори.

Чекланган код — мазкур маданият доирасида бир хил тушунилишга асосланган нутқ усули. Чекланган коддан фойдаланганда кўпчилик гоё ва фикрларни сўзлар ёрдамида ифодалашга эҳтиёж бўлмайди.

Чекланган уруш — аҳолининг нисбатан озчилик қисми жалб этилган ҳарбий ҳаракатлар бўлиб, улар асосан аскарлар иштирокида олиб борилади.

Черков — муайян диний уюшма доирасидаги одамларнинг катта гуруҳи. Мазкур тушунча диний маросимлар бажариладиган жойни ифодалашда ҳам қўлланилади.

Шаҳар — штаб-квартира — халқаро меҳнат тақсимоотида мувофиқлаштирувчи ролини бажарувчи шаҳар, дунё молия ва савдо тизимининг штаб-квартираси.

Шаҳар захираларидан иккиламчи фойдаланиш — нураб қолган биноларини таъмирлаш ва янгиларини қуриш йўли билан эски туманларни ободонлаштириш жараёни.

Шахсий майдон — бир-бирларини яқиндан танийдиган одамлар орасида сақланиб турадиган масофа.

Шизофрения — психик хасталикнинг жиддий шакли бўлиб, унда индивид воқеликни англаш туйғусини йўқотган бўлади.

Шомон — атрофидагиларнинг фикрига кўра, алоҳида илоҳий кучга эга бўлган, сеҳргарлик қилаоладиган одам.

Эволюция — биологик организмларнинг атроф-муҳит шароитига мослашиш йўли билан ривожланиши.

Эгоцентризм — Пиаже фикрига кўра, ҳаётнинг илк йилларида боланинг алоҳида дунёқараши. Эгоцентрик тафаккур объект ва ҳодисаларни боланинг фақат ўз ёшига яраша атамалар ёрдамида ифодалаш сифатида қаралади.

Эдип комплекси — Фрейд фикрига кўра, индивиднинг илк психологик ривожланиш босқичи бўлиб, унда бола онасига нисбатан кучли севги ҳиссини, отасига нисбатан эса нафрат ҳиссини кўнгилдан кечиради. Фрейд фикрича, Эдип комплексини бартараф қилиш бола ривождаги муҳим чегара бўлиб, унинг мустақил шахс эканини аңлатади.

Эйжизм — кекса ёшдаги одамларга нисбатан дискриминация ёки хурофий фикр.

Экзогамия — индивиднинг ўзи мансуб бўлган уруғдаги аёлга уйла-ниши ёки эркакка турмушга чиқишини тақиқловчи тизим.

Экологик ёндошув — урбанизмни таҳлил қилишдаги ёндошувлардан бири бўлиб, шаҳар туманларининг жойлашишидаги «табiiий» хусусиятларини, жумладан кескин фарқланувчи сифатларни ҳам ўз ичига олади.

Эксперимент — тадқиқот усули, унда ўзгарувчанлик тўла ва мунтазам назорат остида тадқиқотчи томонидан яратилган сунъий шароитда ёки табиий ҳолатда ўрганилади.

Эмоционал индивидуализм — романтик туйғуларни яшашнинг асо-

си деб қараш. Масалан, оилавий турмушдаги эмоционал индивидуализм.

Эмпирик тадқиқотлар — социологиянинг ҳар бир соҳасида ўтказиладиган фактологик тадқиқотлар.

Эндогамия — индивиднинг фақат ўзи мансуб бўлган уруғдаги аёлга уйланиши ёки эркакка турмушга чиқишини тақозо қиладиган тизим.

«Эритиш қозони» — этник тафовутлар аралашиб янги хулқ-атвор қоидаларини яратиши мумкинлиги ҳақидаги ғоя ифодаси.

Этник динлар — ғайритабиий кучларга эмас, балки «буюк муаллим» (масалан Будда ёки Конфуций)нинг ахлоқий даъватига асосланган динлар.

Этнометодология — одамларнинг кундалик ижтимоий ўзаро таъсир доирасида бажарган ҳаракатлари ёки айтган сўзларига қандай маъно беришларини ўрганиш. Этнометодология ўзаро таъсир жараёнида одамлар бир-бирларига маъно узатишларининг «этнометодларини» ўрганади.

Этноцентризм — бошқа маданиятлар ғоялари ва амалиётини ўз маданиятининг атамалари ёрдамида идрок қилиш. Этноцентриқ ҳукмлар бошқа маданиятларни адолатли баҳолаш имконини бермайди. Этноцентрист одам бошқа маданиятларни уларнинг ўз тушунчалари доирасида идрок қилишни хоҳламайдиган ёки бунга лаёқатсиз шахс.

Этноцентриқ трансмиллий корпорациялар — бошқарув бевосита асосий компания штаб-квартирасида амалга ошириладиган трансмиллий компаниялар.

Ялпи миллий маҳсулот — мамлакат томонидан бир йилда ишлаб чиқариладиган бойлик миқдори; кўпинча бу аҳоли жон бошига тақсимлаб ҳисобланади.

Янги индустриал мамлакатлар — кейинги икки-уч ўн йиллик давомида саноатнинг ривожланиш даражасини ўстиришда сезиларли ютуқларни қўлга киритган учинчи дунё мамлакатлари. Масалан, Гонконг ва Сингапур.

Яширин дастур — мактабда расмий дастурдан ташқари ўзлаштириладиган хулқ ёки установакалар. Яширин дастур — таълимнинг норасмий дастури бўлиб, у айтайлик, гендер тафовутларни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлади.

Ўзгариш лавҳалари — турли жамиятларда бир хил тарзда амалга ошириладиган ижтимоий ўзгаришларнинг кетма-кетлиги.

Ўзгаришларнинг диалектик талқини — қарама-қарши манфаатлар ёки гуруҳлар тўқнашувини ижтимоий трансформацияларни ҳаракатга келтирувчи куч, деб талқин қиладиган ёндошув.

Ўз-ўзини билиш — ижтимоий тадқиқотлар жараёнида одамларнинг ўз хатти-ҳаракатлари шароитлари ва вазиятларини тушуниши ва англашининг ўсиши, бу вазиятни ўзгартиришга имкон яратади.

Ўрин алмашиш — ғоя ва туйғуларни уларнинг ҳақиқий манбаидан бошқа бирор объектга кўчириш.

Ўрта синф — асосан «оқ ёқалилардан» ва қуйи бўғин бошқарувчилардан тузилган ижтимоий синф.

Ўтувчи синфлар — Маркс томонидан умрини яшаб бўлган олдинги ижтимоий формацияга хос синфларга нисбатан қўлланган атама,

улар янги синфларнинг шаклланишини секинлатади. Масалан, янги капиталистик муносабатлар шаклланаётган даврдаги деҳқонлар ва заминдорлар.

Қайта тарбиялаш учун ҳаракат — ўз олдига ҳозирги ҳолатга нисбатан яхшироқ деб ҳисобланувчи ўтмишга қайтишни мақсад қилиб қўйган ижтимоий ҳаракат.

Қарам ўзгарувчи (зависимая переменная) — бошқа омил таъсир ўтказадиган ўзгарувчанлик.

Қолдиқ меъёрларининг бузилиши — кундалик ижтимоий ўзаро таъсирнинг асосий жиҳатларини назорат қилиб турувчи мустақкам, собит меъёрларнинг бузилиши.

Қонун — социологияда: сиёсий ҳокимият томонидан белгиланган ва давлат қудрати билан қўллаб-қувватланадиган ҳуқ-атвор қойдалари.

Куйи синф — синфий пирамиданинг энг куйи қисмида жойлашган индивидлар синфи. Одатда у этник озчиликлардан ташкил топади.

Куллик — ижтимоий стратификация шакли бўлиб, бир гуруҳ одамларнинг бошқаларга мулк сифатида қарамлигини ифодалайди.

Қурбонсиз жиноят — индивиднинг жиноий деб ҳисобланадиган, лекин бевосита бошқа одамларга қарши қаратилмаган жиноий хатти-ҳаракатлари.

Қурол сотиш — ҳукумат ёки хусусий шахслар томонидан фойда олиш мақсадида қурол-яроғ сотиш.

Кўзғолон — сиёсий ҳокимиятга қарши куч ишлатиш ёки куч ишлатиш таҳдиди билан қилинган исён.

Қўшимча қиймат — Маркс назариясига кўра индивид меҳнати билан яратилган ва унинг эвазига иш берувчи томонидан ҳақ тўлангандан кейин қоладиган «қолдиқ» ёки «ортиқча» қиймат.

Ҳаётий цикллار — индивид ҳаётидаги турли босқичлар: туғилиш, ёшлик, етуклик ва кексалик мавсумлари.

Ҳаракат майдони — ижтимоий ҳаракатлар мавжуд ташкилотлар билан ўзаро таъсирга киришадиган майдон; бундай ўзаро таъсир натижасида иштирокчиларнинг қарашлари ва ғоялари кўпинча ўзгаришларга учрайди.

Ҳарбий қудрат — қуролли кучлар ва қурол-яроғ устидан назорат ўрнатиш ҳисобига қўлга киритиладиган куч.

Ҳарбийлашган тафаккур — Самуэл Хантингтон томонидан аскарларнинг типик дунёқарошига нисбатан ишлатилган тушунча.

Ҳарбий-саноат мажмуи — қурол-яроғ ишлаб чиқариш манфаатлари билан боғлиқ бўлган фирмалар ва қуролли кучлар ўртасидаги институционаллашган алоқалар.

Ҳокимиятга эга одамлар жинояти — ҳокимият ваколатларига эга бўлган одамларнинг жиноий хатти-ҳаракатлари.

Ҳужжатли тадқиқот — архив материаллари ёки расмий статистика маълумотлари сингари ҳужжатларни ўрганишга асосланган тадқиқот.

Ҳуқмрон элита — Милл талқинига кўра, ҳозирги жамиятларда ҳокимиятни бўлишиб олган одамларнинг танланган кичик гуруҳи.

Энтони Гидденс

СОЦИОЛОГИЯ

**«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2002**

Муҳаррир З. Мирзоҳакимова

Бадий муҳаррир М. Самойлов

Техник муҳаррир Д. Габдрахманова

Мусахҳиҳлар Н. Муҳамедиева, Ю. Бизаатова

Теришга берилди 21.12.2001. Босишга рухсат этилди 15.02.2002. Бичими 60x90¹/₁₆. Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма тобоғи 53,0. Нашриёт-ҳисоб тобоғи 60,1. Адади 5000 нусха. Буюртма № 2912. Баҳоси келишилган нарҳда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси,
700083, Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси,41.**